

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ҲАЁТИ

**Фан доктори, профессор РАМАЗОН АЙВАЛЛИ
Мармара Университети Илоҳиёт факультети.**



«ТҮРКИСТАН КІТАП ҮЙІ»

Алматы - Қазақстан
Қазыбек би көшесі, 90/533 үй, 2 пәтер
Сейфуллин даңғылының қиылысы
Тел.: +7 727 293 55 98

Алматы
2019

Тақдим

Аллоху таолога ҳамду сано ва берган неъматлари-ю яхшиликларига беадад шукрлар бўлсин. Унинг севгили пайғамбари, одамзотнинг ҳар томонлама энг гўзали, энг яхшиси, энг афзали бўлмиш Муҳаммад (алайҳиссалом)га, пок аҳли байтларига ва ул зотнинг муборак юзларини кўриш, фойдали сўзларини эшитиш бахтига эришиш орқали инсониятнинг энг улуғлари мартабасига кўтарилган барча Асҳобларига, уларнинг изида бўлганларга салоту салом ва эзгу дуолар бўлсин.

Тарихда **“Жоҳилият даври”** деб аталган давр бўлиб, у пайтда Арабистон яриморотида аҳоли бутпарастлик, ичкилик ва қиморга муккасидан кетганди. Бойлар, куч-қудрат эгалари доимо ҳақли саналарди. Хотин-қизлар бозорларда молдай олиб-сотилар, қиз гўдаклар тириклай кўмиб ташланарди. Нафақат Араб яримороти, балки бутун ер юзи шундай зулматга ғарқ бўлиб, Осиё, Африка ва Оврупода вазият жуда аянчли эди. Албатта бу аҳволдан норози, мутаассир бўлган ақли салим инсонлар, кам бўлса ҳам, топиларди. Улар жаноби Ҳаққа тазарру ва ниёз қилиб, зулматли даврларнинг тугагини сўраб, ёлворишарди.

Одамзотга раҳми келган Аллоху таоло, ҳар хил давр ва минтақаларда яшовчи инсонларга кўплаб пайғамбарлар юборганидек охириги набий ва расул бўлмиш Муҳаммад (алайҳиссалом)ни ҳам шу зулматни тарқатиб, зиё сочишлари учун охириги пайғамбар қилиб юборди.

Жаноби Ҳақ, раҳм-шафқат қилиб, бизларни ўша сўнгги пайғамбарга уммат айлаш орқали неъматларнинг энг аълосига эриштирди. Ул зотга тобе бўлиш, эргашиш лозимлигини очиқча уқтирди. Раббимизга ушбу улуғ неъматни туфайли қанчалар ҳамд ва шукр қилсак, кам.

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари: “Ҳар бир пайғамбар ўз даврида, ўз диёридаги қавмининг барчасидан ҳар томонлама устундир. Муҳаммад (алайҳиссалом) эса, ҳар даврда, ҳар ўлкада, яъни ер юзи яратилгандан то Қиёматгача ўтган ва келажак барча одамлардан ҳар томонлама устундирлар. Ҳеч ким, ҳеч қайси

томондан ул зотдан устувор эмас...”- деганлар.

Аллоҳу таоло ҳеч нарсани яратмасдан аввал Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг нурларини яратди. Қуръони каримда пайғамбаримизга қарата: **“Сени оламларга раҳм(-ат) қилиб юбордик”** дейилди. Ҳадиси қудсийда эса: **“Сен бўлмаганинда, сен бўлмаганинда, оламларни (махлуқотни) яратмасдим”** деб марҳамат қилинди. [Имоми Қасталоний “ал-Мавоҳибул-ладуния; имоми Раббоний “Мактуботи Раббоний”; Носируддин Рабғузий “Қисаси Рабғузий”].

Иймоннинг асл шарти – **“Ҳубби филлоҳ ва буғзи филлоҳ”**, яъни Аллоҳнинг дўстларини севиш, душманларини севмасликдир. Инсонда мана шу хислат бўлмагунча, ҳеч қайси ибодати қабул қилинмай, эгасининг юзига урилади. Шунинг учун **“Оламлар сарвари”** ни севишимиз фарз қилиниб, ул зотнинг муҳаббатларини қалбларимизга жойлаб, чиройли хулқлари билан ахлоқланишимиз буйрилди.

Ушбу муҳаббатнинг давомийлиги учун асрлардан бери пайғамбаримизнинг муборак ҳаётларини баён қилувчи асарлар ёзилиб келмоқда. Ул зотга бўлган муҳаббат қалбларимизда жўш уриши учун аҳли суннат олимларининг китобларидан узоктадқиқлар натижасида, Коинот султони – Расулulloҳ сарваримизнинг муборак ҳаётларини қаламга олишга ҳаракат қилдик.

Жаноби Ҳақ барчамизнинг қалбларимизни мухтарам пайғамбаримизга бўлган муҳаббат билан тўлдириб, бизларни Аҳли суннат олимлари кўрсатган тўғри йўлда собитқадам қилсин! Омин.

*Ҳадис илми доктори
Профессор Рамазон Айвалли*

Мундарижа

Тақдим.....	4
Икки жаҳон қуёши – МУҲАММАД “алайҳиссалом”	11
Муборак нурнинг яратилиши	12
Нурнинг пок юзлардан ўтиб келиши	13
Бобоси Абдулмутталиб (Шайба)	15
Эй Абдулмутталиб! Таййибани қаз!	17
Эй Абдулмутталиб! Назрингни бажо келтир!	19
Отаси Абдуллоҳ ғоят барно эди.....	20
Муборак “нур”нинг онага ўтиши	23
Фил воқеаси.....	23
Суюнчи.....	25
Жоҳилия даври	26
МАККАИ МУНАВВАРА ДАВРИ Дунёга ташрифлари	30
Таваллуд кечаси рўй берган ҳодисалар.....	33
Мавлуд кечаси	36
Сут онага берилиши	36
Муборак кўксининг ёрилиши	41
Муҳтарам онанинг вафоти	43
Бобоси ёнида	44
Нажронлик роҳиб.....	45
Бобосининг вафоти	45
Абу Толиб ҳимоясида	47
Роҳиб Баҳира	47
Ёшлик даври	50
Тижорат билан машғул бўлишлари.....	52
Роҳиб Настура	54
Ҳазрати Хадижага уйланишлари.....	57
Зайд бин Ҳориса	59
Каъбада ҳакамлик	61
Ташрифлари яқинлашди.....	63
Илк ваҳий.....	64
Таблиғ амрининг келиши	67
Илк мусулмонлар	68

Яқин қариндошларни даъват	74
Қуёшни ўнг қўлимга қўйсалар... ..	79
Азият, исканжа ва зулм.....	82
Абу Лаҳабнинг қўллари синсин!	84
Асҳобга қилинган исканжалар	91
Дор-ул-Арқам	97
Биринчи шаҳид	98
Абу Зарр-ил-Ғифорийнинг мусулмон бўлиши.....	100
Қаъбада очикча Қуръон тиловати	104
Туфайл бин Амрнинг мусулмон бўлиши.....	104
Бозорларда Исломга даъват	108
Мушрикларнинг Қуръони карим тинглаши	111
Холид бин Саиднинг иймон келтириши.....	117
Мусъаб бин Умайрнинг мусулмон бўлиши.....	119
Ҳабашистонга ҳижрат	119
Ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлиши.....	121
Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлиши	124
Ҳабашистонга иккинчи ҳижрат	132
Ҳузн йиллари Қамал.....	141
Ойнинг иккига бўлиниши	147
Раббим сизга ҳам ҳидоят насиб қилсин!.. ..	149
Ҳузн йили	150
Ҳазрати Ҳадижа волидамизнинг вафоти	153
Абу Жаҳл тош отолмади.....	154
Тоифликларни иймонга даъват	155
“Ла илоҳа иллаллоҳ” деб қутулинлар.....	159
Меърож.....	163
АҚАБА БАЙЪАТЛАРИ	184
Биринчи Ақаба байъати	185
Мадина Ислом билан нурланмоқда	186
Иккинчи Ақаба байъати	190
Мадинаи Мунавварага ҳижрат	194
Суроқа бин Молик	202
Суюнчи! Суюнчи! Расулulloҳ келмоқдалар!.....	205

Мадинаи мунаввара даври	
Холид бин Зайднинг уйига ташрифлари.....	209
Ансор ва муҳожирларнинг биродар тутинишлари	211
Масжиди Набий	214
Хурмо таёгининг инграши	215
Ҳазрати Ойшага уйланишлари	217
Азони Муҳаммадий	218
Асҳоби киромнинг таълими.....	220
Асҳоби суффа	221
Жибрил ҳадиси.....	224
Салмон Форисийнинг мусулмон бўлиши	228
Фаришталар тинглагани келарди	234
Абдуллоҳ бин Саломнинг мусулмон бўлиши	235
Ё Раббий! Мадинани бизга севдир.....	238
Илк ёзма шартнома	238
Эй Ҳабибим! Маҳзун бўлма!	239
Илк ҳарбий бирликлар	242
Масжиди қиблатайн.....	245
Бадр ғазоси	246
Малаклар ёрдамга келди	254
Абу Жаҳлнинг ўлдирилиши	267
Абу Лаҳабнинг ўлдирилиши.....	276
Ҳазрати Али билан ҳазрати Фотиманинг никоҳи	279
Кабб бин Ашрафнинг ўлдирилиши.....	287
Баний Қайнуко ғазоси	289
Уҳуд ғазоси.....	291
Жойингизни тарк этманг!.....	299
Ҳазрати Алининг қаҳрамонлиги	309
Ҳазрати Ҳамзанинг шаҳодати.....	313
Талха бин Убайдуллоҳнинг қаҳрамонлиги.....	315
Ҳамро-ул Асад сафари.....	329
Ражиъ воқеаси	330
Биър-и Мауна воқеаси	338
Бани Нодир ғазоси	339

Фотима бинти Асаднинг вафоти	341
Бани Мусталиқ ғазоси	343
Хандақ ғазоси	344
Бани Қурайзо ғазоси	369
Саъд бин Муъазнинг шаҳодати	374
Худайбия сулҳномаси	377
Байъат-и Ридвон	384
Мени кутқаринг, ё Расулаллоҳ!..	390
ДАЪВАТ МАКТУБЛАРИ	
Ҳукмдорларга юборилган мактублар	394
Сеҳр-жоду қилишди!..	411
Хайбарнинг фатҳи.....	413
Ҳазрати Алининг қаҳрамонлиги	420
Заҳарланган гўшт...	424
Умрат-ул-қазо сафари	427
Холид бин Валиднинг мусулмон бўлиши	433
Мута ғазоси	435
Макканинг фатҳи	449
Абу Суфённинг мусулмон бўлиши.....	452
Ҳақ келди, ботил зоил бўлди...	458
Ҳунайн ғазоси	462
Тоиф сафари	465
Табук сафари	467
Тузок.....	473
Масжид-и Дирор.....	474
Видо ҳажи	476
Видо хутбаси	478
Вафотлари	482
Абу Бакр имом бўлсин!..	490
Қабрда ҳаётликлари.....	501
Расулulloҳни кўриш.....	504
Қабри шарифларини зиёрат	509
Тавассул	518
Салавот айтишнинг фазилати.....	526
Муборак исм ва кунялари	532

Ҳиля-и Саодат	533
Ҳусни жамоллари.....	540
Юксак ахлоқи	545
Фазилатлари	557
Истиғфори	564
Шафоатлари.....	566
Муъжизалари.....	573
Муборак завжалари.....	579
Фарзандлари	585
Аҳл-и байт	587
Асҳоби киром	592
БАЪЗИ ЗАВОИД⁴⁶⁶ СУННАТЛАР	
Муборак соч ва соқоллари.....	596
Ётиш ва ухлашлари.....	597
Ўтиришлари.....	599
Еб-ичишлари	600
Уйда ва ташқаридаги ҳоллари	608
Либослари.....	614
Каъб бин Зухайрга берилган ҳирқа	619
Нажоший юборган олтин узук.....	621
Тўшаклари	623
Ҳассалари	624
Ёнларида олиб юрадиган нарсалари	625
Қилич ва найзалари	626
Ёй-қалқон ва совутлари	627
Байроқлари	628
Тулпорлари	629
Туялари	631
Хона-и саодатлари (Уйлари)	631
Вақф қилган мулклари.....	633
ИСЛОМ ДИНИ.....	634
Иймон.....	635
Ибодатлар	649
Ахлоқ.....	650
Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлиш	651

Икки жаҳон куёши – МУҲАММАД “алайҳиссалом”

Икки жаҳон куёши - Муҳаммад (алайҳиссалом), Аллоҳу таолонинг ҳабиби, севгилиси, яратилган бутун инсоният ва махлуқотнинг ҳар тарафлама энг юксаги, энг чиройлиси, гўзали ва шарафлисидирлар. Ул зот, Аллоҳу таолонинг ўзи мадҳ этган, жамики инсониятга ва жинларга пайғамбар қилиб танлаган, сўнгги ва энг юксак пайғамбаридир. Ул сарвар оламларга раҳмат қилиб юборилган бўлиб, дунёдаги жонли-жонсиз ҳамма нарса Ул зотнинг ҳурматига яратилган. Муборак исмлари **Муҳаммад** (алайҳиссалом), такрор-такрор мадҳ этилган, жуда кўп макталган деган маъноларни билдиради. **Аҳмад, Маҳмуд, Мустафо** каби бошқа муборак исмлари ҳам бор. Оталарининг исми Абдуллоҳ эди. Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳижратдан 53 йил аввал, Рабиул-аввал ойининг ўн иккиси, душанба кечаси тонгга яқин Маккаи мукаррамада дунёга келдилар. Тарихчилар милодий ҳисоб бўйича ушбу куннинг 571 йил, апрель ойининг йигирманчисига тўғри келишини қайд этганлар.

Таваллудларидан бир неча ой аввал отаси Абдуллоҳ ва олти ёшга кирганида онаси Омина вафот этдилар. Шу сабабдан пайғамбаримизга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) “**Дурри ятийм** (коинот садафида бўлган ягона, буюк ва энг қиммат инжу)” лақаби ҳам берилган. Саккиз ёшга киргунича бобоси Абдулмутталибнинг, унинг вафотидан кейин эса, амакиси Абу Толибнинг қарамоғида бўлдилар. Йигирма бешга кирганларида Хадижатул-Кубро волидамиз билан оила курдилар. Ушбу завжаларидан дунёга келган тўнғич фарзандлари исми Қосим эди. Арабларда отани, биринчи ўғилнинг отаси деб аташ одатга айланганди. Шу сабабдан пайғамбаримизни (алайҳиссалом) “**Абул-Қосим**”, яъни Қосимнинг отаси деб ҳам чақирдилар.

Қирқ ёшлигида Аллоҳу таоло тарафидан Ул зотнинг бутун инсониятга ва жинларга пайғамбар бўлганлиги хабар берилди. Шундан уч йил ўтиб, ҳаммани иймонга чақиритишни бошладилар. Эллик икки ёшида Меърож воқеаси содир бўлди. Милодий 622 йили, 53 ёшида Маккадан Мадинага ҳижрат қилдилар. Йигирма етти марта урушга кирдилар. 11 - (м. 632) йил, Рабиул-аввал

ойининг ўн иккиси, душанба куни пешиндан олдин, 63 ёшида, Мадинаи Мунавварада вафот этдилар.

Аллоҳу таоло, барча пайғамбарларга исмлари билан хитоб қилгани ҳолда, Ул зотга **“Ҳабибим (севгилим)”** дея илтифот қиларди. Жаноби Ҳақ, ояти каримада **“(Эй Муҳаммад) дарҳақиқат биз сени барча оламларга раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати – жаннатига етаклагувчи) қилиб юбордик”¹** мазмунида ва ҳадиси қудсийда ҳам **“Сен бўлмаганингда, сен бўлмаганингда эди, махлуқотни яратмасдим”²** деб марҳамат қилинади.

Ҳар бир пайғамбар, ўз замонида, ўз маконида, ўз қавмининг ҳаммасидан устун бўлган. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эса, дунё яратилган кундан то қиёматгача ҳар даврда, ҳар минтақада яшаб ўтган ва дунёга келадиган барча инсонларнинг ҳар тарафлама энг фазилатлиси, энг устунидирлар. Ҳеч ким, ҳеч қайси томондан Ул зотдан олдинда бўла олмайди. Жаноби Ҳақ, ул зотни шундай яратган.

Муборак нурнинг яратилиши

Аллоҳу таоло, ҳамма нарсадан аввал, яъни ҳеч бир нарсани яратмасидан олдин, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак нурини яратди. Тафсир ва ҳадис олимларидан кўпчилиги айтдиларки: **“Жаноби Ҳақ, ўз нуридан латиф ва йирик бир гавҳар яратиб, ундан навбатма-навбат бутун коинотни вужудга келтирди. Шу гавҳарга “Нури Муҳаммадий” дейилади. Барча руҳ ва жисмларнинг манбаи ўша гавҳардир”**.

Асҳоби киромдан Жобир бин Абдуллоҳ бир куни **“Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло ҳамма нарсадан олдин нимани яратган?”** деб сўраганида жавобан **“Ҳамма нарсадан олдин, сенинг пайғамбарингнинг, яъни менинг нурумни ўз нуридан яратди. У пайтда ҳали лавҳ, қалам, жаннат, жаҳаннам, малоика, самовот (кўклар), арз (ер юзи), қуёш, ой, инсон ва жинлар йўқ эди”** деб марҳамат қилганлар.

Одам алайҳиссаломнинг қалби ва бадани шарифи яратилганидан кейин, икки қоши орасига Нури Муҳаммадий жойланди. Одам алайҳиссаломга руҳ берилиб, жонланганида пешонасида зуҳра юлдузидек порлаган нур борлигини сезди.

1 Анбиё сураси, 21/107.

2 Суютий, “ал-Лаоли-л-маснуа”, I, 272-б; Ажлуний, “Қашф-ул-хафо”, II, 164-б.

Одам алайҳиссалом яратилганидан кейин Жаноби Ҳақ унга “**Абу Муҳаммад**”, яъни Муҳаммаднинг отаси деб хитоб қилганини илҳом билан англади ва “Эй Раббим! Нега мени Абу Муҳаммад деб чақирдинг?” дея савол берди. Шунда Аллоҳу таоло унга, “**Эй Одам! Бошингни кўтаргин!**” деди. Одам алайҳиссалом бошини кўтариб қараганида, Арши аълода севимли пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) нури билан ёзилган Аҳмад исмини кўрди ва “Эй Раббим! Бу ким эрур?” дея такрор сўради. Аллоҳу таоло “**Сенинг зурриётингдан келадиган пайғамбардир. Унинг исми кўкларда Аҳмад, ерда эса Муҳаммаддир. Агар У бўлмаганида эди, сени яратмаган бўлардим. Ерларни ва кўкларни ҳам халқ этмасдим**”³ дея марҳамат қилди.

Нурнинг пок юзлардан ўтиб келиши

Одам алайҳиссалом яратилганида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури шарифи унинг пешонасига қўйилган эди. Шу шу пешонасида нур порлай бошлади. Қуръони каримда айтилганидек бу муборак нур Одам алайҳиссаломдан этиборан соф, тоза оталар ва оналардан ўтиб, жаноби пайғамбаримизгача етиб келди. Бу ҳолни Аллоҳу таоло ояти каримада маолан: “**Сен, яъни сенинг нуринг фақат сажда этгучилардан (иймонлилардан) ўтиб, сенга интиқол қилган, етиб борган**”⁴ деб хабар берган.

Ҳадиси шарифда “Аллоҳу таоло одамзотни яратди. Мени уларнинг энг яхши қисмидан вужудга келтирди. Кейин шу қисмлардан энг яхшисини (Арабистонда) танлади. Мени ана ўшалардан вужудга келтирди. Сўнга уйлар, оилалардан энг яхшисини саралаб, мени шулардан майдонга чиқарди. Шундай экан, менинг руҳим ва жасадим, махлуқларнинг энг яхшисидир. Менинг келиб чиқишим, аждодим энг яхши одамлардир” деб марҳамат қилинган.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса “Аллоҳу таоло ҳар бир нарсани, бутун мавжудотни йўқдан бор қилди. Барчасининг орасидан одамзотни севди ва қийматли қилди; улар ичидан танлаб саралаганларини Арабистонга жойлаштирди. Арабистондаги саралар орасидан мени танлади. Менинг ҳар даврда ўз

³ Ибн Асоқир, “Тарихи Димашиқ”, VII, 437-б; Хайсамий “Мажмоъу-з-завоид”, VIII, 198-б; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, I, 85-б.

⁴ Шуаро сураси, 26/219.

замонасининг энг сара, энг мумтоз, энг яхши инсонлари вужудида бўлишимни таъминлади. Шундай экан, Арабистонда менинг яқинларимни (қариндош ва саҳобаларимни) хурмат қилганлар, уларни мен учун севадилар. Уларга душманлик қиладиганлар, менга душманлик қилган бўладилар” деб марҳамат қилинган.

Биринчи яратилган инсон Одам алайҳиссалом вужудида Муҳаммад алайҳиссаломнинг заррасини олиб юрганлиги туфайли пешонасида Мумаммад алайҳиссаломнинг нури порлаб турарди. Ўша зарра ҳазрати Ҳаввога, ундан Шис (Шит) алайҳиссаломга ва шу тариқа пок эркаклардан покиза аёлларга ҳамда иболи аёллардан тоза эркакларга ўтиб турди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури ҳам шу зарра билан бирга пешоналардан пешоналарга ўтиб юрди. Фаришталар Одам алайҳиссаломга қачон қараса, пешонасида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини кўрардилар ва шу сабабдан Унга истиғфорда бўлардилар.

Одам алайҳиссалом вафоти олдидан: “Эй болам! Пешонангда порлаб турган нур, охириги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг нуридир. Уни мўмин ва ифбатли, тоза хонимларга таслим этгин ва кейин ўғлингга ҳам шундай васият қилгин!” дея ўғли Шисга васият қилди. То Муҳаммад алайҳиссаломга етиб келгунча барча оталар ўғилларига шундай васият қилдилар. Уларнинг ҳаммаси, шу васиятни бажо келтириб, замонларининг энг асл, соф ва покиза қизларига уйландилар. Нур иймонли, пок пешоналардан ўтиб, асл соҳибига (эгасига) эришди. Расулуллоҳнинг боболаридан қайси бирининг иккита ўғли бўлса ёки бир қабила иккига ажралса, пайғамбаримизнинг нурлари энг шарафлироғи, энг хайрлироғида бўларди. Ҳар бир асрда Ул зотнинг бобоси бўлган зот, юзидаги нуридан билиниб турарди. Ул зотнинг нурини олиб юрадиган, сараланган бир қабила бор эдики, бутун асрларда ўша қабиладан бўлган бир кишининг юзи жуда чиройли, гўзал ва нузли бўларди. Юзида нур балқиган йигит тенгдошлари орасидан ажралиб турганидек қабиласи ҳам ўзга қабилалар ичра анча шарафли ва устун саналарди.⁵

Негаким, Расули акрам бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилганларки: **“Менинг боболаримнинг ҳеч бири зино қилмаган. Аллоҳу таоло мени, таййиб, яхши оталару покиза оналардан вужудга келтирди. Боболаримнинг иккита ўғли бўлса, мен**

5 Қози Иёз, “Шифои шариф”, 82-б.

доимо уларнинг энг хайрлисида, энг яхшисида бўлардим”.

Одам алайҳиссаломдан буён отадан ўғилга ўтиб келаётган нур Торухга, ундан ўғли Иброҳим алайҳиссаломга, бундан ўғли Исмоил алайҳиссаломга ўтиб, пешонасида куёшдай порлаган эди. Кейин фарзанди Аднонга, ундан Маъодга, ундан Низорга интиқол этганди. Низор туғилганида, пешонасида нурни кўрган отаси шунчалик хурсанд бўлганидан катта зиёфат беради. Ўшанда ”Шундай ўғил неъматидан олдида арзимайдиган, камгина бу зиёфат ҳам нима бўпти?” дегани учун унинг исми «арзимас, кам нарса» маъносига «Низор» бўлиб қолган эди. Кейин ўша нур яна сайрини давом эттириб, ниҳоят асл эгаси бўлмиш муҳтарам пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга етиб келади.

Сарвари олам бир ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилдилар: **“Мен Абдуллох, Абдулмутталиб, Ҳошим (Амр), Абду Маноф (Муғийра), Қусайй (Зайд), Килоб, Мурра, Каъб, Лувайй, Ғолиб, Фихр, Молик, Надр, Кинона, Ҳузайма, Мудрика (Омир), Илёс, Мудор, Низор, Маъод, Аднон ўғли Муҳаммадман. Мен мансуб бўлган катта хонадон қачонки иккига бўлинган бўлса, Аллоҳу таоло мени муҳаққақ уларнинг энг хайрлироғида қолдирарди...”**.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: **“Аллоҳу таоло, Иброҳим ўғилларидан Исмоилни танлади. Исмоил ўғилларидан Кинона ўғилларини саралади. Кинона ўғилларидан Қурайшни танлади. Қурайшдан Ҳошим ўғилларини танлади. Ҳошим ўғилларидан Абдулмутталиб ўғилларини чиқарди. Абдулмутталиб ўғилларидан эса, мени танлади”**,- деб марҳамат қилганлар.

Бобоси Абдулмутталиб (Шайба)

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Қурайш қабиласининг Ҳошим ўғиллари қисмига мансуб эдилар. Оталарининг исми Абдуллох. Абдуллохнинг отаси Шайба эди. Пайгамбаримизнинг бобоси бўлган Шайба, Мадинада туғилади. Унинг отаси Ҳошим вафот этганида Шайба ҳали бола эди. Қунлардан бир кун Мадинада тоғалари уйи олдида ўртоқлари билан ўқ отишни ўрганарди. Уларни томоша қилиб турган катталар, Шайбанинг пешонасида порлаётган нурни кўриб, ҳайратланишди ва шарафли бир зотнинг боласи эканлигини гумон қилишди. Ўқ отиш навбати Шайбага келганида, камонидан нишонга ўқ узди.

Ўқ нақ нишоннинг ўзига бориб тегди. Бола хурсанд бўлиб, “Мен Ҳошимнинг ўғлиман. Ўқим албатта нишонга тегади” деб юборди. Ана шунда кузатиб турганлар, пешонасида нури бор бола маккалик Ҳошимнинг ўғли эканлигини тушунишди. Ўша кунларда Ҳошим вафот этганди. Абду Маноф ўғилларидан бири Маккага борганида Ҳошимнинг акаси Мутталибга пешонасида нур балқиган бола ҳақида гапириб, “Мадинадаги жиянингиз Шайба жуда ақлли бола. Пешонасида ҳаммани ҳайратга соладиган нур порлайди. Шундай қийматли болани ёнингиздан айирмасангиз яхши бўлармиди?” деб фикрини билдирди. Бу хабарни эшитган Мутталиб, дарҳол Мадинага отланди ва бориб, Шайбани Маккага олиб келди. Макканинг кўчаларида ундан “Бу бола ким?” деб сўраганларга, ҳар хил гап-сўзлардан кочиб, “**қулим**” дея жавоб қиларди. Шу сабабли Шайбанинг исми, “Мутталибнинг қули” маъносига келадиган “Абдулмутталиб” га айланиб кетди.⁶

Абдулмутталиб, амакиси Мутталиб вафот қилгунча унинг уйида яшади. Абдулмутталибнинг муборак баданидан мушк ҳиди келарди. Пешонасида эса, Аллоҳу таолонинг ҳабиби - Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури порлаб, атрофига хайру-баракотлар сочарди. Макка шаҳрига ёмғир ёғмай, очарчилик бўлган вақтларда маккаликлар келиб, Абдулмутталибни етаклаб, уни Сабир тоғига чиқаришарди ва у ерда дуо ўқишини сўраб, ёлворишарди. У ҳам одамларни хафа қилмай, дуо қилиб, Аллоҳу таолодан ёмғир беришини ёлвориб сўрарди. Жаноби Ҳақ, Абдулмутталибнинг пешонасида порлаган севикли пайғамбаримиз нури баракатига дуосини қабул қилиб, мўл-кўл ёмғирлар юборарди. Шундай қилиб, Абдулмутталибнинг кундан кунга ҳурмати ва эътибори ошиб борди. Маккаликлар уни ўзларига раис этиб сайладилар. Унга қарши чиқувчилар топилмас, амрига итоат қилганлар эса, тинч-осуда ҳаёт кечирарди. Ўша давр ҳукмдорлари Абдулмутталибнинг фазилат ва буюклигини тан оларди. Фақат Эрон ҳукмдори тан олмай, очикча ва яширин душманлик қиларди.

Абдулмутталиб Ҳаниф динига мансуб, мусулмонлардан эди. Бу дин боболаридан Иброҳим алайҳиссаломнинг дини эди. Шу сабабли ҳаётида ҳеч қачон бутларга сиғинмади ва ҳатто улар ёнига ҳам яқинлашмади. Доим Каъба атрофида Аллоҳу таолога дуо ва ибодат қиларди.

⁶ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 82-б.*

Эй Абдулмутталиб! Таййибани қаз!

Бир куни туш кўради ва тушида унга бир киши: “Эй Абдулмутталиб! Тур ўрнингдан, Таййибани қазгин!” дейди-да ғойиб бўлади. Эртаси куни яна тушида: “Тур, Баррани қазгин!” деди. Учинчи куни яна ўша одам: “Тур, Мадинани қазгин!” амрини берди. Бу тушларнинг ораси узилмай қолади. Тўртинчи куни, яна ўша киши: “Эй Абдулмутталиб! Тур, Зам-зам қудугини қазигин!”, деганида Абдулмутталиб: “Зам-зам нима? Қудуқ қаерда?” деб сўради. У зот эса: “Зам-зам бир сувдирки, у ҳеч эскирмайди ва унинг тубига етиб бўлмайди. Дунёнинг тўрт тарафидан келадиган ҳожиларга кифоя қилади. Жаброил алайҳиссаломнинг қаноти билан урган жойдан чиққан булоқдир. Аллоҳу таоло, Исмоил алайҳиссалом учун яратган сувдир. У сувсизларни қондиради, очларни тўйдиради, касалларга шифо бўлади. Унинг қаердалигини ҳам айтаман, эшит. Қурбонлик қилганда ичак-човоқларни ташлайдиган ер бор. Сен ўша ерда турганингда тумшуғи қизил қарға келади. Тумшуғи билан ерни чўқилайди. Ўша қарға чўқилаган жойда чумолининг инини кўрасан. Ана ўша жой Зам-замнинг ўрни”⁷, дея жавоб қилинди.

Абдулмутталиб эрталаб Ҳорис исмли ўғлини ёнига олиб, Каъбага борди ва у ерда ҳаяжон билан қарғани кута бошлади. Бироздан сўнг тушида айтилганидек қизил тумшукли қарға шу атрофдаги чуқурга кўниб, тупрокни чўқилай бошлади. Чўқилаган жойдан чумоли ини чикди. Шундан кейин Абдулмутталиб ва ўғли Ҳорис дарҳол шу ерни қазишни бошлади. Бироз вақт қазганларидан кейин қудуқнинг оғзи кўринди. Абдулмутталиб буни кўриб: “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!”, деб қазишни давом эттирди.

Бошидан буён қудуқнинг қазилишини кузатиб турган қурайшликлар унга: “Эй Абдулмутталиб! Бу ҳаммамизнинг бобомиз Исмоилнинг қудуғи. Унда бизнинг ҳам ҳақимиз бор. Сен бизни бу ишга шерик қилишинг лозим” дедилар. Абдулмутталиб эса, қарши чиқиб, “Йўқ! Бу иш фақат менга эҳсон қилинган вазифадир” деб жавоб қайтарди. Қурайшликлар ҳам ўз навбатида унга: “Сен ёлғизсан. Биттагина ўглингдан ўзга ҳеч киминг йўқ. Бу аҳволда бизга қарши чиқа олармидинг”, дея эътироз билдирдилар. Ўшанда унинг дили оғриди. Чунки улар уни ҳеч кими йўқликда айблаётгандилар. Шунда қўлларини самога очиб, “Ё Рабби! Менга

⁷ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 2-5-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 143-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, I, 83-84-б.

ўнта ўғил эҳсон қилгин. Агар менинг шу дуомни қабул қилсанг, уларнинг бирини Каъбада қурбон қиламан”⁸ деб ёлворди.

Абдулмутталиб қазииш ишларининг натижаси хавфли тус ола бошлаганини, оқибатда қабилалар орасида қаттиқ тўқнашувлар бўлиши мумкинлигини ўйлаб қолди. Шунинг учун қазиишни тўхтатиб келишув йўлига ўтди. Масаланинг бирор ҳакам тарафидан ҳал этилишини хоҳлади. Ахири, Шомда ўтирадиган бир коҳин бу масалага чора топиши мумкин деган фикрга келишдилар. Қурайшнинг кексаларидан бир гуруҳ Шомга қараб йўлга чиқди. Йўлда чанқоқ ва иссиқдан толиққан карвон ҳаракат қила олмайдиган ҳолга келди. Бир томчи сув учун жонини ҳам берадиган вазиятда эдилар. Ягона орзулари сув бўлишига қарамай, шундай куйдирувчи чўл ўртасида сув топиш умид-имкони қолмаган эди.

Ҳамманинг умиди узилиб турган пайтда Абдулмутталиб уларга, “Келингар, келинлар! Бу ерга йиғилинлар! Сизга ҳам, уловларингизга ҳам етадиган сув топдим” дея бақирди. Чунки Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак нурини олиб юрган Абдулмутталиб, сув излаб юганида, туясининг оёғи катта бир тошга урилади ва жойидан қимирлаганида остидан сув чиқади. Ҳамма шу сувга чошиб келиб, қона-қона ичади ва баданларига жон югуради.

Абдулмутталибнинг бундай кароматини кўрган қурайшликлар: “Эй Абдулмутталиб! Сенга айтадиган ҳеч қандай эътирозимиз қолмади. Зам-зам қудуғини қазиишга орамизда энг лойиқ бўлган киши сенсан. Бу борада энди сен билан тортишмаймиз. Ҳакамга боришнинг ҳожати қолмади, ортга қайтайлик” дедилар ва Маккага қараб йўлга тушдилар. Абдулмутталиб эса, пешонасида порлаган нур хурматига Зам-зам қудуғини қазиб, сувини чиқариш шарафига ноил бўлди.⁹

Зам-зам қудуғини қазганидан кейин Абдулмутталибнинг шон-шухрати янада ошиб кетди. Орадан йиллар ўтди. Жаноби Ҳақ чексиз марҳаматлар соҳиби бўлганлигидан қудукни қазииш бошланаётганда қилинган дуони қабул қилиб, Абдулмутталибга Ҳорисдан бошқа яна ўнта ўғил, олтита қиз фарзанд эҳсон қилди. Ўғиллари Қусам, Абу Лаҳаб, Ҳажл, Муқаввим, Дирор, Зубайр, Абу Толиб, Абдуллоҳ, Ҳамза ва Аббос эди. Қизлари эса Сафийя, Отика, Умм-у Ҳоким Байзо, Барра, Умайма ва Арво эди. Абдулмутталиб болалари орасида энг кўп Абдуллоҳни яхши кўрарди. Чунки пешонасидаги нур, энди унинг юзида порлай бошлаганди.

8 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 144-145-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 88-б.; Табарий, “Торих” I, 128-б.

9 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 144-145-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 81-88-б.

Эй Абдулмутталиб! Назрингни бажо келтир!

Бир куни Абдулмутталибга тушида “Эй Абдулмутталиб! Атаганингни бажаргин!” дейилди. Эрталаб туриб, битта кўчқор қурбонлик қилди. Кечаси тушида “Ундан ҳам каттароғини қурбон қилгин!” деган амр берилди. Эрталаб битта сугир қурбонлик қилса ҳам, яна тушида “Ундан да каттасини қурбон қил” дейилганида “Ундан каттаси нима?” деб сўради. Ўшанда “Ўғилларингдан бирини қурбон қилишни атагандинг. Атаганингни бажаргин!” дейилди.

Эртаси куни Абдулмутталиб болаларини йиғиб, анча йиллар илгари қилган дуосини уларга сўзлаб берди. Кейин ўғилларидан бирини қурбон қилишга мажбур эканлигини айтди. Фарзандларидан биронтаси қаршилик кўрсатмади. Аксинча ҳаммаси “Эй отажон! Атаганингни бажаринг! Хоҳлаган биримизни қурбон қилинг!” деб ихтиёрига рози бўлдилар. Абдулмутталиб қуръа ташлаб, қурбон бўлиши керак бўлган ўғлини аниқлади. Қуръа энг ардоқлаган ўғли, пешонасида Аллоҳу таолонинг ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурини олиб юрган Абдуллоҳга чиқди. Абдулмутталиб бу ҳолатдан анча саросимага тушди, кўзлари ёшга тўлди. Бирок Аллоҳу таолога берган сўзини бажариши шарт эди. Шунинг учун ноилож бир қўлига пичоқ, иккинчи қўлига жигарпораси Абдуллоҳни қўлидан ушлаб, Раббига берган ваъдасини бажариш учун Маккага келди. Дили хун бўлган ота, Абдуллоҳни қурбон қилишга керакли тайёргарликларни тамомлади.

Қурайшнинг кексалари ҳайрат билан ҳодисани кузатиб туришарди. Ораларидан Абдуллоҳнинг тоғаси: “Эй Абдулмутталиб! Тўхтанг! Биз бу ишингизга асло рози эмасмиз. Бу ишнинг оқибати яхши бўлмайди. Чунки бугун ўғлингизни қурбон қилсангиз, кейин бу Қурайш аҳолисида одатга айланиб, ҳамма ўз ўғлини назр қилиб, сўйишга кўчади. Бундай ёмон ишни бошлаб берувчи бўлиб қолманг! Сиз, Раббингизни бошқа амал билан рози қилинг!...” деб эътироз билдирди. Шундан кейин “Бирор коҳиндан сўраб кўринг, зора бирон йўл-йўриқ кўрсатса” деб тақлиф қилди.

Абдулмутталибга тақлиф маъкул келиб, Хайбарда яшайдиган Қутба (ёки Сажоқ) исмли коҳиннинг олдида маслаҳатга кетди. Бориб унга вазиятни тушунтирди. Коҳин ундан “Сизда бир

одамнинг хуни қанча туради?” деб сўради. “Ўнта туя” деб жавоб қилди Абдулмутталиб. “Ундай бўлса, ўнта туя билан ўғлингиз орасида қуръа ташланг. Қуръа ўғлингизга чиқса, туялар сонини яна ўнтага орттириб, қайта қуръа ташланг. Қуръа туяларга тушгунча туялар сонини кўпайтириб боринг” деб маслаҳат берди коҳин.

Абдулмутталиб, зудлик билан Маккага қайтиб, коҳиннинг маслаҳати бўйича ишга киришди. Туялар сонини ортириб бориш йўли билан бир неча марта қуръа ташлади, ҳар гал қуръа Абдуллоҳга чиқаверди. Ниҳоят туялар сони юзтага етганида қуръа туяларга тушди. Тўла ишонч ҳосил қилиш учун ҳар эҳтимолга қарши икки марта қайта қуръа ташлаб текшириб кўрди. Иккаласида ҳам қуръа туяларга чиқди. Ана шундан кейин Абдулмутталиб қувончи ичига сиғмай “Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар” деб такбир келтириб, туяларни қурбон қилди. Гўштларини ўзи ва ўғилларидан ҳеч кимга бермай, ҳаммасини фақирларга тарқатди.¹⁰

Одам алайҳиссаломдан буён одамзот тарихида фақат Исмоил алайҳиссаломнинг қурбон қилиниши ҳодисаси бор эди. Жаноби пайғамбаримизнинг насаби, Исмоил алайҳиссаломга бориб тақалгани учун “**Мен, иккита қурбонликнинг ўғлиман**”¹¹ деб марҳамат қилганлар.

Отаси Абдуллоҳ ғоят барно эди

Икки жаҳон сарвари бўлмиш пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг нуруни пешонасида олиб юрган Абдуллоҳ туғилганида китоб аҳли “Маккада охир замон пайғамбарининг отаси дунёга келди” деб бир-бирларига хабар юборишган эди.

Чунки Исроил ўғилларининг қўлида Яҳё алайҳиссаломнинг жундан тўқилган чопони бўлиб, унда Яҳё пайғамбарнинг муборак қони қотиб қолган эди. Уларнинг китобларида “Қачонки шу қон янгилади, тома бошласа, охир замон пайғамбарининг отаси туғилган бўлади” деб ёзилганди. Аҳли китоб ана шу аломатни кўриб, Абдуллоҳнинг туғилганини билганди. Аммо шу билан бирга қалбларида

¹⁰ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 99-100-б.

¹¹ Ибн Исҳоқ, “*ас-Сийра*”, 38-44-б.; Ибн Ҳишом, “*ас-Сийра*”, I, 43-56-б.; Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 55-56-, 92-, 108-б.; Табарий, “*Торих*” I, 557-б.; Суҳайлий, “*Равзул-унуф*”, I, 123-б.; Шамсиддин Шомий, “*Субулу-л-Ҳудо*”, I, 216-б.

хасад уйғониб, бир неча бор Абдуллоҳни ўлдиришга уринишди. Бироқ Аллоҳу таоло Абдуллоҳнинг пешонасидаги нур баракати туфайли уни муҳофаза қилди.

Абдуллоҳ вояга етиб, кўзга ташланиб қолган чоғида, гўзал ахлоқи,

ёқимлилиги билан одамлар орасида мумтоз бир шахс шаклида гавдаланди. Узоқ-яқиндан обрўли одамлар унга қизларини бериш учун оқиб кела бошлади.

Қанчалаб ҳукмдорлар ҳам Абдулмутталибга келиб, ўғлига қизларини

беришни таклиф қилдилар ва бу учун ҳар қандай шартига рози эканликларини маълум қилдилар. Бироқ Абдулмутталиб, ҳар бирига мулойимлик билан муносиб жавоблар бериб, таклифларини вайтариб турди.

Абдуллоҳ ўн саккизга тўлганида барнолиги, бўй-басти тилларда дoston бўлди. Пешонасидаги нур яна-да ёрқин порларди. Уни кўрган қизларнинг кўнгиллари беихтиёр унга оғадиган даражага келди. Хушсуратлигининг таърифи Мисргача бориб етди. Икки юзга яқин қиз қанизақлари билан унга турмушга чиқишни таклиф қилиш мақсадида Макка теварагига келиб, чодирларини қурганди. Абдулмутталиб эса, ўғлига замонасининг кибор, аслзода, гўзал, Иброҳим алайҳиссаломдан бери ўзлари эътиқод қилган Ҳаниф динидаги қизни изларди.

Китобларида хабар берилган охир замон пайғамбари, ўз қавмларидан чиқмаслигини сезган Исроил ўғиллари, нима қилишларини билмай, ахири Абдуллоҳни ўлдиришга қарор қилди. Бу машъум режани амалга ошириш учун етмишта қуролланган кишини Маккага юборишди. Улар бу ерга келиб, фурсат пойлаб турдилар. Ниҳоят бир куни Абдуллоҳ якка тоққа чиққанида, атрофида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Абдуллоҳга хужум қилдилар. Ўша куни, Аллоҳнинг ҳикмати, Абдуллоҳнинг қариндошларидан Ваҳб бин Абди Маноф ҳам бир неча оғайнилари билан ўша тоққа овга чиққан эди. Улар тўсатдан Абдуллоҳга хужум қилаётган Исроил ўғилларини кўриб қолдилар. Қариндошлик ҳисси жўшиб, Абдуллоҳга ёрдам беришга қарор қилишди. Бироқ қаршидаги кишилар жуда кўп эди. Улар билан тўқнашса, мағлуб бўлишлари аниқ эди. Оқибатда, жанг қилишдан воз кечиб, насихат

қилмоқчи бўлдилар.

Шундай қарор билан уларга яқин борганларида бу дунё одамларга

ўхшамайдиган, қора отларга минган, қилич билан қуролланган бир гуруҳ аскарнинг яшин тезлигида пайдо бўлиб, такбир овозлари билан Исроил ўғилларига ҳужум қилиб, ҳаммасини қириб ташлаб яна кўздан ғойиб бўлганларига гувоҳ бўлдилар. Абдуллоҳнинг илоҳий қудрат билан ҳимоя қилинаётганига кўзи етган Ваҳб лол қолди ва Аллоҳу таоло олдида Абдуллоҳнинг нақадар обрў эгаси эканлигини англаб етди. Уйига келганида хотинига кўрганларини сўзлаб берди. Ана шунда улар, яъни эр-хотин, қизларининг тенги ана ўша йигит – Абдуллоҳ эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Омина исмли қизларини унга беришга қарор қилдилар.

Абдулмутталиб ҳам ўз навбатида Баний Зуҳра қабиласининг катгаси Ваҳбнинг Омина исмли бир қизи борлиги ва у қизнинг ҳусни-жамоли, гўзаллиги, ифбат-ҳаёси, динига мустаҳкамлиги ҳақида яхши хабарлар эшитган эди. Аждод тарафидан ҳам улар бир-бирларига узоқроқ қариндош эдилар, бир неча отадан кейин бирлашардилар. Шунингучун Абдулмутталиб ўшақизни Абдуллоҳга олиб беришга қарор қилди ва Ваҳбнинг уйига совчиликка борди. Ваҳбнинг уйда Абдулмутталиб, қизини Абдуллоҳга сўраганида, Ваҳб “Эй амакимнинг ўғли! Биз бу таклифни сиздан анча олдин олган эдик” деди ва ўзи гувоҳ бўлган ҳодисани Абдулмутталибга сўзлаб берди. Буларга яна шуни ҳам қўшимча қилди: “Қизимнинг онаси бир туш кўрди. Тушида уйимизга бир нур кирибди. Унинг ёғдуси бутун еру кўкни ёритиб юборибди. Мен ўзим ҳам бу кеча тушимда бобомиз Иброҳим алайҳиссаломни кўрдим. У менга: “Абдулмутталибнинг ўғли Абдуллоҳ билан сенинг қизинг Оминанинг никоҳларини мен ўқидим. Сен буни қабул қилгин!” деб тайинлади. Бугун эрталабдан буён шу тушимнинг таъсирида ўтирибман. Ажабо, совчилар қачон келишаркин деб ташвишда эдим”. Ваҳбнинг бу сўзларини эшитиб ўтирган Абдулмутталибнинг оғзидан беихтиёр: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” деган сўзлар чиқди. Ниҳоят, Абдулмутталиб ўғли Абдуллоҳни Ваҳбнинг қизи Оминага уйлантирди. Абдуллоҳ ва Оминаларнинг уйланишлари ҳақида бошқа ривоятлар ҳам мавжуд.¹²

12 *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 119-124-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, 1, 232-233-б.*

Муборак “нур”нинг онага ўтиши

Сарвари олам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимизнинг муборак нури онасига ўтган вақт курт-кумурсқалар, кушлар бир-бирларига “Коинот султонининг дунёга ташрифи яқинлашди. У ер юзининг ишончи, замонининг куёшидир” деб суюнчилар айтишди. Ўша кеча Каъбадаги барча бутлар юзтубан кулади. У пайтларда Маккаи мукаррамада қурғоқчилик ҳоким эди. Йиллар давомида ёмғир ёғмай қўйганди. Дарахтларда биронта яшил япроқ йўқ, ҳосилдан асар ҳам кўринмасди. Одамлар кийинчиликдан нима қилишларини билмайдиган оғир аҳволда эди. Севимли пайғамбаримизнинг муборак нури ҳазрати Абдуллоҳдан ҳазрати Оминага ўтганидан кейин шундай ёмғир ёғиб, шунақа ҳосилдорлик бўлдики, ўша йилни **мўл-қўлчилик** йили деб атадилар.

Омина онамиз ҳомиладор вақтида, эри Абдуллоҳ тижорат билан Шомга кетган эди. Қайтаётганида касалланди. Мадинага келиб, тоғалари Нажжор ўғиллари олдида ўн саккиз ёки йигирма беш ёшида вафот этди. Бу шум хабар Маккага етиб келганида бутун шаҳар ғам-ғуссага ғарқ бўлди.¹³ Асҳоби киромдан Абдуллоҳ ибни Аббос (радиаллоху анҳ) шундай хикоя қилган: “Жаноби пайғамбаримизнинг отаси Абдуллоҳ, ўғли дунёга келмасидан вафот қилганида малаклар “Эй Раббимиз, Расулинг етим қолди” деб йиғладилар. Шунда Аллоху таоло “**Уни ҳимояловчи ва унга ёрдам берувчи менман**” дея марҳамат қилди”.

Фил воқеаси

Расули Ақрам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимизнинг дунёга келишларига икки ойча вақт қолганди. Шу кунларда Фил воқеаси рўй берди. Одамларнинг ҳар тарафдан келиб Каъбани зиёрат қилишига тўсиқ бўлишни хоҳлаган Яман волийси Абраҳа, Византия императорининг ёрдами билан Санъа шаҳрида баҳайбат черков қурдирди. Аҳолини шу ибодатхонани зиёрат қилишга мажбурлади. Араблар қадимдан Каъбани зиёрат қилишга одатланганликлари туфайли Абраҳанинг черковига ҳеч эътибор бермадилар. Аксинча унга ҳақорат назари билан қарадилар. Ҳатто кимдир черков ичига кириб, ифлослади.

¹³ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, 1, 99-100-б.

Бу ҳодисадан аччиқланган Абраҳа Каъбани бузишга бел боғлади ва шу мақсадда катта қўшин тўплаб, Маккага юриш қилди. Абраҳанинг қўшини Маккага яқинлашиб, Қурайшнинг молларини талон қилишни бошлади ва шу аснода Абдулмутталибга тегишли икки юз туяни ҳам ҳайдаб кетди. Шу сабабдан Абдулмутталиб Абраҳага бориб, ундан туяларини қайтариб беришни сўради. Абраҳа унга: “Мен сенларнинг муқаддас Каъбаларингни йиқитишга келдим. Сен бўлса, уни ҳимоялашни ўрнига туяларингни сўрагани келдингми?” деди. Абдулмутталиб: “Мен туяларнинг эгасиман. Каъбанинг ҳам ўз эгаси бор, албатта. Уни ўз Эгаси ҳимоялайди” дея жавоб берди. Абраҳа кибрланиб: “Менга қарши уни ҳимоя қила оладиган ҳеч қандай қудрат йўқ” деб, Абдулмутталибга туяларини бериб юборди. Кейин қўшинга Маккага қараб юришни буюрди. Абраҳа қўшини олдида юрадиган, шу туфайли ғалаба қозонишга ишонадиган “Мамуд” деган фили бўларди. Абраҳа Каъбага қараб юрмоқчи бўлса, шу фил ётиб олиб, олдинга юрмасди. Ваҳоланки Яман тарафга қараб ҳайдалса, югуриб кетаверарди.

Шундай қилиб, Абраҳа базўр Маккага яқинлашса-да, унга ҳужум қилишга қодир бўлолмади. Чунки Абраҳа қўшини устига Аллоҳу таоло Абобил, яъни тоғ қалдирғочлари туркумидан бир гала қушни юборди. Қушларнинг ҳар бири нўхатдек келадиган учтадан тош олиб келганди. Тошлардан биттаси тумшугида, иккитаси панжаларида ушлаб туришарди. Ана ўша тошларни қушлар Абраҳа қўшини устига ташлади. Майда тошлар аскарларнинг бошидан кириб оёғидан тешиб чиқарди. Тошларга нишон бўлган ҳар бир аскар шу заҳоти тил тортмай ўларди. Ояти каримада ҳам айтилганидек, оқибатда қўшин худди янчилган экин япроғидек булиб қолди. Бу ҳолни кузатган Абраҳа, кўрқув ва талвасага тушиб, қочиш пайига тушди, бироқ қоча олмади. Чунки тошларнинг асл нишони у эди. Тошлардан унга ҳам бориб текканди. Қочаётганида гўштлари бурда-бурда бўлиб тўкилиб ўлди. Бу воқеа Қуръони каримнинг Фил сурасида маолан қуйидагидек таърифланган:

“(Эй Расулим!) Парвардигорингиз (Каъбани бузишни хоҳлаган) фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? У зот уларнинг (Каъбаи муаззамани вайрон қилиш учун қўллаган барча) ҳийла-найранглари барбод қилмадими? У зот уларнинг устига сополдан ясалган тошларни отувчи гала-гала қушларни юборди. Уларни қурт-қумурсқалар томонидан еб ташланган сомондек (илма-тешик) қилиб юборди.”

Суюнчи

Севимли пайғамбаримиз - Муҳаммад алайҳиссаломнинг келиши Одам алайҳиссаломдан бошлаб, ҳар бир пайғамбарга ва умматларига хабар қилиниб келинади. Шунинг учун таваллудлари яқинлашган сайин содир бўладиган ҳодисалардан уларнинг кўпчилиги севингандилар.

Мусо алайҳиссаломга нозил қилиниб, кейинчалик ўзгартирилиб, йўқотиб юборилган Тавротда келажак пайғамбар ҳақида қуйидагича ёзилганди:

“У шундай бир муборак зотки, ҳиммати жуда баланд, ёрдами ниҳоятда зиёдадир. Фақирларнинг севгилиси, бадавлатларнинг табибидир. У гўзалларнинг гўзали, соф ва покларнинг покидир. Сухбатида юмшоқ, тақсим қилганида одил, ҳар бир муомаласида тўғридир. Кофирларга қарши кескин ва қаттиққўл. Кексаларга ҳурмат, кичикларга шафқат ва раҳм қилади. Озгина нарсага шуқр қилади. Асирларга раҳмдил. Ҳамиша табассум қилади. Унинг қулиши ҳам табассумга ўхшайди. Ҳеч қаҳқаҳа отмайди. Умийдир, ҳеч нарса ўқимасидан, ёзмасидан Унга ҳамма нарса маълум қилинган. У Аллоҳу таолонинг расулидир. Унда ёмон одат йўқ, қалби юмшоқдир. Кўча-кўйда, бозор жойларида баланд овозда бақирмайди. Унинг уммати яхши ахлоқ эгалари бўлади. Баланд ерларда Аллоҳу таолонинг исмини тилга оладилар. Муаззинлари миноралардан туриб халқни ибодатга чорлайдиган бўлади. Таҳорат қилиб, намоз ўқийдилар. Намозларида сафларини тўғрилаб, бир чизикда турадиган бўладилар. Маккада дунёга келади. Мадинадан Шомгача бўлган ҳамма жой Унинг идорасида бўлади. Унинг исми Муҳаммад, Унга Мутаваккил деб исм бердим. Бузуқ динларни олиб ташлаб, тўғри бўлган ҳақ динни ёйиб ўрнатмагунча Уни дунёдан чиқармайман. У халқни Ҳаққа чақиради, Унинг баракати билан кўрмаган кўзлар очилиб, кўрадиган бўлади, эшитмаган қулоқлар эшитади. Қалблардан ғафлат кетади ...”¹⁴

Довуд алайҳиссаломга туширилган, кейинчалик йўқ қилинган Забурда: “У шундай бир кишики, қўли очикдир, яъни сахийдир. У асло аччиқланмайди. У жуда юмшоқтабиат кишидир. Ширин

14 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 38-44-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 43-56-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 55-56-, 92-, 108-б.; Табарий, “Торих” I, 557-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, I, 123-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, I, 216-б

сўз, гўзал ва нуроний юзlidir. Кишиларнинг табибидир. Кўп йиғлайди, оз кулади. Оз ухлаб, кўп ўйлайди. Яратилиши хуш ва чиройlidir. Унинг сўзлари кўнгилларни олади, рухларни жазб этади. ... Эй Ҳабибим! Ҳиммат қиличини суғуриб, бутун кувва-тинг билан қаҳрамонлик майдонида кофирлардан интиқом оласан. Чиройли ва гўзал бир тарзда менинг ҳамду саномни ҳамма жойга ёясан. Барча кофирларнинг бошлари сенинг кароматли кўлларинг олдида эгилажақдир... “ деб ёзиб қўйилганди.

Исо алайҳиссаломга нозил қилинган ва кейинчалик йўқотиб юборилган асл Инжил китобида ҳам “У кўп емайди, қизганчик эмас. Ҳийла қилмайди, ҳеч кимни ёмонламайди, ҳеч қачон шошмайди, шоширмайди. Ўзи учун ҳеч кимдан ўч-интиқом олмайди. Танбал эмас. Ҳеч кимни гийбат қилмайди...” сингари хабар берилади.

Инжилда яна қуйидагича ҳам ёзилган:

“Раб тарафидан чиқиб келадиган У Мунҳаманно, Раб тарафидан чиқиб келадиган У Рухул-қудс келганда эди, У менга гувоҳлик қиларди. Сиз ҳам шаҳодат қилган бўлардингиз. Чунки ўтмишдан бери мен билан биргасиз. Мен буларни, сизга шубҳага берилиб, адашмаслигингиз учун айтдмоқдаман”. Бу ерда тилга олинган “Мунҳаманно” сўзи Сурёний тилида Муҳаммад деганидир.¹⁵

Жоҳилия даври

Фаҳри Коинот жанобимиз туғилмасларидан аввал бутун олам маънавий жиҳатдан даҳшатли зулмат, қоронғилик қаъримга фарқ бўлган эди. Одамлар чекдан чиққан, бениҳоя тубанлашиб, бузилган, Аллоҳу таолонинг ер юзига туширган динлари унутилиб, илоҳий ҳукмларнинг ўрнини одамлар уйдирган фикрлар эгаллаб олган эди. Бутун махлуқот одамларнинг ваҳшат ва зулми остида азият чекарди.

Жаҳондаги барча миллатлар, халқларда Аллоҳ эътиқоди унутилган; хузур, саодат, севинч манбаи, булоғи бўлмиш **Тавҳид** ақидаси ерюзидан бутунлай кўтарилган эди. Куфр бўрони қалблардан иймонни суғуриб ташлаган, кўнгилларда Аллоҳу таолога ишониш ўрнига бутларга топиниш фикри, одати маҳкам

¹⁵ *Ибн Исҳоқ*, “ас-Суйра”, 119-124-б.; *Ибн Ҳишом*, “ас-Суйра”, I, 232-233-б.; *Ибн Саъд*, “ат-Табақот”, I, 360-363-б.

жойлашиб олганди.

Мусо алайҳиссалом келтирган дин унутилиб, Таврот оятлари ўзгартирилиб ташланганди. Исроил ўғиллари тинмай бир-бирларига хужум қиларди. Исо алайҳиссалом олиб келган **Насоро** дини ҳам батамом ўзгартирилган, бутунлай бузилиб, динга алоқадор ҳеч нарсаси қолмаган, ўрнига муқаддас учлик деган ғалати христианлик номли ақида ҳукмронлик қила бошлаган эди. Инжилнинг асли йўқотилган, роҳиблар (папа) уни ўз истаклари бўйича ўзгартириб олганди. Мусо ва Исо алайҳиссаломларга туширилган иккала китоб ҳам Аллоҳу таолонинг каломи деб аталишга арзима қолган эди.

Ўша вақтларда Мисрда таҳриф қилинган Таврот ҳукми, Византияда ўзгартирилган христианлик ҳоким эди. Эронда эса, ўтга сиғинувчилик ҳукмрон бўлиб, оташпараастларнинг оташи минг йиллардан буён ўчмай келаётганди. Хитойда конфуцийлик, Ҳиндистонда буддизм каби уйдирма динлар ҳукм сурарди.

Арабистондаги халқлар эса, бениҳоя бузилиб, диндан узоқлашганди. Улар Аллоҳу таоло наздида мўътабар бўлган Каъбаи муаззамага уч юз олтмишта (360) бут жойлаштирганди. Каъбаи муаззама эса, Аршда малоика зиёрат қиладиган “Байтул-Маъмур” катталигида, унинг ердаги намунаси эди. Ким Каъбага ҳурматсизлик қилса, Жаноби Ҳақ уни тез орада ҳалок қиларди.

Авваллари Маккага ҳоким бўлган Журҳум қабиласи зино ва фоҳишаликда жуда ифлосликка ботганди. Бу қабиланинг ҳаддан ташқари ҳурматсизликлари ва пасткашликларини кўрган ҳукмдорлари уларга шундай насиҳат қилган эди: “Эй Журҳумийлар! Аллоҳу таолонинг **Ҳарам** шарифининг ҳурматини сақлаб, Ҳарамнинг аҳамиятига эътибор бериб, ўзингизга келинг! Сиздан олдин яшаган Худ, Солиҳ ва Шуъайбларнинг (алайҳимуссалом) умматларидан ҳар би-рининг бошига келган ҳодисаларни, уларнинг қандай ҳалок қилинганларини биласизлар. Бир-биларингизга яхшилик қилинг, ёмонликлардан сақланинг. Ўткинчи кучларингизга ишониб алданманглар. Маккада Ҳақдан юз ўгиришдан ва зулмдан сақланинглар. Чунки зулм кишиларнинг ҳалокатга кетишига сабаб бўлади. Аллоҳу таолога қасам билан айтаманки, бирор киши бу ҳудудда ўтириб, яшаб, зулмкор бўлса, Ҳақдан юз ўгирса, Аллоҳу таоло бешак уларнинг авлодларини қуриштириб, илдизларини кўпоритиб

ташлаб, улар ўрнига бошқа қавмларни келтиради. Бузуқликда давом этиб, Ҳақдан юз ўгирувчи Макка халқига бу ерда қолишга изн йўқ. Сиздан илгари бу жойда яшаган, сиздан-да узок умр кўрган, сиздан анча қудратли, сиздан-да кўп сонли ва бой бўлган Тасм, Жадис ва Амолика қавми бошига нималар тушганини биласиз. Уларнинг Ҳарамни шарифни оёқ ости қилишлари, Ҳақдан юз ўгириб, зулмга берилишлари, бу муборак жойдан чиқариб ҳайдалишларига сабаб бўлган эди. Аллоҳу таоло, ёмонларнинг баъзилари устига чумолиларни қўйиб юбориб, кимларинидир очлик, баъзиларини қилич орқали ушбу ердан ҳайдаб чиқарганини кўргансиз ва эшитгансиз! Ўзингизга келинг!”

Бироқ насиҳатлар журҳумликларга таъсир қилмади. Натижада Аллоҳу таоло уларни ҳам ярамасликлари туфайли паришону вайрон қилди...

Ана шундай замонда ер юзининг маркази бўлган Маккада қуфр селдек оқарди, Байтуллоҳнинг ичига Лот, Уззо, Манот сингари юзлаб бутлар тўлдирилган эди. Зулм ҳаддан зиёд ошган, одамлар уятсизлик ва ахлоқсизликлари билан фахр-ланадиган ҳолга келганди. Хуллас, Арабистон ўша даврда диний, руҳий, ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан тубанликка, қоронғиликка, жаҳолатга, бузуқликка ботган эди. **Жоҳилият даври** деб аталувчи ушбу даврда халқ асосан кўчманчи тарз ҳаёт кечирар ва майда-майда қабилаларга бўлиниб кетганди. Доимий тўқнашувлар, уруш-жанжал ҳолатида бўлган араб қабилалари, босқинчилик ва талончилик қилишни ўзлари учун рўзғор тебратиш воситаси деб ҳисобларди. Зулм, ўғрилиқ ва қароқчилик қилиш кенг тарқалган қабилалардан ташкил топган Арабистонда бирон сиёсий низом ёки биронта ижтимоий тартиб мавжуд эмасди. Аксинча, ичкиликбозлик, қимор ўйнаш, зино, ўғирлик, зулм, ёлғон ва беномуслик ҳамма тарафни заҳарлаб ташлаган эди. Зулм - кучлининг кучсизга нисбатан ишлатадиган энг омонсиз қуролига; аёл эса, эркак қўлида олиб-сотиладиган ва ҳар қандай ҳақоратга лойиқ молга айланган эди. Баъзи ўтакетган икки оёқлилар хонадонда қиз фарзанднинг дунёга келишини фалокат ва шармандалиқ деб ҳисобларди. Бундай бебошлиқ шу даража авж олгандики, оталар туғилган қизларини ўз қўллари билан тириклайин чуқурга ташлаб, “дадажон, дадажон” деб дод-фарёд

килишларига қарамай, тириклай кўмиб юборишарди. Устига устак шундай ваҳшийликларидан виждонлари заррача оғринмас, аксинча мағзава қалбларида ғурур ва ифтихор ҳисси ғолиб бўларди. Охи-роқибат ўша давр одамлари орасида шафқат, марҳамат, яхшилик ва адолат каби чиройли одамий ҳислатлар таг-туғи билан йўқоладиган ҳолга етган эди.

Лекин шунча салбий ҳолатларга қарамай, шу давр арабларида диққатга созовор бир хусус бор эди. Уларда адабиёт соҳаси фасоҳат ва балоғат жиҳатидан такомиллашиб, ўз тарихидаги энг юқори чўққига чиққанди. Ваҳший араблар шоир ва шеърга жуда катта аҳамият беришар, уни ўзлари учун жуда улуг бир ифтихор василаси деб ҳисобларди. Халқ орасида донг таратган машҳур бир шоир, ўзи ва қабиласи учун тенгсиз обрў деб ҳисобланарди. Вақти вақти билан кўчма бозор ва сайллар ташкил қилиниб, шеър ва хитоблар мусобақаси ўтказиб туриларди. Биринчиликни олган шоирларнинг шеърлари ва хитоблари Каъба деворига осиб қўйиларди. Жоҳилия давридаги Каъба деворига осилган энг машҳур еттита шеърга “**ал-Муаллақатус-сабъа**”, яъни еттита оскич дейиларди.

У замонлар Арабистонда инсонлар, ақида жиҳатидан ҳам хилма-хил гуруҳларга бўлиниб кетган эди. Бир қисми тамоман ақидасизлар (атеист-дахрий) бўлиб, дунё ҳаётидан бошқа ҳеч нарсани тан олмасди. Бир қисми, Аллоҳу таолонинг борлигига ва охират кунига ишонарди, лекин одамлардан пайғамбар келишига ишонмасди. Яна бир қисми эса, Аллоҳу таолога ишонса ҳам охиратга ишонмасди. Катта қисми, Аллоҳу таолога ширк қўшиб, бутларга топиниб, сиғинишарди. Мушриклардан ҳар бирининг уйида битта бут бўларди.

Энг ҳайратланарлиси, шунча тубанликлар орасида, ҳазрати Иброҳим олиб келган динда бўлган ва “**Ҳанифлар**” деб аталувчи кам сонли тўғри-дуруст кишилар ҳам бор эди. Улар Аллоҳу таолога ишонарди ва бутлардан узоқ турарди. Жаноби пайғамбаримизнинг отаси Абдуллоҳ, бобоси Абдулмутталиб, онаси ва бошқа баъзи кишилар ўша динда эдилар.

Ҳанифлардан бошқа ҳамма гуруҳ ва тоифалар ботил йўлда бўлиб, зулмату қоронғуликка батамом ғарқ бўлган эди.

МАККАИ МУНАВВАРА ДАВРИ Дунёга ташрифлари

Олам шундай қоронгилашган, ҳамма ёқни зулмат шундай қоплаб олгандики, халқ жами мавжудотнинг яратувчиси бўлган Аллоҳу таолога иймон келтириш ва унга ибодат қилишни тарк этганди. Устига устак, коинотда жараён қилиб турган ҳодисаларга ва Жаноби Ҳақ яратган нарсаларга, айниқса, қўлларидаги бутларга “илоҳ” дея сиғинарди.

Олам ғамгин, мавжудот ғамгин, кўнгиллар ғамгин эди ва юзлардан кулги узоқлашганди. Аллоҳу таолонинг ҳамма махлуқларидан устун қилиб яратган бандаларининг жаҳаннамдан қутулишига сабаб бўладиган қаҳрамон ха-лоскорнинг майдонга чиқиш вақти яқинлашганди. Олам Одам алайҳиссаломдан буён пок ва сажда ўпган пешоналар-дан кўчиб келаётган нурнинг эгасини кутиб олишга тайёргарлик кўраётган эди. Инсониятга ва жинларга абадий саодатни кўрсатадиган тенги йўқ инсон келаётганди!... Шафқат ва марҳамат манбаи, Раббининг ахлоқидан ахлоқ олган буюк инсон келаётган эди!...

Мақоми маҳмуд соҳиби, шафоат қилувчиларнинг бош тожи келаётган эди!.. Коинотнинг сарвари, мавжудотнинг асли, инсониятнинг саййиди келаётган эди! Маҳшар куни-нинг мададкори, пайғамбарларнинг султони келаётган эди!.. Аллоҳу таолонинг ҳабиби, севгилиси, яратилишимизнинг сабаби, оламларга раҳмат қилинган севимли пайғамбаримиз келаётганди!.. (саллаллоҳу алайҳи васаллам)

Етти қат ер ва етти қат осмон, қисқаси бутун олам теран ҳурмат ва шодликда Саййидул-мурсалийн, Ҳотамул-анбиё, Ҳабиби Худо бўлган жанобини кутмоқда эди. Бутун махлуқот бор овозлари билан “Хуш келдинг, ё Расулаллоҳ!” дейиш учун шайланарди. Ана шундай бир пайтда, хижратдан 53 йил муқаддам, Фил воқеасидан икки ойлар чамаси кейин, Рабиъул аввал ойининг ўн иккиси, душанба кечаси тонгга яқин Макка шаҳрининг Ҳошим ўғиллари маҳалласида, Сафо тепалигига яқин бир хонадонда муштоқлик билан кутилаётган, Аллоҳу таолонинг нури Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бу дунёга ташриф буюрдилар. Ушбу ташриф муносабати билан олам янгидан ҳаёт топди, яшнай

бошлади. Зулматлар бирданига “Нур” билан ёруғлашди.¹⁶

“Мадорижун-нубувва” китобида айтиладики: “Шарафларнинг энг юксагига мазҳар бўлган оналарнинг энг бахтиёри ҳазрати Омина ҳомиладорлиги ҳақида куйидагиларни баён қилади: “Ул сарварга ҳомиладорлик чоғимда ҳеч бир оғирлик, кийинчилик кўрмадим. Ҳомидалигимни ҳис этмасдим. Фақат олти ойдан сўнг, бир кун уйқусираб турган пайтимда бир киши менга “Сен кимга ҳомила эканлигингни биласанми?” деб сўради. “Билмайман”, деб жавоб бердим. У киши эса “Билиб қўйки, сен пайғамбарларнинг охиргисига ҳомиладорсан!” деган хабарни берди. Куни яқинлашганида ўша киши такрор келиб, ”Эй Омина! Бола туғилганидан кейин унинг исмини Муҳаммад қўйгин” (Бошқа бир ривоятда “Эй Омина! Бола туғилганидан кейин, унинг исмини Аҳмад қўйгин” деган) деди.”

Ҳазрати Омина волидамиз, боланинг туғилиш онини ҳам куйидагича гапириб берган:

“Вақти-соати келганида ҳайбатли бир овоз эшитдим. Этларим жимирлай бошлади. Кейин бир оқ куш кўрдим. Келиб, қаноти билан мени силади. Кўркувимдан асар ҳам қолмади. Ўша пайтда чанқаб, ҳароратдан ёнмоқда эдим. Ёнимда сутга ўхшаш бир коса оқ шарбат пайдо бўлди. Шу шарбатни менга ичишга узатдилар. Ичдим, болдан ширин ва совуқ эди. Энди чанқоғим босилди. Кейин катта бир нур кўрдим, бу нурдан уйим шундай ёришиб кетдики, ёруғидан бошқа нарса кўринмасди.

Шу пайтда атрофимни ўраб турган жуда кўп хонимларни кўрдим. Бўйлари узун, юзлари куёшдай порларди. Худди Абду Маноф қабиласининг қизларига ўхшаб кетарди. Бирданига пайдо бўлганларидан ҳайратландим. Улардан бири “Мен Фиравннинг завжаси Осияман!” деса, иккинчиси “Мен Марям бинти Имронман, булар жаннат хурийларидир” деди. Ўша пайтда оппоқ, узун ва осмондан ергача чўзилган ипак матони кўрдим. “Уни одамларнинг кўзидан пардаланг” дейишди. Шунда бир гала куш пайдо бўлди. Тумшуклари зумраддан, қанотлари ёқутдан эди. Кўрққанимдан терлаб кетдим. Томаётган тер томчиларидан мушк ҳиди келарди. Ўша ҳолдалигимда кўзимдан пардани кўтаришди. Бутун ер юзини шарқдан ғарбгача кўрдим. Атрофимни фаришталар ўраб олганди.

¹⁶ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 100-103-б.; Ибн Асиёр, “Усулу-л-ғоба, I, 21-б.*

Муҳаммад алайҳиссалом туғилганиданоқ муборак бош-ларини саждага қўйиб, шаҳодат бармоғини кўтардилар. Сўнгра кўкдан уни ўраб олган бир оқ булут тушди. Бирданига “Уни мағрибдан машриққача ҳамма жойда кездиринг. Шун-дай кездирингки, жумлаи жаҳон Уни исми, жисми ва сифати ила кўрсин. Унинг Моҳий эканлигини, яъни Аллоҳу таоло У билан оламда ширк асарларини қолдирмаяжagini билсин” деган овоз эшитилди. Бир мунча вақт ўтгач ҳалиги булут тарқалиб, Муҳаммадни (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир оқ жундан матога йўрғакланган ҳолда кўрдим. Ўша пайтда яна олдимга юзларидан қуёшдек нур таралиб турган уч киши келди. Биттасининг қўлида қумуш обдаста, иккинчининг қўлида зумрад лаган, учинчисининг қўлида эса бир ипак бор эди. Обдастан худди мушк томаётганга ўхшарди. Муборак ўғлимни лаганнинг ичига ётқизишди, муборак бош ва оёқларини ювиб, ипакка ўрадилар. Кейин муборак бошига хушбўй хид суртдилар, муборак кўзларига сурма қўйдилар ва кўздан ғойиб бўлдилар”.

Муҳаммад алайҳиссалом туғилган пайтларида ҳазрати Омина волидамизнинг ёнида Абдурраҳмон бин Авфнинг онаси Шифо хоним, Усмон бин Абил-Оснинг онаси Фотима хоним ва пайғамбаримизнинг аммаси Сафийя хонимлар бор эди.

Шифо хоним ҳодисани қуйидагича ҳикоя қилган:

“Мен ўша кеча Оминанинг ёнида хизматида эдим. Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилганидан-оқ дуо ва ниёз қилганини эшитдим. Ғойибдан **“Ярҳамука Раббика”** деган овоз эшитилди. Кейин бир нур пайдо бўлиб, шундай шуъла сочдики, шарқдан ғарбгача ҳамма ёк ёришиб кўринди...”

Яна бир қанча ҳодисалар гувоҳи бўлган Шифо хоним “Орадан йиллар ўтиб, Унга пайғамбарлиги билдирилган кунларда, ҳеч иккиланмай биринчилардан бўлиб иймон келтирганлардан бири мен бўлдим” деганди.

Сафийя хоним кўрганлари ҳақида “Муҳаммад алайҳиссалом туғилган пайтда ҳамма ёқни нур қоплаб олди. Туғилиши билан сажда қилди, муборак бошини кўтариб аниқ сўзлар билан **“Ла илоҳа иллаллоҳ, инний расулиллоҳ”** деди. Уни чўмилтирмоқчи бўлганимда “биз уни ювилган ҳолда юбордик” деган овоз эшитилди. Киндиги кесилган ва суннат қилинган ҳолда топдик.

Дунёга келиши билан сажда қилди. Шунда жажжи лаблари кимирлагандай, худди пичирлаб гапираётгандай туюлди. Эгилиб, муборак оғзига қулоғимни яқинлаштирдим “**Умматий, Умматий!** (Умматим, умматим)” деганини эшитдим”, деб хикоя қилади.

Пайғамбаримиз туғилган пайтларда бобоси Абдулмутталиб, Каъбаи шариф ёнида Аллоҳу таолога ёлвориб дуо қилаётган эди. Шу пайтда суюнчи хабар келди. Муҳаммадалайҳиссаломнинг туғилган кунларида бир қанча ҳодисалар гувоҳи бўлган Абдулмутталиб, бу хушxabардан жуда хурсанд бўлиб “Бу ўғлимнинг шон-шарафи жуда улуғ бўлади” деди.¹⁷

Абдулмутталиб, шундай улуғ хурсандчиликни қутлаш мақсадида таваллудининг еттинчи куни Макка халқига уч кун зиёфат берди. Бунга қўшимча шаҳарнинг барча маҳаллаларида туялар сўйиб, аҳолининг кўнглини олди. Зиёфат давомида боланинг исмини сўраганларга, “**МУҲАММАД**” (саллаллоҳу алайҳи васаллам) исмини бердим”, дея жавоб берарди. Нега ота-боболаридан бирининг исмини бермадингиз деганларга эса “Аллоҳу таоло ва инсонлар уни мадҳ этишларини, мақташларини истаганим учун шундай исм бердим” деб жавоб берди. Бошқа бир ривоятда айтилишича гўдакка “Муҳаммад” исмини Омина хоним қўйганлиги айтилади.

Таваллуд кечаси рўй берган ҳодисалар

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг таваллудларидан олдин ва туғилиш асносида Ул зотнинг дунёга ташрифларидан дарак берувчи аломатлар сифатида бир қатор ҳодисалар рўй берди. Даврининг машҳур кишилари пайғамбаримиз туғилмасидан олдин ажойиб-ғаройиб тушлар кўришди. Замоннинг коҳинлари, олимларига таъбир қилдирганларида, бу тушлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келишидан дарак берувчи тушлар эканлигини айтдилар. Севимли пайғамбаримизнинг бобоси ўзининг туши ҳақида қуйидагиларни баён қилган:

“Бир куни кўрган тушимдан қаттиқ чўчиб уйғондим. Дарҳол бир коҳинга бориб, тушимнинг таъбирини сўрамоқчи бўлдим.

17 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 103-б.

Кохиннинг ёнига борганимда, у юзимга қараб: ”Эй Қурайшнинг раиси сенга нима бўлди? Рангинг оқариб кетибди. Сени бу ҳолатга солган бирон кор-хол бўлдимми?” деб сўради. “Ҳа, ҳали ҳеч кимга айтмадим, даҳшатли бир туш кўрдим”, дедим-да ёнига ўтириб тушимни айта бошладим.

Бу кеча тушимда жуда катта дарахт кўрдим. Учи осмонгача етган, шохлари ҳар тарафга, шарққа, ғарбга ёйилган эди. Дарахтдан шундай бир нур сочилардики, унинг олдида қуёш нури хира туюларди. Ўзи эса, баъзан кўриниб, баъзан кўздан ғойиб бўларди. Одамлар унга томон йўналарди. Вақт ўтган сайин нури ошиб бораверди.

Қурайш қабиласидан баъзилари шу дарахтнинг шохларига ёпишарди, баъзилари уни кесишгауринарди. Бир ёш йигит, дарахтни кесмоқчи бўлганларга қаршилиқ кўрсатарди. У йигит шундай барно юзлик эдики, ундай юзни умримда кўрмаганман. Вужудидан ёқимли ҳидлар тараларди. Мен ҳам дарахтнинг бир шохини ушламоқчи бўлиб қўлимни чўздим, лекин ушлай олмадим” дедим”. Ҳикоямни эшитган кохиннинг афти-ангори ўзгариб кетди. Рангида қон қолмади. Кейин “Унда сенинг насибинг йўқ”, деди. “Кимнинг насиби бор?” деб сўрадим. “Дарахтнинг шохидан тутганларнинг” деди-да, сўзида давом этиб, “сенинг сулолангдан бир пайғамбар чиқади, ҳамма томонга ҳукмрон бўлади, одамлар унинг динига киради” деди. Шундан кейин ёнимда ўтирган Абу Толибга қараб, “Бу йигит ҳар ҳолда унинг амакиси бўлса керак” деди. Абу Толиб бу воқеани жаноби пайғамбаримизга пайғамбарлиги билдирилганидан кейин гапириб берган ва “Ўша дарахт Абул Қосим, ал-Амин Муҳаммад алайҳиссаломдир” деган.

Муҳтарам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келган кеча осмонда бир юлдуз пайдо бўлди. Уни кўрган яҳудий олимлари Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилганларини билди. Асҳоби киромдан Ҳассан бин Собит шундай ҳикоя қилади:

“Мен саккиз ёшда эдим. Бир куни тонг вақти кўчада яҳудийлардан бири “Ҳой яҳудийлар”, деб бақариб нари-бери югура бошлади. Яҳудийлар атрофига йиғилиб, “Нима бўлди, нега бақарасан, тинчликми?” деб сўради. У эса ”Билиб қўйинглар,

Ахмаднинг юлдузи бу кеча туғилди! Ахмад бу кеча дунёга келди...” деди халлослаб.”

Расули акрам сарваримиз туғилган кеча Каъбадаги бутларнинг ҳаммаси юзтубан йиқилди. Урват-убнуз-Зубайр шундай ривоят қилади: “Қурайшлик бир авлоднинг бир бути бор эди. Улар ҳар йили бир марта ўша бутни тавоф қилиб, туялар сўйиб, атрофида шаробхўрлик қиларди. Шундай бир кун яна бутлари ёнига борганларида уни юзтубан ётган ҳолда топишди. Уни кўтариб кўганларида яна йиқилди, бу ҳол уч марта такрорланди. Кейин атрофига суянчиқлар тиркаб, тиклашаётганларида “Бир киши туғилди, ер юзида ҳаракатга келмаган ҳеч нарса қолмади. Бутлардан қанчаси бўлса, барчаси йиқилди. Қиролларнинг қалblари кўрқувдан ларзага келди!”, деган овоз эшитилди.” Бу ҳодиса айни Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғилган кечасига тўғри келган эди.

Мадойин шаҳридаги Эрон Кисроси (хукмдори) саройи-нинг ўн тўртта буржи (минораси) кўчиб, йиқилди. Ўша кеча шовқин-сурон даҳшатидан сапчиб уйғонган кисро ва халқи, ўз улуғларидан баъзилари кўрган кўрқинчли тушларини таъбир қилдиришганда, унинг буюк ҳодисалар аломати эканини тушунишганди.

Яна ўша кеча мажусий, яъни оташпарастларнинг минг йилдан буён ўчмай ёниб турган қатта гулханлари бирданига сўнди. Ўчиб қолган пайтгни қайд қилиб, кўрдиларки у соат, Кисро саройида буржлар қулаган кечага тўғри келарди.

Ўша замонларда муқаддас ҳисобланган Сова кўли ҳам бир кечада суви тортилиб, қуриб қолди.

Шом томонларда минг йилдан буён сув оқмай қуриб ётган Самова дарёси водийси, ўша кеча тўлиб-тошиб оқа бошлади.

Муҳаммад алайҳиссалом туғилган кечадан бошлаб, шайтон ва жинлар Қурайш қоҳинларига ҳодисалардан хабар бера олмайдиган бўлиб қолди. Қаҳонат (фолбинлик) ниҳоясига етди...

Ҳабиби акрам жанобимиз таваллуд қилган кеча ва ундан кейинги кунларда шу пайтгача кўз кўриб, кулоқ эшитмаган яна анча ғаройиб ҳодисалар содир бўлди. Уларнинг барчаси сўнгги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келганларига ишорат қилардир.¹⁸

18 Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 211-212-б.

Мавлуд кечаси

Муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) дунёни ташриф қилган (шарафлантирган) кечага Мавлуд кечаси дейилади. “Мавлуд” калимаси, туғилиш, таваллуд пайти деган маънони билдиради. Бу кеча Қадр кечасидан кейинги энг қийматли кечадир. Ушбу кечада севимли пайғамбаримиз дунёга ташриф буюрганлари учун хурсанд бўлган мўминларнинг гуноҳлари авф қилинади дейилган. Бу кечада Сарвари коинот пайғамбаримизнинг туғилган пайтларида содир бўлган ҳол, ҳодисалар ва мўжизалар ҳақида ўқиш, тинглаш, ўрганиш савоб бўлади. Расулulloҳ бу ҳодисалар ҳақида ўзлари ҳам айтиб берардилар.

Асҳоби киром ҳам шу кечада йиғилиб, ўша муборак кунни ёдга олишар, бўлган ҳодисаларни ҳикоя қилардилар. Ислом оламида асрлардан буён ушбу кечани Мавлуд кечаси сифатида нишонлаш мусулмонлар орасида анъана ҳолига келган. Оламнинг мусулмон қадами етган деярли барча ўлкаларида Мавлуд қасидалари ўқилиб, пайғамбаримиз хотирланмоқда.

Ҳар уммат, ўз пайғамбарининг таваллуд кунини байрам деб билган. Шунингдек мусулмонлар учун ҳам ушбу кун - байрам ва хурсандчилик кунидир.

Сут онага берилиши

Омина волидамиз нурли гўдагини кучоғига олганида эри ҳазрати Абдуллоҳнинг вафотини унутгандек бўлди. Уни тўққиз кун эмизгандан кейин Абу Лаҳабнинг чўриси Сувайба хоним бир неча кун сут оналик хизматида бўлди. Сувайба хоним бундан олдин ҳазрати Ҳамзани, кейин Абу Саламани ҳам эмизганди. Ҳофиз ибни Жазрий айтадики: “Абу Лаҳаб тушда кўрилиб, қандай аҳволда эканлиги сўралганда “Қабр азоби чекяпман. Фақат ҳар йили Раби-ул-аввал ойининг ўн иккинчиси кечасида азобим енгиллашади. Икки бармоғим орасидан чиққан салқин сувни симириб, бир мунча енгил тортяпман. Шу кеча Расулulloҳ дунёга келганини Сувайба исмли чўрим менга хабар қилганди. Мен эса, шу хабардан хурсанд бўлиб, уни озод қилгандим ва унга сут оналик қилишни буюргандим. Шунинг учун бўлса керак, бу

кечаларда азобим енггилашади” деди.”

У замонларда Макка халқи учун ўз болаларини бир сут онага бериш одат эди. Гўдаклар асосан ҳавоси мулойим, суви ширин яйловлардаги оналарга берилиб, улар қўлида маълум вақт ўсиб, тарбияланарди. Бунга Макканинг жуда иссиқ ҳавоси сабаб эди. Ҳар йили шу мақсадда Маккага теварак-атрофдан жуда кўп ёш оналар келарди. Ҳар бири эмизиш учун биттадан чақалоқ олиб кетарди. Болаларга маълум вақт боққач, ота-оналарига қайтариб беришганларида, яхшигина ҳақ ва совғалар олишарди.

Пайғамбаримиз туғилган йили, хуш ҳаво яйловларда яшайдиган Баний Саъд қабиласидан кўпгина аёллар сут оналик қилиш нияти билан Маккага келди. Ҳар бири насибасига яраша чақалоқ олди. Баний Саъд қабиласи, Макка атрофида яшайдиган қабилалар орасида шараф, сахийлик, мардлик ва тавозеда, арабчани равон ва чиройли гапиришда энг машҳури эди. Қурайш қабиласининг обрўли, бой оилалари чақалоқларини айнан шу қабилага мансуб сут оналарга беришни хоҳларди. Ўша йили Баний Саъд қабиласи юртида шиддатли қурғоқчилик ва очлик ҳукм суларди. Ўша қабиладан Ҳалима хоним вазиятни куйидагича ифодалаган:

“Мен ўша йили қирларни кезиб ўт йиғардим ва топганим учун Аллоҳу таолога шукр қилардим. Баъзан уч кунлаб ейишга ҳеч нарсамиз бўлмасди. Шундай ҳолимнинг устига бир фарзанд ҳам кўрдим. Бир томондан очлик, иккинчи томондан оналик ташвиши тинка порамни қуритиб борарди. Очликдан ер билан осмонни, кундуз билан тунни фарқлай олмаган пайтларим бўлди. Бир кеча саҳрода ҳолсизликдан ухлаб қолибман. Тушимда бир киши мени сутдан ҳам окрок бир сувга чўмдирди ва “бу сувдан ичгин” деди. Қонгунча ичдим. У мени яна ичишга ундади. Яна тўйиб ичдим. Сув болдан ҳам ширинроқ туюлди. Кейин у менга “Сутинг кўп бўлсин эй Ҳалима! Мени танидингми?” деди. Танимаганимни айтдим. У менга “Мен сенинг қийналган вақтларингда қилган ҳамд ва шукрларингман. Эй Ҳалима! Маккага бор. У ерда сенга бир “Нур” дўст бўлиб, баракага ботасан. Бу тушни ҳеч кимга айтма!” деди. Уйғонганимда, кўкракларим сутга тўлган, оғриқ ва очлик ҳам мени тарк этганини ҳис қилдим”.

Қаҳатчилик туфайли ҳақ эвазига сут оналик қилиб, аҳволларини

тузатиш нияти билан шу йил Маккага бошқа йилларга нисбатан кўпроқ аёллар келганди. Ҳаммаси бойроқ хонадонлардан чақалоқ олишга ҳаракат қиларди. Эртароқ келган оналар биттадан чақалоқ олиб улгуришганди. Бироқ жаноби пайғамбаримизнинг етим бўлганликлари боис, яхши ҳақ ололмаймиз деган андишада ҳеч ким Унга талабгор чиқмаган эди. Шу аёллар орасида иффати, поклиги, ҳилми, яъни мулойимлиги, ҳаё ва чирройли ахлоқи билан танилган Ҳалима хоним ҳам бор эди. Минган уловлари ориқ, кучсиз бўлганлигидан Маккага келишда ҳаммадан кеч қолишганди. Лекин шу кечикиш уларга излаганларидан ҳам зиёдасига эришишларига сабаб бўлган эди. Эри билан бутун Маккани айланиб, барча бой хонадон болалари аллақачон олиб қўйилганини кўрдилар. Бироқ бўш қайтишни ҳам истамай, биронта чақалоқ олиб қайтишни илинжида эдилар.

Ниҳоят, ўзига ҳурмат жалб этадиган, нур юзли бир қарияга дуч келиб қолишди. У киши Макканинг раиси Абдулмутталиб эди. Хоҳишларини эшитгач уларга ўз неварасини олишларини таклиф қилиб, шу билан улуғ дав-лат ва саодатга эришажакларини айтди. Абдулмутталибнинг иссиқ истараси ва илиқ муомаласи уларни жазб қилган эди. Таклифини дарҳол қабул қилишди. Шундан сўнг кекса бобо Ҳалима хонимни ҳазрати Оминанинг уйига бошлаб келди. Бу ёғини Ҳалима хоним шундай баён қилади:

“Чақалоқнинг ёнига борганимда йўргакланган, яшил ипак мато устида ширингина ухларди, атрофга мушк ҳиди тарқаларди. Ҳайратдан шу заҳоти гўдакка шунчалик меҳрим уйғондики, кўнглим уни уйғотишга рози эмасди. Кўлимни кўксига қўйгандим, уйғонди ва менга қараб табассум қилди. Мен унинг табассумидан ўзимни йўқотиб қўяёздим. Кейин онаси шундай чиройли, нурдай чақалоқни менга бермай қўймасин деган фикрда, юзини ёпиб, қўлимга қўтариб олдим. Ўнг кўкрагимни берганимда эма бошлади. Чап кўкрагимни эмизмоқчи бўлдим, лекин у эммади. Абдулмутталиб, менга қараб, “Сизга бир хушхабар айтайин, аёллар ичида сиздек улкан неъматга эришгани бўлмади” деди.¹⁹

Омина хоним севимли гўдагини менга бериб, “Эй Ҳалима,

¹⁹ Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 37-б.

бундан уч кун аввал ”Сенинг ўғлингга сут берадиган хотин, Баний Саъд қабиласининг Абу Зуайб сулоласидан бўлади” деган бир овоз эшитдим”, деди. Унинг бу гапига “Ҳа, мен Баний Саъд қабиласиданман ва отамнинг кунялари Абу Зуайбдир” дедим”. Ҳалима хоним қуйидагиларни ҳам гапириб берган:

“Омина хоним менга яна бир неча ғаройиб воқеаларни айтиб бергач васият қилди. Мен ҳам Маккага келишдан олдин кўрган тушимни ва бу ерга келаётганимда ўнгу-сўлимдан “Сенга муждалар бўлсин, эй Ҳалима! У кўз қамаштурувчи оламларни пур-нур қилувчи нурни эмизиш сенга насиб бўлади” деган овозлар эшитганимни айтиб бердим”.

Ҳалима хоним айтади: “Муҳаммад алайҳиссаломни олиб, ҳазрати Оминанинг уйдан чиқдим. Эримнинг олдига келдим. У кучоғимдаги гўдакнинг юзига бир қараб, ҳушини йўкотаёзди ва менга: “Эй Ҳалима, мен бу кунгача бундай гўзал юз кўрмадим” деди. Уни ёнимизга олган кунимиздан бошлаб, бизга кела бошлаган баракаларни кўриб, эрим “Эй Ҳалима! Билгинки, сен жуда муборак ва қадри улуғ чақалоқ олибсан” деди. Мен эса “Валлоҳи, зотан тилагим шу эди, шукрки тилаганимдай бўлди” дея жавоб қилдим”.

Ҳалима хоним эри билан чақалоқни олиб, Маккадан ўз юртлари сари йўлга чиққанларидан бошлаб, Унинг баракатига дуч келавердилар. Ориқ, заиф ва зўрға юрадиган эшаклари энди машҳур араб отларидек чопадиган бўлиб қолди. Маккага бирга келган йўлдошлари, анча олдин йўлга чиқиб, узоклашиб кетишларига қарамай, уларга етиб, хатто ўзиб ҳам кетишди. Баний Саъд юртига етиб борганларидан сўнг мисли йўқ мўл-кўлчилик ва баракага эришдилар. Сути кам молларининг елинлари сутга тўлиб, тирсиллайдиган бўлди. Уни кўрган қўшнилари хайратдан ёқа ушлаб, бунинг эмизгани олиб келган чақалоқ туфайли бўлаётганини тушунишганди.

Қурғоқчилик аҳолини қаттиқ қийнаб қўйганидан бир куни Муҳаммад алайҳиссаломни кучоқларига олиб, ёмғир дуосига чиқишганда Унинг хурматига мўл ёғингарчилик билан баракага эришдилар.

Жаноби пайғамбаримиз, сут онаси Ҳалима хонимнинг фақат ўнг кўкрагини эмар, чапини эммасдилар. Чапини сут қардошига қолдирардилар. Икки ойликларида эмакладилар. Уч ойга тўлганларида оёққа тура бошладилар. Тўрт ойликларида деворни ушлаб юра бошладилар. Беш ойликларида мустақил юрдилар. Олти ойлик пайтларида ҳеч кимнинг ёрдамисиз юриб-югуриб юрардилар. Етти ойликларида ён атрофга бемалол ўзлари бориб кела олардилар. Саккиз ойликларида киши тушунадиган қилиб, тўккиз ойликларида ғоят маъноли сўзлайдиган бўлдилар. Ўн ойликларида садодан ўқ отишни бошладилар. Ҳалима хоним қуйидагича айтиб берган: “Биринчи марта сўзлай бошлаганидаёқ “Ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Валҳамдулиллаҳи роббил оламин” дея бошлади. Ўша кундан эътиборан Аллоҳу таолонинг исмини айтмасдан ҳеч бир нарсага қўл узатмасди. Чап қўли билан ҳеч нарса емасди. Юра бошлаганида, болалар ўйнайдиган жойдан узоқ турар ва уларга “Биз ўйин учун яратилмадик” дерди. Ҳар куни Уни куёш ёруғидек бир нур қоплаб олар ва бироз вақт ўтгач очиларди. Ой билан сўзлашарди, унга ишорат қилса, ой ҳаракат қиларди.”

Ҳалима хоним яна қуйидагиларни ҳам айтиб берган:

“Муҳаммад алайҳиссалом икки ёшга кирганида Уни сутдан ажратдим. Кейин ўз онасига топшириш учун эрим билан Маккага йўл олдик. Бироқ биз Унинг шундай баракатларига эришгандикки, Ундан ҳеч айрилгимиз йўқ эди. Энди унинг нурли юзини кўришдан маҳрум қолиш бизга жуда оғир ботарди. Унинг ҳолларини онасига гапириб бердим. Омина хоним, “Менинг ўғлимнинг шони жуда баланд” деди. Мен ҳам “Валлоҳи, умримда бу боладан муборақроқ одам кўрмадим” дедим. Кейин мен бир қатор баҳоналар айтиб, болани яна бир мунча вақт ёнимизда қолишини Омина хонимдан илтимос қилдим. У бизнинг райимизни қайтармади ва боланинг яна бироз вақт ёнимизда қолишига ижозат берди. Бундан бениҳоя хурсанд бўлиб, Ул муборақ омонатни олиб, тақрор қабиламизга қайтдик. Шу сояда уйимиз кут-баракага тўлиб-тошди, мол-мулкимиз ва шонимиз ортди. Сон-саноқсиз неъматларга эришдик”.²⁰

²⁰ *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 25-28-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 158-167-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 108-, 115-б.*

Муборак кўксининг ёрилиши

Ҳалима хоним бундай деб гапириб берган:

“Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи вассалом) бир куни: **“Кундуз кунлари нега биродарларимни кўрмайман, бунинг сабаби нима?”** деб сўраб қолди. “Улар қўйларни ўтлатишга кетади. Уйга кечкурун кечроқ келишади”,- дедим. **“Мени ҳам улар билан бирга юборинг, мен ҳам қўйларни ўтлатаман”**,- деди. Бир неча баҳоналар тўқиб, Уни юбормасликка уриниб кўрдим, охири кўнглига қараб, “Ҳа, бўпти” дедим-да, ижозат беришга ваъда қилдим. Эртасига муборак сочларини тараб, кийимларини кийдириб, сут биродарлари билан бирга қўй боқишга юбордим. Шундай қилиб, бир неча кун бориб юрди. Бир куни қирдан тушиб келган сут опаси Шаймодан “Кўзимнинг нури, ўғлим Муҳаммад қаерда?” деб сўрадим. “Саҳрода” деди. “Жигарпорам шундай иссиққа қандай чидаяпти?”, деганимда, “Онажон! Сиз хавотир олманг, Унга асло зарар етмайди. Зеро, унинг муборак боши устида бир булут доим У билан бирга соя солиб юрибди.”- деди Шаймо. “Нималар деясан? Бу гапларинг ҳақиқатми?” дегандим, Шаймо қасам ичди. Шундагина мен бироз таскин топдим. Бошқа бир кун пешин вақти, сут акаси Абдуллоҳ келиб менга, “Онажон, тез юринг!.. Қурайший укам билан қўйларни ўтлатиб юргандик. Тўсатдан яшил кийимли уч киши келди. Укамизни ёнимиздан олдилар-да, тоғ томонга олиб чиқишди. Чалқанча ётқизиб, қорнини кесишди. Мен сизга хабар беришга келаётганимда улар ҳали ўша ерда эди. Укам соғ қолдими ёки йўқ, билмайман” деди. Бу сўзларни эшитиб, миямга қон сапчигандек бўлди. Тезда у ерга етиб бордик. Уни кўрдик. Муборак юзини, бошини ўпиб, “Эй кўзимнинг нури, оламларга раҳмат ўғлим! Нима бўлди? Сени ким ташвишга солди?” деб сўрадим. “Уйдан чиққанимиздан кейин яшил кийимли икки кишини кўрдим. Бирининг қўлида қумуш идиш (обдаста), наригисининг қўлида яшил зумраддан лаган бор эди. Лаган қордан ҳам оқ бир нарса билан тўлдирилган эди. Мени улар тоғ бошига олиб чиқди. Биттаси мени чалқанча ётқизди. Кўксимдан киндигимгача кесдилар, ҳаммасини кўриб турардим. Ҳеч қандай оғриқ сезмадим. Қўлини ичимга солиб, нима бўлса барини чиқардилар. Ичимдан

чиқариб олганлари-ни бояги лагандаги оқ нарса билан ювиб, яна жойига қайтариб солишди. Биттаси “Қани, мен ҳам хизматимни бажарай” деди-да қўлини ичимга солиб, юрагимни чиқариб олди. Ундан икки бўлакча гўшт ва яна бир қора нарсани чиқариб ташлади. Кейин, ”Булар сенинг вужудингдаги шайтоннинг насиби эди. Уларни чиқариб ташладик. Эй Аллоҳу таолонинг севгилиси! Сени васвасадан ва шайтоннинг ҳийласидан амин қилдик” дедилар. Ундан кейин юрагимни ёнларида олиб келган нозик ва юмшоқ бир нарса билан тўлдирдилар. Нурдан бир муҳр билан муҳрладилар. Ҳозир ҳам ўша муҳрнинг совуқлиги бутун аъзоларимда сезилиб турибди. Улардан бири, қўлини кесилган жойга қўйганди, яра дарҳол битиб кетди. Кейин мени умматимдан ўн киши қаршисига қўйиб тортдилар, мен улардан оғир келдим. Минг кишига қарши тортдилар, яна оғир келдим. Шунда улардан бири шеригига ”Қўй, уни тортиб ўтирма. Валлоҳи, Уни бутун уммати билан тортсанг-да, У оғир чиқади” деди. Шулардан сўнг, ҳар бири қўлимдан-юзимдан ўпишди ва мана шу жойда қолдириб кетишди” деди. Муборак кўксларида изи билиниб турарди.²¹

Севимли пайғамбаримизнинг бошидан кечган ва Қуръони каримнинг “Иншироҳ” сурасининг биринчи ояти каримасида билдирилган ушбу ҳодисага **“Шаққи садр”**, яъни кўксининг ёрилиши дейилади.

Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлиги маълум қилин-гач Асҳоби киромдан баъзилари, “Ё Расулаллоҳ! Бизга ўзингиз ҳақингизда бирон ҳикоя айтиб берсангиз” деганларида, **“Мен, аждодим Иброҳимнинг дуосиман. Қардошим Исонинг хушхабариман. Онаминг тушиман. У менга ҳомиладор бўлганида Шом саройларини ойдинлатувчи бир нурнинг ўзидан чиққанини кўрганди... Мен Саъд бин Бакр ўғиллари ёнида эмизилиб ўсдим”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳалима хоним Уни тўрт ёшга тўлганларида Маккага келтириб онасига топширди. Бобоси Абдулмутталиб Ҳалима хонимга кўп ҳадялар бериб, кўп эҳсонлар қилди. Ҳалима хоним Уни Маккада қолдиргач айрилиқнинг оғирлигини, “Худди жону дилим У билан бирга қолиб кетгандай бўлди” деганди.

²¹ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 121-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 164-165-б.

Муҳтарам онанинг вафоти

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) олти ёшларигача оналари ёнида ўсдилар. Олти ёшларида онаси Умму Айман исмли бир канизаги билан бирга қариндошларини ва Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат қилгани Мадинага келдилар. У ерда бир ойча вақт қолдилар. Жаноби пайғамбаримиз Мадинада Нажжор ўғилларига қарашли ҳовузда болалар билан чўмилиб юриб, сузишни ўргандилар. Ўша ерда Унга кўзи тушган бир яҳудий олими нубувват аломатларини сизди. Ёнига яқинлашиб, исмини сўради. “Аҳмад” деб жавоб берганида у олим “Бу бола охир замон пайғамбари бўлади!” деб бақриб юборганини билмай қолди. Яна бошқа яҳудий олимларидан баъзилари ҳам Ундаги пайғамбарлик аломатларини кўриб, келажакда пайғамбар бўлишларини ўзаро айтишиб, қавмларини хабардор қи-лишганди. Яҳудийларнинг бу ҳаракатларидан шубҳаланган Умму Айман вазиятни ҳазрати Омина волидамизга айтди. Ана шундан кейин муҳтарама она бирор кор-ҳол бўлиб қолишидан хавфсираб, Уни олиб Маккага кетиш учун йўлга чиқади. Абво деган жойга келганида ҳазрати Омина онамиз бирданига бетоб бўлиб қолди. Хасталик тез-тез хуруж қилиб, ҳушидан кетиши тез-тез такрорлана бошлади. Шундай ҳолатда сеvimли ўғли Муҳаммад алайҳиссаломга қараб, “Эй бўғзига тақалиб келган даҳшатли ўлим ўқидан Аллоху таолонинг лутфи ва ёрдами билан юз туя эвазига омон қолган зотнинг ўғли! Аллоху таоло сени муборак айласин. Агар тушимда кўрганларим ҳақ бўлса, сен жалол ва икром соҳиби Аллоху таоло томонидан одам ўғилларига ҳалол-ҳаромни ўргатиш учун юборилгайсан. Жаноби Ҳақ сени элатларнинг тарих қаъридан олиб келаётган бутлари-ю бутпарастлардан муҳофаза этиб ҳимоя қилади” деди.

Ана шундан кейин кўп ўтмай Омина волидамиз ҳаётдан кўз юмди. Омина онамиз вафот қилганида эндигина йигирма ёшга кирган ёшгина жувон эди.

Умму Айман оламларнинг жанобини ёнига олиб, бир неча кунлар давом этган йўл азобларидан кейин Маккага етиб, Уни бобоси Абдулмутталибга топширди.

Бобоси ёнида

Ҳабиби акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жано-бимизнинг бобоси ва онаси Иброҳим алайҳиссаломнинг динида бўлиб, мўмин эдилар. Ислол олимлари уларнинг аслан Иброҳим алайҳиссалом динида бўлганликларини ва Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлик вазифасига киришгач бу умматдан бўлишлари учун тирилтилиб, калимаи шаҳодат айтиб, бу умматдан бўлганликларини айтганлар.²²

Муҳаммад алайҳиссалом саккиз ёшларигача бобосининг олдида ўсиб-улғайдилар. Бобоси Абдулмутталиб Маккада обрў-эътиборли ва кўпгина ишларни идора қилган зот бўлиб, ҳайбатли, сабрли, ахлоқи юксак, мард, сахий одам эди. Доим камбағалларни тўйдирарди, ҳатто оч ва сувсиз қолган ҳайвонларни ҳам, ем-сув берарди. Аллоҳу таолога ва охиратга ишонарди. Ёмон ишлардан сақланиб, жоҳилия даврининг турли хил ифлосликларидан узок туришга ҳаракат қиларди. Маккада зулм, ҳақсизликка йўл қўймас ва шаҳарга келган меҳмонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатарди. Рамазон ойида Хиро тоғида якка ўзи қолиш одати эди. Болаларни яхши кўрадиган, ўта шафқатли Абдулмутталиб севимли неварасини доим бағрига босиб, ҳеч ёнидан айирмасди. Унга ўзгача севги ва меҳр билан қарарди. Каъбанинг соясида ҳукмдорга махсус тўшалган гиламда У билан бирга ўтирарди, бу ҳолга қарши чиққанларга “Ўғлимга тегманг, Унинг шони баланд” дерди.²³ Жаноби пайғамбаримизнинг бобоси Умму Айманга болага яхши қарашни доим эслатиб, “Ўғлимга яхши қара. Аҳли китоб шу ўғлим ҳақида яхши гаплар айтишди, У бу умматнинг пайғамбари бўлади дейишди”, дерди. Умму Айман “Кичиклигидан унинг очлик ёки сувсизликдан шикоят қилганини кўрмаганман. Эрталаб бир ютум замзам ичарди. Унга овқат берганимизда “Емайман, тўкман” дерди” деб хикоя қилади.

Абдулмутталиб ухлаганда ёки хонасида ёлғиз ўтирганида Ундан бошқа ҳеч кимнинг ёнига киришига изн бермасди. Уни доим шафқат билан бағрига босарди, эркаларди, сўзлари ва ҳаракатларидан роса мазза қиларди. Дастурхонда Уни тиззасига олиб ўтирарди, овқатлардан энг яхши, энг ширинларини Унга

²² Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, I, 652-б.

²³ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 70-74-б.; Яқубий, “Торих, II, 7-9-б.

едирарди ва У келмасдан дастурхонга ўтирмасди. У ҳақда бир неча тушлар кўриб, қатор ҳодисаларга гувоҳ бўлганди.

Бир гал Маккада қурғоқчилик бўлиб, қаҳатлик бошланди. Ўшанда Абдулмутталиб бир туш кўрди. Шу туши бўйича, Муҳаммад алайҳиссаломни ёнига олиб, Абу Кубайс тоғига чиқди ва “Эй Аллоҳим, бу бола ҳурмати учун бизни баракатли ёмғир билан севинтир” деб дуо қилди. Дуоסי қабул бўлиб, мўл-кўл ёмғир ёғди. Ўша замоннинг шоирлари шеърларида ушбу воқеани ҳам ёзишган.

Нажронлик роҳиб

Абдулмутталиб, бир куни Каъба ёнида ўтирарди, ёнига нажронлик бир роҳиб келиб, сўзга солди. Гап орасида “Биз, китобларимизда Исмоил ўғилларидан келадиган охириги пайғамбарнинг сифатларини ўқиганмиз. Бу ер, яъни Макка У туғиладиган жой. Унинг сифатлари эса, мана бундай-бундай бўлиши керак” дея бир-бир санай бошлади. Шу орада севимли пайғамбаримиз ҳам уларнинг олдига келиб қолганди.

Нажронли роҳиб Уни диққат билан кузата бошлади. Яқинроқ бориб, кўзларига, елкасига, оёқларига диққат билан қараб чиқди. Ниҳоят ҳаяжонланиб Абдулмутталибдан “У мана шу бола! Бу бола сенинг наслингданми?” деб сўради. Абдулмутталиб “Ҳа, ўғлим”, деган эди, нажронлик роҳиб, “Китобларда ўқиганимиз бўйича, Унинг отаси ҳаётда бўлмаслиги керак”, деб эътироз билдирди. Шунда Абдулмутталиб тўғриси айтиб, “У, ўғлимнинг ўғли. Отаси У туғилмасидан, онаси ҳомиладорлигида вафот этди” деди. Ана шунда роҳиб, “Ҳа, энди тўғри гапирдинг”, деди. Шунинг учун ҳам Абдулмутталиб, ўғилларига “Укангизни ўғли ҳақида айтилганларни эшитиб олинглар-да, Унга кўз-қулоқ бўлиб, кузатиб юринглар ва яхши муҳофаза қилинглар”, деб насиҳат қилди.

Бобосининг вафоти

Абдулмутталиб вафоти яқинлашган кунларда атрофига ўғилларини чорлаб “Энди менга ҳам охиратга кўчиш навбати келди шекилли. Бунинг етимлиги ҳақида кўп ўйладим. Қани эди, умрим узок бўлиб, Уни ўстириш хизматини ўзим хушвақтлик билан давом эттира олсам. Лекин тақдир олдида кўлимдан нима ҳам келарди? Умр ҳеч кимга вафо қилмаган, бизга ҳам раҳм қилмайди. Ҳозир менинг кўнглим ва дилим

шу хасрат оташи билан ёнмоқда. Бу инжу донасини ичларингдан бирингизга омонат қолдиришни ўйлаяпман. Ажабо, қайси бирингиз лойиғи билан Унинг ҳақларини назорат қилиб, хизматида қусурга йўл қўймайсиз” деди. Ўшанда биринчи бўлиб, Абу Лаҳаб дарҳол тиз чўкиб “Эй арабларнинг улуғи! Агар бу омонатни аниқ биронтамызга топшириш ниятида бўлсангиз, ихтиёр сизда, акс ҳолда бундай хизматни мен ўз зиммамга оламан” деди. Абдулмутталиб унга қарата, “Ҳа сенинг молинг кўп. Бироқ сен юмшоқ қалбли эмассан, меҳринг кам. Етим қалби ярали ва нозик бўлади. Бирон нарсадан тезда кўнгли қолиб, дарҳол хафа бўлиб қолади”, деб таклифини қабул қилмади. Бошқа ўғилларидан ҳам баъзилари шундай таклифда бўлдилар. Аммо Абдулмутталиб ҳар бирининг хусусиятларини юзларига айтиб, таклифларини рад этаверди. Ниҳоят, навбат Абу Толибга келганида, “Мен бу жиянимни ҳаммадан ортиқроқ яхши кўраман. Лекин катта акаларим турганда олдинга ўтишим тўғри бўлмасди. Мол-мулким камроқ, лекин садоқатим акаларимдан зиёдадир деб биламан” деди. Абдулмутталиб эса, ”Ҳа, тўғри айтдинг. Бу хизматга энг лойиқ киши сенсан. Лекин шуни хотирингда тутки, мен ҳар ишда У билан маслаҳатлашиб, Унинг истаги бўйича иш қилдим. Ҳар доим ҳам тўғри натижаларга эришдим. Бу борада ҳам Унинг ўзи билан яна бир маслаҳат қиламан. Қайси бирингизга У ўзи рози бўлса, ана ўшангиз мен учун ҳам маъқул бўлади” деди. Кейин сеvimли пайғамбаримизга юзланиб, “Эй кўзларимнинг нури! Сенинг ҳасратинг билан охиратга йўл олмакдаман. Бу амакиларингдан қайси бирини танлайсан” деб сўради. Жаноби пайғамбаримиз ўрнидан туриб, бориб Абу Толибнинг бўйнидан кучоқлаб, тиззасига ўтириб олди. Абдулмутталиб бундан беҳад хурсанд бўлди ва “Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин, менинг ҳам хоҳишим шундай эди” деди-да, Абу Толибга қараб: “Эй Абу Толиб! Бу инжу донаси, ота-она меҳр-шафқатини кўрмади. Шуни назарда тутган ҳолда У билан муомала қиласан. Сени бошқа болаларимдан устун кўрдим. Бу буюк ва жуда қийматли омонатни сенга ҳавола қилдим. Чунки сен Унинг отаси билан бир онадансизлар. Унга ўз жонингдек қара. Васиятимни қабул қилдингми?” деб сўради. У “Қабул қилдим” деганидан кейин Абдулмутталиб, сеvimли пайғамбаримизни кучоқлаб, муборак бошидан, юзидан ўпди ва ҳидлади. Ундан кейин яна “Ҳаммаларинг гувоҳ бўлингларки, мен умрим бўйи, бундан ҳам гўзалроқ ҳид туймадим ва бундан ҳам гўзалроқ юз кўрмадим” дея сўзларини тамомлади.²⁴

24 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 45-48-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 169-178-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 117-б.; Сўхайлий, “Равзул-унуф”, I, 299-б.; Шамсиддин Шомий, “Субу-лу-л-Ҳудо”, II, 135-б.; Ибн Асйр, “Усулу-л-ғоба, I, 22-б.

Абу Толиб ҳимоясида

Бобосининг вафотидан кейин Коинотнинг султони (саллаллоҳу алайҳи васаллам) саккиз ёшларидан бошлаб амакиси Абу Толибнинг уйида яшай бошладилар ва унинг ҳимоясида вояга етдилар. У замонда Абу Толиб ҳам бобоси Абдулмутталиб сингари, Маккада Курайшнинг обрўлиларидан ҳисобланиб, ҳурмат-иззат кўрсатиладиган ва сўзи ўтадиган киши эди. Шу билан бирга Абу Толиб ҳам жаноби пайғамбаримизга кучли севги ва шафқат билан қарарди. Уни ўз болаларидан ҳам кўпроқ яхши кўрар, Уни ўзи билан бирга олмай бирон жойга бормасди ва доим Унга “Сен жуда хайрилисан, жуда мубораксан”,- дерди. У дастурхонга қўл узатмасдан олдин ейишни бошламасди, доимо биринчи овқатни У бошлашни хоҳларди. Баъзан Унга атаб алоҳида дастурхон тузаттирарди. Пайғамбар алайҳиссалом эрталаб уйғонган вақтларида юзлари ойдек порлаганига, сочлари таралганига гувоҳ бўлардилар. Абу Толиб бадавлат эмасди. Унинг устига оиласи ҳам жуда катта эди. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизни ҳимоясига олганидан кейин хонадони мўл-кўлчилик ва баракага ғарқ бўлди. Маккада содир бўлган қурғоқчилик оқибатида халқ қийналиб қолганида, Абу Толиб Уни Каъба ёнига олиб келиб дуо қилди. Унинг баракати билан кўп ёмғир ёғди. Шу тариқа қурғоқчилик ва очарчиликдан қутулдилар.²⁵

Роҳиб Баҳира

Севимли пайғамбаримиз ўн икки ёшларида бир куни Абу Толибнинг тижорат мақсадида сафарга тайёрланаётганини кўрдилар. Бироқ Уни сафарга олиб кетмаслигини сезиб, Абу Толибга **“Бу шаҳарда мени кимга қолдириб кетмоқчисиз? Менинг бу ерда на ота-онам, на менга ачинадиган бирон кишим бор!..”** дедилар. Бу Абу Толибга қаттиқ таъсир қилди ва Уни ҳам бирга олиб кетишга қарор қилди. Тижорат қарвони узоқ йўл юргандан кейин Бусрада христианларнинг бир монастири яқинида дам олишга тўхтади. Бу монастирда Баҳира исмли бир роҳиб бўларди, авваллари яҳудий олимларидан бўлишига қарамай, кейинчалик насоро динига

²⁵ *Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 179-180-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 119-б.*

ўтган бу донишмандда, авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир китоб бор эди. Одамлар орасида чиқиб турадиган саволларга ўша китоб ёрдамида жавоб берарди. Қурайшдан келадиган қарвонлар авваллари ҳам бу ердан неча маротаба ўтган бўлса-да, улар билан роҳиб ҳеч қизиқмасди. Бу сафар эса, ҳар куни тонгда монастирнинг томига чиқиб, йўлга қарарди, ҳаяжон билан кимнидир кутарди. Роҳиб Баҳирага бу сафар бир нарса бўлганди. Бир маҳал ҳаяжон билан ўрнидан сапчиб туриб кетди. Чунки у Қурайш қарвонини узокдан кўрганидаёқ улар устида бир булут ҳам улар билан сузиб келаётганини пайқаган эди. Булут жаноби пайғамбаримизга соябон бўлиб келаётган эди. Қарвон тўхтаб, юклар туширилганида тагида Ҳабиби ақрам жанобимиз ўтирган дарахт шохларини Унга қараб эганини ҳам кўрган Баҳира роса ҳаяжонга тушди. Дарҳол монастирда дастурхон ёздириб, Қурайш қарвонидаги йўловчиларни меҳмонга таклиф қилди. Қарвондагилар жаноби пайғамбаримизни ёши кичик бўлгани учун моллар олдида қолдириб, меҳмонга фақат катталар кетишди. Роҳиб меҳмонларга бир-бир диққат билан қараб чиқиб, “Эй Қурайшликлар, бу ерга келмаган одамингиз қолдими?” деб сўраганди, меҳмонлар “Ҳа, яна бир одамимиз бор” дедилар. Чунки Қурайшликлар роҳибникига келганига қарамай, булут ҳали ҳам қарвон устидан жилмай турарди. Шундан роҳиб у ерда кимдир қолганини фаҳмлаган эди. Роҳиб Баҳира уни ҳам олиб келишларини талаб қилиб туриб олди. У келганиданок роҳиб диққат билан кузата бошлади. Абу Толибдан “Бу бола сенинг наслингданми?” деб сўради. Абу Толиб, “Ҳа, у менинг ўғлим” дея жавоб берди. Баҳира эса “Китобларда бу боланинг отаси ҳаётда эмаслиги ёзилган, бу сенинг ўғлинг эмас” деди. Шундан кейин Абу Толиб тўғрисига кўчиб “У укамнинг ўғли” деди. “Отасига нима бўлди?” деб сўради Баҳира. “Отаси туғилишига яқин кунларда вафот этган” деди. “Ҳа, энди тўғри айтдинг, онасига нима бўлди?”, деб сўради Баҳира. “У ҳам вафот этди” деб жавоб қилди Абу Толиб. Бу жавобларни “Тўғри айтдинг” деб қабул қилган Баҳира, жаноби пайғамбаримизга қараб, бутлар номи билан қасам ичди. Шундаёқ сеvimли пайғамбаримиз Баҳирага **“Бутлар исми билан қасам ичманг. Дунёда менга улардан ҳам ёмонроқ душман йўқ. Мен улардан нафратланаман”**, деб марҳамат қилдилар.

Баҳира энди Аллоҳу таолонинг исми билан қасам ичди ва “Ухлайсанми?” деди. **“Кўзларим ухлайди, лекин қалбим**

ухламайди” деб марҳамат қилдилар. Баҳира Унга яна бир неча саволлар бериб, жавобларини тинглади. Баҳира олган жавоблар илгари ўқиган китобларда айтилганларга жуда мос келарди. Шундан сўнг, севимли пайғамбаримизнинг муборак кўзларига тикилиб, Абу Толибдан “Бу қизиллик Унинг муборак кўзларида доим турадими?” деб сўради. У эса, “Ҳа, ҳеч йўқолганини кўрмадик” деди. Баҳира бу аломатнинг ҳам китобларга уйғунлигига ишонч ҳосил қилгач муҳри нубувватни ҳам кўргиси келди. Бироқ жаноби пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) адабларидан орқаларини очишни хоҳламадилар. Абу Толиб “Эй кўзимнинг нури! Роҳибнинг бу истагини ҳам бажаргин” деганидан сўнггина муборак елкаларини кўрсатдилар. Баҳира, ”Муҳри нубувват”ни бутун гўзаллиги билан тўйиб-тўйиб томоша қилди. Ҳаяжон билан ўпди ва кўзларидан ёш селдек оқди. Ана шу ерда Баҳира “Мен гувоҳлик қиламанки, сен Аллоҳу таолонинг расулисан” деди. Овозини яна кўтариброк “Мана оламларнинг жаноби... Мана оламлар Раббининг элчиси... Мана Аллоҳу таолонинг оламларга раҳмат қилиб юборадиган улуғ пайғамбари...” деб ҳайқирди. Қурайшликлар “Муҳаммаднинг бу роҳиб олдида обрўйи шунчалар баланд экан-да” деб, ҳайрон бўлишди.

Баҳира Абу Толибга қараб “Бу пайғамбарларнинг охиргиси ва энг шарафлисидир. Унинг дини бутун дунёга ёйилади ва эски динларни бекор қилади. Бу болани зинҳор Шомга элтма. Зеро Исроил ўғиллари Унга душман. Муборак баданига бирон зиён-захмат етказишларидан хавфдаман. У ҳақда ўтмишда анча аҳд ва келишувлар қилинган”- деб огоҳлантирди. Абу Толиб “Қанақа аҳд? Қанақа келишувлар қилинган?” деб сўради. Баҳира жавоб бериб, “Аллоҳу таоло, барча пайғамбарлардан ва энг охирида Исо алайҳиссаломдан ўз умматларига охир замон пайғамбари келишини хабар беришлари хусусида ваъдаларини олган” деб таъкидлади.

Баҳиранинг гапларидан кейин Абу Толиб Шомга боришдан воз кечди. Молларини Бусрада сотиб, шу ердан Маккага қайтиб кетди.²⁶ Баҳирадан эшитганлари Абу Толибнинг қулоқларида умрининг охиригача жаранглаб турди. Жаноби пайғамбаримизга севги ва хурмати янада ошди. Сўнгги дамигача Уни ҳимоя қилди ва Унга ёрдамчи бўлди.

26 *Ибн Исҳоқ*, “ас-Сийра”, 53-58-б.; *Ибн Ҳишом*, “ас-Сийра”, I, 180-182-б.; *Ибн Саъд*, “ат-Табақот”, I, 76, 154-156-б.; *Табарий*, “Торих”, II, 277-279-б.; *Сухайлий*, “Равзул-унуф”, II, 216-220-б.; *Ибн Касийр*, “ал-Бидоя”, III, 283-286-б.

Ҳар бир ҳолида фазилатлар ва гўзалликлар соҳиби бўлган, мустасно инсон - севимли пайғамбаримиз вояга етиб, ўн етти ёшга кирган эдилар. Ўша вақтда Яманга тижорат билан бораётган амакиси Зубайр тижоратии баракали бўлсин деб, Уни ҳам ёнида олиб кетди. Бу сафарда ҳам бир қанча ғайри оддий ҳолатлар рўй берди. Улар Маккага қайтиб келганларида ўша ҳолларни сўзлаб бердилар ва Қурайш қабиласи орасида “Бунинг шони жуда баланд бўлмай” деган хангомалар бошланиб кетди...²⁷

Ёшлик даври

Ҳар тарафлама инсонларнинг энг афзали бўлган Муҳаммад алайҳиссалом ҳали ўсмирлигидаёқ Макка халқи ичида ахлоқи билан кишиларга жуда ёқимли йигит сифатида танилган эдилар. Беқиёс чиройли ахлоқи, одамлар билан ҳеч қачон ҳеч кимда бўлмаган хуш муомаласи, сокин, мулойимлиги, одамларда топилмайдиган яна анча устун сифатлари билан яхши таассурот қолдирардилар. Ул зотдаги бундай хислатларга одамлар ҳайрон қоларди. Макка аҳли ўзлари гувоҳи бўлган, ҳайратомуз даражадаги тўғри сўзлилиги ва ишончлилиги учун Унга “**ал-Амин**”, яъни ишончли, тўғрисўзли деб лақаб қўйганди. Расулulloҳ ўсмирлигида ана шу исм билан маккаликлар орасида машҳур бўлдилар.

Пайғамбаримизнинг ўсмирлик йилларида араблар, жуда паст жоҳилият даврини бошидан кечирарди. Бутпарастлик, ичкиликбозлик, қимор, зино, фоиз ва яна анча ифлос ишлар оммавий тус олганди. Муҳаммад алайҳиссалом уларнинг бундай бузук аҳволларидан ниҳоят даражада нафратланар, жирканч қилиқ ва одатларидан узоқ турардилар. Бутун Макка халқи Унинг бу ҳолини билар ва ҳайратланарди. Бутлардан қаттиқ нафратлангани учун уларнинг ёнларига асло яқинлашмасдилар. Бутларга атаб сўйилган мол гўштидан асло емадилар. Болалик ва ўсмирликларида ўзларига оид қўйларни Жияд тоғи этакларида боқар ва шу йўл билан кун кечирардилар. Шундай ҳаддан зиёд бузилган жамиятдан бўлажак пайғамбар алайҳиссалом доимо узоқ юрдилар. Анча йиллар кейин бир ўтиришда саҳобаларига, “**Қўй боқмаган (чўпонлик қилмаган) ҳеч бир пайғамбар бўлмаган**” дея марҳамат қилганларида “Ё Расулаллоҳ! Сиз ҳам чўпонлик қилганмисиз” деб сўрашганди.

²⁷ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 53-59-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 120-123-б.

Шунда “**Ҳа, мен ҳам чўпонлик қилганман**” деб марҳамат қилганлар.

Севимли пайғамбаримиз йигирма ёшларига келган вақтларда Маккада осойиш батамом бузилиб бўлган эди. Зулм сўнгги ҳаддига етиб, шаҳарда ҳечким моли, жони ва номуси жиҳатидан омонда эмасди. Макканинг маҳаллий аҳолиси, шаҳарга тижорат ё Каъба зиёратига келган меҳмонларга ҳақсизлик қилиб, зулм кўрсатарди. Жабр-зулмга дучор бўлганлар, ҳақларини сўраш учун дардларини айтиб борадиган бирор жой топа олмай қолганди. Ўша кезде, тижорат иши билан Маккага келган яманлик бир тужжорнинг моллари, Ос бин Воил деган маккалик зўравон томонидан тортиб олиниб ўзлаштирилган эди. Бу ҳодисадан хўрлик чеккан бечора яманлик, Абу Қубайс тоғига чиқиб, ҳаққини қайтариб олиш учун дод-фарёд солиб қабилалардан ёрдам сўради. Зулмнинг ҳар қандай ҳад чегарасидан ошиб кетганлигига далолат қилувчи бу ҳодисалар оқибатида Ҳошим ва Зухра ўғиллари ҳамда бошқа бир қатор қабила оқсоқоллари Абдуллоҳ бин Жудьоннинг уйига йиғилишди. Шу йиғинда барчаси бир овоздан бундан буён хоҳ маҳаллий, хоҳ келгинди, умуман ҳеч бир одамга зулм ва ноҳақлик қилинмаслиги, зулмга қаршилик қилиш, ҳақсизликка учраганларнинг ҳақларини зolimдан қайтариб олишга қарор қилдилар. Ана шу мақсадда бир **адолат ташкилоти** қурдилар.²⁸

Муҳтарам пайғамбаримизнинг ўсмирлигида иштирок этган ва қурилишида катта таъсири бўлган ўша ташкилотга **Ҳилфул Фудул** дейилди. Бундан анча олдин ҳам Фадр исмли икки киши ва Фудайл исмли яна бир киши тарафидан шунга ўхшаш бир адолат таъминлаш жамияти тузилган эди. Ана ўшалар тузган жамиятга ҳурматан, янги ташкилот ҳам шундай исм билан аталган эди. Бу янги ташкилот, зулмга чек қўйиб, Маккада ҳароб бўлган осойишни янгидан барпо қилди. Унинг таъсири анча узоқ вақтгача давом этди. Расулulloҳ сарваримиз, пайғамбарлик вазифасига киришганларидан кейин ўша жамият ҳақида Асҳоби киромга гапириб, **“Абдуллоҳ бин Жудьоннинг уйида қилинган қасамлашувга мен ҳам қатнашган эдим. Менга ўша ахдлашма, қизил тукли туяларга (мўл бойликка) эга бўлишдан ҳам зиёда ёқимлироқдир. Агар ҳозир ҳам ўшандай бир мажлисга чақирилсам, албатта қатнашган бўлардим”** дея марҳамат қилгандилар.²⁹

²⁸ Сухайлий, “*Равзул-унуф*”, I, 91-б.;

²⁹ Ибн Ҳишом, “*ас-Сийра*”, I, 133-б.; Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 82-б.; Сухайлий, “*Равзул-унуф*”, I, 91-б.; Ибн Ҳабиб, “*ал-Муҳаббар*”, 167-б.; Ибн Касийр, “*ал-Бидоя*”, III, 290-293-б.; Яъқубий, “*Торих*”, II, 13-14-б.

Тижорат билан машғул бўлишлари

Маккаликлар қадимдан бери тижорат билан кун кўриб келишарди. Жаноби пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) амакиси Абу Толиб ҳам тижорат қиларди. Муҳтарам пайғамбаримиз йигирма бешга кирган вақтларида Маккада кун кўриш анча оғирлашиб қолган эди. Шу сабабдан маккаликлар бу сафар Шомга бориш нияти билан катта бир тижорат карвони ҳозирладилар. Шундай карвон тайёргарлиги қизиқ турган кунларнинг бирида Абу Толиб, Расулulloҳ жанобимиз олдларига келиб: “Эй муҳтарам жияним! Камбағаллик суягимизга тақалди. Очлик ва курашлар билан ўтказган кейинги йиллар қўлимизда ҳеч нарса қолдирмади. Мана ҳозир Қурайш, савдо карвони тайёрлаб, Шомга жўнамоқчи бўлиб турибди. Хадижа хоним ҳам карвон билан мол жўнатаяпти ва у ўз тижоратига бош-қош бўладиган ишончли одамлар изляяпти. Ўйлайманки, сендек амин, оқкўнгил ва вафодор одамга эҳтиёжи бор. Унга бориб, молига сенинг вакил бўлиб боришингни сўрасак ёмон бўлмасди. Шубҳасиз, сени бошқалардан афзал ҳисоблайди. Аслини олганда мен сенинг Шомга боришингни унча хоҳламайман. Чунки у ерда яҳудийлардан сенга зарар етишидан хавотирдаман. Лекин бошқа чорамиз ҳам йўқ”, деб маслаҳат қилди. Жаноби пайғамбаримиз амакисига, **“Сиз қандай хоҳласангиз шундай бўлсин”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Хадижа чиройи, ақли, иффати, ҳаёси, адаби ва бойлиги билан Арабистонда шухрат қозонган аёл эди. Шунинг учун унга чор тарафдан толиб бўлган ва уни сўратиб, орқасидан югуриб юрган кишилар кўп эди. Бироқ у тушида кўрган бир воқеа туфайли ҳеч кимга илтифот қилмай келарди. Тушида осмондан ой ерга тушиб, Хадижа хонимнинг қўйнига кирган, кейин нури қўлтиғидан чиқиб, бутун оламни ёритган эди. Эрталаб туриб тушни қариндошларидан Варақа бин Навфалга сўзлаб берди. Варақа эса, тушни шундай таъбир қилди: “Охир замон пайғамбари дунёга келибди. У сенга уйланади ва сенинг замонингда Унга ваҳий нозил бўлади. Динининг нури оламни ойдинлатади. Энг биринчи иймон келтирган инсон сен бўласан. У пайғамбар Қурайшдан ва Баний Ҳошимдан чиқади”. Ҳазрати Хадижа бу таъбирдан жуда хурсанд бўлган ва ўша пайғамбарнинг келишини интиқлик билан кута бошлаган эди.

Ҳазрати Хадижа тижорат билан шуғулланар, муносиб кишилар

билан шериклик ҳам қиларди. Абу Толиб, ҳазрати Хадижа ҳузурига келиб, аҳволни тушунтирди. Шу сабабдан ҳазрати Хадижа Расулulloҳ жанобимизни кўриб, юзма-юз гаплашиш учун уйига таклиф қилди. Сарваримиз ташриф буюрганларида Уни бекиёс таъзим ва ҳурмат билан қабул қилди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг назокати, соф ва пок жамолини кўриб ҳайрон қолди. Расулulloҳга юзланиб “Тўғри сўзли, ишонарли ва гўзал одатли киши эканлигингизни биламан. Менинг бу ишимни бажарган кишига бошқа сафаргилардан кўпроқ ҳақ тўлайман...” деди. Икки томон келишгач хизматда лозим бўладиган кийимларни Унга бериб, хотиржамлик билан хайрлашди.

Ҳазрати Хадижа волидамиз билимли, эътиқодан насроний бўлган амакиси ўғли Варақа бин Навфалдан пайғамбарлик аломатларини ҳам сўраб олган эди. Расулulloҳ жанобимиз, бу сафарги зиёратларида ҳам пайғамбарлик хусусиятларини ўзларида намоён қилгандилар. Улар гувоҳи бўлган ҳазрати Хадижа Майсара исмли қулига, “Маккаликлар ҳар хил миш-миш тарқатмаслиги учун қарвон Маккадан чиққунча туянинг жиловини Муҳаммад алайҳиссаломнинг қўлига бергин. Шаҳардан узоқлашгач мана бу қимматбаҳо кийимларни Унга кийдиргин” деб тайинлади. Кейин туялардан энг чиройлисини султонларга лойиқ қилиб безаттирди. Майсарага “У зотни катта ҳурмат-эҳтиром билан мана шу туяга миндириб жиловини ўз қўлингга ол ва ўзингни У ҳазратнинг хизматкори деб билгин! Ундан ижозат олмай бирон иш қилмагин ва Уни муҳофаза қилиш, хавфлардан қўриш учун жонингни аямагин! Борган жойларингда кўп қолманглар, тезда қайтинг. Эҳтиёт бўлгин, Ҳошим ўғиллари олдида уятли бўлиб қолмайлик. Агар бу айтганларимни сўзма-сўз бажарсанг, сени озод қиламан ва истаганингча мол бераман”, деб вазифа берди.

Ниҳоят қарвон тайёр бўлди. Маккаликлар сафар олдидан яқин-узоқлари билан хайрлашиш учун бир жойга йиғилдилар. Улар орасида севимли пайғамбаримизнинг қариндошлари, амакилари ва Ҳошим ўғилларининг улуғлари ҳам бор эди. Пайғамбаримизнинг аммаси, Аллоҳу таолонинг Расулини (саллаллоҳу алайҳи васаллам) хизматчи кийимида, туя жиловини ушлаб турган бир ҳолатда кўриб, тиззалари титраб, фарёд қилиб йиғлаб юборди. Оху воҳ қилиб, кўзларидан ёш дарёсини оқизиб, “Эй Абдулмутталиб! Эй замзам кудуғини қазган буюк зот! Эй Абдуллоҳ! Қабрларингдан туриб, мана бу томонга бир қаранглар, мана шу муборакнинг

аҳволини кўринглар!” деб аламини айтиб йиғлади. Абу Толиб ҳам шундай туйғуларда ғамгин эди. Расулulloх жанобимизнинг Ҳақни кўрган инжу кўзларидан ҳам марварид ёшлар тўкилди ва “Мени унутманглар. Гурбатда ғам ва ташвиш чекаётганимни ёд қилиб турунглар” деган сўзлар билан хайрлашдилар. Бу сўзни эшитганларнинг барчаси йиғлади. Кўкдаги малаклар ҳам бу ҳолга шерик бўлдилар ва ”Эй Раббимиз! Бу ўзинга ҳабиб қилиб, энг буюк мақом ато этган банданг Муҳаммад алайҳиссаломку. Бунинг ҳикмати нима” деб Аллоху таолога арз қилдилар. Аллоху таоло эса, малоикага, **“Ҳа, У менинг ҳабибимдир. Фақат сиз муҳаббат сирларини билмайсиз. Ошиқ билан маъшук орасидаги сирларга воқиф бўлолмайсиз. Бу мақомни ҳеч ким билмайди. Бу яширин ишдан ҳеч ким ҳеч нарса тушунолмайди”** деб буюрди.

Ниҳоят, карвон йўлга чиқиб, қораси кўздан ғойиб бўлгач Майсара бекасидан олган амри бўйича, қимматбаҳо кийимларни севимли пайғамбаримизга кийдирди. Турли хил матолар билан безатилган туяга мингазди. Жиловларини ўз қўлига олди.

Бу сафарда ҳам карвондагилар, оламларга раҳмат сифатида юборилган севгили пайғамбаримизнинг устида доим соябон бўлган бир булутнинг ва куш шаклига кирган иккита фариштанинг то сафар битгунча У билан бирга юрганига гувоҳ бўлдилар.³⁰ Йўлда туялардан иккитаси чарчаб юра олмай, карвондан ортда қола бошлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом, уларнинг оёқларини силаб қўйганларидан кейин ҳеч нима бўлмагандай йўрғалаб кетишлари ҳам ҳеч кимнинг назаридан четда қолмади. Йўл давомида шунга ўхшаш яна қатор ҳодисалар рўй бериб турди. Бу ҳолларни ўз кўзлари билан кўрган йўловчиларда Ул зотга нисбатан ҳурмат яна-да ортиб, келажакда жуда улуғ ва хосиятли киши бўлишини сезишди.

Роҳиб Настура

Бусрага етиб борганларида яна ўша эски монастыр яқинида дам олишга тўхтадилар. Муҳаммад алайҳиссаломда кузатилган бир қатор аломатларга қараб, Унинг охириги пайғамбар бўлишини башорат қилган роҳиб Баҳира у пайтларда оламдан ўтган эди. Ўрнига энди Настура исмли бириси роҳиб бўлганди. Монастир яқинига келиб юк туширган Қурайш карвонини кузатиб турган роҳиб Настура, ўша жойда қуриб қолган дарахт остига бир киши

³⁰ Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 41-б.

келиб ўтириши билан бир онда яшилга бурканиб барг ёзганини сезиб қолиб, Майсарага “Шу дарахт тагига ўтирган киши ким?” дея савол берди. “У, Қурайш қабиласининг Ҳарам аҳлидан бир зот” деб жавоб қилди Майсара. “Ҳа, ҳозиргача бу дарахтнинг остига пайғамбардан бошқаси ўтирмаган”, деди роҳиб Настура. “Унинг кўзларида бир мунча қизил тус бор, шундайми?” деб яна савол берди Настура. “Ҳа шундай, у қизиллик ҳеч Унинг кўзларидан кетмайди”, деди Майсара. “Исо алайҳиссаломга Инжилни туширган Аллоҳу таоло ҳаққи, бу зот охирзамон пайғамбари бўлади. Ох, қанийди, мен Унинг пайғамбарлиги овоза бўлган замонларда яшай олсам”, деб афсусланди роҳиб...

Муҳаммад алайҳиссалом Бусра бозорида Хадижа хонимнинг молларини сотаётганларида, бир яҳудий савдолашиб туриб, Унинг айтганларига ишонмади-да, “Лот ва Узза бутлари номига қасам ич, сенга ишонайин”, деди. Муҳаммад алайҳиссалом, “**Мен у бутлар билан асло қасам ичмайман! Олдиларидан ўтаётганимда ҳам юзимни ўгириб ўтаман**” дея марҳамат қилдилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу сўзини эшитиб, яна баъзи аломатларни кўрган яҳудий харидор, “Ҳақ гапни айтдинг эй нотаниш одам! Худо урсин, сен пайғамбар бўладиган одамсан. Олимларимиз китобларида охириги пайғамбарнинг хусусиятларини ёзиб қолдиришган” деган гапларни айтиб, ҳайратини билдирди.

Майсара Расулulloҳ жанобимизни кузатиб борар, У ҳақда одамлардан эшитган ҳар бир ажойиб нарсаларни хотирига нақш қиларди. Шу тариқа ул зотга бўлган ҳайронлиги тобора ошиб борарди. Қисқаси, Майсаранинг қалбида оламлар жанобига нисбатан буюк бир муҳаббат аллақачон уйғонган эди. Энди Майсара, Унга завқланиб, берилиб, эҳтиром билан хизмат қилар, энг кичик истакларини ҳам буйруқдек билиб, жонидилдан бажарарди.

Моллар сотилди, муҳтарам пайғамбаримизнинг баракатлари билан савдодан тушган фойда ҳар галгидан бир неча маротаба кўп бўлган эди. Ниҳоят карвон ватанига қараб йўлга чиқди. Қайтиш йўлида Марруззахрон деган жойга келганларида Майсара севгили пайғамбаримизга Маккага хушхабар айтиб боришларини таклиф қилди. Жанобимиз бу таклифни қабул қилиб, туясини карвондан чиқариб минди-да, уни тўғри Маккага қараб ҳайдади.

Нафиса бинти Мунийя хоним шундай ҳикоя қилади: “Карвоннинг қайтиб келиш вақти яқинлашганди. Хадижа хоним ҳар куни

хизматчилари билан уйи томига чиқиб карвон йўлига мушток қарарди. Ўша кунларнинг бирида мен ҳам Хадижанинг ёнида эдим. Тўсатдан узокда туя минган одамнинг қораси кўринди. Устида бир булут ва иккита куш (куш киёфасига кирган малаклар) Унга соябон бўлишган эди. Пайғамбаримизнинг пешонасидаги нур эса, ойдек порларди. Бу ҳолатда келаётган ким бўлиши мумкинлигини дарров фаҳмлаган Хадижа хонимнинг кўнгли тинчланди. Бироқ у, ўзини билмасликка олиб, “Шундай иссиқда келаётган ким бўлдиёкан?” деб ёнидагилардан сўради. Хизматчилари У билан келаётган булут ва қушдан ҳайратга тушиб, “Бу келаётган Муҳаммадга (алайҳиссалом) ўхшайди”, дедилар. Кўп ўтмай Расули ақрам (саллаллоҳи алайҳи ва саллам) жанобимиз, Хадижа волидамизнинг ҳашаматли хонадонига келдилар ва хушxabарни айтиб, уни хурсанд қилдилар.

Кўп ўтмай карвон ҳам Маккага кириб кела бошлади. Майсара, ҳазрати Хадижа волидамизга сафар давомида мухтарам пайғамбаримизнинг соябони, роҳиб Настуранинг сўзлари, чарчаб кучдан кетган туяларнинг қандай жонланиб қолишлари ва шуларга ўхшаш қанчалаб юз берган фавқулудда ҳолларни бир-бир гапириб берди. Жаноби пайғамбаримизни тили айлангунча мадҳ қилди. Зотан ҳазрати Хадижа Унинг бундай хусусиятларидан хабардор эди. Бироқ бу янги ҳикоялар қалбида яқийнини (ишончини) оширди. Майсарага “Кўрганларингни бошқа ҳеч кимга айтиб юрмагин”, дея эслатиб қўйди.³¹

Хадижа волидамиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида эшитганлари ва олдиндан билганларини айтиб бериб, бирон маслаҳатини олиш мақсадида донишманд қариндоши Варақа бин Навфалга борди. Хадижа хонимнинг айтганларини диққат ва ҳайрат билан тинглаган Варақа “Эй Хадижа, шу айтганларинг тўғри бўлса, Муҳаммад алайҳиссалом, бу умматнинг пайғамбари бўлиши муқаррар” деди.

Хуллас, Жаноби пайғамбаримиз 12 ёшлигида амакиси Абу Толиб билан тижорат ишлари бўйича Бусрагача, 17 ёшлигида нариги амакиси Зубайр билан Яманга, 20 ёшида Шомга ва 25 ёшида ҳазрати Хадижанинг молларини сотишга вакил бўлиб яна Шомга, ҳаммаси бўлиб тўрт марта Маккадан ташқарига саёҳат қилдилар. Ҳаётларида шулардан бошқа ҳеч бир жойга саёҳат қилмадилар.

³¹ *Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 59-б.; Ибн Касийр, “ас-Суйра”, I, 262-б.; Ибн Жавзий, “ал-Вафо би аҳвол-ил-Мустафо” I, 143-б.*

Ҳазрати Ҳадижага уйланишлари

Ҳазрати Ҳадижа волидамиз Варақа бин Навфал берган хушxabардан кейин севикли пайғамбаримизнинг гўзал хислатларини кўриб, Унинг хоними бўлиб, хизмати билан шарафланишга майл қилди. Нафиса бинти Мунийя бу ҳолни сезиб орага кирди. Ана шу ният билан Нафиса бинти Мунийя Расули акрамнинг хузурларига келди ва “Ё Муҳаммад! Зоти олийларининг уйланмай юришининг сабаби нимадир?” деб сўради. Пайғамбаримиз **“Уйланишим учун қўлимда етарлича пулим йўқ”** деб марҳамат қилдилар. Нафиса хоним “Ё Муҳаммад! Агар ифбатли ва шарафли, мол ва жамол соҳибаси бир хотин билан уйланишни истасангиз мен хизматингизга тайёрман” деди. Пайғамбаримиз, **“У хотин ким экан?”** дея марҳамат қилгандилар, “Ҳадижа бинти Хувайлидир” деди. Расуллоҳ жанобимиз, **“Бу ишга ким васила бўлади?”** деганларида, Нафиса хоним “Бу ишни мен бажараман” деб пайғамбаримиз хузуридан чиқиб кетди. Нафиса хоним бу хушxabарни ҳазрати Ҳадижага етказди. Ҳазрати Ҳадижа эса, қариндошлари Амр бин Асад ва Варақа бин Навфални чақириб масалани уларга очди. Фикрлари бир жойдан чиқди. Ана шундан кейин Расуллоҳ жанобимизга алоҳида хабар юбориб, аниқ бир вақтда учрашиш учун ташриф буюришини сўрашди. Ўз навбатида Абу Толиб ҳам қариндошлари билан ҳозирликларини кўриб, пайғамбаримизни олиб, бирга ҳазрати Ҳадижанинг уйига боришди.

Ҳазрати Ҳадижа волидамиз ҳурматли меҳмонларнинг келишига уйини шоҳона тарзда тозалатиб, безатди. Шу муборак кунинг шукронаси учун барча зийнатларини хизматчиларига тортик қилиб, ҳаммасига озодликларини бериб юборди. Расуллоҳ сарваримиз амакилари билан Ҳадижа волидамизнинг уйига ташриф буюрдилар. Ҳамма ўтиргач Абу Толиб “Яратганга ҳамд бўлсинки, бизни Иброҳим алайҳиссаломнинг авлодидан ва Исмоил алайҳиссаломнинг наслидан айлади. Бизни Байтуллоҳнинг кўриқчиси қилди. Одамзотнинг қибласи ва оламлар тавоф қиладиган шу муборак байтни, ҳар қандай ёмонликдан муҳофаза қилган Ҳарам шарифини бизларга насиб айлади. Укам Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад шундай бир кишики, Қурайшда ким билан қиёсланса, ундан устун келади. Гарчи моли оз, лекин

кишининг қиймати моли билан ўлчанмайди. Чунки мол-мулк, худди сояга ўхшаб, қўлдан-қўлга ўтиб кетаверади. Жиянимнинг шарафи, устунлиги ҳаммангизга аён ва маълум. Мана бугун Хадижа бинти Ҳувайлидни ҳалоллигига сўрайди. Молимдан қанча маҳр берилишини хоҳлайсиз? Аминманки, Муҳаммаднинг мартабаси бундан ҳам юксак бўлгай”, дея сўз бошлади. Варақа бин Навфал бу сўзларни тасдиқ қилди. Хадижа волидамизнинг амакиси Амр бин Асад: “Тувоҳ бўлинглар, Хадижа бинти Ҳувайлидни Муҳаммад алайҳиссаломга завжаликка бердим” деди. Шу билан никоҳ ақди ва маросими тамомланди. Бир ривоятга кўра маҳр 400 мисқол олтин, бошқа бир ривоятда беш юз дирҳам, учинчи бир ривоятга кўра эса, 20 та туя эди.³²

Абу Толиб тўй учун бир туя сўйиб, ўша кунгача кўз кўриб кулоқ эшитмаган катталиқда улкан зиёфат берди. Сарваримиз шу тариқа оила курдилар. Ҳазрати Хадижа волидамиз бор бисотини жаноби пайғамбаримизга ҳадя қилди ва “Бу молларнинг ҳаммаси юксак шахсингизга оид. Мен ҳам сизга муҳтожман ва миннатингиз остидаман” дея бугун ихтиёрини Унга топширди.

Ҳазрати Хадижа волидамиз, оила ҳаёти давомида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга доим хизмат қилиб, Унга ёрдамчи бўлди. Жаноби пайғамбаримизнинг ушбу оиласи Хадижа волидамизнинг вафотигача, 25 йил давом этди. Ўн беш йили биъсатдан олдин, ўн йили эса, биъсатдан (пайғамбарлиги билдирилишидан) кейин эди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом биринчи аёли ҳаётлигида бошқа ҳеч кимга уйланмадилар. Ушбу никоҳларидан олти фарзанд кўрдилар. Уларнинг иккиси ўғил, тўрттаси қиз эди. Исмлари: Қосим, Зайнаб, Руқайя, Умми Гулсум, Фотима ва Абдуллох (Бу ўғлининг исми Тоййиб ёки Тоҳир бўлганлиги ҳам айтилган). Кейинчалик пайғамбарлик даврида никоҳларига олган ҳазрати Мориядан ҳам битта Иброҳим исмли ўғиллари бўлган эди. Расуллоҳнинг бошқа аёлларидан фарзандлари бўлмади. Зайнаб - қизларининг энг каттаси эди. Энг кичиги, отасининг севимли қизи Фотима бўлиб, ҳижратдан ўн уч йил олдин туғилди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўғил фарзандлари кичик ёшларда вафот этганларидек, ҳазрати Фотимадан бошқа барча қизлари ҳам Ўзларидан олдин вафот этди. Фотима волидамиз эса, пайғамбаримиздан олти ой сўнгра вафот

³² *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 43-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 9-б.; Сухайлий, “Раъзул-нуф”, I, 321-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 41-б.; Ибн Асийр, “Усулу-л-ғоба, I, 23-б.*

қилди. Ҳазрати Алининг никоҳида эди. Севимли пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг насли ҳазрати Фотима авлодлари билан давом этди.³³

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Хадижа волидамизга уйланганидан кейин ҳам тижорат билан машғул бўлдилар. Тижоратдан топган фойдалари билан мусофирларнинг оғирини енгил қилар, етим ва камбағалларга ёрдам берардилар.

Зайд бин Ҳориса

Зайд бин Ҳориса болалигида онаси Суъда билан биргаликда қариндошлариникига меҳмонга борган эди. Ўшанда улар бошқа бир қабиланинг ҳужумига учрайди. Зайд босқинчилар қўлида асир бўлиб қолди. Уни Маккага Суқ-и Уқоз деган кўчма бозорга келтириб, сотишга чиқардилар. Ҳазрати Хадижанинг жияни Ҳаким бин Ҳизом, Зайдни 400 дирҳамга сотиб олди. Ҳаким бин Ҳизом Зайдни аммаси ҳазрати Хадижага, у эса, жаноби пайғамбаримизга ҳадя қилди. Муҳтарам пайғамбаримиз кўп ўтмай Зайдни озод қилдилар ва ёнларида қолишга ижозат бердилар. Зеро озод этилган Зайд бин Ҳорисанинг борадиган жойи бўлмаганидек унга Расулуллоҳдан яхшироқ муносабатда бўладиган одам ҳам йўқ эди. Шунинг учун Расулуллоҳнинг таклифини хурсандлик билан қабул қилди.

Пайғамбарлиги билдирилмасидан олдинлари ҳам адолат, инсоф, марҳамат, инсон севгиси, очиқ юзлилик, қарам, саҳоват, аҳдга вафо, омонатга хиёнат қилмаслик, ёрдамсеварлик, фидокорлик, ишончлилик, мазлумни, тушкунликка тушганни, камбағални химоялаш, болажонлилик, меҳр-оқибатлилик, дурустлик, тўғри сўзлилик, назокат, тавозу, этидол (мўтадиллик), одамларни адолатли бошқариш, жасорат, шижоат каби кўринадиган ва кўринмайдиган, очиқ ва яширин гўзал, чиройли ахлоқ-одобни маромига етказиш учун яратилган, ҳар жиҳатдан келган ва келажак бутун инсониятдан устун бўлган, барчанинг ишончини қозониб, “Ал-Амин” лақабига лойиқ топилган жаноби пайғамбаримиздан кўрган муомалалари туфайли Зайд бин Ҳориса Уни ота-онасидан ҳам кўпроқ яхши

³³ *Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 59-61-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 82-85, 131-132-б.; Табарий, “Торих”, II, 280-282-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 293-295-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 15-16-б*

кўриб қолганди ва ундан ажралишни хоҳламасди.

Зайд бин Ҳорисанинг ота-онаси ўғилларининг қаерга олиб кетилганини билмасди. Зайднинг отаси жигарпорасига куйиб, оёғи етган диёрларни кезиб уни ахтарарди. Ямандан бошқа ўлкаларга бориб келаётган қариндошларига ва танишларига тез-тез эслатиб, ўғли Зайддан бирор хабар келтиришларини илтимос қиларди. Фарзандининг фироқидан шеърлар ёзиб, узлуксиз кўз ёши тўқарди.

Оқибат, исломият келишидан аввал Баний Калб қабиласидан Каъбани зиёратга келганлардан баъзилари ҳазрати Зайдни кўриб қолиб, уни танийдилар, ҳазрати Зайд ҳам уларга “Оилам менинг фироқимдан фарёду фиғон чекаётганларини биламан” деб мактуб бериб юборади.

Ҳориса бу хушхабар етиб келганидан чексиз севинди. Дарҳол укаси Каъб билан бирга ёнига анчагина пул олиб Маккага келди. Бу ерда пайғамбаримизнинг уйини суриштириб топиб, “Эй Қурайш қавмининг жаноби, эй Абдулмутталибнинг невараси, эй Баний Ҳошим аждодининг ўғли! Сиз Ҳарами шарифнинг кўшнисисиз. Мусофирларга икром, асирларга эҳсон этадиган, уларни асирликдан кутқарадиган кишиларсиз. Қулингиз бўлган ўғлимизнинг қутилиши учун қанча пул сўрасангиз бераман, фақат уни озод қилинг, нима бўлса ҳам бизнинг бу тилагимизни рад қилманг” деган гаплар билан илтимос қилди. Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) эса, **“Зайдни чақириб, унинг ўзига бу масалани айттайлик. Қарорини ўзи берсин. Агар сиз билан кетишни истаса, ҳеч қандай тўловсиз уни олиб кетишингиз мумкин. Агар мени танлаб, ёнимда қолишни истаса, Аллоҳга қасам ичаманки, мени танлаган кишини тарк этмайман, у ёнимда қолади”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳориса ва укаси жаноби пайғамбаримизнинг бу жавобидан жуда хурсанд бўлиб “Сиз бизга жуда адолатли ва инсофли жавоб қилдингиз”, дедилар.

Шундан кейин жаноби пайғамбаримиз, Зайдни хузурига чақириб, унинг ўзига **“Буларни танийсанми?”** деб марҳамат қилганларида, Зайд “Ҳа, бири отам ва иккинчиси амаким” деди. Шунда жаноби пайғамбаримиз Зайдга қарата **“Эй Зайд, сен менинг кимлигимни билдинг, сенга бўлган шафқат ва марҳаматимни, муомаламни кўрдинг. Отанг ва амакинг сени олиб кетишга келибдилар. Сен**

нима дейсан, мени танласанг бемалол ёнимда қолиб аввалгидек яшашда давом этасан, оталарингни танласанг, марҳамат улар билан кетаверишинг мумкин. Зотан сен озодсан” дея марҳамат қилдилар.

Зайднинг отаси ва амакиси, ана энди бўлди, Зайдни олиб кетамиз деб хаёлларидан ўтказиб турардилар. Зайд эса “Мен ҳеч кимни сиздан афзал кўрмайман. Сиз менинг отам ва амаким мақомидасиз. Мен сизнинг ёнингизда қолишни хоҳлайман” деди. Отаси ва амакиси ҳайратга тушдилар. Отаси аччиқланиб, “Хайф бўлсин сенга. Нималар деясан?. Демак, сен қулликни, хурриятдан, ота-она ва амакингдан афзал ҳисоблаяпсан, шундайми?!” деди. Зайд эса, ”Отажон мен бу кишидан шундай бир шафқат ва муомала кўрдимки, Ундан ҳеч кимни афзал кўра олмайман” дея жавоб қилди.

Жаноби пайғамбаримиз Зайдни жуда яхши кўрарди. Зайднинг ҳам Ўзига бўлган муҳабатини кўриб, уни Каъбаи муаззамада Ҳижрга келтириб, у ердагиларга хитоб қилиб, **“Гувоҳ бўлинг, Зайд менинг ўғлимдир. У менга ворис, мен унга ворисман”** деб марҳамат қилдилар. Зайднинг отаси билан амакиси бу ҳолни кўриб, ҳовурларидан тушди ва кўнгиллари тинчиган ҳолда юртларига қайтиб кетдилар. Асҳоби киром бундан сўнгра Зайдни Зайд бин Муҳаммад (Муҳаммаднинг ўғли Зайд) деб атайдиган бўлди. Шундан кўп ўтмай, Аллоҳу таолонинг “Аҳзоб” сураси 5-чи ва 40-чи оятларидаги **“Болаларингизни ўз оталари исми билан чақиринг, Аллоҳ наздида шундай чақирилгани янада тўғрироқ бўлади”**. **“Муҳаммад (алайҳиссалом) сиздан ҳеч бир эркакнинг (Зайд) отаси эмасдир”** амрлари билан боқиб олган боласига ота исми сифатида ўз исмини бериш бекор қилинганидан сўнгра, ҳазрати Зайд такрор ўз отасининг исми, яъни **“Ҳорисанинг ўғли”** (Зайд бин Ҳориса) деб чақирила бошлади.³⁴

Каъбада ҳакамлик

Расулуллоҳ жанобимиз ўттиз беш ёшларида Каъбада ҳакамлик қилдилар. Ўша замонларда ёмғиру-селдан Каъбанинг деворлари бироз нураган, устига устак бир ёнғинда анчагина талофат кўрган эди.³⁵

³⁴ Бухорий, “Тафсири”, 2-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 487-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, VII, 2-б.;
³⁵ Ибн Касийр, “ас-Суйра”, I, 273-б.

Шулар сабаб бино қайтадан куриладиган ҳолга келганди. Шунинг учун Қурайш қабиласи Каъбани Иброҳим алайҳиссалом қурган пойдеворгача йикитиб, уни ўша асосдан бошлаб қайта куришни бошлаб юборди. Ҳар қабила бир бўлимини ўз зиммасига олиб, деворларни кўтарди. Ҳажарул-асвад тошини ўрнига қўйишни ўзлари учун улкан шараф деб билган қабилалар, шу маслада бир фикрга кела олмади. Тошни ўрнига қўйиш шарафига ҳар бир қабила якка ўзи эришмоқчи эди. Оқибат, ўртада катта келишмовчилик келиб чиқди. Абдуддор ўғиллари, “Бу ишни биздан бошқаси бажарадиган бўлса, қон тўкамиз” деб пўписа қилдилар. Тўрт-беш кун давом этган келишмовчилик сабабли вазият ҳақиқатан қон тўкиладигандай қалтис тус олганди.

Ўшандай тортишувлар бўлиб турган бир паллада Абдулмутталибнинг кексайиб қолган тоғаси, Ҳузайба бин Муғира, “Эй Қурайш халки, ўргангизда ҳал бўлмаётган ишнинг ҳукмини чиқариш учун мана шу эшиқдан ким биринчи кириб келса, ўша зотни ҳакам қилинглар” деб Каъбага очилиб турган Баний Шайба эшигини кўрсатди. У ерда бўлганлар бу таклифни маъқуллаб, Баний Шайба эшигига қараб, биринчи кириб келадиган ва шу қалтис масалани ҳал қиладиган кишини кута бошладилар. Ниҳоят эшиқдан, тўғри сўзлиликда барчаси иттифоқ қилган, ахлоқий устунлигини энг юқори даражада тақдирлаб, Ал-Амин, яъни ишончли киши деб таърифлаган зотлари – Муҳаммад алайҳиссалом кириб келадиганини кўрдилар. Қутаётганлар бир овоздан “Бу ал-Амин-ку! Биз Унинг ҳукмига розимиз” деб ҳайқаришди.

Масала севимли пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга арз қилинди. Ул зот улардан бир мато келтиришларини сўради. Матони ерга тўшаб, устига Ҳажарул-асвадни қўйдилар-да, **“Қани энди ҳар бир қабиладан биттадан киши матонинг чеккаларидан ушласин”** деб марҳамат қилдилар. Шу тарзда ҳажарул асвад тоши ўз ўрнигача олиб борилди. Кейин тошни Ўзлари муборак қўллари билан олиб, жойига қўйдилар. Боши, охири кўринмай чигаллашиб ётган тортишувнинг шундай осонлик билан ҳал бўлганини кўрган қабилалар, Унинг бу ҳукмидан мамнун қолдилар. Девор қурилишини тўхтаб қолган жойидан давом этказиб, таъмирни тамомладилар.³⁶

36 *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 83-105-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 192-198-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 145-147-б.; Табарий, “Торих”, II, 287-290-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоия”, III, 98-305-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 14-15-б*

Ташрифлари яқинлашди...

Оламлар жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўттиз етти ёшлигидаёқ ғойибдан “Ё Муҳаммад” деган овозлар эшитардилар. Ўттиз саккизида бир қатор нурларни кўра бошладилар. Воқеаларни фақат хазрати Хадижа волидамизга айтиб берардилар. Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлиги билдирилиши яқин қолган кунларда, замонасининг машҳур адибларидан Қуъс бин Саида Уқоз кўргазма (ярмарка)сида туяга минган ҳолда, катта бир йиғинга ўқиган хутбасида бир пайғамбарнинг келиши хушхабарини берганди. Севимли пайғамбаримиз ҳам ўша хутбани тинглаганлар орасида эдилар. Қуъс бин Саида ўша ўзининг машҳур хутбасининг бир қисмида шундай деганди:

“Эй одамлар! Келинг, тингланг, кутинг, ибрат олинг! Туғилиб, яшаган ўлади, ўлган фано топади, бўладигани бўлади!.. Қулоқ тутинг, яхшилаб тингланг! Кўқда хабар бор, ерда ибрат оладиган нарсалар бор!.. Аллоҳ наздида бир дин!.. Ва Аллоҳнинг юборадиган бир пайғамбари бор. Унинг келиш вақти жуда яқин. Унинг сояси бошингизга тушиб турибди. Унга қулоқ солган ва Унга иймон келтирганлар қандай муборак бўладилар. Унга исён ва мухолифат қилган бадбахтларнинг ҳолига эса вой дейман! Хайф бўлсин, умрлари ғафлатда ўтган умматларга!..”

У замонларда бутун Арабистонда одамлар илоҳий ўлчовлардан узоқлашган, бой-камбағал, кучли-кучсиз, хожа-қул каби синфларга бўлиниб олишганди. Ўзларини бир мунча бой, зодагон деб ҳисоблаганлар, пастроқларни, кучсизларни зулм остида тутарди, уларни одам ўрнида кўрмасди. Кучсизларнинг моллари тортиб олинарди. Аммо бундай ноҳақликка тўсиқ бўладиган бирор масъул топилмасди. Аллоҳу таолога иймондан пайдо бўладиган ҳаё ва кўрқув улардан йўқ эди, ундай фазилатлардан роса узоқлашгандилар. Ҳар хил уятсизлик, иззат-хурмат ва номусни оёқ ости қилиш каби ёмон одатлар бемалол қилинарди, қимор, ичкиликбозлик, завқу сафодан ҳеч тортинмай қўйишганди. Тўхтовсиз одам ўлдиришлар, зино ва босқинчилик ҳолатлари жонга тегиб бўлганди. Маъсум кишиларнинг инграшлари ва аччиқ нолалари аршни ларзага келтирарди. Том маънода ахлоқий тубанлик ҳукм сурурди, аҳоли жаҳолат денгизига ғарқ бўлган эди. Хотин-қизлар оддий молдай олиб-сотилар, қиз чақалоқлар инсофсизларча тириклайин тупроққа

кўмиларди. Ҳаммасидан баттари, қалби қаттиқ, ўжар ва меҳрдан бенасиб бу одамлар, ўз қўллари билан ясаган на фойдаси-ю на зарари йўқ жонсиз бутларга ибодат қилиб, ҳайкалларга топинишни, юқинишни ўзлари учун қатта шараф деб қабул қиларди.

Одам алайҳиссалом давридан шу давргача одамзот тарихида бундай ваҳшат, бундай тубанлик, беҳаёлик, иймон ва инсоф қахатлиги, кайфу сафога берилиш қузатилмаганди. Одамлар гўёки икки оёқли ҳайвон суратига кириб қолгандай эди. Ҳамма бир-бирига душман, жамият ҳар он портлашга тайёр тургандай эди. Аҳолининг хузур-ҳаловатга эришиши учун бундай қоронғилиқда бир саодат қуёши чиқиши керак эди. У чиқса, ақидасизлик ўрнини иймон, зулм ўрнини адолат, жоҳиллик ўрнини илм оларди ва инсоният абадий саодатга эришган бўларди.

Ниҳоят севимли пайғамбаримизга, олдин содиқ тушлар кўрсатила бошланди. Ҳадиси шарифда ваҳий илк марта тушларида келганлиги айтилган. Тушларида кўрганлари ўнгларида амалга ошарди. Бундай ҳол олти ой давом этди. Ваҳий келиши яқинлашганида ғайбдан “**Ё Муҳаммад**” деган овозлар эшитилиши кўпайиб қолди. Шундан кейин танҳоликни ёқтирадиган бўлдилар. Натижада одамлардан узокроққа кетиб, Хиро тоғидаги бир ғорда тафаккурга берилишни одатга айлантирдилар. Баъзан Маккага келиб, Каъбани тавоф қилардилар, саодат хоналарига (уйига) кирардилар. Хонаи саодатда бироз қолиб, бир мунча озик олиб, яна Хиродаги ғорга қайтардилар. Ўша жойда тафаккур ва ибодат билан машғул бўлардилар. Баъзан бир неча кунлаб ғорда қолиб кетардилар. Бундай вақтларда ҳазрати Хадижа онамиз бирор кишидан егулик бериб юборар ёки ўзи элтарди³⁷.

Илк ваҳий

Жаноби пайғамбаримиз қирқ ёшларида, яна бир Рамазон ойида Хиро тоғига чиқиб, тафаккурга берилган эдилар. Рамазоннинг 17-чиси, душанба кечаси, вақт ярим кечадан оғанда исмини айтиб чақирган бир овоз эшитдилар. Бошларини кўтариб атрофига қараган эдилар, ўша овоз яна такрорланди ва сўнгра бирданига ён-атрофни ёритиб юборган бир нур кўрдилар. Нур орқасидан

37 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 233-240-б.

Жаброил алайҳиссалом пайдо бўлди ва Унга “Ўқи!” деди. Жанобимиз эса **“Мен уммийман”** (ўқишни билмайман) деб жавоб бердилар. Шунда малак уни кучиб маҳкам сиқди ва “Ўқи!” деди. Жанобимиз эса такрор **“Мен уммийман, ўқий олмайман”**, дея жавоб қайтардилар. Яна бир марта у зотни кучоқлаб сиқиб, яна “Ўқи!” деди. Жанобимиз, **“Мен ўқишни билмайман-ку”** деганларида, фаришта Уни учинчи марта кучоқлаб қисди. Ундан кейин бўшатиб, **“(Эй Муҳаммад!) Яратган Аллоҳнинг исми билан ўқи! У инсонни лахта қондан яратди! Ўқи, Аллоҳ буюк карам соҳибидир. У, (инсониятга) қаламни (яъни ёзишни) ўргатди, У зот инсонга билмаганларини ўргатади”** маолидаги “Алақ” сурасининг илк беш ояти каримасини келтирди. Муҳаммад алайҳиссалом фаришта билан бирга оятни такрорлади (ўқиди) лар. Илк ваҳий ана шу тариқа келди ва жаҳонни ёритган Ислому кўёши шу тарзда чиқди.³⁸

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, воқеадан қаттиқ таъсирланган, бутун вужудини титроқ ва ҳаяжон қоплаб, Хиро тоғидаги ғордан чиқиб, зудлик билан пастга туша бошладилар. Тоғнинг ярмига келганларида яна бир овоз эшитилди. Яна Жаброил алайҳиссалом, “Ё Муҳаммад! Сиз, Аллоҳу таолонинг расулисиз, мен эса, Жаброилман” деяётганди. Шу орада у ўқчаси билан ерни бир тепди. Тепган жойдан сув чиқиб, шу сувдан таҳорат ола бошлади. Жаноби пайғамбаримиз уни диққат билан кузатиб турардилар. Жаброил алайҳиссалом таҳоратини тугатиб, жаноби пайғамбаримизга ҳам кўрганидек таҳорат олишини айтди. Севимли пайғамбаримиз таҳорат олгач Жаброил алайҳиссалом имомлигида бирга икки ракат намоз ўқидилар. Намоздан кейин Жаброил алайҳиссалом **“Эй Муҳаммад! Раббингиз сизга салом айтди”** деди-да, Аллоҳу таолонинг, **“Сен менинг жинлар ва одамларга юборилган расулимсан. Шундай экан, уларни тавҳидга даъват қилгин!”** деб буюрганини айтди ва кўкка кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлди. Севимли пайғамбаримиз шу тариқа Жаброил алайҳиссаломни кўрдилар ва сўзлашдилар.

Тезда уйларига равона бўлган расули ақрам жанобимиз тоғдан

³⁸ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 196-б.*

шахарга тушиб хонаи саодатларига киргунча йўлда учраган ҳар бир тош, ҳар бир дарахтнинг Унга қараб “Ассалому алайкум, ё Расулаллоҳ!” деганларини эшитдилар. Уйига келиб, **“Мени ёпиб қўйинглар! Мени устимни ёпиб қўйинглар!”** деб марҳамат қилдилар ва титрашлари ўтиб кетганича ўраниб ётдилар. Сўнгра кўрган-кечирганларини Хадижа волидамизга сўзлаб бердилар ва **“Жаброил (алайҳиссалом) кўздан ғойиб бўлди. Лекин унинг ҳайбати, шиддати ва ундан қўркув ҳисси мени тарк этмай, титроқ босди. Энди халойиқнинг мени мажнун (ақлдан озган) деб, маломат қилишларидан хавотирдаман”**, деб марҳамат қилдилар. Шундай ғайриоддий ҳоллар ва шундай қутлуғ кунларнинг қачондир содир бўлишини орзиқиб кутаётган, буларнинг барчасига узоқ йиллардан буён тайёр бўлган ҳазрати Хадижа Унга тасалли бериб, “Сизни Аллоҳу таоло сақласин. Ҳақ таоло сизга фақат хайр мурод қилади ва хайрдан бошқа ҳеч нарсани лойиқ кўрмайди. Аллоҳу таолонинг ҳаққи учун бу умматнинг пайғамбари бўлишингизга ишонаман. Зеро сиз меҳмондўст, тўғри сўзли, аминсиз. Ожизларга ёрдам берадиган, етимларни химоя қиладиган, ғарибларга ёрдамини аямайдиган зотсиз. Хулқ-атворингиз яхши, бундай хислатлар соҳибида қўркув бўлиши мумкин эмас” деган сўзлар билан юпанч бўлди³⁹.

Шундан кейин бу ҳақда маслаҳат олиш учун пайғамбар алайҳиссалом ва рафиқалари ҳазрати Хадижа иккаласи Варақа бин Навфалнинг олдига бордилар. Варақа Расулulloҳ жанобимизни диққат билан тинглаганидан кейин “Бу буюк хушхабар ва улуг суюнчидир, эй Муҳаммад алайҳиссалом! Аллоҳу таолога қасам этаманки, сиз, ҳазрати Исо хабар берган охирги пайғамбарсиз. Сизга кўринган малак, сиздан аввал Мусо алайҳиссаломга ҳам келган Жаброил алайҳиссаломдир. Оҳ! Кошки ёшроқ бўлсайдим. Сизни Маккадан чиқариб юборадиган йилларгача яшаб, сизга ёрдам беришга ошиқсам. Сиз яқин кунларда эшитганларингизни халққа таблиғ ва жиҳод қилишга амр оласиз” деди ва жаноби пайғамбаримизнинг муборак қўлларини ўпди. Шу воқеадан кўп ўтмай Варақа бин Навфал вафот этди.⁴⁰

³⁹ Табарий, “Торих”, II, 298-302-б.; Балозурий, “Ансоб” I, 108-110-б.

⁴⁰ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 104-142-б.; Ибн Хишом, “ас-Сийра”, I, 239-240-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 129, 194-195-б.; Табарий, “Торих”, II, 299-302-б.; Балозурий, “Ансоб” I, 111-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 48-б.

Таблиғ амрининг келиши

Расулulloҳга пайғамбарлигини билдирган биринчи ваҳий юқорида айтилганидек келган эди. Ундан сўнг бу ҳол тўхтаб қолди. Уч йил ҳеч нарса келмади. Бу орада Исрофил алайҳиссалом исмли фаришта келиб, баъзи нарсаларни ўргатди, аммо улар ваҳий эмасди. Бу муддат ичида Расулulloҳ жанобимиз қаттиқ изтироб чекардилар. Жанобимиз ташвишли, хафа бўлган вақтларида Жаброил алайҳиссалом кўриниб, “Эй Ҳабибаллоҳ! Сиз Аллоҳу таолонинг пайғамбарисиз” дер ва бу билан ғам-ғуссаларини тарқатиб юборарди. Жаноби пайғамбаримиз марҳамат қиладиларки: **“Ваҳий тўхтаб турган вақтлар эди. Хиро тоғидан тушиб келаётгандим. Тўсатдан осмон тарафдан овоз эшитдим. Тепамга қарадим. Жаброилни (алайҳиссалом) кўрдим. Шундай ер ва осмон орасида бир курси устида ўтирарди. Мен ундан кўрқиб кетдим. Уйга бориб, мени бирон нарса билан ёпиб қўйишларни сўрадим. Ҳақ таоло ваҳий юборди.”**”Эй (либосларига) бурканиб олган зот, тургин-да, (инсонларни охира азобидан) огоҳлантир! (Иймон келтирмасалар, азобга учрашлари ҳақида уларга хабар бер” маолидаги **“Муддассир”** сурасининг биринчи оятларини туширди. Ундан кейин ваҳий тўхтамади”.

Фаҳри коинот (алайҳи афдалус-салавот) жанобимиз, инсонларни исломга даъват қилишни, Аллоҳу таолонинг амр ва тақиқларини таблиғ (кишиларга етиштириш) этишни бошлаб юбордилар. Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирганида баъзан инсон қиёфасида келарди. Кўпинча Асҳоби киромдан Дихя-и Калбий кўринишида келарди. Баъзан эса, жаноби пайғамбаримизнинг қалбига илҳом билан ташларди, талқин этарди. Расулulloҳ жанобимиз уни кўрмасдилар. У баъзан тушда, баъзан даҳшат сочиб, шовқин билан келарди. Ваҳийнинг ана шундай келиши жаноби пайғамбаримизга жуда оғир, мушкул туюларди. Бундай ҳолларда кун жуда совуқ вақтлари ҳам муборак пешоналаридан тер оқаверарди, туя устида бўлса, ваҳийнинг оғирлигидан туя ерга чўкиб қоларди. Ёнларида бўлган саҳобийлар ҳам ваҳийнинг оғирлигини ҳис этарди. Жаброил алайҳиссалом бир неча марта жаноби пайғамбаримизга ўз асл қиёфасида ҳам келди.

Аллоҳу таоло малакларсиз ва пардасиз, яъни ҳеч қандай

воситасиз ҳам пайғамбаримизга ваҳий юборарди. Бундай ҳол Мерож кечасида содир бўлди.

Илк ваҳийнинг келиши билан пайғамбарлик вазифасини бажаришни бошлаган Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг Исломи таблиғ этишлари йигирма уч йил давом этди. Бу вақтнинг ўн уч йили Маккада, ўн йили Мадинада ўтди.

Қуръони карим 22 йил, 2 ой-ю 22 кунлик вақт мобайнида ваҳий қилиб, тамомланди.

Муҳаммад алайҳиссалом уммий эдилар, яъни китоб ўқимаган, бирор нарса ёзмаган ва ҳеч кимдан дарс олмаган эдилар. Маккада туғилиб, ўша жойда ўсдилар, аниқ кишилар орасида етишдилар. Шундай бўлишига қарамай, Таврот ва Инжилда, Юнон ва Рум даврларида ёзилган китобларда-ги билимлардан, маълумотлардан, ходисалардан хабарлар берардилар. Исломиятдан хабардор қилиш мақсадида ҳиж-ратнинг олтинчи йилида Византия (Рум), Эрон ва Ҳабаш ҳукмдорларига ва бошқа араб подшоҳларига мактублар юбордилар. Ҳузурларига олтмишдан зиёд элчилар келганди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг ўқиш-ёзишни билмасликлари Қуръони каримда маолан “**Сен бу Қуръони карим келишидан олдин, бирон китоб ўқимадинг. Бирон ёзув ёзмадинг. Ўқиб, ёза оладиган бўлганингда, бузғунчи кимсалар албатта шубҳага тушиб, ўзгалардан ўргандинг деган бўлур эди**”⁴¹ деб билдирилган.

Ҳадиси шарифда “**Мен уммий пайғамбар Муҳаммадман... Мендан кейин пайғамбар йўқдир**”⁴² деб марҳамат қилинади. Қуръони каримда эса, “**У (Муҳаммад алайҳиссалом) ўз-ўзидан сўзлаётгани йўқ. Унинг айтаётганлари, Унга ваҳий орқали билдирилмоқда, ўргатилмоқда**”⁴³ (оятлар) дейилган.

Илк мусулмонлар

Жаноби пайғамбаримизга илк ваҳий келганидан кейин биринчи бўлиб, иймон келтирган киши ҳазрати Хадижа волидамиздир.⁴⁴ У киши асло иккиланмасдан исломиятни дарҳол қабул қилиб,

41 Анкобут сураси, 29/448

42 Хайсамий, “Мажмууз-Завоид”, I, 205-б.

43 Нажм сураси, 53/3-4.

44 Ибн Хожар, “ал-Исоба”, IV, 281-283-б.

илк мусулмон бўлиш шарафига эришди. Расулulloҳ ҳазрати Хадижа волидамизга Жаброил алайҳиссалом ўргатганидек таҳорат олишни ўргатдилар. Ундан кейин пайғамбаримиз имом бўлиб, бирга икки ракат намоз ўқидилар. Хадижа волидамиз севимли пайғамбаримизнинг ҳар бир сўз, ҳар бир амрларига энг мукамал тарзда итоат қилди. Шундай қилиб, у Аллоҳу таоло наздида жуда юксак даражаларга эришди. Расулulloҳ хафа бўлганларида, У зотга мункир бўлганларнинг мазахларидан безор бўлганларида, эрига тасалли бериб, кўнгилларини кўтариб, сокинлаштирарди. Ҳар доим, “Ё Расулаллоҳ! Сиз асло хафа бўлманг, ташвиш тортманг, ғам ҳам чекманг. Охир-оқибат динимиз куч-қувватга тўлиб, мушриклар ҳалок бўлади. Қавмингиз сизга итоат қиладиган бўлади...” деб турарди. Хадижа волидамизнинг шундай ёрдамлари, тасаллилари оқибатида бир кун Жаброил алайҳиссалом келиб, “Ё Расулаллоҳ! Хадижага Аллоҳу таолонинг саломини айтинг” деди. Муҳтарам пайғамбаримиз, “**Эй Хадижа! Жаброил (алайҳиссалом) сенга Аллоҳу таолонинг саломини олиб келибди**” дея марҳамат қилдилар.⁴⁵

Севгили пайғамбаримиз яна бир сафар “**Аллоҳу таоло Хадижага жаннатда инжудан бир уй беришини айтиб, хушxabар беришимни буюрди. У ерда хасталик, хафачилик ва бош оғриғи йўқ**” деб марҳамат қилгандилар.

Ҳазрати Хадижадан кейин илк мусулмон бўлган шарафли киши, Расулulloҳнинг яқин оғайниларида бири ҳазрати Абу Бакр дир. Ҳазрати Абу Бакр мусулмон бўлишидан йигирма йил аввал бир туш кўрган эди. Тушида “Кўкдан тўлин ой ерга тушиб, Каъбаи муаззамага келади, бўлак-бўлак бўлиб бўлиниб кетади-да, бўлакларнинг ҳар бири Маккадаги уйларнинг устига тушади. Ундан кейин ой бўлаклари қайта бир жойга йиғилиб, осмонга кўтарилади. Фақат Абу Бакрнинг уйига тушган ой бўлаги эса, осмонга кўтарилмай қолади. Чунки ҳазрати Абу Бакр худди у ой бўлакчасини олиб қолишга урингандек уйининг эшигини ёпиб олади”.

Абу Бакр шу тушидан ҳаяжонланиб уйғониб кетади. Эрталаб ўрнидан туриши билан дарҳол тушини таъбир қилдиргани бир яхудий олимнинг уйига равона бўлади. У олим Абу Бакрни

⁴⁵ Ҳаким, “*ал-Мустадрок*”, III, 206-б.; Ибн Ҳишом, “*ас-Сийра*”, I, 241-б.; Сухайлий, “*Равзул-унуф*”, II, 416-б.

тинглаб, унга “Бу жуда чалкаш тушлардан бири. Шунинг учун бундай тушлар таъбир қилинмайди” дея жавоб қотади. Лекин ўша туш Абу Бакрнинг хотиридан сира кетмади. Устига устак яхудийнинг жавобига ҳам қониқмаган эди. Орадан ойлар ўтиб, савдо учун қарвон билан Шом сари отланганида, йўли роҳиб Баҳиранинг диёрига тушади. Ҳалиги тушини Баҳирага ҳикоялаб, ундан ҳам таъбир қилиб беришини сўрайди. Баҳира эса, ”Сиз қаерликсиз?” деб сўрайди. Ҳазрати Абу Бакр, “Қурайшликман” деганида, Баҳира, “У ердан бир пайғамбар чиқади, унинг хидоят нури Макканинг ҳамма жойларига тарқалади. Ҳаётлигида сиз Унинг вазири, вафотидан кейин халифаси бўласиз” деб тушини таъбир қилади. Ўшанда Абу Бакр, Баҳиранинг таъбирини эшитиб ҳайратдан бироз вақт ўзига кела олмай қолган эди. Шу-шу Абу Бакр туш ҳақда ҳам, роҳиб Баҳиранинг таъбири ҳақда ҳам ҳеч кимга оғиз очмаган, то пайғамбаримиз рисолат вазифаларини бошламагунча қалбида сирдек сақлаган эди.

Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбарлигини эълон қилганларидан кейин ҳазрати Абу Бакр, дарҳол Унинг ҳузурига бориб “Ҳар бир пайғамбарнинг пайғамбар эканлигига далиллари бўлган, сизнинг далилингиз недир, эй мухтарам дўстим?” деб савол берди. Жаноби пайғамбаримиз унга, **“Менинг нубувватимга далил ўша тушдирки, таъбирини сиз аввало бир яхудий олимидан сўрагандингиз. У олим эса, ”**Бу чалкаш туш, таъбир қилинмайди” деди. Кейинроқ тушни роҳиб Баҳира тўғри таъбир қилди” дедиларда, Абу Бакрнинг юзларига боқиб, **“Эй Абу Бакр! Сизни, Аллоҳга ва унинг расулига даъват қиламан”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Абу Бакр эса, Расулulloҳнинг жавобларидан ниҳоятда ҳайратланиб, “Гувоҳлик қиламан, сиз Аллоҳу таолонинг расулисиз, сизнинг пайғамбарлигингиз ҳақ ва жаҳонни ёритадиган нурдир” дейди ва мусулмон бўлади.

Бошқа бир ривоятда эса, ҳазрати Абу Бакр, пайғамбаримизга рисолати маълум қилинишидан олдин тижорат ишлари билан Яманга боради. Ўша сафарида, Яманда яшовчи, жуда кўп китобларни мутолаа қилган, келиб чиқиши Азд қабиласидан бўлган бир кекса кишига дуч келади. Шу кекса киши Абу Бакрга қараб, “Кўрапманки, сен Макка халқидансан” дейди. Абу Бакр “Ҳа, шундай” деб жавоб қилади ва уларнинг орасида қуйидагидай

савол-жавоб бўлади:

- Қурайшданмисан?

- Ҳа, шундай!

- Баний Тамимданмисан?

- Ҳа, шундай!

- Яна бир аломат қолди.

- Қандай аломат?

- Қорнингни оч, бир кўрайин?

- Бундан мақсадингиз нима, аввал шуни айтинг?

- Китобларда ўқиганим бўйича, Маккадан бир пайғамбар чиқади. Унга икки киши ёрдамчи бўлади. Уларнинг бири ўсмир, иккинчисининг ёши улугроқ бўлади. Ўсмири, анча қийинчиликларни осонлаштиради. Кўпгина балоларни бартараф қилади. Ёши каттароғи эса, оқ юзли, нозик белли, қорни устида бир дона қора холи бор киши бўлади. Менимча ўша иккинчи киши сенсан. Энди қорнингни очгин, бир кўрайин.

Шу сўзлардан кейин ҳазрати Абу Бакр муборак қорнини очади. Киндиги устида қора холни кўрган Аздлиқ кекса, “Валлоҳи, ўша киши сенсан” дейди ва Абу Бакрга кўпгина васиятлар қилади.

Ҳазрати Абу Бакр ишларини битириб, хайр-маъзур қилишга ўша қариянинг ҳузурига киради ва ундан бўлажак пайғамбар ҳақида бир неча байт ўқишини илтимос қилади. Шунда қария Абу Бакрга ўн иккита байт ўқийди. Ҳазрати Абу Бакр уларни ёдлаб олади.

Ҳазрати Абу Бакр сафардан қайтиб Маккаи мукаррамага келганида уйига Уқба ибни Абий Муъайт, Шайба, Абу Жаҳл, Абул-Бухтарийдек Қурайшнинг каттаконлари ҳол-хотир сўрагани келди. Абу Бакр уларга, “Маккада нима янгиликлар рўй берди? Халқ орасида ҳеч қандай ҳодиса рўй бермадими?” деб сўради. Улар жавобан “Э, сўрама, шундай нарсалар бўлдики, бағтари бўлмайди. Абу Толибнинг еtimi, пайғамбарлик даво қилиб, бизга, сиз ва ота-боболарингиз ботил диндасизлар демоқда. Агар сенинг хурматинг бўлмаганда, уни ҳозиргача соғ кўймаган бўлардик. Сен унинг яқин дўстисан, бу ишни ўзинг ҳал қилгин” дейишди.

Ҳазрати Абу Бакр уларни юбориб, дарров суриштириб, пайғамбаримизнинг қаердалигини аниқлади. Бориб, эшигини қокди. Расулulloҳ чиқиб уни қарши олдилар. Ўшанда Абу Бакр, “Ё Муҳаммад! Сиз ҳақингизда айтаётганлари ростми?” деб сўради. Жаноби пайғамбаримиз, **“Мен Ҳақ таолонинг пайғамбариман.**

Сизга ва бутун одамзодга юборилдим. Иймон келтиринг, Ҳақ таолонинг ризосига восил бўласиз ва жонингизни жаҳаннамдан кўриган бўласиз” деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Абу Бакр, “Пайғамбарлигингизга далил нимадан иборат” деганида, Расули акрам жанобимиз: “Сиз Яманда кўришган чолнинг ҳикоясидир” дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Абу Бакр “Мен Яманда кўп кексалар ва ёшлар билан учрашдим” деганида, пайғамбаримиз “**У кекса, сизга ўн иккита байт омонат қилиб, менга юборди**” деб, ўша байтларни ҳаммасини ўқидилар. Абу Бакр ҳайрон қолиб, “Буларни сизга ким хабар қилди?” деди. Пайғамбаримиз “**Мендан аввалги пайғамбарларга келган малак (фаришта)**” деб марҳамат қилдилар. Ана ўшанда Абу Бакр пайғамбаримизнинг қўлларини ушлаб, “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулух” деб мусулмон бўлди.⁴⁶

Ҳазрати Абу Бакр, ўшанда ҳаётида илк марта ҳис этган юксак бир туйғу билан уйига мусулмон бўлиб қайтганди. Ҳақиқатан, бир ҳадиси шарифда: “**Кимга иймон келтиринглар деб айтган бўлсам, барчаси юзларини буриштириб, тарадудланиб менинг юзимга тикилишарди. Биргина Абу Бакр Сиддиқ иймонга келишда ҳеч қандай тарадуд қилмади ва иккиланмади**” дея марҳамат қилингандилар.

Муҳтарам пайғамбаримиз бир куни ҳазрати Хадижа волидамиз билан намоз ўқиётганларида, ҳазрати Али уларни кўриб қолди. Ўша пайтда ҳазрати Али ўн ёки ўн икки ёшли бола эди. Намоз тугугач, “Ҳозиргина нима қилдингизлар?” деб сўради. Расули Акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) “**Бу Аллоҳу таолонинг дини. Сени бу динга даъват қиламан. Аллоҳу таоло ягона, Унинг шериги йўқ. Сени якка-ю ягона бўлган, шериги йўқ Аллоҳга иймон келтиришга даъват қиламан...**” деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Али: “Аввал отам билан маслаҳатлашайин”, деди. Расулуллоҳ унга, “**Агар Исломга келмасанг, бу сирни ҳеч кимга айтмагин**” деб тайинладлари. Ҳазрати Али эртасига эрталаб Расулуллоҳнинг ҳузурига келиб, “Ё Расулаллоҳ! Менга Исломни ўргатинг” деб мурожаат қилди ва ўша куни мусулмон бўлди.⁴⁷ Ҳазрати Али мусулмон бўлганларнинг учинчисидир. Аммо ҳазрати Алининг

46 Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 120-121-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, 1, 249-250-б.

47 Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 118-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, 1, 245-247-б.;

Расули ақрам жанобимизга кўрсатган фидокорлиги ва Уни ўзидан афзал кўриши эса, ҳар қандай тақдирдан юқори туради.

Зайд бин Ҳориса ҳам дастлаб иймон келтирганлардандир. У ҳазрати Хадижа, ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Алидан кейин тўртинчи ва озод қилинган қуллар ичида эса, биринчи бўлиб мусулмонлик билан шарафланган.⁴⁸ У билан бирга хотини Умму Айман ҳам мусулмон бўлганди.

Ҳазрати Абу Бакр мусулмон бўлгач дарҳол ўз яқин оғайниларига бориб, уларни ҳам мусулмонликка даъват қила бошлади. Асҳоби киром орасидан Усмон бин Аффон, Талҳа бин Убайдуллоҳ, Зубайр бин Аввом, Абдурраҳмон бин Авф, Саъд бин Абий Ваққос каби қавмининг обрўли ва ҳурматли кишилари шу жумладан эди.⁴⁹ Ҳазрати Хадижа волидамиздан кейин мусулмон бўлган қуйидаги саккиз кишигаки, улар ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Али, Зайд бин Ҳориса, Усмон бин Аффон, Талҳа бин Убайдуллоҳ, Зубайр бин Аввом, Абдурраҳмон бин Авф ва Саъд бин Абий Ваққос, **Собикун-и Исло**м, яъни дастлабки мусулмонлар дейилади.

Ҳазрати Усмон ўзининг мусулмон бўлишини шундай ҳикоялаган: “Менинг коҳинлик (фолбинлик) қиладиган бир холам бўларди. Бир гал уни кўргани борганимда менга, “Сен шундай бир хонимга уйланасан. Аммо унганча сен бирон хотин кўрмаган бўласан, у ҳам шундай сендан олдин бирор эр кўрмаган бўлади. У гўзал юзли, зоҳида хоним бўлиб, улуғ бир пайғамбарнинг қизи бўлса керак” деди. Мен унинг сўзларига ҳайратландим. У яна қўшимча қилиб, “Оламга бир пайғамбар келди. Унга кўкдан ваҳий нозил этилди” деди. Мен унга, “Эй холажоним! Бундай гап-сўз ҳали шаҳарда эшитилмади. Сиз нималарни айтаяпсиз. Сал очиб, тушунтириброк гапиринг”, дедим. Шунда холам, “Муҳаммад бин Абдуллоҳга пайғамбарлик келди. У халқни динга даъват қилади. Қисқа вақтда Унинг дини оламни ёритади ва қарши бўлганларнинг боши кетади” деб сўзларини тугатди.

Холамнинг сўзлари менга қаттиқ таъсир қилди. Ташвишлана бошладим. Ҳазрати Абу Бакр билан орамизда яхшигина дўстлигимиз бор эди. Бир-биримиздан ҳеч ажралмасдик. Икки кундан сўнг холамнинг айтганларини маслаҳатлашиб олиш Абу Бакрнинг

⁴⁸ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 247-248-б.;

⁴⁹ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 250-251-б.; Табарий, “Торих”, II, 307, 309-318-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 24-33-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 18-19-б.; Балозурий, “Ансоб”, I, 112-113-б.

олдига бордим. Холамнинг сўзларини унга айтиб берган эдим, у менга “Ё Усмон! Сен ақлли одамсан. Ҳеч нарсани кўрмайдиган, эшитмайдиган, бирор нарсага фойдаси ё зарари тегмайдиган бир неча тош ҳайкал, қандай қилиб тангриликка лойиқ бўлади?” деди. Мен унга “Тўғри айтасан, холамнинг айтганлари ҳақ” дедим”.

Ҳазрати Абу Бакр ҳазрати Усмонга исломиятни тушунтирганидан кейин уни Расул-ус-сақалайн, яъни инсон ва жинларнинг пайғамбари бўлган жанобимизнинг ҳузурига эргаштириб келди. Ҳазрати Усмонга **“Ё Усмон! Ҳақ таоло, сени жаннатга меҳмонликка чақирмоқда. Сен унга ижобат айлагин (қабул қилгин). Мен, бутун инсониятга ҳидоят раҳбари сифатида юборилдим”** деб марҳамат қилинди. Ҳазрати Усмон Расулulloҳнинг салобат ва кулиб турган юз билан айтилган сўзлари олдида ўзини йўқотаёзиб, завқ ва таслимият билан “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулух” деб мусулмон бўлди.

Расулulloҳ, рисолатининг дастлабки уч йили давомида одамларни Исломга яширинча даъват қилдилар. Одамлар исломга жуда секин келарди, бир киши, икки кишигина мусулмон бўларди. Шу ўтган уч йилда мусумонларнинг сони ўттиз кишига аранг етди. Улар ҳам ибодатларини уйларида яширинча қиларди ва Қуръони каримнинг нозил бўлган ояти карималарини яширинча ўқиб, ёд оларди.

Яқин қариндошларни даъват

Расулulloҳ “Муддассир” сураси нозил бўлиши билан одамларни Ислом динига даъват қилишни бошлаган эдилар. Бироқ бу даъватни ҳали яширин қилардилар. Бир муддат ўтгач **“Яқин қариндош-уруғларингни Аллоҳу таолонинг азобидан огоҳлантириб, уларни ҳақ динга чақиргин”**⁵⁰ маолидаги ояти карима нозил бўлди. Аллоҳу таолонинг амрини бажариш мақсадида Муҳаммад алайҳиссалом қариндошларини динга даъват қилишни бошладилар. Ҳазрати Али орқали хабар жўнатиб, барча қариндошларини Абу Толибнинг уйига чақиртирдилар. Келганларнинг олдида фақат бир киши тўядиган миқдорда бир товоқ овқат ва бир коса сут кўйдирдилар. Ейишни Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзи бисмиллоҳ

50 Шуаро сураси, 26/214.

билан бошлаб, келган қариндошларига **“Марҳамат олинглар”** дея таклиф қилдилар. Меҳмонга келган қариндошлар ҳаммаси бўлиб қирқ киши эди. Дастурхонга қўйилган овқат ҳаммасини тўйдирди, бироқ товоқдаги овқат камаймади. Меҳмонлар бу ходисани кўриб шошиб қолдилар. Овқатдан кейин муҳтарам пайғамбаримиз энди Исломга даъватни бошламоқчи бўлганларида, амакиларидан Абу Лаҳаб душманлик билан **“Биз бундай сеҳрни ҳали кўрмаган эдик. Жиянимиз ҳаммамизни бир сеҳр билан жодулаб ташлади. Эй укамнинг ўғли! Мен ўз қавмига ёмонлик олиб келган сендек одам кўрмадим”** деган ҳақоратли сўзлар айтди.

Пайғамбаримиз Абу Лаҳабга **“Қурайш ва бутун араб қабиалари бирлашиб, қила олмаган ёмонликни менга сиз қилдингиз”** дедилар. Шу билан қариндошларнинг ҳеч бири мусулмон бўлмасдан тарқаб кетишди. Бу ходисадан қисқа вақт ўтгач Расулуллоҳ қариндошларини яна меҳмонга таклиф қилдилар. Яна бир марта ҳазрати Али уларни чақириб келди. Бу сафар ҳам олдиларига илгаргидай овқат қўйилди. Муҳтарам пайғамбаримиз овқатдан кейин ўринларидан туриб, **“Ҳамд, фақат ягона Аллоҳу таолога махсусдир. Ёрдамни фақат Унинг Ўзидангина сўрайман. Унга ишонаман ва Унга суянаман. Биламан ва сизга ҳам билдираманки, шубҳасиз Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқдир, У ягона, унинг ўхшаши ва шериги йўқдир”** деб марҳамат қилдилар, сўнгра сўзларида давом этиб **“Сизга айтаётганларимда асло ёлғон йўқ, мен сизга тўғрини, ҳақиқатни билдирмоқдаман... Сизни якка-ю ягона ва Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳу таолога иймонга даъват қиламан. Мен Унинг сизга ва бутун инсониятга юборган пайғамбариман. Валлоҳи бир кун келадик, сиз уйқуга кетгандек ўласиз, яна худди уйқудан уйғонгандек тириласиз ва барча қилган ишларингиздан ҳисобга тортиласиз, яхшиликларингизга мукофот, ёмонликларингиз учун жазо оласиз. Мукофот - жаннатда, жазо - жаҳаннамда абадий қолишдир. Одамзот ичида охира азобидан огоҳ қилаётганларимнинг энг биринчилари сизлар бўлдингиз”**.

Бу сўзларни тингланганидан кейин Абу Толиб **“Эй муҳтарам жияним! Сенга ёрдам беришдан, сени қўллаб-қувватлашдан ҳам фойдалироқ ва қийматлироқ йўл кўрмаяпман. Насиҳатларингни ўзимизга яқин олиб қабул қилдик, сўзларингни ҳам кўнгилдан тасдиқлаймиз. Бу ерга йиғилган мана қариндошларинг, бобонг**

Абдулмутталибнинг болаларидир. Албатта, мен ҳам улардан бириман. Сен истаётган ва чақираётган нарсага ичимиздан энг олдин югуриб борадигани ҳам менман. Атрофингни ўраб олиб, сени химоялашдан бир он ҳам орқага чекинмаслигимга ваъда бераман. Сенга амр қилинган ишингда давом этгин. Бироқ эски динимиздан ажралиш хусусида, нафсимни ўзимга бўйин эгдира олмадим” деди.

Абу Лаҳабдан бошқа барча қариндошлари ва амакилари юмшоқ мулоим сўзлар айтишди. Аммо Абу Лаҳаб, ”Эй Абдулмутталиб ўғиллари! Бошқа бировлар Унинг кўлидан тутиб, йўлидан қайтармасидан олдин ўзларинг Уни қайтаринглар. Агар бугун Унинг айтганларини қабул қилсанглар, зиллатга, ҳақоратга учрайсизлар. Уни химоя қилишга уринсанглар, ҳамманг ўлдириласан...” деб таҳдид қилди. Абу Лаҳабга қарши пайғамбаримизнинг аммалари ”Эй ака! Укамизнинг ўғлини ва олиб келган динини ёрдамсиз қолдириш сизга ярашадими? Валлоҳи бугун яшаб турган олимлар, Абдулмутталибнинг аждодидан бир пайғамбар чиқишини ҳамма жойда айтиб юришибди. Ўша пайғамбар мана олдимизда” деди.

Абу Лаҳаб бу сўзларга қарши ўзининг бемаза гаплари билан жавоб берди. Абу Толиб Абу Лаҳабга аччиқланиб “Эй кўрқоқ! Валлоҳи биз омон бўлсак, Унинг ёрдамчиси ва кўриқчиси бўламиз” деди. Муҳаммад алайҳиссаломга қараб “Эй қардошимнинг ўғли! Қачон одамларни Раббингга даъват қилмоқчи бўлсанг айтгин, қуролланиб сен билан бирга майдонга чиқамиз” деди. Бу гап-сўзлардан кейин Фаҳри коинот жанобимиз қайтадан сўз бошлаб: “Эй Абдулмутталиб ўғиллари! Валлоҳи, араблар ичида мен сизларга олиб келган дунё ва охиратингиз учун хайрли бўлган нарсадан (яъни бу диндан) устунроғини, хайрлироғини ўз қавмига олиб келган ҳеч ким ҳали бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Мен сизларни, айтишга осон, аммо тарозида оғир келадиган иккита калимани айтишга чақираман. У ҳам бўлса, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги ва мен Унинг қули - бандаси ва расули эканлигимга гувоҳлик қилишингиздир. Аллоҳу таоло, сизларни мана шунга даъват қилишимни буюрди. Шундай экан, энди қайси бирингиз менинг бу даъватимни қабул қиласиз ва бу йўлда менга ёрдамчи бўласиз?” деб марҳамат қилдилар. Ҳеч ким миқ этмади, ҳаммаси бошини ерга қаратиб ўтираверди. Муҳтарам пайғамбаримиз сўзларини уч марта такрорладилар. Ҳар такрорлаганларида ҳазрати Али мен дегандай жойидан ирғиб турди. Учинчи сафарида “Ё Расулаллоҳ! Булар орасида энг ёши

мен бўлсамда, Сизга ҳар доим ёрдамчи бўламан” деди ҳазрати Али. Ушанда Расулulloҳ жанобимиз ҳазрати Алининг қўлидан тутдилар, қолганлари карахт ҳолда тарқалишди.

Аллоҳу таолонинг ҳабиби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қариндошларининг бу аҳволидан жуда хафа бўлдилар. Бирок тушқунликка тушмасдан, уларнинг жаҳаннамдан қутилишлари, саодатга эришишлари учун динга даъват қилишда давом этдилар.

Биъсатнинг тўртинчи йилида “Ҳижр” сурасининг 94-чи ояти каримаси нозил бўлди. Унда маолан: “(Эй Ҳабибим!) **Сенга амр бўлган нарсаларни (амр ва тақиқларни) изоҳлагин, тушунтириб бергин, ҳақ ва ботилнинг орасини ажратиб кўрсатгин. Мушриклардан юз ўғир!** (Уларнинг сўзларига эътибор берма)” деган илоҳий буйруқ келганидан кейин пайғамбаримиз маккаликларни очикчасига исломга даъват қила бошладилар.

Бир куни Сафо тепалигига чиқиб “**Эй Қурайш халқи! Бу ерга йиғилинглар ва сўзларимни эшитинглар!**” дедилар. Қабилалардан бир қатор кишилар йиғилгач “**Эй қавмим! Мендан ҳеч қачон ёлғон сўз эшитдингизми?**” деб сўраганларида, йиғилганларнинг ҳаммаси, “Йўқ, эшитмадик” дедилар. Шунда, “**Аллоҳу таоло менга пайғамбарлик эҳсон қилди ва мени сизга пайғамбар қилиб юборди**” деб марҳамат қилдилар. Ортидан “(Эй Ҳабибим!) Уларга айтгин: “**Эй инсонлар! Мен сизнинг барчангизга келганман, Аллоҳу таолонинг расулиман. У Аллоҳу таоло, ерлару кўкларнинг эгаси ва бошқарувчисидир. Ундан бошқа ибодатга ҳақли зот йўқ. Ҳар бир жонлини ўлдирадиган ва тирилтирадиган фақат У..**” маолидаги “Ароф” сурасининг 158-чи ояти каримасини ўқиб бердилар. Тингловчилар ичида яна Абу Лаҳаб бор эди. Бу сафар ҳам у бадбахт халойик орасида “Укамнинг ўғли девона бўлибди! Бизнинг бутларимизга сиғинмаган, динимиздан ажралганнинг сўзларига қулоқ солманглар” дея аччиқланиб, оғзидан тупук сачратиб бақирди. Йиғилганлар тарқаб кетди, ҳеч ким иймон келтирмади. Севгили пайғамбаримизнинг тўғри сўз, юксак ахлоқли бўлганини билиб турсалар ҳам, маккаликлар Ундан юз ўгиришди ва Унга душман бўлишди.

Яна бир куни Аллоҳу таолонинг “**Сенга амр бўлган нарсаларни (амр ва тақиқларни)изоҳлагин, тушунтиргин**” амрига биноан, Расулulloҳ яна Сафо тепалигига чиқдилар. Баланд овозда “**Ё**

сабохох! Бу ерга келинлар, йиғилинлар, сизга айтадиган муҳим хабарим бор” деб сўз бошладилар.⁵¹ Бу овозни эшитган қабилалар тўпланишди. Ҳамма хавотир ва ҳайрат билан қани нима деркан деб, кута бошлади. Келолмаганлар, нима гаплигини билиб келишга одам юбордилар. Йиғилганлардан бир гуруҳ “Эй, Муҳаммад-ул-амин! Бизни бу ерга нега чақирдинг, нима ҳақда хабар бермоқчисан?” деб сўрай бошлади. Расулуллоҳ эса, “**Эй Қурайш қабилалари!**” хитоби билан сўзини бошладилар, ҳамма уни диққат билан тинглай бошлади. “**Мен билан сизнинг аҳволингиз, худди босиб келаётган душманни кўрганидан кейин оиласига хабар беришга ошиққан ва душман мандан олдин бориб оиласига зарар етказишидан кўркиб, ё сабохох** (душман тарафидан қамалга олиндик, ўраб олиндик! Тонгда келиб, босиб олди. Дарҳол душман билан олишишга тайёрланинг) **дея ҳайқирган одамнинг аҳволига ўхшайди. Эй Қурайш аҳли! Мен сизга, мана шу тоғнинг орқасида душман кўшни бор, устимизга ҳужумга шайланиб турибди, десам бу сўзимга ишонармидинглар?**” деб марҳамат қилдилар. Маккаликлар: “Албатта, ишонамиз. Чунки сендан бугунгача ҳақ сўздан ўзгаси содир бўлганига гувоҳ бўлмаганмиз. Сенинг ёлғон сўзлаганингни кўрмаганмиз!..” дейишди.

Шунда Пайғарбар алайҳиссалом Қурайш ичидаги хонадонларнинг барчасини номма-ном атаб “**Эй Ҳошим ўғиллари, эй Абди Маноф ўғиллари, эй Абдулмутталиб ўғиллари!.. Мен сизга келиши муҳаққак бўлган ниҳоятда қаттиқ азобдан хабар бераман. Аллоҳу таоло менга, энг яқин қариндошларимни охират азобидан огоҳлантиришимни буюрди. Сизни “Ла илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ** (Аллоҳ ягонадир, Ундан ўзга илоҳ йўқдир)” деб иймон келтиришга даъват қиламан. Мен Унинг қули-бандаси ва расулиман. Агар шунга иймон келтирсангиз, жаннатга кирасиз. Сиз “**Ла илоҳа иллаллоҳ**” демагунингизча, мен сизга дунёда ҳам, охиратда ҳам асло **ёрдам бера олмайман**” деб марҳамат қилдилар. Тингловчилар орасида бўлган Абу Лаҳаб бу сафар ҳам қўполлик қилиб, “Бизни шу гаплар учун йиғдингми?” деб ердан бир тош олдида севимли пайғамбаримизга қараб улоқтирди. Бошқалардан ҳеч қандай муҳолиф фикр чикмаса ҳам ўзаро шивирлашиб тарқалишди.⁵²

51 Бухорий, “Тафсири”, 4-б.; Термизий, “Тафсири-ул-Қуръон”, 91-б.

52 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 188-191-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 133-б.; Табарий, “Торих”, II, 319-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 38-41-б.

Қуёшни ўнг қўлимга қўйсалар...

Севимли пайғамбаримиз бу даъватларидан кейин қаерда бир ёки йиғилган одамларни кўрсалар, уларга исломни таблиғ қилишга киришдилар. Ҳақиқий кутулиш, нафсга эргашишдан, зулмдан, ҳақсизликдан, ҳар хил ёмон ишлардан узоқлашиш ва Аллоҳу таолога иймон келтириш билан амалга ошишини тушунтирдилар. Нафсларининг истакларига, шаҳватларига берилган, заифларни эзган ва бузуқликда тубанлашиб кетган кимсалар пайғамбар алайҳиссаломнинг бундай даъватларига жон-жаҳди билан қарши чиқди. Бу даъватлар уларнинг барча бузуқ ишларига чек қўйишини ўйлаб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтганларини инкор қилишди, Унга ва иймон келтирганларга душман бўлишди.

Мушриқлар Уни олдинлари калака қилишарди. Энди тазйик ва исканжаларини кучайтиришга қарор қилишди. Улар мўминларни бўйсундириб, Ислому даъволарини сўндиришни хоҳларди. Мўминларга қарши бўлганларнинг бошида Абу Жаҳл, Утба, Шайба, Абу Лаҳаб, Уқба бин Абий Муъайт, Ос бин Воил, Асвад бин Мутталиб, Асвад бин Абди Яғвас, Валид бин Муғира... кабилар бор эди.

Кунлардан бир куни Абу Толибнинг ҳузурига Утба, Шайба ва Абу Жаҳл келиб “Сен бизнинг каттаамизсан. Биз сенга доимо иззат-ҳурмат кўрсатамиз. Кўраяпсан, укангнинг ўғли, ҳозир янги бир дин тузди. Бутларимизни ҳақоратлаб, бизни кофирликда айбламоқда. Унга бир насиҳат қилгин. Бу ишидан воз кечсин. Агар воз кечмайдиган бўлса, Унинг ҳақида нима дейишни биз ўзимиз биламиз...” деб бир томондан ёрдам сўраса, иккинчи томондан таҳдид қилишди. Абу Толиб уларга бир нарсалар айтиб, сокинлаштириб, қайтариб юборди. Севимли пайғамбаримиз хафа бўлмасин деган мақсадда бу ҳақда Унга ҳеч нима демади. Мушриқлар яна бир марта тўпланиб, яна Абу Толибнинг ёнига келишди. “Бундан олдин ҳам сенга келиб, аҳволни тушунтирган эдик. Сўзимизни эътиборга олмадинг. У ҳали ҳам бутларимизни ёмонлашни тўхтатмаяпти. Энди тоқатимиз тоқ бўлди. Иккалангиз билан ҳам қонимизнинг охирги томчисигача жанг қилишга тайёرمىз. Маккада ё У, ёки биз қоламиз” деб, бу сафар масалани жуда кескин қўйишди. Абу Толиб уларни такрор

тинчлантиришга уринди, бироқ улар қайсарлик қилиб туриб олишди.⁵³

Абу Толиб эса, бир томондан Расулуллоҳни ранжитгиси келмаса, иккинчи томондан қавми орасида ўзаро душманлик чиқишини ҳам хоҳламасди. Шунинг учун пайғамбаримизга келиб “Эй Муҳаммад, бутун қавм сенга душманликда бирлашди ва менга шикоятга келдилар. Қариндош-уруғ орасида душманлик бўлиши яхши эмас. Улар ўзларини кофир демаслик ва уларнинг бузуқ йўлда бўлганликларини айтиб, ёмонламаслингни талаб қилишяпти” деб вазиятни бироз тушунтирган бўлди. Унга жавобан Ҳабиби ақрам жанобимиз: **“Эй амаки! Шунни билингки, қуёшни ўнг қўлимга, ойни чап қўлимга қўйсалар** (нималар ваъда берса берсинлар), **мен бу диндан ва уни инсонларга таблиғ қилишдан, етказишдан асло воз кечмайман. Ё Аллоҳу таоло бу динни бутун жаҳонга ёйиб, шу тариқа менинг вазифам тугайди, ёки шу йўлда жонимни фидо қиламан”** деб марҳамат қилдилар ва муборак кўзлари тўла ёши билан ўринларидан турдилар.

Расулуллоҳнинг қаттиқ хафа бўлганларини кўрган Абу Толиб, айтган сўзларига пушаймон бўлди ва Уни кучоқлаб бағрига босди да: “Эй укамнинг ўғли! Вазифангни давом эттиргин, йўлингдан қолма, хоҳлаганингдек бўлсин. Токи мен ҳаёт эканман, сени доимо химоя қиламан”, дея тасалли берди.⁵⁴

Абу Толибнинг ҳазрати Муҳаммадни (алайҳиссалом) химоя қилишга ўтганини эшитган мушриклардан ўн киши Умора бин Валидни ҳам ёнларига олиб, унинг олдига келишди ва унга “Эй Абу Толиб! Сенга маълумки, мана бу Умора, Макка ўсмирларининг энг ёқимли, энг кучли, энг ахлоқлисидир. Унинг устига яхшигина шоирдир. Бунинг сенга берайлик, ўз ишларингда фойдаланарсан. Бунинг ўрнига бизга Муҳаммадни (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бергин. Биз Уни ўлдирамиз. Мана сенга одам ўрнига одам, яна нима истайсан!” деб, қабул қилиб бўлмайдиган таклиф айтишди. Абу Толиб уларнинг бу таклифидан ғазабга миниб: “Сенлар аввал менга ўз ўғилларингни беринглар. Уларни мен ўлдирайин. Ундан кейин жиянимни бераман” деганида мушриклар ишнинг ваҳимали

53 Табарий, “Торих”, II, 322-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 19-20-б

54 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 135-б.; Табарий, “Торих”, II, 326-327-б.

тус олганини тушуниб, шоша-пиша: “Бизнинг болаларимиз Унинг қилганнини қилмаяпти-ку, ахир...” дейишди. Абу Толиб уларга жавобан, ”Аминманки, менинг жияним, ҳаммангнинг болаларингдан хайрлироқ ҳам-да баландроқ. Демак, сенлар кўчадан топиб келган ўғилларингни менга бериб боқтирмақчисанлар, менинг жигарпорамни бағримдан олиб ўлдирмақчисанлар, шундайми?.. Она туя ҳам ўз бўтасидан бошқасини соғинмайди. Бу бемани таклифларинг ақл ва мантиққа сиғмайди. Энди гишт қолипдан кўчди. Шуни яхшилаб каллаларингга жойлаштириб олинглар: Кимки жигарпорам Муҳаммаднинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) душмани бўлса, мен ҳам унинг душманиман! Энди боринглар қўлларингдан келганини аяманглар!” деди.⁵⁵ Мушриклар кин-адоватларини ичларига ютиб, ўринларидан туриб кетишди.

Абу Толиб дарҳол Ҳошим ўғилларини йиғди. Уларни вазиятдан хабардор қилиб, сеvimли пағамбаримизга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ёрдам беришга чақирди. Шу мажлисда бутун қариндош-уруғ келиб, Расулulloҳга қасд қилган қўллар синдириладиган бўлди. Ҳошим ўғиллари барчаси бу масалада мушрикларга қарши бирлашди. Биргина Абу Лаҳаб қўшилмади. Абу Толиб уларга “Эй йигитлар! Эртага ҳаммангиз қиличларингизни белга боғланг ва менинг орқамдан эргашинг” деди. Эртаси куни Абу Толиб мухтарам пайғамбаримизнинг уйларига борди. Уни олиб, икковлон бирга Ҳарам шарифга қараб юра бошладилар, орқасидан Ҳошим ўғилларининг йигитлари ҳам эргашиб келаётганди. Каъбага келиб, мушрикларнинг қаршисига чиқишди. Шунда Абу Толиб мушрикларга қарата, “Эй Қурайшликлар! Укамнинг ўғлини ўлдиришга қарор қилганларингни эшитдим. Мана бу орқамдаги паҳлавон йигитларнинг қўллари қиличларида, улар менинг биргина ишорамни сабрсизлик билан кутаётганларини кўраяпсизми? Аминманки, Муҳаммадни (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлдирадиган бўлсангиз ҳеч бирингни соғ қолдирмайман!..” деди важоҳат билан. Бу гаплардан эсанкираган мушриклар сеvimли пайғамбаримизни мадҳу сано қиладиган шеърлар айтиб, хушомадга ўтишди. Шундан кейин, у ерда гавжум қилиб ўтирган Абу Жаҳл бошчилигидаги мушриклар тарқалиб кетишди.

⁵⁵ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 134-135-б.; Табарий, “*Торих*”, II, 326-377-б.

Азият, исканжа ва зулм

Қурайш мушрикларининг обрўлилари, энди жаноби пайғамбаримизни қаерда ёлғиз кўришса, ўша ерда Уни ҳақорат қилиб, хужум қиладиган, ҳатто калтаклашга уринадиган бўлишди. Унинг Асҳобини ҳам исканжа қилишдан қайтмаётган эди. Бир куни Қурайшнинг энг обрўли мушриклари, Каъбаи шарифнинг ёнида ўтиришарди. Нимадандир сўз чиқиб, жаноби пайғамбаримиз ҳақида ўзаро гап қила бошлашди ва “Унга сабр қилганимиздек ҳеч нарсага сабр қилмадик. Юзимизга қараб қанча марта ҳамманг кайфу сафога берилган, ўзини бошқара олмайдиган ҳолга тушиб қолгансанлар,- деди, илоҳларимизни таҳқирлаб, ёмонлади, динимизни айблади, жамиятимиз орасига раҳна солди, биз эса ҳали сабр қиляпмиз, бирор нарса демаяпмиз. Бўлди бас!” деган гапларни айтишди. Ўша вақтда Ҳабиби ақрам Каъбани зиёрат қилишга келиб қолдилар. Ҳожари асвадни ўпиб, уни тавоф қилишни бошладилар. Мушриклар ёнидан ўтаётганларида, Расулуллоҳга ҳақоратомуз сўзлар айта бошлашди. Расули ақрам жанобимиз бундан хафа бўлдилар, бироқ уларга эътибор қилмасдан тавофини давом эттиравердилар. Учинчи марта уларнинг олдидан ўтаётганларида, **“Эй Қурайш! Менга кулоқ солинг! Нафсим қудратида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, менга сизнинг сарсон бўлишингиз хабар берилди...”** деб марҳамат қилгандилар, мушриклар нима қилишларини билмай қотиб қолишди. Бир дона ҳам сўз оғизларига келмай қолди. Фақат биргина Абу Жаҳл, Расулуллоҳнинг олдига бориб “Эй Абул-Қосим! Сен бизга бегона эмассан. Бизнинг бу ёмон қилиқларимизга эътибор берма, ибодатингни давом эттиравергин. Сен биз билан тенг бўладигандай жоҳил эмассанку” деб ёлвора бошлади. Шундан кейин Муҳаммад алайҳиссалом у ердан кетдилар.

Эртаси куни мушриклар яна ўша жойда йиғилишди. Пайғамбаримиз ҳақида ҳақоратомуз, ёлғон-яшиқ сўзлар яна айтилиб, барчаси ғазабга миниб ўтиришганида Расулуллоҳ жанобимиз ҳам ўша ерга келиб қолдилар. Мушриклар тура солиб пайғамбаримизга ташланиб кетишди. Уларнинг ичида энг бадбахт бўлганларидан Уқба бин Муъайт, севимли пайғамбаримизнинг муборак ёқаларига ёпишиб, бўйинларини нафаслари қисилиб қоладиган даражада сиқди. Шу онда пайдо бўлиб қолган Абу Бакр “Раббим Аллоҳ дегани учун одам ўлдирасанларми? У ахир

сенларга оламларнинг Раббидан оят келтирди-ку...” дея бакириб, Расулуллоҳни ҳимоя қилиш мақсадида оломоннинг орасига кирди. Мушриклар, энди Ҳабибуллоҳни кўйиб, Абу Бакрга ёпишишди. Муборак бошига мушглаб, йиқитиб, дуч келган жойига тепишди. Утба бин Рабаи исмли бадбахт ҳазрати Абу Бакрнинг муборак юзи-бошига тешиб, таниб бўлмас ҳолатга келтирди. Бечора ҳазрати Абу Бакрнинг юзи-кўзи қонга беланганди. Қавми бўлмиш Тайм ўғиллари етиб келиб, уни мушрикларни қўлидан ажратиб олмаганларида, ўлгунича тепкилаган бўлишарди. Абу Бакрнинг қабиладошлари уни бир чойшабга солиб, кўтариб уйига олиб келдилар. Ўзлари дарҳол Каъбага қайтиб “Агар Абу Бакр ўладиган бўлса, қасам бўлсинки, биз ҳам Утбани тирик қолдирмаймиз” деб, тезда Абу Бакрнинг ёнига кетишди.⁵⁶

Ҳазрати Абу Бакр анча вақт ўзига келолмай ётди. Отаси ва Баний Тайм қабиласи уни ўзига келтириш учун анча ташвиш чекиб уриндилар. Фақатгина кечга бориб бироз ўнгланди. Кўзларини очар-очмас инграган овозда: “Расулуллоҳ нима қиляптилар? Унинг аҳволлари қандай? Унга ҳам тил текказиб, ҳақорат қилишганди” дея олди. Одамлар, онаси Умм-ул Хайрга “Сўрангчи, у бирор нарса еб-ичишни истайдими?” дедилар. Абу Бакр Сиддиқда бирон нарса еб-ичишга умуман ҳафсала, иштаҳа йўқ эди. Уйда одамлар қолмаганидан кейин, онаси такрор ундан нима еб-ичишни сўраган эди, у яна “Расулуллоҳ қандай аҳволдалар, нима қиляптилар?” деб сўради. Онаси эса, “Валлоҳи болам, дўстинг ҳақида ҳеч нарса эшитмадим” деб жавоб қилди. Ҳазрати Абу Бакр эса, “Ҳаттобнинг қизи Умму Жамилга боринг, Расулуллоҳнинг аҳволи ҳақида ундан сўранг”, деб онасидан илтимос қилди.

Умму Жамил ҳазрати Умарнинг синглиси бўлиб, мусулмон бўлган эди. Абу Бакрнинг онаси Умму Жамилнинг уйига борди ва унга: “Ўғлим сендан Муҳаммад алайҳиссаломни сўраяпти. Ажабо, У қандай аҳволда, билмайсанми?” деб сўради. Умму Жамил эса: “Мен Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида ҳам, Абу Бакр ҳақида ҳам ҳеч қандай нарса билмайман. Хоҳласангиз бирга борайлик, аҳволдан хабар оламиз”, деди. Умм-ул Хайр: “Майли борайлик” деди. Шундай қилиб иккаласи ҳазрати Абу Бакрнинг олдига келдилар. Умму Жамил Абу Бакр Сиддиқни бундай жароҳат ва ҳамма жойи боғлаб қўйилган ҳолда кўриб, ўзини тута олмай: “Сизга шундай

⁵⁶ Табарий, “Тарих”, II, 332-333-б.

ёвузликни раво кўрган қавм бешак бузук ва ҳаддидан ошган. Уларга қилмишларининг жазосини беришни Аллоҳу таолодан тилайман” деб қаттиқ қайғурди. Ҳазрати Абу Бакр Умму Жамилга: “Расулуллоҳ нима қилаяптилар, қаердалар?” деб сўради. Умму Жамил шивирлаб: “Бу ерда онангиз бор, уларни олдида айтолмайманку”, деганди, Абу Бакр: “Ундан бизга ҳеч қандай зарар келмайди, кўрқма сиригини ёймайди”, дея марҳамат қилди. Умму Жамил: “У зот саломатдалар, аҳволлари яхши” деди. Абу Бакр “Ҳозир қаердалар?” дея такрор сўради. Умму Жамил, “Аркомнинг уйида” дея жавоб берди. Ҳазрати Абу Бакр “Валлоҳи, Расулуллоҳни бориб кўрмагунимча овқат ҳам ея олмайман ва бирон нарса ичолмайман ҳам” деди. Онаси: “Бироз сабр қилгин, ўғлим. Одамлар уйкуга кетсин” деб, уни сабр қилишга чақирди. Ниҳоят ҳамма уйкуга кетиб, кўча сокинлашгач ҳазрати Абу Бакр онаси ва Умму Жамилга суяниб, аста-секин Расулуллоҳ ўтирган уйга етиб борди. Уни кучоклаб, ўпди. У ердаги мусулмон қардошлари билан кучоклашиб кўришди. Ҳазрати Абу Бакрнинг бу аҳволи муҳтарам пайғамбаримизни қаттиқ хафа қилди. Ҳазрати Абу Бакр, “Ё Расулаллоҳ! Она-отам сизга фидо бўлсин! У ярамас, бузук одамнинг юз-кўзимни ерга ишқаб, мени таниб бўлмас ҳолатга келтирганидан бошқа ҳеч нарсага хафа эмасман. Мана бу ёнимдаги аёл, мени дунёга келтирган онам Салмодир. Унга дуо қилишингизни сўрайман. Умид қиламанки, Аллоҳу таоло, сизнинг дуонгиз баракати билан онамни жаҳаннам азобидан қутқаради”, деб арз қилди. Шунда сеvimли пайғамбаримиз, Салмо хонимнинг мусулмон бўлишини тилаб Аллоҳу таолога ёлвордилар. Дуолари дарров ижобат бўлиб, Умм-ул Хайр хоним ҳидоят топиб, мусулмон бўлиб, илк мусулмонлар орасида бўлиш шарафига эга бўлди.

Абу Лаҳабнинг қўллари синсин!

Муҳтарам пайғамбаримизнинг уйлари, Абу Лаҳаб билан Уқба бин Муъайт исмли иккита мушрикнинг уйлари орасида жойлашган эди. Улар пайғамбаримизга азият бериш учун дуч келган фурсатдан фойдаланарди. Ҳатто кечалари молларининг ахлатларини пайғамбаримиз эшиги олдига ташлашарди. Пайғамбаримизнинг амакиси бўлган Абу Лаҳаб булар билан қониқмай, у зотнинг қўшнисини Адийнинг уйидан туриб, ҳовлига тош отиб ҳам азият бериб турарди. Абу Лаҳабнинг хотини ҳам эридан ортда қолмай,

териб келган тиканли ўтларини Расулulloхнинг оёқларига кирсин деб, йўлига сочиб чиқарди. Қўнлардан бир куни Абу Лаҳаб жаноби пайғамбаримизнинг эшиги олдига ахлатларни тўкаётганида ҳазрати Ҳамза кўриб қолди. У Абу Лаҳабни ушлаб олиб, олиб келган ахлатларини ўзининг бошига ағдариб юборди.

Абу Лаҳаб билан хотинининг пайғамбарга берган азиятлари оқибатида уларга қарши, **“Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин, зотан қуриди...”** дея бошландиган “Таббат” сураси нозил бўлади.

Абу Лаҳабнинг хотини Умму Жамил, ўзлари ҳақида сура нозил бўлганини эшитиб, пайғамбаримизни излай бошлади. Каъбада эканлигидан хабар топиб, қўлига катта тош олиб, у ерга борди. Ўшанда ҳазрати Абу Бакр пайғамбаримизнинг суҳбати билан шарафланаётган эди. У қўлида тоши бўлган Умму Жамилни кўриб қолиб, **“Ё Расулаллоҳ! Қаранг, Умми Жамил келаётир. У жуда ёмон аёл, сизга бирор зарар келтирадим деб ўйлайман. Балки бирор муюлишга ўтиб, унинг азиятидан қочсангиз яхши бўлармиди”**, деди. Расулulloх, **“У мени кўролмайдми”** дея марҳамат қилдилар. Умму Жамил эса, Абу Бакрга қараб, **“Эй Абу Бакр! Тез айт, дўстинг қаерда!? У мени ва эримни ҳажв қилиб, ёмонлабди. У шоир бўлса, мен ҳам, эрим ҳам шоирмиз. Керак бўлса, мен ҳам уни ҳажв қиламан. Биз унга исён қиламиз, пайғамбарлигини тан олмаймиз ва динидан рози эмасмиз. Қасам ичаманки, агар уни кўрсам мана шу тош билан бошига тушираман...”** деб бир нарсаларни айта бошлади. Ҳазрати Абу Бакр **“Менинг соҳибим шоир эмас ва сени ҳажв ҳам қилгани йўқ”** деган эди, Умму Жамил ғижинган ҳолда қайтиб кетди. Ҳазрати Абу Бакр пайғамбаримизга қараб, **“Ё Расулаллоҳ! У сизни кўрмади-я”** деб сўрагани, Расули акрам **“Мени у кўрмади. Аллоҳу таоло унинг кўзини мени кўрмайдиган қилиб қўйди”**, деб марҳамат қилдилар.⁵⁷

Мухтарам пайғамбаримизнинг муборак қизларидан ҳазрати Умму Гулсум, Абу Лаҳабнинг ўғли Утайбага, ҳазрати Руқаййа эса, иккинчи ўғли Утбага унаштириб қўйилган бўлиб, ҳали тўйлари бўлмаган эди. Таббат сураси нозил бўлганидан сўнг жаҳаннамлик Абу Лаҳаб ва хотини, Қурайшнинг баъзи обрўли кишиларини йиғиб, Утба ва Утайбага, **“Унинг қизларини олиб, юкини енгиллаштирдинлар. Уларни қўйиб юборинлар.**

⁵⁷ Байҳақий, “Далоил-ун-нубуъва”, II, 71-б.; Абу Яъла, “ал-Муснад”, I, 26,50; V, 413-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, LXVII, 173-б.; Хайсамий, “Мажмоуъ-Завоид”, VII, 53-б.

Шу билан У заҳматга тушиб қолсин. Сизга эса, Қурайшдаги хоҳлаган қизларингни олиб берамиз”, деб таклиф қилишди. Улар ҳам бу сўзларга қулоқ осиб, севимли пайғамбаримизнинг қизларини қўйдик дейишди. Утайба дегани эса, олчоқликда янада тубанлашиб, пайғамбаримиз (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) нинг хузури шарифларига келиб, “Эй Муҳаммад! Мен сени ва динингни танимайман. Қизингни ҳам қўйдим. Бўлди, бас, бундан кейин на сен мени, на мен сени таниймиз ва борди-келдини ҳам тўхтатамиз...”, деб У зотни ҳақорат ҳам қилди. Ҳатто севимли пайғамбаримизнинг муборак ёқаларига ёпишиб, қўйлақларини йиртиб юборди. Ана шунда севгили пайғамбаримиз: “Ё Раббий! Бунинг бошига жониворларингдан бирини юборгин” деб баддуо қилдилар. Бадбахт Утайба бу ҳолни отасига бориб айтганида, Абу Лаҳабнинг ичига гулгула тушиб: “Муҳаммаднинг шу дуосидан кўрқаяпман”, деб пичирлади.

Бир неча кун ўтгач, Абу Лаҳаб, ўғли Утайбани тижорат ишлари билан Шомга жўнатди. Утайба билан бирга Шомга кетаётган карвон Зарқа деб аталадиган жойда дам оладиган бўлди. Ўшанда бир шер атрофларида айлана бошлади. Утайба бу ҳолни кўрар-кўрмас: “Эй воҳ! Қасам ичаманки, Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) баддуоси қабул бўлди. Бу шер мени ҳозир ейди! Муҳаммаднинг ўзи Маккада бўлса ҳам, билиб қўйинглар, менинг қотилим у”, деди. Бироқ шер бироз кейин қаергадир ғойиб бўлди. Йўлдошлари кўрққанларидан Утайбани ўрталарига олиб баланд жойга ётқиздилар. Кечаси шер яна бу ерга қайтиб келди. Ухлаб ётганларни ҳидлаб-ҳидлаб ниҳоят Утайбанинг ёнига борди. Унинг устига сапчиб чиқиб қорнини ёриб, фожиали тарзда жонини жаҳаннамга жўнатди. Утайба эса, жони чиқиб бўлганча бақириб: “Мен сизга, Муҳаммад, одамзотнинг энг тўғри сўзлисидемаганмидим?” дея олди. Ўғлининг бир шер томонидан парчалаб ўлдирилганидан хабар топган Абу Лаҳаб: “Мен сизга, Муҳаммаднинг ўғлим ҳақидаги дуосидан кўрқаяпман демаганмидим”, деб узоқ йиғлади.⁵⁸

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) тинмай одамларни абадий саодатга чақирардилар. Аллоҳу таолонинг борлиги ва ягоналигига даъват қилиб, жаҳаннамда ёнмасликлари учун уринардилар. Мушриклар эса: “Ота-боболаримизнинг динидан қайтмаймиз” деб, бутпарастликда оёқ тираб туришарди.

⁵⁸ Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XXXVIII, 301-б.

Пайғамбаримиз, уларни одамдай яшашга, хосиятли ва шарафли бўлишга, тубанликдан кутулиб, юксак мақомларга чиқишга даъват қилардилар. Улар эса, ўжарлик қилишарди. Абу Лаҳаб пайғамбаримизни ҳақорат қилишда ва азият беришда ҳамма мушрикларнинг йўлбошчиси эди. Доим Расулуллоҳни таъқиб қилиб, У зотга дуч келиб, даъватларини эшитмокчи бўлганларга пайғамбаримизни ёмонлаб, тинглашдан воз кечиришга, қалбларида шубҳа уйғотишга уринарди. Инсонлар йиғилган жойларда, кўргазмалар бўлаётган маконларда Расулуллоҳ: “Эй одамлар! Ла илоҳа иллаллоҳ, десанглар кутуласизлар” дея марҳамат қилганларида, Абу Лаҳаб дарҳол етиб келиб: “Эй одамлар! Бу менинг жияним. Унинг сўзига ишонманглар. Ундан узоқ туринглар.” дейишга улгурарди.

Муҳаммад алайҳиссалом бир куни Каъбаи шарифда намоз ўқийтгандилар. Қурайшнинг каттаконларидан Абу Жаҳл, Шайба бин Рабаи, Утба бин Рабаи, Уқба бин Аби Муъайт каби мушриклардан ташкил топган бир гуруҳ Расулуллоҳга яқин бир жойга келиб ўтириб олди. Ўша атрофда бир кун аввал сўйилган туянинг ичаклари ва бошқа қолдиқлари ётарди. Ўшанда олчок ярамас Абу Жаҳл: “Ким, ана у туянинг ичак-чавоғини олиб келиб, Муҳаммад саждага кетганда елкасига қўяди?” деган пасткаш таклиф ўртага ташлади. Ораларида энг золим, энг ғаддор, энг бемехр ва энг бадбахти Уқба бин Аби Муъайт: “Мен қиламан” деди-да ўрнидан туриб ичак-чавоқларни олиб келиб, саждада бўлган пайғамбаримизнинг муборак елкаларига қўйди. Бу ярамас ҳолни кўриб турган мушриклар қотиб-қотиб қулишди. Пайғамбаримиз эса, саждада узоқ вақт қолиб кетдилар. Шу аснода Асҳоби киромдан Абдуллоҳ бин Масъуд вазиятдан хабардор бўлди. У шу ходисани куйидагича айтиб берган эди: “Расулуллоҳни бу ҳолда кўрганимда қон миямга сапчиди. Лекин уларга қарши бирон нарса қилгудек бўлсам, мени мушрикларнинг қўлидан кутқариб оладиган на бир қавмим, на қабилам бор эди. Ҳеч кими йўқ заиф одам эдим. Ўша пайтда ҳатто уларга қарата қаттиқ гапиришга ҳам мажолим йўқ эди. Жойимда қотган ҳолда, Расулуллоҳнинг аянчли аҳволига ичим ўртаниб, томошабин бўлиб турардим. Ичимда, қани эди мушриклардан жонимни омон олиб қоладиган кучим ёки химоячим бўлса-ю, Расулуллоҳнинг муборак елкаларига қўйган ахлатларни олиб, улоқтирсам деб зорланардим. Мен ана шундай

кузатувчига айланиб турганимда, кимдир Расулulloҳнинг кизлари хазрати Фотимага хабар берди. У вақтлар Фотима ҳали кичкина кизча эди. Югуриб келиб, Расулulloҳнинг елка ва бошларидаги ичак-қоринларни олиб ташлади. Бу қилиқни қилган мушрикларни қарғади, уларга баддуо қилиб, жуда оғир сўзлар айтди. Расулulloҳ жанобимиз эса, ҳеч нарса бўлмагандек намозларини тутатиб уч марта, “Аллоҳим! Қурайшдан шу тўпланганларни сенга ҳавола қиламан! Аллоҳим! Абу Жаҳл Амр бин Хишомни сенга ҳавола қилдим! Аллоҳим! Уқба бин Рабиани сенга ҳавола қилдим. Ё Аллоҳим! Шайба бин Рабиани сенга ҳавола қилдим! Аллоҳим! Уқба бин Муъайтни сенга ҳавола қилдим! Аллоҳим! Умайя бин Ҳалафни сенга ҳавола қилдим! Аллоҳим! Валид бин Утбани сенга ҳавола қилдим! Аллоҳим! Умора бин Валидни сенга ҳавола қилдим!” дедилар. Бундай баддуони эшитган мушриклар дарҳол кулишдан тўхтаб, кўрқувдан титрай бошлади. Чунки Байтуллоҳда қилинган дуонинг қабул бўлишига улар ҳам ишонарди. Сарвари олам Абу Жаҳлга қарата “**Валлоҳи сен, ё бу ишингдан воз кечасан, ёки Аллоҳу таоло бошингга бир фалокат беради**” дедилар. Аллоҳу таолога қасам ичиб айтаманки, ўша куни пайғамбаримиз исмларини тилга олган мушрикларнинг ҳар бирини Бадр жангида ўлдирилиб, майдонда қолган жасадлари анқиган ҳолда Бадр чуқурларига улоқтириб ташланганини кўрдим.”

Кунлардан бир кун Абу Жаҳл Байтуллоҳда қурайшлик мушрикларга: “Эй бу ерга тўпланган Қурайш аҳли! Кўраяспизки, Муҳаммад, динимизни айблашдан, бутларимизга ва уларга сиғинаётган ота-боболаримизга тил текказишдан, бизларга беақл деб муомала қилишдан тўхтамаяптит. Сенларнинг ҳузурларингга қасам ичаманки, эртага одам зўрға кўтарадиган бир тош олиб келиб, у намозда саждага кетганида унинг бошига кулочкашлаб ураман. Ўшанда мени Абу Толиб ўғилларидан ҳимоя қиласизларми, йўқми, ўзларинг биласизлар. Мен уни ўлдирганимдан кейин қавми менга нима қилса қилаверсин...” деб жар солди. Уни эшитган мушриклар “Қасам бўлсинки, биз ҳам қараб турмаймиз, сени уларнинг ҳужумидан кўриқлаймиз, ҳечкимга бериб қўймаймиз. Фақат уни ўлдирсанг бас!” деб уни янада гиж-гижлашди.

Эрталаб Абу Жаҳл, кўлида каттакон бир тош билан Каъбага келди. Шу ерда ўтирган мушрикларнинг ёнига бориб Муҳаммад алайҳиссаломни кута бошлади. Севгили пайғамбаримиз

(саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар галгидай Байтуллоҳга келиб намоз ўқишга киришдилар. Абу Жаҳл эса, қўлидаги катта тош билан Расулуллоҳни уриш ниятида У томонга юра бошлади. Барча мушриклар қўзларини лўқ қилиб, ҳодисани ҳаяжон билан кузатишарди. Абу Жаҳл Расулуллоҳнинг олдига яқинлашганида бирдан титрай бошлади. Қўлидаги катта тош қўлидан тушиб кетди. Юзи кулдек бўзариб, бирон нимадан қочгандай кўрққанидан орқага сапчиб чекинишга мажбур бўлди. Ҳайратга тушган мушриклар Абу Жаҳлнинг олдига бориб “Эй Амр бин Ҳишом! Нима бўлди, айт!” деб сўрашди. Абу Жаҳл эса, “Билмадим, мен Уни ўлдириш учун тошни энди кўтарган эдим, олдимда пишқирган бир туя пайдо бўлди. Қасам ичиб айтаманки, мен умримда бундай узун оёқли, ўтқир тишли туяни ҳеч кўрмаганман. Агар унга яна бироз яқинлашсам борми, туя мени сўзсиз ўлдирган бўларди”, дея жавоб қилди.

Бошқа бир кун Абу Жаҳл, мушрикларни йиғиб, улардан: “Абдуллоҳдан қолган етимча, айнан шу ерда намоз ўқиб, юзини тупроққа суртадимиз?” дея сўради. Улар “Ҳа” дейишди. Аслида шундай жавобни кутиб турган Абу Жаҳл: “Агар мен Уни шу ҳолда кўрсам, Унинг бошини оёқларим билан эзиб ташлайман” деб мактанди. Хуллас бир куни, пайғамбарлар сардори Каъбада намозга турдилар. У ерда Абу Жаҳл ҳам оғайнилари билан ўтирганди. Шунда Абу Жаҳл ўрнидан туриб Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам)га қараб юрди. Унга анча яқинлашди. Бироқ бирданига қўли билан юзини ишқалаб, қоча бошлади. Мушрик оғайнилари ёнига бориб: “Ҳа, нима бўлди, бу нимаси?” дейишди. Шунда Абу Жаҳл, “Орамизда бирданига ўт ёниб турган чуқур пайдо бўлди. Нотаниш қандайдир бир махлуқлар менга ҳужум қила бошлади. Шундан қочдим” деб жавоб қилди.

Валид бин Муғира, Абу Жаҳл, Амр бин Ҳишом, Асвад бин Мутталиб, Умайя бин Ҳалаф, Асвад бин Абдиёғвас, Ос бин Воил, Хорис бин Қайс каби мушрикларнинг катталари Расулуллоҳни кўрганларида: “Шу етим ҳам ўзини пайғамбар билиб, Жаброил келганини даъво қиладия” дея кесатиб, калака қилишарди. Ҳабиби акрам бир куни яна шундай ҳақоратлардан жуда хафа бўлиб ўтирардилар, ҳузурига Жаброил алайҳиссалом баъзи ояти карималар келтирди. Маолан “(Эй Расулим) сиздан аввал ўтган пайғамбарларнинг устидан ҳам кулишган. Сўнг уларни

масхара қилган кимсаларни ўша қулгулари ўраб (домига тортиб) кетган (ҳалок қилган).”⁵⁹ **“Албатта Биз Ўзимиз – сизни масхара қилгувчиларни (ҳалок этиш учун) кифоя қилурмиз. Улар Аллоҳу таолога яна бошқа илоҳларни (шерик) қилурлар. Бас, яқинда (қиёмат кунда бу қилмишларининг оқибатини) билиб олурулар. Шак-шубҳасиз Биз улар (сизни масхара қилиб) айтаётган сўзлардан дилингиз сиқилишини билурмиз.”** дейилганди.⁶⁰

Коинотнинг султони, бир куни Каъбаи муаззамани тавоф қилаётганларида олдиларига Жаброил келди ва: **“Мен уларнинг (сени масхара қилганларнинг) таъзирини беришга амр олдим”** деди. Шундан кўп ўтмай уларнинг олдидан Валид бин Муғира ўтиб кетди. Жаброил алайҳиссалом: **“Бу ўтиб кетган киши қандай одам”,** деб сўради. Жаноби пайғамбаримиз эса: **“У, Аллоҳнинг энг ёмон бандаларидан бири”** дедилар. Жаброил алайҳиссалом, Валиднинг оёғига ишорат қилиб: **“Бунинг ҳақини беришга келдим”** дедилар. Ундан кейин у ердан Ос бин Воил ўтаётганди, у ҳақда ҳам сўраб юқоридаги жавобни олганидан сўнг Воилнинг қорнига ишорат қилиб: **“Бунга ҳам ҳаддини билдирдим”** деди. Асвад бин Мутталиб ўтаётганида кўзига, Абдиёғвасни кўрганида бошига ишорат қилди; Хорис бин Қайс ўтаётганида қорнига ишорат қилди ва **“Ё Мухаммад! Аллоҳу таоло буларнинг шарридан сени кутқарди. Тез орада буларнинг ҳар бири бир балога учрайди”** деди.

Ҳақиқатан бир кун, Ос бин Воилнинг оёғига тикан кирди. Қанча дори-дармон қилсалар ҳам дардига чора топилмади. Ниҳоят оёғи туянинг бўйнидан ҳам катта бўлиб шишиб кетди. Оқибатда, **“Мухаммаднинг Аллоҳи мени ўлдирди”** деб фарёд қилганча жон берди. Асвад бин Мутталибнинг кўзлари кўрмай қолди. Натижада, бошини бир дарахтга уриб олиб ер тишлади. Асвад бин Абдиёғвас, Бод-и самум деган ерда юрганида юзи ва бутун танаси қоп-қора бўлиб қолди. Уйига қайтиб келганида оиласи уни танимади ва ўз уйига киритишмади. Алаmidан уйининг эшигига бошини ура-ура ўша ерда ўлиб қолди. Хорис бин Қайс эса, тузланган балиқ еганди. Чанқоғи ошгандан ошиб, қанча сув ичмасин ҳеч қонмади. Охири сувга тўлиб кетган ошқозони ёрилиб ўлди. Валид бин Муғиранинг эса, оёғига темир синиғи кириб кетиб, яраси ҳеч тузалмади, кўп

59 Анъом сураси, 6/10.

60 Ҳижр сураси, 15/95-97.

кон йўқотиб охири у ҳам, “Муҳаммаднинг Аллоҳи мени ўлдирди” деб бақириб жон берди. Шу тариқа, ҳалиги мушрикларнинг ҳар бири қилмишларига яраша жазоларини топди. Бундан ташқари, улар абадий жаҳаннамда қолишлари ояти карималар орқали хабар қилинди.

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир куни Абул-Осга рўпарў келиб қолдилар. Унинг олдидан ўтиб кетганларидан кейин ўша мушрик, Расулulloҳнинг орқасидан калака қилиб, оғзи-юзини буриштириб, вужудини ўйнатди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг қилиқларини нубувват нури билан кўриб, уни ўша ҳолатда қолдиришини сўраб, Аллоҳга дуо қилишлари билан, ҳалиги мушрикнинг танасида титроқ пайдо бўлди ва умрининг охиригача шундайлигича қолди.

Асҳобга қилинган исканжалар

Ўша пайтларда мушриклар фақат пайғамбаримизга азият бериш билан чекланмай, шонли саҳобаларига ҳам тинмай азият, исканжалар беришарди. Айниқса энг камбағал ва ҳеч кими йўқларини танлаб, ана ўшаларга зулм қилишарди. Уларни ақлга келмайдиган усуллар билан аёвсиз қийнашарди. Шундай шиддатли қийноқларга дучор бўлган саҳобалардан бири Билол-и Ҳабаший эди. Умайя бин Ҳалаф исмли бир мушрикнинг қули бўлган ҳазрати Билол, Абу Бакр Сиддиқнинг насиҳатлари натижасида мусулмон бўлган эди. Умайя ўн иккита қули ичида Билолни ҳаммасидан яхши кўргани боис, уни энг обрўли иш бўлган бутхонага қоровул қилиб қўйганди. Ҳазрати Билол мусулмон бўлганидан кейин бутхонадаги барча бутларни сажда қилаётган вазиятга келтириб қўйди. Бундан хабар топган Умайя даҳшатга тушди ва ҳазрати Билолни чақириб олиб, ундан: “Сен мусулмон бўлибсан. Муҳаммаднинг Раббига сажда қилаётганмишсан. Тўғрими?” деб сўради. Ҳазрати Билол: “Ҳа, Буюк ва Олий бўлган Аллоҳу таолога сажда қилаяпман” деди. Умайя ўзи ёқтирмаган бу жавобдан кейин ҳазрати Билолга азият ва исканжалар қилишни бошлади. Пешин вақти қуёш роса тепага келганида уни яланғочлаб, ташқарига чиқариб, қизиган қум устига ётқизар ва иссиқдан роса қизган тошларни баданига босарди. Ўтдай ёнган оғир ҳарсанг тошларни устига бостириб қўйиб, “Ислол динидан қайт!... Лот ва Узза бутларига иймон келтир!” деб талаб қиларди. Ҳазрати Билол эса “Аллоҳу аҳад! Аллоҳу таоло бир!” дея

Ўзининг ҳақиқий иймонини такрорларди.

Умайя бин Ҳалаф бу жавобларни эшитган сайин асабидан қутурарди. Ҳазрати Билолни тиканлар устида судратиб, баданида тилинмаган бутун жой қолдирмасди. Ҳазрати Билол вужудидан оққан қонларига эътибор қилмай “Аллоҳим! Сендан келганларга розиман. Аллоҳим! Сендан келганларга розиман” дерди ва иймонида саботли эканини намоиш қиларди.

Ҳазрати Билолнинг ўзи ўша ҳолини қуйидагидек сўзлаб берган: “У бемаза Умайя, мени куннинг исигида ташқарига боғлаб қўяр, етмагандек кечалари ҳам менга азоб берарди. Бир куни ҳаво жуда иссиқ эди. Ҳар доимгидек мени яна исканжага сола бошлади. Мени исломдан қайтармоқ учун “Бутларимизга сиғин! Муҳаммаднинг Аллоҳини инкор қил, инкор қил, инкор қил!” деди. Мен эса, уларга “Аллоҳ бир! Аллоҳ ягона!” дедим. У худди мендан ўч олаётгандай кўкрагимга қизиб турган катта ва оғир тошни бостириб қўйди. Унинг оғирлиги ва тафтидан нафасим қайтиб, хушимдан кетдим. Ўзимга келсам, устимдаги тош олиб ташланган ва қуёшни булут қоплаган ҳолда кўрдим. Шунда Аллоҳу таолога шукр қилдим ва ўз-ўзимга “Эй Билол! Жаноби Ҳақдан келадиған ҳар бир нарса гўзалдир, хушдир” дея пичирлардим.”

Умайя бин Ҳалаф яна бир куни Билоли Ҳабашийга исканжа бериш учун уни ташқарига чиқарди. Кийимларини ечиб олиб, фақат бир ички кийимда қолдирди-да, уни оловдек қизиган қумлар устига ётқизди, устига иссиқдан роса қизиган тошларни қўйди. Бу етмагандек ён-атрофда бошқа мушриклар ҳам йиғилишиб, ҳар ким уни ўйига келган қийноқларга сола бошлади. Бошида туриб, “динингдан қайтмасанг сени ўлдирамиз” дейишарди. Билол Ҳабаший бундай чидаб бўлмас азоблар остида ҳам, “Аллоҳу аҳад! Аллоҳ ягонадир!” дея такрорларди. Ана шундай пайтда севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) у ердан ўтиб қолдилар. Ҳазрати Билолнинг бу ҳолини кўриб қаттиқ хафа бўлиб эзилдилар ва унга тасалли бериб: **“Аллоҳу таолонинг исмини такрорлаш сени қутқаради”** дея марҳамат қилдилар.

Пайғамбаримиз маънос ҳолда чорасиз уйларига келганларидан кўп ўтмай ҳазрати Абу Бакр келди. Пайғамбаримиз Билоли Ҳабашийнинг чекаётган азобларини Абу Бакр Сиддиққа айтиб, **“уни кўриб юрагим эзилди”** деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Абу Бакр дарҳол ҳалиги жойга етиб бориб, мушрикларга: “Билолга бундай азоб беришдан сизларга нима наф? Ундан кўра менга

сотинглар” деган таклифда бўлди. Улар: “Бир дунё олтин берсанг ҳам буни сотмаймиз. Фақат сенинг қулинг Амрга алмаштирамиз” дедилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг Амр исмли чакқон ва уддабурон кули бор эди. Дастёрлигидан хўжайинининг тижорат ишлари билан шуғулланар ва савдодан кўп фойда туширарди. Топармонлиги туфайли кул бўлса ҳам, ёнида ўз шахсий мулкидан ташқари яна ўн минг олтини ҳам бор эди. У ҳазрати Абу Бакрнинг энг яқин хизматчиси бўлиб, ишончли бўлганидан деярли ҳамма ишларини қиларди. Лекин хўжайини қанча насиҳат қилса ҳам, ҳануз мусулмон бўлмай, кофирлигича қолганди. Шу сабабдан ҳам ҳазрати Абу Бакр мушрикларнинг талабини қабул қилиб, “Билолнинг ўрнига Амрни, унинг барча мол-мулки ва пуллари билан сизга бердим” деди. Умайя бин Ҳалаф ва у ердаги бошқа мушриклар ўзларича: “Абу Бакрни боқладик, уни алдадик” деб хурсанд бўлишди.

Бу келишувдан кейин ҳазрати Абу Бакр дарҳол Билол Ҳабашийнинг устидаги катта тошларни олиб ташлаб уни турғазди. Бечора Билол ҳалиги қийноқлардан шундай беҳол тушган эдики, зўрға қимирларди. Ҳазрати Абу Бакр уни қўлидан ушлаб, севимли пайғамбаримизнинг ҳузурларига олиб келди ва “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳ ризоси учун Билолни бугуноқ озод қилдим”, деди. Расулulloҳ эса, бундан жуда хурсанд бўлдилар ва ҳазрати Абу Бакрга кўп дуо қилдилар. Ана шу воқеадан кейин Жаброил алайҳиссалом Абу Бакрнинг Жаҳаннамдан узоқ бўлганини баён қилувчи “Лайл” сурасининг 17- ва 18-оятни карималарини келтирди. У муборак ояти карималарда маолан: **“Ўзи покдомон бўлиб, мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган зот у (жаҳаннам)-дан йироқ қилинур”** дейилган эди.

Ҳаббоб бин Арат ҳазратларини ҳам динидан қайтариш учун кўп азобу зулмга дучор қилгандилар. Чунки ҳазрати Ҳаббобнинг ҳам ҳеч кими йўқ ва ўзи Уммун Анмор исмли бир мушрик хотиннинг кули эди. Буни ҳам ҳимоя қиладиган бирор киши бўлмаганлиги учун мушриклар йиғилиб, унинг яланғоч баданига тиканлар ботирарди. Баъзан яланғоч баданига темир совут кийдириб қуёшнинг иссиғида ушлаб туришарди. Қуёшда роса қизиган ва ҳатто маҳсус оловда қиздирилган тошларни баданига босишарди. Ана шундай азоблар остида ундан “динингдан қайт! Лот ва Уззага сиғин!” деб талаб қилишарди. Ҳаббоб эса, иймонида собит турарди ва “Ла илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулulloҳ” калималарини уларга қарши сўзлайверарди.

Мушриклар бир куни яна тўпланиб бир майдонда ўт ёқди ва ҳазрати Ҳаббобни боғлаб у ерга келтиришди. Уни оловга ётқизиб, динидан қайтаришмоқчи ёки ўлдирмоқчи бўлдилар. Оловнинг устига орқаси билан ётқизилган Ҳазрати Ҳаббоб, “Эй Аллоҳим! Аҳволимни ва вазиятимни кўриб турибсан. Ўзинг қалбимдаги иймонни собит қилгин, менга кучли сабр-тоқат эҳсон айлагин!” деб дуо қилди. Шунда мушриклардан бири кўпроқ куйсин деб, оёғи билан ҳазрати Ҳаббобнинг кўксини босиб турди. Бироқ улар, Аллоҳу таоло Ўзига инонганларни ҳимоя қилишини фахмлашмасди.

Бир қанча йил ўтганидан кейин бу ҳодиса ҳақида Ҳаббобдан сўраганларида, у ўзининг куйган орқасини кўрсатиб, шуларни айтган эди: “Мени тириклайин ёқиш учун судраб келиб ўтга ташлашди. Шу ўтни ўшанда менинг гўшларим ўчирганди.”

Ҳазрати Ҳаббобга юқоридаги азоблардан ташқари хўжайини Умму Анмор ҳам, динидан қайтариш учун алоҳида зулм қилиб, қийноққа соларди. Бу хотин темирни оловда қиздириб унинг бошига босарди. Бироқ ҳазрати Ҳаббоб дини учун азобларнинг ҳаммасига бардош берарди ва уларнинг таклифларини бажармасди, иймонидан воз кечмасди.

Кунлардан бир кун ҳазрати Ҳаббоб севимли пайғамбаримиз ҳузурларига чиқди ва: “Ё Расулаллоҳ! Ташқарига чиқсам, мушриклар мени кўрган жойларида ушлаб олиб олов билан қийнашяпти. Уйда эса, хўжайиним Умму Анмор бошимга темирни қиздириб босяпти. Сиздан менга дуо қилишингизни сўраб келдим” деб илтимос қилди. Шундай деб бадани ва бошидаги куйган жойларини кўрсатди. Муҳтарам пайғамбаримиз унинг ҳолига кўп ачиндилар. Дини учун бечора саҳобасининг бошига тушган азоблардан ичлари ўрганиб: **“Ё Раббий! Ҳаббобга ёрдам бергин”** деб дуо қилдилар. Жаноби Ҳақ ҳабибининг дуосини ўша заҳоти-ёқ қабул қилди. Шу пайтнинг ўзидаёқ Ҳаббобнинг соҳибаси Умму Анморнинг бошида қаттиқ бир оғриқ пайдо бўлди. Оғриқ шундай чидаб бўлмас даражада эдики, золим хотин кечаси билан инграб чиқарди. Билганлар унга оғриқдан қутулиш учун бошига қиздирилган темир босишларини маслаҳат беришди. Шундан кейин Умму Анмор ҳар куни кули Ҳаббобни чақириб, темир парчаларини оловда қиздириб бошига босишини буюрди... Ҳазрати Ҳаббоб эса, қайтар дунё мисоли, унинг бошини қиздирилган темир билан роса доғлади...

Исломнинг бошланғич кунларида мушриклар Ҳаббоб бин

Аратнинг ахволига унчалик аҳамият беришмаганди. Бироқ ҳар куни иймон келтирганларнинг сони ошиб бораётгани уларни ваҳимага солган, натижада энг заиф кулларга ҳам оғир азобларни раво кўришди. Шу жумладан ҳеч кимга на зарари, на таъсири тегмайдиган Ҳаббобга берётган исканжаларини кучайтиришди. Уни ўзлари ҳолдан тойгунча уриб, тепкилаб, яралаб, куйдириб, бечорага исканжа устига исканжа қилдилар. Бироқ мушрикларнинг барча азобларига қарамай ҳазрати Ҳаббоб иймонидан заррача ҳам бош тортмади. Аммо азият ва исканжалар ҳам чидай олмайдиган ҳолга келиб қолган эди. Шунинг учун бошидан ўтганларни Коинотнинг сарварига арз қилиб: “Ё Расулаллоҳ! Кўраётган азобларимиздан қутулишимиз учун бирор дуо марҳамат қилсангиз, илтимос” деган эди. Расулуллоҳ жанобимиз: *“Сиздан олдинги умматлар ичида шундай кишилар бор эдики, терилари темир тароқлар билан шилинса ҳам, бу азобларга чидаб, динларидан қайтмасдилар. Қиздирилган қозон билан бошларига уришганда зарбнинг кучидан қозон иккига бўлиниб кетарди-ю, лекин бу исканжалар ҳам уларни динларидан қайтара олмасди. Аллоҳу таоло бу ишни (исломиятни) албатта ниҳоясига етказди. Ҳали вақти келиб, уни барча динлардан баланд қилади. Шундай кунлар келадики, уловига миниб, Санъадан Ҳадрамутгача ёлғиз сафар қилган киши Аллоҳдан бошқа ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, чўпонлар ҳам бўрининг молларига ҳужумидан хавфсирамайдиган замонлар бўлади. Лекин сиз, ҳовлиқяпсиз, шошаяпсиз”* деб марҳамат қилиб, Ҳаббобнинг орқасини силаб дуо этдилар. Расулуллоҳнинг руҳларга озик ва шифо бўлган ушбу сўзлари Ҳаббобнинг оғриғу аччиқларини сусайтирган эди.

Ҳазрати Ҳаббобнинг ўта кетган бузук ва ярамас мушрик - Ос бин Воилдан анчагина оладигани бор эди. Шу сабаб бир куни қарзини Воилдан сўраш мақсадида олдиға борди. Ос бин Воил эса, Ҳаббобга қараб: “Муҳаммаднинг пайғамбарлигини инкор қилмагунингча сенга бир чақа ҳам қарзни қайтармайман” деди. Ҳазрати Ҳаббоб эса, унга жавобан: “Валлоҳи мен ҳаётда ҳам, ўлганимдан кейин қабримдан турганимда ҳам асло пайғамбаримни рад ва инкор қилмайман. Ҳамма нарсадан воз кечишим мумкин, лекин бундай инкорни асло қилмайман” деди. Буни эшитган Ос бин Воил: “Нима, биз ҳали ўлгандан кейин яна тириламизми? Шу рост бўлса, яна мол-мулким, бола-чақам бўларканда. Ундай бўлса, бор кет, қарзимни ўшанда қайта тирилганимда тўлайман” деб, ғижинди.

Ос бин Воилнинг бу сўзларига қарши Аллоҳу таоло Қуръони каримда (“Марям” сурасининг 77-79-ояти карималари) маолан: “(Эй Ҳабибим!) **Бизнинг оятларимизга кофир бўлган ва “Қасамки, албатта (охиратда ҳам) менга мол-мулк ва бола-чақа ато этилур” деган кимсани қўрдингизми? У ғойибдан хабар топибдими ёки Раҳмон даргоҳидан бирон ваъда олдимикан?! Йўқ, албатта. Биз унинг айтаётган сўзини ёзиб қўюрмиз ҳамда унинг учун азобини зиёда қилурмиз**” деб буюрди.

Мушриклар исканжа ва зулм қилишда мусулмонларни эркак-аёл деб ажратиб ўтиришмасди. Ҳеч кими бўлмаган Зиннира хоним илк мусулмонлардан бири бўлиб, у ҳам кул, чўри эди. Зиннира хонимнинг мусулмон бўлганлигидан хабар топган мушриклар унга ҳам оғир исканжалар беришдан тортинишмади. Зиннира хонимни Лот ва Уза бутларига сиғинтириш учун мажбурлашар, нафаси сиқилиб ҳушидан кетгунча бўғишарди. Буларга қарамай, у динидан асло қайтмасди ва уларнинг айтганларини бажармасди. Айниқса, Абу Жаҳл жуда кўп исканжа қиларди. Азоб ва қийноқларнинг ўта оғирлигидан Зинниранинг кўзлари кўрмай қолган эди. Абу Жаҳл бир вақт унга: “Қара, Лот ва Уза сенинг кўзингни кўр қилиб қўйди” деганида Зиннира хоним иймонининг исботи сифатида: “Эй Абу Жаҳл! Валлоҳи у сен айтгандек эмас. Лот ва Уза деган бутларинг ҳеч нарсага ярамайди, улар ҳатто ўзларига сиғинган ва сиғинмаганлардан ҳам беҳабар. Менинг Раббим эса, кўзимнинг нурини беришга ва мени асл ҳолимга қайтаришга албатта қодир” деб жавоб берди.

Абу Жаҳл ҳазрати Зинниранинг эгилмас иймони олдида ўзини йўқотиб қўйди. Аллоҳу таоло Зинниранинг дуосини қабул қилиб, кўзлари аввалгисидан ҳам яхши кўрадиган бўлди. Абу Жаҳл ва Қурайш мушриклари бундай ҳолни кўриб турсалар ҳам, ўжарликлари кучли келиб иймон келтирмадилар. Ваҳоланки улар: “Бу ҳам пайғамбарларининг сеҳри бўлиш керак! Муҳаммадга эргашган ақлсизларга ҳам ҳайрон қоламизми? Агар улар бораётган йўл ҳақ ва тўғри йўл бўлганида, энг аввал у йўлга биз тушардик. Чунки, ҳақ йўл биздай зодагонлардан олдин кулга буюрармиди?” дея такаббурлик қилишди.

Уларнинг бундай жоҳилликларига қарши Аллоҳу таоло “Аҳкоф” сурасининг 11-ояти каримасини нозил қилди. Унинг маоли шарифида: “**Кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотлар ҳақида: “Агар (бу Қуръон) яхши бўлганида (анави ялангоёқлар) унга бизлардан илгари бормаган бўлур эди” дедилар. Улар ўзлари у (Қуръон) билан хидоят топишмагач “Бу эски уйдирмадир” дерлар**” деб буюрилган.

Дор-ул-Арқам

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) ас-хобига мушриклар тарафидан берилаётган азобу исканжалардан жуда эзилиб, кўп хафа бўлардилар. Шу кунларда исломиятнинг яхшироқ ёйилиши ва ўрганилиши учун қулайроқ бир жой лозим бўлаётганди. Жаноби пайғамбаримиз бундай муҳим иш учун ҳазрати Арқамнинг⁶¹ уйини танладилар. Унинг уйи Сафо тепалигининг шарқий тарафидаги тор кўчада бироз баландроқ жойда эди. У ердан Каъбаи муаззама яхши кўриниб турарди. У уйга кириб-чиқиш ҳам келиб-кетганларни назорат қилишга жуда қулай ҳолатда эди. Бундан ташқари, ҳазрати Арқамнинг ўзи ҳам Маккадагиларнинг обрўлилари ичида ўз ўрни ва эътибори бор кишилардан эди. Шундай қилиб, Ҳабиби акрам шу уйда Асхобига исломиятни ўргатишни бошладилар. Энди мусулмон бўлиш истагида юрганлар бу маконга келиб исломият билан танишиш шарафига муяссар бўлиб, Расулulloх жанобимизнинг кўнгилларга шифо бўлган муборак сўзларини тинглаш орқали баракатлана бошладилар. Улар жаноби пайғамбаримизни, худди бошларига бир куш кўнгану, бирор сас чиқарса учиб кетадигандек эҳтиётлик билан берилиб тингларди. Муборак сўзларининг ҳеч бирини қолдирмай ёдлаб оларди. Ўша вақтлар пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) кундузларини Арқамнинг уйида бўлишга ажратиб, у ерда тонгдан кечгача Асхобини етиштириш билан машғул бўлардилар. Арқамнинг уйи мусулмонларнинг илк қароргоҳи “Дор-ул-Ислом”га айланган эди. Илк мусулмонлар бу уйда тўпланарди ва шу орқали ҳам мушрикларнинг таъқиблари, азоблари ва бошқа турли ёмонликларидан бироз бўлса да паноҳ топишганди.

Ўша уйдаги ҳаётни Аммор бин Ёсар қуйидагича тарифлаган: “Дор-ул-Арқамга бориб, Расулulloх билан учрашиб, мусулмон бўлишни хоҳлаб юардим. Шу сабаб бир кун у ерга бордим. Уй эшиги олдида ҳазрати Суҳайбга дуч келдим. “Бу ерда нима қилиб юрибсан?” деб сўрадим. У ҳам мендан “ўзингчи?” деб сўради. Мен “Ҳазрати Муҳаммаднинг ҳузурига кириб, сўзларини эшитиб, мусулмон бўлмоқчиман” деб жавоб қилдим. “Мен ҳам айни шу масала билан бу ерга келгандим”, деди у. Иккимиз бирга

⁶¹ Ибн Хожар, “ал-Исба”, I, 28-29-б.

сарвари оламнинг хузурларига кирдик. Расулulloх бизга исломни ўргатдилар. Хурсанд бўлиб иймон келтирдик ва мусулмон бўлдик.”⁶²

Аммор ўз мусулмонлигини ҳар юрган жойида гапириб, ўзгаларга ўргатишдан чекинмайдиган мужоҳидлардан бири эди. Динидан қайтмаслик учун энг оғир азоб ва исканжаларга ҳам тоқат қиларди. Ёлғиз ўзи юрган пайтларда мушриклар уни ушлаб олиб, Рамда деган жойга, Маккадаги қояларга элтиб, кийимларини ечиб устига темир қуйлак кийгизишарди. Шу ҳолда қуйдирувчи қуёш остида қолдиришарди. Баъзан баданини оловда қуйдиришарди ва уни шунақа битмас-туганмас азобларга дучор қилишарди. Ҳар сафар уни исканжага олганларида унга “Инкор қил!... инкор қил!... Лот ва Уззага сиғин” дейишарди. Ҳазрати Аммор эса, бундай чидаб бўлмас азобларга шундай бир матонат ва сабр билан чидаб: “Раббим Аллох, пайғамбарим Муҳаммад алайҳиссаломдир” деган сўзлар билан жавоб берарди. Мушриклар бу жавоблардан янада жазавалари кўзгаб, бадтар азоб беришарди. Кўкракларига қизиб турган тошларни кўйишарди. Баъзан сувда бўғилиб ўлиши учун қудукқа ташлашарди. Аммор бин Ёсар бир куни пайғамбаримизнинг (саллаллоху алайҳи васаллам) хузурларига кириш шарафига муяссар бўлганида, “Ё Расулаллох! Мушрикларнинг азобу исканжалари суякка бориб тақалди. Бу кийноқларнинг охири борми?” деди. Шунда пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) унинг аҳволига жуда ачиндилар ва **“Сабр қилинглар эй Яхзоннинг отаси!”** деб марҳамат қилдиларда: **“Ё Раббий! Аммор оиласидан ҳеч кимга жаҳаннам азобини берма”** деб дуо қилдилар.

Биринчи шахид

Ҳазрати Амморнинг отаси Ёсар, онаси Сумайя, укаси Абдуллоҳлар биргалашиб, оилача мусулмон бўлганди. Мушриклар эса ҳазрати Амморга кўрсатган исканжаларидан янада оғирроғини ва шиддатлироғини ота-онасига билан укасига раво кўришарди. Мушриклар шу кийноқлар асносида уларни куфр сўзларни айтишга мажбур қилишарди. Улар эса “Теримизни шилсанглар ҳам, гўштимизни бурда-бурда қилсанглар ҳам сизга қулоқ солмаймиз,

⁶² Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 127-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 449-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашиқ”, XXIV, 219-б.

мажбурлаётган сўзларингни айтмаймиз” дея жавоб қилиб, “Ла илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулulloҳ” деб айтардилар. Бир кун Батҳо деган жойда Ёсарни оиласи билан ушлаб олиб, қийнаётганларида пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) у ердан ўтиб қолдилар. Асҳобининг бундай азобларга дучор бўлганини кўриб қаттиқ хафа бўлдилар. Шунда ҳазрати Ёсар чидай олмай, “Ё Расулаллоҳ! Бутун умримиз шундай қийноқларда ўтадимиз?” деб сўради. Ўшанда жаноби пайғамбаримиз: **“Сабр қилинглар, эй Ёсар оиласи! Хурсанд бўлинглар эй Аммор оиласи! Ҳеч шубҳасиз, сизга жаннат мукофот сифатида берилади”** деб марҳамат қилдилар.

Бошқа бир куни Макка мушриклари Амморни ўтда қуйдириб азият беришарди. Расулulloҳ жанобимиз у ерга ташриф буюриб қолдилар. У: “Эй олов! Иброҳимга (алайҳиссалом) бўлганингдек Амморга ҳам салқин бўлгин ва уни саломат қолдиргин!” деб марҳамат қилдилар. Шу воқеадан кейин Амморнинг орқаси текшириб кўрилганда орқасида Расулulloҳ дуо қилгунларигача пайдо бўлган қуйиқлардан бошқа яра изи йўқлиги маълум бўлди.

Ёсар оиласини шундай ҳар турли исканжаларга солаётганларида ҳазрати Ёсар ва ўғли Абдуллоҳни ёй ўки билан шаҳид қилишди. Абу Жаҳл ҳазрати Сумайянинг муборак оёқларини иккита туяга боғлатиб, туяларни қарама-қарши тарафларга ҳайдашни буюрди. Ҳазрати Сумайя ана шундай иккига бўлиниб, шаҳид қилинди. Раҳм-шавқатдан бенасиб, ғаддор, золим Абу Жаҳл ва тоифасининг қийноқлари оқибатида Ёсар оиласининг шаҳид бўлганлигидан хабар топган жаноби пайғамбаримиз билан Асҳоби кироми (алайҳимурридвон) жудаям қаттиқ хафа бўлдилар. Бу ҳодиса, саҳобаларнинг бир-бирларига янада кўпроқ меҳр қўйишларига ва бир-бирларига яна-да яқин бўлишларига сабаб бўлди.⁶³

Асҳоби киром ҳар намоз вақтида ҳеч ким йўқ жойларга бориб, ўша жойларда яширинча намоз ўқирди. Шундай кунлардан бирида Саъд бин Абий Ваққос, Саид бин Зайд, Абдуллоҳ бин Масъуд, Аммор бин Ёсар, Ҳаббоб бин Арат Макка водийларидан Абу Дуб деган жойда намоз ўқишарди. Ўша куни Аҳнас бин Шарик ва яна баъзи мушриклар уларни пойлаб, орқаларидан келишганди. Мусулмонлар намозга киришиши билан бадбахт мушриклар уларнинг ҳаракатларини тақлид

63 *Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 42-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 264-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 86-б*

қилиб, ибодатларини масхара қила бошлашди. Бундай бемазаликка чидай олмаган ҳазрати Саъд бин Абий Ваққос билан дўстлари дарров мушрикларга ташланишди. Ҳазрати Саъд қўлига тушиб қолган бир туя суяги билан кофирлардан бирининг бошига уриб, ёрди. Қолган мушриклар кўрқиб қочиб қолишди. Шу тарика тарихда биринчи марта мусулмонлар тарафидан кофир кони тўкилган бўлди.⁴⁸

Абу Зарр-ил-Ғифорийнинг мусулмон бўлиши

Энди ҳар томонда инсонлар бир-икки кишилик гуруҳлар ҳолида хидоят топиб, ислом нури Маккадан ташқарида ҳам ёйилиб оламни ёрита бошлаган эди.

Ислоннинг ер юзига юборилиши ва аста-секин халқ орасида ёйилиб бораётганининг олдини олиш учун мушриклар тўсиқ бўлишнинг йўллари ахтарарди. Ниҳоят ислом хабари Баний Ғифор қабиласига ҳам етиб борди. Абу Зарр-ил-Ғифорий бу хабарни эшитганиданок, укаси Унайсни Маккага юбориб, вазиятни билиб келишни тайинлади. Унайс Маккага келиб, пайғамбаримизнинг мажлисида бўлди. Унайс ушбу мажлисдан олган оламшумул хабардан ҳайрати ичига сиғмай юртига қайтиб келди. Акаси Абу Зарр: “Қани, қандай хабар келтирдинг?” деб сўраганида, Унайс: “Ака! Валлоҳи фақатгина хайрни, яхшиликни амр қилувчи ва ёмонликдан қайтарувчи олий бир зотни кўрдим” деб жавоб қилди. Абу Зарр-ил-Ғифорий: “Яхши, одамлар У ҳақда нималар дейишяпти?” дея сўради. Замонасининг машҳур шоирларидан бўлган Унайс: “Унга шоир, коҳин, сеҳрбоз дейдилар. Бироқ Унинг сўзлари коҳин ё сеҳрбозларнинг сўзларига умуман ўхшамайди. Бундан ташқари, мен У зотнинг айтганларини шоирларнинг турли хил шеърлари билан қиёслаб кўрдим. Уларга ҳам ўхшамайди. Бу ўхшаши йўқ сўзлар ҳеч кимнинг сўзи билан ўлчана олмайди. Валлоҳи, у зот ҳақни айтяпти. Унга инонмаганлар ёлғончилик ва бузуқликда”- деб жавоб қилди.

Абу Зарр-ил-Ғифорий бу хушxabардан руҳланиб, Маккага бевосита ўзи бориб, у ерда мухтарам пайғамбаримиз билан учрашиб мусулмон бўлишга қарор қилди. Қўлига бир хасса ва бироз озик олиб, қалбида таърифи қийин севинч билан Макка сари йўлга чиқди. Узоқ йўл юриб, Маккага кирди, бироқ ўз холидан ҳеч кимга ҳеч нарса сўзламади. Чунки Абу Зарр мушрикларнинг ёмонликларидан хабардор эди. Улар, айникса, энди мусулмон бўлаётганларга кўпроқ азият етказишга тиришарди. Мусулмон бўлганлардан ҳеч

кими йўқларга, фақир ва ғарибларга кўпроқ зўравонлик қилишар, омонсиз қийноқларга солишарди. Абу Зарр эса, Маккада ҳеч кимни танимасди. Маккада у ғариб ва бегона киши эди. Шу сабабли ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрашни лозим кўрмади. Аммо Каъбага яқин бир жойда Расулulloҳни кўриб қолиш имконини кутарди ва қаерда эканлиги ҳақида биронта белги, дарак чиқиб қолишидан умидвор эди.

Бир кун кеч бўлганда бир тор кўча муюлишидаги деворни паналаб ўтирди. У ерда уни ҳазрати Али кўриб қолди, ғариблигини билиб, уйига олиб кетди. Ҳазрати Али Абу Заррдан мақсадини сўрамагани учун сирини очмади. Эрталаб, яна Каъба томон равона бўлди. Кечгача шу ерларда айланишига қарамай излаганини топа олмади. Охири кечаги ўтирган бурчагига бориб ўтирди. Ҳазрати Али яна ўша жойдан ўтаётиб кўриб, “Бечора, ҳали ҳам уйини тополмабди” деб яна уйига олиб кетди. Тонг отгач яна Байтуллоҳга бориб, қош қорайганда ҳар куни ўтирган жойига бориб ўтирди. Ҳазрати Али яна уни кўриб, уйига даъват қилди. Бу сафар ҳазрати Али ундан ҳол-аҳвол сўраб, қаердан келгани ва Маккада нима мақсадда юрганини суриштирди. Абу Зарр: “Агар гап орамизда қолишига қатъий сўз берсангиз айтаман” деб жавоб қилди. Ҳазрати Али, сиз бемалол мақсадингизни айтинг, мен сиз ҳақда ҳеч кимга сир очмайман,- дегач, Абу Зарр-ил-Ғифорий: “Бу ерда бир пайғамбар чиққани ҳақида хабар эшитдим. У билан кўришиш, Унга тобе бўлиш учун келганман” деди. Шунда ҳазрати Али: “Сиз ҳақиқатни топдингиз, мақсадингизни яшириб жуда яхши қилгансиз. Ҳозир мен у зотнинг олдига бораяпман. Сиз ҳам орқамдан сал узоқроқдан эргашинг, мен қайси эшикка кирсам, сиз ҳам ўша эшикка кириш. Агар йўлда сизга бирон хавф етишини сезсам, пойафзалимни тузатаётгандай энгашаман. Шу ишоратни кўрганингизда худди мени танимайдигандай ёнимдан ўтиб кетаверинг” деб тайинлади.

Абу Зарр-ил-Ғифорий, ҳазрати Алининг орқасидан эргашди. Бир неча кўчалардан юриб, пайғамбаримизнинг муборак юзларини кўриш шарафига муяссар бўлди. У хузурга кириши билан: “Ассалому алайкум” деб пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам)га салом берди. Бу салом ислом тарихида дастлабки салом бўлиб, Абу Зарр-ил-Ғифорий илк салом берган инсон номига эга бўлди. Муҳтарам пайғамбаримиз саломига жавоб бериб: “Аллоҳу таолонинг раҳмати сенинг узарингга ёғилсин” деб марҳамат қилдилар ва “Сен кимсан?” деб сўрадилар. “Мен Ғифор қабиласиданман” деди Абу Зарр. “Қачондан буён Маккадасан?”

дея марҳамат қилдилар пайғамбаримиз. “Уч куну уч кечадан бери шу ердан” деди Абу Зарр. **“Сенга ким озик берди?”** дея марҳамат қилинганди, “Зам-замдан бошқа бирон егулик ва ичгулик топмадим. Зам-зам сувидан ичганимдан кейин сира очлик ва ташналик сезмадим” деб бошидан ўтганларни гапириб берди. Шунда Сарвари олам: **“Зам-зам муборак булоқдир. У оч бўлганини тўдиради”** деб марҳамат қилдилар. Савол-жавоблардан кейин Абу Зарр-ил-Ғифорий, пайғамбаримизга: “Менга исломни ўргатинг” деб илтимос қилди. Пайғамбаримиз эса, унга калима-и шаҳодатни ўқидилар, у ҳам Расуллоҳнинг сўзларини такрорлаб, иймон неъматини билан мушарраф бўлди ва дастлабки мусулмонлар қаторига кирди.⁶⁴

Абу Зарр-ил-Ғифорий мусулмон бўлганидан кейин пайғамбаримизга: “Ё Расулаллоҳ! Сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Жаноби Ҳаққа қасам ичиб айтаманки, Мен бу иймонимни мушриклар орасида баралла айтаман” деди. Шундан сўнг у Каъба ёнига борди-да у ерда овозининг борича: “Эй Қурайшликлар! Ашҳаду ан ла илоҳа илаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу расулуҳ – мен шаҳодат қиламанки, Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад алайҳиссалом Унинг қули ва расулидир” деб шаҳодат келтирди. Унинг хитобини эшитган мушриклар тутоқиб, ёпирилиб кетди. Уни тошу калтак ва турли суяк парчалари билан уриб, қонга белаб ташладилар. Бу ҳолатни биринчи бўлиб ҳазрати Аббос кўриб қолди ва мушрикларга, “Қўйинглар бу одамни, ўлдириб қўясизларку, ахир. Билмайсизларми, бу одам сизларнинг тижорат қарвонларинг ўтадиган йўл устида яшайдиган қабиллага мансуб. У йўлдан яна ўтишларингни ўйламаяпсанларми?” дея танбех берди. Шундай қилиб, ҳазрати Аббос ҳазрати Абу Заррни мушриклар қўлидан қутқариб олди. Абу Зарр қалбида пайдо бўлган иймон нурунинг хурсандчилигидан ҳамма нарсани унутган, севинчи ичига сиғмай, бир жойда ўтира олмай ҳовлиқарди. Шунинг учун эртаси куни у яна Каъба ёнига борди ва калимаи шаҳодатни баланд овозда бақариб-бақариб такрорлади. Мушриклар уни яна такрор саваладилар. Калтакнинг зўридан ерга йиқилиб қолди. Бу сафар ҳам ҳазрати Аббос уни мушриклар қўлидан қутқариб олди.

Охири, муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Абу Зарр-ил-Ғифорийга юртига қайтишини ва у ерларда Исломиятнинг ёйишига ҳаракат қилишини буюриб, марҳамат қилдилар. У амрни

⁶⁴ Бухорий, “Маноқиб”, II-б.; “Ҳазрати-ус-Саҳоба”, 62-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 83-б.

бош устига қабул қилиб, ўз қабиласига қайтди. Қабилadoшлари ва яқинларига Аллоҳу таолонинг ягоналигини, Муҳаммад алайҳиссалом Унинг расули эканлигини тушунтириш ишларини бошлаб юборди. Маккадан ўрганиб келган ҳақиқати билан шу пайтгача сиғиниб келаётган бутларининг ёлғон, бекор ва бемаъни эканлигини халқига тушунтира бошлади. Уни тинглашга жуда кўп инсонлар йиғиларди. Шундай йиғилишларнинг бирида айрим кишилар Абу Заррнинг энди бошлаган сўзини бўлиб, эътироз қила бошлади. Шунда қabila раиси Ҳаффоф: “Тўхтанглар, қани эшитиб кўрайликчи, бу одам нималар демоқчи ўзи”, деб эътирозчиларни оғзини ёпди. Кейин Абу Зарр ҳазратлари куйидагиларни гапирди:

“Мен мусулмон бўлмасимдан аввал бир куни Нуҳам бутининг ёнига бориб, олдига сут қўйдим ва ўша жойда бироз вақт кутдим. Шунда бутнинг атрофида айланиб юрган бир дайди ит келдида, мен қўйган сутни ичиб ва бутнинг устига сийиб кетганига гувоҳ бўлдим. Мен ўшанда бутимизнинг шундай аянчли аҳволга тушишдан ва бунга зиғирча қаршилиқ кўрсатишдан ожизлигига амин бўлдим. Ҳаттоки ит ҳам хоҳлаганича ҳақорат қила оладиган бир бутга қандай сиғиниш мумкин? Шундай ожиз жисмга яна нима деб ишониш мумкин? Бу жиннилик эмасми ахир? Сизлар сиғинаётган нарса мана шу холос.” Шунда ҳамма бошини ерга эгиб, жим бўлиб қолди. Бироздан кейин тингловчилардан бири, “Хўш, бу томони майли, энди сен хабар олиб келган пайгамбар нима дейди, шулардан гапир! Унинг ҳақ гап айтганини қаердан билдинг?” деб савол қўйди. Абу Зарр эса, овозини баландлатиб, “У, Аллоҳу таолонинг ягоналигини, Ундан бошқа илоҳ йўқлигини, ҳамма нарсани фақат У яратганлигини ва бутун мавжудотнинг эгаси У эканлигини айтяпти... Одамларни ана шундай Аллоҳга иймон келтиришга чақиряпти... Яхшиликка, гўзал ахлоққа, ўзаро меҳр-оқибатга даъват қиляпти. Қиз болаларни тириклайин кўмишнинг ва бошқа биз қилиб юрган ёмонликлар, ҳақсизликлар, зулмнинг ифлослигини ҳамда буларнинг барчасидан сақланишимизни кераклигини гапиряпти”, деб Исломият ҳақида узоқ гапирди. Қабиласида учрайдиган ёмон қилиқлардан ҳаммасини бирма-бир санаб чикди ва уларнинг ўта кетган пасткашлиқ, тубанлик эканлигини тушунтирди. Ўша куни уни тинглаганлардан қabila раиси Ҳаффоф ва Абу Заррнинг укаси Унайс бошчилигида жуда кўп қабилadoшлари мусулмон бўлди.⁶⁵

65 Бухорий, “Маноқиб”, 10-б.; “Фазоил-ус-Саҳоба”, 62-б.; Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 122-123-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 83-б.

Каъбада очикча Қуръон тиловати

Бир куни Асҳоби киром овлоқ бир жойда йиғилиб, суҳбат қилиб ўтиришганди. Улардан биттаси: “Валлоҳи, Расулulloҳдан бошқа, Қурайш мушрикларига Қуръони каримни очикчасига ўқиб эшиттирган ҳеч ким чиқмади-я. Орамизда уларга Қуръони каримни очикчасига ўқиб эшиттирадиган биронта мард топилармикан?”, деб зорланиб қолди. Улар орасида Абдуллоҳ бин Масъуд ҳазратлари ҳам бор эди. У “Мен бу ишни амалга ошираман” деди. Йиғилишда қатнашаётганлардан баъзилари: “Эй Абдуллоҳ! Мушриклар сенга бирор зарар келтирмасмикин. Зарур бўлиб қолганда ўзини мушриклардан ҳимоя қила оладиган қавми ёки қабиласи бор киши бўлса, яхши бўларди-да” деб, хавотирларини билдиришди. Абдуллоҳ эса: “Сиз менга ижозат беринг, мен борайин. Жаноби Ҳақ иншааллоҳ, мени муҳофаза қилади” деди.

Эртаси куни тушга яқин Абдуллоҳ, Мақоми Иброҳимга келди. У ерда мушриклар йиғилиб туришганди. Ибни Масъуд тик туриб бисмиллоҳи шариф билан бошлаб, Раҳмон сурасини ўқий бошлади. Мушриклар бир-бирига, “Умму Абднинг ўғли нималар деяпти? Ҳар ҳолда у Муҳаммад келтирган нарсаларни ўқияпти” деб унинг олдига боришди. Уни ушлаб олиб, роса дўппослашди. Юзи, кўзи момоталок бўлиб, одам танимайдиган бўлиб қолди. Бироқ у шунча калтақлар остида ҳам сурани ўқишни тўхтатмасди. Кейин юзи, кўзи яра-ю қон бўлиб, Асҳоби киром олдига келди. Асҳоби киром: “Биз сенга шундай қилишларидан қўрққандик. Ўйлаганимиздек бўлди”, деб бу ҳолдан кўп афсус чекишди. Аммо Абдуллоҳ ибни Масъуднинг ўзи бу ҳолидан ҳеч хафа бўлмай: “Аллоҳу таолонинг душманларини мен бугунгидек заиф қўрмагандим. Истасангиз, эртага уларга яна Қуръони карим тинглатаман” деди. “Йўқ шу ҳам сенга етарли. У ярамасларга хоҳламаган нарсаларини шунча эшиттирдинг” дедилар.⁶⁶

Туфайл бин Амрнинг мусулмон бўлиши

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Маккада исломият-ни очикчасига ёйишни бошлаганларида кеча-ю кундуз халққа насиҳат қилиб, уларни Ислом динига даъват

⁶⁶ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 166-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 314-315-б.; Табарий, “Торих”, II, 224-225-б.

этардилар. Маккалик мушриклар эса, Расулulloхнинг бу зафарли ҳаракатларини бекорга чиқариш учун бор куч ва имконларини ишга соларди. У зотнинг даъватларини қабул қилиб, иймон келтирганларга ҳар хил ёлғон, тухмат ва исканжаларни раво кўришарди. Жаноби пайғамбаримиз билан учрашган, суҳбатларида бўлган биронтасини кўриб қолишса, дарҳол олдига бориб, Унга қулоқ солмаслиги, айтганларига ишонмаслиги учун турли хил хийла-ёлғонлар тўқишдан тортинишмасди. Ташқаридан Маккага келганларни У билан учраштирмаслик учун ҳам қўлларидаги барча имконларни ишга солишарди.

Мусулмонлар ана шундай ташвишу қийин аҳволда бўлиб, кофирлардан чексиз азиятлар тортиб турган бир вақтда Туфайл бин Амр ад-Давсий Маккага келган эди. Бундан хабардор бўлган мушрикларнинг обрўлилари унинг олдига бориб, “Эй Туфайл! Бизнинг юртимизга хуш келибсан. Лекин сени огоҳлантириб, бир нарсани айтиб қўймоқчимиз. Орамизда яқинда Абдулмутталибнинг етими пайғамбарлик давоси қилиб, ғалати гаплар айтиб юрибди. Унинг сўзлари шунчалик жодулики, ўғилни отадан, акани укадан, эрни хотинидан ажратиб юбормоқда. Халқ орасига ташлаган фикрлари билан жамиятимизни пароканда қилиб юбораяпти. Унинг айтганларини эшитган ўғил отасига қарамай қўйиб, Унга бутунлай тобе бўлиб қоляпти. Одамлар худди жоду қилингандай ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмай мусулмон бўлишяпти. Шунинг учун бизнинг бошимизга келган бу нифоқ балоси сенинг қабиланг бошига ҳам тушиб қолмасин деган хавотирдамиз. Сенга насиҳатимиз шуки, сен У билан асло учрашмагин. Шояд кўриб қолсанг, унга оғиз очиб гапирма ҳам, у гапирса, зинҳор қулоқ солма ҳам. Жуда диққатли ва хушёр бўл. Бу ерда ишларингни тезроқ ҳал қилгину ҳаялламай, дарҳол юртингга қайтиб кетсанг яхши бўлади” деб “меҳрибон”лик кўрсатишди. Бундан буёғини Туфайл Амрнинг ўзи қуйидагича баён қилади:

“Қасам ичиб айтаманки, улар бу ҳақда менга шунча кўп нарсалар айтишдики, оқибатда мен У билан сўзлашмасликка ва сўзини тингламасликка қарор қилдим. Ҳатто Каъбага борганимда бирор ҳол бўлиб, сўзи қулоғимга кириб қолмасин деган мақсадда қулоқларимга пахта тиқиб юрдим. Шундай қилиб эртаси куни Каъбага бордим. У ерда намоз ўқиётган Расул алайҳиссаломни кўрдим. Унга яқин бир жойда турдим. Жаноби Ҳақнинг ҳикмати

билан ўқиганларидан баъзи калималар кулоғимга чалинди. Эшитилган сўзлар менга шунчалар ширин туюлдики, қўяверасиз. Шунда мен ўз-ўзимга, “Нима мен яхшини ёмондан ажрата олмайдиган даражада гўлманми! Унинг устига ўзим шоир бўлсам. Нега бунинг ўқиётганларидан кўрқиб тингламаслигим керак? Бир эшитиб кўрай. Ёкса қабул қиламан, ёкмаса тарк этаман”, дедим. Кўздан чеккароқ жойга ўтиб, Расулulloҳ намозини тугатиб уйи томон ҳаракат қилгунча ўша ерда кутиб турдим. Сўнгра кетидан эргашдим. У кирган уйга мен ҳам кирдим ва “Ё Муҳаммад! Мен бу диёрга келганимда қавмингиз, мени сиздан узок туришим учун роса ваҳимага солишди. Кўрққанимдан кўчада кулоғимга пахта тикиб олган эдим. Аммо Аллоҳу таоло ўқиганларингиздан бир қисмини менга эшиттирди. Эшитганларим менга жуда ёқиб тушди. Шу боис олдингизга келдим. Менга айтадиган сўзларингиз бўлса, бажонидил тинглашга тайёрман” дедим. Ўшанда Расулulloҳ жанобимиз менга исломият ҳақида гапирдилар ва Қуръони каримдан озгина ўқиб бердилар. Қасам ичаманки, умримда бундан-да гўзал ва бундан-да ҳузурбахш биронта сўз эшитмагандим. Дарҳол калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдим.

Сўнгра “Ё Расулаллоҳ! Мен қавмим орасида сўзи ўтадиган кишиман. Қавмимда ҳеч ким менинг айтганларимни қайтармайди. Бориб уларни ҳам Ислом динига даъват қилмоқчиман. Сиз менга бир дуо қилсангиз, Аллоҳу таоло менга қавмим орасида мени тасдиқловчи бирон аломат эҳсон қилса!” дея илтимос қилдим. Шунда Расулulloҳ жанобимиз “**Эй Аллоҳим! У учун бир оят, аломат яратгин!**” дея марҳамат қилдилар.

Ана шундан кейин мен ўз қабиламга қайтдим. Қош қорайиб, қавмим яшайдиган ердаги сув кўриниб турадиган тепаликка етиб борганимда пешонамда бир нур пайдо бўлди, ёруғлик таратиб, порлай бошлади. Ўшанда: “Эй Аллоҳим! Бу нурни пешонамдан бошқа жойга кўчиргин! Давс қабиласининг саводсизлари, динидан қайтгани учун Аллоҳ унинг пешонасига илоҳий жазо сифатида белги қўйибди деб ўйлаб колмасин!” деб дуо қилдим. Шунда нур пешонамдан қамчим учига ўтиб, порлай бошлади. Қабиламнинг уйларига яқинлашиб, довондан пастга қараб туша бошлаганимда у ерда турган қабиладошларим кўлимдаги қамчи учиди шамчирокдай нур порлаб турганини бир-бирларига кўрсатишарди. Шу вазиятда уйимга келдим. Энг биринчи бўлиб отам олдимга

келди ва мени бу ҳолатда кўрди. Мени соғиниб қолган экан, кучоқлади. Отам жуда кексайиб қолган киши эди. Мен отамга “Эй отажон! Агар сиз аввалгидек ҳолингизда қоладиган бўлсангиз, мен сизни, сиз мени танимай кетамиз!” деб дабдурустан терс сўзладим. Бу сўзларни эшитган отам шошиб қолди ва дарҳол, “Ҳа ўғлим, нима сабабдан танимай кетар эканмиз?”, деб сўради. “Мен Муҳаммад алайҳиссаломнинг динига кириб мусулмон бўлдим” деб жавоб қилдим. Шунда отам, “Ўғлим, мен ҳам сен кирган динга кирдим. Сенинг дининг менинг ҳам диним бўлсин” деди-да дарҳол калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлди. Шундан кейин пайғамбаримиздан Исломи дини ҳақида эшитган ва ўрганганларимни унга ҳам ўргатдим. Бу ишлардан сўнгра отам ювиниб, янги кийимлар кийиб олди. Кейин ёнимга хотиним келди. Унга ҳам отамга айтганларни айтдим. У ҳам қабул қилиб, мусулмон бўлди.

Эрталаб Давс қабиласини ораладим. Бутун қабилага Исломият ҳақида гапирдим, тушунтирдим, барчасини Исломига даъват қилдим. Бироқ динни қабул қилишда бироз иккиландилар. Ҳатто бир қисми анча пайт муҳолифат қилди. Гуноҳ ва ёмонликдан иборат бўлган кундалик одатларидан қайтишмади. Етмагандай пасткашлик қилиб, менга юз-кўзларини ўйнатиб, масхара ҳам қилишди. Фоиз ва қиморга берилиб кетганлари туфайли сўзларим қулоқларига кирмади. Исломиятга тобе бўлишдан бош тортиб, Аллоҳга ва пайғамбарига осий бўлдилар.

Бир муддат ўтгач Маккага қайтиб келдим ва қавмим устидан Расулуллоҳга шикоят қилиб, “Ё Расулуллоҳ! Давс қабиласи, Аллоҳу таолога осий бўлди. Уларни ҳидоятга, Исломига чақириб, қилган даватларимни қабул қилишмади. Уларга ҳақ этган нарсаларини тилаб, дуо қилсангиз” дедим. Барчага бирдай шафқат ва марҳамати мўл бўлган муҳтарам пайғамбаримиз, қўллари очик ҳолда қиблага қараб, **“Ё Раббий! Давс халқига тўғри йўлни кўрсатиб, Исломига келишини насиб этгин!”** деб дуо қилдилар. Менга эса, **“Қавминга қайтгин, уларни табассум ва ширин сўз билан Исломиятга даъват қилишда давом этгин! Уларга ҳар доим юмшоқ муносабатда бўлгин!”** деб марҳамат қилдилар. Шундан кейин дарҳол мамлакатимга қайтиб келдим ва Давс халқини исломига даъват қилишдан ҳеч тўхтамадим.”⁶⁷

67 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 382-385-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 168-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, II, 417-б.

Бозорларда Исломга даъват

Ҳар йили турли хил шаҳарлардан одамлар йилнинг маълум бир вақтида Каъбаи муаззамани зиёрат қилишга Маккага келишарди. Шу муносабат билан теварак атрофдан Маккага турли хил моллар ҳам олиб келинар ва бозорлар ташкил қилнарди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) зиёрат ва тижорат баҳонасида келганларни кутиб олиб, ҳар бир гуруҳга алоҳида-алоҳида Исломни таблиғ қилардилар. Уларга Аллоҳу таолонинг ягоналиги, ўзининг эса, ҳақ пайғамбар эканликлари ҳақида айтар ва нажотнинг мана шуларга иймон келтиришда эканлигини баён қилардилар. Шу кунларда Валид бин Муғира мушрикларни йиғиб: “Эй Қурайш аҳолиси! Қўраяпсизларки, Каъбани зиёрат қилиш мавсуми ҳам келди. Муҳаммаднинг овози эса, оламни тутиб боряпти. Араб қабилалари унинг атрофига йиғилишиб, ширин сўзларига учиб, динини қабул қилишяпти. Бунинг олдини олиш учун бирон нарса ўйлаб топишимиз керак, токи ташқаридан келганлар уни пайғамбар деб таниб қолмасин. Келинглар, келишиб олайлик. Келган қабилаларга У ҳақда ҳар биримиз ҳар хил сўзлар айтиб, бир-биримизни ёлғончига чиқариб юрмайлик” дея хитоб қилди. Қурайшлик мушриклар эса, унга: “Эй Абдишамснинг отаси! Орамизда узокни кўра оладиган зуккомиз сенсан. Сен нимани лозим топсанг, биз ҳам ўшани айтишга розимиз”,- дейишди. Валид эса “Йўқ, ҳамма ўз фикрини билдирсин, бир эшитиб кўрайлик, уни ким деб атамоқчисизлар, халқ уни қандай танигани маъқул,” деб эътироз билдирди. Шунда мушриклар “Уни коҳин (фолбин), деб атайлик” дедилар. “Йўқ! Қасам ичаманки, У коҳин эмас, Биз кўп коҳинларни кўрганмиз. Коҳинлар тўғрини ҳам, ёлғонни ҳам тап тортмай айтаверишади. Муҳаммад айтаётган нарсалар эса, коҳинларникига сира ўхшамайди. Устига устак биз бугунгача Муҳаммаднинг зиғирча ёлғон гапирганига гувоҳ бўлмаганмиз. Шу сабаб, агар таклифларингга биноан уни коҳин (фолбин) деб атасак, бизга ҳеч ким ишонмай қўяди”,- деб, Валид бу таклифни рад қилди. Мушриклар: “Бўлмаса уни мажнун, мияси айниган дейлик” дедилар. Валид бу таклифга ҳам эътироз билдириб, “Йўқ, қасам ичаманки, У мажнун ёки ақлдан озган ҳам эмас. Биз мажнун ва жинниларни ҳам яхши таниймиз. Жиннилик аломатларини ҳам яхшигина ажрата оламиз. Унда сира оғзи кўпириш, бирон аъзоси қалтираши, ё алаҳсираш каби жиннилик белгилари йўқ.

Биз агар у ҳақда ақлдан озган дегудек бўлсак, халқ ўзимизни жиннига чиқаради” деди. “У ҳолда шоир деб айттайлик” дедилар. Валид эса, бунга ҳам кўнмай “Йўк, У шоир ҳам эмас. Биз шоир деб кимга айтиладию шеърнинг нималигини жуда яхши биламиз. Унинг сўзлари ҳеч қандай шеърга ўхшамайди” деди. Бу сафар мушриклар “Уни жодугар дейишимиз керак” дейишди. Валид “У жодугар ҳам эмас. Биз нима, жодугар кўрмаганмизми?! Уларнинг қилган сеҳр-жодуларидан беҳабармизми?! Ахир унақаларни ҳам яхши биламиз-ку. Муҳаммаднинг сўзларидан сеҳрдан асар ҳам топа олмайсан-ку. Унинг каломи бутун оламга ғолиб келмоқда. У ҳеч ким билмайдиган, ҳеч ким танимайдиган одам ҳам эмас. Шу боис қабилаларни Ундан совутиб, У билан учрашишларига тўғанок бўлишимиз ҳам мушқил. Ундан ташқари, унинг юксак қобилият ва етукликда, чиройли ва маънодор гапиришда тенгқурларидан устунлиги очиқ ойдин кўришиб турибди. Хуллас, У ҳақда биз нима десак ҳам, айтганларимизнинг ёлғонлигини халқ дарров билиб олади” деди. Қурайшлик мушриклар Унинг пайғамбарлигини яшириш мақсадида ким деб аташга бирор ном топа олмаганларидан кейин, “Орамизда энг кексамиз ва тажрибалимиз сенсан, сен ўзинг бир нима дегин, биз ўшанга рози бўламиз” дейишди.

Валид бир мунча вақт ўйланиб турдида, сўнгра “Менимча энг яхшиси, биз барибир уни сеҳргар, кўзбўямачи деб атасак маъқул бўлади. Чунки У ўз сўзлари билан одамларни ўз қабиласидан, ўз оиласидан, ўз биродарларидан ажратиб, дўстларни бир-биридан жудо қиляпти.” деб йиғилганларнинг каллаларини айнитди. Шундан кейин қурайшлик мушриклар, дарҳол кўчаларга тарқалишиб, Макка шаҳри бўйлаб дуч келган гуруҳларга “Билиб олинглар ва эҳтиёт бўлинглар, Муҳаммад сеҳргар!” деб жар солишни бошлашди. Бу ёлғонни халқ орасида кенг тарқатишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишди. Каъбани зиёратга келаётганларга пешвоз чиқиб, пайғамбаримиз билан учрашмасликка чақирмаган одам қолмади.

Мушрикларнинг бу қилиқлари, аксига олиб, Исломиятнинг барча араб ўлкаларида овоза бўлишига олиб келди ва кишиларнинг онгларида бутларга нисбатан катта шубҳа уйғотди.

Аллоҳу таоло, Валид бин Муғира исмли кофирга аччиқ азоблар тоттириши ҳақида ояти карималар нозил қилди. Муддассир сурасининг 11-ояти каримасидан бошлаб маолан қуйидагилар буюрилади: “(Эй Расулим!) **Мен сўккабош ҳолида яратган кимсани ўзимга қўйиб беринг. Менунга мўл мол-давлат**

ва (доимо ёнида) ҳозир у нозир ўғиллар бердим. Яна унга (ҳаётнинг барча неъматларини) қулай ва осон қилиб қўйдим. Сўнгра (у очкўз, нонкўр шахс) берганларимизни (бойликларини ва авлодини) янада орттиришимизни орзу қилди. Йўқ! (У мункирнинг, у тамагирнинг орзуси амалга ошмайди. Унинг молу-мулки ва авлоди кўпайтирилмайди). Чунки у бизнинг оятларимиз (Қуръони карим)-га қарши ўжарлик қилди, уни инкор қилди. (Расулимнинг содиқ эканлигини, унинг пайғамбар бўлганлигини ичидан, кўнгилдан тушуниб туришига қарамай, ўжарлигидан инкорга журъат қилди. Бу эса, на қадар буюк залолатдир!) У мункирни соуд азобига ташлайман... (Бу ерда тилга олинган “соуд” калимаси ҳақида ворид бўлган ҳадиси шарифда, “Соуд жаҳаннамдаги бир тоғнинг номидир. Унга кофирлар етмиш йилда чиқа олишлари мумкин. У ерга чиқарилган кофир пастга ташлаб юборилади. Бу ҳол, чиқариб ва қайта ташлаб юборишлар ана шундай давом этаверади” дея марҳамат қилинади.) Кейин у инкорчи шахс(Расулulloҳдан эшитган Қуръони каримга қандай қилиб тил текказишини) ўйлаб кўрди ва (ўзича)бир ўлчов топди (айтадиган сўз тайёрлади). Унга лаънат бўлсинки, (Қуръони карим ҳақида) қандай қилиб тафаккур қилиб, унга ўлчов қўйди. Унга такрор-такрор лаънатлар бўлсинки, у қандай қилиб ўлчов қўйиши мумкин. Кейин, (қавмига ёки Қуръони карим ҳақида нималар дейишига бир) қараб кўрди. Сўнгра (аламидан ва Қуръони каримга тил текказишга ҳеч нарса топа олмаганидан) қошларини чимириб, афтини буриштирди. Ундан кейин (Аллоҳу таолога ва Унинг Расулига иймондан) юз ўгириб кибрланди. “Бу (Муҳаммаднинг айтаётганлари) фақат жодугарлардан ўрганиб нақл қилинаётган жодудан ўзга нарса эмас. Муҳаққақ бу одам сўзидир) деди. Ваҳоланки у шахс, Қуръони каримнинг ҳарика (кишида ҳайрат уйғотадиган ажайиб) бир калом бўлиб, одам ва жинларнинг сўзларига ўхшамаслигини авваллари ўз қавми орасида эътироф қилган эди. Сўнг эса, қавмининг қўнгилини олиш учун сўзидан қайтиб, Қуръони карим ҳақида, унга мутлақо лойиқ бўлмаган тухматлар қилди. Шу тариқа ўзини илоҳий азобларга мустаҳақ қилди. Аллоҳу таоло буюрдики, Мен уни Сақарга, жаҳаннамга ташлайман. Сақарнинг, жаҳаннамнинг нима эканликларини сенга нима билдиради? У жаҳаннам баданингдан ҳеч бир нарса қолдирмайди (хаммасини ҳалок қилади) ва яна қайта сени асл холингга келтириб азобни такрорлайверади.”

Мушрикларнинг Қуръони карим тинглаши

Мушрикларнинг обрўлилари турли йўллар билан кишиларнинг мусулмон бўлишига тўғаноқ бўлишаётганди. Макка халқига Муҳаммад алайҳиссалом ўқиётган ояти карималарни тинглашларини тақиқлаб, ўзлари эса, кечалари Муҳаммад алайҳиссалом бўлган уйга яқин бирор бурчақда яшириниб олишиб, Унинг Қуръони карим ўқишини тинглашарди. Тонг отиб, атроф ёришганидан кейин бир-бирларидан яшириниб Қуръони карим тинглашга келган мушриклар ғамтовоқларини танишиб, ўзаро бир-бирларини айблашиб “энди бошқа бундай қилмайлик” дейишиб келишиб олардилар-да, кеч бўлиб қоронғу тушганидан кейин такрор бир-биридан яширин Қуръони карим эшитишга келаверардилар. Тонгда яна аҳвол такрорланарди. Яна эски қасамларини ичишиб, ажралишардилар-да, бироқ бу ишларидан воз кеча олмасдилар. Аммо нафсларига эргашиб, бошқа мушрикларнинг айбашларидан қочиб ва яна бошқа бир қанча бўлмағур хаёллар билан улар иймонга кела олишмади. Бошқаларнинг мусулмон бўлишига ҳам тўғаноқ бўлишди. Хунармандларнинг кўчаларида “Муҳаммад жодугардир” деб бақиршларини ҳам тўхтатишмади.

Бир кун кечаси мушрикларнинг катталари Каъбанинг атрофида йиғилишиб: “Муҳаммадни бу ерга чақирайлик, У билан бирга бу масалани гаплашиб олайлик. Токи улар кейин хафа бўлмасинлар, бизни маъзур тутсинлар” дейишиб, Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизга хабар юборишди. Жаноби пайғамбаримиз таклифни қабул қилиб уларнинг ҳузурига келдилар ва мушрикларнинг қаршисига ўтирдилар. Мушриклар “Эй Муҳаммад! Биз сен билан келишиб олиш учун сенга хабар юборган эдик. Қасам ичиб айтамызки, арабларда сенга ўхшаб қавмининг бошини балога қолдирган бошқа бирор кишини кўрмаган эдик. Сен динимизни айбладинг! Тангриларимизга тил текказдинг! Ақлларимизни ёқтирмадинг! Бирлигимизни бўлиб, бизни бир-биримизга қарши қилиб қўйдинг! Бошимизга сен келтирмаган бирор ёмонлик қолмади! Борди-ю сен бу ҳаракатларинг ва сўзларинг билан бойлик орттирмоқчи бўлсанг, истаганингдан ҳам кўп бойлик тўплаб берайлик! Шон ва шарафга эришмоқчи бўлсанг, сени бошимизга

хоким қилиб кўтарайлик. Ҳукмдор бўлишни хоҳласанг, сени хукмдор эълон қилиб, сенинг атрофингда йиғилайлик. Агар бирор муаммонг бўлса, биз сени ундан қутқарайлик. Жинлар сабаб бўлиб сенга бирор хасталик юккан бўлса, барча боримизни ўртага тўкиб, шифосини излайлик!...” дея бир дўк, бир ёлвориш билан узоқ сўзладилар.

Оламларнинг жаноби уларни сабр билан тинглаганларидан кейин, қуйидагича жавоб марҳамат қилдилар: **“Эй бу ерга йиғилган қурайшликлар! Ҳозир сўзлаганларингнинг ҳеч бири менда йўқдир. Мен сизга келтирганларим билан сизнинг на молингизни олишни, на орангизда буюк шон-шарафга эришишни, на сизларга хукмдор бўлишни истаган эмасман. Бироқ Аллоҳу таоло мени сизга пайғамбар этиб юборди ва менга битта китоб ҳам туширди. Сизнинг (уларни қабул қилганларингиз) учун бир яхши хабар (жаннат хабарини) берувчи ва (қабул этмаганлар учун эса) бир қўрқитувчи (жаҳаннам хабарини берувчи) бўлишимни амр қилди. Мен ҳам Раббимнинг бу амрини сизга етказдим, сизга насихат қилдим. Агар мен келтирган нарсаларни қабул қилсангиз, У сизга дунёда ва охирагта насиб ва озик бўлади. Агар қабул қилмай, уларни рад қилсангиз, Аллоҳу таоло мен ва сизларнинг орамизда хукмини чиқарганича, менинг зиммамдаги вазифам жаноби Ҳақнинг амрини ўрнига қўйиш борасида ҳар қандай кучга қарши тураман...”**

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам)ни тинглаётган мушриклардан Абу Жаҳл, Умайя бин Ҳалаф ва бошқалари: “Ё Муҳаммад! Кун кечиришда биздан ҳам қийинроқ шартлар остида қолаётган бошқа бирон кишининг йўқлигини сен ўзинг яхши биласан. Модомики, пайғамбар бўлсанг, Раббингдан тилаки, бизни сиқаётган, кун кўришимизни қийинлаштираётган мана бу атрофимиздаги тоғларни биздан узоқлаштирсин! Юртимизни кенгайтириб, бу ерларда ҳам Шом ва Ироқдагидек дарёлар оқизиб қўйсин. Бунга қўшимча, Қусай бин Қилоб каби ўтиб кетган боболаримиздан бир қисмини қайта тирилтирсин! Қусай бин Қилоб тўғри сўзли, улуғ бир киши бўлган эди. У тирилса, биз сенинг айтаётганларинг тўғрими ёки ботилми, ундан сўраймиз.

Агар у сени тасдиқласа ва бизнинг сўраганларимизни бажарсанг, биз ҳам сени тасдиқлаймиз. Шу йўл билан биз сенинг Раббинг олдидаги мавқеингни ҳам ўрганган бўламиз. Борди-ю биз учун истаганларимизни бажаришни истамасанг, ўзинг учун Раббингдан бир нарсалар қилишни сўра. Масалан, сен айтаётганларни тасдиқлайдиган, бизни сенинг устингдан қайтариб оладиган бирор малак юборишини сўрагин! Ундан ташқари Раббинг сенга боғчалар, кўшқлар, хазиналар берсин, сен ҳам кун кўриш қийинчиликларидан қутул! Қара, сен ҳам бизга ўхшаб кун кўриш учун кўчаларда, бозорларда сарсонсан!..”, дейишиб Расулulloҳни қийнашга ҳаракат қилишди.

Фаҳри олам жанобимиз уларга юқорида айтганларини такрорлаб, яна шуларни марҳамат қилдилар: **“Мен сизга бу сиз айтаётган, сўраётганлар нарсалар учун юборилмаганман. Аллоҳу таоло мени нима учун юборган бўлса, мен фақат жаноби Ҳақнинг номидан уни сизга келтирдим. Сизга уни баён қилдим. Мен (мол, мулк берилиши учун) Раббимдан бирор нарса сўрайдиган киши эмасман... Аллоҳу таоло мени (келтирганларимни қабул қилганларинг учун жаннат ҳақида) яхши хабарчи ва (қабул қилмаганларингни жаҳаннам билан) бир кўрқитувчи этиб юборди. Агар мен сизга келтирганларимни қабул қилсангиз, улар сизнинг бу дунёда ҳам, охирада ҳам насиб ва озиғингиз бўлади. Уларни қабул қилмай, рад этсангиз, Аллоҳу таоло мен ва сизнинг орамада ҳукмини чиқарганича менинг зиммамдаги вазифам Раббимнинг амрини ўрнига қўйиш учун ҳар қандай кучга кўкрак кериб тураман.”**

Мушриклар бу сафар ҳам “Мадомики, Раббинг хоҳласа ҳар нарса қилишга қодир, қани Ундан сўра, мана бу осмонни бўлақлаб устимизга ағдарсин!.. Сен буни қилмасанг, сенга ишонмаймиз!” дея қайсарлик қилиб туриб олишди. Жаноби пайғамбаримиз: **“Бу иш Аллоҳу таолога оиддир. У, сизга буни кўрсатишни истаса, албатта уни қилади”** дея марҳамат қилдилар. Бундан кейин мушриклар янада авжга миниб: “Эй Муҳаммад! Сенинг Раббинг, бизнинг сен билан ўтиришимизни, сендан сўрайдиганларимизни, сендан истайдиганларимизни билмасмиди? Нега олдиндан буларни сенга ўргатмади? Сен бизга таблиғ қилганларингни қабул

қилмаганимиз ҳолда, бизга нималар қилишини нега сенга олдиндан айтмади, ўргатмади?.. Сенинг сўзларинг тўғрилиги учун гувоҳлик берадиган фаришталар юборилмагунича биз сенга ишонмаймиз... Бўлди, бошқа бизда сендан бирор масъулиятимиз қолмади... Қасам ичамизки, биз бундан кейин сенинг ёқангни кўйиб юбормаймиз! Ё биз сени йўқ қиламиз, ёки сен бизни..." деб дағдаға қилишди. Уларнинг ўзи билан оралари яқинлашиш ўрнига бутунлай узоклашиб кетганликларини кўрган севимли пайғамбаримиз уларнинг олдиларидан кетдилар.⁶⁸

Маккали мушрикларнинг Коинотнинг султонини рад этганлари муносабати билан Аллоҳу таоло Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий юбориб, уларга ояти карималар билан жавоб берди. Бу билан мушрикларнинг дуч келадиган аччиқ азобларидан хабар билдирилди. Анъом сурасининг 4-ояти каримасидан 11-оят-и каримасигача маолан шундай буюрилади: **“Улар рад этмаган (Қуръон-и карим оятларидан бир оят, далиллардан бир далил ёки мўъжизалардан бир мўъжиза) Раббиларидан келган бирорта ҳам оят йўқдир. Ана қаранг, улар, ўзларига Ҳақ (Қуръон-и карим) келган вақт, уни ёлғон ҳисобладилар. Бироқ яқинда уларга нима билан истехзо, масҳара қилганларининг хабари (жазоси) келади. (Макка халқи) ўзларидан аввал қанча наслларни ҳалок қилганимизни кўрмадиларми, билмайдиларми? Уларга сизга берилмаган барча имконларни берган эдик. Кўкдан мўл-кўл ёмғирлар ёғдириб турардик. (Боғу-бўстонларининг ва кўшқларининг) остидан оқиб ўтадиган ирмоқлар яратгандик. Кейинчалик уларни (бу неъматларга шукр қилмаганлари ва) гуноҳлари сабаби билан ҳалок қилдик. Уларнинг ўринларида бутунлай бошқа насллар яратдик.**

Агар сенга қоғоз ҳолида ёзилган бир китоб туширганимизда эди, улар ўзлари ҳам қўлларида ушлаб кўрсалар эди, шунда ҳам у кофирлар ўжарликларидан “Бу очик-ошкор сеҳрдан бошқа бир нарса эмас” деган бўлишарди. Бундан ташқари, “Унга (Муҳаммад алайҳиссаломга биз кўра оладиган) бир фаришта юборилса эди (у бизга Унинг пайғамбар бўлганлигини айтса эди)”, дея сўрадилар. (Борди-ю биз бирор фариштани юборган тақдиримизда ҳам (ва улар

68 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 315-б.;

иймон келтирмасдилар), **бирок иш битган бўларди** (хаммасининг ҳалокатига ҳукм берилган бўларди). **У вақт уларга кўз очиб юмганча бўлган вақт ҳам берилмасди, ҳеч нарса назарга олинмасди. Агар Уни (пайғамбарни) фариштага айлантириб, Уни бирор эркак (суратида) кўрсатган бўлардик ва уларни яна ўшандай ҳолатга туширган бўлардик. Онт бўлсинки, сендан аввалги пайғамбарларга ҳам истехзо қилишиб ва уларни масхаралашди. Уларнинг бу ишлари учун жазо уларни чилпарчин қилди. Уларга дегинки, “Ер юзини айланиб қаранг қани, пайғамбарларни ёлғонлар билан мазах қилганларнинг ҳоли нима бўлибди?”**

Фурқон сурасининг 7 ва 10-ояти карималарида маолан: **“Қофирлар, “Бу пайғамбар, деганлари биз каби ичиб-еса, кўчаларда биз билан бирга юрса, У қандай пайғамбар бўлади? У пайғамбар бўлса, унинг олдига фаришта келган бўларди. Унинг ёрдамчилари бўлиб, улар бизга ҳам хабарчи бўларди, жаҳаннам билан бизни кўрқитарди. Ёки унинг Рабби унга хазиналар, мева боғлари, деҳқончилик ерлари бериб, у истаганини еб юрган бўларди” дердилар. У золимлар, “Агар сиз бу кишига тобе бўлсангиз жодугар бир одамга эргашган бўлган бўласиз” дея бир-бирларини огоҳлантирдилар. (Эй Ҳабибим!) Қарагинки, сен ҳақингда қандай ёмон мисоллар келтиришиб, улар ҳақ йўлдан ажралдилар, залолатга тушдилар. Улар залолатдан чиқиб хидоятга бошқа йўл топа олмайдилар. Аллоҳу таолонинг шони шунчалар олий, юксакки, У истаса сенга (дунёда) улардан янада устун бўлишинг учун тагидан ирмоқлар оқадиган боғу-бўстонлар яратиб беради, сен учун мухташам саройлар қуради!”** деб буюрилди.

21-ояти каримада эса маолан: **“Бизга эришишни умид қилмаганлар, “Қани эди, бизга фаришталар туширилиб (Муҳаммаднинг тўғри айтаётганини бизга хабар қилса эди) ёки Раббимизни кўрсайдик) дейишадилар. Онт бўлғайки, улар нафсларига берилганлардир ва буюк бир бузукликла ҳаддиларидан ошганлардир...”** деб буюрилади.

Сабаъ сураси 9-ояти каримасининг мазмунида ҳам: **“Агар биз хоҳласак уларни (очиқ оятларимизни кўриб туриб ҳам ёлғон**

ҳисоблаганлари учун Қорун (баний Исроилда бадавлатлиги билан машҳур бўлган киши) сингари) **ерга тикардик ёки устиларига кўкдан тошлар ёғдирардик**” деб буюрилади.

Исро сураси 97-оятни каримасининг маолида: **“...Биз уларни қиёмат кунини кўриб, тилсиз, қар қилиб юзгубан тирилтирамиз. Уларнинг борадиган жойлари жаҳаннам бўлиб, унинг олови сусайган вақти, уни биз янада қиздирамиз”** дейилди.

Мушриклар ўзлари ҳақида келган бу оятни карималардан хабар топишиб, душманликларини янада оширдилар. Айниқса, Убай бин Ҳалаф ва унинг укаси Умайя Расулulloх жанобимизни жуда кўп хафа қилишарди. Бир кун бадбахт Убай, бир жойдан чириган суякни топиб олиб, бу суяк билан пайғамбаримизнинг олий ҳузурларига келди ва жаноби пайғамбаримизга қараб: **“Эй Муҳаммад! Мана шу чириган суякка сенинг Аллоҳинг жон киритармиш, шундайми? Демак, сен бу суяк чириб кетганидан кейин ҳам уни сенинг Раббинг тирилтиради, деб ҳисоблайсан-а!”** деди-да суякни укалаб майдалаб ташлади. Ундан сўнг унинг чангини пайғамбаримизга қараб уфлаб юборди. Сўзида давом қилиб, **“Ё Муҳаммад! бундай чириган ва чангга айланганни ким тирилтира олади?”** дея дағдаға қилди. Жаноби пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) марҳамат қилдиларки: **“Ҳа, шундай. Аллоҳу таоло сени ҳам ўлдирди, уни ҳам... Сўнгра сени тирилтириб, жаҳаннамга ташлайди.”** Бу ҳодиса муносабати билан Аллоҳу таоло оятни карималар нозил қилди. Уларда маолан: **“У (инкор этувчи) киши, ўзини бир нутфадан яратганимизни кўрмайдими, билмайдими? Ундай бўлса, у ошиққан бириси бўлиб, уни биз яратганимизни унутиб, бизга “Чириб битган бу суякни ким тирилтира олади?” деб мисол келтиради. (Эй Расулим!) Уларга, дегинки: “Уларни (улар йўқ эди) илк бор яратган (Аллоҳу таоло) тирилтиради ва У, ҳар бир яратилганни, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари билан биладигандир. У (Аллоҳу таоло)ки, ям-яшил дарахтдан сизга олов чиқарадигандир. Ҳозир ҳам сиз ундан олов ёқасиз. Кўкларни ва ерни яратган, уларга ўхшашини яратишга кучи этмайдими? Албатта бунга кучи етади. У, ҳамма нарсани яратгандир, У ҳамма нарсани биладигандир...”** деб буюрилганди.⁶⁹

⁶⁹ Ёсин сураси, 36/77-81.

Холид бин Саиднинг иймон келтириши

Исломга эндигина даъват бошланган вақтлари Холид бин Саид бир туш кўрган эди. У тушида жаҳаннамнинг шундай ёқасида турарди, отаси эса уни жаҳаннамга итариб юбормоқчи бўларди. Шунда у шу ерда пайдо бўлган пайғамбаримизнинг белига маҳкам ёпишиб ўзини жаҳаннамга тушиб кетишдан сақлаб қолади. Кўрққанидан фарёд қилиб уйғониб кетади. Ўрнидан туриб “Валлоҳи бу тушим ҳақиқатнинг ўзгинаси” дея ўз-ўзига сўзлайди. Ташқарига чиқиб, биринчи бўлиб ҳазрати Абу Бакрга дуч келди ва унга кўрган туши ҳақида сўзлаб берди. Уни диққат билан тинглаган ҳазрати Абу Бакр “Бу тушинг ҳақ, у киши Аллоҳу таолонинг пайғамбари. Сен дарҳол Унинг олдига боргин. Унга тобе бўлгин! Демак, сен Унга эргашасан, У келтирган динга кирасан ва У билан бирга бўласан. У ҳам, худди тушингда кўрганингдек сени жаҳаннамга тушишдан сақлайди. Отанг эса жаҳаннамда қолади” дея унинг тушини таъбир қилди.

Холид бин Саид анча вақт тушининг таъсирида карахт бўлиб турди. Бироқ кўп вақт йўқотмаслик учун Ажёд деган жойга Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳузурига борди ва “Ё Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Сиз инсонларни нимага даъват қиляпсиз?” дея пайғамбаримизга савол берди. Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Мен, инсонларни тенги ва ўхшаши бўлмаган ягона Аллоҳга ва Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) Унинг бандаси ва пайғамбари эканлигига иймон келтиришга ва эшитмайдиган, кўрмайдиган, ҳеч қандай зарар ва фойдаси бўлмаган, ўзига сиғинганни ҳам, сиғинмаганни ҳам билмайдиган бир қанча тош бўлакларига сиғинишдан воз кечишга даъват қилмоқдаман”** дея марҳамат қилдилар. Бу жавобни тинглаган Холид бин Саид дарҳол: “Мен ҳам шаҳодат қиламанки, Аллоҳдан бошқа сиғинадиган илоҳ йўқдир ва яна шаҳодат қиламанки, сиз Аллоҳу таолонинг пайғамбарисиз” деб мусулмон бўлди. Унинг мусулмон бўлиши пайғамбаримизни беҳад хурсанд қилган эди. Холидга эргашиб хотини ҳам мусулмон бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Ҳазрати Холид бин Саид ака-укаларининг ҳам мусулмон бўлишлари учун ҳаракат қилди. Улардан Умар бин Саид ҳам мусулмон бўлди. Исломнинг ашаддий душмани бўлган отаси Абу Ухайҳо ўғиллари Холид ва Умарнинг мусулмон бўлганларидан хабар топиб, Макканинг бир овлоқ ерида намоз ўқиётган ўғиллари олдига бошқа ўғилларини юбориб, уларни чақиртирди ва бу динларидан чиқишларини талаб қилди. Аччиқланиб, уларни ура бошлади. Сўнгра Холидга юзланиб: “Сен Муҳаммадга эргашидинг-а? Ваҳоланки, сен, Унинг қавмига қарши қилаётганларини ва олиб келган нарсаси билан бутларимизга, оталаримизга ҳақоратда бўлганлигини кўриб турибсанку?” деб бақирди. Холид бин Саид ҳазратлари эса: “Аллоҳу таолога қасам ичаманки, Муҳаммад алайҳиссалом ҳақни сўзламоқда. Мен Унга эргашидим. Энди ўлсам ҳам динимдан қайтмайман” деди. Буни эшитган отасининг ғазаби ошиб жазавага тушди. Қўлидаги таёқ синиб кетганича ўғлини савалади ва: “Эй ярамас ўғил! Қасрга хоҳласанг, ўша ёққа кет. Қасам ичаманки, сенга озик-овқат бермайман” деб дўқ қилди. Ҳазрати Холид: “Сиз менинг нафақамни бермай қўйсангиз, Аллоҳу таоло менинг ризқимни бошқа ердан эҳсон қилади” деди. Холиднинг отаси, бошқа фарзандларига ўгирилиб: “Агар биронтанг унинг қилганини такрорласанглар, унга берган жазомни сенларга ҳам бераман” дея таҳдид қилди. Ҳазрати Холидни эса уйнинг ертўласига қамаб қўйиб, уч кун Макканинг иссиғида оч ва сувсиз қолдирди.

Холид бин Саид ҳазратлари бир амаллаб отасининг уйдан қочиб қутулди. Унинг отаси эса, оғир касалга йўлиқиб ётиб қолди. Абу Ухайҳо касал тўшагида ётиб ҳам Исломиятга душманлиги туфайли “агар соғайиб кетсам, Маккадаги ҳаммани бутларга сиғинтираман. Бу ерда ҳеч ким улардан бошқасига сиғина олмайдиган бўлади...” деб ният гўлдирарди. Ҳазрати Холид отасининг бу гапларидан хавфсираб, отасининг душманлиги ёмонликка сабаб бўлмасин ва мусулмон биродарларига зарар келмасин деган ниятда, “Эй оламларнинг яратувчиси Аллоҳим! Отамнинг ниятларини насиб қилмагин, уни бу касалликдан турғазмагин” дея дуо қилди. Жаноби Ҳақ унинг дуосини қабул қилди ва Абу Ухайҳо бу касалликдан соғаймай ўлиб кетди.

Мусъаб бин Умайрнинг мусулмон бўлиши

Мусъаб Қурайшнинг асил ва бадавлат оилаларидан бирига мансуб киши эди. Пайғамбарнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) сўзларини эшитиб, унинг қалбида Муҳаммад алайҳиссаломга нисбатан кучли муҳаббат ҳосил бўлди. Шунинг учун Унга етишиш орзусида ёниб юрарди. Охири Дар-ул Аркомга бориб мусулмон бўлди. Бу ҳолдан хабар топган ота-онаси уни ҳам кийноққа солишди. Уни динидан қайтариш учун уйларининг ертўласига қамаб қўйиб, бир неча кун оч ва сувсиз қолдиришди. Арабистоннинг жазирама иссиғида унга оғир ва чидаб бўлмас исканжалар кўрсатишди. Бирок Мусъаб бин Умайр ҳазратлари бундай оғир ва аччиқ азобларга сабр қилиб, исломиятдан қайтмади.

Ҳазрати Мусъаб мусулмон бўлишидан олдин оиласининг бадавлатлиги туфайли мўл-кўлчилик ичида ўсган эди. Кўпчиликнинг унга ҳаваси келарди. У мусулмон бўлганидан кейин унинг оиласи уни барча моддий имкониятлардан маҳрум қилди ва исканжаларга ташлади. Дини учун турли азобларга дучор қилинган Мусъаб бин Умайр кунлардан бир кун Расулуллоҳ жанобимизнинг ҳузурига келди. Унинг бу ташрифини ҳазрати Али шундай тушунтиради: “Биз Расулуллоҳ билан ўтирардик. Ўша вақт олдимизга Мусъаб бин Умайр кириб келди. У устига ямоқли кийим кийган бўлиб, жуда ачинарли бир кўринишда эди. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) унинг бу аҳволини кўриб, муборак кўзларига ёш олдилар. Мусъаб бунчалар азоб чекиб, исканжаларга қолиб ҳам динидан қайтмаганлиги учун Расулуллоҳ жанобимиз: **“Қалбини Аллоҳу таоло нурландирган бу кишига бир қаранглар. Ота-онаси уни энг яхши егуликлар билан ўстирганини кўрганман. Бирок, Аллоҳу таоло ва Унинг Расулининг севгиси уни мана ҳозир кўриб турган ҳолингизга келтирди”** дея марҳамат қилдилар.”

Ҳабашистонга хижрат

Расулуллоҳнинг пайғамбарлик вазифаларинининг бешин-чи йили эди. Бу муддат ичида мушрикларнинг мусулмон бўлганларга тинмай зўравонлик ва зулм кўрсатишларига қарамай, мусулмонлар сони кундан-кунга ўсиб бормоқда эди. Бирок мушриклар ҳам исканжаларини янада кучайтириб, қўлларидан нима келса,

хаммасини ишга солаётганди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг саҳобалари чидаб бўлмас азобларга дучор бўлаётганди. Мушриклар мўминларнинг оёқларидан туяларга боғлаб, қарама-қарши тарафларга тортдириб, баданларини иккига бўлиб ўлдиришаётганди. Бундай ваҳшиёна кийноқлардан Расулulloҳ эзилиб, қаттиқ ғамга ботардилар. Оғир исқанжалар эса, тобора ёвузлашаётган эди. Расулulloҳнинг меҳр-шафқат манбаи қалблари буларни қабул қила олмай изтиробда эди. Шунинг учун бир куни Асҳоби киромни бир жойга йиғдилар ва уларга қараб: “**Эй Асҳобим! Энди ер юзига тарқалиш вақти келди, тарқалинг. Аллоҳу таоло кўп ўтмай сизни яна қайта бир жойга йиғиб келтиради**” дея марҳамат қилдилар. Улар эса, “**Ё Расулаллоҳ! Қаерга борамиз?**” деб сўрадилар. Пайғамбаримиз муборак қўллари билан Ҳабаш ўлкасига ишорат қилдилар ва “**Ана у тарафга, Ҳабаш тупроғига боринг!**”⁷⁰ **Чунки у ерда ёнидагиларнинг ҳеч қайси бирига зулм қилмайдиган ҳукмдор бор. Ундан ташқари, у ер адолат ёйилган ўлкадир. Сиз тортаётган ғам-ташвишлардан қутулиб, батамом бу кийинчиликдан чиқишингизга Аллоҳу таоло бир йўл очгунича ўша ерда яшаб турасиз**” деб марҳамат қилдилар. Сарвари олам Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз мана шу тариқа Асҳобининг аёвсиз зулмлардан азоблардан қутулишига ва Маккадаги мушрикларга қарши курашни яқка ўзи бўйнига олишга қарор берган эдилар. Туғилганларидаёқ “**Умматим! Умматим!**” сўзларини такрорлаган севимли пайғамбаримиз шундай қалтис вазиятда ҳам Асҳобининг қутулиши учун ўзларини фидо қилмоқда эди. Унинг ижозати билан Асҳоби киромдан бир қисми ватанларини ташлаб, ҳижрат қилдилар... Бироқ улар, севимли пайғамбарларидан узоклашаётганларидан жуда маънос эдилар.

Ҳазрати Усмон ва рафиқаси ҳазрати Руқайя бинти Расулulloҳ, Абу Ҳузайфа ва хоними Саҳла бинти Суҳайл, Зубайр бин Аввом, Мусъаб бин Умайр, Абдурраҳмон бин Авф, Абу Салама бин Абдулсад ва рафиқаси Умму Салма, Хотиб бин Амр, Омир бин Раба ва рафиқаси Лайло бинти Абий Ҳасма, Усмон бин Мазъун, Абу Сабра бин Абий Руҳм ва рафиқаси Умму Гулсум бинти Суҳайл, Суҳайл бин Байдо, Абдуллоҳ бин Масъудлар (родиаллоҳу анҳум) мусулмонларнинг илк муҳожирларидан бўлган эди.⁷¹

70 *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 194-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 321-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 203-204-б.; Табарий, “Торих”, II, 411-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 94-б.*

71 *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 205-210-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 204-б.*

Ўшанда сарвари олам пайғамбаримиз ҳазрати Усмон ҳақида, **“Шубҳасиз, Усмон, Лут пайғамбардан кейин хоними билан бирликда хижрат қилган биринчи кишидир”** деб марҳамат қилгандилар. Хижратга отланган саҳобаларнинг бир қисми уловларда, бир қисми эса, пиёда яширин Маккадан чиқиб кетдилар. Улар тужжорларнинг кемаларига ҳақ тўлаб, Қизил денгиз орқали Ҳабашистон соҳилларига чиқдилар. Мушриклар бу ҳолдан хабар топиб, уларни йўлдан қайтариб келиш ниятида орқаларидан йўлга чиқдилар, бироқ бу ҳаракатлари иш бермади, бошларини куйи солиб қайтиб келдилар.

Ҳабаш хукмдори Нажоший (Негус) мусулмонларни илик қабул қилди. У ўлкасидан мусулмонларга жой берди. Асҳоби киром, Ҳабашистондаги даврлари ҳақида: “Биз у ерда яхшигина кўшничилик муносабатини ва ғамхўрлик кўрдик. Динимизга тегинмадилар, бизни ранжитмадилар. Ҳушимизга келмаган бирор сўз ҳам эшитмадик. Ҳузурли ҳолда Аллоҳу таолога ибодатимизни қилиш имконига эга бўлдик” дея мамнуниятларини билдирдилар.⁷²

Ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлиши

Исломиятнинг овозаси ҳар куни кулоқдан кулоққа етиб, узоқларга ёйилиб борарди. Бу эса, бир томондан Курайш мушрикларини жазавага тушираётган бўлса, иккинчи томондан уларнинг исломиятнинг ёйилишига ғов бўлиш мақсадида қилаётган бутун ғайрат ва уринишларини бекорга чиқараётган эди.

“Далоил-ун-нубувва” ва **“Маъориж-ун-нубувва”** китобларида ўша замонлардан қуйидагича хабар билдирилади: “Валид исмли мушрикнинг бир бути бўларди. Мушриклар бир куни Сафо тепалигида тўпландилар ва Валиднинг бутига ибодат қила бошлашди. Жаноби пайғамбаримиз мушрикларни иймонга даъват қилиш мақсадида уларнинг олдига бордилар ва уларни иймонга чақирдилар. Кофир бўлган бир жин, улар сиғинаётган бутнинг ичига кириб олдида, пайғамбаримизга баъзи ўринсиз сўзларни айтди. Фаҳри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз бу сўзлардан қаттиқ хафа бўлдилар. Бошқа бир куни, ўзи кўринмаган ҳолда бир овоз муҳтарам пайғамбаримизга салом бериб, “Ё Расулаллоҳ!

⁷² *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 194-204б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 321-332б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 204-б.; Табарий, “Торих”, II, 411-б.*

У кофир жин сизга муносиб бўлмаган нарсалар айтибди. Мен уни топиб ўлдирдим. Эртага марҳамат қилиб, Сафо тепалигига ташриф буюриб, уларни такрор Исломга даъват қиласизми? Мен эса, уларнинг бутлари ичига кириб, сизни мадҳ этувчи сўзлар айтаман”, деди. Буни сўзлаётган Абдуллоҳ исмли мусулмон жин эди. Пайғамбаримиз унинг таклифини қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Сарвари коинот, эртаси куни ўша ерга бориб, мушрикларни такрор иймонга даъват қилдилар. У ерда Абу Жаҳл ҳам бор эди. Мусулмон жин уларнинг бутлари ичига кириб, пайғамбаримизни мадҳу-сано қилувчи ва Исломиятга даъват қилувчи сўзлар айтди ва шеърлар ўқиди. Мушриклар буни эшитиб шошиб қолишди ва ҳозиргина таъзим қилаётган бутларини чилпарчин қилишди. Аламларини боса олмай, Расулulloҳга ташланиб қолишди. Унинг муборак сочларини юлиб, муборак юзини қонга бўяб ташлашди. Бироқ мушрикларнинг бундай зулм ва жафоларига оламларнинг сарвари бўлмиш пайғамбаримиз сабрчидам кўрсатиб: **“Эй Қурайшликлар! Сиз менга ёпирилиб, мени урмоқдасиз. Ҳолбуки мен сизларнинг пайғамбарингизман”**, дея марҳамат қилдилар ва у ердан туриб кетдилар. Шу ерда хизматда бўлган бир қиз ҳодисанинг бошидан охиригача гувоҳи бўлганди.

Бу пайтда пайғамбаримизнинг амакилари Ҳамза тоғда ов қилаётганди. Бир жайронни нишонга олиб, ўқ узмоқчи бўлганида, жайрон тилга кириб: **“Ё Ҳамза! Менга ўқ отганиндан кўра, укангнинг ўғлини ўлдирмоқчи бўлганларга ўқ отсанг яхши бўларди”** деди. Ҳамза жониворнинг сўзларидан ҳайратга тушиб, овини йиғиштириб, дарҳол шаҳарга қайтди. У одати бўйича, овдан кейин тўғри уйига бормаи, аввал Ҳарамии шарифга кириб, уни тавоф қиларди. Ўша куни ҳам Ҳамза овдан қайтаётиб тавоф қилаётган эди, бояги хизматчи қиз унинг олдида келиб, Абу Жаҳлнинг Муҳаммад алайҳиссаломга раво кўрган ҳақоратларидан уни хабардор қилди. Ҳали мусулмон бўлмаган Ҳамза мушрикларнинг жаноби пайғамбаримизни ҳақорат қилганларини эшитиб, қариндошлик туйғуси уйғониб, қони қайнаб кетди. Ғазаби жўшиб, қуролларини қўлига олиб, мушриклар йиғилган жойга келди. **“Укамнинг ўғлига ёмон сўзлар айтган, уни ранжитган сенмисан? Билиб қўй, энди мен ҳам Унинг динидаман. Кучинг етса, унга қилганларингни менга ҳам қил, кўрайлик?”** дея бўйнидаги ёйни олиб Абу Жаҳлнинг

бошига тушириб қолди. Уларни қуршаб турган мушриклар дарров Ҳамзага ёпирилмоқчи бўлишганди, бироқ боши ёрилган Абу Жаҳл: “Тўхтанглар! Унга тегманглар, у ҳақли. Мен унинг жиянига ёмон сўзлар айтдим” деб бунга йўл қўймади. Ҳамза у ердан кетганидан кейин Абу Жаҳл атрофидагиларга, “Зинҳор унга тега кўрманглар! Акс ҳолда бизга аччиқ қилиб, мусулмон бўлиб кетиши мумкин. Агар у мусулмон бўлса, шундай паҳлавонни сафларига қўшиб олган Муҳаммад яна-да кучайиб кетади.” деб хавотирини билдирди. Бу пасткаш мушрик, ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлмаслиги учун ҳаттоки бошининг ёрилишига ҳам рози бўлганди. Лекин бир томондан бу - Ҳамзанинг Маккада қанчалик хурмат қилинишини ва куч-қувватини, обрўсини ҳам билдирарди.

Ҳамза мушриклар олдидан тўғри мухтарам пайғамбаримиз-нинг ёнларига келиб: “Ё Муҳаммад! Хафа бўлма, хурсанд бўлгин! Абу Жаҳлдан ўчингни олдим. Унинг таъзирини бердим” деди. Севимли пайғамбаримиз эса: **“Мен бундай нарсаларга хурсанд бўлмайман”**, дея марҳамат қилдилар. Ҳамза шунда: “Сени хурсанд қилиш ва ғамингни кетказиш учун нима хоҳласанг, шуни қиламан” деганида, оламларнинг Сарвари, **“Мен, фақат сизнинг иймон келтиришингизни ва шу тариқа баданингизни жаҳаннам ўтидан омон олиб қолишингиз билан хурсанд бўламан”** дея марҳамат қилдилар. Ҳамза эса, ҳеч ўйлаиб турмасдан дарҳол мусулмон бўлди. Бу ҳақда ояти карима нозил бўлди. Ҳазрати Абдуллоҳ ибни Аббосга кўра: “Қуръони каримнинг Анъом сураси 122-ояти каримасида билдирилган ва нурга ўралгани тушунтирилган зот, ҳазрати Ҳамза ва ўша ояти каримада қоронғиликда сарсон юриши айтилган эса, Абу Жаҳлдир.”

Ана ўша воқеадан сўнг, ҳазрати Ҳамза мушрикларнинг олдига борди ва уларга ўзининг мусулмон бўлганлигини, шу билан бирга Аллоҳу таолонинг ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломни ўз жони ҳисобига бўлса ҳам, ҳимоя қилишини эълон қилиб, уларга бир қасида ўқиди. Қасидада “Қалбимни исломиятга ва Ҳаққа мойил қилгани учун Аллоҳу таолога ҳамду сано бўлсин. Мен кирган бу дин, бандаларининг ҳамма кирдикорларини биладиган, ҳаммага лутф билан муомала қиладиган, қудрати ҳамма нарсада ва ҳар жойда голиб бўлган, оламларнинг Рабби Аллоҳу таоло томонидан юборилгандур. Қуръони карим ўқилган вақт, қалб ва ақл эгаларининг кўзларидан ёш оқади. Қуръони карим, ёқимли, чиройли

тил билан баён қилинган оятлар шаклида Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган. У, Муҳаммад Мустафо орамизда сўзига қулоқ солинадиган, унга бўйин эгиладиган, муборак бир кишидур. Эй мушриклар! Ақлингизни йўқотиб, кўзингиз олди қоронғилашиб У ҳақда бўлмағур, оғир ва ёмон сўзлар айтишни бас қилинг! Борди-ю шундай бир хаёлга борсангиз, биз мусулмонларнинг жасадлари устидан ҳатлаб ўтмагунча Унга ҳеч ким қўл кўтара олмайди”, дейилган эди.

Ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлиши муносабати билан пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) беҳад хурсанд бўлдилар. Мусулмонлар ҳам, унинг ўз ораларига қўшилиши билан анчагина қувватландилар.

Хуллас, ҳазрати Ҳамзанинг мусулмон бўлиши билан вазият сезиларли даражада мусулмонлар фойдасига ўзгарди. Чунки маккаликлар ҳазрати Ҳамзанинг жанговар, жасур, мард, паҳлавон ва буюк бир қаҳрамон эканлигини жуда яхши билишарди. Шунинг учун Қурайш мушриклари бундан кейин сабабсиз мусулмонларга бирор ёмонлик қила олмай қолдилар. Улар, айниқса, ҳазрати Ҳамзанинг қиличи шиддатидан доимо ҳайқиб туришарди.⁷³

Ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлиши

Кун ўтган сайин Ислом дини ёйилиб, Қуръони каримнинг нури қалбларни порлатаётган эди. Кўплаб гуноҳкорлар, Аллоҳу таолонинг эҳсонига муяссар бўлиб, иймон келтириб, ҳидоятга эришаётгандилар. Саҳобалар қаторига кириш билан шарафланаётган бу муборак инсонлар қўлни қўлга, кўнгилни кўнгилга беришиб, Расулulloҳнинг атрофида парвона бўлишарди. Бу инсонлар пайғамбар алайҳиссаломнинг кичик истаклари ёки имо қилишларини худди улуғ амрдек қабул қилишиб, уни бажариш учун мусобақалашардилар. Ҳатто бу ишларда жонларини фидо қилишга ҳам тайёр эдилар. Мушрикларнинг хадик ва кўркувлари эса, ҳаддига етганди. Чунки бармоқ билан кўрсатиладиган қаҳрамонлардан бири ҳазрати Ҳамза ҳам мусулмон бўлиб, Расулulloҳнинг сафидан ўрин олган эди. Бундай қутилмаган ҳодиса, мушрикларнинг мувозанатини бузиб юборди. Шу сабабдан Ҳаттоб ўғли Умар (ҳали

⁷³ *Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 151-153-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 291-292-б.*

мусулмон бўлмаган вақтлари) бир куни, Расулulloҳни қаерда кўрса, ўша жойда ўлдириш ниятида уйдан ташқарига чиқди. Муҳтарам пайғамбаримизни Масжиди Ҳарамда намоз ўқиётган ҳолларида топди. Намозни тугатишини кутиб туриб, беихтиёр У зоти муҳтарамнинг қироатига қулоқ солди. Ҳабиби акрам жанобимиз намозда Ал-Ҳаққа сураи шарифини ўқиётган эдилар. Бу сура маолида: **“Рўй бериши ҳақ бўлган қиёмат!.. Ўша аниқ рўй бергувчи қиёмат недир? Ўша рўй бериши ҳақ бўлган қиёматни сизга нима хабар берди? Самуд ва Од (қавмлари) даҳшатидан қалблар титрайдиган (қиёмат кунини) ёлғон дедилар. Самуд қавми исёнлари туфайли (Жаброил алайҳиссаломнинг сайҳаси – наъраси, чакмоқ билан) ҳалок қилинди. Энди Од (қавми) га келсак, тор-мор қилувчи, қутурган бўрон билан ҳалок қилиндилар. У (бўронни Аллоҳу таоло) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйдик, (у вақт ўша жойда бўлганингизда эди) уларнинг худди чириб ичи бўшаб қолган хурмо дарахтларидек йиқилиб, қирилиб ётганларини кўрардингиз! Бас улардан бирон (омон) қолгувчини кўриб турибсизми?**

Фиръавн ҳам, ундан аввал (ўтган динсиз) қавмлар ҳам остин-устин бўлган қишлоқлар халқи (Лут қавми) ҳам ўша хатони (ширк ва исённи) қилди... Шу тариқа Парвардигорининг пайғамбарларига (Лут алайҳиссаломга ва бошқаларига) исён қилдилар. Шу туфайли ўзга умматларга келган азобдан даҳшатлироқ ва шиддатлироқ азоб уларни ушлади. Ҳақиқатан биз, (Нух тўфониди) ҳамма жойни сув босган вақт, сизга бир ибрат бўлсин ва уни эшитган қулоқлар ҳам уни эсларига олиб, ёдларида тутсинлар дея сизни (сизларнинг борлигингизга сабаб бўлган оталарингизни) кемада олиб қолдик. Сур бир марта уфурилганда, ер юзи ва тоғлар жойларидан кўзғалиб (бир-бирларига) бир бор урилиб (чилпарчин бўлганида) ана ўша кун қиёмат кўпади. Ва осмон ёрилуру. Чунки (осмон) у кун заиф бўлиб қолур! Малаклар самонинг атрофидадилар. (Рабларининг амрига мунтазир турибдилар). У куни (самонинг атрофида бўлганлардан) саккизта малак Раббининг аршини ўз устларида олиб юрадилар. У куни (ҳисоб учун Аллоҳу таолога) арз қилинасиз. Шундай бўладики, (дунёда яширдим деб ўйлаган) сизга тегишли ҳеч бир сир (Аллоҳу таолодан) яширин қолмайди.

Ана ўшанда, китоби ўнг қўлига берилган киши (хурсанд бўлиб), дейдики: “Олинглар, китобимни ўқинглар! Чунки мен ҳисоб-китобимга (яъни охиратдаги ажру мукофотга) рўбарў бўлишимни яқийнан билган эдим.” У рози бўладиган бир ҳаёт ичида, юксак бир жаннатда бўлади.(Уларга айтиладики): Ўтган кунларда (дунёда эканликда) тақдим қилган солиҳ амалларингиз туфайли булардан энг, ичинг, ош бўлсин сизга.

Китоби чап қўлига берилган кишига келинганда эса, у ҳам “Оҳ! Кошки, менинг китобим қўлимга берилмаса эди... Ҳисобимнинг нималигини билмаганимда эди. Оҳ! Кошки эди, у (ўлим ҳаётимга) қатъиян охирги нуқта бўлиб, (асло такрор тирилмаганимда эди)! Молим менга асқотмади. Мулку салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди.” деб додлайди. (Аллоҳу таоло Жаҳаннамдаги вазифадор малакларга буюрадики:) “Уни тутиб кишанланглар! Кейин уни ана у ёниб турган ўтга отинг! Ундан сўнгра уни етмиш аршин узунлигидаги занжирга солиб боғланглар. Чунки у банда, улуғ Аллоҳга инонмасди. Йўқсилга, очга нон беришга (ўзини ҳам, бошқаларни ҳам) тарғиб қилмасди. Шунинг учун бугун бу ерда унга бирор дўст-мададкор йўқдир. Ва бирон таом ҳам йўқдир. Фақат ғислийндан (жаҳаннам аҳли ейдиган қон аралаш йиринглардан) бошқа унга аталган егулик ҳам йўқдир. Уни фақат (била туриб) хатога йўл қўйган (кофирлар) дан бошқаси емайдилар...” деб марҳамат қилинган эди.

Умар пайғамбаримизнинг ўқиганларини ҳайрат билан тингларди. У умрида бундай чиройли, гўзал сўзлар эшитмаганди. Бу ҳолни кейинроқ ҳазрати Умарнинг ўзи шундай баён қилган эди: “Эшитган бу сўзларнинг балоғатига, етуқлигига, тартиб ва ихчамлигига ҳайрон қолган эдим. Ўз-ўзимга “Қасам ичаманки, бу одам қурайшликлар айтаётганидек шоир бўлса керак” деган хулосага келдим. Шу хаёлларда турганимда Сарвари олам пайғамбаримиз ояти карималарни ўқишни давом этдилар:

“Бас, Мен сизлар кўрадиган ва кўра олмайдиган нарсаларга қасам ичурманки, у (Қуръони карим) шак-шубҳасиз улуғ пайғамбарнинг (Аллоҳ даргоҳидан келтирган) сўзидир! У бирон шоирнинг сўзи эмас! Сизлар (ушбу Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига) қандай кам иймон келтирувчисизлар!”

Мен эса яна ўз-ўзимга “Бу киши фолбин бўлса керак. Чунки менинг кўнгилимдан ўтганини билиб қўйди! ...” дедим. Расулуллоҳ

сурани ўқишда давом этардилар:

“У, ҳеч қандай қоҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир. Сизлар қандай калта ўйловчисизлар! (У) барча оламлар Раббиси томонидан нозил қилинган (Китобдир). Агар (пайғамбар, биз айтмаган) баъзи сўзларни ўзи тўқиб олганида эди, албатта биз Унинг ўнг қўлини (қувват ва қудратини) олиб қўярдик, кейин эса шубҳасиз Унинг қалб томирини узиб ташлар (яшатмас)дик! У вақт сиздан ҳеч ким бу ишга тўсқинлик ҳам қила олмаган бўларди. Шубҳасизки, у (Қуръони карим) тақво эгалари учун қатъий бир ўғитдир. Орангизда уни (тасдиқ қилувчилар бўлганидек) ёлғонга чиқарувчилар борлигини ҳам албатта Биз биламиз. Муҳаққақки, у (Қуръони карим, охиратда уни тасдиқ қилганларга берилган неъматларни кўрган) кофирларга қарши (қочиб кутулмас) бир ҳасратдир. Муҳаққақки, у (Қуръони карим) ҳаққ-ул-яқийндир. (Ўзига эргашиб, амр ва тақиқларига амал қилганни ҳаққ-ул-яқийн мартабасига эриштиради.) Шундай экан, У улўғ Раббингни исмини тасбиҳ этгин.”

Ўша пайтда, Расулulloҳ сураинг ҳаммасини ўқиб тугатганларидан кейин, қалбимда Исломга нисбатан мойиллик пайдо бўлганини сездим”.

Ҳазрати Ҳамза мусулмон бўлганидан уч кун ўтгач Абу Жаҳл, мушрикларни йиғиб: “Эй Қурайш! Муҳаммад бутларимизга тил текказди. Биздан олдин ўтган ота-боболаримизнинг жаҳаннамда азоб чекаётганини айтиб, бизга ҳам ўша ерга борасизлар деяпти!.. Энди уни ўлдиришдан бошқа чора қолмади!.. Ким уни ўлдирса, мен унга юзта қизил туя ва сон-саноксиз олтин бераман!..” деб гапирди. Шунда Ҳаттоб ўғли Умарнинг қалбидаги Исломга бўлган мойиллик бир зумга йўқолди ва ўрнидан ирғиб туриб: “Бу ишни Ҳаттоб ўғлидан бошқа ҳеч ким бажара олмайди” деди. Мушриклар “Яша Ҳаттоб ўғли! Қани кўрайлик сени” дея уни олқишладилар.

Умар қиличини белига осиб йўлга чиқди. Йўлда кетаётиб Нуъмон бин Абдуллоҳга дуч келди. “Бундай шиддат ва ғайрат билан қаерга бораяпсан, ё Умар” деб сўради ундан Нуъмон. Умар унга жавоб бериб: “Халқнинг орасига низо солган, ака-укаларни бир-бирига душман қилиб қўйган Муҳаммадни ўлдиришга кетаяпман” деди. Нуъмон эса, “Ё Умар! Бу жуда мушкул иш. Унинг Асҳоби атрофида парвона бўлиб юришибди, Унга бирон ҳоли-кор бўлмасин дея эҳтиёт қиладилар. Уларнинг ёнларига яқинлашиш осон эмас. Уни

ўлдирган тақдирингда ҳам Абдулмутталиб ўғилларининг ғазабидан омон қолмайсан” деб насиҳат берган бўлди.

Умар Нуъмоннинг бу сўзларидан аччиғи чиқиб: “Нима бало сен ҳам уларданмисан? Ундай бўлса, аввал сенинг ишингни битирайин” дея қиличини яланғочлади. “Ё Умар! Мени қўйгин-да аввал синглинг Фотима билан эри Саид бин Зайдга бор, уларни кўргин. Улар ҳам мусулмон бўлишди” деди Нуъмон бин Абдуллоҳ. Ҳазрати Умар бу сўзларга ишонмади, Шунда Нуъмон, “Менга ишонмасанг, бор ўзларидан сўра, билиб оласан” деди.

Агар Умар ўз ниятига етиб, бу ишни уддалагинида, балки диний бўлинишни бартараф қилган бўларди. Лекин бу гал энди арабларда одат бўлган қон даъвоси бошланиб, Қурайш яна иккига бўлинар, охири йўқ жанжаллар, тўқнашувлар авж олиб кетган бўларди. У ҳолда биргина Умар эмас, барча Ҳаттоб ўғиллари ўлдирилган бўларди. Аммо Умар бин Ҳаттоб жуда кучли, жасур ва жahlдор бўлганлигидан ўз ҳаракатининг оқибатини ўйлаб ўтирмаган эди. Бироқ ҳалиги гапдан кейин синглисидан ташвишланиб, пайғамбар алайҳиссаломни ўлдиришга эмас, синглисининг уйига кетди. Ўша вақтлар Тоҳо сураси энди нозил бўлганди. Саид ва Фотима (родиаллоҳу анҳума) уни ёздириб, ҳазрати Ҳаббоб бин Арат исмли бир саҳобани уйларига чақириб сурани ўқиб ўрганаётгандилар. Ҳазрати Умар уйнинг эшигига яқин келганида ичкаридан уларнинг овозларини эшитди ва эшикни қаттиқ тақиллатди. Уйдагилар уни белида қиличли ҳолда кўриб хавотирланишди ва ёзилганларни бекитиб, ҳазрати Ҳаббобни яшириб қўйдилар. Ундан кейин бориб эшикни очишди. Умар ичкарига кира солиб, “Нима ўқиётган эдинглар?” деб сўради. “Ҳеч нарса” дейишди. Умар янада аччиқланиб “Демак эшитганим тўғри экан, сенлар ҳам Унинг сеҳрига алданибсанлар-да” деб уларни сиқувга олди. Ҳазрати Саидни ёқасидан олиб ерга босди. Синглиси эрини унинг кўлидан кутқармоқчи бўлганида, унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Тарсаки зарбидан Фотиманинг юзи қонга беланди. Уни кўриб Умарнинг синглисига раҳми келди. Фотима эса, юзлари қонга бўялиб, жони оғриётган эди. Бироқ қалбидаги иймон унга жасорат бериб, Аллоҳу таолога сиғинган ҳолда акасига сўз қотди: “Ё Умар! Нега Аллоҳдан уялмайсан, оятлар ва мўъжизалар билан юборилган Унинг пайғамбарига нега инонмайсан? Ҳа, биз эрим билан мусулмон бўлдик. Қўлингдан келганини аяма. Бошимизни

олсанг ҳам бундан қайтмаймиз” деди ва калимаи шаҳодатни айтди.

Умар сингисининг шундай қалбдан отилиб чиққан сўзлари, қувватли иймони ва шаҳодати олдида ғазабдан тушиб бироз юмшади, ерга ўтирди. Энди у бутунлай юмшоқ овозда акалик меҳри билан: “Қани, бояги ўқиётган нарсаларингни бу ёққа олинглар-чи” деди. Фотима: “Сен ювиниб покланмагунча уни сенга бермайман” деб акасига эътироз билдирди. Умар мажбуран ғусл олди. Ана шундан кейингина Фотима Қуръони карим саҳифасини чиқарди. Ҳазрати Умар китобни жуда чиройли ўқирди. Тоҳо сурасини ўқий бошлади. Қуръони каримнинг фасоҳати, балоғати, маъно ва юксаклиги қалбини борган сари юмшатаётган эди.

“Кўқларда, ер юзида ва уларнинг орасида ҳамда ернинг (етти қат) тупроғи остидаги нарсаларнинг ҳаммаси Униқидир”⁷⁴ маолидаги ояти каримани ўқигач чуқур ўйга толди. “Ё Фотима! Шу оламдаги битмас-туганмас мавжудотларнинг ҳаммаси сиз сиғинаётган Аллоҳникими?” деб сўради. Сингиси унга: “Ҳа, шундай-ку ахир, Нима бунга шубҳанг борми?” деди қатъийлик билан. Умар эса: “Эй Фотима! Бизнинг бир минг беш юздан ортиқ олтиндан, кумушдан, тунч ва тошдан ясалган ҳашамли хайкалларимиз бор. Бироқ уларнинг ҳеч қайси бирининг ер юзида бирон мулки ё нарсаси йўқ” деб, ҳайрати ортаётганини билдирди. Яна ўқишда давом этди: **“Аллоҳу таолодан бошқа ибодат қилинадиган, сиғиниладиган ҳақ бўлган ҳеч қандай илоҳ, ҳеч қандай маъбуд йўқдир. Энг чиройли ва гўзал исмлар фақат Унга хос.”⁷⁵** маолидаги ояти карима уни бутунлай ром қилган эди. Умар ўқишдан тўхтаб, “Ҳақиқатан, нақадар тўғри айтилган” деб юборди. Унинг бу сўзларини эшитган Ҳаббоб яширинган жойидан отилиб чиқиб такбир келтиргач: “Хушхабар, ё Умар! Расулulloҳ, Аллоҳу таолога дуо қилиб, “Ё Рабби! Бу динни ё Абу Жаҳл билан ёки Умар билан қувватлантиргин” деганларига гувоҳ бўлгандим. Мана қара, бу давлат, бу саодат сенга насиб бўлди” деди.

Ўқилган ояти карима ва шу дуо ҳазрати Умарнинг қалбидаги душманликни бутунлай супуриб ташлаган эди. Қалби шу заҳотиёқ Расулulloҳга интиқ бўлиб колганди. Дарҳол, “Расулulloҳ қаерда”, деб сўради. Ўша куни Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳазрати Арқамнинг уйида Асҳобига насиҳат қиларди. Саҳобалари

⁷⁴ Тоҳо сураси, 20/6.

⁷⁵ Тоҳо сураси, 20/8.

эса, у ерга тўпланиб, Ул сарварнинг нурли жамолларини кўриб, ширин, таъсирли сўзларини эшитиб, қалблари жилоланар; чексиз лаззат, завқ ва нашъага ғарқ бўлиб, ҳолдан ҳолга кирар, руҳларини озиқлантириб, хузур қилишарди.

Ҳазрати Умарнинг келаётгани тепароққа жойлашган Арқамнинг уйдан кўринди. Унинг қиличи ҳали ҳам белида эди. Ҳайбатли ва қувватли бўлганидан, Асҳоби киром дарров Расулуллоҳнинг атрофини ўраб олишди. Ҳазрати Ҳамза, “Умардан чекинадиган жойимиз йўқ. Яхшилиқ билан келаётган бўлса, хуш келибди, акс ҳолда у қиличини олмасиданоқ бошини учираман” дейиши билан Расулуллоҳ **“Унга йўл беринг, ичкарига кирсин!”** дея марҳамат қилдилар. Чунки Расулуллоҳ сарваримизга Жаброил алайҳиссалом оз мунча вақт олдин ҳазрати Умарнинг иймон келтириш мақсадида келаётгани, хануз йўлда эканлигини хабар берган эди. Расулуллоҳ ҳазрати Умарни табассум билан қарши олдилар, уни қуршаб олиб келаётган Асҳобига қараб, **“Уни ҳоли қўйинглар”** дея марҳамат қилдилар. Ниҳоят ҳазрати Умар, Расулуллоҳнинг олдида тиз чўкди. Расулуллоҳ, ҳазрати Умарнинг қўлидан тутиб, **“Иймон келтиргин, ё Умар!”** деб марҳамат қилдилар. У ҳам чин дилдан калимаи шаҳодатни айтди. Асҳоби киромнинг беҳад хурсанд бўлганларидан айтган такбир саслари кўкларга етди.

Ҳазрати Умар мусулмон бўлган пайтидаги вазиятни қуйидагича хотирларди: “Мен мусулмон бўлган кунларда, саҳобалар мушриклардан доимо яшириниб юрар, ибодатларини ҳам яшириб қиларди. Бундан мен қаттиқ хафа бўлдим ва “Ё Расулаллоҳ! Биз ҳақ йўлда эмасмизми?” деб сўрадим. Жаноби пайғамбаримиз: **“Ҳа, борлигим қудрат қўлида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, хоҳ ўлик, хоҳ тирик бўлингиздан қатъий назар, муҳаққақ ҳақ йўлдасиз”** дея марҳамат қилдилар. Мен: “Ё Расулаллоҳ! Модомики биз ҳақ, мушриклар ботил йўлдалар, у ҳолда нима учун динимизни яшираемиз? Валлоҳи биз, дини исломни куфрга қарши очиқ изоҳлашга янада ҳақли ва янада лойиқроқмиз. Аллоҳу таолонинг дини Маккада ҳеч шубҳасиз ғолиб бўлади. Агар қавмимиз бизга нисбатан инсофли бўлса, жуда яхши, йўқ агар ҳадларидан ошгудек бўлса, улар билан жанг қилишга тайёрмиз” дедим. Расулуллоҳ жанобимиз, **“Биз сон жиҳатидан жуда озмиз”** дея марҳамат қилдилар.

“Ё Расулаллоҳ! Сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, асло чекинмасдан ва қўрқмасдан Исломни тушунтирмаган бирорта мушрик жамоаси қолмагай. Бас энди, майдонга чиқайлик” дедим. Таклифим қабул қилганидан кейин биз икки саф бўлиб ташқарига чиқдик ва Ҳарамии шарифга қараб йўл олдик. Сафларнинг бирининг бошида Ҳамза, иккинчисининг бошида мен борардик. Жангаричасига қадам ташлаб, тупроқни чангитиб, масжиди Ҳарамга кириб бордик. У ерда ўтирган қурайшлик мушриклар, бир менга, бир Ҳамзага қараб донг қотишган эди. Улар шундай бир ғам-ғуссага ботган эдики, балки ҳаётларида бундай умидсизликка ҳеч тушмаган эди.”

Ҳазрати Умарнинг бундай келишидан сапчиб турган Абу Жаҳл, “Ё Умар! Бу нимаси, буни қандай тушуниш керак?” деганида, ҳазрати Умар унга парво ҳам қилмай, “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулҳу” дея жавоб қайтарди. Абу Жаҳл лол бўлганидан турган жойида қотиб қолди. Ҳазрати Умар, у ерда йиғилган мушриклар гуруҳига қараб, “Эй Қурайш!.. Мени билганлар билади! Билмаганлар билиб қўйсин, мен Ҳаттоб ўғли Умарман!.. Хотинини тул, болаларини етим қолдиргиси келганлар бўлса, қани ўрнидан бир кимираб кўрсин! Қимираганини, қиличдан ўтказиб, бурда-бурда қиламан!..” дейиши билан Қурайш мушриклари дарров тум-турақай бўлиб қолишди. Расулulloҳ ва Асҳоби баланд овозда такбир келтирдилар. Ўшанда Асҳоби киромнинг “Аллоҳу акбар!... Аллоҳу акбар!....” деган нидолари Макка самоларини илк бор жаранглатган эди. Шундай қилиб, Ҳарамии шарифда биринчи марта очикчасига намоз ўқилди.⁷⁶

Ҳазрати Умар мусулмон бўлгач Анфол сурасининг 64-оятни қаримаси нозил бўлди. Унинг мазмунида, “**Эй пайғамбарим! Сенга ёрдамчи сифатида Аллоҳу таоло ва сенинг изингда юрвчи мўминлар етарлидир**” дея марҳамат қилинади. Тараддудда юрган баъзи кишилар ҳам ҳазрати Умарнинг мусулмон бўлганини кўриб, Исломни танладилар. Асҳоб бўлиш шарафига эришдилар. Энди мусулмонларнинг сони кун сайин бот-бот кўпая бошлаган эди.

⁷⁶ *Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 160-165, 221-229-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 342-350-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, I, 119-б.*

Ҳабашистонга иккинчи ҳижрат

Ҳабашистонга аввалроқ ҳижрат қилган мусулмонлар “Маккада мушриклар мусулмонлар билан битимга келибди” деган хабар олдилар. Шунинг учун улар “Бизнинг ҳижратимиз, яъни ўз юртимизни тарк этишимиз, мушрикларнинг бизга бўлган душманлиги ва зулмлари туфайли эди. Энди эса, сулҳ қилиниб, уларнинг душманлиги тўхтабди. Бас шундай экан, ватанимизга қайтиб, Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг хизмати билан шарафланайлик” деган қарорга келдилар. Шу сабабли улар Ҳабашистон ҳукмдорига раҳмат айтиб, ундан юртларига қайтишга ижозат олиб, Маккага отландилар. Маккага келганларидан кейингина, уларга етиб борган хабарнинг ёлғон эканлиги маълум бўлди.⁷⁷ Ҳабашистондан қайтиб келган мусулмонлар, пайғамбаримиз ҳузурларига бориб, Ҳабашистоннинг суви, ҳавоси ва мевалари ўзларига куч-қувват бўлганини, у ерда тўртта ибодатхона бўлиб, уларда ҳар куни туялар, қўйлар сўйилиб туришини, у ерларга камбағал ва ғариблар чақирилиб, улар хушнуд этилишини, ҳукмдорнинг уларни (ҳижратда бўлганларни) зиёрат қилиб, ҳурмат кўрсатганлигини ва қийинчилик, ташвишларини енгиллаштириб турганлигини узундан узоқ сўзлаб, ўз мамнуниятларини билдиришди.⁷⁸

Ҳабашистондаги Асҳоби киром Маккага келиши билан мушриклар уларга яна азоб ва исканжаларини бошлаб юборишди. Вақт ўтган сайин зулмлари авжига чиқаверди. Мушриклар ҳеч тортинмай мўминларни турли қийноқларга солишда давом этишди. Шунинг учун бир куни ҳазрати Усмон, “Ё Расулаллоҳ! Ҳабашистон тижорат учун жуда қулай жой экан. Бир ойлик тижоратнинг ўзи ҳам анчагина фойда келтиради. Аллоҳу таоло бошқа бир ҳижрат жойи насиб қилгунига қадар мусулмонларга у ердан ҳам яхшироқ ўзга жой топиш қийин. Ҳеч бўлмаганда мусулмонлар Қурайш мушрикларининг жафоларидан омонда бўлишарди. Ҳукмдори Нажошийнинг бизга нисбатан ҳурмати баланд ва кўп яхшиликлари бор” дея Расулulloҳ жанобимизга маслаҳат солди. Бу сўзларни

⁷⁷ *Ибн Саъд*, “*ат-Табақот*”, I, 205-б.

⁷⁸ *Ибн Исҳоқ*, “*ас-Суйра*”, 194-б.; *Ибн Ҳишом*, “*ас-Суйра*”, I, 364-б.; *Ибн Саъд*, “*ат-Табақот*”, I, 208-б.; *Табарий*, “*Торих*”, II, 414-б.

тинглаган пайғамбаримиз: **“Такрор Ҳабашистонга қайтинг, Аллоҳу таолонинг исми билан маҳфуз (ҳимояланган) бўласиз”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Усмон: **“Ё Расулаллоҳ! Агар сиз ҳам у ерга ташриф қилсангиз, балки улар ҳам мусулмон бўлар. Улар Аҳли китоб бўлганлари учун тезгина Исломга киришлари мумкин ва биздан ёрдамларини аямаслар деб ўйлайман”** деб фикр билдирган эди, сеvimли пайғамбаримиз: **“Мен ҳузур ва ҳаловатга маъмур қилинмадим. Ҳижрат хусусида Аллоҳу таолонинг амрини қутаяпман. Амр қандай бўлса, ўшандай амал қиламан”** дея марҳамат қилдилар.

Бир ривоятга кўра, иккинчи марта Ҳабашистонга қараб бир юз бир кишилик жамоат йўлга чиққанлар. Жамоатга бошлиқ сифатида Жаъфар бин Аби Толиб ҳазратлари тайинланган эди. Улар соғсаломат Нажошийнинг ўлкасига етиб олдилар. Ҳабашистонда улар дуч келган ҳодисаларни, завжалари Умму Салама (родиаллоҳу анҳа) сеvimли пайғамбаримизга қуйидагича баён қилганди:

“Ҳабашистонга етиб борган вақтимизда у ерда жуда яхши одамга кўшни бўлдик. Бу кўшнимиз Малик Нажоший эди. У бизнинг барча истакларимизни бажарди. Динимизнинг амрларини ўз истагимиз бўйича бажара олиш имконига эга бўлдик. Аллоҳу таолога эркин, очиқчасига ибодат қилиб, бу туфайли ҳеч қандай азиятга учрамадик. Бизга нисбатан ҳеч қандай ёмон сўз қулоғимизга чалинмади.”

Маккалик мушриқлар мусулмонларнинг Ҳабашистондаги яхши аҳволдан хабардор бўлганларидан кейин у ўлканинг подшоҳига икки кишилик элчи юборишга қарор қилишди. Улар Нажошийга ҳадя сифатида энг қимматбаҳо совғалар тайёрлашди. Нажоший ёқтирадиган Макканинг сифатли терисидан кўп миқдорда ҳозирланди. Нажошийнинг саройидаги дин пешволарига, давлатнинг юқори лавозимли кишиларига аталган ҳадялар алоҳида ажратиб кўйилди. Элчи сифатида Абдуллоҳ бин Аби Раба билан Амр бин Ослар танланди. Элчиларга Нажошийнинг ҳузурида нималар ҳақида гапирилиши кераклиги яхшилаб ўргатилиб, **“Ҳукмдор билан сўзлашишдан аввал, унинг дин пешволари ва кўмондонларининг ҳар бирига ҳадяларни тарқатиб чиқинг. Ана шундан кейингина, улардан ва ҳукмдордан у ердаги мусулмонларни сизга таслим этишларини илтимос қилинглр. Нажошийнинг**

мусулмонлар билан кўришиб, сўзлашишига имкон берманглар” деб тайинланди.⁷⁹

Ниҳоят, мушрик элчилари Ҳабашистонга етиб келишди. Улар бу мамлакатнинг давлат арбобларига совға-саломларини улашиб чиқишди. Элчилар уларнинг ҳар бирига “Сизнинг диёрингизга бизнинг юртимиздан бир неча киши қочиб келишган. Улар бизу сизга бегона янги дин тузиб олишган. Ана шуларни ўз юртларига қайтариб юборилишини сўраб келдик. Ҳукмдорингиз билан келгиндилар ҳақида гаплашганингизда уларни ҳукмдор олдига олиб чиқилмай бизга таслим қилинишига ёрдам беришингизни илтимос қиламиз. Уларнинг дардлари билан фақат ўз ота-оналари ва қўшнилари шуғулланишсин. Улар келгиндиларни ҳаммадан яхши танишади”, дея ниятларини баён қилишди. Элчиларнинг ушбу таклифи, айниқса, Нажошийнинг дин пешволарига маъкул тушди. Подшоҳ Нажоший ўзига келтирилган ҳадяларни анъанага биноан қабул қилиб, элчиларни ҳузурига чақириб, учрашди. Элчилар Нажошийга: “Эй подшоҳи олам! Бизнинг халқимиздан бир неча киши сизнинг юртингиздан паноҳ топган. Улар ўз миллатининг динини тарк қилишгани етмагандек сизнинг динингизга ҳам киришмаган. Уларнинг ўзлари тузиб олган, уйдирма динлари бор. Уларнинг динини сиз ҳам, биз ҳам билмаймиз. Бизни Сизнинг ҳузурингизга улар мансуб бўлган миллатнинг аслзодалари элчи қилиб юборди. Аслзодалар юртингизга қочиб келган одамларнинг оталари ва яқин қариндошларидир. Улар бу ерга келганларни қайтариб олиш истагидалар. Чунки улар қочоқ келгиндиларнинг аҳволини жуда яхши ва яқиндан биладиган кишилардир...”⁸⁰ деб узундан-узоқ шикоят қилишди. Амр бин Ос ҳам, Абдуллоҳ бин Аби Рабаи ҳам ўзлари тўқиган шикоятларини тинглаган Нажошийнинг қандай йўл тутишини муштоклик билан кута бошлашди. Элчилардан кейин биринчи бўлиб, Нажошийнинг дин пешволари сўз олди ва “Бу кишилар жуда тўғри айтишади. Буларнинг миллати (халқи) бу ерга келганлар ҳақида нисбатан кўпроқ маълумотга эга. Уларнинг нимани ёқтириб, нимани ёқтирмасликлари ҳам уларга яхши маълум. Шунинг учун келганларни буларга таслим қилсангиз ва элчилар уларни ўз қавмига олиб кетсалар, яхши бўларди” дедилар.

⁷⁹ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 195-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 334-б.

⁸⁰ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 195-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 332-б.

Подшоҳ Нажошийга дин пешволарининг гаплари ёқмади, ҳатто дарғазаб бўлди. Шунинг учун подшоҳ диндорларга “Валлоҳи йўқ!” дея сўз бошлади: “Мен у меҳмонларимни буларга таслим қилмайман. Мендан паноҳ сўраб, юртимга келган одамларга хиёнат қилмайман. Улар мени бошқасидан афзал кўриб, менинг ўлкамга келишган. Шунинг учун уларни, муҳожирларни, саройга даъват қиламан, улардан шу элчиларнинг гапларига нима деб жавоб беришларини сўрайман ва жавобларини тинглаб кўраман. Агар муҳожирлар ҳақиқатан элчилар айтгандек бўлса, уларни элчиларга бериб, ўз қавмига қайтаришим мумкин. Борди-ю ундай бўлмаса, уларни ҳимоя қиламан ва ўлкамда қанча вақт яшашни хоҳласалар, шунча вақт ҳимоямда бўлади.”

Нажоший илмли киши бўлиб, самовий китобларни ўқиган эди. У китобларда, Муҳаммад алайҳиссаломнинг дунёга келиш вақти яқинлашганини, Унинг қавми Унга “ёлғончи” деб ишонмасликлари ва Уни юртдан ҳайдашлари ҳақида ёзилган эди.

Нажоший Маккадан келган элчилардан, “Улар кимга ишонадилар?” деб сўради. “Муҳаммадга ишонадилар”,- дейишди. Нажоший бу исмни эшитиб, Унинг пайғамбар эканлигини фахмлади, лекин атрофдагиларга сездирмади. Элчиларга “Унинг дини ва мазҳаби нима, нимага даъват қилмоқда?”,- деб яна савол берди. Амр: “Унинг мазҳаби йўқ” дея жавоб қилди. Нажоший, “Мазҳабини, динини билмай туриб, менга сиғинган бир жамоатни қандай қилиб сизга таслим қиламан? Ундай бўлса, келинлар, мажлис қилайлик, уларни ҳам бу ерга олдириб, сизларни юзлаштирамиз. Гапларингизни эшитайлик. Бу орада уларнинг динини ҳам билиб оламиз, ундан кейин бир хулосага келаман” дея сўзини тамомлади. Шундан кейин мусулмонлар саройга чақирилди.

Мусулмонлар саройга чақирилаётганларини эшитгач ўзаро йиғилишиб, Ҳабаш ҳукмдорига хуш ёқадиган қандай гап айтса бўлиши ҳақида маслаҳатлашдилар. Шунда ҳазрати Жаъфар “Валлоҳи бизнинг бу хусусда бор билганимиз пайғамбаримизнинг бизга марҳамат қилиб амр қилганларидан иборатдир. Гапни бошқа томонга бурмай, нима билсак шуни айтамыз. Бундан қандай натижа чиқса ҳам, унга рози бўламыз”, деди. Қолган мусулмонларнинг ҳаммаси бу фикрга қўшилдилар ва подшоҳ ҳузурида фақат ҳазрати Жаъфарнинг сўзлаши лозимлиги хусусида келишиб олишди.

Подшоҳ Нажоший ҳам ўзининг олимларини мажлисга чақиртирди. Шундай қилиб, саройда катта давра қурилди ва ниҳоят у ерга мусулмонларни ҳам киритишди. Мусулмонлар Нажошийнинг ҳузурига кирганларида бошқаларга ўхшаб сажда қилишмади. Фақатгина ҳурмат билан салом бердилар. Нажоший улардан “Нега сажда қилмадингиз?” дея сўради. “Биз Аллоҳу таолодан бошқасига сажда қилмаймиз. Жаноби пайғамбаримиз, бизга Аллоҳу таолодан бошқасига сажда қилишни маън қилиб, **“Сажда фақат Аллоҳу таолога хосдур”** дея марҳамат қилганлар” деб жавоб беришди.

Нажоший мухожирларга қарата: “Эй ҳузуримга келган жамоат! Менга айтингчи, ўлкамга нега келдингиз? Ҳолу-аҳволингиз қандай? Кўришимча сиз тужжор эмассиз, мендан бирон бир истагингиз ҳам бўлмади. Шу янги пайдо бўлган пайғамбарингиз ҳақида нима дейсиз? Нега сиз ҳам бизга юртингиздан келиб кетувчиларга ўхшаб эгилиб саломлашмайсиз?” деди. Жаъфар (родиаллоҳу анх): “Эй ҳукмдор! Аввало учта арзим бор. Агар маромим тўғри бўлса, уларни марҳамат қилиб тасдиқласангиз, нотўғри бўлса, рад қилиб қабул қилмагайсиз. Энг аввал амр берсангиз-да, ана у одамлардан фақат биттаси гапирсин, бошқалари жим ўтирсин”, деди.

Ўшанда Амр бин Ос: “Мен гапираман” деб ташаббусни қўлга олди. Нажоший: “Эй Жаъфар, аввал сен гапир” дея ҳазрати Жаъфарга сўз берди. Ҳазрати Жаъфар: “Менинг учта саволим бор. Биринчиси, шу одамдан сўрангчи, биз, тутиб олиб хўжайинларига қайтариб бериладиган қуллармизми?” деди. Нажоший: “Эй Амр! Улар қулларми?” деб сўради. Амр: “Йўқ, улар қул эмас, озод, хур кишилардир” деб ҳақиқатни айтишдан бошқа йўл топа олмади. Ҳазрати Жаъфар: “Иккинчиси, биз бирон кишининг қонини ноҳақ тўқдикми, бизни қони тўкилганларнинг яқинларига таслим этмоқчисиз?” деди. Нажоший Амрдан: “Булар ноҳақ бировни ўлдирдиларми?” дея сўраган эди, Амр: “Йўқ, булар бир томчи ҳам қон тўккан эмаслар” деди. Ҳазрати Жаъфар: “Учинчиси, биз бировнинг молини ноҳақ тортиб олиб, бўйнимизда тўлашимиз лозим бўлган қарзларимиз борми?” дея Нажошийга мурожаат қилди. Нажоший: “Эй Амр! Агар бу бечораларнинг бўйнида қанча кўп олтин бўлса ҳам, уларнинг қарзларини мен тўлайман, айтинглар?” деб аччиқланди. Амр эса: “Йўқ, бир тийин ҳам қарздор эмаслар” деди. Нажоший “Шундай экан, сиз булардан нима истайсиз?” деб

сўради. Амр: “Улар ва биз бир динда, бир йўлда эдик. Улар эса, бизнинг йўлимиздан чиқиб, динимиздан воз кечдилар. Муҳаммадга ва унинг динига эргашдилар” деди. Нажоший Жаъфарга қараб: “Сиз бир динда бўла туриб, нега бошқа динга эргашдингиз? Сиз қавмингизнинг динидан чиқиб, менинг динимда ҳам бўлмасангиз, у ҳолда сиз инонаётган дин қандай дин экан, у ҳақида маълумот бера оласизми?” дея савол берди.

Ҳазрати Жаъфар: “Эй ҳукмдор! Биз жоҳил қавм эдик. Бутларга сиғинардик. Ўлиб қолган ҳайвонларнинг сасиган гўшларини ердик. Қариндош-уруғларимиз билан доим урушиб, аразлашиб юрардик. Қўшнилари билан муносабатларимиз жуда ёмонлашиб кетганди. Кучлиларимиз заифларга зулм қиларди, меҳр нималигини билмасдилар. Аллоҳу таоло бизга, ўз ичимиздан тўғри сўзлиги, ишончилиги, иффати ва поклиги, насл-насабининг софлигини жуда яхши биладиган бир зотни пайғамбар қилиб юборгунича ана шундай аянчли вазиятда эдик. У пайғамбар бизни, Аллоҳу таолонинг борлиги ва яғоналигига иронишга, Унгагина ибодат қилишга, бизнинг ва оталаримизнинг сиғиниб келган тошлар ва бутлардан воз кечишга даъват қилди. Тўғри сўзлашни, омонатга хиёнат қилмасликни, қариндошлик ҳақларига риоя қилишни, қўшнилари билан яхши муносабатда бўлишни, гуноҳлардан ва қон тўкишдан сақланишни амр қилди. Ҳар хил ахлоқсизликлардан, ёлғондан, етимларнинг молига кўз олайтишдаш, ор-номусли аёлларга туҳматдан бизни ман қилди. Бизга Аллоҳу таолога ҳеч қандай шерик қўшмасдан ибодат қилишни амр этди. Биз эса, Унинг ана шу амрларини ва кўрсатмаларини қабул қилдик ва Аллоҳу таолодан У нима келтирган бўлса, уларнинг ҳаммасига ишондик ва Унинг айтганларини бажардик. Аллоҳу таолога ибодат қилдик. У бизга ҳалол қилганларни ҳалол, ҳаром қилганларини ҳаром деб билдик ва шунга амал қилдик. Ана шу ишларимиз учун қавмимиз бизга душман бўлиб, зулм қила бошлади. Бизни динимиздан қайтариб, Аллоҳу таолога ибодат қилишдан воз кечириб, қайтадан бутларга сиғинтириш учун турли қийноқ ва азобларга солдилар. Бизга жуда қаттиқ зулм ўтказишди. Биз билан динимиз орасига кириб, бизни динимиздан ажратишга уриндилар. Биз эса, юртимизни, уйларимизни ташлаб, сизнинг диёрингиздан паноҳ топишга мажбур бўлдик. Сизнинг адолатингизни бошқалардан афзал

билдик. Сизнинг химоянгизга, яхши кўшнилигингизга ишондик. Сизнинг давлатингизда зулмга, ҳақсизликка учрамасмиз деган умиддамиз” дея аҳволни тушунтирди. Ундан кейин ҳазрати Жаъфар сўзида давом этди: “Саломлашиш масаласига келсак, биз сиз билан расулуллоҳнинг саломи билан саломлашдик. Бир-биримиз билан ҳам худди шундай саломлашамиз. Жаннатдаги кишиларнинг саломлашишлари ҳам худди шундай эканлиги ҳақида жаноби пайғамбаримиз хабар берганлар. Шунинг учун сиз олий зотларига ўшандай салом бердик. Муҳтарам пайғамбаримиз одамларга сажда қилмасликни айтганлари учун Аллоҳу таолодан бошқасига сажда қилишдан Аллоҳу таолонинг ўзига сиғинамиз.”

Нажоший: “Аллоҳнинг юборганларидан оз бўлса ҳам биласанми?” деб сўради. Ҳазрати Жаъфар: “Ҳа биламан” деган эди, Нажоший: “Уни менга ўқиб бергин” деди. Ҳазрати Жафар Марям сурасининг илк оятларини ўқий бошлади (Анкабут ва Рум сураларидан ўқиган деган хабарлар ҳам бор). Ояти карималарни тинглаётган Нажошийнинг кўзларидан тирқираб ёш оқиб, соқоллари ҳўл бўлди. У ерда ҳозир турган роҳиблар ҳам йиғладилар. Нажоший ва роҳиблар кўз ёшларини артиб: “Эй Жаъфар! Бундай ширин ва ёқимли каломдан яна бироз ўқигин” дедилар. Ҳазрати Жаъфар Қаҳф сурасининг бошидан бошлаб ўқиди. Унда маолан: **“Кофирларни (олий) назаридан содир бўладиган энг оғир бир азоб (жаҳаннам) билан кўрқитилиши, солиҳ амал қилган мўминларни ҳам ичида доим абадий қоладиган гўзал бир ажр (Жаннат) билан севинтирадиган, “Аллоҳу таоло ўзига ўғил қилиб олди” деганларни кўрқитмоқ учун лафзида бирор бузуқлик, маъносида бирон зидлик учрамайдиган (ортиқчалик ва камчиликдан холи) тўғри китобни (Қуръони каримни) бандасига (Муҳаммад алайҳиссаломга) туширган (нозил қилган) Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин. Уларнинг ҳам (Аллоҳу таоло ўзига ўғил қилиб олди, деганларнинг), оталарининг ҳам бунга оид (буни тасдиқлашга асос бўладиган) ҳеч қандай илмлари йўқдир. Уларнинг оғизларидан чиққан у жумла, улкан бир куфр (ширк) бўлди. Улар фақат ёлғон гапирадилар.**

(“Эй расулим!) Бу Қуръони каримга ишонмасалар, қайғу ва ғазаб билан ортларидан ўзингни ҳалок қиласанми? Биз ер юзида уларни (маъданлар, ҳайвонлар ва ўсимликларни), ер

аҳлининг қайси бирининг амали солиҳлигини (қайси бири дунё орзуларини тарк этганлигини) **имтиҳон қиламиз дея зийнат-безак қилдик...**⁸¹ дейилганди. Нажоший ўзини тутиб туролмай: “Валлоҳи, бу битта чирокдан таралаётган ёруғлик-ку. Мусо ва Исо ҳам (алайҳиссалом) шу билан келгандилар” деб юборди ва Қурайшнинг элчиларига қараб: “Сенлар кетинглар, валлоҳи, мен буларни сизга таслим ҳам қилмайман, булар ҳақида ёмон ўйга ҳам бормаيمان” деди. Шундай қилиб, Абдуллоҳ бин Аби Рабаи ва Амр бин Ос Нажошийнинг ҳузуридан бўшашиб чиқишди.⁸²

Аламига чидай олмаган Амр, Абдуллоҳга: “Қасам ичаманки, мен уларнинг бир қабоҳатини Нажошийнинг олдида фош қилиб, шарманда қиламан, мана кўрасан” дея ғижинди. Абдуллоҳ эса, Амрга: “Улар бизга муҳолиф бўлсалар ҳам, нима бўлганда ҳам яхши ё ёмон қариндошлигимиз бор, сен бундай қилма” деб насиҳат қилган бўлди. Амр: “Йўқ, мен уларнинг Исо алайҳиссаломни шунчаки бир қул деб билишларини Нажошийга айтаман” деб авжга минди.

Ниҳоят Амр ўз ниятига эришмоқ учун эртаси куни Нажошийнинг олдида бориб: “Эй Ҳукмдор! Улар Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) ҳақида жуда хунук сўзлар гапиришади. Уларни чақиртириб, Исо алайҳиссалом ҳақида нима дейишларини улардан сўраб кўринг”, деб иғво қилди. Нажоший Амрнинг бу иғвосини текшириб кўриш мақсадида мусулмонларга хабар юбориб, уларни такрор ёнига олдирди. Мусулмонлар орасида, Нажоший энди Исо алайҳиссалом ҳақида сўраса, нима жавоб қиламиз деган масала ўртага ташланди. Бу сафар ҳам ҳазрати Жаъфар: “Валлоҳи, ҳазрати Исо ҳақида Аллоҳу таолонинг буюрганганини, пайғамбаримизнинг бизга олиб келганларидан ўзга айтадиган ҳеч нарсамиз йўқ” деб фикр билдирди.

Мусулмонлар Нажошийнинг ҳузурига кирганларида, ҳукмдор улардан: “Сиз Марям ўғли Исо алайҳиссалом ҳақида нима дея оласизлар?” деб савол қотди. Нажошийнинг саволига ҳазрати Жаъфар: “Биз Исо алайҳиссалом ҳақида Сарвари олам пайғамбаримизнинг бизга Аллоҳу таолодан келтириб, таблиғ

81 Каҳф сураси, 18/1-7.80 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 195-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 332-б.

82 Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 195-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 332-333-б.

қилганинигина айтамыз. Яъни биз Уни, Аллоҳу таолонинг бандаси ва расули деб биламыз ҳамда Уни дунёдан ва эркаклардан воз кечиб, Ҳақ таолога боғланган бир афифа (иффатли) аёл ҳазрати Марямга Аллоҳу таоло илҳом айлаган калимаси деб қабул қиламыз. Биз учун Марям ўғли Исонинг ҳоли ва шони мана шулардан иборатдир. Аллоҳу таоло ҳазрати Одамни тупроқдан яратганидек Исо алайҳиссаломни ҳам отасиз яратди деймиз” дея жавоб қилди. Ана ўшанда Нажоший эгилиб ердан сомон чўпидай бир хасни олди ва: “Қасам ичаманки, Марям ўғли Исо ҳам сиз айтганларингиздан ортиқ зот эмас. Орамизда ҳатто мана шу чўпча ҳам фарқ йўқ” деб ҳазрати Жаъфарнинг сўзларидан мамнуниятини изҳор қилди.

Нажоший бу сўзларни гапираётганда, атрофидаги ҳукумат арбоблари ва ҳарбий қўмондонлар орасида ўзаро пичир-пичир бошланиб, безовталиқ сезила бошлади. Нажоший бу ҳолатни англаб уларга қарата “Сиз нима десангиз денг, бироқ мен бу одамлар ҳақида жуда яхши фикрга келдим” деди. Мусулмон муҳожирларга қараб эса: “Сизни ва сиз олдидан келган У зотни табриклайман! Мен шунга инондимки, У Аллоҳнинг ҳақ расулидир. Зотан биз, Уни Инжилда кўргандик. У Расул ҳақида Марямнинг ўғли Исо ҳам хабар қилди. Валлоҳи, агар У бу ерда бўлганида эди, Унинг олдига бориб ўз қўлларим билан Унинг пойабзалини ечиб, оёқларини ювиб қўярдим! Боринг! Ўлкамнинг истаган жойида ҳар хил тажовузлардан омонда, ҳимояланган ҳолда, роҳат ва ҳузур қилиб яшайверинг. Сизга ёмонлик тиловчи бирон аблаҳ чикқудек бўлса, уни мен йўқ қиламан. Менга тоғдай олтин берсаларда, мен сизлардан биронтангизни қайғуда қолдирмайман” дея мусулмонларни шоду-хуррам қилди.

Бу гап-сўзлардан кейин Нажоший Қурайш элчилари келтирган ҳадялар ҳақида гапириб: “Менинг бу нарсаларга эҳтиёжим йўқ. Ўзгалар талон қилган шу мулкимни Аллоҳу таоло менга қайтариб берганида ва халқни менга итоат эттирганида мендан пора олмаган” деб ҳадяларни, элчиларга қайтариб берди. Қурайш элчилари ҳеч нарсага эриша олмаганларидан ҳафсалалари пир бўлиб юрғларига қўллари бўш ҳолда қайтишди.

Нажоший эса, Исломиятни танлаб, бахтиёр бўлди ва Асҳоби киромни янада севинтирди.

Ҳузн йиллари... Қамал

Мушриқлар исломнинг қалбларга тобора кириб боришидан ва унинг ёйилишидан ниҳоятда безовта эди. Унинг олдини олиш мақсадида тинмасдан уринишар, бу учун қўлларидаги барча имконларни ишга солишарди. Лекин уларнинг шунча хиёнатларига қарамай, мусулмонлар сони кундан-кунга ортиб борарди. Мўминларга раво кўрилаётган зулм ва кийноқлар уларни йўлларида қайтариш ўрнига, аксинча бир-бирларига ва динларига бўлган муносабатларини яна-да кучайтирарди. Оқибатда, ҳеч бир мусулмон динидан қайтмас, Расулulloҳ учун жонларини фидо қилишдан ҳам чекинишмасди. Бундан хабар топган Макка атрофидаги қабилаларнинг ҳам қизиқишлари ортиб, ислом нури тобора узоқ-узоқларга етиб борарди. Мушриқлар Ҳабашистонга юборган элчиларининг ҳеч вақосиз қайтиб келгани, ҳатто Нажоший Асхаманинг ўзи ҳам мусулмон бўлганини ва мусулмонларни ҳимоя қилиб, уларга яхши муомалада бўлганини эшитиб, бадтар жазавага тушишди. Барчасининг алаmidан чиқиш ва Исломни таг-туғи билан йўқотиш мақсадида йиғилишиб, “Қаерда дуч келишидан қатъий назар, Муҳаммад (алайҳиссалом) мутлақо ўлдирилсин!..” деган даҳшатли қарорга келишди. Кофирлар бу иш учун қайта-қайта қасамлар ичишди.

Мушриқларнинг бундай қароридан хабар топган Абу Толиб, жуда хафа бўлди. Жигарпораси, муборак жиянининг ҳаёти уни ташвишга солиб қўйди. Шу сабабдан Абу Толиб қабиласини атрофига йиғиб, уларга Коинотнинг султонини Қурайш мушриқларидан ҳимоя қилишларини буюрди. Ҳошимўғиллари қариндошлик ғайрати туфайли, ушбу амрини бажо келтириш учун бирлашишди. Натижада бу масалани ҳал қилиш мақсадида пайғамбаримизни ва Унга инонган Асҳобининг ҳаммасини Макканинг шимол тарафида Байтуллоҳга тахминан уч километр масофадаги тепаликда жойлашган Шиъб-и Абу Толиб деб номланувчи Абу Толиб маҳалласида яшашга чақиришди. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Асҳобини йиғиб, ўша маҳаллада яшай бошладилар. Ҳошим ўғилларидан биргина Абу Лаҳаб, пайғамбаримизни ҳимоя қилиш қарорига қарши чиқди. Шиъбга ҳам бормади. Аксинча

мушрикларга қўшилиб, пайғамбаримизни ўлдиришга қулай фурсат пойлай бошлади.⁸³

Мушриклар, пайғамбаримизнинг саҳобалари билан Абу Толиб маҳалласида йиғилганларини кўриб, қайта йиғилишиб, шундай қарорга келишди:

“Муҳаммадни (алайҳиссалом) ўлдиришимиз учун у бизга таслим қилинмагунича Ҳошимўғилларидан қиз олинмагай!.. Уларга қиз берилмагай! Улардан ҳеч нарса сотиб олинмагай ва ҳеч нарса сотилмагай!.. Улар билан йиғилиб сўзлашилмагай ва кўришилмагай!.. Уларнинг уй ва маҳаллаларига борилмагай!.. Улардан келадиган ҳеч қандай ярашиш ва сулҳ таклифи қабул қилинмагай!.. Ҳеч қачон уларга кечирим берилмагай ва меҳр-шафқат кўрсатилмагай!..” Мансур бин Икрима исмли бир мушрик қарорни қоғозга туширгач, мушриклар уни муҳрлашди. Ҳамма кўриб ўқисин деб қоғозни Каъбаи муаззаманинг деворига осиб қўйишди.

Бу хабар муҳтарам пайғамбаримизгача етиб борганида хузнга ботиб, хафа бўлганларидан дуо қилдилар. Муборак дуолари дарҳол қабул бўлиб, бадбахт Мансурнинг қўллари шол бўлиб қолди. Мушриклар шошиб қолди ва: “Қаранг! Ҳошим ўғилларига қилган зулм эвазига Мансурнинг қўллари қуриб, оғир мусибатга учради”, - дейишди. Бу воқеадан ақл-хушларини йиғиб олиш ўрнига бадтар озиб қутуришди. Шибга олиб борадиган йўлларга назоратчилар қўйишди. Шу орқали у ерга элтилиши мумкин бўлган озиқ-овқат ва кийим-кечакнинг йўлини тўсишди. Маккага келаётган савдогарларга у маҳаллага зинҳор мол киритмасликларини, керак бўлса, молларини баланд нархларда ўзлари сотиб олиб қолишларини эълон қилишди. Шу тариқа шибдагиларни очликдан ўлдирамиз ёхуд Ҳошимўғилларини пушаймон қилиб, пайғамбарни ўз қўллари билан топширишга мажбур қиламиз деб ўйлашди. Ушбу иқтисодий қамал ҳар йили Каъбанинг зиёрат мавсуми бошланганича давом этарди.

Арабларда Каъбани зиёрат мавсуми бошланганидан то охиригача бир томчи ҳам қон тўқмаслик одатидек қадимдан келаётган бир анъаналари бор эди. Ана шу баҳонада Ҳошимўғиллари бу мавсумда Макка марказигача эмин-эркин боришиб, керакли

⁸³ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 130-140-б.; Табарий, “Торих”, II, 335-336-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 84-87-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 24-25-б.; Балозурий, “Ансоб” I, 230-б.*

савдо-сотикларини қилиб, бир йиллик озиқ-овқат тўплаб олишга ҳаракат қиларди. Улардан биронтаси бир савдогарнинг олдига яқинлашгудек бўлса, ортларидан мушриклардан Абу Лаҳаб ёки Абу Жаҳлга ўхшашлар бир зумда етиб келиб, савдогарга, “Эй Тужжор! Муҳаммаднинг Асҳобига ҳамма вақт баланд баҳо айтгин, токи қимматлигидан қийналиб, сотиб ололмасин. Агар молларинг сотилмай қолгудек бўлса, мана биз қолган молларингни олишга тайёрмиз” дейишарди. Тужжорлар ҳам мушрикларнинг айтганларини қиларди, оқибатда мусулмонлар энг муҳтож бўлган молларни ололмай, қайтиб кетишарди...

Шундай йўқчилик даврида маҳалладагиларнинг зарур эҳтиёжларини таъминлашга муҳтарам пайғамбаримиз, ҳазрати Хадижа волидамиз, Абу Бакр Сиддиқ барча мол-мулкларини сарфлаб, чақалоқларнинг очликдан осмону фалакка чиққан фарёдларига таскин бўлдилар. Лекин йиққан-терган бор-будлари тугагач, ўт-ўланларни, дарахт барглари ва пўстлоқлари билан ҳаётда қолишга ҳаракат қилдилар. Болаларнинг очликдан йиғисини бирмунча бўлса ҳам тиндириш учун курук териларни сувда қайнатиб, пишириб беришарди. Ўша очарчиликда жаноби пайғамбаримиз ва бошқа бир қанча саҳобалар очликдан муборак қоринларига тош боғлаб олдилар. Болаларнинг фарёдига малҳам бўлиш учун ўзларини аямаган оналарнинг териларига суякларига ёпишди. Борди-ю мушриклардан бирортаси шиъбдагиларга ачиниб, бирор егулик олиб келса борми, бечора мушрикларнинг калтаги остида қолиб, оғир ҳақоратларга дучор бўларди. Муҳтарам пайғамбаримиз бошчилигидаги мўминлар ва уларни ҳимоя қилишга бел боғлаган Ҳошимўғиллари истиқомат қилаётган шиъб-и Абу Толибга кириш-чиқишлар батамом тўхтатилган, маҳалла сокинларининг очлик ва муҳтожликдан тинкалари қуриган эди.

Мушриклар шу шафқатсиз зулмлари орқали Ҳошимўғилларини тиз чўктириб, Абу Толибнинг чорасизликдан пайғамбаримизни уларга таслим қилишини кутиб туришарди. Абу Толиб маҳалласидаги мусулмонлар эса, улар ўйлаётганининг том тескарасини қилиб, пайғамбаримизни ҳимоялаб, зоти олийларига бирон зарар етмаслиги учун барча тадбир-чораларни кўришарди. Абу Толиб муҳтамал суъиқасднинг олдини олиш учун, Расулulloҳ ётадиган жойга навбат билан қоровуллар қўярди ёки У зотни ўз уйида қолишларини таъминларди. Жаноби пайғамбаримиз эса, ҳеч нарсадан сесканмасдан Аллоҳу таолонинг амрини бажариш,

Исломиятни ёйиш учун ҳар сонияни ғанимат билиб, инсонларни динга чақириб, уларнинг жаҳаннамдан қутқаришга ғайрат қилардилар. Бу йўлда сабр-чидам билан ўз насиҳатларини давом эттирардилар. Уни инкор қилган Қурайш мушриклари ҳам очлик нима эканлигини татиб кўришлари учун бир куни Расулуллоҳ: **“Эй Аллоҳим! Уларга ҳам, Юсуф (алайҳиссалом) замонидаги етти қаҳатчилик йилидек, еттита қаҳатчилик азоби бериб, менга ёрдам айла”** деб дуо қилдилар.

Ўша дуодан кейинги кунларда кўкдан бир томчи ҳам ёмғир ёғмай қўйди. Тупроқ сувсизликдан қовурилиб қуриди. Ерда кўкариб турган биронта кўкат топилмай қолди. Қурайшлик мушриклар нимага рўпара бўлганларини билолмай қарахт бўлиб қолишди. Очарчилик бутун Маккага ёйилиб, мушриклар ўлаксаларни, сасиб кетган ит териларини еб жон сақлашга мажбур бўлишди. Энди уларнинг уйларида ҳам очликдан болаларнинг фарёду фиғонлари эшитила бошлади. Қанчалари очликдан қирилди. Тинкалари қуриганидан осмонга қарасалар, ҳамма ёқни худди тутун қоплагандай кўришарди. Қаҳатчилик сабаб, сал ўзларига келиб, қилган зулмларининг оғирлигини тушунгандай бўлишди. Ораларидан Абу Суфённи пайғамбаримизнинг ҳузурларига юборишди. У Расулуллоҳнинг олдиларга келиб, “Эй Муҳаммад! Сен доим ўзингни оламларга раҳмат сифатида юборилганинг ҳақида гапирасан, Аллоҳга инонишни, қавм-қариндошлик ҳақларига диққат қилишни бизга амр қиласан. Ваҳоланки, сенинг қавминг қурғоқчилик ва очарчиликдан ўлиб қирляпти. Бизнинг бошимизга келган шу фалоқатдан қутилишимиз учун Раббингга бир дуо қилиб берсанг, Аллоҳ сенинг дуонгни қабул қилади. Агар шундай дуо қилсанг, ҳаммамиз иймон келтирамиз!...” дея қасам ичди.

Шундай қилиб, мушриклар, мусулмонларга қилаётган жабру зулмларини йиғиштириб, ўзлари қийин аҳволга тушган, Расулуллоҳга ялиниб-ёлворишга ўтишганди. Ўшанда муҳтарам пайғамбаримиз, уларнинг қилмишларини юзига солмай, фақат “иймон келтирамиз” деган сўзлари учун муборак қўлларини кўтариб жаноби Ҳаққа дуо қилгандилар. Аллоҳу таоло Ҳабибининг дуосини дарҳол қабул қилиб, Маккага мўл-қўл ёмғир ёғиб, тупроқлар сувга қониб, ўт-ўланлар такрор яшнаган эди. Мушриклар қурғоқчилик ва очарчиликдан қутулишларига қарамай, ваъдаларини унутиб, қуфрларида давом этдилар...

Одамгарчиликдан бенсиб мушрикларнинг ҳаракатларига, ёлғончиликларига жавобан Аллоҳу таоло маоли қуйидагича баён қилинган ояти карималарни нозил қилди: **“Аксинча улар, (Қуръони карим ва қайта тирилиш хусусида) шубҳага бориб, (сени) истехзо ва масхара қиладилар. Шундай экан (Эй ҳабибим!) сиз осмон очик-ойдин (яъни барчага кўринадиган) тутунни келтирадиган кунни кутинг. Ўша кунни тутун барча одамзодни ўраб олади. “У жуда оғир азоб! Эй Раббимиз! Биздан бу азобни олгин, токи биз иймон келтирайлик” дейдилар. Улар ўйлаб, тушуниб ибрат оладиларми? Уларнинг ўзларига ҳақиқатларни изох этган пайғамбар келгани ҳолда, яна ундан юз ўгирдиларку. Унга “Ўргатилган, мажнун” дедилар. Биз азобни (булутни ёки очарчиликни) биров (ёки озгина бир вақтга) олиб турармиз. Бироқ сиз яна куфрингизга ва ширкингизга қайтгувчиларсиз. Жуда катта шиддат ва кўрқинч билан уларни урган (Бадр) кунни, муҳаққақ, биз (улардан) интиқом олгувчилармиз.**

Жалололим ҳақи учун муҳаққақ, биз улардан (Қурайшлик мушриklar қавмидан) имтиҳон оламиз, аввал Фиръавн қавмини ҳам (уларга муҳлат ва жуда кўп мол бериш билан) имтиҳон қилгандик. Уларга (Фиръавн қавмига) биз тарафдан шарафли бир пайғамбар келди (Мусо алайҳиссалом). У, уларга (Фиръавн қавмига), “Аллоҳнинг бандаларини (Баний Исроилни) менга беринг. (Уларнинг мен билан кетишига имкон беринг. Уларнинг ёқаларини кўйиб юборинг, уларга азоб берманг.) Муҳаққақки мен, Аллоҳу таоло тарафидан сизларга ваҳий билан юборилган ишончли пайғамбарман. Аллоҳу таолога қарши такаббурилик қилманг. Зеро мен, сизга даъвомнинг тўғрилигини далиллар билан изохлайин, мен очик мўъжиза билан келганман. Билингларки, мени тошбўрон қилишингиздан, ўлдиришингиздан, менинг ва сизнинг Раббингиз бўлган Аллоҳу таолога сиғинаманки, У мени муҳофаза қилади. Агар мени тасдиқ этмасангиз ва иймон келтирмасангиз, мени ўз ҳолимга қўйиб беринг” деди.

(Мен хайрингиздан кечдим. Ҳеч бўлмаса шаррингиз урмасин." Улар иймон келтирмаганлари, уни ёлғонлаганлари етмагандай, бир қатор жабру жафога бошлашганида) Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳу таолога дуо қилиб, “Ё Раббий! Булар куфрда оёқ тираб олган қавмдир” деди. Аллоҳу таоло Мусога (алайҳиссалом) ваҳий

килиб, буюрдик, “Бандаларим (Баний Исроил) билан кечаси (Мисрдан) чиқиб кет! Сизнинг чиққанингиздан хабар топган Фиръавн ва унинг қўшини орқангиздан сизни қувадилар (улар албатта сизни тақиб этадилар). Қавминг билан денгиздан ўтиб олганингдан кейин уни шу ҳолича қолдир (асони такрор ерга уриб очилган йўлларни ёпиб қўймагин. Улар очик қолсин). Зеро, Фиръавн ва унинг аскарлари у йўлларга кириб ғарк бўладилар.”⁸⁴

Мушриклар, “иймон келтирамиз” деган ваъдаларидан қайтиб, яна зулмларини бошладилар. Ўшандай кунларда Аллоху таоло пайғамбаримизга ваҳий орқали, Каъбада осиб қўйилган мушрикларнинг қоғозига бир бало, яъни дарахт қуртини (куясини) юборганини ва қурт қоғоздаги Аллохнинг исмидан бошқа ҳамма ҳарфларни еб қўйганлигини билдирди. Сарвари олам пайғамбаримиз ҳам дарҳол Абу Толибга: **“Амаки! Менинг Раббим бўлган Аллоху таоло, Қурайш мушрикларининг Каъба деворига осиб қўйган саҳифасини еб битиришга дарахт қуртини мусаллат қилди. У қурт, қоғоздаги Аллоху таолонинг исмидан бошқа унда ёзилган зулм, қариндошлар билан алоқани узиш, бўҳтон... каби нарсалардан ҳеч бирини қолдирмади, уларнинг барчасини йўқ қилди”**, дея марҳамат қилдилар.

Абу Толиб: “Буни сенга Раббинг хабар қилдими?” деб сўраган эди, жаноби пайғамбаримиз: **“Ҳа шундай”**, деб марҳамат қилдилар. Ўшанда, Абу Толиб, “Ҳа, мен шаҳодат қиламанки, сен фақат ҳақни гапирасан”, деди-да, дарҳол кийиниб, Каъбага равона бўлди. Абу Толиб Каъбага етиб келганида, мушрикларнинг кексалари у ерда ўтиришардилар. Улар Абу Толибнинг келаётганини кўриб, “Ҳар ҳолда у бу сафар Муҳаммадни бизга топширса керак” деган хаёлга бордилар. Абу Толиб уларнинг ёнларига бориб, ”Эй Қурайш жамоати! Ал-амин лақабини олиб, ҳеч қачон ёлғон сўзламаган менинг укамнинг ўғли, сизлар ёзган саҳифадаги Аллоху таолонинг исмидан бошқа барча ҳарфларни бир дарахт қурти еб битирганини хабар қилди. Қани бизнинг ҳақимизда ёзган варағингизни бу ерга келтиринг бир кўрайлик!.. Агар Унинг сўзи тўғри бўлса, қасам ичаманки, биз ўла-ўлгунимизча Уни ҳимоялаймиз. Энди сенлар ҳам зулм ва ёмон қилиқларингдан воз кечинглар...” деб, уларни ваҳимага солди.

84 Духон сураси, 44/17-24.

Мушриклар ҳаяжонланиб дарҳол Каъба деворига илинган қоғозни олиб келишди. Абу Толиб, “Ўқиб кўринглар!” дегач, улардан бири ўқишга шайланиб, қоғозни очганида “Бисмика Аллоҳумма” дан ўзга ҳамма ёзувларнинг ўчиб кетганига гувоҳ бўлди.⁸⁵ Буни кўрган мушриклар нима деб, нима қилишларини билмай донг қотишди. Ҳатто баъзилари воз кечгани учун, уч йилдан буён давом этаётган унутилмас азобларни, кўнгилларда чуқур яра қолдирган ушбу қамални бекор қилишди. Бироқ барибир мусулмонларга нисбатан ўз душманликларидан воз кечиша олмади. Устига устак бадтар қутуришди. Исломиятнинг ёйилишига ғов бўла олиш учун қилмаганлари, синаб кўрмаганлари қолмади. Лекин шунча уриниш ва ғижинишларига қарамай, Исломият суръатли равишда ёйилиб, сеvimли пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, жоҳилия даврининг зулматларига ғарқ бўлган одамларни қутқаришга ҳаракат қилар, уларни ҳақиқий саодатга эриштирадидилар. Бундай саодатга эришганлар, эришган улуғ неъматларига шукр қилиб, мушрикларнинг ҳақорату қийноқлари олдида асло эгилмадилар. Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизаларини ва мусулмонларнинг динлари учун қилаётган саботу матонатларини кўрган қанчалаб кўнгиллар Ислому нури билан ойдинланаётган эди.

Ойнинг иккига бўлиниши

Жаноби пайғамбаримизнинг буюк мўъжизаларидан бири ойнинг иккига бўлиниши воқеасидир. Ораларида Абу Жаҳл ва Валид бин Муғиралар бўлган мушрик гуруҳи, Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизга: “Агар сен ҳақиқатан пайғамбар бўлсанг, ойна шундай иккига ажратки, унинг ярми Қуайқан тоғи устида, иккинчи ярми эса, Абу Қубайс тоғи устида кўринсин!..” дедилар. Расулуллоҳ: **“Агар мен айтганингизни бажарсам, иймон келтирасизми?”** дея марҳамат қилдилар. Улар: “Ҳа. Иймон келтирамиз” дейишди. Расулуллоҳ ойнинг иккига бўлиниши учун Аллоҳу таолога дуо қилдилар. Шу ондаёқ Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримиз олдларига келди ва “Эй Муҳаммад! Маккаликларга бу кеча мўъжизани томоша қилишларини хабар қилинг” деди. Ўша куни ой ўн тўрт кунлик бўлиб, юм-юмалоқ шаклга келадиган вақт эди. Муҳтарам пайғамбаримиз мўъжизадан ибрат олишни истаганларга

⁸⁵ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 210-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 376-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 209-б.; Табарий, “Тарих”, II, 79-б.; Суҳайлий, “Раъзул-унуф”, II, 159-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, II, 69-б.

бу кеча ойнинг иккига бўлинишини хабар бердилар. Кеч қорайгач, ой яхши нурлана бошлаганида жаноби пайғамбаримиз муборак бармоқлари билан ойга ишорат қилган эдилар, ой дарҳол иккига бўлиниб кетди. Мушриклар сўраганидек, ойнинг бир бўлаги Абу Кубайс, бошқа бўлаги эса Қуайкиан тоғи устида кўринди. Ундан кейин такрор осмонда бирлашди.

Расулulloҳ асҳобига: **“Эй Абу Салама бин Абдуасад, Арком бин Абил Арком! Гувоҳ бўлинглар!”** дея марҳамат қилдилар. Атрофида бўлган бошқа Асҳобига ҳам **“Гувоҳ бўлинглар!”** дедилар. Шундай қилиб мушриклар ўз кўзлари билан яна бир очиқ-ойдин мўъжизанинг шоҳиди бўлдилар. Лекин ваъдаларида туриб иймон келтирмаганлари етмагандек, бошқаларнинг иймон келтиришига ҳам ғов бўлиш мақсадида: **“Бу шунчаки Муҳаммаднинг бизга кўрсатган сеҳридан бошқа нарса эмас! Аммо бутун дунёни сеҳрлай олмайди-ку... Хали ўзга юртлардан келган кишилардан ҳам сўраб боқайлик. Улар ҳам шу ходисани кўрибдиларми? Агар кўрган бўлсалар, Муҳаммаднинг нубувват (пайғамбарлик) иддаоси тўғри бўлади. Акс холда бу сеҳрдир”** дея яна куфрда оёқ тираб туриб олишди. Бу воқеа ҳақида Маккага теварак-атрофдан келган барча савдогар ва сайёҳлардан сўрашди. Ҳатто бу билан қониқмай узоқроқ жойларга одам юбориб, сўраб-суриштиришди. Оқибатда ҳаммадан бир хил, **“Ҳа, ўша кечаси ойнинг иккига бўлинганини кўрдик”** деган жавобни олишди. Лекин яна инкор қилишди. Инкорчиларнинг боши ҳар доимгидек яна Абу Жаҳл эди. Бу мушрик, одамларни иймон неъматига эриштирмаслик учун юрган жойида **“Абу Толибнинг еtimi қилган сеҳр осмонга ҳам таъсир қилди-я!..”** деб қалбларга фитна-фасод экишдан қолмади.⁸⁶ Унинг бу инкорига қарши Аллоҳу таоло ояти карималар нозил қилди. Уларнинг мазмуни:

“Соат (қиймат) яқинлашди ва ой ёрилди (иккига бўлинди). Улар (Қурайш кофирлари, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарчилигига далолат қилувчи) бирор мўъжиза кўргудек бўлсалар, (уни тафаккур қилишдан ва иймон келтиришдан) юз ўгирадилар ва “Бу доимий (тинмайдиган, қувватли) жодудир” дейдилар. Ва улар, (пайғамбарни ёки Унинг мўъжизасини) ёлғонга чиқардилар, ўз хаволярига (нафсларининг орзу ва истакларига) тобе бўлдилар, эргашдилар. Ваҳоланки, (жаннат аҳлига хайрдан, жаҳаннам аҳлига шаррдан тақдир қилинган) ҳар иш воқе бўлур

⁸⁶ Ҳаким, *“ал-Мустадрок”*, II, 512-б.; Байҳақий, *“Далоил-ун-нубувва”*, II, 141-б.; Фоқҳидий, *“Ахбори Макка”*, VII, 137-б.; Ибн Касийр, *“ас-Сийра”*, II, 116-б.; Қози Иёз, *“Шифо-и шариф”*, 278-279-б.; Қасталоний, *“Мавоҳиби ладуннийя”*, 352-б.

(жаннат аҳли жаннатга, жаҳаннам аҳли жаҳаннамга киргайлар). **Онт бўлсинки, уларга** (Макка мушрикларига, Қуръони каримда кўрсатилган ўтмиш умматларга ва уларнинг охираат ҳолларига доир уларни кўфр ва ўжарликдан) **воз кечириш учун қанча муҳим хабарлар келтирган эди. У камолга келган ҳикмат эди.** (Агар Уни тасдиқ этмасалар) **уларни огоҳлантирган** (жаҳаннам азоби билан кўрқитган) **расуллар асло уларга фойда беролмаслар. Шундай экан** (Эй Ҳабибим! Уларга пайғамбарлигинингни таблиғ қилиб, ҳаққа даъват қилинганидан кейин) **сен ҳам улардан юз ўгиргил, У даъват этувчининг,** (Исрофил ёки Жаброилнинг кофирларни нафслари) **инкор қилган нарасага** (ҳисобга) **даъват қиладиган кун,** (шиддатидан) **кўзлари залил ва хор бўлиб** (кўркув ва даҳшатдан қаерга боришларини билолмаган ҳолатда) **тўзиган чигирткалардек қабрларидан чикқайлар. Кофирлар,** (бўйинларини эгиб) **у даъват қилувчига югуриб бораётганлари ҳолда** (Бу кун бизга қандай оғир ва азобли кун)“ дейдилар.”⁸⁷

Раббим сизга ҳам ҳидоят насиб қилсин!..

Мушрикларнинг мусулмонларга қарши татбиқ этган уч йиллик қамали тугаганидан кейин, Нажрондан бир гуруҳ Расулulloҳнинг ҳузурларига келди. Улар тахминан йигирма киши бўлиб, Ҳабашистонга ҳижрат қилган Асҳоби киромдан исломият ҳақида эшитгандилар. Шу сабабдан Исломиятни ўрганиш ва муҳтарам пайғамбаримизни кўриш саодатига эришиш нияти билан Маккага келишганди. Каъбаи муаззама ёнида Расулulloҳни учратиб, У зот билан ўша ерда кўришдилар. Жуда кўп саволлар бериб, истаганларидан ҳам гўзал ва мукамал жавоблар олишди. Оламларга раҳмат қилиб юборилган севгили пайғамбаримиз, уларга Қуръони каримдан баъзи ояти карималарни ҳам ўқиб бердилар. Меҳмонлар бу ҳолдан ғоят хурсанд бўлишиб, кўз ёшларини тўхтата олишмади. Пайғамбаримизнинг исломга чиройли даъватларидан бениҳоя мамнун бўлган ҳолда севинч билан калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлиш шарафига ноил бўлишди. Кейин юртларига қайтиш учун Расули акрам жанобимиздан ижозат сўрашди. Ўша атрофда бу ҳолни кузатиб турган қурайш мушрикларидан Абу Жаҳл уларга яқинлашиб “Биз сенлардек аҳмоқ одамларни кўрмадик!... Танимаган билмаган бир

87 Қамар сураси, 54/1-8.

одамнинг олдида бир марта ўтирдиглар-у динларингдан шундок чиқиб қўя қолдинглар. У нима деган бўлса, ҳаммасига дарров хўп деб, тасдиқладинглар қўйдинглар!..” деган ҳақоратомуз сўзлар гапирди. Эндигина саҳоба бўлиш шарафига эришган у бахтиёрлар: “Аллоҳу таолодан сизга ҳам ҳидоят насиб қилишини тилаймиз. Сиз бизни ҳақорат қилганингиздек, биз сизни ҳақорат қилмаймиз. Гарчи биз, сизнинг ҳеч қандай ҳаққингизга хиёнат қилмагандик. Бироқ шуни яхши билингки, бир неча жоҳилнинг айтганлари билан ҳозиргина эришган шу буюк неъматни асло йўқотмаймиз, бу ҳақ диндан қайтмаймиз” қабилида сўзлар билан уни тилини тишлаб қолишга мажбур қилишди.⁸⁸

Бу ҳодиса муносабати билан Аллоҳу таоло тарафидан нозил қилинган ояти карималарда маолан: **“Бундан (Қуръони каримдан) аввал ўзларига китоб берилган қанчалаб кишилар борки, улар бунга (Қуръони каримга) инонадилар. Уларга (Қуръони карим) ўқилган вақт, “Бунга инондик. Шубҳасиз, бу Раббимиздан келган бир ҳақдир. Ҳақиқатан биз бундан аввал ҳам Исломни қабул қилган кишилар эдик” дедилар. Ана шундай буларга, сабр (ва сабот) қилишлари сабабли мукофотлар икки марта берилади. Булар ёмонликни яхшилиққа бурадилар. Ўзларига ризқ қилиб берган нарсалардан (хайрга) сарфлайдилар. Булар ёмон ифлос сўз эшитганларидаундан юз ўгирадилар ва “Бизнинг амалларимиз бизга ва сизнинг амалларингиз сизга дейдилар. Сизга салом бўлсин, биз жоҳилларни изламаймиз (уларнинг дўстлигини ҳам хоҳламаймиз)” дейдилар.**” -дейилди.⁸⁹

Ҳузн йили

Муҳтарам пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) тўнғич ўғиллари Қосим ўн етти ойлик бўлганида вафот этди. Бу қайғули воқеадан бир неча йил сўнгра иккинчи ўғиллари Абдуллоҳ ҳам вафот қилди. Сарвари олам жанобимиз муборақ кўзларидан ёш оққан ҳолда тоққа қараб **“Эй тоғ! Менинг бошимга келганлар сенинг бошинга келса, чидай олмай, емирилардинг!”** деб ғам-қайғуларини изҳор қилгандилар. Хадижа волидамизнинг **“Ё Расулаллоҳ! Улар ҳозир қаердалар?”** деган саволига жавобан **“Улар, жаннатдадирлар”** дея марҳамат қилдилар.

⁸⁸ *Ибн Исҳоқ, “ас-Суйра”, 199-200-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 391-392-б.*

⁸⁹ *Қасос сураси, 28/52-55.*

Коинот султони пайғамбаримизнинг иккала ўглининг ҳам вафот этишлари муносабати билан мушриклар бениҳоя хурсанд бўлишганди. Абу Жаҳл сингари кофирлар, бу воқеани айни фурсат билиб: “Бас энди Муҳаммад абтар бўлиб, якка ўзи қолди, насли қирқилди. Наслини давом эттирадиган ўғли йўқ энди. Ўзи ҳам оламдан ўтса, ном-нишони қолмай унутилади” дея атрофга жар солди. Шу муносабат билан Аллоҳу таоло, Кавсар сурасини нозил қилиб, Расулига тасалли берди. Суранинг маолида, “(Ҳабибим!) **Ҳақиқат, биз сенга Кавсарни бердик** (Кавсар ҳовузини, жуда кўп хайрни эҳсон қилдик). **Шундай экан Раббинг учун намоз ўқигин. Қурбон сўйгин... Тўғриси сенга** (насли тугади деб) **тил текказганлардир, хайрсиз ва насли қирқилганлар...** (Сенга "абтар" - насли тугади, қирқилди деган кимсанинг ўзи зурриёдсиз, шарафсиз ва номсиздир. Сенга келсак, Ҳабибим, сенинг пок наслинг, шон ва шарафинг киёмат кунигача давом этади. Охиратда ҳам Сенга ақлу хаёлга келмаган буюк шарафлар тахсис қилинди)” деб марҳамат қилинганди.

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) сарваримизнинг ўғиллари вафот этгандан кейинги кунларда Абу Толиб ҳам хасталанди ва кундан-кун оғирлаша бошлади. Бундан хабар топган курашлик мушриклар, “Абу Толиб соғ юрганида Муҳаммадни ҳимоя қилишга кўп ғайрат қилди. Унинг поймонаси ҳам тўлиб қолди. Кеч бўлса ҳам, уни бир зиёрат қилгани борайлик. Зеро Ҳамзадек тенги йўқ араб марди ва ҳайбати, паҳлавонлиги ва довураклиги қуёшдек аён бўлган Умар мусулмон бўлдилар. Деярли ҳар куни араб қабилалари тўп-тўп бўлиб Унга тобе бўлишяпти. Шу йўсин, мусулмонлар кун ўтган сайин кўпайиб, овозалари оламга тарқалмоқда. Бундай вазиятда, ё биз ҳам уларга тобе бўлишимиз ёхуд жангу-жадалга тайёр бўлишимиз тақозо қилмоқда. Абу Толибга бориб аҳволни тушунтирайлик. У бизга бир мурса йўлини топсин. Биз унинг динини таҳдид қилмайлик, у ҳам бизнинг динимизга ҳужум қилмасин” деган ўй-хаёл билан Абу Толибнинг олдига келишди.

Уқба, Шайба, Абу Жаҳл, Умайя бин Халаф каби донғи чиққан кураш аслзодалари Абу Толибнинг уйига келиб, тўшагига яқин ўтирдилар. Улар Абу Толибга қараб: “Биз сенинг улуғлигинга ишонамиз, устуллингини ҳам тан оламиз. Шу сабаб-ла сенга ҳеч қачон муҳолиф бўлмадик, қарши чиқмадик. Андишамиз шуки, сен кўз юмгандан кейин Муҳаммад бизга яна гап отади ва орамизда

хусумат шиддатланиб давом этади. Сен яхшиси бизни яраштиргин, биз бир-биримизнинг динимизга гап отмайлик, қўл қўтармайлик” дея муурожаат қилишди.

Абу Толиб, мухтарам пайғамбаримизни олдиға чақиртириб: “Қурайшнинг барча зодагонлари сендан уларнинг динини холи қўйишингни илтимос қилишяпти. Бу таклифни қабул қилсанг, сенинг амринг остида ишлашға ва ҳар қандай ишда сенға ёрдам беришға тайёр эканликларини айтишди” деди. Оламларнинг сарвари жанобимиз: **“Эй амаки! Мен эса, уларни шундай ягона калимага даъват қилаяпманки, у калима орқали бутун араблар уларға итоат қилишади. Араб бўлмаганлар эса, жия (мусулмон давлатларида ғайримуслимлар тўлайдиган солиқ) тўлайдилар”** дея марҳамат қилдилар. Қурайш қавмиға қараб ҳам: **“Биласизми, сизлар менға бир калимани такрорласанглар, у билан бутун араб оламиға ҳоким бўласизлар, араб бўлмаганлар ҳам сизларға бўйин эгишади”** дедилар. Абу Жаҳл: “Зўр-ку, уни биз бир эмас, керак бўлса, ўн марта такрорлаймиз. Қани у қандай калима экан?” дея хурсанд бўлди. Расулulloҳ жанобимиз: **“Ла илоҳа иллаллоҳ” десанглар ва Аллоҳу таолодан бошқа сиғинаётган бутларни ҳам олиб ташласанглар, бас**” дея марҳамат қилгандилар, мушриклар дарров: “Йўқ, бундан бошқа хоҳалаган нарсангни сўрагин! Биз тайёрмиз...” дейишди. Мухтарам пайғамбаримиз: **“Шу қўлларимға қуёшни олиб келиб берсанглар ҳам мен сизлардан бундан ўзгасини сўрамайман”** дея марҳамат қилдилар.

Мушриклар: “Ё Абул Қосим! Сен бизға шундай бўлмағур нарсани таклиф қилаяпсан. Биз эса, барибир сенинг ҳурматингни қилиб, хотирингни хуш тутишни канда қилмаяпмиз. Сен эса, бизнинг ҳурматимизни жойиға қўймайсан” дедилар-да, хиддат билан туриб кетишди. Улар кетгач Абу Толиб, севгили пайғамбаримизға: “Сенинг улардан истаганларинг ғоят ўринли эди. Сен тўғри гапирдинг”, дея мушрикларға қўйган талабини қўллади. Амакисининг бу сўзлари Расулulloҳда Абу Толибнинг иймонға келиш умидини уйғотди. Шу боис амакисига қараб: **“Эй амаки! Бир марта “Ла илоҳа иллаллоҳ” денг!.. Токи қиёмат қуни сизға шафоат қила олайн”** дедилар. Абу Толиб: “Эл-юртнинг мен ҳақда ўлимдан кўркиб мусулмон бўлибди дейишларидан чўчияпман-да. Акс ҳолда сенинг хотиринг учун-оқ қабул қилган бўлардим” деб нафсига оғир келаётганини айтди ва дарди борган сари оғирлашиб, жон берди.⁹⁰

⁹⁰ Байҳақий, “Далoл-ун-нубува”, II, 214-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, II, 127-б.

Ҳазрати Ҳадижа волидамизнинг вафоти

Расулуллоҳ жанобимизнинг йигирма тўрт йиллик умр йўлдошлари, сирдошлари, дардларига малҳам бўлган муҳтарам рафиқалари ҳазрати Ҳадижа волидамиз ҳам дарду-ғуссалар билан тўлиб-тошган уч йиллик қамалдан сўнгра, ҳижратдан уч йил олдин, рамазон ойининг бошида, 65 ёшида вафот этди.⁹¹ Фахри коинот (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Ҳадижа волидамизни ўз муборак қўллари билан дафн қилдилар. Ундан ажралиб қолганидан жуда қаттиқ қайғурдилар. Бир йил ичида Ҳадижа волидамиз ва амакисининг вафот қилиши пайғамбаримизни ғам-қайғуга солганди. Шу сабабдан ҳам ўша йилни **Санат-ул-ҳузн**, яъни ҳузн йили деб атадилар.

Ҳазрати Ҳадижа волидамизнинг вафоти сеvimли пайғамбаримизни ҳолдан тойдириб, ҳаддан зиёда ғуссага солган эди. Чунки ҳазрати Ҳадижа волидамиз энг аввал иймон келтириб, Расулуллоҳ жанобимизни тасдиқ этган биринчи инсон эди. Ундан ташқари, у Расулуллоҳнинг энг катта дастаги ва тасалли берувчи маслаҳатчиси ҳам эди. Ҳамма муҳтарам пайғамбаримизга душманлик қилиб турганида у улуғ аёл бутун қалбини фақат пайғамбаримизнинг муҳаббати билан тўлдирган эди. Бутун молини, мулкани, нимаси бўлса ҳаммасини исломият йўлига харж қилиб, сеvimли пайғамбаримизнинг хизматлари юзага чиқишини кўриш ниятида тунларни мижжа қоқмай тонгларга улаганди. Расулуллоҳни ҳеч қачон хафа қилмаган, кўнглини заррача оғритмаган эди. Унинг бундай ҳимматлари ҳақида Расулуллоҳ жанобимиз вақти-вақти билан гапириб, муборак рафиқаларининг фазилатларини ёдга олар, бошқа аёлларга ибрат қилиб кўрсатардилар.

Бир куни жаноби пайғамбаримиз ташқарига чиқиб кетганларида, ҳазрати Ҳадижа онамиз У зотни орқаларидан излаб чиққанди. Ўшанда олдидан нотаниш бир киши чиқди. Бу инсон қиёфасида кўринган Жаброил алайҳиссалом эди. Ҳазрати Ҳадижа волидамиз ундан жаноби пайғамбаримизни сўрамоқчи бўлди-ю, аммо бу одам душманлардан бўлмасин деган андиша билан ҳеч нарса демасдан орқага қайтди. Уйига кирса, жаноби пайғамбаримиз уйга келиб кўйган эканлар. Ҳазрати Ҳадижа волидамиз ўзи кўрган киши ҳақида жаноби пайғамбаримизга сўзлаб берди. Ўшанда Фахри коинот жанобимиз: **“Сен кўрган ва мени ундан сўрамоқчи бўлган**

⁹¹ Абу Яъла, “ал-Муснад”, IV, 299-б, VIII, 74-б.

зот ким эканлигини биласанми? У Жаброил (алайҳиссалом) эди. Сенга салом айтишимни мendan илтимоc қилди. У яна, биздагидек ғам-ғусса, ташвиш, заҳмат ва кулфатлар бўлмайдиган жаннатда сен учун инжу-маржонлардан ясалган бир бино тайёрлаб қўйилганини ҳам сенга хабар беришимни айтди” дея марҳамат қилдилар.

Абу Жаҳл тош отолмади...

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) инсониятнинг энг бахтиёрларидан бўлган Асҳобига оламда тенгсиз ва бетақрор суҳбатлар қилиб, уларнинг қалбларини нурга тўлдирардилар. Янгидан нозил этилган ояти карималарни уларга изоҳлаб бериб, тушунтирилмаган ва тушунилмаган ҳеч нарса қолдирмасдилар. Шу билан бирга мушриклар тўпланадиган жойларга ҳам борар ва уларни ҳеч чекинмасдан иймонга даъват қилардилар. Бу ҳолга, айниқса, Абу Жаҳл ва Валид бин Муғира: “Бу кетишда Муҳаммад, ҳаммани ўз динига киритиб олади, бутларга сиғинадиган ҳеч кимни қолдирмайди” деб қаттиқ ғазабланишарди. Шу сабабли бир куни, мусулмонларнинг кўпайишини тўхта-тишнинг ягона чораси муҳтарам пайғамбаримизни ўлдириш деган қарорга келишди. Шундай қилиб, Абу Жаҳл, Валид бин Муғира ва Маҳзум ўғилларидан бир неча ёшларни ёнларига олиб, Байтуллоҳга келдилар. Ўша вақт пайғамбаримиз Байтуллоҳда намоз ўқиётгандилар. Абу Жаҳл қўлига бир тош олиб Унга қараб югурди. Ҳабиби ақрам ва Набийи муҳтарам жанобимизни тош билан уриш ниятида қўлларини кўтарган эди, унинг қўллари ҳавода ҳаракатсиз қолиб қолди. Натижада ҳеч нарса қила олмай шошиб ўзини йўқотаёзди. Шундай қўллари осмонда қолиб қолган ҳолда ўз жойига қайтди. Мушриклар ёнига қайтиб келгандан кейин қўллари ўз ҳолига келди ва қўлидаги катта тош ерга тушиб кетди.

Ўша тошни Маҳзум ўғилларидан бири қўлига олиб, “Мана кўрасиз! Уни мен ўлдираман!” деган сўзларни оғзидан кўпиртириб, жаноби пайғамбаримиз сари юра бошлади. Унга яқинлашганида кўзи кўр бўлиб, атрофни кўрмай қолди. Ундан кейин Маҳзум ўғиллари ҳаммаси биргаликда пайғамбаримиз томон бора бошладилар. Улар жаноби пайғамбаримизга жуда яқинлаганларида бирданига Уни кўздан йўқотишди. Кўзлари теварак-атрофни кўрар, фақат У зотнинг ўзларини кўришмасди. Ваҳоланки расулуллоҳнинг

муборак овозларини ҳам шундай ёнларида эшитишарди. Жоҳиллар овоз чиққан жойни уришмоқчи бўлса, товуш орқаларидан, у тарафга қараса, товуш яна бошқа жойдан эшитила бошлади. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Охири, хайратдан донг қотганларича Расулulloҳ сарваримизга ҳеч нарса қила олмай Байтуллоҳни тарк қилишди. Бу ҳолат муносабати билан Аллоҳу таоло ояти карима юборди, унда маолан: **“Уларнинг олдиларига тўсиқ қўйдик. Кўзларига парда ёпдик. Энди бошқа кўролмайдилар”** дейилди⁹².

Тоифликларни иймонга даъват

Мушриклар севимли пайғамбаримизнинг қанчалаб мўъжизаларини кўриб, гувоҳ бўлишига қарамай, жоҳилликлари ва ўжарликлари туфайли иймонга келишдан қочишарди. Устига устак, мусулмон бўлаётган болалари, ака-укалари, опасингиллари, қариндош, оғайниларига азият ва зулм ўтказишдан тап тормаётгандилар. Уларнинг кундан кунга зўрайиб бораётган бу зулм ва исканжаларидан мухтарам пайғамбаримиз қаттиқ қайғурардилар. Бир куни Сарвари олам пайғамбаримиз Маккага унча узоқ бўлмаган Тоиф деган жойга бориб, у ернинг аҳолисини исломга даъват қилмоқчи бўлдилар. Шу сабабли ёнларига Зайд бин Хорисани ҳам олиб, Тоифга бордилар. Тоифнинг обрў-эътиборлиларидан Амр ўғиллари, Абди Ёлил, Ҳабиб ва Масъудлар билан учрашдилар. Уларга ислом ҳақида гапириб, Аллоҳу таолога иймон келтиришларини сўрадилар. Улар бўлса, иймон келтириш у ёқда турсин, Расулulloҳга ҳақорат ҳам қилишди. Етмагандек “Аллоҳ пайғамбар қилиб юборишга сендан бошқасини топа олмадимми? Нима бало, Аллоҳ сендан бошқасини юборишдан ожизми? Юртимизни дарҳол тарк этгин-да қаёққа хоҳласанг ўша ёққа кет!.. Бу гапларингга ўз қавминг қулоқ солмай, қабул қилмагандан кейин бизнинг юртга келдингми? Қасам ичамизки, айни сенинг қавмингдек биз ҳам сендан узоқ турамиз. Бизга қилган, бизни чақирган ҳеч бир таклифингни, даъватингни қабул қилмаймиз” деб жаҳолатларини намоёйиш этишди.

Оламларнинг сарвари бўлган фаҳри коинот жанобимиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақоратлардан ғоятда хафа бўлиб, уларнинг олдларидан туриб кетдилар. Пайғамбаримиз Сақиф қабиласини (тоифликларни) анча вақт давомида (ўн кун,

92 Ёсин сураси, 36/9.

ҳатто баъзи ривоятлар бўйича бир ой) исломиятга даъват қилдилар. Бироқ атиги бир дона Худонинг бандаси ҳам иймонга келмади, аксинча Уни масхара қилишди, исканжага солишди ва бақриб, ғала-ғовур қўтариб, сўзларини тинглашмади. Қабиланинг болалари ва ўсмирлари Расулulloҳ ўтадиган йўлларнинг чеккаларида қаторлашиб туриб олиб, У зотга тош отиб, ҳужум қилишди. Зайд ҳазратлари тоифликлар отган тошларга ўзини қалқон қилиб, жаноби пайғамбаримизга бирор зарар келишининг олдини олишга ҳаракат қиларди. Ҳазрати Зайд севгили пайғамбаримизнинг тўрт томонидан гир айланиб, отилаётган тошларнинг У зотга тегмаслиги учун ҳаракат қиларди. Унинг муборак вужудига зарар келмасин деб, отилаётган тошларга ўзини тутиб берарди. Ўзи ҳам жони-ганини мана шундай кунларда У зотга фидо қилиш учун фурсат кутаётган эди. Тоифлик кофирлар, оламларнинг жанобини тошбўрон қилиб, азият-исканжа қилиб юртларидан чиқаришга уринишаётганди.

Ҳазрати Зайд, пайғамбаримизни ҳимоялаш учун уёқдан бўёк югурар, тошлар эса, унинг гоҳ бошига, гоҳ вужуди-ю оёқларига кетма-кет келиб уриларди. Оқибатда ҳазрати Зайднинг соғ жойи қолмай, бадани қонга бўялди. Севимли пайғамбаримизни ҳимоялаш учун ҳазрати Зайд қўлидан нима келса ҳаммасини қилаётганди. Тош отаётган золимларга овозининг борича: “Ундай қилманглар!.. Уни урманглар!.. У ҳақиқатан оламларнинг сарваридир! Расулulloҳ-ку У!.. Майли мени парчалаб ташланг, лекин илтимос пайғамбаримизга зарар келтирманг!..” деб бақирарди. Шунга қарамай, ҳазрати Зайддан ўтиб кетган тошлар Расулulloҳ жанобимизнинг муборак оёқларини ҳам қонатган эди.

Мухтарам пайғамбаримиз беҳад ғамгин, хорғин ва ярадор ҳолда Утба ва Шайба исмли ака-укаларнинг боғига яқин бир жойга етиб келдилар. Ҳар бир мусулмоннинг тап тортмай У зот учун жон фидо қила оладиган Оламлар сарвари пайғамбаримиз, у ерда ўтириб, оёқларидан оққан қонларни суртиб артиндилар. Таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқидилар. Сўнгра муборак қўлларини кўкка очиб, Аллоҳу таолога муножот қилдилар.

Жаноби пайғамбаримизнинг бу ҳолини боғ эгалари кузатиб туришарди. Расулulloҳнинг бошига келганларни кўриб, Унинг ғариб ҳолига гувоҳ бўлишгандилар. Ана шундай бир вақтда боғ эгаларининг қалбларида меҳр уйғонди. Улар ўзларининг Аддос исмли қулларидан у ғарибларга биров узум бериб юборишди. Севимли пайғамбаримиз узумни ейишдан аввал бисмиллоҳ дедилар.

Узум элтган кул христиан динида эди. Бисмиллоҳ калимасини эшитиб, ҳайрон бўлди ва “Мен йиллар давомида бу ерда яшайман, ҳеч кимдан бундай чиройли сўзни эшитмаганман. Бу қанақа сўз?” деб сўради.

Расулуллоҳ: **“Сен қаерликсан?”** дея марҳамат қилдилар. Аддос: “Нинаваликман”, деди. Расулуллоҳ: **“Ундай бўлса, сен Юнус пайғамбарнинг (алайҳиссалом) юртидан экансан”** деб марҳамат қилдилар. Аддос, “Сиз Юнусни қаердан биласиз? Уни бу ерларда ҳеч ким билмайди” деди. Расулуллоҳ: **“У, менинг қардошимдир. У ҳам мендек пайғамбар эди”** дея марҳамат қилдилар.

Аддос: “Бундай ёқимли юзнинг, бунақа ширин сўзларнинг соҳиби ёлғончи бўлиши мумкин эмас. Менинг ишончим комил бўлдики, сиз Аллоҳнинг Расулисиз” деди ва шу ернинг ўзида муслмон бўлди. Ундан кейин Аддос сўзида давом этиб, “Ё Расулаллоҳ! Йиллардир мен бу золимларга, бу ёлғончиларга куллик қиламан. Булар ҳамманинг ҳақини бемалол ейишади. Ҳаммани алдайдилар. Ҳеч бир яхши тарафларини кўрмадим. Дунёлик тўплаш ва шаҳватларини қондириш учун ҳар қандай пасткашликни қиладилар. Улардан нафратланаман. Сиз билан бирга кетгим, сизга хизмат қилиш шарафига эришгим, жоҳиллар ва аҳмоқларнинг сизга қиладиган ҳурматсизликларига қарши туриб бергим, муборак вужудингизни ҳимоя қилиш учун ўзимни фидо қилгим келади” дея арз қилди.⁹³

Расулуллоҳ жанобимиз унга табассум қилиб: **“Ҳозирча сен хўжайинларинг олдида бўлиб тургин! Бироз вақтдан кейин менинг исмиمنى ҳамма жойда эшита бошлайсан. Ана ўша вақт менинг олдимга келасан”**, дея марҳамат қилдилар. Шундан кейин бироз дам олиб, Маккага қараб йўлга отландилар. Маккага киришга икки кўноқлик (дам олиш учун тўхтаб ўтадиган) масофа қолганида, тепаларида бир булут уларга соя солиб келаётганини пайқаб қолдилар. Булутга диққат қилиб, унинг Жаброил алайҳиссалом эканлигини тушундилар. Бу ходиса ҳақида сеvimли пайғамбаримиз, Оиша-и Сиддиқага сўзлаб берган эдилар.

“Саҳиҳ-и Бухорий” ва Аҳмад бин Ҳанбалнинг **“Муснад”**ида билдирилишича: “Бир куни Оиша волидамиз, “Ё Расулаллоҳ! Сизнинг бошингиздан Уҳуд кунидан ҳам изтироблироқ ва оғирроқ бир кун ўтганми?” дея сўраган эди. Ўшанда Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Валлоҳи сенинг қавмингдан шундай**

⁹³ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 42-б.; Табарий, “Торих”, I, 344-346-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 135-137-б.; Яъқубий, “Торих”, II, 29-30-б.; Балозурий, “Ансоб” I, 227-б.*

жафолар чекдимки, Ухуд жангидаги кофирлардан ҳам бундай азоб кўрмадим. Ибн Абди Ёлил бин Абди Қуллолга нафсимни арз қилганимда (яъни нубувватимни билдириб, уни динга даъват қилганимда), у қабул қилмади. Улардан шундай бир изтироб билан қутулдимки, то Қарни Саолиб деб номланувчи жойга етиб боргунча ўзимга кела олмадим. Ўша жойдагина ғам-ғуссадан эгилган бошимни юқорига кўтара олдим. Осмонга қарасам, бир булут менга соя ташлаб турган экан. Яхшилаб тикилган эдим, булутнинг ичида Жаброил (алайҳиссалом) менга қараб турганини кўрдим. У менга нидо қилиб, “Ё Муҳаммад! Ҳақ таоло, шу қавмнинг сен ҳақда айтганларини эшитди. Сени ҳимоялашни хоҳламаганларига ҳам воқиф бўлди. Тоғлар устидан ҳукм қилувчи мана бу малакни (фаришта) Сенга юборди. Нима истагинг бўлса, унга амр қиласан...” деди. У малак менга хитоб қилиб салом берганидан сўнгра “Ё Муҳаммад! Жаброил айтганидек, Ҳақ таоло, тоғларнинг фариштаси бўлган мени сизнинг амрингизга юборди, буйруғингизни бажаришга шайман. Агар мана шу икки тоғни (Қуайқиян ва Абу Кубайс тоғлари) бир-бирига тўқнаштириб, орасидаги маккалик мушрикларни тамоман эзиб ташлашимни хоҳласангиз, бас уларни бирлаштираман” деди. Мен эса, бунга рози бўлмай, (Йўқ, мен оламларга раҳмат (раҳм-шафқат) қилиб юборилганман) Аллоху таолодан бу мушрикларнинг авлодларидан фақат Ҳаққа ибодат қилгучи ва Аллохга ҳеч нарсани шерик қўшмовчи насл пайдо қилишини сўраб илтижо қиламан, дедим.”

Муҳтарам пайғамбаримиз Тоифдан Маккага қайтаётиб, Наҳла деган жойда бир мунча истироҳат қилдилар. Бир вақт намозга турганларида Нусайбин жинларидан бир гуруҳ ўша ердан ўта бошлади. Улар сеvimли пайғамбаримиз ўқиётган Куръони карим оятларини эшитиб қолиб, тўхтаб қулоқ солдилар. Намоз тугагач пайғамбаримиз билан кўришиб, мусулмон бўлдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз уларга, “Қавмингизга бориб, уларни ҳам иймонга чақираётганимни айтинг, Уларни ҳам иймонга даъват қилинг” дея марҳамат қилдилар. Жинлар ўз қавмларига бориб бу ҳақда хабар тарқатишлари билан уларнинг ҳаммаси иймон келтириб, мусулмон бўлдилар.⁹⁴ Бу хусусда Куръони каримнинг Жин сурасида ва “Бухорий”, “Муслим” номи билан машҳур бўлган ҳадис китобларида хабар берилган. Ана шундан кейин улар тақрор Маккага йўл олдилар.

⁹⁴ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 212-б.

“Ла илоҳа иллаллоҳ” деб қутулинглар...

Ҳабиби акрам ва Набийи муҳтарам жанобимиз, Мутъим бин Адийнинг химоясида Маккага келдилар. Инсонларни ҳақ йўлга даъват қилишда давом этдилар. Буни кўрган мушриклар бадтар қутуриб, аввалгидан ҳам шиддатли қийноқ ва зулм қилишга кўчдилар. Шунда жаноби Ҳақ, пайғамбаримизга зиёрат мавсуми даврида Каъбага келган зиёратчиларни исломга даъват қилишларини амр қилди.

Муҳтарам пайғамбаримиз Аллоҳу таолонинг ушбу амрини бажариш мақсадида Макка атрофида қурилган Зулмажоз, Укоз ва Мажанна кўчма бозорларига бориб, у ерга келган қабилаларни Аллоҳу таолонинг яғоналигига ва фақат Унга ибодат қилишга чақириб, ўзларининг пайғамбар эканликларини ҳам қабул қилишларини таклиф қилдилар. Агар уни қабул қилсалар жаноби Ҳақ уларга жаннатни насиб этишини айтдилар. Сарвари олам пайғамбаримизнинг ёлворгудек бўлиб қилган даъватларига, афсуски, уларнинг ҳеч бири қулоқ солмасди, аксинча баъзилари жуда кўпол муомалада бўлар, ҳақорат ҳам қиларди, баъзилари эса, қовоқларини туйиб, ёмон сўзлар айтарди. Қурайш мушриклари эса, Расулulloҳнинг ордидан қолмай, У зот қайси қабиланинг ёнига даъват қилгани борса, улар ҳам бориб, эшитувчиларни чалғитишга ва қалбларига гумон солишга уринарди.

Имоми Аҳмад, Байҳақий, Табароний ва Ибн Исҳоқларнинг хабар беришларича, Рабаи бин Аббад шундай ривоят қилади: “Ҳали ёш бола эдим. Отам билан бирга Минога боргандик. Расул алайҳиссалом араб қабилалари тўхтаган жойларга борардилар-да: **“Эй фалон ўғиллари! Топинаётган шу бутларни ташлаб, Аллоҳу таолога ҳеч қандай шерик қўшмасдан ибодат қилишингизни, менга ишониб, мени тасдиқ қилишингизни, Ҳақ таоло тарафидан юборилиб, менга юкланган вазифани тўлиқ бажо келтиргунимча мени химоя қилишингизни сизларга буюрган Аллоҳу таолонинг расулиман!..”** дея марҳамат қиларди.

Ордидан қолмай эргашиб юрган сочлари ўрилган, ғилай одам эса: “Эй фалонча ўғиллари! Бу одам, сенларни бутларинг Лот ва Уззага сиғинишдан воз кечириб, ўзи ўйлаб топган динга чақирмоқда!.. Ундан эҳтиёт бўлинглар... Унга қулоқ солманглар ва сира Унга

итоат қилувчи бўлманглар!..” деб бақирарди. Мен эса, отамдан, “У зотнинг ортидан эргашиб бақириб юрган киши ким?” деб сўрадим. “У ўша зотнинг амакиси Абу Лаҳаб бўлади”, дея жавоб берди.

Табароний Торик бин Абдуллоҳдан шундай ривоят қилган: “Расул алайҳиссаломни мен Зулмажоз кўргазмасида кўрдим. Ҳамма яхши эшитсин деб баланд овозда: **“Эй одамлар! “Ла илоҳа иллаллоҳ (Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқ)” денглар, қутуласизлар”** деб жар соларди. Унинг ортидан эргашиб келаётган бир киши эса, қўлига тушган тошларни Унинг оёқларига отиб: “Эй жамоат! Унга ишонманглар! Ундан сақланинглар! Чунки У ёлғончи!..” деб бақирарди. Тошлар шунча кўп отилган эдики, Расулulloҳнинг муборак оёқларини қонатиб юборганди. Шунга қарамай, У ҳеч чекинмасдан, чарчоқ нима билмай даъват қилишда давом этарди. Бир киши “Бу одам ким бўлади?” деб сўради. Кимдир, “Абдулмутталиб ўғилларидандир” деб жавоб қилди. “Тош отаёгани ким?” деганларида “Унинг амакиси Абу Лаҳаб” дедилар.

Имоми Бухорий **“Торих-ул-кабир”** китобида ва Табароний ҳам **“Муъжам-ул-кабир”** китобида айтадиларки: “Мудрик бин Муниб отасидан, у ҳам отасидан (Мудрик бин Мунибнинг бобосидан) нақл қилиб қуйидагиларни айтдилар: “Отам билан Минога келиб ётиб қолгандик. Бир жамоатга дуч келдик. Бир киши уларга қараб, **“Эй одамлар! “Ла илоҳа иллаллоҳ” денглар-у, қутулинглар”** дея марҳамат қилаётган эди. Атрофдаги кишилардан баъзилари Унинг чиройли юзига тупирарди, баъзилари эса, Унинг бошига тупроқ сочарди, яна айримлари сўкиб, турли ҳақоратлар қиларди. Шундай аҳвол тушгача давом этди. Бир пайт бир қиз бола қўлида сув идиши билан у ерга келди. Уни шу аҳволда кўриб, йиғлай бошлади. Ҳалиги киши қизча олиб келган сувдан ичиб бўлганидан кейин, **“Эй қизим. Отам тузоққа туширилиб ўлдирилади ёки хорланади деб ўйлаб кўркмагин!”** деб марҳамат қилдилар. Ўшанда биз “Бу одам билан ёнидаги қизча ким?” деб сўрадик. “У Абдулмутталиб ўғилларидан Муҳаммаддир. Ёнидагиси эса, кизи Зайнабдир” деган жавоб эшитдик.”

Саид бин Яҳё бин Саид ал-Амавий **“Мағозий”** китобида отасидан нақл қилган. У ҳам Абу Наимдан, Абдуррахмон Амирийдан, у ҳам бир қанча кишилардан қуйидагича ривоят қилган: Бир куни севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Укоз бозорига

бордилар. У ерда Бани Амир қабиласининг ёнига бориб, уларга **“Эй Бани Амир! Сизлардан ҳимоя сўраб келган одамларни қандай қўриқлайсизлар?”** деб сўрадилар. Улар эса, “Биз шундай довурак авлодмизки бизга ҳеч ким ножўя гап айтишга журъат қила олмайди. Ҳатто бизнинг ижозатимизсиз оловимиздан биронта жон ҳам исина олмайди!..” деб жавоб беришди. Пайғамбаримиз: **“Мен Аллоҳу таолонинг расулиман. Ёнингизга келиб, Раббимнинг менга юклаган пайғамбарлик вазифасини инсонларга таблиғ қилиб бўлгунимча мени ҳимоя қиласизларми?”** деб марҳамат қилдилар. Улар, “Сен Қурайш ичида кимлардансан?”, дейишди. Сарваримиз: **“Абдулмутталиб ўғиллариданман”**, дедилар. Улар: “Модамики, Абдулмутталиб ўғилларидансан, нега улар сени ҳимоя қилмаяптилар?” деб савол қотдилар. Расулulloҳ жанобимиз: **“Афсуслар бўлсинки, мени ёлғончига чиқариб, инкор қилишда улар биринчилардан бўлишди”** дедилар. Шунда Бани Амир қабиласи мансублари Расулulloҳга: **“Эй Муҳаммад! Шунини билиб кўйгин, биз сени на рад қиламиз, на айтганларингга иймон келтирамиз. Лекин сен, пайғамбарлик вазифангни одамларга таблиғ қилиб бўлгунингча сени ҳимоя қиламиз.”**

Бу гаплардан кейин муҳтарам пайғамбаримиз, уларнинг ёнига ўтирдилар. Шу пайтда Бани Амирнинг обрўлиларидан Байҳара бин Форис, савдо-сотигини тугатиб, қабиладошлари ўтирган жойга қайтди. Ўтирганлар орасида жаноби пайғамбаримизга кўзи тушиб, “Бу одам ким?” деб сўради. Улар эса: “Бу киши Муҳаммад бин Абдуллоҳ” дейишди. Байҳара эса: “У билан нима ишларинг борки, ёнларингдан жой берибсанлар?” деди ҳайрат билан. “У биздан ёрдам сўради, Аллоҳнинг расулиман деди ва пайғамбарлик вазифасини таблиғ қилиб бўлгунча уни ҳимоя қилишимизни илтимос қилди” дейишди. Шундан сўнг Байҳара, пайғамбаримизга қараб: “Сени ҳимоямизга олиш, барча арабларнинг ўқиға кўксимизни қалқон қилишимиз демакдир, тушунасанми шуни!” дедида, ўз қавмига қараб, “Шундай катта бозорга келиб, ўз юртига сенлардан ҳам ёмонроқ нарса билан қайтаётган биронта қабила топилмаса керак. Демак, сенлар бутун арабларга қарши уруш қилмоқчисанлар, уларнинг ўқларига ўзларингни нишон қилмоқчисанлар, шундайми?!... Сенларда қалла борми ўзи? Агар бу одамда зиғирча хайр ва яхшилик бўлганда эди, Уни энг аввал ўз қавми ҳимоясига

оларди. Сенлар бўлса, ўз туққан қавми инкор қилиб, ёнларидан хайдаган бир одамни ҳимояларингга олиб, Унга ёрдам бермоқчи бўлаяпсанлар!... Қандай бемаънилик! Қаттиқ адашяпсанлар, қаттиқ!..” деб дўқ қилди.

Кейин яна мухтарам пайғамбаримизга юзланиб, хиддат билан: “Тезда орамиздан чиқиб, эсинг борида элингни топ!.. Қасам ичаманки, агар қавмимнинг орасида бўлмаганингда, ҳозир сенинг бошингни танингдан жудо қилган бўлардим!..” деган бадбахтона пўписалар қилди. Бундай оғир сўзлардан оламлар сарвари жанобимиз жуда қаттиқ хафа бўлиб, ўринларидан турдиларда туяларига минмоқчи бўлдилар. Ўша пайтда Унга қаҳр билан қараб турган густоҳ Байҳара, дарров Расулulloҳни ушлаб юлқиб, жанобимизни туядан йикитди. Бу ҳодисани кўриб қолган Асҳоби киромдан Дабаа бинти Амир исмли бир аёл фарёд кўтариб: “Аллоҳу таолонинг ҳабибига ҳам шундай муомала қилинадими? Расулulloҳга буни қандай раво кўраяпсанлар? Менинг хотирим учун Расулulloҳни уларнинг кўлидан кутқариб оладиган биронта мард йўқми бу ерда?” деб ўз қабиладошларига қаради. Шунда амакисининг ўғилларидан уч мард йигит дарҳол сапчиб, бахти қора Байҳарага ташланишди. Байҳаранинг қавмидан иккитаси унга ёрдам беришга уринишган бўлса-да, йигитлар Байҳарага кўшиб, ёрдамчиларини ҳам дўппослаб ташлашди. Буни кўрган пайғамбаримиз Ўзлари учун олишаётган ҳалиги уч йигитга атаб: **“Ё Рабби! Уларга баракотингни эҳсон айлагин!”**, Байҳара ва унга ёрдам беришга уринганларга эса: **“Ё Рабби! Буларни эса, раҳматингдан узоқлаштиргин”** дея дуо қилдилар.

Сарвари коинотнинг хайр дуо қилганлари мусулмон бўлиш шарафига эришдилар, наригилари эса, кофир ҳолида жон бердилар. Бани Амир қабиласи юртларига қайтиб борганларида Маккада бўлган воқеаларни қавми орасида самовий китобларни ўқиган кекса бир кишига гапириб беришди. Кекса зот пайғамбаримизнинг исмларини эшитиши билан, “Эй Бани Амир! Нималар қилиб кўйдингиз? Исмоил ўғиллари авлодидан ҳали ҳеч бири шу кунгача ёлғондан пайғамбарлик даъво қилмаган, ахир! Муҳаққақки, Унинг айтганлари тўғри ва ҳақ эди. Қўлларингда турган шундай олтин фурсатни бой берибсанларки, оҳ қани энди уни ортга қайтариш мумкин бўлса!..” деб уларни анча койиди.

Меърож

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шу тариқа кўрган ҳар бир қабилага исломни таблиғ қилдилар. Улардан ҳимояларини ва инсонларга исломни таблиғ қилишда ёрдамчи бўлишларини илтимос қилдилар. Бироқ ҳеч ким на мусулмон бўлди, на У зотни ҳимоя қилишга рози бўлди. Даъватни қабул қилмаганлари етмагандек, оламлар сарварини ҳақорат, масхара қилишдек пасткашликкача бориб, зулм қилдилар, ёлғончига чиқардилар. Саравари коинот пайғамбаримиз мушрикларнинг тўхтовсиз турткилашларидан, ҳақоратларидан жуда хафа, ғамгин, очлигу ташналикдан ҳолдан тойган ва ҳуззли эдилар. Кундузлари аксарият шундай ўтарди, кечалари ҳам узоқ вақт шу ҳолда қолардилар. Маккалик мушриклар тинмай ҳар меҳмоннинг орқасидан илашиб юрар, Каъбани зиёратга келганларнинг мусулмон бўлишларига тўсиқ бўлиш билан бирга, Ҳабиби акрам жанобимизга зиён-заҳмат етказишга ҳаракат қилишарди. Борган сайин Расулulloҳнинг борадиган жойи қолмаётганди. Ҳамма ёқ душман эди. Ўша куни кечаси амакиси Абу Толибнинг қизи Умми Хонийнинг Абу Толиб маҳалласидаги уйига келдилар. Эшикни қоққанида ичкаридан: “Ким у?” деган товуш эшитилди. Расулulloҳ: **“Амакинг ўғли Муҳаммадман. Қабул қилсанг сенга меҳмонга келдим”** дея марҳамат қилдилар. Умми Хоний у вақтлар ҳали иймон келтирмаган эди. Шунга қарамасдан Расулulloҳнинг ташрифларидан мамнун бўлиб: “Сиздай тўғри сўзли, амин (ишончли), асл, шарафли меҳмонга жоним фидо бўлсин. Фақат олдиндан хабардор бўлганимда бирон егулик тайёрлаб кўярдим. Ҳозир эса, сизга икром қилишга ҳеч нарсам йўқ” деди ҳижолат бўлиб. Расулulloҳ эса: **“Егулик керак эмас. Еб-ичадиган ҳеч нарсада кўзим йўқ. Фақат Раббимга ибодат қилиш, Унга ёлвориб учун кичик жой бўлса, кифоя”** дея марҳамат қилдилар.

Умми Хоний, севимли пайғамбаримизни ичкарига киритиб, Унга бир шолча, тоғора ва қумғон берди. Арабларда уйига келган меҳмонга икром кўрсатиш, уни душмандан ҳимоялаш энг шарафли вазифа ҳисобланарди. Бир арабнинг уйидаги меҳмонга бирон зарар келиши уй эгаси учун жуда катта юзи қоралик бўлиб ҳисобланарди. Умми Хоний “Бу қариндошимнинг Маккада душманлари кўп. Ҳатто Уни ўлдирамиз деб юрганлар бор. Шу сабаб уйимизнинг шон-

шарафини ҳимоя қилиш учун эрталабгача қўриқлаб чиқаман” деб ҳаёлидан ўтказди. Отасининг қиличини олиб, уйининг атрофида айланиб юрди.

Расулуллоҳ ўша уни жуда қаттиқ хафа бўлгандилар. Таҳорат олиб, Раббига ёлворишни, Ундан афв тилашни, бандаларининг иймонга келиб, саодатга эришишларини сўраб дуо қилишни бошладилар. Ҳаддан зиёд хорғин, оч ва ғамгин эдилар. Умми Хоний берган шолчанинг устида ухлаб қолдилар.

Ўша вақт Аллоҳу таоло Жаброил алайҳиссаломга: **“Севикли пайғамбаримни бугун кўп хафа қилдим. Муборак баданини, нозик қалбини кўп оғритдим. Шу ҳолда ҳам У яна менга ёлвормоқда. Мендан бошқа ҳеч нарсани ўйламайди. Дархол унинг олдига боргин, Ҳабибимни бу ерга олиб келгин! Жаннатимни, жаҳаннамимни унга кўрсатгин. Унга ва Уни севадиганларга тайёрлаб қўйган неъматларни кўрсин.**

Унга ишонмаганларга, Уни сўзлари, ёзувлари ва ҳаракатлари билан ранжитганларга тайёрлаб қўйилган азобларни ҳам кўрсин. Унга мен тасалли бераман. Унинг нозик қалбининг яраларини мен тузатаман” деб буюрди.

Одам қиёфасида келган Жаброил алайҳиссалом, Расулуллоҳни осуда ухлаб ётган ҳолида топди. Ширин уйқусини бузгиси келмади. **Муборак оёғининг тагини ўпди. Малакларнинг қалби ва қони бўлмагани туфайли совуқ дудоклари Расулуллоҳни уйғотиб юборди.** Пайғамбаримиз уйғониб, Жаброил алайҳиссаломни бир қарашда танидилар. **“Эй Жаброил қардошим! Нимага бундай бевақт келдинг? Ёки бирор хато қилиб қўйиб, Раббимни норози қилдимми? Менга нохуш хабар келтирдингми?”** деб, Раббини хафа қилиб қўйишдан қаттиқ безовта бўлиб, қўрқдилар.

Жаброил алайҳиссалом: **“Эй бутун яратилганларнинг хожаси! Эй Яратганнинг севгилиси, эй пайғамбарларнинг жаноби, яхшиликлар манбаи, улуғликлар булоғи бўлган шарафли ва буюк пайғамбар! Раббингиз сизга салом айтди ва сизни ўз ҳузурига қақиряпти. Лутфан ўрнингиздан туринг, Унга борамиз”** деди.

Муҳтарам пайғамбаримиз таҳорат олдилар. Жаброил алайҳиссалом расулуллоҳнинг муборак бошларига нурдан имома (бошга кийиладиган маҳсус бош кийими), эгниларига нурдан бир либос кийдирди, белларига ёқутдан тасма (камар) тақди. Муборак қўлларига тўрт юзта инжу билан безатилган зумрад бир ҳасса ҳам

ушлатиб қўйди. Инжуларнинг ҳар бири Зухро юлдузи сингари порлаб турарди. Муборак оёқларига яшил зумраддан пойафзал кийдирди. Ундан сўнгра улар қўл ушлашиб, Каъбага келдилар. У ерда Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримизнинг муборак кўксини ёриб, муборак юракларини танасидан чиқариб олди. Зам-зам булоғида ювгач ҳикмат ва иймон тўлдирилган бир идишдан унинг ичига солди ва кўксини ёпиб қўйди.

Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом жаннатдан келтирилган Буроқ исмли оқ рангли ҳайвонни кўрсатиб: “Ё Расулаллоҳ! Унга мининг! Бутун малаклар сизни кутмоқда” деди. Шунда пайғамбаримиз бир мунча маънос тортиб, тафаккурга чўмдилар. Аллоҳу таоло Жаброил алайҳиссаломга: “Эй Жаброил! Сўрагинчи, Ҳабибим нега ғамгин бўлиб қолди?” деган хабар юборди. Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳдан сабабини сўраганида, Сарваримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Мен бунчалар иззат ва икром кўряпман. Аммо хотиримга шу нарса келдики, қиёмат куни, заиф умматимнинг аҳволи нима бўлади? Эллик минг йил Аросат майдонида яланг оёқ бунча гуноҳларини қандай кўтариб юрарлар ва ўттиз минг йиллик йўл бўлмиш сиротдан қандай қилиб ўтарлар?”** дедилар.

Шунда фармони илоҳий келиб: “Эй Ҳабибим! Асло ғам чекмагин, хотиринг жам ва хуш бўлсин. Сенинг умматингга эллик минг йиллик йўлни бир баҳялик қилиб қўяман” дейилди.

Жаноби пайғамбаримиз Буроқка миндилар. Буроқ жуда тез юрарди. Бир одим ташлаганида уфқдан нарига ўтиб кетарди. Йўл давомида Жаброил алайҳиссалом пайғамбаримизга баъзи тўхтаб ўтадиган жойларда намоз ўқишини айтди. Шунинг учун Оламларнинг сарварии йўлда уч жойда тўхтаб намоз ўқидилар. Жаброил алайҳиссалом Ундан намоз ўқиган жойларининг қаерлар эканлигини биласизми деб сўради да кутиб турмай жавобини ҳам ўзи бериб, "биринчи тўхтаган жойимиз Мадина, шу шаҳарга хижрат қиласиз" деди. Бошқа жойларни ҳам навбати билан, ҳазрати Мусонинг Аллоҳу таоло билан воситасиз ва билинмаган бир шаклда сўзлашган жойи Тури Сино эканлигини, кейинги жой эса Исо алайҳиссалом туғилган Байти Лаҳм эканлигини айтди. Ундан кейин Қуддусдаги Масжиди Ақсога келдилар.

Масжиди Ақсода Жаброил алайҳиссалом бир қояни бармоғи билан тешиб, унга Буроқни боғлади. У ерда ўтмишда ўтган

пайғамбарларнинг баъзиларининг рухлари жисмоний ҳолда йиғилдилар. Жаброил алайҳиссалом намозни бошлаш учун Одам, Нух ва Иброҳим пайғамбарларга (алайҳимуссалом) навбати билан имомликка ўтишларини сўради. Уларнинг барчаси узр айтишиб, таклифни қабул қилмадилар. Шунда Жаброил: “Сиз бор жойда бошқаси имом бўлолмайди” деди-да, Расулуллоҳни олдинга ўтказди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, пайғамбарларга имом бўлиб, икки ракат намоз ўқидилар. Ундан кейинги ҳодисалар жаноби пайғамбаримиз номидан қуйидагича нақл этилади: “**Жаброил (алайҳиссалом) менга бир идишда жаннат шароби, бошқа бир идишда сут келтирди. Улардан мен сутини олдим. Жаброил (алайҳиссалом), менга фитратни танладингиз (икки жаҳон саодатини танладингиз) деди. Кейин яна иккита қадахда, бири сув, бошқаси болга тўлдирилган ичимлик манзират қилдилар. Иккаласидагиларни ҳам ичдим. Жаброил, “Ичган болингиз, умматингизнинг қиёматгача давом қилишига, сув эса, умматингизнинг гуноҳлардан тозаланишига ишоратдир” деди. Сўнгра иккимиз бирга кўкка кўтарилдик. Бир ерда Жаброил (алайҳиссалом) эшикни қоқди. “Сен кимсан” дейишди ичкаридан. “Мен Жаброилман” , дея жавоб қилди Жаброил. “Яхши, ёнингдаги ким?” дейилди нариги томондан. “Бу Муҳаммад(алайҳиссалом)” деди Жаброил. “Унга (кўкка чиқишга ваҳий ва Меърож даъвати) юборилдими?” дейилди ичкаридан. “Ҳа, юборилган” деб жавоб қилди Жаброил. Шундан кейин, “Марҳабо келаётган зотга! Бу келаётган киши нақадар гўзал йўловчи” дедилар ичкаридан ва дарҳол эшик очилди. Мен эса, Одамнинг (алайҳиссалом) қаршисида турардим. У менга “Марҳабо” деди ва дуо қилди. ...**

У ерда жуда кўп малоикани кўрдим. Уларнинг ҳаммаси қиёмда хушуъ билан туриб, “Суббухун қуддусун рабб-ул-малоикати вар-руҳ” зикри билан машғул эдилар. Жаброилдан, “Бу малакларнинг ибодатлари шуми?” деб сўрадим. “Ҳа, булар яратилганларидан то қиёматгача қиёмда турадилар. Ҳақ таолодан сўрангки, бу ибодатни умматингизга ҳам насиб этсин” деди. Ҳақ таолодан тиладим. Дуом қабул бўлди. Намоздаги қиём ана ўшадир.

(У ерда) бир жамоатга дуч келдим. Бошларини малаклар

янчиб-эзиб ташларди, бошлар яна такрор аслига қайтарди. Уларни малакалар яна эзишарди, бошлар эса, яна эски жойига қайтарди. Уларнинг кимлигини сўрадим. “Жумани ва жамоатни тарк қилганлардир. Руку ва саждаларни тўла қилмаганлардир” дейилди.

Бир жамоатни кўрдим, улар оч ва яланғоч эдилар. Забонийлар (дўзахийларни дўзахга олиб борувчи фаришталар) уларни жаҳаннамга ташлаш учун судрарди. “Булар кимлар?” дея сўрадим. “Камбағалларга марҳамат қилмаганлар ва закот бермаганлардир” дедилар.

Яна бир жамоатга дуч келдим. Буларнинг олдига нафис, лаззатли таомлар қўйилган эди. Ён томонда ўлаксалар ҳам турарди. У жамоат, нафис овқатларни қўйиб, ўлаксадан ейишарди. “Булар кимлар?” дедим. “Булар, ҳалолни тарк қилиб, ҳаромга майл қилган эркак ва аёллар. Ҳалол моллари бўла туриб, ҳаромни еб юрганлардир” дея жавоб беришди.

Елкаларига ортиб қўйилган юкнинг оғирлигидан ҳаракатга мажоли қолмаган бир гуруҳга дуч келдим. Шундай ҳолда ҳам улар одамлардан устиларига яна бироз юк қўйишларини сўрашарди. “Булар кимлар?” дедим мен хайрат билан. “Булар, омонатга хиёнат қилганлардир. Булар одамларнинг ҳақини олиб, яна уларга зулм ҳам қилардилар” деган жавоб эшитдим.

Ўз гўштарини ўзлари кесиб олиб еб турган бир гуруҳга дуч келдик. “Булар кимлар?” деб савол бердим. “Булар ғийбатчилар ва кишилар орасида миш-миш тарқатувчилардир” дея жавоб қилди Жаброил (алайҳиссалом).

Юзлари қора, кўзлари кўк, устки дудоқлари пешонаси-га чиқиб кетган, пасткиси эса, оёқларигача шалвираган, оғизларидан қон ва йиринг оқиб турган бир гуруҳ одамларни кўрдим. Уларга оловдан ясалган қадаҳларда жаҳаннамдан оқиб чиқаётган заҳарли қон ва йирингни ичирардилар, улар эшаклардай овоз чиқариб бақирарди. “Булар кимлар?” деганимда, “Булар маст қилувчи ичимлик ичганлардир” деган жавоб эшитдим.

Тиллари энсаларидан тешиб чиқарилган, қиёфалари ўзгартирилиб, хинзир (тўнғиз) шаклига киритилган ҳолда азоб берилаётган бир гуруҳ одамларга дуч келдик. Жаброил (алайҳиссалом) уларни кўрсатиб, “Мана булар дунёда ёлғондан

гувоҳлик берганлар” деди. Бошқа бир қавмга рўпара бўлди. Буларнинг қоринлар шишиб кетиб, пастга осилиб турарди, ранглари қўқариб кетган, қўл ва оёқлари боғланиб, кимирламайдиган қилиб қўйилганди. Булар ҳақида ҳам Жаброилдан сўрадим. “Булар фоиз еганлардир” дея жавоб берди у.⁹⁵

Бир гуруҳ аёлларга дуч келдик. Буларнинг юзлари қора, кўзлари қўқ эди. Эгниларига оловдан кийим кийгизилганди. Фаришталар уларни оловдан ясалган гурзилар билан урарди. Улар эса, ит ва тўнғизларнинг овозига ўхшаш овоз чиқариб додлашарди. “Булар кимлар?” деган эдим, Жаброил: “Булар зинокор ва эрларини ранжитган аёллардир” дея жавоб берди.

Бир жамоат кўрдим. Улар ниҳоятда кўпчилик эди. Жаҳаннам водийларига қамаб қўйилганди. Уларни шундай даҳшатли олов бир зумда ёндириб, қулга айлантирарди. Сўнгра яна тирилтирилиб, такрор ёқиб қул бўларди. Буларнинг кимлигини сўраганимда, “Булар оталарига осий бўлганлар” жавобини эшитдим.

Бир жамоатни йўлиқтирдим. Булар экин экар ва экканлари дарҳол етилиб ҳосил берарди. “Булар кимлар?” дедим. Жаброил, “Аллоҳу таоло учун ибодат қилганлар” деди.

Бир дарё ёқасига бордим. Унинг ажойиб-ғаройиб кўринишини сўз билан тушунтириб бериш мумкин эмас. Унинг суви сутдан ҳам оқ бўлиб, тўлқинлари тоғлардай баланд эди. “Бу қандай дарё?” деб сўрадим. “Бу дарёнинг исми Ҳаёт денгизидир. Ҳақ таоло ўлганларни тирилтирадиган пайтда мана шу дарёдан ёмғир ёғдиради. Бу ёмғир натижасидаа чириб, парчаланиб кетган баданлар, мисоли майсалардек мозорлардан кўтариладилар” деб, саволимга жавоб берди.

Кейин иккинчи қават осмонга чиқдик. Жаброил (алайҳиссалом) бу ерда ҳам эшикни тақиллатди. Ичкаридан “Сен кимсан” деган овоз эшитилди. “Мен Жаброилман” деди. “Яхши, ёнингда ким бор?” дея сўради яна. “У Муҳаммад алайҳиссаломдир” дея жавоб қилди Жаброил (алайҳиссалом). “Унга ваҳий ва Меърож даъвати юборилдими?” дейишди. “Ҳа, келди” деди Жаброил. “Марҳабо келаётган зотга! Бу келаётган киши нақадар гўзал бир йўловчи!” дедилар ичкаридан ва

⁹⁵ Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 208-б.

дархол эшик очилди. Мен холаваччалар Исо ва Яхё бин Закариёга (алайҳимассалом) рўпара бўлдим. Улар менга “Марҳабо” дедилар ва дуо қилдилар...

У ерда малоикадан ташкил топган бир жамоатга дуч келдим. Улар саф тортиб, барчаси рукуда турарди. Ўзларига хос бир тасбиҳни қайтарардилар. Улар ҳамиша шу ҳолатда туриб, бошларини кўтариб юқорига қарамас экан. “Бу малакларнинг ибодатлари мана шундай. Ҳақ таолодан сўрангки, бу ибодат умматингизга ҳам насиб бўлсин” деди менга Жаброил(алайҳиссалом). Дуо қилдим, дуом қабул бўлиб, намозда руку эҳсон этилди.

Бундан кейин учинчи қават осмонга чиқдик. Худди олдингидек савол-жавоблардан кейин эшик очилди ва мен ўзимни Юсуфнинг (алайҳиссалом) олдида кўрдим. Унга шундай боқиб, амин бўлдимки, унга гўзалликнинг ярми берилибди. У ҳам менга “Марҳабо” деди ва дуо қилди...

У ерда ҳам жуда кўп малоика кўрдим. Улар саф тортган ҳолда кимирламай саждада турарди. Афтидан яратилганларидан бери саждада бўлиб, ўзларига махсус тасбиҳни қайтаришар экан. Жаброил (алайҳиссалом) менга: “Бу малакларнинг ибодати мана шундан иборат. Сиз ҳам Ҳақ таолодан сўрангки, бу амални умматингизга муяссар қилсин” деди. Мен Ҳақ таолодан сўрадим. Дуом қабул бўлиб, намозда сажда қилиш сизларга насиб бўлди.

Тўртинчи қават осмонга ҳам чиқдик. Соф кумуш ва нурдан ясалган дарвозаси бор эди. Унга нурдан бир қулф осилган эди. Қулфнинг устига “Ла илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ” деб ёзиб қўйилган эди. Бу ерда ҳам юқорида таърифлангандек савол-жавоблардан кейин, ичкари кириб, Идрисга (алайҳиссалом) юзма-юз келдим. Менга “Марҳабо” деди-ю дуолар қилди. Аллоҳу таоло у ҳақида (маолан) “Биз уни юксак бир маконга кўтардик” деб буюрган.⁹⁶

Шу жойда бир фариштага кўзим тушди. Ўзи бир курсида ғамгин ва махзун ҳолда ўтирарди. Атрофида шунчалар кўп малоика бор эдики, уларнинг сони фақатгина жаноби Ҳаққа аён эди. Унинг ўнг тарафида нуроний, яшил кийимли, хушбўй хид таралиб турган фаришталар тизилишганди. Уларнинг гўзалликларидан юзларига қаралса, кўз қамашарди. Чап

96 Марям сураси, 19/57.

тарафида эса, оғизларидан оловлар чиқиб турган фаришталар бор эди. Буларнинг ёнларида оловдан найза ва қамчилари бўлиб, кўзлари шундай даҳшатли эдики, уларга тик қарашга тоқат етмасди. Тахт устида ўтирган ҳалиги малакнинг вужуди бошидан оёғигача кўздан иборат эди. Доимо олдидаги дафтарга тикилганича бир зумга ҳам ундан кўз узмасди. Олдида шундай бир дарахт бор эдики, ҳар бир япроғига бир кишининг исми ёзилиб қўйилганди. Олдида лаганга ўхшаш бир нарса бор бўлиб, лагандан гоҳ ўнг қўли билан ўнгдаги нуроний малакларга бирон нарса олиб бериб юборар, гоҳ чап қўли билан яна бир нарса олиб, чап тарафидаги зулмоний малакларга берарди. Унга назарим тушганида беихтиёр юрагим ортга тортиб кетди ва “Бу фаришта ким?” дея Жаброилдан сўрадим. Жаброил эса, “Бу малак Азроилдир. Унинг юзини кўришга ҳеч кимнинг тоқати етмайди” дея жавоб қилди ва унинг олдига бориб, “Эй Азроил! Бу охир замон пайғамбари, Аллоҳу таолонинг ҳабиби ва севгилисидир” деди. Азроил (алайҳиссалом) бошини кўтариб, табассум қилди. Ўрнидан туриб менга таъзим қилдида “Марҳабо! Ҳақ таоло сиздан ҳам шарафлироқ бўлган бошқа кимсани яратмади. Умматингиз ҳам барча умматлардан устундир. Мен сизнинг умматингизга ота-оналаридан ҳам кўпроқ ачинаман” деди. Мен эса унга, “Сендан бир илтимосим бор. Биласан, умматим заиф. Улар билан юмшоқ муомалада бўлгин. Уларнинг руҳларини мулойимлик билан олгин” дедим. “Сизни энг сўнгги пайғамбар қилиб юборган ва ўзига ҳабиб этган Аллоҳу таолонинг ҳаққи учун айтаман, кечаю кундуз Аллоҳу таоло етмиш марта “Уммати Муҳаммаднинг руҳларини юмшоқлик ва қулайлик билан олгин, уларнинг ишларини лутф билан ҳал қилгин” дея амр қилиб туради. Шу сабабдан мен ҳам сизнинг умматингизга ота-онасидан ҳам ортиқча шафқат кўрсатаман” деди.

Ундан кейин бешинчи қат осмонга кўтарилдик. У ерда Хорун (алайҳиссалом) билан учрашдик. У ҳам менга “Марҳабо” деди ва хайрли дуолар қилди. Бу қаватда ҳам бир гуруҳ малониканинг ўзига хос ибодатларига гувоҳ бўлдим. Уларнинг барчаси тик туриб, кўзларини оёқ бармоқларига тиккан, асло бошқа томонга қарамаган ҳолда товуш чиқариб тасбиҳ қилардилар. Мен Жаброилдан (алайҳиссалом), “Бу фаришталарнинг ибодатлари

шундайми?” дея сўрадим. “Ҳа, сиз ҳам Ҳақ таолодан тилангки, бу ибодатни умматингизга насиб айласин” деди **Жаброил**. Дуо қилдим, **Жаноби Ҳақ** бу ибодатни умматимга эҳсон қилди.

Олтинчи қаватга чиққан эдик, **Мусо** (алайҳиссалом) қаршимизда пайдо бўлди. У ҳам менга “**Мархабо**” деди ва хайрли дуо қилди. Сўнгра еттинчи қават осмонга кўтарилдик. Аввалгидай савол-жавоблардан кейин **Иброҳимни** (алайҳиссаломни) **Байти Маъмурга** орқасини суяб турган ҳолда учратдим. **Байти Маъмур** шундай бир жойки, ҳар куни у ерга тавоф қилгани етмиш минг фаришта кириб чиқади (лекин шунда ҳам уларга қайта навбат келмайди). **Иброҳимга** (алайҳиссалом) салом бердим. У алик олиб, “**Мархабо солих пайғамбар, солих ўғил**” дедилар. (Кейин) “**Ё Муҳаммад! Жаннат бағоят латиф ва тупроғи тозадир. Умматингизга айтинг, у ерга кўпроқ дарахт ўтқазсинлар**” дедилар. “**Жаннатга қандай қилиб дарахт ўтқазилади?**” дедим. “**Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ**” (Бошқа бир ривоятда эса, “**Субҳоналлоҳи валҳамдулиллоҳи ва ла илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар**”) тасбиҳини ўқиш билан” дедилар. (**Жаброил** алайҳиссалом) сўнгра мени **Сидрат-ул-мунтаҳога** келтирди. Унинг япроқлари худди филнинг қулоқларидек бўлиб, мевалари минора кўринишида эди.⁹⁷ У Аллоҳу таоло ҳар бир амрига биноан шундай ўзгариб, чиройдан чиройга кирардики, Аллоҳу таоло яратган муҳлуқлардан ҳеч бири унинг чиройи ва гўзаллигини таърифлай олмайдиган даражада эди.

Жаброил (алайҳиссалом), **Сидрат-ул-мунтаҳонинг** бошига олиб борди ва мен билан хайрлашди. Мен унга, “**Эй Жаброил! Сен мени ёлғиз қолдирасанми?**” дедим. **Жаброил**, (алайҳиссалом) изтиробга тушиб, **Ҳақ таолонинг** ҳайбатидан титрай бошлади ва “**Ё Муҳаммад! Мен яна бир одим илгари юрсам, Аллоҳу таолонинг азоматидан ҳалок бўламан. Бутун вужудим ёниб йўқ бўлади**” деб жавоб қилди.”

Оламлар сарвари, мана шу ергача **Жаброил** алайҳиссалом билан бирга келган эдилар. **Жаброил** алайҳиссалом, бу ерда яратилишида мавжуд бўлган олти юз минг қанотини очиб, уларнинг ҳар биридан

97 Аҳмад бин Ханбал, “*ал-Муснад*”, III, 164-б, IV, 208-б.; *Ибн Абий Шайба*, “*ал-Мусаннаф*”, VII, 427-б.; *Дора Қутний*, “*ас-Сунан*”, I, 25, 40-б.; *Байҳақий*, “*ас-Сунан*”, I, 265-б.; *Қози Иёз*, “*Шифо-и шариф*”, 179-б.; *Шамсиддин Шомий*, “*Субулу-л-Ҳудо*”, III, 170-б.

инжулар, ёкутлар сочилгудек ҳолда Расулulloҳга кўрсатди. Ундан кейин зиёси куёшдан ҳам порлок, **Рафраф** исмли яшил рангли жаннат гиламчаси келди. У тўхтовсиз Аллоҳу таолонинг зикри билан машғул бўлиб, тасбиҳ садоси оламни тўлдириб юбораётган эди.

Муҳтарам пайғамбаримизга салом берди. Расулulloҳ Рафранинг устига ўтирдилар. Бир пасда жуда баландликларга кўтарилди. Ҳижоб номи берилган етмиш минг пардадан ўтишди. Ҳижоблар ораси анча узоқ бўлиб, ҳар бир парда ёнида вазифали малаклар бор эди. Рафраф муҳтарам пайғамбаримизни пардалардан бирин-кетин ўтказгач, Курси, Арш ва руҳ оламларини ошиб ўтдилар.

Ҳабиби ақрам ва Набийи муҳтарам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, ҳар бир пардадан ўтаётганида **“Кўркма ё Муҳаммад! Яқинрок, яқинрок келгин!”** деган амрларни эшитарди. Шундай бир яқинликка етишдиларки, Каъба-қавсайн мақомига эришдилар. Билиб ва тушуниб бўлмайдиган, таърифи ҳам мумкин бўлмаган бир ҳолатда, Аллоҳу таоло хоҳлаган юксакликка эришилди. Маконсиз, вақту замонсиз, жиҳату томонсиз (воситаларсиз), сифатсиз ҳолда руъят ҳосил бўлди, яъни Аллоҳу таоло намоён бўлди, кўринди. Сўзларсиз, кулоқсиз, алоқа воситаларисиз, ҳеч қандай шартсиз равишда сўзлашиш содир бўлди. Оқибатда, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳеч бир махлуқ била олмайдиган, англаб ета олмайдиган неъматларга эришдилар.

Имоми Раббоний ҳазратлари **“Мактубот”**ида айтадики: “Ул сарвар (алайҳиссалоту вассаллам) меърож кечасида, Раббини дунёда кўрмадилар, Уни охирагда кўрдилар. Чунки Расул алайҳиссалом у кеча, замон ва макон чегарасидан ташқарига чиқдилар. Азалий ва абадий бир он топдилар. Бошланғичу охирни (тамомни) бир нуқтада кўрдилар. Жаннатга кирадиганларнинг ўша вақтда эмас, мингларча йиллар ўтиб жаннатга киришларига ва жаннатда бўлишларига ўша кеча гувоҳ бўлдилар. Демак, у мақомдаги кўрмоқ дунё ҳаётидаги кўриш билан бирдай эмас. Балки охирагдаги кўрмоқ феъли орқали кўришдир.”

Жаноби пайғамбаримизга “Раббингга сано айтгин!” деб буюрилганида дарҳол, **“Атгаҳийёти лиллоҳи вассолаво ту ватгоййибат”** (яъни бутун тилларда айтилган мадҳу санолар, мақтовлар, бадан билан қилинган хизматлару тоатлар, мол-мулк билан қилинган яхшиликлару эҳсонлар Аллоҳу таолога бўлсин)

дедилар. Олдин Аллоху таоло, хабибига тил, сўз, кўз, кулок, восита, макон каби ёрдамчилардан йироқ ҳолда **“Ассалому алайка айюҳаннабийю ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ (Эй Расулим! Саломим, баракатим ва раҳматим сенга бўлсин)”** деган марҳамати билан ўз саломини эшиттирди. Мухтарам пайғамбаримиз, **“Ассалому алайна ва ало ибодиллоҳиссолиҳин (Ё Рабби! Бизга ва солиҳ бандаларингга ҳам салом бўлсин)”** дея жавоб қилдилар. Буни эшитган малаклар бир оғиздан, **“Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ (Кўзим билан кўргандай биламан ва инонаманки, Аллоху таолодан бошқа илоҳ йўқ. Муҳаммад алайҳиссалом Унинг бандаси ва расулидир)”** дея такрорладилар.

Жаноби пайғамбаримиз: **“Ассалому алайна...”** деганларида, Аллоху таоло: **“Эй Ҳабибим! Бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Нега "алайна" (бизга) дединг?”** деб буюрди. Расулуллоҳ жанобимиз: **“Ё Илоҳи! Умматимнинг баданлари гарчи мен билан эмас, лекин уларнинг руҳлари мен билан биргадир. Шунинг учун назари иноятим ва камоли ҳимматим улардан узоқ эмасдур. Менга салом бердинг, мени барча ёмонликлардан узоқ айладинг. Охир замон фитнасига аралашган, ул фақир, дарди оғир умматимни, бу буюк икром ва эҳсонлардан қандай қилиб маҳрум қолдиргайман? Бундай неъматдан уларни қандай бенасиб қилгайман?”** дея жавоб бердилар.

Аллоху таоло буюрдики: **“Эй Ҳабибим! Бу кеча сен менинг меҳмонимсан. Тила тилагингни, нималар истайсан?”** Шунда мухтарам пайғамбаримиз **“Умматимни истайман (Ё Раббий)”** дедилар.

Ривоятга кўра, Ҳақ таоло шу саволни етти юз марта такрорлайди, Расулуллоҳ жанобимиз эса, ҳар сафар **“Умматимни истайман”** деган жавобини такрорлайдилар. Аллоху таоло, **“Фақат умматингни тилайсанми”** деб марҳамат қилганида, У зот (алайҳиссалом) **“Эй Раббим! Тиловчи менман, бергучи Сен. Жумла умматимни менга бахшида қилгин”** дея сўрайдилар. Жаноби Ҳақ **“Агар умматингни ҳаммасини бу кеча гуноҳларидан кечиб, сенга бахш қилсам, менинг раҳматим ва сенинг иззатинг зоҳир бўлмай қолади. Мен уларнинг учдан бир қисмини бу кеча-ёқ сен учун мағфират қиламан. Қолган икки қисмини охиратга қолдираман. Қиёмат кунини сен уларни мenden тилайсан, мен**

эса, мағфират қилиб, кечираман. Шу тариқа менинг рахматим ва сенинг иззатинг (шарафинг) оламларга аён бўлур” деди.

Севимли пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) бир ҳадиси шарифида марҳамат қиладиларки: “У кеча (Меърож кечаси), Аллоху таолодан жумла умматимнинг ҳисобини менга берилишини илтижо қилдим. Ҳақ таоло буюрдик, “Ё Муҳаммад! Бу билан сен, умматингнинг қабоҳатларини ўзга ҳеч ким билмасин деб андиша қилмоқдасан. Мен эса, уларнинг гуноҳу айбларининг сендек шафқатли пайғамбардан ҳам пардаланган бўлишини истамоқдаман. Эй Муҳаммад! Сен уларнинг раҳбарисан холос. Мен эса, уларнинг йўқдан яратувчиси ва Раббиман. Сен уларни эндигина кўрдинг. Мен эса, то бошидан бўён уларга назар солмоқдаман. Эй Муҳаммад! Агар сенинг умматинг билан сўзлашишни ёқтирмаганимда, қиёмат куни уларни бирма-бир ҳисобга чақирмасдим. Катта-кичик ҳеч қайси гуноҳларини сўрамасдим.”

Аллоху таоло буюрдик: “(Эй Расулим!) Муборак кўзингни очгин ва оёғинг тагига назар ташлагин.” Қарагандим, пойафзалимга илаштириб бир қисм тупроқ олиб келибман. Ҳақ таоло яна марҳамат қилди: “Барча мавжудотнинг кадри шу сенинг оёғингдаги тупроқчадир. Шу тупроқни дўстинг ҳузурига келтирдингми? Мен учун сенинг умматингни гуноҳидан кечиш бир дўст этагига илашган чангни кечишдан ҳам ҳам енгилроқдир.”

*Ё Ҳабибим недир ул ким тиладинг,
Бир ҳовуч тупроққа ми миннат айладинг?*

*Мен зотингга ошиқ бўлгач эй шариф,
Сеники бўлмасми ду олам, эй латиф?*

Муҳтарам пайғамбаримиз бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилдиларки: “Ҳақ таолодан бир неча саволлар сўраб, жавобларини эшитдим. Лекин сўраганимга пушаймон бўлдим. (Саволларимнинг баъзилари шулар:) “Ё Раббий! Жаброилга олти юз минг қанот бердинг. Менга берадиган эҳсонинг нима бўлди?” Ҳақ таоло марҳамат қилдики: “Сенинг бир тукинг менга Жаброилнинг олти минг қанотидан ёқимлироқдир.

Сенинг бир тукинг сабаби билан мингларча осий гуноҳкорни қиёмат куни озод қиламан. Ё Муҳаммад! Жаброил қанотини очса, шарқу-ғарбни қоплайди. Сен шафоат қилсанг, шарқу-ғарб ораси тўлган осий бўлса, ҳаммасини кечираман.” Мен яна: “Падарим Одамга (алайҳиссалом) икром кўрсатиб, малакларни сажда қилдирдинг. Менга икроминг нимадан иборат бўлади ё Раб?” дедим. Ҳақ таоло марҳамат қилдики: “Чунки Одамнинг пешонасида сенинг нуриг порлаб турарди, шу сабабли малакларга унга сажда қилиш буюрилди. Ё Муҳаммад! Сенга эса, ундан юксакроқ нарса бердим. Исмингни исмига яқин айладим ва ҳали Одам яратилмасидан, унинг номи нишони ҳам бўлмаган қадим замонларида Арши аъло устига исмингни ёзиб қўйдим. Сенинг исмингни осмонлар дарвозасига, хижоблар устига ёздим. Жаннатда устига “Ла илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадан расулуллоҳ” деб ёзилмаган ҳеч бир нарса йўқ. Бу мартаба Одамга берилган мартабадан минг чандон баланддир.”

Зотимга миръот айладим зотингни,*

Бирла ёздим отим ила отингни.

(миръот – кўзгу демакдир)*

“Ё Раббий! Биродарим Нухга (алайҳиссалом) кема бердинг. Менга нима эҳсон этдинг” дея сўрадим. Буюрилди-ки: “Сенга Буроқни бердим. У сени бир кечада ердан Аршга элтди. Жаннат ва жаҳаннамни кўришга муяссар бўлдинг. Умматингга эса, масжидлар бердим. Қиёмат куни худди кемаларга минган йўловчилардек улар ҳам масжидларга минишиб кўз юмиб очгунча Сиротдан ўтиб, жаҳаннамдан холос бўладилар.”

“Ё Раббий! Исроил ўғилларига жаннатингдан қудрат ҳолваси ва беданага ўхшаш қушнинг гўштини тушдирдинг.” Ҳақ таоло марҳамат қилдики: “Сенга ва умматингга, дунё ва охираат неъматини эҳсон қилдим. Исроил ўғилларининг шаклларини одам суратидан айиқ, маймун ва тўнғиз қиёфасига солиб, жазоладим. Сенинг умматингдан ҳеч кимни бундай ҳолга туширмадим. Исроил ўғилларининг қилмишларидек жирканч ишлар қилишса ҳам ундай балони уларга раво кўрмадим. Ё Муҳаммад! Сенга бир сура бердимки, унинг ўхшаши Тавротда ҳам, Инжилда ҳам учрамайди. У сура, Фотиҳа сурасидир. Ким

у сурани ўқиса, унинг вужуди жаҳаннамга ҳаром бўлади. У кишининг ота-онасининг азобини ҳам енгиллаштираман. Ё Муҳаммад! Мен сендан ҳам акрамроқ бўлган (қимматли, устун, шарафли) бирон инсон яратмадим. Сенга ва умматингга бир кеча-кундузда эллик вақт намоз фарз қилдим.

Ё Муҳаммад! Кимки Менинг ягоналигимни қабул қилса ва Менга шерик қўшмаса, жаннат улар учундир. Ундай умматингга жаҳаннамни ҳаром қилдим. Умматингга бўлган раҳматим ғазабимни ошди.

Ё Муҳаммад! Менинг наздимда сен барча халқдан акрамсан, шарафлисан. Қиёмат куни сенга шунчалар икромлар қиламанки, жумлаи олам ҳайратда қолади. Эй Ҳабибим! Сен жаннатга кирмагунингча бошқа пайғамбарларга ва умматларига у ерга кириш тақиқланган. Сенинг умматинг жаннатга кирмагунича, ғайри уммат у ерга кира олмайди. Ё Муҳаммад! Сен ва умматинг учун жаннатда нималар ҳозирлаганимни кўришни истайсанми?” “Ҳа, истайман, ё Раббий!” дедим мен. Ҳақ таоло Исрофилга хитоб қилиб: “Эй Исрофил! Менинг қулим, аминим (ишончим) ва расулим Жаброилга хабар қилгин, у Ҳабибимни жаннатга элтиб, Ҳабибим ва уммати учун нималар муҳайё қилганимни кўрсатсин. Токи унинг муборак хотири жам бўлиб, турли хил хавотирлардан қутулсин”, дея буюрди.

Оламлар жаноби - муҳтарам пайғамбаримиз, Исрофил алайҳиссалом билан бирга Жаброил алайҳиссаломнинг олдида келдилар. Аллоҳу таолонинг амрига биноан Жаброил алайҳиссалом, пайғамбаримизни жаннатга бошлаб келди. У ерда малаклар бир қўлида хулла (жаннат либоси), иккинчисида нур тўла товоқларни ушлаган ҳолда мунтазир эди. Жаброил алайҳиссалом: “Ё Расулаллоҳ! Булар Одам алайҳиссаломдан саксон минг йил олдин яратилди. Малаклар шу мақомда товоқлардагиларни Сиз ва умматингиз устига сочиш учун сизларни сабрсизлик билан кутаяптилар. Қиёмат куни Сиз ва умматингиз, Аллоҳу таолонинг амри билан жаннатнинг остонасига қадам қўйганингизда бу малаклар товоқлардаги жавоҳирларни устиларингизга сочади” деди. Жаннатда вазифадор бўлган Ридвон исмли фаришта уларни қарши олди. Муҳтарам пайғамбаримизга хушхабарлар берди ва “Ҳақ таоло, икки қисмини Сизнинг умматингизга ва бир қисмини

бошка умматларга бериш учун жаннатни уч қисмдан иборат килди” деди ва жаннатнинг барча тарафларини кўрсатди.

Ҳабиби акрам жанобимиз жаннатда кўрганларини куйидагича марҳамат қилганлар: “Жаннат ўртасида бир ирмоқ кўрдим. Аршдан юқорида оқарди. Аини бир жойдан бирданига сув, сут, ҳамр ва бол чиқиб турарди. Бироқ улар асло бири-бирига аралашиб кетмасди. У ирмоқнинг қирғоқлари забаржаддан (қиймати зумраддан пастроқ бўлган безак тоши) эди. Унинг ичидаги тошлар жавоҳир, балчиғи амбар, ўтлари зафарон эди. Ирмоқнинг атрофида қумуш қадаҳлар қўйилган бўлиб, сони кўкдаги юлдузлардан ҳам кўп эди чамамда. Атрофда туя бўйин қушлар юришардилар. Ҳар ким у қушнинг этидан еса ва шу ирмоқдан ичса, Ҳақ таолонинг ризосигамазҳар бўлади (шарафланади). **Жаброилдан, “Бу ирмоқ нима?” дея сўрадим.** “Кавсардир. Ҳақ таоло уни Сизга берган. Саккиз жаннатда бўлган бўстонлару боғу роғлардан ушбу Кавсар оқиб ўтади” деди. У ирмоқнинг четида чодирлар кўрдим. Уларнинг бари инжу ва ёқутдан ясалганди. Улар ҳақида **Жаброилдан сўрадим.** У менга, “Сизнинг аёлларингизга тегишли манзиллардир” дея жавоб килди. У чодирларда юрган ҳурийларни кўрдим. Уларнинг юзлари қуёшдай порларди ва барчаси овоз чиқариб, анвои нағмалар билан тараннум этардилар. Улар “Биз хурсандмиз ва нашъадамиз. Бизга ҳеч бир хафачилик келмайди. Биз безанганмиз, ҳеч қачон яланг қолмаймиз. Биз ёшмиз, ҳеч кексаймаймиз. Биз яхши ҳулку атворлимиз, ҳеч вақт аччиғимиз чикмайди. Биз ҳамиша мана шундаймиз, ҳеч ўлмаймиз” дейишарди. Уларнинг ушбу нағма-ю хуш садолари муҳташам кўшкларга ва ҳайбатли дарахтларгача эришиб, ҳар тарафни чулғаб оларди. Шунчалик хушовоз эдиларки, агар шу нағмалар ер юзига эшитилгудек бўлса, дунёда ўлим ва заҳмат бўлмасди. **Жаброил сўради:** “Уларнинг юзларини кўришни истайсизми?” “Истайман” дедим. **Чодирлардан бирининг эшигини очди.** Бокдим. Шундай гўзалликда тенгсиз сиймолар кўрдимки, уларнинг чиройини бир умр таърифласам, адо қила олмайман. Уларнинг юзлари сутдан оқ, ёноқлари ёқутдан қизил ва қуёшдан порлоқ эди. Баданлари ипакдан юмшоқ ва ой сингари ёруғ, ҳидлари мушқдан ёқимли эди. Сочлари тим қора, қайсилариники ўрилган, қайсиникидир ўрилмай ёйилган бўлиб, ўтирганида

атрофида чодирдек доира бўларди, турса оёғигача етарди. Ҳар бирининг олдида биттадан хизматчиси турарди. Жаброил: “Булар сизнинг умматингиз учун” деди.

Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) давом этиб марҳамат қилдиларки: “Саккизта жаннатнинг боғу бўстонларини, турли хил неъматларини кўрдим. Жаҳаннамни ва унинг даражаларини ҳам кўрсам эди, деган ҳаёл хотиримга келди. Жаброил менинг кўлимдан тутиб, жаҳаннамнинг энг катта фариштаси Моликнинг ёнига олиб борди. Моликка қараб: “Эй Молик! Ҳазрати Муҳаммад (алайҳиссалом), душманларининг жаҳаннамдаги жойларини кўришни сўраптилар (Унга жаҳаннамни кўрсатгин)” деди. Молик жаҳаннамнинг табақаларини очди. Етгита табақа(нинг ҳаммасини) кўрдим. Уларнинг еттинчисини Ҳовия деб атайдилар. У ердаги азоблар, бошқа табақалардагидан кўплаб марта оғир эди. Моликдан, “Бу табақада қандай тоифага азоб берилади?” деб сўрадим. Молик эса, “Фиръавн ва Хорун ҳамда сизнинг умматингиздан мунофиқларга шу ерда азоб берилади” дея жавоб қайтарди. Олтинчи табақани Лазий деб аташади. Бу ерда мушрикларга (ҳеч қандай дини бўлмаганларга) азоб берилади. Бешинчи табақа эса, Ҳутомадир. Бунда оташпарастрларга, ҳўкизга сиғинадиганларга, буддавийларга азоб берилади. Тўртинчи табақанинг исми Жохимдир. Жохимда, куёшга, юлдузларга сиғинадиганларга азоб берилади. Учинчи табақа эса, Сақардир. Бу ерда христианларга азоб берилади. Иккинчи табақа, Саир бўлиб, бунда яҳудийларга азоб берилади. Биринчи табақанинг исми эса, жаҳаннамдир. Жаҳаннамдаги азоблар қолган табақалардагига нисбатан енгилроқ эди. (Шунга қарамасдан) бу ерда ҳам оловдан етмиш минг дарё кўрдим. Дарёларнинг ҳар бири шунчалар баҳайбат эдики, агар еру осмонларни бирга йиғиб, дарёлардан бирига отиб юборилса-ю бирор фариштага уларни дарёдан ахтариб топ десалар, минг йил излаб ҳамуларни топа олмаган бўларди. Забонийлар (жаҳаннамда вазифали малаклар) шундай улкан, азаматли эдиларки, агар улардан бири, ерни ва бутун кўкни оғзининг бир чеккасига солиб қўйса, унинг оғзида бир нима борлиги билинмасди. Дарёлар даҳшатли тўлқинланиб, кўрқинчли садолар чиқарарди. Агар шу овозлардан бирозгинаси дунёга етса, бутун жонзот ҳалок

бўларди. “Бу табақа, қайси тоифага азоб учун тайёрланган” деб сўрадим. Молик жавоб бермади. Саволимни такрорладим, Молик сукут сақлади...

Шунда Жаброил, Моликка қараб, “Сендан жавоб кутмоқда” деди. У эса, “Мени маъзур тутинг” дея узр сўради. Мен, “Нима бўлса ҳам айтгин, бугундан олдини олишга ҳаракат қилайлик” дедим. Молик, “Ё Расулаллоҳ! Бу ер сизнинг умматингиздан бўлган осийлар учун ҳозирланган. Уларга насиҳат қилинг. Токи бу даҳшатдан ўзларини сақласинлар. Вужудларини бундай азобга судрайдиган нарсалардан тийилсинлар. У кун етиб келганда осийларга асло раҳм-шафқат қилмайман. У пайт улардан на оқ соқолли кексаларига, на ёшларига меҳр кўрсатмайман” деди.

Оламлар сарвари бўлмиш марҳаматли пайғамбаримиз жавобни эшитишлари билан йиғлай бошладилар. Бошларидан саллани ечиб, умматига шафоат қилишга ва Аллоҳу таолога ёлворишга киришдилар. Умматининг заифлигини ва уларнинг бундай азобга чидай олмасликларини айтиб, шундай йиғладиларки, ҳатто Жаброил алайҳиссалом билан ўша ердаги барча фаришталар ҳам Унга кўшилиб йиғлашга тушдилар. Ана шундай вазиятда Аллоҳу таолодан “**Эй Ҳабибим! Менинг олдимда сенинг ҳурматинг ва қадру қийматинг жуда улўғки дуонг қабул бўлди. Хушвақт бўлгин. Сени муродингга эрдирдим. Сенга шундай бир мақом ато этаманки, жуда кўп сонли осийларни сенинг шафоатинг туфайли мағфират қиламан. Бу сен бас, етади дегунингча давом этади. Эй Ҳабибим! Ким менинг амримга итоат қилса, унга азоб ва жазодан қутулиб, раҳматимга ноил бўлиб, жаннатда мени кўриш шарафига эришади. Сенга ва умматингга бир кеча-кундузда эллик вақт намозни фарз қилдим**” деган хитоб нозил бўлди.

Пайғамбаримиз давом этиб “**У мақомдан кейин Аршга бордим. Самовотдан ўтиб, Мусо (алайҳиссалом) турган мақомга келдим. У мендан, “(Эй Мухаммад!) Ҳақ таоло, сизга ва умматингизга нимани фарз қилди?” деб сўради. Мен, “Ҳар кеча-кундузда эллик вақт намоз ўқишни бизга фарз қилди” деб жавоб қайтардим. “Раббингизга қайтиб боринг ва ундан буни енгиллаштиришини сўранг. Чунки умматингиз бу фарзларни кўтара олмайди. Мен бу масалада Исроил ўғилларини синаб кўрганман” деди. Бу таклифдан кейин мен Раббимга қайтдим ва, “Ё Раббий! Умматимга юклаган амрингни биров енгиллаштир.” деб**

сўрадим. Ушбу тилагим қабул бўлиб, эллик вақтдан беш вақт олиб ташланди. Такрор Мусо (алайҳиссалом) олдига келдим ва унга (беш вақт камайтирди) дедим. У эса такрор, “Раббингизга яна қайтиб боринг! Яна бироз энгиллаштиришини сўранг. Чунки умматингизга бу фарзлар оғирлик қилади” деди. Шу тарика, Мусо (алайҳиссалом) ва Раббим орасида бир неча марта қатнадим ва ниҳоят Аллоҳу таоло шундай марҳамат қилди: “Намозлар сонини беш вақтга туширдим. Ҳар бир намоз учун ўнта савоб ёздим. Шу томонидан натижада яна элликта бўлади. Зеро ҳар ким битта савоб ишга бел боғласа-ю, уни қила олмаса, унга битта савоб ёзилади. Қилса, ўнта савоб ёзилади. Лекин битта гуноҳни қилишга тайёрланиб, уни қилмаса, ҳеч нарса ёзилмайди. Борди-ю у гуноҳ қилинса, фақат битта гуноҳ бўлиб қайд этилади.” Бундан кейин яна Мусо (алайҳиссалом) олдига келиб аҳволни унга гапириб бердим. У менга. “Бориб яна бироз энгиллаштиришини сўраб ёлворинг” деди. Мен эса, “Раббимга бу фарзни энгиллатишини сўраб қайта-қайта муножот қилганим учун энди яна боришга уяляпман” дедим” -деб марҳамат қиладилар.⁹⁸

Пайғамбаримизга мушриклар тарафидан кўрсатилган тазйиқлар оқибатида яраланган муборак қалбига Аллоҳу таоло ана шу йўл билан малҳам ва тасалли берди. Ҳеч бир бандасига бермаган, ҳеч ким тушуна олмайдиган улуғ эҳсонларга ғарқ қилди.

Оламларнинг жаноби ана шулардан сўнгра бир зумда Қуддусга ва у ердан Маккаи мукаррамага, Умми Хонийнинг уйига қайтиб келдилар. Келганларида ётган жойлари ҳали совумаган, тоғорадаги таҳорат олган суви ҳали ҳам чайқалиб турарди. Ташқарида айланиб юрган Умми Хоний эса, уйкуга кетиб, ҳеч нарсадан хабари бўлмаганди. Пайғамбаримиз Қуддусдан Маккага келаётиб йўлда маккаликларнинг карвонига дуч келган эдилар. Карвондаги бир туя хуркиб, йиқилиб қолганди.

Эрталаб Расулуллоҳ Каъбага чиқдилар ва у ердагиларга Меърожлари ҳақида гап очдилар. Кофирлар эса: “Муҳаммад бутунлай ақлдан озибди” дея калака қила бошладилар. Мусулмон бўлиш ҳаракатида юрганлар ҳам тараддудланиб қолишди. Мушриклардан баъзилари бу ҳолдан хурсанд бўлиб, Абу Бакрнинг уйига чопқилаб келишди. Чунки у қавми ичида ақлли, тажрибали, ҳисоб-китоби ўрнида бўлган савдогар сифатида донг таратган

⁹⁸ Муслим, “Иймон”, 74-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 132-133-б.; Табарий, “Тарих”, II, 307-309-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 179-б.

зотлардан эди. Абу Бакр эшикка чиққанида мушриклар ундан, “Эй Абу Бакр! Сен кўп марта Қуддусга бориб келгансан, шунинг учун яхши биласан, Маккадан Қуддусга бориб келиш учун қанча вақт лозим бўлади?” деб сўрадилар. Ҳазрати Абу Бакр: “Ҳа яхши биламан. Бир ойдан кўпроқ вақт керак бўлади” деди. Унинг бу жавобидан ирғишлаб кетган кофирлар: “Мана ақлли, тажрибали одамнинг сўзи шундай бўлади-да” деб ва энди Абу Бакрни ҳам ўзларидек фикрда бўлганидан жасорат олиб, мазах аралаш: “Сенинг жанобинг, Қуддусга бир кечада бориб келганини айтаётир, у ақлдан озиб бўлган шекилли” дедилар. Ҳазрати Абу Бакрни табриклаб, унга иззат-ҳурмат кўрсатдилар.

Ҳазрати Абу Бакр Расулulloҳ жанобимизнинг муборак исмларини эшитиши билан: “Агар У айтаётган бўлса, тўғри айтибдилар. Бир зумда бориб келганларига мен ҳам ишондим” деди-да уйига кириб кетди. Кофирлар тарсаки егандай каловланиб қолишди кейин: “Мухаммад қандай ёмон жодугар-а. Абу Бакрни ҳам жодулаб ташлабди” деб, изларига қайтиб кетишди.

Ҳазрати Абу Бакр кийиниб чиқиб дарҳол Расулulloҳ жанобимизнинг олдига Каъба томон шошилди. У ердаги гавжумни ёриб ўтаётди, баланд овозда: “Ё Расулаллоҳ! Меърожингиз муборак бўлсин! Бизларни сиздек улуғ пайғамбарга хизматчи қилиб шараф берган ва муборак юзингизни кўриш, қалбларни ром, руҳларни жазб қилувчи сўзларингизни эшитиш неъматига етказгани учун Аллоҳу таолога чексиз шукрлар бўлсин. Ё Расулаллоҳ! Сизнинг ҳар бир сўзингиз тўғри ва ҳақ. Мен ишондим. Жоним сизга фидо бўлсин!” деди. Ҳазрати Абу Бакрнинг бу сўзлари кофирларни эсанкиратиб қўйди. Унга қарши бирор нарса дейишга сўз топа олмай тарқалиб кетишди. Шубҳага туша бошлаган бир неча иймони заиф кишиларнинг ҳам қалбига қувват кирди. Расулulloҳ жанобимиз ўша куни Абу Бакрга **“Сиддик”** дея ном бердилар. Бундай номга сазовор бўлиш билан унинг даражаси қат-қат юксалди.⁹⁹

Бундан жазавага тушган кофирлар, мўминларнинг мустаҳкам иймонини, пайғамбаримизнинг ҳар бир сўзларига дарҳол ишонилларини, атрофларида парвонадек айланиб-ўргилишларини ҳазм қила олишмади. Шу боис, Расулulloҳни мағлуб қилиш мақсадида у зотни ўртага олиб, хилма-хил саволлар ёғдириб, имтихон қилишга ўтдилар.

“Эй Мухаммад! Қуддусга бордим деяпсан. Айтчи, у ердаги

⁹⁹ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 144-б.*

масжиднинг нечта эшик ва нечта деразаси бор?” кабилида савол ёмғирига тутишди. Расулulloх уларнинг барча саволларига бирма-бир аниқ жавоблар бердилар. Сарваримизнинг ҳар бир жавобларидан кейин ҳазрати Абу Бакр, “Ҳа худди шундай, ё Расулalloх” деб кўярди. Ваҳоланки, муҳтарам пайғамбаримиз, жуда ҳаёли ва адабли бўлганларидан рўпарасидаги инсоннинг юзига ҳам тик қарамасдилар. У зот кейинроқ шундай деб марҳамат қилгандилар: **“Масжиди Ақсога борганимда атрофга қарамагандим. Мушриклар сўраган нарсаларга эътибор бермагандим. Савол берилган онда, Жаброил (алайҳиссалом) Масжиди Ақсони шундай кўз олдимга келтирди. Унинг дераза-ю эшикларини кўриб санаб, уларга дарҳол жавоб бергандим.”** Расулulloх қайтишда йўлда макка қарвонини кўрганини ҳам айтиб бердилар. Қарвоннинг яқинда Маккага келишига ишора қилиб, **“Иншаллох, чоршанба куни келиб қолишадим”**, дея марҳамат қилдилар. Ҳақиқатан чоршанба куни куёш ботаётганда қарвон Маккага кириб келди. Қарвондагилардан сўрашганларида, улар бир бўрон кўтарилганини ва унда ҳурккан бир туянинг йиқилиб тушганини айтишди. Булар мўминларнинг иймонларини қувватлаган бўлса, кофирларнинг адоватини ошириб юборди.¹⁰⁰

Ҳижратдан бир йил олдин, Ражаб ойининг 27-сида Жума кечаси содир бўлган бу мўъжизага **“Меърож”** дейилади. Расулulloх меърожга руҳ ва баданлари билан уйғоқ ҳолда чиқдилар. Меърож кечасида Унга қанчалаб илохий ҳақиқатлар кўрсатилди ва ўша кечаси мусулмонларга беш вақт намоз фарз қилинди. Меърож ҳақида Қуръони каримнинг Исро ва Нажм суралари ҳамда баъзи бир ҳадиси шарифлар воситасида маълумот берилган.¹⁰¹

Севикли пайғамбаримиз Меърождан кейин саҳобаларига жаннат ҳақида гапириб, шундай марҳамат қилдилар: **“Ё Абу Бакр! Сенинг саройингни кўрдим. У қизил олтиндан ясалган эди. Сен учун ҳозирланган неъматларни мушоҳада қилдим.”** Ҳазрати Абу Бакр: “Ўша сарой ва эгаси сизга фидо бўлсин, ё Расулalloх” дея жавоб қайтарди. Жанобимиз, ҳазрати Умарга қараб, **“Ё Умар! Сенинг кўшкнингни ҳам кўрдим. У ёқутдан ясалганди. У ерда жуда кўп ҳурийлар бор эди. Бироқ сарой ичкарисига кирмадим. Сенинг ғайратингни ва рашкингни ўйладим”** дедилар. Ҳазрати Умар бу хабарни эшитиб кўп йиғлади. Кўз ёшлари аралаш: “Ота-

100 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 215-б.

101 Бухорий, “Маноқиб-ул-Ансор”, 42-б.; Термизий, “Тафсири-ул-Қуръон”, 20-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 403-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, I, 255-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 208-б.

онам, жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сизга қарши ҳам ғайрат ва рашк қилиб бўладими?” деди. Шундан кейин ҳазрати Усмонга марҳамат қилдилар: **“Ё Усмон! Осмонларнинг барчасида сени кўрдим. Жаннатдаги кошонангни кўриб, сени ўйладим.”** Ҳазрати Алига, **“Ё Али! Сенинг суратингни тўртинчи самода кўрдим. Жаброилдан сабабини сўрадим. У дедик: “Ё Расулаллоҳ! Малаклар ҳазрати Алини кўришга ошиқу мунтазирлар. Ҳақ таоло, шу сабаб унинг қиёфасида бир фаришта яратди. У тўртинчи осмонда туради, бошқа малаклар уни зиёрат қилиб, баракатланадилар.”** Ундан кейин сенинг кўшкиннга кирдим. У ердаги бир дарахтдан емиш узиб олдим. Ундан битта хурий чиқди ва юзига парда тортди. Мен унга “сен кимсан ва кимникисан?” деб сўрадим. **“Амакингиз ўғли Али учун яратилганман, ё Расулаллоҳ!”** деди.”

Меърож кечасининг бомдодидан бошлаб Жаброил алайҳиссалом келиб, Расулаллоҳга беш вақт намозни ҳар бирининг вақтларида ўзи имом бўлиб, ўқитиб ўргатди. Ҳадиси шарифда марҳамат қилинадики: **“Жаброил (алайҳиссалом) Каъба эшиги олдида икки кун менга имом бўлди. Биз иккаламиз фажри содиқ бўлганда бомдод намозини, куёш тепадан сал оғганда пешин, ҳар нарсанинг сояси ўз бўйининг икки бараварига тенг бўлганда аср, куёш ботганда (яъни унинг энг юқорги ёйи, қирраси кўринмай қолганда) шом ва ғарбда шафак қорайганидан кейин хуфтон намозларини ўқидик. Иккинчи куни эса, бомдод намозини кун ёришиб қолганда, пешинни нарсаларнинг соялари ўз бўйларининг икки баравари бўлганда ва асрни шунинг ортидан, шомни рўза очиладиган вақтда (юлдузлар кўпайганда), хуфтонни кечанинг учдан бири бўлганда ўқидик. Кейин, Ё Муҳаммад! Сизнинг ва ўтмиш пайғамбарларнинг намоз вақтлари мана шундан иборат. Умматингиз, беш вақт намозларини биз ўқиган мана шу икки хил вақтнинг оралигида ўқисинлар”** дея тайинлади.”¹⁰²

Намоз вақтлари мана шу тарзда белгиланганидан кейин, Ҳабашистонга ҳам хабар юборилиб, уларнинг беш вақт намозни мана шу вақтларда ўқишлари ва фарз бўлган пайтидан буён ўқилмаган намозларини қазо қилиб ўқишлари амр қилинди.

102 *Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 443-444-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, IV, 648-649-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 266-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 403-404-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 213-215-б.;*

АҚАБА БАЙЪАТЛАРИ

Севимли пайғамбаримиз ҳар йили, Каъбага зиёратга келаётган қабилаларни динга даъват этар, уларнинг жаҳаннам оташидан қутулиб, абадий саодатга эришишлари учун тинмасдан жон куйдирар ва турли ҳақоратларга қарамай пайғамбарлик вазифасини бажаришда давом этардилар. Қабилалар келиб қўнадиган жойларда уларни кутардилар ва келганларга: **“Аллоҳу таолонинг пайғамбарлик вазифасини ўрнига қўйгунимча мени химоялайдиган ва менга ёрдам берадиганлар борми? Шундайлар бўлса, уларга жаннат берилади”** дея марҳамат қилардилар. Бироқ Уни кўриқлайдиган ҳам, ёрдам берадиган ҳам бирор киши топилмасди.

Пайғамбарликнинг ўн биринчи йили кетарди. Кунлардан бир кун жаноби пайғамбаримиз бозорда Каъбани зиёрат қилишга келган Мадина яқинларида яшовчи бир жамоатга дуч келиб қолдилар. Улардан **“Сизлар ким бўласизлар?”** дея марҳамат қилинганида улар мадиналик ва Ҳазраж қабиласидан бўлишларини билдирдилар. Жаноби пайғамбаримизнинг бобоси Абдулмутталибнинг оналари Салма хоним ҳам ўша Ҳазраж қабиласининг Нажрон ўғиллари авлодидан эди. Пайғамбаримиз, бу олти киши билан ўтириб, уларга Иброҳим сурасининг 35-52-оятни карималарини ўқиб бердилар ва исломиятни тушунтирдилар. Уларни бу динга киришга даъват қилдилар. Бу кишилар, ўзларининг қабилаларидаги кексалар ва ўша ердаги яҳудийлардан яқинда пайғамбар келиши мумкинлиги ҳақида у-бу нарсалар эшитгандилар. Шунинг учун булар, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) уларни динга даъват қилганида, бир-бирларига қараб олишди. Ундан кейин улар ўзаро: **“Ҳа, яҳудийлар хабар берган пайғамбар шу”** дейишди.

Мадинада ўтмишдан буён Авс ва Ҳазраж қабилалари яҳудийлар билан бир-бирига душман бўлиб яшардилар. Фурсат топилган вақт дарҳол бир-бирига ҳужумга ўтишарди. Шунинг учун булар яҳудийлардан аввал мусулмон бўлиб, исломият билан шарафлансалар, улар устидан ғолиб келишларига ва яҳудийларнинг Мадинадан чиқарилишларига ишонгандилар. Ана шу сабаблар ҳам қўшилиб, Аллоҳу таолонинг инояти билан бу олти киши Расулуллоҳнинг ҳузурда калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдилар. Жаноби пайғамбаримизга эса: **“Ё Расулаллоҳ!**

Биз қавмимизни яхудийлар билан урушадиган бир ҳолатда қолдирган эдик. Аллоҳу таоло, уларни ҳам зоти олийингиз соясида иймон келтириш билан шарафлантирар, деб умид қиламиз. Биз қайтар-қайтмасимиздан уларни ва бошқа қавмларни сизнинг пайғамбарлигингизни қабул қилишга чақирамиз. Бу дин ҳақида сиздан эшитганларимизни уларга ҳам тушунтирамиз. Агар Аллоҳу таоло уларни бу дин атрофида тўплаб бирлаштира, сиздан ҳам азизроқ ва шарафлироқ киши бўлмайди” дедилар.

Бу олти киши ҳақиқатан ишонгандилар ва Аллоҳу таоло пайғамбаримизга таблиғ этганларини қабул қилиб, тасдиқ этгандилар. Улар юртларига қайтиш учун пайғамбаримиздан ижозат сўраб, Унинг олдидан кетдилар. Бу янгидан мусулмон бўлган шарафли кишилар: Уқба бин Амир, Асад бин Зурора, Авф бин Хорис, Рафий бин Молик, Қутба бин Амир, Жобир бин Абдуллоҳ (родиаллоҳу анҳум) эдилар.¹⁰³

Биринчи Ақаба байъати

Энди мусулмон бўлган олти киши Мадинага қавмлари ёнига қайтишлари билан дарҳол исломият ва пайғамбаримиз ҳақида суҳбатлар қилиб, халқни ислом динига даъват қилишни бошлаб юборди. Уларнинг ишлари шунчалар тезлашиб кетдики, ҳа демай Мадинада пайғамбаримиз ва исломият ҳақида гап очилмаган бирорта хонадон қолмади. Мана шу тариқа Исломият Ҳазраж қабиласи орасида тарқалганидек, Авс қабиласидан ҳам баъзи кишилар мусулмон бўлишди.

Ақабадаги ушбу учрашувдан бир йил ўтгач Асад бин Зурора билан исломни қабул қилган 12 та ошнаси ҳаж мавсумида Маккага келишди. Ўша йили мушриклар мусулмонларга ҳар йилгидан ҳам оғирроқ азобу жафо чектиришаётган эди. Расулуллоҳни узлуксиз таъқиб этишар, У билан учрашган, сўзлашган одамларни ҳам ушлаб қийноққа солишарди. Булардан хабар топган мадиналиклар, бир кечаси пайғамбаримиз билан Ақабада учрашишга келишиб олдилар. Кун қорайгач келишилган жойда учрашдилар. Мадиналиклар Расулуллоҳ ҳузурларида У зотга тобе эканликларини арз қилишиб, ҳар қандай амру ва хоҳишларига

103 Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 429-431-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 219-220-б.; Табарий, “Торих”, II, 88-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашиқ”, IX, 82-б.

бош эгишларига ваъда бериб, байъат қилдилар. Ўша ахдлашувда, “Аллоҳу таолога шерик қўшмасликларига, зино ва ўғирлик қилмасликларига, тухматдан сақланишга, иснодга қолиш ёки боқа олмаслик андишаси билан фарзандларини ўлдирмасликларига” ваъда беришди.¹⁰⁴ Иккитаси Авс қабиласидан ва қолганлари Ҳазраж қабиласидан бўлган 12 кишининг раиси Асад бин Зурора эди.

Севгили пайғамбаримиз, бу ўн икки одамни ўз қабилаларига вакил қилиб тайинладилар. Уларга ўз қавмларига исломиятни таблиғ қилиб, қабилалари номидан Расулуллоҳга кафил бўлишлари топширилди. Асад бин Зурора эса, ҳаммаси номидан вакил бўлиб тайинланди. Ана ўша биринчи Ақаба байъатига иштирок этганлар: Молик бин Нажжор ўғилларидан Асад бин Зурора, Авф бин Хорис, Муъаз бин Хорис; Зурайк бин Омир ўғилларидан Рафиъ бин Молик, Заквон бин Абдиқайс; Ғанм бин Авф ўғилларидан Убода бин Сомид; Ғусайна ўғилларидан Язид бин Саълаба; Ажлон бин Зайд ўғилларидан Аббос бин Убода; Ҳаром бин Каъб ўғилларидан Уқба бин Омир; Савод бин Ғанм ўғилларидан Қутба бин Омир; Абдулашҳал бин Жужам ўғилларидан Абул-Ҳайсам Молик бин Таййихон ва Амр бин Авф ўғилларидан Увайм бин Соида эди.

Мадина Ислом билан нурланмоқда

Ўша келишувдан кейин Мадинага қайтган ҳазрати Асад ва ошналари, қабилаларига кеча-кундуз исломиятни таблиғ қилиб, қавмларини ҳақ динга даъват қилдилар. Уларнинг тинимсиз ҳаракатлари натижасида Мадинада исломият зудлик билан тарқала бошлади. Бу уйғониш шу даражага етдики, янги дин туфайли илгаридан бир-бирига ашаддий душман бўлиб келган Авс ва Ҳазраж қабилалари тотувлашиб, исломиятни янада яхшироқ ўргана олиш мақсадида Расулуллоҳдан муаллим ҳам сўратдилар. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) эса, уларга Қуръони каримни ва исломиятни ўргатиш учун Маккадаги Асҳобидан ҳазрати Мусъаб бин Умайрни муаллим сифатида Мадинага юбордилар.

Ҳазрати Мусъаб, Мадинага келиб, ҳазрати Асаднинг уйига жойлашди. Улар иккаласи уйма-уй юришиб, Ислomiaтни ҳаммага етказишди. Мадиналиклардан Расулуллоҳга бўлган муҳаббатлари-ю

¹⁰⁴ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 220-б.; Табарий, “*Тарих*”, II, 356-б.; Балозурий, “*Ансоб*” I, 252-253-б.

У зотнинг ўзларини ҳар қандай душмандан кўриқлашда жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишларини сўраб, бу ҳақда ваъдалар олишди. Уларни келгусида Расулulloҳ билан қилинадиган байъатга тайёрлашди.

Асад бин Зурора ҳазратлари мансуб бўлган қабиланинг раиси Саъд бин Муъаз бўлиб, бу киши ҳазрати Асадга қариндош эди. У даврларда араблар орасида ўз қариндошига қарши бирон беадаблик ёки ҳақоратомуз ишдан тийилиш одат бўлгани учун Саъд бин Муъаз ҳали ўзи иймон келтирма-ган бўлса ҳам, қариндошининг уйига бориб, унинг ушбу таблиғига тўсиқ бўлишга уринмади. Шунингдек, қабила раиси сифатида, бу ишга қўл уришни ҳам унча хоҳламаётган эди. Шунинг учун у, қабиласининг эътиборли кишиларидан бўлган Усайд бин Ҳудайрни чақиртириб унга: “Бизнинг маҳаллага боргин, анави келгинди билан учрашиб кўргин, кейин унга нима қилсанг ўзинг биласан. Агар уни бошлаб келган Асад менинг қариндошим бўлмаганида бу ишни сенга қўйиб бермасдим” деди.

Шу гапдан кейин Усайд бин Ҳудайр найзасини олиб, ҳазрати Мусъаб бин Умайр меҳмон бўлган уйга борди. Ичкари кириб, жаҳл билан ўшқира кетди: “Биз тарафларга нега келдинг? Одамларнинг бошини айлантiryапсан! Жонингдан умидинг бўлса, дарҳол бу ердан кет!”. Унинг авзойини кўрган Мусъаб бин Умайр мулоимлик билан: “Биродар, ҳоврингиздан тушинг, келинг бир пас ўтиринг, аввал сўзларимизга жичча қулоқ солинг. Мақсадимизни билинг, ёқса қабул қиларсиз. Ёқмаса, моне бўларсиз...” деди. Усайд сокинлашиб: “Ҳа, тўғри айтасан”, деди-да найзасини ерга санчиб, ерга ўтирди.

Ҳазрати Мусъабнинг мулоим гаплари билан қалбларни жалб қилувчи сўзларини ва хуш овози билан ўқиган Куръони карим тиловатини тинглади. Эшитганларидан шамдай эри-ган Усайд ўзини йўқотаёзди. Оғзидан беихтиёр “Бу қандай чиройли каломлар-а” деган сўзлар чиқиб кетди. Кейин “Бу динга кириш учун нима қилиш керак?” деб сўради. Унга батафсил гапириб беришди ва асл мақсади ҳазрати Мусъабни ҳайдаб юбориш бўлган Усайд бин Ҳудайр калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди. Қалбида порлаган иймон нуруниниг севинчидан жойида тинч туролмай қолган Усайд: “Мен ҳозир бориб, сизларга шундай бир одамни жўнатаман. Агар у мусулмон бўлса, Мадинада унинг қавмидан мусулмон бўлмаган ҳеч ким қолмайди...” дея ўрнидан турди-да дарров чиқиб кетди. Тўғридан-тўғри Саъд бин Муъазнинг уйига равона бўлди. Саъд бин

Муъаз унинг келаётганини кўриб, “Қасам ичиб айтаман, Усайд бу ердан кетаётгандаги юзидан умуман бошқача юз билан келаётир” деди ўз-ўзига.

У келгач, “Нималар қилдинг ё Усайд?” деб сўради. Ҳазрати Усайд бин Ҳудайр эса, Саъд бин Муъазнинг мусулмон бўлишини жондан орзу қилгани учун жўрттага гапни бошқа томондан айлантириб, “Ҳалиги келгинди (Мусъаб бин Умайр) билан учрашдим, лекин зиғирдай ёмонлигини илғай олмадим. Ҳа, яна шуни эшитдимки, рақибинг Баний Хориса ўғиллари, сенинг бўланг (холаваччанг) Асаднинг бундай бегона одамга уйидан жой берганидан гумон қилиб, уни ўлдириш пайига тушибдилар” деди.

Бу гаплар Саъд бин Муъазга қаттиқ тегди. Чунки бир неча йил илгари бир урушда Баний Хориса ўғилларини енгиб, Мадинадан қувиб, Хайбарни бош-пана қилишга мажбур қилганди. Бир йил ўтгач, кечирим бериб, маҳалла-кўйларига қайтишга ижозат ҳам берганди. Шунга қарамасдан уларнинг бундай безбетча режалари Саъд бин Муъазнинг асабини кўздирганди. Аслида эса, аҳвол ундай эмасди. Усайд бин Ҳудайр атайлаб шундай хийлани ишга солганди. Бу билан Саъд бин Муъазнинг ўз холасига ва ўғли Асад бин Зурорага, улар орқали Мусъаб бин Умайрга зарар беришининг олдини олмоқчи эди. Ушбу хийла орқали қабила раисини уларнинг ёнини олишга ва ниҳоят мусулмон бўлишига замин тайёрламоқчи эди.

Саъд бин Муъаз, Усайд бир Ҳудайрдан эшитган хабаридан аччиқланиб, ўрнидан сапчиб турди-да, тўғри ҳазрати Асад бин Зуроранинг уйига борди. У ерга бориб, Асад ва Мусъаб бин Умайрнинг ўзаро хузур-халоватда суҳбат қилиб ўтиришганига гувоҳ бўлди. Ёнларига яқинлашиб, “Эй Асад! Агар орамизда қариндошлик риштаси бўлмаганда, сен бу ишларингни қила олмадинг...” дея дўқ қилди. Унинг бу сўзларига ҳазрати Мусъаб бин Умайр жавоб қайтариб, “Эй Саъд! Шошманг, аввал ўтириб, озгина бизга қулоқ солинг. Маромимиз ва мақсадимизни билинг, ҳушингизга келса, нур устига нур, акс ҳолда, мажбурлайдиган ҳолимиз ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ. Турасиз-да кетасиз!” дея жуда юмшоқ оҳангда гапирди. Саъд бин Муъаз, бу мулоҳим ва ширин сўзлар қаршисида шаштидан тушди, бир чеккага ўтириб, уларни тинглай бошлади.

Мусъаб бин Умайр ҳазратлари, Саъд бин Муъазга аввал ислом ҳақида гапирди. Унинг асосларини изоҳлаб берди. Ундан кейин ёқимли овози билан чиройли қилиб, Қуръони каримдан бироз

ўқиди. Ўқиган сайин Саъд бин Муъазнинг ҳоли ўзгарар, эриб, ўзини йўқотгудек бўлар эди. Ниҳоят Куръони каримнинг тенгсиз балоғати-ю фасоҳати олдида қалби ром бўлиб, худди сеҳрлангандай донг қотди. Аҳволидан қаттиқ таъсирлангани кўриниб турарди. Бир ҳайли шу ҳолатда қолгач, ўзини тута олмай: “Сиз бу динга кириш учун нима қилгансиз?” деб юборганини сезмай қолди.

Муъаб бин Умайр, дарҳол калимаи шаҳодатни ўргатди. У ҳам **“Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ”** деб, мусулмон бўлди. Саъд бин Муъаз мусулмонликнинг завқини шу заҳоти қалбида ҳис қилиб, қувончидан ўзини қўярга жой топмасди. Дарҳол уйига борди-да, унга ўргатишганидек чўмилиб, ғул олди. Сўнгра қавмининг бир жойга йиғилишини буюрди. Саъд бин Муъаз, ўз ёнига Усайд бин Худайрни ҳам олиб халқ йиғилган жойга борди. У ерда Саъд бин Муъаз, Абдулашҳал ўғилларига хитоб қилиб: “Эу Абдулашҳал ўғиллари! Сизлар мени қандай одам сифатида танийсизлар?” дея савол берди. Улар бир овоздан: “Сен бизнинг раисимиз ва қаттамизсан, биз сенинг гапингдан ва изингдан чиқмай эргашамиз!” дея жавоб қилдилар. Шундай жавобни кутиб турган Саъд бин Муъаз: “У ҳолда, эшитининг, мен мусулмон бўлиш шарафига эришдим. Раисларинг сифатида сизларни ҳам Аллоҳу таолога ва Унинг Расулига иймон келтиришга чақираман. Агар иймон келтирмасангиз, ҳеч қайсингиз билан кўришиб, сўзлашиб ўтирмайман!...” деди.

Абдулашҳал ўғиллари, раислари Саъд бин Муъазнинг мусулмон бўлганлигини ва қавмини исломга даъват қила-ётганини эшитиши билан, барчаси бирга ёппай мусулмон бўлдилар. Ўша куни қош қорайгунча Мадина самоларини калимаи шаҳодат ва тақбир садолари чулғаб олди.¹⁰⁵

Шу воқеадан кўп ўтмай, бутун Мадина халқи, Авс ва Ҳазраж қабилалари исломни қабул қилдилар. Ҳар бир хонадон ислом нури билан ёришди. Саъд бин Муъаз ва Усайд бин Худайр қабилаларига оид барча бутларни синдириб ташлашди. Булар ҳақида пайғамбаримизга хабар қилганларида У зоти муборак (алайҳиссалом) беҳад мамнун бўлдилар. Бундай янгилик-дан маккалик мусулмонларнинг севинчлари ҳам ичларига сиғмасди. Шунинг учун ўша йилни (мелодий 621) **санат-ус-сурур** (севинч йили) деб атадилар.

¹⁰⁵ Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 435-б.; Табарий, “Тарих”, II, 88-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, II, 258-б.; Ибн Касийр, “ас-Суйра”, II, 182-б.

Иккинчи Ақаба байъати

Расулуллоҳга пайғамбарлик вазифасини берилганига 13 йил бўлаётган эди. Маккалик мушрикларнинг мусулмонларга раво кўраётган зулмлари ҳаддан ошиб, бардош бериб бўл-майдиган ҳолга етганди. Мадинада эса, Асад бин Зурора ва Мусъаб бин Умайрнинг хизматлари натижасида Авс ва Ҳазражлик-лар мусулмонларга кучоқ очадиган, уларни бағриларига босиб, улар учун ҳар қандай фидокорликдан қайтмайдиган ишқ ва шавққа чўмган эдилар. Улар расулуллоҳнинг тезроқ Мадинага ташриф буюришларини орзу қилишарди. У учун молу жонларини аямасликка ваъда беришганди. Бу орада ҳаж мавсуми бошланиб, Мусъаб бин Умайр бошчилигида мадиналик 73та эркак ва 2та аёл Маккага зиёратга келишди. Ҳаж вазифаларини тамомлагач яна Ақабада пайғамбаримиз билан учрашдилар. Ўшанда Асад бин Зурора ва мадиналик 12 нафар вакил, ўз қабилалари номидан пайғамбаримизнинг Мадинага хижрат қилишларини илтимос қилиб, таклиф этишди. Сараври олам жанобимиз уларга Қуръони каримдан баъзи ояти карималарни ўқиб, улардан ўзлари ва болаларини қандай ҳимоя қилсалар, пайғамбарни ҳам шундай қўриқлашлари ҳақида қатъий ваъда беришларини сўрадилар.

Расулуллоҳнинг ҳали мусулмон бўлмаган амакиси ҳазрати Аббос ҳам ўша ерда эди. Қасамёд қилиш учун йиғилганларга қараб: “Эй мадиналиклар! Бу киши менинг акамнинг ўғлидир. Одам зотида орасида менга энг азиз ва манзури ҳам шу кишидур. Агар сиз Унинг рисолатини тасдиқ қилиб, Аллоҳдан келтирганларига ҳам сидқи дилдан ишонаётган ва бирга олиб кетишни хошлаётган бўлсангиз, мени рози қиладиган, кўнглимни хотиржам этувчи ваъда беришингиз лозим бўлади. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом биздандир. Биз Уни, Унга ишонмаган кимсалардан кўз қорачиғидай қўриқлаб келдик. У бизнинг орамизда иззат ва шарафи билан ҳимояланган ҳолда яшамоқда. У эса, шуларга қарамай, бутун баридан воз кечиб, сиз билан бирга кетишга қарор берди. Шунинг учун агар сиз, барча араб қабилалари биргалашиб устингизга бостириб келганида, уларга қарши чиқа оладиган ҳарбий қувватга қодир бўлсангиз, бу ишга қўл уринг. Бу ҳақда аввал ўзаро гаплашиб, маслаҳатлашиб олинглар, кейинчалик келиша олмай, бўлиниб

юрманглар. Хуллас, ваъдангизда туриб, Уни душманларидан кўриқлай оласизми? Агар бунга қодир бўлсангиз, қандай яхши. Йўқ, агар бу иш қўлингиздан келмай, Маккадан чиққач Уни ёлғизлатиб кўядиган бўлсангиз, яхшиси ҳозирок бу ишдан воз кечингларки, ўз юртида обрў-эътибори билан ҳимоямизда яшайверсин”, дея хитоб қилди.

Ҳазрати Аббоснинг гапларидан мадиналик мусулмонлар бир мунча хафа бўлишди. Чунки ҳазрати Аббоснинг сўзларини, улар худди Расулulloҳ жанобимизни юртларига олиб кетганларида Уни мушриклардан ҳимоялай олмайдиган, қора кунда Уни ёлғиз ташлаб кетадиган одамларга айтилган гапдай тушунган эдилар. Мадиналик саҳобалардан Асад бин Зурора жаноби пайғамбаримизга қараб: “Ё Расулalloҳ! Ижозат берсангиз бир-икки оғиз сўзим бор. Уларни ҳазратингизга арз этсам” деди. Фаҳри коинот ижозат бергач ҳазрати Асад: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Биламизки, ҳар бир даъватнинг бир юмшоқ-мулойим, бир қаттиқ-шиддатли йўли, усули бўлади. Сиз бизни шундай бир нарсага даъват қилдингизки, уни аксарият одамларнинг қабул қилиши ғоятда мушқил. Зеро уларнинг ўтмишдан сиғинишга одатланган бут-санамларини бир зумда ташлаб, исломни қабул қилишлари жуда оғир нарса. Шундай бўлса-да, биз исломни бутун қалбимиз билан қабул қилдик. Сиз яна мушрик қариндошларимиз билан борди-келдини узишимизни амр қилдингиз, биз буни ҳам ихлос билан қабул қилдик. Биласизки, буни қабул қилиш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Энди эса, Сизга ҳатто ўз амакиларингиз душманлик қилиб, ҳимоясини аяган олий зотингизга кучоғимизни очиб, бу шарафли вазифани зиммамизга вожиб ва лозим деб билдик. Бизлар ушбу айтаётган сўзларимизда ҳаммамиз маслаҳатлашиб, иттифоқ қилганмиз. Тилимизда нималар деяётган бўлсак, қалбимиздан уларни тасдиқ этамиз. Ўз бола-чақамизни қандай муҳофаза қилсак, муборак вужудингизни ҳам қонимизнинг охириги томчиси қолгунича ҳимоя қилишга қасам ичамиз. Агар бу аҳдимизни бузадиган бўлсак, Аллоҳу таолога берган сўзимизда турмаган бўлиб, шаккоклар сафига тушиб қолайлик. Ё, Расулalloҳ! Биз сўзимизда содиқмиз. Аллоҳу таоло муваффақ айласин” деди. Кейин: “Ё Расулalloҳ! Сиз ўзингиз учун хоҳлаган талаб ва таъминотни бизга шарт қилиб

қўйишингиз мумкин” дея қўшимча қилди. Жаноби пайғамбаримиз эса, уларни исломиятга ташвиқ қилиб, Қуръони карим ўқидилар. Ундан кейин марҳамат қилиб: **“Раббим учун сизларга қўядиган талабим шуки, фақат Аллоҳу таолога ибодат қилиб, Унга асло шерик қўшмайсиз! Ўзим ва Асҳобим учун сизларга қўядиган шартим эса, бизга паноҳ бериб, менга ва Асҳобимга ёрдам беришингиз, ўзингизни ҳимоя қилган нарсалардан бизларни ҳам ҳимоя қилишингиз.”**

Баро бин Маърур: “Сизни ҳақ дин ва китоб билан юборган Аллоҳу таолога онт бўлсинки, бола-чақамизни ҳимоя қилиб, қўриқлаганимиздек сизни ҳам қўриқлаймиз! Биз билан байъатлашинг, илтимос! Қасамёдимизни қабул қилинг, ё Расулаллоҳ!” деди.

Мадиналик мусулмонлардан Аббос бин Убода, жаноби пайғамбаримиз билан келишилган шартномани мустаҳкамлаш мақсадида юртдошларига қараб: “Эй Ҳазраж! Муҳаммад алайҳиссаломни нима учун қабул қилаётгангизни биласизларми?” дея савол берди. Улар бир овоздан “Ҳа, биламиз” деб жавоб бердилар. Шунда Аббос бин Убода: “Яхшилаб билиб олинглар! Сиз Уни урушда ҳам ва тинчликда ҳам қабул қилиб, Унга тобе бўлдингиз. Агар молларингизга бирон зарар етганида ёхуд ақрабо ва яқинларингиз ҳалок бўлганида пайғамбаримизни ёлғиз ва ёрдамсиз қолдирадиган бўлсанглар, уни ҳозирданоқ қилинглар! Валлоҳи, агар шундай қиладиган бўлсангиз у дунё-ю бу дунёда ҳалок бўлганингиз шу! Агар У зот даъват қилаётган масалада, молларингизнинг қўлдан кетишига ва яқин қариндошларингизнинг ўл-дирилишига рози бўлиб, Унга вафо қилишга кўзингиз етса, бу ишга киришинглар. Валлоҳи бу, дунё ва охираатларинг учун хайрлидур” деганида, оғайнилари: “Молларимиз талаф бўлса ҳам, яқинларимиз ўлдирилса ҳам, биз пайғамбаримизга берган ваъдамиздан асло тонмаймиз. Ундан ҳеч қачон ажралмаймиз. Бу йўлда ўлиш бор, қайтиш йўқ!” дедилар.

Бу гаплардан кейин пайғамбаримизга қараб: “Ё Расулаллоҳ! Биз аҳдимизни бажо келтирсак, бунинг ажри недир?” дея сўрадилар. Севимли пайғамбаримиз ўшанда: **“Бунинг ажри - Аллоҳу таолонинг ризоси ва жаннатдир!”** деб марҳамат қилдилар.

Шундай қилиб, йиғилганлардан ҳар бири ўз қавмларининг вакили сифатида ваъда бердилар. Биринчи бўлиб, ҳазрати Асад бин Зурора: “Мен Аллоҳу таолога ва Унинг Расулига берган сўзимни устидан чиқишга, молу жоним билан Унга ёрдам қилиш хусусидаги ваъдамни бажаришга қасамёд қилиб, Расулulloҳга байъат қилдим” деб, пайғамбаримизга қўл бериб, мусофаҳа қилди. Ундан кейин ҳар қайсиси худди шу тарзда байъатларини тамомлашиб, “Аллоҳу таоло ва Расулининг даъватини эшитдик, қабул қилдик ва Унга бўйин эгдик” деб, ўз мамнуният ва таслимиятларини арз қилдилар. Шу тариқа, Расулulloҳ учун жонлари ва молларини тикдилар. Аёллар қўл бермай, фақат сўз билан байъат қилишди.

Муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Аллоҳу таолога ҳеч қандай шерик қўшмаслик, ўғирлик, тухмат ва зино қилмаслик, болаларини ўлдирмаслик, ёлғон гапирмаслик, хайрли ишларга мухолиф (қарши) бўлмаслик...” каби жамиятнинг муҳим масалаларида улардан ваъда олдилар...

Мадиналиклар жаноби пайғамбаримизга байъат қили-шайтанда Ақаба тепасидан: “Эй Минода қўноқлаганлар! Пайғамбар ва мадиналик мусулмонлар, сизларга қарши жанг қилиш учун келишиб олдилар” деган бир овоз эшитилди. Пайғамбаримиз: “Бу Ақабанинг шайтонидир” дедиларда, овоз чикқан томонга қараб: “Эй Аллоҳу таолонинг душ-мани! Шошма, ҳали сенга ҳам навбат келади!” дедилар. Кейин байъат қилган мадиналикларга: “Сиз дарҳол қўнган жойларингизга қайтинг” дея буюрдилар. Ўшанда Аббос бин Убода: “Ё Расулаллоҳ! Қасам ичаман, агар хоҳласангиз, эртага эрталаб, Минога жойлашган кофирларнинг устига бостириб борамиз ва уларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказамиз” деди. Пайғамбаримиз унинг ғайратидан мамнун бўлдилар, лекин: “Бизга ҳали ундай куч ишлатиш амр қилинмади. Ҳозирча ётоқ жойларингга қайтинглар” дея марҳамат қилдилар.

Имоми Насоийнинг Абдуллоҳ ибни Аббосдан келтирган ривоятига кўра, Ансордан Ақаба байъатига иштирок этганлар, Расулulloҳнинг олдига келганлари учун муҳожирлардан саналганлар.¹⁰⁶

¹⁰⁶ Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 438-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 221-223-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 261-б.; Ибн Касийр, “ас-Суйра”, II, 192-б.

Мадинаи Мунавварага хижрат

Сўнгги Ақаба байъати туфайли Мадина, мусулмонлар учун бошпана бўладиган ҳаловатли жойга айланган эди. Иккинчи Ақаба байъати ҳақида хабар топган маккалик мушрикларнинг бунга муносабати жуда қалтис ва хавfli тус олган эди. Энди мусулмонларнинг Маккада яшашлари чидаб бўлмас даражада оғирлашган эди. Шу сабабдан улар пайғамбаримизга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) аҳволларини арз қилишиб, хижрат қилишга (кўчиб кетишга) ижозат сўрадилар. Шундан сўнг кўп ўтмай пайғамбаримиз севинчли ҳолда Асҳоби киром ёнига чиқиб: **“Сиз хижрат қиладиган жой менга билдирилди. У ер Ясриб (Мадина) дир. У ерга хижрат қилинг. У ердаги мусулмон қардошларингиз билан бирлашинг. Аллоҳу таоло уларни сизга биродар қилди. Ясрибни (Мадинани) сизларга ҳузур-ҳаловат топадиган, осуда юртга айлантирди”** дея марҳамат қилдилар. Расулуллоҳ жанобимизнинг шу ижозат ва тавсияларидан кейин мусулмонлар бирин-кетин гуруҳ-гуруҳ бўлиб Мадина-га хижрат қила бошлади.¹⁰⁷

Сарвари коинот жанобимиз хижратга чиқаётганларнинг ҳар бирига йўлда ва ҳар жойда жуда эҳтиёткор, тадбирли бўлишларини такрор-такрор таъкидлардилар. Мусулмонлар душманлари бўлмиш мушрикларнинг эътиборини жалб қилмаслик учун кичик-кичик гуруҳлар ҳолида йўлга чиқарди ва иложи борича яширин ҳаракат қилардилар. **Биринчи бўлиб Мадинага хижрат қилган зот Абу Салама** мушриклардан жуда кўп азият чекканди. Бироз ўтиб бундан хабар топган мушриклар, йўлга чиққанлардан кўриб қолганларини йўлдан қайтаришга, хотинларни эрларидан ажратиб олишга, кучи етганларини зиндонга ташлашга киришдилар ва уларга ҳар хил жафоларни раво кўрдилар. Динларидан қайтариш учун уларга бермаган азоблари қолмади. Лекин қабилалараро ички уруш чиқиб кетиши мумкинлигидан кўркишиб, мўминларни ўлдиришга журъат қилолмадилар. Мусулмонлар эса, уларнинг бу жабру-жафоларига қарамай, ҳар бир фурсатни ғанимат билиб, Мадинага хижрат қилишда давом этдилар.

Ҳазрати Умар ҳам бир куни қиличини белига тақди. Зарур бўлган ўқ-ёйини ва найзасини олиб, ҳаммининг кўз олдида Каъбани етти

¹⁰⁷ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 226-б.; Табароний, “*ал-Муъжамул-кабир*”, VIII, 31-б.; Байҳақий, “*Далоил-ун-нубува*”, II, 394-б

марта тавоф қилди. Сўнгра шу ерда ўралашиб юрган мушрикларга қараб, баланд овозда: **“Мана мен ҳам динимни ҳимоялаш учун Аллоҳу таолонинг йўлида ҳижрат қилмоқдаман. Хотинини бева, болаларини етим қолдиргиси, онасини йиғлатгиси келганлар бор бўлса, шу водийнинг орқасида олдимга чиқсин!..”** деди.

Шундай қилиб, ҳазрати Умар билан бирга йигирмага яқин мусулмон ҳеч кимдан тортинмасдан куппа-кундуз Мадина томон йўлга чиқди. Ҳазрати Умардан кўрққанларидан бу гуруҳнинг олдига ҳеч ким чиқа олмади. Энди кўчаётган карвонларнинг кети узилмас, Асҳоби киром гуруҳ-гуруҳ Мадинага етиб борарди.

Бу орада ҳазрати Абу Бакр ҳам ҳижрат қилиш учун ижозат сўради. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Бироз сабр қилинг. Аллоҳу таоло менга ҳам ижозат берар деган умиддаман. Бирга ҳижрат қиламиз”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Абу Бакр, “Ота-онам сизга фидо бўлсин! Шундай эҳтимол борми?” деб сўраган эди, пайғамбаримиз **“Ҳа, шундай эҳтимол бор”** дея марҳамат қилиб уни севинтирдилар.

Ҳазрати Абу Бакр саккиз юз дирҳамга иккита туя сотиб олди ва ўша кунни интизорлик билан кута бошлади. Энди Маккада мусулмонлардан севимли пайғамбаримиз, ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Али, камбағаллар, касаллар, қариялар ва мушриклар қамаб қўйган мусулмонларгина қолганди.

Бу вақтда Мадинада, мадиналик мусулмонлар (Ансор), ҳижрат қилган маккаликларни (муҳожирларни) жуда яхши қарши олиб, меҳмон қилардилар. Ораларида мустаҳкам қардошлик ҳосил бўлганди.

Расулуллоҳнинг ҳам куни келиб, Мадинага ҳижрат қилиб, мусулмонларга бош-қош бўлиш эҳтимоли мушрикларни ташвишга солиб қўйди. Шу боис исломни таг-туғи билан ҳал қилиш масаласини келишиб олиш мақсадида Дор-ун-Надвада йиғилишди. Нима қилиш кераклиги ҳақида ҳар ким ўз фикрини ўртага сола бошлади. Шу пайт шайтон ҳам "шайхи наждий" қиёфасида, яъни кекса бир наждлик чол кўринишига кириб, мушрикларнинг даврасига яқинлашди. Уларнинг таклиф ва гапларига жимгина қулоқ солиб турди. Ўртага ҳар хил таклифлар тушган бўлса ҳам, ҳеч қайсисига ёқмаган эди. Шунда шайтон сўзга аралашди: “Бу айтганларингнинг ҳеч қайсиси чора бўлмайди. Чунки Ундаги мутабассум чехра ва

ширин сўз ҳар қандай тадбирни бузиб юборади. Бошқа чорасини топинглар” деб, фикрини билдирди.

Ана шундан сўнг Курайш мушиклари раиси Абу Жаҳл: “Ҳар бир қабиладан биттадан кучли бир йигит танлайлик. Улар қўлларига қилич олсинлар-да биргалашиб Муҳаммадга ҳужум қилсинлар. Уни қиличдан ўтказиб, қонини тўксинлар. Лекин айнан ким ўлдиргани аниқ бўлмасин. Шунда унинг қабиладошлари мажбуран товонга рози бўлишади. Биз товонни тўлаймиз, шу билан ташвишдан қутиламиз” деди. Бу таклиф шайтонга ҳам ёқиб тушди ва уни кизғин ташвиқот қилиб, қўллади.¹⁰⁸

Мушриклар шунга ҳозирлик кўришаётган вақтда Аллоху таоло Расулига ҳижрат амрини юборди. Жаброил алайҳиссалом келиб, мушрикларнинг машъум қарорини жаноби пайғамбаримизга хабар қилди ва ўша кечаси ўз ётоғида ётмаслигини тайинлади. Пайғамбаримиз ҳазрати Алига ўз ётоғида ётишни ва Унда қолдирилган омонатларни эгаларига беришни айтиб: **“Сен бу кеча менинг ўрнимда ётиб ухлагин, мана бу хирқамни (чакмонимни) ҳам устинга ёпиб олгин! Қўрқма сенга ҳеч қандай зарар етмайди”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Али жаноби пайғамбаримиз амр қилганидек ётди. У Ҳабибуллоҳнинг ўрнига ҳеч кўрқмасдан ўз нафсини фидо қилишга тайёр эди.

Ҳижрат кечаси кофирлар Расулуллоҳ жанобимизнинг саодатхоналарини ўраб олганди. Ўшанда Расулуллоҳ жанобимиз муборак уйларида чикиб, Ёсин сурасининг бошидан ўнта ояти каримани ўқиди ва ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, кофирларнинг устига сочиб юбордилар. Шу тупроқдан кимнинг бошига тушган бўлса, уларнинг барчаси Бадр жангида ўлдирилгани ривоят қилинган. Шу билан кофирларнинг кўзлари пардаланиб, Расулуллоҳ улар орасидан соғ-саломат ўтиб кетганларини кўрмай ва сезмай қолдилар. Ниҳоят Расули ақрам Абу Бакрнинг уйига етиб олдилар. Мушриклардан ҳеч ким у зотни кўрмаганди. Бироз вақтдан кейин мушрикларнинг ёнига бириси келиб, улардан: “Бу ерда нимани кутаяпсизлар?” деб сўради. Улар эса: “Муҳаммаднинг уйдан чиқишини кутиб турибмиз” дея жавоб қилишди. Келган кимса: “Қасам ичаманки, Муҳаммад орангиздан ўтиб кетди. Қаранг, хатто бошингизга тупроқ ҳам сочиб кетибди” деб аччиқланди.

¹⁰⁸ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 124-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 227-б.*

Мушриклар бошларини ушлаб кўрганида, ҳақиқатан уларнинг бошлари тупроқ эди. Шунда мушриклар дарҳол эшикка ёпирилиб келишиб, уни бузиб ичкарига кирдилар. У ерда Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ўрнида эса, ҳазрати Али ётарди. Ундан Расули акрамнинг қаердалигини сўрадилар. Ҳазрати Али: “Билмайман! Нима сиз мени Унинг муҳофазасига масъул этиб тайинлаган эдингларми?” деди. Бу жавоби туфайли ҳазрати Алини турткилаб олишди. Ҳатто Каъба ёнига олиб боришиб, бироз қамаб қўйишса ҳам, кейин қўйиб юборишди. Шундан сўнгра кофирлар ташқарига чиқиб Расулulloҳни излай бошладилар.¹⁰⁹

Мушриклар энг аввал Абу Бакрнинг уйига бордилар. Унинг уйида кизи Асмо бор эди. Асмодан отаси ва пайғамбар алайҳиссаломнинг қаердалигини сўрадилар. Асмо жавоб бермагач, бечорани урдилар. Ҳар жойни титиб чиқишса ҳам, уларнинг изини топа олмай хуноб бўлишди. Уларнинг энг ашаддийси бўлган Абу Жаҳл, Макка кўчаларига ва шаҳар атрофига жарчилар юбориб, пайғамбаримиз билан ҳазрати Абу Бакрни топиб келтирганларга ёки яширинган жойларини хабар берганга 100 та туя ваъда қилаётганини эълон қилдирди. Унинг бу ваъдасини эшитган, молу-дунёга мукасидан кетган баъзи бадбахтлар қуролланиб, отларига миниб излашга тушди.

Расулulloҳ сарваримиз, ҳазрати Абу Бакрнинг уйига келиб, унга: **“Ҳижрат қилишимга ижозат берилди”** дея марҳамат қилганларида, ҳазрати Абу Бакр Сиддик ҳаяжони ичига сиғмай: “Муборак оёғингиз чанггига юзимни суртайин, ё Расулаллоҳ, мен ҳам сиз билан бирга бораманми?” деб сўради. У зот эса: **“Ҳа, албатта...”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Сиддик севинчидан йиғлаб юборди. Кўзларидан ёш оққан бир ҳолатда, “Ота-онам ва жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Туялар тайёр. Уларнинг қайси бирини мурод қилсангиз, шуни қабул этинг” дея манзират қилди. Оламларнинг султони: **“Ўз мулкимда бўлмаган туяга минмайман. Фақат пулини бериб сотиб оламан”** дедилар. Бундай жиддий амр олдида мажбур қолган ҳазрати Сиддик, туянинг баҳосини айтди.

Ҳазрати Абу Бакр, тоғ ва чўл оралаб юришда моҳир ва машҳур бўлган Абдуллоҳ бин Урайқит исмли бир кишини, уни ўзларига йўл кўрсатувчи қаловуз этиб ёллади. Туяларни унга топшириб, уч

109 Сухайлий, “Раъзул-унуф”, II, 309-б.

кундан кейин уларни Савр тоғидаги ғор ёнига келтиришни буюрди. Сафар ойининг 27-си пайшанба куни, жаноби пайғамбаримиз Абу Бакр Сиддиқ билан бирга йўл озикларини тайёрлаб, ҳижрат учун йўлга чиқдилар. Иккаласи йўлда кетаётганларида ҳазрати Абу Бакр, Расулulloҳнинг атрофида гоҳ ўннга, гоҳ чапга, бир орқага ва бир олдинга ўтиб юрарди. Пайғамбаримиз ундан нега бундай қиляпсан деганларида, у: “Атрофдан келиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш учун шундай қиляпман. Агар бирон зарар келадиган бўлса, аввал менга келсин. Жоним зоти олийингизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ” дея жавоб берди. Ўшанда Сарвари олам жанобимиз марҳамат қилдиларки: **“Ё Абу Бакр! Ҳақиқатан менинг бошимга келиши мумкин бўлган бирор мусбатнинг ўз бошинга келишини истайсанми?”** “Худди шундай, ё Расулаллоҳ! Сизни ҳақ дин билан, ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, келадиган мусибатнинг сизга эмас, менга келишини истайман” деди.¹¹⁰

Севимли пайғамбаримизнинг пойафзаллари торроқ бўгани учун йўлда йиртилиб кетди ва муборак оёқлари яраланди, ҳатто юришга мажоллари қолмади. Бир амаллаб, зўр-базўр тоққа чиқиб, ғорга етиб олдилар. Ғор оғзига келганларида, Абу Бакр: “Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ учун, сиз ичкарига кирмай туринг! Аввал мен кирайин, у ерда зарарли бирон нарса бўлса, менга тегсин, муборак зотингизга зарар-заҳмат етмасин” деб ғорга биринчи кирди. Ғорнинг ичини супуриб, сидириб тозалади. Ғорнинг у ер, бу ерида бир неча тешиқлар, инлар бор эди, ҳиркасини (чакмонини) йиртиб, уларни ёпиб ташлади. Бироқ яна бир тешиқни ёпишга ҳеч нарсаси қолмади. Буни эса, товони билан ёпиб, Расулulloҳни ғорнинг ичига даъват қилди.

Муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ғорга кирдилар ва хорғинликдан муборак бошларини Абу Бакрнинг олдига қўйди-да, ухлаб қолдилар. Ўша вақт ҳазрати Сиддиқ оёғи билан ёпиб турган индан бир илон оёғини чақди. Бироқ Расулulloҳни уйғотиб юбормаслик учун илон заҳрига чидади. Аммо оғрикнинг зўридан кўзларидан беихтиёр юмалаган бир икки томчи кўз ёши, Расулulloҳнинг муборак юзларига томиб, уйғотиб юборди. **“Нима гап, нима бўлди, ё Або Бакр?”**дея сўрадилар. Ҳазрати Абу Бакр: **“Оёғим билан ёпиб турган тешиқдан бир илон оёғимни чақди”**

¹¹⁰ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 230-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XXX, 78-б.

деб жавоб қилди. Расулulloҳ жанобимиз, Абу Бакрнинг оёғидаги илон чаққан жойига муборак тупугидан сурганларида дархол оғрик тўхтаб, шифо топди.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва Абу Бакр Сиддик ғорнинг ичида ўтирганларида, изкуварлар ёрдамида уларни излаб юрган мушриклар ўша ғорнинг олдига ҳам келишди. Бироқ ғорнинг оғзини ўргимчак тўрлари қоплаб олганди. Бунга қўшимча ғорнинг оғзида иккита каптарнинг уяси ҳам турарди. Мушрикларнинг исковучи Қурз бин Алқома: “Жуда ғалати, бироқ шу ерга келганда из йўқолди” деди. Кофирлар эса, ўзларича, “Агар улар бу ерга кирган бўлсалар эди, ғорнинг оғзидаги ўргимчак тўри бузилиши лозим бўларди” дея пичинг қилишди.

Шунга қарамасдан кофирларнинг баъзилари: “Шу ергача келдик, ғорга биттанг кириб бир қарагин?..” дейишганди, улардан Умайя бин Халаф исмли бириси: “Сенларда ақл борми ўзи? Оғзида ўргимчак тўри қатлам-қатлам бўлиб ётган бу ғорда ким бўлиши мумкин? Қасам ичаманки, бу ўргимчак тўрини Муҳаммад туғилмасидан олдин тўқиган бўлса керак” деб жаҳл қилди. Мушриклар ғорнинг олдида мунозара қилишаётганида ичкарида ҳазрати Абу Бакр ҳам ҳар хил хаёлларга бориб: “Ё Расулаллоҳ! Валлоҳу ўзим учун ташвишланмаяпман. Бироқ олий зотингизга бирон зарар келишидан хавфсираяпман. Мени ўлдирсалар, мен якка кишиман, бу билан бирон нарса ўзгармайди. Лекин сизга бирор зарар келадиган бўлса, бутун уммат ҳалок бўлади, дин нобуд бўлади” дея ўз ташвишларини жанобимизга билдирди. Коинотнинг султони жанобимиз эса: “**Ё Або Бакр!.. Шубҳасиз Аллоҳу таоло биз тарафдадир...**” дея марҳамат қилдилар.

Абу Бакр Сиддик: “Ё Расулаллоҳ! Жоним сизга фидо бўлсин! Улардан бирортаси озгина эгилиб қараса, бизни кўради” деганида, Жанобимиз: “**Ё Або Бакр! Биз икки кишимиз, учинчисимиз эса, Аллоҳу таолодир. Ташвиш чекма!.. Ҳақ таоло биз билан бирга**” дея марҳамат қилдилар. Мушриклар ғорнинг ичкарисига қарамай орқаларига қайтиб кетишди.¹¹¹

Аллоҳу таоло Қуръони каримда бу ҳолни маолан шундай буюради: “**Агар сиз Унга(Ҳабибимга) ёрдам бермасангиз, (хотирлангки ўша вақт) кофирлар Уни (Маккадан) икковлонинг**

111 Муслим, “Фазоил-ус-Саҳоба”, 1-б.; Термизий, “Тафсиру-л-Қуръон”, 10-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 228-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VII, 471-б.; VIII, 459-б.; Фоқидий, “Аҳбори Макка”, VI, 199-б.

иккинчиси этиб (ҳазрати Абу Бакр билан) **чиқарганларидан сўнг**, (Савр тоғи тепасидаги) **ғорда ўтирганларида**, Аллоҳу таоло **Унга** (Расулulloҳга) **ёрдам берганди**. У вақт оғайнисига (Абу Бакр Сиддиққа), **“Ташвишланма, Аллоҳу таолонинг ёрдами, нусрати шубҳасиз биз билан бирга”** деган эди. Аллоҳу таоло, **Унинг олдига хотиржамлик тушириб, Уни** (Ҳабибини) **кўзга кўринмас**(маънавий) **лашкарлар билан кучлантирганди, кофирларни** (куфр) **сўзларида адаштирганди**.Аллоҳу таолонинг (тавҳид) **калимаси эса, жуда олийдир**. Аллоҳу таоло **мутлоқ ғолибдир**. **Уягона ҳукм ва ҳикмат соҳибидир.**”¹¹²

Севгили пайғамбаримиз ва Абу Бакр, ўша ғорда уч кеча-кундуз қолдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг Абдуллоҳ исмли ўғли, Маккада эшитганларини, кечаси ғорга келиб отасига хабар қиларди. Унинг озод қилган кули ва сурувларининг чўпони Омир бин Фухайра эса, ғордагиларга кечаси сут келтириб, Абдуллоҳнинг изларини ўчириб ташларди.

Ғордаги ҳаётининг тўртинчи куни Савр ғоридан ташқари-га чиққан сеvimли пайғамбаримиз, ўзининг Қусва исмли туясига миндилар. Бир ривоятга кўра, орқасига Абу Бакрни ҳам миндириб оладилар. Иккинчи туяга Омир бин Фухайра ҳазратлари билан йўлларни яхши билувчи Абдуллоҳ бин Урайқит минадилар.

Оламларнинг жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлкаларнинг энг мубораги, Аллоҳу таолонинг мадҳига сазовор бўлган Маккаи мукаррамани, киндик қони томган ватанини ташлаб кетаётган эдилар. Шу сабабдан, У туясини Ҳароми шариф сари бурдида, маҳзун бир ҳолатда: **“Валлоҳи! Сен, Аллоҳу таоло яратган жойларнинг энг хайрлиси, Аллоҳу таолонинг наздида энг сеvimлисан! Агар мен сендан чиқарилмаганимда, ўз хохишим билан асло чиқмасдим. Мен учун сендан-да чиройлироқ, кўркамроқ юрт йўқ. Қавмим мени сендан чиқармаганида, мен сендан чиқмасдим, сендан бошқа бирор жойни юрт қилиб, у ерларда уй қурмасдим”** дея хайрлашдилар.

Айни шу онда Жаброил алайҳиссалом тушиб: “Ё Расулаллоҳ! Ватанингда муштоқмисан, соғинаяпсанми?” деб сўради. Сарваримиз: **“Ҳа, муштоқман”** дея марҳамат қилдилар. Ана ўшанда Жаброил алайҳиссалом, бир кун келиб Маккага қайтиб келишлари хушхабарини бериб, Қасос сурасининг 85-оятни каримасини ўқиб, Унинг муборак хотирига тасалли берди.

112 Тавба сураси, 9/40.

Йўлда илгарилаш жуда секинлик билан кечарди. Мушриклар эса, кидиришни тўхтатмаган, лекин ҳеч ким уларни топа олмаётган эди. Чунки Жаноби Ҳақ, Ҳабибини кофирларнинг шарридан қўриб бораётганди. Расулуллоҳ жанобимиз шериклари билан Қудайд номли жойга етиб келганларида, сахийлиги билан машхур бўлган, ақлли ва ифбатли Умму Маъбад исмли бир хонимнинг чодир олдида тўхтадилар. Йўловчилар, Уммадан бироз хурмо ва гўшт сотишини сўрадилар. Умму Маъбад эса: “Агар бирор нарсам бўлганда эди, сизга сотиш эмас, сизни ичкарига олиб зиёфат қилиб, икромда бўлардим. Афсус очарчилик ва қаҳатчилик сабабли қўлимизда бир нарса қолмади” деб надоматини билдирди. **“Сут борми?”** деб сўрадилар йўловчилар. “Йўқ, сигир ва соғиладиган ҳайвонларимиз қисир қолишган” дея жавоб қилди Умму хоним. Ўшанда Коинотнинг султони (саллаллоҳу алайҳи васаллам) чодир ёнида турган бир ориқ кўйни кўрсатиб: **“Эй Умму Маъбад! У қўйни нега бу ерга боғлаб қўйибсан?”** дея марҳамат қилдилар. У эса,: “Ҳа, у жуда касал ва ориқ бўлгани туфайли сурувдан қолиб кетди. Дармони йўқлигидан юра олмади” деди. **“Унинг сути йўқми? У қўйни соғса бўладими? Уни соғишга ижозат берасизми?”** дея марҳамат қилинганида, “Сизга ота-онам фидо бўлсин, афсуски унинг сути йўқ, лекин сиз соғаман десангиз менинг қаршилигим ҳам бўлмайди” деди Умму Маъбад. Шу вақт Расулуллоҳ жанобимиз, қўйнинг олдига бориб, Аллоҳу таолонинг исмини зикр қилдилар. Баракат тилаб, дуодан кейин қўйнинг елинларига қўлини текказдилар. Шу ондаёқ қўйнинг елини сутга тўлди ва ҳатто оқа бошлади. Дарҳол идиш келтиришиб, уни тўлдириб олишди. Сутдан аввал Умму Маъбаднинг ўзига қўйиб берилди. Ундан кейин Абу Бақрга ва навбат билан бошқаларга бериб, уларнинг ҳаммасининг тўйишини таъминлади. Энг охирида Жанобимизнинг ўзлари ичдилар. Яна бир марта муборак қўлларини елинига теккизиб, катта бир идишни тўлдириб сут олдиларда Умму Маъбадга бердилар.

Йўловчилар у жойдан узоқлашганларидан сўнгра Умму Маъбаднинг эри келди ва уйда катта бир идиш тўла сутни кўрди. Ҳайрон бўлиб: “Бу сут қаердан келди?” дея хотинидан сўради. “Бир муборак киши уйимиз ёнига келиб тўхтадилар ва хонамизни мана шундай шарафлантириб кетдилар. Мана қўриб турганларинг Унинг ҳиммати ва баракатидандир” дея жавоб қилди эрига Умму

Маъбад. “Таърифлачи, унинг сифати ва жамоли қандай эди?” деди Уммунинг эри.

Умму Маъбад кўрганларини таърифлаб, бундай деди: “Мен кўрган у Муборак зот, жуда хушбичим ва юзида доим табассуми бор эди. Кўзларида бироз қизиллик кўринарди, овози жуда нозик, сўзи ширин эди. Муборак киприклари узун эди. Кўзининг оқи ниҳоятда оқ, қораси эса тим қора бўлиб, қудратан сурмали эди. Сочлари қора, соқоли қалин эди. Жим турганида уни бир викор ва вазминлик қопларди. Сўзлаганида табассум қиларди, сўзлар жуда тартибли чиқиб, жуда ширин эшитиларди. Узокдан жуда ҳайбатли кўринарди, яқинлашганида жуда бир ёқимли ва жозибатор кўриниш оларди. Ёнидагилар, у зотнинг амрини бажариш учун жонини қўлига олиб югурадилар.” Бу сўзларни ҳайрон қолиб тинглаган Умму Маъбаднинг эри: “Қасам ичаманки, бу зот, Қурайшликлар излаб юрган киши бўлиши керак. Агар мен у зотга дуч келганимда, хизматига кириб, шарафланардим, ёнларидан ажралмасдим” деди. Ривоятга қилишларича Умму Маъбаднинг ўша қўйи ўн саккиз йил яшаган экан. Фаҳри олам жанобимизнинг баракати билан оила унинг сути билан рўзғор тебратишган экан. Умму Маъбаднинг эри, Расулulloҳнинг изларидан кетиб, Рийм водийсида муборак йўловчиларга етишади ва мусулмон бўлади. Кейинчалик Умму Маъбад ҳам мусулмон бўлиш шарафига эришади. ¹¹³

Суроқа бин Молик

Мушриклар Мадинага қараб йўлга чиққан Муҳаммад алайҳиссаломни ва ҳазрати Абу Бакрни тинмасдан излашарди. Улар агар топа олмасак бошимизга катта ташвиш келади деб кўрқишарди. Чунки мусулмонлар “Ислом давлати” тузиб, тез орада уларни баргараф қилишларига ишонишарди. Шунинг учун мушриклар нима қилиб бўлса ҳам пайгамбаримизни қўлга туширишга ашаддий киришишган эди. Жаноби пайгамбаримизни ва Абу Бакрни ўлдирганга ёки уларни асир олганларга юз туя билан яна сон-саноксиз мол-мулк ҳамда пул беришларини ваъда қилдилар. Бу хабар Суроқа бин Молик мансуб бўлган Мудлиж ўғиллари орасида ҳам тарқалди. Суроқа бин Молик яхшигина

113 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 230-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, IV, 84-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, I, 26-б.

изқувар эди. Шу маҳорати туфайли бу хабарга эътиборсиз қолмай, дарров ишга киришиб кетди.

Мудлиж ўғиллари бир сешанба куни, Сууроқа бин Молик яшайдиган ҳудуд бўлган Қудайда йиғилдилар. Йиғинга Сууроқа бин Молик ҳам қатнашган эди. Ўшанда, Қурайш мушрикларидан бири Сууроқанинг ёнига келиб: “Эй Сууроқа! Валлоҳи мен бироз олдин соҳилга қараб кетаётган уч кишилиқ сафарийларни кўрдим. Улар ўша Муҳаммад ва Унинг Асҳоби бўлса керак” деди. Сууроқа вазиятни тушунганди. Лекин бу ишга тикилган мукофотларни ёлғиз ўзи олишни кўзлаётган эди. Шу сабабли бу янгиликдан ўзгаларнинг ҳам хабардор бўлишини олдини олиб: “Йўқ, у сен кўрганлар фалон кишилар эди. Мен уларни яхши танийман, бироз олдин мана шу ердан ўтиб кетгандилар” деб унинг хабарини кўпчилик олдида аҳамиятсизга чиқариб қўйди.

Сууроқа у ерда яна бироз кутди-да, фурсатини топиб дарров уйига келди. Хизматчисига отини ва қуролларини олиб водийнинг орқасида кутиб туришни буюрди. Ўзи эса, ёнига ханжарини олди, ярқираб кўриниши одамларнинг диққатини тортмасин деган мақсадда учини пастга қаратиб қўйди. Охири, отига миниб, уни чоптириб йўлга тушди. Кўп ўтмай бутун Макка қидираётган одамларнинг изига тушди ва ортларидан отини елдирди. Узокдан қоралари кўринган муборак йўловчиларга шунчалик яқинлашдики энди уларни бемалол ажрата олар ва ҳатто жаноби пайғамбаримизнинг тиловат қилиб кетаётган Қуръони карим оятларини аниқ эшитарди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳеч ортларига қарамасдилар. Олдинга қараб ҳар томонга аланглаб ҳушёр бораётган ҳазрати Абу Бакр бирдан орқага назар ташлаб, изларидан Сууроқанинг эргашиб келаётганини илғади-ю ташвишга тушиб қолди. Муҳтарам пайғамбаримиз эса, унга ғордагидек: **“Ғам чекманг дўстим, Аллоҳу таоло биз билан бирга”** дея марҳамат қилдилар.

Бухорий ҳазратларининг ривояти бўйича, ўшанда ҳазрати Абу Бакр, бир отликнинг изларидан келаётганини Расули акрамга арз қилганида, пайғамбаримиз: **“Ё Рабби! Уни отидан йиқитгин”** дея дуо марҳамат қилдилар. Бошқа бир ривоятда эса, Сууроқа уларга етиб қолганида ҳазрати Абу Бакр, хавфсираб йиғлай бошлайди. Расули акрам ундан нега йиғлаётганини сўраганларида: “Валлоҳи ўзим учун йиғламаяпман. Сизга бирон зарар келишидан кўрқиб йиғлаяпман” дея жавоб қилди.

Суроқа жаноби пайғамбаримизга бемалол ташлана оладигандай яқинлашиб: “Ё Муҳаммад! Энди сени мени қўлимдан ким ҳам химоя қила олади?” деб дағдаға қилди. Сарвари олам: **“Мени Жаббор ва Қаххор бўлган Аллоху таолонинг Ўзи химоялайди”** дея жавоб қилдилар. Шу заҳоти Суроқанинг оти икки олд оёқлари билан тиззасигача ерга ботиб қолди. Бундан аранг чиқиб, тақрор хужумга шайланганида, отнинг оёқлари яна ерга ботиб, юра олмай қолди. Суроқа бу гал қанча уринмасин отини у ҳолатдан қутқара олмади. Оти ҳам ўзи ҳам ҳолдан тойди. Бошқа чораси қолмагач шафқат ва марҳамат соҳиби бўлган Расулulloх жанобимиздан узр сўраб, ёлворишга тушди. Жамики юксакликлар ва чиройли ахлоқни ўзларида мужассам қилган, олийҳиммат ва олийҳилқат бўлмиш пайғамбаримиз Суроқанинг ҳолига раҳм қилиб, узрини қабул қилдилар. Суроқа тинмай: “Ё Муҳаммад! Сизнинг муҳофазада эканлигингизга кўзим етди. Менга дуо қилинг, шу ҳолатдан қутулайин. Бундан буён сизга асло зарар бермайман. Изингизга тушганларга ҳам сиз ҳақда ҳеч нима демайман” деб ялинарди. Коинотнинг сарвари: **“Ё Рабб! Агар у сўзида тўғри ва самимий бўлса, отини қутқаргин”** дея дуо марҳамат қилганларида, Аллоху таоло бу дуони шу заҳоти қабул қилди.

Суроқа бин Моликнинг оти, фақат мана шу дуодан кейингина ботиб қолган жойидан чиқа олди. От оёқларини чиқариб олган жойдан тутунга ўхшаш бир нарса ҳам осмонга кўтарилди. Суроқа ҳайратдан донг қотди ва шу кўрганларидан Муҳаммад алайҳиссаломнинг доим химояда эканлигига амин бўлди. Аслида қисқа вақтда жуда кўп нарсаларга гувоҳ бўлган эди. Охирида: “Ё Муҳаммад! Мен Суроқа бин Моликман! Мендан асло шубҳаланманг. Сизга ваъда бераман. Бундан буён Сиз ҳушламайдиган, Сизга зарар келтирадиган ҳеч қандай ишга қўл урмайман. Бироқ қавмингиз, Сизни ва ёнингиздаги йўлдошларингизни тутиб келтирган одамга жуда катта мукофот беришларини ваъда қилишган” деб, Қурайш мушрикларининг қилмоқчи бўлганларини бир-бир гапириб берди. Ҳатто пайғамбаримизга йўл озиғи ва минишга ўз туяларини ҳам таклиф қилди. Лекин муҳтарам пайғамбаримиз қабул қилмадилар ва унга: **“Эй Суроқа! Сен Ислом динини қабул қилмагунингча, сендан на туянгни, на сигирингни олмайман. Сен фақат бизни кўрганингни яширсанг бас, шу бизга кифоя”** дедилар.

Ибни Саъднинг нақл қилишича: Суроқа жаноби пайғамбаримизга, менга истагингизни амр қилинг деганида,

Расулulloх “Ўз юртингдан чиқмагин. Ҳеч кимнинг бизни қувиб етишига фурсат бермагин” дея буюрдилар.

Аллоҳу таоло хоҳладими ҳар бир нарса дарҳол содир бўларди. Унга холис қалб билан ишониб, Унинг ризоси томон юрилганда, ақл бовар қилмайдиган ҳодисалар рўй берарди. Расулulloҳни ўлдириб, катта муқофотларга эришиш хирсида наръа отган шердай ҳайбат билан йўлга чиққан Суруқанинг шаштидан асар ҳам қолмаганди. Ўзи бўшашиб, мунис, ўй-хаёлга ботган, етаклаган жойга кетадиган ювош боладек бўлиб қолганди. Ҳар нарсага қодир Аллоҳу таоло, Ҳабибига зарар етказмаслиги учун Суруқанинг қалбини яхшиликка мойил қилиб қўйган эди. Албатта, Аллоҳу таоло Ҳабибини (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ёлғиз қолдирмасди. Чунки У, инсониятга раҳм-шафқат сифатида, уларни дунёда ва охиратда абадий саодатга, бахтга эриштирувчи вазифаси билан юборилган севимли пайғамбари эди.

Суруқа изига қайтди ва бошидан кечирганларни ҳеч кимга айтмади.¹¹⁴

Суюнчи! Суюнчи!... **Расулulloҳ келмоқдалар!**

Мухтарам пайғамбаримиз, ҳазрати Абу Бакр, Амир бин Фухайра ва уларнинг йўл қўрсатувчилари Абдуллоҳ бин Урайқит хижратнинг биринчи йили Рабиул-аввал ойининг саккизи душанба куни (милодий 622 йил сентябр ойининг 20си) чошгоҳ вақти Кубо қишлоғига етиб келдилар. Шу кун мусулмонларнинг Ҳижрий шамсий йил ҳисобининг боши бўлиб қолди. Ўша куни Қулсум бин Ҳидм исмли бир мусулмоннинг уйида меҳмон бўлдилар. Ўша ерда биринчи масжид қурилди. Кубо масжиди ояти каримада маолан: “... **Пойдевори тақво устига қурилган масжид**”¹¹⁵ деб, мадҳ этилади.

Маққада қолган ҳазрати Али, Расулulloҳнинг Каъбаи шарифда доимо бўладиган жойларига келиб ўтирди ва “Расули ақрамда кимнинг омонати бўлса, келиб олсин” деб эълон қилди. Одамлар келиб, нарсаларининг белгиларини айтиб, олиб кетишди. Шундай

¹¹⁴ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 489-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, IV, 424-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 346-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, VII, 133-б.; Абу Яъла, “ал-Муснад”, I, 107-б.

¹¹⁵ Таваба сураси, 9/108.

қилиб барча омонатлар эгаларига топширилди.

Маккаи мукаррамада қолган Асҳоби гузин ҳазрати Алининг қаноти остида тўпландилар. Расулуллоҳнинг Маккадаги саодатхонасида уй ашёлари муҳофаза қилинди ва Маккада бўлган вақт мобайнида у ерда ҳазрати Али яшаб турди. Бирмунча вақт ўтганидан сўнг, Расули акрам жанобимиз ашёларини Мадинаи мунавварага келтиришларини амр қилдилар.

Аллоҳнинг арслони ҳазрати Али, Курайш кофирлари йиғилган жойга борди ва уларга қараб: “Иншааллоҳ эртага мен ҳам Мадинаи мунавварага кетаяпман. Менга бирон нарса дейдиганлар борми? Агар бор бўлса, шу ердалигимда айтсин” дея хитоб қилди. Кофирлар бошларини ҳам қилиб, ҳеч нарса демадилар. Эртаси тонгда ҳазрати Али, пайғамбаримизнинг уй ашёларини тўплаб, Расулуллоҳнинг Аҳли Байти ва ўз қариндошлари билан бирга йўлга чиқди. Узоқ йўл юриб, йўл азобидан оёқлари шишиб, тимдаланиб, қонаган вазиятда Расулуллоҳга Кубода етиб олди. Ҳазрати Али кундузлари бекиниб, кечалари пиёда югур-югурлар билан ўтказилган узун ва машаққатли сафарнинг охирида хузурга чиқа олмайдиган даражада ҳолдан тойганди. Бундан хабар топган Расули акрам, шахсан ўзлари ташриф буюриб, аҳволига раҳмлари келиб, фидокор амакиваччасини бағрига босган, муборак қўллари билан ҳақ йўлда мингларча машаққатларга дучор бўлган ярали оёқларини силаб, соғайиб кетиши учун дуо марҳамат қилган эдилар. Ҳатто ҳазрати Алининг бу фидокорлиги туфайли: **“Инсонлар орасида шундайлари борки, улар Аллоҳу таолонинг ризоси учун ўз нафсларини фидо этарлар”**¹¹⁶ маолидаги ояти карима нозил бўлганлиги ривоят қилинади.

Мадинага аввалроқ ҳижрат қилган саҳобалар билан мадиналик мусулмонлар коинот султонининг Маккадан ҳижратга чиққанлигини эшитишлари билан ташрифларини ҳаяжонланиб интизорлик билан кутаётгандилар. Шу сабабдан Мадинаи мунавваранинг чекка маҳаллаларига кузатувчилар қўйиб, кечакундуз йўл пойлашарди. Бутун шаҳар жанобимизнинг шарафёб қиладиган вақтларини тўрт кўзлаб кутар ва муносиб қарши олиш учун муштоқ эди. Унинг муҳаббати билан ўртанаётган диллар,

116 Бақара сураси, 2/207.

чўлнинг сувга бўлган ташналигидек муштоқлик билан кўзларини уфқдан узмай кунларча кутдилар. Ана шундай кунлардан бирида, ниҳоят: “Келаётирлар! Келаётирлар!...” деган овоз тарқалди. Бу хушxabарни эшитганлар, қақраган чўлга термулиб, меҳмонларнинг қорасини излашга тушишди. Ана!.. Ана!.. Улар энди кизиган чўлда, қуёшнинг жазирама иссиғига қарамай, ҳайбат билан улар томон келаётганларни кўргандилар. Севинчларини ичларига сиғдира олмай: “Суюнчи!.. Суюнчи!.. Расулуллоҳ келмоқдалар!.. Пайғамбаримиз келмоқдалар!.. Қувонинглар, эй мадиналиклар. Байрам қилинглр! Ҳабибуллоҳ келмоқдалар!.. Бошимизнинг тожи келмоқдалар!..” деган ҳайқириқлар янграй бошлади. Бу хушxabар бир зумда Мадинаи мунавваранинг барча хонадонларига етиб, иссиқдан уйларини паналаган аҳолини кўчаларга тоширди. Ахир еттидан етмишгача кекса-касал ҳаммаси, ўша бебаҳо хушxabарни кутишаётганди-да. Бутун Мадина халқи энг чиройли кийимларини кийишиб, Оламларнинг жанобини кутиб олиш учун шаҳар чеккасига қараб югуришарди. Такбир садолари осмонни янграгиб, худди ёриб юборгудек бўлар, севинч кўзёшлари селдек оқмоқда эди. Шаҳар узра шод-хуррамлик ва бахтиёрлик тафти ураётган шабада эсарди. Мадина ўз тарихидаги энг тенгсиз, энг гўзал кунни бошдан кечирарди. Бир томонда ҳаммага “Амин” номи билан танилган Аллоҳу таолонинг Ҳабибини боши учун олтин тикканлар, иккинчи томонда эса, Уни ва дўстларини ҳимоялаш учун жонларини тикканлар турарди.

Мадиналиклар тезроқ севимли пайғамбаримизнинг нурли жамолларини кўришга интиларди. Мадина шаҳри бино бўлганидан буён бундай севинчли, бундай муборак онни бошидан кечирмаганди. Мадина шу пайтгача кўз кўриб, қулоқ эшитмаган улкан байрамга гувоҳлик қилаётган эди.

Ўхшаши бўлмаган ва бўлмайдиган ушбу байрамда, болалар ва аёллар қуйидаги шеърларни тараннум қилишарди:

*“Толағал-бадру алайно,
Мин саниййат-ил-вадо,
Важаб-аш-шукру алайно,
Мо дағаллоҳу доа.*

*Айюҳ-ал-мабъусу фино,
Жиъта бил-амр-ил муто! ...*¹¹⁷

“Хуш келдингиз, ё Расулаллоҳ!” “Бизникига марҳамат қилинг, ё Расулаллоҳ!” қабилидаги истаклар ва ёлворишлар ҳаммаёқни тутиб кетганди. Мадинанинг обрў-эътиборли кишиларидан баъзилари Қусвонинг тизгинидан ушлаб, “Ё Расулаллоҳ! Бизникига марҳамат қилинг, илтимос бизникига...” дейишиб, Унга ўзларининг хурмат-икромини чин қалбларидан изҳор қилдилар. Ўшанда пайғамбаримиз уларга: **“Туямнинг жиловини қўйиб юборинг, у маъмурдир. У кимнинг уйи олдида чўкса ўша ерда меҳмон бўламан”** дея марҳамат қилдилар. Ҳамма ҳаяжон билан туянинг қаерга бориб чўкишини кузатиб, эргашиб юрар, атрофдан “Ё Расулаллоҳ! Бизга ташриф қилинг...” деган садолар ёғиларди. Пайғамбаримиз уларга табассум қилиб: **“Туямга йўл беринглар. Қаерга чўкиши унга буйрилган”** дердилар. Ниҳоят Қусво жаноби пайғамбаримизнинг ҳозир ҳам мавжуд бўлган масжиди шарифларининг эшиги олдига бориб чўкди. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) туядан тушмадилар. Жонивор қайта ўрнидан турди-да юра бошлади. Бироз айланиб, яна аввалги жойига келиб чўкди ва жойидан турмади. Ана шундан кейин жанобимиз Қусвонинг устидан тушиб: **“Иншаллоҳ манзилимиз шу ер”** дея марҳамат қилдилар-да: **“Бу ер кимга қарашли?”** деб сўрадилар. “Ё Расулаллоҳ! Бу ер Амрнинг ўғиллари Суҳайл ва Саҳлга тегишли” деган жавобни беришди. У болалар етим эди. Пайғамбаримиз: **“Қариндошларимиздан қайси бирининг уйи бу ерга яқинроқ?”** дея марҳамат қилдилар. Зеро Расулуллоҳнинг бобоси Абдулмутталибнинг онаси Нажжор ўғиллари авлодидан эди. Холид бин Зайд Абу Айюб ал-Ансори ҳазратлари хурсандлигидан юраклари гупиллаб, “Ё Расулаллоҳ! Бу ерга энг яқин уй меники. Мана уйим, марҳамат дарвозаси мана бу томонда” дея ўз уйини кўрсатди. Қусводан юкларни тушириб, Расулуллоҳни ичкарига таклиф қилди.¹¹⁸

Мадиналик мусулмонлар ва муҳожирлар сарвари олам жанобимизнинг ҳижратларидан беҳад хурсанд бўлдилар.

117 Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, V, 351-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, II, 269-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Худо”, III, 278-б.;

118 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 346-б.

Мадинаи мунаввара даври Холид бин Зайднинг уйига ташрифлари

Биъсатнинг (рисолатнинг) ўн учинчи йили 12-чи рабиул-аввалида (мелодий 622 й.) муҳтарам пайғамбаримизнинг Мадинага ҳижратларидан эътиборан ўн йил давом этадиган Мадина даври бошланди.

Сарвари олам пайғамбаримиз Холид бин Зайд Абу Айюб ал-Ансорий¹¹⁹ ҳазратларининг уйига ташриф буюрганларида пастки қаватда ўтиришни ихтиёр қилдилар ва ўша қаватга жойлашдилар. Шундай қилиб, сарвари коинотни меҳмон қилиш ва Унга ўз уйдан жой бериш шарафи ўша муборак зотга насиб бўлди.

Ҳазрати Холиднинг ўзи бу воқеани куйидагича баён қилган: “Расулulloҳ уйимни ташриф этганларида пастки қаватда яшашни ихтиёр қилдилар. Биз эса, устки қаватда яшардик, лекин бундан ўзимизни жуда ноқулай сезардик. Шунинг учун бир куни “Отанам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Бизни юқорига қўйиб, ўзингиз пастда бўлишингизга кўнгилим ҳеч рози эмас. Менга оғир ботяпти. Илтимос зоти олийларингиз юқорига, биз эса пастда истиқомат қилишимизга ижозат берсангиз” дея арз қилдим. Бунга жавобан “**Ё Або Айюб! Пастки қаватда ўтириш бизга қулайроқ ва муносиброқ**” деб, келиб-кетиб турадиган зиёратчиларни яна-да қулайроқ қабул қилиш мақсадида пастки қаватда қолишни муносиб топдилар. Шундан кейин биз яна устки қаватда яшаб қолавердик. Бир куни кутилмаганда сув кўзамиз синиб қолди. Тўкилган сув пастки қаватга ўтиб, расулulloҳни безовта қилишидан андиша қилиб, дарҳол хонимим билан ёпиниб ётадиган биттагина кўрпамизни ёйиб, сувни шимдириб олдик.”

Абу Айюб ал-Ансорий барибир устки қатда бўлишдан ўзини ўнғайсиз сезар ва ҳижолатда эди. Охири, ўзи пастга тушиб, Расулulloҳни юқорига чиқишга рози қилди-ю кўнгли тинч топди. Абу Айюб ҳазратлари айтадиларки: “Расулulloҳга ҳар куни кечки овқат тайёрлаб, хузурларига элгардик. Ортиб қолганини қайтарганларида аёлим Умму Айюб иккаламиз, Расулulloҳнинг қўллари теккан жойларини излаб, овқатнинг ўша жойларидан ердик ҳамда шу билан баракатланардик. Бир куни Сарваримизга пиёз ёки саримсоқли таом юборганимизда Расулulloҳ унга қўл текказмай қайтариб юборибдилар. Овқатда қўл изларини кўрмагач

119 *Ибн Ҳожар, “ал-Исоба”, I, 405-б.*

фарёд чекиб, хузурларига чикдим. “Ё Расулаллоҳ! Ота-онам сизга фидо бўлсин! Сиз кечки овқатдан тановвул қилганингизни муборак изларини топа олмадик. Мен рафиқам Умму Айюб билан доимо сиздан ортган таомдан кўлингиз теккан жойларини ахтарардик ва шу жойлардан ейиш билан баракатланардик” дедим. Ўшанда Расулаллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қилдиларки: **“Бу кўкатда бир ҳид сездим. Шунинг учун емадим. Мен малак билан сўзлашадиган одамман.”** “У овқат ҳаромми?” деб сўрадим. **“Йўқ! Бироқ менга унинг ҳиди унча хуш келмади”** дея марҳамат қилдилар. “Сизга хуш келмаган нарса менга ҳам хуш келмайди” деганимда, пайғамбаримиз: **“Сиз уни енг”** дея марҳамат қилдилар. Биз расулаллоҳнинг амрларига биноан у таомни тановвул қилдик. Лекин бошқа ҳеч қачон у кўкатдан Расулаллоҳга овқат тайёрламадик.

Яна бир гал Расулаллоҳ ва Абу Бакр иккаласига етарли қилиб овқат тайёрлаб, хузурга чиқардим. Расулаллоҳ ўшанда: **“Ё Або Айюб! Овқатга Ансорнинг катталаридан ўттиз кишини таклиф қилгин! Уларга ҳам етади”** деб марҳамат қилдилар. Мен овқатнинг озлигидан ҳижолат қилиб, балки Расули акрамга кўп кўрингандир деб каловланиб турганимда, Расулаллоҳ тақрор: **“Ё Або Айюб! Боринг, Ансорнинг ашрофидан ўттиз киши таклиф қилинг”** дедилар. Минг бир андиша билан Ансордан ўттиз кишини таклиф қилдим, келдилар. Биз тайёрлаган овқатдан ейишди, ҳаммаси тўйди. Бу ерда бир мўъжиза бўлганлигини тушундилар, келганларнинг иймонлари қувватланди ва яна бир марта қайтадан байъат қилиб, қайтиб кетдилар.

Бундан сўнгра Расулаллоҳ жанобимиз: **“Яна олтмиш кишини чақиргин”** дея буюрдилар. Мен мўъжиза юз бериб, овқат камаймаётганини кўрганимдан бениҳоя хурсанд бўлиб, яна олтмиш кишини дастурхонга даъват қилиб келдим. Улар ҳам ўша овқатдан едилар. Барчаси Расулаллоҳнинг мўъжизасини кўриб тасдиқладилар ва тарқаб кетишди. Уларнинг орқасидан: **“Ансордан тўқсон киши таклиф қилинг”** деб марҳамат қилдилар. Таклиф қилдим, келдилар. Расулаллоҳнинг амри билан дастурхон атрофига ўтириб, овқатдан едилар, овқат сира камаймади. Улар ҳам ушбу мўъжизага гувоҳ бўлиб кетдилар. Шундай қилиб, мен икки кишига деб мўлжаллаган таомдан бир юз саксон киши еб, тўйишди. Лекин таом, олиб борганимда қандай бўлса, худди шундайлигича худди қўл тегмагандай турарди.”¹²⁰

120 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 289-б.

Ансор ва муҳожирларнинг биродар тутинишлари

Жаноби пайғамбаримиз Мадинаи мунавварадаги мусулмонлар орасидаги яқинликни мустаҳкамлаш мақсадида хижрат қилган муҳожирларни ва уларга уйларидадан жой берган Ансорни бир-бирларига биродар қилдилар. Ҳазрати Али энг охирига қолдирилгани учун ўзини унутиб қолдирилдим деб ўйлаб: “Ё Расулаллоҳ, мени унутдингизми?” деб сўради. Оламларнинг жаноби: “**Сен, дунёда ва охирада менинг қардошимсан**” деб марҳамат қилдилар. Ушбу биродарлик ўзаро моддий ва маънавий ёрдамлашиш асосига суянади. Шу тариқа юртларидан, иссиқ уй-жойлари ва қариндош-уруғларидан айри қолишнинг маҳзунлигини бир мунча бўлса ҳам таскин топтириш кўзланганди. Шундоғам мадиналик мусулмонлар, Аллоҳу таолонинг динига амал қилиш ва уни ёйиш мақсадида юртларини тарк этган муҳожир қардошларига кучоқ-бағрларини очиб, уйларига қабул қилишганди. Уларга ҳар томонлама ёрдам бера олиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Шунга қарамадан Расулulloҳ жанобимиз ҳар бир муҳожирни (кўчиб келувчи), унинг миждозига мос бир мадиналик ансор (уйига қабул қилиб ёрдам берувчи) билан қардош тутинтириб кўйдилар. Ушбу қардошлик туфайли улар орасида меҳр-оқибат ва ёрдамсеварлик туйғулари шунчалик қувватландики, Ансор ўз оталаридан қолган мол-мулкларини муҳожир биродарига бўлиб беришга жон деб рози бўларди.¹²¹

Ҳар бир мадиналик ўз қарамоғидаги ер, боғ, ҳовли, уй, моллари, қисқаси нимаси бўлса, барчасини иккига бўлиб, ярмини муҳожир қардошига ўз хоҳиши ва ризоси билан кўш-қўллаб беради. Муҳожирлардан Абдурраҳмон бин Авф ҳазратлари шундай сўзлаб берганди: “Биз Мадинаи мунавварага хижрат қилганимизда, Расулulloҳ мени Саъд бин Рабий билан биродар қилдилар. Шунда қардошим Саъд менга: “Эй қардошим Абдурраҳмон! Мен мол жиҳатидан мадиналик мусулмонларнинг энг бадавлатиман. Молларимни иккига бўлдим, энди бир қисми сеники бўлади” деди. Мен эса: “Аллоҳу таоло молингни сенга муборак ва хайрли айласин. Менинг мол-мулкка эҳтиёжим йўқ. Фақат мени, савдотик қиладиган бозорларингга олиб борсанг кифоя” дедим”.

Бундай фидокорлик, фақатгина ислом биродарлиги орқали мумкин бўлаётганди. Одам алайҳиссаломдан шу давргача одамзод

¹²¹ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 283-б.; Ибн Касийр, “*ал-Бидоя*”, III, 226-229-б.; Балозурий, “*Ансоб*” I, 270-271-б.

тарихида жуда кўп кўчиш ҳодисалари рўй берган. Лекин бундай маъноли ва олий ҳижрат, ташқаридан келганлар билан маҳаллий халқ орасида бунчалар самимий муносабат ва меҳр-муҳаббат барпо бўлмаганди. Дарҳақиқат, Аллоҳу таоло ояти каримада маолан: **“Мўминлар шак-шубҳасиз оға-инидирлар”**¹²² деб буюради. Шу билан ҳақиқий севги ва самимиятнинг моддий манфаатлар орқали эмас, балки муштарак иймон ва ўзаро ишонч орқали қарор топишига ишора қилинди. Асҳоби киромдаги ушбу ҳол, муҳтарам пайғамбаримизнинг биргина суҳбатларига иштирок этиш натижасида ҳосил бўларди. Севимли пайғамбаримизнинг муборак қалбларидан дарёдек отилиб чиқаётган файз ва баракот нурлари Асҳоби киромнинг қалбларига оқиб, оқибатда тарихда кўрилмаган фидокорлик ҳислари билан бир-бирларига шундай меҳр-муҳаббат қилардики, ҳатто дин биродарларини ўз жонларидан афзал деб билишарди.

Ансор ва **муҳожирин** янги барпо бўлаётган ушбу мусулмон диёрида қўлни-қўлга, кўнгилни-кўнгилга бериб, ислом динининг қувват топиши учун ҳар қандай фидокорликка чидаш ва охирида шаҳодат мартабасига эришиш учун ваъдалашдилар. Шундай қилиб Расулulloҳнинг атрофларида жамланиб, ислом динининг асосига уйғун ҳолда янги бир низом ва масъуд бир ҳаёт кура бошладилар. Энди Исломият, ҳижрат ҳодисаси билан **“Давлат”** бўлиш йўлида илк қадамини ташлаганди. Мадинаи мунаввара эса, тобора Ислом динининг бешиги ва маркази ҳолига келаётган эди.

Мадинада Асҳоби киромдан бошқа, христианлар, яҳудийлар ва бутларга сиғинувчи мушриклар ҳам яшашарди. Яҳудийлар Баний Қайнуқо, Баний Қурайзо ва Баний Надр исмли учта қабиладан ташкил топганди. Улар бошдан Исломга ва айниқса севимли пайғамбаримизга ашаддий душман эдилар.

Бу орада маккалик мушриклар, жаноби пайғамбаримизнинг Мадинада Асҳобини бир-бирлари билан қардош тутинтиришларини ўзлари учун катта хатар деб билишди. Агар қисқа вақтда олдини олишмаса, мусулмонлар кучайиб, Маккага хужум қилишлари, у ерда қолдириб кетган уй-жой ва мулкларини қайтариб олишларидан хавфсирай бошлашди... Ана шундай фикрда бўлган маккалик мушриклардан, мадиналик мусулмонларга дўқ-пўписа мактублари кела бошлаганди. Масалан, шундай мактубларнинг бирида, **“Шубҳасиз, орамизда адоват бўлган араб қабиларидан ҳеч бири**

122 Ҳужурот сураси, 49/10.

бизни сиз-мадиналиклардек ғазаблантирган эмас. Чунки биздан қочиб кетган одамимизни қайтариб бериш ўрнига Унга ёрдам бериб, кучоқ очиб, пайғамбар деб ардоқлаб, ҳимояларингга оляпсанлар. Бу эса, сенлар учун кечириб бўлмас катта айб! Яхшиси, У билан бизнинг орамизга тушманлар, Уни бизга қўйиб беринглар. Агар Унинг йўли тўғри, хатти-ҳаракатлари дуруст бўлса, бунга энг зиёда хурсанд бўладиганлар бизмиз. Акси ҳолда, Уни тартибга чақириб қўйиш ҳам бизнинг чекимизга тушади!..” дейилганди.

Бу мактубга ҳазрати **Каъб бин Молик**, пайғамбаримизни мадҳ этувчи чиройли жавоб ёзди.

Мақкалик мушриклар мадинадаги мушрикларга ҳам ўша мазмунда таҳдид этувчи хат жўнатишди. Уларга, "Агар бизнинг одамимизни шаҳрингиздан чиқариб юбормасанглар ёки ўлдирмасанглар, устингизга жанг қилиб борамиз, ҳаммангни қиличдан ўтказиб, хотин-қизларингни хизматчи қилиб оламиз!.." деб, дўқ-пўписа қилинганди.

Мана шундай хатлардан кейин мадиналик мушриклар Абдуллоҳ бин Убай исмли мунофиқнинг атрофида йиғилишиб, фурсат топган заҳоти Расулуллоҳга зарар беришга қарор қилишди.

Мусулмонлар бундан хабар топиб, сеvimли пайғамбаримизни ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоялаш чораларини кўришиб, Унинг атрофида жипслашдилар. Кофирларнинг дастидан мўминлар ўз юртларида ҳам кечаси кўчаларга чиқа олмайдиган, уйларида бемалол ухлай олмайдиган бўлдилар. Убай бин Каъб бу ҳолат ҳақида шундай деганди: “Расулуллоҳ жанобимиз ва Асҳоблари Мадинаи мунавварага ташриф буюрганларида мусулмонлар, атрофдаги барча мушрик араб қабилаларининг ғазабига учради. Ҳамма мушриклар бирданига мадиналик мусулмонларга душман бўлди қолди. Шу пайтларда вазиятнинг қалтислигидан Асҳоб кўлларига қурол олиб, тонггача соқчиликда туриб чиқарди.”

Саҳобаи киром яқвужуд бўлиб, хавф-хатарда доимо бутун кучлари билан мусулмон қардошларига ёрдамга шошилишарди. Шундай фидокор ёрдамсеварларнинг пешвоси яна муҳтарам пайғамбаримиз эдилар. Расулуллоҳ жанобимиз ҳар чиройли хислатда биринчилардан бўлганларидек жасоратда ҳам Асҳобнинг энг олд сафидан жой олар ва ҳаммага намуна эдилар. Кечанинг қайси бир вақтида бўлишидан қатъий назар бирор жойдан фарёд эшитилса, пайғамбаримиз от миниб, ҳаммадан аввал ўша жойга яшиндай етиб борар, кўрқиладиган нарса йўқлигини Асҳобига айтиб, уларни таскин берардилар.

Масжиди Набий

Пайгамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинага ташриф буюрганларида энг биринчи иш сифатида Асҳобини тарбиялайдиган, жамоат билан намоз ўқийдиган бир масжид қурилишини орзу қилдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло сизга, У учун тош ва ғиштдан бир байт (масжид) қуришни амр қилди” деб хабар беради. Бу воқеадан кейин дарҳол Ҳабиби ақрам жанобимиз, Мадинага кириб келганларида туяси Қусво чўккан ерни эгаларидан сотиб олиш ниятида эканликларини маълум қилдилар. Ер эгалари эса, “Ё Расулаллоҳ! Биз еримизнинг эвазини фақат Жаноби Ҳақдан кутамиз. У ерни Аллоҳ ризоси учун сизга ҳадя этдик” дейишиб, қабул қилишлари учун ёлворишди. Шунга қарамасдан Расулulloҳ рози бўлмай, ер ҳақини зиёдаси билан тўлаб, сотиб олдилар.¹²³

Масжид қурилиши бўйича ишлар бошланиб кетди. Бир томонда қурилиш жойи текисланиб, лойиҳа чизишга киришилган бўлса, бошқа томонда қурилиш ашёлари, ғишт қуйиш ва тош кесиш ишлари бошлаб юборилди. Ниҳоят барча тайёргарлик тугагач, бинонинг тамал тошини (фундаментни) қўйиш учун тўпландилар. Масжиднинг асосига биринчи тошни Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) жанобимиз, муборак қўллари билан қўйдилар ва йиғилганларнинг ичидан навбат билан **“Абу Бакр, тошини менинг тошим ёнига қўйсин! Умар, тошини Абу Бакрнинг тоши ёнига қўйсин! Усмон, тошини Умарнинг тоши ёнига қўйсин! Али тошини Усмоннинг тоши ёнига қўйсин!”** дея марҳамат қилиб, бу зотларнинг исмларини тилга олдилар. Улар бу амрни бажарганларидан сўнгра, у ерга йиғилган бошқа Асҳоби киромга қараб, **“Сизлар ҳам олиб келган тошларингни қўйинглар”** деб буюрдилар. Улар ҳам тош қўйдилар.

Масжид қурилишида севимли пайгамбаримиз бошлиқ барча саҳобаи киром тинмай, дам олиш нималигини билмасдан тер тўкиб меҳнат қилдилар. Расулulloҳ муборак орқаларида тош ва ғишт ташидилар. Бинонинг асоси тошлар билан бир ярим метр кўтарилганидан кейин устига ғишт қалаш бошланди. Расулulloҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) жанобимиз бир куни иншоотга ғишт ташиётган эдилар, Асҳобдан бири Уларнинг ҳузури шарифига

¹²³ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 239-б.

бориб, юксак бир одоб ила Унга: “Ё Расулаллох! Қўлингиздаги ғиштни мен олиб боришимга ижозат берасизми?” дея мурожаат қилди. Ҳотам-ул-анбиё жанобимиз, янада бир юксак назокат билан унга, ўзларининг ҳам савоб орттиришга жуда муҳтож эканликларини айтиб, ғиштларни бермадилар. Унга бориб алоҳида ўзи ғишт олиб келтиришини буюрдилар.

Масжиди Набавийнинг қурилишида энг кўп меҳнат қилганлардан бири Расулulloҳнинг ўзлари эди. Энг оғир, катта-катта харсанг тошларни кўтариб, муборак нафаслари қисилиб, усталарга етказиб берардилар. Масжид қурилишида тош ва ғишт ташиб, тортилаётган заҳматнинг аҳамиятини ҳамда бундан эришиладиган неъматлар ҳақида гапириб, Асҳобининг ғайратини ошириб турардилар.

Жанобимизнинг масжид биноси қурилишидаги ғайратини кўрган мусулмонлар, иштиёқ билан берилиб меҳнат қилардилар. Ҳамма биттадан ғишт ташиётган бўлса, Аммор бин Ёсар, биттасини Жаноби пайғамбаримиз, наригисини ўзи учун деган ниятда иккитадан ғишт таширди. Бу ҳолни кўриб қолган Расулulloҳ жанобимиз унинг олдида бордилар, муборак қўллари билан ҳазрати Амморнинг орқасини силаб: **“Эй Сумайянинг ўғли! Сенга иккита, бошқаларга биттадан ажр бор”** дея марҳамат қиладилар.

Масжид деворлари қисқа вақтда кўтарилди ва томи ёпилди. Бунга қўшимча, масжидга туташтирилиб, Расулulloҳ жанобимиз учун ғишдан икки хонали бир уй ҳам қурилди. Унинг усти ҳам хурмо дарахтининг шох-шаббалари билан ёпилди (у хоналар сони вақт ўтиши билан тўққизтага етган). Масжид биноси қуриб битказилганидан сўнгра Жаноби пайғамбаримиз, Халид бин Зайднинг уйдан ўзи учун янгидан қурилган уйларига кўчиб ўтдилар.¹²⁴

Хурмо таёгининг инграши

Жаноби пайғамбаримиз жума кунлари масжиддаги Ҳаннона номли бир хурмо таёгига суяниб, хутба ўқирдилар. Кейинчалик уч зинапояли бир минбар қилинди. Бир куни Расулulloҳ ва Асҳоби киром жума куни Масжиди Набийга йиғилган эдилар. Сарваримиз хутба ўқиш учун янги ясалган минбарга чикдилар. Ўша пайтда

124 Ибн Касийр, “ас-Суйра”, II, 280-б.

кутилмаган бир воқеа юз берди. Шу кунгача ҳар хутбада Расулulloҳ суяниб турадиган қуриб қолган хурмо таёғи, худди ҳомиладор туянинг йиғлашини эслатадиган бир овоз чиқариб, инграй бошлади. У ерга йиғилган барча Асҳоби киром, ҳайратланиб бу товушга кулоқ солдилар. Бироқ товуш тўхтамасди. Шунда оламларнинг сарвари минбардан тушиб, хурмо таёғи олдига келдилар-да уни муборак қўллари билан силадилар. Ўша заҳотиёк унинг инграши тўхтади. Бутунлай қуриб қолган бир хурмо таёғининг пайғамбаримизга бўлган бу муҳаббати ва ҳасратига гувоҳ бўлган Саҳобийлар ҳам ўз кўз ёшларини тўхтата олмадилар.

Бу ҳақда ҳазрати Анас бин Молик: “Ҳатто масжид ҳам унинг йиғисидан ларзага келганди” деган сўзлар билан ўша ҳодисани хотирлайди. Ибни Абий Вадо эса “Хурмо таёғи дир-дир титрай бошлади. Расулulloҳ келиб, муборак қўллари унинг устига қўйганларидан кейингина тўхтади” деганлар.

Жаноби пайғамбаримизнинг ўзлари: **“Нафсим қудратида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, агар уни мен силамаганимда эди, менинг ҳасратим билан қайғудан қиёматгача шундай йиглаб турарди”** дея марҳамат қилдилар. Бу воқеадан кейин Расулulloҳнинг амри билан у хурмо таёғи дафн қилинди.¹²⁵

Бошқа бир ривоятда шундай хабар қилинади: “Расул алайҳиссалом қуриган хурмо таёғига келиб: **“Хоҳласанг сени бир боғчага берайин. У ерда такрор куртак чиқар ва эски ҳолингга қайт. Хоҳласанг сени жаннатга олиб бориб тикайин-да, сенинг мевангдан Аллоҳу таолонинг дўстлари есинлар”** дея марҳамат қилдилар. Расулulloҳ жанобимиз, унга кулоқ тутиб, унинг “Мени жаннатга экинг ва мендан Аллоҳу таолонинг дўстлари есинлар ва эскириб чиримайдиган бир жойда бўлайин” деганини эшитдилар. Дарахтнинг тилга киргани ва унинг сўзларини жаноби пайғамбаримизнинг ёнида бўлганлар ҳам аниқ-тиниқ эшитдилар. Расулulloҳ жанобимиз унга, **“Сенинг хоҳишингни бажараман”** дея марҳамат қилдилар. Сўнгра Асҳобига қараб, **“Дор-ул-бақони дор-ул-фанодан (бу дунёдан) афзал билди”** дедилар.

¹²⁵ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 239-б.; Қози Иёз, “*Шифо-и шариф*”, 300-301-б.

Ҳазрати Ойшага уйланишлари

Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз ва ҳазрати Абу Бакр ҳижрат этганларида оилаларини Маккада қолдиргандилар. Ҳазрати Хадижа волидамиз вафотларидан бир йил ўтгач Расулulloҳ ҳазрати Ойшага унаштирилгандилар. Имоми Бухорий ривоят қилган ҳадиси шарифда, ҳазрати Ойша айтадики: “Расулulloҳ жанобимиз менга. **“Эй Ойша! Сен, менинг тушимда икки марта кўрсатилгансан. Эҳтимол бир яшил ипак билан тўқилган бир парча матода сенинг расмингни кўргандим ва менга, “Бу расмдаги киши келгусида сенга хотин бўлади” дейилганди”** дея марҳамат қилдилар.” Жаноби пайғамбаримизнинг ана ўша тушларидан кейин улар унаштирилдилар. Аммо ҳали тўйлари ўтказилмаган эди. Бу ҳолатни ҳазрати Ойша волидамиз куйидагидек ҳикоя қилганлар: “Расулulloҳ Мадинага ҳижратга чиққан вақтларида бизни ва қизларини Маккада қолдиргандилар. Мадинани ташриф қилганларидан сўнг, озодли кули Зайд бин Хориса ва Абу Рофийни иккита туя ва заруратларга сарфлаш учун 500 дирҳам пул билан бизга юбордилар. Отам эса, Абдуллоҳ бин Урайқитни икки-уч туя билан уларга кўшиб, онамни, мени ва синглим Асмони Мадинага жўнатишини сўраган мактуб ёзиб, акам Абдуллоҳга амр йўлладилар. Мен, онам Умму Румон ва Расулulloҳнинг карималаридан ҳазрати Зайнаб йўлга чиқдик. Қубайд деб аталадиган манзилга етиб борганимизда, Зайд бояги 500 дирҳамга яна учта туя сотиб олди. Қаторимизга Талҳо бин Убайдуллоҳ ҳам кўшилди. Мино атрофидаги Вайд деган жойга етганимизда биз минган туя бирдан лўкиллаб югура бошлади. Мен эса, маҳмилнинг (туя устида икки киши минишга мўлжалланган ўриндиқ) ичида эдим. Онам ҳам ёнимда эди. Онам **“Эвоҳ кизалоғим, эвоҳ келинжоним!”** дея ўзини у ёқдан бу ёққа урарди. Аллоҳу таоло туямизни сокинлаштириб, бизни фалокатдан қутқарди. Ниҳоят Мадинага етиб олдик. Мен ўз оилам билан бирга тушдим. Расулulloҳнинг оиласи Унинг хоналари олдида тушишди.” Шундай қилиб, ҳазрати Ойша волидамиз отаси ҳазрати Абу Бакрнинг уйида бир муддат яшади. Ҳазрати Абу Бакр кунлардан бир куни, Сарвари олам жанобимизга: **“Ё Расулаллоҳ! Аҳлингиз билан уйланишда сизга халақит бераётган нарса недир?”** деб сўради. Расулulloҳ эса,

“Махрдир” дея жавоб бердилар. Ҳазрати Абу Бакр Расулulloҳга махр пули юборди.

Ана шундан сўнг ҳазрати Оиша волидамининг тўйи ўтказилди. Ўша вақтда сарваримиз эллик бешга киргандилар.¹²⁶ Ҳазрати Оиша волидамиз, жуда ақлли ва қобилиятли бўлиб, ходисаларни шу заҳоти шеър ҳолида айта оларди. Ўрганган ёки ёд олган бирор нарсасини ҳеч унутмасди. Ниҳоятда ақлли, закий, олима, адиба, афифа ва солиҳа аёл эди. Хотираси жуда қувватли бўлганлигидан Асҳоби киром кўп нарсаларни ундан сўраб ўрганардилар. Оиша волидамиз ояти карима билан мадҳ қилинган.

Азони Муҳаммадий

Масжиди Набий биноси қурилган кунларда ҳали намоз вақтларида, вақтнинг кирганини эълон қиладиган ва мусулмонларни масжидга чақирадиган ҳеч қандай усул йўқ эди. У пайтлар намозга чорлаш учун фақат, “**Ассалоту Жомийа**” дейиларди, холос.

Расулulloҳ сарваримиз бир куни Асҳоби билан маслаҳат асносида, намоз вақтларида мўминларни жомега (масжидга) қандай йўл билан чақирсак бўлади дегандай савол қотдилар. Ўшанда баъзиси, намоз вақти кирганида уни эълон қилиш учун насоролардек ноқус, яъни кўнғирок (колокол) чалайлик деса, яна баъзиси, яхудийлардек карнай чалинсин дейишди. Айримлари эса, “Намоз вақти машъала ёқайлик-да, баланд кўтарайлик” деган фикрларни ўртага ташладилар. Буларнинг ҳеч бири Расулulloҳ жанобимизга маъқул келмади.¹²⁷

Абдуллоҳ бин Зайд бин Салаба билан ҳазрати Умар ўша кунларда бир туш кўришиб, тушларида азон ўқирилишини эшитдилар. Ҳазрати Абдуллоҳ, севимли пайғамбаримизга келиб тушини қуйидагича гапириб берди: “Тушимда елкасига яшил ёпинчиқ ташлаб, белига яшил паштимол мато ўраб олган, кўлида кўнғироғи бор бир кишини кўрдим. Ундан “Кўнғирокни сотасанми?” деб сўрадим. “Буни нима қиласан”-деб сўради.” Намоз вақтларини билдириш учун чаламан” дегандим, у зот, “Мен сенга ундан ҳам хайрлисини ўргатаман” деди-да қиблага қараб олиб баланд овозда, “Аллоҳу акбар, Аллоҳу

¹²⁶ Бухорий, “Маноқиб-ул-Ансор”, 44-б.; Термизий, “Никоҳ”, 18-б.

¹²⁷ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 247-б.; Табароний, “ал-Муъжамаул-кабир”, XII, 287-б.; Абу Яъла, “ал-Муснад”, IX, 378-б.

акбар, ...” деб ўқий бошлади. Ўқишини тугатгач, “Намозга кирадиган пайтингда эса” деб, ҳалиги калималарини такрорлади, лекин охирига томон “Қад қомат-ис-салоту” жумласини илова қилди.”

Шунда Расулulloҳ сарваримиз, **“Бу туш ҳақ. Эшитган калималарингни Билолга ўргатгин, айтсин!”** деб марҳамат қилдилар. Ана ўша калималарга "азон" номи берилди.¹²⁸

Ҳазрати Билол Масжиди шарифнинг яқинидаги баланд бир уйнинг устига чиқиб, ўргатилган калималар билан дастлабки азонни айтди.

Ҳазрати Умар, азон овозини эшитиб, югура-югура Расулulloҳнинг хузурларига келди ва Унга ҳазрати Билол ўқиган калималарни айнан у ҳам тушида эшитиб, кўрганларини айтиб берди. Ўша кечаси, Асҳоби киромдан бошқалари ҳам худди ўшандай туш кўргандилар. Шу орада Жума сурасининг 9-ояти каримаси нозил бўлиб, ваҳий билан ҳам билдирилди.

Билол Ҳабаший бир куни бомдод намози вақтида севимли пайғамбаримизнинг эшиклари олдида, **“Ас-салоту хайрун минаннавм”** калималарини икки марта такрорлаб, овоз берганди, булар жаноби пайғамбаримизга ҳуш ёқиб, **“Билол, бу қандай чиройли ширин сўз-а! Бомдод азонини ўқиётганингда ушбу калималарни ҳам қўшиб айтгин”** дея марҳамат қилдилар. Шундай қилиб, бомдод намози азонида шу калималар ҳам айтиладиган бўлди.

Пайғамбаримизнинг вафотларигача муаззинлик қилган ҳазрати Билол Ҳабашийнинг овози ўткир, чиройли ва жуда таъсирли эди. У азон ўқишни бошлаганида, ҳамма меҳру иштиёқ билан тинглаб, калималарнинг кучига ром бўлишарди. У азон ўқиганида ҳамманинг кўзидан беихтиёр ёш оқарди. Намоз вақтларида саҳобаи киромнинг бир-бирларини жомега, жамоатга азони шариф орқали чақиришлари, мадиналик мушрик ва яҳудийларнинг жиғига тегди. Шу сабабли улар азон ўқиладиганда дарров уни ҳазил-мазах ва калака қилишга ўтишарди. Уларнинг бундай масхарабозликларига қарши Аллоҳу таоло, Куръони каримда маолан: **“Улар, намозга азон орқали халқни чорлаганингизда, уни ўйин ва мазах қиладилар. Бу уларнинг ақли кам қавм эканликларини кўрсатади”** деган.¹²⁹

128 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 247-б.

129 Моиди сураси, 5/58.

Асҳоби киромнинг таълими

Фаҳри коинот (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Асҳоби киромни етиштириш, малакали даражага кўтариш учун масжиди Набийда бемислу бебаҳо суҳбатлар қурадилар, Аллоҳу таоло ул ҳазратга эҳсон қилган файзу баракатларни саҳобаларининг қалбларига қуярдилар. Мухтарам пайғамбаримизнинг суҳбатларига қатнашиш шарафига муяссар бўлганлар биринчи суҳбатдаёқ қалбларида жуда катта ўзгаришлар ҳис этар ва жуда юксак илоҳий маърифатларга эришардилар. Шу файзли суҳбатларнинг баракати билан Асҳоби киром, пайғамбаримиздан бошлаб, барча саҳоба дўстларини ўз жонларидан ҳам ортиқроқ севадиган, ардоқлайдиган ҳолатга келишганди. Аллоҳу таоло уларни ояти карималар орқали мадҳ этди. Улар, Расулulloҳнинг ҳузури шарифларида гўё бошларига қуш қўнгану кимирилса, учиб кетадигандай бениҳоя адаб ва пур-диққат ўтиришарди. Шу тариқа Асҳоби киром пайғамбарлардан ва улуғ малаклардан кейин махлуқотнинг энг афзали ҳамда юксаги бўлдилар.

Аллоҳу таоло Қуръони каримда маолан: “Сиз умматларнинг энг яхшиси, энг хайрлиси бўлдингиз, инсонларнинг яхшилиги учун яратилдингиз. Сиз яхшилиқни амр қилиб, ёмонликдан наҳй қиласиз...”¹³⁰

“Олдин мусулмон бўлганлардан, Муҳожирлардан ва Ансорнинг пешқадамларидан ҳамда уларнинг йўлида юрганлардан Аллоҳу таоло розидир ва улар ҳам Аллоҳу таолодан розидирлар. Аллоҳу таоло улар учун жаннатлар ҳозирлади. Бу жаннатларнинг тагидан дарёлар оқиб туради. Улар жаннатда доимий қоладилар”¹³¹

“Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳу таолонинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (Асҳоби киром) ларнинг барчаси кофирларга қарши шиддатли, лекин ўзаро (мўминлар билан) эса, раҳм-шафқатли ва мулойимдирлар. Уларни (мудом) руку ва сажда қилаётган ҳолда топасиз. Ҳаммага икки дунёда Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик тилайдилар. Ридвонни, Аллоҳнинг уларни ёқтиришини орзу қиладилар. Кўп сажда қилганлари юзларидан маълум бўлади. Уларнинг ҳоллари,

130 Оли Имрон сураси, 3/110.

131 Тавба сураси, 9/100.

шарафлари мана шу йўсинда мисоллари билан Тавротда ва Инжилда ҳам мазкурдир. Инжилдаги уларнинг мисоли, худди экиндек бўлиб, ингичка ва нозик кўкат ердан униб чиқиб, йўғонлашиб, ўсганидек кам ва заиф бўлишларига қарамай, қисқа вақтда атрофга ёйилдилар. Чор атрофни иймон нурига ғарқ қилдилар. Барча кўкатнинг ҳолини кўриб, қисқа вақтда қанақасига шунчалик ўсиб кетди деб хайрат қилганидек уларнинг ҳол ва шонлари ҳам дунёга ёйилиб, кўрганлар хайрат қилишди ва кофирлар ғамга ботиб, жазавага тушди.”¹³² дейилди.

Муҳтарам пайғамбаримиз ҳадис-шарифларида ҳам Асҳоби киромнинг улуғлиги ва юксак даражаларини изоҳлаб: “Асҳобимнинг ҳеч бирига тил текказманглар. Уларнинг шаънларига ярашмайдиган бирон нарса айтиб юрманглар! Нафсим қўлида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, сиздан бирингиз Уҳуд тоғидек олтин садақа қилса, Асҳобимдан биттаси берган бир муд арпаси қадар савоб ололмайсиз” ва “Асҳобим гўёки кўкдаги юлдузлар кабидир. Хоҳлаган бирига эргашсангиз қутуласиз” дея марҳамат қилганлар. Муҳтарам пайғамбаримиз ҳадис-шарифларида ҳам Асҳоби киромнинг улуғлиги ва юксак даражаларини изоҳлаб: “Асҳобимнинг ҳеч бирига тил текказманглар. Уларнинг шаънларига ярашмайдиган бирон нарса айтиб юрманглар! Нафсим қўлида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, сиздан бирингиз Уҳуд тоғидек олтин садақа қилса, Асҳобимдан биттаси берган бир муд¹³³ арпаси қадар савоб ололмайсиз” ва “Асҳобим гўёки кўкдаги юлдузлар кабидир. Хоҳлаган бирига эргашсангиз қутуласиз” дея марҳамат қилганлар.

Асҳоби суффа

Жаноби пайғамбаримиз масжиди Набийнинг шимол тарафидаги девори тагига хурмо дарахтининг шохчаларидан соябон ясатдилар. Маккадан ҳижрат қилиб келган мол-мулки йўқ, бўйдоқ саҳобийларга шу жойни бошпана қилишларини амр этдилар. Сонлари ўн билан тўрт юз орасида ўзгариб турадиган бу саҳобалар¹³⁴ Расулulloҳдан асло айрилмас ва битта суҳбатларини ҳам бой бермай иштирок

¹³² Фатҳ сураси, 48/29.

¹³³ Бир муд – саккиз юз етмиш беш (875гр) грамм оғирликка тенг ўлчов бирлигидир. Қаранг: “Диний терминлар лугати” II, 57-б, *Türkiye Gazetesi Yayınları*.

¹³⁴ Аҳмад бин Ханбал, “*ал-Муснад*”, III, 235-б.; Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 255-б.

етишарди. Кечаю кундуз Қуръони карим ўқиш, илм ўрганиш, ҳадиси шарифларни ёд олиш билан банд бўлишарди. Кунларнинг аксариятини рўза тутиш билан ўтказиб, тоат-ибодатни бир зум қанда қилишмасди.

Бу ерда илм таҳсил қилаётганлар энди мусулмон бўлган қабилаларга юборилиб, уларга Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни, яъни Ислом динини ўргатардилар. Жуда юксак фазилатларга эришган ушбу муборак саҳобийлар, аслида улкан бир илм-ирфон лашкари эдилар. Жаноби пайғамбаримиз, уларни жуда яхши кўрар, улар билан ўтириб суҳбатлар кураб ва биргалашиб овқатланардилар. Ана ўша ерни маскан тутиб, ўқиб етилган саҳобаларга **Асҳоби суффа** дейилди.

Расулulloҳ бир куни Асҳоби суффага қараб, уларнинг ниҳоятда камбағалликлари ҳақида хаёлга толдилар. Шунчалик фуқаро (муҳтож гадо) бўлишларига қарамай, кўнгиллари тинч, қалблари сокин ва соф ҳолда ибодатдан бош кўтармасдилар. Жаноби пайғамбаримиз уларга меҳр билан қараб: **“Эй Суффа асҳоби! Сизга хушxabарлар бўлсин. Агар умматимдан сиз бошдан кечираётган шундай оғир шартларга рози бўлган бирон киши топилгудек бўлса, у албатта менинг дўстларимдандир”** дея илтифот қилдилар.

Ҳабиби акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар доим ҳаммадан олдин ана шу сараланган мумтоз Асҳобининг эҳтиёжларини таъминлардилар ва ундан кейингина Аҳли байтининг (оила аъзоларини) ҳожати билан машғул бўлардилар. Абу Ҳурайра шундай ҳикоя қилганди: “Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, мен баъзан очлигимдан қорнимни ерга босиб ётардим, баъзан бир тош олиб, уни қорнимга бостираддим. Бир гал яна шундай ҳолда эдим ва ўша куни Расулulloҳнинг масжидга ўтиб кетадиган йўлларида ўтиргандим. Шу орада оламларга раҳмат қилиб юборилган, икки жаҳоннинг фахри, нур сочиб ёнимга келдилар. Аҳволимни тушуниб, менга кулимсирадилар ва **“Ё Або Ҳурайра!”** дея марҳамат қилдилар. “Жоним сизга фидо бўлсин, буюринг, ё Расулаллоҳ!” дегандим, **“Мен билан бирга юргин”** дея буюрдилар. Дарҳол у зотга эргашдим. Хонаи саодатларига кирдилар. Уйда бир қадах сут бор эди. **“Қани, Аҳли суффани менинг олдимга чақириб келақол”** деб марҳамат қилдилар. Уларни чақириб келишга кетаётиб **“У ўзи бир қадах сут бўлса,**

қандай қилиб бутун суффа аҳлига етаркан? Менга ҳам бир ютум тегармикан-а?..” деб ўйладим. Уларга хабар қилдим ва биргаллашиб саодатхонага келдик. Ижозатлари билан ичкарига кирдик, ҳамма топган жойига ўтириб олди. Шундан сўнг Расулulloҳ: **“Ё Або Ҳурайра! Ана у сут тўла қадахни олгин-да уларга ичгани бергин!”** дея буюрдилар. Мен дарров бир қадах сутни олдимув навбат билан оғайниларимга узатдим. Уларнинг ҳар бири тўйгунича ичиб, қадахни менга қайтарарди, қадахдаги сутдан эса, бир қатра ҳам камаймагани кўришиб турарди. Шундай қилиб, шу ерга келган ҳамма биродарларимга сут улашдим. Барчаси сут ичиб тўйдилар. Ундан кейин Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қадахни ўз кўлларига олдилар ва менга табассум қилиб: **“Ё Або Ҳурайра! Сут ичмаган фақат мен ва сен қолдик. Қани сен ҳам ўтиргин ва сутдан қонгунингча ичгин”** дея марҳамат қилдилар. Мен ўтириб ичдим. **“Яна ич”** буюрдилар, ичдим. Жанобимиз, менга бир неча марта қайта-қайта **“ичгин”** деб марҳамат қилдилар. Мен эса, ҳар сафар **“ич”** деганларида ичдим. Ниҳоят: **“Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Бошқа ича олмайман. Сизни ҳақ дин билан юборган Аллоҳу таолога қасамки, роса тўйдим”** дедим. Ана шундан кейингина: **“Ундай бўлса, қадахни менга бергин”** деб марҳамат қилдилар. Мен қадахни узатдим. Улар яна бир марта Аллоҳу таолога ҳамду-сано айтганларидан сўнг, бисмиллоҳ айтиб сутни ичдилар.”

Масжидда Расулulloҳнинг биронта суҳбатларини ҳам қолдирмасдан илм олган ушбу мумтоз Асҳобга мадиналик саҳобийлар бениҳоя қаттиқ ҳурмат ва иззат кўрсатардилар. Бир оқшом, очликдан дармонсиз ҳолга келган Суффадан бир саҳобий, Расулulloҳнинг ҳузур шарифларига келиб, аҳволини арз қилди. Жаноби пайғамбаримиз хонаи саодатларидан уйда бирон егулик бор-йўқлигини сўрадилар. Хонаи саодатларидан: **“Ҳозирча сувдан бошқа бирон егулик йўқ”** деган жавоб бўлди. Ўшанда Уларнинг ёнида бўлган Асҳобига, **“Сиздан қайси бирингиз мана бу оч кишини меҳмон қила олади?”** дея марҳамат қилдилар. Асҳоби киромдан мадиналик бириси ҳаммадан илгари ҳаракат қилиб: **“Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Уни мен меҳмон қиламан”** деб жавоб қилди.

У киши Расулulloҳнинг меҳмони билан уйига келиб, хотинига, **“Расулulloҳнинг меҳмонига икром қиладиган бирор нарса**

тайёрласанг” деди. Хотини ийманиб: “Уйда болаларга тайёрлаб қўйган егуликдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди” деди ийманиб. “Ундай бўлса, болаларни ухлат-да, уларнинг овқатини дастурхонга келтир” деди уй соҳиби хотинига. Овқатнинг миқдори бир киши тўяр-тўймас эди. Овқат дастурхонга қўйилиб, меҳмонни таклиф қилишди. Овқатни меҳмон ва мезбон бирга ея бошладилар, бироқ мезбон овқатдан озроқ еб, меҳмонни тўйдириш ниятида чирокни тўғриламоқчи бўлиб ўрнидан турди ва уни ўчириб қўйди. Сўнгра келиб яна дастурхонга ўтириб, худди овқат еяётгандек ҳаракатлар қилди. Қоронғида кимнинг қанча егани билинмади. Мезбон эса, деярли емади. Оқибатда, меҳмон еб қаноатланди. Сўнгра дастурхон йиғиштирилди. Мезбон ўша кеча болалари билан оч ҳолда тонг оттирди. Эргалаб муҳтарам пайғамбаримизнинг ҳузури шарифларига борганида, У зот: **“Аллоҳу таоло ўтган кечадаги ҳаракатларингиздан хушнуд бўлди”** дея марҳамат қилдилар. Шу воқеа муносабати билан Аллоҳу таоло, мазмуни: ” **Улар (Ансор), ўзларида йўқчилик ва муҳтожлик бўлса ҳам, (Муҳожирларни) ўз жонларидан устун тутарлар**” деган Ҳашр сурасининг 9-оятни каримасини нозил қилди.

Жибрил ҳадиси

Расулulloҳ сарваримиз Асҳобиға динимизнинг амр ва тақиқларини ипидан игнасиғача тушунтирар, ўргатардилар. Иймоннинг, ислоннинг шартлари, намоз, рўза, ҳаж, закотга оид барча ҳукмлар; оятни карималарнинг тафсирлари; ҳаром ва ҳалол бўлган егуликлар, кийгуликлар, қасам, назр, каффоратлар, савдо-сотик қоидалари; еб-ичиш, кийиниш, кўришиш-сўзлашиш, саломлашиш одоблари, қўшнилик, қариндошлик ва дўстлик муносабатлари; уйланиш, нафақа, варосат (ворислик) ва мерос ҳукмлари; даъво ва жазолар, келишув-шартнома тузиш, ширкат масалалари; сиҳҳат-саломатлик ва тозалик; душман билан жанг қилиш, уруш ҳуқуқлари каби бутун “Дини Ислон”ни ҳамма тушунадиган тарзда англагар, муҳим жойларини уч марта такрорлардилар.¹³⁵ Аёлларга тегишли масалаларни ҳам, муборак хотинлари воситасида ўргатардилар.

Мусулмонларнинг қаҳрамон имоми, Асҳоби киромнинг юксакларидан, тўғри сўзлиги билан машҳур бўлган, севимли

¹³⁵ Термизий, “Шамол-и шариф”, 240-б.

улуғимиз Умар бин Хаттоб (родиаллоху анх) айтадики:

“Шундай бир кун эдики, Асҳоби киромдан бир нечтамиз Расулуллох (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимизнинг хузурида Унга хизмат билан машғул эдик. Ўша кун, ўша соат, шундайин шарафли, шундай қийматли эдики, ҳеч қачон такрор содир бўлмайдиган кун эди. Ўша куни Расулуллохнинг суҳбатларида, ёнларида бўлиш шарафига муяссар бўлиш; руҳларга озик, жонларга завқу шифо бағишловчи жамолларини кўриш насиб бўлганди. (Шу куннинг шарафи ва шонини яхшироқ ифодалаш учун, “шундай бир кун эдики...” деб таърифлаган эди. Жаброил алайҳиссаломни одам қиёфасида кўриш, унинг овозини эшитиш, бандалар муҳтож бўлган маълумотни ниҳоятда чиройли ва очиқ кўринишда Расулуллохнинг муборак оғизларидан бевосита эшитиш насиб бўлган кундай шарафли ва қийматли вақт бўлиши мумкинми?)

Ўша пайт худди ой чиққандай келиши билан атрофни ёритиб, бир зот ёнимизга келди. Унинг кийими жуда оппоқ, сочлари қопқора эди. Эгнида чанг, ғубор, тер сингари йўлдан келаётганидан дарак берувчи асар кўринмасди. Расулуллохнинг Асҳоби бўлган бизлардан ҳеч қим уни танимасди. Яъни у, бизлар кўриб, билиб юрган кишилардан эмасди. У Расулуллохга яқин бориб ўтирди. Тиззалари, Расулуллохнинг муборак тиззаларига тегиб турарди. (Бу Жаброил бўлиб, одам қиёфасида келганди. Жаброил алайҳиссаломнинг бундай яқин ўтириб олиши муҳим бир нарсани англатарди. Яъни бу билан у динни ўрганишда уялиш тўғри эмаслигини ва ўргатувчи (устоз)га эса, ғурур, кибр ярашмаслигини кўрсатмоқчи бўлган эди. Жаброил алайҳиссалом бундай эркин ҳаракат қилиши билан ҳар бир киши динда ўрганадиганларини муаллимлардан эркин ва тортинмасдан сўрашлари лозимлигини Асҳоби киромга тушунтириб қўймоқчи бўлганди. Чунки динни ўрганишда уялиш ва Аллоху таолонинг ҳақини тўлашда, ўргатишда, ўрганишда тортиниш тўғри бўлмайди.)

У зоти шариф, ўз қўлларини Расули ақрам жанобимизнинг муборак тиззалари устига қўйди ва: “Ё Расулаллох! Менга Исломиятни, мусулмонликни ўргатинг” деб сўради.

Расули ақрам марҳамат қилдиларки: **“Исломнинг шартларидан биринчиси “Калимаи шаҳодат”** келтирмоқдир. (Калимаи шаҳодат келтириш, “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллох ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуху ва расулух” дейишдир. Яъни ақлли ва балоғатга етган, сўзлай оладиган (гунг бўлмаган) кишининг

“Ерда ва кўкда Ундан ўзга ибодат қилишга ва сиғинишга лойик ҳеч бир нарса ёки киши йўқдир. Ҳақиқий маъбуд, ягона Аллоҳу таолодир. У, вожиб-ул-вужуддир. Ҳар қандай улуғлик ва устунлик, олийлик фақат Унгагина муносибдир. Унинг ҳеч бир нуқсони, қусури йўқдир. Унинг исми Аллоҳдир” деб тил билан айтиши ва тил билан айтганларига қалбан қатъий ишонишидир. Бунинг ёнида “У, гул рангли, қизғиш аралаш оқ, нурли, ёқимли юзли, қора қош ва қора кўзли, муборак пешонаси очик, гўзал хулқли, сояси ерга тушмайдиган, ширинсухан, Арабистоннинг Макка шаҳрида туғилгани учун араб деб юритилувчи Ҳошимий авлодидан Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад исмли зоти олий, Аллоҳнинг бандаси ва Унинг расули, яъни пайғамбаридир” дейишидир.)

Вақти кирганда намоз ўқимоқ. Мол-мулкнинг закотини бермоқ. Рамазони шарифда ҳар куни рўза тутмоқ. Кучи етадиган кишининг умрида бир марта ҳаж қилмоғи.” У зот эса, Расулulloҳдан бу жавобларни эшитиб, “Тўғри айтдингиз, ё Расулаллоҳ!” деди. Биз тинглаб ўтирганлар эса “Ўзи сўраб, яна ўзи тасдиқлайди-я” деб хайратланардик.

Бундан кейин у зот “Ё Расулаллоҳ! Иймоннинг нималигини ҳам тушунтириб беринг” деди.

(Бу ҳадиси шариф иймон сўзининг луғавий маъноси ҳақида эмас. Чунки бу сўзнинг луғавий маъносининг тасдиқ ва инониш эканлигини араб тилини биладиган ҳар бир жоҳил тушунади. Шундай экан, бу сўзни, Асҳоби киром (родияллоҳу таоло анҳум ажмоин)нинг тушунмаслиги ҳақида сўз бўлиши мумкин ҳам эмас. Жаброил алайҳиссалом эса, иймон тушунчасини, унинг диний маъносини Асҳоби киромга ўргатишни истаётган эди. Шунинг учун у исломиятда иймоннинг нима эканлигини ўргатишларини сўради.) Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) иймоннинг маълум олтита нарсага инониш эканлигини айтиб: **“Тартиби билан аввал Аллоҳу таолога, малакларга, китобларга, расулларга, охират қунига, тақдирга, хайр (яхшилик) ва шар (ёмонлик)-ларнинг Аллоҳу таолодан бўлишига инонмоқдир”** дея марҳамат қилдилар. У зот “Тўғри сўзладингиз” деб тасдиқлади... Кейин яна: “Ё Расулаллоҳ! Эҳсоннинг нималигини менга бир изоҳлаб берсангиз” деди. Расулulloҳ сарваримиз: **“Аллоҳу таолога, худди Уни қўриб тургандек ибодат қилишингдир. Чунки сен Уни ҳеч кўрмаётган бўлсанг-да, У сени муҳаққақ қўриб туради”** деб марҳамат қилдилар. У зот саволида давом қилиб: “Ё Расулаллоҳ! Менга

киёматдан хабар беринг” деди. Расул алайҳиссалом: **“Бу масалада жавоб берувчи, савол сўрагандан кўпроқ билимга эга эмас”** деб марҳаматда бўлдилар. У зот такрор: “У ҳолда унинг аломатлари ҳақида айтинг” деди. Расулуллоҳ жанобимиз: **“Чўриларнинг ўз хўжайинларини** (хотинлар эрига эмас, туққанига хизмат қилади) **туғишлари, ялангоёқ камбағал чўпонларнинг** (бойиб кетиб) **баланд-баланд бинолар қуришда мусобақалашиларини кўришингдир”** дея марҳамат қилдилар. Бу савол жавоблардан кейин ҳалиги зот туриб кетди.

Расулуллоҳ менга қаради-да: **“Эй Умар! Мендан савол сўраган кишининг кимлигини биласанми?”** дея сўрадилар. Мен “Аллоҳу таоло ва Расули яхшироқ билади” дедим. Расулуллоҳ: **“У Жибрил (Жаброил) эди. Сизларга динингизни ўргатиш учун келди”** деб марҳамат қилдилар.”¹³⁶

Жаноби пайғамбаримиз Асҳобига уларнинг диндаги даражаларига ва англай олиш қобилиятларига қараб, динни тушунтирардилар. Асҳоби киромнинг энг оқилларидан бўлмиш ҳазрати Умар, бир куни бир жойдан ўтаётиб, Расулуллоҳнинг Абу Бакр Сиддикқа бир нарсалар ҳақида тушунтираётганларига гувоҳ бўлди. Ёнларига яқинлашиб, кулоқ сола бошлади. Бу суҳбатни бошқалар ҳам кўрган бўлса да, яқин келишга журъат қилишмаган эди. Эртаси куни улар, ҳазрати Умарни кўришиб: **“Ё Умар! Расулуллоҳ кеча сизга бир нарса тушунтираётганди. Бизга ҳам сўзлаб беринг, биз ҳам ўрганайлик”** дедилар. Чунки Расулуллоҳ жанобимиз доимо: **“Мендан эшитганларингизни, дин қардошларингизга ҳам етказингиз! Бир-бирингизга эшиттиринг!”** дея марҳамат қилардилар. Ҳазрати Умар: **“Ҳа, кеча ҳазрати Абу Бакр, Қуръони каримдан тушуна олмаган бир ояти кариманинг маъносини сўраган экан. Расулуллоҳ унга тушунтираётган эди. Мен уларни бир соат тингладим, бироқ ҳеч нарса тушуна олмадим”** деди. Чунки баҳс Абу Бакрнинг савиясига мос кетаётганди. Ҳазрати Умар ҳам аслида шунчалар баланд даражада эдики, унга Расулуллоҳ, **“Мен пайғамбарларнинг охиргисиман. Мендан кейин пайғамбар келмайди. Агар мендан кейин пайғамбар келганида, Умар пайғамбар бўларди”** дея баҳо берган эдилар. Мана шундай юксак даражаси бўла туриб, она тили арабчани жуда яхши билишига карамай, Қуръони каримдан ҳазрати Абу Бакрга изоҳ қилинган

¹³⁶ Бухорий, “Иймон”, 32-б.; Муслим, “Иймон”, 1-б.; Абу Довуд, “Суннат”, 17-б.; Насоий, “Иймон”, 5-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, 1, 27-51-б.

тафсирни тушунишга ҳам ожизлик қилганди. Абу Бакрнинг даражаси ундан анча баланд эди. Ҳазрати Абу Бакр, ҳатто Жаброил алайҳиссалом ҳам Қуръони каримнинг маъносини, унинг асрорини тушунишга ожиз бўлганлари туфайли Расулulloҳдан сўраб ўрганишарди. Расулulloҳ Қуръони каримнинг барча оятларини Асҳобига изоҳлаб, баён қилиб, тафсирлаб берганлар. Муҳтарам пайғамбаримиз, Асҳобига шу йўсинда динни таълим қилганликларидек, жамиятдаги эътирозу даъволарни кўриб чиқар, гувоҳларни тинглаб, энг қийин чалкашликларни ҳам натижага боғлаб ҳал этардилар.

Салмон Форисийнинг мусулмон бўлиши

Кун ўтган сайин Ислому нури ёйилиб, тобора узоқ-узоқларга жиё соча бошлаган эди. Расулulloҳнинг муборак исмларини эшитган қалбларда, у мустаҳкам ўрнашиб қолаётганди. Уларнинг келишларини ҳасрат ила кутган қанчалаб аҳли илмлар, изланиш ва ҳаяжонда Мадина томон елиб, у ерда иймон билан шарафланишарди. Ўшалардан бири, Салмони Форисий ҳазратлари эди. У ўзининг мусулмон бўлишини шундай ҳикоя қилиб берган эди:

“Мен Форис юртининг (Эрон) Исфакхон ўлкасидаги Жай кишлоғиданман. Отам кишлокнинг энг бой кишиларидан бўлиб, экин далаларимиз ва молимиз жуда кўп эди. Мен уйнинг ёлғиз фарзанди, отамнинг эркатойи эдим. Шунинг учун ота-онам мени қиздай эҳтиётлаб вояга етказишарди. Уйдан бирор жойга чиқишимга ижозат берилмасди. Отамнинг ўзи мажусий (оташпараст) бўлгани учун менга ҳам мажусийликни кам-кўстсиз ўргатди. Уйимизда доимо олов ёниб турарди, биз эса унга сиғиниб, сажда қилардик. Отамнинг мол-мулки кўплигидан бир куни мени ташқарига чиқарди ва: “Болажоним! Мендан кейин бу молларнинг эгаси сен бўласан. Шунинг учун бор, молларингни ва далаларингни кўриб, таниб қўй” деди. Мен “Хўп ота” дедим-да, боғларимизни, мулкимизни айландим.

Бир куни экинзорларимизни кўргани бораётганимда бир черковга дуч келиб қолдим. Христианларнинг овозларини эшитдим ва ёнларига бориб, ичкарида ибодат қилаётганларига гувоҳ бўлдим. Мен уларни умримда биринчи бор кўриб турганим учун ибодатларига ҳайрон қолдим. Чунки бизнинг бутун ибодатимиз олов ёқиб, унга сажда қилишдан бошқа нарса эмас

эди. Улар эса, кўринмайдиган бир Аллохга ибодат қилишарди. Ўз-ўзимга, “Валлоҳи, буларнинг дини ҳақ, бизники ботил” дедим. Шу куни қош қорайгунча уларни қизиқиб томоша қилдим. Экинзорларимизга етиб бормасимдан қоронғи туша бошлади. Мен улардан: “Бу диннинг асли қаерда” деб сўрагандим, “Шомда” (Дамашқ) дея жавоб қилишди. “Агар Шомга борсам, улар мени ҳам қабул қилишадими?” деб сўрадим. Улар: “Ҳа, қабул қилишади” дейишди. “Яқин кунларда Шомга борадиганларингиз борми?” деб сўрагандим, бир карвоннинг бир неча кундан кейин Шомга отланаётганини айтишди. Мен гаплашган кишилар кўпчилик эмасди ва яқинда Шомдан Исфaxonга келишган экан.

Мен улар билан машғул бўлиб уйга кетишга ҳам кечикдим. Вақтида қайтмаганимдан хавотирланган отам, ортимдан излагани одам юборибди. Мени излаб-излаб топа олишмабди. Уйдагилар ташвиш қилиб ўтиришганида уйга қайтдим. Шунда отам: “Шу вақтгача қаерда эдинг? Қидирмаган жойимиз қолмади-ку” деди. Мен эса унга: “Отажон! Мен бугун далаларни айланишга чиққан эдим. Бироқ йўлда бир христиан черковига дуч келдим. Қизиқиб ичига кирдим. Қарасам, улар кўз кўра олмайдиган, ҳамма нарсага ҳоким ва қодир бўлган бир Аллохга ишонишар экан. Ибодатларига маҳлиё бўлиб, уларни томоша қилганча ёнларида кечқурунгача қолиб кетибман. Уларнинг динлари ҳақлигига амин бўлдим” дедим. Мендан бу сўзларни эшитган отам: “Эй ўғлим! Нотўғри тушунибсан. Ота-боболарингни дини, уларнинг динидан тўғрироқ ва тузуқроқ. Уларнинг дини бузуқ. Эҳтиёт бўл, уларга алданиб, ишониб қолма!” деди. Мен эса: “Йўқ, уларнинг дини бизникидан хайрлироқ ва уларники ҳақ, бизники ботил” дедим. Отам менинг жавобларимдан қаттиқ аччиқланди ва қўл-оёқларимни боғлаб уйга қамаб қўйди.

Шундай вазиятда бўлсам ҳам, Шомга кетаётган карвондан дарак кутардим. Ниҳоят христиан роҳибларининг карвони йўлга тайёр бўлганлигидан хабар топдим. Бир амаллаб иплардан қутилиб, уйдан қочиб кетдим ва карвон ҳозирланган черковга бордим. Уларга мен бу ерларда қола олмаслигимни тушунтирдим ва карвонга қўшилиб, Шомга қараб равона бўлдим. Шомга етганимизда христиан динининг энг катта олимини излашга тушдим. Менга биттасини таъриф қилдилар, дарров унинг олдига бориб аҳволимни тушунтирдим. Ёнида қолишни истагимни, унга хизматда бўлишимни айтиб, менга христианликни ўргатишини,

Аллоҳу таолони танитишини илтимос қилдим. Роҳиб мени қабул қилди. Шундай қилиб, унинг хизматига кириб, черков ишларини бажаришни бошлаб юбордим. У эса, менга христианликни ўргатишни бошлаганди. Бироқ бироз вақт ўтиши билан у роҳибнинг ёмон одам эканлигини тушуниб қолдим. Чунки у христианларнинг камбағалларга атаб келтирган садақаларни, олтин ва кумушларни ўзига олиб қолиб, мухтожларга бермасди. Роппа-роса етгита хум олтин ва кумуш йиғиб қўйганди. Бу ҳақда мендан бошқа ҳеч ким билмасди. Кўп ўтмай роҳиб ўлди. Христианлар уни дафн қилиш учун тўпланишди. Мен йиғилганларга: “Нега сиз унга шунча ҳурмат кўрсатасиз, у бундай ҳурматга лойиқ эмас” дедим. Улар: “Сен бу гапларни қаердан олдинг” деб менга ишонмадилар. Ўшандан кейин мен уларга роҳиб бекитиб қўйган олтинларнинг жойини кўрсатдим. Улар олтин ва кумушларни кўриб, “Бу дафн қилишга арзийдиган одам эмас экан” деб бир чуқурга ташлаб, устидан тош ташлаб кўмдилар. Унинг ўрнига бошқаси ўтирди.¹³⁷

Буниси ҳақиқатан илмли, зоҳид бир одам бўлиб, дунёга ҳеч аҳамият бермасди. Охиратга толиб киши эди ва фақат охират учун ишларди, кечаю-кундуз ибодат билан машғул бўларди. Мен уни жуда ёқтириб қолдим ва узоқ вақт олдида бўлдим. Хизматларини астойдил қилардим. Бирга ибодат қилардик.

Бир кун мен унга: “Эй хўжайин! Кўпдан буён сизнинг ёнингиздаман ва сиз менга жуда ёқиб қолдингиз. Чунки сиз, Аллоҳу таолонинг амрларига итоат қилиб, ман этганларидан қочасиз. Бордию сиз вафот этсангиз, мен нималар қилишим керак, менга бирор тавсиялар қилмайсизми?” дея сўрадим. У менга: “Ўғлим, Шомда халқни ислоҳ қила оладиган ҳеч ким қолмади. Кимга борсанг сени бузишга уринади. Бироқ Мусулда бир зот бор, уни топишингни тавсия қиламан” дея жавоб қилди.

У вафот этганидан кейин мен Мусул томон йўлга чиқдим. У таъриф қилган зотни топдим ва ўз бошимдан кечганларини сўзлаб бердим. У зот ҳам мени ўз хизматига қабул қилди. У ҳам аввалги хўжайиним сингари жуда қийматли, дунёга берилмаган ва доим ибодатда бўлган бириси эди. Бунга ҳам анча вақт хизмат қилдим. Бироқ бир кун бу ҳам касал бўлиб қолди. Вафоти яқинлашиб, аҳволи оғирлаша бошлаганида мен бунга ҳам аввалги устозимга берган саволимни бердим. У менга Нусайбинда яшайдиган бир зотни тавсия қилди. Унинг вафотидан кейин дарҳол Нусайбинга

137 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, V, 441-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, I, 371-б.

жўнадим. Менга тавсия қилинган кишини топиб, унинг олдида қолиш истагимни айтиб, илтимос қилдим. У зот мени қабул қилди ва бир муддат унинг олдида қолдим. Бу ҳам бетоб бўлиб қолганида яна бошқасига юборишини сўрадим. Бу сафар менга Амурия исмли ва Румдаги бир шаҳарда яшайдиган бошқа бир зотнинг таърифини келтирди. Бу устозим ҳам вафот этгач, Амурияга бориш учун йўлга тушдим. Менга таърифланган ўша шахсни топиб, унинг хизматига кирдим ва узоқ вақт унинг олдида қолдим.

Бироқ бунисининг ҳам вафоти яқинлашганди. Мен ундан мени яна биронтасига тавсия қилишини илтимос қилгандим, “Валлоҳи, ҳозир ер юзида бундай бир устоз қолганини билмайман. Лекин охир замон пайғамбарининг келиши яқинлашди. У араблар орасидан чиқади, ватанидан ҳижрат қилиб, тошлоқ ва хурмоси жуда кўп бўлган бир шаҳарга жойлашади. У пайғамбар ҳадяларни (совғаларни) қабул қилади, садақа қабул қилмайди. Икки елкаси орасида нубувват муҳри бўлади” дея охир замон пайғамбарининг аломатларини менга санаб берди. Бу зот ҳам вафот қилганидан кейин унинг айтганларига биноан, араблар диёрига боришга қарор қилдим.

Амурияда ишлаб юриб, бир неча сигир, хўкиз ва қўйларга эга бўлгандим. Ўша вақтлар Баний Калб қабиласидан бир гуруҳ, араблар ўлкасига бормоқчи эди. Уларга “Менинг сигирларимни олинглар-да, мени араб вилоятига олиб боринглар” дегандим, таклифимни қабул қилиб, мени ёнларига олишди. Йўл юриб, Водий-ул-Қуро деб аталадиган жойга келганимизда карвондагилар инсофларини ютиб, мени қул деб, бир яҳудийга сотишди. Яҳудий яшайдиган юртга келганимизда хурмо дарахтларига кўзим тушди. “Охир замон пайғамбарининг ҳижрат қиладиган жойи шу ер бўлса керак” дея хаёлимдан ўтказдим. Бироқ тўла ишонч ҳосил қила олмадим ва бу ерлар унчалик хушимга ўтирмади. Яҳудийга бироз вақт хизмат қилдим. У мени бир амакисининг ўғлига сотди. Буниси эса, мени олиб Мадинага келтирди. Мадинага келганимда, мен ўзимни бу ерда худди аввал ҳам бўлгандай ҳис қилдим. Кўнглимга илиқ туюлди. Шундай қилиб, кунларим Мадинада ўтарди. Мени сотиб олган яҳудийнинг боғида, ҳовлисида ишлаб, хизматларини бажардим. Бир томондан асл мақсадимга эришишни сабрсизлик билан кутардим.

Бир кунни мен боғдорчилик билан хурмо дарахти устига чиққан эдим. Хўжайиним эса, пастда ким биландир гаплашарди.

Уларнинг гап орасида, “Бу Авс ва Ҳазраж қабилаларига лаънат бўлсин. Маккадан биттаси Қубога келиб, "пайғамбарман" деса, бу қабилалар Унга лаққа тушиб, динига киришяпти-я...” деган сўзлари қулоғимга чалиниб қолди. Аввалига ўзимдан кетаёздим кейин хушимни йиғиб, тезда дарахтдан тушдим. Пастдаги кишига “Нима ҳақида гаплашяпсизлар?” дедим. Хўжайиним менга “Сенга нима, бор ишингни қил!” деди ва бир шапалоқ туширди. Ўша куни кечаси бироз хурмо олдимда дарҳол Қубога бордим. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизни топиб, ҳузурларига кирдимда: “Сиз солих одамсиз, ёнингизда камбағаллар ҳам бордир. Бу хурмоларни садақа сифатида олиб келдим” дедим.

Расулulloҳ, ёнидаги Асҳобига: **“Келинлар хурмо енлар”** дея марҳамат қилдилар. Улар ейишди. Бироқ ўзлари ҳеч емадилар. Мен ўз-ўзимга: “Ҳа, аломатнинг бири мана шу. Чунки садақа қабул қилмаяпти” дедим. Расулulloҳ Мадинага ташриф буюрганларидан кейин бироз хурмо билан яна ёнларига бордим. Бу сафар хурмони: **“Бу ҳадямдир”** деб бердим. Бу сафар Улар Асҳоби билан биргаликда хурмони едилар. Мен эса ичимда “Мана иккинчи аломат ҳам кўринди” дедим. Мен келтирган хурмо йигирма беш дона чамасида эди. Аммо улар еган хурмоларнинг данаклари мингтача эди. Расулulloҳнинг мўъжизаси билан хурмоларнинг сони кўпайиб қолганди. Мен бу ҳолатга қараб, “Бу ҳам пайғамбарлик аломатидир, яна бир аломатнинг гувоҳи бўлдим” деб қўйдим. Расулulloҳнинг ёнларига такрор боришимда, улар жаноза дафни билан банд эдилар. Нубувват муҳрини кўриш орзусида юрганлигимдан уларга яқинроқ келдим. Менинг мақсадимни тушуниб, қўйлагини кўтардилар. Уларнинг муборак орқаси очилганида нубувват муҳрини кўрдим, дарҳол энгашиб ўпдим ва йиғлаб юбордим. Шу заҳоти калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдим.

Шундан кейин Расулulloҳга бошимдан кечирганларимни бир-бир сўзлаб бердим. Ҳолимдан таажжубга тушиб, Асҳоби киромга ҳам сўзлаб беришимни буюрдилар. Асҳоби киром йиғилди, мен уларга бошимдан кечирганларимни майда тафсилотларигача қолдирмай ҳикоя қилдим...”¹³⁸

Салмони Форисий иймон келтирган пайтида араб тилини билмагани туфайли таржимон сўраган эди. Таржимонликка бир яҳудийни келтиришди. У Салмони Форисийнинг севимли пайғамбаримизни мадҳу сано қилиб айтган сўзларини буриб терс

138 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, V, 441-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, I, 371-б.

таржима қила бошлади. Шу ондаёқ Жаброил алайҳисалом келиб, ҳазрати Салмоннинг сўзларини ўзи ҳолича Расулulloҳга билдирди. Таржимон яҳудий бу ҳолатни тушуниб, ҳайратга тушди, натижада ўзи ҳам калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.

Салмони Форисий мусулмон бўлганидан кейин ҳам қуллик ҳолати бир неча вақт давом этди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг **“Ўзингни қулликдан қутқаргин, ё Салмон”** деган марҳаматларига биноан, у хўжайинига бориб, ўзининг озод бўлиш истагини билдирди. Бунга зўрға рози бўлган яҳудий хўжайини, уч юзта хурмо кўчати ўтқазиб, уларни ҳосилга киритишини ва унга кўшимча қирқ рукия олтин (ўша замоннинг ўлчовига кўра, анчагина олтин) ҳам беришини шарт қўшиб, таклифини қабул қилди.

Бу ҳақда Расулulloҳ жанобимизга келиб айтганида, асҳобига **“Қардошингизга ёрдамлашинг”** деб буюрдилар. Мусулмонлар дарҳол унга уч юзта хурмо кўчатини тўплаб беришди. Расулulloҳ **“Буларни ўтқазадиган чуқурлар тайёр бўлганидан кейин менга хабар қилгин”** деб марҳамат қилдилар. Чуқурлар тайёр бўлиб, Расулulloҳ жанобимизга хабар қилинганида, Ўзлари ташриф буюриб, кўчатларни ўз муборак қўллари билан ўтқаздилар. Бир донасини ҳазрати Умар ўтқазганди. Ҳазрати Умар ўтқазган кўчатлардан бошқа ҳамма кўчатлар Аллоҳу таолонинг изни билан ўша йилиёқ ҳосилга кирди. Шундан кейин Расулulloҳ ҳалиги кўчатни ҳам қайтадан ўзлари ўтқаздилар ва шу заҳоти у ҳам ҳосил берди.

Салмони Форисий яна қуйидагиларни айтиб бергандилар: “Бир куни, бир зот мени излаб юриб, одамлардан “Салмони Форисий номли мукотаби фақир (озод бўлиши учун хўжайини билан маълум бир миқдорга келишган қул) қаерда?” деб сўрарди. Ниҳоят мени топди ва қўлидаги товук тухуми катталигидаги олтинни менга берди. Уни олдимда пайғамбаримизга бордим ва аҳволни тушунтирдим.

Расулulloҳ олтинни менга қайтариб бериб, **“Бу олтинни олиб қарзингни тўлагин”** деб марҳамат қилдилар. Мен, “Ё Расулаллоҳ! Бу олтин яҳудий сўраган оғирликда эмас” дегандим, Расулulloҳ олтинни олиб, муборак тилларига текказдилар-да **“Энди олгин! Аллоҳу таоло шу билан сени қарздан қутқаради”** дея марҳамат қилдилар. Аллоҳу таоло ҳаққи учун шу олтинни тортиб кўрдим, мендан талаб қилинган миқдорда эди. Уни келтириб хўжайинимга бердим. Ана шундай қилиб қулликдан қутулдим.”¹³⁹

Салмони Форисий ўша кундан бошлаб Асҳоби суффа сафига кўшилди.

139 Бухорий, “Фазоил-ул-Саҳоба”, 81-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, I, 467-б.

Фаришталар тинглагани келарди

Пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) Қуръони каримни шундай ширин овоз билан, шундай таъсирли ва чиройли ўқир эдиларки, Уни тинглаган ғайримуслимлар ҳам хайрон қолишарди. Фақат У зотнинг қироатини тинглаб иймонга келган инсонлар жуда кўпчиликни ташкил қиларди. Ҳазрати Баро бин Озиб шундай хикоя қилади: “Бир куни хуфтон намозидан кейин, Расулуллоҳ жанобимизнинг Тин сурасини ўқиётганларини эшитиб қолдим, Улар шундай чиройли ўқирдиларки, мен умримда уларнинг овоз ва ўқишларидан ҳам мукамалроқ овозни ҳеч кимдан эшитмаганман.”

Асхоби киром орасида овози жуда ёқимли ва чиройли бўлганлари, Қуръони карим ўқиганларида тингловчиларни йиғлатадиганлари жуда кўпчилик эди. Улардан бири Усайд бин Ҳудайр эди. У бир кеча отини олдига боғлаб қўйиб, Бақара сурасини ўқий бошлади. Шу вақт унинг оти бирдан хурқди. Ҳазрати Усайд хайрон бўлиб ўқишдан тўхтади, отининг ҳам хурқиши сусайди. У ўқишни давом эттирди, от такрор хурқди. Шундан кейин Усайд бин Ҳудайр, отга яқин бир жойда ётган ўғли Яхёга бирор зарари тегмасин деб, ўқишини тўхтатди. Осмонга қараган эди, кўкда оқ булут соясига ўхшаш бир буғнинг ичида шамчироқдек порлаган нарсалар борлигини илғаб қолди. Қуръони каримни ўқишни тўхтатганида шу порлоқ нарсаларнинг самога қараб кўтарилиб кетаётганини кўрди. Эрталаб, усевимли пайғамбаримизнинг хузури шарифларига бориб, кўрганларини сўзлаб берди. Расулуллоҳ: **“Уларнинг нима эканлигини биласанми?”** деб сўрадилар. Ҳазрати Усайд эса: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Билмайман.” деди. Жаноби пайғамбаримиз: **“Улар малаклар эди. Сенинг овозингни тинглаш учун яқинроқ келгандилар. Агар ўқишни давом этганинда, улар сени тонг ёришгунча тингларди ва бошқа одамлар ҳам уларни кўриб томоша қилиш имконига эга бўларди. Улар (Қуръони карим ўқишингга маҳлиё бўлиб,) халқдан ҳам яширинмаган бўларди”** дея марҳамат қилдилар.

Қуръони каримни жуда таъсирли, ични ёндириб ўқийдиганлардан бири ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ эди. У намоз ўқиётганида ояти карималарни ўқишга бошлаганида ўзини тутолмай кўзларидан ёш оқаверарди. Уни кўрганлар ҳолига хайрон қоларди. Ҳатто бир куни мушриклар тўпланиб: “Бу одам, ўз пайғамбарининг олиб келганларини ўқиганда қалбни ўртаб юборадиган оҳангда йиғлаб ўқийди. Биз болачақа ва хотинларимиз унинг бу ҳолига мафтун бўлиб, мусулмон бўлиб қолишларидан хавотирланыпмиз” деганди.

Абдуллоҳ бин Саломнинг мусулмон бўлиши

Муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак жамолини кўриб, ошиқ бўлганлардан, муборак сўзларини ва Куръони карим ўқишларини эшитиб мусулмон бўлганлардан бири Абдуллоҳ бин Салом ҳазратларидир.

Таврот ва Инжилни жуда яхши ўзлаштирган Абуллоҳ бин Салом, иймон келтирмасидан олдин машҳур яхудий олимларидан эди. У ўзининг мусулмон бўлиш ҳодисасини шундай сўзлаб берганди: “Мен Тавротни ва унинг изоҳларини отамдан ўқиб ўргангандим. Бир куни отам, охир замонда келадиган пайғамбарнинг сифатлари ва аломатларини, унинг қиладиган ишларини менга сўзлаб, “Агар У Хорун авлодидан келадиган бўлса, мен Унга тобе бўламан, йўқса итоат қилмайман”- дер эди. Отам Расулulloҳнинг Мадинани ташриф қилишларидан аввалроқ ўлди.

Расулulloҳ Маккада нубувватларини эълон қилганларини эшитганимда, Унинг сифатлари, исми ва келиш вақтини билардим. Шу боис мен Уни зимдан кузатиб юрардим. Расулulloҳнинг Мадина яқинида Кубо деган жойдаги Амр бин Авф ўғилларининг уйида меҳмонда эканликларидан хабар топган вақтимгача бу қизиқишимни яхудийлардан яшириб юрдим.

Бир куни боғимдаги дарахт устида хурмо териб турганимда Нодир ўғилларидан бириси: “Бугун арабларнинг одами келибди” деб бақирди. Бу сўздан бутун баданим қалтираб кетди. Мен дарҳол: “Аллоҳу акбар” деб такбир келтирдим. Ўша вақт аммам Холида бинти Хорис дарахтнинг тагида ўтирарди. У киши жуда қариб қолган эди. Аммам менинг такбиримни эшитиб, “Аллоҳ сени ҳеч вақосиз қолдирсин ва умидингга эриштирмасин. Худо ҳақи, сен Мусо бин Имрон (пайғамбар)-нинг келишини эшитганимда ҳам бундан ортиқ хурсанд бўлмасдинг!” деб мени қаттиқ койиди. Унга: “Эй аммажон! У, валлоҳий Мусо бин Имроннинг қардошидир ва худди У сингари пайғамбардир. Унинг йўлида ва У келтирган тавҳид билан юборилган” дедим.

Аммам менинг бу сўзларимдан таажжуб қилиб: “Жиян! Ёки У ўша қиёматга яқин бизга юбориладиган пайғамбарми?” деди. “Ҳа-да, ахир” дедим мен. “Ундай бўлса, сен ҳақлисан” деди аммам.¹⁴⁰

Расулulloҳ Мадинага ҳижрат қилган вақтида У зотни кўриш умидида мен ҳам дарҳол оломонга аралашдим. Муборак жамолини,

¹⁴⁰ Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 400-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 373-б.

нурли юзини кўра солиб, ўз-ўзимга қатъий равишда “Бу истарали юзи ёлғончининг юзига сира ўхшамайди!” дедим. Расулulloх йиғилганларга Исломият ҳақида гапирар, насихат қилардилар. Ўша ерда мен эшитган илк ҳадиси шариф мана бу эди: **“Саломни ораларингда ёйинглар, очларни тўйдириглар, силаи раҳм қилинглар** (яъни қариндошларингни зиёрат қилинглар), эл-юрт ухлаб ётганида туриб намоз ўқинглар. Шундай қилсангиз, Жаннатга саломатлик билан кирасиз.”

Фахри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) мени нубувват нурлари билан бир қарашда таниб: **“Сиз, Мадина олими ибни Салом эмасмисиз?”** дея марҳамат қилдилар. Мен жавобан, “Ҳа шундай” дегандим, сеvimли пайғамбаримиз: “Яқинроқ келинг” дея буюриб, **“Эй Абдуллох! Аллоҳу таоло ҳаққи учун айтинг! Тавротда мен ҳақда ёзилган сифатларимни ўқимадингизми?”** дея савол қотдилар. Мен саволга савол билан жавоб қайтариб: “Айтинг-чи, Аллоҳу таолонинг сифатлари нималардир?” деб сўрадим. Расулulloх бироз сукут сақладилар, шу пайт Жаброил алайҳиссалом Ихлос сурасини олиб келди. Расулulloх сурани ўқидилар. Мен уни эшитишим билан, “Ҳа, тўғри, ё Расулаллох! Тўғри айтдингиз, шаҳодат қиламанки Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқ. Сиз Унинг кули ва Расулисиз” деб, калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлдим.”

Кейин: **“Ё Расулаллох! Яҳудийлар ақл бовар қилмайдиган даражада ёлғончи, аслсиз иснод ва тухматлар ёғдиришда моҳир, золим миллат. Агар сиз, менинг кимлигимни, зотим ва обрўйимни уларнинг ўзидан сўраб билмай туриб, менинг мусулмон бўлганимни эшитиб қолишса, албатта Сизнинг олдингизда мени бўҳтонга кўмиб ташлашади. Шунинг учун Сиз аввал улардан мен ҳақимда сўраб кўринг”** дедим ва уйнинг бир бурчагига ўтиб яшириндим. Шу пайт уйга яҳудийларнинг обрўлиларидан бир гуруҳ кириб келди. Расулulloх жанобимиз бу кирган яҳудийларга қараб: **“Сизлардан бир одам ҳақида сўрамоқчиман, қавмдошларинг Абдуллох бин Салом, қандай одам?”** дея савол бердилар. Яҳудийлар менинг исмимни эшитишлари билан ғурурланиб: “У бизнинг энг улуг олимимиз. Отаси ҳам қавмимизнинг энг катта олими эди! Ибни Саломга тенг келадиган одам йўқ. У бизнинг энг хайрли кишимиз ҳамда энг хайрли кишимизнинг ўғли” деб жавоб қилишди. Уларнинг бу жавобларига, Расулulloх: **“Агар у мусулмон бўлса, сиз бу ҳолга қандай қараган бўлардингиз?”** деган иккинчи саволни бердилар.

Яхудийлар эса: “Бундай нарсадан уни Аллоҳнинг ўзи сақласин!” деб лабларини буриштиришди.

Шу вақт яшириниб ўтирган жойимдан шарт чикдимда: “Эй яхудий гуруҳи! Аллоҳдан кўрқинглар! Сизларга юборилган нарсани қабул қилинглар, ахир. Аллоҳга қасам ичаман, ўзларингиз ҳам жуда яхши биласизки, кўлингиздаги Тавротдан исми ва сифатлари ҳақида кўп маротаба ўқиган Аллоҳнинг расули, мана шу кишидир. Мен шаҳодат қиламанки, Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқ. Яна шаҳодат қиламанки, Муҳаммад алайҳиссалом Унинг бандаси ва расулидир” деб Уни тасдиқладим. Шу ондаёқ яхудийлар афт-ангорларини бужмайтишиб: “У бизнинг энг ёмонимиз ҳам-да энг ёмонимизнинг ўғли” деб, турли бўлмағур камчилик ва тухматларни қаторлаштириб, мени роса ёмонлашди. Мен: “Мен ҳам айнан мана шу қилиқларидан андиша қилган эдим. Ё Расулаллоҳ! Мен уларнинг золим, ёлғончи, ҳеч қандай ёмонликдан қайтмайдиган, тухматчи қавм эканлигини сизга айтмаганмидим? Мана ҳозир ҳаммаси равшан бўлди” дедим. Расулulloҳ яхудийларга қараб: “(Абдуллоҳ бин Салом ҳақидаги) **Берган биринчи гувоҳликларинг бизга кифоя, кейинги сўзларинг фойдасиз**” деб марҳамат қилдилар. Шундан кейин дарҳол уйимга келдим. Оиламни ва қариндошларимни йиғиб, Исломиятга даъват қилдим. Аммам ҳам бирга, ҳаммаси мусулмон бўлдилар.¹⁴¹

Менинг иймон келтиришим яхудийларнинг қаттиқ аччиғини келтирди. Шунинг учун улар мени сиқувга олдилар. Ҳатто яхудий олимларидан баъзилари: “Араблардан пайғамбар чикмайди, сенинг ишонган одамнинг шунчаки ҳукмдор” деб, мени исломиятдан воз кечиришга уринишди, бироқ бундан бир нарсага эриша олмадилар.”

Абдуллоҳ бин Салом билан бирга Саълаба бин Саъя, Усайд бин Саъя, Асад бин Убайд ва баъзи яхудийлар самимий равишда мусулмон бўлдилар. Аммо баъзи бир яхудий олимлари: “Бизнинг орамиздан фақат энг ёмонларимиз Муҳаммадга ишонди. Агар улар бизнинг хайрли одамларимиздан бўлишганда эди, боболарининг динини тарк этишмасди” дейишди. Шундай бемани гапга қарши Аллоҳу таоло жавоб тариқасида ояти карима нозил қилди. Унда маолан: “**Уларнинг (аҳли китобнинг) ҳаммаси бир хил эмас. Аҳли китобнинг орасида ибодат ва тоатда бўлган бир жамоат бордирки, улар кечалари саждага бориб Аллоҳу таолонинг оятларини ўқийдилар**”¹⁴² -деб марҳамат қилинди.

141 Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 400-б.; Сухайлий, “Раъул-унуф”, II, 373-б.

142 Оли Имрон сураси, 3/113.

Ё Раббий! Мадинани бизга севдир

Ҳижратнинг биринчи йилида Ансордан Асад бин Зурора, Баро бин Маърур, Қулсум бин Ҳидм, муҳожирлардан Усмон бин Мазъунлар вафот қилишди (Аллоҳу таоло уларни раҳмат қилсин). Шу йили кофирларга қарши уруш қилишга ижозат берилди. Бунинг устига Мадинанинг ҳавоси ва сувининг таъсирига чидай олмаган ҳазрати Абу Бакр ва Билол Ҳабаший (родиаллоҳу анҳум) безгак касаллигига чалиндилар. Шу сабабли Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Ё Раббий! Маккани бизга қандай севдирган бўлсанг, худди шундай Мадинани ҳам бизга севдиргин ва бизга бу ерда барака бергин ҳамда ризқимизни мўл қилгин”** деб дуо қилдилар. Жаноби Ҳақ бу муборак дуони қабул қилиб, муҳожирларга Мадинани севдирди.

Жаноби пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шахсан иштирок этган Абво, Ваддон ғазолари шу йили содир бўлди. Ҳижратнинг иккинчи йили бошларида Бувот, Сафавон, Зулушайра ғазолари буларни таъқиб қилиб, бу ғазоларда жанг бўлмади.

Илк ёзма шартнома

Маккалик мушриклар тинч ўтирмай, Расулуллоҳга Маккада қила олмаган ёмонликларини Мадинада қилишга фурсат пойларди. Мадинадаги мушрикларга таҳдид мактублари юборганлари сингари у ердаги яҳудий қабилаларига ҳам дўқ-пўписа билан тўлиб-тошган мактублар ва хабарлар юбориб туришарди. Уларнинг бу таҳдидлари яҳудийларнинг Расулуллоҳга яқинлашишларига сабабчи бўлди.

Бу орада яҳудийлар, Расулуллоҳнинг ҳузурларига келишиб: “Сиз билан сулҳ тузишга келдик. Келинг бир шартнома қабул қилайлик ва бир-биримизга зараримиз тегмайдиган бўлсин” дедилар. Жаноби пайғамбаримиз ҳам уларга эллик беш моддадан иборат бир шартнома таклиф қилдилар ва бу шартнома қабул қилинди. У шартноманинг 55 та моддасидан баъзиларини келтирамиз:

1 – Ушбу шартнома, Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом томонидан маккалик ва мадиналик мусулмонлар, уларга эргашган ва кейинчалик қўшилганлар билан уларга қарши уруш қилганлар орасида ёзилган бир васиқадири (хужжатдир).

2 – Шубҳасизки, булар бошқа одамлардан фарқ қилувчи бир жамоатдир.

3 – Ҳар бир қабила, ўз асирларини қутқариб олиш учун зарур бўлган пул миқдорини (мусулмонлар орасидаги адолатга мувофиқ) биргалашиб тўлайдилар.

4 – Мусулмонлар, ўзлари орасида келишмовчилик содир қилган кишиларнинг (у ўз фарзанди бўлса ҳам) ёнини олмайди.

5 – Яҳудийлардан мусулмонларга эргашганлар, ҳеч қандай зулмга дучор қилинмаслиги билан бирга, уларга ёрдам берилади.

6 – Яҳудийлар мусулмонлар билан бир гуруҳ ташкил қиладилар, бироқ ҳар ким ўз динининг талабларини бемалол бажаради.

7 – Яҳудийлардан ҳеч бир киши, Муҳаммад алайҳиссаломдан ижозат бўлмагунча ҳарбий сафарга чиқолмайди.

8 – Ҳеч ким келишган одамига ёмонлик қила олмайди, зулмга учраганларга мутлақо ёрдам берилади.

9 – Мадина водийси, ушбу шартномани тузганлар учун жон-тан ва молларига тегиш ҳаром бўлган хавфсиз минтақа ҳисобланади.

10 – Маккалик мушриклар ва уларга ёрдам берувчилар ҳеч қандай кўринишда ҳимоя қилинмайди.

11 – Мадинага ҳужум қиладиганларга қарши мусулмонлар ва яҳудийлар ўзаро ёрдамлашадилар.

Яҳудийлар, мазкур шартнома билан (кўринишда) мусулмонлар билан дўстлик қуриб, энди уларга қарши кин-адоват сақламайдиган ва душманлик қилмайдиган бўлишлари керак эди.

Эй Ҳабибим! Маҳзун бўлма!..

Расулulloҳнинг ҳижратида олдин, Мадинадаги Ҳазраж қабиласининг раиси Абдуллоҳ бин Убай Мадинага ҳукмдор қилиб сайланиши лозим эди. Ақаба бийъатлари, ундан кейинроқ ҳижрат ҳодисаси оқибатида Авс ва Ҳазраж қабилаларининг кўпчилиги мусулмон бўлишгач Абдуллоҳ бин Убайнинг ҳукмдорлик масаласи амалга ошмай қолди. Шунинг учун Абдуллоҳ бин Убай, энг аввал жаноби пайғамбаримизга ва муҳожир бўлган Асҳоби киромга, улардан кейин мадиналик саҳобаларга адоват сақлаб, бироқ душманлигини кўрсатмай юрарди. Оқибатда, Убай ўзига ўхшаш мунофиқлардан бир гуруҳ ташкил қилди. Бу гуруҳ мусулмонлар олдида ўзларини исломга кирганларини айтиб, орқаларидан масҳара қилишарди. Яширинча нифоқ уруғларини экиб, фитна чиқара бошладилар. Улар шунчалик ҳадларидан ошдиларки, ҳатто Фаҳри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг сўзларини

халққа терс етказиб, ўзгартиришга уриндилар.

Душманликларини билдирмай юрган яҳудийлар ҳам пайғамбаримиз билан бир шартнома имзоладилар. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишиб, Расулulloҳга саволлар берардилар, ўзларича жуда оғир саволлар бердик деб ўйлашарди. Бироқ олган жавобларидан, Унинг ҳақ пайғамбар эканлигини тушундилар. Лекин ўжарлик ва ҳасадлари туфайли иймон келтирмадилар. Шунга биноан Пайғамбаримиз: **“Агар Менга яҳудий олимларидан ўн киши иймон келтирганда эди, яҳудийларнинг ҳаммаси иймон келтирган бўларди”** деб, афсусланардилар. Расулulloҳнинг шундай ғамга ботганларида Аллоҳу таоло қуйидаги ояти карима билан тасалли айлади: **“Эй Ҳабибим!) Эй шонли Расул! Қалблари билан инонмасдан, фақат оғизларида ишондик деганлар (мунофиқлар ва) яҳудийлардан куфрга ботганлар, сени маҳзун қилмасин. Улар, тинмай ёлгон айтувчилар, сенинг ҳузурингга келмаган бошқа бир қавм (Хайбар яҳудийлари) номидан (Қурайзо ўғилларидан) жосуслик қилувчилардир. Калималарни (Аллоҳу таоло тарафидан) жойларига қўйилгач уни ўзгартирадилар. “Агар сизга шу (фатво) берилса, уни қабул қилинг, берилмаса тийилинг”** дейдилар. Аллоҳу таоло, кимнинг фитнага дучор бўлишини хоҳласа, сен энди Аллоҳу таолонинг иродасининг олдини олишга асло қодир бўлолмайсан. Улар шундай кимсадиларки, Аллоҳу таоло, (уларнинг) қалбларини тозаллагиси келмабди. Уларга дунёда хорлик ва расволик, охиратда эса, катта азоб бор.”¹⁴³

Имзоланган шартномага мувофиқ, саҳобадан баъзилари, ўз қўшнилари бўлган яҳудийлар билан самимий дўстона муносабат қилишарди. Аллоҳу таоло мусулмонларга куффор билан бундай дўстона муносабатларни ман қилди. Бу ҳақда ояти каримада маолан: **“Эй иймон келтирганлар! Дин қардошларингиздан ўзгасини (кофир ва мунофиқларни) дўст тутманглар. Улар сизга ёмонлик қилишда, фисқу-фасод чиқаришда чарчашмайди ва ташвишга ботишингизни орзу қилишади. Уларнинг сизга нисбатан гина ва душманликлари оғизларидагина йўқолди-да, аммо қалбларида яширинган душманликлари эса, жуда катта. Агар тушунган бўлсанглар, уларнинг душманликлари ҳақидаги оятларни изоҳладик”** дейилган.¹⁴⁴

Маккалик мушриклар эса, Мадинадаги мушрикларни, мунофиқларни, яҳудийларни ҳамда Мадина атрофидаги қабилаларни

143 Моида сураси, 5/41.

144 Оли Имрон сураси, 3/118.

тинмай мусулмонларга қарши қайраб, дўк-пўписаларини давом эттиришарди. Барча воситалар билан Ислоннинг нуруни сўндиришга уринишар ва пайғамбаримизнинг муборак вужудини йўқ қилиш йўллариини излашарди.

Мунофиқ ва мушрикларнинг бундай ғаразли ҳаракатларига қарши, Расулulloҳ ҳар сафар сулҳ йўлини танларди. Асҳоб-и киромдан баъзилари, аллақачон душманга қарши қилич яланғочлаш вақти келганига ишонишарди ва: “Ё Раббий! Биз учун Сенинг йўлингда шу мушриклар билан чинакамига курашишдан ҳам ортиқроқ нарса йўқ. Мана бу қурайшлик мушриклар Ҳабибингнинг пайғамбарлигини инкор қилишди ва Уни Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилишди. Эй Аллоҳим! Бизга улар билан урушишга рухсат бергин!..” деб дуо қилишарди.

Расулulloҳ жанобимиз эса, бу йўлда Аллоҳу таолонинг амрини кутарди. Ундан қандай буйруқ бўлса, шунга қараб ҳаракат қилмоқчи эдилар. Вақти-соати келганди. Жаброил алайҳиссалом келтирган ваҳийда: **“Сизларга қарши уруш очганлар билан сиз ҳам Аллоҳу таолонинг йўлида уруш қилинглар. Бироқ ҳаддан ошиб, тажовузкор бўлманглар.** (Сизлар билан бевопита урушмаганларга тегилманглар. Урушсалар ҳам аёлларни, болаларни, қарияларни ўлдирманглар. Исканжа қилманглар.) **Муҳаққақки, Аллоҳу таоло тажовузкорларни ёқтирмайди. Уларни (кофирларни) қаерда учратсангиз ўлдиришлар. Улар сизларни (Маккадан) чиқариб юборганларидек, сизлар ҳам уларни у ердан қувиб чиқаринглар. Уларнинг ширк ва фитналари одам ўлдиришдан ҳам ёмонроқдир. Улар Масжиди Ҳаромда сиз билан тўқнашмагунича, сиз ҳам у ерда улар билан уруш қилманг. Лекин улар сизни ўша ерда ўлдирсалар, сиз ҳам уларни у ерда ўлдиришга. Кофирларнинг жазоси шунақа бўлади. Агар улар, Аллоҳу таолони инкор қилишдан ва жангдан воз кечсалар, (сиз ҳам жангни тўхтатинг. Зеро) шубҳасизки, Аллоҳу таоло жуда кўп мағфират ва марҳамат қилувчидир”** -деб буюрилганди.¹⁴⁵

Кейинроқ нозил бўлган бошқа ояти каримада эса, шундай деб буюрилди: **“Ширк фитнасида асар ҳам қолмагунча ва динда Аллоҳу таолонинг фақат ягона ўзи бўлгунча (фақат Аллоҳу таолога ибодат этилгунча) у мушриклар билан уруш қилинглар. (Ширкдан) воз кечсалар, (уларга зулм йўқ.) Душманлик (жазо) фақат зolimларгадир.”**¹⁴⁶

145 Бақара сураси, 2/190-192.

146 Бақара сураси, 2/193.

Илк ҳарбий бирликлар

Фаҳри коинот (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Мадинанинг тинчлигини таъминлаш ва ёвнинг режаларидан хабар олиб туриш мақсадида сарийя деб аталувчи кичик ҳарбий бирикмалар (отрядлар) ташкил қилдилар. Битта сарийя сафида бештадан тўрт юзгача нафар бўларди. Пайғамбаримиз бевосита қатнашган ва ўзлари қўлбошчилик қилган жангларга ғазо (қўпликда ғазовот) дейилади. Расулуллоҳ, душманнинг тўсатдан қиладиган ҳужумларининг олдини олиш учун Мадина шаҳрида соқчиликда навбатда туриш усулини жорий қилиб, керакли ҳимоя тадбирларини йўлга қўйдилар.

Мушрикларни тижорий ва иқтисодий жиҳатдан заифлатиб, қовушларини тўғирлаб қўйишнинг пайти ҳам келган эди. Бу учун эса, Сурияга олиб борувчи қарвон йўлларини назорат қилиш зарурати туғилганди. Шу кунларда, мушрикларнинг бир қарвони Мадина яқинидан ўтаётгани ҳақида хабар келди. Пайғамбаримиз, дарҳол сафар тайёргарлигини кўришни амр қилиб, ўттизта суворийга ҳазрати Ҳамзани қўмондон тайинладилар. Ҳазрати Ҳамзага, фақат Аллоҳу таолодан қўрқишни, қўл остидагиларга яхши муносабатда бўлишни тавсия қилиб: **“Аллоҳу таолонинг йўлида, Аллоҳу таолонинг исмини тилга олиб ғазога чиқинглар! Аллоҳу таолони тан олмайдиганлар билан қўрқмай олишинглар...”** деб буюрдилар. Ҳазрати Ҳамзага бир оқ байроқ ҳам бердилар.

Ҳазрати Ҳамза бошчилигидаги суворийлар, уч юзта суворий аскар ҳимоя қилиб келаётган мушрик қарвони томон йўлга отланишди. Қарвон Шомдан Маккага кетаётиб **Сийфр-ул-Баҳр** номли жойга келганида мужоҳидларга рўпара бўлди. Шонли саҳобийлар, дарҳол уруш ҳолатига кўчиб, тўқнашувга шай туришди. Шундай бир вазиятда ўша атрофда яшайдиган Маждий бин Амр ал-Суханий етиб келди-да орага кирди. Маждий бин Амр ал-Суханий, ҳар икки тараф билан ҳам сулҳ ва дўстона муносабатлар қурган зот эди. У сон жиҳатидан мусулмонларнинг оз, мушрикларнинг эса кўпчилиги эканликларини кўриб, мусулмонларнинг мағлубиятга учрашларидан андиша қилди. Мусулмон давлатининг илал-абад давомини хоҳлагани учун орага тушиб, томонларни тўқнашувдан воз кечиришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг, ҳазрати Ҳамза суворийлари билан Мадинага қайтиб келди. Маждийнинг саъй-ҳаракатлари пайғамбаримизга сўзлаб берилганида, У зот

мамнуниятларини изҳор қилиб: **“Ҳай муборак! Жуда ўринли ва яхши иш қилибди”** деб марҳамат қилдилар.¹⁴⁷

Шу воқеадан кейин кичик аскарий гуруҳлар бўлмиш сарийлар тартиб қилишнинг орти узилмади. Убайда бин Хорис ҳазратлари амрига олтмиш ёки саксон кишилик мужоҳид берилиб, Рабиғга жўнатилди. У ерда шум ниятда юрган мушриклар мусулмонлардан кўрқиб тум-тарақай бўлиб, қочиб қолишди.¹⁴⁸

Мухтарам пайғамбаримиз бир куни, Қурайш мушрикларининг ниятларини билиб келиш ва уларни кузатиш мақсадида, Наҳлага сарийя йўлламоқчи, аскарларга Абу Убайда бин Жарроҳ ҳазратларини қўмондон қилмоқчи бўлдилар. Абу Убайда бин Жарроҳ бунини эшитиб, пайғамбаримиздан узоқ қолишга чидай олмай йиғлай бошлади. Шунда Расулulloҳ унинг ўрнига Абдуллоҳ бин Жаҳш ҳазратларини амир қилиб тайинладилар.¹⁴⁹

Абдуллоҳ бин Жаҳш мусулмонликни ҳаяжон билан яшайдиган зотлардан эди. У мусулмон бўлганида кофирлар унга чидаб бўлмайдиган исканжалар кўрсатишига қарамай, уларга иймон кучи билан тоқат келтириб, азоб ва жафоларига матонат билан чидади. Шу сабабдан жаноби пайғамбаримиз у ҳақда Асҳобига **“...Ораларингда очлик-у ташналикка энг чидамдиларингиз ва тоқат қила олувчиларингиздир”** дея марҳамат қилгандилар. Абдуллоҳ бин Жаҳш, Расулulloҳнинг шаҳидлар ҳақидаги хушхабарларини эшитиб, доим шаҳодатга етиш учун интиларди. Жангларда энг олдинги сафларда қаҳрамонларча жанг қиларди.

Ҳазрати Абдуллоҳ бин Жаҳшнинг ўзи шундай деган эди: **“Ўша куни, Расул алайҳиссалом хуфтон намозини ўқиб бўлганимиздан кейин мени ёнларига чақирдилар. “Эртага эрта тонгда менинг ёнимга келгин. Қуролнинг ҳам ёнингда бўлсин. Сени бир жойга юбораман”** дея марҳамат қилдилар.

Эрталаб хузурларига бордим. Қилич-камон, ўқ ва халтам эгнимда, қалқонимни ёнимда эди. Расулulloҳ бомдод намозини ўқиб уйларига қайтмоқчи бўлдилар. Мен эса, эртароқ келганим учун масжиднинг эшиги олдида кутиб турган эдим. Ана шунда,

¹⁴⁷ Воқидий, “ал-Мағозий”, I,9-б.; ал-Килоий, “ал-Иктифо”, II,6-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VI, II-б.

¹⁴⁸ Воқидий, “ал-Мағозий”, I,10-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, II,7-б.; ал-Килоий, “ал-Иктифо”, II,3-4-б.

¹⁴⁹ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I,601-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I,2-б.; Табарий, “Торих”, II,410-б.; ал-Килоий, “ал-Иктифо”, II,9-10-б.

У муҳожирлардан бир неча кишиларни тўплаб, **“Сени шу кишиларнинг қўмондони этиб тайинладим”** дея марҳамат қилдилар-да қўлимга бир мактуб тутқаздилар. **“Боринглар! Икки кеча йўл юрганингдан кейин бу мактубни очгин ва унда айтилганларга кўра ҳаракат қилгин”** деб буюрдилар. Мен эса, **“Ё Расулаллоҳ! Қайси тарафга қараб кетайин?”** деб сўрадим. **“Наждия сари йўл олгин. Ракиядаги қудукқа қараб юргин!”** дея марҳамат қилдилар.

Абдуллоҳ бин Жаҳш, Наҳла сафарига маъмур қилинганида, унга биринчи марта **“Амир-ул-мўминин”** (мусулмонларнинг амири) сифати берилди. Ислонда бундай исм билан аталган биринчи амир у бўлган эди. Саккиз-ўн кишилик бирлик билан икки кундан сўнгра Малал мавқеига етиб борганларида очиб ўқилган мактубда, **“Бисмиллохиррахмониррахим. Ушбу мактубга кўз югуртгач, Макка ва Тоиф орасидаги Наҳла водийсига етиб боргунингча Аллоҳу таолонинг исми ва баракати билан йўл юриб боргайсан. Ҳамроҳларингдан ҳеч бирини ўзинг билан бирга боришга мажбурламагин! Наҳла водийсидаги Қурайшийларни ва уларнинг қарвонини кузатиб, назорат қилгайсан. Улардан бизга хабар бергайсан”** деб ёзилган эди.

Амир-ул-мўминин ҳазрати Абдуллоҳ бин Жаҳш мактубни ўқиб бўлиб, **“Биз Аллоҳу таолонинг бандаларимиз ва ҳаммамиз Унга қайтамыз. Эшитдим ва итоат қилдим. Аллоҳу таолонинг ва сеvimли Расулининг амрини бажараман”** дедида, мактубни ўпиб, бошига қўйди. Кейин шерикларига қараб, **“Сизлардан ким шаҳид бўлишни истаса, мен билан юрсин. Мен билан олға юришни истамаганлар қайтиб кетишлари мумкин. Ҳеч қайси бирингизни мажбурламайман. Ҳеч бирингиз мен билан бирга боришни истамасангиз, бунинг ҳам зарари йўқ. У ҳолда мен якка ўзим бораман ва Расул алайҳиссаломнинг амрини бажараман”** деди. Шериклари бир овоздан, **“Биз Расули ақрамнинг амрларини эшитдик. Аллоҳу таолога, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) га ва сенга итоат қиламыз. Сен қаерга юр десанг, Аллоҳу таолонинг баракати билан ўша тарафга юрамыз”** деб жавоб бердилар.

Ораларида Саъд бин Абий Ваққос ҳам бўлган мусулмонларнинг ушбу кичик лашкари, Ҳижоз сари йўл олиб, Наҳлага етиб келди. У ерда яширинадиган бир жой топиб, ўша жойдан у ердан ўтиб-кетиб турадиган курайшликларни кузата бошладилар. Кўп ўтмай

у ердан бир Курайш кофиласи (йўловчи гуруҳ) ўтиб қолди. Уларнинг туяларига юк ортилган эди. Мужоҳидлар, қофилага яқин бориб, уларни Исломга даъват қилдилар. Улар қабул қилмай, ножўя гап-сўз ва қилиқ кўрсатишди. Шу боис тўнашув содир бўлиб, мушриклардан бири ўлди, иккитаси асир тушди. Учинчиси эса отлиқ бўлгани учун қочиб қутилди. Кофирларнинг моллари тамоман мужоҳидлар қўлида қолди. Абдуллоҳ бин Жаҳш, бу ғанимат молнинг бешдан бирини Расулulloҳга ажратиб қўйди. Бу мусулмонлар қўлга киритган биринчи уруш ғанимати эди.¹⁵⁰

Масжиди қиблатайн

Севимли пайғамбаримизнинг (саллаллоху алайҳи васаллам) Мадинаи мунавварага ҳижрат қилганларига ўн етти ой бўлган эди. Лекин ҳали ҳануз ибодатлар ва намоз Қудус-и шарифдаги Байти Макдисга қараб (яъни шу кунгача Қудуси шарифдаги Байти Макдис қибла эди) ўқиларди. Ўша кунларда яҳудийларнинг: “Эҳ-ҳе буни қаранг! Динлари бизникига ўхшамаса ҳам, бизнинг қибламизга қараб ибодат қилишади-я” деган фиску-фасод гаплари Расулulloҳгача етиб борди. Уларнинг кесатиқ сўзларидан сарваримизнинг қалби шарифлари ранжида бўлди. Бир гал Жаброил алайҳиссалом навбатдаги келишида Расулulloҳ жанобимиз: **“Эй Жаброил! Аллоҳу таоло юзимни яҳудийларнинг қибласидан Каъбага буриб қўйишини орзу қиламан”** дея марҳамат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом эса: “Мен, фақат хизматдаги қулман холос. Буни Аллоҳу таолонинг ўзидан ниёз айланг!” деб жавоб қилди. Ана шу воқеадан сўнг, Бақара сурасининг 144-ояти каримаси нозил бўлди. Унда маолан куйидагича буюрилади: “(Эй Ҳабибим! Ваҳий келишини кутиб) юзингни самога қаратиб турганингни муҳаққақ кўряпмиз. Шунинг учун Биз сени, ўзинг рози бўладиган қиблага ўгирамиз. Энди юзингни Масжид-ул-Ҳаром тарафига (Каъбага) ўгиргин. (Эй мўминлар!) Сиз ҳам қаерда бўлсангиз-да, юзингизни намозларда ўша томонга буринг. Шубҳа йўқки, ўзларига китоб берилганлар, қибла ўзгараришининг Раббилари тарафидан ҳақ бўлганлигини албатта биладилар. Аллоҳу таоло эса, уларнинг қиладиган амалларидан ғофил эмасдир.”

¹⁵⁰ Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, I, 601-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 13-б.; ал-Қилоий, “ал-Иқтифо”, II, 9-10-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VI, 16-б.

Бу ояти карима нозил бўлганида, Расулulloҳ жанобимиз асҳобига пешин намозини ўқитаётганди. Намоз яримлаб қолган эди. Ваҳийни олганларидан сўнг намозда турган ҳолларида юзларини Каъбаи муаззама томонга буриб олдилар. Жамоатдаги Асҳоби киром ҳам Ҳабиби акрамга эргашиб ўша тарафга бурилдилар. Ана ўша вақт намоз ўқиладиган масжидга **Масжид-и қиблатайн, яъни икки қиблали масжид** исми берилди. Расулulloҳ жанобимиз, Кубога ҳам бориб, биринчи марта қурилган масжиднинг минбарини муборак қўллари билан янгидан қилди ва масжиднинг деворларини ўзгартирдилар.¹⁵¹

Бадр ғазоси

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз тузган сарийялар орқали шонли саҳобаларнинг бирин-кетин зафар ва муваффақиятлар қозона бошлаши кофирларни саросимага солиб қўйди. Энди уларнинг гуруҳлари доим кўпчилик бўлиб ва ёнларида қуролланган аскарлари билан сафарга чиқадиган бўлишди. Ҳижратнинг иккинчи йилида маккалик мушриклар ҳар бир оиладан сармоя учун пул йиғиб, минг туялик карвонни Шомга юбордилар. Макканинг обрўли кишиларидан бўлган Абу Суфён карвоннинг бошида уни бошқариб борарди. У замонлар Абу Суфён ҳали мусулмон бўлмаган эди. Карвонни қўриқлашга қирқтача қўриқчилар ҳам қўйилганди. Уларнинг режаларига кўра, моллар сотилганидан кейин келадиган даромаднинг ҳаммасига қурол сотиб олиниб, бу қуроллар мусулмонлар билан урушда қўлланиши лозим эди.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) мушрикларнинг бундай катта тижорат карвони билан Шомга йўлга отланганларидан хабар топиб, вазиятни яхши ўрганиш мақсадида муҳожирлардан бир нечасига зарурий вазифалар топширдилар. Вазифа олган Асҳоби киром Зулъашира деган жойга етиб борганларида карвоннинг аллақачон у ердан ўтиб кетганини эшитиб, Мадинага қайтиб келдилар. Агар куфр аҳлининг қуроли ва молу-мулклари қўлларида олиб қўйилса, уларнинг аҳли Исломга зарар беришларининг олди олиниб, қувватлари синган бўларди. Шу

¹⁵¹ Ибн Ҳишом, "ас-Сийра", I, 549-б.; Сухайлий, "Равзул-унуф", I, 409-б.

¹⁵² Воқидий, "ал-Мағозий", I, 27-б.

сабадан Расулulloҳ Талҳо бин Абдуллоҳ ва Саъид бин Зайд ҳазратларини ўша қарвоннинг қайтиш вақтини билиб келишлари учун айғоқчиликка йўлга чиқардилар.¹⁵³

Вазият фурсатни қўлдан бой бермасликни талаб қиларди. Шунинг учун пайғамбаримиз дарҳол тайёргарликка киришиб, Мадинада ўз ўрнида имомлик қилишга Абдуллоҳ ибни Умми Мактумни қолдирдилар.¹⁵⁴ Рафиқаси биров хасталаниб тургани сабабли ҳазрати Усмон ва яна олти кишига вазифалар тайинлаб, уларнинг Мадинада қолишларини амр қилдилар. Ёнларига муҳожир ва Ансордан уч юз кишилик саҳобийни олиб, Рамазони шарифнинг ўн иккинчи куни Бадр деган жойга қараб йўлга чиқдилар. Уларнинг сони, вазифали бўлганлар ва Мадинада қолганлар билан биргаликда жами 313 кишини ташкил қиларди.¹⁵⁵ Бадр Макка, Мадина ва Сурияга кетиладиган йўллар кесишадиган жой эди.

Ёш йигитлар, ҳатто аёллар ҳам бу сафарга чиқишни истаб, жаноби пайғамбаримизга ялинардилар. Умму Варақа Расулulloҳнинг хузурларига келиб: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ижозатингиз билан мен ҳам сиз билан боришни иштайман. Ярадорларнинг яраларини боғлайман, касалларнинг хизматини қиламан. Балки Аллоҳу таоло менга ҳам шаҳид бўлишни насиб этар!” деганди, Ҳабиби ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Сен уйингда ўтириб, Қуръони қарим ўқигин. Шубҳасизки, Аллоҳу таоло сенга шаҳидликни насиб этгай”** дея марҳамат қилдилар.

Саъд бин Абий Ваққос шундай ҳикоя қиладилар: “Биз билан бирга ғазотга боришни армонлаб, кўзлари жавдираб турган болаларни Расулulloҳ орқага қайтараётганларида, укам Умайрнинг кўз тушмайдиган жойда яшириниб олганини кўрдим. Ўша вақтлар у ўн олти ёшида эди. Мен унга, “Сенга нима бўлди, нега яширинаяпсан?” дедим. Укам “Расулulloҳ мени ҳам ёш деб, қайтариб юборишларидан кўрқиб яшириниб турибман. Ваҳоланки, мен ғазога қатнашиб, Аллоҳу таолонинг менга ҳам шаҳидлик насиб этишини орзу қиламан” дея жавоб қилди. Шу орада Расулulloҳ бу ҳолдан хабардор бўлиб қолдилар-да укамга, **“Сен орқага қайтгин”** деб буюрдилар. Укам йиғлай бошлади. Марҳамат дарёси Ҳабиби ақрам жанобимиз, унинг кўз ёшларига бардош бера олмай

153 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, II, 11-б.

154 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, III, 216, 382-б.

155 Аҳмад бин Ханбал, “*ал-Муснад*”, I, 248-б.; Ҳайсамий, “*Мажмууз-Завоид*”, VI, 68-б.

унга ижозат бердилар. Ҳолбуки, укам ҳали қиличини ўзи белига боғлаб олишдан ожиз бўлганидан, қилични мен белига боғлаб қўйгандим.”¹⁵⁶

Оламларнинг жаноби бўлган севимли пайғамбаримизнинг байроғини Мусъаб бин Умайр, Саъд бин Муъаз ва ҳазрати Али олиб юрардилар.¹⁵⁷ Асҳоби киромнинг ҳисобида иккита от ва етмишта туя бор эди, холос. Уларга навбатлашиб минардилар. Расулulloҳ ҳазрати Али, Абу Лубоба ва Марсад бин Абий Марсадлар билан навбатлашиб битта уловга минадиган бўлдилар. Бироқ шериклари Уларнинг туядан тушмасликларини исташиб: “Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Илтимос, Сиз туядан тушманг. Олий зотингиз ўрнига биз пиёда юрайлик” деб, ялинардилар. Аммо коинотнинг султони ўзларини саҳобаларидан фарқли ҳисобламай: **“Сиз, пиёда юришда мендан ҳам қувватлироқ эмассиз, шунингдек ажр ва мукофот хусусида ҳам мен сиздан мустасно ва эҳтиёжсиз эмасман”** дея марҳамат қилдилар. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва У зотнинг олий Асҳоби, чўлда жазирама иссиқ остида кетардилар. Бунинг устига рўзадор эдилар. Бунга қарамасдан, Асҳоби киром исломиятни ёйиш иштиёқида қийинчиликларга чидаб, жаноби пайғамбаримизнинг орқаларидан завқ билан чарчоқ ва чанқоқни билмай юриб борардилар. Чунки бу интилишнинг, бу қийинчиликнинг охирида Аллоҳу таолонинг ва Унинг Расулининг розилиги ҳам-да улар интиқ бўлиб кутган, орзу қилган шахидлик ва жаннат бор эди... Севимли пайғамбаримиз Асҳобининг ўша вақтдаги ахволига қараб: **“Аллоҳим! Улар пиёдадирлар. Сен уларга минадиган улов бергин! Аллоҳим! Улар яланғочлар. Сен уларни кийинтиргин! Аллоҳим! Улар оч, уларни тўйдиргин. Улар камбағал, сен фазли караминг билан уларни бадавлат айлагин!”** дея дуо марҳамат қилдилар.

Жаноби пайғамбаримиз ва У зотнинг муборак қўшини бу жазирама иссиқ остида Бадр томон илгарилаётган бир вақтда, мушрикларнинг Шомдан келаётган карвони ҳам Бадрга яқинлашаётганди. Пайғамбаримизнинг мушриклар карвонидан хабар олиб келишга юборган икки саҳобаси, ёвнинг икки-уч кунда Бадрга келиб қолиши хабарини олиб келишди. Карвондагилар эса,

¹⁵⁶ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 150-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 208-б.*

¹⁵⁷ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 612-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, II, 388-б.; ал-Қилоий, “ал-Иктифо”, II, 18-б.*

мусулмонларнинг нима қилаётганидан хабар топиш учун қишлоққа келиб: “Мусулмонларнинг жосусларидан хабарларинг бўлдимиз?” деб суриштиришди. Қишлоқ аҳолиси эса: “Билмадик, лекин икки бегона одам келиб, мана бу ерда бир пас ўтирдилар, кейин туриб кетишди” деб жавоб беришди.

Абу Суфён қишлоқдагилар кўрсатган ерни синчиклаб текширди. У ерда туялар қолдирган тезакларни эзиб уларнинг ичида ем донларини кўриб қолди-да: “Қаранг булар, аниқ Мадинанинг емларидир. Менимча у икки киши, Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) жосуслари бўлиши керак” деди. Шу билан бирга у, мусулмонларнинг жуда яқин жойда бўлишларини ўйлаб, даҳшатга тушди. Карвоннинг тақдиридан кўркиб, вақтни бой бермасдан кечаю-кундуз тўхтамасдан йўл юриб, Қизил денгиз соҳили орқали тезроқ Маккага етиб олишган қарор қилди. Бундан ташқари, Дамдам бин Амр Ғифорий исмли бирини, вазиятдан хабардор қилиш учун Маккага хабарчи қилиб юборди.¹⁵⁸

Абу Суфённинг хабарчиси, Маккага келиб, кўйлагининг олди-орқасини, ёқасини йиртиб кийиб олди. Туясининг алзамини тесқари қилиб кўйди. Ана шундай бир ажойиб-ғаройиб тусга кириб олди-да: “Дод! Дод!.. Эй курайшликлар! Тез ёрдамга чопинглар!.. Карвонларингга, Абу Суфённинг ёнидаги молларингга, Муҳаммад Асҳоби билан ҳужум қилди. Агар унга ёрдамга улгурсанглар, карвонни қутқариб қолишларинг мумкин!..” дея дод-фарёд кўтарди.

Дамдамнинг фарёдини эшитган маккаликлар, дарҳол тўпланиб, карвонга ёрдам бериш учун ҳозирликларини кўришди. Улар тез орада етти юз туя минган, юзта отлик суворий ва бир юз эллик кишилиқ пиёда аскар тўпладилар. Абу Лаҳабга “Қани, юр сен ҳам бизга кўшил” деганларида, у ўлгудек кўркиб, касаллигини баҳона қилди. У ўзининг ўрнига бадал сифатида Ос бин Ҳишомни юборди. Мушрикларнинг орасида Умайя бин Ҳалаф деган бири урушга тайёргарлик кўришда жуда сусткашлик билан ҳаракат қиларди. Зеро, у Жаноби пайғамбаримизнинг: **“Менинг Асҳобим, Умайяни қатл этади”** дея марҳамат қилганини эшитганди. У зоти муҳтарамнинг ҳеч қачон ёлғон гапирмасликларини билгани учун юраги така-пука бўлиб, омон қолишнинг йўлларини ахтарарди. Шу боис Абу Жаҳл уни урушга жалб қилганида, кексайиб қолганини ва семизлигини баҳона қилган бўлди. Лекин Абу Жаҳл уни кўрқоқликда айблай

158 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 47-б.

бошлаганидан кейингина уларга қўшилишга мажбур бўлди.

Урушга шай бўлган мушрик қўшинининг аксарияти зирхли совут кийганди. Сафларига хушовоз қўшиқчи аёлларни олволишганди. Ёнларига чолғу асбоблари ва шароб хумларини олишни ҳам қанда қилишмаганди. Бундай катта қўшин билан нафақат уч юз кишилик, ҳаттоки минг кишилик қўшинни ҳам бир зарбада тору мор қиламиз, деб кибрга берилишди. Ҳали йўлга чиқмасдан, кимларни қиличдан ўтказиб, қанча ғанимат олишни ҳисоблаб қўйганлари ҳам бор эди. Лекин асосий ниятлари, исломни таг-туғи билан йўқ қилиш эди. Шундай қилиб ушбу озғин ва асов мушрик тўдаси, хотин-халаж чалган доира гумбури ва улар айтган қўшиқлар етотида йўлга чиқди.

Бу орада Абу Суфён карвони билан Бадрдан бирмунча узоқлашиб, Маккага қараб анча йўлни босиб улгурганди. Таҳликадан қутулганига амин бўлгач, Қайс бин Имри-ул Қайс исмли одамани Курайшга юбориб уларга: “Эй Курайш жамоати! Карвон, одам ва молларингни муҳофаза қилиш ниятида Маккадан йўлга чиққандинглар. Биз ҳозир хавфдан қутилдик. Энди сенлар ҳам ортга қайтинглар!..” деган янги хабар жўнатди. Ундан ташқари: “Мусулмонлар билан жанг қиламан деб зинҳор Мадинага бориб юрманглар!” деб, огоҳлантирган ҳам бўлди.

Қайс мушрик қўшинига Абу Суфённинг номасини элтди. Бироқ, Абу Жаҳл: “Қасам ичаманки, Бадрга бориб, ғалаба қозониб, уч кеча-ю, уч кундуз базм қиламиз, туялар сўйиб, шароб ичамиз. Теварагимиздаги қабилалар бизни ҳавас билан томоша қилишади, кучимизга тан бериб, ҳеч кимдан кўркмаслигимизга амин бўлишади. Ана шундан кейин ҳайбатимиздан бизга ҳеч ким ҳужум қилишга журъат ҳам қила олмайдиган бўлади. Эй енгилмас Курайш қўшини! Юринглар, қани олға!..” деб Абу Суфённинг буйруқ ва огоҳлантиришини эътиборга олмади.

Абу Жаҳлнинг ҳеч қандай маслаҳатга кулоқ солгудек аҳволда эмаслигини кўрган Қайс, тезда ортга қайтиб, Абу Суфёнга вазиятни тушунтирди. Олдинни кўра оладиган, анчагина тадбирли киши бўлган Абу Суфён, бу хабардан ачиниб: “Эй воҳ! Курайш ҳароб бўлди!.. Бу Амр бин Хишомнинг (Абу Жаҳлнинг) якка бошидан чиққан қарор. У ҳомқалла фақат элга бош бўлишдек амалпарастликка учиб, Курайшни фалокатга судраяпти. Ваҳоланки бундай беманилик, ҳамшиша катта бахтсизликка дучор қилади. Агар

мусулмонлар қуролланиб уларга пешвоз чиқса борми, Қурайшнинг холига вой, деяверинг!..” деган сўзларни айтишдан ўзини тия олмади. Бироқ карвоннинг юришини янада тезлаштириб, ниҳоят уни Маккага омон олиб кирди, ўзи эса, от чоптириб Қурайш қўшинига етиб олди.

Бу орада Сарвари коинот (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Асҳоби билан бирга Бадрга яқинлашаётган эдилар. Расулulloҳ қўшинга бир назар солганларида, мадиналик мушриклардан Ҳубайб бин Ясоф ва Қайс бин Муҳарриснинг Ислом аскарлари орасида юрганини илғаб қолдилар. Ҳубайбнинг бошида темир дубулғаси ҳам бор эди. Аслида уни бошқалардан шу бош кийими ажратиб турарди. Хазрати Саъд бин Муъазга: **“Ана у, Ҳубайб эмасми?”** деб марҳамат қилдилар. У: “Ҳа ўша, ё Расулаллоҳ!” деб жавоб берди. Ҳубайб деганлари урушларда қатнашган, жанг қилиш тажрибасига эга бўлган паҳлавон йигитлардан бири эди. Шунга қарамасдан, Ҳубайб ва Қайс Расулulloҳнинг хузури шарифларига чакирилди. Пайғамбаримиз уларга: **“Иккалангиз, нега биз билан келаяпсизлар?”** деб савол қотдилар. Улар: “Сен биринчидан бизга жиян бўлсанг, иккинчидан қўшнимизсан. Шунинг учун сени яқин тутиб, биз ҳам қавмимиз билан ғанимат йиғишга келаяпмиз” деб жавоб қилишди. Расулulloҳ, Ҳубайбга қараб: **“Сен Аллоҳу таолога ва Унинг Расулига иймон келтирдингми?”** дея марҳамат қилганди, “Йўқ”-, деди. Шунда Расул алайҳиссалом: **“Ундай бўлса, сен ортга қайтгин! Бизнинг динимизда бўлмаган киши, биз билан бирга бўлолмайди”** дея буюрдилар.

Бўлиб ўтган савол жавобларга қарамасдан, Ҳубайб: “Менинг паҳлавонлигимни, қахрамонлигимни ва душманнинг бағрида яралар очадиган довураклигимни ҳамма билади. Ғанимат олиш учун сенинг сафингда душманингга қарши жанг қиламан” деди. Жаноби пайғамбаримиз унинг ёрдамини қабул қилмадилар.

Бироз вақтдан кейин Ҳубайб яна истагини такрорлади, лекин пайғамбаримиз, у мусулмон бўлмагунича ундай хоҳишининг қабул қилинмаслигини билдирдилар. Бу орада мусулмонлар Равҳа деган жойга етиб келдилар. Шу ерда Ҳубайб, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг хузурларига келиб: **“Ё Расулаллоҳ! Аллоҳнинг бутун оламларнинг Рабби эканлигига ва сиз Унинг пайғамбари эканлигингизга инондим, иймон келтирдим”** деди. Бундан жаноби пайғамбаримиз бениҳоя мамнун

бўлдилар. Қайс ҳам Мадинага қайтганидан кейин иймон келтирди (родиаллоҳу анҳ).

Ислом қўшини Сафра водийсига келганида, маккаликларнинг бир қўшин тузиб, карвонларини қутқариш баҳонасида Бадрга келаётганлари ҳақида Расулуллоҳга хабар келди. Пайғамбаримиз Асҳобини йиғиб, уларни бу ҳолдан хабардор қилдилар. Зеро, мадиналик мусулмонлар Расулуллоҳга Ақабада байъат қилишиб: “Ё Расулаллоҳ! Сиз бизнинг шаҳаримизга келинг. У ерда биз Сизни жонимизни фидо қилиб бўлса ҳам, ҳимоя қиламиз ва Сизга тобе бўламиз” дея сўз бергандилар. Ҳолбуки энди эса, улар Мадинадан ташқарига чиққандилар. Қаршиларида эса, сон, қурол ва молумулк жиҳатидан солиштириб бўлмайдиган даражада кўп бўлган катта душман қўшини турарди. Расулуллоҳ вазиятни тушунтириб, Асҳобидан фикр сўраганларида, биринчи бўлиб муҳожирлардан Абу Бакр Сиддиқ ва Умар-ул Форуқ бирин-кетин ўринларидан туриб, душман қўшини билан жанг қилиш лозимлигини таклиф қилдилар. Булардан кейин яна муҳожирлардан Миқдод бин Асвад ўрнидан турди-да: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таолонинг амри нима бўлса, шуни бажаринг, Унинг фармони билан ҳаракат қилинг. Биз Сиз билан ҳар бир он биргамиз, бир сония ёнингиздан ажралмаймиз. Биз, вақтида Исроил ўғиллари Мусо алайҳиссаломга айтганидек **“Ё Мусо! Токи жабборлар, золимлар қавми у ўлкада бор экан, биз у ерга боришга ва у ўлкага киришга рози эмасмиз. Сен ва Раббинг бирга у ерга боринглар-да, икковингиз улар билан жанг қилинг, урушинг. Биз эса, бу ерда қолиб, кутиб турувчилармиз...”**¹⁵⁹ деган сўзни ҳам айтмаймиз. Жонимизни ва бошимизни Аллоҳу таолонинг ва Унинг Расулининг йўлида фидо қилишга тайёرمиз Сизни ҳақ пайғамбар сифатида юборган Аллоҳу таолога қасам ичамизки, денгизнинг нариги тарафи Ҳабашистонга юборсангиз, уёққа ҳам кетаверамиз Сизга асло заррача муҳолифатда ҳам бўлмаймиз. Ҳар қандай орзунгизни бажо келтиришга шаймиз. Ота-онам, жоним Сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ!...” деди. Миқдоднинг бу сўзлари Расулуллоҳни жуда ҳам мамнун қилди. Унга хайр дуолар қилдилар.¹⁶⁰

Бу масалада мадиналик мусулмонларнинг раъйлари алоҳида аҳамиятга эга эди. Чунки улар сон жиҳатидан кўпчилик бўлиб,

159 *Моид* сураси, 5/24.

160 *Ибн Саъд*, “*ат-Табақот*”, II, 14-б.

шу билан бирга Расулуллохни Мадинада ҳимоя қилишга ваъда бергандилар. Аммо Мадинанинг ташқарисида Уни қўриқлашга доир ҳеч қандай ваъдалари йўқ эди. Шунинг учун бу масалага аниқлик киритиш мақсадида Ансордан Саъд бин Муъаз ўрнидан турди ва: “Ё Расулаллох! Агар ижозатингиз бўлса, Ансор номидан бир-икки оғиз сўзим бор эди” деди. Ижозат берилгач “Ё Расулаллох! Биз, Сизга иймон келтирдик, пайғамбарлигингизни сидқи дилдан тасдиқладик. Расукул сифатида нималар келтирган бўлсангиз барчаси ҳақдир, тўғридир. Бу хусусда доимо Сизни тинглаш ва доимо Сизга итоат қилиш борасида биз Сизга қатъий сўз бериб, қасам ичдик. Биз ўша сўзларимиздан асло қайтмаймиз ва қаерга ташриф буюрсангиз амрингиздамиз. Амрингиз бош устига. Жонимиз ва бошимизни йўлингизда фидо қиламиз. Сизни ҳақ пайғамбар сифатида юборган Аллоҳу таолога қасам ичамизки, агар денгиз кечсангиз, биз ҳам орқангиздан кечамиз. Ҳеч биримиз бундан четда қолмаймиз. Хотирини шарифингизда нима қилмоқни ўйлаган бўлсангиз, бемалол амр қилинг, бажарамиз. Молимиз ҳам жонимиз билан бирга Сизга фидо бўлсин. Душмандан асло юз бурмаймиз. Жангда сабрлигимиз. Умидимиз Сизни хурсанд қилиб, розилигингизга эришишдир. Аллоҳу таолонинг раҳмати Сизга бўлсин...” деди. Саъднинг бу сўзларини эшитиб ўтирган Асҳоби киром, қаттиқ ҳаяжонга тушди. Ҳаммаси бир оғиздан унинг сўзларини қўллашларини билдирдилар. Расулуллох (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз ҳам бундан жуда мамнун қолдилар. Ҳазрати Саъд ва барча Асҳобига дуо марҳамат қилдилар.

Шундай қилиб, кўнгилларни хижил қилиб турган барча шубҳа-ю андишалар тарқаб кетди. Душман қанчалик кўп, қанчалик кучли бўлмасин, шонли Асҳоб, энди севимли пайғамбаримизнинг орқаларидан киприк қоқмай шаҳодат сари юришга; Аллоҳу таоло билан Расулининг ризосини олишга астойдил бел боғлаганди. Улар наздида токи бошларида коинотнинг сарвари бор экан, борилмайдиган ҳеч бир диёр йўқ эди... Фаҳри олам жанобимиз, Асҳобининг шундай мустаҳкам боғлиқлигию вафосини ва муҳаббатини кўриб, уларга: **“Қани, юринглари унда! Аллоҳу таолонинг лутфи ила шоду-хуррам бўлинглар. Валлоҳи, энди мен Қурайш қавмининг жанг майдонида урилиб йиқиладиган жойларига қараб, худди уларни кўраётгандекман”** дея хушхабар бердилар. Асҳоби киром эса, ишонч билан Расулуллохнинг ордидан юрдилар.

Малаклар ёрдамга келди

Мусулмонлар Бадрнинг атрофига етиб келганларида Жума кечаси эди. Севимли пайғамбаримиз Асҳобига: **“Мана шу тепанинг ёнидаги қудук бошига бориб, у ердан бизга зарур бўлган маълумотларни қўлга киритасиз деб умид қиламан”** дея марҳамат қилдилар ва Аллоху таолонинг шери ҳазрати Али, Саъд бин Абий Ваққос, Зубайр бин Аввом ва яна бир неча Асҳобини у ерга юбордилар.

Ҳазрати Али ва унинг ёнидаги шериклари дарҳол қудукнинг бошига бордилар. У ерда улар Қурайш мушрикларининг туякашларини ва сув ташувчиларини учратдилар. Мусулмонларни кўрган мушриклар қочиб қолишди. Бироқ улардан иккитаси қўлга олинди. Уларнинг бири Ҳажжож ўғилларининг кули Ашлам, иккинчиси эса, Ас бин Саид ўғилларининг кули Ариз Абу Ясор эди. Улар жаноби пайғамбаримизнинг хузурига келтирилди. Расулulloҳ (саллаллоху алайҳи васалам) уларга: **“Қурайшликлар қаердалар?”** деганди, улар: **“Мана шу кўриниб турган кум тепасининг орқасига тушдилар”** деб жавоб беришди. **“Қурайш одамлари қанча?”** дея марҳамат қилинганди, **“Билмаймиз”** дедилар. **“Кунига қанча туя сўйилади”** дейилган саволга, **“Бир кун тўққизта сўйилса, бошқа кун икки сўйилади”** дея жавоб бердилар. Уларнинг жавобларидан, жаноби пайғамбаримиз, **“Уларнинг сони мингдан озроқ, тўққиз юздан кўпроқ бўлиши керак”** дея хулоса қилдилар. **“Қурайш қавмидан кимлар бор”** дея такрор сўрадилар. Улар эса, **“Утба, Шайба, Хорис бин Амр, Абул-Бухтарий, Ҳаким бин Ҳузум, Абу Жаҳл, Умайя бин Ҳалаф...”** каби исмларни тилга олишганди, Расулulloҳ Асҳобига қараб, **“Макка аҳли, жигарпораларини сизга фидо қилибди”** дея марҳамат қилди. Бундан кейин у икки кишига, **“Бу ерга қараб келаётганларингда қурайшликлардан орқага қайтиб кетганлар бўлдими?”** дея савол қотдилар. Улар, **“Ҳа, Баний Зуҳрадан Аҳнас бин Абий орқага қайтди”** дейишди. Сарваримиз эса, **“У ўзи ҳақ йўлда бўлмаса ҳам, охират, Аллоху таоло ва китобни билмаса ҳам, Баний Зуҳраларга ҳақ йўлни кўрсатибди... Улардан бошқа орқага қайтганлар бўлдими?”** дея марҳамат қилганларида, **“Адий бин Каъб ўғиллари ҳам қайтдилар”** деган жавоб олинди.¹⁶¹

¹⁶¹ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 117-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 616-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 52-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 15-б.; Табарий, “Торих”, II, 142-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 58-б.

Жаноби пайғамбаримиз, инсоф юзасидан, бекорга қон тўқилмаслигини ҳисобга олиб, ҳазрати Умарни қурайшликлар билан келишишга вакил қилиб, уларнинг хузурига юбордилар. Уларнинг олдига борган Умар бин Ҳаттоб: “Эй ўжар қавм! Расул алайҳиссалом марҳамат қилдики: **“Ҳамма бу ишдан воз кечсин. Соғу-саломат уйларига қайтишсин. Зеро биз учун сиздан ўзга қавмлар билан тўқнашиш, сиз билан тўқнашишдан мақбулроқдир...”** дедилар” деган сулҳ таклифини уларнинг олдига қўйди.

Бу таклифни эшитган Қурайш мушрикларидан Ҳоким бин Ҳузом одамларнинг олдига ўтиб: “Эй Қурайш жамоати! Муҳаммад сизларга нисбатан жуда инсофли муомала қиляпти. Унинг таклифини дарҳол қабул қилинглар. Агар Унинг мана шу таклифини қабул қилмасангиз, қасам ичаманки, бундан сўнгра сизга ҳеч қандай инсоф қилмайди!..” деб маслаҳат берди. Абу Жаҳл эса, Ҳокимнинг бу маслаҳатидан аччиқланиб: “Биз унинг таклифини асло қабул қилмаймиз ва бизга мусулмонлардан ўч-интиқом олмагунимизча орқага қайтиш йўқ. Уларга биз билан уруш қилишнинг нималигини кўрсатиб қўяйлик, токи бундан кейин бирон киши карвонимизга тажовуз қила олмайдиган бўлсин!” дея масалани жуда кескин қўйди ва шу билан сулҳ йўллари бекитди. Ҳазрати Умар ушбу учрашувдан ҳея қандай мусбат натижа ололмай қайтиб келди.

Ўша кечаси, Жаноби пайғамбаримиз ва Унинг шонли Асҳоби Бадрга мушриклардан олдин кириб, қудуқларга яқин бир жойга юк туширдилар. Жаноби пайғамбаримиз Асҳоби билан ўзининг қароргоҳини қаерга ўрнатиш қулайлигини маслаҳатлашдилар. Шунда ўттиз уч ёшли Ҳаббоб бин Мунзир, ўрнидан туриб, сўз сўради. Унга сўзлаши марҳамат қилинганида: “Ё Расулаллоҳ! Бу ер, сизга қароргоҳ қурилиши учун Аллоҳу таоло амр этган, албатта жойлашиш керак бўлган жойми ёки шахсий таклиф билан уруш тақозоси тариқасида танланияптими?” деб сўради. Жаноби пайғамбаримиз: **“Йўқ, менинг доимий қароргоҳим сифатида эмас, фақат уруш тadbири сифатида танланмоқда”**, дея жавоб марҳамат қилдилар. Шунда, ҳазрати Ҳаббоб: “Ота-онам, жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Биз жангчи кишилармиз. Бу ерларни жуда яхши биламиз. Анави қурайшликлар қўнадиган жойнинг яқинидаги қудуқнинг суви ширин ва жуда мўл. Рухсат берсангиз, ўша жойга қўнайлик. Ўшандан кейин атрофдаги

қудуқларнинг ҳаммасини ёпиб ташлаймиз. Бир ҳовуз қазиб, унинг ичини сувга тўлдириб қўйсақ янада яхши бўлади. Чунки душман билан тўқнашганимизда чанқаганлар, ўша ҳовузга келиб сув ичиб кетишларига қулай бўлади. Душман эса, сув тақчиллигига дуч келиб, сарсон бўлади” деб фикр билдирди.¹⁶²

Шу пайт Жаброил алайҳиссалом, бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқловчи ваҳий келтирди. Оқибатда муҳтарам пайғамбаримиз: **“Эй Ҳаббоб! Энг тўғри фикр, сен ишорат этган хусуслардир”** дея марҳамат қилдилар ва ўринларидан турдилар ва қолганлар ҳам У зотга эргашиб ўша таъриф қилинган қудуқ бошига келдилар. Ушбу суви ширин ва мўл бўлган қудуқдан бошқаларининг оғзи тошлар билан бекитилиб, катта бир ҳовуз ҳам қазидилар ва уни сувга тўлдириб, унинг атрофига сув олиб ичиладиган идишлар қўйилди.

Шу ишлар кетаётган бир маҳалда ҳазрати Саъд бин Муъаз, пайғамбаримизнинг хузури шарифларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Биз сизга хурмо шохларидан бир соябон ясайликми?” деб таклиф қилди. Фаҳри олам жанобимиз Саъднинг бу ғамхўрлигидан мамнун бўлиб, унинг ҳақиқага дуо қилдилар. Дарҳол соябон ҳам ясалди.

Пайғамбарларнинг султони, шарафли Асҳоби билан жанг бўладиган майдонни кезиб, у жойни яхшилаб ўргандилар. Баъзи жойларда тўхтаб, **“Иншаллоҳ, эртага фалон кимсанинг урилиб йиқиладиган жойи мана бу ер! Иншаллоҳ фалончи эртага мана бу жойда ер тишлайди! Мана бу ерда фалончи йиқилади! Анави жойда фалончи!..”** дея марҳамат қилиб, муборак қўллари билан Қурайш мушриклари ўлдириладиган ерларни бир-бир кўрсатиб чиқдилар.

Кейинчалик бу ҳолни ҳазрати Умар: “Улардан ҳар бири, Расули ақрамнинг муборак қўллари билан айнан кўрсатган жойларида ўлдирилганига гувоҳ бўлдим. Улар ўлган ерларнинг ҳеч бири кўрсатилган жойдан на бироз олдинда, на бироз орқароқда эмасди” деб ҳикоя қилганди.

Оламларнинг жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Асҳоби киромни муҳожирлар, авслиқлар ва ҳазражлардан ташкил топган уч гуруҳга ажратдилар. Муҳожирларнинг байроғи Мусъаб бин Умайрга, Авслиқларники Саъд бин Муъазга, Ҳазражликларники Ҳаббоб бин Мунзирга топирилди. Гуруҳлар ўз байроқлари остида

¹⁶² Ҳаким, “ал-Мустадрак”, III, 482-б.

тўпланишди.¹⁶³ Сарваримиз эса, кўшинни сафга тизиб, тартибга солдилар.

Кўшин саф бўлиб тартибга қўйилаётганида, сафдан бироз олдинга чиқиб қолган Савод бин Ғазийнинг кўкрагидан Расулulloҳ муборак кўлидаги хивич билан секингина туртдилар ва **“Сафдан чиқма, ё Савод”** дея марҳамат қилдилар. Савод эса **“Ё Расулаллоҳ! Кўлингиздаги хивич менинг жонимни ачитди. Сизни ҳақ дин, китоб ва адолат билан юборган Аллоҳу таоло ҳақи, мен ҳам сизни ўшандай туртишни истайман”** деди. Унинг гапидан бутун Асҳоби киром карахт бўлган эди. Коинотнинг жанобидан қасос оламан дейиш ёки У зотга шунга ўхшаш бирор нарсани раво кўриш мумкинми, ахир? Бундай ҳолга ҳайрон қолмай бўлдими, ахир? Аммо Расулulloҳ дарҳол куйлақларининг олдини очдилар ва **“Қани кел, қасосингни ва ҳақингни ол”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Савод, ўша вақт Ҳабиби акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг муборак кўксларидан бекиёс бир қувонч ва муҳаббат билан ўпиб олди. Ҳамма қасос қандай бўларкин, равоми деб безовталаниб турганида, вазиятнинг бирданига кутилмаган тарзда бу томонга ўзгаришидан биродарлари Саводга ҳавас ва ҳайронлик билан боқиб қолди. Мухтарам пайғамбаримиз: **“Нега бундай қилдинг?!”** дея савол марҳамат қилганларида, Савод: **“Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Бугун Аллоҳу таолонинг амри билан ажалимнинг етганлигини кўраётгандекман. Шу боис Сизнинг юксак зотингиздан айрилиб қолиш хавфидаман. Ҳеч бўлмаса Сизга яқин турган ҳаётимнинг сўнгги дақиқаларида муборак вужудингизга дудоқларимнинг тегишини орзу қилдим. Бу учун киёмат кuni менга шафоат қилишингизга, шу орқали азобдан кутилишимга васила қилмоқчи бўлдим”** деб ўз муҳаббатини изҳор қилди. Унинг бундай самимий муҳаббати олдида пайғамбаримиз ҳам қаттиқ ҳаяжонландилар, ҳазрати Савод ҳақиға дуо марҳамат қилдилар.

Шонли Ислоҳ кўшинининг ўнг қанотига мужоҳид Зубайр бин Аввом, чап қанотига Микдод бин Асвад кўмондонлик қиладиган бўлди.¹⁶⁴

Расулulloҳ душман билан жангни қандай бошлаш ҳақида шарафли Асҳобидан маслаҳат, фикр сўраб, улардан: **“Тўқнашув**

163 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 58-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 373-б.

164 Ибн Касийр, “ас-Суйра”, II, 388-б.

кай усулда боргани дуруст?” деб марҳамат килдилар. Ўшанда ёй-ўқларини қўлида тутган Осим бин Собит ўрнидан турди ва: “Ё Расулаллоҳ! қурайшликларнинг бизга юз қадамча яқин келишини кутайлик-да, кейин уларни садоқлар билан ўққа тутайлик. Кейин улар янада яқинлашиб тош отими масофага келганларида уларга тош ёғдирайлик. Улар найза етгудек яқинлашганларида уларни синиб кетгунча найзаларимиз билан хужум қилайлик. Ундан кейин, қиличларимизни қинидан суғуриб, олишамиз” деб, ўз таклифини билдирди. Бу усул мухтарам пайғамбаримизга маъқул тушди. Шунинг учун У зот Асҳобига қуйидагича таълимотни бердилар:

“Жойларингни ва сафларингни ташлаб кетиб, бир-бирингиздан йироқ қолманглар. У ёқ - бу ёққа жилмай турган жойларингда сабот қилиб, мустаҳкам турунглр. Мен амр қилмагунча жангга киришманглар. Ўқларингни узок масофадан узиб, бекорга исроф қилманглар. Ёв химоя қалқонларини очган пайтларини пойлаб туриб, ўқ отинглр. Бир мунча яқин келганларида душманни тошбўрон қилинглр. Беш-олти қадам қолганда найзаларингни ишга солинглр. Душманга юзма-юз келгандагина қиличлар билан жанг қилинглр...”

Бу кўрсатмалардан кейин навбатчилар белгиланиб, қолганларга дам олиш буюрилди. Аллоҳу таолонинг ҳикмати билан улар киприкларини ҳам қоқмай шундай теран уйқуга кетдилар. Жаноби пайғамбаримиз, хурмо шохларидан қилинган соябонни паналаганларида, Уни кўриқлаш учун аввал Абу Бакр, кейин Саъд бин Муъаз қўлга қилич олиб, соқчилик қилишди. Коинотнинг сарвари пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак қафтларини кўкка очган ҳолда хузнга ботиб Аллоҳу таолога, **“Ё Раббий! Сен шу бир ҳовуч жамоатни ҳалок қилсанг, ер юзида бошқа сенга ибодат қилинмайди...”** деб ёлвора бошладилар ва бу ҳазин дуо тонггача давом этди.

Муборак ислом қўшинининг қароргоҳи қурилган жой кумлик бўлиб, одам ва ҳайвонларнинг оёқлари қумга ботиб кетавериб, юришга анча ноқулай эди. Расулulloҳнинг дуолари баракати сабабли Аллоҳу таолонинг эҳсони сифатида, ўша кечаси шундай бир ёмғир ёғдики, адирлар тўлиб сув оқди, идишлар сувга тўлиб қолди, кумлок замин қаттиқлашиб, оёқ ботмайдигандек бўлди.

Мушрикларда эса, акси бўлди. Улар қуйироқ жойда бўлганлари

учун лой ва селга беланиб қолишди. Фаждан (сахарлик вақтидан) кейин Расулulloҳ Асҳобини намозга турғиздилар. Бомдод намозидан кейин душманга қарши жиҳод қилишнинг ва шаҳид бўлишнинг фазилатларидан сўзлаб, Асҳоби киромни жангга ташвиқ қилдилар. Марҳамат қилдиларки: **“Аллоҳу таоло, шубҳасиз ҳақ ва ҳаққониятни буюради. Ҳеч кимнинг Аллоҳу таоло ризоси учун қилмаган амалини қабул қилмайди... Раббимизнинг шу ерларда сизларга раҳмати-ю мағфиратини ваъда қилган буйруғини бажаришга тиришинг ва имтиҳонни қозонинг! Чунки Унинг ваъдаси ҳақ, сўзи ҳақиқат, жазоси эса, шиддатлидир. Мен ва сизлар, Ҳайй ва Қайюм бўлган Аллоҳу таолога боғланганмиз. Унга сигинамиз, Унга тутинамиз, Унгагина суянамиз. Энг охирида қайтадиган жойимиз ҳам Унинг ҳузуридир. Аллоҳу таоло, мени ва барча мусулмонларни авф этсин!..”**

Рамазони шарифнинг ўн еттисида Жума кунининг куёши чикди. Тарихнинг энг беомон, энг нисбатсиз, энг муҳим, энг буюк жанги бошланишига жуда оз вақт қолган эди... Бир тарафда фахри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва жонларини фидо қилишдан заррача тоймайдиган бир ҳовучгина Унинг шарафли Асҳоби турган бўлса, қарши тарафда эса, исломни таг-томири билан йўқ қилишга чоғланган, Аллоҳу таолонинг ҳабиби бўлиш шарафига эришган бир пайғамбарни йўқотиш пайида тўпланган озгин ва тошқин кофир гуруҳи турарди. Афсуслар бўлсинки, уларнинг орасида Расули акрамнинг яқин қариндошлари ҳам бор эди. Улар ҳам ўз жиянларига қарши жанг қилиш учун Бадрга келганди.

Жаноби пайғамбаримиз, ўз кўшинининг интизом ва тизимини бошқатдан кўздан кечириб, олдин айтган таълимотларни яна бир марта такрорладилар. Шу пайтда Қурайш мушриклари қароргоҳларидан чиқиб, Бадр водийси томон оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги совут кийиб олганди. Ҳаддан ошган ғурур ва кибрга берилиб, Ислом кўшинига ҳужумга ўтаётганди. Уларнинг бундай шаштини кўрган Расулulloҳ ёнларига Абу Бакрни олиб, чодирга кирдилар ва муборак қўлларини самога очиб, жаноби Ҳаққа ёлвориб дуо қила бошладилар: **“Ё Раббий! Қурайш мушриклари бор ғурур ва кибрлари билан шахдам келмоқда!.. Сенга қарши уруш эълон қилиб, пайғамбарингни инкор қилишмоқда. Эй Аллоҳим! Менга берган ёрдам ва зафар ваъдангни рўёбга чиқаришингни сўрайман!.. Аллоҳим! Агар шу бир ҳовучгина**

мусулмоннинг ҳалокини тилаётган бўлсанг, бундан кейин сенга ибодат қиладиган жон топилмагай!..”

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ана шундай дуолар билан ёрдам сўраб, Аллоҳу таолога такрор-такрор ёлвордилар. Расулулоҳнинг бундай ғоят маҳзун, кишининг ич-ичини эзиб юборувчи ёлворишлари ўзларини унутиб, муборак елкаларидан ридоси (хирқоси) тушиб кетгунича давом этди. Бундай ични куйдирувчи ёлворишга чидай олмаган ҳазрати Абу Бакр, У зотнинг муборак ридосини олиб, жанобимизнинг муборак елкаларига ёпиб: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Шунчалар ёлворганингиз етар!.. Раббингизга шунчалар дуо ва илтижода бўлдингиз! Муҳаққакки, Аллоҳу таоло, сизга ваъда қилган зафарини яқинда насиб этади” дея тасалли берди. Ўшанда, оламларнинг сарвари қуйидаги ояти карималарни ўқиб, чодирдан чикдилар. Ояти каримада маолан: “(Бадрдаги) **бу гуруҳ, яқинда муҳаққак тору мор бўлиб, пароканда бўлади ва орқаларига қараб қочади. Энг тўғриси уларнинг асл азоб вақти қиёматдадир. У вақтнинг азоби эса, янада мудҳиш, янада аччиқдир**” дейилганди.¹⁶⁵

Ниҳоят сеvimли пайғамбаримиз такрор қўшин бошига келдилар. Шонли Асҳобига маолан: “**Эй иймон келтирганлар! Сизлар бир душман гуруҳи билан тўқнашган вақтингизда сабот қилинглр (маҳкам туринглр) ва Аллоҳу таолони жуда кўп зикр этинглarki, оқибатда қутулгайсиз... Сабр ва сабот кўрсатинглр. Чунки Аллоҳу таоло сабр этувчилар билан биргадир.**”¹⁶⁶ деб буюрилган ояти каримани ўқидилар. Ислom тарихида тартибли бир қўшин ҳолида душман билан қилинган дастлабки жанг мана шу эди. Жанг бошланиш арафасида эди. Аскарлардаги ҳаяжон ҳаддига етганди. Саҳобалар Расули ақрамнинг, “**Аллоҳу таолони кўп зикр қилинглр...**” маолидаги ояти каримани ўқиганларидан бошлаб, барчаси биргаликда “Аллоҳу акбар!.. Аллоҳу акбар!..” дейишни ва жаноби Ҳақдан зафар насиб этишини сўрай бошладилар. Энди улар жаноби пайғамбаримизнинг биргина ишоратларини кутиб туришарди.

Ўша замондаги уруш одатлари бўйича, қарама-қарши қўшинлар ўзаро тўқнашишга киришишидан олдин ҳар иккала тарафдан ўртага бир неча ботирлар чиқиб, яккама-якка олишиб, куч синашарди.

165 Қамар сураси, 54/45-46.

166 Анфол сураси, 8/45-46.

Шу олишув пайтида икки томоннинг жанг иштиёқи ва орзуи кизишиб, жангга шай ҳолга келарди. Бу сафар мушриклардан Омир бин Ҳадрабий ушбу одатни бузиб, қоидага риоя қилмай Ислом қўшинига қараб бир ўқ узди. У ўқ эса, мухожирлардан Михжого тегиб, шаҳид қилди ва муборак руҳи жаннатга юксалди. Пайғамбарларнинг сарвари бу биринчи шаҳиднинг руҳи учун **“Михжо, шаҳидларнинг саййиди, улуғдир”** дея марҳамат қилиб, мужда бердилар. Бу воқеадан хиддатланган Асҳоби киром жойларида туролмайдиган ҳолга тушдилар. Ҳар бирининг ичида гўёки вулқон отилаётгандай, қонлари қайнаётган эди. Лекин Расулulloҳдан буйруқ берилмагунча озгина ҳаракатга ҳам журъат эта олмаётгандилар.

Шу пайтда мушрик қўшинидан уч киши олдинга чиқди. Улар Рабиа ўғилларидан ашаддий ислом душманлари Утба, укаси Шайба ва ўғли Валидлар эди. Улар мужоҳидларга қараб: “Ораларингда биз билан яккама-якка олишадиган ботирларинг борми?” дея бақирдилар. Асҳоби киромдан биринчи бўлиб, ҳазрати Абу Ҳузайфа, отаси Утбага қарши бориш учун олдинга интилди. Оламларнинг султони, унга: **“Сен шошмай тургин!”** дея марҳамат қилиб уни тўхтатдилар. Ундан кейин мадиналик мужоҳидлардан Афро хонимнинг ўғиллари Муъаз ва Муъавваз билан Абдуллоҳ бин Равоҳа майдонга чиқа бошладилар ва Утба, Шайба ва Валидларга рўпара бўлдилар. Қиличларини яланғочлаб, душманларини кута бошладилар.

Мушриклар, “Сиз кимсиз” деган савол қўйиб, мусулмон мужоҳидларидан ўзларини танитишни талаб қилдилар. Булар “Биз Мадиналик мусулмонларданмиз” деганларида, мушриклар: “Бизнинг сизлар билан ишимиз йўқ! Бизга Абдулмутталиб ўғиллари керак. Биз фақат улар билан олишишни истаймиз” деган талаб қўйиб, Ислом қўшинига қараб: “Эй Муҳаммад! Бизга қарши ўз қавмимиздан тенгимиз бўлганларни майдонга чиқар!” дея бақирдилар.

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, майдонда турган учта ислом мужоҳиди ҳақиқа дуолар қилиб, уларга сафга қайтишни амр қилдилар. Ундан кейин Асҳоби орасига кўз югуртириб, **“Эй Хошим ўғиллари! Ўринларингдан туринглар!”**

Аллоху таолонинг нурини ботил ва бемани динлари билан сўндиришга келганларга қарши Ҳақ йўлда олишинглар, Аллоху таоло зотан пайғамбарингизни ҳам мана шу учун юборган. Тур, ё Убайда! Тур, ё Ҳамза! Тур, ё Али!” дея марҳамат қилдилар.

Аллоху таолонинг шерлари ҳазрати Ҳамза, ҳазрати Али ва ҳазрати Убайда бошларига дубулғаларини кийиб, майдонга чопдилар ва мушрикларнинг қаршисига чиққанларида улар: “Сиз кимсиз? Агар бизнинг тенгимиз бўлсангиз, унда сиз билан олишамиз” дедилар. Мужоҳидлар ўзларини таништириб: “Мен Ҳамзаман! Мен Алиман! Мен Убайдаман!” деб жавоб қилгандилар, мушриклар: “Сизлар ҳам биздек обрўли ва шарафли одамларсиз. Сизлар билан олишишни қабул қилдик” дейишди. Қаҳрамон Ислому мужоҳидлари жангга киришишдан олдин яна бир бор уларни Исломуга киришга чақирдилар. Лекин улар қабул қилишмади. Ана шундан кейингина мужоҳидларнинг учаласи ҳам бир вақтда қиличларини қинидан чиқариб, мушрикларга ташланишди. Ҳазрати Ҳамза ва ҳазрати Али, бир ҳамлада Утба ва Валид исмли кофирларни ўлдирдилар. Ҳазрати Убайда Шайбани яралади, бироқ ўзи ҳам яраланди. Ҳазрати Ҳамза ва ҳазрати Али Убайдага ёрдамга етиб келиб, Шайбани ҳам ўша ерда жаҳаннамга йўлладилар. Убайдани эса, кучокларида кўтариб Расулulloҳнинг ҳузурига келтирдилар.¹⁶⁷

Ҳазрати Убайда бин Хориснинг муборак болдиридан қон ва илик мойи оқарди. Убайданинг ўзи бу ҳолга ҳеч аҳамият бермай, Расули акрамга қараб: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Мен шу ҳолимда ўлсам шаҳид бўлмайманми?” дея савол қўйди. Жаноби пайғамбаримиз: “**Ҳа, сен шаҳидсан**” дея унинг жаннатий бўлганлиги ҳақида суюнчи бердилар. (Ҳазрати Убайда, кўшин урушдан қайтаётганида Сафра деган жойда вафот этди.)

Хуллас, илк яккама якка олишувидаёқ учта муҳим ботирини йўқотган мушриклар шошиб қолишди. Шунга қарамасдан Абу Жаҳл, кўшинининг руҳини кўтариш мақсадида: “Утба, Шайба ва Валиднинг ўлимига эътибор берманглар, улар олишувда шошқалоқлик қилиб бекорга ўлиб кетишди! Қасам ичаманки,

¹⁶⁷ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 708-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 17-б.; Табарий, “Торих”, II, 134-135-б.*

мусулмонларни тутиб олиб занжирбанд қилмаганумизча орқага қайтмаймиз!..” деб уларга тасалли беришга уринди.

Қаҳрамон Асҳоби киром эса, бу мушрик гуруҳини қиличлари билан жазолашни сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз ҳам тилларидан туширмай **“Аллоҳим! Менга берган ваъдангни бажо келтиргин!.. Аллоҳим! Шу бир ҳовуч ислом жамоатини ҳалок қилсанг, ер юзида бошқа сенга ибодат қиладиган киши қолмайди!..”** деган дуони такрорлардилар.

Шу пайтда мушрик сафларидан Қурайшнинг энг жасоратли ва кескин ўқ отувчиларидан ҳазрати Абу Бакрнинг ҳануз мусулмон бўлмаган ўғли Абдуррахмон майдонга югуриб чиқиб, саҳобаларни яккама якка олишувга чақирди. Муҳожирлар сафидан ҳам бир киши дарҳол қиличига суяниб илгари чикди. Бу киши, биринчи мусулмон бўлиш ва Сиддиклик мақоми билан шарафланган, пайғамбарлардан кейин келадиган энг улуғ одам, қаҳрамон ҳазрати Абу Бакрнинг ўзлари эди... У ўғли билан олишувга отилиб чикқанди. Бироқ оламларнинг султони унга: **“Ё Абу Бакр! Билмайсанми, сен менинг кўрар кўзим, эшитар қулоғимсан...”** дея марҳамат қилиб, уни олишувдан қайтардилар. Шунга қарамасдан, Абу Бакр Сиддик ўғлига: “Эй номард! Менга - отанга бўлган муносабатинг шуми?” дейишдан ўзини туюлмади.

Шундан кейин пайғамбарларнинг султони Ҳабиби ақрам жанобимизнинг ерга эгилиб бир қисм қум олганлигини кўрдилар. У кумни душман тарафга сочиб: **“Уларнинг юзлари қора бўлсин!.. Аллоҳим! Уларнинг қалбларига кўрқув солгин, оёқларига титроқ бергин!”** дея марҳамат қилдилар ва Асҳобига қараб: **“Ҳужум ўтинг!.. Ҳужум!”** амрини бердилар. Сабрсизлик билан шу буйруқни кутиб турган Асҳоб, олдин тайинланган таълимот бўйича ҳужумга ўтди. “Аллоҳу акбар!.. Аллоҳу акбар!..” нидолари орасида ўқлар ҳавода уча бошлади, тошлар ўз нишонини топиб, найзалар қалқонларга урила бошлади... Аллоҳу таолонинг шерлари ҳазрати Ҳамза икки қўлида иккита қилич билан жанг қиларди, Ҳазрати Али, ҳазрати Умар, Зубайр бин Аввом, Саъд бин Абий Ваққос, Абу Дужона, Абдуллоҳ бин Жаҳшлар мушрик сафларининг бир учидан кириб, нариги учидан чиқишиб, кофирларнинг бошини айлантириб

ташлаётганди. Уларнинг ҳар бири бамисоли забт этилмайдиган қалъа сингари эди. “Аллоҳу акбар!.. Аллоҳу акбар!..” садолари саҳрода жаранглаб, Аллоҳу таолонинг шонининг буюклиги кофирларнинг мияларига худди болға билан қоқиляётгандай бонг-бонг уриларди. Жаноби пайғамбаримиз: “**Ё Ҳайю! Ё Қайюм!**” дея Аллоҳу таолога ёлворардилар. Ҳазрати Али Бадр жангини хотирлаб: “Бадрда ҳаммамизнинг ичимизда энг жасоратлимиз, энг қаҳрамонимиз Расул алайҳиссаломнинг ўзлари эдилар. Мушрик сафларига энг яқин турган ҳам У эдилар. Қийналган вақтларимизда Унинг олдига бориб, нафас ростлаб олардик” деган эди.

Мушриклар ўзларича бир ҳийла ишлатмоқчи бўлиб, раислари Абу Жаҳлни ўрталарига олиб, кўздан яширишди. Ораларидан бирини Абу Жаҳлга ўхшаш қилиб кийинтиришди. Бу бадбахтнинг исми Абдуллоҳ бин Мунзир эди. Ҳазрати Али бу сохта Абу Жаҳлга хужум қилди. Ҳақиқий Абу Жаҳлнинг кўз олдида унинг бошини кесди. Кейин Абу Қайс исмли кофирни кийинтиришди. Бунисини ҳазрати Ҳамза ўлдирди.

Ҳазрати Али бир мушрик билан олишаётганида, мушрикнинг силтаган қиличи қалқонга қадалиб қолди. Ҳазрати Али эса, Зулфиқорини мушрикнинг зирҳли вужудига урган эди, қилич елкасидан кўксигача совути билан бирга кесиб кетди. Шу вақт юқорида бир қиличнинг ёрқираганини кўрди. Дарҳол бошини эгиб қолди. У қиличини ёрқиратган “**Ма ол! Бу эса Ҳамза бин Абдулмутталибдан**” деганида мушрикнинг калласи ерга учиб тушди. Ҳазрати Али ўгирилиб қараганида амакиси Ҳамза икки қилич билан жанг қилаётганини кўрди. Пайғамбаримиз, Асхобининг бундай мардларча жанг қилаётганини кўриб: “**Улар Аллоҳу таолонинг ер юзидаги арслонларидир**” дея марҳамат қилиш билан уларни тақдирлаб турдилар.

Бир маҳал Расулуллоҳнинг ёнбошларида жанг қилаётган ҳазрати Укошанинг қиличи синиб қолди. Бу ҳолни кўриб турган сеvimли пайғамбаримиз, ерда ётган бир таёқни олиб унга узатди ва: “**Ё Укоша! Ма мана бу билан жанг қилгил!..**” дея марҳамат қилдилар. Укоша у таёқчани олиб улгурмасдан, пайғамбаримизнинг мўъжизаси юз бериб, таёқча узун ёрқираган, қувватли ва кескир бир қиличга айланиб қолди. Ҳазрати Укоша жангнинг охиригача

шу қилич билан урушиб, қанча мушрикларни ер тишлатди.

Оламларнинг жаноби Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир томондан тинмай душман билан жанг қилардилар, иккинчи томондан Асҳобини ҳаяжонга солган қуйидаги ҳадиси шарифни айтардилар: **“Борлигим қудрат қўлида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, бугун жаноби Ҳақнинг ризосини умид қилиб, сабр ва сабот кўрсатиб, жанг қилаётганларни, орқага чекинмай душман тарафга ҳужум билан бораётганида ҳалок бўлганларни муҳаққақ Аллоҳу таоло жаннатига киритади”**. Бу муборак сўзларни эшитганлардан бири Умайр бин Ҳумом: **“Қандай гўзал! Қандай гўзал! Демак, жаннатга киришим учун шаҳид бўлишдан бошқа нарса лозим эмас экан”** деб ҳужумини янада авжлантирди. Душман билан беаёв урушиб юриб, “Аллоҳу таолонинг ҳузурига моддий озуқалар билан эмас, фақат Аллоҳу таолодан кўрқиш, охират амали, жиҳодга сабр ва сабот кўрсатиш билан борилади. Булардан бошқалари шубҳасиз тугаб ва тўкилиб кетадиган матоҳлардир...” дея сўзларди. Ана шундай ҳолатда шаҳид бўлгунча матонат билан тўхтамасдан жанг қилди.

Жанг жуда шиддатли тус олганди... Битта саҳобага камида учта мушрик ҳужум қиларди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида зарба қайтаришга уринаётган Асҳоби киромни ҳеч бир нарса чекинтира олмаётганди. **“Аллоҳу ақбар! Аллоҳу ақбар!..”** деган сайин янгидан кучланиб, такрор-такрор ҳужум қилишдан чарчамаётгандилар. Шунга қарамасдан бир ора мушрикларнинг ҳужуми шиддатланди. Асҳоби киром оғир вазиятга тушиб қолди.

Шу пайтда Расулulloҳ ва ҳазрати Абу Бакр хурмо шохларидан ясалган чодирига кирдилар. Пайғамбаримиз, яна Аллоҳу таолога муножотни бошладилар. Сарваримиз: **“Ё Раббий! Менга ваъда қилган ёрдамнингни лутф айла!..”** дея ёлворардилар. Ўша заҳоти ваҳий тушди. Унда маолан: **“Раббингиздан ёрдам ва зафар сўраган ўша вақтда, У сизга ижобат қилиб: “Ҳақиқатан мен кетма-кет мингта фаришта билан мадад бераман” дея, дуонгизни қабул қилганди”**¹⁶⁸ дейилганди. Жаноби пайғамбаримиз дарҳол турдиларда: **“Суюнчи, ё Абу Бакр! Сенга Аллоҳу таолонинг ёрдами келди! Ҳов анави Жаброилдир. Қум тепалари устида отининг жиловини ушлаб турибди, қуролланган амр кутаяпти”**

дея марҳамат қилдилар.

Анфол сурасида билдирилганидек, жаноб-и Ҳақ фаришталарга маолан: **“Раббинг малакларга, (мусулмонларга нусрат ва ёрдам хусусида) сиз билан биргаман дея ваҳий айлади. Қани боринг, мўминларга (нусрат хушхабари билан қалбларига) сабот илҳом этинглар. Мен энди кофирларнинг кўнглига даҳшат ва кўркув соламан. Уринг дарҳол уларнинг бўйинлари устига, уринг ҳар бир бармоқларига (бўғинларининг ҳаммасига)!... Чунки улар, Аллоху таолога ва Унинг Расулига қарши чиқдилар. Ким Аллоху таоло ва Унинг Расулига қарши чиқадиган бўлса, Аллоху таолонинг (азобига учрайди) жазоси жуда қаттиқдир!”**¹⁶⁹ дея амр қилди.

Мана шу амр бўйича ер юзига энган Жаброил, Микоил ва Исрофил алайҳимуссалом ёнларида мингтадан малоика билан сеvimли пайғамбаримизнинг ёнларида қатор-қатор бўлиб, ўнги ва сўлидан жой олдилар.¹⁷⁰

Жаброил алайҳиссалом бошига сариқ салла ўраган эди. Бошқа малакларнинг бошларида эса, оқ саллалар бор эди. Саллаларининг учларини орқаларига ташлаб қўйган бўлиб, барчаси оқ отларга миниб олгандилар. Сарвари олам жанобимиз Асҳобиға: **“Малаклар барчаси белги ва нишонлидирлар. Сиз ҳам ўзларингизга бирор аломат ва нишон қилиб олинглар!”** дея марҳамат қилдилар. Зубайр бин Аввом бошига сариқ, Абу Дужона қизил рангли матони салла қилиб ўраб олдилар. Ҳазрати Али, оқ бир туғ, ҳазрати Ҳамза эса, кўкрагига туя қушининг патини тақиб олдилар.

Шундай қилиб, малоиканинг жангга киришлари билан вазият бир онда ўзгарди. Асҳоби киром қаршисидаги кофирга қиличини теккизар теккизмас унинг боши гавдасидан учиб кета бошлаганди. Жаноби пайғамбаримизнинг олдида, ўнгу-чапида ва орқасида ҳеч ким танимаган кишиларнинг мушриклар билан жанг қилаётганига гувоҳ бўлдилар.

Ҳазрати Саҳл ўша вақтни эслаб: “Бадр жангида ҳар биримиз бир мушрикнинг бошига қиличимизни силтаганимизда, ҳали қилич нишонга етмасиданоқ душман калласи узилиб ерга тушганини ҳайрат билан кузатганмиз...” деган эди.

¹⁶⁹ Анфол сураси, 8/12-13.

¹⁷⁰ Воқидий, “ал-Мағозий”, 1,57-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, 1,16-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III,40-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 72-б.

Абу Жаҳлнинг ўлдирилиши

Мушрикларнинг байроқдори Абу Азиз бин Умайр асир тушди. Уларнинг қўмондонлари Абу Жаҳл эса, қурайшликларни жасоратлантириш учун тўхтамасдан шеърлар ўқиб, аскарларининг руҳини кўтаришга уринарди. Кучга тўлган йигитдек мусулмонларга ташланиб: “Онам мени мана шу кунлар учун туккан!...” деб ўқирарди ва ёшларни урушга ташвиқ қиларди.

Мушриклардан Убайда бин Саид бошдан оёғигача совут кийиб олган эди. Унинг фақат кўзларигина кўришиб турарди. У отининг устида бир уёқа, бир буёққа чошиб: “Мен Абу Зотулқаришман! Мен Зотулқаришман!”, яъни мен катта қорин эгасиман, қоринлар отасиман деб ўзича кибрланарди. Қаҳрамон мужоҳид ҳазрати Зубайр бин Аввом, унга яқинлашиб, найзасини унинг нақ кўзига тўғрилади ва: **“Аллоҳу акбар!”** деб найзани отди. Нишонга айнан теккан найза уни отидан ерга тўпдай туширди. Ҳазрати Зубайр унинг ёнига югуриб борганида Убайданинг жони чиқиб бўлганди. Оёғини жасаднинг ёноғига қўйиб, найзасини зўрага унинг кўзидан чиқариб ололди.

Ҳазрати Зубайр Бадрда бундан ташқари яна бир қанча қаҳрамонликлар кўрсатди. Унинг баданида яраланмаган жойи қолмаганди. Бу ҳолатни ўғли Урва: “Отам жуда оғир уч қилич зарбасини ўтказиб юборганди. Уларнинг бири бўйнига теккан эди. Яра шунчалик чуқур из қолдирган эдики, унинг ичига бемалол бармоғимни тиксам бўларди”, деб ҳикоя қилганди.

Абдурахмон бин Авф ҳам жонини аямай қурайшликлар билан олишарди, Яраларидан оқаётган конларга эътибор бермай, олдига келганни ағдараётган эди. Ҳазрати Абдурахмон ўзи гувоҳ бўлган бир ҳодисани қуйидагича баён қилган эди:

“Бир вақт менинг олдимда ҳеч ким қолмади. Уёқ-буёққа қарагандим, Ансордан иккита ўсмирга кўзим тушди. Улардан кучлироқ ва жангарироқ бўлгани билан ёнма-ён жанг қилгим келди. У ёшларнинг бири, менга кўз қирини ташлади-да: “Эй амаки! Сиз Абу Жаҳлни танийсизми?!” дея сўради. Мен: “Ҳа, танийман” дедим-да, қўшимча қилиб: “Эй қардошимнинг ўғли, Абу Жаҳл сенга нега керак, унда нима ишинг бор?” деб сўрагандим, у “Эшитишимча, Расулуллоҳни сўкармиш. Шу сабабдан Аллоҳу таолога қасам ичдим, уни кўриб қолсам, ўлдирмагунча ёки ўзим ўлмагунча

асло ундан ажралмасдан олишаман” деди. Бундай ёш йигитнинг хис-ҳаяжонга тўлиб-тошган, шиддатли, қатъий сўзларига тўғриси хайратда қолдим.

Уларнинг иккинчиси ҳам мени бироз кузатиб, биринчисининг айтганларини такрорлади. Шу орада мен Абу Жаҳлни кўриб қолдим. У Қурайш аскари ичида тўхтамай олдинга ва орқага юриб турарди. “Эй ёшлар! Анави у ёқ-бу ёққа ўзини уриб, чопаётган шахс - Абу Жаҳл” дейишим билан ўсмирлар дарҳол қиличларини чиқариб, Абу Жаҳлнинг яқинига бориб жангга киришдилар. У ўсмирлар Афро хонимнинг ўғиллари ака-ука Муъаз ва Муъаввазлар эди.”

Бу орада Асҳоби киромнинг қахрамонларидан Муъаз бин Амр Абу Жаҳлнинг ёнига бориш имконини топди ва узун думли бир от устида юрган Абу Жаҳлга ҳужум қилиб, унинг сонига бор кучи билан қилич солди. Абу Жаҳлнинг бир оёғи бўксасидан узилиб ерга тушди. Шу орада отасига ёрдамга етиб келган ва ҳали мусулмон бўлмаган Икрима, ҳазрати Муъаз бин Амр билан жанг қила бошлади.

Шунда ака-ука Муъаз ва Муъавваз яшин каби илгарига отилдилар. Улар олдидан чиққанларни суриб ташлаб, Абу Жаҳлга етишдилар ва унга ўлгунича қилич урдилар.

Ҳазрати Муъаз бин Амр эса, Икрима билан жанг қилиб, қўлидан яраланган эди. Унинг муборак қўли билагидан кесилиб, фақат терисига осилиб қолганди. Жангга шунчалар берилиб кетган Муъаз бин Амрнинг қўлига қараб, уни даволашга вақти йўқ эди. Кесилган қўли осилиб қолган ҳолда қахрамонларча жанг қилишда давом этарди. “Аллоҳу акбар!..” дея душманни зор қақшатаётганди. Бу қандай иймон! Қанақа манзара эди!.. Ҳазрати Муъаз бир неча вақт шу ҳолда урушганидан кейин кесилиб осилган қўли унга ҳалакит бераётганлиги учун уни оёғи остига босиб, юлиб ташлади...¹⁷¹

Ислому душманларининг шарафсизларидан бири бўлган Навфал бин Ҳувайлид Қурайшнинг кўзга кўринган паҳлавонларидан ҳисобланарди. У тинмай ўқириб, мушрикларни ҳаяжон ва ғалаёнга келтириш учун уринарди. Жаноби пайғамбаримиз унинг бу холини кўриб: **“Аллоҳим! Навфал бин Ҳувайлидга қарши менга ёрдамчи бўл”** дея дуо марҳамат қилгандилар. Ҳазрати Али, мушрик Нафвални кўриб, дарҳол унинг устига отилди. Унга қилич

¹⁷¹ Бухорий, “Мағозий”, 8-б.; Муслим, “Жиҳод ва Сийар”, 147-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 634-б.; Байҳақий, “Далои-ун-нубува”, III, 83-б.; Сухайлий, “Равзу-унуф”, III, 77-б.

шундай зарб билан урилгандики, унинг иккала сони ҳам зирхли совут кийгани ҳолда кесилиб тушди. Ундан сўнгра эса бошини танасидан жудо қилди.¹⁷²

Билол Ҳабашийни офтобда қизиган қумларга ётқизиб, кўксига катта-катта тошлар қўйган Умайя бин Ҳалаф, мушриклар ичида бузуклиги билан ном чиқарганлардан бири эди. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизга исканжа қилишда ҳеч бир фурсатни бой бермасликка интилган исломнинг бу катта душмани ҳам Бадр водийсида мушрикларнинг бошини бириктиришга, Исломнинг нурини сўндиришга зўр бериб уринарди. Унинг бу ҳолидан хабар топган ҳазрати Билол, қиличини яланғочлаб, унинг қаршисидан чиқди ва: “Эй куфрнинг боши бўлган Умайя бин Ҳалаф!.. Токи сен тирик экансан, мен тинчимайман!” дея унга ҳужум қилди. Сўнгра: “Эй Ансорий биродарлар! Тез келинг, куфрнинг боши мана бу ерда” деб ёрдамга чақирди. Шанда Асҳоби киром дарҳол Умайяни ўраб олиб, уни ўлдирдилар.¹⁷³

Энди мушрик қўшинида бош бўладиган ҳеч ким қолмаган эди. Уларнинг ҳар бири ўзича нима қилишларини билмай қолгандилар. Шунинг учун тўғри келган тарафга қоча бошлашди. Ҳақиқатан энди куфрнинг калласи узилган эди. Шонли Асҳоб душманни таъқиб қилишда давом этди. Мушриклардан бир қисми қўлга тушиб, асир олинди. Жаноби пайғамбаримизнинг амакиси Аббос ҳам асирлар орасида эди.¹⁷⁴

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шонли Асҳобига: **“Навфал бин Ҳувайлид ҳақида биладиганлар борми?”** дея савол қотдилар. Ўшанда ҳазрати Али олдинга чикиб: “Ё Расулаллоҳ! Уни мен ўлдирдим” деди. Бу хабардан жуда мамнун бўлган сеvimли пайғамбаримиз: **“Аллоҳу акбар!”** дея такбир келтирдилар ва: **“Аллоҳу таоло, у ҳақида қилган дуомни қабул қилди”** дея марҳамат қилдилар.

Умайя бин Ҳалафнинг ўлдирилгани ҳақида айтганларида ҳам Расулulloҳ жуда хурсанд бўлдилар: **“Алҳамдулиллоҳ! Аллоҳу таолога шукрлар бўлсин. Раббим қулини тасдиқ қилди, динини устун этди”** дея марҳамат қилдилар.

172 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 92-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 98-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, IV, 94-б.

173 Бухорий, “Ваколат”, 2-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 631-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 477-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 94-б.; Табарий, “Торих”, II, 153-б.

174 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 715-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 173-б.

Расули акрам жанобимиз, Абу Жаҳл ҳақида: **“Ажабо, ҳозир Абу Жаҳл қаерда? Бориб унинг ҳолидан хабар келтирадиган киши борми?”** дея марҳамат қилиб, уни душман жасадлари орасидан топишни амр қилдилар. Қидириб, уни ўликлар орасидан топа олмадилар. Пайғамбаримиз: **“Изланглар, у ҳақда менга берилган ваъдабор. Агаруниафти-ангоридан таний олмасангиз, тиззасида яра изи бор, ана шунга қараб аниқланглар. Ёшлигимизда у билан бирга Абдуллоҳ бин Жудъоннинг зиёфатида бўлган эдик. Мен ундан бироз узунроқ эдим. Иккимиз сиқилишиб қолиб, мен уни туртиб юбордим. У тиззалари билан йиқилиб тушиб, яраланди. Ана ўша яранинг ўрни тиззасида нишон бўлиб қолди, батамом йўқ бўлиб кетмади”** дея Абу Жаҳлнинг жасадини ахтараётган мусулмонларга қўшимча белги бердилар.

Абдуллоҳ бин Масъуд Расулulloҳдан эшитган белги бўйича, Абу Жаҳлнинг мурдасини излашга киришди. Уни ярадор ҳолатда топди ва унга қараб: “Сен Абу Жаҳл эмасмисан?” деди. Унинг бўйнига оёғини қўйиб, соқолидан ушлаб тортди-да: “Эй Аллоҳу таолонинг душмани! Қара, Аллоҳу таоло сени ниҳоят хору-зор қилди!” деди. Ҳали жони чиқмаган Абу Жаҳл: “Нега мени хору-зор этаркан, эй қўйчи! Аллоҳ сени хору-зор қилсин. Сен ифлос оёғингни қаерга қўйиб турганингни биласанми? Ҳеч ким чиқа олмайдиган асқар тоққа чиқиб олибсан! Сен яхшиси менга зафар ва ғалаба қайси тарафдалигини хабар бер” деди. Ибни Масъуд ҳазратлари: “Зафар, Аллоҳ ва Унинг Расули тарафидадир” деди. Кейин Абу Жаҳлнинг бошидан дубулғасини ечиб олиб: “Эй Абу Жаҳл, мен сени ҳозир ўлдираман” деди. Абу Жаҳл бўлса ётган жойидан алам билан: “Сен бир қавмнинг энг улуғини ўлдирганларнинг биринчиси эмассан. Лекин тўғриси айтсам, сендек тиррақи кимсанинг мени ўлдириши ғуруримга тегяпти. Нима ҳам қилардим, ҳеч бўлмаса, бўйнимни кўксимга яқин жойида чоп, танамдан ажралган бошим баҳайбат кўринсин!” деб куфрда, ғурур ва кибрда қанчалик ҳаддан ошганини кўрсатди.

Ибни Масъуд ҳазратлари, Абу Жаҳлнинг бошини танасидан жудо қилишга киришди. Ўз қиличи билан эплотмагач, Абу Жаҳлнинг катта қиличини ишга солди. Кейин совути, дубулғаси ва калласини судраб, пайғамбаримизнинг ҳузурларига элтди. "Ота-онам Сизга фидо бўлсин Расулаллоҳ! Мана бу Аллоҳу таолонинг душмани Абу Жаҳлнинг калласи" деди. Севимли пайғамбаримиз эса: **“У**

Аллохдирки, Ундан ўзга илох йўқдир” дея марҳамат қилдилар. Сўнгра ўринларидан туриб, Асҳоби билан бирга Абу Жаҳлнинг жасади ётган жойга бордилар. У ерда: **“Аллоху таолога ҳамд бўлсинки, сени залил ва хору-зор қилди. Эй Аллох душмани! Сен бу умматнинг фиръавини эдинг”** дедилар. Кейин: **“Ё Раббий! Менга берган ваъдангни бажо келтирдинг”** деб Аллоху таолога шукронада бўлдилар.

Расулulloх ярадор Асҳоби киромнинг яраларини боғлатдилар. Шаҳид бўлганларни аниқлатдилар. Муҳожирлардан олти, Ансордан саккиз киши, ҳаммаси бўлиб ўн тўрт мусулмон шаҳид бўлганди. Барчасининг муборак руҳлари жаннатга равона бўлганида, Иломнинг нурини сўндиришга уринган мушриклардан етмишта ёв ўлдирилиб ва яна шунчаси асир олинди.

Расулulloх, ғалаба хушхабарини етказиш мақсадида Абдуллох бин Равоҳа ва Зайд бин Хорисани Мадинага юбордилар.

Кейин ўзлари шаҳидларнинг жаноза намозларини ўқитиб, қабрларига дафн қилдирдилар.

Мушриклардан тўртта жасад суви куриб қолган бир қудукқа ташланди, қолганларининг ҳаммаси бир чуқурга тўлдирилиб, устиларига тупроқ тортиб қўйилди.

Оламларнинг сарвари, шарафли Асҳоби билан бирга мушрикларнинг жасади ташланган қудукнинг бошига келиб: **“Эй қудукқа ташланганлар!”** дея ҳитоб қилгач уларниг исмларини ҳам санаб, **“Эй Утба бин Рабийя! Эй Умайя бин Ҳалаф! Эй Абу Жаҳл бин Ҳишом!.. Сенлар ўз пайғамбарига қарши чиққан нақадар ёмон қавм эдинглар. Сенлар, мени ёлғончига чиқардинглар, бошқалар эса, рисолатимни тасдиқ қилиб, тўғри дейишди. Сенлар, мени ўз она шахримдан, диёримдан чиқиб кетишга мажбур қилдинглар. Бошқалар эса, менга эшикларини кенг очиб, бағирларига босишди. Сенлар, мен билан уруш қилдинглар, бошқалар эса, менга ёрдамга келишди. Энди Раббимнинг сенлардек осий бандаларига ваъда қилган азобларига эришдингларми? Мен, Раббим ваъда қилган зафарига эришдим”** дея марҳамат қилдилар.

Ўшанда ҳазрати Умар: **“Ё Расулаллох! Ўлаксага айланган шу мурдаларга гапиряпсизми?”** дея савол қотди. Расули акрам жанобимиз унга жавобан марҳамат қилдиларки: **“Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Раббим ҳаққи учун айтаманки,**

сизлар мени улардан яхшироқ эшитмайсизлар. Лекин улар жавоб бера олмайдилар”.

Мушриклар жанг майдонидан жон талвасасида қочаётиб, ўзлари билан олиб келган нарсаларини олиб улгуришмаган эди. Улардан қолиб кетган ҳамма нарса мусулмонларнинг қўлига ўтди. Пайғамбаримиз, ғанимат молларини Бадр жангига қатнашган ва вазифали бўлган барча Асҳоби орасида бўлдилар.

Бу орада чопар қилиб юборилган Абдуллоҳ бин Равоҳа ва Зайд бин Хориса Мадинага яқинлашиб қолганди. Улар якшанба куни чошгоҳда (туш вақтидан олдинроқ) Ақиқ деган жойга келганларида бир-бирларидан ажралишди. Абдуллоҳ бин Равоҳа бир тарафдан, Зайд бин Хориса бошқа тарафдан Мадинага кириб боришди. Улар уйма-уй айланиб зафар ҳақида хушxabар тарқатишарди. "Расулulloҳнинг шоири" деган номга сазовор бўлган Абдуллоҳ бин Равоҳа:

*“Эй Ансор жамоати! Тингланг ушбу хабарни,
Сог ва саломатдадир Аллоҳнинг пайғамбари.*

*Мушриклар ўлдирилди ва асир олиндилар,
Асирлар ичра бисёр, кўп шухратли кишилар.*

*Рабийа ва Ҳажжжонинг ўғиллари батамом,
Қирилди ҳам Бадрда Абу Жаҳл бин Ҳишом”*

деб баланд овозда муждали хабарни эълон қиларди. Ҳазрати Осим бин Адий: “Эй Ибни Равоҳа! Айтаётганларинг ростми?” деб сўради. Абдуллоҳ бин Равоҳа эса: “Ҳа, валлоҳий ҳақиқатдир! Иншааллоҳ, эртага қўллари орқаларига боғланган асирларни олдларига солиб Расулulloҳнинг ўзлари ҳам келиб қоладилар” дея жавоб қилди.

Ўша куни мухтарам пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрати Руқийя вафот қилганди. Эри ҳазрати Усмон, жаноза намозини ўқитганди. Шундай оғир хузннинг устидан келган зафар хабари, кўнгилларига сал бўлса-да оро кирганди.

Жаноби пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Бадр зафарини эҳсон қилган Аллоҳу таолога ҳамдлар айтиб, Асҳоби билан биргаликда шукр саждасини бажарганларидан кейин,

асирларни олдларига солиб, Мадинаи мунавварага йўлга чиқдилар.

Зафар хабарини тарқатган, Абдуллоҳ бин Равоҳа ва Зайд бин Хорисалар Бадр жангига иштирок этганлар ва шаҳид бўлганлар ҳақида ҳам мадиналикларни хабардор қилишганди. Мадинада қолган болалар, аёллар, вазифали кишилар зафар хабаридан жуда хурсанд бўлишди. Улар муҳтарам пайғамбаримизни қарши олиш учун шоду-хуррамлик билан йўлга чиқишди. Шаҳид бўлганлар орасида Хориса бин Сууроқа ҳам бор эди. Ҳазрати Хорисанинг онаси Рабий, ўғлининг ҳовуздан сув ичаётганида душманнинг ўқидан шаҳид бўлганлигидан хабар топган эди. Ўшанда Рабий волидамиз, ўғлининг шаҳид бўлганлиги хабарини эшитиб: “Расул алайҳиссалом соғ-саломат келмагунича ўғлим учун йиғламайман. У зот саодат билан Мадинани ташриф буюрганларида, Ўзларидан сўрайман. Агар ўғлим жаннатий бўлса, ҳеч қачон йиғламайман. Йўқ акси бўлиб, болам жаҳаннамлик бўлиб қолган бўлса, кўзларимдан қон чиққунча йиғлайман” деганди.

Пайғамбаримиз муборак Асҳоби кироми билан Мадинага ташриф буюрганларида, Рабий она У зотнинг олий ҳузурларига бориб: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ўғлим Хорисага бўлган меҳр-муҳаббатимни биласиз. Менинг болам, шаҳид бўлиб жаннатий бўлдими? Агар шундай бўлса, чидаб сабр этайин. Йўқ, ундай бўлмаса, кўзларимдан қонли ёшлар тўкайин” деди. Ҳабиби ақрам жанобимиз унга жавобан: “**Эй Умму Хориса! Ўғлингиз битта эмас, бир нечта жаннатлардадир. Унинг ўрни Фирдавсдир**” дея хушxabар бердилар. Ўшанда: “Мен ўғлим учун бошқа йиғламайман” деди Рабий она. Коинотнинг султони бир идишда сув сўрадилар. Сувни Унга берганларида муборак кўлларини сувга тикиб чиқардилар-да, у сувни ҳазрати Хорисанинг онасига ва синглисига ичирдилар. Шу сувдан уларнинг бошларига ва юзларига ҳам сурдилар. Ўша кундан бошлаб Рабий ва кизининг юзлари ҳамиша нурли кўринадиган бўлиб қолди. Иккаласи ҳам жуда узун умр кўрдилар.

Хожаи коинот алайҳи афдолус-саловот жанобимиз, Мадинага келтирилган етмишта асирни Асҳоби орасида бўлиб бериб, улар билан яхши муомалада бўлишларини амр қилдилар. У вақтлар асирларнинг оқибати ҳақида Аллоҳу таолодан ҳали бирон ваҳий

тушмаган эди. Кейинроқ Расулulloҳ Асҳоби билан маслаҳатлашиб, асирларни фидя ҳисобига озод қилиш қарорига келдилар. Ҳар бир асирнинг бойлигига қараб, фидялари белгиланди. Пуллари бўлмаганлардан ўқиш-ёзишни биладиганлари, Мадинадаги саводи йўқлардан ўн кишининг саводини чиқариб, ундан сўнгра Маккага кетишлари мумкин қилиб белгиланди. Юқорида ҳам айтилганидек, асирлар орасида жаноби пайғамбаримизнинг амакиси Аббос ҳам бор эди. Сарваримиз унга: **“Эй Аббос! Ўзинг, қардошинг ўғли Уқайл (Ақийл) бин Абий Толиб, Навфал бин Хорислар учун озод бўлиш пулини тўланглар. Чунки сен, бадавлатсан”** дея марҳамат қилдилар. Ўшанда ҳазрати Аббос: **“Ё Расулаллоҳ! Мен мусулмонман. Қурайшликлар мени мажбуран Бадрга олиб келгандилар”** деди. Расулulloҳ: **“Сенинг мусулмонлигингни Аллоҳу таоло билади. Тўғри айтаётган бўлсанг, Аллоҳу таоло сенга бунинг ажрини албатта беради. Бироқ сен, шу вазиятда душман сафидан асир тушгансан. Шунинг учун товон тўлашинг керак бўлади”** дедилар. Аббос: **“Ё Расулаллоҳ! Ёнимда Сиз ғанимат қилиб олган 800 дирҳамдан бошқа бойлигим йўқ”** деганди, пайғамбаримиз: **“Ё Аббос! У олтинлар ҳақида нега ҳеч нарса демайсан?”** дея марҳамат қилдилар. У эса: **“Қайси олтинлар ҳақида сўз кетаяпти”** деди. Пайғамбаримиз: **“Қайси олтинлар дейсанми, ҳалиги, Маккадан чиқадиган кунинг, хотининг Хориснинг қизи Умм-ул-Фадлга берган олтинларинг-да! Уларни бераётганингда ёнларингда ҳеч ким йўқ эди, албатта. Сен Умм-ул-Фадлга, “Бу сафарда бошимга нималар келишини билмайман. Агар бошимга бирон фалокат келиб, қайтолмасам, буларнинг шу қисми сенга ва мана бу қисми Фадлга берилсин. Мана бу қисми эса, Абдуллоҳга, буниси Убайдуллоҳга, қолгани эса, Қусамга берилсин”** деб тайинлаган олтинларинг ҳақида гапиряпман” деганларида, ҳазрати Аббос шошиб қолиб: **“Қасам ичаманки, ўша олтинларни хотинимга бераётганимда атрофимизда тирик жон йўқ эди. Буни сиз қаердан билдингиз?”** дея хайрон бўлди. Жаноби пайғамбаримиз: **“Аллоҳу таоло хабар берди”** дея марҳамат қилдилар, Аббос: **“Аллоҳу таоло ҳақ расули эканлигингизга ва тўғри гапирётганлигингизга шаҳодат келтираман”** деб, калимаи шаҳодат келтирди.¹⁷⁵ Шундай қилиб, мусулмон бўлган ҳазрати Аббосни

¹⁷⁵ Табарий, “Тарих”, II, 523-524-б.

жаноби пайғамбаримиз Маккада вазифадор этиб тайинладилар. У ердаги мусулмонларга раҳномалик қилишни, Исломиятга душман бўлганлар ҳақидаги хабарларни Мадинага юбориб туришини амр қилдилар.

Бадр ғазосида мағлубиятга учраган қурайшликларга хабар жўнатилиб, фидя эвазига асирларини қайтариб олишлари мумкинлиги билдирилди. Бироқ асирлар орасидаги Надр бин Хорис ва Уқба бин Абий Муъайт ўлимга ҳукм қилинди. Чунки бу кофирлардан биринчиси, мухтарам пайғамбаримизга хижратдан аввал жуда кўп азиятлар ва исканжалар кўрсатган бузуқлардан бири эди. Иккинчиси эса, Расул алайҳиссалом Каъбада намоз ўқиётиб саждага кетганларида муборак елкаларига туянниг ичак-чавоқларини олиб келиб ташлашдек бадбахтликни қилган ярамас киши эди. Бу иккала бахти қора ислом душманининг бошлари танасидан жудо қилингандан кейин Расулulloҳ Аллоҳу таолога ҳамд айтдилар ва уларнинг жасадлари ёнига бориб: **“Валлоҳи Аллоҳу таолонинг Расулини ва Қуръони каримни инкор қилган, пайғамбарини қийноқдан қийноққа солган сенлардек ёмон одам кўрмаганман”** дедилар.

Асирлар, ўз қариндош-уруғлари тарафидан фидя тўланиб олиб кетилгунча Асҳоби киромнинг ёнларида яшаб қолдилар. Саҳобанинг ҳаммаси ҳам асирларга жуда юмшоқ муомалада бўлишиб, уларни ўз озиқ-овқатларига шерик қилдилар. Мусъаб бин Умайрнинг укаси Абу Азиз ҳам асирлар орасида эди. У кейинчалик ўз асирлиги ҳақида куйидагиларни гапириб берганди: “Мен ҳам мадиналик бир мусулмоннинг уйида асир эдим. Уй эгалари менга жуда яхши муносабатда бўлардилар. Эрталаб ва кучкурунлари ўзлари ейишлари лозим бўлган овқатларини менга беришиб, ўзлари фақат хурмо ейишга мажбур бўлишарди. Улардан бирининг қўлига бирон нон бурдаси тушиб қолса, уни аввал менга берарди. Мен уялганимдан нонни ўзига қайтариб берардим. Лекин у нонни яна менга қайтарарди.”

Ўша асирлардан яна бири, қурайшлик Язид исмли киши асорат ҳақида бундай деган: “Мусулмонлар Бадрдан Мадинага келаётганларида, биз асирларни ўз уловларига миндириб, ўзлари пиёда юргандилар.”

Абу Лаҳабнинг ўлдирилиши

Мушрикларнинг Бадра тору мор бўлиб, паришон бир вазиятда ҳарб майдонидан қочишлари, Маккада оғир ташвиш билан кутиб олинди. Чунки улар асло бундай натижани кутмаган, мағлубият ҳаёлларига ҳам келмаган эди. Мағлубият хабари илк бор етиб келганида Абу Лаҳаб ва бошқа мушриклар ишонишмади. Уруш майдонидан қочиб кетган Абу Суфён Маккага қайтиб келганида, уни дарҳол ёнларига чақиришди. Абу Лаҳаб ундан: “Эй қардошимнинг ўғли! Қани тушунтирчи, нималар бўлди ўзи?” деб сўради. Абу Суфён ерга чўкиб қолди. Атрофидаги бир қанча кишилар тик туришарди. Абу Суфён куйидагича гап бошлади:

“Эҳ, сўрама. Жуда ғалати ишлар содир бўлди. Биз мусулмонлар билан тўқнашганимизда худди қўл оёғимиз боғлаб қўйилгандек бўлдик. Улар эса, хоҳлаганча ҳаракат қилдилар. Биздан бир қисмимизни ўлдирдилар, яна бир қисмимизни асир олдилар. Қасам ичаманки, мен бизникилардан ҳеч кимни айблай олмайман. Чунки у орада биз, ер ва осмон орасида от минган оппоққа ўралган кимсаларга дуч келдик. Уларнинг ҳужумларига қарши на бир курул, на бир баҳодир бардош беролмасди.”

Исломнинг илк йилларидаёқ мусулмон бўлишига қарамай, мушрикларнинг ғзабидан чекиниб, мусулмонлигини яшириб юрган Аббоснинг кули Абу Рафий ҳазратлари ҳам ўша жойда эди. Жимгина уларни тинглаб ўтирган Абу Рафий, севинчидан ҳамма нарсани бир онда унутиб: **“Валлоҳи, Худо ҳаққи улар фаришталар”** деб овоз чиқариб айтиб юборганини билмай қолди. Абу Лаҳаб унга қаттиқ шапалоқ уриб ерга йиқитди. Бечорани анчагина калтаклади. Абу Лаҳабнинг бу қилиғига гувоҳ бўлиб турган ҳазрати Аббоснинг хотини Умму Фадл чидай олмади. Чунки бу аёл ҳам аслида яширинча мусулмон бўлганлардан бири эди. Умму Фадл хонадаги ходалардан бирини олиб: “Ҳеч кими йўқ деб, у бечорани дўппослайверасанми аблаҳ?” деганича Абу Лаҳабнинг калласига тушириб қолди. Боши ёрилган Абу Лаҳаб хотиндан калтак еб, шарманда бўлган ҳолда у ерни тарк этишга мажбур бўлди. Шу воқеадан етти кун ўтгач, Аллоҳу таоло унга қора қизил (скарлатина ва гепатит) деган бир юкумли касалликни раво кўрди. Шу касаллик оқибатида у ўлди. Ўғиллари, отасининг касалидан қочиб, уни икки-уч кун дафн қилмай ташлаб қўйдилар. Ҳатто унинг жасади

хидланиб кетди. Ҳамма худди вабодан қочгандек Абу Лаҳабнинг жасаидан қочарди, жирканарди. Охири бир кун, Қурайшдан бири Абу Лаҳабнинг ўғилларига: “Э хайф бўлсин сендай ўғилларга. Уятларинг борми ўзи? Оталарингни жасади сасиб кетгунча уйда ётдибди. Ҳеч бўлмаса, бир жойга кўмиб ташлаб уни йўқотинглар, ахир” деб койиди. Ўғиллари, унга: “Биз отамиздаги касалликдан кўрқаяпмиз” дея жавоб қилдилар. Ўшанда ҳалиги киши, “Бор кўмишга киришинглар, мен ҳам бориб ёрдамлашаман” деди. Оқибат, уч киши бўлиб, мурдани бир амаллаб ўраб олиб, узоқроққа, одам оёғи етмайдиган жойга олиб боришиб, устига тошлар ташлаб, кўринмайдиган қилиб ташладилар. Абу Лаҳаб мана шу тарзда, абадий азоб ва оташлар ичида қоладиган юртига, қоронғилик ва жаҳаннам чуқури ҳисобланган қабрига кирди.

Бадрада асирга тушган қурайшликларнинг орасида Валид бин Валид ҳам бор эди. Уни Абдуллоҳ бин Жаҳш асир олганди. Валиднинг ака-укалари Ҳишом ва Холид бин Валид Мадинага келдилар. Абдуллоҳ бин Жаҳш фидя-и нажот, яъни асирликдан қутулиш пулини бермагунларича асирни озод қилмаслигини айтди. Бу ҳолга Валиднинг қардошларидан Холид рози бўлса-да, отаси ва онаси, нариги акаси Ҳишом рози бўлмадилар. Охири оталарининг юз динорлик қиличи, совути ва дубулғаси эвазига келишув бўлди. Шу йўл билан Валидни асирликдан қутқаришиб, Макка томон йўлга чиқдилар. Лекин Валид, Макка йўли устидаги Мадинадан тўрт мил масофада жойлашган Зуъл-Ҳулайфага борганда қариндошларидан ажралиб, орқага пайғамбаримизнинг олдларига қайтди ва иймон келтириб, Асҳоби киром сафига кириш шарафига эришди. Валид, мусулмон бўлганидан бироз вақт ўтиб, Маккага яқинлари ёнига кетди. У вақт, Холид бин Валид, “Модомики, мусулмон бўлмоқ ниятинг бор экан, қутилиш фидясини тўламасдан бўлсанг бўлмасмиди? Сени деб боболаримиздан қолган хотирани кўлимиздан чиқариб олдик-а. Нега бундай қилдинг?” деб сўраганларида, “Қурайшликларнинг “Асирликка чидай олмай Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлибди” дейишларидан андиша қилдим” дея жавоб берганди. Унинг бу жавоби, ака-укаларини роса асабийлаштирди. Шунинг учун уни Манзум ўғилларидан бўлган баъзи мусулмонлар билан бирга, Иёш бин Абий Рабийя ва Салама бин Ҳишомнинг ёнига қамаб қўйдилар. Шундай қилиб, Валид бин Валид фақат иймони туфайли айбланиб, йиллар бўйи

қамоқда қолди. Исломиятнинг ашаддий душманларидан амакиси Ҳишом ва мушрик қариндошларидан жуда кўп зулм ва исканжалар кўрди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, мушриklarнинг зулми тагида қолган Иёш бин Рабийя, Абу Салама бин Ҳишом ва Валид ҳақиға шундай дуолар қилдилар: **“Илоҳи! Валид бин Валидни, Салама бин Ҳишомни, Иёш бин Рабийяни, (куффор қўлида эзилиб) заиф (ва ожиз) қолган бошқа мўминларни қутқаргин. Мудор (Қурайш)ни яна-да баттарроқ эзгин. Бу йилларни(уларга) айни Юсуфнинг йилларига ўхшатгин, Илоҳо.”** Расулulloҳнинг дуоси баракоти билан Валид бир амаллаб, боғлаб қўйилган жойидан қочишга имкон топди. Мадинага етиб келиб, сеvimли пайғамбаримиз ҳузурига эришди. Ҳабибуллоҳ жанобимиз ундан Иёш бин Рабийя ва Салама бин Ҳишомнинг аҳволини сўрадилар. Валид эса, уларнинг оёқларидан бир-бирига боғлаб қўйилганларини ва оғир қийноққа солинаётганларини сўзлаб беради.

Коинот султони, уларнинг аҳволидан жуда хафа бўлдилар ва уларни қутқариш чораларини излаштирдилар. Уларни ким қутқара олиши мумкинлигини сўраганларида, йиллар бўйи исканжада қолишига қарамай яна Валиднинг ўзи: “Ё Расулаллоҳ! Изн берсангиз, уларни мен қутқариб, сизга олиб келаман” дея мардлик кўрсатди. У йўлга отланиб, Маккага борди. Ҳибсда бўлганларга овқат элтувчи бир аёлнинг орқасидан кузатиб юриб, дўстларининг қаерда ётганларини билиб олди. Улар усти ёпилмаган бир бинога қамаб қўйилганди. Валид кечаси жонини тикиб, жасорат билан девордан ошиб дўстлари олдига тушди. Иймон келтиришдан ўзга айби бўлмаган у икки мусулмон, бир тошга боғлаб қўйилиб, Арабистоннинг қуйдирувчи жазирамасида турли зулмларга мубтало қилинаётган эди. Валид уларни ўша азоблардан қутқариб чиқарди ва ўзи миниб келган туясига миндириб, ўзи яланг оёқ, пиёда бўлиб, Мадинаи мунавварага, жонидан сеvimли Расулulloҳнинг ёнларига етиб бориш иштиёқида йўлга тушдилар. Валидни чўлнинг қовурувчи иссиғи эмас, Оламларнинг жанобига етишиш муҳаббати қуйдирарди.

Валид иккита дўсти билан оч, ташна, яланг оёқ уч қун йўл юриб Мадинага етиб келди. Унинг бармоқлари қирра тошларнинг ботиши ва урилишидан тарам-тарам ёрилиб кетганди. Ана шундай йўл азоблари ва оёқларидан қон равон бўлганча муҳтарам

пайғамбаримизнинг хузурларига етиб боришди.

(Шавқи ҳаддинг норига ҳар эсон ки ёнса нур бўлур.

Ишқ дардида ҳароб бўлган кўнгуллар маъмур бўлур.)

Бадр зафари мусулмонларни улкан севинчга ғарқ этган бўлса, мушрикларни чуқур қайғуга ботирди. Ҳатто Ҳабашистон подишоҳи Нажоший ҳам Расулulloҳ сарваримизнинг ҳарбда музаффар бўлганликларидан хабар топгач, дарҳол ўз ўлкасидаги Асҳоб-и киромнинг ёнларига бориб: “Аллоҳу таолога ҳамдлар бўлсин, Расулини Бадрда музаффар (ғолиб) қилиб, Унга ғалаба эҳсон айлади” дея уларга суюнчи етказганди.

Ҳазрати Али билан ҳазрати Фотиманинг никоҳи

Ҳижратнинг иккинчи йили эди. Фаҳри коинот (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг қизлари ҳазрати Фотима энди ўн беш ёшга кирганди.

Кунлардан бир куни ҳазрати Фотима хизмат юзасидан Расули ақрам жанобимизнинг хузурига келдилар. Расулulloҳ жанобимиз, карималарига қараб, унинг турмушга чиқадиган вақти келганини мушоҳада қилдилар. Ўша кундан бошлаб, Фотима-туз-Заҳро волидамизни жуда кўп кишилар сўратдилар. Расул алайҳиссалом, сўраганларга илтифот қилмай, уларга **“Унинг иши, Ҳақ таолонинг амрига боғлиқдир”** дея жавоб марҳамат қилдилар.

Бир куни Абу Бакр, Умар ва Саъд бин Муъаз масжидда: “Ҳазрати Фотимани ҳазрати Алидан бошқа ҳамма сўраб кўрди. Бироқ ҳеч кимга илтифот қилинмади” дея гаплашишди. Ўшанда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ: “Ўйлайманки, у Алига насиб бўлади. Юринглар, Алининг олдига борайлик, масалани ўзига очиб кўрайлик. Қани нима деркан. Борди-ю масала, етишмовчиликда бўлса, унга ёрдамлашайлик” деган маслаҳатни ўртага ташлади. Саъд ҳам уни қўллаб: “Ё Або Бакр! Сен доим хайрли иш қилиб юрасан. Тўғри, қани тур ўрнингдан, биз ҳам сенга йўлдош бўламыз” деди. Учаласи биргалашиб масжиддан чиқдилар-да, ҳазрати Алининг уйига бордилар. Улар келганида, ҳазрати Али Ансордан бирининг хурмоларини суғораётган эди. Бу уч кишини кўриб, олдиларига келиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Ҳазрати Абу Бакр биринчи бўлиб сўзга киришиб, Алига қарата, “Ё Али! Ҳар қандай бир хайрли ишда

сен илғорсан ва Расули акрам назарида ҳеч кимга насиб бўлмаган мартабадасан. Шунинг учун сенга бир маслаҳатимиз бор. Яъни ҳаммамизга маълумки, ҳазрати Фотимани жуда кўп кишилар сўратди. Бироқ ҳеч қайси бирига илтифот қилинмади. У, сенга насиб бўлса керак деб ўйлаймиз. Негадир сен тарафингдан ҳеч ҳаракат кўринмайди?” каби савол берди.

Ҳазрати Али, Абу Бакр Сиддиқнинг саволини яхшилаб тингладида, муборак кўзларига ёш олиб: “Ё Абу Бакр! Сиз менинг куйган юрагимни баттар куйдирдингиз. У билан никоҳланишни мендан ҳам кўпроқ истаган бошқа одам бўлмаса керак. Лекин қўлим калталиқ қилиб турибди” деб хўрсинди. “Йўқ, сен ундай дема. Аллоҳу таоло ва Расулининг олдида дунё моллари заррача аҳамият касб этмайди. Бу ишга фақирлигинг тўсиқ бўлолмайди. Сен боргинда, қизни сўрагин” деб унга далда берди ҳазрати Абу Бакр.

Ҳазрати Али қуйидагича баён қилган: “Расулуллоҳнинг хузурларига ийманиб, уялиб кирдим. Менинг кўзимга Расулуллоҳ янада ҳайбатли ва янада виқорли кўриңдилар. Хузури шарифларида ўтирдим, бироқ бирор сўз бошлашга қурбим етмади. Ўшанда Расулуллоҳ жанобимизнинг ўзлари сўз бошлаб: **“Нега келдинг, бирон эҳтиёжинг борми?”** дея марҳамат қилдилар. Мен ҳижолатдан сукут қилдим. Бироз жим-житликдан кейин: **“Ҳойнаҳой, Фотимани сўрашга келгандирсан”** дея марҳамат қилдилар, мен эса оғзимдан базўр: **“Ҳа шундай”** деган овозни чиқара олдим холос. (Пайғамбаримиз ҳазрати Алининг бу талабини ҳазрати Фотимага билдирдилар. Лекин у ҳам сукут сақлади.) Шунда сарвари олам пайғамбаримиз: **“Фотимага маҳр сифатида берадиган ниманг бор?”** дея марҳамат қилдилар. Мен эса, “Ёнимда унга берадиган ҳеч вақом йўқ, ё Расулаллоҳ” дедим. **“Мен сенга берган Ҳутумий зирҳли совутинг қаерда, унга нима бўлган?”** дея марҳамат қилдилар. “Ёнимда” дегандим, **“Ана ўшани сот ва ундан қўлингга тушган пулни менга олиб келгин. Маҳр пули сифатида у кифоя қилади”**¹⁷⁶ дея буюрдилар.” Бошқа бир ривоятда айтилишича: “Расулуллоҳ ҳазрати Алига, **“Ёнингда ниманг бор?”** дея марҳамат қилганларида, ҳазрати Али: **“Отим ва совутим”** дея жавоб беради. Расулуллоҳ эса, **“Отинг сенга зарур бўлади, бироқ совутингни сотгин”** дея буюрганлар. Яна бир ривоятда, **“Ё Али бор, ўзингга бир уй ижарага тут”** дея марҳамат қилганлар, дейилади.

¹⁷⁶ Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 173-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, II, 544-б.

Ҳазрати Али уйлангунча пайғамбаримиз билан бир уйда яшарди. Уйланганидан кейин муҳтарам пайғамбаримизнинг амрларига биноан, Масжиди Набавий яқинида, ҳазрати Ойша хонасининг қаршисида бўлган Хориса бин Нумоннинг уйини ижарага олди. Совутини ҳазрати Усмонга 480 дирҳамга сотди. Ҳазрати Усмон эса, совутни сотиб олганидан кейин уни қайта ҳазрати Алига совға қилиб берди.

Ҳазрати Али, совути ва дирҳамлар билан пайғамбаримиз олдига келганида, Расулulloҳ ҳазрати Усмон ҳақиқа кўп хайр дуо қилдилар ва **“Усмон, Жаннатда менинг рафиқимдир - ўртоғимдир”** дея марҳамат қилдилар. Ундан кейин Билоли Ҳабашийни чақириб, пулнинг бир қисмини унга узатиб: **“Ма, бу пулни ол. Бозорга чиқ-да, бироз гул суви сотиб ол, қолганига асал олгин. Масжиднинг бир бурчида тоза идишга асал ва сувни солиб аралаштириб эзинглар. Яъни шу йўл билан асал шарбати тайёрланглар, иншааллоҳ никоҳ маросимидан кейин ичамиз. Ансор ва муҳожирлардан шу атрофда бўлган Асҳобимни масжидга таклиф қил-да, Фотиманинг Алига никоҳланишини халққа эълон қилгин”** дея буюрдилар.

Билоли Ҳабаший, ташқарига чиқиб, ҳазрати Али билан ҳазрати Фотиманинг никоҳланишини халққа эълон қилди. Асҳоби киром Масжиди Набавийга йиғилиб, масжиднинг ичи ва ташқарисини тўлдириб юбордилар. Ўшанда пайғамбаримиз тик туриб қуйидаги хутбани ўқидилар: **“Бутун ҳамд ва шукрлар, оламларнинг Раббига махсусдир. У, берган неъматлари билан улуғланувчи, чексиз қудрати ва қуввати туфайли Унга ибодат қилинувчи, азоб ва ҳисобидан қўрқилувчи, ҳукм ва фармони ер юзиде ва кўкларда ҳоким бўлгувчи Зотдир. Махлуқотни қудрати билан яратган, адолатли ҳукмлари билан уларни бир-бирларидан ажратиб қўйган, инсонларни (Ислому) дини ва пайғамбари Муҳаммад (алайҳиссалом) орқали шарафлантирган Зотдир...**

Аллоҳу таоло менга, қизим Фотимани Али бин Абу Толибга никоҳлашимни амр қилди. Мана шу ерда, ҳозир сизни гувоҳ тутиб, (Аллоҳу таолонинг амри билан) 400 мисқол кумуш маҳр билан Фотимани Али бин Абу Толибга никоҳладим. Раббим уларнинг бутун борлиқларини жам қилсин ва уни уларга муборак қилсин. Наслларини соф ва раҳматга қалит, ҳикматга маъдан, уммат-и Муҳаммадга амин қилсин. Айтмоқчи

бўлганларим шундан иборат. Раббимдан ўзим ва сизлар учун мағфират тилайман.”

Ҳазрати Али ҳам ўрнидан туриб ушбу хутбани ўқиди: “... шу онда биз хузурида ўтирган Муҳаммад алайҳиссаломга салоту салом тилайман. У зот ўзларининг муборақ карималари Фотимани 400 мискол кумуш маҳр билан менга никоҳладилар. Эй дин қардошларим! Шубҳасиз жаноби пайғамбаримизнинг буюрганларини эшитдингиз ва гувоҳ бўлдингиз. Мен ҳам бунга гувоҳман ва розиман. Ҳаммасини айнан қабул қиламан. Аллоҳу таоло ҳаммамизнинг сўзларимизга ўзи гувоҳдир, барчамизга ўзи вакилдир.”¹⁷⁷

Никоҳ ақди битганидан кейин, жаноби пайғамбаримиз дарахтдан энди узилган хурмо келтиришни сўрадилар **ва “Қани бу хурмодан олинглар, енглар”** дея марҳамат қилдилар. Маросимда қатнашаётганларнинг барчаси хурмодан олиб едилар. Кейин ҳазрати Билол асал шарбати тарқатди. Ундан ҳам ичдилар-да, саҳобийларнинг барчаси, “Борақаллоҳу фий кумо ва алайкумо ва жамаъо шамлакумо” дейишиб дуо қилдилар.

Пайғамбаримиз никоҳдан сўнг ҳазрати Фотимани йиғлаётган ҳолда кўрдилар. Қизига яқин келиб: **“Эй Фотима! Сенга нима бўлди, нега йиғлаяпсан? Аллоҳу таолога қасам бўлсинки, сени сўраганларнинг энг олимига, илм ва ақлда энг устунига ва биринчи мусулмон бўлганига никоҳладим”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Фотима эса: “Отажоним! Турмушга чиқаётган қизларнинг ҳаммасининг маҳри олтин ва кумуш билан тайин этилиб тақдирланмоқда. Менинг маҳрим ҳам шундай тақдир қилинса, Сиз билан бошқалар орасида нима фарқ қолади. Қиёмат куни сиз, мўминларнинг гуноҳкорларидан қанчасига шафоатда бўлсангиз, мен ҳам уларнинг аёлларига шафоатда бўлишни хоҳлайман. Муродим шудир” деди.

Аллоҳу таоло, ҳазрати Фотиманинг бу тилагини қабул қилганини билдирганида, Расулуллоҳ: **“Ё Фотима, пайғамбар авлоди эканлигингни билдирдинг”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Али никоҳдан кейинги кунларни эслаб, айтганки: “Бу ишларнинг устидан бир ой ўтган бўлишига қарамай биз ҳали бирга турмасдик. Шунча вақт ичида бу ҳақда қайта гап ҳам очилмади. Мен эса, уялганимдан ҳеч кимга оғзимни очмасдим. Расулуллоҳ

¹⁷⁷ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 24-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашиқ”, LII, 445-б.*

баъзан мени якка ҳолда учратиб қолиб: **“Сенинг аҳлинг қандай яхши хоним. Сенга хушхабар шуки, у оламдаги аёлларнинг саййидасидир”** дея марҳаматда бўлардилар.” Никоҳ маросимидан бир ойлар ўтгач, ҳазрати Алининг укаси ҳазрати Уқайл: “Ё Али! Бу ақди издивожингиз (никоҳингиз) туфайли беҳад масрур бўлдик. Муродим шулки, энди икки масъуд бир-бирларига яқин бўлишлари лозим” деганида ҳазрати Али: “Менинг муродим ҳам шулдир. Лекин уялиб турибман” деди. Ўшанда ҳазрати Уқайл, Алининг кўлидан ушлаб, Расулulloҳнинг хонаи саодатларига бошлади. Уларнинг қаршисидан пайғамбар жорияси (чўриси) Умму Айман чиқиб қолди. Мақсадларини унга айтишди. Умму Айман эса: “Бу масалада сизларнинг келиб юришларингизга ҳожат йўқ. Биз азвожи тоҳирот (пайғамбарнинг покиза аёллари) ўзаро маслаҳатлашиб, сизга хабар юборамиз. Зеро бу хусусда аёлларнинг айтганлари ҳисобга олинади” деди. Умму Айман, бу масалани Расулulloҳнинг хонимларига очди. Барча азвож-и тоҳирот ҳазрати Ойшанинг хонасига йиғилдилар. Ҳазрати Ҳадижани хотирлашиб: “Агар у ҳаётда бўлганда, ҳеч нарсадан хавотирланмасдик” дедилар. Буни эшитган Расулulloҳ кўзларида ёш қалқиб: **“Ҳадижадек хотин қайда? Халқ мени ёлғончига чиқарганида, у тасдиқ қилди ва бор мол-мулкени менинг йўлимда сарф қилди. Дини Исломга жуда кўп ёрдамда бўлди. У ҳали ҳаётлигида Аллоҳу таоло менга амр қилдики, Ҳадижага хушхабар бер: Жаннатда унга зумраддан бир кўшк ясатилгандир”** дея марҳамат қилдилар.

Аёллари Расулulloҳга ҳазрати Алининг муродини арз қилдилар. Расулulloҳ Умму Айманга ҳазрати Алини чақириб келишини буюрдилар. Ҳазрати Али келгач у ердаги хотинлар туриб кетдилар. Ҳазрати Али эса, бошини қуйи эгиб ўтирди. Расулulloҳ унга: **“Завжангни олиб кетишни истайсанми, ё Али?”** дея марҳамат қилдилар.

Ўшанда Али (родиаллоҳу анх): “Ҳа, ё Расулаллоҳ! Ота-онам сизга фидо бўлсин” деб жавоб қайтарди. Расули ақрам, Асмо бинти Умайса: **“Бор, Фотиманинг уйини ҳозирлагин”** буюрдилар. Асмо, ҳазрати Фотима келин бўлиб тушадиган уйни ҳозирлагани кетди. Уйни тозалаб, тартибга келтиришди, у ерда бўлган янги ва эски тери тўшакларнинг ичларига хурмо қипиқлари тўлдириб, яхшилаб тўшаб қўйишди. Расулulloҳ хуфтон намозидан сўнг Фотиманинг уйига келиб, бир кўздан кечирдилар.

Пайғамбаримиз, ҳазрати Али келтирган пулнинг учдан иккисига егулик, безак ва атир-упа, учдан бирига эса, кийгулик олинишини амр қилдилар ва уй ашёларини тўлиқлағдилар. Ҳазрати Фотиманинг сандиғи ва уй ашёси: Асмо бинти Умайс ҳозирлаган учта тўшак, чачоклари бўлган битта гиламча, ичига хурмо кипиклари солинган битта ёстик, икки дона қўл тегирмони, битта сув идиши, лойдан ясалган бир обдаста, теридан ясалган сув ичадиган идиш, битта сочик, битта этак, бир қўчқор пўстаги, эскириб туки тўкилган бир Яман гилами, хурмо япроғидан ўрилган битта чорпоя, иккита ола рангли Яман кўйлаги, битта қадифа кўрпадан иборат эди. Расулulloҳ ҳазрати Алига бироз пул бериб, хурмо ва ёғ олишини тайинладилар. Бундан сўнградини ҳазрати Али қуйидагича айтган:

“Беш дирҳамга хурмо, тўрт дирҳамга ёғ олдим ва Расулulloҳнинг ҳузурига келтирдим. У киши теридан бир дастурхон келтиришни сўрадилар. Келтирилган дастурхон устида хурмо, ун, ёғ ва қатикни аралаштириб, муборак қўллари билан бир нав егулик тайёрладилар: **“Ё Али! Бор-да, кимларни топсанг, ўшаларни чакириб келгин”** дедилар. Мен ташқарига чиқиб, жуда кўп одамларни кўрдим, уларнинг барчасини таклиф қилдим-да, ичкари кириб: “Ё Расулalloҳ, ташқарида одам жуда кўп” деб айтдим.

Одамларнинг сарвари Фаҳри коинот жанобимиз: **“Уларни ичкарига чақир, барчаси таом (овқат) есинлар”** дея марҳамат қилдилар. Мен дарров айтганларини бажардим. Келган одамларни санаганларида эркагу-аёл тахминан етти юз киши Расулulloҳнинг хоналаридан таом еган эканлар.”

Ҳазрати Али ва Фотиманинг тўй зиёфатидан сўнгра, Умму Айманнинг билдиришича, жаноби пайғамбаримиз ҳазрати Алига: **“Ё Али, қизим Фотима келин бўлиб, уйингга кетди. Мен ҳам шом намозидан кейин уйингга бориб, дуо қиламан. Мени кутинглар”** деб марҳамат қиладилар. Ҳазрати Али уйига келиб, бир бурчакка ўтирди. Ҳазрати Фотима эса, уйнинг нарига бурчагига ўтирди. Бироз кейин Расулulloҳ келиб, эшик қоқдилар. Умму Айман эшикни очди. Расулulloҳ: **“Менинг укам шу ердами?”** деб сўрадилар. Умму Айман эса: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Укам деганингиз ким?” деб ҳайрон бўлди. Расулulloҳ: **“Али бин Толиб да”** дея марҳамат қилганларида, Умму Айман У зотга: “Қизингизни уқангизга никоҳладингизми?” деб, ҳайрагланди. Расулulloҳ: **“Ҳа, шундай”** деб марҳамат қилдилар. Ўшанда Расулulloҳнинг: **“укам шу ердами?”** деган сўзларидан Умму

берганди. Расулуллоҳ эса: **“Ҳа шундай”** деган жавоблари билан ака-укачиликнинг фақат бир онадан туғилган ҳолдагина уйланишга тўсиқ бўлишига ишорат қилдилар.

Кейин Расулуллоҳ Умму Аймандан: **“Асмо бинти Умайс ҳам шу ердами?”** деб сўрадилар. **“Ҳа, у ҳам шу ерда”** жавобини эшитиб, **“Демак Расулуллоҳнинг каримасига хизматга келибди”** дея марҳамат қилдилар. Умму Айман: **“Ҳа шундай”** деганда, деб марҳамат этдилар-да, дуо қилдилар.

Расулуллоҳ бир идишда сув сўратиб, муборак қўлларини ювдилар. Кейин ичига озгина миск қуйиб, ҳазрати Фотимани ёнларига чақирдилар. Ҳазрати Фотима уялганидан кийимига қараб турарди. Расулуллоҳ қўлидаги сувдан ҳазрати Фотиманинг кўксига, бошига ва орқасига сепдилар ва: **“Аллоҳумма инний уыйзуҳо бика ва зурриятаҳо мин-аш-шайтон-ир ражим (ё Раббий, Унинг ва зурриёдининг рожим бўлган, тош-ла қувилган шайтоннинг шарридан муҳофазаси учун сенга сиғинаман)”** дея дуо қилдилар. Кейин ҳазрати Алига ҳам худди шундай қилиб: **“Аллоҳумма борик фийҳимо ва борик алайҳимо ва борик лаҳумо фий наслиҳимо”** деб дуо қилдилар. Ихлос ва Муъаввизатайн (иккита қул аъзузу - Фалақ, Нос) сураларини ўқиб: **“Аллоҳу таолонинг исми ва барокати билан аҳлинг ёнига киргин”** дея марҳамат қилдилар. Кейин муборак қўллари билан эшикнинг икки қанотини ушлаб туриб, баракатли дуо қилдиларда, у ердан кетдилар.¹⁷⁸

Ҳазрати Али айтганки: **“Биз бирга яшай бошлаганимиздан тўрт кун ўтиб Расулуллоҳ хонамизни ташриф айладилар. Кўнгилларни жазб қилувчи ҳикмат сочган сўзлари билан бизга насиҳат қилдилар ва марҳамат қилдиларки: “Ё Али! Сув олиб келгин!”** Бориб сув келтириб бердим. Битта оят-и карима ўқиб: **“Сувдан озгина ичиб, бирозини қолдир”** дея марҳамат қилдилар. Айтганларидек қилдим. Мендан қолган сувни менинг кўксимга ва бошимга сепдилар. Кейин яна: **“Сув олиб келгин!”** деб буюрдилар. Яна сув келтириб бердим. Менга нима қилган бўлсалар, худди ўшаларни Фотимага ҳам қилдилар. Кейин менинг ташқарига чиқиб туришимни истадилар.”

У ташқарига чиқиб кетгач Расулуллоҳ қизларидан ҳазрати Али ҳақида сўрадилар. Фотима: **“Отажоним, бу одамда барча камол сифатлар мавжуд. Лекин баъзи Қурайш хотинлари менга: “Эринг камбағал”** деб таъна қилишяпти” деганида, Расулуллоҳ марҳамат қилдиларки: **“Эй қизим! Сенинг отанг ва ҳалолнинг асло**

¹⁷⁸ Абдуэрраззоқ, “ал-Мусаннаф”, V, 485-б.

камбағал эмаслар. Бутун ер юзи ва кўклар ўз бағрларидаги ҳазиналарини менга тақдим қилдилар. Лекин мен уларни қабул қилмадим. Фақат Аллоҳу таолонинг даргоҳида мақбул бўлганинигина қабул қилдим. Эй қизалоғим! Агар менинг билганларимни, сен ҳам билганингда эди, дунё сенинг назарингда хор ва паст бўларди. Аллоҳу таоло ҳаққи учун айтаманки, эринг саҳобанинг олдиدير. Ислонинг ҳам улуғидир. Илм жиҳатидан энг теранидир. Қизим! Аллоҳу таоло Аҳл-и байтдан икки кишини ихтиёр қилди. Уларнинг бири отанг, иккинчиси ҳалонингдир. Зинҳор унга исён қила кўрма ва унинг амрига хилоф иш қилмагин.”

Фахри коинот (алайҳи афдалус-салавот) жанобимиз, қизларига насихат қилганларидан кейин ҳазрати Алини ичкарига чақиртдилар. Унга ҳам Фотимани хафа қилмасликни насихат қилиб: **“Ё Али! Фотиманинг ҳаққи-хотирига риоя қилгин. Чунки у мendan бир парчадир. Уни хушвақт тутгин. Агар уни хафа қилсанг, мени хафа қилган бўласан”** дея марҳаматда бўлдилар. Охири, иккаласини ҳам Аллоҳу таолога топшириб, ўринларидан туриб кетмоқчи бўлганларида ҳазрати Фотима: **“Ё Расулаллоҳ! Уй ичи ишларини мен бажараман. Ташқарининг хизматини Али бажаради. Менга битта чўри эҳсон қилсангиз, бир-икки ишларимга ёрдам берарди. Бу билан мени мамнун этган бўлардингиз”** деб қолди. Расулаллоҳ: **“Эй Фотима! Сенга хизматчидан ҳам яхшироқ бошқа нарса совға қилайми ёки хизматчи?”**—деб сўрадилар. Фотима волидамиз: **“Албатта хизматчидан яхшироғини эҳсон айлашингизни хоҳлайман”** деди. Шунда Расулаллоҳ: **“Ҳар куни ётаётганингда ўттиз уч марта “Субҳоналлоҳ”, ўттиз уч марта “Алхамдулиллоҳ”, ўттиз уч марта “Аллоҳу акбар” ва бир марта “Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъло кулли шайин қодир”** дегин. Ҳаммаси бўлиб юзта калима бўлур. Шуларни бажарсанг, қиёматда минг ҳасана (яхшилиқ) топгайсан. Тарозида ҳасанотинг оғир келадиган бўлади” дея марҳамат қилдилар. Кейин мухтарам пайғамбаримиз, карималарининг уйдан чиқиб, ўз хона-и саодатларига кетдилар.

Ҳазрати Али ва ҳазрати Фотиманинг никоҳлари ҳижратдан беш ой кейин, тўйлари эса, Бадр ғазосидан кейин ўтказилганди.¹⁷⁹

¹⁷⁹ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 230-231-б.; Абдуурраззоқ, “ал-Мусаннаф”, V, 485-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 172-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XX, 407-б.

Каъб бин Ашрафнинг ўлдирилиши

Мусулмонларнинг Бадрада қўлга киритган ғалабалари Мадинадаги яхудий ва бутпарастларни қўрқувга солиб қўйди. Яхудийлардан баъзилари инсофга келиб: “Биз сифатларини китобимизда ўқиган зот шубҳасиз ўша. Энди Унга қарши чиқиб бўлмайди. Зеро У бундан буён ҳамиша ғолиб келади”, дея мусулмон бўлдилар. Баъзи ҳасадгўйлар эса: “Муҳаммад, ҳарб санъатидан беҳабар қурайшликлар билан жанг қилди. Шунинг учун ғалаба қозонди. Агар биз билан жанг қилганида, Унга уруш қилиш қандай бўлишини, ғалаба қандай қўлга киритилишини кўрсатиб кўярдик” дея куфрда қайсарлик қилиб туриб олишди.

Бадрада Ислом қўшинларининг ғалабасидан хабардор бўлган Каъб бин Ашраф исмли бир яхудий, мусулмонларга бўлган нафрат ва душманлигидан, Маккага отланди. У ерда атрофига мушрикларни йиғиб, одамни ғалаёнга келтирувчи шеърлар ўқиб, уларни мусулмонларга қайраб, Мадинага ҳужум қилишга чақирди. Ниҳоят пайғамбаримизга қарши жанг қилиш учун улар билан келишиб олди. Ҳатто муҳтарам пайғамбаримизга суиқасд уюштиришни режалаштирди. Аллоҳу таоло бундан Расулини хабардор қилиб, маолан: **“Улар, Аллоҳу таоло лаънатлаган (раҳматидан узоқлаштирган) кимсалардир...”**¹⁸⁰ деган ояти каримани нозил қилди.

Шунда Расули акрам шарафли Асҳобига қарата: **“Каъб бин Ашрафнинг жазосини ким беради? Чунки у Аллоҳу таоло ва Унинг расулига азо ва жафо келтирди”** дея марҳамат қилдилар. Асҳоби киромдан Муҳаммад бин Маслама: “Ё Расулаллоҳ! Хоҳлайсизми, уни мен ўлдирайин” деб изн сўради. Расулulloҳ унинг таклифини қўллаб: **“Ҳа, хоҳлайман”** дедилар. Муҳаммад бин Маслама бир неча кун шу иш устида бош қотириб, режалар тузди. Дўстларидан Абу Ноила, Аббос бин Бишр, Хорис бин Авс, Абу Абс ибни Жабрлар билан маслаҳатлашди. Ҳаммаси Муҳаммад бин Масламанинг режаларини қўллаб-қувватладилар. Ҳатто унга ёрдам беришга бел боғладилар. Бирга пайғамбаримизнинг олдларига келиб, Ундан: “Ё Расулаллоҳ! Биз Каъб билан учрашиб сўзлашганимизда сиз ҳақингизда унга ёқадиган баъзи салбий сўзлар ишлатишимизга ижозат берасизми?” деб сўрадилар. Пайғамбаримиз ижозат бердилар.

¹⁸⁰ Нисо сураси, 4/52.

Ана шундан кейин Муҳаммад бин Маслама дўстлари билан Каъб бин Ашрафнинг олдига бориб, унга: "Эй Каъб, биласанми, Муҳаммад биздан жуда кўп садақа сўраб, солиқ соляпти. Шу сабабли сендан қарз олишга келдик. Бизга бир мунча мол қарз бериб туролмайсанми?" деб мурожаат қилишди. Бу сўзлар Каъбга ғоят хуш ёқиб, Масламани ҳам ўзидек тушунчада деб ўйлаб: "Ҳа, У ҳали жонларингга ҳам тегади" дея кўшимча қилди. Муҳаммад бин Маслама: "Нима қиламиз энди, шундай бўлиб қолди. Унга бошида хўп деб қўйдик. Начора Унга яна бироз вақт итоат қилишда давом этиб кўрайликчи, қани охири нима бўларкан. Бирок сен ҳозир бизга бироз хурмо қарз бериб тургин" деди. Каъб уларга қарз беришга рози бўлиб: "Яхши, мен сенларга сўраганларингни бераман. Лекин эвазига менга бирон гаров қолдиришларинг лозим бўлади" деб шарт қўйди. "Қани айт, гаровга нима сўрайсан?" дедилар. Каъб: "Хотинларингни гаровга қолдиришлар" деди. Бироқ улар кўнмади. "Ундай бўлса, ўғилларингни қолдиришлар" деди Каъб. "Уларни ҳам гаровга бера олмаймиз. Ўғилларимизни бир-икки туя хурмо учун гаровга қолдирадиган бўлсак, биз учун шармандалик бўлади. Аммо биз сенга гаров қилиб, курулларимизни ва совутимизни қолдира оламиз" дедилар. Каъб уларнинг бу таклифини қабул қилди ва қачон келишларини айтди.¹⁸¹

Муҳаммад бин Маслама ёнига Абу Ноилани олиб, бир кеча Каъбнинг олдига келди. Каъб эса, уларни қалъага чақирди. Ўзи ҳам уларни қарши олиш учун пастга тушди. Каъбнинг хотини "Шундай бемаҳалда қаёққа боряпсан?" деб унинг чиқишига норозилик билдирди. Каъб "Муҳаммад бин Маслама ва биродарим Абу Ноила келишди" деди. Хотини "Менга негадир бу товушлар ёқмай турибди, кўнглим нотинч, бундан қон ҳиди келаётгандек гўё." деди. Каъб аёлининг қаршилигига қарамай келганларнинг олдига чиқди. Муҳаммад бин Маслама ўзидан ташқари яна икки киши, бошқа ривоятда уч киши билан келди дейилади. У уч киши, Абу Абс бин Жабр, Хорис бин Авс, Аббод бин Бишрлар эди.¹⁸²

Муҳаммад бин Маслама ҳазратлари дўстларига "Каъб келганида унинг сочини ҳидлайман деб бошини тутиб ҳидлайман. Каъбнинг бошини маҳкам тутганимни кўришларинг билан дарҳол қилич уринглар" деди. Каъб бин Ашраф чиройли кийимларини кийиб,

181 Ибн Саъд, "ат-Табақот", II, 33-34-б.

182 Ибн Саъд, "ат-Табақот", II, 32-б.

хушбўй ифорлар сепиб уларнинг олдига чиқди. Ибни Маслама “Умримда бундай хушбўй ҳид ҳидламаганман” деб Каъбнинг ёнига борди. Каъб “Арабларнинг энг хушбўй ҳидли аёллари менинг ёнимда” деб мақтанди. Муҳаммад бин Маслама “Бошингни ҳидлашга рухсат берасанми?” деб сўради. Каъб рухсат бергач, бошини ҳидлади. Бошини маҳкам тутгач, дўстларига ишора қилди. Икки қилич урилганида Каъб додлади, лекин ўлмади. Сўнгра Муҳаммад бин Маслама уни ханжари билан ўлдирди. Сўнгра улар зудлик билан у ерни тарк этиб, Мадинага келдилар. Каъбнинг ўлиmidан хабар топган пайғамбаримиз, Аллоҳу таолога ҳамд айтиб, мужоҳидларга дуо қилдилар.

Каъб бин Ашраф исмли кофирнинг ўлими, мусулмонларга душманлик қилиб юрган яҳудийларнинг юракларига ғулгула солиб кўйди. Чунки Каъбдек кўзга кўринган бақувват одамлари ўлдирилгандан кейин, қолганларни ўлдириш ҳеч гап эмасди. Шунинг учун Каъбнинг ўлими хабари тарқаган кечанинг тонгида яҳудийлар йиғилиб пайғамбаримизнинг хузури шарифларига келишди. Каъбнинг ўлими ҳодисасини айтиб, вазиятдан Унга шикоят қилдилар. Расули акрам жанобимиз эса: **“У, бизнинг тинчлигимизни бузишни ҳеч қанда қилмади. Ҳақимизда бўлмағур шеърлар ўқиди. Сизлардан бирон киши унинг қилганини такрорлашга уринса, билсинки, жазоси қиличдир”** деб марҳамат қилдилар. Яҳудийлар, кўрқанларидан Ул зот билан янги бир шартнома имзоладилар...¹⁸³

Баний Қайнуко ғазоси

Бир куни Қайнуко яҳудийлари бир мусулмон аёлни ўртага олиб масхара қилишмоқчи бўлди. Буни кўриб қолган саҳобийдан бири, дарҳол қилич яланғочлаб, яҳудийлардан бирини ўлдирди. Бунга жавобан яҳудийлар ёпирилиб, у саҳобийни шаҳид қилдилар. Ҳодисадан хабар топган муҳтарам пайғамбаримиз, уларни Қайнуко бозорига тўплаб: **“Эй яҳудий қавми! Аллоҳу таолонинг Қурайшга берган азобидай оғир азобга дучор бўлишдан кўрқинглар ва яхшиси тезда мусулмон бўлинглар. Менинг, Аллоҳу таоло тарафидан юборилган пайғамбар эканлигимни, ҳаммадан**

183 Бухорий, “Мағозий”, 15-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 182-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 31-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, LV, 271-б.

кўра сизлар яхшироқ биласизлар. Зеро пайғамбарлигимни ва Аллоху таолонинг сизларга бўлган аҳдини ҳам ўз муқаддас китобларингизда ўқигансиз..." дея марҳамат қилдилар.

Шундай шафқатли муомалага қарамасдан, ўзлари имзолаган шартномани бузган яхудийлар, оламларнинг султонига: "Эй Муҳаммад! Уруш нималигини билмайдиган бир қавмни мағлуб қилишинг сени алдамасин. Қасам ичамизки, биз жанговар кишилармиз. Сен биз билан тўқнашган пайтингда бизнинг қандай баҳодирлар эканимизга ишонч ҳосил қиласан!" деб гердайиб пўписа қилишди.

Шу қилиқлари билан шартномани бузиб, пайғамбарни очиқча урушга чақираётганларини маълум қилишди. Яхудийларнинг бундай ғирромлиги устига Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирдик маоли қуйидагича эди: "(Эй Ҳабибим!) **Агар** (сен билан) **аҳдлашган бирор қавмнинг хоинлигида** (аҳдномага қарши ҳаракат қилганлигида) **андиша қилсанг**, (уруш очишдан олдин) **ҳақ ва адолат билан аҳдларини бузганликларини тўғридан уларга айтгин. Чунки Аллоху таоло хоинларни ёқтирмайди**".¹⁸⁴

Бошқа бир ояти каримада маолан: "**Эй Расулим! У кофир бўлган яхудийларга айтгинки, "Сиз шубҳасиз мағлуб бўласиз ва барчангиз тўпланиб жаҳаннамга ташланасиз, у жаҳаннам эса, шундай ёмон қароргоҳдир"**¹⁸⁵ (Ол-и Имрон; 12) деб буюрилган.

Ҳабиби акрам жанобимиз дарҳол бир қўшин тузиб, Қайнуко яхудийлари жойлашган қалъага юриш қилдилар. Қўшиннинг оқ байроғини ҳазрати Ҳамза олиб юрадиган бўлди. Мадинада вакил бўлиб, Абу Лубоба қолдирилган эди.¹⁸⁶ Муборак қўшин Қайнуко қалъасини ўраб олди. "Биз зўр жанговар баҳодирлармиз" деган яхудийлар, қарши урушга чиқиш у ёқда турсин, қалъаларидан бирорта ўқ отишга ҳам жасорат қилолмадилар. Расулulloҳ алайҳиссалом, қалъага кириш ва чиқишни назоротга олишни буюрдилар. Оқибатда ҳеч ким ташқарига чиқа олмади. Қамал ўн беш кун давом этди.¹⁸⁷ Яхудийлар кўрққанларидан мусулмонларга таслим бўлди. Уруш қондалари бўйича душманнинг барчаси ўлдирилиши керак бўлишига қарамай, оламларга раҳмат сифатида

¹⁸⁴ Анфол сураси, 8/58.

¹⁸⁵ Оли Имрон сураси, 3/12.

¹⁸⁶ Ибн Саъд, "ат-Табақот", II, 29-б.

¹⁸⁷ Ибн Саъд, "ат-Табақот", II, 29-б.

юборилган севимли пайғамбаримиз, раҳм қилиб, Қайнуқо яҳудийларининг Шомга кўчиб кетишларига ижозат бердилар. Шу йўл билан улар Мадина ҳудудларидан батамом чиқариб юборилди.¹⁸⁸

Муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинада ҳам яҳудийлар билан, ҳам Абдуллоҳ бин Убай каби ўзини мусулмон кўрсатиб юрган мунофиқлар билан, ҳамда мушриклар билан тинимсиз мужодалада эдилар. Ана шундай сурункали курашлар билан бирга Мадина ташқарисидаги мушрик қабилаларини Исломга даъват қилиш орқали уларни мусулмон бўлиш шарафига эриштириш ишлари билан ҳам машғул эдилар. Севийк, Ғатафон, Қарда, Баҳрон... каби номлар билан аталадиган ғазоларнинг барчаси Бадр жангидан кейин бўлиб ўтган эди.

Ана шу ўтган вақт ичида закотнинг фарз бўлиши, садақа-и фитр берилиши, байрам намозларининг ўқилиши ва қурбонлик қилиш амрлари нозил бўлди. Расулulloҳ жанобимиз, Умму Гулсум исмли кизларини ҳазрати Усмонга турмушга бердилар. Зайнаб бинти Жаҳш ва ҳазрати Умарнинг қизи Ҳафсани ўз никоҳларига олдилар. Ҳазрати Алининг ўғли ҳазрати Ҳасан дунёга келди.

Уҳуд ғазоси

Маккалик мушриклар Бадр жангидаги мағлубиятларидан керакли хулоса чиқариб олмаганликлари етмагандай, аламларини ҳам унута олмай ўч олиш дардида эдилар. Қурайш ўзининг анча обрўли одамларини Бадрда йўқотганди. Айниқса, Шом тижорат йўлининг назорати мусулмонлар қўл остига ўтиши уларни жазавага туширганди.

Сўнгги марта Абу Суфён раҳномалигида Шомга бориб келган карвон юз фоиз фойда билан қайтганди. Сарможда улуши бўлганларнинг кўпчилиги Бадрда қирилиб кетганлиги учун карвон фойдаси, мушриклар мажлис ўтказадиган Дор-ун-Надва исмли жойда сақланаётган эди.

Саффон бин Умайя, Икрима бин Абий Жаҳл, Абдуллоҳ бин Рабаи каби ота, қардош, эр ва ўғилларидан Бадрда айрилиб қолганлар: “Мусулмонлар бизнинг улуғларимизни ўлдирди. Бизни эса, сарсону паришон қилди. Энди улардан интиқом олиш навбати бизга келди. Ўша карвондан тушган фойда билан бир қўшин ҳозирлайлик.

188 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 176-180-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 29-б.

Мадинага босиб кириб, ўчимизни олайлик” деган истаклар билан Абу Суфёнга маслаҳатга келдилар.

Абу Жаҳл, Утба, Шайба сингари кофирларнинг ашаддийлари ўлдириб юборилгани сабабли мушрикларнинг бошида раҳномалик қилиш, хануз мусулмон бўлмаган Абу Суфённинг қўлида эди. У ўзининг охириги Шом тижоратида эллик минги сармоя ва эллик минги фойда бўлиб, юз минг олтин қўлга киритишга муваффақ бўлганди. Сармоя эгаларига тарқатилиб, фойданинг яримига қурол, қолган ярмига аскар йиғишди. Урушга лозим бўлиши мумкин бўлган шоир ва хатиблар ҳам ёлланиб, уларга ҳам маълум миқдорда маблағ ажратилди. Бу шоир ва хатиблар ўзларининг ифодали сўзлари, шеърлару-марсиялари билан оммани ғалаёнга келтириб, уларни урушга ташвиқ қилишни бошлаб юборишди. Хотин-халаж ҳам четда қолмай, доира, дўмбира чалиб, шоирларга жўр бўлишарди. Мусулмонларни Мадинадан ҳайдаб чиқариш, сеvimли пайғамбаримизни қатл қилиш ва Исломиятни бутунлай йўқотишни ғоя қилган мушриклар, теvarак-атрофдаги қабилаларни ҳам аралаб, улардан ҳам аскар йиғиб олдилар.

Ниҳоят Маккада 3000 одамлик қўшин тўпланди. Уларнинг 700 нафари совутли, 200 нафари отлик аскарлар бўлиб, 3000та туялари ҳам бор эди. Созандалар билан хотинлар ҳам иштирок этган бу улкан қўшинга Абу Суфён кўмондонлик қилаётганди. Унинг хоними Ҳинд эса, аёлларни бошқариб, мушрикларни урушга ташвиқ этишда энг илғорлардан эди. Чунки бу мушрик Бадр жангида отасини ва иккита акасини йўқотганди. Бундай йўқотишнинг аламини унута олмай, аёлларнинг урушга қатнашишига қарши бўлганларга: “Бадр урушини эсдан чиқардингларми!? Ўшанда хотин ва бола-чақаларингни олдига келиш учун Бадрдан қочган эдинглар!.. Бу сафар яна қочмоқчи бўлганлар қиличларимизга рўпара бўлишади!..” деб, уларни мот қилиб ташларди. Мана шундай қурайшликларни номусига ва ғашига тегадиган гаплар айтиб, уларни мусулмонларга қарши тинмай гиж-гижлар, бор кучи билан маккани урушга ташвиқ қиларди.¹⁸⁹

Жубайр бин Мутъимнинг найза отишда жуда мерган ва мохир Ваҳший исмли бир қули бўларди. Бунинг отган найзаси нишонни айнан оларди. Ҳинд отаси Утбани, Жубайр эса, амакиси Туаймани Бадрда ўлдиргани учун ҳазрати Ҳамзадан ўч олиш ўтида ёниб қовруларди. Шунинг учун Жубайр, қули Ваҳшийга: “Агар урушда

¹⁸⁹ Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VI, 182-б.

Ҳамзани ўлдирсанг, сени озод қиламан” деб ваъда қилди. Ҳинд ҳам унга қўшимча қилиб: “Уни ўлдирсанг мен сени жуда қўп олтин ва жавоҳирларга қўмиб ташлайман” деб катта ваъдалар берди.¹⁹⁰

Қурайш мушриклари урушга керакли барча тайёргарлик ишларини тамомлаб, байроқларини кўтаришди. Уларнинг бирини Талҳо бин Аби Талҳога, иккинчисини Аҳобишдан бирига ва учинчисини Увайф ўғли Суфёнга бердилар.

Маккадаги ушбу тайёргарликларни, қурол ва аскар миқдорини кузатиб юрган ҳазрати Аббос, бу ҳақда бир мактуб ёзиб, ишончли бир кишидан Мадинага жўнатиб юборди.

Ҳазрати Аббоснинг мактуби жаноби пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қўлларига бориб етганидан кейин, дўстларини хузурларига чақириб, ҳазрати Аббоснинг хабари бўйича вазиятни яхшилаб тадқиқ қилишни вазифа этиб буюрдилар. Саҳобийлардан бир гуруҳ дарҳол Маккага отланди. Йўлдаёқ мушрик қўшинлари келаётганидан хабар топиб, уларни кузатишга киришдилар. Керакли маълумотларни тўплаб, тезда Мадинага қайтиб келишди. Уларнинг кўриб-кузатганлари билан мактубда ёзилган маълумотлар бир-биридан фарқ қилмасди.

Оламларнинг жаноби, бу текширувдан кейин дарҳол душманга қарши тайёргарлик ишларини бошлатиб юбордилар. Яна қўшимча тадбир сифатида, тўсатдан ҳужумга учрамаслик учун Мадинанинг атрофига навбатчи назоратчилар қўйишни тайинладилар. Асҳоби киром қисқа муддат ичида йиғилиб, тайёргарлик ишларини битиришди. Уйлари билан видолашиб, ҳалоллашиб, Султони анбиё жанобимизнинг атрофида тўпландилар.

Ўша куни жума эди. Жаноби пайғамбаримиз, йиғилган Асҳобига жума намозини ўқитдилар. Хутбада Аллоҳу таолонинг динини ёйиш учун жиҳод қилиш, Аллоҳ йўлида жангга чиқишнинг аҳамиятини тушунтирдилар. Бундай савобли ишларда қурбон бўлганлар, шаҳид бўлиб жаннатий бўлишлари ҳақида хушхабар бердилар. Расули акрам, Асҳоби кироми билан урушни қаерда қилишни маслаҳатлашиш ва ўтган кеча кўрган бир тушларини уларга сўзлаб бериш мақсадида, шундай марҳамат қилдилар: **“Тушимда мен мустаҳкам совутда эдим. Қиличим Зулфиқорнинг учиди кичик синиқ борлигини кўрдим, шу ерда битта бўғизланган**

¹⁹⁰ Бухорий, “Мағозий”, 23-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 69-б.; Суҳайлий, “Рағзул-унуф”, III, 253-б.

сигир ҳам ётарди. Унинг устига яна битта қўчқорни ҳам келтиришди." Асҳоби киром: "Ё Расулаллоҳ! Бу тушни қандай таъбир қилдингиз?" дея сўрадилар. У зот эса: "Яхши совут кийиш, бу Мадинага, яъни Мадинада қолишга ишоратдир. Шу ерда қолинглар... Қиличимдаги синиқ эса, қандайдир зарарга учрашимнинг аломатидир. Бўғизланган сигир эса, Асҳобимдан баъзиларининг шаҳид бўлишидан даракдир. Унинг орқасидан бир қўчқорнинг келтирилишига келсак, бу бир ҳарбий бирликка ишорат бўлиб, иншаллоҳ уларни жаноби Ҳақ йўқ қилади" дея марҳамат қилдилар.

Бошқа бир ривоятда эса: "Қиличимни ерга урдим, унинг учидан бироз синди. Бу келгуси жангда Асҳобимдан баъзиларининг шаҳид бўлишига ишоратдир. Қиличимни такрор ерга ургандим, унинг синган жойи эски ҳолига қайтиб, аслидек бўлди. Бу эса, Аллоҳу таолодан бизга бир фатҳ насиб бўлиб, мўминларнинг тўпланишидан бир далолатдир" дея марҳамат қилинади.

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўзларига ваҳий орқали билдирилмаган нарсалар хусусида, Асҳоби билан доим маслаҳатлашардилар ва шу маслаҳат давомида олинган қарорга кўра ҳаракат қилардилар. Шу сабабдан жанг ҳақида асҳоби билан маслаҳатлашаётганларида, улардан баъзилари: "Мадинада қолиб, ўзимизни ҳимоя қилиш йўлини тутайлик" деган фикрда бўлдилар. Бу таклиф Жаноби пайғамбаримизнинг фикрига ҳам анча уйғун эди. Ҳазрати Абу Бакр, Умар, Саъд бин Муъаз (родиаллоху анҳум) каби Асҳобнинг улуғлари ҳам пайғамбаримиз билан бирдай фикрда эдилар. Лекин Бадр жангига иштирок эта олмаган шижоатли ва ёш саҳобийлар, Бадрдаги саҳобийлар муяссар бўлган ажру савобларни, Бадр шаҳидлари эришган даражаларни эшитиб, ундан маҳрум қолганларидан ғамгин эдилар. Шу боис, бу сафар душманни Мадина ташқарисида кутиб олиб, юзма-юз тўқнашишни орзу қилишаётган эдилар. Ҳазрати Ҳамза, Нуъмон бин Молик, Саъд бин Убода ана шулар қаторидан эди. Ҳазрати Ҳайсама ижозат сўраб: "Ё Расулаллоҳ! Қурайш мушриклари, теварақдаги араб қабилаларидан аскар йиғди. Туя ва отларига миниб худудимизга бостириб келишмоқда. Агар биз уларни қалъа ичида кутиб олсак, бизни уй ва қалъамизда куршаб оладилар-да, ғолиб бўлиб кетадиларку? Бу ҳол, уларнинг жасоратларини ошириб, биз ҳақда

хоҳлаган кибрли гап айтишларига, шунинг натижасида устимизга янги-янги босқинлар уюштиришларига сабаб бўлади. Биз ҳозир уларнинг қаршисига кўкрак кериб чиқмасак, бошқа араб қабилалари ҳам жон ва молимизга кўз олайтира бошлайди. Аллоҳу таоло бизга мушриклар устидан зафар эҳсон қилади деган умиддаман.

Иккинчидан, ҳаммамиз орзу қилган давлат - бу шаҳидликдир. Бадрга иштирок этолмаганим мени шундай шарафдан маҳрум қилди. Ваҳоланки, мен буни жону дилдан хоҳлаган эдим. Бадр жангига ким борсин деб ўғлим билан қуръа ташлагандик. У мендан бахтли чиқиб, шаҳидлик мартабасига эришди. Ё Расулаллоҳ! Шаҳидлик энг катта армоним. Кеча тушимда ўғлимни чиройли суратда кўрдим. Ирмоқлар оқиб турган Жаннат боғчаларида айланиб юриб, менга "Жаннат аҳли орасига қўшилинг! Мен, Аллоҳу таоло ваъда қилган даражага эришдим" деди.

Ё Расулаллоҳ! Валлоҳи, эрталабдан буён, ўғлимга жаннатдаги дўсти бўлишни орзу қила бошладим. Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Раббим ҳузурига боришдан ўзга муродим қолмади.

Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Шаҳид бўлиб жаннатда ўғлимга дўст бўлиш билан шарафланишим учун Аллоҳу таолога дуо қилинг!..” дея узок гапирди. Расулаллоҳ унинг сўзларини ерда қолдирмадилар ва унинг шаҳид бўлишини тилаб дуо қилдилар.

Йиғилганларнинг кўпчилиги Ҳайсама билан бир фикрда эканлигини кўрган Жанобимиз, душманни Мадинадан ташқарида кутиб олишга қарор бердилар. Кейин Асҳобига: “(Эй Асҳобим!) **Сабр ва саботли бўлсангиз, бу сафар ҳам жаноби Ҳақ, сизга ёрдамини эҳсон этади. Бизнинг зиммамизга эса, азм ва ғайрат кўрсатиш қолади**” дея насиҳат қилдилар.

Аср намозини ҳам ўқиғач, коинотнинг султони саодатли ва муборак уйларига чиқдилар. Унинг орқасидан ҳазрати Абу Бакр ва Умар ҳам етиб бориб, ижозат билан саодатхоналарига киришди. Улар Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг салла ўраб, совут кийишларига ёрдам беришди. Жанобимиз эса, қиличларини тақиб, қалқонларни орқаларига осиб олдилар.

Шу пайтда ташқарида Асҳоби киром тўпланиб, муҳтарам пайғамбаримизни кутаётганди. Мадинада қолиб, мудофаа жанги қилиш тарафдорлари, бошқаларга: "Биласизми, Расулаллоҳ жанг борасида Мадинадан ташқарига чиқиш фикрида эмас эдилар. Лекин У сизларнинг қайта-қайта такрорлаган таклифингизга биноан майдон

жангига рози бўлдилар. Ваҳоланки, Расулulloҳ амрни Аллоҳу таолодан оладилар. Сизлар бу ишни Унга қўйиб беришларинг керак эди. Ҳали ҳам кеч эмас, У зотнинг қарорига итоат қилинглар. Ўз орзуларингиздан кечиб, У зотнинг хоҳишига бўйсунинглар. Нимани амр қилса, шуни бажаринглар" дея гапирдилар. Қалъа ташида жанг қилиш тарафдори бўлган саҳобалар Расулulloҳнинг қарор ўзгартиришларини қистаб қилган таклифларининг нотўғри бўлганини тушунишиб, пушаймон бўлдилар. "Расули акрамга муҳолифат қилган бўлиб қолмайлик" деган андиша билан олдинги фикрларидан воз кечишга қарор бердилар. Пайғамбаримиз саодатхоналаридан чиққанида, хузурларига яқинлашиб: "Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сиз қандай йўл тутсангиз, биз шунга розимиз. Мадинада туриб жанг қилишни ихтиёр қилган бўлсангиз, майли қолайлик. Биз сизнинг хоҳишингизга қарши чиқиб қолишдан Аллоҳу таолога сиғинамиз" дея узр сўрадилар. Ҳабиби акрам эса: **"Ҳеч бир пайғамбар, бир кийган совутини, жанг қилишдан ва Аллоҳ, у билан душмани орасида ҳукм чиқармасидан аввал ечмайди. Сизга насиҳатим шулки, амрларимни бажарсангиз, Аллоҳу таолонинг исмини хотирда тутиб, сабр ва сабот кўрсатадиган бўлсангиз, Аллоҳу таоло сизга ёрдам қилади..."** дея марҳамат қилдилар.

Расули акрам Асҳоби билан суҳбат қилаётганларида, кекса Амр бин Жамуҳ ҳазратлари жангга бормоқчи бўлиб, ўғиллари билан тортишаётган эди. У тўртта ўғлини йиғиб олиб, уларга: "Эй ўғилларим! Мени ҳам бу ғазога олиб боринглар" деб талаб қилди. Ўғиллари эса: "Отажон! Расулulloҳ, сизнинг бундай сафарга чиқишингизга ижозат бермадилар. Сизга жанг орқали жиҳод фарз эмас. Биз сизнинг ўрнингизга жанг қиламиз" дея оталарининг кўнгилини олишга уринарди. Бироқ ҳазрати Амр ўғилларини тинглашни истамай: "Хайф бўлсин, сенлардек авлодга! Бадр жангида ҳам шу сўзларни айтиб, жаннатий бўлишимдан мени маҳрум қилдинглар. Бу сафар ҳам шу бахтдан мени маҳрум қилмоқчимисанлар?.." деб хафа бўлди. Сўнгра пайғамбаримиз хузурига чиқиб: "Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ўғилларим ҳар хил баҳоналар айтиб, мени бу ғазодан маҳрум қилишга уринишяптит. Валлоҳи мен ҳам сизлар билан сафарга чиқиб, жаннатга кириш шарафига эришгим келади. Ё Расулаллоҳ! Сиз, менинг Аллоҳ йўлида жанг қилишимни ва бу жангда шаҳид

бўлиб, мана бу чўлоқ оёқларим билан Жаннатда юришимни муносиб кўрмайсизми?” деди. Унинг бу сўзларидан таъсирланган Фахри олам жанобимиз: **"Яхши, яхши, розиман"** дея марҳамат қилдилар. Бу ижозатдан ўзида йўқ севинган Амр бин Жамух хазратлари, тайёргарлигини кўриб, кўшин сафига қўшилди.¹⁹¹

Мадинада намозда имомлик қилиш вазифаси билан Абдуллох бин Умми Мактум қолдирилди.¹⁹²

Расулларнинг султони учта байроқ кўтартирди. Уларнинг бирини Ҳаббоб бин Мунзирга, иккинчисини Усайд бин Худайрга, учинчисини эса, Мусъаб бин Умайрга бердилар. Мусулмонларнинг минг нафарга яқин кўшинида ҳаммаси бўлиб иккитасида от, юз кишида совут бор эди, холос.¹⁹³

Совутларини кийиб олган Саъд бин Убода ва Саъд бин Муъаз хазратлари олдинда, ўнгда муҳожирлар, чапда Ансор сафлари тизилган ҳолатда йўлга равона бўлган пайғамбаримиз, жума куни асрдан кейин **"Аллоҳу акбар"** садолари остида байрамга чиқаётгандек Уҳудга қараб йўл олдилар.

Йўлда яхудийлардан ташкил топган олти юз кишилик бир аскар бирлиги учради. Улар мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллох бин Убай бин Салулнинг иттифоқчилари бўлиб, Ислому кўшинлари қаторида душманга қарши жанг қилиш истақларини билдиришди. Жаноби пайғамбаримиз: “Улар мусулмон бўлганми?” дея сўрадилар. “Йўқ, улар ҳали мусулмон бўлмаган, ё Расулаллох” дейишди. Жанобимиз эса: **"Уларга айтинглари. Изларига қайтишсин. Чунки биз мушрикларга қарши урушда кофирларнинг ёрдамини олмаймиз"** дея марҳамат этдилар.

Набий-и мухтарам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, ўз кўшинлари билан Мадина ва Уҳуд орасида жойлашган Шайхайн деб номланувчи бир жойга келиб етдилар. Бу ерда бир кеча кўнишни режалаштириб юк туширдилар. У пайтда ҳали куёш ботмаган эди. Аскарларга душман билан жанг қилишни ва шаҳидлик мартабасига эришишни истаган болалар ҳам эргашиб келаётгандилар. Дам олиш асносида кўшинни тафтишдан ўтказган севимли пайғамбаримиз, сафда ўн еттита ёш боланинг ҳам борлигини аниқладилар. Болаларнинг ичида Рафий бин Ҳадидж, оёқ учида туриб, ўзини

191 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 90-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 265-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 265-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 276-б.

192 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, IV, 209-б.

193 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 215, 240-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, LV, 267-б.

бошқалардан баланд кўрсатишга уринарди. Бунинг устига ҳазрати Зубайр: “Ё Расулаллоҳ! Рафий жуда мерган йигит” деб қўшимча қилиши оқибатида уни қўшинда қолдиришга ижозат берилди. Буни кўриб турган Самура бин Жундуб: “Мен курашда Рафийни йиқитаман. Шунинг учун мени ҳам ғазога қатнаштиринг” деб ялинди. Муҳтарам пайғамбаримиз табассум қилиб, иккаласини курашга туширдилар. Ҳақиқатан ҳазрати Самура, Рафийни йиқитиб қўйди. Шунинг учун уларнинг иккаласи ҳам мужоҳидлар сафида қолдирилди. Бошқа болаларга Мадинага қайтиб, у ердаги аҳолини химоя қилиш вазифаси топширилди.¹⁹⁴

Билол Ҳабаший ўзининг ширин овози билан шом ва хуфтон азонларини ўқиди. Пайғамбаримиз, намозларни ўқитганларидан сўнгра, Муҳаммад бин Масламани эллик кишилик гуруҳга бош қилиб, эрталабгача навбатда туришларини амр буюрдилар. Шундан сўнг, Асҳоби киром истироҳатга чекилдилар. Ўша кеча жаноби пайғамбаримизнинг ёнларида навбат тутиш шарафи ҳазрати Заквонга насиб бўлганди.

Бу орада душман қўшини Ислом лашкарларининг Шайхайдна дам олаётганидан хабар топиб, Икрима кўмондонлигида бир суворий бирлигини айғоқчилик учун вазифалантирди. Ҳануз мусулмон бўлмаган Икрима, ўз гуруҳи билан Ҳарра мавқесигача Ислом лашкарига яқин келган бўлса-да, мусулмон айғоқчиларидан кўрқиб, орқага чекинди.

Фажрдан кейин оламларнинг жаноби Асҳобини уйғотди ва Ухуд тоғига келдилар. Бу ерда икки қўшин бир-бирини кўриб туришарди. Билол Ҳабаший, руҳларни жўштириб, кўнгилларни эритадиган жўшқин, ширин овози билан бомдод азонини ўқиди. Мужоҳидлар қуролларини қўлларида ушлаган ҳолда, севимли пайғамбаримизнинг орқаларида намозларини ўқишиб, дуоларини қилдилар. Намоздан кейин коинотнинг султони енларига иккинчи совутни ҳам кийиб, муборак бошларига миғфарини (дубулғасини) ҳам кийиб олдилар.

Душман билан юзма-юз келган ана шундай қалтис вазиятда, мунофиқларнинг боши Абдуллоҳ бин Убай: “Нима, биз бу ерга ўзимизни ўлдиришга келдикми? Нега буни аввалроқ тушунмадик” деди-да, 300 кишига яқин мунофиқ издошини эргаштириб, Ислом

¹⁹⁴ *Ибн Ҳишом*, “ас-Сийра”, II, 66-б.; *Воқидий*, “ал-Мағозий”, I, 215-б.; *Табарий*, “Торих”, II, 191-б.; *Сухайлий*, “Равзул-унуф”, III, 246-б.; *Ибн Касийр*, “ас-Сийра”, III, 30-б.

лашкарини тарк этдию Мадинага қайтиб кетди.

Мунофиқларнинг шу хоинликларидан кейин сафда фақат қалбдан инонганлар, кўнгил бирлигида маҳкам турадиганлар, бор-будини бу йўлга тикканлар ва киприк қоқмай, шаҳодат рутбасига эришиш учун жонларини тикканларнинг сони етти юзга яқин бўлиб қолганди. Мунофиқлар Ислому лашкарини тарк этгач қолган мужоҳидларнинг барчаси, мухтарам пайғамбаримизни сўнгги томчи қонлари қолгунча ҳимоя қилишга аҳд қилишди.

Пайғамбарларнинг султони (саллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобаларини тартибга солиб, аниқ низомга риоя қилишларини амр буюрдилар.

Лашкарнинг орқаси Уҳуд тоғига тақаладиган ва олди Мадинага қаратилган ҳолда сафларга тизиб жойлаштирилди. Ўнг қанотга Уқоша бин Миҳсон, чап қанотга Абу Салама бин Абдуласад кўмондон этиб тайинланди. Саъд бин Аби Ваққос ва Абу Убайда бин Жарроҳ олдиндаги ўқчиларнинг бошидан жой олишди. Совутли аскарларнинг бошига Зубайр бин Аввом, олдиндаги совутсиз аскарларнинг бошига ҳазрати Ҳамза ўтадиган бўлди. Миқдод бин Амрга орқада қолаётган кучларнинг бошида бўлиш вазифаси юкланди.

Жойингизни тарк этманг!...

Ислому қўшинининг чап томонида Айнайн тепалиги бўлиб, ёнгинасида жанг майдонига ўтишга имкон берувчи тор йўлак бор эди. Расули ақрам ўша тепага йўлакни кўриқлаб туриш учун эллик кишилик ўқчилар гуруҳини қўйдилар-да, уларга Абдуллоҳ бин Жубайрни кўмондон этиб тайинладилар. Ўқчилар тепалик устига яхшилаб жойлашди. Пайғамбаримиз, уларнинг ёнига келиб, **“Сизлар бизнинг орқамиздан кўрувчилар бўласиз. Шу ерда турасизлар ва бу ердан буйруқсиз жилмайсизлар. Ҳатто душманни мағлуб қилганимизни кўрганларингда ҳам, сизга махсус амр келмагунча жойларингда қолаверасизлар. Душман бизни янчиб, ўлдираётганини кўрсангиз ҳам, бизга ёрдамга келмайсизлар. Душман суворийлари орқадан айланмоқчи бўлиб ўша тор йўлга йўналгудек бўлса, уларни ўққа тутиб, ўтказмайсиз. Чунки суворийлар ўқ ёмғирига бардош бера олмайди. Эй Аллоҳим! Бу кўрсатмаларни буларга**

тушунтирганимга сени гувоҳ тутаман!” деб қатъий амр қилдилар.

Муҳтарам пайғамбаримиз мазкур амрни бир неча марта такрорлаб: “**Жасадимизни қузғунлар еяётганини кўрсангиз ҳам, мен сизга одам юбормагунча, мутлақо жойингиздан жилмайсиз.**”¹⁹⁵ **Борди-ю биз, кофирларни кириб ташлаб, оёғимиз остида эзаётганимизни кўрсангиз ҳам, яна мен сизга хабар юбормагунимча асло жойингизни тарк этувчи бўлманг!..**” деб буюрдилар. Ана шундан кейингина уларнинг ёнларидан кетиб, асос қўшиннинг бошига ўтдилар.

Байроқдорлик Мусъаб бин Умайрга берилди. Ҳазрати Мусъаб қўлида байроғи билан Жаноби пайғамбаримизнинг олдидан ўрин олди.¹⁹⁶

Шу пайтда энди уйланган ҳазрати Ҳанзала, Мадинадан чиқиб, тезда Ухудга етиб келиб, мужоҳидлар сафига қўшилди.

Ухудга бундан уч кун аввал етиб келган мушриклар қўшинига Абу Суфён қўмондонлик қилаётганди. Улар жанг майдонида Мадина орқаларида қоладиганҳолатда тизилишди. Ўнг қанот суворийларига Халид бин Валид, чап қанотига Икрима қўмондонлик қилиши лозим эди. Саффон бин Умайянинг ҳам суворий бирликларига бош бўлганлиги ҳақида ривоятлар учрайди. Мушрикларнинг байроғини Талҳо бин Аби Талҳо олиб юарди.

Икки қўшиннинг кучи орасидаги тафовут жуда катта эди. Қурайш мушриклари қўшини, аскар сони, қурол ва ўк-дорилар миқдори жиҳатидан Ислом қўшинига нисбатан тўрт мартадан ҳам кўпроқ эди.

Қурайш мушрикларининг лашкари орасида ғазабдан ва ўчинтиқом хирсидан кўз косалари қонга тўлган хотинлар ноғорачилдирмалар етовида қўшиқлар айтиб, аскарларни урушга, жангга ташвиқ қилар, сиғинадиган бутларидан мадад сўраб бақиришарди.

Мужоҳидлар тарафида эса, дуолар қилинаётганди “Аллоху акбар! Аллоху акбар!..” дея такбирлар келтирилиб, дини исломни ҳимоялаш ва унинг ёйилиши йўлида Аллоху таолодан ёрдам сўралмоқда эди. Севимли пайғамбаримиз ҳам, қаҳрамон асҳобини жиҳодга, жаноби Ҳақ йўлида жанг қилишга ташвиқ қилиб, бу

¹⁹⁵ Бухорий, “Жиҳод”, 164-б.; “Мағозий”, 10, 20-б.; Абу Довуд, “Жиҳод”, 116-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 293-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 65-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 160, 220, 224-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, II, 47-б.; III, 476-б.; Табарий, “Торих”, II, 192-б.

¹⁹⁶ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 79-б.; Табарий, “Торих”, II, 199-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 258-б.

йўлда бериладиган савоблардан гапириб: “Эй Асхобим! Сон жихатидан оз кўшиннинг, ўзларидан кўп сонли бўлган душман билан жанг қилиши енгил кечмайди, албатта. Агар сони оз бўлганлар сабру-сабот кўрсатиб, ғайрат қилсалар, Аллоҳу таоло уларни фароғатга эриштиради. Чунки Аллоҳу таоло, Унга итоат қилганлар билан ҳамиша биргадир... Аллоҳу таоло сизларга ваъда қилган мукофотни олишга ғайрат қилинг...” деб марҳамат қилишда давом этардилар. Уҳуд ғазосига алоқадор ояти карималарда ҳам маолан: “(Эй мўминлар!) Аллоҳу таолога ва Расулига (амрларига) итоат қилсангиз, илоҳий марҳаматга муносиб бўласиз. Раббингиздан мағфират сўрашга ва Жаннатга киришга шошилинг. Бунинг учун ғайрат қилинг! Жаннат эса, кўклар билан ер куррасидан ҳам каттадир. Жаннат Аллоҳу таолодан кўрққанлар учун ҳозирланди. Булар (Аллоҳдан кўрққанлар), оз бўлса ҳам, кўп бўлса ҳам, молларини Аллоҳ йўлида сарфлайдилар. Аччиқларини билдирмайдилар. Ҳаммани афв этадилар. Аллоҳу таоло эҳсон қилганларни ёқтиради.”¹⁹⁷

“Ана уларнинг мукофотлари, Раббиларидан мағфират ва ирмоқлари ёқасида олтин дарахтлар кўкарган жаннатлардир. Улар бу ерда абадий қоладилар. Аллоҳу таолога ва Расулига итоат қилганларнинг мукофоти нақадар чиройли ва буюқдир!” деб марҳамат қилинган.¹⁹⁸

Кўнгиллари иймон билан тўлиб-тошган, кўзларида жасорат учқунлари чақнаган, шаҳид бўлиш орзусида ёниб турган Асхоби киром жойларида тинч туrolмай, бир он аввал душманга ташланишга бетоқатлик билан амр кутмокда эди. Бадр жангидагидек ҳазрати Али оқ, Зубайр бин Аввом сариқ, Абу Дужона қизил рангли саллаларини бошларига боғлаб олдилар. Ҳазрати Ҳамза эса, туя қуши қанотидан ясалган туғини тақиб олди.

Шундай қилиб, икки кўшин бир-бирига анчагина яқинлашди. Ҳаяжон ҳад сафҳага етганди. Хуллас, бир тарафда Аллоҳу таолонинг динини ёйиш учун энг яқинлари билан тўқнашишдан ҳам заррача тараддуд қилмаган Ислом мужоҳидлари, қарши тарафда ботил йўлни зиммаларига байроқ қилган бадбахт Ислом душманлари орасида катта жанг бошланиш арафасида турган эди.

197 Оли Имрон сураси, 3/132-134.

198 Оли Имрон сураси, 3/136.

Кўшинлар бир-бирига бир ўқ отим масофасича яқин келганда, душман сафидан совутли бири туясини илгари чиқариб, мужоҳидларни яккама-якка олишувга чақирди. Мужоҳидлар ундан чўчиётгандек туюлгани учун талабини уч марта такрорлади. Ўшанда Ислом лашкаридан узун бўйли, сарик саллали бир мужоҳид пиёда майдонга отилиб чиқди. Бу қаҳрамон жаноби пайғамбаримизнинг аммасининг ўғли Зубайр бин Аввом эди. Ислом лашкаридан “Аллоҳу акбар!..” садолари юксалиб, ҳазрати Зубайрнинг музаффар бўлиши учун дуолар қилина бошлади. Зубайр бин Аввом мушрик томон югуриб бориши билан туя устига ирғиб чиқиб олди-да, туя устида мудҳиш олишув бошланиб кетди. Шунда пайғамбаримизнинг: **“Уни ерга тушириб ол!”** деган буйруғи эшитилди. Ҳазрати Зубайр дарҳол амрга амал қилиб, рақибини туядан пастга итариб юбориб, орқасидан ўзи ҳам ирғиб тушдида, мушрикнинг бўйнига қилич солди. Мушрик кофирнинг дубулғали боши, совутли танасидан айрилди. Расулulloҳ Зубайр ҳазратлари ҳақиқага дуо қилдилар.

Мушикриклардан иккинчи бўлиб, уларнинг байроқдори Талҳо бин Аби Талҳо майдонга чиқиб: “Орангизда менинг қаршимга чиқадиغان бирор мард топиладими?” дея қичқирди. Бу кофирнинг қаршисига Аллоҳу таолонинг шери ҳазрати Али савлат солиб чиқди. Али бошидан оёғигача совутга ўралган мушрик байроқдорининг бошини бир қилич силташ билан жағигача ёрди. Бу ҳолни кузатиб турган севимли пайғамбаримиз: **“Аллоҳу акбар!.. Аллоҳу акбар!..”** деб такбир келтирдилар. Унга Асҳоби киром ҳам жўр бўлиб, такбир садолари еру-кўкни ингротиб юборди.¹⁹⁹

Мушрик байроғининг ерга тушганини кўриб турган Талҳонинг укаси Усмон бин Аби Талҳо майдонга югуриб чиқди ва байроқни ердан кўтариб олиб, жангга талабгор бўлди. Унинг қаршисига ҳазрати Ҳамза чиқди ва: “Ё Аллоҳ!” дея Усмоннинг елкасига шундай қилич туширдик, байроқ ушлаб турган кўли узилиб кетган мушрик ерга йиқилиб, ётган жойида қимирлашга ҳам улгурмай жон берди.²⁰⁰

Мушриклардан яна бири учинчи бўлиб майдонга юриб чиқди. Буниси, Абу Саъд бин Абу Талҳо исмли мушрик бўлиб, бошидан

¹⁹⁹ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 151-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 224, 308-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 40-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 239-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 318-б.

²⁰⁰ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 74-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 227-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 41-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 258-б.

оёғигача совутга ўралган эди. У ҳам аввал куфр байроғини ердан кўтариб, Ислом лашкарига қарата: “Мен Қусамнинг отасиман. Менинг рўпарамга ким чиқа олади, қани?” дея ўкира бошлади. Жаноби пайғамбаримиз, бу бакироқнинг қаршисига яна ҳазрати Алини чиқаришни муносиб кўрдилар. Ҳазрати Али бу мушрикни ҳам олдинчилари ёнига жўнатиб, байроқларини тупроққа белагач мужоҳидларнинг сафидан ўрин олди.

Кейин яна мушриклардан бир қанчаси майдонга чиқиб, байроқларини ердан кўтариб, яккама якка олишувга талабгор бўлишди. Лекин бу олишувларда ҳар сафар қаҳрамон саҳобийлар, Аллоҳу таолонинг ёрдами билан ғолиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бир байроқдори ўлдирилганида, Ислом лашкаридан кўкка такбир садолари кўтарилиб, душман сафларида тобора тушкунлик ва умидсизлик уйғотарди. Бундан жиғибийрони чиққан мушрик хотинлари ўз аскарларига: “Хайф бўлсин сендай сўтакларга!..” деган ҳақоратлар ёғдириб, “Нимани кутиб турибсизлар?..” деб уларни жангни бошлашга ундашарди.

Ҳар икки тараф жойларида бетоқатлик билан жангга киришни кутаётган бир паллада, сеvimли пайғамбаримизнинг қўлларида ушлаб турган ва устида, **“Кўрқоқликда хорлик, илгари ташланишда шараф-шон бор. Одамзот кўрқув билан тақдирдан қутила олмайди”** байти ёзилган қиличини кўрсатиб: **“Бу қилични мендан ким олади?”** деганлари эшитилди. Буни эшитган Асҳоби киромдан бир нечалари қилични олишга бирданига қўл чўздилар. Пайғамбаримиз эса, такрор: **“Бунинг ҳақини бериш шарти билан ким мендан олади?”** дея марҳамат қилгандилар, қўл чўзганларнинг бари қўлларини пастга тушириб жим бўлиб қолдилар. Уларнинг орасида қилични астойдил олишни истаган Зубайр бин Аввом: “Мен оламан, ё Расулаллоҳ!” деди. Пайғамбаримиз қилични ҳазрати Зубайрга бермадилар. Абу Бакр, Умар ва Алиларнинг қилични олишга бўлган хоҳишлари ҳам пайғамбаримиз томондан қабул қилинмади.

Охири, Абу Дужона: “Ё Расулаллоҳ! У қиличнинг ҳақи нимадан иборат?” деб сўрашга журъат қилди. Сеvimли пайғамбаримиз: **“Бунинг ҳақи, эгилиб-букилиб қолгунича уни душманга уришдир. Бунинг ҳақи, бу билан мусулмонни ўлдирмаслик бўлиб, бу қилич билан кофирларнинг олдидан қочмасликдир. Бу билан Аллоҳу таоло сенга зафар ёки шаҳидлик насиб**

қилгунча Аллоҳ йўлида жанг қилишдир” дея марҳамат қилдилар. Абу Дужона: “Ё Расулаллоҳ! Мен унинг ҳақини бажо келтириш шарти билан олишга тайёрман” деди. Пайғамбаримиз ҳам уни ноумид қилмай, қўлларидаги қилични унга тақдим қилдилар.²⁰¹ Абу Дужона жуда моҳир жангчи ва жасур қаҳрамон бўлишига қарамай, уруш майдонларида жуда айёрлик билан ҳаракат қилиб, **“Уруш, хийладан иборат”**²⁰² ҳадиси шарифига тўлиқ риоя қиларди. Абу Дужона ҳазратлари қилични қўлга олиб, виқор ва ғурур ила душман юрагига ғулғула солгудек ҳайбат билан байтлар ўқиб, жанг майдонига равона бўлди. Унинг эғнида бир қўйлаги, бошида қизил салласидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди.

Абу Дужонанинг уруш майдонига қараб бундай юриши, Асҳоби киром томонидан унчалик яхши қабул қилинмади. Бу ҳақда жаноби пайғамбаримиз: **“Бу шундай бир юришдирки, бу жойлардан (уруш майдонларидан) ўзга ерларда Аллоҳу таолонинг ғазабига сабаб бўлади”** дея марҳамат қилиб, фақатгина душманга қарши савлат ва ғурур билан юриш жоиз эканлигини таъкидладилар.

Сабрсизланган мушрик сафларидан Холид бин Валид амридаги кучлар, ҳужумга киришиб кетдилар. Жангни бетоқат кутаётган Асҳоби киромга ҳам севимли пайғамбаримиз олға амрини бердилар. Бир онда уруш майдонини “Аллоҳу акбар” садолари тўлдириб юборди. Шундай қилиб, энг олдинда совутлари ҳам йўқ, фақат қиличлар билан қуролланган аскарлар қўмондони бўлган ҳазрати Ҳамза, уларга қарши келган душманга беаёв қилич сола бошлади. Бу эса, жуда катта хирс билан олдинга интилган Холид бин Валид йигитларини бирданига орқага чекинишга мажбур қилди. Холид бин Валид энди бошқа тактикага кўчиб, тоғ чеккасидаги тор ўтиш жойидан айланиб ўтиб, Ислом лашкарини орқадан қуршаб олишни мўлжаллаб, Айнайн тепаси томон от чоптириб кетди. Бироқ у ерда ҳам ҳазрати Абдуллоҳ бин Жубайр бошлиқ элликта ўқчининг аёвсиз ўқ ёмғири оқибатида яна ортга чекинишга мажбур бўлди.

Уруш қизгин тус олганди. Ҳар икки тараф бор қувватларини уруш майдонига сурган эди. Тахминан битта саҳобий тўртта мушрикка қарши жанг қилиб, уларнинг устидан ғолиб келмоқда

²⁰¹ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 123-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 66-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 259-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VII, 562-б.; VIII, 491-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XIX, 9-б.

²⁰² Бухорий, “Жиҳод”, 157-б.; Муслим “Жиҳод”, 29-б.; Абу Довуд, “Жиҳод”, 101-б.; Термизий, “Жиҳод”, 5-б.; Ибни Можжа, “Жиҳод”, 28-б.

эди. Ҳазрати Ҳамза шерлардек олишиб, гоҳ: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” такбирини такрорласа, гоҳ: “Мени таниб қўйинг, мен Аллоҳу таолонинг шериман” деган шиорлар билан душманини ер тишлатиб, устларидан бирин-кетин ғолиб келмокда эди. Сафвон бин Умайя атрофидагилардан: “Ҳамза қаерда? Менга уни кўрсатинглар”, деб жанг майдони бўйлаб ҳазрати Ҳамзани тинмай ахтарарди. Бирдан иккита қилич билан жанг қилаётган мардни кўриб қолиб, ёнидагилардан: “Бундай олишаётган ким” деб сўради. Атрофидагилар: “Сен излаб юрган Ҳамза шу бўлади” дедилар. Сафвон ўзича, “Мен шу кунгача ўз қавми билан бундай жанг қилган одамни учратмагандим” деб қўйди.

Жанг борган сайин қизиб бораётган паллада мужоҳидлардан Зубайр бин Аввом қиличнинг унга берилмаганидан кўнгли ғаш бўлиб, ўзига-ўзи: “Расулulloҳдан қилични мен сўрагандим. Аммо уни Абу Дужонага бердилар. Ваҳоланки мен Унинг аммаси Софиянинг ўгли бўламан. Устига-устак қурайшликман. Қилични биринчи бўлиб сўраган ҳам мен эдим. Қани, кўрамиз Абу Дужона мендан ортиқча нималар қиларкин?” деди. Шу сабабли қўли жангда бўлса-да битта кўзи доим Абу Дужонада турди. Абу Дужона ҳазратлари эса: “Аллоҳу акбар” такбирини оғзидан туширмай, мушриклардан кимга дуч келса, уни ер тишлатаётганди. Шундай қизғин жанг кетаётган пайтда мушрикларнинг энг ашаддийларидан, йирик жуссали, бутун танаси совут билан қопланган, кўзидан бошқа жойи кўринмайдиган бири ҳазрати Абу Дужонага тўғри келиб қолди. Бахтга қарши бу мушрик аввалроқ ҳаракат қилиб, Абу Дужонага қилич солиб қолди. Ҳазрати Абу Дужона кофирнинг зарбасидан қалқони ёрдамида ҳимояланди. Мушрикнинг қиличи Абу Дужонанинг қалқонига қадалиб, чиқмай қолди. Уни чиқариб олишга қанча уринмасин, уддасидан чиқа олмади. Навбат Абу Дужонага келганди, мушрикни бир қилич уриш билан ишини ҳал қилди.

Хуллас, Абу Дужона олдидан чиққан ҳар бир иймонсизни пайҳонлаб, мушрик аскарини чилдирма-ю ноғоралари билан қизиштириб турган тоғ этагидаги бир гала мушрик хотинларининг ёнигача бориб қолди. Хотинларга қарата қиличини кўтарди-ю, лекин рўпарасига чиққан Абу Суфённинг хотини Ҳиндни ўлдиришдан негадир ўзини тийиб қолди.²⁰³ Буни кузатиб турган

203 *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 68-б.; Суҳайлий, “Равзул-улуф”, III, 247-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 33-б.*

Зубайр бин Аввом ўз-ўзига: “Қиличнинг кимга берилишини Аллох ва Унинг Расули мендан яхшироқ билади-ку” деб шивирлади. Кейинроқ “Валлоҳи мен ундан ҳам усталик билан олишиб, жанг қилган бошқа бирини кўрмадим” деди.

Миқдод бин Асвад, Зубайр бин Аввом, ҳазрати Али, ҳазрати Умар, Талҳо бин Убайдуллоҳ, Мусъаб бин Умайрнинг ҳар бири мушриклар билан худди арслонлардек олишарди. Икки жаҳон сарвари пайғамбаримизнинг душман қуршовига жуда яқин жойда туриб курашаётганларини кўрган Асҳоб, жуда ташвиш қиларди. Шу боис Расулulloҳга бирор зарар келмасин дея, тез-тез Унинг атрофида тўпланишар, совутларга ўралган душманга кўз очтирмай ҳужум қилиб, пайғамбаримизнинг ёнларидан чекинишга мажбур қилишга уринишарди. Ҳаммаёқни ҳавода визиллаётган ва бир-бирига беаёв урилайётган қилич садолари тутиб кетганди. Шу пайтда Абдуллоҳ бин Амр ҳазратларининг шаҳидлик хабари бутун Ислом аскарлари орасида зудлик билан ёйилди. Бу зот мусулмонлар сафидан Уҳудда берилган биринчи шаҳид эди. Унинг шаҳид бўлганини кўрган дўстлари шижоат билан Аллоҳ ризоси учун душман сафларини ёриб, илгариларга бошладилар.

Жанг бадтар қизганди. Шундай пайтда мардлик тимсолига айланган ҳазрати Абдуллоҳ бин Жаҳш билан мерганларнинг пири номини олган Саъд бин Аби Ваққос ҳазратлари бир-бирларига дуч келиб қолдилар. Иккаласи ҳам бир неча жойидан яраланган эди. Ўша кунги воқеани хотирлаб, Саъд бин Абий Ваққос ҳазратлари қуйидагича ҳикоя қилган: “Уҳудда кетаётган жангнинг шиддатли дақиқалари эди. Тўсатдан ёнимда Абдуллоҳ бин Жаҳш пайдо бўлди, қўлимдан ушлаб, мени бир қоянинг этагига тортди. “Маълумки жанг пайтида қилинган дуо мақбулдир. Кел, сен шу ерда бир дуо қилгин, мен “омин” дейман. Мен ҳам дуо қиламан, сен “омин” дейсан” деди. Мен унга “Майли” дедим-да “Аллоҳим менга душманларнинг энг бақувватини, энг ёмони ва энг ўжарини дучор қилгин. Уларга қарши жон жаҳдим билан олишайин. Оқибатда барчасини ўлдирайин. Ҳозир бўлиб уйимга қайтайин” деб дуо қилдим. У менинг бу дуомга бутун қалби билан “Омин” деди.

Мендан кейин у дуо қила бошлади: “Аллоҳим менга энг қийин, энг енгилмас душманларнинг дучор қилгин. Мен улар билан жанг қилайин. Жиходнинг ҳақини берайин. Душманларнинг ҳаммасини ўлдирайин. Бироқ уларнинг бири мени шаҳид этсин-да, майли дудокларим, бурним ва қулоқларимни кессинлар. Шаҳодатқонига

беланган ҳолда Сенинг хузурингга борайин. Сен мендан, “Эй Абдуллоҳ! Дудок, бурун ва қулоқларингни нима қилдинг?” деб сўраганингда, “Аллоҳим, мен улар билан жуда кўп хатоларга йўл кўйдим. Уларни ўз ўрнида ишлата олмадим. Улар билан хузурингга келишга уялдим. Севимли пайғамбарим қатнашган бир жангда чангу-тупрокка беландим ва шу ҳолатда хузурингга келдим” деб айтигин” деди. Кўнглим бундай бир дуога “омин” дейишга рози бўлмади. Лекин у буни жуда хоҳлаётгани ва дуодан аввал сўз берганим учун ноилож “Омин” дедим.

Бундан кейин яна қиличларимизни олиб, жангга киришиб кетдик. Иккаламиз ҳам олдимиздан чиққан душманни ер тишлатиб борардик. У ниҳоятда баҳодирона ҳужум қиларди, тинмасдан душман сафларини қайта тикланмайдиган қилиб янчиб борарди. Душман эса, тўрт томондан унга қайта-қайта ёпирилиб келарди. У шаҳид бўлиш илинжида уларга шердай ташланарди. “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!...” нидолари остида важоҳат билан олишаётганида тўсатдан қиличи синиб қолди. Шу онда севимли пайғамбаримиз унга хурмо шохчасини тутқазиб, жангни давом эттиришини марҳамат қилдилар. Шохча эса, мўъжиза билан қиличга айланди ва шохча билан кимни кишини урса, у ўлаверди. Бу мўъжиза қилич билан жуда кўп душманнинг жонини жаҳаннамга йўллади. Жангнинг охирига томон Абул-Ҳакам исмидаги бир мушрик отган ўқлар билан орзу қилган шаҳодатга эришди. Шаҳид бўлганини кўрган аламзада кофирлар унинг жасадига ёпирилиб, дудок, бурун ва қулоқларини кесиб, уни қонга белаб ташлашди.”

Мужоҳидлар сафида қиличининг қинини синдириб ташлаб, “Ўлим, қочишдан афзал” дея яланғоч қилич билан мушриклар орасига шўнғиб кетган Қузман мардлик ва қаҳрамонликлар кўрсатди. Унинг якка ўзи етти-саккизта кофирни ўлдирди. Охири яраланиб йиқилди. Асҳоби киром унинг бу қаҳрамонлигига ҳайрон қолиб, у ҳақда жаноби пайғамбаримизга айтганларида, “У жаҳаннам аҳлидандир” дея марҳамат қилдилар. Қатода бин Нумон ҳазратлари, йиқилиб ётган Қузманнинг ёнига бориб: “Эй Қузман! Шаҳидлик сенга муборак бўлсин!” деганди, Қузман хириллаб ётиб: “Мен дин учун эмас, балки қурайшликлар Мадинага келиб, менинг хурмо боғларимни поймол қилмасликлари учун уларга қарши жанг қилдим” дея жавоб қилди. Кейин билак томирларини кесиб юбориб ўзининг ўлимини тезлаштирди. Шу билан унга нисбатан Расулуллоҳнинг, “У жаҳаннам аҳлидандир” деган гапларининг сири маълум бўлди.

Жанг бошланганидан бери, мухтарам пайғамбаримиз раҳномалигидаги Асҳоби киром жон жаҳдлари билан олишиб, душманга қақшатқич зарбалар беришганди. Бутун маҳоратларини ишга солиб, сон жиҳатидан бир неча баробар кўп бўлган мушрик кўшинининг тинкасини қурутиб улгуришганди. Сафларини бузиб, орқага чекинишга мажбур қилишганди. Тош-тахталардан Лот, Узза, Хубал деган худолар ясаб, уларга сиғиниб, улардан мадад кутган мушриклар галаси мужоҳидларнинг мардонавор қаҳрамонлиги қаршисида тору мор бўлиб, тум-турақай қоча бошлаганди. Уларни жангга ташвиқ қиламиз деб эргашиб келган аёллар қочаётган эрларини кўриб дод-фиғон кўтариб, ортларидан етиб олиш учун жон ҳавлида йўрғалашга тушганди.

Қурайш мушриклари ўзлари билан олиб келган бор-будларини ташлаб, Маккага қараб қочишни бошлаганда, Ислом лашкари хурсандчиликка фарқ бўлиб, яратганнинг ваъда қилган зафарига эришганлари учун Аллоҳу таолога тинимсиз ҳамд қилишни бошлаб юборган эди. Мушрик галалари, сон ва қурол жиҳатидан рақибларидан бир неча баравар устун бўлишларига қарамай, бир ҳовуч мусулмон кўшини олдида катта талофатга учраганди. Олди-орқасига қарамай, бир-бирларини босиб-янчиб қочишаркан, шонли Асҳоб ҳам уларни изига тушган, етиб олганларини бир-бир қиличдан ўтказишарди. Шунақа қоч-қоч вазиятида янгигина уйланиб, ёш келинни уйида қолдириб келган Ҳанзала бин Амир ҳазратлари, от устида қочиш ҳаракатига киришган мушрикларнинг бош кўмондони Абу Суфёнга етиб олди. Отининг оёқларига қилич солиб йиқитди. Отдан йиқилган Абу Суфён эса, жон-жаҳди билан: “Эй қурайшликлар!.. Дод, ёрдам беринг!.. Мен Абу Суфёнман! Ҳанзала мени ўлдирмоқчи!..” деб фарёд қила бошлади. Бироқ ўз жонларининг дардида бўлган мушриклар, кўмондонларининг бу фарёдини эътиборсиз қолдириб, қочишда давом этдилар. Лекин ҳазрати Ҳанзаланинг шундайгина орқасида Шаддод бин Асвад исмли мушрик турарди. Бу ярамас, ҳазрати Ҳанзалага орқадан найза санчди. Ҳазрати Ҳанзала “Аллоҳу акбар” дея орқасига бир ҳамла қилишга уринган бўлса-да, уддалай олмай ерга йиқилди. Шаҳид бўлиб, муборақ руҳи жаннатга учди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Малоиканинг осмон билан ер орасида кумушдан ясалган маҳсус жойда Ҳанзалани ёмғир сувида ювишаётганларини кўрдим”** дея марҳамат қилгандилар. Бу воқеани Абу Усайдий қуйидагича ҳикоя қилганлар:

“Расулulloхдан бу сўзларни эшитиб, Ҳанзаланинг жасади олдига бордим. Унинг бошидан сув томчилаб турарди. Қайтиб келиб, Расули ақрамга хабар қилдим. Пайғамбар алайҳиссалом, ҳазрати Ҳанзалани “**Ғосийл-ул-малоика**”²⁰⁴ деб атадилар.”²⁰⁵

Мушрикларнинг қочаётганини кўрган Айнайн тепасидаги ўкчиларнинг баъзилари уруш тугади деб, ўз жойларини ташлаб пастликка тушиб кетдилар. Тепада фақат уларни тўхтатишга уринган мерганлар кўмондони Абдуллоҳ бин Жубайр билан ўн икки мерган қолган эди.

Ҳазрати Алининг қаҳрамонлиги

Ўша пайтда пистирмада пайт пойлаб турган мушрик ўкчиларининг бошчиси Холид бин Валид, тепаликда мужоҳидларнинг камайиб қолганини кўриб, қўл остидаги суворийларни шу томонга бошлади. Холидга Иқрима бин Абий Жаҳл ҳам қўшилди. Улар бир зумда тепалик ёнидаги йўлак бошида пайдо бўлдилар. Ҳазрати Абдуллоҳ бин Жубайр ва ёнидаги вафодор, содиқ дўстлари дарҳол саф ҳолда тизилишиб, ўқлари тугагунча душман устидан ўк ёғдирдилар. Кейин қиличларини яланғочлаб, яккама-якка жангга киришдилар. “Аллоҳу ақбар! Аллоҳу ақбар!” наъралари остида қанча қаҳрамонликлар кўрсатишди. Лекин иймонлилар билан иймонсизлар орасида сон жиҳатидан бирга йигирма беш қадар фарқ бор эди. Шонли Асҳоби киром, пайғамбаримизнинг буйруқларини бажариш учун қонларининг охириги томчисигача олишдилар. Бирин-кетин шаҳидлик шарбатини ичиб, муборак вужудлари тупроққа тушиб, рухлари жаннатга учди (родиаллоҳу анҳум).

Мушриклар ғараз ва адоватлари туфайли, ҳазрати Абдуллоҳнинг кийимини ечиб, муборак жасадини найзалари билан илма-тешик қилишди. Қорнини ёриб, ичак-чавоқларини чиқариб ташлашди.

Холид бин Валид ва Иқрима тепалик ёнидаги йўлакни ҳимоялаб турган мужоҳидларни шаҳид қилгач, шитоб билан Ислом лашкарининг орқа тарафидан ҳужумга ўтишди. Асҳоби киром тўсатдан орқаларида пайдо бўлган душманни кўриб, йиғиштирила олмай, саросимага тушиб қолди. Чунки кўпчилиги аллақачон қурол-аслаҳаларини ташлаб қўйишганди. Вазият бирданига

204 Фаршталар ювган одам.

205 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 74-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 273-274-б.; Табарий, “Торих”, II, 203-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 258-б.

ўзгарди. Олдинда қочиб кетаётган Қурайш мушриклари, Холид бин Валиднинг мусулмонларга орқадан ҳужум қилганини кўриб, қочишдан тўхтаб, ортга қайтишди. Мусулмонлар кутилмаганда икки ўт орасида қолган эди. Мушриклар ҳам олд, ҳам орқа жабҳадан ҳужум қилиб, мусулмонларни қисиб кела бошлади. Саҳобалар кичик-кичик гуруҳлар ҳолида бир-бирларидан ажраб қолиб, тарқалишга мажбур бўлишди.²⁰⁶

Ҳазрати Али ўша ҳолатни шундай хотирлагандилар: “Ораларида Икрима бин Абий Жаҳл ҳам бўлган бир гуруҳ мушрикнинг ўртасига ўзимни ташладим. Атрофимни қуршаб олдилар. Уларнинг кўпчилигини қиличдан ўтказдим. Кейин яна бир гуруҳни орасига ўзимни урдим. Улардан ҳам кўпчилигини ер тишлатдим. Ажалим етмагани учун менга ҳеч нарса қила олишмади. Шундай жанг қила туриб, бир маҳал Расулulloҳни кўздан йўқотдим. Ўз-ўзимга “Қасам ичаманки, У зот жанг майдонини ташлаб кетадиган киши эмаслар. Ҳар ҳолда Аллоҳу таоло бизнинг номуносиб ҳаракатларимиз сабабли Уни орамиздан олиб кетган бўлса керак! Демак мен учун жанг қилиб ўлишдан бошқа йўл қолмабди” дедим ва қиличимнинг қинини бурдалаб ташладим. Бир гала мушрик устига ҳужум қилиб, уларни тум-тарақай қочираётганимда, Расулulloҳнинг улар орасида қолганини кўриб қолдим. Англадимки, Расулulloҳни Аллоҳу таоло фаришталари орқали ҳимоя қиларди.”

Душман аскарлари, Расул-и ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг ёнларигача яқинлашиб келганди. Вазият жуда хавфли тус олганди. Муҳтарам пайғамбаримиз битта ўзлари душманга қарши худди ҳарбий гуруҳдек сабот кўрсатиб, жойларидан ярим қадам ҳам чекинмай жанг қилардилар. Бир томондан анчагина тарқалиб кетган Асҳобини тўплашга ҳаракат қилиб: **“Эй фалончи, мен томон кел! Эй фалонча, бу ёққа, мени ёнимга кел! Мен Расулulloҳман! Мен сари юзланиб келганга жаннат бор”** деб буюрардилар. Ҳазрати Абу Бакр, Абдурраҳмон бин Авф, Талҳо бин Убайдуллоҳ, Али бин Абий Толиб, Зубайр бин Аввом, Абу Дужона, Абу Убайда бин Жарроҳ, Саъд бин Муъаз, Саъд бин Абий Ваққос, Ҳаббоб бин Мунзир, Усайд бин Ҳудайр, Саҳл бин Ҳаниф, Осим бин Собит, Хорис бин Симма каби асҳобнинг машҳурлари бир зумда сеvimли пайғамбаримизнинг атрофида ҳалқа бўлиб, Уни ҳимоя қилиш учун жонли деворга айландилар.

²⁰⁶ Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 232, 301-б.

Шунда Аббос бин Убайда ҳазратлари тарқалиб кетган Асҳоб-и киромни жамлаш учун “Эй қардошларим! Шу бошимизга келган мусибат, пайғамбаримизнинг амрларини бажо келтирмаслигимиз оқибатидир. Тарқалманглар! Пайғамбаримиз атрофида жипс-лашинглар! Борди-ю, биз Уни ҳимоя этувчилар сафида бўлмай, Расулulloҳга бирон бир зарар етса, Раббимиз олдида ўзимизни оқлаш учун ҳеч қандай узр қолмайди” деб бақиргани эшитилди. Ҳазрати Аббос бин Убода ёнига Хорижа бин Зайд ва Авс бин Аркомни олиб, қалқонсиз битта қилич билан душманнинг ўртасига “Аллоҳу акбар!” садолари остида ташланди. Расулulloҳ учун, Уни кўриқлаш учун қаҳрамонларча олишдилар. Хорижа бин Зайд ўн тўққиз жойидан яраланганди. Бошқаларининг жароҳатлари ҳам уникидан кам эмасди. Охир-оқибат учаласи ҳам ўзлари талпинган шаҳодат мартабасига эришдилар.

Вазият жуда кескин ва хавфли бўлишига қарамасдан, Асҳоб-и киром жаноби пайғамбаримизнинг атрофида тўпланиб, саф торта бошладилар. Мушриклар эса, сеvimли пайғамбаримизни ва Унга кўксини қалқон қилган шонли Асҳобини ўраб олди. Душман чамбарининг ҳар тарафидан гуруҳ-гуруҳ мушрик олдинга сапчиб, қуршов доирасини тобора қисиб келарди. Қурайшлик бир гуруҳнинг олдинга отилганини кўрган оламларнинг сарвари ёнларида жонларни Унга фидо қилишга шай турган Асҳобига: **“Мана бу гуруҳга ким пешвоз чиқади?”** деганларида, Ваҳб бин Кобус ҳазратлари: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Уларни мен қаршилайман” деб олдинга отилиб чиқди. Аллоҳу таолонинг шарафли исмини тилидан туширмайдиган бу қаҳрамон, қиличини яланғочлаб мушриклар ичига отилди. Жаноби пайғамбаримиз: **“Сенга жаннатни муждалайман”** деб марҳамат қилдилар. Унинг душманга қарши кўрсатаётган сабот ва ғайратини кўриб: **“Аллоҳим! Уни раҳм қилгин!”** дедилар.

Мушриклар жуда кўпчилик бўлганидан ҳазрати Ваҳбни ўртага олиб, найзалар билан шаҳид қилди. Бунга кўрган Саъд бин Абий Ваққос, унга ёрдам қилиш ниятида олдинга отилиб, душман орасига кирди. Мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатиб, кўпгина душманни ер тишлатди. Қолганларини эса, чекинишга мажбур қилди. Қайтиб келиб, сеvimли пайғамбаримиз ёнларида сафдан ўрин олди. Расул-и акрам, ҳазрати Ваҳбга: **“Мен сендан розиман. Аллоҳу таоло ҳам рози бўлсин”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳабиб-и ақрам жанобимиз, атрофидаги мужоҳидлар куршовини ёриб, Унга томон келаётган бир мушрик гуруҳини кўриб, ҳазрати Алига: **“Уларга ҳужум қилгин!”** деб буюрдилар. Ҳазрати Али дарҳол ҳужумга ўтиб, улардан Амр бин Абдуллоҳни ўлдириб, қолганларини қочирди. Қиличи синганида, пайғамбаримиз Зулфиқорни унга бердилар. Душмандан яна бир гуруҳ олдинга отилди. Пайғамбаримиз: **“Ё Али! Уларни мендан даф қилгин”** деб буюрдилар. Жонини Расулуллоҳга фидо қилган Аллоҳу таолонинг арслони дарҳол душманга ҳамла қилиб, Шайба бин Моликни ўлдирди. Қолганлари қочиб қолдилар. Ўша заҳоти Жаброил алайҳиссалом келиб, жаноби пайғамбаримизга: **“Ё Расулаллоҳ! Бу иш, Алидан содир бўлган фавқулодда бир жавонмардликдир”** деганди, Расулуллоҳ: **“У мендан, мен ҳам унданман”** дея марҳамат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом эса: **“Мен эса ҳар иккингизданман”** деди. Ўша аснода ғойибдан: **“Алидек ботир, Зулфиқордек қилич бўлмайди”** деган овоз эшитилди.

Мушриклар пайғамбаримизга яқин келолмасликларига амин бўлгач, камондан ўқ ота бошладилар. Отилган ўқлар гоҳ устларидан, гоҳ чап ё ўнгларидадан ўтиб кетарди. Душман ҳамласини ортга улоқтириб ташлаш учун жон-жаҳди билан жанг қилаётган Асҳоби киром, бу ҳолни кўрар-кўрмас, оламларнинг сарвари атрофига тўпланиб, Унга отилаётган ўқларга муборак вужудларини қалқон қилдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз саҳобаларига душманга ўқ билан қаршилиқ кўрсатишни амр қилгач, улар ҳам мушрикларга ўқ ёғдира бошлади. Расулуллоҳ, Саъд бин Абий Ваққос ҳазратларини ўз олдларига ўтирғизиб қўйдилар. Уста мерганлардан бўлган ҳазрати Саъд душманга қарата тинмай ўқ ёғдира бошлади. Ўқдонидан ҳар сафар янги ўқ олганида: **“Ё Рабби! Бу ўқ сенинг ўқингдир. У билан душманни йикит!”** дерди, жаноби пайғамбаримиз ҳам: **“Аллоҳим! Саъднинг дуосини қабул айла! Аллоҳим! Саъднинг ўқини душманга қада!.. Давом эт, Саъд! Давом эт! Ота-онам сенга фидо бўлсин!”** дея марҳамат қилардилар. Шу тарзда ҳар бир ўқ отишда пайғамбаримиз айни дуоларни такрорлардилар.

Ҳазрати Саъднинг ўқи тугаб қолганида пайғамбаримиз ўз ўқларини ҳам унга бериб оттирдилар. Саъд бин Аби Ваққос отган ўқларнинг ҳар бири душман аскарининг бирортасига ёки улар минган уловга аниқ тегарди.

Ҳазрати Абу Талха эса, мушриклар отаётган ўқлардан севимли

пайғамбаримизни ҳимоя қилиш учун олдинга чиқиб, уларга вужуди ва қалқони билан тўсиқ бўлиб, душманни қўрқитадиган наъралар отди. Жаноби пайғамбаримиз ҳазрати Талҳанинг овозига: **“Лашкар ичида Абу Талҳанинг овози юз кишидан ҳам хайрлидир”** деб марҳамат қилгандилар. Абу Талҳа ҳам фурсатни бой бермасдан мушрикларга ўқ узишни қанда қилмасди. Нишонни жуда тўғри ва аниқ оларди, у отган ўқларнинг биронтаси ҳам бекорга кетмаётганди. У ҳар ўқ отганда Расулulloҳ нишонга теккан-тегмаганини билиш учун бошларини кўтарганларида, Абу Талҳа бирон дайди ўқ тегиб кетишидан қўрқиб: **“Ота-онам ва жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Муборак бошингизни юқори кўтарманг. Сизга душманнинг ўқи зарар бермасин! Вужудим муборак вужудингизга қалқон ва жоним сизга фидодир! Душман мени бўғизламасдан сизга яқинлаша олмай! Мен ўлмагунимча сизга бирор шикаст етмайди!..”** дея севимли пайғамбаримизни ўз жони билан ҳимоя қиларди.

Ҳазрати Ҳамзанинг шаҳодати

Уҳуд майдонининг ҳамма тарафида беомон ва даҳшатли тўқнашув бор шиддати билан давом этарди. Баъзилари отлик, баъзилари пиёда ҳолатда иймон-куфр жангини авж олдиришарди. Асҳоби киром ҳали-ҳануз йиғиштирилиб, тартибли саф туза олмаган эди. Жаноби пайғамбаримизнинг атрофларида ўттизга яқин саҳобагина парвонадек айланарди, келаётган душман ўқларига, найзаларига, қиличларига ўз вужудларини қалқон қилишарди. Уларнинг яккаю-ягона орзулари, севимли пайғамбаримизнинг амрларини бажо келтириш ва Унга келиши мумкин бўлган ҳар қандай зарарни узоқлаштиришдан иборат эди. Ботирларнинг сардори ҳазрати Ҳамза, ўша машмашада жаноби пайғамбаримиздан ажралиб қолганди ва тумонат душманнинг ичида икки қўлида икки қилич билан шердек олишарди, **“Аллоҳу акбар!..”** нидолари билан душман қалбига қўрқинч солаётганди. Ҳозиргача якка ўзи ўттиз бир мушрикни ўлдириб, қанчаларини қўлидан ёки оёғидан жудо қилиб улгурганди. Мушрикларнинг бир қатта тўдаси ўртасига тушиб қолган ҳазрати Ҳамза, уларни тум-тарақай этганида Сибоб бин Умму Анмор номли мушрик: **“Менга бас келадиган мард борми?”** дея ҳазрати Ҳамзани майдонга чақирди. Ҳазрати Ҳамза

эса: “Яқинроқ кел, эй суннатчи хотиннинг ўгли! Сен ҳали, Аллоҳга ва Унинг Расулига қарши майдонга чиқадиған бўлдингми?” деб кўз очиб юмгунча унинг оёғидан кўтариб, ерга урди²⁰⁷ ва унинг устига миниб, калласини танасидан сапчадек узганида, рўпарасидаги қоя орқасида қўлидаги найзаси билан уни нишонга олиб турған Ваҳшийни кўриб қолди. Дарҳол унга томон югурганди, селдан ҳосил бўлған чуқурга сирпаниб кетиб, орқаси билан йиқилди. Ўша онда совети қийшайиб, қорнида бироз жойи очилиб қолди. Фурсат пойлаб турған Ваҳший, айни ўша онда найзасини отди... Кофирнинг найзаси нишонга тўғри келганди. Машъум найза ҳазрати Ҳамзанинг муборак баданини тешиб ўтганди. Қаҳрамонларнинг буюғи зарбанинг зўридан: “Аллоҳим!” деб, энди туриб келаётган жойида букчайиб қолди. У шаҳид бўлиб, ўзи орзиқиб кутган мақомига эришганди. У Аллоҳу таолонинг йўлида, сеvimли пайғамбари учун жонини фидо қилганди (родиаллоҳу анх).

Шу орада, душман сафлари ичидан бириси: “Эй Қурайш! Қариндошлик ҳақларига риоя қилмаған, қавмимизни бўлинишга олиб келған Муҳаммад билан олишишдан қайтманглар. Агар Муҳаммад кутуладиган бўлса, мен кутулмайин!..” деб мушрикларни коинотнинг сарварига (саллаллоҳу алайҳи васаллам) тинмасдан ҳужум қилишга ташвиқ қиларди. Ўқираётган бу овоз, мушрик Осим бин Абий Авфга тегишли эди. Абу Дужона ҳазратлари ҳам бу овозни эшитди. Жанг майдонида қаршисидаги ва орқасидаги душманлар билан олиша-олиша Осим бин Абий Авфнинг олдиға етди ва уни дарҳол ўлдирди. Лекин орқасида турған мушрик Маъбаддан беҳабар қолди. У кофир, ҳазрати Абу Дужонаға орқасидан бор кучи билан қилич урди. Аммо ҳазрати Абу Дужонаға Аллоҳу таоло эҳсони насиб бўлиб, оний ва жуда тез ҳаркат билан энқайиб қолиб, кофир қиличининг даҳшатли зарбасидан омон қолди. Дарҳол кофирга ҳамла қилиб, Маъбадни жаҳаннамға жўнатди.

Қурайшлик кофирларнинг асосий мақсадлари оламларнинг сарварини қатл этиш эди, албатта. Шунинг учун улар, Унга яқин бориш учун бор кучларини ишга солаётган эди. Лекин қанча уринишмасин, Унга бирор зарар етмасин деган хавотирда атрофида парвона бўлған, жонларини фидо қилишдан заррача чекинмаған шонли, шарафли Асҳоб ҳалқасидан ўта олмаётган эди.

²⁰⁷ Бухорий, “Мағозий”, 23-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 501-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 164-б.; Табарий, “Торих”, II, 516-б.

Шу қахрамон ўттиз кишидан иборат баҳодирлар, “Ё Расулаллоҳ! Ёнингиздан зиғирча айрилмаслик аҳди ила душман ўқи олдида юзларимиз муборак юзингизга қалқон, вужудимиз муборак вужудингизга фидодур! Сиз саломатда бўлинг, бас.”- дедилар. Мушриклар эса, тўда-тўда бўлиб, хужум қилишда давом этарди. Фахр-и олам сарваримиз, атрофида Унга қалқон бўлиб турган қахрамон Асҳобига душманнинг бир тўдасини кўрсатиб: **“Аллоҳу таоло йўлида бизга ким вужудини фидо қилади”** дея марҳамат қилдилар. Мадиналик бешта саҳобий дарров майдонга отилиб чиқди. Пайғамбаримизнинг кўз олдларида такбирлар олиб, душман билан чир айланиб олишдилар. Уларнинг тўртгиси шаҳид бўлди. Бешинчиси эса, ўн тўрт жойидан яраланиб йиқилганида, оламларнинг сарвари: **“Уни менинг ёнимга яқинлаштиринг”** деб буюрдилар. Бутун аъзойи баданидан қон оқарди. Севимли пайғамбаримиз ўтириб, муборак оёқларини ярадор қахрамоннинг бошига ёстиқ қилдилар. Ана шундай ҳолда шаҳид бўлиш шарафига эришган бахтли саҳоба Умора бин Язийд ҳазратлари эди.

Талҳа бин Убайдуллоҳнинг қахрамонлиги

Мушриклар янада яқинлашиб қолгандилар. Шундай бир вазиятда, пайғамбаримиз: **“Мана буларни ким қайтариб ташлайди?”** дея сўроқ марҳамат этдилар. Талҳа бин Убайдуллоҳ ҳазратлари **“Мен! Ё Расулаллоҳ!”** деб илгари чиқиб, душманга отилмоқчи бўлдилар. Жаноби пайғамбаримиз: **“Сенингдек яна ким бор?”** дея буюрдилар. Мадиналик саҳобийлардан бири: **“Ё Расулаллоҳ! Мен”** дея изн сўради. Муҳтарам пайғамбаримиз унга: **“Майли, қани сен уларни олдига чиққин”** деганларида олдинга отилиб, мушрикларга ҳамла қилди. Беқиёс қахрамонликлар кўрсатди. Бир қанча иймонсизни ер тишлатди ва оқибат ўзи ҳам шаҳодат шарбатини ичди.²⁰⁸

Расул-и ақрам жанобимиз тақрор: **“Буларга қарши ким ўзини тўсиқ қилади?”** дедилар. Бу сафар ҳам ҳаммадан илгари яна Талҳа ҳазратлари олдинга чиқди. Бироқ тақрор: **“Яна сендек ким бор?”** дея марҳамат қилгандилар, Ансордан бир муборак зот: **“Уларни мен қарши оламан, ё Расулаллоҳ”** деб изн сўради. Севимли пайғамбаримиз у кишига **“Қани сен уларни кутиб олгин”** деб

208 Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, IV, 203-б.

марҳамат қилишлари билан бу зот мушриклар устига ўкдек отилди. Мушрикларга беомон зарбалар бериб, анчасини жаҳаннамга йўллади. Ўзи ҳам шаҳид бўлди. Шу атрофда бўлган саҳобалар ҳам мардларча олишиб, бирин-кетин шаҳидлик мартабасига эришиб, Коинот Султони ёнларида Талҳа бин Убайдуллоҳдан ўзга мусулмон қолмаган эди.

Ҳазрати Талҳа, Расулуллоҳга бирон зарар келиб қолмасин деган хавотирда, тўрт томондан ёғилаётган ёвнинг ҳамласини қайтаришга ғайрат қиларди. Кофирлар билан жон-жаҳди билан олишарди, унинг бунчалик маҳорат билан қилич ўйнатиши, бир вақтнинг ўзида Расулуллоҳнинг ҳар тарафидан қилинаётган душман зарбасига қарши якка туриб бериши, ўк, найза ва қилич зарбаларига вужудини қалқон қилиши, тенги йўк, мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Ҳазрати Талҳа пайғамбаримизни ҳимоялаш дардида атрофларида парвонадек айланар, ўзига урилаётган қилич зарбаларига парво ҳам қилмасди. Унинг ягона истаги, Коинотнинг султонини ҳимоя қилиш ва шу йўлда лозим бўлса, бошқа биродарларидек шаҳид бўлиш эди. Баданида яраланмаган жойи қолмаганди, кийими батамом қонга бўялганди. Лекин у бунга қарамасдан ҳали ҳам тўрт томонга бирданига улгуриб турарди. Шу аснода анча узоқлашиб кетган ҳазрати Абу Бакр ва Саъд бин Абий Ваққос олиша-олиша Расули акрам ҳазратларининг ёнига қайтдилар.

Паҳлавон ҳазрати Талҳа жуда кўп қон йўқотганлиги сабабли шу пайтда ерга йиқилиб ҳушидан кетди. Унинг бутун бадани, қилич, найза ва ўк зарбалари натижасида илма-тешик бўлиб кетганди. Баданида олтмиш олтита катта ва ҳисобсиз турли хил кичик-кичик жароҳатлар борлиги кўрилган эди. Севимли пайғамбаримиз, Абу Бакрга дарҳол ҳазрати Талҳага ёрдамга боришни буюрдилар. Абу Бакри Сиддик, ҳазрати Талҳани ҳушига келтириш учун унинг муборак юзига сув сепди. Талҳа бин Убайдуллоҳ ҳазратлари эса ҳушига келар-келмас: “Ё Або Бакр! Расулуллоҳ қаерда, У нима қилаяпти?” деган сўзлари билан Расули акрам жанобимизга бўлган чексиз муҳаббатини намоён қилди. Расули акрамни севиш, жонини Унинг муборак вужудига фидо қилиш шунчалик бўларди. Ҳазрати Абу Бакр: “Расулуллоҳ бардамлар. Мени ёнингга У зот юбордилар” деган эди, ҳазрати Талҳа эркин нафас олиб: “Аллоҳу таолога ададсиз шукрлар бўлсин. У зот соғу-саломат бўлсалар, бошқа ҳар қандай мусибат ҳеч нарса эмас” деди. Бу орада яна бир неча саҳобий етиб келдилар.

Оламлар жаноби Муҳаммад Мустафо (саллаллоху алайҳи васаллам) ўзлари ҳазрати Талҳанинг олдига ташриф буюрдилар. Бутун бадани қилич ва найзалар зарбидан илма-тешик бўлган мужоҳид, Расулуллоҳни соғу-саломат кўриб, севинганидан кўзларига ёш олди. Жаноби пайғамбаримиз, унинг вужудини силадилар ва кафтларини очиб: **“Аллоҳим! Унга шифо бер, қувват эҳсон айла”** дея дуо қилдилар. Ўшанда пайғамбаримизнинг дуоסי қабул бўлиб, мўъжиза рўй берди. Ҳазрати Талҳа соппа-соғ ўрнидан турди ва душманга қарши яна жангга киришиб кетди. Муҳтарам пайғамбаримиз у ҳақда: **“Уҳуд қуни, ер юзида менинг ўнгимда Жаброилдан, чапимда Талҳа бин Убайдуллоҳдан ўзга менга яқинроқ турган бирор киши қолмаганини кўрдим.”**²⁰⁹ , **“Ер юзида жаннатлик одамни кўришни хоҳлаганлар, Талҳа бин Убайдуллоҳнинг юзига боқсин”** дея марҳамат қилдилар.

Бутун жанг майдони бўйлаб олишув бор шиддати билан давом этарди. Жаноби пайғамбаримизнинг атрофларида эса, Абу Дужона, байроқдор Мусъаб бин Умайр, Талҳа бин Убайдуллоҳ ва Расулуллоҳни ҳимоялаш ниятида орқа сафлардан югуриб келган Насиба хоним билан бир неча саҳобийлар ҳам бор эди. Барчаси Расулуллоҳнинг ёнларида мушрикларга қарши омонсиз жанг қилишарди. Тишидан тирноғигача совутга ўралиб, қуролланиб олган дубулғали ашаддий кофир Абдуллоҳ бин Хунайд, пайғамбаримизни кўриб қолиб, отини қамчилади. У бор кучи билан: **“Мен Зухайрнинг ўғлиман. Менга Муҳаммадни кўрсатинглар. Ё мен Уни ўлдираман ёки Унинг олдида ўзим ўламан”** дея бўкира бошлади. Отини жаноби пайғамбаримиз томон ҳаракат қилдирганида, Абу Дужона ҳазратлари дарров йўлига чикди-да: **“Қани кел, кўрамиз нима қиларкансан! Мен ўз баданим билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак вужудини кўриқлаётганларданман. Мени янчиб ташламагунча Унга яқинлаштираман!”** деди. Бир ҳамла билан отининг оёқларига қилич уриб, ўзини ерга йикитди ва қиличини ҳавода айлантириб: **“Ол, бу сенга Ҳарашанинг ўғлидан совға”** дея бир уришда ер тишлатди. Ҳодисани кузатиб турган Оламларнинг жаноби: **“Аллоҳим! Ҳарашанинг ўғлидан (Абу Дужонадан) мен қандай рози бўлсам, сен ҳам шундай рози бўл”** деб дуо қилдилар.

Мушриклар орасида Молик бин Зубайр исмли жуда мерган бири бўлиб, у жанг майдони бўйлаб, жаноби пайғамбаримизни

209 Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 426-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, IX, 52-б.

излаб юарди ва пайт пойлаб, ўлдиришни кўзларди. Ул ноинсоф ниҳоят Расулulloҳнинг яқинида пайдо бўлиб қолди ва муборак бошларини нишонга олиб, ёйдан ўқ узди. Кўз очиб-юмишга ҳам вақт қолмаганди. Буни сезиб қолган ҳазрати Талҳа яшин тезлигида ўққа кўлини тўсди. Ўқ ҳазрати Талҳанинг кафтига қадалиб, кўлини парчалаб юборди. Бармоқларининг барча томирлари кесилди, суяклари синиб кетди. Содир бўлган ҳодисани Фахри олам кўриб тургандилар. Расулulloҳ жанобимиз: **“Агар (мени ҳимоялаш ниятида кўлингни ўққа қарши кўтараётганинда) Бисмиллоҳ деганинда эди, одамларнинг кўз олдида малоика сени осмонга кўтарган бўларди”** дея марҳамат қилдилар.²¹⁰

Маккалик кофирлардан Абдуллоҳ бин Қамиа, Убай бин Ҳалаф, Утба бин Абий Ваққос ва Абдуллоҳ бин Шихоб-и Зухрий исмли тўртта мушрик Расул-и акрам жанобимизни ўлдиришга аҳдлашиб, қасам ичишганди. Мана шундай кийин вақтда Расулulloҳ ёнларида атиги бир нечагина саҳобий бўлишига қарамай душман билан тенгма-тенг олишардилар. Пайғамбаримизнинг олдларида байроқдор Мусъаб бин Умайр ҳазратлари қилич яланғочлаб, урушарди. У айниқса совет кийиб олганида, ташқи кўринишидан пайғамбаримизга жуда ўхшаб кетарди. Ўнг қўлида Ислом байроғини кўтарган ҳолда мушриклар билан шиддатли олишувга киришганди. Ана шундай бир вақтда советга ўралган Ибн-и Қамиа от устида у ерга яқинлашиб қолди. Овозининг борича бақириб: “Менга Муҳаммадни кўрсатинглар! У қутуладиган бўлса, мен қутулмайин!” деб бақириб, жаноби пайғамбаримизга қарата отини қамчилади. Ҳазрати Мусъаб ва Насиба хоним унинг йўлини тўсиб, пайғамбаримизга вужудларини қалқон қилиб, кофир билан олиша бошладилар. Кофирга қанчалик қилич урсалар ҳам советининг қалинлигидан унга ҳеч таъсир қилмасди. Лекин кофирнинг бир қилич зарбаси Насиба хонимнинг елкасини мажруҳ қилди. Сўнгра, кофир ҳазрати Мусъабнинг байроқ ушлаган ўнг қўлига қилич урди. Ўнг қўлидан ажралган ҳазрати Мусъаб бин Умайр, ўз жонидан қимматли билган муборак Ислом байроғини ерга туширмасдан чап қўлига олди. Шундай аҳволда ҳам **“Муҳаммад (алайҳиссалом) Расулдир. Ундан аввал ҳам расуллар келгандилар”** маолидаги²¹¹

²¹⁰ Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 254-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 217-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 220-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 416-б.

²¹¹ Оли Имрон сураси, 3/144.

ояти каримасини ўқирди. Кофир Ибн-и Қамиа бу сафар ҳазрати Мусъабнинг чап қўлига қилич солди. Энди чап қўли ҳам кесилиб қолган шонли байроқдор Ислом байроғини ерга туширмасликка ҳаракат қиларди. Қаҳрамон саҳобий чўлоқ қўллари билан байроқни кўкрагига бостириб тутиб турди. Энди кофир, унинг гавдасига найза урди. Ана шундагина у сафдошлари сингари йиқилиб шаҳид бўлди ва унинг муборак руҳи жаннатга учди.

Ҳазрати Мусъаб ерга йиқилаётганида, шонли Ислом байроғи ерга тушмаганди, уни Мусъаб қиёфасига кирган бир фаришта ушлаб қолган эди. Муҳтарам пайғамбаримиз **“Олға Мусъаб! Олға!”** дея марҳамат қилганларида, “Мен Мусъаб эмасман” деди. Ана шунда Коинотнинг султони унинг малоикадан эканлигини англаб, байроқни ҳазрати Алига бердилар.²¹²

Ибн-и Қамиа эса, ҳазрати Мусъабни пайғамбаримиз деб ўйлагани учун мушриклар ёнига қайтиб: “Муҳаммадни ўлдирдим” деб бақира бошлади. Бу сўзларни эшитган мушриклар, мақсадларига эришиш лаззатидан янада қутура бошладилар. Ҳодисанинг асладан беҳабар бўлган Асҳоб-и киромнинг ҳам қўли-оёғи бўшашиб, умидсизлик ва қайғуга ғарқ бўлишди. Орага мотам ҳавоси оралагандай бўлиб қолганди. Ҳатто ҳазрати Умарнинг қўллари бўшашиб, нима қиларини билмай, дўстлари билан ерга чўкиб қолганди. Анас бин Надр уларни бу ҳолда кўриб: “Нега бундай ўтирибсизлар” деб сўради. Улар эса: “Расулуллоҳ шаҳид этилибдилар!..” деб ғамгин жавоб қилдилар. Ҳазрати Анас эса, “Расулуллоҳ шаҳид қилинган бўлса, Унинг Рабби (Аллоҳу таоло) боқий-ку!.. Расулуллоҳдан кейин биз соғ қолиб нима ҳам қилардик! Қани ўринларингдан турунлар! Пайғамбаримиз жанг қилиб, муборак жонларни фидо қилган иш учун биз ҳам жонимизни фидо қилайлик” деди ва қиличини кинидан суғуриб: “Аллоҳу акбар!..” садолари остида қиличини ялтиратиб, душман ичига ўзини отди. Кофирлардан бир қанчасини кириб ташлади ва ўзи ҳам шаҳид бўлди. У шарафли қаҳрамоннинг фақатгина юзида етмишта жароҳат бор эди. Танасида шунчалар кўп жароҳатлари бор эдики, уни туғишган опасидан бошқа киши таний олмаган эди.

Жанг майдони бўйлаб Асҳоб-и киром анча пароканда бўлган

212 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 73-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 300-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 42-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 255-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, III, 258-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 39-б.

ва бир қисми қахрамонларча шаҳид бўлганди. Уларнинг шу заиф ҳолатидан фойдаланган мушриклар, Расул-и ақрам жанобимизни ўраб олишганди, Тош отиб, қилич уриб, икки жаҳон султонини (алайҳиссалом) шаҳид қилишга бор кучларини солишаётган эди. Лекин пайғамбаримизнинг эгниларида икки қават совут бўлгани туфайли душманнинг зарбалари таъсир қилмасди. Утба бин Абий Ваққос тарафидан отилган тош, сеvimли пайғамбаримизнинг муборак юзларига тегиб, пастки лабларини яралади. Пастки тишларидан ўнг рабойя, яъни ўнг тараф ўткир тишлари синди. Шу орада Ибн-и Қамиа исми мушрик ҳам етиб келиб, имкон туғилиши билан Оламларнинг сарвари бошларига қилич туширди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг дубулғаси парчаланиб кетди. Унинг икки ҳалқаси муборак чаккаларига ботди. Кофир Ибн-и Қамиа такрор қилич силтади, бу дафъа унинг зарбаси пайғамбаримизнинг муборак елкаларини яралади ва Расулуллоҳ мусулмонларни қулатиш учун Абу Омир қазган чуқурга ён томонлари билан йиқилиб тушдилар. Пайғамбаримиз ўшанда кофир Ибн-и Қамиага: **“Аллоҳу таоло сени залил ва паришон этсин”** дея дуо қилдилар. Ибн-и Қамиа эса, яна бир марта: “Муҳаммадни ўлдирдим! Муҳаммадни ўлдирдим!..” деб бақирганча Абу Суфённинг олдига чопди. Мушриклар ниятларига эришганди. Улар ҳақиқатан Расулуллоҳнинг ўлдирилганига ишонишган ва пайғамбаримиз йиқилиб тушган чуқур атрофидан узоқлашиб, атрофда олишаётган саҳобаларни битталаб қиличдан ўтказиш пайига тушишганди.²¹³

Расул-и ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, чуқурга тушганларида муборак ёноқлари қонаётганди. Муборак қўлларини юзларига олиб борганларида қўл ва соқоли шарифларининг қонга беланганини кўрдилар. Бир томчи ҳам ерга тушмасидан Жаброил алайҳиссалом етиб келиб, қонни артиб олди-да: “Ё Ҳабибаллоҳ! Аллоҳу таоло ҳаққи, агар бу қондан бир томчи ерга тушса, ерда то қиёматгача ўт битмайди” деди. Фахр-и олам жанобимиз эса: **“Агар мендан бир томчи қон ерга тушадиган бўлса, кўкдан азоб нозил бўлади. Ё Раббий! Қавмимни афв айлагин! Чунки улар, қилаётган ишларининг моҳиятини билмайдилар”** дея марҳамат қилиб, жонларига қасд қилган, муборак баданларига қилич уриб, муборак тишларини синдирган ва муборак юзларини қонга белаган

²¹³ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 79-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, III, 263-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 45-б.

ганимларининг ҳидоятини тилаб дуо қилдилар.

Шу дамда Каъб бин Молик ҳазратларининг: “Эй мусулмонлар! Хушхабар! Расулуллоҳ мана бу ердалар!...” деган овози жаранглади. Уни эшитган шонли Асҳоб, янгидан ҳаёт топгандай севинч билан ўша томонга чопишди. Биринчи бўлиб ҳазрати Али ва Талҳа бин Убайдуллоҳ етиб келиб, дарҳол Расулуллоҳни чуқурдан чиқариб олдилар. Ҳазрати Абу Убайда бин Жарроҳ эса, муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак чаккаларига ботган дубулға ҳалқаларини тишлари билан тортиб чиқарди. Бу темир парчаларини чиқаришда Абу Убайданинг иккита олдинги тиши ҳам юлиниб чиқди. Асҳоб-и киромдан Молик бин Синон ҳазратлари, Расулуллоҳ жанобимизнинг юзидан оққан қонларни ялаб ютди. Жаноби пайғамбаримиз эса: **“Қоним қонига аралашган кишига жаҳаннам оташи тегмайди”** деб марҳамат қилдилар.

Мушриклар, такрор уларга ёпирила бошлади. Бироқ Расулуллоҳ алайҳиссаломга қайта қовушиш бахтига эришган Асҳоб-и киром, дарров Расулуллоҳнинг атрофларида ҳалқа бўлиб, у ерга бирорта мушрикнинг бош сукишига имкон бермадилар. Пайғамбаримизга энди ҳеч нарса қила олмасликларига кўзлари етган мушриклар, тоғ сари чиқа бошлади. Икки жаҳон султони ёнларида бўлган Саъд бин Абий Ваққос ҳазратларига қараб: **“Уларни орқага қайтар”** деб буюрдилар. Ҳазрати Саъд эса “Ё Расулаллоҳ! Менинг кўлимда биттагина ўқим бор. Бу билан уларни қандай қилиб орқага қайтараман?” деб сўрагани, Расулуллоҳ буйруғини такрорладилар. Шундан кейин мерганларнинг пири Саъд бин Абий Ваққос ҳазратлари, ўқдонидан ўқини олиб, душманга қарата отди. Нишонга айнан етган ўқ, битта мушрикни ер тишлатди. Ўқдонига кўлини беихтиёр узатган ҳазрати Саъд, ўқдонда яна бир ўқ борлигини кўрди. Бу ўққа бироз диққат билан қарагани, унинг ҳозиргина душманга узган ўқнинг айнан ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилди. Шундай қилиб, янги ўқдан яна бир мушрик бу дунё билан хайрлашди. Бу ҳол бир неча марта такрорланди. Аслида ҳазрати Саъд бин Абий Ваққос, севимли пайғамбаримизнинг яна бир мўъжизасининг гувоҳи бўлганди. Охири одамларининг биринкетин ер тишлаётганини кўрган мушриклар, тоққа чиқишдан воз кечиб, пастга тушиб, ортга чекинди.

Мушрикларнинг ичидан Убайй бин Ҳалаф дегани отини жаноби пайғамбаримиз томон суриб: “Қаерда у пайғамбарлик даво

қилаётган кимса? Қани олдимга чиқсин-да, мен билан беллашсин!” деб бақира бошлади. Асҳоби киромдан кўплари унга қарши чиқишни истаган бўлсалар-да, севимли пайғамбаримиз уларга ижозат бермадилар. Расулуллоҳ Хорис бин Симма ҳазратларининг найзасини муборак қўлларига олдилар-да, кофирга қарши Ўзлари майдонга чиқдилар. Тишидан тирноғигача қуролланиб, совутга ўралган кофир Убайй отини қамчилаб: “Эй Мухаммад! Сен омон қолсанг, мен омон қолмай!” деб яқинлаша бошлади. Оламларнинг сарвари, қўлларидаги найзани Убаййнинг бўйнига қарата отдилар. Найза учиб бориб, совут ва дубулғанинг орасидан кофирнинг нақ бўйнига санчилди. Мушрик Убайй ҳўкиздеқ бўқириб, отидан ерга ағнаб тушди. Қовурға суяқлари синиб кетди. Мушриклар уни ўрнидан турғазиб олиб кетдилар. Йўлда: “Мухаммад мени ўлдирди!..” дея бақира-бақира ўлди.

Энди Расулуллоҳ, атрофидаги Асҳоби билан бирга Уҳуд қояликларига чиқа бошладилар. Қояларга яқинлашиб, янада юқори чиқишга уриндилар, аммо эгниларида икки қават совут бўлганлиги, жуда ҳолдан тойганлиги ва муборак танасига етмишдан ортиқ қилич урилгани учун бунинг уддасидан чиқиш қийин бўлди. Шунда ҳазрати Талҳа, Расулуллоҳни орқалаб олиб, қоянинг устига чиқариб қўйди. Севимли пайғамбаримиз: **“Талҳа, Расулуллоҳга ёрдам берганида жаннат унга вожиб бўлди”** дея марҳамат қилдилар.

Тоғ этагида эса, саҳобийларнинг ҳар бири шердек ҳамла қилиб, мушрикларнинг устига отилиб, пайғамбаримизга қилич ўқталган ношудларга ҳаётни зиндон қилаётган эди. Бу орада Хотиб бин Балтаъа, пайғамбаримизнинг ёнларига келиб, Унга: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Буни Сизга ким раво кўрди?” деб савол берди. Жанобимиз эса: **“Утба бин Абий Ваққоснинг отган тоши юзимга келиб тегди ва рабоййя тишимни синдирди”** дея марҳамат қилганларида ҳазрати Хотиб: “Ё Расулаллоҳ! У кофир қайси томонга кетди?” деб қайта сўради. Пайғамбаримиз у кетган тарафни ишорат қилдилар. Ҳазрати Хотиб эса, дарҳол ўша тарафга югуриб кетди. Жанг майдонини оралаб-оралаб, неча кофир билан қарши келиб, охири Утбани ҳам топди. Уни отидан қулатиб, бир зарба билан калласини танасидан жудо қилди ва бу ҳақда Расулуллоҳга хабар қилди. Расулуллоҳ эса: **“Аллоҳу таоло сендан рози бўлсин. Аллоҳу таоло сендан рози бўлсин”** деб, ҳақиға дуо қилдилар.

Поракандалиқдан чиқиб, жанговар сафларини тиклаб, янгидан хужумга ўтган Асҳоб-и киром қаршисида мушриклар сабот қила олмади. Сафларидан етмишта ўлик бериб, жанг майдонини тарк этиб, Маккага қараб қочишди. У пайтда жаноби пайғамбаримизнинг шаҳид бўлганлиги ҳақидаги миш-мишлар Мадинагача етиб улгурганди. Бундай шум хабардан ташвишга тушган ҳазрати Фотима, ҳазрати Оиша, Умму Сулайм, Умму Айман, Ҳамна бинти Жаҳш, Куайба сингари хонимлар Уҳуд сари елдилар. Ҳазрати Фотима отаси жаноби пайғамбаримизни ярадор ҳолларида кўриб, йиғлаб юборди. Бу кўз ёшлар, бир томондан Расулulloҳнинг жароҳатлари туфайли бўлса, иккинчи томондан Ул зотни ҳаётликларидан оққан севинч ёшлари эди. Пайғамбаримизнинг шаҳид бўлганлиги ҳақидаги шум хабар пуч чиққанди. Расулulloҳ қизларини ва мусулмон аёлларни тасалли этдилар. Ҳазрати Али қалқонида сув келтирди. Фотима волидамиз, ўша сув билан Расулulloҳнинг муборак юзлари ва қон теккан жойларини ювди. Лекин юзларидан қон сизиши тўхтамаганди. Ҳазрати Фотима бир парча матони куйдириб, кулини босгач, қон тўхтади.²¹⁴

Кейин жанг майдонини қараб чиқдилар. Аввало ярадорлар аниқланиб, яралари боғланди. Мушриклар, шаҳидлардан баъзиларини таниб бўлмас ҳолга келтириб ташлаганди. Шаҳидларнинг қулоқ, бурун ва баъзи аъзоларини кесиб, қоринларини ёриб ташлашган эди. Шундайларнинг бири Абдуллоҳ бин Жаҳш ҳазратлари эди. Севимли пайғамбаримиз ва Асҳоби бундай ваҳшийликдан жуда мутаассир бўлиб, ғамга ботдилар. Бу мудҳиш жангда саҳобийларнинг энг саралари шаҳодат шарбатини ичиб, Уҳуд тупроқларини қонлари билан суғориб, Жаннатга учгандилар. Лекин шаҳидларнинг жасадларига раво кўрилган ёвузлик, чидаб бўлмайдиган даражада эди. Пайғамбаримиз билан ёнларидаги саҳобийларнинг ичларини ғам-ғусса кемирарди. Бундай аянчли манзара қаршисида Оламларнинг жаноби кўзидан дур-дур ёшлар тўкиб йиғладилар. Муборак кўзларидан ёшлари сузилиб оққан ҳолатда: **“Мен, шу шаҳидларнинг Аллоҳу таоло йўлида ширин жонларини фидо этганларига, қиёмат куни гувоҳлик бераман. Уларни қонлари билан дафн этинглар. Валлоҳи, улар қиёмат куни махшарга мана шундай яралари қонаган ҳолда**

214 Ибни Можжа, “Тиб”, 15-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 250-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 80-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, VII, 144-б.

келадилар. Қонларининг ранги қип-қизил бўлиб, мушки анбар хиди келиб турадиган бўлади” деб марҳамат қилдилар.

Севимли пайғамбаримиз: **“Негадир амаким Ҳамзани кўрмайпман. Унинг аҳволи қандай?”** дея савол қотдилар. Ҳазрати Али излаб уни топди. Пайғамбаримиз у ерга бориб, қараб бўлмайдиган манзаранинг гувоҳи бўлдилар-да, қаттиқ изтиробга тушдилар. Чунки ҳазрати Ҳамзанинг қулоқ-бурни ва бошқа узвлари кесилиб, юзи ҳам таниб бўлмайдиган ҳолатда тимдаланиб ташланганди. У ҳам етмагандай, қорни ёрилиб, юрак-бағри, жигари чиқариб ташланганди. Муҳтарам пайғамбаримиз муборак кўзларидан шошқатор ёшлар оққан ҳолда: **“Эй Ҳамза! Ҳеч қачон, ҳеч бир одам, сиздек бундай мусибатга дучор бўлмаган ва дучор бўлмайди. Эй Расулуллоҳнинг амакиси! Эй Аллоҳу таолонинг ва расулининг арслони Ҳамза! Эй хайрсевар Ҳамза! Эй Расулуллоҳнинг ҳимоячиси бўлган Ҳамза! Аллоҳу таоло сизга раҳмат айласин!...”** дедилар.

Бу орада қаршидан саросимада келаётган бир аёл кўринди. У аёл, пайғамбаримизнинг аммалари ҳазрати Сафийя волидамиз эдилар. У ҳам Расулуллоҳнинг шаҳид бўлганлиги ҳақидаги миш-мишни эшитиб, ҳамма нарсасини унутиб, Уҳудга югуриб-елиб келаверган хонимлардан бири эди. Расул-и ақрам жанобимиз, аммаларининг куйиб-пишиб келаётганини кўрдилар-да, шаҳидларнинг бу ҳолига чидай олмаслигини ўйлаб ва унинг ўғли Зубайр бин Аввом ҳазратларига: **“Бор, онангни ўша ерда тўхтатиб тургин, укасининг жасадини кўрмасин”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Зубайр югуриб онасига пешвоз чиқди. Муборак хоним эса, ҳаяжон билан: **“Болажоним! Менга Русулуллоҳдан хабар бергин?..”** деб, энг аввал Русул-и ақрамни суриштирди. Унгача уларнинг олдига ҳазрати Али ҳам етиб келганди. Шунинг учун ҳазрати Али, ҳазрати Зубайрдан олдинроқ: **“Ҳамд бўлсин, Расулуллоҳ бардамлар”** деган эди, муборак волидамиз енгил тортиб тинчланди, бироқ: **“Уни менга кўрсатинг”** дейишдан ўзини тўхтата олмади. Ҳазрати Али ишорат билан сеvimли пайғамбаримизни кўрсатдилар. Ҳазрати Сафийя волидамиз, икки жаҳон қуёшини соғ-саломат кўрганидан кейингина ҳақиқатан севиниб, Аллоҳу таолога ҳамдлар айта бошлади. Энди бу муборак онамиз, ўзининг меҳрибон қардоши ҳазрати Ҳамзанинг аҳволдан хабар олиш учун олдинга юрмоқчи бўлдилар. Ўғли ҳазрати Зубайр: **“Жон онажон! Расулуллоҳ, сизнинг**

оркага қайтишингизни сўрадилар” деганди, ҳазрати Сафийя: “Агар укамнинг бошига келган ваҳшатни кўрмаслигим учун оркага қайтишимни истаётган бўлсанглар, зотан қариндошимнинг жасадини тилка-пора қилишганидан хабарим бор. Раҳматлик укам шу ҳолатга дунёлик учун эмас, Аллоҳ йўлида тушди. Биз бу қутлуг йўлда ундан ҳам бадтарларига розимиз. Савобини ҳамиша Аллоҳу таолонинг ўзидан кутамиз. Иншааллоҳ сабр этувчилардан бўлиб, бундай кўргуликлар олдида сабот қиламиз” дея тетик ва мардонавор сўзлар айтди. Зубайр бин Аввом ҳазратлари келиб буларни Расул-и ақрамга айтганида, Сараваримиз: **“Ундай бўлса, қўйвор келсин, кўрсин”** дея ижозат буюрдилар.

Ҳазрати Сафийя волидамиз, ҳазрати Ҳамзанинг жасади ёнига келиб ўтирди-ю унга қараб, кўзларидан ёш селдай оқа бошлади, лекин овозини чиқармади.

Ҳазрати Сафийя Уҳудга келаётиб ёнида икки дона ҳирқа ҳам олиб келганди. Уларни чиқарди-да: “Буларни қардошим Ҳамза учун келтирдим. Уни бунга ўранглар” деди. Саййид-уш-шуҳадо, яъни шаҳидлар сардори бўлган ҳазрати Ҳамзани ўша ҳирқаларнинг бири билан кафанладилар.²¹⁵

Ҳабибуллоҳ жанобимиз, аламдор (байроқдор) Мусъаб бин Умайрнинг жасади ёнига келдилар. Бу муборак саҳобанинг ҳам қўллари чопилган ва баданининг жуда кўп жойларида яралар бор эди. Атрофи қип-қизил қон қўлмагига айланганди. Жаноби пайғамбаримиз, бу ерда ҳам чуқур ғамга ботдилар ва бу азиз шаҳидларга атаб Аҳзоб сурасидан 23-оятни каримасини ўқидилар. У оятда маолан: **“Мўминлардан шундай йигитлар борки, улар Аллоҳу таолога берган сўзларида садоқат кўрсатдилар. Улардан баъзилари шаҳид бўлгунча жанг қилишга доир берган сўзларини бажарди (шаҳид бўлди). Қолганлари ҳам шаҳид бўлишни кутиб туришибди. Улар берган сўзларини асло ўзгартирмадилар”** дейилганди. Пайғамбаримиз ундан кейин: **“Аллоҳу таолонинг Расули ҳам гувоҳдирки, сиз қиёмат куни Аллоҳу таолонинг ҳузурини шаҳид ҳолингизда тириласизлар”** дея марҳамат қилдилар. Кейин, ёнидагиларга қараб: **“Буларни зиёрат қилинг. Буларга салом беринг. Аллоҳу таолога қасамки, ким бу дунёда буларга салом берса, қиёматда бу азиз шаҳидлар**

²¹⁵ Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 493-б.; Абдуэрразоқ, “ал-Мусаннаф”, III, 427-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 14-б.

аликларини қайтарадилар” деб марҳамат қилдилар.

Мусъаб бин Умайр ҳазратларига кафан бўладиган бир нарса топилмади. Ўзининг кийими эса, кафанга кичиклик қилиб, бошини ёпсалар оёғи, оёғини ёпсалар боши очиқ қолаётганди. Ўшанда Ҳабиб-и акрам: **“Бош тарафини ўз кийими билан, оёқ тарафини эса изхир (райҳон каби хушбўй ўсимлик) ўти²¹⁶ билан бекитинглар”** деб кўрсатма бердилар. Ҳаётини Исломга хизмат билан ўтказиб, бу йўлда шаҳидлик мартабасига эришган бу бахтли саҳобий, бу дунёдан ярим кафан билан кетди.²¹⁷

Бошқа шаҳидларнинг ҳам намозлари ўқилиб, қонли кийимлари билан иккита-учтаси биргаликда бир қабрга дафн қилинди (родиаллоҳу анҳум). Уҳуд ғазосида етмиш нафар шаҳид берилди. Улардан олтмиш тўрттаси Ансордан ва олти киши муҳожирлардан эди.

Асҳоб-и киромнинг кўпчилигининг қариндошлари шаҳид бўлганди. Шунинг учун уларнинг кўнгиллари маҳзун эди. Тирик қолганларга тасалли бериш учун Ҳабиб-и акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз марҳамат қилдиларки: **“Валлоҳи, Асҳобим билан бирга мен ҳам шаҳид бўлиб, Уҳуд тоғи бағрида тунашни қанчалар истагандим. Қардошларингиз шаҳид бўлганда, Аллоҳу таоло уларнинг руҳларини яшил кушларнинг курсокларига жойлади. Улар, Жаннатнинг ирмоқларига бориб, ундан сув ичадилар. Боғчаларини кезиб, меваларидан ейдилар. Жаннатнинг тўрт тарафини томоша қиладилар. Гулистонларида сайр қилиб, учадилар. Ундан сўнгра Аршу аъло остига осилган олтин қандиллар ичига кириб, тунайдилар. Шу йўсинда егулик ва ичгуликларнинг ҳушлиги ва гўзаллигини кўриб, “Эҳ, кошки, Аллоҳу таолонинг бизга берган иззату икромларни қардошларимиз ҳам билсалар эди, жиҳоддан чекинмасдилар, юзма-юз олишувдан кўркиб, душмандан юз ўгирмасдилар” дейдилар. Аллоҳу таоло эса, “Мен сизнинг ҳолингиздан уларни хабардор қиламан” дейди.** (Ҳақиқатан бу ҳақда ояти-и карима нозил бўлиб, унинг маолида шундай буюрилди:) **“Асло Аллоҳу таоло йўлида шаҳид бўлганларни ўликлар деб ўйламанглар! Тўғриси улар, Раблари ҳузурда тирикдирлар.**

²¹⁶ Минтақада ўсадиган ўсимлик тури.

²¹⁷ Бўхорий, “Жанов”, 27-б.; Абу Довуд, “Васоъ”, II-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, III, 147-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 121-б.; Суяутий, “Жами-ул Аҳодис”, XXXIV, 451-б.

Шундай ки, Аллоҳу таолонинг уларга эҳсон қилган шаҳидлик мартабаси орқали ҳаммаси беҳад хурсанд бўлиб, Жаннат неъматлари ила ризқланурлар. Уларнинг орқаларидан ҳали шаҳид бўла олмаганларга эса, “Уларга ҳеч бир кўркув йўқдир ва улар маҳзун ҳам бўлмайдилар” дея хушxabар юборишни истайдилар. Улар, Аллоҳу таолодан келадиган биргина неъмат билан заруридан ортиқча мамнун бўладилар. Аллоҳу таолонинг мўминларига бўлган мукофоти зое кетмаслиги хушxabари билан маст бўладилар”²¹⁸ (Ол-и Имрон, 169-171)... Аллоҳу таоло уларга кўриниш бериб, “Эй бандаларим! Кўнглингиз нимани ёқтираётган бўлса, уни тортинмай айтинг, уларни сизга ортиғи билан тотиб кўришга имкон бераман” дея буюрди. Улар эса, “Эй Раббимиз! Сенинг бизга эҳсон этган неъматларингдан устунроқ нима борки, биз уларни Сендан сўрасак. Биз, Жаннатда истаган нарсалардан еб турибмиз. Фақат бир истагимиз бор, у ҳам бўлса, руҳларимиз такрор жасадларимизга кирса-да, дунёга қайтиб, сенинг йўлингда яна жанг қилиб, яна шаҳид бўлиб ҳузурингга келсак” демоқдалар.”

Уҳуд тоғи этагида бошқа қилинадиган иш қолмаган эди. Шу боис, ҳаммаси йиғилиб, йўл шайланишди. Жиход-и фисабиллоҳ, яъни Аллоҳу таолонинг динини ёйиш учун йўлга чиқиб, келган ушбу Уҳуд тоғи этакларида тарихда тенги йўқ бир ғазовот бўлиб ўтди. Асҳоб-и киромнинг, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қаҳрамонликларига гувоҳ бўлинди ва куффорга яна бир марта катта сабоқ берилди.

Оламларнинг саравари (саллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак Асҳоби билан нурли Мадина сари йўлга тушдилар. Ҳарра деган жойга келганида тўхтадилар. Расул-и ақрам Асҳобини сафга тизиб, муборак қўлларини кўкка кўтардилар ва Аллоҳу таолога ёлвориб, шундай дуо қилдилар: “Аллоҳим! Ҳамду-сано аввало Сенгадир. Аллоҳим! Сенинг залолатга туширганингни ҳидоятга эриштирадиган, ҳидоятга эриштирганингни эса, йўлдан урадиган топилмайди... Аллоҳим! Бизга иймонни севдиргил. Қалбларимизни иймон билан безатгил. Бизни куфрдан, осийлик ва тошқинликдан нафрат қилувчилардан айла. Бизни дин ва дунёмизга зарарли бўлган нарсаларни билувчилардан, тўғри йўлга эрувчилар қилгил. Аллоҳим! Бизларни мусулмон

218 Оли Имрон, 3/169-171.

сифатида яшатгил ва мусулмон ҳолида ўлишимизни насиб айлагил. Бизни солиҳлар ва яхшилар зумрасига қўшгил. Чунки улар, на шараф ва виждонларини йўқотганлар, на динларидан кайтганлардир. Аллоҳим! Сенинг Расулингни ёлғончига чиқарган, Сенинг йўлингдан юз ўгирган, пайғамбарингга қарши ҳарб қилган кофирларнинг ҳам жазоларини бергил! Уларга ҳақ ва ҳақиқат бўлган азобларингни юборгил!.. Омин!” Сафда турган Асҳоб-и киром ҳам “Омин! Омин!” дея муборак дуога иштирок этдилар.

Пайғамбаримиз, муҳтарам Асҳоби билан Мадинага яқинлашиб қолгандилар. Мадинада қолган аёллар, болалар, қариялар барча-барчаси кўчаларга оққан, юзларда ҳазинлик, нигоҳларда саросима билан етиб келган лашкарнинг орасидан Коинотнинг султонини қидиришарди. Унинг жаҳонни чорағон қилган нурли юзларини кўргач, ҳаловат топиб, юзларида севинч балқиб, Аллоҳу таолога ҳамду санолар ёғдиришарди. Шундан кейингина яна минглаб кўзлар лашкар орасидан оталар, эрлар, ўғиллар, тоға ва амакиларни қидиришга тушиб кетарди. Излаганини топа олмаган кўзлардан шошқатор ёш сели оқаверарди, оқаверарди. Асҳобининг бу ғамгин, ҳуззли аҳволини кўрган марҳаматлар дарёси Расул-и акрам жанобимиз ҳам ичларидан эзилиб, муборак кўзларидан оққан ёшларни тута олмай келардилар.

Шундай бир ҳолатда Саъд бин Муъаз ҳазратларининг онаси Кабша хонимнинг жаноби пайғамбаримизга яқинлашиб келганини кўрдилар. Унинг ўғли Амр Уҳудда шаҳид бўлганди. Кабша хоним ҳузурли саодатга етиб келганида: “Ота-онам, жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Алҳамдуллоҳ, сизни соғу-саломат кўрдим. Сиз саломат бўлсангиз, менга бошқа фалокатлар ҳеч нарса эмас” деди. Бу жафокаш мусулмон аёли жигарпораси бўлган ўғлини сўрамади. Муҳтарам пайғамбаримиз, ўғли Амр учун таъзия билдирганларидан кейин: “Эй Саъднинг онаси! Сизга ва унинг оиласига хушxabарлар бўлсинки, улардан шаҳид бўлганларнинг ҳаммаси жаннатда йиғилдилар ва бир-бирларига дўст бўлдилар. Улар оилаларига ҳам шафоат қиладилар” деб марҳамат қилдилар. Кабша хоним: “Аллоҳу таолодан келган ҳар бир нарсага розимиз, ё Расулаллоҳ! Бундай хушxabарлардан кейин шаҳидлар учун ким ҳам йиғларди. Сиз, ҳаётда қолганлар учун дуо марҳамат қилинг, илтимос” деди.

Оламларнинг жаноби: “Аллоҳим! Уларнинг қалбларида бўлган ғаму-ғуссаларни тарқатиб юборгил! Орқаларида қолганларни ҳам тирикларнинг энг хайрликларидан айлагил!” деб дуо қилдилар.

Пайғамбаримиз Асҳобига, баданий истакларга қарши курашишни касд қилиб: “(Эй Асҳобим! Ҳозир биз,) **кичик жиходдан қайтдик, энди катта жиходни бошлаймиз**”²¹⁹ деб марҳамат қилдилар. Кейин, барчага уйларига бориб дам олишларини ва яраларини даволашларини тавсия этдилар. Ўзлари ҳам ярадор эдилар. Тўғри саодатхоналарига кириб кетдилар.

Ҳамро-ул Асад сафари

Мушрикларнинг жанг майдонидан тўғри Мадинага бостириб кела олиш эҳтимоли сабабли, Расул-и ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинага қайтишлари билан уларга қарши чоратадбир кўришга киришдилар. Эртасига Ўзлари ҳам ярадор бўлишларига қарамай, кечаги оғир жанг туфайли мусулмонларнинг заифлашмаганликларини кўрсатиб қўйиш ва душманнинг юрагига ғул-ғула солиб, орқадан келиб қолишларининг олдини олиш мақсадида, Билол-и Ҳабашийга: **“Жангчиларга бориб, Расулulloҳ сизга душманни таъқиб этишни амр қилаяпти дегин! Бироқ бу таъқибга кеча биз билан жангга қатнашмаганлар келмайди, қатнашганларгина чиқади, деб тайинла”** дея кўрсатма бердилар. У дарҳол бу амрни Асҳобга етказди. Амрни эшитган Асҳоб-и киромнинг кўпчилиги ярадор бўлишларига қарамай дарҳол ҳозирландилар. Ҳатто жуда оғир ярадор бўлган Абдуллоҳ ва Рафий исмли ака-укалар ҳам Расулulloҳнинг амрини эшитиб, оғриқ ва яраларидан қон оқиб туришига қарамай: “Расулulloҳ билан ғазога чиқиш фурсатини қўлдан бой берамизми?!” деб мужоҳидлар сафига шошилдилар.

Севимли пайғамбаримиз бошчилигида шонли Асҳоб, мушрикларни таъқиб этишни бошладилар. Равҳа деган жойда бир қисм мушрик йиғилиб, Мадинага ҳужум қилиш ва мусулмонларни тугатишга қарор қилганларини аниқладилар. Мушриклар ортидан кўшин тортиб изма-из қувиб бориш тадбири пайғамбаримизнинг янги бир мўъжизаси эканлиги шундан аён бўлди.

²¹⁹ Суютий, “Жами-ул Аҳодис”, XV, 139-б, XXXIV, 106-б.

Дарҳақиқат Равҳадаги мушриклар, Расул-и акрамнинг улар устига қўшин тортиб келаётганини эшитиб, қўрққанларидан дарҳол Маккага қараб жўнаб қолишди.

Пайғамбаримизнинг лашкарлари уларни Ҳамро-ул асад деган жойгача орқаларидан кувиб, таъқиб қилиб бордилар. Мушриклардан икки кишини ушлаб ҳам олишди. У ерда уч кун тунадилар ва ундан кейин Мадинага қайтиб келдилар.²²⁰ Ҳамро-ул Асадгача борган шарафли Асҳобни Аллоҳу таоло, ояти карима орқали мадҳ этди. У ояти каримада маолан: **“Ярадор бўлганларидан сўнг ҳам Аллоҳу таолонинг ва Унинг пайғамбари даъватига ошиққанлар ва айниқса улардан яхшиликлар қилиб, ёмонликлардан сақланганлар учун жуда катта мукофот бордир”**²²¹ деб буюрилади.

Уҳудда севимли пайғамбаримизни ўлдиришга қасам ичганлар-дан бири бўлмиш Ибн-и Қамиа, Маккага қайтиб борганидан кейин бир куни мол-чорвасидан хабар олиш мақсадида тоққа чиқди. Сурувини тоғнинг тепасида топди. Чорванинг ичидан бир қўчқор тўсатдан Ибн-и Қамиага ташланиб қолди. Кутилмаган зарбалардан эсанкираб ерга йиқилган кофирни жони узилганча сузишдан тўхтамади.

Абдуллоҳ Шаҳоб Зухрий исмли мушрикни эса, Маккага қайтиб кетаётганида йўлда чипор илон чақиб ўлдирди. Хуллас, жаноби пайғамбаримизга қасд қилганларнинг ҳаммаси бир йил ичида турли хил балоларга дучор бўлиб, жазоларини топиб, ўлиб кетишди.

Ражиъ воқеаси

Уҳуд ғазосининг машҳур ўқчи мерганларидан Осим бин Собит ҳазратлари, ўша ғазодамушриклардан Мусофий бин Талҳа ва унинг укаси Хорисни ўлдирган эди. Кин ва адоват сақлашданоми чиққан оналари Сулофа бинти Саъд эса, икки ўғлининг ўлимига сабаб бўлган Осим бин Собитнинг бошини келтирган кишига юзта туя бераман деб ваъда қилди. Яна ҳазрати Осимнинг бош суягида шароб ичишга қасам ичди. Бундан ташқари, Расулуллоҳ юборган бир жангчи гуруҳда Абдуллоҳ бин Унайс Лихён ўғилларидан Холид бин Суфённи ўлдириши сабабли аламзада бўлган Лихён ўғиллари

²²⁰ Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 4-б; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 48-б; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 289-б.

²²¹ Ол-и Имрон сураси, 3/172.

Адал ва Қара қабилалари билан шартнома ҳам тузди.

Мадина атрофида яшайдиган бу икки қабила бир режа тузиб, мусулмонларга юбориш мақсадида махсус элчилар тайёрлади. Элчиларга “Уларга “биз ҳам мусулмон бўлдик. Закот бермоқчимиз. Ана шу закотларимизни йиғиш ва бизга Исломни ўргатиш учун муаллимлар керак.” дейсизлар. Шу тариқа биз томонга дин ўргатиш учун келувчиларнинг бир қисмини ўлдириб, мусулмонлардан ўч оламиз ва қолган қисмини Макка мушрикларига сотиб юборамиз”- дейишди.

Ҳижратнинг тўртинчи йили сафар ойида, бу икки қабила номидан олти-етти кишилик вакиллар пайғамбаримиз ҳузурларига келиб: “Биз мусулмон бўлдик. Бизга Қуръони карим ва диний масалаларни пухта ўргатадиган муаллимлар юборинг”- деб, илтимос қилишди. Шу кунларда сарвари коинот пайғамбаримиз маккалик мушрикларнинг уруш тадоригидами, йўқми шуни билиб келишлари учун ўн кишидан иборат махсус бир қошифлик сарийяси (разведка гуруҳи) тузиб қўйгандилар. Адал ва Қара қабилаларидан бундай талаб келгач ушбу сарийяни уларга қўшиб юборишни лозим кўрдилар ва уларга қабилалар ичидаги вазиятни яхшилаб ўрганиб, аҳволдан хабардор қилишни тайинладилар. Асхоб-и киромдан ташкил этилган бу сарийяда (гуруҳда) Марсад бин Абий Марсад, Халид бин Абий Букайр, Осим бин Собит, Хубайб бин Адий, Зайд бин Дасинна, Абдуллоҳ бин Ториқ, Муъаттиб (Муғир) бин Убайд ва исмлари номаълум бўлган яна учта саҳобий бор эди.

Бу қошиф гуруҳи кундузлари яшириниб, кечалари йўл юриш орқали бир куни саҳар вақтида Ражиъ сувининг бошига етиб келдилар. Ўша ерда бироз тўхтаб, дам олдилар-да, ёнларидаги Ажва исмли Мадинанинг яхши навли хурмосидан ҳам ейишди. Ундан сўнгра у ердан жилиб, шу атрофдаги тоғнинг юқорисига чиқиб яшириндилар. Ҳузайл қабиласидан қўйларини боқиб юрган бир аёл ҳам ўша вақт Ражиъ сувининг бошига келиб қолди. Сув бошида сочилиб ётган хурмо данакларини кўриб, бу ерда Мадина хурмоси ейилганини англади. Бу ҳолдан кўркиб кетиб: “Бу ерга Мадинадан кимлардир келибди” дея бақириб, қабиладошларига хабар қилди. Бу орада мусулмонлар билан келаётган Адал ва Қара қабиласи одамларидан бири ҳам булардан бир баҳона билан ажралиб, Лиҳён ўғилларига вазиятни хабар берди.

Лиҳён ўғиллари эса, дарҳол ҳаракатга тушиб, икки юз кишилик аскар тўпладилар. Улардан юз нафари ўкчи мерганлар эди.

Мушриklar бу ҳарбий гуруҳни саҳобалардан ташкил топган ўн кишилик сарийга юборишди. Улар тоғнинг тепасида бўлган ҳазрати Осим бин Собит ва дўстларини қуршовга олдилар. Қўп ўтмай, булар ҳақида мушриklarга хабар учирган киши ҳам уларга қўшилди. Ана шунда Асҳоб-и киром алданганликларига ишонч ҳосил қилдилар ва жанг қилишга қарор бериб, қиличларини яланғочладилар. Буни кузатиб турган мушриklar яна бир марта алдамоқчи бўлиб: “Агар қаршилиқ кўрсатмай пастга ёнимизга тушсанлар, ҳеч бирингизга зарар бермаймиз. Ваъда берамиз. Худо ҳаққи, сизларни ўлдириш ниятимиз йўқ. Мақсадимиз сизлар учун маккаликлардан фидя ундирмоқдир”- дейишди.

Осим бин Собит, Марсад бин Абий Марсад ва Холид бин Абий Букайр: “Мушриklarнинг таклиф ва аҳдларини ҳеч қачон қабул қилмаймиз” деб, мушриklarнинг барча таклифларини қатъиян рад этишди. Осим бин Собит ҳазратлари: “Ҳеч қачон, ҳеч бир ҳолатда мушриklarнинг ҳимоясини қабул қилмасликка қасам ичдим. Валлоҳи, уларнинг ҳимоясига, ваъдасига алданиб, уларга асло таслим бўлмайман” деди. Қўлларини очди-да: “Аллоҳим! Пайғамбарингни аҳволимиздан хабардор қилгил!” деб дуо қилди. Аллоҳу таоло, ҳазрати Осимнинг дуосини қабул этиб, Расулуллоҳни бу вазиятдан хабардор қилди.

Ҳазрати Осим мушриklarга: “Биз ўлимдан қўрқмаймиз. Чунки динимизда басийратлимиз (ўлганда шаҳид бўлиб, жаннатга кирамиз)” деган сўзлар билан жанг қилиш тарафдорлигини кўрсатди. Мушриklarнинг раиси: “Эй Осим! Ўзингни ва дўстларингни нобуд қилма, яхшиси таслим бўл!” деганди, Осим бин Собит унга ўқ узиб жавоб берди. У ўқ отаётди:

*"Кучим кофий, асло камим йўқ,
Камонимни тортиб жангга шайландим,
Ҳаёт ёлгон, ўлим эса ҳақ,
Тақдирда не бўлса унга бойландим.
Одамлар эртами-кеч Аллоҳга қайтар.
Онам, сенлар билан олишмасам гар,
Ғам-ғуссадан ўқсиб, ақлин йўқотар."*

деган мисраларни ўқиди. Осимнинг ўқдонида етти дона ўқ бўлиб, биттаси ҳам зое кетмади. Ҳар бири битта мушриқни ер тишлатди. Ҳазрати Осимнинг ўқи тугаганидан кейин, душманнинг

кўпини найзаси билан илма-тешик қилди. Бир маҳал найзаси ҳам синиб қолди. Дарҳол қиличини чиқариб, қинини синдириб отиб юборди. (Бу эса, ўлгунимча олишаман, таслим бўлмайман деган маънони билдирарди.) Кейин: “Эй Аллоҳим! Бугунгача мен сенинг динингни муҳофаза қилдим. Сендан бу куннинг охирида менинг вужудимни кўриб, муҳофаза қилишингни ниёз этаман” дея дуо қилди. Кучлар умуман тенг бўлмаган жанг кетарди, ҳазрати Осим бин Собит ва бошқа саҳобийларнинг: “Аллоҳу акбар!” нидолари тоғдан акс садо берарди. Шу тариқа, икки юз душманга қарши бел боғлаган ўн нафар мужоҳид, жон-жаҳдлари билан олишиб, ёнларига яқинлашгани пушаймон қилаётганди. Охири Осим (родияллоҳу анҳ) иккала оёғидан яраланиб йиқилиб тушди. Кофирлар ерда йиқилиб ётган қаҳрамонга бостириб келишга қўрқдилар. Шунинг учун уни узоқдан ўқ отиб шаҳид қилдилар. Ўша куни у ердаги ўнта саҳобийдан етти нафари шаҳид бўлди ва учтаси асир тушди.

Лихёнўғиллари, Сулофа бинти Саъдга сотиш ниятида Осим бин Собитнинг муборак бошини кесиб олмоқчи бўлдилар. Бироқ Аллоҳу таоло ҳазрати Осим бин Собитнинг дуосини қабул қилганидан, унинг жасади устига бир гала ари юбордики, улар Осим бин Собитнинг жасади устига келиб, уни булутдай қоплаб олди. Мушриклар ариларга яқинлашиб, уларни тарқатиб юборишнинг иложини топа олмади. Охири кечаси арилар тарқаб кетганидан кейин бош кесишга келадиган бўлиб, кетишди.

Кечаси эса, Аллоҳу таолонинг қудрати билан шундай кучли ёмғир ёғдики, тоғу-даралардан сел оқди. Оқибатда, Осим бин Собит ҳазратларининг жасади одамзот топиб ололмас бир жойга олиб кетилди. Мушриклар қанча изламасин, жасадни топа олмади. Шундай қилиб, Осим бин Собит ҳазратларининг жасадига тегиш уларга насиб бўлмади. Осим бин Собитнинг жасадини арилар ҳимоялагани ҳақида хабар етказилганида ҳазрати Умар: “Мўмин қулини Аллоҳу таоло, албатта муҳофаза қилади. Осим бин Собит тириклигида мушриклардан қандай ўзини ва динини ҳимоялаган бўлса, Аллоҳу таоло ҳам у ўлганида, унинг жасадини муҳофаза қилиб, унга мушрикларнинг қўлини текказмади” деб айтгандилар. Шунинг учун ҳазрати Осим бин Собит хотирланганида, уни **“Арилар кўриқлаган киши”** деб ёд олиш расм бўлди.²²²

Хуллас, Лихёнўғиллари ҳазрати Осим бин Собит бошлиқ

222 Бухорий, “Мағозий”, 28-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 354-б.; Абдуэрразоқ, “ал-Мусаннаф”, V, 354-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, IV, 221-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, IV, 357-б.

еттита саҳобийни шаҳид қилиб, учтасини асир олди. Асир тушган саҳобийлар Хубайб бин Адий, Зайд бин Дасинна ва Абдуллох бин Торик эдилар. Лиҳёнўғиллари уларнинг ҳар учаласини ҳам ёйларнинг ичак иплари билан боғлаб қўйишди. Асирлардан Абдуллох бин Торик ўзини маккалик мушрикларга топширишларига рози бўлмади. Маккага бормаслик учун қаршилик кўрсатди. “Шаҳид бўлган оғайнилариим жаннат билан шарафландилар, мен эса бу ерда кимман” дея хайқирди. Боғлаб қўйилган қўлларидаги ипларни узиб юборди ва мушриклардан қочиб кетишга ҳаракат қилди. Бироқ мушриклар уни ҳам тошбўрон қилиб шаҳид этди. Хубайб бин Абий ва Зайд бин Дасинна ҳазратлари: “Расулуллох топширган вазифани балки бажариш имкони чиқиб қолар” деган фикрда бўлиб, сабр қилишга қарор қилдилар.

Лиҳёнўғиллари асирларнинг иккаласини ҳам Маккага юборишди. Маккада эса, Бадр ва Уҳуд жангларида яқинларини йўқотган мушриклар, ўч олиш ўтида ёниб, интиқом ҳирси билан тутаётган бир ҳолда пайт пойлаб ўтирганди. Хубайбни, мушриклардан Хужайр бин Абий Ихоб-и Тамимий, Бадрда ўлдирилган укасининг ўчини олиш учун, Зайд бин Дасиннани эса Сафвон бин Умайя Бадрда ўлдирилган отаси Умайя бин Ҳалафнинг қасосини олиш мақсадида сотиб олишди. Мушриклар бу асирларни дарров ўлдирмоқчи эди. Лекин у кунларда уруш қилиш тақиқланган ойларда бўлганлари туфайли зиндонга ташлаб, вақт ўтишини кутишга қарор қилишди. Ҳар иккисини алоҳида-алоҳида хужраларга қамашди. Бу икки саҳобий, бошларига тушган оғир асоратга, улкан матонат билан сабр-тоқат кўрсатдилар.

Хубайб бин Адий қамалган хужра жойлашган ҳовлида ишлайдиган ва ўзи озод қилинган чўрилардан бўлган Мовия хоним (кейинчалик мусулмон бўлган эди) куйидагиларни ҳикоя қилганди: “Хубайб мен хизмат қиладиган ҳовлидаги хужрага қамалганди. Мен ҳаётимда кўп асирларни кўрганман, аммо бундай хайрли асирни асло кўрмаганман. Бир куни унинг хужрасига назар солсам, қўлида обдастадай келадиган бир бош узум кўрдим. Узумни еб ўтирарди. Ҳар куни унинг қўлида узум кўрардим. У ойларда айниқса Маккада узум топиб бўлмасди. Аллоҳу таоло унга узум билан ризқ берарди. У қамаб қўйилган хужрада доимо намоз ва Қуръон-и карим ўқирди. У ўқиган Қуръон-и каримни, биз аёллар девор ташқарисидан эшитиб йиғлардик ва унинг ҳолига ачинардик. Баъзан мен ундан: “Бирор истагинг борми” деб сўрардим. У бўлса:

“Менга яхши, ширин, тоза сув беринг. Бутларга атаб сўйилган гўштдан келтирманг. Яна бир истагим шуки, имкони бўлса, мени ўлдирадиган кунларини олдиндан менга хабар қилинг. Шулардан бошқа ҳеч нарса менга керак эмас” деб жавоб қилди. Мен эса, у ўлдириладиган кун аниқ бўлгач тезда бориб унга бу ҳақда айтдим. Бу шум хабардан унинг афти-ангорида заррача ўзгариш ва ачиниш сезилмади. Ўша машғум кун яқинлашганида, ўлишидан олдин тозаланмоқчи бўлди шекилли, қайчи ва устара беришимизни илтимос қилди. Мен у сўраганларни ўғилчамдан бериб юбордим. Бола унинг ёнига кетганидан кейин кўнглимга кўрқув тушди. “Эвоҳ! Бу одам болани ўлдириб қўйса-я” деган ёмон хаёл миямни чулғаб олди. Югуриб бориб, Хубайбнинг устарани олиб, болани тиззасига ўтқазиб олганини кўрдим. Бундан даҳшатга тушиб, дод-фарёд солиб бақириб юборишимга оз қолди. У менинг авзоимни сезиб: “Шу бегуноҳ болани ўлдириб қўяди деб ўйладингизми? Бизнинг динимизда бундай нарса йўқ. Ноҳақ жонга жабр қилиш бизнинг шонимизга зиддир” деди. Тушундимки, болани тиззасига эркалатиб ўтқазиб олган экан.

Мушриклар, Хубайб бин Адий билан Зайд бин Дасиннани ўлдиришни қарорлаштирган кун ҳам етиб келди. Ўша куни эрталабдан маҳбусларнинг оёқларидан занжирларини ечиб, Маккадан ташқаридаги Тамийм деган жойга олиб боришди. У ерда Макка аҳолиси ва мушрикларнинг энг обрўли одамлари қатл маросимини томоша қилиш учун йиғилишганди. Гавжум эди.

Мушриклар асирларни осигга мўлжаллаб иккита дор ўрнатганди. Хубайбни дор остига келтириб, осигга шайланганларида: “Мени кўйиб туришлар, ўлим олдидан икки ракат намоз ўқиб олайн” деди. Унга изн берилиб: “шу жойда ўқи” дейишди. Хубайб дарҳол ўрнидан туриб, ҳамманинг кўз олдида хушу билан икки ракат намоз ўқиди. У ерга тўпланган мушриклар, аёлу-болалар ҳаяжон билан уни кузатиб туришарди. Хубайб намозини тугатиб: “Валлоҳи, агар ўлимдан кўрқиб намозини чўзди, демаганларингда намозимни янада чўзиб, узоқ ўқирдим”-, деди. **Ўлимга ҳукм қилинганда, қатлдан олдин икки ракат намоз ўқиган биринчи одам, бунинг одатга ва суннатга айланишига сабаб бўлган биринчи мусулмон - Хубайб бин Адий бўлди.** Мухтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу

алайҳи васаллам) унинг бу ҳаракатидан хабар топганларида, тўғри деб баҳолаганлар.²²³

Хубайб намозини тугатгач, бўйнига сиртмоқ ўтказишди. Унинг юзини қибладан Мадинага қаратиб қўйишди. Кейин: “Динингдан қайтсанг, сени ўлимдан ва асирликдан озод қиламиз” дейишди. У бўлса: “Валлоҳи қайтмайман. Бутун дунё меники бўлса, бутун дунёни менга беришсалар ҳам, мен Исломиятдан қайтмайман!”- деди қатъий оҳангда. Бундай жавобга гангиган мушриклар: “Ундай бўлса, шу ҳозир сенинг ўрнингда Муҳаммад бўлишини, Унинг осилишини хоҳлармидинг? “Ҳа” десанг, биз сени ўлдирмаймиз, уйингга кетасан, бола-чақанг ёнида бемалол яшайсан” дейишди. Хубайб: “Мен, Муҳаммад алайҳиссаломнинг оёқларига битта тикон ботишига ҳам рози бўлмайман” дея яна қатъий жавоб қилди. Мушриклар уни калака қилиб, устидан кулишиб: “Эй Хубайб! Агар Ислому динидан қайтмасанг, ҳеч шубҳасиз сени ўлдирамиз” дейишди. Хубайб: “Ўзим Аллоҳу таолонинг йўлида бўлгач, мен учун ўлдирилишимнинг аҳамияти йўқ”- деди.

Сўнгра Хубайб ҳазратлари: “Аллоҳим! Теварагимда душман башарасидан ўзга юз кўрмаяпман. Аллоҳим! Мендан Расулингга салом етказгайсан. Бошимизга тушган шу ҳолатни Расулингга билдиргин!” дея дуо қилди ва “Ассалому алайка, ё Расулаллоҳ!” деди. Шу пайтда севимли пайғамбаримиз Мадинада Асҳоб-и кироми билан суҳбатда ўтирардилар. Бу воқеани Зайд бин Хориса шундай ҳикоя қилган: “Бир куни Расулаллоҳ Асҳоби билан ўтирарди, бирданига **“Ва алайҳиссалом”** дедилар. Асҳоб-и киром: “Ё Расулаллоҳ! Бу кимнинг саломига алик эди”, дея сўрадилар. **“Қардошингиз Хубайбнинг саломига аликдир. Жаброил (алайҳиссалом) Хубайбнинг саломини етказди”** деб марҳамат қилдилар.”²²⁴

Хубайбнинг дори атрофига йиғилган Қурайш мушриклари, шу ердаги ёшларга: “Оталарингни ўлдирган одам мана шу” деб Хубайбни кўрсатишди. Уни эшитган оломон найзалар билан Хубайбнинг муборак вужудини яралай бошлади. Бу орада Хубайбнинг юзи Каъбага қараб бурилди. Мушриклар эса, уни яна Мадинага қаратиб қўйди. Хубайб эса: “Аллоҳим! Агар Сенинг даргоҳингда мақбул бандаларингдан бўлсам, юзимни қиблага қаратгин” дея дуо қиларди. Унинг юзи такрор қиблага қараб қолди.

²²³ Бухорий, “Мағозий”, 28-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 354-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, IV, 221-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, IV, 357-б.

²²⁴ Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, IV, 221-б.; Абу Нуайм, “Ҳиля-ул-Авлия”, I, 159-б.; Ибни Абдилбарр, “ал-Истиъоб”, II, 28-б.

Мушриклар қанча уринса ҳам ҳеч қайсиси унинг юзини Каъбадан бошқа тарафга буриб қўя олмади. Шу вазиятда ҳазрати Ҳубайб, ўзининг душман кўлида ночор ва ғариб ҳолатда дорга осилиб, шаҳид бўлаётганлиги ҳақида бир шеър ўқиди. Мушриклар эса, унга чор атрофдан найза қадаб, азобу исканжа қилишни бошлаганда уларга қарата: “Валлоҳи, мен мусулмон сифатида ўлдириладиган бўлгач, қандай қилиб ўлсам ҳам, қайси томонимга ағнасам ҳам ғам емайман! Зеро буларнинг барчаси Аллоҳу таоло йўлида бўлаётган нарсалар” деди.

Сўнгра, Ҳубайб ҳазратлари мушрикларга мана бундай деб баддуо қилди: “Эй Аллоҳим! Қурайш мушрикларининг барчасини қаҳру паришон айла! Жамиятларини тору мор қилгин! Битта-битта жонларини ол, уларни омон қолдирма!”. Бундай қағишни эшитиб чўчиган мушриклар у ердан узоқлашишди. Қолган кофирлар эса, уни найзалашда давом этди. Охири мушриклардан бирининг найзаси ҳазрати Ҳубайбнинг кўкрагидан кириб орқасидан чиқди. Бутун танасидан қон сачраб, дорда чайқалиб жон бераётганида “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуҳу ва расулуҳ” дея шаҳид бўлди.²²⁵

Ҳубайбнинг жасади қирқ кун дорда осиглик қолди. Лекин жасади чиримади, ҳидланиб ҳам кетмади. Доим илиқ қон оқиб турди. Севимли пайғамбаримиз, унинг жасадини Мадинага келтириш учун Асҳоб-и киромдан Зубайр бин Аввом ва Микдод бин Асвадни Маккага юбордилар. Улар бир куни кечаси ҳеч кимга билдирмасдан Маккага кириб бориб, ҳазрати Ҳубайб осилган дорнинг тагига келдилар. Жасадни дордан тушириб, туяга ортиб, Мадинага йўлга чиқдилар. Бундан хабар топган мушриклар, жуда кўпчилик бўлиб мусулмонларнинг изига тушди. Ҳазрати Ҳубайбнинг жасадини олиб кетаётган икки саҳобий, орқаларидан бостириб келаётган мушрикларга қарши курашиш учун жасадни ерга туширишди. Шунда бирданига ер ёрилиб жасадни қаърига олиб яна ёпилиб қолди. Бунга гувоҳ бўлган саҳобалар ҳаялламай дарров Мадина томон ҳаракат қилишди.

Ҳазрати Зайд бин Дасиннани ҳам мушриклар, ўзлари ясаган дор тагига олиб келишди. Диндан қайтариш учун, унга роса азоб беришди, бироқ Зайднинг иймонини қувватлантиришдан бошқа бирор нарсага эриша олмадилар. Унинг бундай собит иймони учун уни осиб қўйиб камон билан саноксиз ўққа тутиб қийнашди. Охири, Сафвон бин Умайянинг озод қилинган қули Нистос тарафидан шаҳид қилинди.

225 Абдуэрразоқ, “ал-Мусаннаф”, V, 354-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-қабир”, IV, 221-б.

Биър-и Мауна воқеаси

Яна ўша йилнинг сафар ойида Арабистоннинг Нажд ўлкасидан Омирўғилларининг раиси Абу Баро Омир бин Молик Мадинага келди. У Расул-и акрам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимизнинг хузури шарифларига келиб, кўришди. Пайғамбаримиз унга Исломиятни таблиғ қилдилар ва мусулмон бўлишини тавсия этдилар. Абу Баро мусулмон бўлмади, лекин Исломнинг чиройли ва шарафли дин эканлигини айтиб илтифот этди. Ундан ташқари Наждада Исломнинг тарқалишини хоҳлашини айтиб, у ерга Асҳоб-и киромдан динни ўргатувчи бир неча одам юборишларини Расулulloҳдан илтимос қилди. Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Наждликлар амин кимсалар эмас! Юборадиган одамларимнинг жонига қасд қилишларидан андишадаман!”**-дедилар. Абу Баро дарров: “Сиз асло хавотир олманг. Уларни мен ўз шахсий ҳимоямга оламан. Шунда уларга ҳеч ким зарар бера олмайди” деди. Оламларнинг сарвари бундай қатъий ва жиддий ваъдани қабул қилиб, Асҳоб-и Суффодан етмиш кишилиқ бир ҳайъат тузиб, уларга Мунзир бин Амр ҳазратларини бошлиқ тайинлаб, йўлга кузатдилар.

Ўзи мусулмон бўлмаса-да, қабиласининг исломга келишини хоҳлаган Абу Баро, Асҳоб-и Суффодан илгарироқ йўлга чиқди. Қабиласига эртароқ етиб борди ва келаётган ҳайъат ҳақида уларни ўз ҳимоясига олганини айтиб, ҳеч ким уларга тегмасин деб тайинлади. Абу Баронинг бу огоҳлантиришини жияни Омир бин Туфайлдан бошқа ҳамма қабул қилди. Омир бин Туфайл, уч қабила одамларини қуроллантириб, уларни эргаштириб эндигина Биър-и Мауна деган жойга етиб келган Асҳоб-и киромни қуршовга олди. Тўрт томондан қуршовга олинган саҳобийлар, наждлик мушриқларга қарши қиличларини яланғочлаб, биттасидан бошқа ҳаммаси шаҳид бўлгунларича қаҳрамонларча жанг қилди.

Шаҳид бўлган саҳобаларнинг энг охириги илтижолари: “Ё Раббий! Шу онда аҳволимизни Расулulloҳга хабар қиладиган Ўзингдан бошқа ҳеч ким йўқ. Унга бизнинг саломимизни етказгин!” бўлди. Шу заҳотиёқ Жаброил алайҳиссалом, Расулulloҳга келиб, ўта ғамгин бир ҳолда уларнинг саломларини етказиб: **“Улар, Аллоху таолога қовушди. Аллоху таоло улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоху таолодан рози бўлишди”** деди. Муҳтарам пайғамбаримиз

саломларига “Алайхимуссалом” дея жавоб бергач чукур ғамга ботган ҳолда Асҳобига: **“Қардошларингиз йўлда мушрикларга дуч келди. Мушриклар, уларни аёвсиз қатл этиб, найзалар билан илма-тешик қилишди”** деб, вазиятдан хабардор қилдилар.

Ўша ҳодисада мусулмонлар душман билан олишаётганида Омир бин Фуҳайра ҳазратларининг орқасига душман сафидан Жаббор деган биттаси найза санчганди. Ўшанда ҳазрати Омир: “Валлохи, жаннатни қозондим” деб, ҳамманинг кўз олдида осмонга кўтарилиб кетганди. Бу ажойиб воқеага гувоҳ бўлган мушриклар ҳайратдан донг қотган, лекин ораларидан фақат ҳазрати Омир бин Фуҳайрани ўлдирган Жабборгина мусулмон бўлган эди.

Жаноби пайғамбаримиз Ражиъ ва Биър-и Маунада мусулмонлар дуч келган хиёнат ва суиқасдлардан қаттиқ мутаассир бўлиб, ғамга ботдилар. Ўша ваҳшийлик ва пасткашликка қўл урган қабилаларга бало юбориши учун бир ой давомида намозларида дуо қилдилар. Аллоҳу таоло Расулининг дуосини қабул қилиб, ҳалиги қабилаларнинг бошига даҳшатли қурғоқчилик ва қаҳатчилик солди. Кейин юқумли касаллик тарқалиб, етти юз одамлари ўлиб кетди.²²⁶

Бани Нодир ғазоси

Уҳуд ғазосидан кейин ҳижратнинг тўртинчи йилида Нодир-ўғиллари деб аталадиган яҳудий қабиласи, пайғамбаримизга суиқасд уюштирди. Бироқ яҳудийларнинг ёвуз ниятларидан Жаброил алайҳиссалом жаноби пайғамбаримизга олдиндан хабар қилиб, режаларини пучга чиқарди. Шу сабабли Оламларнинг сарвари, аҳдногани хоинларча бузган яҳудий қабиласига Муҳаммад бин Масламани юборди ва буюрдиларки: **“Бани Нодир яҳудийларига боргин! Улар менга суиқасд уюштирганлари туфайли орамиздаги аҳдни бузганликларини билдир. Уларга, бундан буён Расулуллоҳнинг юртидан чиқиб кетишларини айт. Энди Расулуллоҳ билан бирга истиқомат қилишга ҳақлари йўқлигини, юртдан чиқиб кетишлари учун ўн кун муҳлат берганимни айт. Шу муддатдан кейин бу ерларда улардан кимни учратадиган бўлсак, боши танасидан жудо қилинади деган буйруқни келтирдим дегин!”**

²²⁶ Бухорий, “Мағозий”, 28-б.; Муслим, “Имора”, 147-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 183-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 346-352-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 51-54-б.

Муҳаммад бин Маслама ҳазратлари бу амрни яҳудийларга хабар қилганидан кейин, улар қўрққанларидан дарҳол ашқол-дашқолларини йиғиштиришга киришиб кетишди. Лекин мунофиқларнинг бошчиси Абдуллоҳ бин Убайй, уларга: “Ҳовлиқманглар, қалъаларингни ташлаб кетманглар. Молларинг ва ерларингни бекордан-бекорга тарк этманглар. Икки минг одам билан сизларга ёрдамга бораяпмиз” деган хабар юборди. Бундай хабардан кўнгиллари кўтарилган яҳудийлар жаноби пайғамбаримизниг амрини бажаришни пайсалга сола бошлади. Шу сабабдан Коинотнинг султони жанобимиз, Асҳоб-и кироми билан Мадинадан тўрт километрча узоқда бўлган Нодирўғиллари қалъасига юриш қилдилар. Байроқ ҳазрати Алининг қўлида эди. Қалъа қуршовга олинди. Асҳоб-и киромга ҳар фурсатда дўқ-пўписа қилишни қўймаган яҳудийлар қалъадан чиқишга жасорат қила олишмади. Мунофиқлар ваъда қилган ёрдам ҳам етиб келмади. Асҳоб-и киром қалъани тўла назорат остига олиб, у ердан пашша учишига ҳам имкон қолдирмаганди. Йигирма кундан кўпроқ давом қилган қамалдан кейин яҳудийлар таслим бўлганликларини билдирувчи оқ байроқ кўтаришди. Улар қўлларида бўлган барча қуролларини, олтину-кумушларини мусулмонларга қолдириб, бир қисми Шомга ва бошқа қисми Хайбарга кўчиб кетишди. Шундай қилиб, Мадина ҳаволийсида яҳудийлардан фақат Қурайзоўғиллари қолди.²²⁷

Маст қилувчи ичимликларни ҳаромлигини эълон қилган оята карима ҳам ҳижратнинг тўртинчи йили нозил бўлди²²⁸ Эри Ухуд жангида яраланиб, жангдан бирмунча вақт ўтиб вафот қилгач, ҳазрати Умму Салама бир неча фарзандлари билан ёлғиз қолган эди. Умму Салама волидамиз ёши ўтган чоғида қийналиб қолди. Севимли пайғамбаримиз, унинг аҳволига раҳми келиб, унга марҳамат буюриб, уни ўз никоҳларига олиш билан шарафлантирдилар.²²⁹

Ўша йили Зотуррика ғазоси бўлиб ўтиб, Мадина атрофидаги мушрик қабилалари бўйсундирилди.²³⁰

Ҳазрати Усмоннинг пайғамбар қизи Руқайя билан никоҳидан

227 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 441-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, III, 386-б.

228 Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, XXII, 59-б.

229 Термизий, “Никоҳ”, 40-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 174-б.

230 Бухорий, “Вуду”, 334-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 343-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 203-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 396-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 61-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, III, 400-б.

туғилган олти яшар ўғли Абдуллоҳ ҳам шу йили вафот этди. Оламларнинг сарвари неварасининг жаноза намозини ўқитдилар ва қабрга шахсан ўзлари қўйдилар. Қаттиқ маҳзун бўлганларидан кўзларидан оққан муборак кўз ёшлари қабрга ҳам томди. Қабр тошини муборак қўллари билан тикдилар. **“Аллоҳу таоло, бандаларидан марҳаматли ва юмшоқ кўнгилли бўлганларига раҳмат қилади”** дея марҳамат қилдилар.²³¹

Фотима бинти Асаднинг вафоти

Ҳазрати Алининг оналари Фотима бинти Асад ҳам шу йили вафот этди.¹³² Муҳтарам пайғамбаримиз бу воқеадан жуда қайғуриб: **“Бугун онам вафот этдилар”** дея марҳамат қилдилар. Пайғамбаримизнинг боболари Абдулмутталиб вафот қилганидан кейин, Унинг тарбияси асосан Фотима бинти Асаднинг ихтиёрида қолганди. Пайғамбарлигини эълон қилганларида дарҳол мусулмон бўлиш шарафи ҳам ўша муҳтарама онахонга насиб қилганди. Шу туфайли ҳам Коинотнинг султони Фотима бинти Асадни ўз оналари ўрнида кўриб, уни жуда хурмат қилардилар. Унга бўлган хурматини кўрсатиш учун Расулуллоҳ эғнидаги куйлагини ечиб, унга кафанлик қилишларини буюрдилар. Жаноза намози ўқилганидан сўнгра, жаноза намозида етмиш минг малоика ҳам қатнашганлигини билдирдилар. Қабргача бориб, қабр ҳаёти роҳат ва хуш бўлиши учун Фотима бинти Асаднинг қабри ичига кириб ётиб текшириб кўрдилар.

Расулуллоҳ қабрдан чиққанларида муборак кўз ёшларининг қабрга ҳам томгани кўринди. Ё Раббий! Бу қандай марҳамат. Бу қандай бахтли хоним эди. Ҳазрати Умар чидай олмай: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ҳеч кимга кўрсатмаган иззату хурматни бу аёлга кўрсатдингиз!” дея савол берганди, вафолиларнинг энг вафолиси сеvimли пайғамбаримиз: **“Абу Толибдан кейин менга бу аёлдан ортиқ яхшилиги теккан инсон бўлмади. У менинг онам эди. Ўз болалари оч бўлса ҳам, энг аввал менинг қорнимни тўйдирарди. Ўз болаларининг усти-боши чангу-тупроқ бўлиб турса ҳам, у энг аввал менинг сочимни тараб, сочимга гул ёғи суртарди. У менинг онам эди!**

231 Ҳаким, “ал-Мустадрок”, IV, 51-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, XI, 35-б.

232 Табароний, “ал-Муъжамул-қабир”, XXIV, 351-б.; Абу Нуайм, “Ҳилъ-ул-Авлия”, III, 121-б.

Унга Жаннат кийимлари кийдирилсин деб ўз куйлагимни кафан қилиб кийдирдим. Унинг қабр ҳаёти осойишта ва енгил ўтсин дея, қабрига ётиб кўрдим. Жаброил, Аллоҳу таоло тарафидан “Бу аёл жаннатийдир” деб менга хабар келтирди” дея марҳамат қилдилар. Кейин, Фотима бинти Асад волидамиз учун шундай дуо қилдилар: “Аллоҳу таоло сизни мағфират этсин, сизни мукофотласин. Эй онажоним! Аллоҳу таоло сизга раҳмат айласин. Ўзингиз оч бўла туриб, мени тўйдирдингиз. Ўзингиз киймай менга кийдирдингиз, ўзингиз емай, менга едирдингиз. Тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аллоҳу таолодир. У доимо тирикдир. У ўлмайди. Аллоҳим! Менинг онам Фотима бинти Асадни афв қилгин, мағфират этгин! Унга ҳужжатини билдир. Қабрини кенгайтиргин. Эй марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси бўлган Аллоҳим! Мен ва ўтмиш пайғамбарларнинг ҳақи учун бу дуомни қабул этгин.”

Шу воқеалардан кўп ўтмай Расул-и акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг муборак хонимларидан ҳазрати Зайнаб бинти Ҳузайма эндигина ўттиз ёшга кирган навқирон чоғларида вафот қилдилар.²³³

Бу йилнинг энг қувончли воқеаларидан бири, ҳазрати Али билан ҳазрати Фотиманинг оиласида иккинчи ўғиллари ҳазрати Ҳусайн дунёга келди.²³⁴

Шу йили яна маккалик мушриклар икки минг одамлик қўшин билан исломнинг ёйилишига тўғаноқ бўлиш мақсадида янгидан Бадрга юриш бошлади. Оламларнинг сарвари ҳам бир минг беш юз кишилик қаҳрамон Асҳоб лашкари билан Бадрга мушриклардан илгарироқ етиб келдилар. Мужоҳидларнинг улардан олдин Бадрга етиб келганидан хабар топган мушрикларнинг юракларига кўркув тушди. Жасоратлари фақатгина Марраззаҳрон деган жойгача келишга етди, холос. Қаҳрамон ислом лашкари билан юзма-юз келишга журъат қила олмай, шармандаларча Маккага қайтиб кетишди. Расул-и акрам жанобимиз шонли Асҳоби билан мушрикларни Бадрда саккиз кун кутдилар. Сўнгра Мадинага қайтдилар.

233 Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XXIV, 58-б.; Ибн Касийр, “ас-Суйра”, IV, 593-б.

234 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 392-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, IV, 68-б.

Бани Мусталиқ ғазоси

Ҳижратнинг бешинчи йили, Мусталиқўғиллари қабиласининг раиси Хорис бин Абий Дирор, жаноби пайғамбаримиз билан жанг қилиш ниятида жуда кўп одам тўплаган эди. Уларни куроллантириб, Мадина сари юришни режалаштираётган эди. Бу хабар мухтарам пайғамбаримизга маълум бўлиши билан дарҳол етти юз кишилик лашкар тузиб, Бани Мусталиққа қарши сафарга отландилар. Мурайсий кудуғи бошида қароргоҳ қурдилар. Аввал Мусталиқўғиллари исломга даъват қилинди. Бу даъватга жавобан улар ўқ отиб, жангни бошлаб юборишди. Расулulloҳнинг **“Ҳаммангиз биргаликда, кўкқисдан ҳужумга ўтинлар”** амрига амал қилган Асҳоб-и киром, кутилмаган биринчи ҳамлада-ёқ Мусталиқўғилларидан ўн кишини ўлдирдилар. Қabila раиси қочиб, жонини сақлаб қолди. Лекин унинг қизи Барра ва қабилadoшларидан 600 киши асир тушди. Қўлга киритилган ғанимаглар бўлиб олинди. Хориснинг қизи Барра ҳам мусулмонлардан бирининг улушига тушган эди. У (Барра) пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб: “Мен озод бўлишим учун шу онда менга соҳиб бўлган киши билан тўққизта олтинга келишдим. Менга ёрдам беринг” деди. Жаноби пайғамбаримиз раҳмлари келганидан уни хўжайинидан сотиб олиш орқали хоҳишини бажо келтирдилар. Кейин озод қилдилар. Пайғамбаримизнинг исломни таблиғ қилишлари натижасида Барра мусулмон бўлди. Унинг мусулмонликни қабул қилишидан жуда хурсанд бўлган оламларнинг сарвари мукофот сифатида уни ўз никоҳларига олдилар. Буни кўрган Асҳоб-и киромнинг барчаси: “Биз Расулulloҳнинг оиласи бўлган волидамининг қариндошларини асир ва хизматчи сифатида фойдаланишга ҳаё қиламиз” деб, ҳамма асирларни озод қилдилар. Шундай қилиб, бу никоҳ юзлаб асирларнинг озод бўлишига сабаб бўлди. Мухтарам пайғамбаримиз, муборак завжасининг Барра исмини Жувайрия деб алмаштирдилар. Ҳазрати Жувайрия волидамиз ҳақида ҳазрати Оиша волидамиз: “Мен Жувайриядан ҳам хайрлироқ, баракатлироқ аёл кўрмадим” дер эди.²³⁵

Ислом лашкари навбатдаги зафардан нурли Мадинага қайтаётганларида, атрофдаги катта-кичик мушрик қабилалари даҳшатга тушиб, мусулмонларга ҳужум қилиш нақадар таҳликали эканлигига ишонч ҳосил қилгандилар.

²³⁵ Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 294-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 413-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 74-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, IV, 13-б.

Хандақ ғазоси

Ҳижратнинг бешинчи йили ўтиб борарди. Мадинадан бадарға қилинган фитначи яҳудий Бани Нодир қабиласи гуруҳ-гуруҳ бўлиб бўлинган ҳолда, баъзилари Шомга, бошқалари Хайбарга кетди. Бироқ уларнинг исломга ва пайғамбаримизга бўлган хусуматлари-ю интиком туйғулари қалбларидан бир зумга ҳам чиқмаганди. Шу сабабли раислари Ҳуай қавмининг бообрў кишиларидан йигирматасини тўплаб, Маккага борди ва Абу Суфён билан учрашиб, мухтарам пайғамбаримизнинг муборак жонларига қасд қилиш ҳақида ахднома тузишди. Яҳудийлар: “Бу ишни ҳал қилмагунча сенлардан ажралмаймиз” деб, Абу Суфёнга сўз беришди. Абу Суфён эса: “Душманимизга душман бўлганларнинг ёнимизда бўлишини албатта маъқул кўраимиз. Лекин сизларга ишонишимиз учун бизнинг бутларимизга сиғинишларинг лозим бўлади. Ана шундан кейингина тўғрисиўзлигингиздан амин бўлиб, сизларга ишона олаимиз” деди. Шум ниятларига эришишлари учун динларини сотишдан ҳам қайтмайдиган хоин яҳудийлар, дарров мушрик бутлари олдида тиз чўкиб, сиғинишди... Улар аслида китобли кофирлардан ҳисобланарди. Аммо мана бу ишлари туфайли китобларидан тониб, китобсиз кофирга айландилар ва пайғамбаримизни қатл қилиб, Исломни батамом йўқотиш йўлида содик бўлишга қасам ичдилар.

Мушриклар шундан кейин уруш тайёргарлигига киришди. Қўшни мушрик қабилаларига ҳам чопарлар юбориб, уларни ҳам мусулмонларга қарши урушга чорладилар. Яҳудийлар ҳам тинч ўтирмай теварак-атрофдаги турли қабилаларни мусулмонларга қарши бир сафда уруш қилиш лозимлигига ишонтиришга ҳаракат қила бошлади. Баъзи қабилаларга пул ва хурмолар ваъда қилиб, уларни қуроллантирдилар. Ниҳоят мушриклар, Макка ва атрофидан тўрт минг кишилик катта бир қўшин тўплади. Абу Суфён Дорун-Надвада байроқ боғлаб, уни Усмон бин Абий Талҳага берди. Мушрикларнинг қўшинида уч юзта отлик аскар, жуда кўп миқдорда қурол ва бир минг беш юзта туя бор эди.

Мушриклар тайёрлаган тўрт минг кишилик қўшин Мадина тарафга келаётиб, Марраззахронга етганларида Сулаймонўғиллари, Фазораўғиллари, ғатафонликлар, Мурраўғиллари, Асадўғиллари каби бир неча қабилалар олти минг кишилик қўшин билан уларга

кўшилди. Шундай қилиб, мушрикларда ўн минг кишилик бир кўшин ҳосил бўлди. Бундай кўшин, ўша давр шароитида ниҳоятда катта бир ҳарбий куч эди.

Аввалдан Расул-и ақрам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимиз билан дўст бўлган Ҳузаа қабиласи, мушрикларнинг бу ҳаракати ҳақида Мадинага хабар жўнатди. Ҳузаа қабиласининг чопари ўн кунлик йўлни тўрт кунда босиб ўтиб, пайғамбаримизни мушрикларнинг ҳолидан хабардор қилди.

Муҳим ишларни доим Асҳоби билан маслаҳатлашадиган муҳтарам пайғамбаримиз, дарҳол саҳобийларни йиғиб, вазиятни муҳокама қилишни бошладилар. Навбатдаги уруш қаерда ва қандай амалга оширилиши ҳақида саҳобийларнинг барчаси ўз фикларини ўртага ташлади. Ушбу йиғилишда бўлган Салмон-и Форсий сўз олиб: “Ё Расулаллох! Бизнинг юртимизда бир уруш усули бор эди. Яъни биз душманнинг бостириб келиш эҳтимолидан хавфсираган пайтимизда, атрофимизда айлана хандақ қазиб, ҳимояланардик” деди. Салмон-и Форсийнинг бу таклифи пайғамбаримизга ҳамда Асҳоби киромга маъқул тушди ва бу гал душманга қарши шу усулда тайёрланишга қарор берилди.²³⁶

Жаноби пайғамбаримиз Асҳобдан баъзиларини ёнларига олиб, дарҳол ташқарига чикдилар-да, хандақларнинг қаерлардан қазилиши лозимлигини кўрсатдилар. Мадинанинг жануб тарафида боғу-роғлар кўп бўлиб, жуда қалин дарахтзорлар билан қопланган эди, шу сабабли мушрикларнинг у томондан тўп бўлиб ҳужум қилиш эҳтимоли кам эди. Шу боис у томоннинг ҳимоясини кам сонли ҳарбий бирлик эплай оларди. Шарқ тарафда эса, мусулмонлар билан аҳднома тузган Бани Курайзо номли яҳудий қабиласи яшарди. Шунинг учун, мушриклар фақат шаҳарнинг ғарбий ва шимолий томонларидаги очик далалардан ҳужумга ўтишлари мумкин эди. Ана шу тарафлардан хандақлар қазилиши лозим топилиб, айнан қаерлардан қазилса, кўпроқ самара бериши аниқланди. Асҳоби киромдан ҳар бирининг улушига уч метрдан хандақ қазиш тегди. Хандақнинг чуқурлиги икки одам бўйи (тахминан 3,5 метр), эни эса, чопиб келаётган от ҳатлаб ўта олмайдиган кенгликда бўлиши лозим эди. Вақт жуда кам қолганди. Душман аллақачон йўлга тушган, Мадина сари шитоб билан яқинлашарди. Хандақ жуда

²³⁶ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 220-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 441-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 65-74-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 415-б.*

қисқа вақт ичида қазилиб битказилиши лозим эди.

Пайғамбаримиз шахсан ўзлари бошда туриб, қаҳрамон Асҳоби билан бирга **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим”** дейишиб, душмандан ҳимояланиш учун хандақ қазилни бошлаб юбордилар. Ҳамма бор ғайрати билан ишга киришганди. Бу ишга ҳатто болалар ҳам кўлидан келганича ёрдамлашар эди. Расулуллоҳ жанобимиз учун Зубоб тепалигида бир чодир қурилди. Хандақ қазилаётган ердан чиқарилган тупроқ замбилларда ташилиб, ўша чодир атрофига тўкиларди ва қайтишларида душманга қарши отиш учун Сел тоғидан тошлар келтирардилар. Замбил топа олмаганлар чуқурдан чиқарилган тупроқни этакларида таширди. Муҳтарам пайғамбаримиз ҳам барча қатори чарчагунларича хандақ қазилга қатнашдилар. Буни кўрган Асҳоби киромнинг ғайратига ғайрат қўшилларди ва улар Расулуллоҳга: **“Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Биз ишляпмиз-ку. Сиз ўтириб дам олинг”** дейишларига қарамай: **“Мен ҳам хандақ қазил билан сиз эришаётган савобга шерик бўлишни хоҳлайман”** дея жавоб қилиб, ишида давом қилардилар.

Ўша кунларда ҳаво анчагина совуқ эди. Бунинг устига ўша йили курғоқчилик бўлиб, қаҳатчилик ҳам ҳукм сурарди. Қорин тўйдириш анча мушкул бўлган кунлар эди. Оламларнинг сарвари билан бирга бутун Асҳоби киром очлик чекарди. Ўзларини кучли хис қилиш учун очлик камроқ сезилсин деб, қоринларига сиқиб тош боғлаб, ошқозонларини сиқишга ҳаракат қилишарди.

Оламларга раҳмат қилиб юборилган севгили пайғамбаримиз ўз очлиги ҳақида эмас, балки Асҳобининг бу совуқда очқорин билан ер қазаётганларидан қайғулар ва ичи ачишарди. Шунинг учун: **“Аллоҳим! Охират ҳаётидан бошқа (биз истайдиган) ҳаёт йўқ. Ё Рабби! Ансор ва муҳоржирларни мағфират айлагил!”** дея Асҳоби учун тинмай дуо қилардилар. Улар ҳам ўз навбатида жонларидан ортиқ яхши кўрган Ҳабиби ақрам жанобимизга: **“Ҳаётимизнинг охиригача Аллоҳу таолонинг йўлида, ислом динини ёйиш учун Расулуллоҳга тобе бўлдик”** деб жавоб беришарди. Шундай бир-бирига муносиб муҳаббат очлик ва чанқоқ сингари кўплаб машаққатларни енгиб ўтишга ёрдам берарди.

Хандақ қазил ҳар куни саҳардан бошланиб, то қоронғу тушгунча давом этарди. Бир куни қазил ишлари вақтида Али бин Ҳакам ҳазратларининг оёғи яраланиб, қон ҳеч тўхтамади. Уни жаноби

пайғамбаримизнинг хузурига келтирдилар. Оламларнинг султони :“**Бисмиллохирраҳмонирраҳим**” дея унинг оёғини силагандилар, мўъжиза рўй бериб, шу ондаёқ оғриқ ҳам, қон оқиши ҳам тўхтади.

Хандақ қазиш ишлари давом этарди. Бир маҳал Асҳоби киромнинг бир гуруҳи тошдек метин бўлган ерга дуч келишди. Бу жойда қазиш қуролларининг ҳеч бири иш бермай, хандақнинг бу қисмида ишлар тўхтаб қолди. Расули ақрам бу ерга ташриф буюрдилар. Қаттиқ ерни кўздан кечириб, бир идишда сув келтиришларини сўрадилар. Идишдаги сувдан муборак оғизларига бир ютум олиб, такрор уни идишга тўкдилар. Сўнгра бу сувни ҳалиги тош-метин ерга сепиб юбордилар. Чўкични олиб, бор кучлари билан ерга бир урдилар. Тошдек қотиб ётган ер худди тупрокдек шунчалик майинлашиб кетдики у жойдан ҳам осон қазиладиган ер топилмай қолди. Пайғамбаримиз қулоқ кўтариб чўкич ураётганларида, муборак қоринларига, ҳамма қатори очликни ҳис этмасликка ёрдам бериши учун тош боғлаб олганларига кўпчилик гувоҳ бўлди. Бу ҳолни кўрганлардан бири, Жобир бин Абдуллоҳ ҳазратлари Расулуллоҳнинг хузурига келиб: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ижозат берсангиз, бир уйга бориб келсам” дея руҳсат сўради. Ижозат олганидан кейинги воқеани ҳазрати Жобир шундай ҳикоя қилади:

“Ижозат олиб уйимга келдим. Хонимимга “Биласанми, мен Расул алайҳиссаломни шундай бир оч ҳолда кўрдимки, бунга ҳечам тоқат қила олмаяпман. Уйимизда ейишга арзийдиган бирон нарса борми?” дедим. Аёлим “Ҳовлидаги битта улоқ ва бир неча ҳовуч арпадан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ” деди. Дарҳол улоқни сўйдим. Хонимим арпани қўл тегирмонида ун қилди. Сўнгра хонимим улоқ гўштини кўзага солиб тандирга қўйди ва арпа ундан хамир қилиб, нон ёпди. Мен Расулуллоҳ сарваримизнинг ёнларига бориб: “Ё Расулаллоҳ! Уйимизда озгина овқат тайёрлаган эдик, бир-икки одам бўлиб, биз билан овқат ейишга марҳамат қилсангиз” дедим.

Расулуллоҳ: **“Овқатингиз қанча кишига етади?”** дея марҳамат қилдилар. Мен яна таомнинг озлигини айтдим. Бу жавобимдан Расулуллоҳ: **“Ундай бўлса, у овқат жуда мўл ва баракатли овқат экан. Бор хонимингга айтгин, мен келгунимча тандирдан гўштни ҳам, нонни ҳам чиқармасин”** дея кўрсатма бердилар. Кейин хандақ қазиётган мужоҳидларга қараб: **“Эй хандақ халқи! Келинлар, Жобирнинг зиёфатига борамиз!”**

дея марҳамат қилдилар. Расулulloҳнинг таклифларидан кейин бутун Асҳоби киром пайғамбаримиз орқаларидан эргашиб, уйим томон кела бошлади. Мен ҳаммадан олдин уйимга югуриб келиб, хонимимга Расулulloҳнинг кўрсатмаларини айтиб, вазият мана шундай: “Энди нима қиламиз?” дегандим, у менга: “Расулulloҳ алайҳиссалом егуликнинг миқдорини сўрамадиларми?” деди. Мен: “Ҳа, сўрадилар ва мен овқатимиз қанча одамга етишини айтдим” дедим. Хонимим: “Асҳоби киромни сиз чақирдингизми ёки Расулulloҳ чақирдиларми?” деб сўради ҳайратланиб. “Расулulloҳ чақирдилар” дегандим, “Расул алайҳиссалом, сизу мендан яхшироқ биладилар” дея хонимим менга тасалли берди.

Бироз вақт ўтар-ўтмас, пайғамбаримизнинг нурафшон жамоллари эшигимиз олдида кўринди. Жуда кўпчилик бўлган саҳобийларга: **“Шошилмасдан ичкарига аста-секин кириглар”** дея марҳамат қилдилар... Саҳобий қардошларим ўн кишилик гуруҳлар холида давра куриб ўтирдилар. Набийи муҳтарам, нон ва пиширилган гўштнинг баракасини тилаб дуо қилдилар. Кейин ўз қўллари билан, гўшт пиширилган кўзачани тандирдан чиқармасдан, унинг ичидагиларни чўмич билан олиб, нон устига қўйган ҳолда Асҳобига икром этдилар. Хандақ қазгани келган ҳамма тўйиб бўлгунча овқат ўз қўллари билан сузишда давом этдилар. Қасам ичаманки, ўша кўзачадан овқат еганларнинг сони мингдан кўп эди. Бироқ нон ва гўшт аслида қандай бўлса, худди шу ҳолича бузилмай турарди. Ўша овқатдан биз ўзимиз ҳам еб тўйганимиздан кейин кўни-кўшнилариимизга ҳам тарқатдик.²³⁷

Салмон Форисий ҳазратлари хандақ қазишда маҳоратли эди. Бир ўзи ўн кишининг ишини қиларди. У ўзига ажратилган жойни қазаётганида, ёнидаги дўстлари билан катта оқ қоятошга дуч келдилар. Уни синдиришга анча уриндилар. Лекин барча ҳаракатлари зое кетди. Қазиш қуроллари, болта, чўкич, белкуракларнинг ҳам бир нечтаси синиб кетди. Қоятошни синдириш учун кўп уринишиб, ҳеч нарса қила олмаганларидан кейин ҳазрати Салмон муҳтарам пайғамбаримизнинг ҳузурларига бориб: “Ота-онам ва жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Хандақ қазиётганимизда бир қоя чиқди. Қанча уринмайлик барча асбобларимиз синиб битди. Лекин ҳалиги ҳарсангни озгина бўлсада ўрнидан кўзгатиб бўлмапти” деб арз

237 Бухорий, “Мағозий”, 27-б.; Доримий, “Муқаддима”, 7-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 425-б.

килди. Ҳабиби акрам (соллаллоху алайҳи васаллам) сарваримиз у жойга ташриф буюрдилар ва тошни кўздан кечириб, чўкич келтиришларини сўрадилар. Унга чўкич олиб келиб бердилар. Қанча асбобларини синдириб, тошни қимирлата олмаган Асҳоби киром ҳам нагижа нима бўларкин деган хаёлда Расулulloҳнинг кўлидаги чўкичга қараб туришарди.

Набийларнинг султони, ўша катта тош чиқиб қолган хандак чуқурига тушдилар ва **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим”** дедиларда, чўкични кўтариб тошга шундай урдиларки, бу зарбадан бутун Мадинани ёритиб юборган бир учқун чикди ва қоядан бир бўлак синиб тушди. Расули акрам жанобимиз, **“Аллоҳу акбар”** дея такбир келтирдилар. Бу такбирни эшитган Асҳоб ҳам уни такрорладилар. Шундан кейин иккинчи марта чўкични тошга урдилар. Бу сафар ҳам ҳамма тарафни ёритиб юборган учқун ва қоядан учиб тушган бўлақлар кўринди... Севимли пайғамбаримиз яна **“Аллоҳу акбар!”** дея такбир келтирдилар. Асҳоби киром ҳам бу такбирни такрорлашди. Учинчи марта зарба берганларида яна ён-тараф ёруғ бўлиб, тош парча-парча бўлиб бўлиниб кетди. Тош парчаланиб кетганидан кейин Оламларнинг султони яна **“Аллоҳу акбар”** дея такбир келтирдилар ва шарафли Асҳоби ҳам такбирлар айтиб хурсанд бўлишди.

Сўнгра хандак чуқурида турган Расул алайҳиссаломга ҳазрати Салмон кўл чўзди, севимли пайғамбаримиз чуқурдан юқорига чикдилар. Салмон Форисий: **“Ота-онам, жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Мен ҳозир умримда ҳеч кўрмаган бир нарсага гувоҳ бўлдим. Бунинг ҳикмати нимадир?”** деганди, сарваримиз, Асҳобига юзланиб: **“Салмон кўрганни сизлар ҳам кўрдингизми?”** дея савол қотдилар. Улар дарров: **“Ҳа, ё Расулаллоҳ! Чўкични тошга урганингизда ундан кучли бир чақмоқ чиққанини кўрдик. Сиз такбир келтирганингизда биз ҳам такрорлаб турдик”** дедилар. Пайғамбаримиз эса: **“Биринчи зарбанинг ёруғида Кисронинг (Мадойиндаги) кўшклари менга кўринди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб, “Умматингиз у жойларга эга бўлади”** дея хабар берди. Иккинчи зарбада Рум вилоятининг (Шомнинг) қизил кўшклари кўринди. Жаброил (алайҳиссалом) келиб, **“Умматингиз у диёрга ҳам эга бўлади”** деди. Учинчисида, Санъанинг (Яманнинг) кўшклари кўринди. Жаброил (алайҳиссалом), **“У ерларга ҳам умматингиз молик (хукмдор)**

бўлади” деб хабар қилди” дея марҳамат қилдилар.

Сўнгра коинотнинг султони, Ажам ҳукмдорининг Мадойиндаги саройини таърифладилар. Ҳазрати Салмон эса, ўша ерда туғилиб, ўсган киши эди. Шунинг учун у севимли пайғамбаримизнинг сўзларини тасдиқлаб: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сизни ҳақ дин ва китоб билан юборган Аллоҳу таолога қасам ичиб айтаманки, у ердаги кўшқлар айнан сиз таърифлагандек саройлардир. Сизнинг Аллоҳу таолонинг элчиси эканлигингизга яна бир бор шаҳодат келтираман” деди. Пайғамбаримиз эса: **“Эй Салмон! Шом муҳаққақ фатҳ этилади. Гераклиус эса, ўз мамлакатининг энг узок, кимсасиз жойига қочади. Сизлар Шомнинг барча тарафларига ҳоким бўласиз. Сизларга ҳеч ким, ҳеч қандай куч қарши чиқа олмайди. Яман албатта фатҳ этилади. Ҳалиги саройлари бор “Диёр-и Машрик” ҳам шубҳасиз фатҳ қилинади ва Кисро ўлдирилади. Мен айтаётган фатҳ зафарларини Аллоҳу таоло мендан кейин сизларга насиб этади”** деб марҳамат қилдилар.²³⁸

Салмон Форисий ҳазратлари: “Расулulloҳнинг ўша вақтда башорат қилган хушхабарларнинг барчаси амалга ошганлигини мен ўз кўзим билан кўрдим” дея хабар қилганди.

Душман энди жуда яқинлашиб қолганди. Хандақ қазиши ишлари қизғин давом этарди. Бу улкан ва муҳим ҳарбий қурилишни тезроқ битказиш учун мусулмонлар бор куч ва ғайратларини ишга солиб, мана деярли битиш арафасида турарди. Мужоҳидлар зарур ишлари чиққандагина жаноби пайғамбаримиздан ижозат олиб, қазиш ишини кўйиб, ишларини ҳал қилиб, дарҳол хандақ қазишга қайтиб келардилар.

Мунофиқлар эса, жуда дангасалик билан ҳаракат қилишарди, хоҳласа ишга келиб, хоҳламаса ҳеч кимдан сўрамай ишни ташлаб кетаверишарди. У ҳам етмагандек Асҳобнинг ғайрат билан ишлаётганлари устидан ўзларича калака қиларди. Ҳатто жаноби пайғамбаримизнинг хушхабарларига ҳам шубҳа билан қараб: “Биз, ўзи душмандан кўрқиб, хандақларда жон сақламоқ илинжидамиз-у, У эса, бизга Яман, Рум ва Форснинг сарой-кўшқларини ваъда қилаяпти. Сенларнинг шу ҳолларингга ҳайрат қиламиз!..” дейишарди.

²³⁸ Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 450-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 159-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, III, 482-б.;

Мужоҳидларга аталиб нозил бўлган ояти каримада маолан бундай марҳамат қилинади: **“Аллоҳу таолога ва Расулига (ихлос билан) иймон келтириб, (жиҳод, жиҳодга оид тадбирлар, Жума ва байрам намозларига йиғилганлари сингари) йиғилиб қилинадиган бирон ишда, Унинг (Расулulloҳнинг) бевосита амри остида бўлганларида, Ундан ижозат олмай, ишини ташлаб кетмайдиган кишиларгина ҳақиқий мўминлардир. Шундай экан (Эй Ҳабибим!) Сендан ижозат сўраганлар, Аллоҳу таолога ва Расулига иймон келтирганлардир. Бундай мўминлар баъзи ишлари сабабли сендан ижозат сўраганларида, сен ҳам улардан ижозат беришни маъқул топганларингга ижозат бер ва улар учун Аллоҳу таолодан мағфират тила. Шубҳасизки, Аллоҳу таоло Гафур-ур-Раҳимдир, ниҳоятда кечиримли, ниҳоятда марҳамат этгувчидир.”**²³⁹

Мунофиқларга аталган ояти карималарда эса, маолан мана бундай буюрилади: **“Аллоҳ Расулининг даъватини, ўз ораларингга (баъзан амал қилиб, баъзан амал қилмай) бир-бирларингни даъватсиз деб тутманглар (даъватига дарҳол югуриб боринг ва ижозатсиз ундан ажралманглар)! Ичларингдан, бир-бирларингни паналаб яширинча қочганларингни Аллоҳу таоло билади. Унинг амридан узоқлашиб кетаётганлар, дунёда фитнага, охиратда алам бергувчи азобга дучор бўлишдан сақлансинлар! Эҳтиёт бўлинг! Кўкларда ва ерда нимаики бор бўлса, уларнинг барчаси Аллоҳу таолоникидир. У сизнинг қандай ақидада (мўмин ёки мунофиқ) бўлганлигингизни ва (мунофиқ ва кофирларнинг) ўз хузурига қайтариладиган қиёмат кунини ҳам билади. Аллоҳу таоло уларнинг дунёда қилганларини, уларнинг ўзларига албатта хабар қилади. Аллоҳу таоло ҳамма нарсани билгувчидир.”**²⁴⁰ (Нур, 63-64).

Хандақ қазиш бошланганига ҳам олти кун бўлди. Бу қурилишда вазифа олганларнинг барчаси ўз олдларидаги ишларини лозим бўлган даражада бажаришганди. Фақат хандақнинг бир жойига бу олти кун камлик қилиб, етарлича чуқур ва кенг қазилмай қолганди. Жаноби пайғамбаримиз, бу жой учун ўз мулоҳазасини билдириб: **“Мушриклар, бу ердан бошқа жойдан ўта олмайдилар”** дея марҳамат қилдилар ва бу ерга соқчилар тайинладилар.

239 Нур сураси, 24/62.

240 Нур сураси, 24/63-64.

Мушрик қўшинлари Мадинага жуда яқинлашиб келган бир вақтда, уларнинг ичида бўлган яҳудий Нодирўғилларининг раиси Хуай, Қурайш мушриклари қўмондонига: “Мадинадаги Қурайзо яҳудийлари, мусулмонлар билан тинч-тотув яшашга аҳднома тузганлар. Шунинг учун уларнинг раиси Каъб бин Асадни алдаб, ўз сафимизга қўшиб олишимиз керак” деб фикр билдирди. Қўмондон эса: “Эй Хуай! У ҳолда зудлик билан Каъб бин Асаднинг олдига бор. Улар мусулмонлар билан тузган аҳдномаларини бузсинларда, бизга ёрдамга келсинлар” дея буйруқ берди. Аҳдноманинг бир моддасида эса, “Мадинага бирор душман қўшини бостириб келса, яҳудийлар ҳам мусулмонларга қўшилиб, душманга қарши чиқадилар” деб кўрсатилган эди.

Хуллас, бир кеча яҳудий Хуай мушриклар қўшинидан чиқиб, Бани Қурайзо раиси Каъб бин Асаднинг уйига келди. Унинг эшигини тақиллатиб, ўзини танитиб: “Каъб! Мен Қурайшнинг бутун қўшини ва уларга қўшимча Кинона ва Ғатафонўғиллари каби қабилаларни ҳам жалб қилиб, ўн минг кишилик қўшин келтирдим. Энди Муҳаммад ва Унинг Асҳоби омон қолмайди. Уларни тамоман йўқотмаганимизча, бу ердан ҳеч жойга силжимаслик ҳақида қурайшликлар билан қасамёд қилдик!..” деди. Каъб эса: “Агар Муҳаммад ва Унинг асҳобини ўлдира олишмаса, Қурайш ва Ғатафонликлар юртларига қайтиб кетишади, биз эса бу ерда якка ўзимиз қоламиз. Охирида ҳамманинг ўрнига бунинг жазосини жониимиз билан тўлашга тўғри келади. Мен ана шундан кўрқаман” дея жавоб қилди. Хуай эса унга: “У ҳолда сен, Қурайш ва Ғатафонлардан етмиш кишини гаровга олиб тур. Гаровдагилар сенинг қўлингда турганида қабилadoшлари сени ташлаб кета олмайди. Борди-ю, улар шунга ҳам қарамай кетиб қолса, мана мен сизнинг олдингиздан кетмасликка ваъда бераман. Сизга келадиган фалокат менинг бошимга ҳам келган бўлади” деган сафсаталар билан аввал Каъбни ва ундан сўнгра бошқа яҳудийларни ҳам алдади. Оқибатда шу ёлгон етовида бу яҳудий ўз миллатдошларининг мусулмонлар билан бўлган аҳдномасини бузишга эришди. Шу тариқа яҳудийлар тарафидан яна бир марта аҳднома бузилган бўлди.

Хуай мушрик қўшинига қайтиб келиб, вазиятни уларга тушунтирди. Бани Қурайзонинг мусулмонларга орқа тарафдан ҳужум қилишини айтди.

Хандақ қазиш бошланганининг еттинчи кунига келиб, ўн минг нафарлик мушрик қўшини Мадинанинг ғарб ва шимол тарафига келиб, қароргоҳ қурди. Уларнинг бу қароргоҳлари хандақ қазилган жойдан узоқ эмасди. Мушрикларнинг хомхаёлларига кўра, бундай катта ҳарбий куч билан Мадинани тамоман яқсон қилиб, пайғамбаримизни ва Унинг асҳобини қиличдан ўтказиб, исломиятни тағ-томири билан йўқотиш мумкин эди. Мушриклар бошлаб келган лашкар ҳақиқатан кўринишдан жуда кўп эди.

Шундай мағрур равишда Мадина сари келган мушриклар рўпараларида, тушларига ҳам кирмаган кенг ва чуқур химоя хандағини кўриб, хушлари бошларидан учиб, ўзларини йўқотиб қўя ёзишди. Чунки хандақ чопиб келаётган от ҳатлай олмайдиган кенгликда бўлиб, ичига тушиб кетган одамнинг ёрдамсиз чиқиб олиши мушкил эди. Агар чуқурга тушиб кетган аскар совутли бўлса, унда хандақдан чиқиб олиш деярли имконсиз эди.

Мушриклар етиб келгач севимли пайғамбаримиз, олти кундан буён тинимсиз хандақ қазишда чарчаган Асҳобини дарҳол йиғиб, хандақнинг бу тарафида, Сел тоғининг этакларида ўз қароргоҳини ўрнатди. Мусулмонларнинг орқа тарафида Сел тоғи бўлиб, олдида хандақ ва хандақнинг нариги томонида душман турарди... Бу гал ҳам шаҳарда Ибн-и Умм-и Мактум муҳтарам пайғамбаримизнинг вакили сифатида қолдирилди. Аёллар ва болаларни тош қалъалар ичига яширдилар. Ислом лашкари уч минг атрофида бўлиб, таркибида ўттиз олтита отлиқ суворий бор эди. Байроқларни Зайд бин Хориса ва Саъд бин Убода хазратлари олиб юрадиган бўлди.²⁴¹ Сел тоғининг этагида Расулulloҳга мўлжаллаб теридан чодир ясалди.

Ҳали анча қаҳрамонликлар кўрсатадиган Асҳоб-и киром, диққат билан қаршидаги душманнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиб турарди. Шундай бир пайтда севимли пайғамбаримизниг хузурларига ҳазрати Умарнинг кириб келганлиги кузатилди. У Расулulloҳга: “Ё Расулаллоҳ! Эшитишимча, Қурайзо яҳудийлари орамиздаги аҳдногани бузибди ва орқамиздан хужумга ўтишга ҳозирлик кўраётганмиш” деган хабарни келтирди. Кутилмаган бу хабарга Оламларнинг жаноби: **“Ҳасбуналлоҳу ва неъмал вакил – Аллоҳу таоло бизга кифоядир. У қандай муносиб вакилдир”** деб марҳамат қилдилар. Нохуш хабардан қайғуга ботдилар. Шундай

²⁴¹ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, II, 67-б.

қилиб, Ислом лашкари яна икки душман орасида қолган эди. Яъни шимол ва ғарбда Қурайш мушриклари, жануб ва шарқда яҳудийлар жойлашганди.

Расулulloҳ Зубайр бин Аввом ҳазратларини Бани Қурайзо қалъасига вазиятни билиб келишга юбордилар. Ҳазрат Зубайр бориб, вазиятдан хабардор бўлиб, қайтиб келганларидан кейин пайғамбаримизга: “Ё Расулаллоҳ! Уларни қалъаларини мустаҳкамлаб, ҳарбий машғулотлар ўтказаетган ҳолда топдим. Ундан ташқари, уловларини ҳам саф-саф тизиб, бир нималарга тайёрғалик устидалар” дея маълумот берди. Бу хабардан зарурий хулосалар чиқарган Ҳабиб-и акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Саъд бин Муъаз, Саъд бин Убода, Ҳаввот бин Жубайр, Амр бин Авф, Абдуллоҳ бин Равоҳани Бани Қурайзога (Қурайзо ўғиллари) насиҳат қилиб, ораларидаги аҳдномани янгилаб келишга юбордилар.²⁴²

Қурайзо ўғиллари билан музокаралар олиб бориш вазифасини олган бу бешта саҳобий, уларнинг қалъаларига бориб, насиҳат қилишди. Бироқ насиҳат яҳудийларга қор қилмади. Улар урушга тайёргарликни аллақачон бошлаб қўйишганди. Ниҳоят, улар охириги сўзлари сифатида: “Қариндошларимиз бўлган Нодир ўғилларини юртларидан сургун қилиб, бизнинг бир қанотимизни синдирдинглар. Муҳаммад бизга ким бўлибди! У билан бизнинг орамизда ҳеч қандай келишув йўқ! Пайғамбарларингга ҳаммамиз бир бўлиб хужум қилиб, уни ўлдиришга онд ичдик. Қариндошларимизга суянч бўлиб, уларга албатта ёрдамчи бўламиз!..” деб душманликларини очик-ойдин эълон қилишди.

Саъд бин Муъаз ҳазратлари билан дўстлари, Расулulloҳнинг ҳузурларига қайтиб, яҳудийларнинг қайсарлик қилиб, тўнларини тескари кийиб олганларини айтдилар. Пайғамбаримиз эса: **“Бу хабарни сир сақланг. Бу ҳақда фақат мавзудан хабардор одамлар билангина муҳокама қилинг. Чунки уруш тадбир ва душманни алдашдан иборатдир”** дея буюрдилар.²⁴³

Асҳоб-и киром, хандақ олдида душманга тикилганча муҳтарам пайғамбаримизнинг қандай ҳаракат қилишларини сабрсизлик билан кутаётгандилар. Бироз сўнгра, Коинотнинг султони,

242 Воқидий, “*ал-Мағозий*”, I, 460-б.; Байҳақий, “*Далоил-ун-нубува*”, IV, 8-б.

243 Бухорий, “*Жиход*”, 157-б.; Абу Доъуд, “*Жиход*”, 101-б.; Термизий, “*Жиход*”, 5-б.; Ибни Можа, “*Жиход*”, 28-б.; Аҳмад бин Ханбал, “*ал-Муснад*”, I, 126-б.

кахрамон Асҳобининг ёнига ташриф буюрдилар ва “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!..” дея такбир келтирдилар. Бу такбирни эшитган саҳобийлар, барчаси бир оғиздан такбир айтиб, жаноб-и Ҳакнинг исми шарифи олийлигини кўрсатиб, хандакнинг у тарафидаги кумурсқадек ғимирлаётган кофирларнинг қалбига кўрқув солдилар. Мушриклар, такбир садоларининг бундай жаранглашини эшитиб: “Муҳаммад ва Унинг Асҳобига хушхабар келди, шекилли” деган фикрга бориб яна кайфиятлари тушди.

Пайғамбаримиз дарҳақиқат Асҳобига қарата: “**Эй мусулмон жамоати! Аллоҳу таолонинг фатҳ ва ёрдамига севининглар!**” дея марҳамат қилиб, музаффар бўлишлари ҳақида хушхабар бердилар. Шонли Асҳоб, шу кунгача яна бир неча ҳарбий тўқнашувларни бошдан кечириб, Бадр ва Уҳуддаги ғазовотларга қатнашганди. Сони ва куч-қуроллари ўзларидан бир неча марта кўп бўлган мушрикларни Аллоҳу таолонинг изни ва Расул-и ақрамнинг дуолари баракати билан ер билан яксон этганди. Уларнинг бошларида мавжудотнинг “Бош тожи” турганлигидан, улар урдалай олмайдиган иш, чидай олмайдиган қийинчилик бўлиши мумкин эмасди. Ҳозир ҳам ҳаво совуқ, қаттиқ қурғоқчилик, тинкани қуритувчи очарчилик замони эди... Жаноби пайғамбаримиз билан бирга уларнинг кўпчилиги қоринларига тош боғлаганди. Рўпарада эса, бойлик ва тўқликдан семириб қутурган душман қўшини селдай тошиб турарди... Бироқ шонли Асҳоб назарида душманнинг сони ва дуч келган қийинчиликларнинг аҳамияти йўқ эди. Чунки Аллоҳу таолонинг Ўзи энг олий вакил эди уларга... Унга боғланган, Унга суянгандилар. Ундан умидвор ва Унгагина сиғинардилар.

Қурайшнинг кўзга кўринган қўмондонлари ва Қурайш билан бирга келган бошқа қабилаларнинг раҳбарлари ёппасига ҳужумга ўтишга қарор беришдан олдин, хандакдан ўтиш қулайроқ бўлган жой излай бошладилар. Бунинг учун хандакнинг у бошидан, бу бошигача роса айландилар. Ниҳоят, вақт камлигидан хандакнинг тўла қазиб улгурилмаган бояги жойига келиб, шу ердан ҳужум қилиш дуруст деган қарорга келдилар. Мушрик аскарлари ҳам қўмондонлари орқасидан юриб, бир хандакка, бир унинг нариги тарафидаги Асҳобга қараб ҳайратлари ошиб борарди. Ҳатто: “Қасам ичамизки, бу тадбир арабларга хос усул эмас. Буни уларнинг орасидаги ўша форсий одам тавсия қилган бўлса керак” дейишарди.

Хуллас, қурайшлик мушрикларнинг қўмондонлари, ўз

аскарларига хандакнинг тор жойини кўрсатиб: “Бу ердан ким от хатлатиб қарши тарафга ўта олади” дейиши билан бештаси от суриб илгари чиқди. Булар яккама-якка уруш қилиш учун хандакнинг бу томонига ўтмоқчи эди. Шунинг учун шонли Асҳоб-и киром ва мушрик сафлари ҳаммасининг кўзи ушбу беш отликда эди. Отлиқлар чошиб келиш учун бироз ортга чекинишди. Кейин бирдан хандакнинг ҳалиги чала жойига қараб, отларига қамчи босишди. Катта тезликда чошиб келган бешта от, бир сакрашда хандакдан ошиб ўтишга муваффақ бўлди. Уларга эргашиб яна кўпгина суворийлар ҳам хатлашга уриниб кўрсалар-да, удалай олмай баъзиси чуқурга тушди, баъзиси хандак ёқасида тўхтаб қолди. Бу томонга ўта олганлар ичида Амр бин Абд исмли бир мушрик бўлиб, жуда бақувват одам эди. Бошдан оёқ совутга ўралган бу кимса, жуда баҳайбат кўриниши билан юракларга кўрқинч соларди. Ўша барзанги мужоҳидларга қараб: “Мен билан олишадиган мардларинг бўлса, майдонга чиқсин!..” дея кичқирди.

Бу орада ҳазрати Али муҳтарам пайғамбаримизнинг хузурларига чиқиб: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! У билан мен олишаман” дея олдинга чиқдилар. Эғнида совути ҳам йўқ эди. Севимли пайғамбаримиз ўз совутларини ечиб, ҳазрати Алига кийдирдилар. Ўз қиличларини ҳам унга бердилар. Муборак бошларидан салласини олиб, унинг бошига шахсан ўз қўллари билан ўраб қўйиб: “**Аллоҳим! Бадр ғазосида амакимнинг ўғли Убайда, Уҳуд ғазосида амаким Ҳамза шаҳид бўлдилар. Ёнимда эса, укам ва амакимнинг ўғли Али қолди холос. Сен уни муҳофаза айла ё Раб! Унга ёрдамингни эҳсон эт. Мени ёлғиз қолдирма!**” деб дуо қилдилар.

Шундай қилиб, дуолар ва такбирлар садоси остида пиёда олдинга чиқа бошлаган Аллоҳу таолонинг арслони, от устида худди қоя мисоли савлат тўкиб ўтирган Амр бин Абднинг қаршисида пайдо бўлди. Кўзларидан бошқа ҳамма жойи ёпиқ бўлган Амр, қаршисига чиққан қахрамоннинг кимлигини таний олмади. Шу боис кимлигини сўради. “Мен Али бин Абу Толибман” деган жавоб олганида, Амр: “Эй қардошимнинг ўғли! Отанг менинг дўстим бўларди. Шунинг учун сенинг конингни тўкиш менга ярашмайди. Қаршимга чиқадиган амакиларингдан биронтаси йўқми?” деб гўё унга ачингандай бўлди. Ҳазрати Али эса: “Эй Амр! Валлоҳи, сени ер тишлатишга ҳаммадан кўра ўзим кўпроқ талабгорман. Лекин

яккама-якка олишувда иккала томоннинг тенг вазиятда бўлиши лозим эмасми? Биримиз отда, биримиз пиёда, мардликка ҳам шу ярашадими?..” деб унинг нафсониятига тегди.

Ҳазрати Алининг сўзларидан Амрнинг қони қайнаб, дарҳол отидан ирғиб тушди-да жаҳл билан отининг оёқларини қиличлаб ташлади. Кейин тишларини ғижирлатиб, ҳазрати Али томон юра бошлади. Энди ҳамла қилмоқчи бўлганида, Аллоҳу таолонинг арслони: “Эй Амр! Шошма, эшитишимча, сен курайшлик бирор мард билан яккама-яккага чиққанингда, доимо рақибнинг иккита тилагидан бирини бажаришга қасам ичгансан. Тўғрими?” деб сўради. У: “Ҳа тўғри” деди. Ҳазрати Али: “Ундай бўлса, менинг биринчи истагим, сен Аллоҳу таоло ва Унинг Расулига иймон келтириб мусулмон бўлишингдир!” дея уни иймонга даъват қилди. Мушрик Амр аччиқланиб: “Бу тилагингни қўйиб тур, бу менга ҳозир умуман керак эмас” деди. Ҳазрати Али эса, унга: “Иккинчи тилагим, жангни қўйиб, Маккага қайтиб кетишингдир. Зеро Расул алайҳиссалом душман устидан ғолиб келсалар, сен шу ҳаракатинг билан Унга ёрдам берган бўласан!..” деди. Ғазаби босилмаган Амр: “Бу тилагинг ҳам бемаврид. Чунки мен ўч-интиқом олмагунча, хушбўй нарса суртинмайман деб қасам ичганман. Бошқа тилагинг бўлса, айт” деди ўшқириб. Ҳазрати Али: “Эй Аллоҳу таолонинг душмани! Энди сен билан жанг қилишдан бошқа йўл қолмади!” деб уни жангга чорлади. Ана шундан кейин Амр, ҳазрати Алининг бу сўзлари устидан истехзо билан: “Тўғриси, араб диёрида менинг рўпарамга қилич кўтариб чиқа оладиган бирон мард борлиги ҳеч хаёлимга келмабди. Эй йигитча! Қасам ичаманки, мен сени ўлдиришни хоҳламайман. Зеро, отанг менинг дўстим бўларди. Мен олдимга Абу Бакр, Умардек баҳодирлар чиқишини хоҳлардим” деди. Ҳазрати Али: “Нима бўлганда ҳам мен ушбу майдонга сенинг каллангни олиш учун чиқдим” деди. Амрнинг ғазабдан қони миясига сапчиб, қиличини шундай силтадики, унинг кўтарилиб тушганини кўпчилик илғмай ҳам қолди. Шундай бир шиддатли зарба келишини кутиб турган Аллоҳу таолонинг шери, чаққонлик билан чап бериб, зарбани қалқони билан қарши олди. Лекин Амр бунга ўхшаш қанчадан-қанча қалқонларни бир зарбада иккига бўлганди. Унинг қилич зарбасига ҳар қандай мустаҳкам қалқон ҳам чидаш беролмасди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ҳазрати Алининг қалқони ўртадан иккига ажралди ва қилич бошини тирнаб, бироз яралади.

Навбат хазрати Алига келганида: “Ё Аллоҳ!” деб зулфиқорни Амрнинг бўйнига солди. Ҳазрати Али қилич солиши билан Исло лашкари сафларидан “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” садолари еру-кўкни титратган бўлса, куффор қўшини сафларидан оху-фиғонлар кўтарила бошлади. Ҳа, Набийларнинг султони, мавжудотнинг бош тожи илтижо қилган дуоסי қабул бўлганди. Девдек Амр тупрокқа беланиб, танасидан қон фавворадек отиларкан, калласи дубулғаси билан бирга учиб кетганди. Энг ишонган паҳлавонлари бўлмиш Амрнинг биринчи зарбада-ёқ ер тишлаганини кўрган кофирлар, барча уруш қоидаларини бузиб, тўрттаси бирдан хазрати Алига ёпирилди. Буни кўриб турган Асҳоб-и киром дарҳол у ерга югурдилар. Зубайр бин Аввом, мушриклардан Навфал бин Абдуллоҳни яралаб, уни оти билан бирга хандаққа итариб юборди. Унинг ортидан хандаққа ирғиб тушган хазрати Али, Навфални парчалаб ташлади. Қолган учта отлиқ мушрик, бир амаллаб хандақдан нари ўтиб, қочиб қолди. Шу яккама-якка олишувдан кейин мушрикларнинг бош кўмондони ҳали жанг бошланмасидан умидсизликка тушиб қолди.

Жанг усули маълум бўлган эди. Хандақ юзма-юз туриб олишишга тўсиқ эди. Шундай бўлгач қўшинлар хандақнинг икки томонидан бир-бирини камондан ўқ ёмғирига тутарди. Лекин бу бир-икки енгил жароҳат етказиши ҳисобга олинмаса, вақт йўқотишдан бошқа нарса эмасди. Фақат камонбозлик билан ғалаба қозона олмасликларига кўзи етган мушриклар, хандақнинг ҳар томонидан бир варақайига ҳужум қилиш кераклигига қаноат ҳосил қилиб, тўпаякун ҳужумга ўтди. Ўн минг кишилик катта душман қўшини, хандақни чир айлана қуршаб, селдек ундан ошиб ўтишга уринар, уч минг кишилик Исло лашкари эса, уларга ўқ-тош ёғдириб, хандақдан ўтказмасликка ғайрат қиларди. Шундай қилиб ур-сур билан даҳшатли мужодала бошланиб кетди. Кофирлар тўлқиндек кўпириб келиб, хандақ олдида куймаланиб тўхтарди. Шу заҳоти устларига ислом қўшинлари томонидан тош ва камондан ўқ ёғдирилди. Жанг то кош қорайгунча давом этди.

Кечаси расули ақрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) жаноби-миз, хандақнинг зарур жойларини кўриқлаш учун навбатчилар тайинладилар. Ўзлари ҳам хандақнинг ҳалиги тор жойида кўриқчилик қила бошладилар. Мадинага беш юз кишилик бир гуруҳ юбориб, уларга шаҳар кўчаларида баланд овозда тинмай

такбир айтишларини амр қилдилар. Шу йўсинда яхудийлардан ёки Курайш мушрикларидан келиши мумкин бўлган хавфнинг олди олиниб, аёллар ва болалар ҳимояланарди.

Курайзо яхудийлари Хуай бин Ахтаб исмли одамларини мушрикларга юбориб, кечаси ҳимоясиз қолга Мадина қальасига хужум уюштириш учун улардан икки минг кишилиқ аскар беришларини сўради. Яхудийлар бу қувват билан кечаси ҳимоясиз қолган аёл ва болалар устига бостириб бормоқчи эди. Бирок мужоҳидларнинг шомдан то кун ёришгунча такбир садолари остида шаҳар кўчаларини айланиб юришлари уларнинг қалбига ғулгула солиб кўйганди. Шунинг учун яхудийлар Мадинага киришга ботина олмай, ўз қалбаларига қайтиб, пайт пойлай бошлади. Шунда ҳам вақти-вақти билан майда гуруҳлар ҳолида бориб, хонадон деворларини ошиб тушишга бир неча бор ҳаракат қилишди.

Ўша кечаларнинг бирида Курайзоўғилларининг кўзга кўринган одами Ғаззол, ёнига яна ўн одамлик ҳарбий гуруҳ олиб, пайғамбаримизнинг аммалари София волидамиз яшайдиган кўшккача етиб боришга муваффақ бўлди. Кўшкда фақат аёллар ва болалар бор эди. Уларда ўзларини ҳимоялашга арзийдиган бир дурустроқ қурол ҳам йўқ эди. Яхудийлар аввал кўшкка ўқ отдилар, ундан кейин ичкарига киришга уриндилар. Яхудийлардан бири девор ошиб, ҳовлига тушди. Энди кўшкка кириш учун ён-атрофга аланглаб, эшик, дераза, туйнук қидира бошлади. Бу орада муҳтарам пайғамбаримизнинг қаҳрамон аммалари, уй аҳлига асло овоз чиқармасликларини тайинлаб, пастга тушиб, эшик олдига келди. У ерда эркакларга ўхшаб кийиниб олди. Қўлига бир узун таёқ олиб, белига бир ҳанжар тақди. Секингина эшикни очди-да, ҳовлига кирган яхудийнинг орқасидан бориб, қўлидаги таёқ билан унинг бошига қаттиқ урди. Яхудий хушидан кетди. Вақтни бой бермасдан ҳазрати София яхудийни ҳанжарлаб, калласини чопиб, ҳовлига ўқ отаётган шерикларига қараб улоқтирди. Оёқлари тагига ичкаридан кесилган бош келиб тушганини кўрган яхудийларнинг кўрқувдан ўтакаси ёрилаёзди. Ҳаммаси дарров қочиб қолди. Йўлда бир-бирларига: “Бу нимаси... Бизга мусулмонлар шаҳарда эркак зоти қолдирмай, ҳаммани урушга олиб кетган дейишгандику...” деб, гапириб кетишди.

Эрта тонгдан жанг яна кечагидек шиддат билан давом этди. Ҳар икки томондан ўқлар тинмай отиларди. Оламларнинг жаноби

(соллаллоху алайхи васаллам) шонли Асҳобиға: **“Борлигим қудрат қўлида бўлган Аллоху таолоға қасамки, биз дучор бўлаётган қийинчиликлар, муҳаққак кетказилади ва сизлар фароғатликка чиқариласиз”** дея марҳамат қилиб, уларға сабрни тавсия этдилар ва зафар албатта ишонганлар тарафида бўлиши ҳақида хушхабар бердилар. Бундай хушхабарни эшитган қаҳрамон саҳобийлар, очлик, чанқоқлик каби қийинчиликларни унутиб, жон-жаҳдлари билан олдинга интилдилар. Хандакдан бирорта мушрикнинг ўтишига йўл қўймадилар. Асҳоби киромнинг обрўлиларидан бири Саъд бин Муъаз ҳазратлари қаҳрамонларча жанг қиларди. Аммо жанг асносида қўлига Ҳиббон бин Қаис бин Арака деган мушрик отган ўқ тегиб, яраланди. Ўқ, артерияға текканди. Шу сабабдан жуда кўп қон йўқотди. Ҳазрати Саъд атрофидаги дўстлари ундан оқаетган қонни тўхтатишға жиддий киришганларидан, вазиятни тушуниб: “Ё Рабби! Қурайш урушни давом эттирадиган бўлса, менға умр эҳсон айла. Чунки менға, Сенинг Расулингға азият берган, Уни ярадор қилган бу мушрик тоифаси билан жанг қилиш хушёққанидек бошқа ҳеч нарса хушёқмаган. Агар орамиздаги уруш охираётган бўлса, мени шаҳидлик мартабасиға кўтар. Бирок Бани Қурайзонинг оқибатини кўрмасдан руҳимни олма” деб дуо қилди.

Асҳоби киромнинг ичида худди жанг қилаётгандек кўринаётган Абдуллоҳ бин Убай сингари мунофиқлар эса, номиғагина қилич силтаб, жангнинг олдинги қаторларига ҳеч яқинлашмасди. У ҳам етмагандек, мужоҳидларнинг асабини бузиш учун қўлларидан келганини қиларди: “Муҳаммад кечагина сизға Қайсар ва Ҳусравнинг хазиначарини ваъда қилаётганди. Бугун эса, мана хандақ ортида қамалиб ўтирибмиз. Қўрққанимиздан ҳожатға ҳам бора олмаяпмиз. Аллоҳ ва Расули, бизни алдашдан бошқа нарса қилаётгани йўқ...” дейишиб фитна чиқаришға уринарди. Бу мунофиқлар вазият оғирлашган пайтларда, уйларига душман ҳужум қилганини баҳона қилиб, қўриқлаш керак бўлган жойларни ташлаб кетиб қоларди. Бундай хоинона ҳаракатлари ҳам дард устиға дард, ташвиш устиға ташвиш эди.

Мушрик қўшини тезроқ мусулмонлар устидан узил-кесил галаба қозониш учун ҳужумға бор кучларини сарфларди. Лекин шонли, шарафли саҳобийларнинг мудофаалари қаршисида барча ҳаракатлари зое кетарди. Уларнинг асосий кучларини солиб,

ха деб ўтишга уринаётган жойлари хандақнинг ўша тор, ўтиш енгил бўлган жойи эди. Муҳтарам пайғамбаримиз ҳам ўша жойда мудофаага туриб, Асҳобини шиддатли жангга ташвиқ қилардилар. Пайғамбаримиз билан битта сафда душманга қарши жанг қилишдек улуғ мартабага, улуғ шарафга эришиш иштиёқида ёнаётган Асҳоби киром, жанг майдонида кўз кўриб, кулоқ эшитмаган қаҳрамонликлар кўрсатишарди. Бир пайт мушриклар мусулмонлар устига шиддатли равишда ўқ ёғдира бошлади. Ўқотарлар бир бўлиб Коинот султонининг чодирларини нишонга оларди.

Пайғамбаримизнинг эғнида совут, муборак бошларида дубулгалари бор эди. Чодирнинг олдида тик туриб, жангнинг боришига қараб, Асҳобига амрлар берардилар. Мушриклар кўзларига заифроқ кўринган жойга бирдан тўп бўлиб ҳужумга ўтишарди, муборак саҳобийлар пистирмалардан у ерга югуриб бориб, душманни тумтарақай қилгунларича жанг қилишарди. Жанг шундай шиддат билан давом этардики, саҳобийлар ҳатто ёнверига қарашга ҳам имкон тополмасди. Бу кун ҳам эрталабдан бошланган жанг кечкурун қоронғи тушгунича давом этди. Намоз вақти кирган чоғларда шонли саҳобийлар: “Ё Расулаллоҳ! Намозларимизни ўқимадик” дейишарди, Оламларнинг жаноби ҳам, **“Валлоҳи мен ҳам ўқий олмадим”** дея марҳамат қилардилар. Хуфтонгача кўз очирмаган мушрикларни, энг сўнггида шиддат билан орқага чекинтириб ташлашди. Бу сафарги зарбадан ўзларини ўнглаб ололмаган Қурайш ва Ғатафон мушриклари, қайта жангга кирмай қароргоҳларига чекинди. Шундан кейин мужоҳидлар ҳам пайғамбаримизнинг чодирига қараб юрдилар. Ана ўша вақт, оламларга раҳмат қилиб юборилган Фаҳри олам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) баддуо қилиш одати шарифларидан бўлмаса ҳам, намозлари қазо бўлгани учун чидай олмай: **“Улар, бизни кечгача қандай қилиб намозимизга тўсқинлик қилган бўлса, Аллоҳу таоло уларнинг уйларига, қоринларига ва қабрларига олов тўлдирсин”** дея мушрикларга баддуо қилдилар. Қазога қолган пешин, аср ва шом намозларини ўқиганларидан кейин хуфтонни ҳам ўқиб олдилар.

Мушриклар жангнинг бориши бугунгидек давом этса, мусулмонларни кундуз кунни енга олмасликларига кўзлари етди. Улар учун ягона чора кечаси босқинлар уюштириш эди. Уларнинг хомхаёлларига кўра, мусулмонлар фақат шундай

ҳолдагина энгилишлари мумкин эди. Мушриклар зафар келтиришига ишонган бу қарорларини дарҳол амалда татбиқ қилиб, Қурайзо яҳудийлари билан биргаликда кечалари босқин уюштира бошлашди. Аскарларини гуруҳларга ажратиб, навбат билан ҳужум қила бошлашди. Бу ҳолат бир неча кун давом этди. Муҳтарам пайғамбаримиз бошчилигида қаҳрамон Асҳоби киром, оч, уйқусиз, ўта ҳорғин бўлишларига қарамасдан мудофаада жуда маҳкам турдилар, биронта душман аскарини хандақдан бу тарафга ўтказмадилар. Жонлари эвазига амалга оширилаётган бу мудофаа, бунгача бўлиб ўтган барча ғазолардан ҳам кўрқинчли, шиддатли, азиятли ва заҳматли кечарди.

Бир неча кундан буён жанг қилаётган мушриклар орасида ҳам озик-овқат танглиги кўзга ташлана бошлади. От ва туялари ейишга бир тутам ўт топа олмай очидан ўла бошлаганди. Шу сабабдан мушрикларнинг қўмондони, Дирор бин Ҳаттоб бошчилигида бир гуруҳни озик-овқат келтириш учун Қурайзо яҳудийларига жўнатди. Кофирларга борини фидо қилишга тайёр бўлган яҳудийлар, тезда йигирма туяга бугдой-арпа, хурмо ва ҳайвонлар учун сомон юклаб, мушрикларга топширишди. Дирор аскарлари билан хурсанд бўлиб, қўшинлари ёнига қайтаётганида, Кубо яқинларида уларнинг қаршисидан бир гуруҳ саҳобий чиқиб қолди. Қаҳрамон Асҳоб дарҳол ҳужумга ўтди. Қизғин қонли жангдан кейин мушриклар қочиб қолишди. Уларнинг озик-овқат юкланган туяларини саҳобийлар олиб келиб, жаноби пайғамбаримизга таслим қилдилар ва кўп дуога муяссар бўлдилар.

Мудофаанинг бошланганига ҳам бир ойга яқинлашиб қолганди. Коинотнинг султони (соллаллоҳу алайҳи васаллам) сурункали жангу-жадалда жуда қийин аҳволда қолган қаҳрамон Асҳобига ачиниб, уларга оталаридан ҳам кўпроқ меҳрибончилик кўрсатардилар. Шонли Асҳоби кўрсатаётган, инсон имконидан ташқарида бўлган ғайратлари учун муборак пешонасини тупроққа қўйиб, улар ҳақида Аллоҳу таолога шундай ёлворардилар: **“Эй қийинчиликда қолганларга мадад берувчи! Эй муҳтож ва чорасизларнинг дуоларини қабул қилгувчи Аллоҳим! Менинг ва Асҳобимнинг аҳволини кўриб турибсан ва биласан. Ё Рабби! Куффорни мағлуб қил, уларни ўзаро келишмовчиликларга дучор эт ва уларга қарши бизга нусрат ато қил, зафар эҳсон айла!..”**

Севимли пайғамбаримиз, ўзининг бу дуосини сўнгги кунларда тез-тез такрорлайдиган бўлгандилар.

Мушриқлар қаҳатчилик боис бошларига тушган қийинчиликлар туфайли мусулмонларни тезроқ йўқ қилиш учун бор кучларини сарфлаётган эди. Мана шундай ола-тўполон бўлиб ётган кечаларнинг бирида, Аллоҳу таолонинг инояти билан қалбига ислом муҳаббати тушган мушриқ қўшинидан бир киши, жаноби пайғамбаримизнинг хузурига етиб келди. Бу одам Ғатафон қабиласидан бўлиб, исми Нуъайм бин Масъуд эди. У пайғамбаримизга: “Ё Расулаллоҳ! Мен, Аллоҳу таолонинг ягоналигини ва сиз Унинг ҳақ пайғамбари эканлигини тасдиқлаш учун хузурингизга келдим. Ҳамд бўлсинки, мен мусулмон бўлиш шарафига эришдим. Бугунгача сизга қарши бўлдим. Бундан буён эса, кофирларга қарши курашаман. Менга қандай амрингиз бўлса, бажаришга тайёрман! Ё Расулаллоҳ! Менинг мусулмон бўлганлигимни ҳали қабилам билмайди” деди. Расули ақрам жанобимиз: **“Сен бу куффор халқи орасида ўзаро низо чиқара оласанми?”** дея марҳамат қилдилар. У эса: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таолонинг ёрдами билан бу ишни бажариб, уларнинг орасини буза олишим мумкин. Мен уларга ҳар қандай сўзларни сўзлашимга рухсат борми?” деб сўради. Расулаллоҳ: **“Уруш ҳийладир, ўзингга маъқул бўлганини сўзлай оласан”** дея марҳамат қилдилар.

Нуайм бин Масъуд ҳазратлари, аввал Қурайзо яҳудийлари олдида бориб, уларга: “Менинг сизга бўлган ҳурматимни яхши биласиз. Лекин ҳозир гаплашадиганларимиз орамизда қолиши лозим. Бу ҳақда шу ерда бўлганлардан бошқа ҳеч ким хабардор бўлмаслиги лозим” дея шарт қўйди. Яҳудийлар: “Биздан бошқа ҳеч ким бундан хабар топмайди” деб қасам ичдилар. Шундан кейин ҳазрати Нуайм: “Мана бу одамнинг (пайғамбаримизнинг) иши бошга бир бало бўлди. У Нодир ва Қайнуқо ўғилларига нималар қилмади, буни сиз яхши биласиз. Уларни юртларидан, уйларидадан ҳайдаб чиқаришганини ҳаммангиз кўриб турдингиз. Мана ҳозир эса, қурайшлиқлар ва ғатафонлар келишиб, мусулмонлар билан жанг қилишмоқда, сизлар эса, уларга ёрдам беряпсиз. Қанча кунлардан буён тинмай жанг қиламиз, бироқ ҳеч қандай натижага эриша олмадик. Ишлар шундай давом этса, қамал узоқ вақтга чўзиладиганга ўхшайди. Қурайш ва ғатафонликларнинг молу-мулклари, уй-жойлари, оилалари сизларникидек бу ерда эмас.

Олдимиздаги урушда омад кулиб бокиб, улар ғолиб чиксалар, ғаниматларни оладилар-да, юртларига жўнаб қолишади. Агар мағлуб бўлсалар тирик қолганлари сизларни мусулмонларнинг олдида якка қолдириб, орқаларига қайтиб кетаверишади. Ваҳоланки, сизнинг Муҳаммадга қарши чиқа оладиган куч-қувватингиз йўқ. Урушнинг бугунги аҳволи эса, мусулмонлар ғалаба қозонишини кўрсатиб турибди. Масалалар мен тахмин қилаётган натижа билан яқунланса, мусулмонлар сизларни тирик қўймайди. Шунинг учун тезда бир тадбир олишимиз зарур!..” дея куйиниб гапиргандай бўлди.²⁴⁴

Ҳазрати Нуаймнинг бу сўзларини яхудийлар ҳаяжон ва қўрқув билан тингладилар. Яхудийлар, ўзлари ҳақида шунчалик жон куйдираётган ҳазрати Нуаймдан мамнун бўлиб: “Сен бизга дўстлигингни лойиғи билан билдирдинг. Энди бизга қандай тадбирлар олишимиз лозимлиги ҳақида ҳам ўз маслаҳатингни аяма” дейишиб, ундан ёрдам сўрадилар. Шундай бўлишини кутган ҳазрати Нуайм бин Масъуд: “Энг тўғриси Қурайш ва Ғатафонликлардан бир неча бообрў кишиларни гаровга олмагунча мусулмонлар билан асло урушга киришмайсиз! Токи уларнинг одамлари қўлингизда гаровда экан, улар урушдан қочиб кета олмайди” деб маслаҳат берди. Яхудийлар бунинг жуда пухта тадбир ҳисоблаб, дарров қабул қилдилар. Ҳазрати Нуайм бин Масъудга ташаккурларини айтиб, иззат-икромда бўлишди.

Ҳазрати Нуайм, яхудийлар олдидан чиқиб, тўғри Қурайш қароргоҳига етиб борди. Уларнинг қўмондонларига: “Сиз, менинг Муҳаммадга душманлигимни ва сизни қанчалик ҳурмат қилишимни биласиз. Шу сабабдан мен биладиган баъзи маълумотларни дўстлигимиз ҳурмати сизга хабар беришни ўзимга бурч деб ҳисобладим. Фақат айтмоқчи бўлганларимни сиздан бошқа ҳеч ким эшитмаслиги ҳақида менга ваъда беришингиз керак” деди. Улар қасам ичиб, хавотир билан: “Гапир, кулоғимиз сенда” дейишди. “Хабарингиз бўлсинки, Қурайзо яхудийлари сизлар билан иттифоқ қилганидан пушаймон бўлиб, бу ҳақда Муҳаммадга чопар юборибди. Хабарларида: “Қурайш ва Ғатафоннинг кўзга кўринган, обрўли кишиларини гаровга олиб, уларни сенга топширамыз. Кейин, биргаликда уларни бутунлай

²⁴⁴ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 228-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 481-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, III, 433-б.; Каттоний, “ат-Таротийб-ул-идорийя”, I, 543-б.

тор-мор қилгунча жанг қилишга ваъда берамиз! Фақат бир шартимиз бор, қариндошларимиз Нодирўғилларини авф этиб, уларнинг юртларини ўзларига берасан” дея ёзибдилар. Муҳаммад ҳам яҳудийларнинг бу таклифини қабул қилибди. Агар яҳудийлар сиздан гаровга одам сўрасалар, уни асло қабул қилманглар, гаровга берилганларнинг ҳаммасини ўлдиришади. Бу сўзларимни ҳеч ким билмаслиги шарт...” деди. Бу хабарни жуда жиддий ва муҳим деб қабул қилган Қурайш қўмондони, унга кўп раҳматлар айтиб, совғасалом улашди.

Нуайм бин Масъуд ҳазратлари, у ердан чиқиб, тўғри Ғатафонликларга борди. Уларга ҳам юқоридаги гапларни айтди.

Ҳазрати Нуаймнинг хабаридан бир кун ўтиб, Қурайш қўмондони Қурайзо ўғиллари яҳудийларига чопар юбориб: “Бу ерда ўтган ҳар бир кунимиз бизга кўп ташвишлар келтирмоқда. Зеро ҳаво совуқ, уловларимиз очликдан ўла бошлади. Шу боис яхшигина тайёргарлик кўриб, бугун кечаси бор кучимиз билан биргалашиб ҳал қилувчи ҳужумга ўтамиз. Сизлар ҳам шу ҳужумга шай бўлиб туринглар” деган таклифини билдирди. Яҳудийлар эса, Қурайш қўмондонига: “Биринчидан, биз шанба куни уруш қилмаймиз. Иккинчидан, сизлар билан бирга урушга киришимиз учун бизга бир неча обрўли одамларингизни гаровга беришларинг лозим бўлади. Чунки қамал узоққа чўзилиб ва сиз енгилиб ўлкангизга қайтиб кетсангиз, бизни Муҳаммад олдида ёлғиз ташлаб кетган бўласиз. Агар одамларингиз бизда гаровда турса, бизни хавфда қолдирмаган бўласиз...” деб жавоб қилдилар. Бундай жавобни олган Қурайш қўмондони: “Нуайм бин Масъуднинг айтганлари тўғри чиқаяпти” деган фикрга келиб, яҳудийларга такрор хабар жўнатиб: “Биз гаровга битта одам ҳам бермаймиз. Агар эртага келиб, бизга қўшилиб бирга урушга кирсанглар, яхши бўлади, келмасанглар ўзларингдан кўринглар, биз юртимизга кетамиз. Сизлар эса, Муҳаммад ва Унинг Асҳоби билан яккама-якка қоласизлар!...” деган сўзларни етказди. Бу хабарни олган яҳудийлар ҳам, ҳазрати Нуаймнинг хабари тўғри чиққанлигига ишонч ҳосил қилиб: “Ундай бўлса, биз ҳам сизларга қўшилиб, мусулмонларга қарши урушга киришдан бош тортамиз...” деб жавоб қилишди. Шу билан ҳар иккала тарафнинг кўнгилларига шубҳа тушиб, вазиятдан хавсирай бошладилар.²⁴⁵

Бу пайтда жаноби пайғамбаримиз ҳузурига Жаброил

²⁴⁵ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 228-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 481-б.; Сухайлий, “Раъул-унуф”, III, 433-б.

алайҳиссалом ташриф буюриб, Аллоҳу таолонинг мушрикларни бўрон орқали пароканда қилиши ҳақида хушхабар келтирди. Бу хушхабардан севинган Сарвари олам, муборак тиззалари билан ўтириб, муборак қўлларини осмонга очиб: **“Аллоҳим! Менга ва Асҳобимга раҳм қилганинг учун сенга шукр этаман”** дея Аллоҳу таолога ўз шукроналарини арз этдилар.

Ўша куни кечаси, шанба оқшоми эди. Кечаси шундай бир қоронғилик чўкдики, одам бир-бирини таний олмайдиган даражада эди. Қаттиқ аёз бўлиб, унинг орқасидан шиддатли шамол эса бошлади. Ўша кечанинг қандай ўтганлигини, Ҳузайфа ибну Яманий ҳазратлари куйидагича ҳикоя қилганлар:

“Ўша кеча атрофга шундай бир зулмат тушдики, биз бунгача ҳеч ундай қоронғиликни кўрмагандик. Кечанинг ўта қоронғи бўлиши билан бирга момоқалдирокдек овоз чиқариб, ниҳоятда қўрқинчли шамол ҳам эса бошлаганди. Шу орада мушриклар қўшини орасида ваҳима ва қўрқув пайдо бўлиб, ўзаро келишмовчиликлар бошлангани ҳақида жаноби пайғамбаримиз бизга хабар бердилар. Биз эса, қаттиқ совуқ, очлик ва кечанинг даҳшатидан оёқда тура олмай, устимизга бирор нарсаларни ўраб олиб, қаерда бўлган бўлсак ўша жойдан жилмасдан кутиб ўтирардик.

Расулulloҳ намозга турдилар ва кечанинг бироз қисмини намоз ўқиш билан ўтказганларидан кейин бизга қараб марҳамат қилдилар: **“Эй Асҳобим! Ораларингизда мушрик қўшинига ўтиб, улардаги вазиятни билиб келадиган биронта киши борми? Шундай ишни бажарган кишининг Жаннатда менга дўст бўлишини Аллоҳу таолодан тилайман.”** У ерда бўлганлар, қаттиқ совуқ ва очликдан ярим жон бўлиб ўтирганлари сабабли ҳеч ким оёққа туролмади. Ундан кейин Расулulloҳ менинг ёнимга келдилар. Мен ҳам совуқ ва очликдан чўккалаб, титраб-қақшаб ўтирардим. Расулulloҳ жанобимиз, менга туртиниб: **“Сен кимсан?”** дея марҳамат қилдилар. “Мен Ҳузайфаман, ё Расулalloҳ!” дедим. Расулulloҳ: **“Бор, ўша қавм нималар қиляпти, уларга бир қараб кел! Менинг олдимга қайтиб келгунингча, уларга ўк, тош отма, қилич ва найза ишлатма. Ёнимга қайтиб келгунингча совуқ ёки иссиқдан зарар кўрмайсан. Сени асир тушириб, исканжа ҳам бера олмайдилар”** дея марҳамат қилдилар.

Ниҳоят мен қиличимни ва ёйимни олдим, йўлга тушишга ҳозирландим. Расулulloҳ мени йўлга кузата туриб: **“Аллоҳим, уни**

олди-орқасидан, ўнгу-сўлидан ва усти-остидан муҳофаза қил!”
дея менга дуо қилдилар.

Хуллас, мен мушриклар томонга қараб юра бошладим. Мен ўзимни худди ҳаммомда юргандек ҳис қилардим. Валлоҳи, умуман кўрқиш, титраш, баданимнинг жимирлаши каби сезгилар батамом йўқолганди. Ниҳоят мушрикларнинг қароргоҳига етиб олдим. Уларнинг қўмондонлари ва обрўли кишилари бир панага кириб олиб, ўт ёқиб, исиниб ўтиришарди. Уларнинг орасидаги Абу Суфён эса: “Бу ердан кетиш керак” дерди. Шунда хаёлимга уни дарҳол ўлдириш фикри келди. Ўқдонимдан ўқ чиқариб, ёйимга ўрнатдим. Гулхан ёруғидан фойдаланиб, уни отмоқчи бўлдим. Энди отмоқчи бўлганимда, Расулulloҳнинг: **“Менинг ёнимга қайтиб келгунигча ҳеч бир ортиқча ҳаракат қилмайсан”** деган буйруқларини хотирладим ва уни ўлдиришдан воз кечдим. Шундан кейин ўзимда қувватли жасорат ҳис қилдим. Ҳеч ўйланмасдан мушрикларнинг орасига суқилиб, гулханнинг ёнигача бориб, ўтириб олдим. Шу кунгача ҳеч ким кўрмаган шиддатли шамол ва Аллоҳу таолонинг кўзга кўринмас лашкарлари (малаклар), уларга нима қилиниши лозим бўлса, бажаришайтганди. Шамолнинг зўрлигидан уларнинг қозон-товоклари тўнкарилиб, оловлари ва чироклари ўчиб, чодирлари устларига кулаб тушайтганди. Бир вақт, мушрик қўшинининг қўмондони ўрнидан туриб: “Орангизда жосуслар бўлиши мумкин. Диққатли бўлинглар. Ҳар бир киши ўз ёнидагининг кимлигини билсин! Ҳамма ёнидагиларнинг қўлидан ушлаб олсин” деб қолди. Абу Суфён ўзлари ёнига бир бегона кишининг келганини сезгандек кўринди. Мен ҳам дарҳол икки тарафимда ўтирганлардан аввалроқ уларнинг қўлларини ушладим-да, уларнинг исмларини сўрадим. Бу билан мендан исм сўрашларининг олдини олдим.

Ниҳоят, Абу Суфён қўшинига қараб, шундай хитоб қилди: “Эй қурайшликлар! Сизлар хотиржам ўтирадиган жойда эмассиз. Кўраяпсиз, отлар, туялар ўла бошлади. Очлик ҳар томонлама бизни қуршовига олапти. Мана бу шамолдан бошимизга келаётганини ҳам кўриб турибсиз. Дарҳол кўчларинингизни йиғиштириб, кетинглар! Мен кетаяпман” деди-ю, туясига минди. Мушрик қўшини шоша-пиша тўпланиб, устларига қум ва шағал ёғиб турган ҳолда²⁴⁶ Маккага қараб йўлга тушди.

246 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 489-б.

Мушрик кўшини йўлга равона бўлганидан кейин мен ҳам секин Расулulloҳнинг олдларига қараб юра бошладим. Йўлнинг яримларига боргандим, олдидан йигирма чоғли оқ саллали суворийлар (малаклар) чиқди. Улар менга: **“Расулulloҳга хабар бер. Аллоҳу таоло душманни битирди, сарсон қилди...”** деди. Расулulloҳнинг ҳузурларига келганимда, У зот бир гиламча устида намоз ўқиб турган эканлар. Лекин бу ерга етиб келишим билан менда мушриklarга боришдан олдинги совқотиш ва титраш холи такрор бошланди. Расулulloҳ намоздан кейин, мандан қандай хабар келтирганим ҳақида сўрадилар. Мен қўрганларимни, мушриklarнинг сарсон бўлиб, шоша-пиша жўнаб кетганларини гапириб бердим. Расулulloҳ бу янгиликлардан жуда мамнун бўлдилар ва кулимсираб кўйдилар. Бир неча кунлардан буён уйқусиз эдик. Пайғамбаримиз, мени ҳам ёнларига олдилар-да, устидаги гиламнинг бир учини менинг устимга ҳам ёпдилар. Ўша кечаси, ана шундай тонг оттирдик. Саҳар вақти Расулulloҳ мени уйғотдилар. Тонгда мушрик кўшинидан асар ҳам қолмаганди. Улар то Маккага боргунча олдиларидан шиддатли шамол эсиб ва ортларидан тинмай такбир овозлари эшитилиб турган экан.

Қурайш мушриklари ўз қароргоҳларини ташлаб, қочиб қолганларидан кейин уларга эргашиб келган бошқа мушрик қабилалари ҳам Мадина атрофини тарк этиб, жуфтакни ростлаб қолишди. Уларни унутиб бўлмайдиган шармандали мағлубиятнинг алами ўртарди. Улар шундай пароканда бўлаётган пайтда, Коинот султони (саллalloҳу алайҳи васаллам) ва Уларнинг шонли Асҳоби (родиаллоҳу анҳум) Аллоҳу таолога шукр саждасига эгилиб, ҳамду-санолар келтириб, шукроналарини арз этмокда эди. Ниҳоят, мужоҳидлар “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!...” деган садолар остида нурли Мадинага қараб йўлга тушдилар. Мадина кўчалари бирданига болалар билан тўлиб кетганди, улар Коинот султонини ва муборак оталари, амакилари, тоғалари, акаларини кутиб олишга чиқишганди. Муҳтарам пайғамбаримиз уларнинг бундай интизорликларига табассумлари билан муқобала қилдилар...

Хандақ мудофаасида олти киши шаҳид берилди... Бу ғазо ҳақида Аллоҳу таоло оят-и карималар нозил қилди. Уларда маолан бундай дейилди: **“Аллоҳу таоло кофирларни (яъни фирқаларни) хафа ҳолларида ортга қайтарди. Улар бирон яхшилик – фойдага эришмади. Аллоҳу таоло мўминларга жанг борасида кифоя**

қилди (яъни осмондан фаришталар ва шамол юбориб, мўминларни жангсиз ғолиб қилди) **Аллоҳ куч ва қудрат соҳиби зотдир.**²⁴⁷

“Эй иймон келтирганлар! Аллоҳу таолонинг сизга берган неъматларини хотирланг. Эсингиздами (Хандақ жангида) сизга қўшинлар ҳужум қилганди, уларнинг устига шамол ва сиз кўра олмайдиган (малаклардан) лашкарлар юборгандик...”²⁴⁸

Хандақ урушидан кейин сеvimли пайғамбаримиз **“Энди навбат сизда эй мусулмонлар. Бундан буён Қурайш сизнинг устингизга бостириб кела олмайди”** дея марҳамат қилдилар.

Бани Қурайзо ғазоси

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Хандақ жангидан Мадинага қайтиб, тўғри ҳазрати Оиша волидамизнинг уйига келдилар. Қуролларини чиқариб, совутини ечдилар. Муборак баданлари шамолда чанг-тўзанга қорилганди, ечиниб ювиндилар. Шу пайтда олдларига ҳазрати Дихя сувратида совутли-қуролли ҳолда бир суворий келди. У Жаброил алайҳиссалом эди. Пайғамбаримизнинг олдига бориб: **“Эй Аллоҳу таолонинг Расули! Жаноби Ҳақ, вақтни бой бермай, Қурайзо ўғилларининг устига юриш бошлашингизни буюрди”** дея амри илоҳийни етказди. Коинотнинг султони, ҳазрати Билолни ҳузурларига чакириб, унга **“Асҳоби киромга “Эй Асҳобим! Туринглар, оту-туяларингга мининглар! Амрга итоат қилганлар, аср намозини Қурайзо ўғиллари юртида ўқисинлар!”** деган амримни эълон қил” деб буюрдилар.

Ҳабиби акрам ўзлари ҳам дарҳол совутларини кийиб, қилчларини тақиб олдилар. Муборак бошларига дубулғасини кийиб, қалқонларини елкага осиб, найзаларини қўлга олдилар. Сўнгра отга миндилар. Асҳоби орасига кириб, ҳазрати Алига ислом байроғини бериб, олдинда кетувчи (йўл бошқарувчи) кучлар сифатида Қурайзо яҳудийларининг қалъасига жўнатдилар. Ҳар доимгидек, Абдуллоҳ ибни Умми Мактумни Мадинада вакил қолдиришди.²⁴⁹

Шонли Асҳоб, сеvimли пайғамбаримизни ўрталарига олиб

247 Аҳзоб сураси, 33/25.

248 Аҳзоб сураси, 33/9.

249 Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 234-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 497-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 74-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 436-б.

“Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!..” деган такбир садоси остида Мадинадан Бани Қурайзо қалъаси томон йўлга чиқди. Йўлда Ғанимўғиллари билан учрашдилар. Улар қуролланиб, Расулulloҳни кутаётганди. Пайғамбаримиз улардан: **“Сизга бирор киши дуч келдими?”** деб сўрадилар. Улар: “Ё Расулаллоҳ! Биз Дихя-и Калбийни кўрдик. У эгарланган оқ хачирга миниб олганди. Хачирнинг устида ипак ёпинғич бор эди” дея жавоб беришди. Пайғамбаримиз уларга: **“У Жаброил эди. Қурайзо ўғилларининг қалъаларини бузиш ва уларнинг кўнгилларига кўркув солиш учун Жаброил алайҳиссалом ҳам Бани Қурайзога юборилди”** дея марҳамат қилдилар. Қурайзо яҳудийлари қалъасига етганларида ислом лашкарининг сони уч мингдан ошиб кетди.

Ҳазрати Али Ислом байроғини Қурайзо яҳудийлари қалъасининг олдига тикди. Бу ҳолни кузатиб турган яҳудийлар пайғамбаримиз ҳақида нолайиқ сўзлар айтишдан тийилмадилар. Ҳазрати Али келиб, пайғамбаримизни вазиятдан хабардор этди. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) уч минг кишилик лашкари билан ташриф буюрганларидан кейин, раҳмдилликлари туфайли уларни ҳақ динга даъват қилдилар. Яҳудийлар эса, бундай инсофли таклифни қабул қилмасликни маъқул кўришди. Шунда пайғамбаримиз: **“Ундай бўлса, Аллоҳу таоло ва Унинг Расулининг амрига бўйин эгиб, қалъадан чиқинглр-да таслим бўлинглар”**дея яна раҳм-шафқат билан муомала қилдилар. Улар буни ҳам рад қилишди. Шундан кейингина Оламларнинг жаноби мерганларнинг устаси Саъд бин Абий Ваққос ҳазратларига: **“Эй Саъд! Олдинга чиқ, уларни ўққа тут!”** дея амр буюрдилар. Ҳазрати Саъд ва бошқа мерган мужоҳидлар, ўқдонларидан ўқларини олишиб, такбир садолари остида яҳудийларга қараб ўқ уза бошладилар. Яҳудийлар ҳам жавобан ўқ ва тош отиб, жангни бошлаб юборишди.

Лекин мусулмонлар қийин аҳволда қолганида орқадан ҳужум қилган, ҳасад ўтида куйганларидан Мухаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини қабул қила олмаган бу яҳудийлар қалъа дарвозасини очиб, ташқарига чиқиб жанг қилишга жасоратлари етмасди, албатта.

Уруш камал ҳолида давом этди. Ислом лашкари орасида юрган мунофиқлар ҳам қалъа ичкарасига яширинча хабар етказиб “Асло таслим бўлманглр! Мадинадан кўчиб кетишларингизни талаб

килишса ҳам рози бўлманглар! Агар жангни давом эттирсанглар, биз сизга бор кучимиз билан ёрдам берамиз ва сизлардан ҳеч нарсамизни аямаймиз. Борди-ю ҳеч йўли қолмай, сизни Мадинадан ҳайдасалар, биз ҳам сиз билан бирга Мадинадан чиқиб кетамиз...” дейишарди. Бундай хабардан кайфиятлари кўтарилган яҳудийлар, мунофиқлардан ёрдам умид қилиб, ўз мудофааларини давом этдиришди. Қамал бир ойга яқин чўзилишига қарамай, мунофиқлардан кутилган ёрдам келмади. Натижада, яҳудийларнинг қалбига қўрқув тушиб, тинчлик шартномаси тузишга розиликларини билдиришди.

Яҳудийлар сулҳ тузиш учун Наббош бин Қайс исмли бирини Расулуллоҳнинг ҳузурига юборишди. У, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳузури шарифларига келиб: “Ё Муҳаммад! Нодир ўғилларига кўрсатган марҳаматингизни биздан ҳам аямасангиз деган умидда келдим. Молу-мулкимиз ва қуролларимиз сизники бўлсин. Фақат қонимизни тўкмасангиз, бизга шуниси кифоя. Болаларимиз ва хотинларимиз билан юртимиздан чиқиб кетишимизга ижозат беринг. Қуролдан бошқа ҳар бир оилага бир туяда зарурат учун юк олишимизга ҳам ижозат сўраймиз...” деб таклифини айтди. Расулуллоҳ: **“Йўқ, сизнинг бу таклифингизни қабул қила олмайман”** дея марҳамат қилдилар. Наббош бин Қайс энди: “Майли, ҳеч қандай мол олмаймиз. Фақат қонимизни тўкманглар! Хотинларимиз ва болаларимизни олиб кетишга ижозат беринглар” деди. Пайғамбаримиз: **“Йўқ! Шартсиз ва ҳисобсиз ҳукмимга бўйин эгиб, итоат қилиб, таслим бўлишдан бошқа чорангиз йўқ!”** дея қатъий буюрдилар. Яҳудийларнинг вакили Наббош, тарвузи қўлтиғидан тушган ҳолда қалъасига қайтиб, мусулмонлар билан бўлган музокаранинг моҳиятини қабиладошларига айтиб берди. Қурайзо ўғиллари бу хабардан чуқур қайғу ва ғамга ботдилар.²⁵⁰

Уларнинг раҳбарларидан бири Каъб бин Асад, инсофга келиб: “Эй қавмим! Кўриб турганингиздек бошимизга бир фалокат тушиб турибди. Шу вазиятдан келиб чиқиб, мен сизга учта насихат қилмоқчиман. Улардан қайси бирини маъқул кўрсангиз, ўшанисига кўра ҳаракат қиласиз! Биринчиси, У Зотга тобе бўлиб, Унинг пайғамбарлигини қабул қилайлик. Валлоҳи, Унинг Аллоҳу таоло тарафидан юборилган ва китобларимизда сифатлари айтилган

²⁵⁰ Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 460-б.

пайгамбар эканлигини барчамиз билиб турибмиз. Агар биз Унга иймон келтирсак, жонимиз, болаларимиз, хотинларимиз ва молу-мулкимиз омон қолади. Унга тобе бўлишдан бўйин товлашимизнинг ягона сабаби, арабларга нисбатан бизда пайдо бўлган рашк, ҳасад ва Унинг Исроил ўғилларидан бўлмаганлиги-ку, ахир. Ваҳоланки, бу Аллоҳнинг ўзигина биладиган иш эмасми? Келинг, Унга тобе бўлайлик!..” деб қавмига таклиф киритди. Яхудийлар эса, ҳаммаси бир овоздан унга қарши чиқиб: “Йўқ! Биз буни қабул қилмаймиз ва ўзимиздан бошқасига тобе ҳам бўлмаймиз!” дейишди.

Каъб энди иккинчи таклифини билдирди: “Ҳаммамиз болаларимизни ва хотин-қизларимизни ўлдираимиз. Орқамизда ўйлайдиган ҳеч кимимиз қолмагач, мусулмонлар устига юриш қилиб, ўлгунимизча улар билан жанг қиламиз!..” Яхудийларга буниси ҳам маъқул бўлмай, рад қилишди.

Каъб учинчи таклифини айтди: “Бу кеча шанба кечаси. Мусулмонлар, бизнинг бу кечада жанг қилмаслигимизни билганликлари учун бемалол ўтириб, ғофил қолишлари мумкин. Келинг, ҳаммамиз бирдан қиличларимизни яланғочлаб, уларнинг устига ҳужум қиламиз, балки шу йўл билан ғолиб келармиз!..” Яхудийлар: “Биз шанба кечаси жанг қилмаслик амрини буза олмаймиз!” дейишиб, Каъбнинг бу таклифини ҳам рад этишди. Уларнинг ичларидан фақатгина Асид ва Саълаба исмли ака-укалар ва амакиларининг ўғли Асад, Каъбнинг биринчи таклифини қабул қилиб, мусулмон бўлиш билан шарафландилар. Улар қалъадан чиқиб, Асҳоби киромнинг сафига кўшилишди.²⁵¹

Қолган яхудийлар нима қилишлари ҳақида узоқ тортишдилар. Охири, батамом таслим бўлишга рози бўлиб, пайгамбаримиздан улар устидан ҳукм чиқарадиган бир киши тайин этишини сўрадилар. Расулulloҳ: “**Асҳобимдан кимни хоҳласангиз, ўшани танланг**” дея марҳамат қилдилар. Улар эса: “Биз, Саъд бин Муъаз берадиган ҳукмга розимиз” дедилар. Чунки унинг яхудийлар орасида обрў-эътибори баланд эди. Жаноби пайгамбаримиз, яхудийларнинг бу истагини қабул қилиб, Саъд бин Муъаз ҳазратларини олиб келишларини амр қилдилар.

Саъд бин Муъаз ҳазратлари, хандақ жангида оғир жароҳат олганди. Расулulloҳ Масжиди Набийда бир чодирда уни

²⁵¹ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 235-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 501-б.; Сухайлий, “Равзул-нуф”, III, 439-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 230-б.*

даволатаётгандилар. У Қурайзо ўғилларига қози қилиб тайинланганидан кейин, уни замбилда Қурайзо қалъасига элтишди. Ҳазрати Саъд йўлда келаётиб, ўз-ўзига: “Валлоҳи, Аллоҳу таоло йўлида ҳеч бир ифвогарнинг ифвосига қулоқ солмайман” дерди. Расулуллоҳ ҳузурларига келганларида ҳазрати Саъдни замбилдан туширишди. Пайғамбаримиз, унга: “**Эй Саъд! Булар айнан сенинг ҳакамлигингга бўйин эгишларини айтиб, шу шарт билан таслим бўлди. Қани, уларга берадиган ҳукминг ҳақида менга сўзлачи?**” дея марҳамат қилдилар. Саъд бин Муъаз эса: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Шубҳасиз, ҳукм чиқаришга Аллоҳу таоло ва Унинг Расули муносиброкдир” дея жавоб берди. Расулуллоҳ: “**Аллоҳу таоло булар ҳақда ҳукм беришни сенга амр қилди**” дебмарҳамат қилдилар. Ҳазрати Саъд аввало яҳудийлардан ҳар қандай ҳукм чиқишидан қатъий назар, бунга рози бўлишлари ҳақида ваъдаларини олди. Ҳар иккала томон ҳам ҳазрати Саъд чиқарадиган ҳукми ҳаяжон билан кута бошладилар. Ҳазрати Саъд эса, улуғлигига ярашадиган, шарафига муносиб бўлган куйидаги ҳукми эълон қилди:

“Менинг ҳукмим шулки, оқил ва болиғ бўлган бутун эркакларнинг боши танасидан жудо қилинсин! Хотин-қизлари, болалари асир олиниб, моллари эса мусулмонлар орасида мусодара қилинсин!..”

Бундай кескин ҳукми эшитган яҳудийлар чинакамига тошдек қотиб қолишди. Чунки уларнинг китобларида, хоинларга бериладиган жазо айнан шундай эди. Уларнинг китобларида: “Бирор шаҳарга уруш қилиш ниятида борсангиз, аввал уларни сулҳга даъват этинг. Бу таклифни қабул қилиб, дарвозаларини очсалар, шаҳар ичидагиларнинг барчаси сизга хараж (мағлублик солиғи) берсинлар ва хизмат қилсинлар. Борди-ю, сулҳни қабул қилмай жанг қилишга қарор қилсалар, уларни қамал қилинг. Аллоҳу таолонинг эҳсони билан улар устидан ғолиб келсангиз, эркакларининг ҳаммасини қиличдан ўтказинг. Хотинларини, болаларини ва молларини ғанимат қилиб олинг!..” деб ёзиб қўйилганди.

Саъд бин Муъазнинг ҳукми, илоҳий ҳукмга уйғун бўлганлигидан, пайғамбаримиз уни табриклаб: “**Сен, улар ҳақида, етти қават осмонлар устида, Лавҳ-и маҳфузга ёзилган Аллоҳу таолонинг ҳукмига мос ҳукм чиқардинг!**” дея марҳамат қилдилар.

Яҳудийлар эса, ўз китобларида билдирилган бундай ҳукмга

этироз қила олмадилар. Оқил ва болиғ бўлган бутун эркаклар боғланди ва ҳукм амалга оширилди. Хотин ва ёш болалар ҳамда молу-мулк ғанимат сифатида Асҳоби киром орасида тақсимланди.²⁵²

Шундай қилиб, энг қийин, энг ташвишли вақтларда мусулмонларнинг орқасидан зарба берган, мусулмонлар билан ораларида тузилган ҳамма аҳдларни хоинларча бузиб келаётган, пайғамбаримизга, туғилганларидан бошлаб адоват қилиб, шу кунгача қаерда кўрмасин, Унинг муборак вужудини йўқ қилишга уриниб келаётган бу қавмдан Мадина шаҳри тозаланди.

Асҳоби киром, саодат ва ҳузур қилиб, хушвақт-хушчақчақлик билан нурли Мадина томон йўл олдилар...

Асирлар орасидан бир аёл мусулмон бўлиш шарафига муяссар бўлди. Унинг бу ҳаракатидан жуда севинган пайғамбаримиз, унинг ҳам хурсанд бўлишини, жаннатда даражаси янада юксак бўлишини истаб, ўз никоҳларига олдилар. Бу ҳазрати Райҳона волидамиз эди.²⁵³

Саъд бин Муъазнинг шаҳодати

Саъд бин Муъаз ҳазратлари Бани Қурайзо яҳудийларига ҳукм ўқиганидан кейин қайта чодирига келтирилган эди. Унинг жароҳати оғирлашиб, аҳволи ёмонлашди. Жаноби пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ёнига бориб, уни бағрига босиб: **“Аллоҳим! Саъд сенинг розилигинга сазовор бўлиш учун сенинг йўлингда жиҳод қилди. Расулингни ҳам тасдиқлади. Унга қулайлик эҳсон айла...”** дея дуо қилдилар. Саъд бин Муъаз ҳазратлари, оғир ҳолда ётишига қарамасдан, жаноби пайғамбаримизнинг бу сўзларини эшитиб, кўзларини очиб: **“Ё Расулаллоҳ! Сизга салом ва эҳтиромда бўламан. Аллоҳу таоло пайғамбари эканлигингизга шаҳодат келтираман”** дея шаҳодат калималарини пичирлади. Шундан сўнг, Саъд бин Муъазни яқинлари чодирдан олиб, Абдулашҳал ўғилларининг уйига элтдилар. Ўша кеча ҳазрати Саъднинг аҳволи янада оғирлашди. Жаброил алайҳиссалом эса, пайғамбаримиз ҳузурига келиб: **“Ё Расулаллоҳ! Бу кеча умматингиз орасида куни битиб, вафоти ҳақида малоика орасида хушхабар тарқалган зот**

²⁵² *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 75-б.*

²⁵³ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 245-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 519-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 75-б.; Сухайлий, “Равзул-улуф”, III, 449-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 242-б.*

кимдир?” деб сўради. Буни эшитган коинотнинг султони, дарҳол Саъд бин Муъазнинг аҳволини суриштирдилар. Уни уйига олиб кетишганини айтдилар. Пайғамбармиз бир неча Асҳоби киром билан Саъд бин Муъазни кўргани кетдилар. Йўлда Расулulloҳ жуда илдам юриб борардилар. Унга етиша олмаётган Асҳоби киром: “Ё Расулаллоҳ! Биз чарчаб қолдик. Нега шошиляпмиз?” дейишди. Жаноби пайғамбаримиз эса: **“Фаришталар Ҳанзаланинг жанозасида биздан олдин боришганидек, Саъднинг жаносида ҳам биздан олдин ҳозир бўлишади. Шошилмасак, улгура олмаймиз”** дея марҳамат қилиб, нима учун тез юраётганларининг сабабини изоҳладилар. Расулulloҳ етиб келганларида Саъд бин Муъаз вафот этган эди. Пайғамбаримиз бош томонида туриб, Саъд бин Муъазнинг кунясини айтиб: **“Эй Абу Амр! Сен раисларнинг энг яхшиси эдинг. Аллоҳу таоло сенга саодат, баракат ва энг хайрли мукофотни берсин! Аллоҳу таолога берган ваъдангни устидан чиқдинг. Аллоҳу таоло ҳам сенга ваъда қилганларини бергай!”** дея марҳамат қилдилар. Шунда Саъд бин Муъазнинг онаси, кўзларида ёш билан куйидаги шеърни ўқиди :²⁵⁴

*"Қандай мушкул, қандай зўр, фарзанд доғи онага!
Раббимдан сабот сўраб, ийглайман паймонага!.."*

Аслам бин Хорис эса, ўша воқеани бундай ҳикоя қилганди: “Расулulloҳ, Саъд бин Муъазнинг уйига келдилар. Биз эшикда кутиб тургандик. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) йўлда қандай илдам юриб келган бўлсалар, шундай илдамлик билан тўғри ичкарига кирдилар. Қадамларини кенг-кенг ташлаб юрдилар. Биз ҳам Уларнинг орқаларидан юра бошлагандик, Расулulloҳ бизга кутиб туришимизни ишорат қилдилар. Биз жойимизга қайтдик. Ичкарида Саъднинг маййитидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Расулulloҳ ичкарида бироз турдилар-да, ундан кейин ташқарига чиқдилар. Мен У зотнинг кенг қадам ташлашларидан ташвишда эдим, шу сабаб Улардан: “Ё Расулаллоҳ! Катта-катта қадам ташлаб юришингизда қандай ҳикмат бор?” деб сўрадим. Расулulloҳ эса: **“Бунчалар тиқилинч мажлисда бўлмагандим. (Ҳамма тарафда малаклар тўла эди.) Малакларнинг бири мени қанотига олди, у ерда фақат ўшандай шаклда ўтиришим мумкин бўлди”** дея менга жавоб қилдилар. Шундан сўнг Саъд бин Муъаз ҳақида сўзлаб:

254 Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 250-б.

“Сенга яхшиликлар бўлсин, ё Або Амр! Сенга яхшиликлар бўлсин, ё Або Амр! Сенга яхшиликлар бўлсин, ё Або Амр!” дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Саъд бин Муъазнинг вафоти Расулulloҳ ва Асҳоби киромни қайғуга ботирди, барчаси кўп кўзёши тўқдилар. Жанозага барча Асҳоби киром тўпланди. Пайғамбаримиз ўзлари унинг жаноза намозини ўқитдилар ва тобутини олиб юришда қатнашдилар. Асҳоби киром Саъд бин Муъазнинг тобутини кўтариб кетаётганларида: **“Ё Расулаллоҳ! Биз бугунгача бундай энгил тобут кўтармагандик!”** дейишди. Бунга жавобан мухтарам пайғамбаримиз: **“Кўкдан малоика тушган, тобутни улар кўтариб юрибди”** деб марҳамат қилдилар.

Унинг тобутини олиб кетишаётганда мунофиқлар киноя қилиб: **“Намунча энгил”** деганларида, мухтарам пайғамбаримиз: **“Саъднинг жанозасига кўкдан етмиш минг фаришта тушди. Ҳозиргача малоика бундай кўпчилик бўлиб ерга тушмаганди”** дея марҳамат қилдилар.

Абу Саъд-ил Ҳудрий, Саъд бин Муъазнинг дафн маросими ҳақида бобоси шундай нақл қилганини айтиб берган: **“Саъд бин Муъазнинг қабрини қазиганлардан бири мен эдим. Қабр қазий бошлаганимизда атрофга қабрдан мушк ҳиди таралди.”** Шуруҳбил бин Ҳасана эса, **“Саъд бин Муъаз дафн қилинаётганида шу ердагилардан бири қабрдан бир ҳовуч тупроқ олганди. Уйига келганидан кейин ўша тупроқдан мушк ҳиди чиқа бошлади”** дегандилар. Ҳазрати Саъднинг жасади қабрга қўйилаётганида пайғамбаримиз муборак кўзларида тўла ёш билан қабрнинг бошида ўтириб қаттиқ қайғуриб: **“Саъд бин Муъазнинг ўлими сабабли Арш ларзага келди”** деб марҳамат қилдилар.

Бир сафар жаноби пайғамбаримизга жуда қимматбаҳо кийим ҳадя қилгандилар. Асҳоби киром бу кийимингиз жуда чиройли экан, деганларида, **“Саъд бин Муъазнинг жаннатдаги дастрўмоллари, бундан ҳам чиройлироқ”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳижратнинг бешинчи йилида содир бўлган муҳим воқеалар асосан қуйидагилар эди: Думат-ул-Жандалда яшовчи бир неча қабилалар Шомга бориб-келаётган йўловчиларга тинчлик бермай, Мадинага ҳам таҳдид қилиб туришарди. Шу сабабли ўша йили Расулulloҳ, минг кишилик лашкар тўпладилар-да, ўша қабиланинг устига юриш қилдилар. Ислом лашкарининг яқинлашганидан хабар

топган йўлтўсар қабилалар қочиб кетишди. Ислом лашкарлари у ерда бир неча кун қолиб, сўнгра Мадинага қайтишди.²⁵⁵

Расулulloҳ зулқаъда ойида Зайнаб бинти Жаҳшга уйландилар.²⁵⁶ Шу йил ҳижоб ҳақида ояти карималар нозил бўлди ва мусулмон аёлларга ўраниб юриш - ҳижоб амри жорий қилинди.²⁵⁷ Бундан ташқари шу йили мунофиқлар, ҳазрати Оиша волидамизга тухмат қилишди. Мусулмонлар орасида баъзилар уларнинг бу тухматларига ишониб, алданганди. Ояти карималар нозил бўлиб, мунофиқларнинг тухматлари фош бўлди ва ҳазрати Оиша мадҳ этилди.²⁵⁸ Мадинаи мунаввара атрофида яшайдиган Музайна қабиласи Расулulloҳ хузурига вакиллар юбориб, мусулмонликни қабул қилди ва муҳожирлардан бўлди.²⁵⁹ Ўша йили зилзила бўлиб, ой тутилиши содир бўлди. Ҳаж ҳам ўша йили фарз қилинди.

Худайбия сулҳномаси

Хандақ урушидан кейин атрофдаги қабилаларнинг бир қисми Ислом давлатининг кучини қабул қилишга мажбур бўлди. Энди улар мусулмонлар билан дўст бўлиш, ҳатто мусулмон бўлиш энг тўғри йўл эканлигини ўйлай бошлади. Баъзилари ҳақиқатан ҳам пайғамбаримизнинг хузурларига келиб, мусулмон бўлиш шарафига эришди.

Оламларнинг жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Ислом динини ёйиш мақсадида Асҳобидан бир неча гуруҳлар тузиб, яқин атрофдаги қабилаларни Исломга даъват қилишга юбордилар. Баъзи қабилаларга шахсан ўзлари бориб, уларни Исломга даъват қилдилар. Думат-ул-Жандал сингари қабилалар, ушбу насиҳатларга қулоқ солиб, мусулмон бўлди. Ғатафонликлар, Лихён ўғиллари каби қабилалар эса, Ислом лашкаридан қўрқиб, қочиб кетишди. Шундай қилиб, атрофдаги қабилалар кўнглига ғулғула солиб қўйилди.

Ҳижратнинг олтинчи йилига келиб эса, каттик қаҳатчилик

255 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 403-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 62-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, III, 414-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 177-б.

256 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 42-б.; Табарий, “Торих”, II, 231-б.

257 Бухорий, “Тавҳид”, 22-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 106-б.

258 Бухорий, “Мағозий”, 34-б.; Муслим, “Тавба”, 68-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 194-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 431-б.

259 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 291-б.

бўлиб, бир томчи ҳам ёмғир ёлмади. Шу сабабли ердан гиёҳ унмай, одамлар ва ҳайвонлар мудҳиш очарчиликка дучор бўлди. Рамазони шариф ойининг бир жума куни жамоат, мухтарам пайғамбаримизга: “Ё Расулаллоҳ! Бир дуо қилсангиз, Аллоҳу таоло бизга ёмғир эҳсон айласа!..” дея мурожаатда бўлди. Пайғамбаримиз, Асҳоби билан сахрога чиқиб, азон ва иқомат айтмасдан икки ракат намоз ўқидилар. Жаноби пайғамбаримиз, муборак ридосини тескари кийиб такбир келтирдилар. Сўнгра муборак қўлларини енгларининг орасидан муборак қўлтиклари кўринадиган даражада юқорига кўтариб: “**Эй Аллоҳим! Бизга ёмғир эҳсон айла!..**” дея дуо қила бошладилар. У зотнинг дуоларига, Асҳоби киром “Омин! Омин!” дейишиб жўр бўлиб турдилар.

Ўша онда кўк юзи ғоят мовий бўлиб, булутдан асар ҳам йўқ эди. Расули акрам дуо қилишни бошлашлари билан бир шамол турди. Кўп ўтмай кўк юзини булутлар қоплади. Кўп ҳам куттирмай булутлардан ёмғир томчилай бошлади. Буни кўрган Оламларнинг жаноби: “**Аллоҳим! Ёмғирни қуйиб ёғдир ва уни бизга хайрли қилгин!**” деб дуо қилдилар. Шу ондаёқ Аллоҳу таолонинг қудрати билан ёмғир шаррос қуйиб ёғишни бошлади.

Пайғамбаримиз Асҳоби билан бошдан-оёқ ҳўл бўлишди. Уйларига етиб келгунларича ҳамма жойни сув босиб, чуқурчаларда кўлмақлар пайдо бўлди. Ҳамма сувга чўмилгандай юрар, ёмғир эса, ёғишда давом этарди. Ёғин бир неча кун сурункасига ёғди. Ҳатто келгуси жумагача ёмғир давом этиб, ҳали тўхтамаганди. Жума вақтида Асҳоби киром: “Ё Расулаллоҳ! Уйларимиз ёмғир сувидан кулаб, молларимиз ўла бошлади. Аллоҳу таолога бир дуо қилсангиз, бу ёмғир тинса!..” дейишди. Севимли пайғамбаримиз табассум қилдилар-да, қўлларини очиб: “**Ё Рабби! Бу ёмғирингни ўрмон, дарахтзорларга, водийларга юбор!**” дея дуо қилдилар. Расулининг дуосини ижобат қилган Аллоҳу таоло ўша заҳоти ёғинни тўхтатди ва дуо қилинган жойларга ёмғир ёға бошлади.

Ҳижратнинг олтинчи йили Зулқаъда ойи эди. Бир кеча Набийи мухтарам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз туш кўрадилар. Тушида Асҳоби киром билан бирга Маккаи мукаррамага бориб, Каъба-и муаззамани тавоф қиладилар. Асҳобининг бир қисми сочларини қисқартириб, бир қисми эса

бутунлай кирдириб ташлаганларини кўрадилар. Расулulloх бу тушини, Асҳобига сўзлаб берганларида, улар қаттиқ ҳаяжонга тушади. Чунки бу тушда, туғилиб ўсган, аччиқ ва ширин хотираларга бой, ўзларининг чиройли, ажойиб она шаҳарлари Маккага кетишларига ишора бор эди. Яна беш вақт намозларида юзларини қаратиб, ҳасрати кўнгилларда тугун бўлиб турган муқаддас Каъбани зиёрат қилиб, тавоф қилиш вақти яқинлигидан хабар бор эди. Бундан ҳам сеvimчли хушхабар бўлиши мумкинми!.. Асҳоби киром, сеvimли пайғамбаримиздан: **“Сиз, муҳаққақ Масжиди Харамга кирасиз!”** хушхабарини эшитар-эшитмас, дарҳол Маккага жўнаш ҳозирликларини бошлаб юбордилар.

Ҳабиби акрам жанобимиз ҳам ҳозирликларини битирганларидан кейин, яна Абдуллох бин Умм-и Мактумни Мадинада вакил қилиб қолдирдилар. Зулқаъда ойининг биринчи душанба куни Қусво номли туясига миндилар. Сафарга тайёрланган бир минг тўрт юз Асҳоби билан бирга Мадинада қолаётганлар ила видолашдилар. Умрага ният қилиб, муқаддас макон Маккага равона бўлишди. Ёнларига йўл куроли бўлган қиличларини ва сўйиладиган етмишта туя олгандилар. Карвонга икки юз суворий ва тўртта аёл саҳобий ҳам қўшилганди. Аёлларнинг бири, сеvimли пайғамбаримизнинг муборак хонимлари ҳазрати Умму Салама эди.

Мусулмонлар Зул-Ҳулайфа деган мийқот жойига келганларида ихромга кириб, пешин намозини ўқидилар. Сўнгра сўйилиши лозим бўлган туяларнинг қулоқларига тамға босиб, бўйинларига ип боғлаб қўйишди. Нажия-т-убну Жундуб Асламийга бир неча ёрдамчилар берилиб, уларга туяларга қараб юриш вазифаси топширилди. Аббод бин Бишр йигирма кишилик суворий гуруҳига қўмондон этиб, олдинга жўнатилди. Бушр бин Суфён эса, мусулмонларнинг вакили сифатида Маккага хабар олиб кетди.²⁶⁰

Иҳромга ўралган сеvimли пайғамбаримиз ва Унинг қаҳрамон Асҳоби, оппоқ либосларда Аллоҳу таолога ҳамд айтиб ва олийлигини тасдиқ этиб, Унга ёлворишни бошладилар: **“Лаббайк! Аллоҳумма Лаббайк! Лаббайк! Ла шарика лака Лаббайк! Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк ла**

²⁶⁰ Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 574-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 95-б.

шарика лак!” Бу муборак талбия овозлари еру-кўкни титратиб юбораётганди. Зул-Хулайфа шу дамларда нуруний бир муҳитга чўмганди. Ҳамма ширин бир ҳаяжон билан Зул-Хулайфани ортда қолдириб, Макка томон илгарилаб борарди.

Йўлда кетаётганларида ҳазрати Умар ва Саъд бин Убода ҳазратлари, Ҳабиби акрам жанобимизга яқинлашиб: “Ё Расулаллоҳ! Сиз билан уруш ҳолатида бўлган кишиларнинг устига қуролсиз кириб борамизми? Қурайшлик мушриклар сизга ҳужум қилишиб, муборак вужудингизга бирор зарар берадиларми деган андишадамиз...” деб хавотирларини билдирдилар. Икки жаҳон сарвари уларга: **“Мен умрага ният қилдим. Бундай вақтда қурол олиб юришни хоҳламайман”** дея жавоб бердилар.

Сафар сокин давом этарди. Йўл устида турли қабилаларга дуч келишди. Муҳтарам пайғамбаримиз уларни исломга даъват қилиб борардилар. Уларнинг баъзилари исломни қабул қилишдан чекинсалар, бошқалари ҳадялар юборишарди. Шу тариқа йўлнинг деярли ярмидан ўтиб, Усфоннинг орқасидаги Ғадийр-ул-Аштот дейилган жойга етиб келишди. Аввалроқ маккаликларга вакил қилиб жўнатилган Бушр бин Суфён ҳазратлари ҳам, қурайшликлар билан учрашиб, шу ерга қайтиб келганди. Бушр ҳазратлари кўрганларини жаноби пайғамбаримизга қуйидагича баён қилди: “Ё Расулаллоҳ! Қурайшликлар сизнинг келаётганингиздан хабар топибди. Қўрққанларидан атрофдаги қабилаларни зиёфатга чақириб, улардан ёрдам сўрашибди. Улар билан биргаликда икки юз кишилик суворий гуруҳи тузиб, сизга қарши йўлга чиқарибди. Бошқа қабилалар ҳам қўшилиб, Балдох деган жойда бирлашдилар. Жуда кўп аскар тўплаб, сизни Маккага киритмаслик учун қасам ичганлар.”

Бу хабарни эшитган Оламларнинг сарвари ғоят мутаассир бўлиб: **“Қурайш ҳалок бўлди. Зотан уруш уларни еб битирганди... Қурайш мушриклари, ўзларида бирор кучқувват бор деб ўйлашадиларми? Валлоҳи, Аллоҳу таоло таблиғ қилишим учун юборган бу динни, ҳоким ва устун қилмағунимча, бошим танамда экан улар билан курашишдан асло чекинмайман”** деб марҳамат қилдилар.

Сўнгра қаҳрамон Асҳобига юзланиб, уларнинг бу ҳақдаги раъй ва фикрларини сўрадилар. Бутун борлиқлари билан

Ўзларини Расулulloҳга атаган шонли Асҳоб: “Аллоҳу таоло ва Унинг Расули янада яхшироқ билади. Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Биз Байтуллоҳни тавоф қилиш нияти билан йўлга чиққанмиз. Бирон кишини ўлдириш ёки бирон киши билан тўқнашиш учун келаётганимиз йўқ. Лекин Каъбани зиёрат қилишимизга тўсиқ бўлишса, шубҳасиз улар билан жанг қиламиз ва мақсадимизга эришамиз!..” дея жавоб қилдилар.

Асҳоби киромнинг бундай қатъий қарори пайғамбаримизга хуш ёқди. У зот марҳамат қилдиларки: **“Қани, ундай бўлса, Аллоҳу таолонинг исми-шарифи билан олға юрамиз!..”** Саҳобийлар жаноби пайғамбаримизнинг атрофида “Лаббайк! Аллоҳумма лаббайк!..” деб талбия ва “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!..” деб такбир келтириб, Маккага қараб юра бошладилар.

Пешин намози вақтида Билол Ҳабаший ўзининг чиройли, ширин овози билан азони шариф айтиб, намоз вақтининг кирганини хабар берди. Шу вақтда у ерга икки юз кишилик Қурайш мушрик суворийлари ҳам етиб келиб, хужумга тайёр вазиятда эди. Бунга қарамасдан Оламларнинг жаноби олий Асҳоби билан намозга саф тортдилар. Севимли пайғамбаримизнинг орқасида бир минг беш юз кишига яқин Асҳобнинг саф тортиб кимирламай қиёмда туришлари, барчасининг баробар рукуга эгилишлари, ғайри динлар ҳаётда кўрмаган бутунлай бошқа бир манзара эди. Айниқса, уларнинг саждага боришлари, баҳайбат бир тоғнинг эгилиб, қаддини ростлашига ўхшаб кетарди.

Мусулмонларнинг Аллоҳу таоло ҳузурида шарафли пешоналарини тупроққа суриб, Яратганга сажда қилиши Қурайш суворийларидан баъзиларининг кўнглига ислом муҳаббатини солди. Асҳоби киром, салом бериб намоздан чиққанларидан кейин, Қурайш суворийлари қўмондони: “Мусулмонларга намозда хужум қилганимизда кўпчилигини ўлдирган бўлардик... Нега хужум қилмадик-а?” дея ўзининг афсус қилаётганини билдирди. Кейин яна аскарларига тасалли бериб: “Зарари йўқ, ташвиш қилманглар. Улар қандай бўлмасин, жонлари ва болаларидан ҳам яхши кўрадиган шу намозга тақрор туради..” дея, келаси сафар фурсатни бой бермаслигини қўл остидагиларга таъкидлаб қўйди.

Аллоҳу таоло, уларнинг бу сўзларини Жаброил алайҳиссалом орқали ваҳий юбориб, пайғамбаримизга етказди.

Нозил бўлган ояти карималарда маолан бундай буюрилганди: “(Эй Ҳабибим!) **Сен ҳам ораларида бўлган ҳолда** (душман қаршисида), **уларга** (Асҳобга) **намоз ўқитганда** (уларни икки гуруҳга ажрат), **бир қисми сен билан бирга** (намозда, қолганлари эса душманга қарши) **турсин. Қуруллари ёнларида бўлсин. Сен билан намозда бир ракат ўқиганлар** (намозни бузадиган амаллардан тийилган ҳолда) **душман қаршисига чиқсинлар. Уларнинг ўрнига ҳали намоз ўқимаган, душман қаршисида турган нариги гуруҳ келиб, иккинчи ракатни сен билан ўқисинлар ва уларнинг ҳам совутлари, ўзларини ҳимоялайдиган қуруллари ёнларида бўлсин.** (Ташаххудни сен билан ўқисинлар, сен салом берганингдан кейин улар салом бермасларидан туриб, душман қаршисига чиқсин. Буларнинг ўрнига биринчи ракатни ўқиб, туриб кетганлар келсинларда, имомсиз ўзлари якка-якка иккинчи ракат намозларини ўқиб, салом берсинлар. Бундан кейин иккинчи ракатни имом билан ўқиганлар қайтиб келиб, биринчи ракатни ўқисинлар ва салом бериб намозларини тугатсин.) **Кофирлар истарларки, сиз қурол ва бошқа асбобларингизни олмасдан намозга турганингизда тўсатдан хужум қилишса... Агар сизга ёмғир каби нарсалардан азият етадиган бўлса ёки касалланиб қолсангиз, қуруллариингизни ташласангиз ҳам, сизнинг зиммангизга бирор масъулият тушмайди. Бироқ бундай ҳолларда ҳам эҳтиёт тадбирларини кўзда тутиш шарт. Шубҳа йўқки, Аллоҳу таоло, кофирларга уларни хору-зор этгувчи бир азоб ҳозирлагандир.**”²⁶¹

Ҳазрати Билол аср намози учун азон айтганида Қурайш мушриклари яна Макка билан Асҳоби киромнинг орасида мусулмонларга хужумга шайланган ҳолда сафга тизилдилар. Пайғамбаримиз эса, Асҳобига ояти каримада буйрилганидек намоз ўқитдилар.

Мусулмонларнинг бу сафар бутунлай бошқа шаклда ва тадбирли намоз ўқишларидан мушриклар ҳайратдан донг қотишди. Аллоҳу таоло уларнинг юракларига қўркув солди. Натижада, бирон бир ҳаракат қилишга ўзларида жасорат топа олмай, Маккага хабар бериш учун жўнаб қолишди. Жаноби пайғамбаримиз ҳам ўз Асҳоби билан бу ердан Худайбия деган жойга қараб йўл олдилар.

261 Нисо сураси, 4/102.

Муқаддас Макка ҳудудига етиб келганларида, Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) туяси Қусво ҳеч қандай сабабсиз, ўз-ўзидан ерга ётиб олди. Уни турғазишга қанча уринмасинлар, сира турмади. Шунда коинотнинг султони Жанобимиз марҳамат қилдиларки: **“Унинг бундай одати йўқ эди. Лекин бир замонлар (Абраҳанинг) фили (ни) Маккага киритмай тўхтатиб қўйган Аллоҳу таоло, мана Қусвони ҳам юргизмай қўйди. Вужудим қудратида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, Қурайш, Раббимнинг Ҳарам хусусида ҳаром этган (жангни, қон тўкишни тарк этиш каби) нарсалардан қайси бирини мендан истасалар ҳам, истакларини бажараман!”**

Шундан сўнг туяни турғазгандилар, дарров ўрнидан турди. Бироз юргач яна ҳудуд чегараси бўлган Худайбия мавқеида тўхтаб қолди. Ҳарам ҳудуди ичига кирмади. Оқибатда, пайғамбаримиз Асҳоби кироми билан сув кам бўлган ўша жойга кўндилар.

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўз чодирини Макка ҳудудидан ташқарига қурдирдилар ва ўша жойда Асҳоби билан кута бошладилар. Вақти кирганида намозларни Маккаи муқаррама ҳудуди ичида ўқишарди. Ниҳоят қудуқларда ичиладиган ва ишлатиладиган сув тугаб, фақат пайғамбаримизнинг обдастасида озгина сув қолди. Жуда қийин вазиятда қолган саҳобийлар: “Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сизнинг обдастангиздан бошқа идишларда сув қолмади. Сувсизликдан маҳв бўладиганга ўхшаймиз” дедилар.

Оламларнинг сарвари: **“Токи мен сизнинг орангизда эканман, асло маҳв бўлмайсиз”** деб марҳамат қилдилар. Сўнгра **“Бисмиллоҳ”** дедилар-да, муборак қўлларини обдастанинг устига қўйдилар. Кейин қўлларини узатиб, **“Мана олинглар!..”** дея марҳамат қилгандилар, муборак бармоқлари орасидан чашмадек сув оқа бошлади. Асҳоби киром қониб сув ичдилар, таҳорат олдилар ва сув идишларини тўлдириб олиб, жониворларини ҳам суғоришди. Асҳобига қараб табассум қилиб турган марҳамат дарёси севимли пайғамбаримиз, Аллоҳу таолога ҳамд этдилар.

Ўша кунги ҳодисани гувоҳи бўлган ҳазрати Жобир бин Абдуллоҳ: “Биз бир минг беш юз киши эдик. Лекин яна юз минг киши бўлса ҳам, у сув ҳаммамизга етган бўларди” дея ҳикоя қилганлар.

Байъат-и Ридвон

Хузоза қабиласининг раиси Будаилнинг илгаридан мусулмонларга дўстлиги бор эди. Расули ақрам Худайбияда эканликларидан хузури шарифларига келган Будаил, Қурайш мушрикларининг яқин атрофдаги қабилаларни ҳам қўшиб олиб, Худайбияга қўшин тортиб келганларини ва аскарлари батамом тугагунча жанг қилишга қасам ичганларини хабар берди. Шунда жаноби пайғамбаримиз: **“Биз бу ерга жанг қилгани келмадик. Ниятимиз, фақатгина умра қилиб, Каъбан муаззамани тавоф қилиш, холос. Лекин шунга қарамай, Байтуллоҳни зиёрат қилишимизга тўсқинлик қилишса, ким бўлишидан қатъий назар улар билан жанг қиламиз. Шубҳасизки, урушлар Қурайш мушрикларини керагидан ортиқча чарчатиб, тинка мадорини қуритди ва жуда катта зарарларга дучор қилди. Агар хоҳласа, улар билан сулҳ муддати тайин қилайлик. Бу муддат ичида улар мен тарафдан асло хужумга учрамайди. Улар мен билан бошқа қабилалар орасига тушмасин. Қабилаларни мен билан ёлғиз қолдирсинлар. Агар мен у қабилалар устидан ғолиб келиб, Аллоҳу таоло ҳам бу қабилаларга ҳидоят қилиб, улар мусулмон бўлсалар, Қурайш мушриклари ҳам истаса улардек мусулмон бўлишлари мумкин. Бордию, мен улар ўйлаганидек, бошқа қабилалардан мағлуб бўлсам, у ҳолда улар куч-қувват сарфламасдан ютукқа эришган бўладилар. Агар Қурайш мушриклари, менинг бу айтганларимни қабул қилмай, мен билан жанг қилишни танласалар, борлигим қудратида бўлган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, ёйишга ҳаракат қилаётган ушбу дин учун бошим танамдан жудо бўлгунича улар билан жанг қиламан. Унда, Аллоҳу таоло ҳам менга ёрдам бериш ҳақидаги ваъдасини шубҳасиз бажаради!”** дея марҳамат қилдилар.

Хузоза қабиласининг раиси Будаил жаноби пайғамбаримизнинг марҳамат этганларини Қурайш мушриклари қароргоҳига етказиш мақсадида йўлга чиқди. Мушриклар, Будаилдан Расулуллоҳнинг мақсадини эшитганларидан кейин, ўзлари ичида бообру ҳисобланганлардан бири Урва бин Масъудни вакил қилиб, жаноби пайғамбаримиз олдига юбордилар. Урва келиб, Қурайш мушриклари ҳеч кимни Маккага киргизмасликка қарор қилганлигини билдирди. Унга жавобан Ҳабиби ақрам жанобимиз: **“Эй Урва! Аллоҳ ҳаққи**

айт! Мана бу қурбонликка аталган туяларнинг қурбонлик қилинишига ва шу Каъба-и муаззамани зиёрат қилиб, тавоф этилишига тўсқинлик қилиш тўғрими?” дея марҳамат қилдилар-да, Хузоа қабиласи раисига айтганларини унга ҳам такрорладилар.

Урва, пайғамбаримизнинг сўзларига диққат билан қулок солар экан, бир томондан Асҳоби киромнинг ҳол-ҳаракатларини, уларнинг бир-бирларига ва оламларнинг жанобига бўлган муносабатларини, ҳурмат-эътиборини диққат билан кузатарди. Севимли пайғамбаримизнинг таклифларини тинглаб бўлганидан кейин ўрнидан туриб, ўз қароргоҳлари томон кетди. У Қурайш мушриклари ёнига бориб: “Эй Қурайш жамоати! Сизлар яхши биласизларки, мен Қайсар, Нажоший, Кисро каби кўпгина ҳукмдорлар ҳузурига элчи бўлиб борганман. Бироқ қасам ичиб айтаманки, мусулмонларнинг Муҳаммадга кўрсатаётган иззат-ҳурматини, мен бугунгача ҳеч қайси ҳукмдорга кўрсатилганига гувоҳ бўлмадим. Саҳобийларлардан ҳеч бири, ундан ижозат олмасдан сўз котмасди, Унинг бошидан бир тола соч тушиб кетса, уни дарров олиб баракатланиш учун қўйниларига солиб сақлашарди. Унинг ёнида сўз олсалар, овозларини эшитиб бўлмас даражада пастлатиб гапиришарди. Унга бўлган бекиёс ҳурматлари сабабли ҳаттоки юзига тик қарашмасди, кўзларини ердан узмай ўтирардилар. У Асҳобига бирон ишорат қилса ёки бирор бир буйруқ бергудек бўлса, жонларини фидо қилиб бўлса ҳам уни бажаришга ҳаракат қилардилар.

Эй Қурайш! Сизлар қанчалик қилич силтаманг, қайси чора-ю тадбирга мурожаат қилманг, улар пайғамбарларининг бир тола сочини ҳам сизга таслим қилмайдилар. Ҳатто Унга заррача зарар етишига ва Унга бирон кишининг қўл текказишига ҳам йўл қўймайдилар. Вазият мана шундай. Буёғини ўзларинг яхшилаб ўйланглар. Аҳвол шундай экан, Муҳаммад бизга жуда яхши сулҳ таклиф қилмоқда. Бу таклифдан фойдаланинглар”- деди.

Қурайш мушриклари, Урванинг айтганларини қабул қилмай, ёмон муносабатда бўлиб, уни ранжитишди.

Қурайш қароргоҳидан хабар келавермаганидан кейин, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Ҳирош бин Умайяни таклифларини такрорлаш учун мушрикларга вакил қилиб юбордилар. Мушриклар, ислом элчисига жуда қўпол муомалада бўлдилар. Миниб борган туясини тортиб олиб, сўйиб ейишди. Ўзини ҳам ўлдириш учун ўртага олиб, турткилаша бошладилар.

Мушрикларнинг кўлидан зўрға кутулган Хирош бин Умайя, пайғамбаримизнинг ҳузурларига келиб, вазиятдан хабар берганида, элчисига раво кўрилган ёмон муносабатдан қаттиқ хафа бўлдилар.

Шу пайтда мушрик қароргоҳидан тўғри жаноби пайғамбаримизга қараб келаётган Аҳобиш қабиласининг раиси Ҳулайс кўринди. Мушриклар уни элчи қилиб жўнатган эди. Муҳтарам пайғамбаримиз Ҳулайсни кўриб, саҳобийларга: **“Бу келаётган киши, қурбонликка ҳурмати бор, Аллоҳу таолонинг амрларини бажаришга ва ибодат қилишга аҳамият берадиган қавмдандир. (Эй Асҳобим!) Қурбонлик туяларни унинг олдига қараб ҳайданглар, кўрсин!”** дея марҳамат қилдилар. Асҳоби киром, қурбонликка аталган туяларни унинг олдидан ҳайдаб ўтишди ва “Лаббайк! Аллоҳумма лаббайк!” дея талбия келтирдилар.

Ҳулайс, бўйинларига ип боғланган, кулоқларига тамға босилган қурбонликка аталган бу туяларни кўриб, уларга узоқ вақт тикилиб қолди. Қарай-қарай кўзлари толиқди ва “Мусулмонларнинг Каъбани тавоф ва зиёрат қилишдан бошқа ёмон ниятлари йўқ. Уларни бундан маҳрум қилишга уриниш қандай жирканч! Каъбанинг Раббига қасам ичаманки, қурайшликлар бундай ноҳақ қилиқлари сабабли ҳалок бўлгайлар!” дейишдан ўзини тия олмади. Бу сўзларни эшитган Оламларнинг сарвари: **“Ҳа, худди шундай, эй Кинона ўғилларидан бўлган биродарим”** деб марҳамат қилдилар. Ҳулайс уялганидан Расулulloҳнинг ҳузурларига кира олмаганидек, муборак юзларига ҳам бошини кўтариб қарай олмай Қурайш қароргоҳига қайтиб кетди. Кўрганларини мушрикларга айтиб: “Уларни Каъбани зиёрат қилишдан ман қилишларингни ноҳақлик”- деб ўз фикрини очиқча айтди. Қурайш мушриклари эса, бундан беҳад аччиқланиб, Ҳулайсни нодонликда айбладилар.

Ҳулайснинг элчилигидан кўнгиллари тўлмаган мушриклар, бу гал золимлиги билан ном чиқарган Микраз бин Ҳафсни мусулмонларга элчи қилиб юбордилар. Бу элчи ҳам муносиб жавобини олиб, қайтиб келди. Микразнинг элчилигидан кейин мушриклар, мусулмонлар тўсатдан ҳужум қилиб қолишдан қўрқа бошладилар.

Жаноби пайғамбаримиз ишни чала қолдиришни истамай Асҳоби орасидан Қурайш мушриклари олдида обрўли бўлган бирини танлаб, уларга элчи юбормоқчи бўлдилар. Натижада, ҳазрати Усмонни элчи қилиб юборишга қарор қилинди. Пайғамбаримиз Усмон бин Аффонга: **“Биз бу ерга ҳеч ким билан жанг қилиш**

учун келмадик. Фақат Каъба-и муаззамани тавоф ва зиёрат қилишга келганмиз. Ёнимизда қурбонлик учун олиб келган туяларимизни сўйиб бўлганимиздан кейин қайтиб кетамиз. Ана шулар ҳақида уларга айтгин ва уларни исломга даъват қилгин!” дея марҳамат қилдилар. Ундан ташқари, Маккадаги мусулмонларга Макканинг яқин кунларда фатҳ этилиши хушxabарини ҳам етказишини унга тайинладилар.²⁶²

Ҳазрати Усмон мушриклар олдига келиб, жаноби пайғамбаримизнинг сўзларини уларга айнан етказди. Лекин улар ҳазрати Усмоннинг таклифига ҳам манфий жавоб беришди. Фақат ҳазрати Усмоннинг ўзига хоҳлаган вақтида келиб, тавоф ва зиёрат қилиши мумкинлигини айтишди. Ҳазрати Усмон эса: “Расул алайҳиссалом Байтуллоҳни тавоф қилмагунларича, мен ҳам уни тавоф қилмайман” дея жавоб берди.

Ҳазрати Усмоннинг бу сўзидан қаттиқ ғазабланган мушриклар, уни ушлаб қамаб қўйишди. Бу хабар, Асҳобга “Усмон шаҳид қилинди” тарзида етиб келди. Пайғамбаримизни вазиятдан хабардор қилганларида, қайғуриб: “Агар хабар тўғри бўлса, бу қавм билан жанг қилмагунча бу ердан кетмаймиз” дедилар. Кейин шу аторофдаги Самура номли дарахтнинг тагига ўтириб: “Аллоҳу таоло менга байъат қилишларингизни буюрди” деб, Асҳобини байъатга чақирди.

Қаҳрамон Асҳоб, қўлларини жаноби пайғамбаримизнинг қўллари устига қўйиб “Аллоҳу таоло, сизга зафар эҳсон қилгунча, сизнинг олдингизда жанг қилиб, фатҳни ҳақиқатга айлантириш ёки шу йўлда шаҳид бўлиш учун байъат қилдик” деб ваъда бердилар. Байъатга қатнаша олмаган ҳазрати Усмоннинг ўрнига пайғамбаримиз ўз қўлларини бир-бири устига қўйиб, унинг номидан байъат қилдилар. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Асҳобининг бу байъатидан бқҳад мамнун бўлиб: “Дарахт остида чинакамига байъат қилганлардан ҳеч бири жаҳаннамга кирмайди” дея марҳамат қилдилар. Шу ваъдалашув воқеаси **Байъат-и Ридвон** деб аталди.²⁶³

Асҳоби киром (родиаллоҳу анхум) қиличларини яланғочлаб, сабрсизлик билан мушриклар томон ҳужум буйруғини кутишарди.

Шу дақиқаларда Ислом қароргоҳини зимдан кузатаётган

²⁶² Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 97-б.

²⁶³ Бухорий, “Мағозий”, 19-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 59-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 279-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 97-б.

мушрик жосуслари, мужоҳидларнинг шаҳидлик шарбатини ичгунча жанг қилишлари ҳақида севгили пайғамбаримизга байъат қилганликларини ва ҳужумга ҳозирликларини кўрганди. Дарҳол Курайш қароргоҳига чопишиб, кўрганларини оққизмай-томғизмай етказишди.

Пайғамбаримиз ҳар эҳтимолга қарши, Асҳобнинг хавфсизлиги учун кечалари соқчилик ташкил этгандилар. Ҳазрати Усмон ҳибсда тутиб турилган кунлар эди. Бир кеча, Микраз бошчилигидаги эллик одамлик мушрик гуруҳи, ислом аскарига уйқуда босқин уюштирди. Ўша кеча Муҳаммад бин Маслама билан дўстлари соқчиликда эди. Кечаси келган кофирларни қисқа вақтда қўлга туширдилар. Фақат бошчилари Микраз қочиб қутулди. Асирларни Расулulloҳнинг ҳузурларига келтиришди. Бир қисми қамаб қўйилди, бир қисми эса, авф этилди. Мушриқлар келаси кеча ҳам босқинга келишди, бироқ яна мусулмон соқчилар томонидан қўлга тушиб қолишди. Муҳтарам пайғамбаримиз, уларни ҳам авф этиб, қўйиб юбордилар.

Ислом лашкарининг кечаю-кундуз жангга тайёр вазиятда бўлиб, хоҳлаган пайтда ҳужум қилиб қолишини тушунган куффор қўшини кўнглига ғулгула тушди. Келишимга келишдан бошқа чора йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, шошилинич элчи ҳайъати ташкил қилишди. Суҳайл бин Амр бошчи этиб тайинланган ҳайъатга “Бу йил Маккага кирмаслик шарти билан шартнома тузинглар” деб топшириқ беришди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, Курайш элчиларини қабул қилдилар. Элчиларнинг биринчи истаклари, мусулмонлар кўлидаги асирларнинг озод қилиниши бўлди. Оламлар сарвари бунга жавобан: **“Маккада ҳибсда тутилган Асҳобимни қўйиб юбормагунингизча биздаги одамларингизни ололмайсиз”** дедилар. Ҳайъат бошчиси Суҳайл: “Тўғриси айтсам, бизга бағоят адолатли ва инсофли муомала қилдингиз” деб, Маккада қамоққа олинган ҳазрати Усмонга ва илгарироқ ҳибс қилинган яна ўн нафар Асҳобга эркинлик берилишини таъминлади. Шундан кейин босқин вақтида қўлга тушган мушриқлар қўйиб юборилди.

Узоқ музокаралардан кейин келишимга келинди. Навбат уни ёзишга келди. Ҳазрати Али котиб сифатида танланди. Сулҳнома ёзиладиган қоғоз, дават-қалам ҳозирланди. Оламларга раҳмат қилиб юборилган Ҳабибуллоҳ жанобимиз ҳазрати Алига **“Ёз”** дея марҳамат қилиб **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим!”** дедилар. Суҳайл бунга дарҳол **“Қасам ичаманки, мен "раҳмон" сўзининг**

маъносини билмайман ва тушунмайман. Бундай ёзма, "Бисмика Аллоҳумма" деб ёз! Акс ҳолда сулҳга рози бўлмайман"- деб, эътироз билдирди. Муҳтарам пайғамбаримиз, ушбу сулҳ тузилишида улуғ ҳикматлар кўраётгандилар. Шу боис **“Ҳа майли, Бисмика Аллоҳумма ҳам гўзал сўз”** дедилар ва ҳазрати Алига шундай ёзишини буюрдилар. Барча шартлар ёзилгач имзо кўйиладиган жойига жаноби пайғамбаримиз: **“Мазкур сулҳнома, Муҳаммад Расулulloҳ билан Сухайл бин Амр ўртасида келишилиб, сулҳга боғланган шартларни ҳар иккала тараф ҳам бажаришни қабул қилиб имзоланган моддалардир”** деб ёз буюрдилар. Бироқ Сухайл, ҳазрати Алининг кўлидан тутиб, жаноби пайғамбаримизга қараб, “Қасам ичамизки, биз сизнинг Расулulloҳ эканлигингизни қабул қилганимизда, сизга қарши чиқиб, Каъбани зиёрат қилишингизга тўсиқ бўлмасдик. Шунинг учун "Расулulloҳ" ўрнига "Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад" деб ёзсин” деди. Жаноби пайғамбаримиз, бунга ҳам рози бўлиб, **“Валлоҳи сизлар мени қанчалик ёлғончига чиқарманг, мен ҳеч шубҳасиз Аллоҳу таолонинг Расулиман. Исмин ва отамнинг исмини ёздириш, менинг пайғамбар эканлигимни рад этмайди. Ё Али! Ўчириб, Муҳаммад бин Абдуллоҳ ёз”** дея буюрдилар.

Шартномадан "Расулulloҳ" сўзининг ўчирилишига Асҳоби киромдан ҳеч кимнинг кўнгли рози бўлмади. Барчаси ҳаддини билмас мушрикнинг қилигидан ғазабга тўлиб: “Ё Али! "Муҳаммад Расулulloҳ" деб ёз, акс ҳолда бу мушриклар билан орамизни фақат қиличлар ҳал қилади!.." дейишди. Муҳтарам пайғамбаримиз, асҳобининг бу ғайратларидан мамнун бўлсалар-да, уларга кўллари билан ишора қилиб, тинчланишларини буюрдилар. Ҳазрат Алига такрор ёзувни ўчиришни буюрганларида, у: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сизнинг бундай муборак сифатингизни ўчиришга кўлим бормайди!.." деб, узр тилади. Пайғамбаримиз ўша сўзнинг ўрнини кўрсатишни сўрадилар. Кўрсатишгач, Расулulloҳ сўзини ўз муборак бармоқлари билан ўчирдилар ва "Абдуллоҳ ўғли.." шаклида ёздирдилар.

Кейин моддалари ёзила бошланди:

1. Шартноманинг муддати ўн йилдир. Кўрсатилган вақт ичида иккала тараф бир-бирлари билан жанг қилмайдилар.

2. Мусулмонлар бу йил Каъбани зиёрат қилмайдилар. Бироқ бир йилдан кейин зиёрат қилишлари мумкин.

3. Каъбага зиёратга келадиган мусулмонлар бу ерда фақат уч кун

қоладилар ва ўзлари билан йўловчи қуролидан бошқа қурол олиб келмайдилар.

4. Мусулмонлар Каъбани тавоф қилаётганларида, уларнинг тавоф қилишлари бемалол бўлиши учун маккалик мушриклар шаҳардан ташқарига чикиб туришади.

5. Қурайшликлардан мусулмон бўлган бирор киши, валийсидан ижозатсиз Мадинага борадиган бўлса, у қайтариб берилади. Мусулмонлардан бирор киши Қурайш тарафига ўтиб, Маккага келса, у қайтариб берилмайди. Ҳазрати Умар бу моддага эътироз билдириб: “Ё Расулаллоҳ! Бу шартни ҳам қабул қиласизми?” дея сўрагани, сеvimли пайгамбаримиз табассум билан: **“Ҳа, шундай. Агар биздан уларга кетадиганлар бўлса, ундайларни ҳақиқатан Аллоҳу таоло биздан узоқ қилган бўлсин!”** дея марҳамат қилдилар.

6. Асҳобдан бирортаси ҳаж ёки умра қилиш ниятида Маккага келса, унинг моли ва жони ҳимояда бўлади.

7. Мушриклардан бирортаси Шомга ва Мисрга ёки яна бошқа жойларга бораётганларида Мадинага тушса, унинг ҳам жони ва моли ҳимояда бўлади.

8. Бошқа барча араб қабилалари, ўзлари хоҳлаган тарафнинг ҳимоясига киришлари мумкин. Улар мусулмонлар ёки мушриклар билан бирлашишда эркиндирлар.²⁶⁴

Мени қутқаринг, ё Расулаллоҳ!..

Ниҳоят навбат аҳдномани имзолашга келди. Ўша вақт оёқларидаги занжирларини судраган бир кишининг ислом лашкарларига қараб келаётгани кўринди. У яқинлашиб келганидан кейин, “Мени қутқаринг!..” дея бақирди. Бу товушни эшитган Қурайш гуруҳининг раиси дарҳол ўрнидан сакраб туриб, кўлига бир тиканли шохни олдида боши, юзи демай, уни савалай бошлади. У бечора бор кучини тўплаб, ўзини Расулаллоҳ жанобимизнинг муборак оёқлари тагига ташлаб: “Қутқаринг мени, ё Расулаллоҳ!” деб ёлворди. Бу киши Маккада мусулмон бўлганлиги учун ўз отаси тарафидан оёқларига кишан солинган бир мусулмон эди. У ҳар куни кўп қийноқларга дучор қилинарди, бутларга сиғинишга мажбур қилинарди. Мушрикларнинг

²⁶⁴ Бухорий, “Мағозий”, 35-б.; Абу Довуд, “Жиҳод”, 168-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 323-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 307-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 608-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 97-98-б.

Худайбияга кетганликларидан фойдаланиб, кишанларини узиб, яширинча Маккадан чикиб мусулмонлар орасига етиб келганди. Ҳидоятга эришган бу муборак киши, шартнома тузишга келган мушрик гуруҳининг раиси Суҳайлнинг ўғли, Абу Жандал ҳазратлари эди. Суҳайл, Жаноби пайғамбаримизга, ўз ўғли Абу Жандални кўрсатиб: “Ҳозиргина ёзиб тугатган аҳдномамизга кўра, менга қайтариб берадиган биринчи одам мана шу” дея сўз қотди.

Пайғамбаримиз ва саҳобийлар бу ҳолдан жуда мутаассир бўлдилар. Ҳамма Расулulloҳнинг қандай жавоб қилишларини кутарди. Бир томонда ҳозиргина қоғозга битилган аҳднома, иккинчи томонда азобу-исканжага дучор қилинган бир саҳоба турарди... Оламларнинг сарвари, Суҳайлга: **“Биз бу аҳдномани ҳали имзоламадик!”** дея марҳамат қилдилар. Суҳайл: “Ё Муҳаммад! Аҳдноманинг моддаларини ўғлим бу ерга келмасидан ёзиб битиргандик. Агар ўғлимни қайтариб бермасанг, мен ҳам аҳдномани асло имзоламайман” деб қайсарлик қилди.

Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Менинг хотирим учун уни аҳднома шартларига дохил қилмагил”** дея марҳамат қилсалар-да, мушриклар бу таклифни қабул қилмадилар. Суҳайл бин Амр, ўғлини турта-турта олиб кета бошлади, Абу Жандал: “Ё Расулаллоҳ! Эй мусулмон қардошларим!.. Мусулмон бўлиш билан шарафланиб, сизга мурожаат қилиб турганим ҳолда, сиз мени мушрикларга таслим қиляпсиз. Бу билан менга ҳар куни чидаб бўлмас азоблар берилишини раво кўрасизларми? Ё Расулаллоҳ! Динимдан қайтарсинлар деб мени уларга қайтариб бераяпсизларми!..” дея фарёд чекарди. Бундай ични ёндириб юборувчи фарёду ёлворишларга чидаб туриш мумкин эмас эди. Кўнгиллари эзилиб кетган саҳобийлар, кўз ёшларини тута олмай йиғлай бошладилар. Марҳаматлар дарёси сеvimли пайғамбаримизнинг ҳам кўзлари ёшга тўлган эди. Шунинг учун Суҳайлнинг ёнига бориб: **“Қўй, бундай қилма! Уни менга бер!”** дея илтимос қилдилар. Бироқ Суҳайл: “Йўқ, бунинг иложи йўқ. Мен уни сенга бера олмайман ” дея кескин жавоб берди.

Ана шундан кейин сеvimли пайғамбаримиз: **“Эй Абу Жандал! Яна бироз сабр қил! Сенга кўрсатиладиган жабрларга чида! Бу азобларнинг мукофотини Аллоҳу таолодан тила. Аллоҳу таоло сенга ва сен сингари заиф, ҳеч кими бўлмаган мусулмонларга шубҳасиз бир кенглик, қийинчиликлардан чиқадиган бирор йўл эҳсон этади”** деб тасалли қилдилар-да, **“Сўзимиздан қайтиш бизга ярашмайди”** дедилар.

Абу Жандалнинг аянчли илтижо ва фарёдларига Суҳайлдан бошқа

мушриклар ҳам тоқат қила олмай: “Эй Муҳаммад! Абу Жандални сенинг хотиринг учун биз ҳимоямизга оламиз. Унга Суҳайлнинг азоб беришига йўл қўймаймиз” дедилар. Шундан кейин Расулуллоҳ ва Асҳоби киромнинг кўнгиллари бироз таскин топди. (Макка фатҳ этилганидан кейин Суҳайл бин Амр ҳам мусулмон бўлиб, Асҳоби киром сафдошларидан бўлган эди.)

Шартнома икки нусхада ёзилиб, тарафлар томонидан имзо чекилиб, нухалари томонларга топширилди. Мушриклар қароргоҳларига қайтиб кетишди.²⁶⁵

Шартнома магни ташқаридан мусулмонларнинг зарарига бўлиб кўринганидан Қурайш мушрик элчилари жуда хурсанд эди. Аслида эса, бу шартнома мусулмонлар учун улкан ютуқ эди. Ундаги моддалар, охир оқибатда, мусулмонлар фойдасига эди. Ҳаммасидан ҳам муҳими, бу шартнома билан Макка мушриклари билиб ёки билмай, мусулмонларнинг бир давлат эканлигини тан олишганди. Шартномада яна шу ҳам бор эдики, яъни Маккадан чиққан бирор мушрик тижорат ёки бошқа бир иш билан Шомга, Мисрга ўтиб кетишида Мадинага қўниб ўтса, уларнинг моли ва жони ҳимояда бўлаётганди. Бу эса, мушрикларнинг мусулмонлар ҳаётини яқиндан кузатишга имкон бериб, исломнинг адолати, Асҳобнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари олдида ҳайрон қолиб, Исломиятни севишлари учун энг қулай фурсатни юзага келтираётганди. Натижада улар алоҳида даъват қилишни талаб қилмай ҳам ўз-ўзларидан мусулмон бўлиб, саҳобийларнинг сафини кенгайтирарди.

Шартнома ўн йиллик муддатга имзолангани сабабли бу давр мобайнида мусулмонларнинг сони янада кўпайиб, анчагина қувватланар, Исломият ҳам ҳар тарафга тарқаларди. Шартноманинг фақатгина бир моддаси, яъни “Қурайшликлардан бирор киши мусулмон бўлиб, Мадинага борса, у қайтариб берилиши керак” деган моддаси жаноби пайғамбаримизни бир мунча ўйлантирарди. Шунинг учун Расулуллоҳ: **“Аллоҳу таоло, уларга бир кенглик, эркинлик, қийинчиликлардан чиқадиган бирор йўл эҳсон этади”** дея марҳамат қилгандилар...

Энди мушриклар билан қилинадиган иш қолмаган эди. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Асҳоби киромга: **“Қани туринглар! Қурбонларингни сўйинглар. Сочларингизни олдинглар-да ихромдан чиқинглар”** дея марҳамат буюрди. Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳаммадан аввал қурбонини сўйдирдилар. Кейин шахсий сартароши

¹⁶⁵ Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 321-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 608-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VII, 405-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, IV, 56-б.

Ҳирош бин Умайя Унинг сочларини олди. Асҳоби киром бу сочларнинг бир толасини ҳам ерга туширмасдан, йиғиб оли, баракатланиш ниятида сақлаб қўйдилар. Саҳобийлар ҳам ўз қурбонларини сўйиб, бир қисми сочларини қирдирса, баъзилари қисқартдилар.²⁶⁶

Худайбияда ҳаммаси бўлиб йигирма кунга яқин қолишган эди. Жаноби пайғамбаримиз, дўстлари билан Мадинага қайтиш учун йўлга чиқдилар. Йўлда Аллоҳу таоло, жаноби пайғамбаримизга Фатҳ сурасини ваҳий этиб, неъматини ва ёрдамларини тамомлаши ҳақида хушхабар берди.

Коинотнинг султони (саллаллоҳу алайҳи васаллам) музаффар бўлиб, нурли Мадинага етиб келган кунларда, Қурайшнинг Сақийф қабиласидан Абу Босир мусулмон бўлиш билан шарафланганди. Мушриклар ичида тинч, бемалол яшай олмаслигини тушуниб етган Абу Босир, пиёда Мадинага етиб келди (Макка ва Мадина ораси тахминан 400 кмдан кўпроқ). Худайбия шартномасига кўра, унинг Мадинада қолиши имконсиз бўлиб, Қизил денгиз соҳилидаги Ййс деган жойга бориб жойлашди.²⁶⁷

У ер, Қурайш мушрикларининг Шомга борадиган тижорат йўли бўйида эди. Ана шундан кейин Қурайшдан мусулмон бўлганлар Мадинага эмас, Ййсга Абу Босирнинг олдига келиб жойлашадиган бўлди. Буларнинг энг биринчиси Абу Жандал ҳазратлари эди. Ундан кейин мусулмонларнинг кети узилмади. Улар аввал эллик киши, кейин юз, охири уч юз кишига етди. Қурайш қарвони Шомга бораётганда шу ердан ўтишга мажбур эди. Абу Босийр ҳазратлари, ёнидаги мусулмонлар билан биргалашиб, мушрик қарвонлари олдига чиқиб, уларни мусулмон бўлишга чақирарди. Мусулмонликни рад этганлари билан жанг қилиб, тинка-мадорларини қуритарди.

Маккалик мушриклар Шом тижорат йўлининг деярли ёпилганини кўриб, Мадинага бир ҳайъат юборишди. Бу ҳайъат Худайбия шартномасидаги “Қурайшликлардан мусулмон бўлган бирор киши, валийсидан ижозатсиз Мадинага борадиган бўлса, у қайтариб берилади” деган моддани олиб ташлашни ялиниб-ёлвориб сўрадилар. Жаноби пайғамбаримиз ҳам марҳамат буюриб, шартномадаги ўшамодданинг олиб ташланишига рози бўлдилар. Шундай қилиб, қурайшликларнинг Шомга ўтадиган тижорат йўли очилди. Мусулмонлар қилган сабрларининг мукофоти сифатида Мадинага, жаноби пайғамбаримизнинг ёнларига келиб жойлашдилар.

266 Бухорий, “Шўрут”, 15-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 323-б.; Табарий, “Торих”, II, 283-б.

267 Ибн Хишом, “ас-Сийра”, II, 324-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 625-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 57-б.

ДАЪВАТ МАКТУБЛАРИ

Ҳукмдорларга юборилган мактублар

Набийй-и мухтарам (саллаллоху алайҳи васаллам) Худайбиядан қайтиб келганларидан кейин, Исломнинг бутун оламга ёйилишини, одамзотнинг жаҳаннам азобидан қутилиб, ҳақиқий саодатга эришишларини орзу қилардилар. Зеро У зот, бутун оламга раҳмат этиб юборилганди. Шу сабабдан атрофдаги ҳукмдорларга элчилар юбориб, уларни исломга даъват қилишга киришдилар. Дихя-и Қалбийни Румга, Амр бин Умайяни Ҳабашистонга, Хотиб бин Абий Балтаани Миср ҳукмдорларига элчи этиб тайинладилар. Яна айни вазифа билан Салийт бин Амрни Ямомага, Шужо бин Ваҳбни Ғассонга, Абдуллох бин Ҳузофани Эрон ҳукмдорларига жўнатдилар.¹⁶⁸

Бу элчилар, Асҳоби киром орасида юзлари чиройли, қоматлари келишган, нутқлари равон энг сара зотлардан эди. Ҳукмдорларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида мактублар битилди. Севимли пайғамбаримиз, кумуш узуклари кўзига уч сатр ҳолида нақш қилинган **“Аллоху таолонинг Расули Муҳаммад алайҳиссалом”** муҳрлари билан хатларнинг тагига муҳр босдилар. Ҳукмдорларга юбориладиган элчилар эрталаб, пайғамбаримизнинг мўъжизаси сифатида борадиган элларнинг тилини билган ҳолда тўшакларидан уйғонгандилар.¹⁶⁹

Ҳабашистонга элчи бўлиб бораётган Амр бин Умайя ҳазратлари, Расулуллохнинг мактубини Нажоший Асҳомага топшириш билан бирга, ундан ўша ерга хижрат қилган саҳобаларни Мадинага жўнатишини ҳам сўраши керак эди.

Амр бин Умайя, қисқа вақтда Ҳабашистонга етиб бориб, малик Нажоший Асҳоманинг ҳузурига чикди. Нажоший тахтидан тушиб, жаноби пайғамбаримизнинг мактубларини теран хурмат ва муҳаббат билан олди. Уни ўпди, юзига ва кўзига суртганидан кейин очиб ўқиттирди:

“Бисмиллохиррахмониррахим!

Аллоху таолонинг расули Муҳаммад алайҳиссаломдан, Ҳабаш малики Нажоший Асҳомага! ...

168 Бухорий, “Тафсири”, 4-б, “Мағозий”, 77, 82, 84-б, “Илм”, 7-б.; Муслим, “Жиход”, 109-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 262-б, III, 441-б.; Ибн Хишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 43, 353-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 259-б.; Табароний, “ал-Муъжаммул-кабир”, IV, 301-б, VII, 4-б.; Ҳузоий, “ат-Тахрийж”, 183-184-б.; Каттоний, “ат-Таротийб-ул-идорийя”, I, 345-346-б.

169 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 15-б.

Ҳидоятга эргашганга салом бўлсин!... Эй ҳукмдор! Саломатда бўлишингни тилаб, сенга эҳсон қилган неъматлари туфайли Аллоҳу таолога ҳамд қиламан. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У ягона Малиқдир (Бутун коинотга эгалик фақат Унга хосдир, подишоҳдир.) Қуддусдир (ҳар турли айб ва қусурлардан холидир). Саломдир (бандаларини барча хавф-хатардан саломатда сақловчидир). Мўминдир (омонлик берувчидир). Муҳайминдир (ҳамма нарсани кўриб, муҳофаза қилувчидир).

Мен шаҳодат қиламанки, Исо (алайҳиссалом), соф иффат соҳибаси, покиза, ҳар қандай дунё ҳаётидан тамоман ўзини чеклаган Марямга Аллоҳу таолонинг илқо қилган руҳи ва калимасидир. Шу тариқа у Исога ҳомиладор бўлди. Аллоҳу таоло Одамни қудрати билан қандай яратган бўлса, Исони ҳам шундай яратгандир.

Эй ҳукмдор! Мен сени, ўхшаши ва шериги бўлмаган Аллоҳу таолога иймонга, Унга ибодатга ва менга тобе бўлишга, Аллоҳу таолонинг менга юборганларига ишонишга даъват қиламан. Чунки мен, Аллоҳу таолонинг буларни таблиғ этишга маъмур қилган расулиман.

Шу билан мен, сенга лозим бўлган таблиғотни қилган, дунё ва охират бахту саодатини таъминловчи насихатни айтган бўлдим. Насихатимни қабул қилинглар! Ҳидоятга эриб, тўғри йўлни топганларга салом бўлсин.”

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг мактубларини беқиёс адаб ва тавозу билан тинглаган ҳукмдор Асҳома, дарҳол: “Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ” деб калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди. Сўнгра: “Қасам ичаманки, У, китоб аҳли бўлмиш яҳудий ва христианларнинг интизорлик билан кутаётган, аввалги пайғамбарлар келишини башорат қилган ҳақ пайғамбардир. Агар У зотнинг ёнларига бориш имконим бўлганда, албатта бориб, хизматида туриб шарафланган бўлардим” деди. Мактубни эса, ҳурмат билан бир чиройли қутига солиб: “Мактублар бу ерда турган муддатча Ҳабаш диёридан хайр ва барокат кетмагай” деди.²⁷⁰

Расулуллоҳ жанобимиз, Нажошийга икки дона мактуб юборган эдилар. Нажоший Асҳома, иккинчи мактубдаги амрларни муносиб

²⁷⁰ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 198-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 223-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 79-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, I, 207-208-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XX, 80-б.

даражада бажариб, севимли пайғамбаримизнинг муборак хонимлари Умму Ҳабиба волидамизни ва у ерда бўлган бошқа Асҳоби киромни кемаларга миндириб, мўл ҳадялар билан Мадинага кузатиб қўйди. Пайғамбаримизга жавоб хатида иймон келтирганини ёзиб юборди.

Ҳазрати Дихя-и Калбийга Рум императорини исломга даъват қилиш вазифаси берилганди. Мактубни Бусрадаги Ғассон ҳукмдори Ҳорисга етказиб бериши лозим бўлиб, Ҳорис эса, мактубни Рум императори Гераклиусга жўнатиши керак эди.

Жаноби пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) даъват мактубларини муносиб ҳурмат билан қўлига олган ҳазрати Дихя, тезда Бусрага етиб келди. Бу ерда Ҳорис билан учрашиб, масалани унга тушунтирди. Ҳорис эса, Дихянинг ёнига, ҳали мусулмон бўлмаган Адий бин Ҳотамни кўшиб, уларни ўша вақтда Қудусда бўлган Гераклиусга юборди. Улар иккаласи бирга Қудусга келиб, император билан учрашиш борасида имконларни излаб кўрдилар. Императорга яқин кишилар, император билан учрашганда қандай муомалада бўлишни буларга ўргатиб: “Қайсарнинг ҳузурига борганда, бошингни қуйи солиб борасанда, унга яқинлашганингда ерга ётиб сажда қиласан. Рухсат бермагунича ердан бошингни кўтармайсан” дейишди.

Бу гаплар ҳазрати Дихяга жуда оғир ботди ва уларга: “Биз мусулмонлар Аллоҳу таолодан бошқа ҳеч кимга сажда қилмаймиз. Айниқса, инсоннинг инсонга сажда қилиши, унинг яратилишига зиддир” деди. Шунда ҳукмдорнинг одамлари “Ундай бўлса, Қайсар сен келтирган мактубни ҳеч қачон олмайди ва сени ҳузуридан ҳайдаб чиқаради” дедилар. Ҳазрати Дихя эса: “Бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, бирон кишининг ўзига сажда қилишини уёқда турсин, унинг олдида озгина бўлса-да эгилишига йўл қўймайдилар. У зот билан учрашишни истаган киши, ҳатто бир қул бўлса ҳам, унга муносиб ҳурмат кўрсатадилар. Уни муносиб қабул қиладилар, дардини тинглаб, ташвишларига ёрдамчи бўладилар, унинг кўнглини оладилар. Шунинг учун У зотга эргашганларнинг ҳаммаси хур ва шарафлидир” дея жавоб қилди.

Ҳазрати Дихянинг бу сўзларини тинглаганлардан бири: “Модомики, Қайсарга сажда қилмайсан, у ҳолда сен зимманга олган вазифангни бажаришинг учун биз сенга бошқа бир йўл кўрсатайлик. Қайсар саройининг олдида бир дам оладиган жой бор. У ҳар кун пешиндан кейин ўша ҳовлига чиқиб, сайр қилиб айланади. У жойда битта минбар ҳам бор. У минбарнинг устида ҳар қандай қоғоз бўлса, уни олиб ўқийди

ва ундан сўнгра дам олади. Сен ҳам ҳозир у жойга бор, мактубни ўша минбарга қўйгин-да, ташқарига чиқиб кутиб тур. Қайсар мактубни ўқиганидан кейин сени ичкарига чакиради. Ана шунда сен вазифангни бажаришинг мумкин бўлади” дейишди.

Ҳазрати Диҳя айтилган жойга бориб, мактубни минбар устида қолдирди. Сайр қилгали ҳовлига чиққан Гераклиус минбардан мактубни олди. Унинг арабча ёзилганини кўриб, таржимон чақиртирди. Таржимон Расулulloҳнинг мактубини ўқишга киришди. Мактуб **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим! Аллоҳу таолонинг расули Муҳаммадан (алайҳиссалом), Румларнинг бошчиси Гераклиусга”** дейилган сўзлар билан бошланарди. Гераклиуснинг укасининг ўғли Яннак, мактубнинг бундай бошланишидан ғзабга минди ва таржимоннинг кўкрагига бир мушт туширди. Мушт зарбидан таржимон бечора йиқилди, муборак мактуб қўлидан учиб тушди. Гераклиус “Нима қиляпсан?!” деди норози оҳангда. У “Кўрмаяпсизми? Хатга сизнинг исмингиздан аввал ўзиники ёзиб бошлаган. У ҳам етмагандек ҳукмдорлигингизни тан олмагандай “Румларнинг бошчиси Гераклиусга” дейилибди. Нима учун “Румларнинг ҳукмдори” деб ёзмаган ва нега мактубга зоти олийларингизни исми билан бошламаган? Бундай хат бугун ўқилмаслиги керак” деди.

Гераклиус бўлса, “Худо ҳақи, сен ё ақлингни йўқотгансан ёхуд ақл сенда умуман бўлмаган. Тўғриси, бунчалик нодонлигингни билмас эканман. Мен ҳали хатда нималар ёзилганини билмасдан, уни йиртиб ташламоқчимисан? Ҳаётим билан қасам ичаманки, агар У зот, ростдан ҳам ўзи айтганидек пайғамбар бўлса, мактубига менинг исмимдан олдин ўзининг исмини ёзишга ва мени Румларнинг бошчиси деб аташга тўла ҳақлидир. Мен уларнинг раҳбариман холос, ҳукмдори эмас” деди ва Яннакни ҳузуридан чиқариб юборди.

Кейин, христианларнинг энг катта олими ва Гераклиуснинг маслаҳатчиси ҳисобланган Ускуф исмли кишини чақиртириб, мактубни ўқитди. Хатнинг давоми куйидагича ёзилганди: **“Аллоҳу таолонинг хидоятига эриб, тўғри йўлга қовушганларга салом бўлсин! (Эй Румларнинг бошчиси!) Сени Исломга даъват қиламан. Исломни қабул қилгинки, саломатлик топгайсан. Мусулмон бўлгинки, Аллоҳу таоло сенга икки марта қўп ажр берсин. Агар юз ўгирадиган бўлсанг, барча христианларнинг уволи сенинг зиммангда қолади! “Айтгил: “Эй аҳли китоб (бўлган яҳудий ва христианлар) орамизда муштарак бўлган калимага келинглар.**

У ҳам бўлса, Аллоҳу таолодан бошқа ҳеч бир нарсага ибодат қилмаймиз ва Унга ҳеч бир нарсани шерик қўшмаймиз. Аллоҳу таолони қўйиб, ўз ичимиздан ҳеч кимни яратувчи Раб дея қабул қилмаймиз. Агар бу сўздан юз ўгирсалар, уларга, “Гувоҳ бўлинглар, биз Мусулмонмиз” денглар.”²⁷¹

Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) мактуби ўқиладиганда ҳаяжондан Гераклиуснинг пешонасидан тер томчиларди. Мактуб ўқиб бўлингандан кейин: “Сулаймон алайҳиссалом давридан бери, мен бундай **“Бисмиллоҳир раҳмонирраҳим”** дея бошланган биронта хат кўрмагандим” деди. Гераклиус, Ускуфдан бу масала хусусида фикрини сўраганида, “Худо ҳақи, У, бизга Мусо ва Исолар (алайҳимуссалом) башорат қилган ҳақ пайғамбардир. Зотан биз, Унинг дунёга келишини кутаётган эдик” дея жавоб берди.

Гераклиус: “Бу ҳақда нима қилишимни тавсия қиласиз?” дея сўради. Ускуф эса: “Унга тобе бўлишингизни тавсия қилардим” деб жавоб берди. Гераклиус: “Маслаҳатингизни тушуниб турибман. Лекин Унга тобе бўлиб, мусулмонликни қабул қилишга юрагим дов бермайди. Чунки шундай қилсам, ҳукмдорлигим ҳам қўлдан кетади, ҳамда мени тирик қўйишмайди” деди. Кейин ҳазрати Дихя ва Адий бин Ҳотамни чақиртирди. Ҳукмдорнинг олдига кирган Адий: “Эй ҳукмдор! Чорвадор ва туябоқар араблардан бўлган мана бу ёнимдаги киши, ўз мамлакатада содир бўлган ҳайратли ҳодиса ҳақида гапирмоқда” деди. Гераклиус: “Мамлакатингизда содир бўлган ҳодиса нимадан иборат?” деб сўраганида, ҳазрати Дихя: “Орамиздан бир зот чиқиб, ўзининг пайғамбар эканлигини эълон қилди. Ҳозирча халқнинг бир қисми Унга тобе бўлди, қолганлар Унга қарши бўлиб турибди. Унга ишонганлар билан ишонмаганлар орасида тўқнашувлар бўлиб ўтаяпти” деди.

Шундан сўнг Гераклиус, жаноби пайғамбаримиз ҳақида суриштиришни бошлади. Шом волийига чопар юбориб, Расули акрам жанобимиз билан бир қабиладан бўлган бирон кишини топишини буюрди. Бу орада иброний тилини пухта билладиган Римдаги бир олим дўстига хат йўллаб, бу масала ҳақида унинг фикрини сўратди. Римдан, ушбу зотнинг охирзамон пайғамбари эканлигини билдирган жавоб келди. Шом волийи тижорат учун келган Қурайш карвони билан учрашди. Уларнинг орасида ҳали мусулмон бўлмаган Қурайш раиси Абу Суфён ҳам бор эди.

Абу Суфён айтади: “Биз Ғазада эдик. Ўшанда Гераклиуснинг

271 *Ол-и Имрон сураси, 3/64.*

Шомдаги волийи, биз томонга хужум қилгандек бостириб келиб: “Сизлар, ўша Ҳижоздаги зотнинг қавмиданмисизлар?” деб сўради. Биз: “Ҳа, шундай” дедик. У бизга: “Ундай бўлса, кани туринглар, биз билан императорнинг олдига борасизлар” деди.

Абу Суфён билан ёнидагилар Шомга келтирилди. Шом волийи, Абу Суфённи шериклари билан Гераклиуснинг хузурига чиқарди. У пайтда Гераклиус Кудусдаги бир черковда тож кийиб ўтирганди, ёнида вазири ҳам бор эди. Абу Суфён билан ёнидаги ўттизга яқин маккаликларни, Гераклиус ўша черковда қабул қилди.

Таржимон ёрдамида уларга: “Ўзини пайғамбар деб эълон қилган зотга насаб жиҳатидан энг яқин бўлганингиз қайси бирингиз?” деб сўради. Абу Суфён: “Унга қариндошлик жиҳатидан энг яқин бўлган киши менман” дея жавоб қилди. Гераклиус: “Ораларингдаги қариндошлик қанчалик яқин?” деганида, “У, амакимнинг ўғли бўлади” деб жавоб берди. Гераклиус Абу Суфёнга яқинроқ келишини айтитб, қолганларга Суфённинг орқасида туришларини буюрди. Абу Суфён бошида бироз ёлғон аралаштирган бўлса-да, ҳукмдорнинг таҳдидидан кўркиб, ёлғон гапира олмади.

Оқибатда, Гераклиус ва Абу Суфён орасида қуйидаги савол-жавоб бўлиб ўтди:

- Пайғамбарлигини даъво қилаётган одамнинг келиб чиқиш таги, хонадони, уруғи ҳақида нималар дейсан?

- У давримизнинг энг тагдор оиласидандир. Уруғ-аймоғи жиҳатидан энг сарамиздир.

- Орангиздан ундан илгари пайғамбарлик даъво қилган биронта киши чиққанми?

- Йўқ, чиқмаган.

- Унинг ота-боболари орасидан биронта ҳукмдор келганми?

- Йўқ, келмаган.

- Унга халқнинг қайси табақасидан кўпроқ одам тобе бўлмоқда, бойларми ёки фақир ва заифларми?

- Унга эргашаётганлар кўпроқ фақирлар, заифлар, ёшлар ва аёллардан иборат. Қавмининг қарияларидан ва бойларидан Унга тобе бўлганлар деярли йўқ.

- Унга эргашаётганларнинг сони ортяптими ёки камапти?

- Афсуски, ортяпти.

- Унинг динига киргандан кейин ёқтирмай ёки аччиқланиб тарк этганлар бўлдимми?

- Йўк.

- Пайғамбар эканлигини эълон қилмасидан аввал, ҳеч қачон ёлғон гапирганми?

- Йўк, У ҳеч қачон ёлғон гапирмаган.

- Ўша пайғамбарнинг аҳдини бузган, ваъдасида турмаган пайтлари бўлганми?

- Йўк, ваъдасида турмаган ҳолини кўрмаганмиз. Лекин биз шу кунларда у билан маълум муддатга жангу жадални тўхтатиш ҳақида шартнома тузганмиз. Бу муддат ичида Унинг шартномага содиқ қолиш ё қолмаслигини айта олмайман.

- У сизларга нималарни буюрмоқда?

- Фақат ягона Аллоҳга ибодат қилишни, Унга ҳеч бир нарсани шерик қўшмасликни амр этмоқда. Ота-боболаримиз сиғиниб келган бут-санамларга сиғинишдан бизга маън этмоқда. Намоз ўқишни, доимо тўғрилиқни, фақирларга ёрдам беришни, ҳаромлардан сақланишни, аҳдга вафо қилишни, омонатга хиёнат қилмасликни ва қариндош-уруғни зиёрат қилиб туришни амр қилмоқда.

Черковда шундай машварат қилиниб, Расулulloҳнинг муборак мактублари ўқиб эшиттирилганди. Гераклиус мактубни ўпиб, кўзларига суртиб, бошига қўйганида румлар орасида ғала-ғовур бошланди. Қайсар (Рум ҳукмдори) Абу Суфён билан ёнидагиларнинг ташқарига чиқиб туришларини буюрди. Ҳали мусулмон бўлмаган Абу Суфён, ўшанда қасам ичиб, муҳтарам пайғамбаримизнинг ушбу даъвосида муваффақ бўлишларига ишончи комил эканлигини яширмаганди.

Ҳазрати Дихя, Гераклиуснинг олдига чиқиб, муборак чиройли кўриниши ва ширин овози билан бундай деди: “Эй Қайсар! Мени, ҳузурингизга Бусрадан сиздан ҳам хайрли бир киши (Ҳорис) юборди. Аллоҳу таолога қасам ичиб айтаманки, мени Бусрадаги кишига юборган зот (Расулulloҳ) эса, ундан ҳам, сиздан ҳам хайрлироқдир. Сиз, айтганларимни тавозе билан тинглаб, берилган насиҳатларни қабул қилишингиз керак! Чунки тавозе қилсангиз, насиҳатларни тушунасиз. Насиҳатларни қабул қилмасангиз, инсофли бўла олмайсиз!”

Гераклиус, бош ирғаб “Давом эт!!” деди. Ҳазрати Дихя, “Ундай бўлса, мен сизни, Исо алайҳиссалом ибодат қилган ягона Аллоҳу таолога иймон келтиришга даъват қиламан. Мен сизни, дастлаб Мусо алайҳиссалом, кейин Исо алайҳиссалом башорат қилган уммий пайғамбарга иймон келтиришга даъват қиламан. Агар ўша башоратлар ҳақида эшитган бўлсангиз ва икки жаҳон саодатига эришишни

хоҳласангиз, уларни кўз олдингизга келтиринг. Акс ҳолда, охират саодатини бой бериб, куфр ва ширк ботқоғида қоласиз. Шунини ҳам билиб олингки, сизнинг Раббингиз бўлган Аллоҳу таоло, золимларни ҳалок қилгучи ва неъматларни ҳам ўзгартиргучидир” деб гапини тамомлади.

Герациус: “Мен қўлимга тушган бир битикни ўқимасдан ёхуд ёнимга келган бир олимдан билмаганларимни сўраб олмасдан қўймайман. Бу ишдан мен фақат хайр ва яхшилик топаман. Шунинг учун сен булар устида теран ўйлаб, ҳақиқатига етгунимча менга муҳлат бер” деди. Кейинроқ Гераклиус, ҳазрати Дихянинг чақиртириб, яккама якка ҳам кўришди. Ниҳоят қалбидан кечаётганларни қуйидагича тушунтирди: “Мен, сизни бу ерга юборган зотнинг, муқаддас китобларимизда дунёга келиши башорат қилинган ва орзиқиб қутилаётган охирзамон пайғамбари эканлигидан аминман. Лекин, агар У зотга тобе бўлсам, румларнинг (византияликлар) мени ўлдиришларидан андишадаман. Шу боис, сизни ҳозир, рум халқи наздида мендан ҳам зиёда ҳурмат-эҳтиромга эга ва машҳур бир олим бўлмиш Даготирнинг олдига юбораман. Христианларнинг ҳаммаси унга сўзсиз итоат қилади. Агар ўша киши иймонга келса, рум халқи ҳам иймонга келади деб ўйлайман. Ана ўшанда мен ҳам қалбимдаги иймонимни ва чин эътиқодимни эълон қиламан.”

Ана шундан кейин Гераклиус, бир мактуб ёздириб ҳазрати Дихяга берди-да, Даготирнинг олдига юборди.

Расулуллоҳ, Даготирга ҳам мактуб юборгандилар. Даготир мактубларни ўқиб, пайғамбаримизнинг васфларини эшитиб, дунёга ташрифлари ҳақида ҳазрати Мусо ва ҳазрати Исолар хабар қилган охирзамон пайғамбари эканликларига шубҳа йўқлигини айтиб, дарров иймон келтирди. Шундан кейин уйдан чиқмай якшанба ваъзларига уч ҳафта кетма-кет бормади. Христианлар: “Даготирга нима бўляпти ўзи? Ҳалиги араб билан учрашганидан буён уйдан чиқмайди? Уни кўришни истаймиз!” деб бақир-чақир қилишди.

Даготир христианлар олдига чиқишдан олдин устидаги роҳибларга махсус қора кийимини ечиб, оқ либос кийди ва қўлида асо ушлаган ҳолда черковга келди. Аҳолини тўплади-да уларга қараб: “Эй христианлар! Хабарингиз бўлсинки, бизга Аҳмаддан (алайҳиссалом) мактуб келди. У бизни ҳақ динга даъват қиляпти. Мен биламан ва инонамани, У Аллоҳу таолонинг ҳақ расулидир“ деди. Даготирнинг бу сўзларини эшитган христианлар, ғалаёнга келиб, уни қуршаб

дўппослаб шахид қилишди. Ҳазрати Дихя бўлиб ўтган воқеани бориб, Гераклиусга сўзлаб берди.

Гераклиус: “Мен сизга айтмаганмидим? Даготир, христианлар олдида мендан-да эътиборли ва азиз киши эди. Агар улар, билиб қолишса, мени ҳам унга ўхшаб қатл қилишади” деди.

Зухрий ривоят қилган ва Бухорийнинг “Саҳих”ида зикр этилган хабардаэса: “Гераклиус Хумусдаги кўшкига румликларнинг улуғларини чақириб, кўшкнинг дарвозалари ёпиб қўйилишини амр қилди. Ундан сўнгра ўзи баланд бир жойга чиқди-да, “Эй Рум жамоати! Сизлар саодатга ва ҳузур-ҳаловатга эришишни ҳамда ҳокимиятингизнинг мустаҳкам бўлиб қолишини, ҳазрати Исо айтганларига эргашишни хоҳлайсизларми?” дея сўради. Йиғилганлар: “Эй ҳукмдор! Сен айтганларни қўлга киритиш учун нималар қилишимиз лозим бўлади?” дейишди. Гераклиус: “Эй Рум жамоати! Мен сизларни хайрли бир иш учун тўпладим. Менга ҳазрати Муҳаммаднинг мактуби етиб келди. У мени Ислом динига даъват қилмоқда. Валлоҳи, У, биз келишини кутаётган, китобларимизда У ҳақида ўқиган ва Унинг аломатлари ҳақида билган пайғамбардир. Келинлар, Унга эргашиб, дунёда ва охирадда саломат бўлайлик” деди. Унинг бу сўзларини эшитган оломон, ҳар хил ёмон сўзлар билан шовқин солиб, ташқарига чиқиб кетиш учун эшикка югурдилар. Бироқ дарвозалар ёпиқ бўлганлигидан ташқарига чиқа олмадилар. Румликларнинг бу ҳаркатини кузатиб турган Гераклиус, уларнинг исломиятдан қочаётганларини англаб, ўзининг жонидан кўрқа бошлади. Шу сабабдан у: “Эй Рум жамоати! Менга қулоқ солинг. Мен сизнинг динингизга қанчалик содиқлингизни синаш учун буларни сўзлагандим. Мана динингизга содиқлигингизни ва мени хурсанд қиладиган ҳаракатингизни ўз кўзим билан кўрдим” деди. Гераклиуснинг бу сўзларини эшитган румликлар, унга сажда қилдилар ва дарвозалар очилганидан кейин тарқаб кетдилар.”²⁷²

Бу воқеадан кейин Гераклиус, ҳазрати Дихяни олдига чақирди ва вазиятни унга тушунтирди. Бири-бирдан қимматбаҳо ҳадялар ҳозирлади. Жаноби пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи вассалам)га алоҳида бир мактуб ҳам ёздирди. Мактубни ва ҳозирланган ҳадяларни ҳазрати Дихя орқали севимли пайғамбаримизга бериб юборди. Хуллас, Гераклиус мусулмон бўлишни хоҳлаганди, бироқ мансаб ва жонидан кўрқиб, иймон келтирмаган эди. Пайғамбаримизга ёзилган мактубида: “Ҳазрати Исо хабар қилган Аллоҳнинг Расули Муҳаммадга, Рум

²⁷² Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 259-б.

хукмдори Қайсардан мактуб! Элчингиз мактубингизни келтирди. Мен шаҳодат қиламанки, сиз Аллоҳнинг ҳақ расулисиз. Зотан биз, сизнинг келишингизни Инжилдан билгандик. Ҳазрати Исо сиз ҳақингизда хушxabар қолдирганди. Румликларни сизга иймон келтиришга даъват қилсам-да, бунга муваффақ бўла олмадим. Менга қулоқ солганларида эди, бу улар учун хайрли бўларди, албатта. Мен сизнинг ёнингда бўлиб, сизга хизмат қилишни ва оёқларингизни ювиб кўйишни жуда орзу қиламан” дейилганди.

Ҳазрати Дихя, Гераклиуснинг олдидан чиқиб, Ҳисмога келди. Йўлда Жузом водийларидан Шанор водийси деб аталадиган жойда Ҳунайд бин Ус, ўғли ва одамлари ҳазрати Дихянинг йўлини тўсиб, эгнидаги эски кийимларидан бошқа ҳамма нарсасини тортиб олишди. Ўша атрофда Дубайб бин Рифоа бин Зайд ва қавми Исломиятни қабул қилгандилар. Дихя уларга бориб бошига келганларни айтгач, улар Ҳунайд бин Ус ва қабиласи устига юриш қилиб, ҳазрати Дихянинг барча ашёларини қайтариб олдилар. Кейинчалик Расулуллоҳ, Зайд бин Ҳорисни Ҳунайд бин Ус ва одамларининг устига юбордилар. Нағижада, у атрофдагиларнинг барчаси иймон келтириб, мусулмон бўлдилар. Ҳазрати Дихя Мадинага етиб келиб, уйига бормасдан, тўғри Ҳабиби акрам жанобимизнинг эшигига борди. Эшикни қокди. Пайғамбаримиз **“У ким?”** деб сўрадилар. Ҳазрати Дихя, **“Дихят-ул Калбийман”** дея жавоб қилди. Одамларнинг жаноби **“Ичкарига кир”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Дихя ичкарига кириб, бўлиб ўтган воқеаларни бутун тафсилотлари билан Расулуллоҳга гапириб берди. Пайғамбаримизга Гераклиуснинг мактубини ўқиб берганида, сарваримиз: **“У ҳали бир мунча муддат яна (салтанатида) қолади. Мактубим унинг ёнида қанча вақт сақланса, ўшанча вақт унинг салтанати давом этади”** дедилар.²⁷³

Гераклиус, ўз мактубида пайғамбаримизга иймон келтиргани ҳақида ёзган бўлса-да, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Ёлғон айтаяпти, динидан қайтмаган”** деб марҳамат қилдилар. Гераклиус, пайғамбаримизнинг мактубларини атлас матога ўраб, бир олтин қути ичига солиб сақлади. Гераклиус оиласи, бу мактубни доимо кўз қорачиғидай сақлаб, бегона кўздан яширганлар. Ушбу мактуб токи қўлларида экан, салтанатлари давом этишини айтар ва шунга ишонардилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

273 Бухорий, “Тафсири”, 4-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 441-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 353-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 259-б.

Расули акрам (саллаллоху алайҳи васаллам), Хотиб бин Абий Балтаани Миср ҳукмдорига юборишдан олдин: **“Эй Асҳобим! Мукофотини Аллоху таолодан кутиб, мана шу мактубни Миср ҳукмдорига қайси бирингиз олиб борасиз?”** дея сўраганларида, ҳазрати Хотиб ўрнидан ирғиб турди-да: **“Ё Расулаллох! Мен олиб бораман”** деди. Пайғамбаримиз: **“Эй Хотиб! Бу вазифани Аллоху таоло сен учун муборак айласин”** дея марҳамат қилдилар.

Хотиб бин Абий Балтаа ҳазратлари мактубни сеvimли пайғамбаримиз қўлларидан олиб, видолашди ва уйига қараб кетди. Уйига келиб, йўлга уловини ҳозирлади. Оиласи билан видолашиб, йўлга чиқди. Йўлда Миср ҳукмдори Муқовқиснинг Искандарияда эканлигини эшитиб, ўша томонга юзланиб, ҳукмдорнинг саройига етиб борди. Сарой ичига киришдан олдин, мақсадини сўраган сарой дарвозабони, ҳазрати Хотибга муносиб хурмат-иззат кўрсатди. Уни куттириб қўймади. Ўша онда Муқовқис денгизда кемада ўз одамлари билан маслаҳатда эди. Ҳазрати Хотиб, бир қайикқа миниб, кеманинг олдига сузиб келди ва мактубни топширди. Хотибдан мактубни олган Муқовқис ўқий бошлади:

“Бисмиллохирраҳмонирраҳим!

Аллоху таолонинг қули ва расули Муҳаммаддан, Қибтнинг (қадимги Миср халқи) улуғи Муқовқисга! Ҳидоятга эришганларга салом бўлсин. Сени, саломатда бўлишинг учун Исломга даъват қиламан. Мусулмон бўлгин, шунда саломатга эришиб, Аллоху таолонинг икки даража ажрига ноил бўласан. Агар юз ўгирсанг, бутун қибтнинг гуноҳи сенинг зимманда бўлади. “Эй Аҳл-и китоб бўлган (яхудий ва христиан)-лар! Орамизда муштарак бўлган калимага келинглар. У эса, Аллоху таолодан бошқа ҳеч қандай бир нарсага сизинмаймиз ва Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмаймиз. Аллоху таолони қўйиб, ўз ичимиздан ҳеч кимни яратувчи Раб қилиб олмаймиз. Агар бу сўздан юз ўгирсалар, уларга, “Тувох бўлинглар, биз Мусулмонмиз” денглар.¹²⁷⁴

Коинотнинг султони юборган мактубни ўқиб бўлганидан кейин Муқовқис, ҳазрати Хотибга қараб: **“Хайрлиси бўлсин!”** деди. Кейин ўз қўмондонлари ва давлат арбобларини тўплаб, уларнинг хузурида Хотиб билан суҳбатлаша бошлади. **“Билгим келган баъзи нарсаларни сендан сўрамоқчиман, бу хусусда сен билан гаплашмоқчиман”** деди. Ҳазрати Хотиб **“Марҳамат,”** деганида, Муқовқис:

- Сени бу ерга юборган зот ҳақида менга биров хабар бер. У пайғамбарми? Қани сени эшитамиз.

- Ҳа, У пайғамбар.

- Агар У ҳақиқатан пайғамбар бўлса, Уни ўз юртидан бошқа жойларга кетишга мажбурлаган қавмини нега баддуо қилмади (қарғамади)?

- Сиз, Исо бин Марям алайҳиссаломнинг пайғамбар эканлигига ишонасиз, шундайми? Унинг қавми, уни ушлаб, ўлдирмоқчи бўлди. Бироқ шунга қарамай, Исо (алайҳиссалом) қавмини қарғамади ва Аллоҳу таоло уни ўлимдан қутқариб, дунё осмонига олиб чиқиб кетди, мукофотлади. Ваҳоланки Аллоҳу таолодан қавмининг ҳалок этилишини сўраб баддуо қилиши керак эмасмиди? Аммо у зот бундай қилмади.

- Жуда яхши жавоб бердинг. Ҳақиқатан сен, ҳикматлар соҳиби бўлган зотнинг ёнидан келибсан. Бу кеча юртимизда меҳмон бўл, эртага сенга жавобимни айтаман.

Ҳазрати Хотиб, ҳазрати Мусо замонидаги Фиръавнга шаъма қилиб, Муқовқисга бундай деди:

- Сиздан анча замонлар илгари бу ерларда бир ҳукмдор ўтган эди. У халқига “Энг катта Худо менман!” деб илоҳлик даъво қилганди. Аллоҳу таоло, уни дунё ва охират азоблари билан жазолаб, ундан интиқом олди. Сиз, шундан ибрат олинг ва унга ўхшаб халқингизга ибрат бўлиб қолманг!

- У ҳукмдордан фарқли ўларок, бизнинг ўз динимиз бор. Биз шу динимиздан хайрлироғи топилмагунча ундан воз кечмаймиз.

- Сиз маҳкам ушлаган ва яхшироғи чиқмагунича ундан ажралмаймиз, деган динингиздан ҳам хайрлироқ бўлган дин, шубҳасиз Исломиятдир. Биз сизни Аллоҳу таолонинг шу охирги дини - Исломиятга даъват қиляпмиз. Аллоҳу таоло ўз динини Муҳаммад алайҳиссалом билан тамомлаб, У зотни инсониятга етарли қилган. Ва бу қатъийдир! Бу пайғамбар фақат сизни эмас, бутун инсониятни Илом динига даъват қилди. Ўшанда у зотга Қурайш, ҳаммадан кўп қаршилик кўрсатиб, кўполлик қилувчилардан; яҳудийлар ҳаммадан кўп душманлик қилувчилардан; христианлар эса Унга ҳаммадан яқин турувчилар бўлди. Аллоҳу таолога онт бўлсинки, ҳазрати Мусонинг Исо алайҳиссаломни келишини башорат қилиши, ҳазрати Исонинг Муҳаммад алайҳиссаломни ташрифларини башорат қилиши билан бирдай эди. Шунга биноан, бизнинг сизни Қуръони каримга даъват

қилишимиз, сизнинг яхудийларни Инжилга даъват қилишингиз билан бирдай. Ўзингиз ҳам биласизки, ҳар бир пайғамбар, уни тушуниб, идрок қила оладиган қавмга юборилган. Ва шу пайғамбарга итоат қилиш ўша қавм зиммасига вожиб бўлган. Мана Сиз ҳам шундай бир пайғамбар даврида яшаш неъматига эришганлардансиз. Биз эса, сизни мана шу янги динга чақиряпмиз.

Ҳазрати Хотибни тинглаган Муқовқис: “Мен бу пайғамбарнинг холини кузатдим. Унинг амрлари ва тақиқларида ақлга тўғри келмайдиган ҳеч нарса топа олмадим. Чамамда, У зот асло сеҳрбоз, қоҳин ёхуд ёлғончилардан эмас. Тўғриси, мен У зотда баъзи пайғамбарлик аломатларини ҳам кўрдим. Масалан, яширин нарсаларни юзага чиқариш ана ўша аломатлардан ҳисобланади. Баъзи сирлардан хабар бериш ҳам яна ўша зотда кузатилди. Барибир бироз ўйланиб кўришим керак” деб, муҳлат сўради.

Муқовқис кечаси ҳазрати Хотибни уйғотиб, пайғамбаримиз ҳақларида яна бир неча саволлари борлигини айтди. Кейин ораларида қуйидагидек савол-жавоб бўлиб ўтди:

- Мен сендан уч нарса сўрамоқчиман. Саволларимга тўғри жавоб беришинг лозим.

- Сиз мenden истаганингизни сўрашингиз мумкин. Мен сизга фақат тўғрисини айтаман.

- Муҳаммад одамларни нималарга чақираяпти?

- Фақат ягона Аллоҳу таолога ибодат қилишга чақираяптилар. Ҳар куни беш вақт намоз ўқишни, Рамазонда бир ой рўза тутишни, ваъдада туришни амр қилмоқдалар. Ўлаксаларни ейишни маън қилаяптилар.

Шунда Муқовқис:

- Унинг шакл-шамойилини, жамолини (жисмоний кўринишларини) менга бир таърифлаб бер, деб қолди. Ҳазрати Хотиб қисқача таърифлади. Кўп белгиларни айтмай ўтганди, Муқовқиснинг ўзи:

- Сен менга айтмаган баъзи нарсалар қолди. Масалан, кўзларида озроқ қизиллик бўлиб, елкасида пайғамбарлик муҳри ҳам бор, У зот эшакка минади, тоза кийинади, хурмо ва гўшти кам овқатлар ейиш билан кифояланади. Амакилари ва амакиларининг ўғиллари тарафидан химояланади, деб қўшимчалар қилди. Бунга жавобан ҳазрати Хотиб,

- Сиз санаганлар ҳам Унинг сифатларидандир, деди.

Муқовқис, ҳазрати Хотибдан муҳтарам пайғамбаримиз ҳақида яна қуйидагиларни сўради:

- У, сурма ишлатадими?

- Ҳа! Ойнага қараб сочларини тарайдилар, сафарда ва урушда доимо ёнларида ойна, сурмадон, тарок, мисвок бўлади.

- Мен ер юзига юбориладиган яна бир пайғамбар қолганини билардим, бироқ уни Шомдан чиқади деб ўйлардим. Чунки бугунгача дунёга келган пайғамбарларнинг барчаси шу атрофдан чиққан. Гарчи китобларда охирги пайғамбар Арабистонда, иқлими дағал, қаҳат-йўқсиллик ҳукм сурадиган ўлкада дунёга келади деган даракларни ҳам кўргандим. Китобларимизда сифатлари билдирилган пайғамбарнинг дунёга келадиган вақти ҳам ҳозирги даврга тўғри келиб турибди. Биз Унинг васфлари ҳақида, У опа-сингилни битта никоҳда бирлаштирмайди; садака олмайди, лекин совға қабул қилади; фақирлар, йўқсиллар билан ўтириб-туради, деб ўқиганмиз. Лекин У зотга итоат қилиш борасида қибтийлар менга кулоқ солишмаса керак. Устига-устак, салтанатимдан ажраб қолишни ҳам истамайман. Бу масалада мен ҳеч нарсадан тап тормайдиган даражада ҳукмдорликка берилган кишиман. Биламан, У пайғамбар бир кун келиб ўлкаларга ҳоким бўлади. Ундан кейин саҳобийлари бизнинг юртимизгача келиб, жойлашишади. Охир оқибат бу ердагилар устидан ғолиб келишади. Мен қибтийларга билганларим ҳақида ва сен билан бўлиб ўтган ушбу учрашув ҳақида ҳаттоки оғиз очишни ҳам хоҳламайман!

Шундай савол-жавоблардан кейин Муқовқис арабча ёзадиган котибини чақириб, пайғамбаримизга жавоб хати ёздирди:

“Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадга, қибтийларнинг улуғи Муқовқисдан!

Сизга салом бўлсин. Юборган мактубингизни ўқидим. Унда зикр қилганларингизни ва даъватингизни тушундим. Мен ҳам бир пайғамбар келишини билардим. Лекин уни Шомдан чиқади деб тахмин қилардим. Элчингизга керакли хурмат-иззатни кўрсатдим. Сизга қибтийлар наздида катта қийматга эга иккита жория билан қийим-кечаклар юборяпман. Бундан ташқари минишингиз учун урғочи ҳачир ҳам тўхфа қилдим.”

Муқовқисдан бундан бошқа нарса чиқмади ва мусулмон ҳам бўлмади. Ҳазрати Хотибни Мисрда беш кун меҳмон қилди. Унга муносиб хурмат-иззат кўрсатди. Кейин ҳазрати Хотибга: “Дарҳол ўз юртингга, хожангни олдига қайт! Мен Унга икки жория (чўри), минадиган иккита улов, минг мисқол (бир мисқол 4,8 гр.) олтин, йигирма дона Мисрда тикилган нафис қийим ва яна бошқа ҳадялар юборилишини амр қилдим. Сен ўзингга эса, юз динор ва бешта бош-

оёқ сарпо берилишини ҳам буюрдим. Энди тезроқ бу ердан кетгин. Лекин тилингга маҳкам бўл! Қибтийлар сендан биронта ҳам сўз эшитувчи бўлмасин!” дея тайинлади.

Муқовқис, пайғамбаримизга яна қўшимча битта биллур қадах, хушбўй асал, салла, Мисрга хос пахта матолар, уд, мушк каби хушбўй ифорлар, хасса, бир кути сурма, гул ёғи, тарок, кайчи, мисвок, ойна, игна ва иплар ҳам ҳадя қилди.

Муқовқис, ислом элчиси Хотиб бин Абий Балтаа ҳазратларининг ёнига ҳимоя қилиши учун соқчилар қўшиб, йўлга кузатиб қўйди. Арабистон худудларига етганда Мадина сари кетаётган бир карвонга дуч келишди. Ҳазрати Хотиб Муқовқиснинг соқчиларини қайтариб юборди-да шу карвонга қўшилди.

Хотиб бин Абий Балтаа ҳазратлари Мадинага етиб келиб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига чикди. Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Муқовқиснинг ҳадяларини қабул қилдилар. Хотиб, Муқовқиснинг мактубини топшириб, айтганларини нақл қилганида, жаноби пайғамбаримиз: **“Қандай ёмон одам! Салтанатини кўзи қиймади. Ҳолбуки, унинг иймон келтириши учун тўсиқ бўлаётган салтанати унинг қўлида қолмайди-ку!”** дедилар.²⁷⁵

Муқовқис ҳадя қилган жориялар, Мория ва синглиси Сийрин эди. Хотиб бин Абий Балтаа йўлда уларни мусулмон бўлишларини таклиф қилганида, улар қабул қилиб, мусулмон бўлганди. Кейинчалик ҳазрати Мория волидамиз деб аталиб кетувчи бу бахтиёр аёлнинг мусулмон бўлишидан ғоят мамнун бўлган пайғамбаримиз уни ўз никоҳларига олиш билан шарафёб қилдилар. Ундан Иброҳим исмли бир ўғил дунёга келди. Сийринни эса Асҳобидан "шоир-и Набий" бўлган Ҳасан бин Собитга никоҳлаб бердилар. Зотдор ва оққа яқин бўз рангли икки уловнинг ҳачирига Дулдул, эшакка Уфайр ёки Ёфур номлари берилди. Ўша кунгача Арабистонда оқ жунли ҳачир бўлмаган эди. Мусулмонлар биринчи марта кўрган оқ жунли ҳачир, Дулдул бўлди. Пайғамбаримиз ҳадя қилинган биллур қадахда сув ичардилар.

Муқовқис пайғамбаримизнинг мактубларига катта ҳурмат кўрсатди. Уни фил тишидан ясалган бир кути ичига солиб, қутини муҳрлади ва уни муҳофаза қилиши учун чўриларидан бирига берди. (Ушбу мактуб, х.1267 (м.1850) йили Мисрнинг Аҳмин районидаги қадимий бир монастирдаги қибт китоблари орасидан топилган ва Усманий

²⁷⁵ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 260-б.*

халифаларидан 96-халифа Султон Абдулмажид хон тарафидан сотиб олиниб, Истанбул Тўпқопи Саройининг Муқаддас омонатлар бўлимига кўрғазмага қўйилган.)

Эрон ҳукмдорига элчи сифатида Абдуллоҳ бин Ҳузофа юборилганди. Ҳазрати Абдуллоҳ кибрли Эрон Кисроси (шоҳи)га Расулуллоҳнинг қийматли мактубларини тақдим қилганида уни ўқиш учун котибига берди.

“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим!

Аллоҳу таолонинг расули Муҳаммаддан (алайҳиссалом), форслар улуғи Қисрога...” сўзларни энди ўқиганди, кибрли шоҳнинг мяясига қон сапчиб, ғазабга миниб, мактубни йиртиб ташлади. Такаббур кисро, мактуб жаноби пайғамбаримизнинг исми-шарифлари билан бошлангани учун қаттиқ ғазабланганди. Ислом элчиси Абдуллоҳ бин Ҳузофа ҳазратларини ҳам ҳузуридан ҳайдаб чиқараётганида, ҳазрати Абдуллоҳ, Кисро ва атрофидаги оташпарастрларга қараб: “Эй Ажам халқи! Сиз пайғамбарларга ишонмайсиз, китобларни ҳам қабул қилмайсиз. Шу босиб юрган ер устида ўтказадиган санокли кунларингизни бекорчи тушдай ўтказмоқдасиз!..

Эй Кисро! Сендан олдин ҳам қанча ҳукмдорлар, шу тахтда ўтириб, ўз ҳукмини ўтказди. Аллоҳу таолонинг амрини бажарганлар, охиратини қозонган ҳолда, бажармаганлар эса, илоҳий азобга дучор бўлган ҳолда бу дунёни тарк этишди!..

Эй Кисро! Сенга тақдим қилинган ушбу мактуб, аслида сен учун бебаҳо давлат эди. Сен эса менсинмадинг. Аллоҳу таолога қасамки, ўша менсинмаган дин, бу диёрга етиб келганида, сенга сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади!..” деди.

Сўнгра Кисронинг саройидан чиқиб, тезда у ердан узоклашди. Мадинага етиб келиб, воқеани Коинотнинг султониغا сўзлаб берганида, У зоти муҳтарам: **“Аллоҳим! У, менинг мактубимни қандай поралаган бўлса, сен ҳам уни ва мулки (давлати) ни шундай парчалаб ташлагин!..”**деб, дуо қилдилар.

Аллоҳу таоло, Расулининг дуосини қабул қилганди. Ҳақиқатан Кисро, ўз ўғли тарафидан ханжар билан тилка-пора қилиб ўлдирилди. Ҳазрати Умар замонига келиб, бутун Эрон замини мусулмонлар қўл остига ўтди.²⁷⁶

Шужоъ бин Ваҳб ҳазратлари эса, Ғассон ҳукмдори Ҳорис бин Абий

²⁷⁶ Бухорий, “Тафсири”, 4-б, “Мағозий”, 77, 82, 84-б, “Илм”, 7-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 189, 259-б.; Ҳузайи, “ат-Тахрирӣж”, 184-б.

Шимрга юборилганди. Шужоъ аввал ҳукмдорнинг дарвозабонига учради. Уни исломга даъват қилганида қабул қилиб, жаноби пайғамбаримизга ўз хурмат ва саломини йўллади. Ҳазрати Шужоъни куттирмасдан, ҳукмдор билан кўриштирди. Ҳорис бин Абий Шимр, мактубни ўқиб, аччиқланиб, ерга ташлади. Ҳазрати Шужоъ дарҳол Мадина-и мунавварага қайтиб, вазиятдан Аллоҳу таолонинг Ҳабибини хабардор қилди. Пайғамбаримиз, мактубларининг ерга ташланишига хафа бўлиб: **“Салтанати йўқ бўлсин!”** дедилар. Кўп ўтмай Ҳорис бин Абий Шимр ўлди ва давлати ҳам парчаланиб кетди.²⁷⁷

Салийт бин Амр, Ямома ҳукмдори Ҳавза бин Алига юборилган эди. Ҳавза христиан динига мансуб эди. Жаноби пайғамбаримизнинг мактубида қуйидагилар ёзилганди:

“Бисмиллохирраҳмонирраҳим!

Аллоҳу таолонинг расули Муҳаммаддан (алайҳиссалом), Ҳавза бин Алига!

Ҳидоятга эришиб, тўғри йўлни топганларга салом бўлсин! (Эй Ҳавза!) Билгинки, исломият, туялар ва отлар етиб бора оладиган энг узоқ жойларгача ёйилиб, барча динлар устидан ғолиб бўлади. Сен ҳам Исломни қабул қилгилки, саломат топгайсан. Мусулмон бўлсанг, ҳокимиятнинг остидаги жойларнинг идорасини яна ўзингга топшираман...”

Ямома ҳукмдори, бу муборак даъватни қабул қилишдан чекинди. Чунки салтанат савдоси, мансаб ҳирси кўзини бурқаб олган эди. Шунинг учун Коинот султонининг дуосига муяссар бўлишдек улуг давлатдан маҳрум қолди. Ислом элчиси Салийт бин Амр ҳазратлари, Унга ачиниб: “Эй Ямома ҳукмдори Ҳавза! Сиз бу қавмнинг улуғсиз! Сиз қудратли деб билган қанчадан-қанча қайсарлар (ҳукмдорлар) ўлиб, тупрокқа айланди.

Ҳақиқий улуғлар эса, Аллоҳу таолонинг амрларини бажариб, Унинг тақиқларидан тийилиб, жаннатга киришга ҳақ қозонган кимсалардир. Бирор гуруҳ инсон иймон келтириш шарафига етган бўлса, сиз ўз бузуқ ақидангиз билан уларни йўлдан уришдан сақланинг!... Тўғриси, мен сизга Аллоҳу таолонинг амрларини бажаришни, унинг тақиқлаганларидан узоқ туришингизни тавсия қиламан. Аллоҳу таолога иймон келтириб, амрларини бажарсангиз, жаннатий бўласиз. Шайтонга эргашсангиз жаҳаннамда қоласиз.

Агар насиҳатларимни қабул қилсангиз, хавфсираган нарсала-

²⁷⁷ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 261-б.*

рингиздан омонда бўлиб, умид қилганларингизга эришасиз. Бордию, насиҳатларимни рад этсангиз, энди сизда ишим қолмаган бўлади. Қолгани сизга ҳавола!..” деди.

Ҳавза эса, ислом элчисининг бундай фойдали насиҳатларига ҳам кулоқ солмади. Салийт бин Амр энди Ямомада қолишига ҳожат йўқлигини сезиб, тезда Мадинага отланди. Келиб, мухтарам пайғамбаримизга натижани маълум қилди. Расули акрам жанобимиз, унинг исломга киришдек улкан саодатдан маҳрум қолганига афсус қилдилар. Шу воқеадан бир муддат ўтиб, Ҳавзанинг ўлим хабар келди. Шу билан унинг салтанат ва мансабпарастлиги жаҳаннам чуқурларидан бўлмиш қабрида яқун топди.²⁷⁸

Шу тариқа олти нафар ислом элчиси ўз вазифаларини бажариб, замонасининг йирик давлатларини исломнинг келганидан хабардор қилди. Уларга ҳақиқий саодат ҳақида хушхабар етказиб, қиёмат куни “Биз эшитмадик” дейишларига ўрин қолдирмади.

Ҳабаш ҳукмдори Асҳома мусулмон бўлиб, жаноби пайғамбаримизнинг дуоларига муяссар бўлиш ва У зотнинг Асҳоби кироми билан кўришишдек тенгсиз бахтга эришди. Рум императори Гераклиус билан Миср султони Муқовқис мусулмон бўлмасалар-да, юборилган мактубларга катта ҳурмат, элчиларга муносиб иззат-икром кўрсатиб, мулойим жавоблар ёзиб, Расулulloҳга совға-саломлар жўнатишганди. Ғассон ва Эрон ҳукмдорлари эса, элчиларга қўпол муносабатда бўлиб, исломга душманликларини очиқчасига намойиш қилишди. Ямома ҳукмдори ҳам ислом элчисига мулойим муносабатда бўлди.

Сеҳр-жоду қилишди!..

Мадинаи мунавварада ташқаридан мусулмон кўриниб, аслида мунофиқ бўлган бир гуруҳ яҳудийлар ҳали ҳам яшарди. Улар орасида сеҳргарликда номи чиққан Лабид бин Аъсам исмли бири бор эди. Яҳудийлар унга олтин ваъда қилишиб: “Муҳаммад, бизнинг қавмимизни қандай қилиб Мадинадан ҳайдаб чиқарганини ва эркақларимизни қандай ўлдириб юборганини сен ҳам яхши биласан. Унга жоду қилиб, жазоласанг!” дедилар. У ҳам бу таклифни қабул қилди ва севимли пайғамбаримизнинг муборак сочларидан, тароғининг тишидан бир нечасини қўлга киритиш пайига тушди.

²⁷⁸ *Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 607-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, IV, 203-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 390-б.*

Шу қабих истагини амалга ошириш учун Расулуллоҳнинг хизматида юрган бир яҳудий болакайдан фойдаланди.

Лабид жаноби пайғамбаримизнинг муборак соч ва тарок тишларига ип билан ўн битта тугун боғлаб, уфлади-да, бир қудуқнинг тубида тошга бостириб қўйди. Ўшандан кейин жаноби пайғамбаримизнинг сиҳхатлари ёмонлашиб, тўшакка ётиб қолдилар. Бир неча кун тура олмадилар. Асҳоби киром аҳволларидан хабар олгани тез-тез пайғамбаримизни келиб кўришарди. Кун сайин аҳволи ёмонлашаётганини кўриб, юраклари эзилиб, кўз ёш тўкишарди. Мунофиқлар эса, бу ҳолдан беҳад хурсанд бўлиб, байрам қилишарди.

Ниҳоят бир кун жаноби пайғамбаримиз, ҳазрати Ойша волидамизга марҳамат қилдиларки: **“Эй Ойша! Биласанми? Аллоҳу таоло менинг дардимга шифони билдирди. У менга икки кишини (Жаброил ва Микоил) юборди. Улар келиб, бири бошимда, иккинчиси оёқ учимда ўтиришди. Уларнинг бири иккинчисидан, “Бу зотнинг касаллиги нима?” деб сўради. Наригиси эса “Бу кишига жоду қилинган” деб жавоб қилди. “Ким жоду қилган?” деб сўрагани, халиги фариштак “Лабид бин Аъсам” дея жавоб берди. Ундан кейин, “Жоду нима билан қилинган?” дея сўради. У эса, “тарок тишлари билан соч толаси тугилиб, эркак хурмо куртаги ичига солинган” деб жавоб қилди. “У қаерда?” дейилган саволга эса “Зарвон қудуғида” деб жавоб берди.**”²⁷⁹

Зарвон қудуғи Мадинадаги Бани Зурайк қабиласининг боғчасида эди. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, ҳазрати Али, Зубайр, Талҳо ва Амморларни ўша қудуққа юбордилар. Қудуқнинг сувини чиқариб олиб, унинг тагидаги тошни кўтаришганда, тош остидан ўн бир тугунли бир ипни топишди. Уни севимли пайғамбаримиз ҳузурига келтирдилар. Қанча уринсалар ҳам, тугунларни еча олмадилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом Фалақ ва Нос сураларини олиб келди. Расулуллоҳ жанобимиз у сураларни, яъни жами ўн бир ояти каримадан ҳар бирини ўқиганларида бир тугун ечила бошлади. Тугунлар ечилгач, коинотнинг сарвари хасталиқдан қутулиб, сиҳхат топдилар.

Яҳудий Лабид қўлга олиниб, Расулуллоҳнинг ҳузурига кел-

²⁷⁹ Бухорий, “Бадъ-ул-халқ”, II-б, “Тиб”, 47-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 63-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 341-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, II, 196-б.

тирилди. Жаноби пайғамбаримиз унга: **“Сен қилган сеҳр-жоду ҳақида Аллоҳу таоло менга хабар бериб, жойини кўрсатди. Сен бу ишни нима учун қилдинг?”** дея савол қотдилар. Лабид: “Олтинга бўлган муҳаббатим учун!..” дея жавоб берди. Шунда Асҳоби киромдан баъзилари: “Ё Расулаллоҳ! Ижозат беринг! Бу яҳудийнинг ҳозироқ калласини танасидан жудо қилайлик!” дедилар. Ўз шахсига берилган зарар туфайли ҳеч кимга жазо беришни раво кўрмайдиган муҳтарам пайғамбаримиз: **“У охир-оқибат тортадиган илоҳий жазоси, азоби янада шиддатлироқдир”** дея марҳамат қилиб, уни ўлдиришга ижозат бермадилар.²⁸⁰

Хайбарнинг фатҳи

Яҳудийлар Мадинадан ҳайдалгач, асосан Арабистоннинг шимол тарафларига кетишганди. Улардан бир қисми Хайбарга бориб жойлашди. Бошқа бир қисми эса, ундан ҳам шимолроқда бўлган Шомга кетди. Расулulloҳга суиқасд уюштирганлари учун юртларидан бадарға сургун қилинганди. Лекин, шунга қарамай, мусулмонларга қарши қалбларини чулғаб олган нафрат, душманлик ва ўч олиш туйғуси уларни асло тарк этмади. Аксинча, кундан кунга шиддатланиб борди. Бутун ўй-хаёллари Аллоҳу таолонинг маҳбуби бўлмиш пайғамбаримизни қатл этиб, Ислому динини таг-томири билан йўқотиш эди. Обрўлиларидан баъзилари: “Ғатафонликларга бориб, улардан ёрдам сўрайлик, улар билан бирлашиб мусулмонларга қарши уруш очайлик” дейишарди. Баъзилари эса: “Фадак, Таймо ва Водил-Қуро яҳудийларини ҳам ёрдамга чорлаб, мусулмонлар бизга ҳужум қилмасидан олдин, уларнинг шаҳарларига бостириб бориб, хуморидан чиққунча ҳар қандай ўчимизни олайлик!..” дейишди.

Хайбар яҳудийларига бу фикр маъқул келиб, теварақдаги яҳудий қабилаларини ва ғатафонликларни ёрдамга чақиришди. Биргина ғатафонликларни ўзидан жуда кўп сара жангчи келиб, Хайбарда уруш тайёргарликларига киришиб кетди.

Уларнинг шум ниятларидан оламларнинг сарвари (саллаллоҳу алайҳи васаллам) хабардор бўлдилар. Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратларининг ёнига яна учта саҳобийни қўшиб, уларни дарҳол

²⁸⁰ Бухорий, “Тиб”, 47-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 63-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, II, 198-б.

Хайбарда бўлаётган воқеаларни билиб келишлари учун жўнатиб юбордилар. Абдуллоҳ бин Равоҳа ва унга йўлдоши тезда Хайбарга етиб борди. Бу жой, саккизта мустаҳкам қалъаси, ҳосилдор экинзорлари, жуда кўп боғу бўстонлари бўлган бой шаҳар эди. Ҳазрати Абдуллоҳ, йўлдошларидан бирини Шикқ, иккинчисини Катиба, учинчисини Натот қалъаларига жўнатди. Ўзи эса, бошқа бир қалъага бориб, уч кун давомида яҳудийларнинг урушга қандай тайёрланаётганларини яқиндан кузатишди. Уч кундан кейин келишилган жойда учрашиб, зудлик билан Мадинага бориб, яҳудийларнинг ҳозирликларини жаноби пайғамбаримизга бирма-бир гапириб бердилар.

Жаноби пайғамбаримиз Асҳобига шошилиш чарҳлари килишларини амр қилдилар. Яҳудийларнинг Мадинаи мунавварага ҳужумларининг олдини олиш мақсадида Хайбар сари йўлга чиқишга қарор қилдилар. Мусулмонларнинг бу қарорини эшитган Мадинадаги яҳудийлар талвасага тушиб қолди. Мусулмонларнинг руҳиятини сусайтиш мақсадида: “Қасам ичамизки, сиз Хайбардаги қалъаларни, у ерга йиғилган жанговар мардларни кўргангизда, асло у ёққа бир қадам ҳам ташламаган бўлардингиз!... Тоғларнинг тепасидаги баланд деворли қалъалар, совутли йигитлар томонидан кўриқланади. Атрофдан минглаб аскар ҳам уларга ёрдамга келган!.. Шу ҳолда сизларнинг Хайбарни фатҳ эта олишингиз мумкинми?..” деб ваҳимали миш-мишлар тарқатишга ҳаракат қилдилар. Уларга жавобан қаҳрамон саҳобийлар: “Аллоҳу таоло Ҳабибига Хайбарни фатҳ этишларини ваъда қилди” деб, яҳудийлардан ҳеч қачон кўрқмасликларини айтишарди. Асҳобнинг бундай қарорли бўлиши, яҳудийларни бадтар ҳавотирга тушириб қўйди.

Мунофиқларнинг боши Абдуллоҳ бин Убай: “Муҳаммад жуда оз куч билан сизлар томон бораяпти. Улардан кўркишнинг кераги йўқ. Бироқ тадбирли бўлиб, қалъаларингизни зарур моллар билан тўлдириб олинглар. Уларни қалъадан ташқарига чиқиб қаршиланглар” деган мазмунда Хайбарга шошилиш хабар юборди.

Асҳоби киром йўл тадоригини кўриб, оилалари билан хайрлашиб, жаноби пайғамбаримизнинг атрофида йиғилдилар. Лашкар икки юз суворий ва минг тўрт юз пиёда аскардан иборат бўлганди. Уларнинг барчаси Аллоҳу таолонинг динини оламга ёйиш ва шу улуг мақсад учун жиҳод қилиб, шаҳидлик мартабасига эришиш ниятида сеvimли пайғамбаримизнинг амрларига шай

бўлиб турдилар. Шу аснода бир неча аёл келиб, урушда Асҳоби киромга овқат тайёрлаш, ярадорларнинг яраларини боғлаш ва яна бошқа ишларни бажаришга жаноби пайғамбаримиздан вазифа сўраётганлари кузатилди. Расулulloҳ жанобимиз, уларга марҳамат қилиб, бундай савобли ишдан маҳрум қолдирмадилар. Шундай қилиб, мужоҳидлар қаторига муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак хонимлари Умму Салама ҳазратлари бошчилигида йигирма нафар аёл ҳам қўшилди.

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинада ўз ўринларига вакил қилиб, Ғифор қабиласидан Сибоб ҳазратларини қолдирдилар ва қўшинга Хайбар сари ҳаракат қилишни буюрдилар. (вакил сифатида Нумайла бин Абдуллоҳ қолдирилгани ҳақида ҳам ривоятлар учрайди.) Асҳоби киром йўлга такбир айтиб чиқдилар. Турли хил узрлари билан урушга қатнаша олмаётганлар, ҳали жуда ёш бўлганларидан урушга қатнашишга ижозат берилмаган саҳобийларнинг барчаси кўчаларга чиқиб, жаноби пайғамбаримизга ва қаҳрамон оталарига, боболарига, амаки-ю тоғаларига, акаларига ҳавас билан қарардилар, уларни такбир ва дуолар билан кузатиб кўйишаётганди.

Таквим бўйича хижратнинг еттинчи йили эди. Пайғамбаримизнинг муборак байроғини ҳазрати Али олиб юардию. Қўшиннинг ўнг қўл қўмондонлиги эса, ҳазрати Умарга топширилганди.²⁸¹ Сафар ўзига хос мароқли ўтаётган эди. Лашкар орасида бўлган баъзи шоирлар, шеърлари билан Аллоҳу таолога, Унинг насиб этган неъматлари учун ҳамд этар, севимли пайғамбаримизга саловат айтишар ва У зотнинг шонли Асҳобини мадҳ қилишарди.

Саҳобийлар худди байрамга бораётгандай ҳаммалари биргаликда “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ла илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар!” деб ҳар тарафни ларзага солаётган эди. Ҳар бир дам олиш учун тўхталган жойда коинот султони: **“Аллоҳим! Истикболдан андиша, ўтмишга афсус қилмоқдан, кучсизлик ва сусткашлиқдан, хасислик, қўрқоқлик ва бел букадиган қарздорликдан, золим ва ноҳақ кимсаларнинг тажовузидан сенга сигинаман!”** дея дуо қилардилар. Хайбарга яқин қолганда муҳтарам пайғамбаримиз, Асҳобини тўхтатдилар ва қўлларини очиб: **“Эй кўкларнинг ва сояда тутилганларнинг Рабби бўлган**

²⁸¹ Бухорий, “Мағозий”, 40-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 653-б.; ал-Қилоий, “ал-Иқтифо”, II, 258-б.

Аллохим! Эй ерларнинг ва устидагиларнинг Рабби бўлган Аллохим! Эй шайтонларнинг ва улар йўлдан урганларнинг Рабби бўлган Аллохим! Эй шамолларнинг ва улар түзғитиб ташлаганларнинг Рабби бўлган Аллохим! Биз Сендан ушбу диёрнинг хайрини ва яхшилигини, бу ўлкада бўлган ҳар бир нарсанинг хайрини ва яхшилигини тилаймиз. Ушбу диёрнинг шарридан (ёмонлигидан), одамларининг шарридан ва бу ердаги ҳар нарсанинг шарридан Сенга сиғинамиз!” дея муножот қила бошладилар. Саҳобаларнинг лабларидан эса тинмай “Омин, омин” деган сўзлар чиқарди. Дуодан кейин Расулуллоҳ Асҳобларига: **“Бисмиллохиррахмониррахим деб олға юринглар”** дея марҳамат қилдилар.

Асҳоби киром, Расули акрам жанобимизнинг атрофида илгари ҳаракат қилдилар. Хайбарнинг энг мустаҳкам қалъаларидан бири Натот қалъаси яқинига бориб, у ерда қароргоҳ қурдилар. Шом вақти бўлиб қолганди. Расулуллоҳ одати шарифалари бўйича, тонг отмагунча қош қорайганда ёхуд кечаси хужум амрини бермасдилар, айниқса жангдан аввал ёвни албатта Исломга даъват қилардилар. Таклифлари қабул қилинмагандагина ҳарб қилишга ўтардилар. Шу сабабли у кеча саҳобалар, тонг отишини кутишди. Яҳудийлардан ҳеч ким ислом лашкарининг бу ерларга келиб қўнганини сезмаган эди.

Сарвари коинот жанобимиз бомдод намозидан кейин ҳозирликларни тугатиб, мужоҳидларни олға ҳаракат қилишга буюрдилар. Икки юз суворий ва минг тўрт юз пиёдадан иборат қўшин саф тортган ҳолда Натот қалъасининг олдига яқинлашиб борди. Бу вақтга келиб, кун ёришиб, аҳоли тирикчилик ишлари билан кимирлаб қолганди. Боғи, дехқончилиги учун қалъадан ташқари чиққан яҳудийлар тўсатдан Ислом лашкарини олдларида кўргач, капалаклари учиб: “Худо урсин! Бу Муҳаммад ва унинг интизомли қўшини!...” деб, додлаганча, қалъага қочиб қолишди. Уларнинг бу аҳволини кузатиб турган сеvimли пайғамбаримиз, **“Аллоху акбар! Аллоху акбар! Хайбар ҳароб бўлди, адон тамом бўлди”** дея марҳамат қилдилар ва бу сўзларини уч марта такрорладилар.

Ниҳоят, Жаноби пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи васаллам) яҳудийлардан, мусулмонликни қабул қилишларини ёки таслим бўлиб, ҳараж ва жизя тўлашга рози бўлишларини талаб қилдилар.

Акс ҳолда уруш бўлиб қон тўкилишини билдирдилар. Яҳудийлар, ўз ораларида обрўли кишилардан бўлган Саллом бин Мишканга вазиятни тушунтириб, ундан маслаҳат сўрадилар. Саллом эса: “Мен, сизларга илгарироқ Муҳаммаднинг юртига бостириб боринглар дегандим, кулоқ солмадинглар. Ҳеч бўлмаса бу гал улар билан жанг қилишда сустлик қилманглар. Мусулмонлар билан жангда ўлиб кетишингиз, ҳеч кимсиз тирик қолганингиздан яхшироқдир!..” деб, уларни жанг қилишга ундади.

Бу маслаҳатдан кейин яҳудийлар зудлик билан хотин, бола-чақаларини Катиба қалъасига, озиқ-овқатларини Ноимга, аскарларини эса Натот қалъасига йиғди.

Ислом қўшинининг мусулмон бўлинглар деган даъватига яҳудийлар, ўқ узиб жавоб берди. Мужоҳидлар дарров қалқонларини тўсиб ҳимояланишди. Ана шундан кейин мухтарам пайғамбаримизнинг амрлари билан камонлар тортилиб, қалъа буржларида турган яҳудийларга “Аллоҳу акбар!..” садолари остида Ислом лашкари барчаси бирданига ўқ ёғдирди. Шу тариқа жанг бошланиб кетди. Бир томонда коинотнинг султони қаҳрамон асҳоби билан, Исломиятни ёйиш, қаршидагиларнинг мусулмон бўлиб, жаҳаннам азобидан қутулишларига восита бўлиш учун жанг қиларди. Қарши томонда эса, насихатга кулоқ солмаган, пайт пойлаб, ҳамиша мусулмонларга орқадан зарба беришни пойлаган, ҳақиқатни тан олмай ўжарлик қилаётган яҳудийлар турарди. Яҳудийлар, Ҳотам-ул анбиёнинг (охирги пайғамбарнинг), ўз қавмларидан чиқмаганини кўриб, ҳасадларидан Уни тан олмадилар. Пайғамбаримизни то туғилган пайтларидан бошлаб ўлдириш ниятида хаёлларига келган барча ҳийла-найрангларни ишга солишганди. Лекин Аллоҳу таолонинг муҳофазаси сабабли У зотга асло шикаст етказа олишмади.

Суворийлар билан қўшиб ҳисоблаганда минг олти юз одамнини ташкил қиладиган мужоҳидларга қарши ўн мингдан кўпроқ яҳудий аскари камонлардан ўқ ёғдирарди. Асҳоби киром кетма-кет учиб келаётган ўқлардан қалқонлари ёрдамида ҳимояланиб, имкон туғилиши билан ёнларига тушган ўқларни уларнинг ўзларига қарши отарди. Бироқ баъзи саҳобалар ярадор бўлганди.

Жанг орасида Ҳабибуллоҳ жанобимизнинг ҳузурларига Ҳаббоб бин Мунзир ҳазратлари адаб билан кириб келиб: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Қароргоҳингизни бошқа жойга кўчирсак

қандай бўларкан?” деб сўраганида, пайғамбаримиз, **“Иншаллоҳу таоло, оқшом бўлсин шундай қиламиз”** деб марҳамат қилдилар. Мужоҳидлар ўқ етиб борадиган масофа дирасида қолганди. Яхудийларнинг қалъадан туриб отаётган ўқлари, ислом лашкари қароргоҳининг орқасигача етиб бориб тушарди.²⁸²

Ўша куни кечгача жанг ўқ отишлар билан давом этди. Эллик нафар саҳобий душман ўқларидан яраланди. Кеч кирганидан кейин Муҳаммад бин Маслама ҳазратларига янги қароргоҳга жой излаш вазифаси берилди. У Ражий деб аталадиган жойнинг муносиб эканлигидан хабар бергач, ислом қароргоҳи ўша жойга кўчирилди. Ярадорлар ҳам ўша жойга келтирилиб, даволана бошланди.²⁸³

Эртаси куни Натот қалъаси олдиғача келган қаҳрамон Асҳоб кечгача жанг қилди. Қамал учинчи, тўртинчи ва бешинчи кунлари ҳам давом этди. Яхудийлар эса, фақат мудофаада туришарди. Ўша кунлари севимли пайғамбаримизнинг муборак бошларида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, икки кун сурункасига мужоҳидлар орасида кўринмадилар. Биринчи куни байроқни ҳазрати Абу Бакрга, иккинчи куни ҳазрати Умарга бердилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Асҳоби киромнинг бошида туриб, яхудийлар билан шиддатли жанг қилди. Бироқ қалъани фатҳ қилиш мумкин бўлмади.

Бу орада жасорат олган яхудийлар, қалъадан чикиб мусулмонларга хужум қила бошлади. Шундай қилиб юзма-юз жанг бошланди. Жанг роса авжигача чиқди. Шунда жаноби пайғамбаримиз Асҳобига қараб: **“Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!.. деб такбир келтиринглар”** дея марҳамат буюргач, ҳаммалари такбир садолари остида душманга шиддат билан қилич сола бошладилар. Шу орада Муҳаммад бин Масламанинг укаси Маҳмуд шаҳид бўлди. Жанг эса, кечгача шиддатли равишда давом этди.

Эртаси куни Хайбарнинг энг машҳур кўмондонларидан Марҳаб, совутларга ўралган ҳолда қалъадан ташқарига чиқди. У ҳақиқатан кучли, кўринишдан девдек одам эди. Шу кунгача унга қарши биронта паҳлавон чиқолмаган эди. У мужоҳидларга юзланиб: “Мен, жасоратли қаҳрамонлигим билан танилган Марҳаб бўламан!” дея мақтана бошлади. У мақтаниб турганида саҳобийларнинг орасидан бир мужоҳид олдинга отилиб чиқди ва Марҳабга қараб “Мен эса, даҳшатли ва шиддатли жангларнинг ўртасига ўзимни отишдан

282 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 641-б.

283 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 641-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 68-б.

кўрқмайдиған Амирман” дея наъра тортди-да, Марҳабни жангга чорлади. Девдек бўлган Марҳаб, “Кимга тегса ҳалок қилади!..” деб ёзилган қиличини бор кучи билан ҳазрати Амирга қараб силтади. Қахрамон Амир чаққонлик қилиб қалқони билан ҳимояланди. Қилич қалқонга келиб текканида шундай қаттиқ овоз чиқардики, кулоқлар шанғиллаб кетди. Зарбанинг шиддатидан қилич қалқонга ботиб чиқмай қолганди.

Фурсатдан бой бермасликка шошилган ҳазрати Амир, Яратганга сиғиниб, “Ё Аллоҳ!” деб бор кучи билан қиличини Марҳабнинг совутли оёқларига урган эди, қилич пўлат совутга тегиб ортга сапчиди-да ҳазрати Амирнинг ўзининг сонини кесиб юборди. Қилич жуда чуқур кириб кетганлиги учун артерия томирларини кесиб кетганди. Асҳоби киром дарҳол югуриб бориб, Амирни кучоқлаб олдилар ва қароргоҳга олиб келиб даволашга уринишди. Бирок Амир қароргоҳда шаҳодатга эришди.²⁸⁴

Жанг жуда шиддатли равишда давом этди. Кечга яқин мухтрам пайғамбаримиз, яҳудийларга тўрт минг аскар билан ёрдамга келган ва жангга қатнашаётган мушрик ғатафонликларга юртларига қайтиб кетишларини таклиф қилдилар. Агар улар шундай қилса, эвазига Хайбарнинг бир йиллик хурмо ҳосилини уларга беришни ваъда қилдилар. Бирок ғатафонликлар бу таклифни рад этишди. Шунда Оламларнинг сарвари (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Асҳобига бу кеча ғатафонликлар жойлашган қалъа атрофида тунашни буюрдилар. Шу боис ғатафонликлар, кечаси мужоҳидларнинг хужум қилишидан ҳадиксираб, кечаси билан ухлай олишмади. Ўша кечаси қаердан келаётганлиги номаълум бир овоз “Ғатафон ўлкасига босқинчилар келгани, бола-чақалари ва моллари ғанимат қилиб олинганини” жар солди. Бу овоз уч марта тақрорланиб, уни барча ғатафонликлар ваҳима билан эшитишди. Қўмондонлари Уйайна ҳам бу овозни уч марта эшитганди. Шу сабабли лашкарини олиб, тонг отар-отмас шоша-пиша Хайбардан чиқиб, ўз юртига жўнаб қолди. Эртасига яҳудийлар ғатафонликларнинг лом-мим демай ҳеч қандай сабабсиз Хайбарни ташлаб кетаётганларини кўриб, умидсизликка туша бошлади. Уларни ёрдамга чақирганларига ҳам пушаймон бўлишди.

²⁸⁴ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 51-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 639-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 174-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 211-б.

Ҳазрати Алининг қахрамонлиги

Ўша кунни ҳам Хайбар олдида шиддатли жанглар бўлди. Бирок қалъа фатҳ этилмаганди. Кечкурун Коинотнинг султони: **“Эртага байроқни шундай бир йигитга бераманки, у Аллоҳу таолони ва Расулини яхши кўради. Аллоҳу таоло ва Расули ҳам уни яхши кўрадилар. Аллоҳу таоло унинг қўли билан фатҳни амалга оширади!”** дея хушхабар бердилар. Ўша кеча Асҳоби киром интизорлик ва ҳаяжон билан тонг оттиришди. Уларнинг ҳар бири байроқнинг ўзига берилишини умид қилиб, буни дуо қилиб, Аллоҳу таолодан тилашарди. Билол Ҳабаший ўзининг чиройли ва ширин овози билан эрталаб бомдод намозига азон ўқиди. Ҳар сафар азони Муҳаммадия ўқиладиганида ҳамма мусулмонларда ўзгача ҳаяжон, ўзгача завқ ҳосил бўларди, бу илоҳий завқнинг тотига ҳеч тўйиб бўлмасди. Севимли пайғамбаримиз Асҳобига бомдод намозини ўқитганларидан кейин ўринларидан туриб, муборак Ислом байроғини келтиришларини сўрадилар. Муқаддас байроқ келтириладиганида Асҳоби киром тик туриб кутишарди. Расули акрам жанобимизнинг муборак дудокларидан чиқадиган сўзни кутишарди. Ниҳоят, Оламларнинг жаноби: **“Муҳаммаднинг зотини пайғамбарлик билан шарафлантирган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, мен бу байроқни қочиш нима эканлигини билмайдиган бир йигитга тутқазаман”** дея марҳамат қилдиларда, муборак кўзларини Асҳоби орасида югуртиб: **“Али қаерда?”** дея сўрадилар. Саҳобийлар: **“Ё Расулаллоҳ! Унинг кўзи оғриб ётибди”** дейишганди, Расулаллоҳ: **“Уни ёнимга чақиринг”** деб буюрдилар. Ўша кунларда ҳазрати Али кўз оғриғига дучор бўлиб, ҳеч кўзини оча олмаётганди. Ҳазрати Алининг олдида бориб, масалани унга айтишди, уни етаклаб ва суяб, Расулаллоҳнинг хузурларига келтирдилар. Коинотнинг султони, ҳазрати Алининг шифо топиши учун Аллоҳу таолога дуо қилдилар ва муборак бармоқларини тупуклари билан ҳўллаб, ҳазрати Алининг кўзларига суртдилар. Ўша заҳотиёқ ҳазрати Алининг кўзларида оғриқдан асар қолмади. Яна: **“Ё Рабби! Бу бандангни иссиқ ва совуқнинг ташвишидан фориғ қилгил”** деб ҳазрати Алига дуо қилдилар. Шундан кейин, ҳазрати Алининг энгига муборак қўллари билан бир совут кийгизиб, белига ўз қиличларини тақиб қўйдилар, қўлига оқ Ислом байроғини бериб: **“Аллоҳу таоло, сенга зафар насиб этгунича жанг қилгил. Асло орангга қайтмагил!”** деб тайинладилар.

Ҳазрати Али эса: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Улар ислом динига киргунига қадар жанг қиламан” деди. Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Валлоҳи, сен сабабли Аллоҳу таоло, улардан биргина кишини ҳидоятга эриштира, сен учун жуда кўп кизил туяларни Аллоҳу таоло йўлида садақа қилишингдан ҳам хайрлидир”** дея марҳамат қилдилар.²⁸⁵

Шундай қилиб, ҳазрати Али қўлида Ислом байроғи билан яҳудийлар қалъасига қараб олға юрди, унинг орқасидан шонли саҳобийлар ҳам юра бошладилар. Ҳазрати Али қалъага жуда яқинлашиб, байроқни тикиб, уни тош билан маҳкамлаётганида, Натот қалъасининг дарвозаси очила бошлади. Қалъадан яҳудийларнинг хужумчи аскарлари чиқиб келдилар. Улар Ҳайбарнинг энг сара қаҳрамонлари ҳисобланарди. Уларнинг ҳар бири икки қават совутларга ўраниб олишганди. Ичларидан бири тўғри ҳазрати Алининг қаршисига жанг қилиш учун рўпара бўлди. Бу киши Марҳабнинг иниси бўлиб, жасоратда тенги йўқ Хорис исми бири эди. У ҳаялламай хужумга ўтди... Пўлатларнинг зарбасидан ҳосил бўлган товуш чор атрофни ларзага келтириб турган бир пайтда яшиндек ялт этган Зулфиқор Хориснинг бошини сапчадай узиб туширди. Шунда бирданига “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” наъралари янгради.

Укаси ўлдирилганини эшитган Марҳаб, ўз амридаги аскарлар билан майдонга отилди. Бориб ҳазрати Алининг қаршисида тўхтади. Унинг ҳам устида жуфт совути бор эди. Иккита қилич билан қуролланган ёвнинг йирик гавдаси баҳайбат девни эслатарди. У бор овози билан: “Мен, жангу-жадалнинг энг даҳшатли вақтида ўртага отилиб, қаҳрамонларча олишувчи Марҳаб бўламан! Мен, наъра тортган шерларни ҳам найзам ё қиличим билан илма-тешик қилиб ташлайман!..” дея бўкириб, ўзини мақтай бошлади.

Ҳазрати Али эса: “Билсанг, менга онам Ҳайдар (арслон) исмини берган. Мен, айнан ўша ҳайбатли шерман. Сени бир ҳамлада ерга тўшаб қўядиган мард мен бўламан!” деб унга жавоб қилди. Марҳаб, ҳазрати Алидан “ҳайдар” сўзини эшитганидаёқ кўнглига ғулгула тушиб улгурди. Чунки ўша туни тушида уни бир шер пора-пора қилиб ташлаганди. “Ажаб, тушимга кирган арслон шу бўлса-я?” деган ўйлар билан қиличини кўтариб ҳазрати Алига ҳамла қилди. Ҳазрати Али унинг зарбасини қалқони билан тутиб қолди. Сўнгра ҳазрати Али ҳам Аллоҳу таолога сиғиниб, Зулфиқорни кофирнинг

285 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 653-б.

бошига шундай урдик, у бахайбат Мархабнинг тўсиб улгурган пўлат қалқони ва пўлат дубулғасини иккига ажратиб, бошини то бўйнигача икки паллага тарс ёриб ташлади. Зулфиқорнинг зарбидан чиққан кўрқинчли товуш Ҳайбарнинг ҳамма томонига жаранглаб эшитилди.

Жаноби пайғамбаримиз: **“Хурсанд бўлинглар! Хайбарнинг фатҳи энгиллашди”** деб марҳамат қилдилар. Асҳоби киром, ҳазрати Алининг бу баҳодирлигига ҳайрон қолиб, **“Аллоҳу акбар”** дея кўкни ларзага келтиришарди. Жанг роса авжига чиққанди. Асҳоби киром, олиша-олиша қалъа дарвозаси олдига келганида, бир яҳудий қиличи билан ҳазрати Алининг қалқонига зарба берди. Қалқон ерга тушиб кетди. Бироқ эгилиб уни олишга вақт йўқ эди. Фурсатни бой беришни истамаган яҳудий қалқонни олиб қочди. Бундан кайфияти бузилган Аллоҳу таолонинг арслони, зулфиқори билан атрофидаги душманларни кувиб, қалқон қилишга арзигулик нарса ахтариб, кўзлари қалъа дарвозасига тушди. Каттакон темир дарвозанинг ҳалқаларига кўлини киритиб олдида **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим”** деб бор кучи билан силтади. Дарвоза ошиқ-мошиғи билан девордан суғурилиб чиқди... Ҳазрати Али дарвозани юлиб олаётганида қалъа ларзага келганди. Саккиз-ўн паҳлавон жойидан қимирлата олмайдиган дарвоза қопқасини ҳазрати Али бир кўлида қалқон ўрнида фойдаланди.

Унинг қаршисига кетма-кет яҳудийларнинг энг паҳлавонларидан яна олтита мард чиқди. Уларни ҳам Аллоҳу таолонинг қудрати билан ер тишлатган ҳазрати Али, қаҳрамон дўстлари билан қалъа ичига кирдилар. Энди олишув бевосита қалъанинг ичида кетарди. Кўп ўтмай мужоҳид қаҳрамонларнинг олдига чиқадиган ҳеч ким қолмади. Ислому байроғи қалъа устида ҳилпирай бошлади. Шундай қилиб, яҳудийларнинг энг мустаҳкам ҳисобланган Натот қалъаси фатҳ этилди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, ҳазрати Алининг кўзларидан ўпиб: **“Кўрсатган қаҳрамонликларинг учун Аллоҳу таоло ва Расули сендан рози бўлди”** деб марҳамат қилдилар. Бундай муборак суюнчини эшитган Алининг кўзларидан севинч ёшлари оқа бошлади. Жаноби пайғамбаримиз: **“Нега йиғлаяпсан?”** дея сўраганди, **“Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Севинчимдан йиғлаяпман. Чунки Аллоҳу таоло ва Расули мендан рози бўлдилар”** деб жавоб қайтарди. Шунда сеvimли пайғамбаримиз: **“Фақат мен**

эмас, Жаброил, Микоил ва барча малоика ҳам сендан рози бўлдилар” дея қўшимча қилдилар.

Шу орада Давс қабиласидан тўрт юз мусулмон, пайғамбаримизга ёрдамга етиб келди. Шундан кейин қолган қалъаларни ҳам фатҳ этиш учун шиддатли жангларга киришилди. Хайбарнинг қолган еттига қалъаси ҳам фатҳ этилгандан кейин чорасиз қолган яҳудийлар, ҳайъат юбориб сулҳ тузиш истагини билдирдилар. Пайғамбар (саллаллоҳи алайҳи васаллам) уларнинг таклифини қабул қилиб, қуйидаги моддалар устида битимга келишдилар:

1 – Мазкур ғазода мусулмонларга қарши жанг қилган яҳудийларнинг қони тўкилмайди.

2 – Хайбарни тарк этадиган яҳудийлар, ёнларига болаларини ва зарурат учун лозим бўлган бир туя юки уй ашёларини олишлари мумкин.

3 – Бир туя юкдан ортиб қолган барча моллари ва кўчмас мулк; совут, қилич, қалқон, ёй, ўк каби бутун қуроллар, эгниларига кийган кийимларидан бошқа либосларнинг ҳаммаси, матолар, олтинлар ва бошқа хил хазиналар, от, туя, қўй-эчки каби барча чорва моллари... яна нималар бўлса, уларнинг барчаси мусулмонларга қолади.

4 – Мусулмонларга қолдирилиши керак бўлган мол-мулкдан ҳеч бири, асло яшириб қўйилмайди. Кимки яширса, Аллоҳу таоло ва Расули берган омондан ва ҳимоядан ташқарида қолади...

Ушбу шартларга риоя қилмай, хазиналарини ерга кўмиб қўйган Кинона бин Рабий жазога тортилди. Мўминларга ғанимат бўлиб қолган мол-мулкнинг ҳадди-ҳисоби йўқ эди. Хайбарнинг ҳосилдор далалари, хурмозорлари барчаси Ислом лашқарига қолди.

Шу соатларда юртларига қайтиб кетган ғатафонликлар, яҳудийларга ёрдам бериш учун яна Хайбарга қайтди. Етиб келганларида, пайғамбаримизнинг Хайбарни фатҳ қилиб, яҳудийларни асир олганини кўриб, “Эй Муҳаммад! Сен, бизга агар жангдан аввал Хайбарни тарк этсак, Хайбарнинг бир йиллик хурмо ҳосилини беришни ваъда қилган эдинг. Мана биз ваъдамызда турдик. Қани, энди бизга уларни бер” дейишди. Сарваримиз эса, уларга: **“Яхши, фалонча тоғ сизларники бўлсин”** дея марҳамат қилдилар. Ғатафонликлар бунга жавобан “Ундай бўлса, биз сизлар билан жанг қиламиз” деб таҳдид қилишди. Расули ақрам жанобимиз: **“Яхши, жанг майдони Жанафода бўлади”** деб марҳамат қилдилар. Жанафо деган жой, ғатафонликларнинг бир ноҳияси эди. Улар буни эшитиб, кўрққанларидан жуфтакни ростлаб қолишди.

Захарланган гўшт...

Муҳтарам пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва қаҳрамон асҳоби, Хайбарни фатҳ этиш пайтида ҳаддан зиёд чарчагандилар. Бир томондан ярадорлар даволанар, бир томондан хордик чиқаришга ҳаракат қилишарди. Мағлуб бўлган яҳудийларнинг обрўлиларидан Саллом бин Мишканнинг хотини Зайнаб, пайғамбаримизни заҳарлаб ўлдиришни кўнглига тугиб қўйди. Шу мақсадда битта эчки сўйиб, гўштини пиширди ва унга кўп миқдорда заҳар солди. Кейин пишган гўштни Расулуллоҳнинг хузурларига келтириб, ҳадя олиб келганини айтди. Расули акрам жанобимиз одатлари бўйича ҳадяни қабул қилиб, Асҳобини чақирдилар. Улар ҳаммаси овқатланиш учун ўтирдилар.

Оламларнинг сарвари эчкининг болдир қисмидан бир парча бўлиб олиб, **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим”** дея муборак оғизларига солдилар. Бир неча бор чайнадилар-да, дарҳол муборак оғизларидан чиқариб ташлаб: **“Эй Асҳобим! Бу овқатдан кўлингизни тортинг! Зеро, мана бу курак гўшти заҳарлангани ҳақида менга хабар берди”** деб огоҳлантирдилар. Саҳобийлар дарҳол овқатдан кўлларини тортдилар. Бироқ шу вақт ичида гўшtdан бир лукма еб улгурган Бишр бин Баро ҳазратларининг ранги қорайиб кетди ва шаҳид бўлди. Пайғамбаримизга Жаброил алайҳиссалом келиб, муборак оғиз сўлакларига аралашган заҳар таъсиридан қутулиш учун муборак елкалари орасидан ҳажомат йўли билан қон олдиришини айтди. Айтганидек қилдилар. Заҳарланган овқат кўмиб ташланди. Бунга таназзул этган Зайнаб ушланиб, Расулуллоҳнинг хузурларига олиб келинди. Сарваримиз ундан: **“Бу улоқ гўштини сен заҳарладингми?”** деб сўраганларида, Зайнаб қилган ишини тан олиб: **“Ҳа! Уни мен заҳарладим”** деди. Жанобимиз **“Нима учун?”** дея сўраганларида, **“Сен менинг эримни, отамни, амакимни ўлдирдинг. Мен эса, ўз-ўзимга “Агар У ҳақиқатан пайғамбар бўлса, Аллоҳ уни бундан хабардор қилади. Агар, ундай бўлмаса, бу заҳарли кабоб Унга таъсир қилиб, ўлдиради. Шу тариқа ундан қутуламиз“ дедим”** деб жавоб берди. Асҳоби киром бу ҳодисадан қаттиқ хафа бўлишди. Шунинг учун улар **“Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Уни ўлдирайликми?”** деб сўрадилар. Ўз шахсларига нисбатан қилинган хар қандай ҳақоратни авф этадиган Оламларнинг сарвари, бу аёлни

хам марҳаматлари юзасидан авф қилдилар. Бундай беқиёс кечирим ва раҳмдилликка гувоҳ бўлган Зайнаб, калимаи шаҳодат келтириб, мусулмон бўлди.²⁸⁶

Хайбарда қўлга киритилган ғаниматлар билан асирлар орасида Хуяй бин Аҳтобнинг қизи Сафийя ҳам бор эди. Бу аёл мусулмонларнинг бош қўмондони хиссасига, яъни муҳтарам пайғамбаримизнинг улушига тушганди. Оламларнинг сардори асирани озод қилдилар. У эса, бу ҳолатдан шунчалик хурсанд бўлдики, жону-дили билан калима-и шаҳодат келтириб мусулмон бўлди. Бундан беқиёс мамнун бўлган севимли пайғамбаримиз, ҳазрати Сафийя волидамизни никоҳларига олиш орқали шарафлантириб этиб, яна-да хурсанд қилдилар. Шундай қилиб, ҳазрати Сафийя, мўминларнинг онаси бўлди. Саҳбо мавзесида зиёфат қилиниб, қовун ва хурمودан валийма, яъни никоҳ оши берилди.²⁸⁷

Сафийя волидамизнинг кўзларида сал кўкарган из бор эди. Севимли пайғамбаримиз: **“Бу из нимадан?”** деб сўраганларида, у: “Бир кеча тушимда, ой осмондан тушиб, қўйнимга кирганини кўрдим. Эрим Канонага тушимни айтиб бергандим. У бўлса, “сен, шу хозир биз томон лашкар тортиб келаётган араб маликининг хотини бўлишга кўз тикибсан!” деб, кўзимга бир шапалоқ урди ва кўзим шундай кўкариб қолди” деди.

Хайбар фатҳ этилганидан кейин, яҳудийлар пайғамбаримизга: **“Эй Муҳаммад! Биз Хайбардан чиқиб кетамиз. Лекин биз зироатни, яъни деҳқончиликни яхши биламиз. Боғ-роғ ва экинзорларни парвариш қилишда биздан ўтадигани йўқ. Агар хоҳласанг, шу ҳосилдор далаларни бизга ижарага бер. Биз далаларни экиб, суғорайлик. Олинган ҳосилнинг ярмини сенга берайлик”** деб таклиф қилишди. Ҳақиқатан муҳтарам пайғамбаримиз ва Саҳобаларининг зироат ишлари билан шуғулланадиган вақтлари йўқ эди. Улар, дини Исломни ёйиш учун ғайрат қилишарди, жиҳоди фий сабилиллоҳ учун кечани кундузга улаб, тинмасдан меҳнат қилишарди. Шунинг

286 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 337-б.; .; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 678-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 202-б.; Табарий, “Тарих”, II, 303-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 81-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 398-б.; Ғазолий, “Иҳё”, I, 891-б.; Заҳабий, “Сийар”, II, 86-б.

287 Бухорий, “Салот”, 12-б, “Жиҳод”, 74-б.; Абу Довуд, “Хараж”, 21-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 101-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 330-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 669-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VII, 121-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, IV, 645-б.

учун яхудийларнинг ушбу таклифини Расулulloҳ жанобимиз маъқул кўриб: **“Майли, бироқ сизни истаган пайтимизда далалардан чиқариб юбориш шарти билан таклифингизни қабул қиламиз”** деб марҳамат қилдилар. Яхудийлар қабул қилиб, Хайбар экинзорларидан фойдалана бошлади.²⁸⁸

Нихоят мухтарам пайғамбаримиз, Асҳоблари билан бирга зафар кучиб, Мадинага қайтдилар. Бу орада аввалроқ Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетган саҳобаларининг Жаъфар бин Абий Толиб бошчилигида қайтиб келганини кўриб беҳад хурсанд бўлдилар. Ҳазрати Жаъфарнинг пешонасидан ўпиб, бағрига босдилар ва: **“Шу онда, Хайбарнинг фатҳига қувонайинми ёки Жаъфарнинг келишигами, билолмай турибман. Сизларнинг ҳижратларингиз икки марта бўлди. Сиз, аввал Ҳабаш ўлкасига, энди эса, менинг юртимга ҳижрат қилдингиз”** дея марҳамат қилдилар.

Хайбар жангида қўлга киритилган ғаниматлар, Худайбия шартномасида қатнашган барча Асҳоби киромга, Хайбар юришига иштирок этганларга, Ҳабашистондан ҳижрат қилиб келган Асҳоб ва фатҳга қатнашган Давс қабиласига тақсим қилинди.²⁸⁹

Хайбарнинг фатҳи орқали Арабистонда яшовчи барча яхудийлар, пайғамбаримизнинг амрлари остига киритилган бўлди. Уларнинг энди мушрикларга ёрдам бериш имконлари қолмаганди. Атрофдаги қabila ва давлатлар ҳам, ҳарбий жиҳатдан фатҳ қилиниши имконсиз бўлган Хайбар қалъаларини бирин кетин забт этган мусулмонларни энди жиддий бир кучга эга давлат сифатида тан ола бошлаган эди. Шу боис Ислому давлатининг қувватидан ҳайқиқиб, энди мусулмонлар ҳақида одоб доирасидан чиқмаган ҳолда гапиришни бошлаган эди. Маккалик мушриклар Хайбарнинг фатҳини эшитиб, чуқур ғамга ва умидсизликка ботди. Мусулмонларнинг ушбу ғалабасидан кейин катта-кичик жуда кўп қабилалар, мусулмон бўлиш ниятида Мадинаи мунавварага келиб Асҳоби киромнинг сафидан ўрин олишдек улкан шарафга эришишди. Ҳатто ғатафонликлар ҳам бундай саодатни бой бериб қўймади... Саркашлик қилиб, мағрурланган қабилалар эса, ҳарбий бирликлар юбориш орқали итоат остига олинди.

288 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснаъ”, II, 157-б.; Ибн Хишом, “ас-Сийра”, II, 641-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, IV, 377-б.; Ҳайсамий, “Мажмоуз-Завоид”, I, 205-б.

289 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 353-б.; Заҳабий, “Сийар”, II, 82-б.

Умрат-ул-қазо сафари

Худайбия сулҳномаси тузилганига бир йил бўлганди. Қурбон байрамга бир ой қолганда, Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Асҳоби киромга умра учун ҳозирлик кўришларини амр этдилар. Умрага бориш учун ўтган йили Худайбияга бориб Байъат-ур-Ридвонда қатнашганлар, бу орада вафот қилганлар мустасно, шай бўлишлари лозим эди. Бу амрга биноан, икки минг саҳобий тайёргарликларини тугатишди. Қурбонликка етмишта туя олинди. Туяларни Маккагача йўлларда ўтлатиб, ҳайдаб бориш учун Ножия бин Жундуб ва яна тўрт шеригига вазифа берилди. Бундан ташқари Муҳаммад бин Маслама ҳазратларининг қўл остига юз нафар суворий берилиб, буларга совут, қилич, найза каби уруш аслаҳаларини олиб боришлари учун олдиндан йўлга туширилди. Чунки мушрикларга ишониб бўлмасди. Бу қурооллар биронта хавф ва ҳужумга учраганларида асқотарди. Шунга қарамасдан, Асҳоби киромдан баъзилари: “Ё Расулаллоҳ! Худайбия сулҳи бўйича, умрага кинидаги қиличлардан бошқа қурол билан бормаслигимиз керак эмасми?” дедилар. Оламларнинг жаноби: **“Биз бу қуроолларни Ҳарамга, яъни қурайшликларнинг ёнигача олиб кирмаймиз. Лекин Қурайш мушрикларидан бизга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган ҳужумларга қарши қўлланишимиз учун яқинимизда, қўл остимизда бўлгани маъқул.”** дея марҳамат қилдилар.

Мадинаи мунавварада вакил сифатида, Абу Зарр-ил-Ғифорий қолдирилди.²⁹⁰ Баъзи ривоятларда Абу Руҳм-ул-Ғифорий қолдирилган деб ҳам айтилади. Хуллас, икки минг саҳобий севимли пайғамбаримизга йўлдош бўлиб Макка сари йўлга чиқдилар. Асҳоби киромни ҳаяжон қоплаб олган эди. Чунки йиллар бўйи Аллоҳу таоло йўлида, муҳтарам пайғамбаримиз учун, фироқда қолган уй-жойларига, она юртларига боришмоқда эди... Беш вақт намозда юзланган қиблалари Каъбаи муаззамани зиёрат қилгани боришарди... Мусулмон бўлиб, лекин хануз Мадинага ета олмаган қариндошлари билан дийдор кўришгани кетишарди. Ўтган йиллар давомида қанчалар зулм қилиб, эмган сутларини оғизларидан

²⁹⁰ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 434-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 8-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 59-б.; Мақризий, “Иттоул-асмо”, I, 74, 128, 193, 197-б.; Каттоний, “ат-Таротийбул-идорийя”, I, 484-486-б.

келтирган, ўз бутларига сажда қилдириш учун қанчалаб қариндошларини шаҳид қилган Қурайш мушрикларга Ислоннинг шон ва шарафини кўрсатиш имкониятига эга бўлаётгандилар. Зора буни кўрган мушрикларнинг қалбига Ислон севгиси тушиб, улар ҳам мусулмонликдан баҳраманд бўлишса...

Мадинада қоладиганлар, Вадо тепалигигача Оламларнинг жанобини такбирлар билан йўлга кузатиб қўйиб, орқага қайтдилар...

Севимли пайғамбаримиз, Мадинадан ўн километрларча масофада бўлган Зул-ҳулайфага келгач, эҳромга кирдилар. Шонли саҳобийлар ҳам Унга эргашиб, ихромга киришди. Шундай қилиб, ҳаммалари оппоқ ранга бурканиб, умра қилиш учун Маккаи мукаррамага қараб йўл олдилар. Энди **“Лаббайк! Аллоҳумма Лаббайк! Лаббайк! Ла шарика лака лаббайк! Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарика лак”** садоларидан еру-кўк титрарди. Сафар, Аллоҳу таолога ҳамд ва ёлвориш билан, Унинг муборак исмини зикр этиш ила жуда завқли ўтаётганди.

Олдиндан йўлга чиққан Муҳаммад бин Маслама бошчилигидаги қурол-аслаҳа юкланган гуруҳ Маккага яқинлашиб қолганида, бир гуруҳ қурайшлик мушрик уларни кўриб қолди. Кўрқа-писа олдиларига яқинлашиб, "бир йил аввал сизлар билан мана шу учун келишганмидик" дегандай "Бу нимаси?" деб сўради. Муҳаммад бин Маслама эса, уларнинг суякларигача зириллатиб юборадиган қуйидаги жавобни берди: “Булар, Аллоҳу таоло Расулининг суворийларидир... Аллоҳу таоло насиб этса, эртага улар ҳам бу ерга ташриф буюрадилар...”. Мушриклар юраклари така-пука бўлган ҳолда ортларига қайтиб, хабарни Маккага етказдилар. Маккалик мушриклар: “Қасам ичиб айтамызки, биз шартномани бузмадик. Шундай экан, Муҳаммад биз билан нега урушади?..” дедилар-да, дарҳол бир ҳайъат тузиб, уларни элчи сифатида жаноби пайғамбаримиз билан учрашгани жўнатиб юбордилар.

Бу пайтда Оламларнинг жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобалари билан Маккани бемалол кўриш мумкин бўлган Батн-и Яъжаж деган жойга етиб келгандилар. У ерда қиличларидан бўлак, барча қуролларини қолдиришди, Қуролларни кўриқлаш учун икки юз саҳобий навбатчиликка қўйилди.

Тайёргарликлар битгандан кейин Қурайш вакиллари пайғамбаримиз билан учрашишга ижозат сўрадилар. Қабул қилинганида, улар: “Ё Муҳаммад! Худайбия шартномаси имзоланганидан буён,

сиз томонга қарши биз биронта ҳиёнатга қўл урмадик. Шунга қарамасдан Маккага, ўз қавмларингиз юртига қуролашиб билан кирмоқчимисизлар? Ваҳоланки, шартнома бўйича, қинларидаги қиличлардан бошқаси бўлмаслиги керак эди!..” дедилар. Бунга Оламларнинг жаноби: **“Мен, то болалигимдан буён сўзимда туришим ва вафодорлигим билан танилганман. Ҳарамга қинларидаги қиличлардан бошқа бирон қурол олиб кирмоқчи эмасмиз. Лекин қурол-аслаҳаларнинг менга яқинроқ жойда бўлишини хоҳлайман”** дея жавоб қилдилар. Мушрик ҳайъати, уларга етган хабарнинг нотўғрилигини тушуниб, бундан бир мунча таскин топишди: “Ё Муҳаммад! Тўғриси, биз сендан фақат вафодорлик ва яхшилик кўриб келганмиз. Сенга ярашадигани ҳам шу” деб, қайтиб кетдилар. Маккага келиб, вазиятдан хабардор қилишганда, бутун шаҳарнинг кўнгли жойига тушди.

Қурайшнинг обрўли кишилари, адоват ва ҳасадлари туфайли пайғамбаримиз билан Асҳобининг шаҳарда ўтказадиган шодхуррам кунларини кўрмаслик мақсадида Маккани ташлаб, тоғларга чиқиб кетди.

Мухтарам пайғамбаримиз, ишоратланган қурбонлик туяларни Зийтуво деган жойга жўнатиб юбордилар. Ундан кейин Асҳоби билан бирга ҳозирликларни тамомлаб, муқаддас Макка шаҳрига кириш учун йўлга тушдилар. Асҳоби киром Оламларнинг сарварини ўрталарига олиб юрарди. Коинот султони Қусво номли туялари устида, минглаб юлдузларни хира қилган қуёшдек атрофига нур сочиб келардилар. Бу қандай гўзаллик! Бу қандай мухташам манзара эди!.. Тилларда “Лаббайк! Аллоҳумма Лаббайк! Лаббайк! Ло шарика лака Лаббайк!..” садолари, дилларда Аллоҳу таоло ва Расулига бўлган муҳаббат жўш урарди. Улар муаззам Каъба сари қадам-қадам яқинлашиб келарди. Яқинлашган сайин, ҳаяжонлари ортиб, овозлари титраб-титраб кетарди. Бир оғиздан айтилаётган талбия нидолари Маккани чулғаб олиб, гўёки алладек тебратарди. Мушриклар бундай мухташам манзара олдида қалблари эриб, кўнгилларига илиққина муҳаббат шарбати оқаётганини ҳис этишарди. Аксариятининг қалбига ислом севгиси тушиб улгурган эди. Бу шаҳар устида ниҳоят Муҳаммад алайҳиссаломнинг голибияти эълон қилинган эди...

Мана шу тариқа, севимли пайғамбаримиз ва шонли Асҳоби, белларида қиличлари билан Каъбаи муаззама ҳудудига кира бошлади. Пайғамбаримизнинг туялари Қусвони жиловидан ушлаб олган Абдуллоҳ бин Равоҳа етаклаб борарди. Маккалик мушрикларнинг баъзилари бола-чақа ва хотин-халажлари билан Дор-ун-Надвада тизилиб, муҳтарам пайғамбаримизни ва Унинг қахрамон Асҳобини томоша қилишарди. Абдуллоҳ бин Равоҳанинг ҳар қадамига монанд қилиб ўқиб келаётган қуйидаги байтлари мушрикларнинг бошига худди бир оғир болгадек урилиб, тош қотган қалбларини чил-парчин қиларди:

Эй кофирлар чекилинг пайғамбарнинг йўлидан,
Ки Аллоҳу таоло Унга юборди Қуръон.

Ҳар бир хайру яхшилик бордир, Унинг динида,
Бу дин учун ўлмоқдур, энг хайрли ўлим-да.

Худо бир! Расул барҳақ! Қабул қилдим юракдан,
Ҳар сўзига инондим, ҳар ҳолин севиб қалбдан.

Эй кофирлар! Эсланглар! Аллоҳнинг расулини,
Инкор қилиб, сиз қўлга қурол олганларингни.

Қандай зарбалар берган, бўлсак сизга ўшанда
Ва қандай жудо қилган бўлсак бошларни танда.

Энди Китобуллоҳни инкор қилсанглар агар,
Тушар худди шундайин энсангизга зарбалар.

Бошлайман мен, Аллоҳнинг муборак исми билан,
Йўқдир бошқа ҳақиқий дин Унинг ҳақ динидан.

Гувоҳлик бераман мен, хузурида гувоҳнинг,
Муҳаммад ҳам бандаси, ҳам расули Аллоҳнинг!

Ҳазрати Умар унинг шеър ўқишига чидай олмай: “Эй Ибн-и

Равоҳа! Сен, Расулulloҳнинг олдларида ва Ҳарам-и шарифда уялмасдан қандай қилиб шеър ўқияпсан?” деб уни тиймоқчи бўлганида, пайғамбаримиз: **“Ё Умар! Унга монe бўлма. Аллоҳу таолога қасам ичаманки, унинг сўзлари шу Қурайш мушрикларига ўқ ёғдиргандан ҳам тезроқ ва кўпроқ таъсир қилмоқда. Эй Ибн-и Равоҳа давом эт”** деб марҳамат қилдилар. Кейинроқ муҳтарам пайғамбаримиз Абдуллоҳ бин Равоҳа хазратларига: **“Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқ! У бирдир. У ваъдасида турувчидир! Бу қулига ёрдам бераётган Удир! Аскарларига қувват бахш этган У! Тўпланган қабилаларни парчалаб, тору мор қилиб юборган ҳам фақатгина Унинг ўзидир! дегин”** дея марҳамат қилдилар. Абдуллоҳ бин Равоҳа дарров буларни шеър қилиб айта бошлади:

“Аллоҳу таолодан йўқдир ўзга бир илоҳ!
Йўқдир Унинг шериги, Ла илоҳа иллаллоҳ!

Удир мусулмонларнинг кўшинига куч берган!
Ва Удир кофирларни парчалаб, мағлуб этган!”

Мусулмонлар ҳам бу мисраларни такрорлардилар.

Севимли пайғамбаримиз Байтуллоҳга кирганидан муборак ўнг елкаларини очдилар. Муборак танларининг гўзаллиги кўзларни қамаштириб, кўнгилларни жазб этарди. Ундан кейин: **“Бугун, шу ширк аҳлига, ўзларини кучли ва қувватли қилиб кўрсата олган мард йигитларни Аллоҳу таоло раҳмати билан ёрлақасин!”** деб марҳамат қилдилар. Шунда Асҳоби киром ҳам ўнг елкаларини очиб, ҳайбатларини кўрсатиб, илдам қадамлар билан Каъба атрофидан уч марта тавоф қилдилар. Лекин Рукн-и Ямоний ва Ҳажар-ул-асвад бурчаклари орасида салмоқ билан секинроқ юрдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз ва асҳоби, Ҳажар-ул асвадга яқинлашиб, уни ўпишар ёки орқадан қўлларини очиб Ҳажар-ул асвадга қаратиб тутардилар.

Мушриклар, уйлар-деворлар ортидан кўз узмай саҳобаларни кузатишиб, уларнинг бундай ҳайбат ва ҳашмат билан намоишкорона юришларига ҳайратланарди. Чунки улар орасида,

мусулмонлар Мадинага кетгандан кейин баттар ҳолдан тойиб, кашшоқлашиб, кўпчилиги касалланган деган миш-мишлар тарқалган эди. Ҳозир эса, шунча эшитганларининг тамоман аксига гувоҳ бўлиб, хайратдан донг қотишган эди.

Қолган тўрттавоф эса, аста-аста оғир қадамлар билан тамомланди. Тавофдан кейин Мақоми Иброҳимда икки ракат намоз ўқидилар. Ундан кейин Сафо ва Марва тепалари орасида етти марта саъй ҳам қилдилар. Қурбонлар сўйилганидан кейин Жаноби пайғамбаримиз муборак сочларини олдирдилар. Муборак сочларидан бир толаси ерга туширилмай бўлиб олинди. Асҳоби киром ҳам сочларини қирқтирди. Шу тариқа Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг бундан роппа-роса бир йил аввал кўрган тушлари ҳақиқатга айланди.

Умра зиёрати тамомланиб, вақт ҳам пешин бўлганди. Оламларнинг сарвари ҳазрати Билолга Каъбада азон ўқишни буюрганларида Билол-и Ҳабаший дарҳол бажо келтирди. У Каъбада азони шариф ўқиётганида гўёки бутун Макка ҳам азон сасига монанд чайқаларди. Асҳоби киром хушуъ билан азонни тинглаб, паст овозда такрорлаб ўтиришарди. Азон битгач Ҳабибуллоҳ жанобимиз намозга имомликка турдилар. Шундай катта жамоат билан ўқилган ушбу пешин намозининг мушриклар қалбида қолдирган таъсири ўзгача бўлган эди.

Мухтарам пайғамбаримизга Абтаҳ деган қумлоқ дарада теридан бир чодир тикилганди. Саҳобийлар ҳам унинг атрофидаги чодирларда уч кун яшадилар. Намоз вақтларида Байтуллоҳда жам бўлиб, жамоат билан намоз ўқирдилар. Бошқа вақтларда қариндошларини излаб топиб, кўриб, зиёрат қилиб, Ислом орқали насиб бўлган чиройли ахлоқлари билан уларга ўрнак бўлишарди. Мушрик қариндошлар ҳам Саҳобаларнинг бундай гўзал ҳолларини кўриб эриб кетишар ва хайронликларини яшира олишмасди. Шу уч кун ичида Макка гўёки ичкаридан фатҳ этилганди (эгалланди).

Ниҳоят уч кун ўтиб, сафар қариди... Энди Маккадан айрилиш, қариндошлар билан хайрлашиш вақти ҳам етиб келди. Кечга яқин пайғамбаримиз: “(Умра қилишга келган) **мусулмонлардан ҳеч ким бу кечани Маккада ўтказмайди, ҳамма йўлга чиқади**” деб марҳамат қилдилар. Шу заҳоти ҳамма тўпланиб, Мадинага қараб йўлга отландилар...

Холид бин Валиднинг мусулмон бўлиши

Оламларга раҳмат қилиб юборилган Ҳабиби ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Маккага умра қилиш учун кетаётганларида Асҳобидан Валид бин Валид ҳазратларига: **“Холид қаерда? Ундай одамнинг Исломиятни танимаслиги, билмаслиги мумкин эмас. Кошки, у бутун ғайрат ва қахрамонликларини мусулмонларнинг ёнида мушрикларга қарши кўрсатса, қанчалар хайрли бўларди. Уни биз яхши кўриб, унга муносиб, устун ўрин берардик”** дея марҳамат қилгандилар. Валид бин Валид бундан авваллари ҳам акасига баъзида мактуб йўллаб, уни мусулмон бўлишга даъват қиларди. Муҳтарам пайғамбаримизнинг ушбу муборак сўзларини ҳам унга етказганди. Булардан хабар топгач Холиднинг исломиятга бўлган майли яна-да ортди. Умра зиёратини тугатган саҳобийлар, энди Мадинага қайтиб келишганди. Орадан кунлар ўтиб, хижратнинг еттинчи йилига ҳам кирилди. Холид бин Валид эса, бу вақтларга келиб, жойида ўтиролмай қолди. Нима бўлса ҳам Мадинага келиб, Оламларнинг сарвари ҳузурида тиз чўкиб, мусулмон бўлиш билан шарафланиш иштиёқида куйиб-ёнарди. Холид бин Валиднинг ўзи ўша вақтдаги ҳолатини куйидагича ҳикоя қилган:

“Аллоҳу таоло менга жаноби пайғамбаримизнинг муҳаббатини эҳсон қилди. Қалбимга ислом севгисини жойлади. Хайрни ва шаррни ажрата биладиган ҳолга келтирди. Ўз-ўзимга, “Мен, Муҳаммад алайҳиссаломга қарши урушларнинг барчасида қатнашдим. Аммо ҳар сафар жанг майдонидан чиқиб кетаётганимда, ўзимни нотўғри ва адашганлар сафида турганимни ҳамда У зот бир кун мутлақо бизнинг устимиздан ғолиб келишини билардим. Доим шундай ҳислар чулғаб оларди. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва васаллам) Худайбияга келган вақтларида ҳам мен душман суворийларининг кўмондони эдим. Усфонда уларга жуда яқинлашиб бордим. Расулulloҳ, биздан беҳабар ҳолда Асҳобига пешин намозини ўқитаётганди. Уларнинг устига тўсатдан ҳужум қилмоқчи бўлдик. Лекин иложи бўлмади. Шундай бўлгани ҳам хайрли бўлган экан. Расулulloҳ бизнинг кўнгилимиздан ўтганларни тушунган шекилли, аср намозини эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда ўқидилар.

Ўша ҳаракатлари менга бошқача таъсир қилганди. ўз-ўзимга, бу зот ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ томонидан муҳофаза қилинаётганга ўхшайди деб қўйгандим. Шу билан бир-биримиздан

узоклашдик. Мен ҳар хил хаёлларда юрган кунларда, Муҳаммад алайҳиссалом умра қилиш учун Маккага келдилар. Мен эса, Унга кўринмасликка ҳаракат қилдим. Укам Валид билан мени излаб келиб, мени уйимдан топа олмабдилар. Аммо укам, менга бир хат қолдирибди, у хатда, “Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим! Аллоху таолога ҳамду-сано ва Расулуллоҳга салот-у саломдан сўнгра, шуни айтайинки, ҳақиқатан ҳам мен, сенинг Исломиятдан юз ўгириб кетишингдан ҳам ҳайратланарли бошқа воқеани билмайман. Ваҳоланки сен, юрган йўлингни хатолигини билмайдиган даражада бефаҳм ва ожиз одам эмассан. Нега ақлингни ишлатмаяпсан? Исломиятдек бир динни танимай, уни тушунмаётганинг қанчалик кулгили эканлигини биласанми?! Жаноби пайғамбаримиз мenden сени сўрадилар. У зот, сенинг Исломиятни таниб, ғайрат ва қаҳрамонликларингни мусулмонлар орасида, мушрикларга қарши қўлланишингни орзу қиладилар. Эй менинг қардошим! Кўп қулай вақтларни қўлдан бой бердинг, етар, бошқа кеч қолма!” деган сўзлар ёзилганди.

Қардошимнинг ушбу мактубини ўқиганимдан кейин менда мусулмон бўлиш орзуси янада кучайди. Мадинага тезроқ борсам деб сабрсизлана бошладим. Расулуллоҳнинг мен ҳақимда айтганлари мени бениҳоя хурсанд қилган эди. Ўша кеча кўрган тушимда тор, чўлга ўхшаш қақраган жойдан ям-яшил, кенг ва роҳат бир жойга чиқиб олгандим. Мадинага борганимда, тушимни ҳазрати Абу Бакрга айтиб, таъбир қилдиришни кўнглимга тугиб қўйдим.

Мен Расулуллоҳнинг диёрига отланиш учун тайёргарлик қилаётиб: “Ажабо у ерга боришимда менга ким йўлдош бўларкин?” деган фикр хаёлимдан кечди. Шу пайтда Савфон бин Умайяни учратиб қолдим. Унга вазиятдан хабар бериб, менга йўлдош бўлишини сўрадим. У менинг таклифимни қабул қилмади. Кейин Икрима бин Абу Жаҳлни кўриб қолиб, унга ҳам сафарга бирга чиқишни таклиф қилдим. У ҳам таклифимни рад этгач уйимга қайтиб келдим. Уловимга миндим-да, Усмон бин Талҳанинг олдига бордим. Унга ҳам мусулмон бўлиш мақсадида Расулуллоҳнинг олдига кетаётганимни ва менга йўлда шерик бўлишини илтимос қилдим. У таклифимни икииланмай дарров қабул қилди ва эртаси куни саҳар вақти иккимиз бирга йўлга отландик. Хадда деган жойга борганимизда Амр бин Осага дуч келдик. У ҳам мусулмон бўлиш учун Мадинага кетаётган экан.

Ниҳоят Мадинага ҳам етиб келдик. Либосларимнинг энг

чиройлисини кийиб, Расулulloҳ жанобимизнинг ҳузурларига чиқишга тайёрландим. Шу пайт олдимизга укам Валид кириб келиб: “Тезроқ бўлинг. Чунки муҳтарам пайғамбаримизга сизнинг келганингиз ҳақида хабар берилган. У зот жуда хурсанд бўлдилар. Ҳозир эса, сизни кутиб ўтирибдилар” деди. Мен шоша-пиша У улуг пайғамбарнинг ҳузурларига бордим. Менга қараб табассум қилиб турарди. Мен дарров салом бериб: “Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқлигига ва сизнинг Аллоҳу таолонинг пайғамбари эканлигингизга шаҳодат (гувоҳлик) қиламан” дедим. **“Сени ҳидоятга эриштириб, тўғри йўлни кўрсатган Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин”** дея марҳамат қилдилар. Кейин У зотдан, гуноҳларимнинг авф этилиши учун дуо қилишларини илтимос қилдим. Марҳаматли пайғамбар мен учун дуо қилиб: **“Исломият, ўзидан аввал қилинган гуноҳларни кесиб ташлайди”** дея марҳамат қилдилар. Ёнимдаги икки шеригим ҳам мусулмон бўлишди.²⁹¹

Шундай қилиб, Макканинг энг баҳодирлари ҳисобланмиш, ғоялари йўлида жонларини беришдан заррача чекинмайдиган бу учта паҳлавон, кўнгилларида жўшган самимият билан Расули ақрам жанобимизнинг ҳузурларида Асҳоби киром сафига кириш бахтига муяссар бўлишди. Энди бор кучлари билан куфрни йўқотиш учун ғайрат қилишади. Уларнинг мусулмон бўлишлари, саҳобийларни беҳад хурсанд қилган, шодликларини “Аллоҳу акбар!” нидолари билан маълум қилишганди.

Мута ғазоси

Ҳижратнинг саккизинчи йилида оламларга раҳмат бўлган Сарвари коинот (алайҳи афдолус-салавот) жанобимиз, Исломиятнинг кенгроқ ёйилиши учун ҳар хил қабилалар ва давлатларга элчилар юбордилар. Уларнинг баъзиларидан ижобий натижалар олинди. Бироқ Бусро ҳукмдорига юборилган Хорис бин Умайр ҳазратлари, Шомнинг Балқо ноҳиясидаги Мута қишлоғида христиан аскарлари томондан ҳибсга олинди. Шом волийи Шураҳбил бин Амрнинг олдига олиб чиқилган Хорис бин Умайр, элчи бўлишига қарамай, пасткашларча ўлимга ҳукм этилиб, шаҳид қилинди.²⁹²

²⁹¹ Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, IV, 455-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XVI, 228-б.; Заҳабий, “Сийар”, II, 118-б.

²⁹² Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 756-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 128-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XI, 464-б.;

Бу машъум хабардан пайғамбаримиз қаттиқ ғамга ботдилар ва дарҳол қаҳрамон Асҳобига тўпланишларини буюрдилар. Бу амрни олган Саҳобийлар болалари ва уй ичи билан хайрлашиб, тезда Журф қароргоҳига йиғилдилар. Ҳабиби ақрам жанобимиз пешин намозини ўқитиб бўлганларидан кейин: **“Жиҳодга отланган бу бирликка Зайд бин Хорисани кўмондон қилиб тайинладим! Зайд бин Хориса шаҳид бўлса, ўрнига Жаъфар бин Аби Толиб ўтсин. Жаъфар бин Абий Толиб ҳам шаҳид бўлса, унинг ўрнини Абдуллоҳ бин Равоҳа эгалласин. Борди-ю Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳам шаҳид бўлса, мусулмонлар ўз ораларидан бир муносибини танлаб, уни ўзларига кўмондон қилсинлар!”** деб марҳамат қилдилар. Буни эшитган Асҳоби киром, исмлари тилга олинган қаҳрамонларнинг шаҳид бўлишларини тушуниб йиғлай бошладилар. “Ё Расулаллоҳ! Кошки, улар соғ қолсалар ва биз улардан истифода қилсак!..” дедилар. Жаноби пайғамбаримиз уларга жавоб бермай сукут сақладилар.²⁹³

Бу гапларни ўша ерда қатнашаётган ҳазрати Зайд, Жаъфар ва Абдуллоҳлар ҳам эшитганди. Бу хабардан уларнинг севинчлари ичига сиғмаётганди. Чунки энг катта мақсадлари Аллоҳу таолонинг динини ёйиш йўлида шаҳид бўлиш эди. Мана ҳозир хушхабар келганди ва бу хабарни шахсан кулоқлари билан эшитишганди. Мужоҳидлар ҳозирликларини битириб, фақат кўмондонларини кутарди. Севимли пайғамбаримиз, Исломнинг оқ байроғини Зайд бин Хориса ҳазратларига топширдилар. Унга, Хорис бин Умайр шаҳид этилган жойгача боришни ва у ерда Исломни таблиғ қилишни амр қилдилар. Исломни қабул қилмаган тақдирдагина душман билан жангга киришишни буюрдилар.

Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратлари, ёнидаги кўмондон оғайнилари билан видолашаётганида йиғлади. Ундан “Эй Равоҳанинг ўғли! Нимага йиғлайсан?” деб сўрадилар. Шоир бўлган Абдуллоҳ бин Равоҳа саволга ушбу шеър билан жавоб қайтарди:

*“Йиғлашимнинг сабаби,
Дунё севгиси эмас.
Ва валлоҳи, сизни ҳам,
Согиниши ҳисси эмас.*

²⁹³ Бухорий, “Мағозий”, 46-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 756-758-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 128-130-б.

*Асл сабаб улдирки,
Қуръони каримда Ҳақ,
деган бизга қарата:
"Билиб қўйинг муҳаққақ!"*

*Ҳар одам зоти борки
Яшаб келган дунёдан,
Биронтаси йўқдирки,
Ўтмасин жаҳаннамдан..."*

*Эшитдим шу оятни,
Расулulloҳ тилидан,
Жаҳаннамга дуч келсам,
Қандай сабр қиламан!"*

Дўстлари унга “Аллоҳу таоло сени сеvimли қуллари қаторига қўшсин, солиҳлардан бўлгин!” дея дуо қилдилар. Сўнгра Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратлари: ”Лекин мен, Аллоҳу таолодан мағфират этилишимни сўрайман. Яна ҳар кесганида қон отиладиган қилич зарбаси ёки жигар-бағримни поралаб ўтадиган найза қадалиши орқали шаҳид бўлишни хоҳлайман!..” деди. Қўшин олға юра бошлаганида Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратлари жаноби пайғамбаримизнинг ёнларига бориб, видолашиб: “Ё Расулаллоҳ! Менга ёдлаб оладиган ва хотирамдан ҳеч чиқмайдиган бирон нарса марҳамат қиласизми?” деб сўради. Мухтарам пайғамбаримиз унга: **“Сен эртага Аллоҳу таолога жуда оз сажда қилинадиган бир диёрга етиб борасан. Шу сабабли, у ерда сен кўпроқ сажда қил ва намоз ўқигил”** дея марҳамат қилдилар. Абдуллоҳ бин Равоҳа эса: ”Ё Расулаллоҳ! Илтимос, менга яна насиҳат қилинг.” деганида сеvimли пайғамбаримиз: **“Аллоҳу таолони доимо зикр қил. Чунки Аллоҳу таолони зикр қилмоқ, умидингга эришишингда сенга ёрдам беради”** дедилар.

Учминг кишилиқ Исломлашқари: ”Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” садолари остида қадам ҳаракат қилди. Сеvimли пайғамбаримиз ва Мадинада қолаётган саҳобийлар, мужоҳид ғозийлар билан Вадо тепалигигача бирга боришди. У ерда Оламларнинг сарвари,

муборак Ислом кўшинига бундай хитоб айладилар: “Мен сизларга, Аллоҳу таолонинг амрларини бажариб, тақиқларидан тийилишни, ёнингиздаги мусулмонларга нисбатан хайрли ва хушмуомала бўлишни тавсия қиламан. Аллоҳу таоло йўлида, Унинг исмини зикр этган ҳолда жанг қилинглр. Ғанимат олинган молларга хиёнат; аҳдга вафосизлик қилманглр. Болаларни ўлдирманглр. У ерларда христиан черковларида, халойиқдан узлат қилиб, ўзларини ибодатга бағишлаганларни учратасизлар. Уларга тегманглр! Ундан ташқари, боши узра шайтон ғужғон қилган одамларга ҳам дуч келасизлар. Уларни бошларини таналаридан жидо қилинглр. Лекин, хотинларни, пир-и фоний қарияларни ўлдирманглр. Дарахтларни қирқманглр ва ўт қўйманглр. Уй, иморатларни бузиб, ҳароб қилманглр!”

Бош қўмондон Зайд бин Хорисага эса алоҳида: “Мушрик душманларга дуч келганинда, уларни уч нарсадан биттасига даъват қилгил!... (Агар мусулмон бўлсалар), уларни муҳожирлар юрти Мадинага ҳижрат қилишга чақиргил! Рози бўлсалар, улар ҳам муҳожирлар билан бирдек ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлишларини ва муҳожирлар мукаллаф бўлган вазифалардан жавобгар бўлишларини айтгил. Бордию мусулмон бўлиб, бироқ ўз юртларида яшашни танласалар, мусулмонлардан кўчманчи араблар ҳукмида бўлиб, бадавийларга татбиқ этилган илоҳий ҳукмларга тобе этилишларини, ғаниматлардан улуш ажратилмаслигини ва фақат мусулмонлар билан бирга жанг қилганларгина ғаниматдан фойдалана олишини билдир!

Агар Исломни қабул қилмасалар, уларни жизя беришга чақиргил! Бу шартга қўнганларига тегинма! Жизя беришга ҳам рози бўлишмаса, Аллоҳу таолонинг ёрдамига суяниб, улар билан жанг қил!..” деб марҳамат қилдилар.

Ана шундай кўрсатма ва насиҳатлардан кейин мужоҳидлар билан видолашдилар. Ислом кўшини такбир садоси остида йўлга тушди. Кузатишга чиққанлар, лашкар ортидан қўл силкиб: “Аллоҳу таоло сизни барча балолардан муҳофаза қилсин. Яна соғу-саломат қайтиб келишларингизни насиб этсин...” дея дуо қилишарди. Лашкар уфқда кўринмай қолгунча кўзларида ёш билан кузатиб қолдилар...

Зайд бин Хориса кўтарган муқаддас байроқни хилпиратиб,

саҳобалар узоқ манзилга Аллоҳу таолонинг динига хизмат қилиш мақсадида отланишди. Ислом қўшини чакқонлик билан Сурия сари илгарилаб борарди. Сафар сокин, қийинчиликсиз кечарди. Мужоҳид саҳобалар, тезроқ душман билан юзма-юз келиш учун сабрсизланарди. Шаҳид бўлиш иштиёқида ёниб қуяётганлардан бири Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратлари эди. Бу ҳолни Зайд бин Арком шундай ҳикоя қилган:

“Мен, **Абдуллоҳ бин Равоҳа**нинг тарбиясида ўсган етим бола эдим. У Мута сафарига чиққанида, мени ҳам туясининг орқасига мингаштириб олди. Кечаси бир муддат юргач, қуйидаги байтларни тараннум қила бошлади:

*“Эй туям! Қумлоқдаги
Қудуққа элтсанг мени,
У ердан ҳам тўрт манзил,
Олиб борсанг илгари.*

*Минмасман ортиқ сени,
Бундан ўзга урушга,
Бил, эгасиз қолгайсан,
Шайлан менсиз юришга.*

*Мен ҳойнаҳой ватанга,
Асло қайтмасам керак,
Ўйлайманки бу жангда,
Шаҳидлик топсам керак.*

*Сўнг манзилда мўминлар,
Ўзди мендан шаҳд билан,
Эй Равоҳа ўғли, боқ,
Ҳатто яқинларинг ҳам,*

*Қардошлик ришталарин
Узиб-узиб ўтдилар.
Сени Ҳақ таолога,
ташлади-ю кетдилар.*

*Энди сира ғамим йўқ,
Ортимда не молим бор?*

*Менга асло қизиқмас,
Боғлардаги хурмолар!”*

Буларни эшитиб, мен йиғлаб юбордим. Абдуллоҳ бин Равоҳа мени қамчиси билан туртиб: “Эй ярамас! Сенга нима бўлди? Менинг бундай гапларимнинг сенга нима зарари бор? Аллоху таоло менга шаҳидлик насиб етса, сен туяни миниб орқага қайтиб, ватанга борасан. Мен эса, дунёнинг барча дарду-ҳасратларидан, ғаму-ташвишларидан ва шовқин-суронларидан қутулиб, роҳатга эришаман” деди. Туядан тушиб, икки ракат намоз ўқиди. Намоздан кейин узун бир дуо ўқиб, менга “Эй бола!” дея сўз қотди. Мен “Лаббай” дегандим, “Бу гал иншаллоҳ шаҳидлик насиб бўлади!” деди.

Қаҳрамон саҳобийлар, Сурияга яқинлашиб қолганида, Шом волийи Шуруҳбил Бин Амр, бундан аллақачон хабар топиб, тадбир олишга киришганди. Византия қайсари Гераклга вазиятни маълум қилиб, ундан катта қўшинлик ёрдам олиб улгурганди. Чунки унга етган малумотлар бўйича, мусулмонлар сони уч-беш минг орасида эди. Шуруҳбилнинг лашкари эса, юз мингдан кўпроқ эди. Қурол-аслаҳасининг ҳадди-ҳисоби йўқ эди.

Асҳоби киром (алайҳимурридвон) Шомга қарашли Муон деган жойга етиб борганларида румликлар юз минг одамлик қўшин билан улар томон келаётганидан хабар топишди. Шу ерда икки кеча қўниб қолдилар. Қўмондон Зайд бин Хориса дўстларини тўплаб, вазият билан таништирди. Рум қўшинига қарши қандай ҳаракат қилиш ҳақида маслаҳат сўради. Саҳобийларнинг баъзилари: "Рум қўшини билан тўқнашмасдан, ўлкаларига тўсатдан ҳужумлар уюштириб, одамларини Мадинага асир қилиб олиб кетайлик" десалар, баъзилари: “Расул алайҳиссаломга мактуб орқали душманнинг сони ҳақида хабар қилайлик. Бизга тезда қўшимча аскар юборсин ёки нима қилиш хусусида маслаҳат беришини сўрайлик” дедилар. Иккинчи таклиф кўпроқ мақсадга мувофиқ деб туришганида, Абдуллоҳ бин Равоҳа ҳазратлари сўзга аралашди:

*“Эй қавмим, не сабабдан,
Тараддудга тушияпсиз?
Шаҳидликни қасд қилиб,
Жангга келмадикми биз?”*

*Биз асло устун бўлгач,
От-аслаҳа томондан,
Жанг қилиб, урушмадик,
Куффор билан ҳеч қачон.*

*Аллоҳу таолонинг,
Бизга инъом-эҳсони -
Шу дин қуввати бирлан,
Жанг қилдик шер сингари.*

*Иккиланманг, жанг қилинг,
Албат қучгай ҳар нафар,
Шу ҳарбнинг охирида,
Ё шаҳодат, ё зафар.*

*Эсланг, икки от эди
Бадрда қуролимиз.
Уҳудда эса, битта,
Отга қолди кунимиз.*

*Бу жангда голиб бўлмоқ,
Тақдирда бор бўлса гар,
Ваъдасику Аллоҳнинг!
Шундай деган пайгамбар!*

*Ҳақ таоло ваъдасин
Қайтиб олмас орқага,
Эй мўминлар, у ҳолда,
Юринглар фақат олга!*

*Бордию бир шаҳидлик,
Бор бўлса, пешонада,
Шаҳид биродарларга,
Қовушгаймиз жаннатда.”-*

деди. Ҳазрати Абдуллоҳ бин Равоҳанинг бу сўзлари, мужоҳид саҳобаларга жасорат берганди. Улар: “Валлоҳий, Равоҳа ўғли тўғри гапирди” дедилар.

Хуллас, қаҳрамон саҳобалар шаҳид бўлгунча жанг қилишга қарор қилишди. Мута номли қишлоққа етганларида, юз минг одамлик Рум қўшинига дуч келишди. Қир-адирлар батамом душман аскарлари билан тўлиб, тошган эди. Бир томонда Аллоҳу таолонинг динини ёйиш мақсадида, Мадинадан то Шомгача келган уч минг одамлик ислом қўшини, қарши томонда Исломни йўқ қилишни кўзлаган юз минглик кофир суруви турарди. Бир қарашда, асло қиёс қилиб бўлмайдиган кучлар қарама-қарши томонларда ва ҳар бир мусулмонга ўттиздан ортиқ мушрик аскарлари тўғри келарди.

Ниҳоят тарафлар, жанг учун сафга тизилди. Шу вақтда, муҳтарам пайғамбаримизнинг амрлари бўйича, Ислом қўшинидан бир ҳайъат чиқиб, рум қўшини томон илгарилаб кетди. Улар, румликларга исломни қабул қилишни ёки жизя тўлаб, ислом ҳокимиятига итоат этишни таклиф қилди. Бироқ румликлар бу таклифни рад қилди. Шу билан вақт талаб қиладиган бошқа иш ҳам қолмади. Қўмондон Зайд бин Хориса ҳазратлари қўлида Ислом байроғини тутган ҳолда лашкарларига "хужум" амрини берди. Кўпдан бери шу амрни сабрсизлик билан қутаётган мужоҳидлар "Аллоҳу акбар!" деган нидолар остида ўқдек илгари отилди. Қиличларини яланғочлаб, бўрондек душман устига ташланди... От кишнаши, қилич жаранглари, такбир садолари ва жароҳат олганларнинг фарёдлари қулоқни қар қиладигандек атрофни тутиб кетганди. Жанг эндигина бошланган бўлилиша қарамай, майдон аллақачон қип-қизил қонга бўялганди. Шонли саҳобийлар ҳар бир қилич сермаганда ё бир бошни ёки бир қўлни узиб туширарди.

Қўлида Расулulloҳнинг оқбайроғини кўтариб олган ҳазрати Зайд, душман қўшинининг қоқ ўртасида "Аллоҳ, Аллоҳ" деган наъралар билан жанг қиларди. Силтаган қиличлари орқали атрофини бир зумда очиб, рўпарасига чиққан душманни туғилганига пушаймон қилдирарди. Қўмондонларининг қаҳрамонларча олишишидан руҳланган саҳобийлар ундан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб, ҳар бири ўттиз душманнинг қиличига чап бериб, ер тишлатишга ғайрат қиларди. Бир маҳал, бир неча найзанинг бирданига қўмондон ҳазрати Зайднинг муборак кўкрагига келиб қадалгани кузатилди. Ортидан яна бир неча найза учи келиб қадалди. Шонли саҳобанинг вужуди найзалар зарбидан илма-тешик бўлиб кетганди. Ниҳоят,

Зайд бин Хориса ҳолдан тойиб, иссиқ тупроққа йиқилди ва орзиқиб кутган шаҳодат шарбатини ичди.

Жанг асносида доимо кўз қири билан Зайд бин Хорисани кузатиб юрган ҳазрати Жаъфар дарҳол байроқни олиб кўтарди. Ислом байроғи хилпираб турганини кўрган мужоҳидлар янги шавқ билан жангга киришиб кетди. Ҳазрати Жаъфар ҳам ҳазрати Зайд бин Хорисадек қаҳрамонларча олишар, бир ёндан душманга узлуксиз ҳужум қилиб, иккинчи ёндан шерикларига жасарот ва ҳаяжон берарди. Мардларча жанг қилаётган янги қўмондон, аввалгисидан ҳам эпчилроқ ва абжир қилич силтаб, душманни кўз очишга қўймаётганди. Ҳазрати Жаъфар ҳамма нарсани унутиб, олишишга шунчалик берилиб кетганидан шерикларидан анча йироқлаб қолганди. Битта ўзи румлар ўртасига тушиб қолганига карамай, душманларининг ҳар бирига аёвсиз қилич урарди. Лекин ортга йўл қолмаганини ҳам тушуниб турарди. Қаҳрамон қўмондон: “Менинг вазифам куффорнинг ҳар бирига қилич урмоқдир” деб, Аллоҳу таолонинг муборак исмини тилидан туширмай, ақл бовар қилмайдиган ғайрат билан шердек олишарди. Бир пайт кутилмаганда ҳазрати Жаъфарнинг ўнг қўлига қилич зарбаси келиб тегди. Ўнг қўли кесилган ҳазрати Жафар, Ислом байроғини ерга туширмасдан чап қўли билан тутиб қолди ва уни баланд кўтариб, хилпиратди. Яна бир қилич ҳазрати Жаъфарнинг чап қўлига келиб тегди ва кесиб туширди. Энди қаҳрамон саҳоба бор кучини тўплаб байроқни кесилган қўллари ёрдамида кўкрагига босганча тик ушлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин орқама-орқа келиб тегаётган аёвсиз қилич зарбалари оқибатида ўзи кўпдан соғиниб юрган шаҳидлик мартабасига эришди. Муборак руҳи жаннатнинг энг баланд даражаларига учиб кетганди... Ҳазрати Жаъфарнинг баданида кейинроқ тўқсондан зиёд қилич ва найза изи борлигига гувоҳ бўлишди.²⁹⁴

Қўмондонларининг қаҳрамонларча шаҳид бўлганини кўрган саҳобалар, дарров байроқни ердан кўтариб, Абдулulloҳ бин Равоҳа ҳазратларига таслим этдилар. У байроқни от устида хилпиратиб, душманга шиддатли ҳужумлар қилди. Бу қўмондон атрофидаги душманларни тору мор қилаётиб тинмай шеър ўқирди:

294 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 756-б.

*“Эй нафсим, эшит! Менга
Албат қилгунг итоат!
Бугун шаҳид бўламан,
Қасам ичдим бу газот.*

*Ё ўз ихтиёринг-ла,
Рози бўлурсан бунга,
Ёки уни мажбуран,
Қабул қилдиргум сенга.*

*Жангда ажал қучмасдан,
Шояд, қолсанг ҳаётда,
Ўлмайсанми эй нафсим?
Ахир марра - мамотда!*

*Жаъфар бин Абий Толиб
Ва Зайд бин Хорисанинг
Изларидан борсанг, бил,
Тожду тахт эрур сенинг.*

*Ичгин шаҳидлик майин,
Сен ҳам шулар сингари,
Йўқса, бадбахт бўлурсан,
Нафсим! Отил илгари!”*

Ислом кўшинининг келаси байрақдор ва қўмондони хазрати Абдуллоҳ ҳам “Аллоҳу акбар” такбирлари остида душман билан омонсиз олишувга тушиб кетганди. Бир пайт, бир қилич зарбаси унинг қўлларига келиб тегди-ю бир бармоғи узилмай осилиб қолиб, халақит бера бошлади. Аллоҳу таоло ва Расулининг ишқи билан ёниб турган бу муборак қўмондон отидан ирғиб тушдида, бармоғини оёғи билан босиб: “Сен шунчаки ярадор бир бармоқсан. Аслида бу ҳол Аллоҳу таолонинг йўлида бўлганинг учун бошингга келди” дедида узиб ташлади. Яна яшиндек отига ирғиб миниб, бор кучи билан жангга киришиб кетди. Шунчалар тинмай жанг қилишига қарамай, ҳамон шаҳид бўла олмагани учун ўз-ўзини қойиб бошлади... Бутун важоҳати билан душман устига қайта-қайта ҳамла қилиб, сафларини тўзгитарди. Охири бир найза келиб гавдасига

кадалди-да уни ерга йикитди. Аллоху таоло ва Расули йўлидаги газовотда шаҳид бўлиб, муборак руҳи жаннат томон учди...

Шу пайтда ҳазрати Абдуллохнинг ёнида жанг қилаётган Абул-Юср Каъб бин Умайр байроқни баланд кўтаришга уринди. Бир томондан Асҳоб орасига кўз югуртириб, ёши улуғроқ биронтасини изларди. Собит бин Акрамни кўргач, дарров байроқни элтиб, унга берди. Ҳазрати Собит эса, байроқни мужоҳидларнинг олдига қадаб кўйди-да: “Эй қардошларим! Орангиздан бирини тезда қўмондон этиб сайланглар ва ҳаммаларинг унга тобе бўлинглар” деди. Улар “Сени сайладик” десалар ҳам ҳазрати Собит таклифларини қабул қилмади. Охири, одамлар ичидан Холид бин Валид ҳазратларига қараб: “Эй Абу Сулаймон! Байроқни сен ол!” деди. Мусулмонлар сафига янги кўшилган ҳазрати Холид, адаб сақлаб, байроқни олишни истамади ва унинг муборак дудокларидан: “Мен бу байроқни сиздан ололмайман! Сиз унга мендан кўра лойиқроқсиз. Зеро ёшингиз ҳаммадан улуғ. Бунинг устига сиз Бадр жангида Расулulloхнинг ёнларида жанг қилиш билан шарафланганлардансиз!..” деган сўзлар чикди.

Бироқ масалани узоқ муҳокама қилишга вақт зиқ эди. Атрофда Асҳоби киром қирғинбарот жангни давом эттирарди. Юз минглик душманни орқага чекинтириш учун жон бериб жон оларди. Ҳазрати Собит эса: “Эй Холид! Расулulloхнинг байроғини тезда қўлингга ол! Худо ҳаққи, мен байроқни сенга бериш учун олдим. Сен уруш усулини мендан анча яхши биласан” деб сўзларини такрорлади ва яқин атрофдаги мужоҳидларга қараб: “Эй қардошларим! Холиднинг қўмондон бўлишига қандай қарайсилар?” деб сўради. Улар барчаси бир оғиздан: “Унинг қўмондон бўлишига розимиз” дедилар.

Шунда ҳазрати Холид, Оламларнинг жаноби ўз муборак қўллари билан топширган байроқни, теран ҳурмат ва одоб билан олди-да ўпди. Отига ирғиб миниб, бутун важоҳати билан душман устига ташланди.²⁹⁵

Қолган саҳобийлар ҳам янги қўмондоннинг орқасидан ғайрат билан ҳужумга киришдилар. Ҳазрати Холид тарихда бўлмаган жасорат ва маҳорат билан жанг қиларди. Олдига чикқан ҳар душманни бирин-кетин ер тишлатарди. Бир маҳал Қутба бин Қатоба

295 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 431-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 129-б.; Абдуэрразок, “ал-Мусаннаф”, III, 390-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, II, 105-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 130-б.

ҳазратлари, душман кўмондонларидан Молик бин Зофиланинг калласини танасидан жудо қилди. Бу ҳодиса румликларнинг руҳини тушириб юборди. Лекин қош қорайиб, атроф қоронғилаша бошлаганди. Қоронғуда жанг қилиш ўта хавfli эди. Чунки адашиб бир-бирларини ҳам ўлдириб қўйишлари мумкин эди...

Шу сабабли ҳар икки томон ўз қароргоҳларига чекинди. Ярадорларга тиббий ёрдам кўрсата бошладилар. Ҳазрати Холид уруш санъатининг дохийси ҳисобланарди. Шунинг учун эртага эрталаб душманга қарши янги усул (тактика) қўллаб, уларни шошириб қўйишга қарор қилди. Бунинг учун кечаси аскарларининг жанг қиладиган ўринларини ўзгартирди. Ўнг қанотда жанг қилганлар эртага чап қанотга, чапдагилар эса, ўнгга ўтадиган бўлиб, олдинда урушганлар орқага олиниб, орқадагилар олдинга ўтказиладиган бўлди.

Тонг отиши билан такрор ҳужумга шайланган мужоҳидлар, “Аллоҳу акбар” садолари остида жанг қилишни бошлаб юбордилар. Душманлар, устларига ёпирилиб келаётган аскарларни биринчи марта кўриб турарди. Булар кеча улар билан жанг қилган одамлар эмасди. Шу боис кўнгилларида, кечаси мусулмонларга янги бир қўшин ёрдамга келганга ўхшайди деган ваҳима пайдо бўлиб, саросимага тушиб қолишди. Бундай пайтни бой бермасликка ҳаракат қилган ҳазрати Холид ва қаҳрамон саҳобийлар, ўша куни янада уюшган шаклда жанг қилиб, душман бошида қилич ўйнадилар ва минглаб ёвнинг жонини жаҳаннамга йўлладилар. Ўша куни Холид бин Валид ҳазратларининг кўлида тўққизта қилич синганди.²⁹⁶ Аллоҳу таолонинг эҳсони ва Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз дуолари шарафоти билан уч минг ғозий саҳоба, юз минг душман аскарини тору мор қилди. Ўша улкан жанг майдонида ўн бешта шаҳид берилди. Шундай қилиб, Византия императорлигига ҳадди билдирилиб, янада жанубга кўз тикишининг олди олинди.

Расули акрам ва Набиййи муҳтарам жанобимиз, ҳали уруш майдонидан бирор хабар келмасидан бир мунча олдин, Мутада бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш мақсадида Асҳобини масжидга тўплаганди. Муҳтарам пайғамбаримиз юзларидан жуда ғамгин кўринардилар. Шунинг учун муборак қалбларини яна

²⁹⁶ Бухорий, “Мағозий”, 42-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, IV, 253-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, IV, 582-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 44-б.

бадтар сиқмайлик дея, саҳобалар ҳеч нарса сўрамай ўтиришди. Охири Асҳоби киромдан бири: ”Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Сизнинг юзингиздаги хафаликни кўриб, дилимиз қон бўлди, хузнимизнинг оғирлиги фақат Яратганнинг ўзига маълум” деди. Севимли пайғамбаримизнинг муборак кўзларидан ёш сизган ҳолда марҳамат қилдиларки: **“Жанг майдонида Асҳобимнинг шаҳид бўлишлари туфайли мана шундай ғамга ботдим. Бу ғамгинлик, уларни жаннатда тахтлар устида ўтирган ҳолда кўргунимгача давом этди. Зайд бин Хориса байроқни қўлига олди. Олишди ва шаҳид бўлди. У ҳозир жаннатга кирди. У ерда чопиб юрибди. Ундан кейин байроқни Жаъфар бин Абий Толиб кўтарди. Душман лашкари устига хужум қилди. Тинмай жанг қилди ва охирида шаҳид бўлди. У шаҳид сифатида жаннатга кирди ва унга ёқутдан икки қанот берилди. Ўша қанотлари ёрдамида ҳозир истаганича учиб юрибди. Жаъфардан кейин байроқни Абдуллоҳ бин Равоҳа олди. Бир қўлида байроқни хилпиратганча душманга хужум қилди ва шаҳид бўлди, у ҳам жаннатга кирди. Уларнинг жаннатда олтин тахтлар устида ўтирган холи менга кўрсатилди. Эй Аллоҳим! Зайдни мағфират айлагин!.. Эй Аллоҳим! Жаъфарни мағфират айлагин! Эй Аллоҳим Абдуллоҳ бин Равоҳани мағфират айлагин!”**

Оламлар сарварининг муборак кўзларидан ёш оқишда давом этди. Кўз ёшлари билан яна айтдиларки: **“Абдуллоҳ бин Равоҳадан кейин байроқ Холид бин Валидга берилди. Ҳозир жанг шиддатли кечмоқда. Эй Аллоҳим, у (Холид бин Валид) сенинг ер юзидаги қиличларингдан биридир. Унга ёрдам бергин!..”**²⁹⁷

Муҳтарам пайғамбаримиз, Аллоҳу таолонинг қудрати билан минг чақирим олисда кечаётган жанг майдонидаги аҳволни, бир мўъжиза сифатида кўрдилар ва Асҳобига сўзлаб бердилар. Пайғамбаримиз, бу ҳодисаларни Жаъфар бин Абий Толиб ҳазратлари шаҳид этилган куни гапириб бергандилар. Ўша ердан чиқиб, тўғри ҳазрати Жаъфарнинг уйига бордилар. Унинг хоними Асмо уй ишларини битириб, болаларини ювиб-тараб қўйганди. Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Эй Асмо! Жаъфарнинг ўғиллари қаерда? Уларни менинг ёнимга чақир!”** дея марҳамат қилдилар. Асмо хоним болаларини чақириб келганида, Расулаллоҳ уларни бағрларига босиб, тўйиб-тўйиб ўпиб, эркаладилар. Муборак

²⁹⁷ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, V, 299-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VII, 395-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VIII, 546-б.; Табарий, “Торих”, II, 322-б.; Ҳайсамий, “Мажмоуъ-Завоид”, VI, 150-6

қалблари чидай олмай, кўзларидан сим-сим ёш оқа бошлади. Расулulloҳнинг бу ҳолларини кўриб турган ҳазрати Жаъфарнинг хоними: “Ота-онам, жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Нега болаларимга етимлардай меҳрибонлик қиляпсиз? Ёки Жаъфар ва унинг йўлдошларидан бирор нохуш хабар келдими?” дея ёлвориб сўради. Оламларнинг жаноби қаттиқ ғамга ботиб: **“Ҳа шундай!.. Улар бугун шаҳид бўлдилар!..”** деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Асмо волидамиз ҳам етим болаларини бағрига босиб йиғлай бошлади. Бу манзарага пайғамбаримиз бошқа чидай олмай, у ердан кетдилар.²⁹⁸

Саодатхоналарига қайтиб келган Ҳабиби ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам), хонимларига: **”Жаъфарнинг оиласига овқат чиқариш ёдларингдан чиқмасин! Уларга қарашиб туринглар!”** дея марҳамат қилдилар. Уч кун давомида шаҳид оилаларига овқат юбориб турилди.

Орадан бир қанча кун ўтганидан кейин Мадинага хушхабарни Яъло бин Умайя ҳазратлари олиб келди. Умайя у ерда бўлиб ўтганларни айтиб беришидан олдин Расули ақрам жанобимизнинг ўзлари унга: **“У ерда содир бўлганларни хоҳласанг сен гапир ёки менга ижозат бер, мен сенга сўзлаб берайин”** дея марҳамат қилдилар ва уруш майдонида бўлган ҳодисаларни тафсилотлари билан бир-бир айтиб бердилар. Буларни тинглаб ўтирган Яъло бин Умайя: “Сизни ҳақ дин ва Китоб билан пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, мужоҳидларнинг бошидан кечган барча воқеа-ҳодисаларни биронта қолдирмай сўзладингиз” деди. Пайғамбаримиз: **“Аллоҳу таоло, мен учун орадаги масофани олиб ташлади ва мен жанг майдонини ўз кўзим билан кўрдим”** дея марҳамат қилдилар.

Шундан яна бир қанча кун ўтгач хабарчилар, Ислом лашкарининг Мадинага яқинлашиб қолганини билдиришди. Жаноби пайғамбаримиз ҳам Асҳоби билан қаҳрамонларни Мадинадан ташқарида кутиб олмоқчи бўлиб, йўлга чиқдилар. **Узоқдан чанг булути кўтарилиб, муборак Ислом байроғининг ҳилпирагани кўрина бошлади. Қилич-қалқонларнинг куёшда ялтирашлари ойнадек шульа берарди...** Ҳамманинг кўнглида ҳаяжон жўшмоқда эди. Бир мунча вақт сўнгра, **Холид бин Валид** ҳазратлари кўмондонлигидаги мужоҳидлар Мадинага кириб келдилар...

²⁹⁸ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 370-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Суйра”, II, 380-б.; Ибн Саъд, “ат-Табакот”, VIII, 282-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, III, 474-б, IV, 251-б.; Сухайлий, “Раъзул-нуф”, IV, 126-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, VI, 156-б.

Макканинг фатҳи

Ҳижратнинг саккизинчи йили эди. Худайбия шарт-номасининг бир моддасида: “Ҳар икки тарафга қўшилмай ташқарида қолган араб қабилалари, ўзлари танлаган тарафнинг ҳимоясига киришлари, яъни мусулмонлар ёки мушриклар билан бирлашишда эркиндирлар” деб белгиланганди. Шунга кўра, жаноби пайғамбаримизнинг итти-фокдоши бўлган Ҳузоа қабиласи мусулмонлар тарафда, Баний Бакр қабиласи эса, мушриклар тарафда эди. Ҳузоа ва Баний Бакр қабилалари қадимдан бир-бирига душман бўлиб, имкон топганда доимо бир-бирига хужум қилиб туришарди. Худайбия сулҳига биноан улар ҳам бир муддат тўқнашувларни тўхтатишганди. Бироқ Баний Бакр қабиласи шартнома шартларига фақатгина икки йил амал қилди. Бакр ўғиллари қабиласидан бири, мухтарам пайғамбаримизни ҳақоратлаб бир шеър ўқийди, уни эшитган Ҳузоа қабиласидан бир йигит, чидай олмай, уни уриб бошини ёради. Бакр ўғиллари, шу ҳолатни баҳона қилиб, сулҳномага ишониб хотиржам яшаётган Ҳузоа қабиласи устига бостириб келади. Бу босқинчиликка Қурайш мушриклари яширинча қурол ва одамлар юбориб, ёрдам берганди. Ҳарам-и шарифда Ҳузоа қабиласидан йигирмадан ортик киши ўлдирилади. Босқинчилик пайтида Ҳузоа қабиласидаги баъзи мусулмонлар, жаноби пайғамбаримиздан ёрдам сўрайдилар. Кечалари уюштирилган босқинларда Бакр ўғилларининг орасида қурайшлик мушриклар ҳам иштирок этганлигини кўрган гувоҳлар топилади.

Ўша кеча, сеvimли пайғамбаримиз, Мадинада, ҳазрати Маймуна волидамизнинг уйида эдилар. Намоз учун таҳорат олишга турган вақтларида Аллоҳу таолонинг қудрати билан мўъжиза рўй бериб, Маккадаги мусулмонларнинг ёрдам сўраганларидан хабардор бўлдилар. Уларга “**Лаббайк!**”, яъни “Даъватингизни эшитдим, бораман!” дея марҳамат қилдилар. Маймуна волидамиз, жаноби пайғамбаримизнинг гапирганини кўриб: “Ё Расулаллоҳ! Ёнингизда ким бор? Кимга гапираяпсиз?” деб сўрадилар. Сеvimли пайғамбаримиз эса, хонимига Маккада юз берган ҳодисани ва Қурайш мушрикларининг бу ишга аралашганларини хабар бердилар.

Қурайш мушриклари Баний Бакр қабиласига ёрдам бериб,

Ҳузоа қабиласига ҳужум қилишда қатнашиб, уларни ўлдириш орқали Худайбия сулҳи шартларига хилоф иш қилишганди. Бу эса, сулҳноманинг улар томонидан бузилганлигини кўрсатарди. Лекин ўша кунларда тижорат билан Шомга кетган Қурайш мушриклари раҳбари Абу Суфён бундан беҳабар эди. У Шомдан қайтиб келганидан кейин қилғиликни қилиб қўйган қабиладошлари бўлиб ўтган воқеани унга сўзлаб бериб: “Буни зудлик билан тузатишингиз керак. Буни яшириб бўлмайди. Агар тузатилмаса, Муҳаммад бизни Маккадан ҳайдаб чиқаради!” дейишди. Ҳаммасини диққат билан эшитган Абу Суфён эса: “Бу қон тўкишлардан беҳабар бўлсамда, совуқ хабардан аввал мен Мадинага етиб боришим керак. Сулҳни янгилаб, муддатини чўздирим керак,”- деди.

Ваҳоланки, сеvimли пайғамбаримизга хабар ўша заҳотиёк маълум бўлганди. Бундан ташқари, ҳодисадан уч кун ўтиб Ҳузоа қабиласидан Амр бин Солим, қирқ нафар суворий билан келиб, вазиятни Расул-и ақрамга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) сўзлаб берганди. Ҳабибуллоҳ жанобимиз эса: **“Ҳузоа ўғилларига ёрдам бермасам, менга ҳам ёрдам берилмасин!”** деб марҳамат қилдилар ва бир мактуб ёзишни буюрдилар. Бу мактубда мухтарам пайғамбаримиз: **“...Сизлар ё Бакр ўғиллари билан тузган иттифоқингиздан воз кечиб, четга чиқасизлар ёки Ҳузоа ўғилларидан ўлдирилганларнинг товонини тўлайсизлар! Бордию, бу айтилганлардан бирортасини бажармасангиз, сизга уруш очишимни билдираман!..”** деб айтилганди.

Мактубни ўқиган курайшликлар ундаги раҳм-шафқатни ҳам фаҳмлай олмади ва: “Иттифоқимизни ҳам бузмаймиз, товон ҳам тўламаймиз! Фақат уруш қиламиз” деб жавоб қайтарди. Бироқ бу жавобларига минг пушаймон бўлиб, кўрққанларидан сулҳномани янгилаш учун зудлик билан Абу Суфённи Мадинага отлантирдилар.

Абу Суфён келмасдан аввал унинг келаётганини мухтарам пайғамбаримиз Асҳоби киромига хабар бериб, **”Менимча, Абу Суфён, сулҳни янгилаб, унинг муддатини узайтириш мақсадида Мадинага келаяпти. Аммо унинг муроди ҳосил бўлмай, қандай келган бўлса, ўшандай қайтиб кетади!..”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳали мусулмон бўлмаган Абу Суфён Мадинаи мунавварага етиб келди. Сеvimли пайғамбаримизнинг завжаси Умму Ҳабиба

волидамиз, Абу Суфённинг кизи эди. Шунинг учун у кизининг уйига келди ва ичкари кириб, жаноби пайғамбаримизнинг тўшагига ўтирмакчи бўлди. Умму Ҳабиба волидамиз, отаси ўтирмасидан у ердаги тўшакни олиб қўйишга улгурди. Абу Суфён кизининг бу ишидан хафа бўлиб: “Қизим! Бир кўрпачани мендан аядингми?” дея ҳайратини билдирди. Расулulloҳнинг муҳаббатини ҳамма нарсадан устун билган мўминларнинг онаси ҳазрати Умму Ҳабиба, отасига: “Бу, Аллоҳу таолонинг Расули ўтирадиган кўрпачадир. Бунга мушриклар ўтира олмайди. Сиз эса, мушрик ва нажссиз! Бу тўшакка ўтиришга ҳеч лойиқ эмассиз!” деб жавоб бердилар.

Отаси: “Эй қизим! Уйимдан чиққанингдан кейин сенга бир нарсалар бўлибди” деди. Волидамиз: “Алҳамдуллоҳ, Аллоҳу таоло менга Исломиятни насиб қилди. Сиз эса, ҳалигача ҳеч нарсани эшитмайдиган, кўрмайдиган тошдан ясалган бутларга сиғиняпсиз! Отажон! Сиздек Қурайшнинг улуғи ва кексаси бўлган одам, қандай қилиб Исломдан узоқда қолиши мумкин?..” деди. Отаси ғазабланиб: “Менга шунча ҳурматсизлик кўрсатиб, жоҳилликда айбляпсан! Нима энди мен қанча йиллардан бери отабобларим сиғиниб келган бутлардан воз кечиб, Муҳаммаднинг динига киришим керакми?!” деб, кизиникидан чиқиб кетди²⁹⁹

Мухтарам пайғамбаримиз ҳузур шарифларига кирган Қурайш раҳбари: “Мен, Худайбия сулҳномасини янгилаб, унинг муддатини ҳам узайтириш ниятида бу ерга келдим. Келинлар, орамиздаги аҳдногани баъзи бир қўшимчалар билан янгилайлик” деди. Ҳабиби ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Биз Худайбия сулҳномасига зид ҳеч нарса қилмаймиз ва уни ўзгартирмаймиз!”** деб марҳамат қилдилар. Қурайш раҳбари: “Сулҳномани ўзгартириб янгилайлик!..” деб бир неча марта такрорлашига қарамай, севимли пайғамбаримиз, унга ҳеч қандай жавоб беришни лозим топмадилар. Қурайш раҳбари айтган бутун важ-қорсонлари фойда бермаганини кўриб, қовуни қўлтиғидан тушганча Маккага қайтди ва вазиятни мушрикларга айтиб берди. Мушриклар эса: “Демак, ҳеч нарсани удалай олмай қайтиб келдинг, шундайми?..” деб унга таъна қилишди. Энди улар учун оқибатларини кутишдан бошқа чора қолмагани.

299 Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, V, 43-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 530-б.

Абу Суфённинг мусулмон бўлиши

Абу Суфён Мадинадан чиқиб кетганидан кейин, мухтарам пайғамбаримиз Маккани фатҳ этишга қарор қилдилар. Чунки курайшликлар аҳдларида турмай, аҳдномани бузган эди. Лекин Расулulloҳ бу қарорларини жуда қаттиқ сир тутдилар. Мушрикларга тайёрланиш имконини бермай, Ҳарам шарифда қон тўкмай Маккани таслим олмоқчи эдилар. Бу ҳам ўзига яраша бир ҳарбий тадбир эди. Чунки Макка фатҳ этилса, ким билсин яна қанчалаб кишилар мусулмон бўлиш шарафига эга бўларди.

Жаноби пайғамбаримиз, ушбу қарорини ҳазрати Абу Бакр ва асҳобининг обрўлилардан бир нечтасигагина айтдилар. Шу сабабдан Асҳобига сафар ҳозирликларини кўришларини буюрдилар, аммо қаерга боришларини айтмадилар. Мухтарам пайғамбаримиз чоратрофдаги Аслам, Ашжаъ, Жухайна, Ҳусайн, Ғифор, Музайна, Сулайм, Дамра ва Ҳузоа ўғиллари қабилаларига ҳам хабар юбориб: **“Аллоҳу таоло ва охират кунига иймон келтирганлар Рамазони шарифнинг бошида Мадинада бўлсинлар”** дея марҳамат қилиб, урушда қатнашишга чорладилар.

Ҳабибуллоҳ жанобимиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) яна бир тадбир олиб, Маккага бориладиган йўлларда алоқани кесиш учун ҳазрати Умарга вазифа бердилар. Ҳазрати Умар дарҳол тоғ йўлларига, ўтиш жойларига ва бошқа йўлларга навбатчилар қўйиб, уларга **“Ким Маккага кетаётган бўлса, уларни орқага қайтарасизлар”** деб амр берди.

Пайғамбаримиз, бу ишлар яширин қолиши учун: **“Ё Рабби! Юртларига тўсатдан, ҳеч ким сезмай кириб боргунимизча Курайш мушрикларининг жосус ва айғоқчиларини тутиб қол, уларни бу ишларни кўрмайдиган ва эшитмайдиган қилиб қўйгин. Улар бизни тўсатдан кириб борганимиздагина кўрсин”** дея Аллоҳу таолога дуо қилардилар.

Расули акрам жанобимиз шимолдаги мушриклар ёхуд византияликлар устига юришга тайёрланаётгандай тасаввур уйғотиш учун Абу Қатода ҳазратларини бир гуруҳ навкар билан шимолга, Изом водийсига жўнатдилар.

Шу кунларда Мадинада кетаётган ҳарбий тайёргарликлар ҳақида Макка мушрикларини огоҳлантириш учун битилган мактуб ҳақида севимли пайғамбаримиз мўъжиза сифатида хабар бердилар.

Ҳазрати Алини юбориб, хабарчи йўлда хати билан бирга тутқунга олинди.

Рамазоннинг иккинчи кунигача атрофдаги қабилалардан ёрдамчилар келиб, Абу Инаба кудуғи бошида йиғилишди. Улар билан бирга, Асҳоби киромнинг сони ўн икки мингга етди. Улардан тўрт минг нафари Ансор, етти юз нафари муҳожирлар ва қолганлари атрофдаги мусулмон қабилаларидан эди.³⁰⁰

Пайғамбаримиз Мадинада Абдуллоҳ бин Умми Мактум ҳазратларини вакил қилиб қолдирдилар.³⁰¹ Зубайр бин Аввом ҳазратларини эса, икки юз кишилик разведка гуруҳи сифатида илгарироқ йўлга чиқариб юбордилар.

Оламларнинг сарвари, кўнгиллари Аллоҳу таоло ва Расулининг муҳаббати билан тўлиб-тошган ўн икки минг кишилик катта кўшиннинг бошида, Аллоҳу таолонинг исми билан йўлга чиқдилар. Улар, бундан саккиз йил аввал қанчалаб исканжаю зулмлар оқибатида ҳижрат қилишга мажбур бўлиб, ташлаб кетган юртларига, Маккага кетишаётганди. Бутхонага айлантирилган муаззам Каъбани бутлардан тозалашга кетишаётганди... Ўжарликларидан ҳеч воз кеча олмаётган ёки воз кечишни истамаётган мушрикларга ҳақ, адолат ва марҳаматни кўрсатиб қўйиш учун кетишаётганди... Аллоҳу таолонинг динини ёйишга, у ердаги ғофил кишиларнинг абадий жаҳаннам азобидан қутилишларига васила бўлиш учун кетишаётганди. Ё Рабби! Бу қандай улкан раҳм-шафқат!

Ислом кўшини Зул-Хулайфага етиб келганида Маккадан оиласи билан Мадинага ҳижрат қилиб келаётган жаноби пайғамбаримизнинг амакиси ҳазрати Аббосга дуч келдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз амакисининг келаётганидан жуда хурсанд бўлиб: **“Эй Аббос! Мен пайғамбарларнинг охиргиси бўлганимдек, сиз ҳам муҳожирларнинг охиргисисиз”** дея илтифот қилдилар. Ҳазрати Аббоснинг юк ва бола-чақаси Мадинага жўнатиб юборилди-да, ўзи жаноби пайғамбаримизнинг ёнларида қолиб, Макканинг фатҳига қатнашди.³⁰²

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Макканинг яқинидаги Қудайдга етганларида, шонли Асҳобига уруш тартибига киришни буюрдилар. Ҳар бир қабилага алоҳида-

300 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, II, 135-б.

301 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, II, 135-б.

302 Ибн Асоқир, “*Торих-и Димашқ*”, XXVI, 297-б.

алоҳида байроқлар таъсис қилдириб, ҳар бирини қабилаларнинг байроқдорларига бердилар. Муҳожирларнинг байроғини ҳазрати Али, Зубайр бин Аввом ва Саъд бин Абий Ваққос олиб юрадиган бўлди. Ансорнинг ўн иккита байроқдори, Ашжо ва Сулаймларнинг биттадан байроқдори, Музайналар ва Ҳузоа ўғилларида учтадан, Асламларда иккита, Жухайналарнинг тўртта байроқдори бор эди.³⁰³

Мадинадан чиққанларига ўн кун тўлганди. Кечга яқин Маккага анча яқинлашдилар. Хуфтон вақтида Марруз-захронга етиб келишди. Пайғамбаримиз, Асҳобига шу ерда тўхташларини амр қилдилар. Ҳазрати Умарга алоҳида вазифа бериб, ҳар бир мужоҳиднинг гулхан ёқишини амр қилдилар.³⁰⁴ Кўп ўтмай ўн мингдан зиёд гулхан ёна бошлаганида Макка шаҳри ёришиб кетди. Ҳеч нарсадан беҳабар маккалик мушриклар бу ҳолатдан ўзларини йўқотиб қўйишди. Нима бўлаётганини аниқлаш учун Абу Суфёнга вазифа юкладилар. У ёнига бир-иккитасини эргаштириб, Ислом лашкари олдига яширинча яқинлашиб келди. Шу орада мухтарам пайғамбаримиз Асҳобидан баъзиларига: **“Абу Суфёнга кўз-қулоқ бўлинглар, уни албатта топасизлар!”** дея марҳамат қилдилар.

Қурайш мушриклари мусулмонларга яқинлашган сайин ҳайратлари ошиб, даҳшатга тушарди. Макканинг атрофида бунча кўп аскар йиғилибди, шунча кўп гулхан ёқилган,- дея гапира-гапира, Ароқ деган ерга етиб келдилар.

Ўша пайтда пайғамбаримиз: **“Абу Суфён, ҳозир Ароқда”** дея марҳамат қилдилар. Йўллада, ҳазрати Аббос уларни таниб қолиб, жаноби пайғамбаримизнинг олдларига олиб келди. Келаётиб, Абу Суфён ҳазрати Аббосга: “Вазият қандай?” дея савол берди. У эса: “Эй Абу Суфён! Сенга ҳайф бўлсин! Расул алайҳиссалом, сенлар бас кела олмайдиган улкан қўшин билан устингизга юриш қилиб келмоқда. Онд этаманки, Қурайшнинг аҳволи чатоқ. Қарши чиқмоқчи бўлганларнинг ҳолига вой демасдан бошқа илож йўқ!” деди. Абу Суфён билан ёнидагилар, кўркувдан кутлари ўчган ҳолда мужоҳид саҳобалар орасидан ўтиб, мухтарам пайғамбаримизнинг ҳузури шарифларига келди. Коинотнинг султони, уларни жуда яхши кутиб олдилар. Маккаликлар ҳақида улардан баъзи маълумотларни сўраб билдилар. Алламаҳалгача гаплашиб ўтирганларидан кейин уларни Исломга даъват қилдилар. Ҳоқим бин Ҳизом билан Будаил

303 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 800-б.

304 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 135-б.

дархол калимаи шаҳодат келтириб мусулмон бўлди. Бироқ Абу Суфёнда бироз тараддуд сезиларди.

Тонг отганида марҳамат дарёси севимли пайғамбаримиз: **“Эй Абу Суфён! Сенга хайф бўлсин! Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқлигини ўрганадиган вақтинг ҳали келмадими?”** деб марҳамат қилдилар. У эса: “Ота-онам сизга фидо бўлсин! Юмшоқ муомала, чиройли хулқ-атвор, шараф ва қариндошлик ҳақиға роя қилишда сиздан ўтадигани йўқ. Сизга раво кўрган шунча жафоларимизга қарамай ҳали бизни ҳидоятга даъват қиляпсиз. Нақадар чексиз қарам соҳибисиз. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига инондим... Агар Ундан бошқаси бўлганда эди, менга шу кунгача бир фойдаси тегарди. Сиз эса, Аллоҳнинг Расулисиз” деб, Асҳоби қиром сафига кириш шарафига муяссар бўлди.³⁰⁵

Ҳазрати Аббос: “Ё Расулаллоҳ! Абу Суфёнга маккаликларнинг эътиборини қозонадиган бирор нарса эҳсон этмайсизми?” деди. Жаноби пайғамбаримиз: **“Қимки Абу Суфённинг уйини паноҳ тутса, омон қолади. Ҳаёти сақлаб қолинади”** дея марҳамат қилдилар. Абу Суфён “Ё Расулаллоҳ! Марҳаматингизни яна бироз кенгайтирмайсизми?” деб илтимос қилганди, муҳтарам пайғамбаримиз, **“Қимки Масжиди Ҳарамга кириб уни паноҳ тутса, унга омонлик берилади! Уйига кириб эшигини бекитиб ўтирганларга ҳам омонлик берилади”** дея марҳамат қилдилар.

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам), Абу Суфёнга Ислом қўшинларининг ҳайбати-ю кўпчилигини кўрсатиш ва у орқали маккалик мушрикларга етказишни кўзда тутиб, ҳазрати Аббосга: **“Уни, водий торайиб, отлар базўр ўтадиган тоғ бўғозига олиб бор. У, мусулмонларнинг, Аллоҳу таоло қўшинининг ҳашамат ва ҳайбатини кўрсин”** деб буюрдилар.

Бундан мақсад шу эдики, Абу Суфён, мусулмонларнинг куч-қувватини кўриб, буни мушрикларга билдирсин ва қарши чиқувчилар бўлмасин... Ҳарам шарифда қон тўкилмаслиги таъминлаши керак эди...

Ҳазрати Аббос, Абу Суфённи тоғ орасидаги тор ўтиш йўлагига олиб бораётганда, мужоҳидлар жанг тартибида тизилди. Ҳар қабила ўз байроғини кўтариб, йўлакдан ўта бошлади. Уларнинг барчаси совутда бўлиб, яхши қуролланганди. Ҳар бир гуруҳ ўтаётганда

305 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 400-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 811-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, V, 62-б.; Сўҳайлий, “Равзул-унуф”, IV, 155-б.

баданд овозда такбир айтарди. Абу Суфён ҳазратлари ҳар гуруҳ ўтганида: “Булар кимлар?” деб сўрар, ҳазрати Аббос эса: “Булар Сулайм ўғиллари! Қўмондонлари Холид бин Валиддир! Мана булар Ғифор ўғиллари! Булар эса, Каъб ўғиллари!..” дея жавоб берарди. “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” деган садолар еру-кўкни ларзага солиб, мужоҳидларнинг кўплиги ва қурол-аслаҳаларининг яраклаши кўз қамаштирарди.

Ҳазрати Абу Суфён, кўпроқ Фаҳри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг қандай ўтишларини кўргиси келарди. У зотнинг атрофидаги аскарларнинг ҳарбий юриш билан ўтишини иштиёқ билан кутар, бошқалардан фарқли бўлишини тахмин қиларди. Шу сабабли ҳар гал: “Булар Расулulloҳнинг сарбозларими?” деб сўрашдан ўзини тия олмасди... Ниҳоят пайгамбарлар султони, Оламлар сарвари куёшдек атрофга нур сочган ҳолда Қусво номли туялари устида кўриндилар. Атрофини муҳожир ва ансор саҳобалар ўраб олганди. Улар барчаси Довудий совутлар кийиб, белларига ҳиндий қиличлар такиб, зотдор оту туяларга миниб келишарди.

Абу Суфён ҳазратлари уларни кўриб, ҳайрат билан: “Улар кимлар, ё Аббос?” деб сўради. Ҳазрати Аббос эса: “Ўртадаги Расул алайҳиссалом. Атрофидагилар эса, шаҳид бўлиш иштиёқи билан ёниб турган Ансор ва Муҳожирлардир!...” деди.

Севимли пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳазрати Аббос билан Абу Суфённинг олдиларидан ўтаётганларида, Абу Суфён ҳазратларига: **“Бугун, Аллоҳу таоло Каъбанинг шони шарафини баланд қиладиган кун. Бугун, Байтуллоҳга ёпинчик ёпиладиган кун! Бугун раҳм-шафқат ва марҳамат куни... Бугун, Аллоҳу таолонинг қурайшликларни (Ислому) билан азиз қиладиган куни.”** дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Абу Суфён кўрадиганини кўриб, эшитадиганини эшитганди. У: “Мен, Қайсарнинг ҳам, Қисронинг ҳам салтанатини кўрдим. Бироқ бундай ихтишомлигини кўрмаганман. Мен умримда, бундай олийжаноб кўшин ва жамоатга дуч келмаганман. Бундай лашкарга ҳеч ким бас кела олмайди. Уларга ҳеч кимнинг қуввати дош бера олмайди” дея, Маккага қараб жўнаб кетди.

Абу Суфён Маккага келиб, уни ташвишланиб кутиб турган мушрикларга, ўзининг мусулмон бўлганлигини айтганидан сўнг: “Эй Қурайш жамоати! Муҳаммад алайҳиссалом, сиз бас кела

олмайдиган улкан кўшин билан шундоқ шахримиз остонасида тўхтабдилар. Бекорга ўз ўзингизни алдаманг. Мукулмон бўлингларки шаксиз қутулгайсизлар. Мен сизлар кўрмаган нарсаларга гувоҳ бўлдим. Сон-саноксиз баҳодирлар, отлиқ сарбозлар ва курул-аслаҳалар кўрдим. Уларга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Кўшин шаҳарга кирганда ким Абу Суфённинг уйида жон сақласа, унга омонлик берилди, у қатлдан қутулган бўлади. Ким Байтуллоҳдан паноҳ топса, унга ҳам омонлик берилди. Ким уйига кириб, эшигини ёпиб олса, унга ҳам омонлик берилди,”- деди.³⁰⁶

Ҳазрати Абу Суфённинг айтганларини эшитган мушрикларнинг ашаддийлари, унга қарши чиқиб, ҳақорат қилишди. Ҳатто ислом лашкарига қарши жанг учун тайёргарлик бошлаб юборганлари ҳам бўлди. Лекин ундайлар озчилик эди. Бошқалар уларга эътибор бермай, уйларига чопди. Бир қисми эса, **Масжиди Ҳарамга** бекинди.

Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ва шонли саҳобийлар, Зитуво водийсига келиб, ўша ерда тўпландилар. Оламларнинг жаноби, саҳобаларига бир разм солганларидан кейин бундан саккиз йил муқаддам, Маккадан ажралиб, ҳижрат қилганларини хотирладилар. Ўша маҳзун куни, саодатхоналари атрофини мушриклар ўраб олганлиги, Ёсини шарифдан ояти карималар ўқиб, уйдан чиққани, ҳаммадан яшириниб, ҳазрати Абу Бакр билан бирга Савр ғорига чиқиб борганларини, Макка худудидан ажралаётганида сўнги бор унга қараб: “(Эй Макка) **Валлоҳи, биламан, сен Аллоҳу таоло яратган ерларнинг энг хайрлисисан. Раббим наздида ва мен учун ҳам энг сеvimли бўлгани сенсан. Сендан мажбуран чиқарилмаганимда, мен сендан ҳеч қачон чиқмасдим, сендан айрилмасдим**” деб марҳамат қилганларини эсладилар. Ана шундай ғамгин вазиятда Жаброил алайҳиссаломнинг Қасос сураси 85-ояти каримасини ўқиб, муборак дилларига тасалли бергани ва Макка-и мукаррамага албатта қайтишини суюнчилагани, бир ҳовучгина Асҳоби билан Бадра, Ухудда, Хандакда, Ҳайбарда, Мутада душманлар устидан қандай ғолиб келганларини бир-бир хотирладилар. Мана энди эса, Аллоҳу таолонинг қудрати билан ўн икки минг асҳоби, у зот атрофида парвона бўлиб, Маккага кириш учун Унинг битта имо-

³⁰⁶ Абу Довуд, “Хараж”, 25-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 292-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 401-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 817-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 155-б.

ишоратларини кутиб турарди. Сарвари олам жанобимиз, буларнинг барчасини эҳсон қилган Аллоҳу таолога, қалбан миннатдорлик ва шукр туйғуларига ғарқ бўлган ҳолатда ҳамд этдилар. Тавозу билан муборак бошларини эгдилар.

Фаҳри коинот жанобимиз Асҳобини тўртта катта-катта гуруҳга ажратдилар. Ўнг қанот қўмондонлигига Холид бин Валид ҳазратларини, чап қанот қўмондонлигига Зубайр бин Аввом ҳазратларини, пиёдаларнинг бошига Абу Убайда бин Жарроҳ ҳазратларини, тўртинчи гуруҳга эса, Саъд бин Убода ҳазратларини тайинладилар. Ҳазрати Холид, Макканинг жанубидан кириб, мушриклардан ким қарши чиқса, уларга муносиб жазоларини бериб, Сафо тепалигида Фаҳри коинот жанобимизга қўшиладиган бўлди. Ҳазрати Зубайр, Макканинг шимолидан кириб, Ҳажунда байроғини тикиб, Сарвари олам жанобимизни кутадиغان бўлди. Саъд бин Убода ҳазратлари эса, ғарб томондан ҳаракат қиладиган бўлди.³⁰⁷

Расули акрам қўмондонларига: **“Сизга хужум қилмагунларича, асло ҳеч ким билан жанг қилмайсиз. Ҳеч кимни ўлдирмайсиз”** деб буюрдилар. Фақат исмлари айтилган ўн беш кишидан қайси бири тутиб олинса, Каъбанинг ёпинғичи тагига яширинган бўлса-да, каллалари танасидан жудо қилиниши тайинланди.³⁰⁸

Ҳақ келди, ботил зоил бўлди...

Рамазони шарифнинг ўн учинчи, Жума куни эди. Мужоҳидлардан энг аввал ҳаракатга тушган Холид бин Валид ҳазратлари бўлди. Улар Макканинг жануб тарафидан Ҳандама тоғи этагига келгандилар, ашаддий Курайш мушриклари тарафидан бирданига ўқ ёғдирилди. Иккита мужоҳид шаҳид бўлди. Ҳазрати Холид, жанг тартибида турган лашкарига: “Душманнинг сафини ташлаб қочганлар ўлдирилмасин” дея амр қилганидан сўнг, барчаси олға отилди. Бир зумда мушрикларни орқага қувиб юборишди. Тўқнашувда етмишта мушрик ўлдирилди. Бошқалари тоққа ва уйларига қочиб жон сақлади.

Муқаддас Маккага бошқа йўналишлардан кириб келаётган

³⁰⁷ Абу Довуд, “Хараж”, 25-б.; Абдуурразок, “ал-Мусаннаф”, V, 377-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 431-б.

³⁰⁸ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 859-б

саҳобийлар ҳеч қандай қаршиликка учрамадилар. Ўлдирилиши керак бўлганлардан бештаси тутиб, жазолари берилди. Қолганлари Маккадан қочиб кетишди. Мужоҳидларнинг қалблари ҳисухаяжонга тўла, тўлқинланиб: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” такбирлари остида Маккага кириб келарди. Сарвар-и олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Қусво туяси устида, Усома бин Зайдни мингаштириб олган ҳолда ғоят тавозе билан туғилиб ўсган тупроқ, муқаддас Маккага кириб келардилар. Шундай кунларни насиб этган Аллоҳу таолога ҳамд этиб, Макканинг фатҳи ҳақида хушхабар берилган Фатҳ сурасини тиловат қилиб келарди.

Фаҳри коинот жанобимиз, чексиз кувончга тўлиб музаффар Асҳоби билан бирга Каъбаи муаззамага қараб юра бошладилар. Ўнг томонларида ҳазрати Абу Бакр, чап томонларида Усайд бин Ҳубайр ҳазратлари келарди. Улар Ҳажар-ул асвадни зиёрат қилиб, талбия ва такбир келтиришди. Буни кузатаётган саҳобийлар Маккаи мукаррамани “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” садолари билан титратишди. Бу улуғ манзара олдида барча мусулмонлар кўзларидан севинч ёшларини тўкаётган бўлса, Ҳарам шариф ичида ва уйларида яшириниб ўтирган мушриклар қўрқувдан дағ-дағ қалтираб бошларига келадиганларни кутишарди.

Шундан кейин Оламларнинг жаноби ва Асҳоби тавофни бошладилар. Каъба-и муаззамани етти марта айланиб тавоф қилганларидан кейин туядан тушган муҳтарам пайғамбаримиз, мақом-и Иброҳимда икки ракат намоз ўқидилар. Сўнгра ҳазрати Аббос қудукдан келтирган замзамдан ичдилар. Ўша замзам билан таҳорат олгилар келиб, бир чеккада таҳорат олаётганларида, муборак баданларига тегиб тўкилаётган сув томчиларини Асҳоби киром ерга туширмай илиб ола бошладилар. Буни кузатиб турган мушриклар: “Биз ҳаётда бундай ҳукмдорни кўрмаган ва эшитмаганмиз” дея ҳайратга тушди.

Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Каъбанинг атрофида тош ва тахталардан ясалган барча бутларни олиб ташлашни буюрдилар. **“Ҳақ келганида ботил зоил бўлади, ботил доим кетгувчидир”**³⁰⁹ маолидаги ояти каримани ўқиб, муборак қўлларига асони бутларга қаратиб ниқтадилар. Асо теккан ҳар бир бут, юзтубан бўлиб йиқила бошлади. Ўшанда уч юз олтмишга бут ер билан яксон қилинди.³¹⁰

309 *Исро сураси, 17/81.*

310 *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 416-б.*

Пешин вақти кирганди, Расули акрам жанобимиз, ҳазрати Билолга Каъбада азони шариф ўқишини амр этдилар. У дарҳол ўрнидан туриб, муқаддас топширикни адо этди. Азон ўқиладганида мусулмонларнинг қалбида чексиз қувонч пайдо бўлиб, мушриклар эса янада алам ва қайғуга ғарқ бўлишди.³¹¹

Севимли пайғамбаримиз, Каъбанинг калитини келтиришни сўрадилар. Келтирилди. Каъба ичи расмлар ва бутлардан яхшилаб тозаланганидан кейин ёнларига ҳазрати Усома бин Зайд, ҳазрати Билол, ҳазрати Усмон бин Талҳаларни олиб, ичига кирдилар. Жаноби пайғамбаримиз ичкарида эшикни орқа тарафида қолдириб, икки ракат намоз ўқидилар. Ҳар бир бурчагида такбир келтириб, дуо қилдилар. Холид бин Валид эса, эшикда туриб, у ерда одамларнинг тўпланмаслигини назорат қиларди.

Коинотнинг султони, Каъба эшигининг икки табақасидан икки қўли билан ушлаб турардилар. Қурайшликлар Масжиди Ҳарамни тўлдириб юборишганди ва кўрқув билан умид аралаш, паришон ҳолатда, севимли пайғамбаримизга қараб туришарди. Зеро, ана ўшалар пайғамбаримизга ва Асҳобига нималар қилишмади, қандай исканжалар беришмади. Уларнинг бўйинларига ип боғлаб судраган, оловга ташлаб, ёқмоқчи бўлгандилар. Ёзнинг жазирамасида қизиқ турган тошларни кўкракларига хушдан кетгунларича босиб туриш билан азоб бергандилар. Оловда қип-қизил чўққа айланган нишларни баданларига босгандилар. Уч йил давомида бир маҳаллани оч ва сувсиз қамалда қолдириб, ташқаридан келадиган ҳамма нарсалардан маҳрум этгандилар. Икки оёғини иккита туяга боғлаб, туяларни қарама-қарши томонларга ҳайдаш йўли билан парчалаб ташлагандилар. Энг аянчлиси, уларни она юртларидан ҳайдагандилар. Шунча исканжа ва азоблар кифоя қилмай, уларни бутунлай йўқотиш ниятида неча марталаб урушлар ташкил қилгандилар.

Лекин буларга қарамай умидвор эдилар. Чунки уларнинг қаршисида оламларга раҳмат қилиб юборилган марҳамат дарёси турарди. Севимли пайғамбаримиз, эшик табақаларини ушлаб турган ҳолда мушрикларга бироз тикилиб турдилар-да: **“Эй Қурайш жамоати! Ҳозир сиз, менинг қандай иш тутишимни тахмин қилиб турибсиз?”** деб марҳамат қилдилар. Улар эса: “Биз сендан хайр кутаямиз, хайр умид қиялпимиз. Чунки сен, карим қардошимизсан.

311 Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 172-б.

Карам ва яхшилик эгаси бўлган бир қардошимизнинг ўғлисан. Бизнинг устимиздан ғолиб чиқдинг. Сендан фақат яхшилик умидидамиз” дедилар.

Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) уларга табассум қилиб: **“Менинг сизга айтадиганларим, Юсуф(алайҳиссалом) нинг қардошларига сўзлаганидек бўлади. У каби мен ҳам бугун (-дан бошлаб гуноҳларингизни эслатиб, юзингизга солишдек) сизга ҳеч қандай айблов ва ташвиш юкламайман. Аллоҳу таоло сизларни мағфират қилсин³¹² дейман. Боринглар, хурсизлар, эркинсизлар”** деб марҳамат қилдилар.

Бундай оламшумул раҳмдиллик, тош қалбларни юмшатиб, улардаги нафрат туйғуларини муҳаббатга айлантирганди. Оламларнинг сарвари исломга даъват қилганларида, улар мусулмон бўлиш учун йиғилдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз, ўз рисолатларини қурайшликларга илк бор эълон қилган Сафо тепасига чиқдилар. Ана шу ерда туриб, катта-кичик, аёл-эркак, барча маккаликларнинг байъатини қабул қилдилар. Шу тариқа қурайшликлар мусулмон бўлиб, Асҳоби киром сафига кириш шарафига эришди.

Эркаклар билан аҳдлашувлар тугаганидан кейин аёллардан ҳам баъзи масалаларда ваъда олинди.³¹³

Янги мусулмон бўлганлар билан келишиб олинган масалалар асосан, Аллоҳу таолога ширк қўшмаслик, жаноби пайғамбаримизга исён кўтармаслик, ўғрилиқ қилмаслик, иффат ва номусни муҳофаза қилиш, қиз фарзандларини ўлдирмаслик шулар жумласидан эди. Мусулмон бўлганлар орасида қатл қилиниши лозим бўлган ўн беш кишилик рўйхатда ҳазрати Абу Суфённинг хотини Ҳинд ҳам бор эди. Лекин Оламларга раҳмат бўлган муҳтарам пайғамбаримиз уни ҳам авф этгандилар. Мусулмон бўлган маккаликлар уйларидаги барча бутларни синдириб ташлади. Теварак-атрофдаги қабилаларга аскарлар юборилиб, у жойлардаги бутлар ҳам ер билан яксон қилинди. Шундай қилиб, ҳақ келиши билан ботилнинг илдизи кўпорилди. **Раҳм-шафқатга қовушганлар орасида Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, ҳазрати Ҳамзани шаҳид этган Вахший каби янги мусулмонлар ҳам бор эди.** Кейинчалик улардан ҳазрати Икрима Ярмақ жангида шаҳид бўлди. Ҳазрати Вахший эса, Ямома урушида Мусайламат-ул-Каззобни ўлдирди.³¹⁴

312 Юсуф сураси, 12/92.

313 Ибн Саъд, “ат-Табакот”, VIII, 9-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, VIII, 433-б.

314 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 863-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XXII, 36-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, V, 392-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашиқ”, LXII, 404-б.

Хунайн ғазоси

Сарвари олам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимиз Маккага юриш бошлаган вақтларида Макка атрофида истиқомат қиладиган Ҳавозин ва Сақийф номли иккита йирик қабила, мусулмонларнинг улар томон бостириб келаётганидан хавфсираб, жанг ҳозирлигига киришди. Кейинроқ мусулмонларнинг асл мақсади Маккани фатҳ этиш эканлигини кўриб, енгил тин олишган бўлса-да: “Қурайшдан сўнгра навбат барибир бизга келади” деб, жон-жаҳдлари билан урушга тайёрлана бошлашди. Ўзларича: “Аслида мусулмонлар ҳалигача тузукроқ жанг қиладиган қавм билан тўкнашиб кўрмади. Ҳаммани енгамиз деб ғурурланишса керак. Улар биз томон юриш қилмай туриб, биз бостириб борайлик-да, жанг қилиш қандай бўлишини бир кўрсатиб қўяйлик” дейишди. Ҳавозин қабиласининг раиси Молик бин Авф бошчилигида йигирма минг кишилик катта қўшин Макка сари юришни бошлади. Мушриклар қўшиннинг жасоратини орттириб, зўр келганида қочиб қолмасликлари учун барча қимматбаҳо мол-мулклари билан хотин, бола-чақаларини ҳам бирга олиб келишарди.

Бу хабар тезда Маккага ҳам етиб келди. Фаҳри коинот сарваримиз, хабарнинг тўғрилигини билиб келиши учун Абдуллоҳ бин Абий Ҳадрадни Ҳавозин қабиласига юбордилар. Ҳазрати Абдуллоҳ юз-киёфасини ўзгартириб, душман орасига киришга муваффақ бўлди. Уларнинг мақсад ва ҳаракат режаларини билиб, зудлик билан муҳтарам Пайғабаримизни хабардор қилди.

Расули акрам дарҳол Асҳобини тўпладилар. Йигирма ёшли йигит Аттоб бин Асид ҳазратларини Маккага волий тайинлаб, ўн икки минглик қўшин билан йўлга чикдилар. Пайғамбаримиз лашкар билан, мушрик Ҳавозин ва Сақийф қабилаларини қароргоҳларидан чиқармай босиб олишни ният қилгандилар. Мужоҳидлар байроғини олиб юриш ҳазрати Алига топширилган³¹⁵ бўлиб, энг олдинда кетаётган кучларнинг қўмондонилиги эса, Холид бин Валид ҳазратларига берилган эди.³¹⁶ Оламлар сарвари,

315 *Ибн Саъд*, “*ат-Табақот*”, IV, 9-б.; *Сухайлий*, “*Равзул-унуф*”, IV, 204-б.

316 *Аҳмад бин Ханбал*, “*ал-Муснад*”, IV, 350-б.; *Ибн Ҳишом*, “*ас-Сийра*”, II, 428-б.; *Воқидий*, “*ал-Мағозий*”, II, 912-б.; *Сухайлий*, “*Равзул-унуф*”, IV, 195-б.

эгниларига устма-уст совут ва бошларига дубулга кийиб, Дулдул исмли хачирга миниб олгандилар. Шундай қилиб, Шаввол ойининг 11-куни Хунайн водийсига етиб бордилар. Ўша кеча, Сарвари олам ислом кўшинини назоратдан ўтказиб, уларни ҳарбга шай ҳолатда тизиб чиқдилар. Бомдод намози ўқилгач ҳаракат амри берилди.

Мушрикларнинг кўмондони ҳам ўша кечадан фойдаланиб, Хунайн водийсининг икки ёнига кўшинини жойлаштириб, мудофаа чораларини кўзлаб, пистирмалар курганди. Анча илгарилаб кетган Холид бин Валиднинг олдинги гуруҳлари пистирмалар борлигидан беҳабар, кечаси от суриб кетишаётганди. Тонг отиб қолган бўлсада, эрталабки нимқоронғилик олдинда душманнинг борлигини кўришга ҳалақит берарди. Шу пайтда бирданига душман ўқлари ёғила бошлади. Бундай кутилмаганда бошланган ўқ ёмғиридан кутулиш учун тезда ортга чекинишга мажбур бўлдилар. Уларнинг тезлик билан чекинишлари, жанг сафларини бузиб юборди. Улар ҳам орқага чекинишни бошлаганларида йигирма минглик душман кўшини селдек водийга ёпирилиб оқа бошлади.

Севимли пайғамбаримиз якка ўзлари, хужумга кирган мушриклар томон илгари отилдилар. Бироз сўнгра, ҳазрати Аббос, ҳазрати Абу Бакр ва яна юзга яқин қаҳрамон саҳобийлар, У зотга етиб олдилар ва вужудларини қалқон қилдилар. Ҳазрати Аббос дарҳол хачирнинг жиловини ушладилар, ҳазрати Суфён бин Хорис ҳам узангисини ушлаб, хачирнинг чопишини секинлаштиришга ҳаракат қилишиб, Расулulloҳнинг душман кўшини орасига киришига тўсиқ бўлишга уриндилар. Аллоху таоло динининг йўқ бўлишидан қайгуга тушган Оламларнинг жаноби: **“Ё Аббос! Сен уларга (Эй Мадиналиклар! Эй Самура дарахти остида байъат этган саҳобийлар) дея овоз бер”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Аббос жисмоний кўриниши жуда йирик ва ҳайбатли киши эди. У наъра тортса, овози жуда узоқлардан ҳам эшитиларди. Шунинг учун бор овози билан: **“Эй мадиналиклар! Эй Самура дарахти остида пайғамбаримизга сўз берган Асҳоб тарқалиб кетманг, мана бу ерда тўпланинглар!”** деган сўзлар билан хайқирди. Унинг товушини эшитган Асҳоби киром орқага қайтмоқчи бўлдилар, бироқ уловлари жуда қаттиқ ҳуркиб кетганларидан тезда орқага қайтишга муваффақ бўла олишмади. Охири уловларидан тушиб, қиличу-найзаларини олиб пиёда

Расулulloхнинг хузурига етишдилар ва душманга қарши шиддатли жангга киришдилар. “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” садолари еруқкни инграгиб, душманни даҳшатга туширарди. Бадрда, Ухудда, Хандақда ва Ҳайбарда жуда катта қаҳрамонликлар кўрсатган Асҳоб, хусусан ҳазрати Али, Абу Дужона, Зубайр бин Аввом қайта-қайта илгари отилиб, душманни сафдан чиқариб, тум-тарақай қиларди.

Оламлар сарвари, Асҳобининг жонларини аямай жанг қилаётганини назорат қилиб турар ва дудокларидан: **“Аллоҳим бизга ёрдамингни нозил қилгин. Шубҳасиз, Сен уларнинг ғолиб келишларини истамайсан”** дея дуо қилаётганлари эшитиларди. Муҳтарам пайғамбаримиз Аллоҳу таолога ёлвораётиб ердан бир сиқим кум олдилар-да: **“Уларнинг юзлари қора бўлсин”** деб, мушриклар томон сепиб юбордилар. Ўшанда пайғамбаримизнинг яна бир мўъжизаси рўй бериб, душман аскарларидан кўзига тупроқ тўлмаган бирон киши қолмади. Шу аснода малаклар ҳам ёрдамга етиб келдилар. Севгили пайғамбаримиз: **“Аллоҳу таолога аҳд бўлсинки, уларнинг сафлари бузила бошлади”** дея марҳамат қилдилар. Ҳақиқатан, мушрикларнинг сафлари бузилиб, қочишни бошлаганди. Мушриклар ортга чекинишни бошлаганида ортларидан қувиб келаётган саҳобийларни кўриб, жанг майдонига олиб келган хотин-халаж, бола-чақа ва молларини ҳам ташлаб, фақат ўз жонлари илинжида орқага қарамай тум-турақай қочишарди.

Жанг майдонидан қочиб жонини аранг қутқарган душман, ортда етмиш ўлик, олти минг асир ва беҳисоб мол-мулк қолдиришганди. Қочганларнинг бир қисми Тоиф қалъасига яширинди. Бир қисми эса, Наҳла ва Автасга кетди. Қўмондонлари Молик бин Авф Тоифга бекинганлар орасида эди. Асҳоби киром уларни бир мунча вақт таъқиб этди. Автасда яна қаттиқ тўқнашув юз берди. Душманнинг қаршилиги яна бузилиб, тору мор қилинди.

Ниҳоят, Аллоҳу таолонинг марҳамати, Расулulloх (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг ҳиммат ва баракатлари туфайли бу ғазода ҳам зафар мусулмонларники бўлган эди. Мусулмонлар тўрт шаҳид берган, бир неча саҳобий яраланганди. Холид бин Валид ҳам яраланганини эшитган муҳтарам пайғамбаримиз, унинг олдига бориб, ярасини муборак қўллари билан силаганларида яра ўша ондаёқ тузалиб кетди.

Тоиф сафари

Коинот султони (соллаллоху алайҳи васаллам) Тоифга қочган душман устига ҳам юриш қилиб, узил-кесил ғалабага эришишни истарди. Тоиф - Маккага энг яқин қалъалардан бўлиб, энг мустаҳкамларидан эди. Муҳтараам пайғамбаримиз ҳижратдан илгари Тоифга келиб, бир ой давомида уларни ҳидоятга даъват қилгандилар. Аммо тоифликлар оламлар сардорига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган исканжа-ю зулмларни раво кўришган эди. Ҳатто тошбўрон қилиб, оёқларини қонга белаган эди. Пайғамбаримиз бу қалъада Зайд бин Хориса ҳазратлари билан ҳаётларининг энг аччиқ, энг изтиробли кунларини бошдан кечиргандилар. Энди эса, Тоифга Холид бин Валид ҳазратларини махсус ҳарбий бирлик билан олдинроқ жўнатмоқда эдилар. Ўзлари эса, шонли Асҳоби билан уларнинг изидан Тоифга етиб бордилар. Сакийф қабиласи мустаҳкам қалъаларига олдиндан анчагина озиқ-овқат ғамлаб олишганди. Шу сабабдан Асҳоби киромнинг келганини кўриб, дарров дарвозаларини бекитиб, ҳимояга кўчишди. Қалъага яқинлашиб борган мужоҳирларга ўқ узиб қаршилик кўрсатишарди. Уруш шу тарзда давом этарди. Тоифликларнинг ҳеч бири қалъадан чиқиб юзма-юз жанг қилишга журъат қилолмасди.

Асҳоби киромдан баъзилари палаҳмонлар ёрдамида қалъа ичкарасига тош ёғдириш керак деган фикрни таклиф қилишди. Бу таклиф пайғамбаримизга маъкул бўлиб, палаҳмонлар яшани буюрдилар. Кейин палаҳмонлардан мушрик қалъаси устига тош отишга амр берилди. Асҳоби киром жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилиб, қалъани фатҳ этишга ғайрат қилишарди. Бу орада ўн тўртта саҳоба шаҳидлик мартабасига эришди. Лекин қалъанинг мустаҳкамлиги, уни фатҳ этишни қийинлаштирарди.

Қамалнинг йигирманчи куни кечаси, Расули ақрам (соллаллоху алайҳи васаллам) жанобимиз, бир туш кўрдилар. Тушларида У зотга бир идиш тўла сариеғ ҳадя қилинади, лекин у бир хўроз томонидан чўқиланиб, тўкилади. Муҳтарам пайғамбаримиз ушбу тушни Тоифнинг бу йил фатҳ этилмаслигига йўйиб, қамалдан воз кечдилар.

Муҳтарам пайғамбаримиз 8 йил олдин тоифликлар исканжасига дуч келганларида бир фаришта келиб, “Ижозат берсангиз уларнинг бошларига шу тоғларни қулатайин” деганди. Марҳамат дарёси

бўлмиш Сарвари олам жанобимиз: **“Йўк. Мен оламларга раҳм(ат) тариқасида юборилганман. Ягона истагим, бу мушриклардан Ҳаққа шерик қўшмасдан ибодат қилувчи бир насл чиқаришини Аллоху таолодан сўрашдир”**- дея марҳамат қилгандилар. Ҳозир ҳам раҳм-шавқат қилиб: **“Ё Рабб! Сақийфликларга тўғри йўлни кўрсатгин! Уларни бизга олиб келгин”**- деб дуо қилдилар.

Ҳабиби акрам жанобимиз Асҳоби билан Тоифдан чиқиб, Ҳунайнда тутқун қилинган асирлар ва ғаниматлар йиғилган жой - Жиронага келдилар. Олти минг асир билан йигирма мингдан зиёд қорамол ва қирқ мингга яқин майда мол ҳам-да беҳисоб зийнат ашёлари ғанимат олинган эди. Ҳаммасини уларда ҳақи бўлган мужоҳидларга тақсим қилдилар. Шу пайтда Ҳавозин қабиласидан бир ҳайъат, ҳузурга қабул учун изн сўраб келди. Пайғамбаримиз уларни қабул қилдилар. Келган ҳайъат Ҳавозин қабиласининг батамом мусулмон бўлганини хабар берганида Оламлар сарвари бениҳоя мамнун бўлдилар. Хурсанд бўлганларидан ўз улушларига тушган асирларни дарҳол озод қилиб, ҳайъатга топширдилар. Асҳоби киром ҳам муҳтарам пайғамбаримизга эргашиб, қўлларидаги асирларни озод қилишди. Расулulloҳнинг бир марҳаматлари туфайли олти минг асир бирданига хурриятга қовушди. Бу хабар, жонини сақлаш учун Тоиф қалъасига бекинган Ҳавозин қабиласи раиси Молик бин Авфга етиб борганида, у ҳам келиб мусулмон бўлди. Муҳтарам пайғамбаримиз, уни ҳадя-эҳсонларга кўмиб ташладилар.³¹⁷

Энди бу ерда қилинадиган иш қолмади. Коинот султони ҳар доимгидек зафар қучиб, Асҳоби билан Маккага қайтдилар. Аттоб бин Асийдни Макка волийси этиб тайинладилар.³¹⁸ Муоз бин Жабал ҳазратларини эса, дин ишларини ўргатиш вазифаси билан шаҳарда қолдирдилар.³¹⁹ Каъба-и муаззамани тақрор тавоф қилиб, умра амалини адо этгач шонли Асҳобини олиб, тақрор Мадина сари йўлга тушдилар...

Шу ҳодисадан бир йил ўтиб, тоифликлар мусулмон бўлиш ниятларини етказиш мақсадида Мадинага севгили пайғамбаримиз

317 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 452-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, III, 925-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 312-б.; Заҳабий, “Сийар”, II, 207-б.

318 Ибни Можжа, “Тижорат”, 20-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 440-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 687-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, I, 498-б, II, 264-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 890, 960-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 137-б.; Фоқидий, “Ахбори Макка”, V, 144-б.; Азрокий, “Ахбори Макка”, I, 232-б.

319 Воқидий, “ал-Мағозий”, III, 959-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 137-б.;

хузури шарифларига олти кишилик хайъат юборишди. Оламлар сарвари бир йил аввал Тоиф қамалига барҳам берганларида: **“Ё Рабби! Сақийфликларга тўғри йўлни кўрсатгин! Уларни бизга олиб келгин”**- деб дуо қилгандилар. Мана ҳозир эса, сақийфликлар ўзлари мусулмон бўлиш учун келиб туришарди. Расули акрам жанобимиз, уларнинг мусулмон бўлганларидан жуда хурсанд бўлиб, баъзи имтиёзлар бериб, хайъатни Тоифга кузатиб қўйдилар. Бошларига Усмон Абил-Ос ҳазратларини волий тайинладилар.³²⁰

Табук сафари

Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадина-и мунавварага ташриф буюрганларидан кейин, бир неча давлатларга элчилар юбориб, уларни Исломга даъват қилдилар. Уммон, Баҳрайн каби мамлакат ҳукмдорлари халқи билан бирга мусулмон бўлиб шарафландилар. Улардан бошқа яна бир неча қабилалардан вакиллар келиб, Оламлар сарварига тобе эканликларини билдириб, саодатга эришдилар.

Исломият энди суръат билан ёйилаётганди. Атрофдаги қабилаларга, давлатларга дин асосларини ўргатишга муаллимлар ва уларни маъмурий бошқарадиган волийлар юборилаётганди. Ҳижратнинг тўққизинчи йилида Мадина мусулмон бўлишга келган вакилларнинг маконига айланди.

Ҳижратнинг тўққизинчи йили, Ражаб ойи эди. Бир куни Расулуллоҳ жанобимиз, Асҳобига: **“Бугун солиҳ бир қардошингиз вафот этди. Туринглар унинг жаноза намозини ўқиймиз”** дея марҳамат қилдилар. Пайғамбаримиз имомлигида ғайбан жаноза намози ўқилди. Намоздан кейин марҳамат қилдиларки: **“Қардошларинг Нажоший Асхама учун Аллоҳу таолодан мағфират сўрадик.”**

Ўша воқеадан бироз вақт ўтиб Ҳабашистондан Нажоший Асхаманинг вафот хабари етди. Вафот этган куни билан муҳтарам пайғамбаримизнинг жаноза ўқитган кунлари бир вақтга тўғри келган эди.³²¹

320 Абу Довуд, “Салот”, 12-б.; Ибни Можа, “Масожиҳид”, 3-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 21-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 541-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, V, 509-б.

321 Бухорий, “Жаноз”, 52-б.; Насоий, “Жаноз”, 37-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, III, 183-б.;

Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, III, 92-б.

Византия императори Ҳирақл (Геракл), Араб ярим оролида мусулмонликнинг ёйилиб **янги Ислом давлатининг тобора кучайиб** бораётганига ҳасад қиларди. Шу боис имкони борича унинг ривожига тўғаноқ бўлишга интиларди. Шу кунларда христиан араблар, Ҳирақлга бир мактуб йўллади. Мактубда “Пайғамбарлик даъвоси билан ўртага чиққан киши вафот қилди. Мусулмонлар очарчилик ва қахатчиликдан аҳволлари танг. Агар уларни эски динларига қайтаришни хоҳласанг, ҳозир аини пайтидир” деган сўзлар ёзилганди. Шу хат туртки бўлиб, Ҳирақл қирк минг кишилик қўшин ташкил қилиб, унга Кубод исмли бирини қўмондон тайинлади ва уларни мусулмонлар билан жанг қилишга йўлга чиқарди.

Вазиятдан хабар топган Фаҳри коинот жанобимиз, саҳобаларини йиғиб, жангга ҳозирлик кўришларини буюрдилар. Ўша йили қурғоқчилик дастидан саҳобийлар моддий томондан ғоят кийин аҳволда эди. Фақатгина тижорат билан шуғулланаётганларнинг аҳволи бир мунча дурустроқ эди. Муҳтарам пайғамбаримиз, ғазога (уруш) қатнашадиган аскарларнинг қурол-аслаҳа билан таъминланиши учун Асҳобнинг моддий ёрдам кўрсатишларини ҳам хоҳлаган эдилар. Сарваримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бу истаклари саҳобийларни ҳаракатга солди. Ҳамма қўлидаги бору йўғини олиб келиб, моли ва жони билан жиҳодга тайёргарлик қилишга ғайрат қиларди.

Пайғамбаримизнинг ғордаги заҳматкаш дўсти ҳазрати Абу Бакр, молу мулкининг ҳаммасини келтириб қўшин эҳтиёжига совға қилди. Расули ақрам: **“Оилангга бирон нарса қолдирдингми, ё Абу Бакр?”** дея марҳамат қилганларида, у “Аллоҳу таоло ва Расулини қолдирдим” дея жавоб берди. Ҳазрати Умар ўз мол-дунёсининг яримини ҳадя қилди. Муҳтарам пайғамбаримиз, ундан ҳам: “Оилангга нималар қолдирдинг ё Умар?” деб сўраганларида, “Бу ерга қанча олиб келган бўлсам, оиламга ҳам шунча қолдирдим” деб жавоб берди. Ўшанда пайғамбаримиз ҳазрати Умарга қараб: **“Иккалангиз орасидаги фарқ ҳам, шу жавобларингиздаги фарқ кабидир”** дегандилар. Ҳазрати Умар эса: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Абу Бакр! Хайр йўлидаги барча ишларда мендан олдиндасиз. Бундан буён ҳеч бир нарсада сиздан олдинга ўта олмаслигимга ишончим комил бўлди” деб ҳазрати Абу Бакрни тақдирлаганди.³²²

322 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 990-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, II, 34-б.

Хуллас, Асҳоби киромнинг ҳар бири кучи етганича, имкони доирасида жиҳодга ёрдам беришга ҳаракат қиларди. Бироқ мунофиқлар: “Ўзларингни кўз-кўз қилиш учун шундай қиялпсизлар” деб, уларни камситишга уринарди. Ўшанда муҳтарам пайғамбаримиз: **“Бугун ким бирор садақа берган бўлса, бу садақа, қиёмат куни Аллоҳу таоло ҳузурини унинг дунёлик ҳолига гувоҳлик беради”** деб хушxabар бердилар. Пайғамбаримизнинг шу сўзларидан кейин мўминлар янада кўпроқ ёрдам беришга киришди. Ҳазрати Усмон бин Аффон қўшиннинг учдан бирини туя ва аслаҳа билан таъминлади. Шу тариқа ҳазрати Усмон, аскар ва жиҳод харажатларига ёрдам берган мусулмонлар ичида энг кўп улуш қўшган киши бўлди. Ҳазрати Усмон қўшин эҳтиёжларини таъминлашда ҳар аскарга сув мешларидан тортиб жуводизгача тайёрлатиб берганди. Унинг Ислом қўшинига қилган бундай бебаҳо ёрдамини Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Бугундан бошлаб Усмонга гуноҳ ёзилмайди”** деган суюнчи орқали тақдирладилар.³²³ Моддий жиҳатдан анча ночор яшайдиган саҳобийлардан бири жиҳод савобига эришиш мақсадида ўша кеча тонггача бировнинг хурмо боғини суғориб, боғ эгасидан олган иш ҳақи - хурмоларини пайғамбаримизга келтириб: “Ё Расулаллоҳ! Раббимнинг ризосига эришиш учун боримни олиб келдим. Илтмос, қабул қилинг” деди.

Эр кишилар, қўлидан нима келса, ўша билан ёрдам беришга интилар, муслималар ҳам ўз зиммаларига тушган ишларни жони-дили билан бажариб, жиҳод ҳозирлигига ўз ҳиссаларини кўшардилар.

Табук сафарига тайёргарлик кетаётган пайтда мусулмонлар жуда танг ҳолатда эди. Қурғоқчилик оқибатида очарчилик шундай бир тус олгандики, қўлларида ҳеч нарса қолмаган саҳобалардан кўплари Расулulloҳ ҳузурларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Пиёда қолдик. Ейдиган нарсамиз ҳам қолмади! Бу ғазода сиздан ажралмай биз ҳам жиҳод савобига эришгимиз келади” дейишарди. Севимли пайғамбаримиз эса, уларнинг аҳволларидан қайғуга тушиб, узок сафарда миниш учун улов қолмаганини айтардилар. Бир гал, Солим бин Умайр, Абдуллоҳ бин Муғаффал, Абу Лайла Мозиний, Улба бин Зайд, Амр бин Хумом, Ҳарамий бин Абдуллоҳ, Ирбод бин Сория муҳтарам пайғамбаримиз ҳузурларига келиб, шу ниятда

323 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 990-б.

эканликларини арз қилдилар. Расулulloҳ уларга маҳзунлик билан: **“Сизларга минадиган улов топа олмаяпман”** деб мараҳамат қилдилар. Улар пайғамбаримиздан ажралиб ортда қолиш ва жиҳодга қатнаша олмаслик алаmidан йиғлай бошлади. Аллоҳу таоло, ўша ҳодиса устига, маолан: **“Биринчидан сенга келиб, жиҳодга бориш истагида эканлигини айтганларда гуноҳ йўқ. Сен эса, уларга, “сизни миндирадиган улов топа олмайман” дединг. Бу йўлда сарф этишга ҳеч вақо топа олмаганлари туфайли кўзларидан ёш тўка-тўка қайтдилар.**”³²⁴ деган ояти каримани нозил қилди. Оқибатда, уларни ҳам урушга керакли от-улов билан ҳазрати Аббос ва ҳазрати Усмон таъминлади.

Жанг учун барча тайёргарлик ишлари тамомлагандан кейин ислом қўшини Саният-ул-Вадода тўпланди. Жиҳодда иштирок этмайдиганлар деярли йўқ эди. Расули акрам жанобимиз, қўшинни бир жойга тўплаб, йўлга тушишга қарор берганларидан кейин, Муҳаммад бин Масламани Мадинада ўз ўринларига қолдирдилар.³²⁵ Сафар олдидан муҳтарам пайғамбаримиз, Асҳобига: **“Ёнингизда имкон қадар оёқ кийим кўпроқ бўлсин. Токи пойабзалингиз етарли экан асло қийинчилик кўрмагайсиз”** дея марҳамат қилдилар.

Қўшин ҳаракатга тушганда, мунофиқлар боши Абдуллоҳ бин Убайй, мусулмонларни кўрқитиш учун миш-миш тарқатди. Ҳатто, **“Қасам ичаманки, Уни ва Асҳобини жуфт-жуфт қилиб арқонга боғлаб қўйилган ҳолда кўряпман...”** деди. Бироқ унинг бу ваҳималарига Асҳоби киром аҳамият бермай жиҳод ишқи билан ёнишда давом этарди. Мунофиқлар эса, уларнинг шу иштиёқини кўриб, ичлари ўрганарди.

Расулulloҳ Санийят-ул-Вадодан Табукка қараб ҳаракат бошлаганларида, қўшинга байроқ ва туғларини кўтаришни амр қилдилар. Туғларнинг энг каттаси ҳазрати Абу Бакрга, байроқларнинг каттаси эса, Зубайр бин Аввом ҳазратларига берилганди. Авс қабиласининг байроғи Усайд бин Ҳудайрга, Ҳазраж қабиласи туғи Абу Дужонага берилди.³²⁶ Муҳтарам пайғамбаримиз

324 Тавба сураси, 9/92.

325 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 519-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 8-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, V, 294-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, IV, 12-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 297-б.; Ҳузвий, “ат-Тахрийж”, 327-б.; Каттоний, “ат-Таротийб-ул-идорийя”, I, 485-б.

326 Воқидий, “ал-Мағозий”, I, 996-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, II, 36-б.; Шамсиддин Шомий,

қўмондонлигидаги Асҳоби киромдан ташкил топган бу сафарги кўшин, ўн минг суворийси билан ўттиз минг кишидан иборат эди. Ўнг қанот қўмондонлигига ҳазрати Талҳа бин Убайдуллоҳ, чап қанот қўмондонлигига эса, Абдурраҳмон бин Авф хазратлари тайинланди.³²⁷

Шундай қилиб, шонли саҳобийлар жуда иссиқ ҳавода пайғамбарларининг қўмондонлиги остида юришга чиқдилар. Бошларида Аллоҳу таолонинг Ҳабиби бўлганлигидан, егуликнинг озлиги ё йўқлиги уларни йўлларидадан ортга қайтара олмасди; йўлнинг узоклиги, душман аскарларининг миқдори ҳам уларнинг юрагига кўркув сола олмасди. У шонли саҳобийлар, ҳар сафар мана шундай шашт ва руҳ билан йўлга чиқардилар.

Севимли пайғамбаримиз ва қаҳрамон саҳобийлар ҳар бир дам олишга тўхтаган жойларида кўп ўтирмай, юришда давом этдилар. Уларнинг саккизинчи марта дам олишга тўхтаган жойлари, Солих алайҳиссалом қавми ҳалок қилинган жой Ҳижр эди. У қавми, пайғамбарларининг амрини бажармаганлари учун Аллоҳу таоло шиддатли бир сайҳа, яъни жуда қаттиқ товуш (овоз) юбориб, ҳалок қилганди. Ўша ерда Коинотнинг султони, Асҳобига: **“Бу кеча орқа тарафдан жуда қаттиқ бўрон (шамол) эсади. Ҳеч ким якка ўзи ўрнидан турмасин. Барчаларинг туяларингни боғлаб олинглар. Бу ер азоб юборилган жойдир. Ҳеч ким бу сувдан ичмасин ва таҳорат ҳам олмасинлар!..”** дея буюрдилар. Ҳамма бу амрга итоат қилди. Ҳақиқатан кечаси кучли шамол эсиб, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қила бошлади. Шундай тўполонда айтилган вақтида туясини боғлаб қўймаган бири, бир ўзи туриб туясини топиб боғламоқчи бўлганди, шамол уни учуриб кетди ва Тайй тоғининг этагига элтиб ташлади. Бошқа бири, хожат қистаб, таҳорат синдиришга бир ўзи турди ва ёзилаётган жойида Хунак деган бир касалликка чалинди. У зўр-базўр муҳтарам пайғамбаримизнинг дуо-и шарифлари билан шифо топди.

Ўша кунни тонгга яқин қўшиннинг ичимлик сув заҳираси тугаб қолди. Ташналик ташвиши бошланди. Мунофиқлар бу ҳолни ўзлари учун қулай пайт ҳисоблаб: “Мана қаранг, нималар бўлаяпти? Муҳаммад ҳақиқатан пайғамбар бўлса, дуо қилиб ёмғир ёғдирарди” деган гап-сўз тарқатиб, фитна чиқаришга киришдилар. Аҳвол оламлар сарварига арз қилинганда, У зот муборак қўлларини

³²⁷ Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 1001-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, II, 36-б.

кўтардилар ва ёмғир тилаб, Аллоҳу таолога ёлвордилар. Муборак дуо-и шарифдан сўнг, осмон гумбазида бир парча ҳам булут бўлмаганига қарамай тўсатдан булутлар пайдо бўлиб, қаттиқ ёмғир ёға бошлади. Ҳамма идишларини ёмғир сувига тўлдириб, уловларини суғориб, таҳорат олдилар. Булут тарқаб кетганидан кейин қарасалар, ёмғир фақат Ислом қўшини устигагина ёғиб ўтган экан. Бундай мўъжизадан кейин муҳтарам пайғамбаримиз ва саҳобийлар такбир келтириб, Аллоҳу таолога ҳамд айтдилар. Мунофиқларга қарата: ”Яна нима кутасиз? Аллоҳу таолога ва Расулига ҳақиқатан иймон келтириб, солиҳ бир мусулмон бўлинглар, энди!..” дедилар. Бироқ ҳаёсиз мунофиқлар яна: “Хўш, нима бўлибди?.. Булут келди бироз ёғди-да, кетди!..” деб қаршилик кўрсатдилар.

Етишмовчилик, очлик ҳам жуда тинкани куритганди. Аҳвол шунга бориб қолгандики, бир хурмони икки киши бўлиб ейишга мажбур бўлаётгандилар. Жазирама иссиққа очлик ва сув танқислиги қўшилишига қарамай қўшинлар Табукка яқинлашгандилар. Ҳабиби акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз: **“Эртага иншаллоҳ тушга яқин Табук булоғига етиб борасизлар. Бироқ мен боргунча у сувга қўл урмайсизлар”** дея марҳамат қилдилар. Эртаси куни ҳақиқатан у жойга етиб бордилар. Булоқнинг суви жуда оз эди. Муҳтарам пайғамбаримиз, у сувдан бир идишга қуйдирдилар ва унинг ичига қўлини солиб дуо қилдилар. Кейин дуо ўқилган сувни булоққа қайтариб тўкиб юбордилар. Булоқнинг суви бирданига кўтарилиб кўпайди. Ўша булоқчадан ўттиз минг ислом аскар ва уловлари сув ичишларига қарамай булоқда сув зиғирча қамаймади. Кейинроқ Фаҳри коинот жанобимизнинг ушбу мўъжизаси туфайли шу булоқ сувидан атрофдаги кўп жойлар суғорилди. Натижада ўша жой ям-яшил воҳага айланиб, баракатга тўлиб-тошди.

Расули акрам жанобимиз, ўзларининг шонли Асҳоби билан Табукка етиб келганларида, Омила, Лаҳм ва Жузом деган христианлаштирилган араб қабилаларидан иборат Рум қўшини негадир майдонда йўқ эди. Мута ғазосида уларнинг юз минг кишилиқ қўшини, устидан уч минг мужоҳид ғолиб келганди. Ҳозир эса, уларнинг қаршисида ўттиз минг мужоҳид бўлиб, қўмондонлари Коинот сарварининг ўзлари эди. Румликлар, сеvimли пайғамбаримиз

қахрамон Асҳобини йиғиб келганликларини эшитиб, ҳар бири ўз жонини сақлаш учун тумтарақай қочиб қолганди.

Расулulloҳ Асҳоблари билан маслаҳатлашиб, Табукдан нарига ўтишни лозим кўрмадилар. Бу орада шу агрофдаги қабилалар ва давлатлар, Ислом қўшинининг келганидан хабар топишганди. Қўрққанларидан жаноби пайғамбаримиз хузурларига ҳайъатлар юбориб, жизя тўлаш шarti билан омонлик тиладилар. Жаноби пайғамбаримиз ҳам ўз навбатида уларнинг таклифларини қабул буюриб, ҳар ҳайъат билан алоҳида-алоҳида аҳдномалар тузиб, уларни ҳимояга олганликларини билдирдилар.

Тузоқ

Сарвари коинот (алайҳи афдоллуссалавот) жанобимиз, Табукда йигирма кунга яқин душманни кутдилар. Бу орада Ул зоти муборақ, Асҳоби кироми билан кўплаб суҳбатлар ўтказиб, уларнинг қалбларини нур дарёси билан ювдилар. Муборақ қалбларидан отилиб чиққан файзу баракат нурларини Саҳобаи киромнинг қалбларига жо қилдилар. Ул зоти муборақ ўша бебаҳо суҳбатларидан бирида марҳамат қилдиларки: **“Одамларнинг энг яхшиси ва энг шарафлиси ким эканлигини сизга хабар берайми?”** Асҳоби киром: “Хабар беринг, ё Расулаллоҳ!” дейишди. Бунга жавобан **“Одамларнинг энг хайрлиси, от-туя минганида ёхуд пиёда юрганида охирги нафасигача Аллоҳу таоло йўлида тинмай меҳнат қилган кишидир. Одамларнинг ёмони эса, Аллоҳу таолонинг китобини ўқиб, ундан ҳеч фойдалана олмаган ярамас кишидир”** дея марҳамат қилдилар.

Шаҳидлик ҳақида савол берган бир кишига, **“Борлигим ўз қудратида бўлган Аллоҳу таолога қасамки, шаҳидлар, қиёмат куни, қиличлари бўйинларида осиглик келадилар. Нурдан ясалган минбарлар устида ўтирадилар”** дея марҳамат қилдилар.³²⁸

Табукдан Мадинага қайтиш тайёргарликлари кўрилаётганда, очликдан тинка-мадорлари қуриган саҳобийлар, аҳволларини жаноби пайғамбаримизга арз қилдилар. Расулulloҳ эса, ортиб қолган егуликларни бир тери дастурхонга тўплашларини буюрдилар. Тўпланган егуликлар кичкина товоқни аранг тўлдирарди. Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) таҳорат янгилаб, икки рақъат

328 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 1018-б.

намоз ўқидилар. Сўнгра муборак қўлларини очиб, егуликларнинг баракали бўлишини тилаб дуо қилдилар. Дуодан кейин, асҳобига идишларини келтиришларини буюрдилар. Шундай катта қўшинда егулик солинмаган бирорта бўш идиш қолмади. Устига-устак ҳамма мужоҳидлар тўйгунларича еб-ичишса ҳам, дастурхондаги егулик заррача камаймагани кузатилди.

Ниҳоят, мужоҳидлар Табукдан чиқиб, Мадинага равона бўлишди. Қўшин ичидаги мунофиқлар бир кеча сафар йўлида жойлашган тоғдаги тор йўлакчада муҳтарам пайғамбаримизга тузоқ қуриб, У зотни ўлдириш ҳақида ўзаро келишиб, пайт пойлашга тушди. Расулulloҳ минган туя жилловини Аммор бин Ёсар ҳазратлари ушлаб келарди, уларнинг орқасида эса, ҳазрати Ҳузайфа бин Ямон келарди. Шунда мунофиқлар тартиблаган суиқасд ҳақида Жаброил алайҳиссалом келиб, пайғамбаримизга хабар берди. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, тор йўлакка етганларида, пойлаб юрган мунофиқлар гуруҳи юзларини ниқоблаб, муҳтарам пайғамбаримизга ҳужум қилиб қолдилар. Ҳазрати Ҳузайфа: “Эй Аллоҳу таолонинг душманлари!” деб, қўлидаги таёқ билан мунофиқларни ва улар минган уловларни аямай калтаклай бошлади. Шовкин-сурондан юракларига ғулғула тушган мунофиқлар, ниқобларини ечиб ташлаб, аскар орасига аралашиб кетди. Расулulloҳ бу ўн икки мунофиқнинг исмларини ҳазрати Ҳузайфага бирма-бир санаб бериб, сир тутишини буюрдилар.

Ҳодисадан хабар топиб ҳузури шарифга келган Усаид бин Худайр ҳазратлари, муҳтарам пайғамбаримизга: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Уларни менга айтинг, каллаларини узиб олдингизга олиб келай” деб, роса ялинди. Бироқ Расулulloҳ унамадилар.³²⁹

Масжид-и Дирор

Ниҳоят муҳтарам пайғамбаримиз ва қаҳрамон Асҳоби, византияликларнинг юракларига кўрқув солиб, нурли Мадинага яқинлашдилар. Коинот султони, Мадинага жуда яқин бўлган Зий-Авон деган жойда Асҳобининг тўхтаб, дам олишларини буюрдилар. Саҳобийлар дам олаётганда бир неча мунофиқ, пайғамбаримиз ҳузурларига келиб, Масжид-и Дирорга ташриф буюришларини илтимос қилди.

329 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 1040-б.

Масжид-и дирор Кубада жойлашган бўлиб, Расулulloҳнинг Мадинага ҳижратлари пайтида Кубада қурдирган илк масжидлари қаршисида мунофиқлар томонидан қурилган эди. Пайғамбаримиз ва Асҳоби Табук сафарига чиққанларида мунофиқлар ҳузур шарифга келиб: “Ё Расулаллоҳ! Янги бир масжид қурган эдик, бир ташриф қилию, бизга намоз ўқитсангиз” деб, чақиришган эди. Лекин ҳарбий юриш ҳолида бўлган Оламлар сарвари, насиб бўлса, Табукдан қайтишда кириб ўтишлари мумкинлигини айтгандилар.

Мунофиқларнинг мақсади: мусулмонлар орасига раҳна солиб бўлиш, масжиддан ўз машъум амалларида фойдаланиш, фитна чиқариб, мусулмонларни бир-бирларига қайрашдан иборат эди. Ҳатто византия аскарларини Мадинага чақириб, ўша масжидда тўплаб қўйган қуроллар билан уларга ёрдам беришни ҳам режалаштиришганди. Агар пайғамбаримиз у масжидда намоз ўқисалар, Масжид-и Дирор мусулмонлар назарида муқаддас жойга айланарди. Шу тариқа мусулмонлар ўша масжидда намоз ўқишга интилиб, гўё мунофиқлар тузоғига тушган бўларди...

Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, мунофиқларнинг таклифини қабул қилиб, Масжид-и Дирорга боришга қарор бергандилар. Ўша заҳоти Аллоҳу таоло Тавба сурасининг 107-108-ояти қарималарини нозил қилиб, мунофиқларнинг асл ниятини билдирди. Шу боис Оламлар сарвари Молик бин Дуҳшум билан Осим бин Адийга: “Шу халқи золим бўлган масжидга бориб, уни ёқиб-йиқиб, ер билан яксон қилинлар!” деб буюрдилар. Улар шом ва хуфтон орасида ўша жойга бориб, бинога ўт қўйдилар. Бино ўртаниб бўлгач деворларини кулатиб, ер билан бир қилдилар. Мунофиқларнинг биронтасидан гинг деган овоз чиқмади.³³⁰

Жаноби пайғамбаримиз ва шонли Асҳобининг келаётганларидан хабар топган мадиналиклар, дарҳол тўпланиб, ҳаяжон билан кутиб олгани чиқдилар.

Севимли пайғамбаримиз Табук сафаридан қайтиб келганларидан икки ой ўтиб, мунофиқлар бошчиси Абдуллоҳ бин Убайй ўлди. Шундан кейин мунофиқларнинг иттифоқи бузилиб, тарқаб кетишди.³³¹

Шу тариқа, нафақат мунофиқларнинг, балки бутун Арабистон бўйлаб мушрик ва яҳудийларнинг бошлари ҳам янчилиб, Исломга қарши чиқиш, унга ғов бўлиш ҳаракатлари сўндирилди.

330 *Ибн Хишом*, “ас-Суйра”, II, 529-б.; *Воқидий*, “ал-Мағозий”, II, 1040-б.; *Ибн Саъд*, “ат-Табақот”, III, 466, 549-б.; *Сухайлий*, “Раъзул-унуф”, IV, 306-б.

331 *Байҳақий*, “Далоил-ун-нубува”, II, 332-б.; *Ибн Касир*, “ас-Суйра”, IV, 74-б.

Видо ҳажи

Исломнинг беш шартидан бири ҳаж ибодати хижратнинг тўққизинчи йили фарз бўлди. Нозил бўлган ояти каримада маолан буюрилдики: **“Уерда (Каъбада) очик-ойдин бўлган аломатлардан, Иброхимнинг мақоми бор. Ким у ерга борса, хавф-хатарлардан химояланганига ишончи комил бўлади. Унга боришга бир йўл топа олганларнинг (боришга кучи етганларнинг) у Байтни ҳаж (ва зиёрат) қилиши, Аллоҳу таолонинг инсонлар зиммасидаги ҳақидир, фарздир. Ким бу фарзни инкор қилса, шубҳасиз, Аллоҳу таоло бутун оламларга муҳтожлиги йўқдир.”**³³²

Фаҳри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Аллоҳу таолонинг бу амрини Асҳобига айтдилар. Ўша йили ҳаж учун ҳазрати Абу Бакрни уч юз кишилик жамоатга бошчи қилиб тайинладилар. Ҳажга ниятланган саҳобалар ҳазрати Абу Бакр бошчилигида Маккага отландилар. Шу кунларда Бароа (Тавба) сурасининг илк ояти карималари нозил бўлди. Унда муаҳада (аҳдлашиш) ҳақида баъзи ҳукмлар билдирилди. Муҳтарам пайғамбаримиз янги ҳукмларни ҳажга кетганларга етказиш мақсадида ҳазрати Алини ҳам Маккага жўнатиб юбордилар.³³³

Ўша замонларда араблар орасида кенг тарқалган бир одат бўйича, бирон аҳдлашув тузилса ёки бекор қилинадиган бўлса, уни аҳднома тузган киши шахсан ўзи ёки у тайинлаган яқин бир қариндоши эълон қилиши лозим эди. Жаноби пайғамбаримиз ана шундай вазифа учун ҳам ҳазрати Алини ҳажга кетаётганлар орқасидан Маккага жўнатган эдилар. Ҳазрати Али ҳажга кетаётганларга йўлда етиб олди ва улар билан бирга Маккага кирди.³³⁴

Маккада ҳазрати Абу Бакр бир хутба ўқиди ва ҳаж ибодатини тушунтирди. Асҳоби киром (алайҳимурридвон) ўргатилган қоидалар бўйича ҳаж ибодатини адо этди. Ҳаж ибодати пайтида ҳазрати Али ҳам Минода “Жамра-и Ақоба” деган жойда бир хутба ўқиди. Ўша хутбада:

“Эй одамлар! Мени сизларга Расулulloҳ юбордилар” деб

332 *Ол-и Имрон сураси, 3/97.*

333 *Каттоний, “ат-Таротийб-ул-идорийя”, I, 256-б.*

334 *Бухорий, “Мағозий”, 68-б, “Жизя”, 16-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, IV, 545-546-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 169-б.; ал-Килоий, “ал-Иктифо”, II, 409-б.; Каттоний, “ат-Таротийб-ул-идорийя”, I, 256-б.*

сўз бошлади ва Тавба сурасининг илк ояти карималарини ўқиб эшиттирди. Кейин “Мен сизга тўрт нарсани етказишга маъмур қилинганман. Улар қуйидагилар:

1 – Мўминлардан бошқа ҳеч ким жаннатга кира олмайди.

2 – Бу йилдан кейин ҳеч қайси мушрик Каъбага яқинлашмайди.

3 – Ҳеч ким Каъбани яланғоч ҳолда тавоф қилмайди (у даврларда мушриklar Каъбани яланғоч тавоф қилишарди.)

4 – Кимнинг Расулulloҳ билан аҳдлашмаси бўлса, ҳаммаси кўрсатилган муддати битгунча ўз кучида бўлади. Ундан бошқаларига тўрт ой муҳлат белгиланди. Тўрт ойдан кейин ҳеч қайси мушрик билан келишув ва уларнинг ҳимояси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Ўша муборак кундан кейин биронта Каъбага яқинлашмади ва ҳеч ким яланғоч тавоф қилмади. Шу шартлар эълон қилинган кўп мушриklar мусулмон бўлди. Ҳаж ибодати шартлари билан тугал бажарилиб бўлгандан кейин ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Али Асҳоби киром билан бирга Мадинага қайтдилар.

Ҳижратнинг ўнинчи йилига келиб, Исломият бутун Араб ярим оролига ёйилган эди. Арабистоннинг ҳар томонидан одамлар Мадинага оқиб келар, мусулмонлик билан шарафланиб, абадий саодат йўлида гўёки мусобақалашар эди. Энди Арабистонда мусулмонларга қарши чиқадиган куч қолмаганди, Исломият ҳамма ёққа ҳоким бўлганди. Фақат баъзи христиан ва яҳудий қабилаларигина мусулмон бўлмаганди.

Севишли пайғамбаримиз ҳижратнинг ўнинчи йилида Холид бин Валидни тўрт юз мужоҳид билан Яман томонлардаги Хорис бин Каъб ўғилларини Исломга даъват қилгани юбордилар. Холид бин Валид у ерга бориб, Расулulloҳнинг амрларига биноан у қабилани уч кун кетма-кет Исломга даъват қилди. Ниҳоят улар даъватни қабул қилиб, мусулмон бўлишди. Яна шу йили Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, Нажронли христианлар билан сулҳ шартномаси туздилар. Улардан баъзилари кейинчалик ўз хоҳишлари билан мусулмон бўлдилар. Ўша йили ҳазрати Али ҳам Асҳоби киромдан уч юз кишилик гуруҳ билан Яманнинг Мадлаж қабиласини Исломга даъват қилиш учун юборилди. Мадлаж қабиласи аввалига Исломга кириш даъватига қарши чиқсалар-да, биров кейин мусулмон бўлдилар. Муҳтарам пайғамбаримиз, Ислом

ёйилган вилоятларга ўша йили волийлар ва закот йиғиш вазифасига тайинланган кишиларни ҳам жўнатдилар.³³⁵

Ҳижратнинг ўнинчи йилида пайғамбаримиз ҳажга боришга тайёргарлик кўрдилар ва мадиналик мусулмонларга ҳам ҳозирлик кўришни буюрдилар. Мадина атрофига ҳам хабарлар юборилди. Оқибатда минглаб мусулмонлар ҳажга бориш ниятида Мадинага йиғилдилар. Барча ҳозирликлар тамомлангач мухтарам пайғамбаримиз Зул-қаъда ойининг 25-куни қирқ минг кишилик жамоат билан пешин намозини ўқиб, Макка сари йўла чиқдилар. Сарвар-и коинот жанобимиз: **“Эй Аллоҳим! Бу ҳажни мен учун риё, хўжакўрсин ва шуҳратдан йироқ мабрур (хайрли) ва мақбул ибодат (ҳаж) бўлишини насиб қилгин”** дея дуо қилдилар. Сарвари коинот жаноблари ихромга кириб, Жаброил алайҳиссаломнинг кўрсатмаси бўйича баланд овозда талбия келтира бошладилар. У зотга Асҳоби киром ҳам жўр бўлгач еру кўк талбия садоларига тўлди. “Лаббайк! Аллоҳумма лаббайк! Лаббайк! Ло шарика лака лаббайк! Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал мулк ло шарика лак!..” Севимли пайғамбаримиз, курбон учун 100та туя олган эдилар. Ўн кун йўл юриб, Зул-ҳижжа ойининг 4-куни Маккага етдилар. У ерда Яман ва бошқа ўлкалардан ҳаж учун келганлар ҳам қўшилиб, мусулмонлар сони 124 мингдан ошди. Мухтарам пайғамбаримиз, Зул-ҳижжанинг 8-куни Минога, 9-куни (Арафага) Арофатга ташриф буюрдилар. Арофат водийси ўртасида пешиндан кейин Қусво туялари устида видо хутбасини ирод қилиб, саҳобалар билан видолашдилар.³³⁶

Видо хутбаси

Эй инсонлар!

Гапларимни яхшилаб эшитинг! Ким билади, балки бу йилдан кейин сизлар билан бу ерда абадиян такрор кўришиш насиб бўлармикин.

Инсонлар! Шу кунларингиз қандай муқаддас бўлса, шу ойларингиз қандай муқаддас ойлар бўлса, шу шахрингиз (Макка) қандай муборак бир шаҳар бўлса, жонларингиз,

³³⁵ Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 974-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 160-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XVIII, 23-б.

³³⁶ Бухорий, “Ҳажж”, 95-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 173-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, IV, 617-б.

молларингиз, номусларингиз ҳам худди шундай муқаддас бўлиб, ҳар қандай тажовуздан муҳофаза қилинган.

Асҳобим! Эртага Раббингиз хузурига чиқасиз ва ҳаётдаги ҳар бир ҳатти-ҳаракатларингиз ҳақида муҳаққақ сўроққа тугиласиз. Мендан кейин, зинҳор эски бузукликларга ружу қилиб, бир-бирингизни қатл қилманг! Васиятимни эшитган шу жамоат, бу ерда бўлмаганларга етказсин! Бу ерда бўлмаган одамлар васиятимни эшитганларга нисбатан яхшироқ тушуниб, мустаҳкамроқ тутиши мумкин.

Асҳобим! Қайси бирингизнинг ёнида бирон омонат бор бўлса, уни эгасига қайтаринглар! Фоиз ва рибонинг барча тури тақиқланди. Уни оёқларим тагига олдим. Лекин қарзнинг асл миқдорини тўламоқ шарт. Ҳеч кимга зулм ҳам қилманг, ҳеч кимнинг зулмига ҳам учраманг. Аллоҳу таолонинг буйруғи билан судхўрлик бундан буён тақиқланди. Жоҳилият давридан қолган бундай чиркин одатларнинг барчаси оёқларим тагидадир. Энг биринчи бекор қилганим, Абдулмутталиб ўғли (амаким) Аббоснинг фоизидир.

Асҳобим! Жоҳилият даврида одат бўлган қон даъволари тамоман бекор қилинди. Мен бекор қилган биринчи қон даъвоси Абдулмутталиб невараси (амакимнинг ўғли) Рабийанинг қон даъвосидир.

Эй инсонлар! Ҳарб қила олиш учун ҳаром ойларнинг ўринларини ўзгартириш, шубҳасиз куфрда ҳадидан ошишдир. Бу кофирларни залолатга туширган одатлардандир. Улар бир йил ҳалол деб қабул қилган ойни, келаси йил ҳаром деб эълон қилдилар. Жаноби Ҳақнинг ҳалол ва ҳаром қилганларини сонига мослаш учун шундай қилдилар. Улар Аллоҳу таолонинг ҳаром қилганини ҳалол, ҳалол қилганини ҳаром қилдилар.

Ҳеч шубҳасиз, вақт ва замон Аллоҳу таоло яратган кундаги ҳолати ва низомига қайтарилди.

Эй инсонлар! Ушбу кун шайтон, сизнинг шу тупроқларингизда янгидан таъсир ва ҳокимият ўрнатиш кучини абадиян йўқотди. Лекин сиз, мен бекор қилган нарсалардан тағқари аҳамиятсиз деб ҳисоблаган ишларингизда шайтонга эргашсангиз, уни мамнун қилган бўласиз. Динингизни муҳофаза қилиш учун улардан ҳам тийилинг!

Эй инсонлар! Хотинлар ҳақ-ҳуқуқига рия қилишингизни ва бу борада Аллоҳу таолодан қўрқингизни тавсия қиламан. Сиз хотинларни Аллоҳу таолонинг омонати сифатида никоҳингизга олдингиз; уларнинг номус ва ифбатларини Аллоҳу таоло номига сўз бериб, ҳалоллаб олдингиз. Сизнинг хотинлар зиммасида, уларнинг эса, сизнинг зиммангизда ҳақлари бор. Сизнинг хотинлар зиммасидаги ҳаққингиз, уларнинг оила махрамиятингизни, сиз хуш кўрмайдиган ҳеч кимга поймол қилмасликларидир. Агар сиз рози бўлмаган, ҳар қандай одамни уйингизга киритса, уларни енгил уриб-туртиб тартибга чақиришингиз мумкин. Хотинларнинг зиммангиздаги ҳақлари эса, уларни машру (қонуний) ўлароқ ҳар хил озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаб туришингиздир.

Эй мўминлар! Мен сизга шундай бир омонат қолдирыпманки, унга тўла амал қилсангиз, йўлингиздан ҳеч адашмайсиз. У омонат, Аллоҳу таолонинг китоби Қуръони каримдир. (Бошқа ривоятларда “Суннатим” ва “Аҳл-и байтим” деганлари ҳам вориддир.)

Эй мўминлар! Сўзларимни яхшилаб эшитиб, яхшилаб муҳофаза қилинлар! Мусулмон, мусулмоннинг қардошидир ва шу тариқа барча мусулмонлар қардошдирлар. Дин қардошингизга тегишли ҳар қандай ҳаққа тажовуз қилиш, ҳеч кимга ҳалол эмас. Магар ўзи хоҳлаб берган нарсалари истисно.

Асхобим! Нафсингизга (ўзингизга) зулм қилманг! Ўзингизнинг ҳам ўз зиммангизда ҳақингиз бордир.

Эй инсонлар! Аллоҳу таоло ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳақини (Қуръон-и каримда) берган. Ворисга, васиятга ҳожат йўқ. Бола кимнинг тўшагида туғилса, ўшанга оид. Зино қилган одамга махрумият (болага эга бўлмаслик) бор. Отасидан бошқасининг наслидан эканлигини даво қилувчи насабсиз ёхуд хўжайинидан ўзгага бўйсунушга уринувчи нонқўр, Аллоҳу таолонинг ғазабига, малоиканинг ва барча мусулмонларнинг лаънатига учрасин! Жаноб-и ҳақ, ундай кимсаларнинг тавбаларини ҳам, адолат билан келтирган шаҳодатларини ҳам қабул қилмайди.

Эй инсонлар! Раббингиз бирдир. Отангиз ҳам бир. Ҳаммангиз Одамнинг болаларисиз. Одам эса, тупроқдандир. Аллоҳнинг

олдида энг қийматлингиз, таквоси кўп бўлганингиздир. Арабнинг араб бўлмаганлардан ҳеч қандай устунлиги йўқ. Устунлик фақат таквода.

Эй инсонлар! Эртага сиздан мен ҳақимда сўрайдилар. Нима деб жавоб қиласиз?!.. Ўшанда Асҳоби киром: “Аллоху таолонинг динини бизга таблиғ қилдингиз. Вазифангизни адо этдингиз. Бизга насиҳат ва васиятлар қилдингиз деб гувоҳлик берамиз” дедилар.

Асҳоби киромнинг ушбу тасдиқларидан кейин Расул-и акрам (саллаллоху алайҳи васаллам) муборак шаҳодат бармоқларини кўтариб, жамоатга ишора қилдилар ва: “**Гувоҳ бўл, ё Раб! Гувоҳ бўл, ё Раб! Гувоҳ бўл, ё Раб!**” дедилар.

Севимли пайғамбаримиз, Видо хутбасини ўқиганлари кун, Моида сурасининг: “**Бугун динингизни сизлар учун комил айладим. Устингизда бўлган неъматимни бенуксон, тўкис қилиб бердим ва сизга дин сифатида (фақат) Исломни бериш билан рози бўлдим...**” маолидаги 3-оятни каримаси нозил бўлди. Муҳтарам пайғамбаримиз бу ояти каримани Асҳоби киромга ўқиганларида, ҳазрати Абу Бакр йиғлай бошлади. Саҳобалар ундан йиғисининг сабабини сўраганида, “Бу ояти карима, Расулulloхнинг вафоти яқинлигидан далолат бераётир. Шунинг учун йиғлапман” деб жавоб берди.³³⁷

Расулulloх Маккада ўн кун туриб, **Видо ҳажжини** адо этдилар ва Видо тавофини ҳам қилиб, Мадинага қайтдилар. Видо ҳажидан кейин Асҳоби киром лозим бўлган жойларга тарқалиб, Расулulloх берган амрларни ўша минтақаларга етказдилар.

Ўша йили, яъни ҳижратнинг ўнинчи йилида содир бўлган яна бир воқеа, пайғамбарлик даво қилган баъзи кимсаларнинг чиқиши бўлди. Улардан бири Ямандан чиққан Асвад Ансий эди. Пайғамбаримизнинг буйруқларига биноан Асвад Ансий, Яман мусулмонлари томонидан уйда ўлдирилди... (Яна бири, Мусайлама-ул Каззоб эди. Пайғамбар жанобимизнинг вафотларидан кейин ҳазрати Абу Бакр, Мусайлама томон Халид бин Валид кўмондонлигида бир лашкар юборди. Мусайлама ҳазрати Ваҳший (родиаллоху анх) томонидан ўлдирилди.)³³⁸

337 Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 603-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, IV, 383-б.

338 Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 863-б.; Табароний, “ал-Муъжаммул-қабир”, XXII, 36-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, VI, 392-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашиқ”, LXII, 404-б.

Вафотлари

Ҳижратнинг ўн биринчи йили эди. Жаброил алайҳиссалом, бу йил келганида мухтарам пайғамбаримизга Куръони каримни икки марта бошдан охиригача ўқиб кўрсатди. Олдинги йилларда фақат бир марта тўлик ўқиб бериб кетарди. Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Жаброил алайҳиссалом олиб келган энг охириги ваҳий “Аллоҳу таолонинг ёрдами ва зафар куни келиб, одамларнинг Аллоҳ динига (Исломиятга) узлуксиз оқиб кирганини кўрганингда Раббингни ҳамд ва тасбиҳ қил! Ундан авф тила! Чунки У, тавбаларни доимо қабул этгучидир” маолидаги Наср сурасини эшитганларида: “Ё Жаброил! Кўнглимда ўлимим яқинлашганини ҳис қилмоқдаман” деб марҳамат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом, жавобан: “Охират сен учун дунёдан хайрлироқдир. Раббинг сенга (шундай неъматлар) сен рози бўлдим дегунча ҳар хоҳишингни ато этади.”³³⁹ маолидаги ояти каримани ўқиди.

Мухтарам пайғамбаримиз, ўша куни Мадинадаги барча Асҳоби киромни пешин намозига масжидга йиғилишларини буюрдилар. Сарвари олам жанобимиз намоздан кейин бир хутба ирод қилдилар. Бу хутба шунчалик ўзгача бўлгандики, тинглаган барча қалблар хузнга ғарқ бўлиб, кўзлар жикқа ёшга тўлганди. Хутбанинг охирида: “Эй одамлар! Пайғамбарингиз сифатида мени қандай топдингиз” дея марҳамат қилдилар. Асҳоби киром: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло, сизга биз томонимиздан мўл-кўл хайрлар эҳсон қилсин. Сиз, бизга жуда шафқатли бир ота ва доим насихат қилган меҳрибон қардошдек муносабатда бўлдингиз. Аллоҳу таоло сизга лутф этган пайғамбарлик вазифасини аъло даражада адо этдингиз. Ваҳий қилинганларни бизга етказдингиз. Раббингиз йўлига, Исломга ҳикматлар, чиройли ширин насихатлар билан даъват қилдингиз, чақирдингиз. Аллоҳу таоло сизга энг юксак ва энг гўзал ажрлар берсин” дедилар.

Пайғамбаримиз: “Эй мўминлар! Аллоҳ учун, кимнинг менда ҳаққи қолган бўлса, келиб, қиёматдан олдин уни мандан мана шу ерда олсин” дея марҳамат қилдилар. Бироқ “ҳақимни олайин” деб ўрнидан турган бирон киши бўлмади. Расулуллоҳ икки-уч бор Аллоҳу таолонинг исми билан “Ҳақи борлар келсин,

339 Духо сураси, 93/4-5.

олсин” дедилар. Ана шундан кейин Асҳоби киромнинг ҳурматли кексаларидан бири ҳазрати Укоша ўрнидан турди. Расулуллоҳнинг ёнларига бориб: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Табук ғазосида сиз билан бирга эдим. Табукдан чиққанимизда менинг туям ва сизнинг туянгиз ёнма-ён келганди. Мен туядан тушиб, сизга яқинлашдим. Сизнинг муборак вужудингизни ўпиш ниятида эдим. Ўшанда сиз менинг орқамга қамчи билан урдингиз. Нимага урганингизни ҳалигача тушуна олмадим” деди.

Мухтарам пайғамбаримиз: **“Ё Укоша! Аллоҳу таоло сени Расулининг қасдан уришидан сақласин. Ё Билол, қизим Фотиманинг уйига бор. Ўша қамчини олиб кел”** дея амр этдилар. Ҳазрати Билол масжиддан чиқиб, ҳайратдан бошини ушлаганча “Расулуллоҳ ўзларидан қасос олдирмоқчиларми?!” деб йўлга тушди. Уйга келиб, эшик қоқди-да: “Эй Расулуллоҳнинг каримаси! Менга у зотнинг қамчиларини беринг!” деганида, ҳазрати Фотима волидамиз: “Ё Билол! Ҳозир ҳаж вақти ҳам эмас, уруш пайти ҳам. Отам қамчини нима қилмоқчилар?” деб сўради. Ҳазрати Билол: “Эй Фотима! Хабарингиз йўқми? Ўша қамчи билан Расулуллоҳдан қасос олинмоқчи!” деди.

Фотима волидамиз: “Ё Билол! Расулуллоҳдан қасос йўли билан ҳаққини олишга кимнинг кўнгли рози бўлади? Модомики, сўрабдилар бераман. Лекин Ҳасан билан Хусайнга айтинг, ҳақ эгасига қасос учун ўз елкаларини тўсишсин. Қасоскор падари бузрукворимнинг қасосларини болаларимдан олсин. Асло Расулуллоҳдан олгучи бўлмасин” деб ҳазрати Билолга яхшилаб тайинлади. Ҳазрати Билол қамчини масжидга олиб келиб Расулуллоҳга узатди, У зот эса, ҳазрати Укошага бердилар.

Исломнинг икки улуғи - Абу Бакр ва Умар тинмай: “Эй Укоша! Нима қиялсан, мана биз бормиз, ҳақингни биздан ол. Зинҳор, Расулуллоҳга қўл учингни текказа кўрма!” деб ёлворишарди. Мухтарам пайғамбаримиз ҳазрати Абу Бакрга қараб: **“Эй Абу Бакр! Сиз нари туринг, аралашманг. Эй Умар! Сен ҳам четга чиққин. Аллоҳу таоло сизларнинг даражаларингизни кўриб турибди”** дея марҳамат қилдилар. Шунда ҳазрати Али ўрнидан туриб: “Эй Укоша! Расулуллоҳни урманг, кўнглим бунга асло рози эмас. Мана хоҳласангиз орқам ёки кўкрагим. Келинг ўша қасосингизни мендан олинг. Хоҳласангиз юз марта уринг, мен розиман. Лекин Расулуллоҳга теккудай бўлманг!” деди. Пайғамбаримиз унга: **“Эй Али! Сен ҳам**

жойингга ўтир. Аллоҳу таоло, сенинг юксак мартабангга ҳам гувоҳ” дея марҳамат қилдилар. Оталаридан кейин ҳазрати Ҳасан билан Ҳусайн ўринларидан турдилар: “Эй Укоша! Биласизки, биз Расулуллоҳнинг невараларимиз. Шунинг учун биздан қасос олиш, айти Расулуллоҳдан қасос олиш кабидир. Ҳақингизни биздан олинг, илтимос Расулуллоҳга тегманг!” дейишди. Пайғамбаримиз уларга ҳам: **“Сенлар ҳам сабр сақланглар, эй икки кўзимнинг нурлари”** дея марҳамат қилдилар. Ана шундан кейин: **“Эй Укоша, кел ур!”** деб буюрдилар.

Укоша: “Ё Расулаллоҳ! Сиз мени урганингизда эгнимда ҳеч нимама йўқ эди” дегач пайғамбаримиз елка кураклари кўринадигандай қилиб муборак баданларини очдилар. Шунда саҳобалар орасидан оҳу фиғонлар эшитила бошлади: “Эй Укоша! Расулуллоҳнинг муборак баданларига қайси қўлингиз билан урасиз?” деб, норозилиklarини билдиришарди. Ҳамма қайғуга ботган ҳолда Укошанинг нима қилишини кутарди. Ҳазрати Укоша, Расулуллоҳнинг муборак вужудларида пайғамбарлик муҳрини кўриши билан: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Ҳақини олиш учун сизнинг муборак баданингизга уришга, сиздан қасос олишга ким ҳам журъат қиларди?” деди-да, Коинот султонининг вужудларидаги муборак муҳр-и нубувватни ўпа бошлади. Буни кўрган Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Йўқ, бундай бўлмайди, ё ҳақингни оласан ё авф этасан!”**-дедилар. Укоша ҳазратлари: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Авф этдим. Ажабо, Аллоҳу таоло ҳам қиёмат куни мени авф этадими?”- деди.

Муҳтарам пайғамбаримиз: **“Ким, менинг жаннатдаги дўстимни кўргиси келса, мана бу пири фонийга (чолга) яхшилиб қарасин”** дея марҳамат қилдилар. Бу суюнчини эшитган Асҳоби киром, Укошанинг пешонасидан ўпдилар. Ҳаммалари, “Қандай бахтли одамсиз, эй Укоша! Расулуллоҳ билан бирга бўлиш обрўйига, жаннатда баланд даражаларга эришдингиз” дейишарди.³⁴⁰

Сафар ойининг охириг кунлари эди. Оламлар жаноби (саллаллоҳу алайҳи васаллам) шимолдаги Византия империясини мусулмонларга катта хавф-хатар туғдирмасдан аввал, яна бир бор Исломга даъват қилишни, шояд бу чақирикни қабул қилишмаса, ҳарб қилиб, уларни Ислом давлати амрига бўйсунтиришни кўнгилиларига тугиб қўйгандилар. Шу боис Асҳобига румликлар

³⁴⁰ Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, III, 58-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, VIII, 318-б.

билан жанг қилишга ҳозирланишларини буюрдилар. Асҳоби киром дарров уруш тадориги учун уй-уйларига тарқалишди. Расули акрам эса, Усома бин Зайд ҳазратларини хузурларига чакириб, унга: **“Эй Усома! Мен сени тайёргарлик қилаётган қўшинга бош қўмондон тайин этдим. Аллоҳу таолонинг исмини зикр қилиб, Унинг баракасига суянган ҳолда, Шомга, Балқо ҳудудига, Фаластиндаги Дорумга, танг шаҳид бўлган жойларгача бор. У ерларни отларингга пайҳонлат. Убнолилар устига тўсатдан ёпирилиб бориб, яшиндек ҳужум қил. Борадиган жойингга хабар етиб бормасдан аввал зудлик билан ет. Ёнингга қаловузларни (йўл бошловчи) олиб, жосус ва айғоқчиларни қўшиндан олдин жўнатиб юбор. Аллоҳу таоло зафар насиб қилса, улар орасида кўп турма”** дея маслаҳат ва насиҳат қилдилар. Журфда қароргоҳ қуришларини ҳам тавсия қилиб, ўз қўллари билан туғ, байроқ боғлаб, унга топширдилар.⁴⁴¹

Масжидда минбарга чикиб: **“Эй Асҳобим! Усоманинг отаси Зайд, қўмондонликка қандай лойиқ ва наздимда қандай сеvimли инсон бўлса, ундан кейин ўғли Усома ҳам қўмондонликка худди шундай лойиқдир. Усома, наздимда инсонларнинг энг сеvimлиларидандир”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Усоманинг қўмондонлигида ҳарбга борадиганлар орасида, ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Абу Убайда бин Жарроҳ, ҳазрати Саъд бин Абий Ваққос каби Асҳобнинг улуғлари ҳам бор эди.

Бироқ эртаси куни, Коинот султони тўсатдан хасталаниб, қўшиннинг йўлга чиқиши кечикди ва юриш муҳтарам пайғамбаримизнинг охиратга ташрифларидан кейинга қолди. Пайғамбаримиз, қаттиқ иситмаладилар. Ҳарорати ошгандан ошиб борарди, хасталик вақт ўтган сайин оғирлашарди. Оғриқлари бир мунча енгиллашган куни ярим кечада ўринларидан турдилар, кийиниб ташқарига чиқишга шайландилар. Буни кўрган ҳазрати Оиша волидамик: **“Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Қаерга бормоқчисиз?”** деб сўради. Сарвари олам жанобимиз: **“Боқий қабристонда дафн этилганлар учун истиғфор қилишим буюрилди. Ўша ерга бораяпман”** дея марҳамат қилдилар. Ёнларига Абу Мувайҳиб ва Абу Рафийни олиб кетдилар. Қабристонда узундан узок дуо

⁴⁴¹ Воқидий, “ал-Мағозий”, III, 1117-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, II, 46-б.; Сухайлий, “Раъзул-унуф”, IV, 384-б.

қилиб, марҳумларнинг авфу мағфирати хусусида Аллоҳу таолога ёлвордилар. Пайғамбаримизнинг Аллоҳу таолодан бундай авф ва мағфиратлар тилаб дуоларини эшитиб турган саҳобийлар, “Кошки, биз ҳам ҳозир дафн этилганлар орасида бўлсайдик” дейишди. Севимли пайғамбаримиз, Абу Мувайҳибга қараб: “Эй Абу Мувайҳиб! Дунё хазиналари билан охират неъматлари орасида менга Аллоҳу таоло эрк берди. Менга, хоҳласанг дунёда боқий бўл, кейин жаннатга бор, хоҳласанг Ликоуллох (Аллоҳу таолога қовушиш) ҳосил бўлиб, жаннатга дохил бўл дейилди. Мен Ликоуллохни ва кейин жаннатни танладим” деб марҳамат қилдилар.

Яна бир кун Уҳудда шаҳид бўлганлар учун мағфират сўраш учун йўлга чиқдилар. Уларга атаб ҳам узун дуолар қилиб, Аллоҳу таолога ёлвордилар. Ундан кейин масжидга келиб, Асҳоби киромга: “Мен, сизларнинг Кавсар ҳовузига энг аввал борадиганингиз, сизларни у жойда кутиб оладиганингиз бўламан. Сиз билан учрашадиган жойимиз ўша ер... Мендан кейин яна мушрикликка қайтиб кетишингиздан кўрқмайман. Лекин дунёга берилиб, дунё неъматларини бир-бирингиздан қизғана бошлайсиз ва бир-бирингизни ўлдиришга ўтасизлар, оқибатда сиздан илгари яшаган қавмлар йўқ бўлиб кетганидек йўқ бўлиб кетасиз деб кўрқаман...” дедилар.

Муҳтарам пайғамбаримизнинг хасталиклари кучайиб борарди. Муборак хонимлари, пайғамбаримизнинг ҳазрати Оиша волидамиз уйда қолишларига рози бўлишиб, ўз ҳақларини унга бағишлашни афзал кўрдилар. Расули акрам жанобимиз, Завжа-и мутаҳҳаралари (хонимлари)нинг бундай фидокорликларига мамнун бўлиб, уларнинг ҳаммасига дуо қилдилар ва ундан кейинги кунларини ҳазрати Оиша волидамизнинг уйларида кечира бошладилар.

Расули акрамнинг ҳарорати тинмай ошарди. Бутун вужудлари ўтдай ёниб, тўшакда бир томондан иккинчи томонларига тез-тез ўгирилиб турдилар. Шундай бемор вақтларида ҳам Асҳоби киром зиёрат қилгани кириб, Расулulloҳ чекаётган шиддатли хасталиқдан ғамга ботишарди. Абу Саид Худрий ҳикоя қилади: “Расулulloҳнинг муборак хузурларига киргандим. Ичига пахта солинмаган бахмал кўрпа ёпиб ётгандилар. Баданлари ўтдай қизганидан тафти кўрпа ташқарисидан билиниб турарди. Ҳароратдан кўрпага қўл

текказа олмадик. Юзларимиздаги ҳайрат ва ғамгинликни кўрган муҳтарам пайғамбаримиз: **“Энг шиддатли бало, пайғамбарларга келади. Шунга қарамай пайғамбарларнинг дарду балоларга севинишлари, сизнинг эҳсонларга севинишларингиздан кўпроқдир”** дея марҳамат қилдилар.”

Умму Бишр бин Баро ҳикоя қилади: “Расулulloҳни зиёрат қилишга (кўришга) боргандим. Муборак вужудлари худди оловдек ёнарди. “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Мен умримда бундай оғир касаллик кўрмадим!..” дедим. Шунда марҳамат қилиб айтдиларки: **“Эй Умму Бишр! Иситмамнинг бундай оғир кечиши, савобимнинг кўпайишига аломат. Бу хасталик, Хайбарда еган захарли гўштнинг асорати. Гўштнинг захрини доим туйиб юрардим. Ўша қуни еган захар мана ҳозир абҳаримни, яъни аорта (шоҳ) томиримни кўпормоқда.”**⁴⁴²

Пайғамбаримиз, Абдуллоҳ бин Масъуд ҳазратларига: **“Хасталикка учраган ҳеч бир мусулмон йўқдирки, Аллоҳу таоло унинг хато ва гуноҳларини кузда дарахт япроқларини тўккандек тўкиб юбормаган бўлсин”** дея марҳамат қилдилар.⁴⁴³

Хасталик кундан кунга оғирлашарди. Асҳоби киром бу вазиятдан ғоят изтироб чекиб, уйларида бемалол ўтиролмайд қолди. Масжидга йиғилиб, пайғамбаримизнинг вазиятларини билиб чиқиши учун ҳазрати Алини ҳузурли шарифга юбордилар. Оламлар сарвари имо-ишора билан: **“Асҳобим нима деяпти?”** қабилида савол назари билан қарадилар. Ҳазрати Али: “Расулulloҳ орамиздан кетгудек бўлса, нима қиламиз... деб ғам-ғуссага ботган”-деб жавоб қилди. Саҳобаларига нисбатан марҳаматлари бисёрлиги боис, хасталикнинг шиддатига қарамай ўринларидан турдилар ва ҳазрати Али билан ҳазрати Фадл бин Аббосга суяниб масжидга келдилар. Минбарга чиқиб, Аллоҳу таолога ҳамду-санолар айтгач, қарамли саҳобаларига: **“Эй Асҳобим! Менинг ўлимимни ўйлаб, безовта бўлаётган экансизлар. Бирон пайғамбар уммати орасида мангу яшаб қолдимики, мен ҳам орангизда доим ҳаёт бўлайин? Билингизки, мен Раббим ҳузурига кетаман. Сизга насиҳатим, муҳожирларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатинг!**

³⁴² Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 337-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, II, 678-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, II, 303-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 399-б.

³⁴³ Ибни Ҳиббон, “ас-Саҳиҳ”, VII, 189-б.; Баззор, “ал-Муснад”, II, 460-б.; Суютий, “Жомий-ул-Аҳодис”, XIX, 336-б.

Эй муҳожирлар! Сизга ҳам васиятим шуки, Ансорга яхшилик қилинг! Улар сизга яхшилик қилдилар. Уйларидан бошпана бердилар. Кун кўришлари қийин бўлишига қарамай, сизни ўзларидан устун тутдилар. Молларига сизни шерик қилдилар. Кимки Ансорга ҳоким бўлса, уларнинг ҳақларига риоя қилсин, қусурга йўл қўйганларини авф этсин” деб, марҳамат қилдилар. Кейин яна бир неча оғиз таъсирли насихатлар қилиб, **“Аллоҳу таоло, бир бандасини дунёда қолиш ва Раббига қовушиш орасида ўз ихтиёрига қўйди. Банда эса, Раббига қовушишни ихтиёр қилди”** дедилар. Ҳазрати Абу Бакр, Расулulloҳнинг ушбу сўзлар орқали вафотларига шама қилганликларини англаб, **“Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ!”** деб йиғлай бошлади. Меҳр дарёси севгили пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Йиғлама, эй Абу Бакр!”** деб, унга сабр ва матонат қилиш кераклигини буюрдилар. Ўзларининг муборак кўзларидан ҳам ёш оқарди. **“Эй Асҳобим! Дини Ислom йўлида сидқ ва ихлос ила молини фидо қилган Абу Бакрдан ғоят розиман. Шояд, охирад йўлида дўст танлаш қўлимда бўлганида, уни танлардим”** дедилар ва **“Масжидга очиладиган эшиклар орасида Абу Бакрникидан бошқаларини ёпинглар”** деб амр бердилар.

Кейин минбардан тушиб, ҳазрати Оиша волидамининг хонасига кириб кетдилар. Асҳоби киром масжидда йиғлай бошлади. Шу боис муҳтарам пайғамбаримиз, ҳазрати Али ва Фадл бин Аббосга суяниб, яна масжидга ташриф буюрдилар. Минбарнинг биринчи зинасида туриб, Асҳоби киромга бундай марҳамат қилдилар:

“Эй муҳожирлар ва эй Ансор! Вақти белгиланган нарсага етиш учун шошилишнинг фойдаси йўқ. Аллоҳу таоло ҳеч бир қули учун шошмайди. Кимда ким Аллоҳу таолонинг қазо ва қадарини ўзгартиришга, унинг иродасидан устун бўлишга уринса, Аллоҳу таоло, уни қаҳру паришон қилади. Аллоҳу таолога ҳийла қилиш, Уни алдашни кўзлаган кимсанинг ишлари бузилиб, ўзи алданади. Билингизки, мен сизларга нисбатан рауф ва раҳимман. Сиз ҳам бир куни менга қовушгайсиз. Учрашадиган жойимиз Кавсар ҳовузининг бошидир. Жаннатга кирмоқ ва менинг олдимга келмоқни орзу қилган одам бекорчи гаплардан парҳез қилсин. Эй мусулмонлар! Кофир бўлмоқ, гуноҳ қилмоқ, неъматларнинг

ўзгариб, ризқнинг камайишига олиб келади. Инсонлар Аллоҳу таолонинг амрларига итоат қилсалар, ҳукумат раҳбарлари, амирлари, волийлари уларга меҳр-шафқат қиладилар. Шояд, фисқу фасод қилиб, ҳадларидан ошиб, гуноҳга муккасидан кетсалар, меҳр-оқибатли, инсофли давлат раҳбарларига асло ёлчимайдилар. Менинг ҳаётим сизга хайрли бўлганидек, ўлимимда ҳам сизларга хайр ва раҳмат бордир. Агар биронгангизни ноҳақ урган ёки ёмон сўз айтган бўлсам, менга ҳам худди шундай муомала қилиб, ҳақларингизни олинг, ноҳақ бирон нарсангизни олган бўлсам, уни талаб қилинг, сизлар билан розилашиб ҳалоллашишга тайёрман. Чунки дунё жазоси охираат жазоси олдида жуда енгил. Дунёдаги жазога дош бериш қулайроқ.” Аввалги хутбаларида ҳазрати Абу Бакрдан мамнун эканликларини айтганларидек бу хутбаларида ҳазрати Умардан ҳам мамнуниятларини айтиб: **“Умар мен билан, мен ҳам у биланман. Мендан кейин ҳақ Умар билан бирга бўлади”** деб марҳамат қилдилар.

Расулulloҳ ушбу хутбадан кейин минбардан тушдилар. Жамоат билан намоз ўқилиб бўлгач яна минбарга чиқиб, васият ва насиҳатлардан кейин: **“Сизларни Аллоҳу таолога топширдим”** дедиларда, саҳобалар орасидан чиқиб, хоналари томон кетдилар. Оламлар сарвари (саллаллоҳу алайҳи васаллам) оғриқлари кучайган кунлардан бирида, Асҳоби киром билан хайрлашиб, ҳалоллашиб, охираатга қул ҳақлари билан кетмаслик учун Билоли Ҳабаший ҳазратларини чақиртириб: **“Халққа овоза қилинг! Масжидга йиғилсинлар. Уларга охириги васиятимни айтмоқчиман!..”** деб буюрдилар.

Ҳазрати Билол, саҳобаларни масжидга йиғди. Муҳтарам пайғамбаримиз яна ҳазрати Али ва Фадлга суяниб, масжидга ташриф буюрдилар. Минбарга ўтириб, Аллоҳу таолога ҳамду сано айтгач: **“Эй Асҳобим! Хабарингиз бўлсин, жудолик вақти яқинлашди. Кимнинг менда ҳақи бўлса, уни мендан олсин. Менинг наздимда севгили бўлганлар, мендан ҳақларини сўрасинлар ёки ҳалол қилиб, рози бўлсинлар. Токи, Раббимнинг ҳузурига ва раҳматига қарзларимни тўлаган ҳолда борайин”**- деб марҳамат қилдилар. Сўнгра жамоатга пешин намозини ўқитдилар. Намоздан кейин минбарга чиқиб, намоздан олдин айтганларини тақорладилар.

Абу Бакр имом бўлсин!..

Вафотларига уч кун қолганда пайғамбаримизнинг хасталиклари яна-да оғирлашди. Масжидга чиқиб жамоатга намоз ўқита олмадилар. Жамоатга имомлик қила олмаган биринчи намозлари хуфтон намози эди. Ҳазрати Билол ҳар галгидай ўшанда эшикларига бориб, “Ас-салот, ё Расулаллоҳ” деди. Севимли пайғамбаримизнинг масжидга чиқишга мажоллари йўқ эди. Шу боис: **“Абу Бакрга айтинглар! Асҳобимга намоз ўқитсин”** деб буюрдилар. Ҳазрати Оиша волидамиз: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Отам жуда кўнгли бўш одам ва жуда хафалар. Зот-и олийингиз мақомларида туриб, у ерда сизни кўрмаса, йиғлаб намоз ўқита олмайди. Имомликка Умарнинг ўтишини амр буюрсангиз”- деб, илтимос қилди. Пайғамбаримиз такрор: **“Абу Бакрга айтинглар! Асҳобимга имом бўлиб, намозларини ўқитсин”** деб буюрдилар. Ҳазрати Билол, Абу Бакр Сиддиққа буйруқни етказди. Ҳазрати Абу Бакр, меҳробда жонидан азиз дўсти - Расулulloҳни кўрмаганидан худди қалбидан ўқ егандек эс-хушини йўқота ёзди. Йиғлади!.. Йиғлади!.. Саҳобаи киром улуғларимиз ҳам унга қўшилиб йиғлай бошладилар. Муҳтарам пайғамбаримиз масжиддан келаётган йиғи овозини эшитиб, нима бўлаётганини сўраганларида, ҳазрати Фотима волидамиз: “Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Асҳобингиз, сиздан айри қолишга чидай олмай йиғлашмоқда!..” дея вазиятдан хабардор қилди.³⁴⁴

Меҳр дарёси севгили пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) вазиятдан жуда мутаассир бўлдилар. Саҳобаларига бир мунча тасалли бериш ниятида хасталиклари шунчалар оғир бўлишига қарамай, зўрға ўринларидан турдилар. Ҳазрати Али билан ҳазрати Аббосга суянган ҳолда масжидга келдилар. Намоздан кейин: **“Эй Асҳобим! Сиз, Аллоҳу таолонинг химоясидасиз ва мен сизни Аллоҳу таолога омонат қилдим! Тақвода бўлинглар. Аллоҳу таолодан кўрқинглар. Аллоҳу таолонинг амрини бажаринглар ва итоат қилинглар. Мен энди бу дунёдан кетяпман”** дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр, саҳобаларга ўн етти вақт намоз ўқитдилар. Бир пешин намозини ўқитаётганида коинот султони ўзларини енгил сезиб, ҳазрати Али билан ҳазрати Аббосга суяниб, масжидга

³⁴⁴ Сухайлий, “Равзул-унуф”, III, 198-б.; Термизий, “Шамоили-и шариф”, 386-387-б.

намозга чикдилар. Имомлик қилаётган Абу Бакр Сиддик, мухтарам пайғамбаримизнинг ташриф қилганларини англаб, ўрин бўшатмоқчи бўлди. Расулulloҳ эса, **“Жойингиздан жилманг!”** кабилида ишорат қилдилар. Ўзлари ҳазрати Абу Бакрнинг чап томонида туриб, Асҳобига охириги марта намоз ўқитдилар.³⁴⁵

Вафотларига уч кун қолган эди. Жаброил алайҳиссалом, Расулulloҳни зиёрат қилгани келиб: “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло сизга салом йўллади. Аҳволингизни билгани ҳолда, ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни сўраяпти” деди. Пайғамбаримиз эса: **“Маҳзунман - ғамгинман”** деб жавоб бердилар.

Жаброил алайҳиссалом якшанба куни ҳам келди ва яна шу саволни берди. Мухтарам пайғамбаримиз ҳам олдинги жавобларини такрорладилар. Жаброил алайҳиссалом, Яманда пайғамбарлик даъво қилган Асад-и Ансийнинг ўлдирилганини хабар берди. Расул-и ақрам Асҳобига айтдилар. Хасталанишларидан олдин ўзларига совға қилинган бир неча олтинни фақирларга, бир қисмини ҳазрати Оишага бергандилар. Якшанба куни Расулulloҳнинг хасталиги янада оғирлашди. Ҳузурларига келган кўшин қўмондони ҳазрати Усомага бирон сўз айтмадилар. Бироқ муборак қўлларини кўтариб, уни силагандай бўлдилар. Бундан унга дуо қилганлари тушунилди.

Севимли пайғамбаримизнинг дунёга ташриф қилган кунлари ҳам, охиратга рихлат қилган кунлари ҳам душанба эди. Хасталиklarининг ўн учинчи ва охириги куни эди... Асҳоби киром масжиди шарифда Абу Бакр Сиддик ҳазратларининг орқасида бомдод намозини ўқиётганларида, Оламлар сараври масжиди шарифга кирдилар. Умматининг саф-саф бўлиб намозда турганини кўриб, севинчдан табассум қилдилар. Ўзлари ҳам ҳазрати Абу Бакрга иқтидо қилиб, намоз ўқидилар. Асҳоби киром Расулulloҳни масжидда кўриб, соғайиб қолибдилар деб беҳад хурсанд бўлдилар. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) намоздан кейин ҳазрати Оишанинг хонасига кириб ётдилар. **“Аллоҳу таолонинг ҳузурига, ўзимдан дунё моли қолдирмай боришни хоҳлайман, ёнингда қолган олтинларни ҳам фақирларга тарқатиб юбор”** деб, Оиша волидамизга буюрдилар. Сўнгра, иситмалари ошди. Бироздан кейин кўзларини очиб, ҳазрати Оишадан олтинларни нима қилганини сўрадилар. Тарқатаман деган жавоб бўлди. Дарҳол тарқатилишини

345 Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 4-б.; Абу Яъла, “ал-Муснад”, XIII, 428-б.

такрор-такрор тайинладилар. Шундан сўнгра олтинлар дарҳол гадоларга тарқатилиб, Расули акрамга айтганларида, **“Ана энди роҳатландим”** деб, марҳамат қилдилар.

Тўшакларида биров дам олганларидан кейин ҳузури шарифларига ҳазрати Алини чақирдилар. Муборак бошларини унинг кучоғига қўйдилар. Пешоналаридан тер чикиб, муборак ранглари ўзгарганди. Ҳазрати Фотима волидамиз отасининг бундай аҳволига қараб туришга чидай олмади ва нарироқда ўтирган ўғиллари ҳазрати Ҳасан ва ҳазрати Ҳусайннинг олдиларига бориб ўтирди. Болаларининг қўлларидан ушлаб йиғлай бошлади. **“Эй менинг отажоним! Қизингизга ким қарайди! Ҳасан ва Ҳусайнни кимга омонат қолдирасиз? Вой отам! Жоним сизга фидо бўлсин! Сиз бўлмасангиз менинг ҳолим нима кечади?! Кўзларим, сизнинг муборак юзингиздан кейин кимга қарайди!”** дея фарёд чекарди. Расулуллоҳ жанобимиз, кизининг дилни ўртовчи бундай йиғи аралаш сўзларини эшитиб, кўзларини очдилар ва уни ёнига чорладилар. **“Ё Рабби бунга сабр эҳсон айла”** деб дуо қилганларидан кейин: **“Эй Фотима! Эй кўзимнинг нури! Отанг ҳозир жон дардида!”** деганларида, Фотима волидамиз овоз чиқариб йиғлай бошлади. Ҳазрати Али унга: **“Эй Фотима! Илтимос, жим бўл! Расулуллоҳни янада хафа қилма!”** деганида, сеvimли пайғамбаримиз: **“Қўй уни ранжитма, ё Али! Майли отаси учун хоҳлаганча кўз ёш тўксин!..”** дедиларда муборак кўзларини юмиб ўзларидан кетгандек бўлдилар.

Шунда ҳазрати Ҳасан, муборак бобосининг ёнларига келиб: **“Эй менинг муборак бобом! Сиздан ажралишга ким ҳам чидай олади?! Кўнгил паришонлигимизни кимга арз қилайлик! Сиздан кейин онамга, отамга ва укамга ким шафқат кўрсатади? Азвожингиз (пайғамбар хонимлари ва жориялари) билан Асҳобингиз, сизнинг гўзал ахлоқингизни қаердан топадилар!..”** деб йиғлай бошлаганида пайғамбаримизнинг муборак хонимлари чидай олмадилар. Ҳаммалари йиғлай бошладилар.

Ташқарида ғаму-ғуссага ботган ҳолда кутиб ўтирган Асҳоби киром, пайғамбаримизнинг аҳволлари оғирлашганини билиб, кўнгиллари доғ бўлди. Улар ҳам йиғлай бошлади. Сўнги бор сеvimли пайғамбаримизнинг муборак жамолларини кўриш учун: **“Илтимос, эшикни очинглар! Расул алайҳиссаломнинг муборак юзларини бир бор кўрайлик!..”** деб эшик олдида ёлворардилар.

Оламларга раҳмат қилиб юборилган Аллоҳу таолонинг ҳабиби, саҳобаларининг шундай ялиниб-ёлворишларини эшитганларидан раҳмлари келиб: **“Эшикни очинглар!”** деб буюрдилар. Асҳобнинг обрўлилари ва кексалари ичкарига киришди.

Севгили пайғамбаримиз, уларга сабр қилишни тавсия қилганларидан кейин: **“Эй Асҳобим! Сиз, инсонларнинг энг устуни ва энг шарафлиларисиз. Сиздан кейин кимлар келса келаверсин, барибир сиз ҳаммасидан олдин жаннатга кирасиз. Динни тутиб туришда маҳкам бўлинг ва Қуръон-и азимни имом (раҳбар-қўлланма) қилинг. Диннинг ҳукмларидан ғофил бўлманг”** деб марҳамат қилдилар. Кейин: **“Ё Раббий! Таблиғ (етказдимми) қилдимми?”** дедиларда муборак кўзларини юмдилар. Муборак юзлари терлади. Ҳазрати Али саҳобаларга ташқарига чиқишларини имо қилди.

Асҳоби киром чикқанидан кейин Оиша волидамиз Расули акрамга яқин бориб, насиҳат қилишларини сўради. Мухтарам пайғамбаримиз: **“Эй Оиша! Уйингда ўтириб, ўзингни муҳофаза қил!”** дегач кўзёшларига монe бўлолмадилар. Коинот султони йиғларди... Ул ҳазратни кўриб, хонадагиларнинг кўнгиллари вайрон бўлди, жигар-бағрлари эзилди. Умму Салама волидамиз: **“Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Нега йиғлаяпсиз?”** деб сўради. **“Умматимга Аллоҳдан меҳр-шафқат қилиниши учун йиғлаяпман”** деб марҳамат қилдилар.

Кўёш тиккага келиб қолганди. Вақт яқинлашарди... Севгили пайғамбаримизнинг муборак бошлари ҳазрати Оиша волидамизнинг кучоқларида эди. Оламлар сарвари дунёдаги сўнгги онларини яшаётганди, муборак дудоқларидан эса, **“Омон! Омон! Қўл остингиздаги қулларингизга яхши муносабатда бўлинглар! Уларнинг эгниларига либос кийдиринг ва қоринларини тўқ тутинг. Улар билан юмшоқ сўзлашинг. Намозда, намозда бардавом бўлинглар. Хотинларингиз ва қулларингиз хусусида Аллоҳу таолодан қўрқинглар!.. Эй Аллоҳим! Мени ёрлақа! Менга раҳматингни эҳсон айла!.. Мени Рафиқ-и аъло зумрасига (синфига) дохил айла!..”** деган сўзлар пичирлаб чиқарди. Ҳазрати Фотима волидамизнинг кўз ёшлари селдек оқарди, ноласи ёнидагиларнинг жигар-бағрини доғларди. Севимли пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қизларини ёнларига ўтқазиб: **“Қизим, бироз сабр қил, йиғламай тур. Зеро**

Ҳамалан Арш (малаклари) сен йиғлаганинг учун қўшилиб йиғлашмоқда” деб, ҳазрати Фотиманинг кўз ёшларини артиб қўйдилар. Унга тасалли бериб, Аллоҳу таолодан сабр талаб: “Эй қизим, менинг руҳим қабз қилинади (олинади). Ўшанда “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожибу” дегайсан. Эй Фотима! Ҳар бир мусибат эвазига бир нарса албатта берилади” деб марҳамат қилдилар. Кейин бир пас кўзларини юмиб тургач: “Бундан буён отангга ғам-ғусса йўқ. Чунки фоний оламдан, меҳнату заҳмат ўлкасидан қутулади” дедилар. Шундан ейин ҳазрати Алига қараб: “Ё Али! Зиммамда фалон яҳудийнинг фалон миқдорда моли бор. Аскар ҳозирлиги учун олгандим. Зинҳор, уни тўлашни унутма. Албатта, қарзимни узасан ва Кавсар ҳовузи бошида мен билан кўришадиганларнинг биринчиси сен бўласан. Мендан кейин сенга қўп зарар-заҳматлар етгай, сабр этгайсан, одамлар дунёга ружу қилганларида сен охиратни танла” деб буюрдилар.

Усома такрор ҳузурга келди. Расулulloҳ: “Аллоҳу таоло ёрдамчинг бўлсин! Қани жангга отлан!”- буюрдилар. Усома қўшин ёнига бориб, дарҳол лашкарга юриш амрини берди.³⁴⁶

Оламлар сарвари охирги нафасларини олиб-берарди... Аллоҳу таоло Азроил алайҳиссаломга: “Ҳабибимга энг чиройли кўринишда боргин! Агар руҳсат берса, руҳини юмшоқ ва енгилгина ол. Руҳсат бермаса, қайтиб кел!” деб буюрди. Азроил алайҳиссалом, ҳақиқатан энг чиройли, кўркли одам қиёфасида муҳтарам пайғамбаримизнинг саодатхоналари эшиги олдига келиб: “Ассалому алайкум, эй нубувват уйи эгаси! Ичкарига киришга изн берасизми? Аллоҳу таоло сизга раҳмат қилсин!” деди. Ҳазрати Оиша волидамиз, пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ёнбошларида ўтирган ҳазрати Фотимага: “Эшикка қаранг” деди. У эшикка бориб, ғамгин овозда, “Эй Аллоҳу таолонинг бандаси! Расулulloҳ ҳозир ўз ҳоллари билан бандлар” деб жавоб қилди. Азроил, яна руҳсат сўради. Жавоб яна шундай бўлди. Учинчи марта, саломини такрорлаб, албатта кириши лозимлигини овоз кўтариб айтганида пайғамбаримиз хабардор бўлдилар ва: “Ё Фотима! Эшикка ким келди?!” деб сўрадилар. Ҳазрати Фотима, “Ё Расулalloҳ! Эшикда бири ичкари киришга руҳсат сўраб турибди. Бир неча марта бандмиз дедим. Бироқ учинчисида товушидан

³⁴⁶ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 650-б.; Табарий, “Тарих”, II, 474-б.; Суҳайлий, “Равзул-унуф”, IV, 434-б.

этим жимирлаб кетди” деди. Шунда Расулulloх: **“Эй Фотима! Биласанми, эшикда ким турибди? У, лаззатларни бузувчи, жамиятларни тору мор қилувчи, хотинларни тул, болаларни етим қолдирувчи, уйларни ҳароб, қабрларни обод қилгучи, ўлим малаги Азроилдир. Эй Азроил кириг”** дедилар. Ўшанда Фотима волидамиз таърифи мумкин бўлмаган изтиробга тушиб, беихтиёр: “Воҳ Мадина, ҳароб бўлдинг!” деб юборди.

Пайғамбаримиз, ҳазрати Фотиманинг қўлларини ўз кўксига қўйиб, муборак кўзларини юмдилар. Атрофдагилар муборак жонлари узилди деб ўйлади. Ҳазрати Фотима волидамиз чидай олмай, отасининг муборак қулоғига эгилиб, юракни эзиб юборадиган овоз билан: **“Отажоним!..”** деди. Жавоб бўлмагач, **“Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ! Илтимос, муборак кўзларингизни очинг, менга бирон нима денг..”** деб ялинди. Оламлар сарвари муборак кўзларини очиб, қизининг кўз ёшларини артдилар ва унинг қулоғига вафот этажакларини айтдилар. Буни эшитган ҳазрати Фотима йиғлай бошлади. Яна бир марта унинг қулоғига, **“Аҳли байтимдан биринчи бўлиб менинг ёнимга сен келасан”** дея марҳамат қилдилар. У бу хушхабарга севишиб, бироз тасалли топди.

Ҳазрати Фотима волидамиз: **“Отажон! Бугун айрилик куни! Энди сиз билан қачон топишамиз?”** деб сўради. Расулulloх: **“Эй қизим! Мени қиёмат куни ҳовуз ёнида топасан. Умматимдан ҳовузга етиб келганларга сув тутаман”** деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Фотима: **“Агар сизни у ерда топа олмасам нима қиламан?”** деб сўраганида, муҳтарам пайғамбаримиз: **“Мезон (тарози) ёнидан топасан. Мен у ерда умматимга шафоат қиламан”** деб марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Фотима волидамиз: **“У ерда ҳам топа олмасамчи, ё Расулаллоҳ!”** деганида, пайғамбаримиз, **“Сирот кўприги ёнидан топасан. Мен у ерда Раббимга, “Ё Раббий! Умматимни оташдан муҳофаза қил”** деб ёлвораман” дедилар.

Кейин, ҳазрати Али ғамгин овозда: **“Ё Расулаллоҳ! Сиз руҳингизни таслим этганингиздан кейин ғаслингизни ким қилади, кафанингиз нимадан бўлсин? Жаноза намозини ким ўқитсин, қабрга ким қўйсин?”** деб сўради. Пайғамбаримиз: **“Эй Али, мени сен юв, Фадл бин Аббос сув қўйиб турсин. Жаброил сизга қўшилиб, учинчи бўлади. Ғасл (ювиш)ни битирганингиздан кейин,**

кафанлайсизлар. Жаброил жаннатдан хушбўй мушқлардан келтиради. Ундан кейин мени масжидга олиб чиқиб, ўзларингиз ташқарига чиқиб турасизлар. Чунки биринчи бўлиб Жаброил, кейин бирин-кетин Микоил, Исрофил, улардан сўнгра малаклар гуруҳ-гуруҳ бўлиб жанозамни ўқийдилар. Ана шундан кейин сизлар кириб, саф-саф бўлинг. Ҳеч ким мендан олдинда турмасин” дея марҳамат қилдилар.³⁴⁷

Сўнгра, кутиб турган Азроил алайҳиссаломга: “**Эй Азроил! Зиёрат учун келдингми ёки руҳимни олишгами?**” деб сўрадилар. Азроил алайҳиссалом: “Меҳмон бўлиб келиш билан бирга зиммамда вазифам ҳам бор. Аллоҳу таоло, хузурингизга рухсат олиб киршимни буюрди. Муборак руҳингизни фақат рухсатингиз билан оламан. Ё Расулаллоҳ! Агар изн берсангиз, амрингизга итоат қилган ҳолда руҳингизни қабз этаман. Йўқ десангиз, Раббимга қайтиб кетаман” деди.

Муҳтарам пайғамбаримиз: “**Эй Азроил! Жаброилни қаерда қолдирдинг?**” дедилар. “Жаброил дунё осмонида қолди. Фаришталар унга сизнинг вафотингиз муносабати билан таъзия изҳор қилмоқда” дея жавоб қилди. Ш пайтда Жаброил алайҳиссалом ҳам келди. Расулulloҳ сарваримиз: “**Эй қардошим Жаброил! Дунёдан кўчадиган вақт ҳам етиб келди. Аллоҳу таолонинг хузурда мен учун нималар бор? Менга хушхабарлар бергин, кўнглим тўлган ҳолда омонатимни топширайин**” дедилар. Жаброил алайҳиссалом: “Эй Аллоҳу таолонинг севгилиси! Мен осмон дарвозасини очик қолдирдим. Малаклар саф тортиб, Сизнинг руҳингизга муҳаббат ила мунтазирлар” деди. Муҳтарам пайғамбаримиз: “**Ҳамд Аллоҳу таолога махсус. Сен менга муждалар бер! Раббимнинг наздида менга аталган нималар бор?**” дея марҳамат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом: “Ё Расулаллоҳ! Сизнинг ташрифингиз учун жаннат дарвозалари очилиб, жаннат дарёлари жўш урган, жаннат дарахтлари қулоч ёзиб, хурийлар безанмишлар” деди. Жаноби пайғамбаримиз яна: “**Ҳамд, Аллоҳу таолога хосдир. Сен менга бошқа хушхабарлар бергин, ё Жаброил!**” дедилар. Жаброил алайҳиссалом: “Ё Расулаллоҳ! Сиз қиёмат куни биринчи шафоат қилувчи ва шафоати илк қабул этилганлардан бўласиз” деди. Севимли райғамбаримиз

³⁴⁷ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, II, 258-б.; Сухайлий, “*Равзул-унуф*”, VIII, 329-б.; Шамсиддин Шомий, “*Субулу-л-Худо*”, XII, 264-б.

такрор: **“Хамду сано Аллоҳу таолога хос. Ё Жаброил! Менга бошқа суюнчилар бер”** дея марҳамат қилгандилар, Жаброил алайҳиссалом: **“Ё Расулаллоҳ! Сиз нимани сўраяпсиз?”** деди. Ана шунда муҳтарам пайғамбаримиз: **“Менинг бутун андиша-ю хавотирим ва дарду ғамим, ортимда қолдираётган умматимдир”** дея марҳамат қилдилар. Ҳазрати Жаброил: **“Эй Аллоҳу таолонинг Ҳабиби! Аллоҳу таоло қиёмат куни сиз рози бўлгунигингизча умматингизни мағфират қилади. Барча пайғамбарлардан олдин сизни ва барча умматлардан олдин сизнинг умматингизни жаннатга киргизади”** деди. Ана ўшанда севгили пайғамбаримиз, Жаброил алайҳиссаломга қараб: **“Аллоҳу таолодан учта муродим бор: Бири, умматимнинг гуноҳкорларига мен шафоатчи қилиши; Иккинчиси, умматимнинг дунёдаги гуноҳлари туфайли уларга азоб берилмаслиги; Учинчиси, пайшанба ва душанба кунлари умматимнинг амаллари менга билдирилиб турилишидир.** (Агар амаллари яхши бўлса, дуо қиламан, Аллоҳу таоло қабул қилади. Ёмон бўлса, шафоат қилиб, амал дафтарларидан ўчирилишини сўрайман)” деб марҳамат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом, Аллоҳу таолодан учта тилаги ҳам қабул қилинганини хабар берди. Шундан кейин муҳтарам пайғамбаримиз энгил тин олдилар.

Ўша пайт Аллоҳу таоло ваҳий қилиб: **“Эй Ҳабибим! Умматингга бунчалар муҳаббат ва шафқат кўрсатишни, муборак қалбингга ким солиб қўйди?”** деди. Пайғамбаримиз: **“Мени яратиб, тарбия қилган Раббим таоло”** деб жавоб бердилар. Жаноби Ҳақ: **“Сенинг умматингга, менинг меҳр ва марҳамат сеникидан минг марта зиёдадир. Уларни менга қўйиб бер”** деб буюрди. Ўша муждадан кейин севгили пайғамбаримиз: **“Мен энди таскин топдим. Эй Азроил биродарим! Сенга буйрилган вазифангни бажо келтир!”** деб марҳамат қилдилар.

Азроил алайҳиссалом вазифасини адо этиш учун ҳурматига яратилган Коинот султонининг ҳузурларига яқинлашди. Муҳтарам пайғамбаримиз, ёнларида турган идишдаги сувга иккала қўлларини ҳам ботириб ҳўллагач муборак юзларига суртдилар ва: **“Ла илоҳа иллаллоҳ! Эй Аллоҳим! Рафиқ-и аъло!..”** деб марҳамат қилдилар. Азроил алайҳиссалом, Оламлар жанобининг руҳини ола бошлади. Расулulloҳ жанобимизнинг ранглари баъзан қизариб, баъзан сарғайиб турди. Азроил алайҳиссаломга: **“Умматимнинг**

жонини ҳам шундай шиддат ва жабр қилиб оласанми!” деб сўраганларида, у: “Ё Расулаллоҳ! Ҳеч кимнинг жонини бунчалик енгил қилиб олмадим” деб жавоб берди. Энг сўнгги сонияларда ҳам умматини унутмаган сеvimли пайғамбаримиз: **“Эй Азроил! Умматимга кўрсатадиган шиддатингни менга кўрсат! Зеро улар заиф бўлиб, чидай олмайдилар...”** деб марҳамат қилдилар. Кейин яна, **“Ла илоҳа иллаллоҳ! Рафиқ-и аъло!”** дедилар ва муборак руҳлари олиниб, оъло-йи илийинга элтилди...

Ассалоту вассалому алайка ё Расулаллоҳ!

Ассалоту вассалому алайка ё Ҳабибаллоҳ!

Ассалоту вассалому алайка ё Саййидал аввалина вал-охирийн!

Шафоат ё Расулаллоҳ! Дахийлак ё Расулаллоҳ!

Жаброил алайҳиссалом, пайғамбаримизга: “Ассалому алайкум, эй Аллоҳу таолонинг Расули! Менинг дунёдаги мақсуд ва матлубим сиз эдингиз. Бундан кейин бошқа ер юзига келмайман!” деб, видолашди.

Расули акрам жанобимизнинг муборак руҳлари, юксак оламга кетгач ҳазрати Фотима волидамиз ва азвожи тоҳирот³⁴⁸ (муборак хонимлари) (родиаллоҳу анҳунна) овоз чиқариб йиғлай бошладилар.³⁴⁹

Шу орада ғойибдан бир овоз: “Ассалому алайкум, ё Аҳли байт! Ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу” деб салом бериб **“Билингизки, ҳар бир жонли ўлимни тотади. Қиёмат куни эса, сизга ажрларингиз тўла-тўқис берилади”** маолидаги Ол-и Имрон сурасининг 185-ояти каримасини ўқиди. Кейин йиғлаётганларга тасалли бериб: “Аллоҳу таолонинг эҳсон ва иқромларига инонинглар. Унга маҳкам боғланиб, Ундангина умид қилинглар. Фарёд-фиғон этманглар! Асл мусибатга учраганлар, савобдан маҳрум қолганлардир” дея таъзия билдирди.

Ғойибдан келган оvrзни хонада ва яқинидаги барча эшитиб, саломига алик олдилар. Уларни айтган Ҳизр алайҳиссалом эди.

Расули акрамнинг юзларида мавт (ўлим) аломатлари кўрингач Умм-и Айман, қўшин билан йўлга чиққан ўғли Усомага хабар

³⁴⁸ Муҳаммад алайҳиссаломнинг аёллари.

³⁴⁹ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 262-б.

юборди. Бу нохуш хабарни олган Усома, ҳазрати Умар ва Абу Убайдалар қўшиндан чиқиб масжиди Набавийга келдилар. Оишаи Сиддиқа ва бошқа аёлларнинг йиғисидан Масжиди шарифдаги Асҳоби киром шошиб қолган, барчаси худди ақлини йўқотгандек эди. Шу боис ҳеч ким нима қилаётганини билмасди. Ҳазрати Али ҳаракатсиз тошдай қотган. Ҳазрати Усмон тилдан қолган. Ҳазрати Умар эса, "Ким пайғамбар ўлди деса, бошини танасидан жудо қиламан!" деб ҳайқирган. Хуллас Мадина аҳли ақлини йўқотаёзган эди. Ҳазрати Абу Бакр, у пайтда ўз уйида эди. У ҳам югуриб келиб, хужра-и саодатга кирди. Фахри оламнинг юзларини очиб қаради. Вафот этганликларини кўрди. Муборак юзлари ва барча аъзойи баданлари латиф, назиф бўлиб, нурдек порларди. "Мамотингиз ҳам, ҳаётингиздек қандай чиройли, ё Расулаллоҳ!" деб, ўпди ва узоқ йиғлади. Кейин муборак юзларини ёпиб қўйиб, уй халқига тасалли берди.

Масжиди шарифга кирди. Минбарга чиқиб, саҳобаларга бир хутба ўқиди. Аллоҳу таолога ҳамду сано айтди ва Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизга салот ўқигач, **"Ҳар ким Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирган бўлса, билсинки, Муҳаммад алайҳиссалом вафот этди. Ҳар ким Аллоҳу таолога сиғинаётган бўлса, У ҳайй (тирик) ва боқийдир (абადийдир)."**- деди. Ортидан давом этиб: **"Муҳаммад (алайҳиссалом) расулдир. Ундан аввал ҳам расуллар келган. Бу ҳам ўлади. Вафот этса ёки ўлдирилса, динингиздан қайтасизларми? Агар диндан чиқувчилар бўлса, ундан Аллоҳу таолога зарар етмайди. Аксинча ўзига зарар етказган бўлади. Динидан қайтмаганларга Аллоҳу таоло савоблар беради"**маолидаги Ол-и Имрон сурасининг 144-ояти каримасини ўқиди. Асҳоби киромга насихатлар қилиб, Мадинада ҳукм сураётган паришонхотирлик ва саросимага чек қўйди.³⁵⁰ Шундан кейин ҳамма Расулulloҳнинг вафот этганига ишонди. Ҳузн ва ғам Асҳоби киромнинг юракларига худди захарли ханжардек санчилди. Кўзлар йиғида, кўзёшлар дарёдек оқар, ҳасрат оташи ҳамманинг юрагини доғларди.

Асҳоби киром (алайҳимурридвон) пайғамбаримиздан кейин ҳазрати Абу Бакрни халифа қилиб сайладилар. Унга байъат

³⁵⁰ Бухорий, "Фазоил-ус-Саҳоба", 5-б.; Ибн Ҳишом, "ас-Сийра", II, 655-б.; Ибн Саъд, "ат-Табақот", II, 271-б.; Ҳаким, "ал-Мустадрок", II, 323-б.; Сухайлий, "Равзүл-унуф", IV, 443-б.; Ибн Касийр, "ас-Сийра", IV, 480-б.

қилиб, тобе бўлдилар ва у зотнинг амри остида ҳаракат қилишга киришдилар.³⁵¹

Расули акрам, ҳижратнинг ўн биринчи йили (милодий 632 йил) Рабиул-аввал ойининг ўн иккиси, душанба куни чошгоҳ вақтида охиратга иртиҳол айладилар (охиратга кўчдилар). Ўша куни қамарий тақвим бўйича 63, шамсий тақвим бўйича 61 ёшда эдилар.³⁵²

Муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак баданларини ҳазрати Али, ҳазрати Аббос, ҳазрати Фадл бин Аббос, ҳазрати Қусам бин Аббос, ҳазрати Усома бин Зайд, ҳазрати Солиҳлар ғасл қилдилар.³⁵³ Ғаслпайтида муборак вужудларидан шундай хушбўй хид тарқалдики, шу кунгача ҳеч ким ундай мушкни туймаганди. Кейин кафанлаб, бир тобут билан масжидга олиб келдилар. Пайғамбаримизнинг ўзлари васият қилганларидек ҳамма масжидни холи қолдирди. Малоика гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, жаноза намозини ўқидилар. Малаклар намоз ўқиб бўлгач ғойибдан бир овоз: “Ичкари кириңлар! Пайғамбарингизнинг жанозасини ўқинглар!” деди. Саҳобаи киром ичкарига кириб, имомсиз ҳолда муҳтарам пайғамбаримизнинг намозини ўқидилар. Одам кўплигидан жаноза маросими чоршанба кун шомгача давом этди.

Асхоби киром, сеvimли пайғамбаримизга қабрни қаерда қазиш борасида ҳазрати Абу Бакр хотирлатган ушбу ҳадиси шарифга амал қилдилар: **“Пайғамбарлар, руҳларини таслим этган жойда дафн қилинадилар.”** Абу Талҳа Ансорий ҳазратлари қазган лаҳд (лаҳад) кўринишидаги қабри шарифга чоршанба куни ярим кечаси дафн қилиндилар. Ҳазрати Аббоснинг ўғли Қусам қабр ичидаги хизматни охиригача адо этиб, ундан энг охирида чиққан киши эди. Чиққанида: “Расулulloҳнинг муборак юзларини охириги марта кўрган одам менман. Муборак дудоқлари кимираётгандек туюлди. Эгилиб қулоқ солдим, У: **“Ё Раббий! Умматим!.. Ё Раббий! Умматим!..”** дея ёлворардилар.”³⁵⁴

Севгили пайғамбаримиз вафот этган кун Абдуллоҳ бин Зайд ҳазратлари: “Ё Раббий! Менга бу кўз, Ҳабибингни муборак юзларини кўриш учун лозим эди. У зот энди кўринмайдиган бўлгач, кўзлар менга керак эмас! Ё Раббий кўзларимни мендан ол!” деб дуо қилди ва кўр бўлиб қолди...

351 *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 655-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 444-б.; Табарий, “Торих”, II, 442-б.*

352 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 272-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, II, 341-б.; Табарий, “Торих”, II, 441-б.*

353 *Термизий, “Шамоили-и шариф”, 396-б.*

354 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 298-б.*

Қабрда ҳаётликлари

Пайғамбарлар қабрларида биз билмайдиган ҳолатда ҳаётдирлар. Авлиё ва шаҳидлар ҳам тирикдирлар. Уларнинг ҳаётликлари шунчаки сўзда эмас, том маънода тириклар. Ол-и Имрон сурасининг 169-ояти каримасида маолан: **“Аллоҳу таоло йўлида ўлдирилганларни ўлик деб ўйламанглар! Улар, Рабларининг ҳузурда тирик бўлиб, ризқланмоқдалар”** дейилган.

Ушбу ояти каримада шаҳидларнинг қабрда тирик эканликларини билдирмоқда. Пайғамбарлар шаҳидлардан албатта устунроқ ва фазилатлироқдир. Ислом олимлари наздида, барча пайғамбарлар шаҳид бўлиб вафот этганлар.

Расулulloҳ охириги хаста ётган кунларида **“Хайбарда еган овқатнинг захрини ҳамма вақт ҳис қилардим.”** деб марҳамат қилгандилар.³⁵⁵ Ўша ҳадиси шариф, Расулulloҳ жанобимизнинг шаҳид бўлиб вафот этганликларига далолат қилмоқда.

Сарваримизнинг барча шаҳидлар сингари қабрларида ҳаёт эканликлари бу ердан ҳам англашилмоқда. **“Бухорий”** ва **“Муслим”**да мазкур бир ҳадиси шарифда: **“Меърож кечасида, Мусонинг (алайҳиссалом) қабри ёнидан ўтдим. Мозорида тик туриб намоз ўқиётганди”** деб марҳамат қилинди.³⁵⁶

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: **“Аллоҳу таоло, тупроққа пайғамбарларни чиритишни ҳаром қилган”** деб марҳамат қилинади.³⁵⁷ Бу хабарларнинг саҳиҳлигини олимлар яқдиллик билан тасдиқлаганлар. Яна **“Бухорий”** ва **“Муслим”** да: **“Аллоҳу таоло, Меърож кечасида барча пайғамбарларни бизнинг пайғамбаримизга кўрсатди. Уларга имом бўлиб икки рақъат намоз ўқитдилар”** деб қайд қилинган.

Намоз - рукуъ ва сажда қилиш орқали адо этилади. Бу хабар, уларнинг тирик ҳолда жасад, яъни баданлари билан намоз ўқиганларини кўрсатади. **“Мишкат”** китобининг охириги жилдида, Меърож бобининг биринчи фасли охирида, **“Муслим”**дан олиб, Абу Ҳурайра ривоят қилинган ҳадиси шарифда: **“Аллоҳу таоло менга кўрсатди. Мусо (алайҳиссалом) тик турган ҳолатда намоз ўқирди, хипча эди. Сочлари тўзиб, таралмаган кўринишда**

³⁵⁵ Ибн Ҳишом, *“ас-Сийра”*, II, 337-б.; Воқидий, *“ал-Мағозий”*, II, 678-б.; Табарий, *“Торих”*, II, 303-б.; Ибн Касир, *“ас-Сийра”*, III, 399-б.

³⁵⁶ Шамсиддин Шомий, *“Субулу-л-Ҳудо”*, XII, 355-б.

³⁵⁷ Насоий, *“Жума”*, 5-б.; Ибни Можа, *“Иқомат-ус-Салот”*, 79-б.; Доримий, *“Салот”*, 206-б.

эмасди. Худди Шанъа қабиласидан бўлган йигитга ўхшарди. Исо (алайҳиссалом) эса, Урва бин Масъуд Сақофийга ўхшарди” деб марҳамат қилинади.³⁵⁸

Шанъа Ямандаги икки қабиланинг номи. Мана шу ҳадиси шарифлар, пайғамбарларнинг, Раблари ҳузурда тирик эканликларини кўрсатади. Уларнинг жасадлари (баданлари) ҳам, руҳларидек латиф кўринишда бўлиб, қаттиқ эмас. Модда оламида ҳам, руҳ оламида ҳам кўрина оладилар.

Шунинг учун пайғамбарлар руҳ ва баданлари билан бирга кўрина олади. Ҳадиси шарифда, Мусо ва Исо алайҳимуссаломнинг намоз ўқиганлари айтилган. Маълумки, намоз ўқиш баъзи ҳатти-ҳаракатлардан иборат. Ҳаракатлар эса, бадан орқали бажарилади, руҳ орқали эмас. Мусо алайҳиссалом ҳақида Расулуллоҳнинг **“Уни ўрта бўйли, ориқроқ, сочлари таралиб йиғилган ҳолатда кўрдим”** дея марҳамат қилишлари, руҳини эмас, баданини кўрганликларига далолат қилмоқда.

Имоми Байҳақий айтади: “Пайғамбарлар дафн қилинган, руҳлари баданларига қайтарилади. Биз уларни кўрмаймиз. Малакларни кўра олмаганимиздек, улар ҳам кўринмас бўлиб қоладилар. Фақат Аллоҳу таолонинг каромат сифатида эҳсон қилган баъзи танланган кишилар уларни кўришлари мумкин.” Имоми Суютий ҳам шундай деганлар.

Жуда кўп улуғ шахслар, саломларга қабри саодатдан жавоб берилганига кўп марта гувоҳ бўлганлар. Бошқа қабрлардан ҳам саломга алик олингани кўп эшитилган.

Ҳадиси шарифда: **“Менга салом берилганда, Аллоҳу таоло руҳимни қайтариб беради ва мен унга жавоб бераман”** дея марҳамат қилинган.³⁵⁹

Имоми Суютий ҳазратлари айтадики: “Расулуллоҳ, жамол-и илоҳийни кўриб, ром бўлиб, баданларидаги туйғу ва сезгиларни унутдилар. Бир мусулмон салом берганда муборак руҳлари ушбу ҳолдан фориг бўлиб, бадан туйғуларини туя бошлайди. Ҳаётда ҳам шундай ҳолатдагилар оз эмас. Масалан, бирон дунё ёки охират масаласида теран ўйга чўмган киши, ёнидагиларнинг гапларини

³⁵⁸ Муслим, “Иймон”, 346-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 215-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 243-б.; Суютий, “Жоми-ул Аҳодис”, XVII, 428-б.

³⁵⁹ Абу Довуд, “Маносик”, 100-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 527-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 245-б.; “Шуъаб-ул-Иймон”, IV, 101-б.

эшитмайди-ю, жамол-и илоҳияга ром бўлган зот бегона овозни эшита оладими?”

Қози Иёз ҳазратлари **“Шифо”** китобида Сулаймон бин Суҳаймдан қилган ривоятида “Бир кеча тушимда Фаҳри Коинот жанобимизни кўрдим. “Ё Расулаллоҳ! Қабрингизга келиб салом берганларни биласизми?” дедим. **“Ҳа, биламан ва уларнинг саломини олиб, алик қайтараман”** дея марҳамат қилдилар” деб ёзган.

Пайғамбарларнинг мазорларида тирик эканликлари ҳақида ҳадиси шарифлар шунчалик кўпки, ҳаммаси бир-бирини қўллаб, қувватлаган. Масалан, бир ҳадиси шарифда: **“Қабрим ёнида менга атаб ўқилган салавотни эшитаман. Узоқ жойларда ўқилганлар менга билдирилади”** дея марҳамат қилинган.

Бу ҳадиси шариф, Абу Бакр бин Абий Шайба томонидан хабар берилган. Бу ва бунга ўхшаш ҳадиси шарифлар, олти улуғ ҳадис олимнинг китобларида мавжуд.

Абдуллоҳ бин Аббос ҳазратларидан Ибни Абид-дунё хабар берган ҳадиси шарифда: **“Бир киши, танишининг қабрига бориб, салом берса, маййит уни танийди ва алик олади. Танимаган маййитга салом берса, маййит хурсанд бўлиб, алик олади”** деб марҳамат қилинган.

“Расулаллоҳ, ер юзининг барча нуқталарида бир вақтда салоту салом айтаётганларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида қандай жавоб берадилар?”- деган савол туғилса, “туш пайти Куёшнинг бир вақтда минглаб шаҳарларга нур сочишидек”- деб жавоб берилади.

Иброҳим бин Бишар ҳазратлари, “Ҳаж қилгач қабри саодатни зиёрат қилгани Мадинага равона бўлдим. Хужраи саодат олдига бориб, салом бердим. **“Ва алайкассалом”** деган жавоб эшитдим” деган.

Мухтарам пайғамбаримиз: **“Мен вафот этгандан кейин худди ҳаётлигимдагидек идрок қиламан, тушунаман”** деганлар. Яна бир ҳадиси шарифларида: **“Пайғамбарлар қабраларида ҳаёт бўлиб, намоз ўқийдилар.”**³⁶⁰ -деб марҳамат қилганлар.

Улуғ авлиёлардан саййид Аҳмад Рифоий ҳазратлари билан кўплаб валийларнинг Расулаллоҳга салом берганларида алик олганларини эшитганлари ва Аҳмад Рифоийнинг

³⁶⁰ Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XIII, 326-б.; Суҳайлий, “Раъзул-унуф”, I, 89-б.; Суютий, “Жами-ул Аҳодис”, XI, 43-б.

пайғамбаримизнинг муборак қўлларидан ўпишга муяссар бўлганлиги мўтабар китобларда қайд қилинган.

Имоми Суютий ўз китобида “Баланд даражадаги авлиёлар, пайғамбарларни ҳаётдагидек кўрадилар. Муҳтарам пайғамбаримизнинг Мусони (алайҳиссалом) мазорида тирик ҳолида кўришлари мўжиза эди. Авлиёларнинг ҳам шундай кўришлари кароматдир. Кароматни инкор қилиш қуруқ жаҳолатдандир” деб ёзган.

Ибн Ҳиббон, Ибн Можа ва Абу Довудлар хабар берган ҳадиси шарифда **“Жума кунлари менга кўп саловот ўқинглар! Улар менга билдирилади.”** -дейилган. “Вафотингиздан кейин ҳамми?” деб сўраганларида, **“Тупроқ пайғамбарлар вужудини чиритмайди. Бир мусулмон менга саловот ўқиганида, бир фаришта менга хабар бериб, умматингиздан фалон ўғли фалон сизга салом айтиб, дуо қилди дейди.”** -деб жавоб берилди.

Расулulloҳ ҳаёт пайтларида Асҳобларига Аллоҳу таолонинг раҳмати, улуғ неъматини бўлганлари сингари вафотларидан кейин ҳам бутун умматлари учун яхшиликлар василаси улуғ неъматдирлар.

Бақр бин Абдуллоҳ Музаний ривоят қилган ҳадиси шарифда Расули ақрам: “Ҳаётим сиз учун хайрлидур. Чунки менга (дардингизни) айтасиз. Мен ҳам сизга жавоб бераман. Вафот эганимдан кейин вафотим ҳам сизлар учун хайрли бўлғай. Чунки, амаллингиз менга кўрсатилади. Яхши ишларингизни кўрганимда Аллоҳу таолога ҳамд қиламан. Ёмон ишларингизни кўрганимда сизлар учун афву мағфират сўрайман.”-деб марҳамат қилганлар.³⁶¹

Расулulloҳни кўриш

Расулulloҳ жанобимизни уйқуда ёки уйғоқ вақтда кўриш мумкинми? Агар мумкин бўлса, кўринган қиёфа асл ўзлари бўладими ёки ўхшашими? Бундай саволларга олимларимиз турлича жавоб берганлар.

Қабрларида ҳаёт эканликларини иттифоқ билан таъкидлаш билан бирга, у зотни кўриш мумкин эканлигини ҳам аксар олимлар баён қилганлар. Шундайлиги ҳадиси шарифлардан ҳам тушунилади. Бир ҳадиси шарифда: **“Мени тушида кўрган киши,**

³⁶¹ Ҳайсамий, “Мажмоуз-Завоид”, XIII, 313-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, IV, 547-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 194-б.

ўнгида кўргандек бўлади”³⁶² дея марҳамат қилинади.

Шунинг учун имоми Нававий ҳазратлари: “Пайғамбаримизни тушда кўриш, ҳақиқий ўзларини кўришдир” деган. Ҳадиси шарифда: **“Мени тушида кўрган одам ўзимни кўрибди. Чунки шайтон, менинг қиёфамга кира олмайди”**³⁶³ деб марҳамат қилинган.

Иброҳим Лақоний ҳазратлари айтадики: “Ҳадис олимлари, Расулulloҳни худди тушда кўргандек ўнгимизда ҳам кўриш мумкин эканлигини иттифоқ билан айтганлар. Ҳар икки ҳолат учун ҳам кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улардан бир нечасини куйида нақл қиламиз:

Муъиниддин Чаштий ҳазратлари қаерга борса, ўша ердаги қабристонларни зиёрат қилар ва бир мунча вақт ўша минтақада яшаб қоларди. Борган жойларида танилиб, овоза бўла бошласа, дарров у ердан кетиб қоларди. Шундай саёҳатларидан бири Маккага томонга бўлган эди. У ерда Каъба-и муаззамани зиёрат қилди. Маккада бир мунча вақт тургандан кейин Мадина-и мунавварага борди. Пайғамбаримизнинг қабри шарифларини зиёрат қилаётган кунлардан бирида, мақбарадан **“Муиниддинни чақиринглар”** деган овоз эшитилди.

Шунда мақбара чироқчиси, “Муиниддин!” деб жар солди. Жамоатнинг бир неча жойидан “лаббай” деган овозлар эшитилди. Кейин “Қайси Муиниддинни сўраяпсиз? Бу ерда Муиниддин исмида кўп одам бор” дейишди.

Шундан сўнгра чироқчи қайтиб бориб, Равзаи мутаҳҳара эшиги олдида туриб одоб билан кутди ва икки марта **“Муиниддин Чаштийни чақиринг”** деган овозни эшитди. Чироқчи ушбу буйруққа биноан жамоатга қараб “Муиниддин Чаштий келсин” деб хитоб қилди.

Муиниддин Чаштий ҳазратлари бу сўзни эшитиб, бутунлай бошқа аҳволга тушди. Кўз ёшларини тўхтата олмай салаотлар ўқиб, сеvimли пайғамбаримизнинг мақбараларига яқин борди ва адаб билан кутди. Шу пайт **“Эй Қутби машойих! Ичкари киринг”** деган овоз эшитилди.

Пайғамбаримиз марҳамат қилдиларки: **“Сен менинг динимга хизмат қилувчисан. Ҳиндистонга боришинг керак. Ҳиндистонга**

³⁶² Термизий, “Шамол-и шариф”, 409-б.

³⁶³ Бухорий, “Табир”, 10-б.; Муслим, “Рўё”, 22-б.; Абу Довуд, “Адаб”, 101-б.; Термизий, “Рўё”, 4-б.; Ибни Можжа, “Табир-ул-рўё”, 4-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 400-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VII, 232-б.

боргин. У ерда Ажмир деган шаҳар бор. У ерда менинг авлодимдан Саййид Ҳусайн исмли бири бор. У жиҳод ва ғазо ниятида кетган эди. Мана ҳозир у шаҳид бўлди. Ажмир шаҳри, кофирлар қўлостига ўтиш арафасида. Сенинг у ерга боришинг сабаби ва баракати билан Исломият ёйилади ва кофирлар мағлуб бўлиб, кучсиз ва ожиз қолгайлар.” Шу гаплардан кейин унга битта анор бердилар ва: **“Бу анорга диққат билан қара, қаерга боришингни кўриб, тушуниб ол”** дея марҳамат қилдилар.

Муиниддин Чаштий ҳазратлари, пайғамбаримиз узатган анорни олиб, амр этилгандек қаради, унда бутун шарқ билан ғарб орасини кўрди.

Аҳмад Руфойи ҳазратлари ҳажга борганди. Қайтишда Мадинаи мунавварада Расули акрам жанобимизнинг муборак қабрларини зиёрат қилаётганда қуйидаги маънода шеър ўқиди:

*“Узоқ эдик, тупрогингиз ўпмоққа биз, афандим,
Ўзим келолмай, вакил руҳимни юборардим.
Энди сизни зиёрат неъматини бўлди насиб,
Муборак қўлингиз беринг, дудогим ўпсин Ҳабиб!”*

Шеър тугаши билан муҳтарам пайғамбаримизнинг қабрларидан муборак қўллари кўринди. Саййид Аҳмад Руфойи таъзим ва ҳурмат билан сарваримиз қўлларидан ўпди. Шу ердагиларнинг барчаси хайрат билан ҳодисага гувоҳ бўлишди.

Пайғамбаримизнинг муборак қўлларини ўпгач кўз ёшлари билан Равзаи мутаҳҳаранинг бўсағасига ётиб, жамоатга, “Мени босиб ўтинглар, илтимос” дея ёлворди. Олимлар бошқа эшикдан чиқишга мажбур бўлишди. Бу каромат жуда машхур бўлиб, тилдан тилга ўтиб, бизнинг замонимизгача етиб келган.

Ибни Обидин ҳазратларининг динга амал қилишдаги ҳоллари жуда машхур бўлиб, каромат ва манқибалари жуда кўп. Беш вақт намозда ағтаҳийётни ўқиётганида Расулulloҳни ўз кўзи билан кўрарди. Кўра олмаган пайтларида намозини бошқатдан ўқирди.

Ислом олимларининг энг улуғларидан иккинчи минг йилликнинг мужаддиди **имом Раббоний Аҳмад Форуқий Сарҳандий** ҳазратлари айтадиларки: “Рамазони шарифнинг охириги ўн куни эди. Бир кун ниҳоят даражада гўзал ҳол зухур бўлди. Тўшагимда кўзларимни юмиб ётгандим. Тўшагимга кимдир келиб ўтирганини ҳис қилдим. Кўзларимни очсам, не кўз билан кўрмай, аввалгилар ва

кейингиларнинг саййиди, мухтарам пайғамбаримиз ўтирибдилар. Марҳамат қилдиларки: **“Сенга ижозат ёзишга келдим. Ҳеч кимга бундай ижозат ёзмагандим.”** Бу ижозатноманинг матнида, бу дунёга оид улуғ лутфлар, орқа тарафида эса, нариги дунёга оид кўп иноятлар ёзилган эди.”

Абдулқодир Гейлоний ҳазратлари **“Ғуния”** китобида Иброҳим Тамимий ҳазратларидан нақл қилади:

“Ҳизр алайҳиссалом менга “Агар тушингда Расулуллоҳни кўришни истасанг, шом намозини ўқигач ўрнингдан туриб, хуфтонгача ҳеч ким билан сўзлашмасдан, шом намозидан кейинги аввобин намозини ўқи. Икки ракъатда бир салом бер. Ҳар ракъатда бир марта Ҳамд, яъни Фотиҳа сурасини ва етти марта Ихлос сурасини ўқи. Хуфтон намозини ҳам жамоат билан ўқиб, уйингга бориб витр намозини ўқи. Ухлашдан аввал икки ракъат намоз ўқиб, ҳар ракъатда Фотиҳадан кейин Ихлос сурасини етти марта ўқи. Намоздан кейин саждага бориб, етти марта Аллоҳу таолога истиғфор келтириб, етти марта “Субҳоналлоҳи валҳамдулиллоҳи ва ло илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар вало ҳавла вало қуввата илла биллоҳил алиййил азим” дегин. Сўнгра бошингни саждадан кўтариб, ўтирган ҳолда кафтларингни очиб, “Ё ҳайю, ё қайюм, ё залжалоли вал икром, ё илоҳал аввалийна вал охирин ва ё Раҳмон-ад-дунё вал охирати ва раҳимаҳума, ё Раббий, ё Раббий, ё Раббий, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ” дегин.

Кейин тик туриб, ўша дуонинг ўзини такрорла. Яна саждага бориб ўша дуони ўқи. Ана шундан сўнгра саждадан туриб, қиблага қараб хоҳлаган тарзда ётиб ухла. Ухлаб қолгунча пайғамбаримизга салавоти шарифа келтир” деди.

Мен унга, “Бу дуони кимдан ўрганганингизни айтинг” дедим. Ҳазрати Ҳизр: “Ишонмаяпсанми?” деди. Мен: “Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасамки, сизга ишонаман” дедим.

Ҳизр алайҳиссалом, “Мен, Расулуллоҳ бу дуони ўргатган ва васият қилган мажлисда иштирок этган эдим. Бу дуони У зот ўргатган кишидан ўргандим” деди.

Хуллас, мен Ҳизр алайҳиссалом айтгандек қилдим. Тўшагимда мухтарам пайғамбаримизга салавоти шарифа ўқий бошладим. Пайғамбаримизни кўраман деган умид ва севишдан уйқум қочиб тонгача ухлай олмадим.

Бомдод намозини ўқиб, қуёш кўтарилиб кетгунча ўтирдим. Духо,

яъни чошгоҳ намозини ҳам ўқидим. Ичимда “Шомгача етсам, кеча қилганларимни такрорлайман” деб қўйдим. Ўша пайтда кўзларим илиниб кетиб, ухлаб қолибман. Тушимда фаришталар келиб, мени жаннатга олиб борди. У ерда ёқут, зумрад ва инжулардан ясалган кўшқу саройлар, бол, сут ва жаннат ичимликлари оқаётган ирмоқлар кўрдим.

Мени жаннатга элтган малаклардан: “Мана бу кўшқ кимники?” деб сўрадим. Малаклар: “Сендек амал қилганларники” дедилар. Жаннат ичимликларидан ичирмагунча, неъматларидан едирмагунча мени жаннатдан чиқармадилар. Кейин ўз жойимга олиб келиб қўйдилар.

Сўнгра муҳтарам пайғамбаримиз ёнларида етмишта пайғамбар ва ҳар бир саф ораси шарқ билан ғарб орасича бўлган етмиш саф малоика билан келиб менга салом бериб, кўлимдан ушладилар. Шунда мен: “Ё Расулаллоҳ! Ҳизр алайҳиссалом мана бу ҳадисни сиздан эшитганини айтди” дедим. Пайғамбаримиз: **“Ҳизр тўғри айтган, баён қилганлари тўғри. Ҳизр ер юзининг энг катта олимидир. Абдоллар раисидир. Аллоҳнинг ер юзидаги аскарларидандир”** дея марҳамат қилдилар. Мен яна: “Ё Расулаллоҳ! Бу амални бажарган одамга бугун кўрганимдан бошқа нарсалар ҳам борми?” дедим. **“Сенинг кўрганларингдан, сенга эҳсон қилинганлардан устунроқ яна нималар бўлиши мумкин? Сен жаннатдаги жой ва мақомингни кўрдинг. Жаннат меваларидан еб, шаробларидан ичдинг. Мени, пайғамбарларни ва малоикани кўрдинг. Хурийни кўрдинг”** дея марҳамат қилдилар.

“Ё Расулаллоҳ! Мен бажарган амални бажариб, бироқ мен тушда кўрганларни кўролмаган кишига, менга эҳсон этилганлар бериладими?” дедим. **“Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасамки, ўша киши қилган катта гуноҳлари авф қилинади. Аллоҳу таолонинг у кишига бўлган ғазаби ундан кўтарилади. Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, бу амални бажарган киши, тушида сен кўрганларни кўрмаса ҳам, сенга берилганлар, унга ҳам берилади. Самодан бир овоз, Аллоҳу таоло, бу амални бажаргани ва шарқдан ғарбгача бутун уммати Муҳаммадни мағфират қилди деб хитоб қилади”** деб марҳамат қилдилар.

“Ё Расулаллоҳ! Сизнинг жамолингизни ва жаннатни кўрганимдек у кишига ҳам булардан насиб қиладими?”-дедим. **“Ҳа, ҳаммаси берилади”** дедилар. “Ё Расулаллоҳ! Эркагу-хотин барча мўминларга

бу дуони ўргатиш ва савобидан хабардор қилиш дурустми?” деб сўраганимда, **“Мени ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳу таолога қасамки, бу амални Аллоҳу таоло саид қилиб яратган бандалардан бошқаси бажармайди”** деб марҳамат қилдилар.

Тушда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақиқий қиёфаларида кўрган одам, муҳаққақ У зотнинг ўзларини кўрган бўлади. Чунки шайтон У зотнинг қиёфаларига кира олмайди. Лекин шайтон бошқа қиёфага кириб, пайғамбарман деб, кўриниши мумкин. Расулulloҳни танимаган одамнинг уни ажратиши қийин бўлади.

Олимларнинг баъзилари: **“Пайғамбаримизни бошқача қиёфада кўриш ҳам яна У зотни кўриш бўлади. Лекин бу ҳалиги одамнинг диндаги нуқсонидан дарак беради. Пайғамбаримизни тушида ҳақиқий ўз қиёфаларида кўришга муваффақ бўлган ва мўмин ҳолида жон топширган ҳар бир одам жаннатийдир”**, - деганлар.

Абу Ҳурайра пайғамбаримизнинг ушбу ҳадиси шарифларини хабар берди: **“Бир одам Жума кечаси икки ракъат намоз ўқиса, ҳар ракъатда Фотиҳа ва Оят-ал-қурсийни бир, Ихлос сурасини ўн беш мартадан ўқиса, намоздан кейин минг марта “Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин набиййил-уммийи” деса, келгуси Жумагача мени тушида кўради. У кишининг ўтмиш ва келажак барча гуноҳлари кечирилади. Жаннат мени кўрганлар учун ҳозирланган”**.

Қабри шарифларини зиёрат

Фаҳри коинот марҳамат қилдиларки: **“Кимки мени вафотимдан кейин зиёрат қилса, ҳаётлигимда зиёрат қилгандек бўлур.”** **“Мирьоти Мадина”** китобида келтирилган бир ҳадиси шарифда: **“Қабримни зиёрат қилган мўминга шафоатим вожиб бўлди”** дея марҳамат қилинган. Бу ҳадиси шарифни Ибни Ҳузайма, Баззор, Дора Қутний ва Табаронийлар хабар берган. Баззор ҳазратларидан етган бир ҳадиси шарифда: **“Қабримни зиёрат қилганга шафоатим ҳалол бўлди”** дея марҳамат қилинган.

“Муслими шариф” да ва Абу Бақр бин Макқорийнинг **“Муъжам”** китобида келтирилган ҳадиси шарифда: **“Бир киши мени зиёрат мақсадида келса ва бошқа нарсага ниятланган бўлмаса, қиёмат куни унга шафоат қилишимни ҳақ этган, қозонган бўлади”** деб марҳамат қилинган. Ушбу ҳадиси шариф Расулulloҳнинг у зотни

зиёрат қилиш учун Мадинаи мунавварага борганларга шафоат қилажакларини хабар бермоқда.

Дора Қутний етказган бир ҳадиси шарифда: **“Ҳаж қилиб, мени зиёратга келмаган одам, мени ранжитган бўлур”** деб марҳамат қилинган. Расулуллоҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) умматларини зиёратга ундашлари, уларнинг ушбу амал орқали ҳам савоб олишларини орзу қилганликларидандир.

Шунинг учун фикҳ олимларимиз, ҳаж вазифасини тугатгач Мадинаи мунавварага бориб, Масжиди шарифда намоз ўқирдилар. Кейин “Равзаи мутаҳҳара” билан Минбари мунирни, Арши аълодан афзал бўлган қабри шарифни, сўнгра ул ҳазрат ўтирган, юрган, суянган жойларини, ваҳий келган пайтда суянган устунни, масжид қурилишида, таъмирида бевосита ишлаган, пул ёрдами берган Асҳоби киром ва Тобеин юрган жойларни зиёрат қилиб, у ерларни кўриш билан баракатланардилар. Улар давридан кейин яшаган олим ва солиҳлар ҳам ҳаждан кейин Мадинага бориб, фикҳ олимлари зиёрат қилгандай зиёрат қилардилар. Худди шу одатга риоя қилган ҳолда ҳозир ҳам ҳожилар Мадинаи мунавварада зиёратлар қилишмоқда.

Ислом олимларининг куёши саналмиш Абу Ҳанифа ҳазратлари: “Мустаҳабларнинг энг устунларидан бўлган қабри саодатни зиёрат қилиш, вожиб даражасига яқин бир ибодатдир” деганлар.

Расулуллоҳ жанобимизнинг қабри шарифларини зиёратга борган киши, жуда кўп салавати шарифа ўқиши лозим. Ўқилган барча салоту саломлар муҳтарам пайғамбаримизга етказилиши ҳадиси шарифларда баён қилинган. Мўтабар китоблар бўйича севимли пайғамбаримизни зиёрат қилиш одоби куйидагича:

Мадинаи мунаввара шаҳрининг қораси узокдан кўриниши билан салот ва салом келтирилади. Кейин, “Аллоҳумма ҳозо ҳараму набиййика, фажълху виқоятан лий мин-ан-нор ва амонан мин-ал-азоб ва су-ил-ҳисоб” дейилади. Мумкин бўлса, шаҳарга ёки масжидга кирилмасдан олдин ғусл қилинади. Уст-бошга хушбўй ифторлар суртилади. Янги, тоза либослар кийилади. Чунки булар таъзим ва ҳурматни ифодалайди. Мадинаи мунавварага мутовозий (камтар), виқор ва сукунат ҳоли билан кириб борилади. “Бисмиллоҳи ва ало миллати Расулиллоҳ” дегач Исро сурасининг 80-ояти каримаси ўқилса яхши бўлади. Унинг ортидан, “Аллоҳумма солли аъло Муҳаммадин ва аъло оли Муҳаммад. Вағфир ли зунубий

вафтоҳ ли авбоба раҳматика ва фадлика” деб, масжиди Набавийга кирилади. Сўнгра, Расулulloҳ жанобимизнинг минбарлари ёнида икки ракъат таҳийятул масжид намози ўқилади. Намозда минбар устунни ўнг елкага келадигандай вазиятда туриш мувофиқдир.

Севимли пайғамбаримиз, айнан мана шу жойда намоз ўқирдилар. Бу жой, мухтарам пайғамбаримизнинг қабр ва минбарлари орасидир. Ҳадиси шарифда: **“Қабрим билан минбарим ораси жаннат боғларидан бир боғчадир. Минбарим ҳовузимнинг устидадир”**³⁶⁴ деб марҳамат қилинган. Зиёратчи, Расулulloҳнинг муборак қабри шарифларини зиёрат қилишни насиб этгани учун Аллоҳу таолога сажда қилиши керак. Дуодан кейин ўрнидан туриб, пайғамбаримизнинг қабри шарифларига, хужраи саодат олдига келиб, қиблани орқасига олиб, Расулulloҳнинг муборак юзларига қараб икки метрча масофада одоб сақлаб туриш керак. Ундан ҳам яқинроқ бориш яхши эмас. Аллоҳу таоло Қуръони каримда буюрганидек худди Расулulloҳ ҳаётлигида олий ҳузурларида тургандек хушу-ҳузу ва адаб билан туриш керак. Сакинат ва виқорни сақлаб, қўлни қабри шариф деворларига текказмай сал нарироқда адаб билан турмоқ ҳурматга муносиброқдир. Зиёрат пайтида намоздагидек ортиқча ҳатти-ҳаракатдан тийилиш лозим.

Расулulloҳнинг муборак, латиф сувратларини кўз олдига келтириш, зиёратга келган одамни билиб турганларини, сўзи, саломи ва дуоларини эшитиб, жавоблаб омин деяпганларини хаёлга келтириш лозим. Негаким, Расулulloҳ жанобимиз: **“Кимки қабрим олдида менга саловат ўқиса, уни эшитаман”** деб марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда, Расулulloҳнинг қабри шарифларида вакил қилинган бир малак (фаришта) борлиги, вазифаси умматдан салом айтганларнинг саловотларини пайғамбаримизга етказиб туриш эканлиги хабар берилган.

Кейин, “Ассалому алайка ё саййидий ё Расулаллоҳ! Ассалому алайка ё Набийаллоҳ! Ассалому алайка ё Сафийаллоҳ! Ассалому алайка ё Ҳабибаллоҳ! Ассалому алайка ё Набийярраҳмати! Ассалому алайка ё Шафий-ал уммати! Ассалому алайка ё Саййид-ал-мурсалийн! Ассалому алайка ё Ҳотам-ан-набиййин!

Аллоҳу таоло зоти олийингизни энг юксак мукофотлар билан сийласин. Мен шаҳодат (гувоҳлик) қиламанки, сиз пайғамбарлик

364 Бухорий, “Итисом”, 16-б.; Муслим, “Ҳаж”, 588-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 236-б.; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, III, 491-б.

вазифангизни бажо келтирдингиз. Омонатни адо этдингиз. Умматингизга насихат қилдингиз. Яқийн (ўлим) етгунча Аллоҳу таоло йўлида жиҳод этдингиз. Аллоҳу таоло сизга то қиёмат кунигача салоту салом айласин. Ё Расулаллоҳ! Биз ҳузурингизга узоқ-узоқлардан келдик. Сизнинг қабри шарифингизни зиёрат қилиш, ҳақингизни адо этиш, сиз даъват ва хизмат қилган юртларни ўз кўзимиз билан кўриш, зиёратингиз билан баракатланиш, Аллоҳу таолонинг даргоҳида бизга шафоат қилишингизни сўраш учун келдик. Чунки хатоларимиз белимизни букчайтди. Гуноҳларимиз елкамизга оғирлик қилди. Ё Расулаллоҳ! Сиз ҳам шафоат қилгучисиз ҳам-да шафоати қабул бўлгучисиз. Мақоми Маҳмуд сизга ваъда қилинган.

Аллоҳу таоло ҳам Куръони каримда (Нисо сураси, 64- ояти каримасида маолан): **“Биз, ҳар бир пайғамбарни, фақат Аллоҳу таолонинг амри билан** (қайси қавмга юборган бўлсак, ўша қавм) **унга итоат қилиши учун юбордик. Улар, нафсларига зулм қилгач келадилар-да Аллоҳу таолодан авф сўрайдилар. Расулим ҳам агар улар учун истиғфор этса, Аллоҳу таолони, албатта тавбаларни қабул ва раҳм қилгучи топгайлар”** деб марҳамат қилинган. Сизнинг ҳузурингизга келган бўлсак да нафсларимизга зулм қилиб келдик. Гуноҳларимизнинг кечирлишини тилаб келдик.

Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таолонинг ҳузурини бизга шафоат қилинг. Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таолодан руҳимизни суннатингиз (динингиз) ичра олишини, тонгла қиёмат бизни сиз билан бирга маҳшарга келувчилар орасига қўшишини, ҳовузингиз лабига бориб у ердан сув ичишимизни насиб қилишини тиланг. Ё Расулаллоҳ! Сиздан шафоат сўраб келдик” деб дуо қилиниши керак ва **“...Эй Раббимиз! Бизни ва биздан илгари иймон билан ўтган қардошларимизни авф этгил! Иймон келтирганларга қарши қалбимизда биронта кек, гина қолдирмагил! Эй Раббимиз! Шубҳасиз, сен шафқат ва раҳм эгасан!”** маолидаги Ҳашр сурасининг 10-ояти каримасини ўқиш лозим.

Ана шундан кейин салом айтиб юборганларнинг саломларини етказиш мақсадида, “Ассалому алайка Ё Расулаллоҳ! Фалон киши, сиздан Аллоҳу таоло ҳузурини ўзига шафоат қилишингизни сўраяпти. Унга ва барча мусулмонларга шафоат қилинг” дейиш ва кўнгли тусанганча салаво тўқиш керак. Кейин ярим метр ўнганга силжиб, Абу Бакр Сиддик ҳазратларининг боши тўғрисида келиб, “Ассалому

алайка ё халифата Расулиллоҳ! Ассалому алайка ё рафиқаҳу фил-ғор! Ассалому алайка ё аминаҳу алал-асрор! Аллоҳу таоло, бу умматнинг имоми сифатида сизга энг баланд мукофотлар лутф этсин. Сиз Расулуллоҳга энг муносиб тарзда халифалик қилдингиз. Ул зотнинг улуғ суннати (дини)-ни энг чиройли ва муносиб тарзда давом эттирдингиз. Муртадлар (диндан қайтганларга) ва тўғри йўлдан адашган гумроҳларга қарши муҳораба (уруш) қилдингиз. Доимо ҳақни сўзладингиз. Вафотингизгача ҳақ йўлда бўлганларга ёрдам бердингиз. Аллоҳу таолонинг саломи, раҳмати ва баракати устингиздан ёғилсин! Аллоҳим! Руҳимизни Ўз чексиз раҳминг ва шу муборак халифанинг муҳаббатига белаган ҳолда олгил. Ушбу зиёратимизни бесамар қилмагил”- деб қилиш керак.

Кейин яна ярим метрча ўннга силжиб, ҳазрати Умарнинг қабри тўғрисиغا келинади ва “Ассалому алайка ё Амир-ал-мўминийн! Ассалому алайка ё Музҳир-ил-Ислом! Ассалому алайка ё Муқсир-ул-асном! Аллоҳу таоло сизга энг улуғ ажру савоб ва мукофотлар берсин. Ҳаётингизда ҳам, вафотингизда ҳам Исломга ва мусулмонларга ёрдам бердингиз. Етимларга кафил бўлдингиз. Қариндошга яхшилик қилдингиз. Мусулмонларга, улар рози бўлган, ҳидоят аҳли ва ҳақ йўлга солувчи раҳбар бўлдингиз. Умматнинг ишларини тартибга солдингиз. Гадоларни бойитиб, яраларига малҳам бўлдингиз. Аллоҳу таолонинг саломи, раҳмати ва баракатига беланинг!” дейиш керак.

Кейин ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умарга хитобан: “Ассалому алайкумо ё дажийай-расулиллоҳ ва рафийқайҳи ва вазирайҳи ва мушийрайҳи вал муовинайни лаҳу аълал-қиёми фид-дийни вал-қоимайни баъдаху би-масолиҳ-ил-муслимийн! Аллоҳу таоло, сизларга энг яхши ажру савобларни ато этсин. Расулуллоҳ бизга шафоат қилишида, Аллоҳу таолодан тоат-ибодат, ҳажимизни қабул қилишини сўрашда, бизни Ислом динида, яъни мусулмон ҳолимизча жонимизни олиб, яна мусулмон ҳолда тирилтишида, қиёмат куни Расулуллоҳ яқинлари орасида яратишини тилашда сизларни Расулуллоҳ ёнларида ўзимизга васила қиламиз” дейиш лозим.

Сўнгра ўзига, ота-онаси, бола-чақаси, дуо сўрганлар ва барча мусулмонларга дуо қилади. Кейин Расулуллоҳнинг муборак юзлари рўпарасида туриб: “Эй Аллоҳим! **“Биз, ҳар бир пайғамбарни, фақат Аллоҳу таолонинг амри билан (юборилган қавми), унга**

итоат этсин деб юбордик. Улар, нафсларига зулм қилгач келадиларда Аллоҳу таолодан мағфират сўрайдилар. Расулим ҳам агар улар учун истиғфор қилса, Аллоҳу таолони, албатта тавбаларни қабул қилувчи ва марҳаматли топадилар” деб буюргансан³⁶⁵. Ё Раббий! Сенинг мана шу олий каломингга итоат қилган ҳолда, пайғамбарингдан ҳузурингда шафоат этишини сўраб келдик” деб дуо қилинади. Кейин бироз аввал ўқиган, “Эй Раббимиз! Бизни ва биздан олдин иймон билан ўтган кардошларимизни мағфират қилгил! Иймон келтирганларга нисбатан қалбимизда биронта кек, гина-қудурат қолдирмагил! Эй Раббимиз! Шубҳасиз, сен жуда шафқатли ва раҳмликсан!” маолидаги Ҳашр сурасининг 10-ояти каримаси билан “Раббанағфир лано ва ли-обо-ино ва ли-уммаҳотино ва ли-ихвонин-ал-лазийна сабақуна бил-иймони”, “Раббано отина...” ва “Субҳона раббика ...” ояти карималарини ўқиб, Хужраи саодат зиёрати тамомланади.

Кейин Расулуллоҳ қабри ва минбари орасида Абу Лубоба ҳазратлари ўзини боғлаб қўйиб тавба қилган устун олдига борилади. Шу ерда икки ракъат намоз ўқилиб, Аллоҳу таолога тавба-истиғфор қилинади. Хоҳлаган дуо-тилаклар сўралади. Кейин Равзаи мутаҳҳарага кирилади. Бу ер тўрт бурчак майдондан иборатдир. У ерда хоҳлаганча намоз, тасбиҳ, дуо ўқиб, Аллоҳу таолога ҳамду-санолар айтилади. Сўнгра минбар олдига борилади. Расулуллоҳнинг баракатларидан баҳраманд бўлиш ниятида пайғамбаримизнинг хутбада муборак қўлларини қўйган жойга қўл тегизилади. Бу ерда ҳам икки ракъат намоз ўқилиб, Аллоҳу таолодан тилаklarини сўраб, дуо қилинади. Унинг ғазабидан раҳматига сиғинилади. Шундан кейин Ханнона деган устун олдига борилади. У ҳали минбар қурилмаган вақтларда Расулуллоҳга хутба пайтида ушлаб таянадиган ҳасса вазифасини ўтаган эди. Кейинчалик Расулуллоҳ минбарга чиққанларида, уни тарк этгани учун инграй бошлаган ва Расулуллоҳ минбардан тушиб, уни кучоклаб қўйганларидан кейингина тинчиган устундир. Мадинада ўтказган кунларда кечаларни Қуръони карим тиловати, Аллоҳу таолони зикр қилиш, минбар ва қабр орасида яширин ва очикча дуолар қилиш ҳамда робита билан машғул бўлиш керак.

Расулуллоҳнинг муборак завжалари яшаган хоналар Масжиди саодат ҳудудига қўшиб юборилишдан аввал Хужраи саодатнинг

365 Нисо сураси, 4/64.

қибла томонида торгина бўш жой бўлиб, у ерда Мувожаҳаи саодатга юзланиб туриш қийинроқ эди. Шу боис зиёратчилар, Хужраи саодатнинг Равзаи мутахҳара деворидаги эшиги олдида қиблага қараб туриб, салом берардилар. Кейин имоми Зайналобидин, Равзаи мутахҳарани орқада қолдириб салом беришни бошлаб берганидан анча йиллар шундай зиёрат қилинди. Муборак завжалари яшаган хоналар масжидга қўшиб юборилгач Мувожаҳаи шарифа деразаси олдида туриб зиёрат қилина бошланди.

Ҳазрати Оиша онамизнинг хоналари уч метр баландликда кесак ва хурмо шохларидан қурилганди. Хонанинг бири ғарб, иккинчиси шимол томонида иккита эшиги бор эди. Ғарб эшиги, Равзаи мутахҳара томонида бўлиб, Расулуллоҳ ҳаётлигида ўша эшикдан масжидга кириб-чиқардилар. Шимолий эшиги эса, кўчага қараган оддий эшик эди. Ҳазрати Умар халифалигининг охириги йилларида Масжиди саодат кенгайтирилаётиб, Хужраи саодат атрофи тошдан унча баланд бўлмаган девор билан қуршалди.

Абдуллоҳ бин Зубайр халифалигида ушбу девор йиқитилиб, ўрнига қора тошдан мустаҳкамроқ девор кўтарилди. Усти очик бўлган деворнинг шимол томонида бир эшиги бўларди. Ҳижрий қирқ тўққизинчи йили ҳазрати Ҳасан вафот этди. Васиятига биноан ҳазрати Ҳусайн, акасининг тобутини Хужраи саодат эшигига элтиб, дуо ва истиғоса (ёрдам иташ) қилмоқчи бўлганида шу ерга дафн қилинмоқчи экан деб ўйлаб, тобутни ичкарига қўймаганлар пайдо бўлгач, Боқий қабристонига дафн этилганди. Келажакда яна шунга ўхшаш нохуш ҳодисалар такрорланмаслиги учун девор ва хона эшикларига ғишт қалаб, ёпиб ташланди.

Умавий халифаларининг олтинчиси бўлган Валид, Мадина волийси бўлган пайтларида Масжиди саодат деворини баландроқ кўтарди ва устини кичикроқ қубба билан ёптирди. Шу тариқа учала қабр ҳам ташқаридан кўринмайдиган ва ичкарига кириб бўлмайдиган қилиб қўйилди. Умар бин Абдулазиз Мадина волийси бўлган йилларда, яъни хижрий 88 (м.707) йилда халифа Валиднинг буйруғи бўйича завжоти тохиротнинг хоналарини буздириб, Масжиди саодатни кенгайтирди. Ундан ташқари ҳалиги девор атрофини беш бурчакли эшик-деразалари бўлмаган иккинчи девор билан қуршатди.

Ироқда Зангийлар бошқарган Отабеклар давлати вазири ва Салоҳиддин Айюбийнинг амакиси ўғли Жалолиддин Исфаҳоний,

1189 (ҳижрий 584) йилда Хужраи саодатнинг ташқи девори атрофига оқ сантал дарахти ва қора қайрағочдан масжид шифтигача етадиган панжара ясаёттирди. Лекин бу панжара 1289 йили чиққан ёнғинда ёниб кетгач, улар ўрнига темир панжара ясаиб, яшил рангга бўяб қўйилди. Бу панжарага **Шабакаи саодат** дейилади. Шабакаи саодатнинг қибла томонига **Мувожаҳаи саодат**, шарқ томонига **Қадами саодат**, ғарб томонига **Равзаи мутаҳҳара**, шимол томонига эса **Хужраи Фотима** дейилади. Маккаи мукаррама шаҳри, Мадинаи мунавваранинг жанубида жойлашгани туфайли Масжиди набий ўртасида, яъни Равзаи мутаҳҳарада, қиблага қараб турган кишининг чап томонида Хужраи саодат, ўнг томонида Минбари шариф бўлади.

Ҳижрий 232 (м.847) йили Шабакаи саодат турган жой билан ташқи девор ораси ва унинг ташқариси вақти-вақти билан янгилашиб турган мармар билан қопланди. Бу вазифани энг охириги марта Султон Абдулмажид хон амалга оширди.

Хужраи саодат атрофига беш бурчакли девор билан устига **“Қубба-тун-нур”** номли кичик бир гумбаз қурилган эди. Усманий подишоҳлари ҳар йил пойтахтдан юбориб турган **Кисваи шарифа** ўша гумбаз узарига ёпинчиқ сифатида ёпиларди. Қубба-тун-нур устига тўғри келадиган Масжиди саодатнинг катта яшил гумбазига **“Қубба-тул-ҳадра”** дейилади. Шабакаи саодат деган панжаранинг ташқи томонидан ёпиладиган кисва, Қубба-тул-ҳадра тагидаги камарларга осилади. Мана шу ички ва ташқи пардаларга Саттора дейилади.

Шабакаи саодатнинг шарқ, ғарб ва шимол тарафларида биттадан эшиги бор. Шабакаи саодат ичига Ҳарами шариф оғаларидан ўзга ҳечким кира олмасди. Унинг ичидаги деворда умуман эшик-дераза йўқ, фақат гумбаз ўртасида кичгинагина дарча бўлиб, у ҳам симдан панжара билан ёпиб қўйилган. Ўша дарчанинг тўғрисида ташқи Қубба-тул-ҳадра гумбазидан ҳам бир дарча очилган. Масжиди шариф гумбази ҳижрий 1253 (м.1837) йилгача кўрғошин рангида эди. Султон иккинчи Маҳмуд Адлий хоннинг амри билан яшилга бўялди. Ҳижрий 1289 (м.1872) йили Абдулазиз хоннинг фармони билан янгидан бўялди.

Масжиди саодатнинг таъмир ва тазйини (зийнатланиши)-га султон Абдулмажид хондек мўл маблағ, кўп ғайрат сарфлаган бошқа одам бўлмаган. Ҳарамайни таъмирлашга етти юз минг олтин

сарфланиб, таъмирот хижрий 1277 (м.1861) йили тамомланди.

Масжиди набавийнинг таъмири ва хожатига минглаб олтин сарфлаган султон Абдулмажид хон, унинг асл кўринишини кичик нусхада ясаб Истанбулдаги бир масжидда кўргазмага кўйишни амр қилади. Бу вазифа учун милодий 1850 йили муҳандислик мактаби устозларидан мингбоши рассом Ҳожи Иззат Афанди Масжиди набавийга юборилган. Иззат Афанди Мадинада Масжиди набавийнинг барча томонларини ўлчаб, эллик уч марта кичрайтирилган нусхасини бир йилда ясаб тугатиб, Истанбулга жўнатади. Султон Абдулмажид хоннинг фармони бўйича у Ҳирқаи шариф жоме-масжидига жойлаштирилади.

Абдулмажид хон томонидан таъмирдан ўтказилгач масжиднинг қибла девори билан Шабакаи саодат панжараси ораси етти ярим метр, шарқий деворидан Қадами саодат панжарасигача олти метр, Шабакаи Шомий кенглиги ўн бир метр, Мувожаҳаи шарифа панжараси билан Шабакаи Шомий панжараси орасидаги масофа ўн тўққиз метрга етди. Масжиди набавийнинг қибла томонидан кенглиги етмиш етти метрга, қибла деворидан девори Шомийгача узунлиги бир юз ўн етти метрга тенг. Хужраи саодат билан минбари шариф ораси бўлмиш Равзаи мутаҳҳара кенглиги эса, ўн тўққиз метрга тенг.

Усмонийлар давридан кейинги йилларда мустамлакачилар етовидаги қўғирчоқ қироллар томонидан муқаддас жойлар катта ўзгаришларга учратилиб, солих аждодлар томонидан қурдирилган бебаҳо тарихий асарларнинг аксарияти хароб ва талон-тарож қилинди.

Расулulloҳни зиёрат қилгандан кейин Боқий қабристонига бориб, у ерни ҳам зиёрат қилиш мустаҳабдир. Кейин бошқа қабрларни, айниқса Саййид-уш-шуҳадо (шаҳидлар жаноби) ҳазрати Ҳамзанинг қабрини зиёрат қилиш лозим. Боқийда ётган ҳазрати Аббосни, ҳазрати Ҳасан бин Али, Зайналобидинни, унинг ўғли Муҳаммад Боқир, унинг ўғли Жаъфари Содикни, Амир-ул-мўминийн ҳазрати Усмонни, Расулulloҳнинг ўғли Иброҳимни, Расулulloҳнинг муҳтарама ва мутаҳҳара завжаларини, аммаси Сафийани ва яна бошқа кўпгина саҳоба-ю тобеиндан бўлган улуғларни зиёрат қилиш керак. Иложи бўлса, Боқийдаги Фотима масжидида намоз ўқиш керак. Пайшанба куни Уҳуд шаҳидларини зиёрат қилиш мустаҳабдир. У ерда, “Саломун алайкум бимо

сабартум. Фаниъма укбаддор. Саломун алайкум ё аҳла дор-ил-қавм-ил-мўминийн ва инно иншоаллоҳу ан қарийбин бикум лоҳикун” дейиш лозим. Кейин Оят-ал-курсий ва Ихлос сурасини ўқиш керак.

Ҳужраи саодатни зиёрат қилиш чоғида жуда хушёр бўлиш талаб қилинади. Хаёлда дунё тушунчалари бўлмаслиги керак. Фақат Муҳаммад алайҳиссаломнинг нурлари ва юксак даражаларини ўйлаш лозим. У пайтда дунёлик нафини ўйлаб, ҳажда казо-казолар билан учрашиб, улардан фойда ундириш ва савдо-содиқ ҳаёлида қилинган дуоларни Аллоҳу таоло қабул қилмайди, улар тилакларига эриша олмайди.

Ҳужраи саодатни зиёрат қилиш ўта шарафли ибодат ҳисобланади. Бунга ишонмаганларнинг мусулмонликдан чиқиб қолиш хавфи бор. Чунки ундайлар, Аллоҳу таолога, Унинг Расулига ва барча мусулмонларга қарши чиққан бўлади. Моликий олимларидан баъзилари, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизни зиёрат қилиш вожиб деган бўлсаларда, мустаҳаб эканлигида иттифоқ қилинган.

Тавассул

Пайғамбаримизга ҳамма даврларда: яратилмасларидан аввал ҳам, кейин ҳам, ҳаётларида ва вафотларидан кейин, барзаҳ (қабр) оламида доимо тавассул қилинган. Яна Қиёмат куни қайта тирилгандан кейин, Арсот майдонида ва Жаннатда ҳам тавассул қилинади. Тавассул, яъни васила - Аллоҳу таоло наздида банданинг ризойи илоҳийга яқинлашувига ва мушкили ҳал бўлишига сабаб қилинган ҳар бир восита деганидир.

Расули акрам билан тавассул қилмоқ, яъни Расулуллоҳни Аллоҳу таоло ҳузурида васила қилиш, Ул зотнинг ёрдам ва шафоатларини сўрамоқ жоиз. Бундай тавассул, барча пайғамбарлар (алайҳиссалом), салафи солиҳин, уламо ва жами мусулмонлар амал қилиб келган ишлардандир. Умнатдан биронта одам ушбу амални ёмонлаб, танқид қилмаган. Ҳозирги давргача тавассулни бузук эътикод эгаларидан ташқари тан олмаган, қабул қилмаган биронта мусулмон учрамаган.

Одамзотнинг отаси Одам алайҳиссалом жаннатдан ер юзига туширилганида, муҳтарам пайғамбаримизни васила қилган эди. Ўша воқеани пайғамбаримиз бир ҳадиси шарифларида қуйидагича

баён қилганлар: “Одам (алайҳиссалом) залласи (кичик хатоси) туфайли Жаннатдан чиқарилганида, “Ё Рабби! Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) ҳаққи ҳурмати учун мени авф қилгил” деди. Аллоҳу таоло эса: “Эй Одам! Сен Муҳаммадни қаердан билдинг. Мен Уни ҳали яратмадим-ку?”- деб савол қотди. Одам (алайҳиссалом): “Ё Рабби! Сен мени яратиб, менга руҳ ато этганинда, кўзларимни очиб атрофга қарадим, ўшанда Арш теварагида “Ла илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Расулуллоҳ” деб ёзилганини кўрдим. Исмини Ўз исминг ёнига қўйиб ардоқлаган ҳабибинг шу зот бўлса керак деб ўйладим” деди. Аллоҳу таоло: “Тўғри айтдинг, эй Одам! У махлуқотим ичра энг кўп яхши кўрганамдир. Унинг ҳурматига деб авф тилаганинг учун сени авф этдим” деди.”³⁶⁶ Бошқа бир ривоятда, “У сенинг зурриётингдан келадиган пайғамбардир. Уни яратмаганимда, на сени, на авлодингни яратардим. Уни ўзингга шафоатчи қилганинг учун сени авф этдим, кечирдим”- деб марҳамат қилди” дейилган.³⁶⁷

Бунга минглаб мисоллар бор. Улардан бир нечасини қуйида келтирамиз:

Икки кўзи ожиз бир одам кўзларининг очилиши учун Расулуллоҳ сарваримиздан дуо сўради. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) эса: “**Хохласанг дуо қилайин. Лекин сабр қилиб, чидасанг сен учун янада яхшироқ бўлади**” дея марҳамат қилдилар. ”Сабр-тоқатим қолмади. Дуонгизни сўраб ёлвораман” деди кўзи ожиз киши. “**Ундай бўлса, таҳорат ол-да мана бу дуони ўқи!**” дея марҳамат қилдилар: “**Аллоҳумма инни асьалука ва атаважжаҳу илайка би набиййинка Муҳаммадин набийй-ир-рахмати. Ё Муҳаммад! Инни атаважжаҳу бика ило Раббий фи-хожати литакдия Аллоҳумма шаффиъху фийя.**”

Ҳалиги киши, ушбу дуони ўкигач, Аллоҳу таоло дуосини қабул қилиб, кўзлари очилиб кетганлигини ҳадис олимларидан имоми Насоий хабар берган.

Расулуллоҳни васила қилиш ҳақидаги қуйидаги ҳодисани Усмон бин Ҳаниф ҳазратлари сўзлаб берган: “Усмон бин Аффон халифа эди. бошига катта ташвиш тушган бир киши, халифанинг ҳузурига чиқишга ботинмай, дардини менга айтганди. Мен эса, унга “Дарҳол

³⁶⁶ Ҳаким, “*ал-Мустадрок*”, III, 672-б.; *Ибн Касийр*, “*ас-Сийра*”, I, 320-б.

³⁶⁷ Ҳайсамий, “*Мажмууз-Завоид*”, VIII, 198-б.

тахорат ол! Масжид-и саодатга бор! Юқорида келтирилган дуони ўқиб, истагингни арз қил”,- дедим.

У бориб дуо қилганидан кейин халифа уни хузурига чақиртиб, ўз жойнамозига ўтқазиб, дардини тинглабди. Мушкили дарров ҳал бўлганидан ўзида йўқ хурсанд бўлган одам олдидига келиб, “Аллоху таоло сендан рози бўлсин! Халифага айтмаганингда ташвишим тугамасди.” деди. У мени халифа билан гаплашган деб ўйлаган эди.”

Ҳазрати Умар халифалиги даврда қаҳатчилик бўлди. Асҳоби киромдан Билол бин Харс, Расулуллоҳнинг мақбарасига бориб: “Ё Расулаллоҳ! Умматингиз очликдан ўлиш арафасида. Ёмғир ёғиши учун васила бўлишингизни сўраб ёлвораман” деди. Расулуллоҳ ўша кеча тушига кириб: **“Халифанинг олдига бор! Мендан салом айт! Ёмғир дуосига чиқсин!”** деб буюрдилар. Ҳазрати Умар, ёмғир дуосига чиқиши билан ёмғир ёға бошлади.

Аллоху таоло, ўз севган бандаларининг хотири учун доимо дуотилакларни қабул қилмоқда. Одамзот ичида энг кўп Муҳаммад алайҳиссаломни севишини ҳам эълон қилган. Шунга биноан бирон киши: **“Аллоҳумма инни асъялука би-жаҳи Набиййик-ал-Мустафо”** деб дуо қилса, дуоси рад қилинмайди. Лекин шундай осон йўли бор экан деб, бўлар-бўлмас дунё ишлари учун Расулуллоҳни васила қилавериш ҳам одобдан эмас

Бурхониддин Иброҳим Моликий айтади: “Мадинада очликдан тинкаси қуриган бир фақир Хужраи саодат ёнига бориб, “Ё Расулаллоҳ! Қорним оч” деди. Кўп ўтмай бир киши келиб, камбағални уйига олиб кетди. Уни яхшилаб тўйдирди. Камбағал, уй эгасига Расулуллоҳни васила қилиб қилган дуосининг қабул бўлганини айтди. Уй эгаси: “Эй биродар! Бола-чақани ташлаб, йўл азоби тортиб, узоқ юртлардан Расулуллоҳни зиёрат қилгани келибсиз. Бир бурда нон учун Расулуллоҳнинг хузурларига чиққанингиз муносибми? Ундай олий хузурда жаннатни ва чексиз неъматларни сўрашингиз керак эди! Бу ерда сўралган нарсаларни Аллоху таоло рад қилмайди.”- деди. Расулуллоҳни зиёрат қилиш бахтига эришганлар, қабри саодат ёнида пайғамбаримиздан қиёмат кунда шафоат қилишларини сўраб дуо-илтижо этмоғи лозим.”

Имоми Абу Бакр Мукрий, бир куни имоми Табароний ва Абу Шайх билан бирга Масжиди саодатда ўтиришарди. Бир неча кундан буён ҳеч вақо емаганларидан анча очикишганди. Имоми Абу Бакр

чидай олмай: “Очман, ё Расулаллох!” дедида бир бурчакка ўтиб ўтирди. Бир пас ўтгач саййидлардан бир зот, иккита хизматчиси билан келиб, “Биродарларим! Очликдан бобом Расулulloҳдан ёрдам сўрабсизлар. Сизларни меҳмон қилишимни буюрдилар” деди. Олиб келган таомларни бирга едилар. Ортиб қолганини уларга ташлаб кетишди.

Ислоҳ олимларидан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Марокаший “**Мисбоҳ-уз-зулоҳ**” (х.683, м.1284) номли қийматли китобида Расулulloҳни васила қилиб, мурод-мақсадига эришган юзлаб мусулмонлар ва дуолари ҳақида маълумот берган. Расулulloҳни васила қилиб, муродига эришганлардан бири Муҳаммад бин Мункадир эди. Ўзи қуйидагича ҳикоя қилади: “Бир киши, отамга саксон олтин омонат қолдириб, ўзи жиҳодга кетди. “Буларни сақлаб кўйинг! Ҳаддан зиёд муҳтож бўлганларга ёрдам беришингиз мумкин” деб тайинлаганди. Кейин Мадинада қаҳатчилик рўй берди-ю отам омонат олтинларни қийналганларга тарқатиб юборди. Бир куни эгаси жиҳоддан қайтиб келиб, олтинларини сўради. Отам “Эртага келинг” деб уни қайтариб юборди. Кечаси хужра-и саодатга бориб, эрталабгача Расулulloҳга ёлворди. Ярим кечаси бир одам келиб: “Мана ушланг!” дебди. Отамни қўлларига бир халта олтин тутқазиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлибди. Отам уйга келиб, олтинларни санаганда роппа-роса саксонга чикқан эди. Хурсанд бўлиб омонатни эгасига топширди.”

Имоми Муҳаммад Мусо ҳазратлари, ўз китобида бошидан ўтган бир воқеани бундай ҳикоя қилади:

“Ҳижрий 637 (м.1239) йили, Садер қалъасидан обрўли кишилардан иборат бир жамоат йўлга чиқдик. Ёнимизда қиловузимиз (чўлда йўл раҳбари) ҳам бор эди. Анча йўл юрганимиздан кейин сувимиз тугаб қолди. Сув ахтара бошладик. Мен шу орада ҳожат нарироқ кетдим. Ўшанда қаттиқ уйкум келди. Нима бўлса бўлар, шерикларим кетаётганда уйғотишар деган фикрга бориб, мизғиб олишга қарор бердим.

Уйғонганимда чўл ўртасида битта ўзим қолгандим. Шерикларим мени унутиб, кетиб қолибди. Ёлғизликдан даҳшатга тушдим. Чўлда у ён бу ёнга юра бошладим. Қаерда турибман, қайси томонга боришим керак, тушуна олмасдим. Тўрт томоним чексиз сахро эди. Бироз сўнгра қош қорая бошлади. Шерикларимдан биронта из ҳам қолмагани бадтар тушқунликка туширарди. Чўл қоронғусида бир

Ўзим қолгандим. Қўрқув батамом қоплаб олди. Титроқ босиб, бир томонга шитоб билан юра бошладим.

Анча юргач охири чанқоқ ва чарчоқ босиб, ерга йиқилдим. Энди ҳаётдан умид узиб, ажалим яқинлашаётганини ҳис эта бошлагандим. Чанқоқ ва ҳолсизликдан изтиробим ҳаддига етганди. Бирдан миямга яшиндай бир фикр келдим. Кеча қоронғусида бошимни аранг кўтариб: “Ё Расулаллоҳ! Имдод (мадад)! Сиздан, Аллоҳу таолонинг изни билан ёрдам беришингизни сўрайман” дея инградим. Шуни айтган заҳотим-оқ кимнингдир овози эшитилгандай бўлди. Аланглаб, товуш келган томонга қарасам, кечаси атрофга ёруғлик тарқатиб турган оппоқ либос кийган ва шу пайтгача мен учратмаган бир зот қараб турарди. Менга яқинроқ келиб, кўлимдан ушлади. Ўша пайтда бутун чарчоғим ва чанқоғим бирданига босилди. Худди янгидан туғилгандек эдим. Жоним ҳузур қилганидан у зотга меҳрим тушди. Кўлимдан ушлаганча мени бироз олиб юрди. Ҳаётимдаги энг лаззатли онни бошимдан кечираётганимни ҳис этардим. Бир қум тепалигини ошиб ўтганимизда шерикларим минган қарвоннинг чироқлари милтиллаб кўринди. Уларнинг овозларини эшита бошладим. Аста-секин яқинлашиб бордик.

Менинг туям қарвоннинг энг орқасида уларга эргашиб кетарди. Жонивор худди кимдир ипидан тортиб келгандай келиб, олдимга тўхтади. Туямни олдимда кўриб севинганимдан қийқириб юбордим. Мен бақиргач мени олиб келган зот кўлимни кўйиб юборди. Кейин кўлтиғимдан тутиб, уловимга минишга ёрдам берди ва **“Биздан бирон нарса сўраган ва ёрдам қутган одамни биз кўли бўш қайтармаймиз”** дедида ортга қайтиб кетди. Ана шундагина У зотнинг Расулulloҳ жанобимиз эканлигини фаҳмладим. У зот қайтиб кетаркан, атрофига ёйилаётган нурлар кеча қоронғилигида осмонгача кўтарилаётгани кўриниб турарди. У зот кўздан ғойиб бўлганидан кейин ўзимга келиб: “Эҳ мен нима қилдим? Нега этакларига ёпишиб, муборак кўл ва оёқларидан ўпмадим” дея хайфландим, лекин энди кеч эди, шундай имконни бой бергандим.”

Абул Хайр Ақтаъ Мадинада беш кун оч қолганди. Хужраи саодат ёнига келиб, Расулulloҳга салом берди. Беш кундан буён очлигини арз қилди. Кейин бир чеккага ўтиб, ухлаб қолди. Тушида Расулulloҳ келаётганини кўрди. Ўнг ёнларида Абу Бақр Сиддиқ, чапларида Умар Форуқ ва олдларида Али-ул Муртазо келарди.

Ҳазрати Али келиб: “Ё Абал Хайр! Тур, нега ётибсан? Расулulloх келмоқдалар” деди. У дарҳол ўрнидан турди. Расулulloх келиб, унга катта нон узатдилар. Абул Хайр айтади: “Жуда очикқанимдан нонни шу заҳотиёқ ея бошладим. Ярмини еб бўлганимда уйғониб кетдим. Не кўз билан кўрайки, ноннинг қолган ярми кўлимда турарди.”

Аҳмад бин Муҳаммад Суфий ҳикоя қилади: “Ҳижоз чўлларида сафарда бору йўғимдан ажралиб, ҳеч вақосиз қолдим. Мадинага етиб келдим. Хужраи саодат ёнида, Расулulloхга салом бердим. Нафас ростлаб олиш учун бир чеккага ўтирдиму хорғинликдан ухлаб кетибман. Расулulloх сарваримиз кўриндилар, **“Аҳмад келдингми? Ҳовучингни оч!”** деб буюрдилар. Ҳовучимни очдим, уни олтинга тўлдирдилар. Уйғонганимда, кўлларим олтинга тўла эди.”

Имоми Самҳудий, уй калитини йўқотиб олди. Қанча изласа ҳам топа олмади. Кейин Хужраи саодат олдига келиб: “Ё Расулulloх! Калитимни йўқотиб қўйдим. Уйимга кира олмаяпман” деди. Бир болакай кўлида битта калит ушлаганча келиб “Бу калит сизники эмасми? Топиб олдим”,- деди.

Мустафо Ишқий афанди **“Маворид-и Мажидийя”** тарих китобида қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирган: “Маккада йигирма йил яшадим. 1247 (м.1831) йили олтмиш олтин ғамлаб, бола-чақамиз билан Мадинага равона бўлдик. Лекин пулимиз йўл ҳаражатлари туфайли тугаб, бир тийинсиз Мадинага кириб бордик. У ерда бир танишимникида меҳмон бўлдик. Мен Хужраи саодатга келдим. Русулulloхдан ёрдам сўрадим. Орадан уч кун ўтгач, биз меҳмон бўлиб турган уйга бир зот келиб, менга атаб ижарага уй олганини айтиб, ашқол-дашқолимиз билан ўша уйга кўчириб ўтказди. Бир йиллик ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйди. Бир неча ойдан сўнг хасталаниб, бир ойча ўрнимдан тура олмайдиган ҳолатда ётиб қолдим. Шу боис уйда на егулик ва сотишга арзигулик ҳеч нарсамиз қолмади. Хотиним кўмагида аранг томга чиқиб, Расулulloхнинг макбаралари томон юзланганча ҳолимни арз қилиб, Ул сарвардан ёрдам сўрамоқчи бўлдим. Кафтларимни очишга очдим лекин яна дунёлик сўрашдан хижолат тортиб, ҳеч нарса сўрай олмай, пастга хонамга тушдим.

Эртаси куни, нотаниш бир киши уйимизга келди ва “Фалон афанди мана буни сизга ҳадя тариқасида бериб юборди” деди-ю

бир халта олтин ташлаб кетди. Аллоҳга беадад шукрлар қилиб, уни олдим. Шу билан кун кўришимиз анча енгиллашган бўлса-да, касалликдан соғайиб кетолмадим. Биродарлар кўмагида Хужраи саодат ёнига бориб, Расулulloҳдан шифо сўрадим. Масжиддан чиққанимда ҳеч кимнинг ёрдамисиз равон юриб, уйга кетдим. Уйга келганимда хасталикдан асар ҳам қолмагани. Кўз-пўз тегмасин деб, бир неча кун кўчага ҳассага суяниб чиқиб юрдим. Бироқ пулимиз яна тугагани. Шамчирокқа ҳам пул қолмай, болачакани қоронғи уйда қолдириб, яна Масжиди Набавийга келдим. Хуфтон намозидан кейин дардимни Расулulloҳга арз қилдим. Уйимга келаётганимда ёнимга бир киши келиб, қўлимга бир халта тутқазди-ю кетди. Ичида қирқ тўққизта олтин танга бор эди. Шам ва бошқа зарур бўлган нарсалар харид қилиб, уйга олиб келдим.”

“Шақойиқ-и Нумонийя” китобининг таржимаси, иккинчи жилдида айтиладики: “Усманий давлатининг биринчи шайх-ул-исломи ва замонасининг мужаддиди бўлган буюк ислом олими Мавлона Шамсиддин Муҳаммад бин Ҳамза Фанорийнинг кўзлари пардаланиб, кўрмай қолди. Бир кеча тушида Расулulloҳ: **“Тоҳо сурасини тафсир қил!”** деб буюрганларида, “Олий хузурингизда, Қуръони каримни тафсир қилишга ҳаддим етмаганидек кўзларим ҳам кўрмаяпти” деб жавоб беради. Ўшанда пайғамбарлар табиби бўлган Расулulloҳ сарваримиз, муборак чопонларидан бир парча пахта чиқариб, муборак тупуклари билан ҳўллаб, кўзларига қўядилар. Мулла Фанорий уйғонганида кўзларида пахта турганини сезиб, уни олганида кўзлари равшан кўра бошлайди. Бу учун Аллоҳу таолога ҳамду-санолар қилади. Ўша пахтани сақлаб, вафотида кўзлари устига қўйиб дафн қилишларини васият қилади.

Аббосий халифаларидан Абу Жаъфар Мансур, Масжид-и Набавий ичида имоми Молик билан сўзлашиб турарди. Ўшанда имом халифага қарата: “Эй Мансур! Бу ер Масжид-и саодатдир! Пастроқ овозда гапиринг! Ҳақ таоло, Хужурот сурасида маолан: **“Овозингизни Расулulloҳнинг овозидан баланд кўтарманг!”** деб буюриб, бир жамоатга танбех берган. **“Расулulloҳнинг ёнида паст овозда сўзлашганлар...”** ояти каримаси орқали паст овозда сўзлашганлар мадҳ этилган. Расулulloҳга, вафотларидан кейин ҳурмат кўрсатиш, худди ҳаётларида кўрсатилган ҳурмат билан бирдир” деди. Халифа Мансур бошини эгиб: “Ё Аба Абдуллоҳ! Зиёрат пайтида Қиблага қараб туриш керакми ёки Қабри саодатгами?”

деб сўради. Имоми Молик ҳазратлари: “Расулulloҳдан юзингни ўгирма! Қиёмат кунининг шафоатчиси бўлган у улуғ Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёмат куни, сенинг ва отанг Одам алайҳиссаломнинг кутулиши учун васила бўладилар.

Қабри саодатга юзланиб, Расулulloҳнинг муборак руҳларидан шафоат тилагил. Нисо сурасининг 4-оятининг каримасида маолан: **“Нафсларига зулм қилганлар сенга келиб, Аллоҳу таолодан авф тиласалар ва Расулим ҳам улар учун авф сўраса, Аллоҳу таолони албатта тавбаларни қабул қилгучи ва раҳмли ҳолда топгайлар”** дейилган.

Ушбу ояти карима, Расулulloҳни васила қилганларнинг тавбалари қабул бўлишини ваъда бермоқда” деди. Имоми Молик ҳазратларининг бу сўзларидан кейин Мансур ўзи турган жойдан туриб, Хужраи саодат рўпарасига бориб: “Ё Рабб! Бу ояти каримада Расулингни васила қилганларнинг тавбасини қабул қилишга сўз берибсан. Мана мен ҳам улуғ пайғамбаринг хузурларига келиб, сендан авф сўраяпман. Ҳаётликлариди ёнларига келиб авф тилаганда авф этган кулларингдек мени ҳам авф айла! Ё Рабб! Набийюр-раҳма бўлган улуғ пайғамбарингни васила қилиб, сенга ёлворяпман. Эй пайғамбарларнинг энг улуғи бўлмиш Муҳаммад алайҳиссалом! Сизга тавассул қилиб, Раббимга ёлвордим. Ё Рабб! Бу улуғ пайғамбарни менга шафоатчи айла!” деб Аллоҳу таолога ёлвора бошлади. Ўшанда халифа Мансур Мувожаҳа-и саодат деразасига юзи билан, қиблага орти билан тик туриб дуо қилган эди. Минбар-и Набавий эса, унинг чап томонида қолган эди.

Имоми Моликнинг халифа Мансурга қилган ушбу насихати Хужраи саодат олдида дуо қилмоқчи бўлганларнинг ғоят хушёр бўлишлари кераклигига далолатдир. Ул мақомга муносиб одобу хурматни бажо келтирмайдиган беадаб кимсаларнинг Мадинаи мунаввара шаҳрида кўпроқ қолишлари дуруст эмас дейилган.

Битта қишлоқ Мадинага бориб, бир неча йиллар давомида у ерда яшаб, уйланиб, бир куни Хужраи саодатда бир хизматга ишга киради. Кунлардан бир кун мазаси қочганда негадир кўнгли айрон тусаб қолди. “Эҳ, ҳозир она қишлоғимда бўлганимда, қатикдан айрон қилдириб ичардим” деган ўйни кўнглидан ўтказади. Ўша кеча Расулulloҳ, жаноб Шайх-ул-Ҳарам (масжид мутаваллиси) нинг тушига кириб, ҳалиги киши ишлаётган вазифага бошқасини тайинлашни буюрадилар. Шайх-ул-Ҳарам: “Ё Расулаллоҳ! У

вазифа умматингиздан фалон кишини зиммасида” деганида: **“Унга айт! Қишлоғига бориб, айрон ичсин!”** дедилар. Эртаси куни, ушбу буйруқ эълон қилинган, қишлоқи вазифадан маҳрум бўлиб, юртига қайтиб кетди.

Биттагина кўнгилдан ўтган ўй, шунчалик зарар келтиргандан кейин, Худо сақласин, ҳазил тариқасида бўлса ҳам, номуносиб сўз ёки одобга ёт бир қилиқ қанчалик зарар етказишини мана шу мисолдан фаҳмлаб олиш даркор”.

Салавот айтишнинг фазилати

Пайғамбаримизнинг муборак исмлари тилга олинганда эшитилганларнинг, бирон жойга ёзилаётганида иззат ва ҳурмат ифодаси сифатида салавоти шарифа ўқиш, энг муҳим вазифаларимиздандир. Қуръони каримда Аҳзоб сурасининг 56-оятти каримасида маолан: **“Ҳақиқатан Аллоҳу таоло ва малаклари пайғамбарга салавот айтадилар** (шараф ва шонини улуғлайдилар). **Эй иймон келтирганлар! Сиз ҳам Унга салот айтиш ва Унга кўнгилдан таслим бўлинглар”** деб буюрилади.

Тафсир олимлари бу оятти каримада зикр қилинган **“салот”** калимаси, Аллоҳу таолодан раҳмат, малаклардан истиффор ва мўминлардан дуо маъносини беришини билдирганлар. Барча Исом олимлари, муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак исмларидан бири эшитилган, ёзилган ёхуд айтилганда салавоти шарифа айтиш ва ёзиш биринчисида вожиб, такрорида мустаҳаб бўлишини иттифок ила таъкидлаганлар.

Аллоҳу таолодан бирор нарса сўраган киши, аввал Аллоҳу таолога ҳамду-санолар айтиб, ундан кейин Пайғамбаримизга саловот ўқиши керак. Ана шундай дуо қабул бўлишга кўпроқ лойиқ. Икки саловот (дуонинг бошида ва охирида) билан қилинган дуо рад этилмайди.

Абу Талҳа ҳазратлари ҳикоя қилади: **“Расулulloҳнинг ҳузурларига киргандим. У зотни аввал ундай хурсанд ҳолда кўрмагандим. Сабабини сўраганимда, “Нега хурсанд бўлмайин! Салгина олдин Жаброил (алайҳиссалом) хушхабар келтирди. Аллоҳу таоло марҳамат қилибди: “Умматимдан биронтаси менга битта салавот айтганида, Аллоҳу таоло унга ўн салавот айтар экан”**- дедилар.”³⁶⁸

368 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 102-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, II, 399-б.

Бу ҳақдаги ҳадиси шарифларнинг баъзилари қуйидагича:

“Исмим тилга олинганда менга салоту салом айтмаган кишининг бурни ерга ишқалансин. Рамазон оии кирганида гуноҳларини авф қилдирмасдан Рамазон ойдан чиққан кишининг ҳам бурни ерга ишқалансин. Ота-онаси қариган чоғларида уларга суянчиқ бўлиб, розилигини олиб, жаннатга кира олмаган кишининг ҳам бурни ерга ишқалансин.”

“Ёнида исмим зикр этилганида менга салоту салом айтмаган киши, хасисларнинг энг хасисидир.”

Абу Ҳумайд ас-Саидий ҳазратлари айтади: “Асҳоби киромдан баъзилари Расулуллоҳдан сўрадилар: “Ё Расулаллоҳ! Сизга қандай салот ва салом айтайлик?” Расулуллоҳ уларга жавобан марҳамат қилдилар: **“Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи камо соллайта ало Иброҳима ва борик ало Муҳаммадин ва азвожиҳи ва зурриятиҳи камо боракта ало Иброҳима иннака ҳамидун мажид”** денглар.”³⁶⁹

Яна баъзи салавати шарифалар қуйидагича:

“Алайҳиссалом”, “Саллаллоҳу алайҳи ва саллам”, “Аллоҳумма солли ало саййидина Муҳаммад”, “Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин ва ало оли Муҳаммад, камо соллайта ало Иброҳима ва ало оли Иброҳим. ...”, “Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин ва ало олиҳи ва саҳбиҳи ажмоин”, “Алайҳиссалоту вассалому ваттахийя”, “Алайҳи ва ало жамиъи минассалавати атаммуҳо ва минаттахийёти аймануҳо.”

Бир киши шундай баён қилади: “Дўстларимдан бири менга юборган мактубда, Расулуллоҳнинг муборак исмлари ўтган жойларда “Соллаллоҳу алайҳи ва саллам таслиман касиран касира” деб ёзибди. Кейинроқ кўришиб сабабини сўраганимда, “Ёшлигимда ҳадис китоблари ёздим. Расулуллоҳнинг муборак исмларини ёзганимда вақт йўқотмаслик учун ёнига салавот ёзмасдим. Шу кунларда бир кеча тушимда Оламлар сарварини кўриб, ёнларига бордим. У зот муборак юзларини мендан бошқа томонга ўгирдилар. Ўша томонга ўтсам яна мендан юзларини олиб қочдилар. Шундан кейин тўғри хузурларида туриб: “Ё Расулаллоҳ! Нега мендан юзингизни ўгирасиз?” деб арз қилдим. Шунда марҳамат қилдиларки: **“Чунки сен китобингда исмимни ёзганингда менга салавот келтирмадинг!”** Шу воқеа сабаб бўлиб, шундан бери Ул

369 Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, XII, 434-б.

зотнинг исми шарифларини ҳамиша саловот билан бирга ёзаман” деди.

Ҳадиси шарифларда марҳамат қилинади:

“Ким менга бир марта салот айтса, Аллоҳу таоло унга ўн марта салот (раҳмат) қилади, унинг ўн та гуноҳини кечиради ва даражасини ўн марта қўтаради.”

“Қиёмат куни менга энг яқин ва шафоатимга энг лойиқ бўладиган киши, менга энг кўп салоту салом айтган кишидир.”

Ҳақ таоло ҳазрати Мусога: “Эй Мусо! Тилингга сўзингдан, қалбингга фикру-тушунчангдан, баданингга руҳингдан, кўзингга нурунган ҳам янада яқин бўлишимни хоҳлармидинг?” деб сўради. Мусо алайҳиссалом “Ҳа, ё Раббий” деди. “Ундай бўлса, Муҳаммадга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп салавот айт” деб буюрди. Яна “Эй Мусо, қиёмат куни сувсиз қолмасликни хоҳлайсанми?” деб сўради. “Ҳа, ё Раббий” деди. “Ундай бўлса, Муҳаммадга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп марта салавот келтир” деб буюрди.³⁷⁰

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладиларки:

“Қиёматда барча мақомларда менга энг яқин бўлувчилар, дунёда менга кўп салавот ўқиганингиздир. Аллоҳу таоло жума куни ва кечасида менга юз марта салавот ўқиган кишининг юзта эҳтиёжини ҳал қилади. Уларнинг етмиши охираат, ўттизи дунё хожатларидан бўлади. Кейин Аллоҳу таоло, бу салавотларни бир малак (фаришта) орқали қабримга еткази. Улар сизга берилган совғадек бўлади. Ўша малак, менга тухфа юборган кишининг исми, зоти ва қабиласидан хабар беради. Менинг ёнимда оқ саҳифаларга ёзиб қўйилади. Мен ҳаётлигимда қандай билсам, вафотимдан кейин ҳам худди шундай билиб тураман.”³⁷¹

“Пайшанба кунлари Аллоҳу таоло, қўлларида кумуш дафтар ва олтин қаламлари ушлаган фаришталарни юборади. Улар, пайшанба ва жума кунлари пайғамбарга кўп салот айтганларни ёзадилар.”

“Иккита мусулмон учрашиб мусофаҳалашиб (мусулмонча қўл олишиб), пайғамбарга салавот ўқисалар, бир-биридан ажралмай туриб аввалги ва кейинги гуноҳлари мағфират бўлади.”

370 Абу Нуайм, “Ҳилят-ул-Авлия”, VI, 33-б.

371 Байҳақий, “Шуъаб-ул-Иймон”, III, 111-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашиқ”, LIV, 301-б.

"Биронтангиз масжидга кирганда, пайғамбарга салом берсин ва "Ё Рабби, мени шайтондан сақла" десин!"³⁷²

Бир ривоятда: **"Масжиддан чиқишда "Аллоҳумма инни асъалука мин фадлика"ни ўқисин"** дейилган.

Дуонинг бошида Аллоҳу таолога ҳамду-сано ва Расулulloҳга салавот айтилмағунича дуо парда орқасида қолаверади. Бошида ҳамду-сано ва салавот айтилиб қилинган дуо қабул бўлади.

Расулulloҳ ва оилаларига салавот ўқилмағунича дуо ва осмон орасида парда туради. Салавот ўқилганида ўша парда йиртилиб, дуо самога кўтарилади. Салавот ўқилмаса, дуо орқага қайтарилади.

Бирор мажлисда, йиғинда агар Аллоҳу таоло тилга олинмаса ва Расулulloҳга салавот айтилмаса, у ердагилар устида қамчи пайдо бўлиб, Аллоҳу таоло хоҳласа уларга азоб беради, хоҳласа кечиради.

"Қулоғи шанғиллаган одам мени эсга олиб, салавот ўқисин."

"Бирон ишга ният қилган киши, бу борада маслаҳатлашсин. Шунда Аллоҳу таоло ишида унга тўғри йўлни кўрсатади. Бирон киши, бир сўз айтмоқчи бўлиб, унутса, дарров менга салавот ўқисин. Зеро, менга айтган салотидан кейин сўзига ўрин очилади. Умид қилинадикки хотирлаши мумкин бўлсин."³⁷³

"Хайрли бир ишга Аллоҳнинг исми ва менга салавот айтилиб бошланмаса, у иш нуқсон ва барча баракатдан маҳрумдир."³⁷⁴

Ислом буюкларидан, Абу Ҳафз Қағидий вафот қилганидан кейин бири уни тушида кўриб, "Аллоҳу таоло сенга қандай муомала қилди" деди. "Менга раҳмат ва мағфират қилиб, мени Жаннатга киритди" деди. "Нима сабаб бўлди бунга?" дея сўради. Абу Ҳафз Қағидий "Мени малаклар орасида тўхтатди. Гуноҳларимни ва Расулulloҳга салавотимни ҳисоблаб чиқдилар. Салавотим оғир келди. Аллоҳу таоло уларга, "Эй малакларим, сизнинг ишингиз битди, Уни бошқа ҳисобга тутманг, Уни Жаннатимга киритинглар" дея буюрди", дея жавоб қилди.

Салафдан бири ҳикоя қилади: "Биргаликда ҳадис ўрганиб юрган бир дўстим вафот қилди. Тушимда уни устига яшил хуллалар(жаннат либоси) кийган холда кўрдим. Ундан сабабини сўраганим, "Ҳар бир ҳадисда Расулulloҳнинг исмини кўрганамда унинг ёнига "Саллаллоҳу алайҳи ва саллам" сўзларини ёзардим. Ана шу амалимининг мукофотига Аллоҳу таоло буларни берди" деди.

³⁷² Ибн Абий Шайба, "ал-Мусаннаф", I, 374-б, VII, 124-б.; Абу Нуайм, "Ҳияят-ул-Авлия", VII, 139-б.

³⁷³ Термизий, "Фитан", 78-б.; Суютий, "Жами-ул-Аҳодис", III, 457-б.

³⁷⁴ Аҳмад бин Ханбал, "ал-Муснад", II, 359-б.; Абдулраззоқ, "ал-Мусаннаф", XI, 163-б.

Салафдан яна бири ҳикоя қилади: “Бир котиб қўшним бор эди, у вафот этди. Уни тушимда кўрдим ва ундан “Аллоҳу таоло сен билан қандай муомалада бўлди”, деб сўрадим. “Бағишлади”, деди у. “Нима сабабдан”, дедим. Расулulloҳнинг исмини қаерга ёзган бўлсам, ҳамиша унинг ёнига “Саллаллоҳу алайҳи ва саллам” сўзини ҳам қўшиб ёзганлигим учун” деди.”

Абу Сулаймон Дороний ҳикоя қилади: Ҳадис ёзганимда, Пайғамбар ҳазратларининг шарафли исмлари ёнида “саллаллоҳу алайҳ” дея ёзардимда “ва саллам” сўзларини ёзмасдим. Тушимда ўзларини кўрдим. У зот менга марҳамат қилдиларки: “**Эй Аба Сулаймон, ҳадисда исмиمنى ёзган вақтингда салот билан бирга “ва саллам” ни ҳам ёз. У тўрт ҳарфдир. Унинг ҳар бир ҳарфига ўнтадан савоб бор. Ёзмайдиган бўлсанг, қирқта савобни ташлаб кетган бўласан.**” Бошқа бирида ҳам шунақа одат бор эди. Унга ҳам тушида Расулulloҳ, “**Сенга нима бўлган, нега менга салотни тўлиқ ёзмайсан?**” дея марҳамат қилдилар.

Абу Бакри Сиддиқ айтдиларки: “Унутишдан кўрққан киши, Расулulloҳга кўп салават ўқисин.”

Солиҳларнинг улуғларидан Муҳаммад бин Саид бин Мутарриф ҳикоя қилади: Ҳар куни кечаси ётаётганимда муайян миқдорда салот ўқирдим. Бир кечаси тушимда Расулulloҳ келдилар. Ичкарига кирдилар. Хонамнинг ичи нурга тўлди. Ундан сўнгра менга тўғри келиб, “Қани, менга кўп салот ўқиган оғзингни бир ўпайин” дея марҳамат қилдилар. Мен эса, Унга оғзимни тутишдан уялдим-да, ёноғимни тутдим. Муборақ оғизлари билан мени ўпдилар. Чўчиб уйғондим. Мен ётган хона ичини мушк ифори қоплаганди. Саккиз кун ёноғимдан бу хушбўй ифор кетмай юрди.

Салафнинг улуғларидан Ҳаллад бин Касир вафот этганида, унинг ёстиғи остидан “Бу Ҳаллад бин Касирнинг Жаҳаннамдан қутилганлиги ҳақида ҳужжатдир” деб ёзилган бир қоғоз топиб олдилар. Марҳумнинг яқинларидан, “Бу кишининг амали қандай эди” дея сўрадилар. “Ҳар Жума куни салават келтирарди”, дейишди.

Шайх Айнийнинг “**Зайнул-Мажолис**”ида ёзилишича: Расулulloҳ “**Қиёмат куни уч гуруҳ инсон, ундан бошқа биронта ҳам соя бўлмаган Аршнинг сояси тагида бўладилар**” дея марҳамат қилдилар. “Улар кимлар?” деб сўрадилар. “**Умматимни ташвишлардан қутқарганлар, суннатимни тиклаганлар ва менга кўп салават келтирганлар**” дея марҳамат қилдилар.

Шайх Абу Мусо Даририй баён қилади: Денгизда қаттиқ тўфонга

дуч келдик. Ҳамма ўлим кўркувиан йиғларди. Шундай таҳликали вақтда мени уйқу босди ва ухлаб қолдим. Тушимда Расули акрамни кўрдим. У менга “Кемадагиларга айт, минг марта “Аллоҳумма солли ало саййидино Муҳаммадин ва ало Оли саййидино Муҳаммад, солатан тунжино биҳа мин жамиъил аҳволи вал-офат ва тақди лано биҳа жамиъал ҳажат ва тутаххируно биҳа мин жамиъис-саййиат ва тарфаъуно биҳа индака оълад-даражот ва тубаллиғуно биҳа аксал-ғоёт мин жамиъил ҳайрати фил-ҳаёти ва баъдал мамот” ўқисинлар” деб марҳамат қилдилар. Биз эндигина уч юз марта ўқигандик, тўфон тинди, балодан қутулдик. Мазкур салот турли муҳим ишларда, офатларда, зилзилада ўқилиши тавсия қилинади. Муътабар китобларда, салотнинг қандайлиги хусусида қирқдан ортиқ ҳадислар бор. Улардан баъзилари куйидагилардир:

“Аллоҳумма солли ало Муҳаммадин ва ало Оли Муҳаммад, кама соллайта ало Иброҳима ва ало Оли Иброҳим, ва борик ало Муҳаммадин ва ало Оли Муҳаммад, камо боракта ало Иброҳима ва ало Оли Иброҳим, иннака ҳамидун мажид.”

“Аллоҳумма солли ва саллим ва борик варҳам ало саййидино Муҳаммадин хува саййид-ул Араби вал Ажам. Вал имоми Маккатил мукаррамати вал Мадинат-ил мунавварати вал ҳарам. Аллам-ал инсона молам ёълам.”

“Аслуҳу нурун ва наслуҳу Одам. Баъсуҳу муаҳҳарун ва халқуҳу муқаддам.”

“Исмух-уш шарифу мактубун алал Лавҳ-ил маҳфузи биёқ-ил қолам. Ва жисмуҳ-уш шарифу мадфунун фил Мадинат-ил мунавварати вал ҳарам. Ё лайта актаҳилу туробаллазий тахт-ал қодам.

Фа тубо сума тубо лиман дао ва табиоҳу ва лиман аслама соҳиб-аш шафоатилл оламин.

Қоилан ё Раббий! Саллим умматий, умматий ва уммато ёз ал лутфий вал карам.

Фа юнод-ил мунодий мин кибал-ир Раҳмон, қабилту шафоатака ё Набийял муҳтарам. Удҳул-ул Жанната ло ҳавфун алайқум вало хузнун вало алам.

Сумма Родиаллоҳу таоло ан Абий Бакрин ва Умара ва Усмона ва Алийин зил Карам.

Ва саллаллоҳу ало саййидино Муҳаммадин вал ҳамду лака ё Раббал оламин. Би ҳурмати Саййид-ил мурсалийн.”

Муборак исм ва кунялари

Муҳтарам пайғамбаримизнинг энг кўп ишлатиладиган исмлари **“Муҳаммад”** дир.

Луғавий маъноси, "жуда кўп мақталиб, мадху сано қилинган, энг кўп манзур ва мақбул бўлган" деган маъноларга келади. Ушбу исм, Куръони каримда "Ол-и Имрон", "Аҳзоб", "Фатҳ" ва "Муҳаммад" сураларининг 144-, 40-, 29- ва 22- ояти карималарида тўрт марта учрайди. "Соф" сураси 6-ояти каримасида эса, ҳазрати Исонинг ўз умматига, пайғамбаримизни **“Ҳақ таолони кўп мақтаган, мадх этган”** деган маънони англатувчи **“Аҳмад”** исми билан хабар бергани зикр қилинган. Куръони каримда **“Муҳаммад”** ва **“Аҳмад”** исмларидан ташқари Маҳмуд, Расул, Набий, Шаҳид, Башир, Назир, Мубашшир, Мунзир, Дой-и илаллох, Сирожи Мунир, Рауф, Раҳим, Мусаддиқ, Музакир, Муддассир, Абдуллох, Карим, Ҳақ, Мунир, Нур, Ҳотамун-Набийийин, Раҳмат, Неъмат, Ҳодий, Тоҳа, Ёсин... деб тилга олинган. Шу билан бирга муҳтарам пайғамбаримизнинг бошқа муборак исмларидан бир қисми Куръони каримда, бир қисми ҳадиси шарифларда, айримлари эса, аввал келган пайғамбарларга юборилган муқаддас китобларда зикр этилган.

Пайғамбаримизнинг исмлари баъзи ҳадиси шарифларда, Моҳи, Оқиб, Мукаффий, Набиййур-Раҳма, Набиййут-Тавба, Набийй-ул-Мулоҳим, Қаттол, Мутававакил, Фотиҳ, Ҳотам, Мустафо, Уммий, Кусам (ҳар қандай хайрни ўзида жамлаган) номлари билан учрайди.

Масалан бир ҳадиси шарифда пайғамбаримиз: **“Менга махсус бешта исм бор. Мен Муҳаммадман, мен Аҳмадман, мен Моҳийдурманки, Аллоҳу таоло мен орқали куфрни йўқ қилади. Мен Ҳоширманки, халқ қиёмат куни менинг ортимдан ҳашр қилинади (қайта яратилади). Мен, Оқибманки, менадан кейин пайғамбар бўлмайди.”**- дея марҳамат қилганлар.³⁷⁵

Севимли Пайғамбаримизни, ҳазрати Ҳадижадан дунёга келиб, кичиклигида вафот этган ўғли Қосим туфайли **“Абул-Қосим”** деган куня билан ҳам атаганлар. Яна пайғамбарликларидан олдин у зотдаги тўғрилиқ, эътимод, ишончли, амин бўлишлари сингари сон-саноксиз фазилатлари туфайли Қурайш қабиласи орасида **“Ал-Амин”** исми билан чақирилдилар.

³⁷⁵ Байҳақий, *“Шуъаб-ул-Имомон”*, III, 436-б.; Қози Иёз, *“Шифо-и шариф”*, 230-б.; Шамсиддин Шомий, *“Субулу-л-Ҳудо”*, I, 403-б.

Расулulloҳнинг Қуръони каримда учраган исмларидан бири эса, Қуръони каримнинг юраги ҳисобланувчи "Ёсин" сурасидаги "Ёсин" сўзидир. Уламои росихийн улуғларидан бўлмиш Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари: "Ёсин сўзининг маъноси: "Эй менинг муҳаббат дарёмнинг ғаввоси бўлган ҳабибим" демакдир" деганлар.

Муҳтарам пайғамбаримизни мадҳ этувчи кўплаб шеър ва касидаларни ҳисобга олмаганда, У зот ҳақларида неча-неча йирик асарлар битилган. Муаллифлар орасида шуҳрат ва санъатлари билан бутун дунёга машхур бўлганлари ҳам, Расулulloҳни муносиб даражада мадҳу сано этишга ожизлик қилганларини баён этишган. У зотни кўриб, ҳуснларига ошиқ бўлганлар, Расулulloҳнинг жамолини таърифлашга инсон кучи етмаслигини эътироф қилишган.

Ҳиля-и Саодат

Ҳабиби акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг ташқи киёфаларини тасвирлаш, жамоли, шакли-шамоилларини таърифлашга "**Ҳиля-и саодат**" дейилади.

Ислом олимлари, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ташқи кўринишларини, барча узвлари, шакли, сифатлари, гўзал хулқ-атвори ва кичик хусусиятларигача бутун ҳаётини очиқча ҳужжат-далиллари билан ёзиб қолдирганлар. Ушбу маълумотлар, шахсан пайғамбаримизнинг ўз баёнлари бўлмиш ҳадиси шарифлардан ва Асҳоби хабар берган дараклардан жамланган. Шундай маълумотларни ўзида мужассам қилган асарларга сияр китоблари (ахлоқ ва юксак васфлари; ҳазрати пайғамбаримизнинг ҳаётларига бағишланган китоблар) дейилади. Минглаб сияр китоблар орасида муҳтарам пайғамбаримизнинг ҳиля-и саодатларини баён қилган энг машхурлари қаторига, имоми Термизийнинг "**аш-Шамоил-ур-Расул**", Қози Иёзнинг "**Шифо-и шариф**", имоми Байҳақий ва Абу Нуайм Исфохонийнинг "**Далоил-ун-Нубувва**"лари билан имоми Қасталоний ҳазратларининг "**Мавоҳиб-и Ладунния**" сингари қимматбаҳо асарлари киради.

Ҳадиси шарифларда ва Асҳоби киром баён қилган хабарларда, севгили пайғамбаримизнинг ҳиля-и саодатлари куйидагича таъриф этилади:

Фахри коинотнинг муборак юзлари, бутун аъзои шарифалари, муборак овозлари барча одамзотнинг юз, аъзо ва овозларидан чиройли, кўркам ва гўзал эди. Муборак юзлари бир мунча юмалоқдан келган бўлиб, хурсанд пайтларида ойдек нурланарди.³⁷⁶ Севинчлари муборак пешоналаридан маълум бўларди. Расулulloҳ кундуз қандай кўрсалар, кечаси ҳам худди шундай кўра олардилар. Олдларида бўлганларни кўрганларидек, орқа томонларини ҳам ўгирилмай кўра олишдек ноёб хислатга эга эдилар. Ёнларига ёхуд орқаларига қарамокни ихтиёр қилганларида бутун баданлари билан бурилиб қарардилар. Ер юзига осмондан кўра кўпроқ қарардилар. Муборак кўзлари йирик бўлиб, киприклари узун эди. Муборак кўзларида бироз қизиллик бўларди ва кўз қорачиғи ниҳоятда қопқора эди. Муборак кўзларига кечалари сурма суртардилар. Фахри оламнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) пешоналари очиқ эди. Муборак қошлари ингичка бўлиб, ораси очиқ эди. Иккита қошлари орасидаги томир, хиддатланганларида бўртиб чиқарди. Муборак бурнлари ниҳоятда чиройли кўринишга эга бўлиб, ўрта қисми бироз дўнғроқ кўринарди. Муборак бошлари катта эди. Муборак оғзи кичик эмасди. Муборак тишлари оппоқ бўлиб, олдиндагилари сийрак эди. Гапирганларида тишлари орасидан худди нур чиқаётдек кўринарди.

Аллоҳу таолонинг бандалари орасида Ул зотдан ҳам аниқроқ, маънолироқ ва ширинроқ сўзловчи киши бўлмаган. Муборак сўзлари жуда осон тушунилар, қалблар ва руҳларни ўзига жазб этарди. У зот сўзлаганларида сўзлари худди инжу-маржондек дона-дона тизилиб чиқарди. Шу боис сўзларини санамокчи бўлганлар, бемалол санашга имкон топарди. Баъзан яхшироқ тушунилиши учун сўзларини уч марта такрорлардилар. Жаннатда ҳамма худди Муҳаммад (алайҳиссалом) каби гаирадиган бўлади. Муборак овозлари, ҳеч кимнинг овози етмайдиган жойларгача етиб борарди.

Фахри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) мутабассим, очиқ чехрали, истаралари иссиқ инсон эдилар. Кулишлари табассумдан иборат бўлиб, олдинги тишлари кўринарди. Табассум қилганларида нурлари деворларга акс этарди. Йиғиси ҳам, худди кулишларидек енгил эди. Асло қаҳқаҳа билан кулмасдилар, овоз чиқариб йиғламасдилар. Лекин хафа бўлиб, ғам чекканларида муборак

³⁷⁶ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 459-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, II, 605-б.; Бағавий, “ал-Анвор”, I, 242-б.

кўзларидан ёш оқарди, муборак кўксининг инграгани эшитиларди. Умматининг гуноҳлари ҳақида ўйлаганларида, Аллоҳу таолодан кўркувидан, Қуръони карим тиловатини эшитганларида ва баъзан намозда йиғлардилар.

Фаҳри олам сарваримизнинг муборак бармоқлари йирик бўлиб, қўллари этли эди. Муборак ҳовучлари ичи кенг эди. Бутун вужудининг ҳиди мушки анбардан ёқимлироқ эди. Муборак баданлари, ҳам юмшоқ, ҳамда бақувват эди. Анас бин Молик айтадилар: “Расулulloҳга ўн йил хизмат қилдим. Муборак қўллари ипакдай юмшоқ эди. Муборак таналаридан мушки анбар ва гулдан ҳам хушбўйроқ хид тараларди. Муборак қўл ва оёқлари узун эди. Муборак оёқ бармоқлари йирик бўлиб, оёқ таги унча баланд бўлмай юмшоқ эди. Муборак қоринлари кенг бўлиб, кўкраклари билан бир хил сатҳда эди. Елка суяклари йирик бўлиб, муборак кўкраклари кенг эди. Расулulloҳнинг қалби шарифлари назаргоҳи илоҳий эди.”

Расули акрам жанобимиз, унча узун бўйли бўлмаганидек, қисқа бўйли ҳам эмасдилар. Ёнларига узунроқ бўйли киши келса, жанобимиз ундан узун кўринардилар. Ўтирганда муборак елкалари, ўтирганларнинг ҳаммасидан баландроқ кўринарди.

Муборак соч ва соқол толалари на жингалак, на тикка ва текис бўлмай, яратилишдан тўлқинсимон эди. Муборак сочлари узун эди. Олдинлари кокил қўярдилар, кейинроқ иккига ажратиб қўядиган бўлдилар. Муборак сочларини баъзан узунроқ ўстирардилар, баъзан қирқиб, қисқартардилар. Соч ва соқолларини бўямасдилар. Вафот этганларида соч ва соқолларидаги оқ толалар сони йигирматадан кам эди. Муборак мўйлабларини қирқиб юрардилар. Мўйлабларининг узунлиги билан шакли худди муборак қошлари узунлиги билан шаклидек келарди. Амрларига омода шахсий сартарошлари бўларди.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) сарсаримиз, мисвок (тиш чўткасини) ва тароғини доим ёнларига олиб юрарди. Муборак соч ва соқолларини тараганларида ойнага қарардилар. Фаҳри коинот жанобимиз, олдларига қараб илдам юрардилар ва бирон жойдан ўтиб кетгани хушбўй хидларидан маълум бўларди. Расулulloҳ араб эдилар. Яъни оқу-қизғиш ёноқли, оқ танли қавмга мансуб бўлиб, ғоятда чиройли, барно, нурли ва ёқимли эдилар. Кимда ким, муҳтарам пайғамбаримизни қоратанли эди деса, кофир бўлади.

"Араб" сўзи луғатда "ғўзал", "чиройли" деган маъноларга келади. Масалан, "лисон араб" дейилса, "чиройли тил" деган маъно тушунилади. Истилоҳда (атама маъноси) эса, яъни географияда "араб", "Арабистон" деб аталувчи ярим оролда туғилиб, ўша жойнинг иқлими, ҳавоси, суви ва озиқ-овқати билан вояга етган, маҳаллий халқ қонидан бўлган кишини англатади. Худди шунингдек "Анатолия" (Онадўли) яримороли халқидан бўлганларга "турк", Болгарияда туғилиб ўсганларга "болгар", Олмониядагиларга "олмон" ёхуд "немис" деганларидек, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам Арабистон ярим оролида туғилиб ўсганлари боис арабдирлар.

Араблар оқтанли, бугдой ранг инсонлардир. Айниқса пайғамбаримизнинг сулоласи оқтанли бўлиб, чиройли одамлар эди. Зотан боболари Иброҳим алайҳиссалом, оқтанли бўлиб, Басра шаҳри аҳолисидан Торух исмли оқтанли мўминнинг ўғли эди. Бутпараст ва ҳайкалтарош Озар эса, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўз отаси эмас, амакиси бўлиб, ўғай отаси эди.

Севимли пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳнинг барнолиги Мисргача ёйилган ва пешонасидаги нури сабабли теварак-атрофдан икки юзга яқин қиз, унга турмушга чиқиш умидида Маккага келишганди. Бироқ Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури, Амина онамизга насиб бўлди.

Амакилари Аббос ва унинг ўғли Абдуллоҳ ҳам оқтанли эди. Пайғамбаримизнинг қиёматгача авлодлари ҳам оқтанли, келишган, кўркам кишилар бўладилар.

Расулulloҳнинг саҳобалари ҳам оқтанли ва чиройли инсонлар эди. Усмон (родиаллоҳу анҳ) оқ-сарикдан келган зот эди. Расулulloҳнинг Рум императори Ҳирақл ҳукуматига юборган элчиси Дихя-и Калбий жуда келишган йигит эди. У ҳар гал элчи бўлиб Рум диёрига борганида хуснини кўриш илинжида рум қизлари кўчаларга чиқиб туришарди. Жаброил (алайҳиссалом) пайғамбаримизга кўпинча Дихя (родиаллоҳу анҳ) қиёфасида келарди.

Миср, Шом, Африка, Сицилия ва Испания аҳолиси араб эмас. Араблар Исломиятни дунёга ёйиш мақсадида Арабистон яриморолидан чиқиб, ушбу ўлкаларга борганлари туфайли, у ерларда арабларни учратиш мумкин. Шунингдек Анатолия, Ҳинд яримороллари, Туркистон диёри ва бошқа мамлакатларда ҳам

кўп араб асли қавмлар мавжуд. Шунга қарамасдан бугун ушбу мамлакатларнинг ҳеч бирининг аҳолисини "араб" деб аташ тўғри бўлмайди.

Миср аҳолиси қорачадан келган бўлади. Ҳабашистон аҳолиси эса, қора танли бўлиб, уларга "ҳабаш" дейилади. Зангибар аҳолисига "занжи" ёки "занги" дейилади, улар ҳам қора танли. Пайғамбаримизнинг қариндошларини, неварачевараларини севмоқ, уларга ҳурмат-иззатда бўлмоқ ибодатдир. Уларни ҳар бир мусулмон севиб, ҳурмат қилади. Бир замонлар хилофат маркази бўлган Онадўли ва Истанбулга мусофир бўлиб келган қора танли деҳқон, ишчи, чўпонлар, ҳабаш ва занжилар ҳурмат-иззатга беланиш учун ўзларини араб деб таништирганлар. Онадўлидаги оқкўнгил мусулмонлар уларнинг сўзларига ишониб, алоҳида ҳурмат кўрсатганлар. Чунки мусулмонлар орасидаги ҳурмат-эҳтиромда бадан ранги зиғирча аҳамиятга эга эмас. Қора танли мусулмон оқ танли кофирдан минглаб марта устун, қийматли ва севиклидир. Одамнинг қора танли бўлиши, иймонининг шарафини туширмайди. Билол Ҳабаший ҳазратлари билан Расулulloҳ жуда яхши кўрадиган Усома (родиаллоҳу анҳум) қора танли эдилар. Ёмонлиги ва тубанлиги ҳаммага маълум Абу Лаҳаб билан Абу Жаҳл каби кофирлар оқ танли эди.

Аллоҳу таоло одамнинг рангига эмас, иймон қуввати билан тақвосига қиймат беради. Лекин охири асрларда қоратанлиларнинг ўзларини араб деб танитишлари, ислом душманлари билан яҳудийларга қўл келди. Улар бир томондан қора танли халқларни кул сифатида ишлатиб, бутун оламга уларни паст ва жирканч қилиб кўрсатишди. Нариги томондан қора ит-мушукларга "араб" деган от қўйишни оммавийлаштиришди. Газет-журналларда қора танлиларни ҳажв қилувчи карикатуралар чоп қилиб, улар устидан "араб" деб таҳқирлашни одатга айлантиришди. Шу тариқа мусулмон ёшлар онгида "араб" билан қоратанлиликни бир қилиб кўрсатишга, шу орқали мусулмон болаларини пайғамбаримиздан совутишга уринишди.

Чиройли, гўзал хулқларнинг барчаси муҳтарам пайғамбаримиз шахсларида мужассам эди. Чиройли ахлоқлари ваҳбий, яъни Аллоҳу таоло тарафидан туғма берилган бўлиб, касбий эмас, яъни ўқиб-ўрганиб, кейиндан ўзлаштирилган эмасди. Бирор мусулмоннинг исмини тилга олиб, унга ҳеч қачон ва ҳеч қандай ҳолатда лаънат

ўқимаганлар. Асло муборак қўллари билан бирон кишини урмаганлар. Аллоҳ учун ўч-интиқом олганлар. Лекин ўз нафслари учун ҳеч кимдан интиқом олмаганлар. Қариндош-уруғ, Асҳоб ва хизматчиларига доимо тавозе билан яхши муносабатда бўлдилар. Уй ичида жуда мулойим ва очиқ чеҳрали эдилар. Касаллардан хабар олар, жанозаларга иштирок этардилар. Саҳобаларнинг ишларига ёрдам берар, болаларни кучоқларига олиб, эркалатардилар. Лекин қалблари булар билан банд бўлмасди. Муборак руҳлари доимо малоикалар оламида эди.

Расулulloҳ гоятда салобатли эдилар, шу боис Ул зотга тўсатдан рўпара бўлиб қолган одамни бирданига титроқ босарди. Агар ўзлари жуда мулойимлик кўрсатмасалар, пайғамбарлик салобатларидан ҳеч ким Ул зотнинг қошида ўтиришга ёхуд сўзларини эшитишга тоқат келтиролмасди. Ҳолбуки пайғамбаримиз юксак ҳаё ва одоблари туфайли ҳамсуҳбатининг юзига тик қарамасдилар.

Фаҳри олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, одамзотнинг энг саҳийи эдилар. Бирор нарса сўраб борганларга "йўқ" деб жавоб берганлари кўрилмаган. Сўралган нарса бор бўлса, берардилар, йўқ бўлса, сукут сақлардилар. Атрофига хайр-эхсон ва яхшиликлари шунчалар кўп эдики, Рум императорлари, Эрон шоҳлари ва ҳеч қайси ҳукмдор Ул зотдек эҳсон қилолмасди. Лекин ўзлари ҳаёт аччиқ-чучугини татиб яшашни хуш кўрардилар. Шундай оддий ҳаёт кечирганларки, ейиш-ичиш хаёлларига ҳам кириб-чиқмасди. Ҳеч қачон "овқат келтиринг очқадиқ" ёки "фалон овқатни пиширинг" демасдилар. Овқат келтирсалар еярдилар, қандай мева икром қилинса, қабул қилардилар. Баъзан ойлар бўйи жуда кам овқатланар, очликни ёқтирардилар. Баъзан эса, кўп еган пайтлари ҳам бўларди. Овқатдан кейин сув ичмасдилар. Сувни фақат ўтириб ичардилар.³⁷⁷ Одамлар билан бирга овқатланганларида, ўртадаги таомдан ҳаммадан кейин қўл тортардилар.³⁷⁸ Ҳаммининг совға-сало ва ҳадяларини қабул қилардилар. Ҳадя олиб келганларга икки-уч мисли қилиб қайтарардилар.

Ҳар хил либос кийиш одатлари эди. Бошқа давлат элчилари келганда безаниб, қиммат ва нафис либослар кийиб, хусни малоҳатларини кўрсатардилар. Тоши ақиқдан бўлган кумуш узук тақардилар ва ундан муҳр сифатида фойдаланардилар. Узуклари

³⁷⁷ Қасталоний, "Мавоҳиби ладуннийя", 318-б.

³⁷⁸ Қасталоний, "Мавоҳиби ладуннийя", 319-б.

кўзига “**Муҳаммадун Расулуллоҳ**” деб ёзилган эди. Ётоқлари теридан бўлиб, ичига хурмо қипиқлари солинган эди. Баъзан ўша тўшакда, баъзан ерга тўшалган терида, баъзан эса, шолча ёки курук тупроқ устида ҳам ётардилар. Муборак ҳовуч ичини ўнг ёноғи тагига қўйиб, ўнг ёнлари билан ётардилар.³⁷⁹ Закот олмасдилар, хом пиёз ва саримсоқ каби сабзавотларни емасдилар ва шеър ўқимасдилар.

Муҳтарам пайғамбаримизнинг муборак кўзлари уйкуга кетса ҳам, қалби шарифлари ухлмасди. Оч ётиб, тўқ уйғонардилар. Ҳеч эснамасдилар. Муборак вужудлари нуроний бўлиб, сояси ерга тушмасди. Либосларига пашша (чивин) қўнмасди, чивин сингари ҳашоратлар муборак қонларини сўрмасди. Аллоҳу таоло тарафидан пайғамбарлиги билдирилгандан кейин жиншайтонлар кўкларга чиқиб, келажакдан хабар ололмайдиган бўлиб қолди. Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз, бизга номаҳлум, таффақуримизга сиғмайдиган ўзгача тарзда ҳозир ҳам ҳаётлар. Ул зотнинг жасади шарифлари асло чиримайди. Қабрларида вазифали бир фаришта, уммати ўқиган салавати шарифаларни зоти олийларига хабар бериб туради. Минбар ва қабри шарифлари орасига “**Равзаи мутаҳҳара**” дейилади. У ер жаннат боғларидандир. Қабри шарифларини зиёрат қилиш, тоатларнинг энг улуғи ва ибодатларнинг энг муҳимларидандир.

Пайғамбаримизнинг хусни жамолларини Асҳоби киром улуғлари куйидагича таърифлаганлар: Абу Ҳурайра: “Ҳаётимда Расулуллоҳдан ҳам барно ва хушсурат одамни учратмадим. Худди куёш Ул зотнинг юзида порлаётгандек кўринарди. Қулганларида тишлари деворларга ёруғлик сочарди” деган.

Ибни Абий Ҳола: “Пайғамбаримизнинг муборак юзлари, ўн тўрт кунлик ойдек тиниқ ва нурланиб турарди” деган.

Ҳазрати Али: “Ул зотни тўсатдан кўрган кишини ҳайбатидан кўрқув чулғаб оларди. Зоти олийлари билан суҳбатлашиб, таниган одам дарров севиб қоларди” деган.

Жобир бин Самура: “Бир куни Расулуллоҳ муборак қўллари билан юзимни силадилар. Қўлларидан худди агтор сандиғидан энди чиққандек хушбўй хид ва майинлик сездим. Расулуллоҳ биронтаси

379 Бағавий, “*ал-Анвор*”, I, 358-б.

билан қўл бериб кўришсалар, кун бўйи ҳалигаи кишининг қўлидан ўша ёқимли ҳид кетмасди” деган.³⁸⁰

Ҳазрати Ойша волидамиз: “Расулulloҳ бирон боланинг бошини силасалар, у бола болалар орасида ўша ёқимли ҳид сабабли ажаралиб турарди” деган.³⁸¹

Расулulloҳ (саллалллоҳу алайҳи васаллам) бир куни уйларида уйқуга кетдилар. Ўшанда Анас бин Моликнинг онаси Умми Сулайм (Бу аёл Пайғамбар жанобимизнинг сут холаси бўларди) келди. Расулulloҳнинг муборак юзларида маржон маржон тер томчилари пайдо бўлганди. Умми Сулайм муҳтарам пайғамбаримизнинг терларини аста-секин йиғиб ола бошлади. Сарваримиз уйғониб, сабабини сўраганларида “Уни атиримизга аралаштирамиз, чунки терингиз энг хушбўй атирдир” деди.³⁸²

Абу Ҳурайра: “Юраётганда Расулulloҳдан ҳам илдамрок юрадиган одам кўрмадим. Ул зот юра бошлаганларида худди ер оёқлари остидан ўтишга уринаётгандек сезиларди. Улар билан бирга юрганимизда биз бор кучимиз билан етиб олишга уринардик” деган.

Муҳтарам пайғамбаримиз фавқулodда чиройли ва равон гапирардилар. Сўзни қаердан бошлаб, қаерда тугатишни энг мукамал тарзда билардилар. Муборак каломлари, айтилиш жиҳатидан ниҳоятда тиниқ, дона-дона, равон, ғоят фасиҳ ва балиғ эди. Гап ва калималарида маънонинг теранлиги, аниқлиги доимо ўзини кўрсатиб турарди. Бирон масалани таърифлаш, ифодалаш қудрати ул зотда фавқулodда юксак бўлганлигидан, гапирётганларида асло тutilмас ва қийналмасдилар.

Ҳусни жамоллари

Уламои росиҳийн деб аталувчи, зоҳир ва ботин илмларида устод, пайғамбаримизга ворис бўлган улуг ислom олимлари, Ул зотни бутун ҳусни жамоллари ила кўриб, ошиқ бўлганлар.

Шундай ошиқларнинг энг биринчиси Абу Бакр Сиддик ҳазратларидир. У, Расулulloҳнинг (саллалллоҳу алайҳи васаллам)

³⁸⁰ Муслим, “Фазоил”, 120-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, II, 228-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 68-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, II, 74-б.

³⁸¹ Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 68-б.

³⁸² Муслим, “Фазоил”, 125-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 221-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XXV, 119-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, I, 254-б.

нубувват нурларини кўриб, фазилат, малоҳат ва юксакликларини идрок этиб, ошиқ бўлган. Ушбу муҳаббатда шунчалик теранлашганки, бошқа ҳеч ким унинг даражасига эриша олмаган. Чунки ҳазрати Абу Бақр ҳар он, қаерга қарамасин доимо у ерда Расулуллоҳни кўрарди. Ўша ҳолини пайғамбаримизга арз қилиб: “Ё Расулаллоҳ! Қаерга қарамайин, фақат сизнинг сиймонгизни кўряпман” деганди. Яна бир куни “Бутун яхшиликларимни, сизнинг биргина саҳвингизга (хато) алмашган бўлардим” деганди.

Расулуллоҳнинг ҳусни жамолларини энг яқиндан кўриб, идрок қилганлардан бири, мўминларнинг онаси ҳазрати Оиша волидамиз эди. Ҳазрати Оиша, ўта оқила, олима, мужтаҳид, зукко ва адиба инсон эди. Ғоят балиғ (адибона) ва фасих (чиройли) гапирарди. Қуръони каримнинг маъноларини, ҳалол-ҳаромларни, араб шеърляти ва ҳисоб илмини пухта биларди. Расулуллоҳни мадҳ этувчи шеърлари бор эди. Қуйидаги иккита байтга ҳазрати Оиша волидамиз айтган:

***“Ва лав самийъу фий Мисра авсофа ҳаддиҳий,
Ламо базалу фий савми Юсуфа мин нақдин.***

***Лавиймо Залийҳо лав раайна жабийнаҳу,
Ла осарна бил-қатъил қулуби алал айдий.”***

Таржимаси:

“Агар Мисрдагилар, Ул сарварнинг (Расулуллоҳнинг) ҳуснини эшитган бўлсаларди, (барнолиги оламга дoston бўлган) Юсуф алайҳиссаломга сарик чақа ҳам бермасди. Яъни барча мол-мулкларини, Ул зотнинг ҳусни жамолини кўриш учун сақлаган бўларди. Зулайҳони “Юсуфга (алайҳиссалом) ошиқи беқарор бўлибди” деб ёмонлаган хотинлар, агар Расулуллоҳнинг нур юзларини кўрганларида, бармоқлари ўрнига қалбларини кесишарди-ю, лекин оғриғини сезмаган бўларди.”

Ҳазрати Оиша волидамиз айтдиларки: “Бир куни Расулуллоҳ, муборак пойабзали ипларини ечаётганди. Мен эса, ип йигираётгандим. Муборак юзларига кўзим тушди. Нурли пешонасидан томган тер томчилар чор атрофга нур сочиб, кўзларимни қамаштирарди. Ҳайратимдан қотиб қолибман. Ул зот менга қарадилар-да: “Сенга нима бўлди, нега бунчалар

хайронсан?” деб марҳамат қилдилар. “Ё Расулаллоҳ! Муборак юзингиздагинурларнинг порлаши ва муборак пешонангиздан томган тер томчилари сочаётган ёғдуларга қараб, хушимни йўкота ёздим” дедим. Расулulloҳ қад ростлаб, ёнимга келдилар. Кўзларимнинг орасидан ўпиб: **“Ё Оиша! Худо хайрингни берсин! Сен мени хурсанд қилганингдек, мен сени хурсанд қилолмадим”** дедилар. Ҳазрати Оиша волидамизнинг икки кўзлари орасини ўпишларига сабаб, Расулulloҳни севиб, Ул зотнинг жамолини ҳақиқатан идрок қилиб кўра олгани учун эди. Чунки ул сарварнинг малоҳатларини қалб ва бош кўзи билан кўра олиш давлати ҳаммага ҳам насиб қилавермасди.

Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг муборак вужудларида жамланган ботиний (ички) гўзалликларини кўрсатувчи барноликлар бошқа ҳеч бир фарднинг (одамзоднинг) баданида йиғилмаган.

Имоми Қуртубий ҳазратлари қуйидагича ривоят қилганлар: “Расули ақрам жанобимизнинг гўзалликлари тўла-тўқис кўринмагандир. Агар Ул ҳазратнинг ҳақиқий чиройи очиқча кўрсатилганда, зоти олийларига қарашга Асҳоби киромнинг тоқати етмасди. Борди-ю ҳақиқий гўзалликларини ўзлари намоиш қилганларида ҳеч ким боқишга чидай олмаган бўларди.”

Юсуф алайҳиссалом зоҳирий чиройи (сабоҳати - ташқи чиройи) билан, Расулulloҳ эса, ботиний чиройлари (малоҳати - ички чиройи) билан одамларга кўриндилар. Юсуф алайҳиссаломнинг жамолини кўрганлар беихтиёр қўлларини кесиб олди. Расулulloҳнинг камоллари орқали зуннорлар (ғайридинлар белига боғлайдиган иплар) кесилди, бутлар синдирилди ва куфр булутлари тарқаб кетди.

Асҳоби киром, Пайғамбаримизга: “Ё Расулаллоҳ! Сиз, чиройлироқмисиз ёхуд Юсуф алайҳиссаломми?” деб сўрадилар. Сарваримиз жавобан: **“Қардошим Юсуф менадан сабийҳроқ (чиройлироқ), мен эса, ундан малийҳроқман (севимлироқман). Унинг ташқи чиройи, менинг ташқи чиройимдан кўпроқ эди”** деб марҳамат қилганлар.

Пайғамбаримиз ҳадиси шарифларининг бирида: **“Аллоҳу таоло юборган пайғамбарларнинг ҳар бири чиройли юзли, ширин овозли эди. Сизнинг пайғамбарингиз эса, улар ичида энг хушсурат ва энг хушовозлигидир”** деб марҳамат қилганлар.

Ушбу дарёнинг исмини эшитган, узоқдан кўрган, яқинроқ келган, ичига насибича теранроқ шўнғиғанларнинг барчаси, умрларининг ҳар палласида Расулulloҳ ишқида ёниб-куйиб, муҳаббат ва ошиқликларини мисраларида ифодалаганлар.

Улар орасида энг улуғ ва машҳурларидан бири ушбу муҳаббат дарёсидан кўпроқ насиб олган Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларидир. Ислом олимларининг китобларида ўша ошиқларнинг юзлаб тараннумлари ёзиб қолдирилган. Ўқиганлар Аллоҳу таолонинг севгили пайғамбарини ақл бовар қилмайдиган мутаносиблигу кўз камаштирувчи барноликда яратганини дарров идрок этадилар. Кўрмасдан ул ҳазратга кўнгиллари боғланиб, ошиқ бўладилар.

Ҳабибуллоҳга ошиқ бўлганлар ҳар нафасда ичларига тортган ҳавонинг салқинлигида ул ҳазратнинг муҳаббати лаззатини ҳис қиладилар. Ойга ҳар боққанларида ул зоти бобарокатнинг муборак нигоҳларидан қолган нурлар аксини излаб завқланадилар. Ул зотнинг гўзаллик дарёсидан бир томчига эришганларнинг ҳар бир зарраси:

"Гўзал ёноғингни кўрган, гул-у гулгунга боқмас,

Ишқингда бетоб бўлган, сира дармон ахтармас!" деб, тараннум қилади.

Анас бин Молик ривоят қилган бир ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: **"Ҳеч бирингиз, мен унга ўз авлоди, падари ва бутун халқдан севимлироқ бўлмагунимча иймон келтирган бўлмайсиз."**³⁸³

Бир куни ҳазрати Умар, пайғамбаримизга "Ё, Расулаллоҳ! Аллоҳга қасамки, Сиз менга жонимдан бошқа ҳамма нарсдан ҳам севимлироқсиз" деди. Муҳтарам пайғамбаримиз эса, **"Мени ўз жонидан ҳам ортиқ севмагунча киши иймон келтирган бўлмайди."** дедилар. Шунда ҳазрати Умар: "Ё, Расулаллоҳ! Сизга Куръони каримни нозил қилган Аллоҳу таолога онд ичаманки, Сиз менга жонимдан ҳам севиклисиз." деганида, **"Ё, Умар! Мана энди дуруст бўлди"** дедилар.

Бир киши, сараваримиз ёнларига келиб: "Эй Расулаллоҳ! Қиёмат қачон бўлади?" деди. Пайғамбаримиз: **"Қиёмат учун сен нима тайёрладинг?"** деб сўрадилар. У киши эса: "Тўғри, кўп

383 Муслим, "Иймон", 76-б.; Насоий, "Иймон", 19-б.; Ибни Можжа, "Муқаддима", 9-б.; Аҳмад бин Ханбал, "ал-Муснад", III, 207-б.; Ҳаким, "ал-Мустадрок", II, 528-б.

намоз ўқиб, рўза тутиб, садақа бериб қиёматга тайёрландим. Лекин мен, Аллоҳу таъолони ва Унинг Расулини севаман” деди. Ўшанда пайғамбаримиз, **“Киши севгани билан биргадир”** дея марҳамат килдилар.³⁸⁴

Расулуллоҳни севиш, Уни яхши кўриш, барча мусулмонларга фарзи аиндир. Ул сарварнинг муҳаббати бирон қалбга жойлашса, ҳаётида мусулмонча яшаш, иймон ва исломнинг тўйиб бўлмас завқига эришиш, жуда осонлашади. Ушбу муҳаббат икки жаҳон сарварига нуқсонсиз эргашишга сабаб бўлади. Бундай севги орқали киши, Аллоҳу таолонинг ҳабибига икром қилган чексиз ва таърифи мумкин бўлмаган неъматлару баракатларга эришиш бахтига муяссар бўлади. Катта-кичик барча мусулмонни, тўғридан Расулуллоҳнинг муҳаббатига элтувчи Аҳли суннат олимлари ва уларнинг китоблари ушбу баракатнинг далиллари дир.

Расул (алайҳиссалом)нинг муборак исмларини айтган ёки эшитган мўминнинг Расулуллоҳнинг шарафли мажлисида ўтиргандек сукут, одоб, қалб ва бадан орқали хурмату таъзимда бўлиши вожибдир.

Расулуллоҳнинг муборак сўзлари ёки ишлари ҳақида сўз очилганда, уни сарваримизнинг шонини юксалтувчи бирон нарса билан боғлаб гапириш Ул зотга таъзим ва хурматдандир. Одамлар орасида пасткашликни англатувчи номуносиб сўзлар билан Расулуллоҳни васф этмаслик ҳам Ул зотга таъзим ва хурматдан ҳисобланади. Таъзим - улуғлаш деганидир.

Масалан, Расулуллоҳга "гадо ёхуд фақир" дейилмайди. Уни "чўпон" деб тавсифлаш ҳам беадабликдир. “Расулуллоҳ фалон нарсани ёқтирардилар” дегач “Ваҳоланки мен уни ёқтирмайман” демаслик ҳам, Ул зотга хурмат-эҳтиромни билдиради. Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Мен бирон нарсага ястаниб, суяниб овқат емайман”**³⁸⁵ деганларини эшитиб ё айтиб, ортидан “Мен бўлсам, суяниб еганни маъқул кўраман” демаслик ва суяниб, ёнбошлаб ейишга киришмаслик лозим. Мана шу кабиларга риоя қилиш, Расулуллоҳга бўлган таъзиму хурмат доирасига киради. Буларга атайлаб аҳамият бермаслик нияти билан итоатсизлик қилиш одамни куфрга элтади.

Қуръони карим ва ҳадиси шариф китобларининг устига бошқа

384 Бухорий, “Аҳком”, 10-б.; Термизий, “Зухд”, 50-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 104-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Заويد”, XI, 186-б.; Қози Ибз, “Шифо-и шариф”, 77-б.

385 Суютий, “Авсоф-ун Набий”, 81-б.; Ғазалий, “Иҳё”, II, 877-б.

дуч келган китоб ёки бирон уй ашёси кўймаслик ҳам Аллоҳу таъоло билан Расулига таъзимдандир. Улар устидаги чангни артиш, Аллоҳу таъолонинг исми шарифи ёхуд Расулуллоҳнинг муборак исмлари ёзилган қоғозни ерга ташламаслик ҳам Аллоҳу таъоло билан Расулига кўрсатилган хурмат ва таъзимга киради.

Ундай қоғозлар йиртилмайди. Ислом ҳарфлари ёзилган қоғозларга нисбатан кўпроқ хурмат кўрсатиш лозим. Агар, Аллоҳу таъолонинг исми шарифи, ояти карималар ёзилган китоб ва қоғозлар эскириб, йиртилиб қолган бўлса, уларни тоза матога ўраб, тупроққа кўмиш ёки сувда ювиб ёзувларни ўчириш ёки ёқиб юбориш керак бўлади. Ёқилса, куллари кўмилади. Ёқиб юбориш, ювиб ҳарфларни ўчиришдан яхшироқ. Чунки муборак матнлар ювилган сув оёқ ости бўлиши мумкин.

Расулуллоҳнинг ҳарами бўлмиш Мадинаи мунавварани эъзозлаш, у ерда тақиқланган нарсалардан ёки гуноҳ қилишдан тийилиш ва Мадинаи мунаввара аҳолисига иззат-иқром қилиш ҳам Расулуллоҳга таъзимдан ҳисобланади.

Юксак ахлоқи

Аллоҳу таоло, севимли пайғамбарига (саллаллоҳу алайҳи васаллам) берган яхшиликлари-ю эҳсонларини санаётганда Ул зотга гўзал ахлоқ берганини ҳам таъкидлаб, маолан: **“Сен, гўзал хулқли қилиб яратилдинг”** дейди. Ҳазрати Иқрима айтади: "Абдуллоҳ ибн Аббосдан эшитдим: ушбу ояти каримада ўтган **“Хулук-и азийм”**, яъни "чиройли хулқлар" ибораси, Қуръони карим улуғлаган ахлоқдир. Қалам сураси, 4-ояти каримасида маолан: **“Сен хулук-и азийм узрасан”** дейилди. "Хулук-и азийм": Аллоҳу таоло билан сирдошлик, халқ билан чиройли муносабатда бўлиш деганидир. Жуда кўп инсоннинг Ислом динига киришига Расулуллоҳнинг чиройли ахлоқлари сабаб бўлганди.

Расулуллоҳнинг сўзлари ғоят ширин бўлиб, дилларни тортар, руҳларни жазб этарди. Ақллари шунчалик кўп эдики, Арабистон ярим оролида мезожи қаттиқ, ўжар инсонлар орасидан вужудга келиб, чиройли идоралари, жабру жафоларига сабрлари орқали қавмини юмшоқ табиатга ва итоат келтирдилар. Аксарияти ботил динларини тарк этиб, мусулмон бўлди ва Ислом йўлида оталари-ю ўғилларига қарши ҳарб қилди. Пайғамбаримиз учун мол-мулк ва

юртларини фидо қилиб, жон беришгача борди. Ваҳоланки бундай ишларга одатланмаган халқ эди. Расулуллоҳнинг чиройли хулқ, юмшоқлик, авф, сабру-тоқат, эҳсон ва иқромлари шунчалар кўп эдики, ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Кўрган ва эшитганлар талпиниб, ўз хоҳишлари билан мусулмон бўларди. Пайғамбаримизнинг биронта ҳатти-ҳаракатларида, биронта иш ва сўзларида биронта ўринсизлик ё қинғирликни зарраси ҳам учрамаган. Ўз обрў ва шахсиятлари учун ҳеч кимга араз-адоват қилмаганлари ҳолда, дин душманларига, динга тил ва қўл текказганларга нисбатан бе-шафқат ва қаттиқ қўл эдилар.

Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг минглаб мўъжизаларига дўст-душман бутун олам гувоҳ бўлди. Ўша мўъжизалар ичра энг қадрлиси одоб ва чиройли хулқ манбаи бўлишлари эди.

Абу Саид Худрий ҳазратлари айтади: “Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам), жониворларга ўт юлиб берар, туя боғлар, уй супурар, қўй соғардилар. Пойабзалининг сўкилган жойини тикар, кийимларини ямардилар.³⁸⁶ Хизматчиси билан бирга овқатланар, хизматчиси қўл тегирмонидан чарчаганида ёрдам берардилар. Бозордан у-бу нарса олиб, уйга элтардилар. Бойгадо, катта-кичик ким дуч келишидан қатъи назар, биринчи бўлиб салом берардилар. Улар билан мусофаҳа (қўл бериб кўришиш) учун қўлларини доимо биринчи узатардилар. Қул, хожа, бек, хизматчи, оқу қора барчани тенг тутардилар. Ким чақирса ҳам, ҳар чақирилган жойга борардилар. Олдларига қўйилган таому егулик озгина бўлса ҳам, ҳеч қачон енгил ва беправо қарамасдилар. Тонгдан окшомга ёхуд шомдан тонгга овқат олиб қўймасдилар. Беҳад чиройли ахлоқли эдилар. Яхшилик қилишни севар, ҳаммага яхшилик қилардилар. Юзлари доимо кулиб турар, сўзлари ширин, лекин гапирганда кулмасдилар. Ҳуззли кўринардилар. Лекин қошларини чимирмасдилар. Ғоят камтарин эдилар, лекин паст табиатли эмасдилар. Ҳайбатли бўлиб, суҳбатдошида ўзларига нисбатан ҳурмат ва кўрқув ҳосил қилардилар. Лекин дағал ва кўпол эмасдилар. Нозик ва жўмард эдилар. Лекин исроф қилмас, фойдасиз нарсаларга сарфламас, ҳаммага раҳмдил эдилар. Муборак бошларини ҳамиша олдинга эгиб юрардилар. Ҳеч кимдан ҳеч

386 Газалий, “Иҳё”, II, 877-б.

нарса кутмасдилар. Саодат ва ҳузур талабида бўлган одам Ул зотга ўхшашга ҳаракат қилиши лозим.”

Анас бин Молик айтади: “Расулуллоҳга ўн йил хизмат қилдим. Бирон марта уф деганларини эшитмадим. "Уни нега ундай қилдинг, буни нега бажармадинг",- демадилар.”³⁸⁷

Абу Ҳурайра айтади: “Бир жангда кофирларнинг йўқ бўлиши учун дуо қилишларини сўрадик. Ул зот бизга, **“Мен лаънат этиш, инсонларнинг азоб чекишлари учун юборилмадим. Мен, ҳаммага яхшилиқ қилиш ва инсонларнинг ҳузурга эришишларига сабаб бўлиш учун юборилдим”** дея марҳамат қилдилар.”³⁸⁸ Аллоҳу таоло "Анбиё" сурасининг 107-оятининг каримасида маолан: “(Эй Муҳаммад) **Сени, оламларга раҳмат, яхшилиқ қилиб юбордик**” деб марҳамат қилган.

Абу Саид Ҳудрий айтади: “Расулуллоҳнинг шарму ҳаёлари, бокира Ислом қизларининг ҳаёсидан ҳам кўп эди.”³⁸⁹

Анас бин Молик айтади: “Расулуллоҳ, бирор киши билан мусофаҳа қилиб (қўл бериб) кўришсалар, ҳалиги киши қўлини тортмагунча муборак қўлларини унинг қўлидан олишга ҳаракат қилмасдилар.”³⁹⁰ Ҳалиги киши юзини бурмагунча, муборак юзларини бошқа тарафга қаратмасдилар. Бирон кишининг ёнига ўтирганларида доимо тиззалаб ўтирардилар, унга ҳурмат юзасидан тиззаларини кўтариб ўтирмасдилар.”

Жобир бин Сумура айтади: “Расулуллоҳ кам гапирардилар. Керак бўлганда ёки бир нарса сўралганида жавоб берардилар.” Бундан шундай хулоса қилиш лозимки, ҳар бир мусулмон, молоёний, яъни фойдасиз нарсаларни гапиравермай жим ўтириши лозим. Муборак сўзларида тартил ва тарсил бор эди. Яъни ғоят очик ва тартибли сўзлардилар, гаплари осон тушуниларди.

Анас бин Молик айтади: “Расул алайҳиссалом касаллардан хабар олардилар, жаноза ортида юрардилар, чақирилган жойга борардилар. Эшакка ҳам минардилар. Расул алайҳиссаломни Хайбар жангида кўргандим. Жилови ипдан бир эшак устида эдилар. Расул алайҳиссалом, бомдод намозидан чиққанларида, Мадина болалари

387 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 255-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 291-б.

388 Ғазолий, “Иҳё”, II, 878-б.

389 Муслим, “Ғазоил”, 99-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 71-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, V, 213-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 368-б.; Байхуқий, “ас-Сунан”, II, 477-б.; Баавий, “ал-Анвор”, I, 264-б.

390 Ғазолий, “Иҳё”, II, 879-б.

билан ишчилари сув тўла идишларини олдларига олиб келишарди ва муборак бармоқларини сувга солишларини илтимос қилишарди. Пайғамбаримиз, қиш ва сув совуқ бўлса ҳам ҳеч қайсисининг истагини рад қилмай, кўнгилларини хушнуд қилардилар.”³⁹¹

Пайғамбаримиз ҳаё ва ибo борасида ҳам барча яратилганлардан устун эдилар. Муносиб бўлмаган нарсаларни кўрмаганга олардилар. Ҳеч кимга нисбатан унга хуш келмайдиган сўз билан хитоб қилмасдилар.

Ҳазрати Оиша волидамиз ҳикоя қилган: “Расулulloҳга, бирор кишининг ёқимсиз бир иш қилгани ҳақида хабар етганида, исмини тилга олмай, умумий шаклда **“Нега ундай қиладилар-а?”** деб, таажжубларини билдирардилар. Шу йўсинда ҳалиги одамни қилган ёки айтган ёмон ишидан қайтарардилар, яна исмини ҳам халққа ошкор қилмасдилар.”³⁹²

Анас бин Молик ҳикоя қилади: “Бир куни пайғамбаримиз ҳузурларига, юзига сариқ бир нарса юққан киши келди. Унга ҳеч нима демадилар. Хафа қиладиган сўз ҳам айтмадилар. У кетгач **“Унга юзингни юв, десангизлар бўларди!”** дея марҳамат қилдилар.”³⁹³

Расулulloҳ доимо қавмларни бирлаштирувчи эдилар. Уларни бир-бирига нафрат қилдирмасдилар. Ҳар қавмнинг улуғига алоҳида иззат-икром кўрсатиб, тўрға ўтказардилар.

Ҳеч кимни ўз муборак жамолларини кўришдан маҳрум этмасдилар. Асҳобидан хабар олиб турардилар, кўринмай қолганларини сўраб-суриштирардилар. Ёнларига ўтирганларга насиҳат қилиб, ҳар бирига насибларини берардилар.

Муносабатлари орқали, ҳеч кимда бирор кишини ўзгалардан кўпроқ ёқтирар экан, деган тушунча пайдо қилмасдилар. Олдларига шикоят билан келган ҳар бир кишининг аҳволини тушуниб, гапларига сабр қилар, диққат билан қулоқ солардилар.

Ҳузурларига келган киши туриб кетмагунча, уни шу ҳолича ташлаб кетмасдилар. Истисносиз ҳаммага чиройли муносабат ва одоб-ахлоқларини мукамал тарзда намоён қилардилар. Улар наздида ҳақ ва адолат жиҳатидан ҳамма тенг бўлиб, ҳеч кимнинг ўзгалардан устунлиги, имтиёзи йўқ эди.

391 Ибни Можа, “Зухд”, 16-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, II, 506-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 371-б.; Байҳақий, “Шуъаб-ул-Иймон”, VI, 289-б.

392 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 116-б.

393 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 116-б.

Ҳазрати Оиша волидамиз айтади: “Расулulloҳдек чиройли ахлоққа эга одамни учратмадим. Қачон Асҳобдан ёки Аҳли байтдан бирон киши Ул зотни чақирсалар, мутлақо **“Лаббай”** деб жавоб берардилар.”³⁹⁴

Расулulloҳ, Асҳоби киромни энг чиройли исмлар билан чақирардилар. Сухбатдошлари гапини тугатмасдан асло сўзини бўлмасдилар.

Ул зотнинг хусни муомала, шафқат ва марҳаматлари ҳақида Аллоҳу таоло маолан: **“Заҳмат чекишингиз Уни ранжитиб, хафа қилади. Сизларни жуда аяйди; мўминларга жуда раҳмли, уларга кўп хайрлар тилайди”** деб марҳамат қилган. “Анбиё” сурасининг 107-оятти каримасида: **“(Эй Ҳабибим!) Сени фақат оламларга раҳмат сифатида юбордик”** дейилган.

Пайғамбаримиз умматига қийинлик туғдиради деган андишада баъзи нарсаларни энгиллаштирардилар. **“Умматимга қийин бўлмаганида, ҳар таҳорат олишда мисвок ишлатишларини буюрган бўлардим”** дея марҳамат қилганлар.³⁹⁵

Ваъдасида туриш борасида ҳам инсонлар орасида пайғамбаримиздан ўтадигани дунёга келмаган.

Абдуллоҳ бин Абил-Ҳамса ҳикоя қилади: “Расулulloҳ билан пайғамбарлиги билдирилмасдан аввал савдо-сотик қилгандим. Ҳисобларида мендан олишлари керак бўлган маълум бир миқдор қолганди. Мен у зот билан “фалон кун, фалон жойда учрашайлик, ҳақингизни бераман”- деб, ваъдалашдим, лекин нимагадир хотирамдан кўтарилибди. Ўша кундан уч кун ўтгач ваъдам эсимга тушиб, дарҳол ўша жойга югуриб бордим. У кишининг, мени ваъдалашган жойда уч кундан буён кутаётганини кўриб, хайратимдан қотиб қолдим. Менга: **“Эй йнгит, мени ҳолдан тойдирдинг! Сени уч кундан буён шу ерда кутаяпман”**- дедилар.

Мухтарам пайғамбаримиздаги камтарлик ва тавозу хислатлари, ҳеч бир одам боласида, ҳатто ҳеч бир пайғамбарда (алайҳимуссалом) ҳам топиб бўлмайдиган даражада буюк ва бекиёс эди.

Кибр, ўзига бино қўйиш каби ёмон хулқлар Ул зотда асло кўринмаган. Пайғамбаримиз, малик (подшоҳ) пайғамбар билан кул (оддий банда) пайғамбар бўлиш орасида ўз ихтиёрларига қолдирилганда, кул пайғамбар бўлишни танлагандилар.³⁹⁶

³⁹⁴ Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VI, 7-б.

³⁹⁵ Бухорий, “Таманни”, 9-б.; Абдуэрзақов, “ал-Мусаннаф”, I, 556-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 123-б.

³⁹⁶ Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 309-б.

Шунда Исрофил (алайҳиссалом), мухтарам сарваримизга, “Шубҳасиз, сиз тавозу қилиб қўл тортган ўша (маликлик) хислатини ҳам Аллоҳу таоло сизга ато этди. Чунки киёматда, одамзотнинг энг улуғи сиз бўласиз. Қабридан турадиган биринчи инсонсиз. Дастлаб шафоат қилувчи ҳам сиз бўласиз”- деди.

Пайғамбаримиз Оиша волидамизга марҳамат қилдиларки: **“Менга Макканинг тошу тупроғини олтин қилишларини таклиф этишди. Мен эса, "Йўқ, ё Раббий",- дедим, "бир кун оч, бир кун тўқ бўлайин. Оч қолган куним Сенга ёлвориб дуо қиламан. Тўқ бўлган куним эса, сенга ҳамду-санолар айтаман.”**³⁹⁷

Жаброил алайҳиссалом, Пайғамбаримиз хузурларига келиб: “Аллоҳу таоло сизга салом йўллади ва "Ҳоҳласа, мана шу тоғларни У учун олтинга айлантирайин, қаерга борса, тоғ ҳам у билан бирга борадиган бўлади”- деб буюрди”- деди. Мухтарам пайғамбаримиз марҳамат қилдиларки: **“Эй Жаброил! Дунё, уйи йўқнинг уйи, моли йўқнинг молидир. Дунёликни фақат ақлсиз кимсалар йиғади.”**³⁹⁸ Шунда Жаброил (алайҳиссалом): “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳу таоло қавл-и собит (қатъий сўз) билан сизнинг қадди қоматингизни тикка қилибдур”- деди.

Ҳазрати Оиша волидамиз: “Шундай вақтлар бўларди, ойлаб уйимизда овқат пишириш учун ўт ёқилмасди. Фақатгина хурмо ва сув билан кун кечирардик”- деб баён қилган.

Ибн-и Аббос: “Расулulloҳ сарваримиз ва Аҳл-и байтлари, кўп кечаларда ейишга ҳеч нарса топмай, оч ҳолларича ётиб қолардилар”- деган.

Оиша волидамиз айтган: “Расулulloҳ ҳаётларида ҳеч қачон тўйиб овқат емаганлар. Бу хусусда ҳеч кимга шикоят ҳам қилмасдилар. Эҳтиёж, ул киши учун ҳар қандай бойликдан яхшироқ эди. Бутун кеча очликдан қийналиб чиқсалар ҳам, бу ҳол кундуз рўза тутишларига моне бўлолмасди.”³⁹⁹

“Агар хоҳласалар, Раббидан ер юзининг ҳар хил хазиналари, егуликлари ва фаровон ҳаётини сўраб олган бўлардилар. Қасам

397 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 381-б.; Шамсиддин Шомий, “*Субулу-л-Ҳудо*”, VII, 75-б.; Қасталоний, “*Мавоҳиби ладунийя*”, 308-309-б.; Ғазолий, “*Иҳё*”, III, 196-б.

398 Аҳмад бин Ханбал, “*ал-Муснад*”, VI, 71-б.; Ибн Абий Шайба, “*ал-Мусаннаф*”, VII, 243-б.; Байҳақий, “*Шуъаб-ул-Иймон*”, VII, 375-б.

399 Баїҳақий, “*Шуъаб-ул-Иймон*”, I, 25-б.; Абу Яъла, “*ал-Муснад*”, I, 26,50; VIII, 139-б.; Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 406-б.

ичаманки, сарваримизнинг ушбу ахволларини кўриб, жоним ачиганидан ўзимни тутолмай йиғлаб юборардим. Қўлим билан муборак қоринларини силаб: “Жоним сизга фидо бўлсин! Бу дунёдан муборак баданингизга қувват бўлгудек баъзи нарсалар сўраб олсангиз бўлмайдами?” дердим.

Ул зот эса: “Эй Оиша! Мен дунёликни нима қиламан? Улул-азмдан бўлмиш пайғамбар биродарларим, бундан ҳам бадтар ҳолатларга сабр-тоқат қилганлар. Яна шу муҳтож ахволларида ҳаёт кечиришда давом этдилар. Ниҳоят барчаси умрдан ўтиб, Рабларига қовушдилар. Шу боис Раблари, уларнинг ёлғон дунёдан ҳақиқий ҳаётга қайтишларини чиройли тарзда амалга ошириб, савобларини ортгирди. Мен роҳат-фароғатда ҳаёт кечиришга ҳаё қиламан. Чунки ундай ҳаёт, мени қардошларимдан ортда қолдиради. Мен учун энг яхши, энг севимли нарса, биродарларимга, дўстларимга қовушиб, улар сафидан жой олмоқдир”- деб марҳамат қилардилар.”

Ҳазрати Оиша волидамиз айтдики: “Расулulloҳ, ушбу сўзларидан бир ойча ўтгач вафот этдилар.”

Пайғамбаримизнинг сахийликлари ҳам тилларда дoston эди. Бу чиройли хулқда ҳам ҳеч ким Ул зотга ета олмаган.

Ибни Аббос: “Расулulloҳ сарваримиз, яхшилик қилиш борасида одамзотнинг энг сахийси эдилар. Рамазони шарифда ва Жаброил алайҳиссалом билан учрашган пайтларида боди сабодан (тонг шабадасидан) ҳам жўмардроқ бўлардилар” деган.

Анас бин Молик айтади: “Расул (алайҳиссалом) билан бирга кетаётгандим. Эгниларида бурди нажроний деган Яман матосидан тикилган чопонсимон либос бор эди. Ортимиздан битта бадавий келиб, У кишининг ёқаларидан шундай тортдики, чопоннинг ёқаси муборак бўйинларини қийиб юборганидан из қолди. Расулulloҳ ҳалиги одамнинг қилиғига табассум қилдилар-да ёнидагиларга карата унга бирон нарса беринглар дегандек буйруқ бердилар.”

Расул алайҳиссаломга қўшни бир кампир бўларди. Бир куни қизини пайғамбаримиз хузурларига йўллаб: “Намозда уст-бошимни ёпадиган ҳеч вақом йўқ. Менга намозда ёпинчиқ бўлгудек бирон либос берсангиз” деб илтимос қилди. Ўшанда Расулulloҳнинг ортиқча кийимлари йўқ эди. Кийиб юрган анторийларини (узун араб кўйлаги) ечиб, қўшни кампирга бериб юбордилар. Намоз вақти кирганида эгниларида кийимлари бўлмай масжидга чиқолмадилар.

Асҳоби киром, бундан хабар топиб, Коинот сарвари шунчалар сахийларки, ҳатто кўйлакисиз қолиб, масжидга жамоатга чиқолмай қолибдилар. Биз ҳам боримизни фақирларга тарқатайлик дедилар. Аллоҳу таоло шу заҳоти "Исро" сурасининг 29-ояти каримасини нозил қилди. Аввало Ҳабибига маолан: **“Бахиллик қилиб, кўлингдаги нарсани қизғонма”** дегач, **“Қийин аҳволга тушиб қолгудек ва намоздан маҳрум бўлиб, ғуссага ботгудек даражада ҳам бутунлай тарқатгучи бўлма! Садақада доимо ўрта ҳоллик бўл!”** деб буюрди.

Ўша куни намоздан кейин ҳазрати Али, хузурларига чиқиб: “Ё Расулаллоҳ! Бугун бола-чақамга нафақа қилиш мақсадида саккиз дирҳам кумуш ақча қарз олгандим. Ярмини сизга берсам, эгнингизга кийим олсангиз” деди. Пайғамбаримиз бозорга чиқиб, икки дирҳамга бир анторий олдилар. Қолган икки дирҳамга егулик харид қилгани кетаётганларида йўлда кўзи ожиз одамни кўрдилар. У: “Аллоҳ ризоси ва жаннат либосларига эришиш учун ким менга битта кўйлак тасаддуқ қилади?”- деб ёлворарди. Расули ақрам қўлларидаги анторийни унга бердилар. Кўр либосни қўлига олиши билан ундан мушки анбар ҳидини туйиб, пайғамбаримиздан келганини тушунди. Чунки Расули ақрам сарваримиз бир марта кийган ёки ушлаган кийимлари, тўзиб, йиртилса ҳам, ҳар бир парчасидан мушки анбар ҳиди келиб турарди.

Кўр одам дарҳол дуога қўл очиб: “Ё Раббий! Шу кўйлак ҳурматига кўзларимни очил” деди. Иккала кўзи шу заҳоти кўра бошлади. Пайғамбаримиз у ердан узоқлашиб, бир дирҳамга яна битта анторий сотиб олдилар. Қолган бир дирҳамга егулик олгани шайланганларида йиғлаётган бир хизматчи қизчага дуч келдилар. **“Қизим, нега йиғлаяпсан?”** дедилар. Қизча: “Мен бир яҳудийнинг хизматчисиман. Хўжайиним бир дирҳам бериб, ярим дирҳамига шиша, яна ярим дирҳамига ёғ олиб келишимни тайинлаганди. Айтганларини олиб кетаётиб, қўлимдан тушиб кетди. Шиша ҳам, ёғ ҳам зое бўлди. Нима қилишимни билмай йиғлаяпман”- деди. Мехр-шафқат дарёси пайғамбаримиз қўлларидаги ягона дирҳамни қизга узатиб, **“Ма, шиша билан ёғ олиб, уйингга элтгин.”** дедилар. Қизча титраб: “Кечикканим учун энди хўжайиним мени калтаклайди,”- деб, кўзига ёш олганида, **“Кўрқма! Юр, ўзим бирга бориб, сенга тегмаслигини айтаман”**- деб марҳамат қилдилар.

Уйга бориб, эшикни қоқдилар. Яҳудий эшикни очиб, рўпарасида

икки жаҳон қуёшини (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўриб, шошиб қолди. Яҳудийга бўлиб ўтган воқеани айтиб, қизга зарар бермаслиги учун шафоат қилдилар. Яҳудий Расулulloҳнинг оёқларига эгилиб: “Мингларча инсоннинг бош тожи бўлган; мингларча арслон амрингизни бажаришга шай турган эй улуғ Пайғамбар! Бир хизматчи қизни деб мендек мискиннинг остонасига шараф бердингиз. Ё Расулаллоҳ! Бу қизни сизнинг шарафингизга озод қилдим. Илтимос, менга иймонни, Исломи ўргатинг. Хузурингизда мусулмон бўлайин”- деди. Расулulloҳ унга мусулмонликни ўргатдилар. Яҳудий шу ерда мусулмон бўлиб, уйига кирди. Оиласига гапириб бериб, барчаси мусулмон бўлдилар. Буларни ҳаммаси Расулulloҳнинг чиройли хулқ-атворлари баракати билан амалга ошганди.

Пайғамбаримизнинг устун фазилат ва гўзал хулқлари жуда кўп. Ҳар бир мусулмоннинг уларни ўрганиб, шундай чиройли ахлоқ билан ахлоқланиши лозим. Шундагина, дунё-ю охиратда ҳар хил фалокатлардан омон қолиб, икки жаҳон сарварининг шафоатларига эришиш насиб бўлади.

Расулulloҳнинг чиройли хулқларидан баъзилари:

1 – Расулulloҳнинг илму ирфон, фаҳм-фаросат, яқийн, ақлу зако, саховат, тавозу, меҳр-шафқат, сабр-тоқат, ғайрат, ҳамият, садоқат, амонат, шажоат, маҳобат (улуғворлик), балоғат (нотиклик), фасоҳат (чиройли гапириш), фатонат (беғуноҳлик), малоҳат (яширин гўзаллик), вароъ (шубҳалилардан парҳез), иффат, карам (олийжаноблик), инсоф, ҳаё, зуҳд (дунёликка берилмаслик) ва тақволари жами пайғамбарлардан зиёда эди. Дўсту душмандан етган зиён-заҳмат ва азиятларни доимо авф этардилар. Асло азиятга азият билан жавоб бермаганлар. Уҳуд жангида кофирлар муборак юзларини жароҳатлаб, муборак тишларини шаҳид қилганда, “**Ё Раббий! Уларни авф этгил! Чунки улар билмайди, жаҳолатларига йўйгил**” деб дуо қилгандилар.

2 – Ўзларини ҳеч кимдан баланд тутмасдилар. Бир сафарда шериклари кўй гўшtidан кабоб пиширмақчи бўлди. Бири: “Мен кўй сўяман” деди. Иккинчиси: “Мен, терисини ажратаман” деса, яна биттаси: “Мен пишираман” деганларида, Расулulloҳ алайҳиссалом, “Мен ўтин териб келаман” деб марҳамат қилгандилар. Йўлдошлари: “Ё Расулаллоҳ! Илтимос, Сиз дам олинг. Ўтинни ҳам ўзимиз йиғиб келамиз”- дедилар. Ўшанда,

“Ҳаммасини ўзларингиз уддалай олишингизни биламан. Лекин мен иш қилаётганлардан ажралиб ўтиришни хоҳламайман. Аллоҳу таоло, шерикларидан ажралиб ўтирган одамни ёқтирмайди” деб марҳамат қилиб, ўтин теришга кетдилар.

3 – Саҳобалари ўтирган даврага келганларида асло давра тўрига чиқиб ўтирмасдилар. Бўш жойга ўтириб олардилар. Бир куни кўлларига ҳасса ушлаб, кўчага чиққанларида, ўтирганлар кўриб урнидан турди. **“Одамларнинг бир-бирига ҳурматан ўрнидан туриб қилганларидек мени деб ўтирган жойларингдан турманглар! Мен ҳам сиздек оддий одамман. Ҳамма қатори еб-ичаман. Чарчасам ўтираман”**- дедилар.

4 –Кўпинча тиз чўкиб ўтирардилар. Гоҳо икки тиззаларини тикиб, кўллари билан атрофини кучиб ўтирган пайтлари ҳам кузатилган.⁴⁰⁰ Ейиш-ичиш, кийиниш ва ҳамма ишда хизматчиларини ўзлари билан бир тутардилар. Ишларига ёрдамлашиб юборардилар. Биронта одамни урган ё уришган пайтлари бўлмаган. Доимо хизматларида бўлган Анас бин Молик: “Расулуллоҳга ўн йил хизмат қилдим. Шу муддат мобайнида Ул зотнинг менга қилган хизматлари, менинг Ул кишига кўрсатган хизматларимдан ошиб кетди. Менга хафа бўлганларини, койиганларини бирон марта ха кўрмаганман” деган эди.⁴⁰¹

5 – Бомдод намозини ўқитиб бўлиб, жамоатга ўтирилиб, **“Ҳасталанган қардошимиз борми? Бориб аҳволидан хабар олайлик!”** деб суриштирардилар. Касаллар бўлмаса, **“Жанозаси бўлганлар борми? Хизматига борайлик!”** деб сўрардилар. Бирон жаноза хабари келгудек бўлса, дарров ювиш, кафанлашда қарашиб, намозини ўқитар ва ортидан қабригача борардилар. Жаноза ҳам бўлмаса, **“Туш кўрганлар бўлса, айтсинлар! Эшитиб, таъбир қилайлик!”** деб марҳамат қилардилар.

6 – Хоналарига келган меҳмон ва Асҳобларига бевосита ўзлари хизмат қилардилар. **“Бир жамиятнинг энг улуғи, уларга хизмат қилувчилардир”** дердилар.

7 – Қаҳқаҳа отиб қулганликлари воқия бўлмаган, яъни ҳеч қачон содир бўлмаган. Қулмоқчи бўлганларида овозсиз табассум қилардилар. Баъзан қулганларида муборак олд тишлари кўринарди.

8 – Кераксиз ва фойдасиз гапирмасдилар. Лозим топганларида

⁴⁰⁰ Абу Довуд, “Адаб”, 25-б.

⁴⁰¹ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 255-б.

жуда қисқа, фойдали ва очиқ маъноли сўзлар билан гапирардилар. Айтганлари яхши тушунилиши учун баъзан уч марта такрорлардилар.

9 – Ҳайбатларидан ҳеч ким юзларига тик қарай олмасди. Бирор киши ҳузурларига келиб, муборак юзларига қараса, қараган киши терлаб кетарди. **“Сиқилма! Хотиржам бўл! Мен подишоҳ ҳам эмасман, золим ҳам эмасман. Оддий қора шўрва ичадиган аёлнинг ўғлиман”** дердилар. Шундан кейин келган одам енгил тортиб, дардини айта бошларди.

10 – **“Орангизда Аллоҳу таолони энг яхши тушунадиган ва Ундан энг кўп кўрқадиганингиз менман”, “Мен кўрганларни сиз ҳам кўрганингизда оз кулиб, кўп йиғлаган бўлардингиз”**⁴⁰² деб айтардилар. Осмонда булут кўрсалар, **“Ё Раббий! Бу булут орқали бизга азоб юборма!”**, шамол эсганда, **“Ё Раббий! Бизга хайрли шамол юборгил.”** момоқалдироқ гумбурлаганда, **“Ё Раббий! Биздан юз ўгириб, ҳалок қилма. Азобингни юборма, офият (соғлик, саломатлик) эҳсон айла!”** деб, дуо қилардилар. Намозда турганларида, кўкракларидан худди йиғлаётган одамнинг ўксишига ўхшаш сас эшитиларди. Қуръони карим ўқиганларида ҳам шундай бўларди.

11 – Қалбларининг қувват ва шажоати (довжораклиги) ҳайрат уйғотгудек даражада кучли эди. Хунайн жангида мусулмонлар тарқоқланиб, маълум вақт кофирлар куршовида уч-тўртта киши билан қолиб кетгандилар. Фурсатдан фойдаланган кофирлар бир неча марта бор кучлари билан ёпирилганда, якка ўзлари ҳамлаларини қайтариб ташлаб, бир қадам ҳам ортга чекинмаганлар.

12 – Ниҳоятда сахий эдилар. Мухтожларга юзлаб туя ва қўй тортиқ қилиб юборар, ўзларига ҳеч вақо қолдирмасдилар. Не-не тошбағир кофирлар, шундай хайр-эҳсонларини кўриб, иймонга келганди.

13 – Мухтарам завжаларига ва бир неча хизматчиларига баъзан бир йиллик арпа, хурмо ажратар, бундан камбағалларга ҳам садақа қилиб берардилар.

14 – Егуликладан қўй гўшти, гўшт шўрваси, ковоқ, ширинликлар, асал, хурмо, сут, қаймоқ, тарвуз, ковун, узум ва бодрингни яхши кўрардилар.⁴⁰³

402 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 145-б.; Муновий, “Файз-ул-қадийр”, V, 316-б.

403 Ҳазрат, “Иҳё”, II, 884-б.

15 – Сувни бисмиллоҳ айтиб, аста-аста, уч ютимда ичардилар ва охирида **“алҳамдулиллоҳ”** деб, кейин дуо қилардилар.

16 – Кийиш жоиз бўлган кийимлардан нима топсалар, киярдилар. Қалин матолардан эҳром каби тикилмаган нарсаларни уст кийим сифатида елкаларига ташлаб ўранардилар. Белдан пастларига ҳам баъзан эҳромсимон мато ўраб олардилар. Узун араб кўйлаги ва тўн, чопон ҳам киярдилар. Улар пахта, жун ёки қилдан тўқилган бўларди. Кўпинча оқ рангли, баъзан яшил рангли либослар киярдилар. Тикилган либос кийган пайтлари ҳам бўларди. Жума, байрам кунларида, четэллик элчилар келганда, жанг майдонларида қиммат кўйлақлар, тўнларда кўринардилар. Яшил, қизил, қора рангли кийим кийган пайтлари ҳам бўларди. Енглари билакларигача, анторий этаги ва почалар болдир ўрталаригача ёпиб турар, ундан қисқа қилиб киймасдилар.

17 – Ўша давр Арабистонидаги одат бўйича сочларини қулоқ ярмигача ўстириб, ортигини қисқартардилар. Сочларига махсус тайёрланган хушбўй ёғ суртардилар.

18 – Қўл, бош ва юзларига мушк ёхуд бошқа хушбўй атирлар сепардилар, уд дарахти, кофури деган хушбўй чивик тутатардилар.

19 – Тўшаклари ичи хурмо қипиқлари тўлғазилган ишланган теридан эди. Ичига жун солинган тўшак элтишганда, қабул қилмай: **“Ё Оиша! Аллоҳу таолога қасамки, агар хоҳласам, Аллоҳу таоло ҳар доим, ёнимда олтин ва қумуш угумларини муҳайё қилади”** дедилар. Баъзан шолча, тахта, бўйра, жундан ясалган кигиз (намат) ёки қурук тупроқ устида ҳам ётардилар.

20 – Ҳар кеча кўзларига уч марта сурма тортардилар.

21 – Уйларида доимо ойна, тароқ, сурма идиши, мисвок, қайчи, игна ва ип бўларди. Йўлга чикқанларида уларни ёнларига олардилар.

22 – Ҳуфтондан кейин кеча ярмигача ухлаб, кейин бомдодгача туриб ибодат қилардилар. Ўнг ёнлари билан ётиб, ўнг қўлларини ёноқларига тагига қўяр, баъзи суралар ўқиб ухлардилар.

23 – Тафаъул қилардилар. Яъни илк бор ёки тўсатдан кўриб қолган нарсаларни хайрга, яхшиликка йўярдилар. Ҳеч нарсадан шумланмас ва ёмонликка, хосиятсизликка йўймасдилар.

24 – Ғамгин пайтларида соқолини ушлаганча ўйга чўмардилар.

25 – Хафа бўлганларида дарров намозга киришардилар. Намознинг лаззат ва сафоси орқали ғам-ғуссалари тарқарди.

Муҳтарам пайғамбаримизнинг Аллоҳу таолодан кўркишлари, итоат ва ибодатлари шунчалар кўп эдики, ушбу ҳолларини такрорлашга ҳеч ким тоқат қилолмасди. Муборак оёқлари шишиб кетгунга қадар намоз ўқирдилар. “Ё Расулаллоҳ! Сиз ўтмиш-келажак барча гуноҳлардан пок бўлишингизга қарамай нимага ўзингизга шунчалар заҳмат берасиз” дейилганда, **“Мен, Аллоҳу таолонинг энг кўп шуқр қилган қули бўлмайинми?”** деб жавоб берардилар.

Фазилатлари

Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг фазилатлари ҳақида ёзилган юзлаб китоблар мавжуд бўлиб, уларда қайд қилинган баъзилари куйида:

1 – Бутун махлуқот ичида энг аввал Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури ва руҳи яратилган.

2 – Аллоҳу таоло, Ул зотнинг исмини Аршга, жаннатларга ва етти қават осмонларга ёзиб қўйди.

5 – Муҳаммад алайҳиссаломнинг исmlарини зикр қилишдан бошқа вазифаси бўлмаган малоика бор.

6 – Фаришталарнинг ҳазрати Одамга сажда қилишга буюрилиши, пешонасида Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг нури бўлгани туфайли эди.

7 – Аллоҳу таоло барча пайғамбарларга Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг келишини, ўша замонда яшаган умматларига Унга иймон келтиришларини тайинлашини буюрди.

8 – Дунёга келиш вақтларида жуда катта аломатлар кўрилганди. Улар ҳақда тарих ва **"Мавлид"** китобларида кенг ёзилган.

9 – Таваллуд топганларида киндиги кесилган ва суннатланган ҳолда кўриндилар.

10 – Дунёга ташрифларидан кейин жину шайтонлар кўкка чиқолмайдиган ва малоикадан хабар ўғирлай олмайдиган бўлди.

11 – Туғилган пайтларида ер юзидаги барча бут-санамлар, топинадиган ҳайкаллар юзтубан йиқилди.

12 – Бешиқларини малоика тебратарди.

13 – Бешиқда кўкдаги ой билан сўзлашардилар. Муборак бармоқлари билан ишорат қилган томонга қараб ой ҳаракат қиларди.

14 – Бешиқда гапиришни бошладилар.

15 – Болаликларида қир-адирга чиққанларида бошлари устида бир булут доимо бирга юриб, соя солиб турарди. Бундай ҳолат пайғамбарликлари бошлангунча давом этди.

16 – Ҳар бир пайғамбарнинг ўнг қўли устида нубувват муҳри бўларди. Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг нубувват муҳри эса, муборак орқаларида икки курак орасида бўлиб, чап куракка яқин юрак устида эди.

17 – Олдини қандай кўрсалар, ўгирилмай орқасидагиларни ҳам шундай аниқ кўрардилар.

18 – Ёруғда қандай кўрсалар, қоронғида ҳам худди шундай аниқ кўра олардилар.

19 – Муборак тупуклари аччиқ сувларни чучукка айлантирди, хасталарга шифо берди, чақалоқларга она сутидек озиқ бўлди.

20 – Кўзлари уйқуга кетса ҳам қалблари уйғоқ бўларди. Ҳамма пайғамбарлар шундай эди.

21 – Ҳаётларида бир марта ҳам эснамадилар. (Барча пайғамбарлар шундай эди).

22 – Муборак терлари агиргул ҳидидек ёқимли ҳидга эга эди. Бир фақир кизини узатишда Расулulloҳдан ёрдам сўраган эди. Ўшанда ёнларида берадиган ҳеч нарсалари бўлмагач кичик шишага ўз тер томчиларидан йиғиб бергандилар. Ҳалиги киз уни атир сифатида ишлатганида уйи хушбўй ҳидга тўларди. Шу туфайли ўша хонадон "ифорли уй" деган ном билан овоза бўлди.

23 – Ўрта бўйли бўлишларига қарамай, узун бўйли одамлар олдида улардан баландроқ кўринардилар.

24 – Куёш ва ой ёруғида юрганларида соялари ерга тушмасди.

25 – Бадан ва кийимларига бурга, пашша (чивин) ва бошқа хашаротлар асло қўнмасди.

26 – Либослари узоқ вақт кийсалар ҳам ҳеч кирламасди.

27 – Юрганларида орқаларидан одатда фаришталар эргашиб юрарди. Шу сабабли саҳобаларига олдинга ўтиб юришларини буюриб, **“Орқа томонини малакларга қолдиришлар”** деб марҳамат қилардилар.

28 – Тошни боссалар, тошга оёқ излари тушарди. Қумда юрганларида ҳеч қачон из қолдирмасдилар. Хожатга ўтирганларида, тупроқ чиқиндини ютиб, кўздан ғойиб қиларди. (Барча пайғамбарларда шундай бўларди).⁴⁰⁴

404 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 69-б.

29 – Одамзот ва малоика орасида энг кўп илм Ул зотга берилди. Умий бўлсалар ҳам, яъни ҳеч кимдан ҳеч нарса ўрганмаган бўлишларига қарамай, Аллоҳу таоло Ул зотга ҳамма нарсани маълум қилган эди. Одам алайҳиссаломга ҳамма нарсанинг исмлари билдирилганидек, пайғамбаимизга ҳамма нарсанинг исми билан илми аён қилинган эди.

30 – Умматининг исм, жисм ва бошларига келадиган ҳодисаларнинг барчаси зотларига маълум қилинган эди.

31 – Ақллари жами инсониятнинг ақл-идрокидан зиёда эди.

32 – Одам боласида бўлиши мумкин жами чиройли хулкнинг ҳаммаси Ул зотга эҳсон қилинганди. Улуғ шоир Умар Ибн-ил-Форидга “Расулulloҳни нега мадҳ этмайсиз?” деганларида, “Ул зотни мадҳу саносига қодир эмаслигимни англадим. Ул зотнинг мадҳига лойиқ сўз тополмадим” деган эди.

33 – Калимаи шаҳодат, азон, икомат, намоздаги ташаҳҳудда, кўпгина дуолар, баъзи ибодатлар ва хутбаларда, насиҳатларда, мушкил пайтларда, қабр, маҳшар, жаннат ва ҳар бир маҳлукнинг тилида Аллоҳу таоло ўз исми ёнида пайғамбаримизнинг исмини зикр қилдирган.

34 – Фазилатларининг энг устун, Ҳабибуллоҳ бўлишларидир. Аллоҳу таоло, Ул зотни ўзига севгили, дўст айлаган. Ул зотни ҳаммадан ва ҳар қандай малоикадан ҳам кўпроқ севган. **“Иброҳимни ўзимга халил (дўст) қилган бўлсам, сени ҳабиб (севгили) қилдим”** деган.

35 – **“Сенга рози бўлгунингча, (бас деганингча) ҳар тилаганингни бераман”**⁴⁰⁵ маолидаги ояти карима, Аллоҳу таолонинг пайғамбарига барча илмларни, бутун устунликларни, аҳкоми Исломияни, душманларга қарши ёрдам ва ғалабани, умматига фатҳлар, зафарлар ва қиёматда турли хил шафоат, тажаллийларни эҳсон этишидан хабар бермоқда. Ушбу ояти карима нозил бўлганда Жаброил алайҳиссаломга юзлашиб **“Умматимдан бирортасининг жаҳаннамда қолишига рози бўлолмайман”** деб марҳамат қилгандилар.

36 – Аллоҳу таоло, Қуръони каримда барча пайғамбарларга исмлари билан, Муҳаммад алайҳиссаломга эса, **“Эй Расулим! Эй Пайғамбарим!”** дея хитоб қилган.

37 – Ғоят очик, осон тушуниладиган тарзда арабчанинг барча

405 Зуха сураси, 93/5.

лахжаларида равон сўзлардилар. Ҳар хил минтақалардан келиб, савол сўраганларга, уларнинг лаҳжаларида жавоб берардилар. Эшитганлар ҳайрон қолишарди. Ҳар доим, **“Аллоҳу таоло, мени жуда мукаммал қилиб тарбиялаган”** деб марҳамат қилардилар.⁴⁰⁶

38 – Қисқа ва озгина сўз ёрдамида жуда кўп ва кенг нарсаларни тушунтира олардилар. Юз мингдан зиёд ҳадиси шарифлари пайғамбаримизнинг “Жавоми-ул калийм” эканликларига далолат қилмоқда. Баъзи олимлар дедиларки: “Муҳаммад алайҳиссалом Ислом динининг тўртта асосини тўртта ҳадисда жамлаб билдирганлар: **“Амаллар, ниятга қараб баҳоланади”**⁴⁰⁷, **“Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам очик-равшандир”**⁴⁰⁸, **“Давогарнинг гувоҳ кўрсатиши ва айбланувчининг қасам ичиши лозим”** ва **“Бир мусулмон ўзи учун хоҳлаган яхшилиқни, дин биродарига ҳам хоҳламагунча, иймони комил бўлмайди.”**⁴⁰⁹ Ушбу ҳадиси шарифлардан биринчиси ибодат; иккинчиси муомалот; учинчиси ҳусумат, яъни адолат ишлари ва сиёсат; тўртинчиси эса, одоб-ахлоқ илмининг асосидирлар.”

39 – Муҳаммад алайҳиссалом, масун (ҳимояланган) ва маъсум (айбсиз, гуноҳсиз) эдилар. Қирк ёшгача ва кейин, умрларида билиб ёки билмай, катта-кичик биронта гуноҳ қилмаганлар. Ҳеч бир чиркин ҳатти-ҳаракати кузатилмаган.

40 – Мусулмонларга намоз ташаҳҳудида “Ассалому алайка айюҳаннабийю ва раҳматуллоҳи” деб, Муҳаммад алайҳиссаломга салом беришлари буйрилди. Намозда бошқа бирон пайғамбарга ёки малоикага салом бериш жоиз бўлмади.

41 – **“Сен бўлмаганингда ҳеч нарсани яратмасдим”** деб марҳамат қилинди.⁴¹⁰

42 – Барча пайғамбарлар кофирларнинг тухматларига ўзлари жавоб берганлар. Муҳаммад алайҳиссаломга қилинган тухматларга эса, Аллоҳу таоло жавоб бериб, Ул зотни мудофаа қилган.

43 – Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммати, бошқа пайғамбарлар умматларининг йиғиндисидан ҳам кўпроқдир. Улардан устун ва шарафлироқдир. Жаннатга кирувчиларнинг учдан икки қисми бу

⁴⁰⁶ Суютий, “Жами-ул-Аҳодис”, XXXI, 237-б.; Муновий, “Файз-ул-қадийр”, I, 224-б.

⁴⁰⁷ Бухорий, “Баъд-ул-Ваҳий”, I-б.; Абу Довуд, “Талақ”, 11-б.; Ибни Можа, “Зухд”, 26-б.

⁴⁰⁸ Абу Довуд, “Буйў”, 3-б.; Насоий, “Буйў”, 2-б.

⁴⁰⁹ Бухорий, “Иймон”, 7-б.; Термизий, “Сифат-ул-Қиёмат”, 59-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 176-б.

⁴¹⁰ Суютий, “ал-Лаоли-л-маснуа”, I, 272-б; Ажлуний, “Кашиф-ул-хафо”, II, 164-б.

умматдан бўлиши ҳадиси шарифларда хабар берилган.

44 – Расулulloҳга бериладиган савоблар, бошқа пайғамбарларга бериладиган савоблардан қат-қат зиёдадир.

45 – Ул зотни исмларини айтиб чақириб; ёнларида баланд овозда гапириш: узоқдан ҳайқириб, сўз қотиш; йўлда олдларига ўзиб ўтиш ҳаром қилинди. Бошқа пайғамбарларни умматлари исмларини айтиб чақирибарди.

46 – Жаброил алайҳиссаломни икки марта ўз асл (малак) қиёфасида кўрганлар. Бошқа пайғамбарлардан ҳеч қайсиси уни асл қиёфасида кўрмаган.

Пайғамбаримизга Жаброил алайҳиссалом йигирма тўрт минг марта келган. Бошқа пайғамбарлардан энг кўп Мусо алайҳиссаломга келган бўлиб, у ҳам, тўрт юз марта содир бўлган.

47 – Аллоҳга қасамда Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмлари билан онт ичиш жоиз бўлиб, бошқа пайғамбар ёхуд фаришталар номи билан қасам ичиш жоиз эмас.

48 – Муҳаммад алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин, мухтарам завжаларини никоҳ қилиб олиш ҳаром қилинди ва шу боис улар мусулмонларнинг оналари эканликлари билдирилди.

49 – Насаб ва сабаб жиҳатидан, яъни қон ва никоҳ орқали қариндошликнинг қиёматда ҳеч кимга нафи бўлмайди. Бундан фақат Расулulloҳнинг қариндошлари мустаснодир.

50 – Фарзандларга Расулulloҳнинг исмларини қўйиш, бу дунёда ҳам, охирада ҳам фойдалидир. Ул зотнинг исмларини олган ҳақиқий мўминлар жаҳаннамга қирмайди.

51 – Пайғамбаримизнинг барча сўз ва ишлари шаксиз тўғридир. Ҳар бир ижтиҳодлари Аллоҳу таоло томонидан тузатилиб қўйилган.

52 – Ул зотни севмоқ ҳар бир мусулмонга фарздир. **“Аллоҳу таолони севган банда, мени ҳам севади”** деб марҳамат қилганлар. Ул зотга бўлган муҳаббатнинг белгиси - Расулulloҳнинг дини, йўли, суннати ва ахлоқига бўйсунибдир. Қуръони каримда сарвари коинотнинг умматига, **“Менга итоат қилиб, эргашсангиз, Аллоҳу таоло сизни севади”** деб айтишлари буйрилган.

53 – Унинг Аҳли байтини ҳам яхши кўриш вожибдир. **“Аҳл-и байтимга душманлик қилган мунофиқдир”** дея марҳамат қилдилар. Расулulloҳ алайҳиссаломнинг закот олиши ҳаром бўлган қариндошлари, Унинг Аҳл-и байтидир. Улар, Унинг хонимлари ва бобоси Ҳошим авлодидан бўлган мусулмонлар, яъни

Алининг, Уқайлнинг, Жаъфар Тайёрнинг ва Аббоснинг авлодидан бўлганлардир.

54 – Асҳобининг ҳаммасини яхши кўриш вожибдир. “Мендан кейин Асҳобимга душманлик қилманглар! Уларни яхши кўриш, мени яхши кўришдир. Уларга душман бўлиш, менга душман бўлишдир. Уларни ранжитган киши, мени ранжитган бўлади. Мени ранжитган эса, Аллоҳу таолони ранжитади. Аллоҳу таоло, ўзини ранжитганга азоб беради” деб марҳамат қилинди.

55 – Аллоҳу таоло, Муҳаммад алайҳиссаломга кўкда иккита ва ерда ҳам иккита ёрдамчи яратди. Улар, Жаброил, Микоил кўкда, ерда эса, Абу Бакр ва Умардир (родиаллоҳу таоло анхум ажмоин).⁴¹¹

56 – Ёши каттариб вафот қилган эркак-аёл, қисқаси ҳаммадан қабрда Муҳаммад алайҳиссалом ҳақида сўралади. ”Раббинг кимдир?” дейилгани сингари, “Пайғамбаринг кимдир” деб ҳам савол берилади.

57 – Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини ўқиш ибодатдир. Уларни ўқиганлар савоб оладилар.

58 – Муборак руҳини олиш учун Азроил алайҳиссалом одам шаклида келди. Унинг ҳузурига киришга ижозат сўради.

59 – Унинг қabri ичидаги тупроқ ҳамма жойдан ва Каъбадан, Жаннатлардан ҳам афзалдир.

60 – У, қабрида биз билмайдиган бир шаклдаги ҳаёт билан тирикдир. У, қабрида Қуръони карим ва намоз ўқийди. Бошқа пайғамбарлар ҳам худди шундайдирилар.

61 – Ер юзининг исталган жойида, Расулulloҳга саловат ўқиган мусулмонларнинг саломларини эшитган фаришталар, буни Унинг қабрига хабар етказадилар. Унинг қабрини ҳар куни минглаб малаклар зиёрат қилишади.

62 – Умматининг амаллари ва ибодатлари ҳар куни тонгда Унга кўрсатилади. Уларни қилганларни ҳам У кўради, гуноҳ қилганларнинг авф қилиниши учун дуо қилади.

63 – Унинг қабрини зиёрат қилиш, аёлларга ҳам мустаҳабдир. Бошқа қабрларни эса, танҳо бир ўзи бўлган вақтида ва мусулмон кишига ярашадиган қиёфада зиёрат қилишлари жоиздир.

⁴¹¹ Термизий, “Манoқиб”, 17-б.; Ҳaқим, “ал-Мустадрaк”, II, 290-б.; Бухорий, “ат-Торих-ул-қабир”, II, 158-б.; Ҳузoий, “ат-Таҳриийж”, 39-б.

64 – Тириклигидаги каби вафотидан кейин ҳам бутун дунё бўйлаб, ҳамиша Унга тавассул этганларнинг, яъни Унинг хотири ва хурматини ўртага қўйиб дуо қилганларнинг дуосини Аллоҳу таоло қабул қилади.

65 – Қиёмат куни энг аввал устида Жаннат либоси бўлган Расулulloҳ қабрдан турадилар.⁴¹² Бурокка миниб маҳшарга боради. Унинг қўлида **“Ливо-ул-ҳамд”** дейилган байроқ бўлади. Пайғамбарлар ва барча инсонлар бу байроқ остида тўпланиб турадилар. Уларнинг барчаси минг йил кутишиб, кўп қийналадилар. Одамлар, навбати билан Одам, Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо пайғамбарларга (алайҳимуссалом) бориб, ҳисоб-китоб бошланиши учун шафоат қилишларини сўрашадилар. Уларнинг ҳаммаси узрларини айтишиб, Аллоҳу таолодан қўрқишларини билдиришади ва шафоат қилишдан чекинадилар. Ундан сўнгра, Расулulloҳга келишиб, Унга ёлворганларида, У, саждага бориб, дуо қилади ва Унинг дуоси қабул бўлади. Шундан кейин энг аввал Унинг уммати ҳисобга тутилади. Шундай қилиб, энг олдин улар сиротдан ўтадилар ва Жаннатга кирадилар. Улар борган жойларни нурга тўлдирадилар. Ҳазрати Фотима сиротдан ўтаётганида, **“Ҳаммаларинг кўзларингни бекитиб турунглар! Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи келаяпти”** дейилади.

66 – У, олти жойда шафоат қилади. Биринчиси, **“Мақом-и Маҳмуд”** дейилган шафоати билан барча инсонларни маҳшарда кутиб туриш азобидан кутқаражаклар.⁴¹³ Иккинчи шафоати билан жуда кўп кишиларни жаннатга киритади. Учинчиси, азоб чекиши лозим бўлганларни азобдан кутқаради. Тўртинчиси, гуноҳи кўп бўлган мўминларни Жаҳаннамдан чиқаради. Бешинчиси, савоби ва гуноҳи бир-бирига тенг бўлиб, Аъроф дейилган жойда кутаётганларнинг Жаннатга кетишига шафоат қилади. Олтинчиси, Жаннатийларнинг даражалари юксалишида шафоат қилади.

67 – Расулulloҳнинг Жаннатдаги мақомининг номи **“Васила”**дир. Бу Жаннатнинг энг юксак даражасидир. Жаннатийларнинг ҳар бирига бирорта шохчаси узатилган **Сидрат-ул мунтаҳо** дарахтининг илдизи ҳам ўша ердадир. Жаннатдагиларга неъматлар ана ўша шохчалар орқали келиб туради.

412 Бағавий, “ал-Анвор”, 1, 62-б.

413 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 217-б

Истиғфори

Муҳтарам пайғамбаримиз яратилганлар орасида энг улуг, энг фазилатли бўлишлари билан бирга Аллоҳу таолони энг яхши таниб, Ундан энг зиёда кўрққанлари ҳамдир. Жаноби Ҳак, Ул зотни гуноҳ содир қилишдан муҳофаза қилган бўлишига қарамай тинимсиз ибодат қилиб, Аллоҳу таолога дуо ва истиғфор қилардилар. Кечанинг бошида (хуфтондан кейин) ухлаб, охирида ибодат билан машғул бўлардилар.

Ибн-и Аббос ҳикоя қиладилар: “Бир кеча мўминлар онаси ҳазрати Маймунанинг уйида меҳмон бўлдим. Расулulloҳ кеча ярмигача, балки шунга сал етгунча ёхуд шундан сал ўтгунча ухладилар. Кейин уйғониб ўтирдилар, кафтлари билан юзларини силаб уйқу изини кетказдилар. Ўринларидан туриб, илмакка осиб қўйилган кумфонни олиб, таҳоратландилар. Кейин "Ол-и Имрон" сураси охиридан ўнта оят-и карима ўқиғач намозга турдилар. Мен ҳам ўрнимдан туриб, Расулulloҳ сингари таҳорат олиб, сарваримизнинг ёнларига бориб турдим. Расулulloҳ икки ракъат намоз ўқидилар. Сўнгра яна икки ракъат ўқидилар. Унинг ортидан туриб, яна икки ракъат ўқидилар. Ана шундан кейин витр намозини ўқидилар. Тугатгач бомдод азонигача ухладилар. Азон билан уйғониб, яна икки ракъат намоз ўқидилар-да масжидга чиқиб, бомдод намози фарзини жамоат билан ўқидилар.”⁴¹⁴

Ҳазрати Оиша волидамиз айтади: “Бир кеча Расулulloҳ уйқудан уйғондилар. **“Эй Оиша, рухсат берсанг, мен бу кеча Раббимга ибодат билан банд бўлайин”** деб марҳамат қилдилар. Ўринларидан туриб, Қуръони карим тиловат қилиб, йиғлай бошладилар. Ҳатто кўз ёшларидан тиззалари хўл бўлиб кетди. Ўқишда давом этдилар ва ўқиганлари сайин кўз ёшлари тинмай оқди. Шу ҳол тонггача давом этди.

Бомдод вақтида Билол Ҳабаший келиб, аҳволларини кўриб: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Аллоҳу таоло сизнинг ўтган ва келажак хатоларингизни авф этмаганми?” деди. Раусулulloҳ жанобимиз: **“Эй Билол! Мен шукр қилувчи қул бўлмайинми? Қара, Аллоҳу таоло бу кеча менга, “Кўклар ва ернинг яратилишида ҳамда кеча ва кундузнинг бирин-кетин келиб туришида, ақл эгаларига албатта кўп оятлар, ишоратлар**

414 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 284-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, I, 89-б.

бордир”⁴¹⁵ маолидаги ояти каримасини нозил қилди” деб марҳамат қилдилар.⁴¹⁶

“Муслим”да мазкур ҳадиси шарифда: **“Кўнглимга шундай нарсалар келадики, улардан ҳар кун ва ҳар кеча етмиш марта Аллоҳу таолога истиғфор қиламан”, “Кўнглимда (анвор-и илоҳийянинг келишига тўсиқ бўладиган) парда ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳар куни 70 марта истиғфор қиламан”** ва яна **“Аллоҳу таолога кунига юз марта истиғфор ўқийман”**⁴¹⁷ дея марҳамат қилинган.

Пайғамбаримизнинг Аллоҳу таолодан кўрқув ва андишалари шу даражада кучли эдики, қаҳқаҳа билан кулганлари ҳеч қачон кўрилмаган.

Имоми Термизийнинг Абу Заррдан марфуан⁴¹⁸ келтирган ҳадиси шарифда: **“Шубҳасиз сизлар кўра олмаганларингизни мен кўриб турибман. Эшита олмаганларингизни ҳам мен эшитаман. Самода малаклар сажда қилмаётган тўрт бармоқ кенглигида бўш жой йўқ. Валлоҳи менинг билганларимни сиз ҳам билганларингда, ҳақиқатан оз кулиб, кўп йиғлардинлар. Йўлларга, кўчаларга чиқиб, бор овозингиз билан бақириб, Аллоҳу таолога ёлворган бўлардингиз”** дея марҳамат қилганлар.⁴¹⁹

Абу Хурайра ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ: **“Ҳеч кимни, амали жаннатга олиб боролмайди”** деганлар. **“Сизни амалингиз ҳам олиб боролмайдимиз, ё Расулаллоҳ?”** дея сўраганларида, **“Ҳа, мени ҳам амалим жаннатга элта олмайди. Лекин Аллоҳу таолонинг фазли ва раҳмати мени ўраб туради”** деб марҳамат қилдилар.

Ибн Умар ҳикоя қилади: **“Биз, Расулуллоҳ билан бир мажлисда бўлганимизда, “Ё Раббий! Мени авф эт ва тавбамни қабул айла. Сен тавбаларни қабул этувчисан ва раҳимсан”** деб юз мартаба дуо қилганларини санаганмиз”⁴²⁰.

415 Ол-и Имрон сураси, 3/190.

416 Ибни Хиббон, “ас-Саҳиҳ”, II, 386-б.; Байҳақий, “Шуъаб-ул-Иймон”, II, 185-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, IV, 142-б.

417 Ибни Можа, “Адаб”, 57-б.; Байҳақий, “Шуъаб-ул-Иймон”, I, 438-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 148-б.

418 Асҳоби киромнинг Расулуллоҳдан бевосита нақл қилган ҳадиси шарифлари.

419 Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VII, 123-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, II, 554-б.; Байҳақий, “Шуъаб-ул-Иймон”, I, 484-б.

420 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 89-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VI, 57-б.; Суютий, “Жами-ул-Аҳодис”, XXXVI, 323-б.

Анас бин Молик нақл қилади: “Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи васаллам) доимо: **“Аллоҳумма ё Муқаллиб-ал-қулуб, саббит қалбий ало дийник”** дердилар”.⁴²¹

Термизийнинг Абу Саид Худрийдан ривоят қилган ҳадиси шарифда, пайғамбаримиз марҳамат қилганларки: **“Тўшагига ётишда уч марта “Астағфируллоҳ-ал-азим аллази ло илоҳа илло ҳувал-хайюл-қайюм ва атубу илайҳ” деган одамнинг гуноҳлари денгиз кўпиклари ёки Тамим диёрининг қумлари ёхуд дарахт япроқлари сонича, ҳатто дунё кунларича кўп бўлса ҳам, Аллоҳу таоло унинг гуноҳларини кечиради.”**

Бухорий ва Муслим ривоят қилганига кўра, Расулulloҳ мана бундай истиғфор қилардилар: **“Аллоҳуммағфирли хотийати ва жаҳлий ва исрофий фи амрий ва мо анта аъламу бихий минний”**. (Таржимаси: Аллоҳим! Менинг Сенга маълум бўлган, билиб-билмай, ҳаддимдан ошиб йўл қўйган хато ва гуноҳларимни авф айла!)

“Аллоҳуммағфирли ҳазлий ва жиддий ва хатойй ва амдий ва куллу золика индий. Аллоҳуммағфирли мо қадамту вамо оххарту вамо асрорту вамо аъланту вамо анта аъламу миний ант-ал муқаддаму ва ант-ал муаххару ва анта ало кулли шайин кодийр”.⁴²² (Таржимаси: Аллоҳим, ҳазил-жиддий, унутиб ва билиб қилишим мумкин бўлган барча кусуротимни мағфират қил. Аллоҳим! Ўзинга ойдин бўлган ва мен такдим ё тахир қилган, яширин ва ошкора барча айбларимни кечиргин. Муқаддам ва муаххар Ўзингсан. Ҳар бир нарсага қодир ҳам Сенсан.)

Шафоатлари

Расули акрам жанобимиз, қиёмат куни умматига шафоат қилиб, уларни ташвиш ва ғам-ғуссалардан қутқарадилар. Бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилдиларки: **“Ё умматимнинг ярми жаннатга киради ёхуд менга шафоат қилиш ҳукуки берилади. Мана шу иккаласидан бирини танлашим ихтиёримга берилди. Мен шафоатни танладим. Чунки шафоат кенгроқ одамга шомил (қамраган) эди. Шафоатга ноил бўлиш фақат тақводорларга**

⁴²¹ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 257-б.; Ҳақим, “ал-Мустадрок”, I, 706-б.

⁴²² Абу Довуд, “Салот”, 123-б.; Термизий, “Даавот”, 29-б.; Доримий “Салот”, 169-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 94-б.; Дора Қутний, “ас-Сунан”, III, 264-б.; Ҳақим, “ал-Мустадрок”, I, 692-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 420-б.

махсус деб ўйламанглар. Айни пайтда хато қилиб, гуноҳга ботганларга ҳам махсус...”⁴²³

Абу Хурайра ҳазратлари ривоят қилган ҳадиси шарифда мухтарам пайгамбаримиз: **“Шафоатим, қалби тилини тасдиқ қилган ҳолда, ихлос билан “Ла илоҳа иллаллоҳ” деб шаҳодат келтирган кишигадир”** деганлар.⁴²⁴

Баъзи ҳадиси шарифларда эса, **“Аҳл-и байтимни севган умматимга шафоат қиламан”;**

“Катта гуноҳ қилган умматимга шафоат қиламан”;

“Асҳобимга тил текказганлардан бошқа ҳаммага шафоат қилишим мумкин”;

“Умматимдан ўз нафсига зулм қилган, нафсларига алданганларга шафоат қиламан”;

“Қиёмат кунини, энг биринчи мен шафоат қиламан”;⁴²⁵

“Шафоатимга ишонмаган одам унга эриша олмайди” деб марҳамат қилинган.⁴²⁶

Қиёмат кунини Сур чалинишидан инсонлар даҳшатга тушиб, кўзлар ола-кула бўлади ва мўминлар билан кофирлар маҳшар майдони сари ҳайдалади. Бу қиёмат кунининг шиддатини ортдирувчи азоблардан ҳисобланади.

Шунда, саккизта малак Аршни елкаларига олиб, тортиб келадилар. Улардан ҳар бири, бир қадамда йигирма минг йиллик дунё йўлини босиб ўтади.

Малоика билан булутлар, Арш-и аъло қарор топгунча ақл бовар қилмас даражада тасбиҳ айтиб туришади. Мана шундай ҳолатда Арш-и аъло, Аллоҳу таоло у учун яратган оқ арз (ер) устида қарор топади. Ўша пайтда ҳеч бир махлуқот тоқат қила олмайдиган Аллоҳу таолонинг азобидан бошлар қуйи эгилади. Бутун халқ кийин аҳволда қолиб, атрофдан шафқат излай бошлайди.

Пайгамбарлар ва олимларни кўркув чулғаб олади. Авлиё ва шаҳидлар азобнинг оғирлигидан фарёд чекади. Ҳамма шу вазиятда турганда, куёшдан ҳам порлоқ бир нур уларни қоплаб олади. Зотан куёш ҳароратига тоқат қила олмаган одамлар, бундай ташвишдан қарахт бўлиб, маҳшар майдони аралаш-қуралаш ҳолга келади. Шу

423 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 29-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XVIII, 58-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, XI, 308-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуниия”, 209-б.

424 Абу Яъла, “ал-Муснад”, XI, 39-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, XI, 321-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 217-б.

425 Бағавий, “ал-Анвор”, I, 62-б.

426 Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, XII, 421-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, XI, 324-б.

оғир ва изтиробли аҳвол минг йил давом этиб, бу вақт ичида уларга Аллоҳдан бирон садо ҳам келмайди.

Шунда одамлар, биринчи пайғамбар Одам алайҳиссалом хузурига бориб: “Ё Одам алайҳиссалом! Сиз азиз ва шариф пайғамбарсиз. Аллоҳу таоло илк сизни яратди ва малоикани сизга сажда қилдирди. Сизга ўз руҳидан уфлади. Илтимос, ҳисоб бошланиши учун бизга шафоат қилиб, Аллоҳу таоло ҳаққимизда не мурод қилган бўлса, шунга маҳкум бўлайлик. Қаерга амр қилса, ҳамма ўша жойларга борсин. Ҳар махлуқотнинг ҳоқими ва молики бўлган Аллоҳу таоло махлуқларига хоҳлаганини қилсин” деб ёлворади.

Одам алайҳиссалом айтади: “Мен, Аллоҳу таоло тақиқлаган дарахт мевасидан едим. Ҳозир эса, Аллоҳу таолодан уяламан. Сиз Нуҳга боринг. Ундан ёрдам сўранг.” Бу жавобдан кейин маҳшар халқи минг йил ўзаро маслаҳатлашиб қолиб кетади.

Ана шундан сўнгра, Нуҳ алайҳиссалом хузурига борадилар ва “Чидаб бўлмас аҳволдамиз. Муҳокамамиз тезроқ бошланиши учун шафоат қилинг ё пайғамбар! Шу маҳшар азобидан кутулайлик” деб, ялинади. Нуҳ алайҳиссалом уларга, “Мен ўз вақтида Аллоҳу таолога дуо қилгандим. Ер юзида қанча одамзот бор бўлса, ўша дуом оқибатида сувга ғарқ бўлди. Шу сабабли мен Аллоҳу таолодан уяламан. Сиз, халилulloҳ бўлган Иброҳим алайҳиссаломга боринглар. Аллоҳу таоло “Ҳаж” сурасининг охириги оятида маолан: **“Иброҳим (алайҳиссалом), сиз дунёга келмасингиздан олдин сизга мусулмон деб исм қўйган”** дб я марҳамат қилинди. Балки сизга у шафоат қилар” деб жавоб беради.

Яна аввалгидек ўзаро минг йил сўзлашадилар. Кейин Иброҳим алайҳиссалом хузурига борадилар. “Эй мусулмонлар отаси! Сиз - Аллоҳу таоло ўзига халил қилган зотсиз. Бизга шафоат қилинг! Аллоҳу таоло махлуқот орасида ҳукмини чиқарсин” деб ялинадилар. Иброҳим алайҳиссалом уларга: “Мен ҳаётимда уч марта киноя сўзладим. Шу орқали дин йўлида мужодала қилдим. Энди, бу мақомда туриб Аллоҳу таолодан шафоатга руҳсат сўрагани уяламан. Мусо алайҳиссаломга боринглар. Зеро, Аллоҳу таоло ул пайғамбар билан сўзлашди ва маънавий яқинлик кўрсатди. Сизга шафоат қилади”- дейди.

Бу маслаҳатдан кейин маҳшар халқи ўзаро нима қилиш кераклиги ҳақида яна минг йил истишора қилиб туриб қолади. Вақт ўтган сайин аҳволлари янада танг бўлади, маҳшар майдони торайиб

боради. Кейин Мусо алайҳиссалом олдига бориб мана бундай деб ёлворадилар: “Ё Ибн-и Имрон! Сиз Аллоҳу таоло билан сўзлашган, Таврот нозил қилинган пайғамбарсиз. Илтимос, ҳисоб бошланиши учун бизга шафоат қилинг! Зеро бу майдонда кутишимиз ҳаддан зиёд чўзилиб кетди. Издихомдан оёқлар бир-бири устига чиқиб кетди”.

Мусо алайҳиссалом уларга: “Мен, йиллар бўйи Аллоҳу таоло ёлвориб, Фиравн қавми бошига не-не қийноқлар солишини сўрадим. Кейинги авлодларга ибрат бўлишини тиладим. Бугун энди шафоатга изн сўрашга юзим йўқ. Лекин жаноби Ҳақ чексиз раҳмат ва мағфират эгаси. Сизлар яхшиси, Исо алайҳиссаломга боринглар. Чунки Ул зот яқийн жиҳатидан расулларнинг энг саҳиҳи, маърифат ва зуҳд жиҳатидан энг афзали, ҳикмат жиҳатидан энг юксагидир. Сизга у шафоат қилади.”- дейди.

Маҳшар азобидан безган одамзот Исо алайҳиссалом олдига боради ва “Сиз Аллоҳу таолонинг руҳи ва калимасисиз. Аллоҳу таоло сизни, "Ол-и Имрон" сураси қирқ бешинчи оятида маолан: **“Дунёда ва охиратда важх, яъни ғоят обрўли”** деб, мадҳ этган. Илтимос, бизга Раббингиздан шафоат қилинг!”- дейдилар.

Исо алайҳиссалом уларга жавобан: “Менинг қавмим таълимотимга кулоқ солмай мен ва онамни илоҳ қилиб олди. Шу ҳолда мен сизга қандай шафоат қила оламан? Улар менга ибодат қилди. Аллоҳу таолога ота, менга Худони ўгли деб тухмат қилишди. Сизлардан ҳеч бирингиз ичида нафақа пули бўлиб, оғзи муҳрланмаган қисса кўрганмисиз? Ўша муҳрни бузмай, ичидаги нафақани олиб бўладими? Сизлар яхшиси, пайғамбарлар сарвари ва хотами Муҳаммадга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) боринглар. Ул зот, ўз даъвату шафоатларини доим умматига тайёрлаб юрарди. Чунки, қавми унга кўп марта азият чектирди, муборак бошини ёриб, тишини синдирди. Уни жиннига чиқарди. Ваҳоланки, у улуғ пайғамбар ифтихор жиҳатидан уларнинг энг аълоси ва шараф жиҳатидан энг олийси эди. Қавмидан кўрган шунча азо ва жафоларга қарамай уларга Юсуф алайҳиссаломнинг ўз акаларига айтганидек, **“Бу кун айбларингиз юзингизга солинмайди. Архамурроҳимин бўлган Аллоҳ сизларни мағфират қилгай”**⁴²⁷ маолидаги ояти карима билан жавоб қиларди.” Исо алайҳиссалом, муҳтарам пайғамбаримиз (алайҳиссалом) фазилатларидан гап

427 Юсуф сураси, 12/92.

очганида маҳшар халки тезроқ ул сарвар ҳузурларига боришни кўмсаб қолади.

Шоша-пиша Муҳаммад алайҳиссаломнинг минбарига бориб: “Сиз Ҳабибуллоҳсиз! **Ҳабиб** эса, воситаларнинг энг фойдалисидир. Илтимос, бизга шафоат қилинг! Биз пайғамбарларнинг биринчиси Одам алайҳиссаломга бордик. У Нух алайҳиссаломга юборди. Нух алайҳиссаломга бордик. У бизни Иброҳим алайҳиссаломга жўнатди. Иброҳим алайҳиссаломга бордик. У бизни Мусо алайҳиссаломга юборди. Мусо алайҳиссаломга бордик. У Исо алайҳиссаломга боришимизни тавсия қилди. Исо пайғамбар эса, бизни сизга йўллади. Ё Расулаллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Сиздан бошқа борадиган жойимиз қолмади.”- деб ялинишади.

Расулаллоҳ жанобимиз: “**Аллоҳу таоло ижозат берса ва рози бўлса, сизга шафоат қиламан**” деб марҳамат қиладилар.

“**Сурадиқат-и жалол**”га, яъни жалол пардасига бориб, Аллоҳу таолодан шафоат учун изн сўрайдилар. Ул зотга изн берилади. Пардалар кўтарилади. Арш-и аълога кирадилар. Саждага бориб, минг йил шу ҳолатда қоладилар. Кейин Раббимизни шундай ҳамд билан мадҳу сано қиладиларки, олам яратилгандан бери ҳеч ким Аллоҳга ундай мадҳ айтмаган. Баъзи орифлар, Аллоҳу таоло оламларни яратганида ўзини шундай тенгсиз ҳамдлар билан мадҳ этганини айтганлар.

Маҳшар майдонида турган халойиқнинг аҳволлари янада ёмонлашиб, машаққат ва захматлари ортади. Ҳар бирининг бўйнига дунёда ҳасислик билан йиғиб, қизғониб сақлаган моллари осиб қўйилган бўлади. Туя закотини бермаганларнинг бўйнига туя осиб қўйилади. Улар шундай фарёд қилиб йиғлайдики, юклари тоғдек оғирлашади. Сигир, қўй закотини бермаганларнинг аҳволи ҳам худди шундай бўлади. Маҳшар халқининг фарёду фиғони гўёки осмон гумбурлаётгандек эшитилади.⁴²⁸

Ҳосил закоти, яъни ушр бермаганларнинг бўйнига ўша экин ҳосили оғирлигида юк осиб қўйилади. Қайси ҳосилдан ушр бермаган бўлса, ўша ҳосил навидан юклар осилади. Оғирлигидан тагидагилар во-вайло, во-сабура (**вайл** - азоб сўзи бўлиб, одам азобга тоқат қила олмаганда мана шундай деб фарёд қилади. **Сабур** эса, ҳалок пайтида ишлатилади.) деб дод-вой қилади.

Олтин, кумуш, (қоғоз) пул ва бошқа тижорат моли закотидан бермаганларга кўрқинчли илон мусаллат қилинади. Улар кўрқиб,

⁴²⁸ Муслим, “Иймон”, 399-б.; Термизий, “Сифат-ул-Қиёмат”, 10-б.; Ибн Можа, “Зуд”, 37-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 4-б.

бақиритиб, “Бу нима бало?” деганларида, малоика уларга, “Булар, дунёда закотини бермаган молларингиз”- деб жавоб қотади. Ушбу даҳшатли аҳвол "Ол-и Имрон" сурагининг юз саксонинчи оят-и каримасида маолан: **“Дунёда аяганлари, қиёмат куни бўйинларига тақилади”** деб билдирилган.

Бир гуруҳ одамнинг аврат жойларидан жароҳату йиринг оқиб туради. Уст-бошларидан анқиган қўланса ҳиддан атрофдагилар азобланади. Улар зино қилиб, ҳаром иш қилганлардир.

Яна бир фирқа ҳам бордирки, дарахт шохларига осилиб азобланади. Улар дунёда ливота (бачабозлик ва лутий алоқа) қилганлардир.

Бир фирқанинг эса, тиллари оғизларидан чиқиб, кўксигача тушган жуда жирканч аҳволда бўлади. Ҳеч кимнинг уларга ўгирилиб қарагиси келмайди. Улар ёлғончи ва тухматчилар бўлади.

Яна бир гуруҳ қоринлари тоғдек шишиб кетган ҳолда маҳшарда азоб чекади. Улар дунёда заруратсиз ва муомаласиз фоизга мол ва пул олиб берганлардир. Шу тариқа ҳаром ишга қўл урганларнинг гуноҳлари ғоят аянчли аҳволда оламга ошқор қилинади.

Аллоҳу таоло маолан, **“Эй Ҳабибим, бошингни саждадан кўтар! Арзингни айт, тинглаймиз. Шафоат қил, қабул қиламиз”** деб буюради. Ана шунда пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Ё Раббий! Бандаларинг орасидан яхшилар билан ёмонларни ажратгин ки, вақтлари жуда чўзилиб кетди. Ҳар бири ўз гуноҳлари туфайли Аросат майдонида разил-расво бўлди”** дейдилар.

“Тўғри, ё Муҳаммад!” деган нидо келади. Жаноби Ҳақ жаннатга алвон хил зийнати билан зийнатланишини буюради. Аросат майдонига келтирилади. Унинг шундай ёқимли хиди борки, беш юз йиллик масофадан сезилади. Бундан маҳшар халқи илк бор енгил тортиб, руҳлар тирилгандай бўлади. Лекин (кофирлар, муртадлар ва мусулмонларни мазаҳ қилганлар, ёшларни алдаб, иймонларини ўғирлаганлар ва) амаллари хабис, ёмонлар жаннат хидини сеза олмайди.

Жаноби Ҳақ жаннат ва жаҳаннамни маҳшарга олиб келишни амр қилади. Ўшанда жаҳаннам қулоқларни қар қилгудек бўкириб, оташ сачратиб, кўк юзини қоп-қора тутунга бўйяйди. Гумбурлаши ва ҳарорати чидаб бўлмас даражага етади. Уни кўрган маҳшар халқи даҳшатдан оёқларида туролмай, турган жойларига чўкиб қолади. Ҳатто пайғамбар ва расуллар ҳам ўзларини ушлай олмайди. Ҳазрати

Иброҳим, ҳазрати Мусо, ҳазрати Исо Арши аълога ёпишадилар. Иброҳим (алайҳиссалом) қурбон қилган ўз ўғли ҳазрати Исмоилни (алайҳиссалом) унутади. Мусо (алайҳиссалом) акаси Хорунни (алайҳиссалом), Исо (алайҳиссалом) эса, онаси ҳазрати Марямни унутадилар. Ҳар бири: “Ё Раббий! Бугун нафсимдан бошқа нарса сўрамайман” дейди.

Муҳаммад (алайҳиссалом) эса, “**Умматимга омонлик ва нажот бер ё Раббий!**” деб ёлворадилар. У ерда бунга бардош бера оладиган жон топилмайди. Зеро, Аллоҳу таоло шу вазиятни “Жосия” сураси йигирма саккизинчи оятида маолан: “**Ҳар умматни, жаноби Ҳақдан кўрққанидан тиз чўккан ҳолда кўрасан. Ҳар бири, дунёда қилган амаллари ёзилган китобига даъват қилинади**” деб хабар берган.

Аллоҳу таоло, “Мулк” сураси саккизинчи оятида маолан: “**Ғайзи (ғзаби) ва шиддатининг қаттиқлигидан Нор (оташ) иккига қарс ёрилиб кетгудек бўлади**” деган. Шу пайтда пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ўртага чиқиб, жаҳаннамни тўхтатиб, “**Ҳақир ва залил ҳолда ортга чекин! То ки сенга халқинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўзлари кирсин**” деб буюрадилар. Жаҳаннам бўлса, “Ё Муҳаммад! Менга йўл беринг! Чунки сиз менга ҳаромсиз” дейди. Аршдан “Эй Жаҳаннам! Муҳаммад алайҳиссаломнинг каломига итоат қил!” деган нидо келади. Кейин Расулуллоҳ жаҳаннамни занжирларидан ушлаб тортганча Арши аълонинг чап томонига жойлаштирадилар. Маҳшар халқи, пайғамбаримизнинг одамзотга қилган шу раҳмдиллиги ва шафоатларини айтиб, бир-бирига суюнчилайди. Даҳшатлари бир мунча камаяди. “Анбиё” сурасининг бир юз еттинчи оятидаги “**Сени оламларга раҳм(ат) қилиб юбордик**” деган маоли шу тариқа рўёбга чиқади.⁴²⁹

Хуллас, Расулуллоҳ жанобимиз олти жойда шафоат қиладилар. Биринчиси, “Мақом-и Маҳмуд” номли шафоатлари билан бутун одамзотни маҳшарда кутиш азобидан қутқарадилар. Иккинчиси, шафоатлари кўп бандани жаннатга киритади. Учинчиси, азобга лойиқ бўлганларни азобдан қутқарадилар. Тўртинчиси, гуноҳи кўп мўминларни жаҳаннамдан чиқарадилар. Бешинчиси, савоби ва гуноҳи тенг бўлиб, Аъроф деган жойда қолиб кетганларни жаннатга киргизадилар. Олтинчиси, жаннат аҳлининг даражаларини кўтариш учун шафоат қиладилар.

429 Муслим, “Иймон”, 399-б.; Термизий, “Сифат-ул-Қиёмат”, 10-б.; Ибн Можа, “Зуд”, 37-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 4-б.; Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 220-б.

Мўъжизалари

Муҳтарам пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг, Аллоҳ пайғамбари эканликларини кўрсатувчи мўъжизалар беҳисоб даражада кўп. Аллоҳу таоло “**Сен бўлмаганингда, оламни яратмаган бўлардим**”⁴³⁰ деб марҳамат қилди. Бутун мавжудот Аллоҳу таолонинг бор ва бирлигини кўрсатиб турганидек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини ва ҳаммадан устунлигини ҳам кўрсатиб турибди. Умматининг авлиёсида ҳосил бўлаётган кароматларнинг жумласи Ул зотнинг мўъжизаларидир. Чунки барча кароматлар, Ул зотнга эргашганларда, Ул зотнинг йўлидан юрганларда ҳосил бўлмоқда. Ҳатто барча пайғамбарлар, сарвари оламнинг умматидан бўлишни истганлари, тўғрироғи барчаси Ул зотнинг нуридан яратилганликлари боис уларнинг мўъжизалари ҳам Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари ҳисобланади.

Муҳтарам пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари замонига биноан уч қисмга бўлинади. **Биринчиси**, муборак руҳи яратилганидан бошлаб, пайғамбарлигигача, яъни биъсат пайтигача бўлганлардир. **Иккинчиси**, биъсатдан вафотларигача кўрилган мўъжизалардир. **Учинчиси**, вафотларидан қиёматгача бўлган ва бўладиган мўъжизалардир. Биринчи қисмдагиларга “**ирхос**” (пайғамбар юборилишидан олдин, унга далолат қилувчи белгилар) дейилади. Улардан ҳар бири кўриб ёки кўрмай ақл орқали тушуниладиган мўъжизалар ўлароқ иккига ажралади. Бу қисмдаги мўъжизалари шунчалик кўпки, уларни бир-бир санаб, ёзиб чиқиш мумкин бўлмаган. Иккинчи қисмдаги мўъжизаларнинг сони уч мингга яқин эканлиги айтилади. Энг машҳурларидан бир нечтасини қуйида келтирдик:

1 – Муҳаммад алайҳиссалом мўъжизаларининг энг улуғи Куръони каримдир. Бугунгача яшаган барча шоиру адиблар, Куръони каримнинг назми ва маъносига ожиз ва лол қолганлар. Ҳаттоки битта ояти каримага ўхшаш гап-жумла-мисра туза олмаганлар. Сура-оятларнинг иъжоз ва балоғати одамзот сўзига ўхшамайди. Яъни оятлардан хоҳлаган бир калимаси олиб ташланса ёки бир калима қўшилса, лафз ва маъносидаги майинлик, ёқимлилик, гўзаллик, жозиба бузилади. Калималардан бирортасини бошқа сўз

⁴³⁰ Суютий, “*ал-Лаоли-л-маснуа*”, I, 272-б; Ажлуний, “*Кашф-ул-хафо*”, II, 164-б.

билан алмаштиришга уринганлар уддасидан чиқа олмаган. Назми, араб шоирларининг шеърларига сира ўхшамайди. Бу муқаддас китоб қадимда бўлган ва келажакка оид неча-неча яширин воқеа-ходисалардан дарак бергани. Уни ўқиган ва эшитганлар, лаззатига, тотига тўймайди. Чарчасалар ҳам, сиқилмайди. Тиловат қилиш ва эшитиш ташвишларни кетказиши сонсиз-саноксиз марта тажриба қилинган. Эшитганда қалбида даҳшат ва қўрқув пайдо бўлганлар ва шу сабабдан жон берганлар ҳам учраган. Не-не қудратли Ислому душманларининг Қуръони карим тиловатини эшитиб, қалблари юмшаб, иймонга келган.

2 – Бир куни амакиси Аббоснинг уйига бориб, уни ва ўғилларини ёнларига ўтказдилар. Устларига эҳромларини ёпиб, **“Ё Рабби! Мен шу амаким ва аҳл-и байтимни ёпганимдек Сен ҳам уларни жаҳаннам оташидан сақла”** дедилар. Шунда деворлардан уч марта **“омин”** овози эшитилди.⁴³¹

3 – Бир куни қўлида бут кўтариб юрган одамга дуч келиб қолдилар ва унга, **“Агар кўлингдаги бут, менга қараб сўз қотса, иймон келтирасанми?”** деб сўрадилар. Ҳалиги одам: **“Мен бунга эллик йилдан буён ибодат қиламан. Шунча йилда менга бирон сўз айтмаган. Сенга қандай қилиб сўзлаши мумкин?”** деди. Муҳаммад алайҳиссалом: **“Эй бут! Мен кимман?”** деганларида бутдан **“Сен Аллоҳнинг пайғамбарисан”** деган овоз эшитилди. Бут эгаси, дарҳол иймон келтирди.

4 – Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) яйловда кетаётганда, уч марта **“Ё Расулаллоҳ!”** деган овоз эшитдилар. Овоз чиққан томонга ўгирилганларида у ерда боғланган кийикни кўрдилар. Ёнида бир одам ухлаб ётарди. Кийикдан нима хоҳлашини сўраганларида жонивор: **“Бу овчи мени овлади. Қарши тепалиқда иккита болам қолди. Илтмос, мени бўшатиб юборинг! Бориб болаларимни тўйдириб келайин”** деди. Расул алайҳиссалом: **“Ваъданга туриб, қайтиб келасанми?”** деб сўрадилар. Кийик: **“Аллоҳ учун ваъда бераман. Қайтиб келмасам Аллоҳнинг азобига дучор бўлайин”** деди. Расулаллоҳ кийикни қўйиб юбордилар. Бир мунча вақт ўтгач она кийик қайтиб келди. Шу пайт овчи уйғониб, **“Ё Расулаллоҳ! Менга бирон буйруғингиз борми?”** деди. Пайғамбаримиз: **“Бу кийикни озод қил!”** дедилар. Овчи арқонини ечиб, кийикни бўшатди. Кийик: **“Ашҳаду ан ла илоҳа иллаллоҳ ва аннака Расулаллоҳ”** деди-ю тоғ томон кетди.

⁴³¹ Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, IX, 226-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XXVI, 311-б.

5 – Термизий ва Насойнинг “**Сунаи**” китобларида айтиладики: Икки кўзи кўр бир одам келиб, “Ё Расулаллох! Менга бир дуо қилинг, кўзларим очилсин” деб илтимос қилди. Расулаллох раҳм қилиб, яхшилаб таҳорат олишини, кейин “**Ё Рабби! Сенга ёлвораман. Севимли пайғамбаринг Муҳаммад алайҳиссаломни ўртага қўйиб, Сендан сўрайман. Эй, ҳаммадан ортиқ севган пайғамбарим ҳазрати Муҳаммад! Сизни васила қилиб, Раббимга ёлвораман. Сизнинг хотирингиз учун дуомнинг қабул бўлишини сўрайман. Ё Раббий! Шу улуг пайғамбарни менга шафоатчи айлагил! Унинг ҳурматига кўзларим очилиши учун қилган дуомни қабул этгил**” деб дуо қилишини тавсия буюрдилар. Кўр таҳорат олиб, дуо қилиши билан кўзлари кўра бошлади. Ушбу дуони мусулмонлар ҳамиша ўқиб, тилақларига эришганлар.

6 – Расулаллохга бир аёл ҳадя тариқасида асал юборди. Асални қабул қилиб, идишни қайтардилар. Аллоху таолонинг қудрати билан идиш яна болга тўла ҳолича эгасига етди. Аёл келиб, “Ё Расулаллох! Менинг гуноҳим нима? Нега ҳадямни қабул қилмадингиз?”- деди. “**Ҳадянгизни қабул қилдик. Идишдаги бол эса, ҳадянгизга Аллоху таоло берган баракатдир**” дея марҳамат қилдилар. Аёл, хурсанд бўлиб баракали асал билан уйига кетди. Асални болачақаси билан бир неча ойлар давомида есалар ҳам камаймади. Бир куни негадир асални бошқа идишга солиб қўйдилар. Ўша идишдан еб тугатишди. Буни Расулаллохга айтдилар. Пайғамбаримиз: “**Агар биринчи идишда қолганда, дунё тургунча есалар ҳам камаймасди**” дедилар.

7 – Умматидан жуда кўп одамнинг денгиздан ғазога боражакларини ва саҳобадан Умму Ҳиром исмли аёлнинг ҳам ғазога иштирок этажagini башорат қилгандилар. Кейин худди шу гаплари рўёбга чиқиб, ҳазрати Усмон халифалиги замонида, мусулмонлар кемаларда Қибрис (Кипр) оролига бориб, ҳарб қилдилар. Умму Ҳиром ҳам улар билан бирга урушга борди ва ўша ерда шаҳид бўлди.

8 – Ҳазрати Муовияга, “**Бир куни умматимга ҳоким бўлсанг, яхшилик қилганларга мукофот бер! Ёмонлик қилганларни авф айла!**” деб марҳамат қилдилар. Ҳазрати Муовия, ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон замонларида Шомда йигирма йил волийлик, кейин яна йигирма йил халифалик қилди.

9 – Бир куни Абдуллох ибни Аббоснинг онасига қараб, “**Сиз бир**

ўғил кўрасиз. Туғилиши билан менга олиб келинг!” деб марҳамат қилдилар. Чақалоқ олиб келинганида, қулоғига азон ва иқомат ўқиб, оғзига муборак тупукларини суртиб қўйдилар. Чақалоққа Абдуллоҳ деб исм қўйиб, онасига қайтариб бераётганларида **“Манг, халифалар отасини олиб кетинг!”** дедилар. Отаси ҳазрати Аббос буни эшитгач жанобимиз хузурларига келиб, сўраганида, **“Ҳа шундай дедим. У бола халифалар отаси бўлмай. Улар орасида Саффоҳ, Махдий ва Исо (алайҳиссалом) билан намоз ўқийдиган одам ҳам чиққай”** деб марҳамат қилдилар. Кейинчалик Аббосий давлати қурилиб, тахтида жуда кўп халифалар ўтирди. Барчаси Абдуллоҳ бин Аббоснинг авлодидан эди.

10 – Амакилари ўғли Абдуллоҳ бин Аббоснинг пешонасига муборак қўлларини қўйиб, **“Ё Раббий! Буни динда теран олим қилиб, ҳикмат соҳиби айлагил! Қуръони карим илмларини унга эҳсон айла!”** деб дуо қилдилар. Шундан кейин Абдуллоҳ бин Аббос барча илмларда, айниқса тафсир, ҳадис ва фикҳ илмида замонасининг яғонасига айланди. Саҳоба ва Тобеинлар ҳамма нарсани ундан ўргандилар. **“Таржимон-ул-Қуръон”, “Баҳр-ул-илм” ва “Раис-ул-муфасссирийн”** номлари билан машҳур бўлди. Ислоҳ мамлакатлари унинг шогирдлари билан тўлди.⁴³²

11 – Расулulloҳнинг хизматчиларидан Анас бин Моликка, **“Ё Раббий! Бу одамнинг моли ва авлодини кўп, умрини узун қил, гуноҳларини авф айла!”** дея дуо қилдилар. Кўп ўтмай мол-мулки кўпайди. Мевали дарахтлари, боғ-бўстонлари ҳар йили мева берадиган бўлди. Фарзандлари ҳам жуда кўп бўлди. Ўзи бир юз ўн йил умр кўрди. Умри охирида, **“Ё Раббий! Ҳабибингни мен ҳақимдаги дуосидан учтасини қабул қилиб, менга эҳсон этдинг. Тўртинчиси - гуноҳларимнинг кечирилиши ажабо қандай бўларкин”** деган хаёлга борди. Шу пайт **“Хотиринг жам бўлсин. Тўртинчисини ҳам қабул қилдим”** деган овоз эшитилди.

12 – Ҳижратнинг учинчи йили эди. Расул алайҳиссалом Қаттон ғазосида бир дарахт тагида ёлғиз ўзлари ётгандилар. Досур исмли бақувват бир кофир қўлида қиличи билан келди-да, **“Энди сени мендан ким кутқара олади?”** деди. Расулulloҳ: **“Аллоҳу таоло кутқаради”** деб марҳамат қилдилар. Шу заҳоти Жаброил алайҳиссалом одам қиёфасида пайдо бўлиб, кофирнинг кўкрагига

⁴³² Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 266-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 365-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, XI, 234-б.

бир урди. Кофир ўзи томонга, қиличи бир томонга учди. Расул алайҳиссалом, қилични қўлига олиб, **“Энди сени мендан ким кутқаради?”** дедилар. Досур: “Мени сендан бошқа кутқарадиган хайрли киши йўқ” деб ёлвора бошлади. Расулуллоҳ уни қўйиб юбордилар. Бундай раҳмдилликни кўрган Досур иймон келтириб мусулмон бўлди ва анча одамнинг мусулмон бўлишига сабабчи бўлди.⁴³³

13 – Расул алайҳиссалом, бир куни таҳоратдан кейин маҳсиларидан бирини кийиб, иккинчисига қўл узатаётганларида тўсатдан бир қуш маҳсини илиб кетди ва маҳси ичидан ерга илон тушди. Шундан кейин қуш маҳсини ерга ташлаб, учиб кетди. Ўша кундан бошлаб, пойабзал оғзини пастга қаратиб силкитиб кейин кийиш суннат бўлди.

14 – Ҳазрати Анас ҳикоя қилади: Расулуллоҳнинг муборак юзларини артадиган сочиқлари бўларди. Кирлаганда уни оловга ташлардилар. Социқ кирлари ёниб кетарди-да, ўзи ёнмай, топ-тоза бўлиб қоларди.

15 – Ухуд жангида Абу Қатоданинг бир кўзи чиқиб кетиб, ёноғи устида осилиб қолди. Уни Расулуллоҳ ҳузурларига элтдилар. Кўзини муборак қўллари билан жойига жойлаштириб, **“Ё Раббий! Бунинг кўзини аслига келтир!”** деб дуо қилдилар. Абу Қатоданинг шу кўзи соғ кўзидан равшанроқ кўрадиган бўлди. Абу Қатоданинг невараларидан бири халифа Умар бин Абдулазизнинг ёнига келганида, халифа ундан, “Кимсан?” деб сўради. У эса, бир байт шеър ўқиб, Расулуллоҳнинг муборак қўллари билан кўзи жойига қўйилган зотнинг невараси эканлигини маълум қилди. Бундай байтни эшитган халифа унга кўп икром ва эҳсонларда бўлди.

16 – Расулуллоҳ бир куни қизлари ҳазрати Фотиманинг уйига бориб, аҳвол сўрадилар. Ҳазрати Фотима: “Отажон! Уч кундан бери болаларим билан ҳеч нарса еб-ичмай очликка сабр қилиб ўтирибмиз. Меники муҳим эмас. Лекин Ҳасан билан Ҳусайннинг аҳволига ачинапман” деди. Шунда сарвари олам жанобимиз: **“Эй Фотима! Жон қизим! Сен уч кундан буён очман дейсан. Мен тўрт кундан буён очман”** деб марҳамат қилдилар. Муборак неваралари Ҳасан билан Ҳусайннинг оч ўтирганларидан ғамгин бўлдилар...

Ҳазрати Али ишлаб пул топиб, муборак болаларига бирор нарса

⁴³³ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 35-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 4-б.; Ҳазолий, “Иҳе”, II, 890-б.*

олиб келиш учун йўлга чиқди. Мадина ташқарисига чиққанида бир кудуқ ёнида туяларини суғормоқчи бўлиб турган кишлоқини учратди. Яқин бориб, **“Эй арабий! Туяларингни суғоришга ёрдамлашсам, иш ҳақи берасанми”** деб сўради. Ҳалиги одам: **“Ҳа. Аслида менга ҳам шундай бири керак эди. Хоҳласанг кел, сен суғориб бер. Кудуқдан тортган ҳар челақ сув эвазига учтадан хурмо бераман”**- деди.

Ҳазрати Али рози бўлиб, кудуқдан сув торта бошлади. Энди тўкқиз челақ сув чиқарганди, бирдан ипи узилиб, челақ кудуққа тушиб кетди. Уни кўрган туякаш ғазаб билан ўтирган жойидан ирғиб туриб, ҳазрати Алининг юзига бир шапалоқ туширди.

Сўнгра тортилган саккиз челақ эвазига йигирма тўрт дона хурмо берди. Вазиятдан жуда хафа бўлган ҳазрати Али кўлини кудуқ ичига узатди-да, тушиб кетган челақни чиқариб, кудуқ устига кўйди ва у ердан кетди. Қишлоқи хайратдан қотиб қолганди. Шундай чуқур кудуқ тубига кўли қандай етди? Ёки бу зот келиши башорат қилинган янги диннинг мансубими? Шу ҳаёлларда шошиб турган қишлоқи **“Бу одамнинг пайғамбари ҳақ. Мен ишондим”** деди ўз ўзига.

Ҳозиргина қилган журъатига, йўл кўйган айбига пушаймон бўлди. **“Шундай одамга кўтарилган кўлни кесиш, суягини синдириш керак”** деб, қиличи билан бир кўлни шартта билагидан кесиб ташлади. Жони оғриси ҳам, қалби анча роҳатланди. Кесилган кўлни иккинчи кўлига олиб, тўғри Масжиди Набийга келди. Асҳоби киромдан пайғамбарларининг қаердалигини сўради. Қизлариникига кетганини айтдилар. Ҳазрати Фотиманинг уйини суриштириб, топиб борди.

Шу пайтда муҳтарам пайғамбаримиз, неваралари ҳазрати Ҳасан билан ҳазрати Ҳусайнни тиззаларига ўтқазиб, келтирилган хурмоларни егизардилар.

Туякаш қишлоқи хатосининг катталигини ўйлаб, ўзин койир, кўзларидан шашқатор ёш тўкиларди. Ана шундай ҳолатда ҳазрати Фотиманинг эшигини қоқди. Ичкаридан оламлар сарвари нур сочиб, ташқарига чиқдилар. Қишлоқи, Сарваримизни кўриши билан **“Ишондим, сиз Аллоҳнинг Расулисиз! Қилмишимга пушаймонман, мени авф этинг, ё Расулаллоҳ!”** деб ёлвора бошлади.

Севимли пайғамбаримиз, **“Кўлингни нима учун кесдинг?”** дея сўраганларида, **“Сизга инонган муборак юзга урган кўлни**

кўтариб юришга ҳаё қилганим учун!... Жоним сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ!” деди.

Меҳр дарёси муҳтарам пайғамбаримиз, қишлоқидан кесилган кўлини олиб, **“Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим”** деб, қонаб турган билагига бирлаштирдилар. Кесилган кўл, Аллоҳу таолонинг қудрати билан пайғамбаримизнинг мўъжизалари сифатида асл ҳолига қайтди. Аллоҳу таоло ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарсага кучи етади.

Муборак завжалари

Расулulloҳ (алайҳиссалом) сарваримиз, Хадижа волидамизнинг вафотидан кейин эллик беш ёшларида иккинчи марта ҳазрати Абу Бакрнинг қизи Ойша волидамизни никоҳига олдилар. Никоҳлари Аллоҳу таолонинг амри билан амалга оширилган бўлиб, Расулulloҳ охиратга иртиҳол этгунларига қадар саккиз давом этди.

Бошқа барча никоҳлари диний, сиёсий сабабларга кўра ёки раҳм ва эҳсон юзасидан қийилган эди. Ушбу завжаларининг барчаси тул бўлиб, кўпи кампир ёшдаги аёллар эди. Масалан, Маккадаги кофирларнинг мусулмонларга азиятлари чидаб бўлмас даражага етганида, Асҳоби киромнинг бир қисми Ҳабашистонга хижрат қилган эди. Ҳабаш ҳукмдори Нажоший, насоро динига эътиқод қиларди. У мусулмонларга жуда кўп саволлар бериб, олган қониқарли жавобларига ҳайрон қолиб, мусулмон бўлди. Мусулмонларга жуда кўп ёрдам ва фойдаси тегди. Лекин иймони заиф Убайдуллоҳ бин Жаҳш, бойликка қизиқиб, попларнинг алдови билан динини дунёга алмаштириб, муртад бўлди.⁴³⁴

Расулulloҳнинг аммаси ўғли бўлган бу малъун, хотини Умм-и Ҳабибани ҳам диндан чиқиб, бой бўлишга мажбурлади. Бироқ аёл, фақирлик билан ўлимга розилигини, аммо Муҳаммад алайҳиссаломнинг динидан воз кечмаслигини айтгач, уни қўйиб юборди. Йўқсиллик ва очликдан ўлишини кутди. Лекин кўп ўтмай Аллоҳу таоло Убайдуллоҳ бин Жаҳшнинг жонини олди. Умм-и Ҳабиба, ўша даврда маккалик Қурайшнинг бош қўмондони Абу Суфённинг қизи эди. Шу пайтларда Расулulloҳ, Қурайш мушрик қўшинлари билан жуда кизгин курашда бўлиб, Абу Суфён, Исломиятни йўқотиш учун бор кучи билан уринарди.

⁴³⁴ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 223-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, III, 89-б.; Табарий, “Торих”, II, 414-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, I, 379-б.

Сарвари олам жанобимиз Умм-и Ҳабибанинг динида мустаҳкамлиги ва бошига келган оғир ташвишлар ҳақида эшитдилар. Нажошийга мактуб йўллаб, **“Мамлакатингиздаги Умм-и Ҳабибани никоҳламоқчиман. Сиз никоҳимизни қийинг! Кейин уни бу ерга юборинг”** деб илтимос қилдилар. Нажоший бу воқеаларгача мусулмон бўлганди. У мактубга кўп ҳурмат билан қараб, юртидаги мусулмонларни саройига чақириб, зиёфат берди. Ҳижратнинг еттинчи йилида Расулulloҳнинг талаблари бўйича никоҳ ўқилиб, Умм-и Ҳабибага кўп ҳадя ва эҳсонлар берилди. Шу тариқа Умм-и Ҳабиба, иймонининг мукофотига эришиб, бегона юртда бой-бадавлат аёлга айланди. У туфайли ёнидаги мусулмонларнинг аҳволи ҳам анча яхшиланди.

Жаннатда хотинлар эрлари ёнида бўладигани учун, жаннатнинг энг баланд даражасига эришадиган бўлди. Ер юзининг бутун завк ва неъматлари бу суюнчи олдида заррача қийматга эга эмас. Сиёсий жиҳатдан айнан шу никоҳ Абу Суфённинг кейинчалик мусулмон бўлишига замин ясаган асосий сабаблардан бўлди. Ушбу никоҳ, Расулulloҳнинг қанчалик узокни кўра олишларини, сиёсий-ижтимоий соҳада на қадар ақл-заковот, даҳо, эҳсону марҳаматга эга эканликларини кўрсатади.⁴³⁵

Иккинчи мисол: Ҳазрати Умарнинг кизи ҳазрати Ҳафса тул қолганди. Ҳижратнинг учинчи йили ҳазрати Умар, ҳазрати Абу Бакрга, кейин ҳазрати Усмонга **“Қизимни берсам, оласанми?”** деб таклиф қилганида **“ўйлаб кўрайлик”** деган жавоб олиб, юраги ғаш бўлганди. Бир куни Расулulloҳ (алайҳиссалом) жанобимиз, учаласи ҳам иштирок этган бир йиғинда, ҳазрати Умарга қараб, **“Ё Умар! Ғамгин кўринасан. Сабаби нима?”** дея сўрадилар. Шишадаги сиёҳнинг ранги аниқ кўринганидек Расулulloҳ ҳам ҳамманинг хаёлини бир қарашда ўқиб олардилар. Лозим топсалар, ҳолини сўрардилар. Ул зотга, ҳатто ҳаммага доимо тўғри сўзлашимиз фарз бўлганидан ҳазрати Умар ҳам тўғриси айтди: **“Ё Расулalloҳ! Қизимни аввал Абу Бакрга, кейин Усмонга таклиф қилдим, олмадилар”**. Расулulloҳ энг севадиган шу уч улуғ Асҳоби орасида хафагарчилик туғилишига кўнгиллари рози бўлмай, уларни хурсанд қилиш учун, **“Ё Умар! Қизингни Абу Бакр ва Усмондан ҳам яхшироқ одамга берсам, нима дейсан?”** дедилар. Ҳазрати Умар

⁴³⁵ *Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 607-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 258-б.; Байҳақий, “Далоил-ун-нубува”, II, 188-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, I, 42-б.; Ҳузайф, “ат-Тахрийж”, 184-б.*

шошиб қолди. Чунки ҳазрати Абу Бакр билан ҳазрати Усмондан яхшироқ одам йўқлигини биларди. Шунга қарамай, “Албатта, ё Расулаллоҳ!” деди. **“Ё Умар, қизингни менга бер!”** деб марҳамат қилдилар. Шу тариқа ҳазрати Ҳафса, ҳазрати Абу Бакр, Усмон ва барча муъминларнинг оналарига айланиб, булар ул волидага хизматчи бўлди. Иккинчи томондан учта буюк саҳоба ўртасида пайдо бўлган ноқулайликка барҳам берилди. Уларнинг дўстлиги, қардошлиги янада мустаҳкамланди.⁴³⁶

Учинчи мисол: Ҳижратнинг беш ёки олтинчи йили эди. Баний Мусталақ қабиласидан олинган асирлар орасида қабила раиси Хориснинг қизи Жувайрийя исмли жувон ҳам бор эди. Уни Расулulloҳ сотиб олиб, озод қилдилар ва ўзларига никоҳлаганларида саҳобаларнинг (алайҳимурридвон) ҳаммаси, “Биз Расулulloҳ сарваримиз оилалари, яъни волидамиз қариндошларини чўри, хизматчи, қул қилиб ишлатишдан ҳаё қиламиз” деб, барча асирларни озод қилдилар. Шу тариқа, ушбу никоҳ юзларча асирнинг озод қилинишига сабаб бўлди. Бу ўз даврида улкан сиёсий аҳамиятга эга тadbир эди. Ҳазрати Жувайрийя, бу ҳолни эслаб, ҳар доим фахрланарди. Ҳазрати Ойша эса, “Жувайрийядан ҳам хайрли ва баракатли хотин кўрмаганман” дерди.⁴³⁷

Ҳазрати Хадижа: Китобимизнинг бош томонида ҳазрати Хадижа волидамиз ҳақида кенг маълумот берилди.

Ҳазрати Ойша: Расулulloҳнинг иккинчи завжаи мутаҳ-хараларидир (пок рафиқаларидан). Абу Бакр Сиддикнинг қизи бўлиб, жуда оқил, зукко, олима, адиба, афифа ва солиҳа эди. Ҳофизаси (хотираси) жуда қувватли бўлганлигидан Асҳоби киром, кўп нарсаларни ундан сўраб ўрганарди. Ояти карима билан мадҳ этилди. Ижтиҳоди ҳазрати Али билан мос бўлмаганлиги учун Туя воқеасида ҳазрати Алига қарши ҳарб қилган саҳобалар сафида бўлди. Ҳазрати Али шаҳид қилинганида жуда ачинди. Ҳуруфийлар унга кўп тухматлар қилмоқда. Ҳазрати Алини ёмон кўрарди деб айблайди. Ҳолбуки, **“Алини севиш иймондандир”** ҳадиси шарифни ҳазрати Ойша ривоят қилган. Шу тариқа уни севишини ва ҳамманинг севиши лозимлигини такидлади. Ҳижратдан саккиз йил олдин туғилди ва эллик еттинчи йилда, олтмиш беш ёшида Мадинада вафот этди.

⁴³⁶ Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 237-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 83-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, V, 294-б.; Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, IV, 320-б.

⁴³⁷ Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 277-б.; Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, I, 294-б.; Табарий, “Торих”, II, 264-б.; Ибн Ҳабиб, “ал-Мухаббар”, 90-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 18-б.

Савда бинти Замъа: Пайғамбаримизнинг учинчи завжаларидир. Савда эри билан иймон келтириб, Ҳабашистонга ҳижрат қилганди. Маккага қайтиб келганларида эри вафот қилди. Расулulloҳ аввал ҳазрати Ойшани, ундан кейин Савдани никоҳладилар. Савдани Маккада, ҳазрати Ойшани Мадинага келганларидан сўнг уйларига олдилар. Савда хоним жуда меҳрибон ва ифбатли аёл эди. Ҳазрати Умар халифалиги даврида вафот этди.⁴³⁸

Зайнаб бинти Ҳузайма: Бу хоним кўп ибодат қилар, кўп садақа берарди. Абдуллоҳ бин Жаҳшнинг хотини эди. Абдуллоҳ, Расулulloҳ аммалари Умайманинг ўғли эди. Уҳуд жангида шаҳид бўлди. Расулulloҳнинг никоҳларида бўлиш шарафига муяссар бўлса-да, саккиз ой ўтгач вафот этди.⁴³⁹

Умму Салама: Асл исми Ҳинд эди. Эри Абу Салама билан Ҳабашистонга биринчилардан бўлиб ҳижрат қилганди. Абу Салама, Расулulloҳ аммалари Барранинг ўғли Убайдуллоҳ бин Жаҳшнинг қардоши бўлиб, ҳижратнинг тўртинчи йили Уҳуд (Мадинада) жангида олган жароҳати оқибатида вафот этди. Тул қолгач ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Умарнинг никоҳ таклифларини қабул қилмади. Расулulloҳнинг никоҳлари билан шарафланди. Эллик тўққизинчи йили саксон тўрт ёшида Мадинада вафот этди. Расулulloҳнинг энг охириги вафот этган завжалари шу киши бўлган.⁴⁴⁰

Зайнаб бинти Жаҳш: Расулulloҳнинг аммалари Умайманинг кизи бўлиб, Абдуллоҳ бин Жаҳшнинг синглиси. Отасининг исми Барра эди. Иймон келтирмагани учун Жаҳш деб аталди. Зайнаб биринчи иймон келтирганлардан ҳисобланади. Пайғамбаримиз уни асраб олган ўғли бўлмиш Зайд бин Хорисага никоҳлаган эдилар. Зайд, Зайнабнинг ҳақиқа рия қила олмагани боис ҳижратнинг учинчи йили ажрашиб кетди. Расулulloҳ уни ўз никоҳларига олишни таклиф қилдилар. Бу хабарни эшитган Зайнаб, севинганидан икки ракъат намоз ўқиб, “Ё Рабби! Расулинг мени сўраяптилар. Агар менинг Унга завжа бўлишимни тақдир қилган бўлсанг, мени ул зотга Ўзинг бер” деб дуо қилди. Дуоסי ижобат бўлиб, “Аҳзоб” сурасининг **“Бас қачонки, Зайд ундан (яъни Зайнабдан) хожатини адо этгач (яъни шариат бўйича ундан ажрашгач) Биз уни сизга завжа айладик”** маоли шарифидаги ўттиз еттинчи ояти каримаси

⁴³⁸ *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 238-б.; Ибн Ҳабиб, “ал-Мухаббар”, 79-б.; Мақризий, “Иътолу-асмо”, VI, 34-б.*

⁴³⁹ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 115-б.*

⁴⁴⁰ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 96-б.; Ибн Ҳабиб, “ал-Мухаббар”, 85-б.*

нозил бўлди. Зайнабнинг никоҳини Аллоҳу таоло қийгани сабабли Расулulloҳ унга алоҳида никоҳ ўқитмадилар. Зайнаб (родиаллоҳу анҳо) бу билан фахрланиб, доимо “Ҳар бир хотин-қизни отаси эрга берса, мени Аллоҳу таолонинг Ўзи никоҳлаган” дерди. Ўшанда ўттиз саккиз ёшда эди. Ҳижратнинг йигирманчи йили эллик уч ёшида вафот этди.⁴⁴¹ Хайр-эҳсонни мўл бўлиб, садақа беришни яхши кўрарди. Кўли гул, жуда маҳоратли эди. Ўзи тиккан ва кўлига тушган ҳар бир нарсани қариндошларига ва камбағалларга улаштирарди. Халифа Умар, азвожи мутаҳхаротнинг (Расул завжалари) ҳар бирига ўн икки минг дирҳам нафақа берарди. Ҳазрати Зайнаб нафақасини олган заҳоти ҳаммасини бева-бечораларга тарқатиб юборарди. Расулulloҳдан кейин завжоти тоҳирот орасида энг биринчи вафот этган Зайнаб бинти Жаҳш бўлди. Ҳазрати Ойша бу аёлни кўп мадҳу сано қиларди. **“Завжаларим орасида менга энг аввал қовушадигани, кўли энг очиқ бўлганидир”**⁴⁴² хадиси шарифи унинг олдин вафот этишидан дарак берарди. Чунки энг кўли очиғи, яъни энг кўп садақа берувчи волидамиз - Зайнаб эди.

(Адабсиз ва ғийбатчи Волтер номли француз шоири, Расулulloҳнинг ҳазрати Зайнабни никоҳларига олишлари воқеасини тарихий ҳақиқат ва хабарларга зид ўларок, уйдирма, тухматлардан иборат шеърӣ драма ҳолида ёзган. Адибликка ярашмаган шу ифлос “асари” уни черковдан ҳайдаган душмани папага ёқиб қолиб, муаллифга мақтов хати ёзади. Муслмонлар халифаси, **султон иккинчи Абдулҳамид хон**, ушбу пьесанинг сахналаштирилаётганини эшитиб, Франция ва Англия ҳукуматларига дарҳол ултиматум юбориб, пасткашликнинг олдини олган эди.)

Ҳазрати Сафийя: Бу хоним, Хайбар яҳудийлари бошлиғи Хуяй ибни Аҳтобнинг қизи эди. Хайбарда бир яҳудийга унаштириб кўйилганди. Кейинроқ, жуда бадавлат Канона бин Ҳақиққа турмушга чиққанди. Ҳижратнинг еттинчи йили Хайбар фатҳ этилганида Сафийя ҳам асир олинганди. Ғанимат бўлинаётганда у Расулulloҳнинг хиссаларига тушди. Пайғамбаримиз уни озод қилдилар. У эса, иймон келтирди ва Расулulloҳнинг никоҳи билан шарафланди. Ҳижратнинг эллигинчи йили Мадинада вафот этди.

Ҳазрати Маймуна: Бу хонимнинг асл исми Барра эди.

⁴⁴¹ Дора Қутний, “ас-Сунан”, III, 301-б.; Ҳақим, “ал-Мустадрок”, IVI, 24-б.

⁴⁴² Бухорӣ, “Закоат”, 10-б.; Муслим, “Фазоил-ус-Саҳоба”, 101-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 108-б.

Расулulloҳ уни Маймуна деб алмаштирдилар. Хайбар фатҳидан кейин Маккага умрага келганларида Маймунанинг эри вафот этган эди. Расулulloҳнинг никоҳларига кириш шарафига эришди. Ҳижратнинг эллик учинчи йили Маккада бетоб тушди. Ёнидагиларга, “Мени Маккадан чиқаринглар! Чунки Расулulloҳ менинг Макка ташқарисида вафот этишимни башорат қилганлар” деди. Илтимосини бажардилар. Расулulloҳга никоҳ қилинган жойда вафот этди.

Ҳазрати Морийя: Бу хоним муҳтарам пайғамбаримизнинг жорияси (чўриси) эканлигида иймон келтирди ва жанобимизнинг никоҳлари билан шарафланди. Морийя, Мисрдаги Искандария ҳукмдори **Муқавқис** томонидан ҳадя тариқасида юборилганлиги учун насаби (таги) ва туғилган йили аниқ эмас. Расулulloҳ, ҳазрати Морийя волидамиздан Иброҳим исмли бир ўғил кўрганлар. Ҳазрати Марийя жуда сокин, камгап ва ўз ҳолида бир аёл эди. Ҳазрати Умар халифалигининг охириги йилларида, яъни мелодий 637 (х. 16) да вафот этди. Боқий қабристонига дафн қилинди.

Ҳазрати Райҳона: Бу хоним ҳам пайғамбаримизнинг жорияси пайтида мусулмон бўлган. Мадиналик яҳудийларнинг Баний Қурайзо қабиласидан эди. Насаби (силсиласи): Райҳона бинти Шамъун ибни Язид ёки Райҳона бинти Зайд ибни Амр ибни Ҳанафа бин Шамъун бин Язиддир. Туғилган йили номаълум. Пайғамбаримиздан аввал мелодий 631 (х. 10) йили Мадинада вафот этди. Боқий қабристонига дафн қилинган.

Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: **“Менинг барча никоҳларим билан қизларимни турмушга беришим Жаброилнинг (алайҳиссалом) Аллоҳу таолодан олиб келган изни орқали амалга ошган.”**

Расулulloҳнинг кўп марта уйланишларига муҳим сабаблардан бири, Исломи динини аҳолига яхшироқ ва тезроқ таълиқ қила олишдан иборат бўлган эди. Ҳижоб ҳақида ояти карима нозил бўлмасидан аввал, яъни аёлларнинг ёпиниб юришлари амр бўлмасидан олдин, аёллар ҳам Расулulloҳга келиб, билмаганларини тўғридан сўраб ўрганарди. Расулulloҳ бирор кишиникига борса, аёллар ҳам ўша ерга бориб бир даврада ўтириб, тинглаб, фойдаланарди. Ҳижоб ояти нозил бўлиб, хотин-қизларнинг бегона эрақлар билан бирга ўтиришлари, сўзлашишлари тақиқланганидан кейин бегона хотин-қизларни қабул қилмайдиган бўлдилар. Хотин-

қизларга билмаганларини ҳазрати Ойшадан сўраб ўрганишларини буюрдилар. Хотин-қизлар ичида сўровчилар жуда кўпайиб кетиб, ҳазрати Ойша уларнинг барчасига вақтида жавоб бера олмай қолди. Шунда унинг вазифасини бир мунча енгиллаштириш мақсадида Расулulloҳнинг уйланишларига тўғри келди. Хотин-қизларга оид муҳим ва нозик масалаларни мусулмон аёлларга муборак завжалари орқали ўргатдилар. Бордию, Расулulloҳнинг завжаси битта бўлганида, барча хотин-қизларнинг ундан сўраб ўрганишлари жуда қийинлашиб кетар, ҳатто мумкин бўлмай қоларди. Аллоҳу таолонинг динини тўлиқ етказиш учун кўп марта уйланиш юкини ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Фарзандлари

Пайғамбаримиз уч ўғил, тўрт қиз, жами еттита фарзанд кўрдилар. Ҳазрати Фотимадан бошқа барчаси Расулulloҳдан олдин вафот этдилар. Севимли пайғамбаримизнинг насли ҳазрати Фотима волидамиз орқали давом этди. Неваралари ҳазрати Ҳусайн наслига "саййид", ҳазрати Ҳасан наслига "шариф" дейилди. Саййидлар ва шарифларга ҳурмат, пайғамбаримизга ҳурмат ҳисобланади. Саййидлар билан шарифларни севиш, охирги нафасда иймон билан кетишга сабаб бўлади. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) фарзандлари ҳақида куйидаги маълумотлар мавжуд:

Қосим: Расулulloҳнинг уч ўғлидан тўнғичидир. Шунинг учун Расулulloҳга Абул-Қосим ҳам дейилган. Нубувватдан олдин Маккада дунёга келди. Онаси Хадижат-ул-кубродир. Ўн етти ойлигида вафот этди.⁴⁴³

Зайнаб: Расулulloҳнинг тўртта қизидан энг каттаси. Пайғамбаримиз ўттиз ёшларида дунёга келди. Нубувватдан илгари онаси Хадижанинг синглиси ўғли Абул-Ос бин Рабийга турмушга чиқди.⁴⁴⁴ Абул-Ос аввал иймонга келмай юрди. Бадр жангида асир олиниб, завжасини Мадинага юбориш шарти билан озод қилинди. Абул-Ос завжаси Зайнабни укаси билан бирга Мадинага юборса-да, кофирлар уларни йўлдан қайтариб олди. Расул (алайҳиссалом) Зайд бин Хорисани махсус юбориб, Зайнабни Маккадан яширинча олиб келтирди. Абул-Ос, Ҳудайбия ғазосидан кейин мусулмон бўлди.

⁴⁴³ Ибн Саъд, "ат-Табақот", VIII, 16-б.

⁴⁴⁴ Ибн Исҳоқ, "ас-Сийра", 229-б.; Абдуурраззоқ, "ал-Мусаннаф", VII, 171-б.; Ибн Саъд, "ат-Табақот", VIII, 31-б.

Зайнаб унга такрор берилди. Ҳижратнинг саккизинчи йили ўттиз бир ёшида вафот этди. Зайнабдан қолган ёлғиз ўғил - Али, Макка фатҳида Расулulloҳнинг туясига мингашиб олган эди. Зайнабнинг Уммома исмли ягона қизини ҳазрати Али ўзига никоҳлаган эди.⁴⁴⁵

Руқайя: Расулulloҳнинг иккинчи қизи бўлиб, пайғамбаримиз ўттиз уч ёшларида дунёга келди. Жуда чиройли эди. Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага унаштирилган эди. “Таббат” сураси нозил бўлганида Утба тўйдан олдин никоҳни бузди. Ваҳий келиб, у ҳазрати Усмонга никоҳ қилинди. Ҳазрати Усмон завжаси билан бирга икки марта Ҳабашистонга ҳижрат қилди. Бадр жанги олдида йигирма тўрт ёшида касалланди. Шу сабабли ҳазрати Усмонга Бадр ғазосига иштирок этмай, завжасига қараши буйрилди. Бадр зафари ҳақида Мадинага хушxabар келган куни Руқайя дафн қилинди.⁴⁴⁶

Умм-и Гулсум: Расулulloҳнинг учинчи қизи. Бу ҳам Абу Лаҳабнинг иккинчи ўғли Утайбага унаштирилган бўлса-да, “Таббат” сураси келганда ҳали тўйлари бўлмаётган бадбахт Утайба уни талок қилиб, кўйиб юборди. Устига устак Расулulloҳга ҳақорат ёғдирди. Пайғамбаримиз: **“Ё Раббий! Жониворларингдан бирини унга рўпара қил!”** деб баддуо қилдилар. Шом йўлида уни бир арслон парчалаб ўлдирди. Руқайя вафот этгач, Умми Гулсум ҳам ваҳий орқали ҳазрати Усмонга никоҳланди. Ҳижратнинг тўққизинчи йили вафот этди. Жанозасини Расулulloҳ ўзлари ўқитдилар. Дафн пайтида қабри ёнида туриб, муборак кўзларидан ёш тўкдилар.⁴⁴⁷

Фотима: Расулulloҳнинг тўртинчи қизи, ҳазрати Алининг завжаси ва ҳазрати Умарнинг қайнонасидир. Никоҳи ўқилганда ўн беш ёшда эди.⁴⁴⁸ Маҳри тўрт юз мисқол кумуш бўлганлиги **“Мавоҳиби ладуннийя”** китобида Савийк ғазоси бобида ёзилган. Бу оғирликдаги кумуш 57,14 мисқол олтинга тенг бўлади. Али (родиллоҳу анх) уйланганида йигирма бир ёшда эди. Ҳазрати Фотима Аҳли байтдан (пайғамбар оиласидан) эди. Оқтанли ва жуда чиройли эди. Ҳижратдан ўн уч йил олдин Маккада туғилди. Ўн биринчи йили йигирма тўрт ёшида вафот этди. Ҳасан, Ҳусайн ва Муҳсин исмли уч ўғил, Умми Гулсум ва Зайнаб исмли иккита қиз кўрди.⁴⁴⁹ Расулulloҳнинг насллари Фотимадан давом этди. Зайнаб,

445 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 31-б.*

446 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 36-б.*

447 *Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XXXIX, 37-б.*

448 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 22-б.*

449 *Ибн Исҳоқ, “ас-Сийра”, 231-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 26-б.; Ибн Касийр, “ал-Бидоя”, V, 293-б.*

Абдуллоҳ бин Жаъфар Тайёрга никоҳланиб, Али ва Умми Гулсум исмли фарзандлари бўлди. Уларга **Шарифи Жаъфарий** дейилди.

Абдуллоҳ: Русулуллоҳнинг Хадижа-тул-кубродан туғилган охирги фарзандидир. Нубувватдан кейин туғилиб, сутдан чиқмай вафот этди. Уни Таййиб ва Тоҳир деб ҳам чақиришарди. Абдуллоҳ вафот этганида, мушриклардан Ос бин Воил: “Муҳаммад абтар бўлди”, яъни насли кесилди деб жар солди. Аллоҳу таоло “Инно аътайно” сураси орқали Ос кофирига жавоб берди.⁴⁵⁰

Иброҳим: Расулллоҳнинг ўғилларидан учинчиси ва барча фарзандларининг энг кеенжасидир. Ҳирақлнинг Миср волииси - Муқавқис ҳадя қилган жория Мориядан дунёга келди. Ҳижратнинг саккизинчи йили туғилиб, бир ярим ёшида вафот этди. Бетоб ётганида Расулуллоҳ уни кучоқларига олиб, муборак кўзларидан ёш тўккандилар. Вафот қилганида қуёш тугилди дедилар. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай сўзларини эшитиб, **“Ой билан қуёш Аллоҳу таолонинг борлиги ва бирлигига далолат қилувчи икки махлуқидир. Улар ҳеч кимнинг ҳаёти ё мамоти туфайли тугилмайди. Уларни кўрганда Аллоҳу таолони хотирланглар”** дея марҳамат қилдилар. Иброҳим вафот этганида, **“Эй Иброҳим! Ўлимингдан кўп аламлар ютдик. Кўзларимиз йиғлаб, қалбимиз эзиляпти. Лекин Раббимизни қаҳрига тегувчи ҳеч нарса демаймиз”** дегандилар.

Аҳл-и байт

Мухтарам пайғамбаримизнинг бутун оила аъзоларига **Аҳл-и байт** дейилади. Муборак завжалари, қизи ҳазрати Фотима билан қуёви ҳазрати Али, уларнинг муборак авлодлари - ҳазрати Ҳасан билан ҳазрати Ҳусайн ва уларнинг барча фарзандлари, яна пайғамбаримизнинг пок наслларига мансуб Ҳошимўғиллари **Аҳли байт**дирлар.

Аллоҳу таоло, Қуръони каримда Аҳли байтга қарата маолан: **“Аллоҳу таоло сизлардан рижсни, яъни ҳар қандай қусур ва нопокликларни кетказиб, сизларни мукамал таҳорат билан поклашни истайди”**⁴⁵¹ деб марҳамат қилинган.

⁴⁵⁰ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, VIII, 16-б.; Табарий, “Торих”, III, 175-б.*

⁴⁵¹ *Аҳзоб сураси, 33/33.*

Асҳоби киром: “Ё Расулаллоҳ! Аҳли байт кимлар?”- деб савол котдилар. Шу пайт имоми Али келди. Расулуллоҳ уни муборак чопонлари остига олдилар. Кейин навбат билан Фотима-туз-захро, имоми Ҳасан ва имоми Ҳусайн келди. Ҳар қайсисини бир ёнларига олиб, **“Мана шулар, менинг Аҳли байтимдир”** дедилар. Бу улуг инсонларга **“Ол-и Аба ёки Ол-и Расул”** ҳам дейилади.⁴⁵²

Аҳли байти набавийни (пайғамбар наслини) севиш, охиратга иймон билан кетишга, охирги нафасда саломатга эришишга сабаб бўлади. Аҳли байтни яхши кўриш ҳар бир мусулмонга фарздир. Сарвари олам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилдиларки: **“Аҳли байтим, Нуҳ алайҳиссаломнинг кемасига ўхшайди. Уларга тобе бўлганлар омонлик топади. Йироқ турганлар ҳалок бўлади.”**⁴⁵³

Аҳли байти набавийнинг фазилат ва камолоти жуда кўп бўлиб, санаб ниҳоясига етказиш қийин. Уларни баён қилишга, мадҳ этишга одамзотнинг қудрати етмайди. Уларнинг нақадар улуг ва қийматли эканликлари ояти карималар ёрдамида тушунилмоқда.

Имоми Шофеъий: “Эй Аҳли байти Расул! Сизни севишимиз кераклигини Аллоҳу таоло Куръони каримда буюрди. Намозда сизларга дуо қилмаганларнинг намозлари қабул бўлмаслиги, кадр-қийматингиз ва олий даражангизга далолат қилмоқда. Шарафингиз шунчалар баландки, Аллоҳу таоло Куръони каримда сизларга салом айтмоқда” деб, уларнинг устунликларини чиройли тарзда ифода қилган.

Ҳазрати Анас айтди: “Аҳли байтингиз орасида кимни кўпроқ яхши кўрасиз” деб сўралганида Расулуллоҳ: **“Ҳасан ва Ҳусайнни”** деб жавоб бердилар.⁴⁵⁴

Ҳазрати Абу Ҳурайра айтди: “Расулуллоҳнинг ёнларида эдим. Неваралари Ҳасан келди. **“Ё Раббий! Бу болани жуда яхши кўраман. Сен ҳам уни сев ва уни севганларни ҳам сев”** дедилар. Яна бир гал, **“Ҳасан ва Ҳусайн, дунёда менинг ёқимли хидларимдир”** дедилар.”

Муҳтарам пайғамбаримиз марҳамат қиладиларки:

“Мендан кейин сизга икки нарса қолдирыпман. Уларга

⁴⁵² Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, III, 55-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, II, 451-б.

⁴⁵³ Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, III, 45-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, II, 373-б.

⁴⁵⁴ Абу Яъла, “ал-Муснад”, VII, 274-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, XI, 153-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, XI, 58-б.

чамбарчас боғлансангиз, асло йўлдан чиқмайсиз. Биринчиси иккинчисига нисбатан улуғроқ ва муҳимроқ. У, Аллоҳу таолонинг китоби - Қуръони карим бўлиб, худди кўкдан ерга тушиб турган мустаҳкам арқондир. Иккинчиси, Аҳли байтимдир. Улар бир-биридан сира ажралмайди. Уларга эргашмаганлар, менинг йўлимдан айрилади.”⁴⁵⁵

Ҳазрати Ҳасан ва Ҳусайнлар бетоб бўлдилар. Пайғамбаримиз, ҳазрати Али билан ҳазрати Фотимага, **“Бу жигарпораларингиз соғайиши учун бирон нарса атанглар (назр қилинглар)!”** деб буюрдилар. Ҳазрати Али, Фотима волидамиз ва Фидда исмли жориялари (чўри) уч кун рўза тутишни назр қилдилар. Шундан сўнг ўша иккита жаннат ройиҳолари (жаннат хидлилар) шифо топди. Лекин уйларида егулик ҳеч нималари йўқ эди. Ҳазрати Али бир яҳудийдан уч саъ⁴⁵⁶ (1 саъ=4.2л) арпа қарз олди. Учаласи ҳам рўзага ният қилдилар. Арпанинг учдан бир қисмини ҳазрати Фотима ун қилиб, беш дона нон пиширди. Уй аҳли беш киши эди. Ифтор вақти бўлди. Ҳазрати Фотима нонларни биттадан Ҳазрати Али, ҳазрати Ҳасан, ҳазрати Ҳусайн ва Фиддалар олдига қўйиб чиқди ва қолган бирини ўз олдига қўйди. Энди ифтор қилмоқчи бўлганларида эшикка бир фақир келиб, “Эй Аҳли байти Расулаллоҳ! Мен бир мискин мусулмонман. Илтимоc, менга егулик бир нима беринглар, Аллоҳу таоло сизни жаннат неъматлари билан мукофотласин” деди. Уй аҳли қўлларидаги нонларини садақа қилиб, сув билан ифтор қилдилар. Эртаси кун яна рўза тутдилар. Хизматчи қолган арпанинг ярмини угдириб, бешта нон пиширди. Қуёш ботгач энди ифтор қилгани ўтирганларида эшикка бир етим келди. Бешови ҳам нонларини бериб, етимни хурсанд қилиб, сув билан ифтор қилиб ухладилар. Эртасига яна рўза тутдилар. Қолган арпадан бешта нон пиширдилар. Энди ифторга шайланганларида, эшикка бир асир келиб, “Уч кундан буён очман. Мени боғлаб қўйишди, егулик беришмади. Аллоҳу таоло учун менга раҳимингиз келсин”, деди. Бешовлон яна нонларини унга бериб, ўзлари сув билан ифтор қилдилар.

Ушбу ҳодиса устига ояти карима нозил бўлиб, Аллоҳу таоло

⁴⁵⁵ Термизий, “Манокӣб”, 32-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, VI, 309-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, III, 66-б.

⁴⁵⁶ **саъ**: 4,2 л ҳажма тенг ўлчов бирлиги. (3500 гр.га тўғри келади) – Қаранг: “Диний терминлар лугати” II, 149-б, Türkiye Gazetesi Yayınları.

маолан: “Улар атаган назрларини бажо келтирдилар. Узок ва узликсиз Қиёмат кунидан қўрққанларидан жонлари хоҳлаб, жуда егилари келиб турган озикларини мискин, етим ва асирларга бердилар. Улар, биз бу муҳтожларни Аллоху таолонинг ризоси учун едирдик. Улардан бирон ташаккур ё бирон наф кутмадик, дедилар. Шу боис у (рўзадор)-ларга жаноби Ҳақ шароби тоҳур (жаннат шарбати) ичказди...”⁴⁵⁷ деб марҳамат қилди.

Ҳазрати Абу Ҳурайра айтди: "Расулulloҳ: “Сизнинг яхшиларингиз, мендан кейин Аҳли байтимга яхшилик қилувчилардир” деб марҳамат қилдилар.”

Ҳазрати Али айтди: "Пайғамбаримиз: “Аҳли байтимга яхшилик қилганларга қиёмат куни шафоат қиламан”, “Аҳли байтимни ва Асҳобимни севганлар Сирот кўпригидан оёқлари тоймасдан ўтадилар” деб марҳамат қилдилар.”

Имоми Раббоний ҳазратлари келтирган бир ҳадиси шарифда: “Алини севган одам, муҳаққак мени севибди. Унга душманлик қилган одам, шубҳасиз менга душманлик қилибди. Уни ранжитган одам, муҳаққак мени ранжитибди. Мени ранжитган, шубҳасиз Аллоху таолони ранжитган бўлади” дейилган.

Расулulloҳ марҳамат қилдиларки: “Аллоху таоло, менга тўрт одамни сев деб амр қилди. Уларни Ўзи севишини ҳам айтди.” “Улар кимлар, исмларини айтасизми?” деб сўраганларида, “Али улардан, Али улардан, Али улардан, Абу Зарр, Миқдод ва Салмон” деб марҳамат қилдилар.

“Оилам ҳақида мени хафа қилганларга шиддатли азоб бордир” дедилар.

Бир ҳадиси шарифда: “Фотима менинг бир парчамдир. Уни хафа қилганлар мени хафа қилган бўлади” дейилган. Ҳазрати Абу Ҳурайра дейдики: “Пайғамбаримиз ҳазрати Алига, “Фотима, мен учун сенга нисбатан севимлироқдир. Сен эса, унга нисбатан азизроқсан (яъни қийматлисан)” деб марҳамат қилдилар”.⁴⁵⁸

Яна бир ҳадиси шарифларида сарваримиз шундай буюрдилар: “Сизларга Ислом динини олиб келганим эвазига ҳеч нарса

457 Инсон сураси, 76/7-21.

458 Ҳайсамий, “Мажмууз-Завоид”, IX, 100-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, XXXXII, 125-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, XI, 44-б.

талаб қилмайман. Фақат менга яқин бўлган Аҳли байтимни севишингизни истайман.”

Ислом олимлари, Аҳли байтга бўлган муҳаббатни охири нафасда иймон билан кетишнинг шарти деб билганлар. Уларда Расулуллоҳнинг зарралари бор. Аҳли байтни эъзозлаш, ҳурматларига риоя қилиш ҳар бир мусулмоннинг вазифасидир.

Улуғ ислом олими имоми Раббоний (раҳматуллоҳи алайх), айтдиларки: “Отам, зоҳир ва ботин илмларида, яъни қалб илмларида теран олим эди. Умр бўйи атрофдагиларга Аҳли байтни севишни тавсия ва ташвиқ қиларди. Бу муҳаббат кишининг охири нафасида иймон билан кетишига кўп ёрдам беради дерди. Вафоти пайтида ёнида эдим. Умрининг сўнгги сонияларида аҳволи анча оғирлашгач отамга ўша насихатларини эслатиб, шу муҳаббатнинг қандай таъсири бўлгани ҳақида сўрадим. Ўлим ҳолида бўлишига қарамай, “Аҳли байтга бўлган муҳаббат дарёсида сузмокдаман” деди. Мен дарров Аллоҳу таолога ҳамду-санолар айтдим. Аҳли Байтни севиш Аҳли суннатнинг сармоясидир. Охират ютуқлари ва фойдаларига фақат мана шу сармоя сабабдир.”

Расулуллоҳнинг Аҳли байти уч қисмдан иборат: Биринчиси - насл-насаб томонидан хеш-ақрабо бўлганлардир. Масалан, аммалари шу қисмга киради. Иккинчиси - муборак, покиза завжаларидир. Учинчиси - завжаларига тегишли уйларда уларнинг сочини тараш, овқат пишириш, уй супуриш, кир ювиш ва бошқа уй ишларида ёрдамлашувчи хизматчи аёллардир. Уй ташқарисидаги ишларга қарайдиган ва масжидда азон ўқийдиган Билол, Салмон, Суҳайблар ҳам "Хонаи саодат"дан еб-ичардилар.

Ҳазрати Фотима билан Қиёматгача келадиган авлодлари Аҳли байтдирлар. Уларни, осий бўлсалар ҳам севиб, эъзозлаш лозим. Уларни севиш, уларга қалб, бадан ва мол-мулк орқали ёрдам бериш, ҳурмат-иззат кўрсатиш, ҳақларига риоя қилиш иймон билан жон таслим қилишга сабаб бўлади. (Усманийлар даврида Суриянинг Ҳама шаҳрида саййидларга махсус маҳкама бўларди. Ушбу муборак сулоладан туғилган ҳар бир чақалоқ иккита гувоҳ олдида ҳоким ҳузурида дафтарга қайд қилинарди. Инглизларнинг содиқ дўсти, сотқин Мустафо Рашид пошо ушбу маҳкамани бекор қилди.)

Асҳоби киром

Пайғамбаримизнинг дўстларидир. Эркак, аёл, бола ёки катта одамлардан бирон мусулмон, Расулуллоҳни қисқа вақтга, бир марта кўрса, кўр одам бир марта сўзлашса ва иймон билан вафот этса, унга “**Соҳиб**” ёхуд “**Саҳобий**” дейилади. Бир нечасига “**Асҳоб**”, “**Саҳоба**” ёхуд “**Саҳб**” дейилади.

Пайғамбаримизни, кофир пайтида кўриб, Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин иймонга келган ёки мусулмон пайтида кўриб, кейинчалик муртад бўлган (яъни диндан чиққан) кимса саҳобий бўлмайди. Саҳобий бўлгач муртад бўлиб, Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин қайта иймонга келган одам саҳобий бўлади. Пайғамбаримиз жинлар тоифасига ҳам пайғамбар бўлганлари учун жинлардан ҳам саҳобийлар бўлади.

Асҳоби киром (ридвонуллоҳи таоло алайҳим ажмоин) диний ҳукмлар хусусида энг мўътабар манба инсонлар ҳисобланади. Чунки улар Куръони каримни пайғамбаримиздан ўрганиб, кейинги наслга ўргатган ва изоҳлаганлар. Пайғамбаримизнинг сўз ва ишлари ҳақида маълумотлар, уларнинг бевосита кўриб, эшитиб нақл қилган хабарларига суянади.

Шу боис улар нақл қилган барча ҳукмлар, ҳадиси шарифларнинг асосини ташкил қилади. Исломиятда **Ижмо-и уммат**, яъни **олимларнинг иттифоқи**, фақат Асҳоб замонида тўла ва мукамал тарзда амалга ошган. Ундан ташқари Асҳобнинг ҳар бири, сўзлари динда ҳужжат, далил ва васиқа саналувчи мужтаҳид олимлар жумласидандир. Кейин келган мужтаҳид олимлардан анча устун турадилар.

Аҳли суннат олимлари, Асҳоби киромнинг устунлик даражаларини учга ажратган:

1. Муҳожирлар: Макка шаҳри фатҳ этилишидан олдин Маккадан ёки бошқа жойлардан ватанларини, яқинларини ташлаб, Мадина шаҳрига ҳижрат қилганлардир. Улар Расулуллоҳнинг ёнларига иймон билан келганлар ёки келгандан кейин иймон келтирганлардир. Амр бин Ос ҳазратлари шулардандир.

2. Ансор: Мадина шаҳрида ёки бу шаҳарга яқин жойларда ва Авс, Ҳазраж номли икки араб қабиласига мансуб мусулмонларга

Ансор дейилади. Чунки булар, мухтарам пайғамбаримизга ва маккаликларга ҳар хил ёрдам ва фидокорлик қилишга ваъда бериб, ваъдаларида турганлар.

3. Бошқа Саҳобалар: Макка шаҳри фатҳ этилганда ва кейинроқ Маккада ёки бошқа жойларда иймонга келганлардир. Уларга "муҳожири" ёки "ансор" эмас, фақат саҳобий дейилади.

Асҳоби киромнинг энг устунлари - Расулulloҳнинг тўртта халифаси бўлиб, хилофат кезаги бўйича: ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати **Умар**, ҳазрати **Усмон** ва ҳазрати **Али**дир. Улардан кейин Ашараи мубашшарадан, яъни жаннат билан суюнчиланган ўн кишидан қолган олтитаси (**Талха, Зубайр бин Аввом, Абдуррахмон бин Авф, Саъд бин Аби Ваққос, Саид бин Зайд, Абу Убайда бин Жарроҳ**) ва ҳазрати **Ҳасан** билан ҳазрати **Ҳусайн**дир.

Асҳоби киромнинг энг устунлари - тўрт буюк халифа ва ҳаётларида жаннат билан муждаланганлардан кейин энг устунлари - илк мусулмон бўлган **қирқ** кишидир. Улардан кейинги ўринда Бадр ғазосига қатнашган **уч юз ўн уч** саҳоба туради. Улардан кейинги устун кишилар эса, Уҳуд ғазосига иштирок этган етти юз қахрамондир. Улардан кейин устун бўлганлар - ҳижратнинг олтинчи йили дарахт тагида Расулulloҳга ваъда берган **бир минг тўрт юз** киши бўлиб, ушбу ахдлашувга **"Байъат-и Ридвон"** дейилади.⁴⁵⁹

Асҳоби киром сони: Маккани фатҳида ўн минг, Табук ғазосида етмиш минг, Видо ҳажидида тўқсон минг ва Расулulloҳ вафот этганларида ер юзида юз йигирма тўрт мингдан зиёд саҳобий бор эди. Бу ҳақда бошқа ривоятлар ҳам бор.

Асҳоби киромдан ҳаммадан кейин вафот қилганлар: Абдуллоҳ бин Аби Авфа 705 йили (х.86) Куфада; Абдуллоҳ бин Яср 706 йили (х.88) Шомда; Саҳл бин Саъд юз ёшида 709 йили (х.91) Мадинада; Анас бин Молик 711 йили (х.93) Басрада; Абу-Туфайл Омир бин Василя 718 йили (х.100) Маккада оламдан ўтдилар.

Расулulloҳнинг вафотларидан кейин, тўрт халифа даврида ҳам Асҳоби киром, Исломи динини тарғиб қилиш мақсадида жиҳод хусусида ваъдаларига содиқ қолдилар. Ҳеч қайсиси сўзларидан қайтмади. Барчаси иттифоқ-ла ўз юртларини тарк

⁴⁵⁹ Аҳмад бин Ханбал, "ал-Муснад", I, 59-б, II, 101, 120-б.; Ибн Хишом, "ас-Сийра", II, 315-б.; Воқидий, "ал-Мағозий", I, 279-б.

этиб, Арабистондан узоқ элларга динни ёйиш мақсадида тарқалиб кетдилар. Кетганларнинг аксарияти ватанга қайтмай, борган жойларида бир умр жиҳод қилиб, Ислом динининг кенг ёйилишига туртки бўлдилар. Шу тариқа қисқа вақтда жуда кўп мамлакатлар мусулмонларга бўйсунди. Фатҳ этилган жойларда Исломият зудлик билан ёйиилди.

Асҳоби киромнинг истисносиз ҳаммаси одил бўлиб, Исломиятни келаси авлодларга ривоят қилиш, етказишда муштаракдирлар. Куръони каримни битта китобга нуқсонсиз жамлашда ҳар бирининг хиссалари бор. Бутун ҳадиси шарифларни пайғамбаримиздан келаси наслга улар нақл қилганлар.

(Асҳоби киромнинг Ислом динига қилган хизматлари, ўрнак ҳаётлари, фазилатлари, исм ва таржимаи ҳоллари ҳақида кўплаб қийматли асарлар ёзилиб, нашр қилинган. **“Ҳақиқат Китоб Уйи”** томонидан чоп этилган **“Асҳоб-и Киром”** номли китоб ҳам жуда қийматли асардир.)

Пайғамбарлардан ва фаришталарнинг энг улуғларидан кейин, барча махлуқотнинг энг устуни Асҳоби киромдир. Шу боис ҳар бирининг исмини ҳурмат билан тилга олиш керак. Барча саҳобалар бу умматнинг жумласидан улуғдир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликларига инонган ҳар бир одамга, яъни ҳар бир мусулмонга, ирки ва юртдан қатъий назар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг уммати дейилади.

Саҳобаларнинг фазилат ва устунликлари ҳақида нозил бўлган ояти карималарда маолан шундай дейилган:

“Сиз - умматларнинг энг хайрлисиз”.⁴⁶⁰

“Аввал мусулмон бўлганлардан, муҳожир ва ансорларнинг илк пешқадамларидан ва уларга чинойли амаллари билан эргашганлардан Аллоҳу таоло рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар. Аллоҳу таоло улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйди”.⁴⁶¹

“Муҳаммад (алайҳиссалом) Аллоҳу таолонинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлганлар (Асҳоби киром) ҳаммаси кофирларга нисбатан қаҳрли, лекин бир-бирларига нисбатан раҳм-шафқатлидирлар. Уларни мудом руку ва сажда

⁴⁶⁰ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 97-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 324-б.*

⁴⁶¹ *Тавба сураси, 9/100.*

килаётган холда кўрурсиз. Улар, ҳаммага (дунёда ва охиратда) барча яхшиликларни Аллоҳдан сўрайдилар. Юзларида кўп сажда қилганларидан белги-аломатлар бор. Уларнинг ҳол ва шарафлари шу тарзда Тавротда (ва Инжилда) билдирилган. Инжилда ҳам билдирилганидек улар экинга ўхшайди. Ингичка ниҳол ҳолида униб чиқиб, йўғонлашиб ўсганидек ўзлари оз, заиф бўлишларига қарамай, қисқа вақтда кўпайиб кучга тўлдилар. Ҳамма томонни иймон нурига ғарқ қилдилар. Ҳамма, ниҳолнинг қисқа вақтда ўсиб, йўғонлашганидан ҳайрон қолганидек уларнинг ҳол ва шонлари ҳам қисқа вақтда дунёга ёйилганини кўрганлар ҳайратда қолди, кофирлар бўлса, ғамга ботди".⁴⁶²

Асҳоби киром ҳақида ворид бўлган баъзи ҳадиси шарифларда куйидагича марҳамат қилинган:

“Асҳобимни сўкманглар! Асҳобимдан кейин келганлардан бирон кимса тоғдай олтин садақа қилса, Асҳобимдан бирининг бир ҳовуч арпа бериб, эришган савобига ёхуд ярмига ҳам эриша олмайди”.⁴⁶³

“Асҳобим кўкдаги юлдузларга ўхшайди. Қайси бирига эргашманг, албатта ҳидоятга эришасиз”.⁴⁶⁴

“Асҳобимга душманлик қилишдан сақланинглр. Аллоҳдан кўрқинглр! Уларни севганлар мени севгани учун севади. Уларга душманлик қилганлар менга душманлик қилган бўлади. Уларни хафа қилганлар, мени хафа қилади. Мени хафа қилганлар эса, Аллоҳу таолони ранжитган бўлади”.

“Умматимнинг энг яхшилари - менинг замондошларимдир. Улардан кейин энг яхшилар - Асҳобимдан кейин келувчилардир. Улардан кейин эса, келаси авлод мусулмонлари келади. Мени кўрган ва мени кўрганларни кўрган мусулмонни жаҳаннам оташи ёқмайди”.⁴⁶⁵

Ушбу ояти карима ва ҳадиси шарифлар, Асҳоби киромнинг луғлик ва фазилатларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

⁴⁶² Фатҳ сураси, 48/29.

⁴⁶³ Бухорий, “Фазоил-ус-Саҳоба”, 5-б.; Абу Довуд, “Суннат”, 11-б.; Термизий, “Маноқиб”, 70-б.; Ибн Можа, “Муқаддима”, 31-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 11-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 116-б.

⁴⁶⁴ Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, X, 329-б.; Сафадий, “ал-Вофий”, II, 362-б.

⁴⁶⁵ Бухорий, “Рикок”, 7-б.; Муслим, “Фазоил-ус-Саҳоба”, 319-б.; Насоий, “Иймон”, 29-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 438-б.

БАЪЗИ ЗАВОИД⁴⁶⁶ СУННАТЛАР

Муборак соч ва соқоллари

Расулulloхнинг муборак сочлари васфи ҳақида ҳазрати Анас бин Моликдан сўралганида қуйидагича жавоб берди:

Муборак соч ва соқоллари жингалик ҳам, силлиқ ҳам эмас, шу иккиси орасида тўлқинсимон эди. Муборак сочлари қулоқ юмшоғидан ошиқ, лекин елкаларига етмасди.

Авваллари кокил қўярдилар, кейинчалик сочларини иккига ажратиб юрадиган бўлдилар. Муборак сочларини баъзан узун қилиб, баъзан қисқартиб юардилар.

Эркакларнинг сочларини қиртишлаб юришлари ёки сочларини узун қилиб, иккига ажратиб тараб юришлари суннатдир. Соч қўйишда вазиятга, одатга, замонга қараб ҳаракат қилиш керак. Сочни турмаклаш ва ўриб юриш макруҳдир.

Расулulloх жанобимизнинг муборак соқоллари васфи ҳақида ҳазрати Анас қуйидагиларни хабар берган: Муҳтарам пайғамбаримизнинг соқолларида озгина оқ туклар бор эди. Муборак соч ва соқолларида оқ туклар сони ўн еттита ёки ўн саккизтадан кўп эмасди.

Ҳазрати Абу Бакри Сиддиқ бир куни:

- Сочу соқолингизга оқ тушибди, ё Расулаллоҳ,- деди.

Расулulloх эса:

- **Худ, Воқеа, Мурсалот, Наба ва Таквир суралари сочу соқолимни оқартирди,-** деб марҳамат қилганлар.⁴⁶⁷ Яъни бу сураларда жаннат ва жаҳаннамдаги ҳоллар зикр қилинган эди. Шу сабабли умматимнинг ҳоли нима кечади деган хавотир сочу соқолимни оқартирди, демоқчи бўлдилар.

Амр бин Шуайб айтдики: “Расулulloх жанобимиз муборак соқолларини эн ва бўйидан олдиради. Термизий ҳазратлари билдирган бир ҳадиси шарифда, пайғамбаримиз, **“Мўйлабини қисқартмаган киши биздан эмас”**⁴⁶⁸ деганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса, **“Соқолларингизни кўпроқ ўстиринг,**

466 Суннати завоид: Расулulloхнинг ибодат сифатида эмас, одат сифатида давомли қилган иши-ҳаракатларига айтилади. Завоид суннатларни тарқ этиши макруҳ эмас. Пайғамбаримизнинг кийинишлари, яхши ишларни ўнгдан бошлашлари каби одатлари “завоид суннат”га мисолдир.

467 Термизий, “Тафсиру-ул-Қуръон”, 56-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 435-б.; Термизий, “Шамоил-и шариф”, 74-б.; Сулутий, “Ассоф-ун-Набий”, 60-б.

468 Қасталоний, “Мавоҳиби ладунний”, 280-б.

мўйловларингизни эса қисқароқ қолдиринг”⁴⁶⁹ дея буюрилган.”

Ибн Абдул-Ҳоким “Мўйловни яхшилаб кесиб, соқолни кесмаслик лозим. Мўйловни яхшилаб олдириш, уни тўла қиртишлаб ташлаш дегани эмас” деди.

Ибн Умар қуйидагидек баён қилади:

Расулulloҳга мажусийлар ҳақида сўзлаб бердилар. Шунда Расулulloҳ, “Улар мўйлов учларини узайтириб, соқолларини қирдирадилар. Шундай экан, сиз уларга муҳолифат қилинг (ўхшаманг!)” деб буюрдилар.⁴⁷⁰

Абу Умома, “Ё Расулalloҳ! Китоб аҳли соқолларини қиртишлаб, мўйловларни узайтирадилар” деганида, Расулulloҳ жанобимиз, “Сиз эса, мўйловларингизни қисқартиб, соқолларингизни ўстиринг” деб марҳамат қилдилар.

Соқолни бир тутамдан калта қўйиш ҳам суннатга мос эмас. Суннатга амал қилиш ниятидабир тутамдан калта соқол қўйиш бидъат ва ҳаром бўлади. Чунки суннат бўлган соқол шакли ундай эмас. Соқол қўйиш, суннати завоид ҳисобланади. Камситилмай амри маъруф қила олиш, оиласи нафақасини таъминлай олиш, фитнага сабаб бўлмаслик каби мақсадларда умуман соқол қўймаслик жоиз ва лозим бўлади. Ана шундай ҳолатлар суннатни тарк этишда узр бўлади, бироқ бидъат ишлашга баҳона-узр бўлолмайди.

Ётиш ва ухлашлари

Пайғамбаримиз (саллalloҳу алайҳи васаллам) ўнг ёнлари билан ётиб, ўнг кафтларини ўнг ёноқлари тагига тўшаб,

“Аллоҳим! Ўзимни сенга таслим қилдим. Юзимни сенга қаратдим. Ишимни сенга топширдим. Сенга суяндим. Сенинг азобингдан қўрқаман, раҳматингдан умидворман. Сенинг раҳматингдан бошқа сиғинадиганим йўқ, сенинг азобингдан бошқа қўрқиладиган ҳам йўқдир. Фақат сенинг раҳматингга сиғинилиб, фақат сенинг раҳматинг билан нажот топилади. Нозил қилган китобингга ва юборган пайғамбарингга ишондим.

Эй Раббим! Сенинг исминг билан ёнбошладим. Агар руҳимни олгудек бўлсанг, ундан раҳматингни аяма! Агар уни яна қўйиб юборгудек бўлсанг, солих бандаларингни ҳимоялаганингдек уни ҳам ҳимояла!

469 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 449-б.; Қассталоний, “Мавоҳиби ладунийя”, 280-б.

470 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 439-б.; Қассталоний, “Мавоҳиби ладунийя”, 281-б.

Аллоҳим! Сенинг исминг билан ўлиб, сенинг исминг билан тириламан. Бизни едириб-ичирган, барча эҳтиёжларимизни таъминлаган, бизга паноҳ берган Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин! Қанча инсонлар борки, на паноҳлари, на ҳожатларини чиқарувчи бор. Аллоҳим! Бандаларингни хузурингда тўплайдиган кунда азобингдан мени ҳимоя қилгил!” деб дуо қилардилар.

Уйкудан тураётганларида, “Аллоҳга ҳамд бўлсин! У бизни ўлганимиздан сўнгра қайта тирилтди. Қиёмат куни яна Унга қайтамиз” дердилар.

Мухтарам пайғамбаримиз тўшакларига ётганларида “Кўклар ва ернинг Рабби, ҳамма нарсанинг Рабби бўлган, уруғ ва данакдан ям-яшил чаманзорлар яратган, Таврот, Инжил ва Қуръонни нозил қилган Аллоҳим! Мен ҳар қандай ёмонлик эгаларининг ёмонликларидан сенга сиғинаман! Чунки сен, уни кокилидан тутгучисан!

Аллоҳим! Аввал сенсан! Сендан аввал ҳеч нарса йўқ! Охир ҳам сенсан! Сендан сўнгра яна ҳеч нарса бўлмайди! Зоҳир сенсан! Сендан ўзга ҳеч нарса йўқ!” деб дуо қилардилар.

Уйғонганларида, “Бошқа илоҳ йўқ, фақат сен борсан! Сени тасбиҳ ва танзиҳ этаман. Аллоҳим! Гуноҳларимни ёрлиқашингни ва раҳматингни тилайман.

Аллоҳим! Илмимни ортдир! Менга тўғри йўлни кўрсатгандан кейин, қалбимни тойдирма! Олий даргоҳингдан менга бир раҳмат эҳсон қилгил! Чунки кечирими кенг, мағфирати кўп бўлган фақат сенсан!” деб дуо қилган пайтлари ҳам бўларди.

Баро бин Азиб баён қилади: Коинот сарвари менга, “Ётоғингга бораётганингда намозга таҳорат олгандек таҳорат ол! Кейин ўнг томонинг билан ётиб, “Ё Раббим! Ўзимни сенга таслим қилдим. Юзимни сенга қаратдим. Сенга суяндим. Сенинг азобингдан кўрқаман, раҳматингдан умидворман. Сендан, сенинг раҳматингдан ўзга сиғинадиганим йўқ, сенинг азобингдан бошқа кўрқиладиган ҳам йўқдир!”- деб буюрдилар.

Расулуллоҳ сарваримиз, “Сизлардан бирингиз, кечаси ўрнидан турса, қайтиб ётишдан олдин, уни уч марта яхшилаб қоксин. Чунки тўшакдан туриб кетганингиздан кейин нималар бўлганини, тўшакка нималар келиб жойлашганини билмайсиз” деб марҳамат қилдилар.

Шарид бин Сувайднинг хабар беришича, пайғамбаримиз

юзтубан ётиб ухлаётган бир кишини кўриб, уни оёқ учлари билан туртдилар ва **“Мана шу, Аллоҳ ҳеч ёқтирмайдиган ётишдир”** дедилар.

Ўтиришлари

Саҳобалардан Ҳанзала бин Хизям: “Пайғамбаримизнинг хузурларига боргандим, чордона куриб ўтирганларини кўрдим”, - деган.

Жобир бин Самура ҳам, мухтарам пайғамбаримизнинг бомдод намозидан кейин то кўёш чикқунча намозгоҳда чордона куриб ўтиришларини айтган.

Расулulloҳнинг ҳеч қачон ёнидагиларга қаратиб оёқларини чўзиб ўтирганлари кузатилмаган. Шарид бин Сувайд айтади: “Расулulloҳ бир куни бизга ташриф буюргандилар. Ўшанда, мен чап қўлимни орқага қўйиб, кафтимнинг ярми билан ерга таяниб ўтиргандим. Сарваримиз: **“Сен, ғазабга учраганларнинг ўтиришидек ўтирибсанми?!”** дедилар. (Ғазабга учраганлар - яҳудийлар эди.)

Пайғамбаримизнинг овқат пайтида ўтиришлари ҳам жуда оддий бўлиб, доим ерга ўтириб, овқатни ерга қўйиб еярдилар. **“Мен, қулларга хос равишда ўтириб, қулларга ўхшаб ейман. Чунки мен оддий қулман, бандаман! Суннатимдан юз ўтирган одам мендан эмас!”** деб марҳамат қилардилар.⁴⁷¹

Бир гал Маккада бир нарсага суянган ҳолда овқатланаётганларида Жаброил алайҳиссалом келиб, “Ё Муҳаммад! Демак сиз ҳам қиролларга ўхшаб овқатланасиз, шундайми?!” деганида, мухтарам пайғамбаримиз дарров ерга ўтириб олгандилар.⁴⁷²

Бир куни Расулulloҳ хузурларига Жаброил алайҳиссалом билан бир фаришта келди. Бу малак аввал келмаганди. Пайғамбаримизга, “Раббингиз сизга салом йўллади ва пайғамбар-султон ёхуд пайғамбар-қул бўлиш орасида сизни ўз ихтиёрингизга қўйди. **“Хохласанг, сен учун пайғамбар-султон ёки пайғамбар-қул бўлиш имкони бор”**, - деб буюрди”, - деди. Жаброил алайҳиссалаом “Тавозе кўрсатинг!” деб ишора қилганида, Расулulloҳ: **“Пайғамбар-қул бўлайин!”** деб жавоб бердилар. Шундан кейин пайғамбаримиз бирон марта на тик туриб, на бирон нарсага суяниб овқат емадилар.

⁴⁷¹ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 381-б.

⁴⁷² Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 380-б.

Еб-ичишлари

Расулulloҳ овқатни уч бармоқ билан, яъни шаҳодат (кўрсатгич) бармоғи ва икки ёнидаги бармоқлари билан еядилар.

Ул зот марҳамат қилдиларки: **“Овқатнинг баракати - уни ейишдан олдин таҳорат олишда, еб бўлгандан кейин ҳам таҳорат олиш, қўл ювишдадир!”**⁴⁷³

“Кимки, овқатдан кейин қўлида гўшт-ёғ ҳиди, қолдиқларини ювмасдан ётиб ухласа-ю, бошига бир бало келса, ўзидан бошқасини айбламасин!”

Муҳтарам пайғамбаримизнинг ғарра деб аталган сопол лагансимон идишлари бўларди. Чошгоҳ намозини ўқиганларидан кейин ичида сарид (тирид) солинган ушбу лаган дастурхон ўртасига олиб келиб қўйиларди. (Майдалаб тўғралган нон билан кўп миқдорда гўшт аралаштириб тайёрланган овқатга тирид дейилади.)

Мусулмонлар, тирид лагани атрофига йиғилганларида, пайғамбаримизнинг икки тиззаси билан чўккаллаб ўтирганларини кўрган бир бадавий (чўл халқи-кўчманчи): “Бу қанақа ўтириш?” деб юборишдан ўзини туюлмади. Ўшанда муҳтарам пайғамбаримиз: **“Шубҳа йўқки, Аллоҳу таоло мени қарам соҳиби бир банда қилиб яратди, зинҳор зўравон ё қайсар қилмади! Қани, овқатни четидан ейишни бошланглар! Энг устига ва ўртасига қўл чўзманглар. Овқатнинг баракаси унинг тепаси ва ўртасида бўлади. Шунинг учун овқат емоқчи бўлганда лаганнинг ўртасидан олмай, ҳар ким ўз олдидан есин. Чунки барака овқатнинг ўртасига тушади”** деб марҳамат қилдилар.

Умар бин Аби Салама айтади: Мен, жаноби пайғамбаримизнинг тарбияларида ўсгандим. Овқат еганимда қўлим лаганнинг дуч келган жойида айланиб юрарди. Муҳтарам сарваримиз менга, **“Ўғлим! Бисмиллоҳ дегин. Ўнг қўлинг билан ўз олдингдан егин!”** деб буюрдилар.⁴⁷⁴ Ўшандан кейин мен доим шундай овқат ейдиган бўлдим.

Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Биронтангизга хизматчиси овқат тайёрлаб келтирса, билингки хизматчи ўчоқнинг тафтига, тутунига чидади. Шу боис уни ҳам дастурхонга ўтказинглар, у ҳам есин. Агар уялиб тортинса ёхуд**

⁴⁷³ Термизий, “Атима”, 39-б.

⁴⁷⁴ Термизий, “Шамоили шариф”, 204-б.

овқат оз бўлса, унга шу овқатдан бир-икки лукма берсин” деб буюрдилар.

Мухтарам пайғамбаримиз ҳеч қачон ҳеч қандай овқатни хор кўрмаганлар. Бирон овқатни хоҳласалар ердилар, егилари келмаса, кўлларини тортар ва индамасдилар. Энг кичик неъматни ҳам эъзозлар эдилар. Ҳеч қайси неъматни ёқтирганларида мақтаб, хушламаганларида ёмонламаганлар. Дастурхонга овқат сузилганда пайғамбаримиз, **“Аллоҳумма борик лано фиймо разоқтано ва қино азобаннор. Бисмиллоҳ!”** деб дуо қилгач ейишни бошлардилар.

Ҳазрати Ойша волидамиз айтади: Коинот сарвари: **“Сиздан бирингиз овқат ейишдан олдин бисмиллоҳ деб, Аллоҳу таолонинг исмини ёд этсин. Овқат олдида буни айтишни унутса, “Овқатнинг аввали ва охири учун бисмиллоҳ!” десин**”.- деб марҳамат қилганлар.⁴⁷⁵

Умайя бин Маҳшнинг билдиришича, бир одам бисмиллоҳ демасдан овқат ейишга киришди. Пайғамбаримиз эса, уни қараб турарди. Овқатнинг охирида битта лукмани оғзига солиш олдида ўша одам, **“Овқатнинг аввали ва охири учун бисмиллоҳ!”** деди. Шунда пайғамбаримиз кулдилар. Кейин, **“Шайтон, бу одам билан бирга овқат ейишда давом этаётганиди. У Аллоҳу таолонинг исмини хотирлаганида шайтон қорнида ҳеч нарса қолдирмай қусди!”** дедилар.

Абдуллоҳ бин Умарнинг хабар беришича, пайғамбар жанобимиз: **“Сиздан бирингиз овқат емоқчи бўлганда ўнг қўли билан есин. Бирон нарса ичмоқчи бўлганда ҳам ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон, чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади!”** деб буюрдилар.⁴⁷⁶

Салама бин Акво, отасидан эшитиб айтишича, мухтарам пайғамбаримиз, ёнларида Ашжо қабиласидан Буср бин Роиюлир исмли бир кишининг чап қўлда овқатланаётганини кўриб, унга **“Ўнг қўлинг билан егин!”** дедилар. Шунда ҳалиги киши, **“Қўлимдан келмайди, ўнг қўлда ея олмайман”** деб ёлғон гапирди. Пайғамбаримиз эса: **“Кучинг етмай қолсин! Бу одамни ўнг қўлда ейишга, кибри ва ғурури йўл қўймапти!”** дедилар. Шундан

⁴⁷⁵ Абу Яъла, “ал-Муснад”, XIII, 62-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VII, 170-б.

⁴⁷⁶ Муслим, “Ашриба”, 142-б.; Абу Довуд, “Атима”, 20-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 8, 33-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 43-б.

кейин халиги одам ўнг қўлини оғзига олиб боролмайдиган бўлиб қолди.⁴⁷⁷

Жаноби пайғамбаримиз, **“Азиз ва жалил бўлган Аллоҳ, ейиладиган бирон нарсани еб ёки ичиладиган бирон нарсани ичиб, шу еган ёки ичган нарсаси учун Унга ҳамд келтирган бандасидан муҳаққақ рози бўлади!”** деб марҳамат қилдилар.

Абу Саидул Худрий айтдики: Пайғамбаримиз еб-ичганларида шундай дуо қилардилар: **“Алҳамду лиллоҳиллази отъомано ва сақоно ва жаална Муслимийн – Бизга едириб-ичдирган ва бизни мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!”**⁴⁷⁸

Абу Умоматулбоҳилийнинг хабар беришига кўра, жаноби пайғамбаримиз овқатини еб бўлганларидан сўнг дастурхонни йиғиштиришдан аввал қуйидагича дуо қилардилар:

“Алҳамду лиллоҳи касиран тоййибан муборакан фихи ғайра макфийин вало муваддаин вало мустоғнан анху Раббано – Ҳамд Аллоҳга маҳсусдир. Эй Раббимиз! Биз, ҳар қандай қусурдан пок, ичи файзу-баракатга тўла, рад ва тарк этилмаган кўнглимиз тўқ бир ҳолда сенга жуда кўп ҳамд билан ҳамд келтирамиз!”

“Аллоҳумма лиллоҳиллази кафоно ва арвоно ғайра макфийин вало макфурун – Бизга етарлисича едирган-ичдирган, бизни рад қилмаган ва нонқўрлардан этмаган Аллоҳга ҳамд келтирамиз.”

Абу Умоматулбоҳилийнинг билдиришига кўра, Пайғамбар жанобимиз, **“Азиз ва Жалил бўлган Раббим, мен учун бутун Макка водийсини олтин этишга таклиф марҳаматида бўлди. “Йўқ, ё Раб! Мен, бир кун тўқ бўлиб, бошқа кун оч бўлиб юрайин. Оч қолганимда сенга ниёзда бўлайин ва сени зикр этайин. Тўқ бўлганимда ҳам сенга ҳамд этиб, шукронада бўлайин! дедим”** дея марҳамат қилганлар.⁴⁷⁹

Ҳазрати Ойша волидамиз ҳикоя қиладилар: Пайғамбар жанобимиз Мадинага келганидан бошлаб, то вафотигача Унинг оиласи уч кун кетма-кет буғдой нони билан қорин тўйдирмаганлар.⁴⁸⁰

Пайғамбаримиз ва Унинг уйдагиларининг озик-овқатлари

477 Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 45-б.

478 Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 315-б.

479 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 381-б.; Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, VII, 75-б.

480 Насоий, “Даҳоё”, 37-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 42-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 487-б.; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, II, 166-б.; Фазолий, “Иҳё”, II, 877-б.

кўпинча арпа нони ва хурмодан иборат бўлиб, булар ҳам кўп бўлмасди.

Расулulloҳ жанобимиз, вафотидан олдин уйдагиларининг нони учун Абу Шаҳмо исмли яҳудийдан олган бир Васқ ёки ўттиз соъ арпа ҳисобига зирх кўйлагини гаровга кўйгандилар.⁴⁸¹

Ҳазрати Оиша волидамиз ҳикоя қилади: “Муҳаммад (алайҳиссалом) сарваримизни ҳақ дин ва китоб билан юборган Аллоҳга қасамки, пайғамбарлигидан то вафотларигача на элак кўрдилар, на эланган ундан ёпилган нон едилар”. “У ҳолда, арпа унини қандай истеъмол қилардингиз?” деб сўралганида, “Кепагини пуфлаб тозалардик. Худо ҳақи, Расулulloҳнинг уйларида қирқ кеча кутсак ҳам на қандил, на ўчоқ ёнарди!⁴⁸² Ойлаб Расулulloҳнинг ҳеч қайси хонимлари уйда ўчоқ ёниб, тутун чикканини кўрмасдик. Икки ойлаб вақт ўтарди лекин Муҳаммад алайҳиссаломнинг оилалари учун на нон, на қозонда овқат пишарди⁴⁸³”- деб жавоб берди.

Муҳтарам пайғамбаримиз меъдаларига бир кунда икки хил егулик бирга кирмаган. Хурмога тўйганларида нонга тўймадилар, нондан тўйганларида хурмога тўймадилар. Ҳазрати Оиша: “Мени йиғлаган ҳам мана шу нарса эди⁴⁸⁴”,- деганди.

Анас бин Молик, “Пайғамбаримизнинг охиратга кетгунча бирон марта хивон (устига овқат кўйиладиган хонтахтага ўхшаш нарсага айтилади) устида овқат еганларини, соф буғдай унидан пиширилган юпка нон ёхуд оловда қизартилган кўзи кабоби еганларини кўрмабман”,- деган.⁴⁸⁵

Абу Ҳурайра, жаноби пайғамбаримизнинг, “**Аллоҳим! Уй халқимни, Муҳаммаднинг оила аъзоларини ўлмайдигандай ризқлантир! Аллоҳим! Муҳаммаднинг уй халқи насибасини ўлмайдиган даражада қил!**” деб дуода қилганларини хабар берган.

Оиша волидамиз айтади: Муҳтарам пайғамбаримиз, уйга келиб “**Уйда бирон егулик борми?**” дея сўрардилар. Елкамни

481 Бухорий, “Буйу”, 33-б., “Раҳн”, 5-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 160-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, IV, 271-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 334-б.; Бағавий, “ал-Анвор”, I, 299-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 307-б.

482 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 71-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, IV, 119-б.; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, VII, 314-б.

483 Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 306-б.

484 Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 306-б.

485 Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, II, 169-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашқ”, IV, 81-б.

қисиб, “Йўқ” дердим. Шунда **“Ундай бўлса, мен рўзадорман”** деб марҳамат қилардилар.⁴⁸⁶

Коинотнинг сарвари бир гал хонамга келганларида, “Ё Расулаллоҳ! Бизга бир ҳадя келди” дедим. **“У нима экан?”** деб савол қотдилар. “Хайс деган таом!” деб жавоб бердим. **“Лекин мен рўзадор ҳолда тонг оттирдим”** дедилар. (Хайс - хурмо, ёғ ва пишлоқ аралаштириб тайёрланадиган егулик тури).⁴⁸⁷

Пайғамбаримиз, холва, бол (асал), нон тиридини, хурмо тиридини, кўкатли таомларни яхши кўрардилар. Сарваримизга сут келтириб сузилганда, **“Сутда икки барака бор”** деб марҳамат қилардилар.⁴⁸⁸

Абдуллоҳ бин Аббос ҳикоя қилади: Холид бин Валид иккаламиз Расулulloҳга қўшилиб, холам Маймуна бинти Хориснинг уйига бордик. Умму Хуфайд, коинот сарвари пайғамбаримизга сарёғ билан сут ҳадя қилганди. Холам: “Ҳадя қилинган сутдан сизга берайинми?” деб сўради. Сарваримиз, **“Майли келтиргин”** деб марҳамат қилдилар. Холам бориб бир идишда сут келтирди. Расулulloҳ сутни ичдилар. Мен, жанобимизнинг ўнг томонларида, Холид бин Валид чап томонларида ўтирардик. Расулulloҳ, сутдан ортганини менга бериб, **“Ма, ичгин. Хоҳласанг, Холидга икром қил!”** дедилар. “Мен, сиздан ортган нарсани ўзимдан бошқа ҳечкимга беришни хоҳламайман”- дедим. Шунда Расулulloҳ жанобимиз: **“Аллоҳ бирон егулик насиб қилган одам, “Аллоҳумма борик лано фиҳи ва атъамна хайран минҳу”** (Аллоҳим! Биз учун бу овқатда баракат эҳсон айла. Бизга бундан ҳам хайрлиларини ейишни насиб қил.)” десин! **Аллоҳ, сут ичишни насиб қилган киши бўлса, “Аллоҳумма борик лано фиҳи ва зидна минҳу!”** (Аллоҳим! Бу сутда бизга баракат эҳсон эт ва ундан бизга эҳсонингни зиёда қилгин.) десин. **Чунки сутнинг ўрнини босадиган бошқа егулик ва ичимлик йўқдир”** деб марҳамат қилдилар.⁴⁸⁹

Мадиналик мусулмонлар, хурмо боғларининг энг биринчи ҳосилини муҳтарам пайғамбаримизга олиб келардилар. Расулulloҳ жанобимиз уларни муборак қўлларига олиб, баракат дуосини ўқиганларидан кейин атрофда кўринган болалардан энг кичигини

486 Термизий, “Шамоили шариф”, 196-б.

487 Суютий, “Асоф-ун Набий”, 97-б.

488 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 393-б.

489 Абу Довуд, “Ашриба”, 21-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 284-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 397-б.; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, V, 104-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 220-б.

чақириб, янги пишган хурмоларни берардилар. **“Бир уйда хурмо бўлмаса, у уйнинг халқи очдир”** деб айтардилар.

Анас бин Моликнинг билдиришича, пайғамбаримиз, қовоқдан тайёрланган овқатини яхши кўрардилар. Ичида қовоғи бўлган овқат келтирилганида, қовоқларини пайғамбаримиз олдиларига суриб қўйишарди. Расулulloҳ қўйнинг энг лаззатли жойи умуртқа гўшти эканлигини айтардилар.⁴⁹⁰

Умму Айюбдан, “Расулulloҳ алайҳиссалом, уйингизда етти ой яшадилар. Сарваримиз қайси овқатларни яхши кўрардилар?” деб сўралди. Умму Айюб: “Ул зотдан ўзлари учун махсус овқат қилишимизни сўраганларини ёки бирон овқатни ёқтирмаганларини эшитмадим. Ҳазратларига ҳариса, кашкак (майда тўғралган гўшт ва нон шўрваси) тайёрлаб берардик. Ёққанини кўриб, бу овқатларни беш-олти кунда бир марта тайёрлардик” деди.⁴⁹¹

Абу Мусо-л-Ашъорийдан, “Расулulloҳнинг товук гўшти еганларини кўрдим” дегани ривоят қилинган.

Пайғамбаримиз овқат тагида қолганини тозалаб ейишни яхши кўрардилар. **“Кимки, бирон товоқда овқат егач, уни сидириб тозалаб қўйса, овқат шу одам учун истиғфор қилади!”** дея марҳамат қилардилар.

Жаноби пайғамбаримиз, яшил хурмо билан қовун ёки бодринг ейишни ёқтирардилар. **“Бунинг иссиқлигини унинг совуқлиги билан, наригининг совуқлигини бунинг иссиқлиги билан бартараф қиламиз”**- дер эдилар.⁴⁹²

Пайғамбаримизнинг мана бундай деганлари ҳам ривоят қилинган:

“Эй Абу Зар! Гўшт пиширганингда шўрвасини кўпроқ қилиб, қўшнилари кўзда тут, улар билан ҳам бўлиш.”⁴⁹³

“Қўшнисини оч бўла туриб, қорни тўқ юрган киши, комил мўмин бўлолмайди!”

“Аллоҳу таолога ибодат қилинглар! Фақирларни тўйгазинглар! Саломни ёйингларки, жаннатларга киргайсиз!”⁴⁹⁴

“Бир кишилик овқат икки кишига етади. Уч кишилик

490 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 391-393-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 188-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладунийя”, 310-б.

491 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 393-б.

492 Термизий, “Шамоили шариф”, 213-б.; Суютий, “Авсоф-ун Набий”, 99-б.

493 Термизий, “Атима”, 30-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, V, 149-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 232-б.

494 Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 14-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 259-б.; ; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, III, 424-б.; Ҳайсамий, “Мажмоуз-Завоид”, V, 29-б.

овқат тўрт кишига етади. Тўрт кишилик овқат, саккиз кишига ҳам етади!”⁴⁹⁵

Асмо бинти Аби Бакр, овқат пишираётганда унинг қайнашини ва буғи тарқаб кетгунча оғзи ёпик бўлишини тавсия қиларди. Чунки сарваримиздан, **“У, энг катта баракатдир”** деганларини эшитдим, дерди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, Макканинг фатҳида амакиси Абу Толибнинг қизи ҳазрати Уммихонийнинг уйига боргандилар. Ундан, **“Уйингизда бирон егулик борми?”** деб сўрадилар. Ҳазрати Уммихоний, **“Ҳеч нарса йўқ. Фақат қотган нон увоқлари билан сирка бор. Лекин уларни олдингизга қўйишга уяламан”** деб жавоб қилди. Пайғамбаримиз эса, **“Уялманг. Сувга солиб олиб келинг. Озгина туз ҳам келтиринг!”** дедилар. Устига жичча сирка қуйиб еганларидан кейин Аллоху таолога шукр қилдилар. **“Эй Уммихоний! Сирка нонга қўшиб ейдиган қандай яхши егулик! Сиркаси бор уй, егуликдан махрум ҳисобланмайди!”** деб марҳамат қилдилар.⁴⁹⁶

“Ичимликларнинг қайси бири лаззатлироқ?” деб сўралганида, Расулulloҳ, **“Чучук, салқин сув!”** деганлар.⁴⁹⁷

Пайғамбаримиз, Буют-ус-суқё деган жойдан келтирилган сувни шуш кўриб ичардилар. У қудуқ, Мадинага икки кунлик масофада жойлашган эди.⁴⁹⁸

Пайғамбаримиз, **“Сиздан бирингиз бир нарса ичаётганда, идиш ичига нафас чиқармасин!”** деб буюрганлар. Еб-ичиладиган идишлар ичига нафас беришни тақиқлаганлари сингари, олтин ва кумуш идишларда еб-ичишни ҳам қаътиян тақиқлаганлар.

Жанобимиз, сув ичганларида, бир коса сувни икки-уч нафасда ичиб, **“Шундай қилиб ичиш, фойдалироқ ва тез қондирувчидир,”** **“Сувни бир нафасда ичманглар”**, **“Туяларга ўхшаб сувни бир нафасда эмас, икки-уч нафасда ичинглар! Бундан ташқари, ичиш олдида “Бисмиллоҳ” ва оғзингизни сув идишидан олганингизда “Алҳамдулиллоҳ!” денглар”** деб буюрардилар.⁴⁹⁹

495 Ибн Можжа, “Атима”, 2-б.; Табароний, “ал-Муъжамаул-кабир”, XII, 320-б.

496 Термизий, “Атима”, 35-б.; Ҳақим, “ал-Мустадрок”, IV, 59-б.; Табароний, “ал-Муъжамаул-кабир”, XXIV, 437-б.; Ибн Асоқир, “Торих-и Димашиқ”, IV, 243-б.; Термизий, “Шамоли шариф”, 181-б.; Қасалоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 307-б.; Сютий, “Авоф-ун Набий”, 91-б.

497 Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 391-б.

498 Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 100-б.; Ҳақим, “ал-Мустадрок”, IV, 154-б.

499 Термизий, “Ашриба”, 13-б.; Табароний, “ал-Муъжамаул-кабир”, XII, 166-б.; Байҳақий, “Шуаб-ул-Иймон”, V, 116-б.

Навфал бин Муовия, “Расулulloҳ бирон нарса ичишда, орасини узиб, уч марта нафас олардилар. Бошида Аллоҳу таолонинг исмини тилга олиб, Бисмиллоҳ дердилар, охирида эса, алҳамдулиллоҳ деб ҳамд этардилар”, - деган.⁵⁰⁰

Ҳазрати Ойша волидамининг айтишича, пайғамбаримиз, ўзлари учун тери идишда эрталаб тайёрланган узум ширасини кечкурун ичар, кечкурун тайёрланганини эрталаб ичардилар.

Товоқнинг четидан ейиш, ўз олдидан ейиш, ўнг тизани тик тутиб, чап оёқ устида ўтириш Расулulloҳнинг суннатларидир. Овқатни қайноқ ҳолида емаслик ва овқатни ҳидламаслик лозим. Овқат пайтида умуман гапирмасдан ейишни Расулulloҳ хушламасдилар. Чунки, индамай овқатланиш оташпарастрлар урфи. Овқат пайтида яхши, кайфият кўтарувчи, ёқимли сўзлар айтилиши керак. Овқатга туз билан бошлаб, яна туз билан тугатиш Расулulloҳнинг суннатлари бўлиб, шифодир.

Имоми Жаъфар Содик: “Моли ва фарзанди кўп бўлишини хоҳлаган одам, кўкатли овқатлардан кўпроқ есин!” деган. Аввал дастурхон атрофига ўтирилгач овқат олиб келиш тўғрироқ бўлади.

Очиқмасдан олдин емаслик, кўп емаслик, дастурхондан тўлик тўймай туриш, иложи борича кулмаслик керак. Пайғамбар жанобимиз: **“Яхшиликларнинг боши очлик. Ёмонликларнинг боши тўқликдир”** деб марҳамат қилганлар. Таомнинг лаззати очиқиш даражасига тенгдир. Доимо тўқ юриш хотирани заифлатиб, қалбни кўрлаштиради, яна маст қилувчи ичимликлар сингари қоннинг бузилишига сабаб бўлади. Очлик эса, ақлни тозалаб, қалбни порлатади. Расулulloҳ кам ердилар, кўп емасликка қаттиқ эътибор берардилар.

Инсон қалби экинга, овқат эса, ёмғирга ўхшайди. Меъеридан ортиқ сув экинни чиритганидек меъеридан ортиқ озик ҳам қалбни ўлдиради. **“Кўп еб-ичувчи одамни Аллоҳу таоло ёқтирмайди”** деб марҳамат қилардилар.

Ёзда салқин ичимликлар ичиш лозим. Расулulloҳ салқин шарбат ичишни ёқтирардилар. Замзам сувини тик туриб ичиш мумкин. Йўловчига (сафарийга) ҳар қандай сувни тик туриб ичиш мумкин, дейилди. Сувни шошилмасдан, аста-секин ичиш, оч қоринга ичмаган маъқул.

Расулulloҳ жанобимиз хариса деган таомни яхши кўрардилар.

⁵⁰⁰ Термизий, “Шамоили шариф”, 228-б.; Суютий, “Авсоф-ун Набий”, 100-б.

Ҳариса пиширишни Расулulloҳга Жаброил алайҳиссалом ўргатган. Ҳариса, инсонга қувват беради. Барча пайғамбарлар арпа нони ейишган. Расулulloҳ, ковоқдан тайёрланадиган ширинликни, маржумак шўрвасини, ов гўшти ва қўй гўштини яхши кўрардилар. Қўйнинг қўл, тўш ва курак гўштарини хуш кўрардилар. Улоқнинг курак гўштини ҳам жуда яхши кўрардилар. Улоқ гўшти тез ҳазм бўлиб, фарқли табиатдаги инсонларга тўғри келаверади.⁵⁰¹

Расулulloҳ ловия ва нўхатни қобиғи билан ейишни мақтадилар. "Ҳаббатуссаудо, яъни седана дардларга даво" деб айтганлар.

Бодрингни туз билан ейиш, ёнғокни хурмо ёки асал билан бирга ейиш Расулulloҳнинг суннатидир.⁵⁰² Пайғамбаримиз, бақлажонни мақтаб, зайтун ёғида тайёрланглар дедилар. Полиз семизўтини ҳам мадҳ этганлар.

Расулulloҳнинг охирги еган таомлари таркибида пиёз бор эди. **"Пиёз ва саримсоқни пишган ҳолда енглар"** дея марҳамат қилганлар. Пиширилмаган ҳолдаги ҳидидан фаришталар бухузур бўлади.

Муҳтарам пайғамбаримиз: **"Агар умматимга машаққат туғдирмаганда, ҳар намоз олдидан албатта мисвок ишлатишни буюрган бўлардим!"**⁵⁰³, **"Сизларга мисвокдан фойдаланишни кўп тавсия қиламан"**, **"Мисвок - оғиз поклиги ва Раббимнинг хушнудлигидир"**, - деб марҳамат қилганлар.

Уйда ва ташқаридаги ҳоллари

Ҳазрати Ҳусайн: муҳтарам пайғамбаримизнинг уйда вақтларини қандай ўтказганлари ҳақида отамдан сўрадим. Отам шундай ҳикоя қилдилар:

Пайғамбаримиз, уйларига кирганларидан бошлаб вақтларини учга бўлар, бир қисмини ибодатга; иккинчи қисмини оила аъзоларининг ишларига; учинчи қисмини эса, ўз шахсларига ажратар эдилар. Ўзларига ажратган вақтларини ҳам ўзлари билан инсонлар орасида бўлиштиргандилар. У пайтда ҳузурларига саҳобалардан ёши ёки мартабаси улуғроқлари кирарди. Улар орқали халққа диний масалаларни таблиғ қилардилар. Муҳим масала ва зарур таълимотларнинг халққа етказилишини таъминлардилар.

⁵⁰¹ Термизий, "Шамоили шариф", 188-б.

⁵⁰² Ғазалий, "Иҳё", II, 884-б.

⁵⁰³ Термизий, "Таҳорат", 18-б.

Сарваримиз, умматига ажратган вақтларини, фазилат соҳибларига диндаги устунлик даражаларига қараб бўлган ҳолда, уларни шу тартибда хузурларига чақиришни одат қилгандилар. Улардан баъзилари бир, баъзилари икки ёки кўпроқ ҳожат (савол) билан келарди.

Муҳтарам пайғамбаримиз, кўпроқ уларнинг диний ҳожатлари билан машғул бўлар, саволларига муносиб жавоблар бериб, **“Шу айтилганларни мажлисимизда бўлганлар, бўлмаганларга таблиғ қилиб, етказсин! Менга келиб ҳожатини (хоҳишини) арз қилолмаган одамларнинг ҳожатини сизлар менга етказинг. Муҳаққақки, ҳожатини айтолмаган одамнинг ҳожатини арз қилиб етказган одамнинг оёқларини Қиёматда Аллоҳ, Сирот кўпригида собит қилгай!”** деб марҳамат қилардилар.

Пайғамбаримизнинг хузурларида мана шундай масалалардан бўлак ишлар тилга олинмасди. Зотан ўзлари ҳам, ҳеч кимдан бундан бошқа нарсалар ҳақида гапиришларини талаб ҳам, қабул ҳам қабул қилмасдилар. Расулуллоҳнинг хузурларига келганлар толиб сифатида кирар, у ерда бекиёс илм завқини тотиб, далолат килувчилар сифатида уйдан чиқарди.

Ҳазрати Хусайн отасидан, пайғамбаримиз ташқарида бўлганларида нималар қиларди деб сўради. Бу саволга отаси қуйидагича жавоб берди:

Коинотнинг сарвари, ташқарида гапирмасдилар. Фақат сўзлари, мусулмонларга фойдали бўлса, уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, муносабатлардаги таранглик ва совуқликни кетказувчи бўлса, гапирардилар.

Ҳар бир қавмнинг обрўли, энг чиройли ҳислат эгаси бўлган одамига алоҳида иззат-икром кўрсатардилар ва уни ўз қавми устига волий тайинлардилар.⁵⁰⁴ Ҳеч кимдан мутабассум чехра ва чиройли муомалаларини аямасдилар.

Асҳобидан ким кўринмай қолса, йўқлатардилар, халқдан тез-тез ҳол-аҳвол ва вазиятларини сўраб турардилар. Яхши иш ва воқеаларни эшитганларида мақтаб қўллардилар, ёмонликни танқид қилардилар. Ғафлатга тушиб қолмасинлар деган андишада мусулмонларни тез-тез огоҳлантириб турардилар.

Йиғилишда ўзлари учун доимий бир жой белгилаб қўймас ва

⁵⁰⁴ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 254-б.; Воқидий, “ал-Мағозий”, III, 925-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 262-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, II, 289-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 364-б.

бошқаларни ҳам ундай қилишдан қайтарардилар. Қаерда бўлмасин, ўтирган жамоат ёнига борганларида, тўрға ўтмасдилар, доимо пастроққа, бўш жойга ўтирардилар, муслмонларга ҳам шундай қилишни амр этардилар.

Бирга ўтирган ҳар бир кишига насибасини берардилар. Уларга шундай иззат-икром қилардиларки, ҳар қайсиси, Расулуллоҳ ҳаммадан зиёда мени ҳурмат қилар экан деб ўйларди. Ул зот билан ўтирган ёки ҳузурларига келиб ҳожатини арз қилган кишининг ҳамма нарсасига то кетгунича тоқат қилардилар.⁵⁰⁵

Биронтаси зоти муборақларидан бирон ҳожатини сўраб келса, рад қилмай, ҳожатини берардилар ёки мулоим, ширин сўз билан қайтариб юборардилар. Чиройли хулқлари бутун одамзотни қамраб олгудек кенг эди. Уларга худди шафқатли отадек муносабат қилардилар. Ҳақ-ҳуқуқ масаласида ҳамма Ул зот назарларида тенг эди. Пайғамбаримиз қурган мажлис давраси, илм, ҳаё, сабр ва омонат мажлиси бўларди. У мажлисларда умуман бакир-чакир овози эшитилмас, ҳеч ким айбланмас, йўл қўйилган хатолар юзга солинмасди. Коинот сарварининг ўтиришларига иштирок этувчилар бир-бирига тенг бўлиб, бир-биридан устунликлари фақат тақво жиҳатидан эди. Барчалари тавозу эгаси, камтар инсонлар бўлиб, каттага ҳурмат, кичикка иззату шафқат кўрсатар, мухтожларга ёрдам беришни бошқа ишлардан аввалги ўринга кўяр, ғариб ва мусофирларни ҳимоя қилиб, қўллаб-қувватлардилар.

Пайғамбаримиз юзларидан табассум аримайдиган, жуда юмшоқ табиат инсон эдилар. Кечиримли ва ғамхўр эдилар. Тошбағир эмасдилар. Ҳеч ким билан мунозара қилмасдилар. Асло бакириб-чакирмас, ёмон сўз айтмас ва ҳеч кимни айбламасдилар. Хасис эмас, сахий эдилар. Хуши келмаган иш-ҳаракатни кўрмасликка олардилар. Умидли одамни умидсизликка туширмасдилар. Бирор нарса ёқмаганда, изҳор қилмасдилар.

Расулуллоҳ (алайҳиссалом) уч нарсадан узоқ турардилар: Одамлар билан мунозара қилиб, тортишиш; кўп гапириш; кераксиз, бекорчи нарсалар билан шуғулланиш.

Ҳеч кимни юзига ҳам, орқасидан ҳам танқид қилиб, айбламасдилар. Ҳеч кимнинг айбини ахтармасдилар. Ҳеч кимга, у ҳақда хайрли бўлмаган сўзни сўзламасдилар.

Мухтарам пайғамбаримиз ҳузурларида бўлганлар (саҳобалар),

505 Ғазолий, "Иҳё", II, 880-б.

худди бошларига куш қўнгандай жим, қимирламай ўтирардилар. Расулуллоҳ сўзларини тугатмагунча биронтаси гапирмас, ёнларида асло тортишиб, мунозара қилмасдилар. Йиғинда бирон киши гапираётганда мажлисда иккинчи одамнинг овози чиқмас, гапни бўлиш ё аралашиб умуман кузатилмасди. Пайғамбаримиз хузурларида энг биринчи гапирганнинг сўзи билан энг охирида гапирган одамнинг сўзига бирдай эътибор бериларди.

Мажлисларида бўлганлар бирон нарсага қулса, Ул зот ҳам қўшилиб қулардилар, бирон нарсага ҳайратланишса, Ул зот ҳам ҳайратланардилар.

Хузурларига қабул қилинган ғариблар, бадавийларнинг сўз ва қилиқларидаги қўполликларга саҳобалари ҳам Ул зотдек яхши муносабат қилсинлар деб чидардилар. **“Муҳтож одамнинг ташвишини кўрганда, ҳожатини ҳал қилишда унга ёрдам беринглар!”** деб марҳамат қилардилар.

Ҳақиқатдан йироқ мақтовни қабул қилмасдилар. Ҳақ-хуқук чегараларини ошмагунча ҳеч кимнинг сўзини бўлмаётган охиригача эшитардилар. Лекин гап орасида кимнингдур ҳақ-хуқуқи поймол қилинса, дарров гапирувчини огоҳлантириб, сўзини тўхтатардилар ёхуд у йиғилишдан туриб чиқиб кетардилар.

Расулуллоҳнинг бирон нарсага **“йўқ”** деганлари деярли кузатилмаган. Ўзлари ҳам хоҳлаган бир нарса сўралганда, **“майли”** дерларди, хоҳламаган нарса сўралганда сукут сақлардилар. У ишни қилмаслик кераклиги сукутларидан англашилди. Ҳамманинг дунё ва охираат саодатига эришишига ҳаракат қилардилар. Бир жангда кофирларнинг йўқ қилиниши учун дуо қилишлари сўралганда, **“Мен лаънат қилиш, инсонларнинг азоб чекиши учун юборилмадим. Мен, ҳаммага яхшилик қилиш, инсонларни хузурга эриштириш учун юборилганман”**,–дея марҳамат қилганлар.

"Анбиё" сураси бир юз еттинчи ояти маоли шарифида: **“Сени оламларга раҳмат, яхшилик қилиб юбордик”** дейилган. Шу сабабли ким бўлмасин, ҳамманинг яхшилиги учун ғайрат қилардилар.

Ҳинд бин Абу Ҳола, пайғамбаримизнинг юришларини қуйидагича баён қилади:

Расулуллоҳ кўчага чиққанларида, оёқларини ердан шаҳдам кўтариб, икки ёнларига чайқалмай, одимларини кенг ташлаб,

тепаликдан пастга тушиб келётгандек олдларига бир мунча эгилганча, сукунат ва виқор билан бемалол юрардилар. Қарамоқчи бўлган тарафга баданлари билан тўлиқ ўгирилиб қарардилар. Ён-атрофларига қарайвермасдилар. Ерга қарашлари, юқорига, осмонга қарашларига нисбаган кўпроқ эди. Ерга ҳам кўз учи билан қарардилар. Юрганда саҳобаларининг орқасида юрардилар. Бирон киши билан учрашиб қолсалар биринчи салом берардилар.

Абу Хурайра ҳазратлари ҳам айтади:

Яёв юришда Расулulloҳдан ҳам тезроқ юрадиган одам учратмадим. Ул ҳазрат юрганларида, ер юзи худди оёқлари тагидан ўтаётгандек туюларди. Биз орқаларидан етиб олишга анча зўриқиб қолардик. Пайғамбаримиз эса, юрганларида асло қийналмасдилар.⁵⁰⁶

Анас бин Моликнинг ҳикоя қилишича, пайғамбар жанобимиз биров билан учрашганларида у билан мусофаҳа қилиб (қўл бериб) кўришардила. У киши қўлини тортмагунича, пайғамбаримиз ҳам қўлларини тортмасдилар; у киши юзини бошқа томонга бурмагунча, пайғамбаримиз ҳам юзларини ундан бурмасдилар. **(Мусофаҳа - икки одам бир-бирининг бош бармоғини кўрсатгич ва бош бармоқлар билан халқа қилиб, қолган тўрт бармоқни билак устига қўйиш орқали юз кўришишларига айтилади.)**

Анас бин Молик айтади: Сарваримиздан “Ё Расулаллоҳ! Кўришганимизда баъзиларимиз баъзиларимизга эгилсинми?” деб сўрадик. **“Йўк!”** дедилар. “Бир-биримиз билан кучоқлашиб кўришайликми?” деб сўрадик. **“Йўк! Фақат мусофаҳа қилингиз!”** деб буюрдилар.⁵⁰⁷

Баро бин Озиб, пайғамбаримиздан **“Икки мусулмон учрашиб саломлашганда мусофаҳа қилсалар, хануз бир-биридан ажралмай туриб мағфират бўладилар!”** деб марҳамат қилинганини хабар берган.

*_*_*_*_*_*_

Оламлар сарвари (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо ўйчан кўринадилар. Сукутлари сўзлаб ўтказган вақтларидан узоқроқ давом этарди. Ҳеч қачон кераксиз жой ва пайтда гапирмас, сўзга

⁵⁰⁶ Термизий, “Маноқиб”, 12-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 350-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 380-б.; Ибн Асокир, “Торих-и Димашқ”, III, 267-б.; Бағавий, “ал-Анвор”, I, 352-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладунийя”, 282-б.

⁵⁰⁷ Ибн Можжа, “Адаб”, 15-б.; Абу Яъла, “ал-Муснад”, IV, 197-б.

бошлашдан олдин ҳам, тугатгандан кейин ҳам Аллоҳ исмини тилга олардилар. Сўзлаганда кўпинча қисқа ва лўнда калималарни ишлатардилар. Сўзлари доим ҳақ ва ўринли бўларди.

Шахсларига тегишли масалаларда умуман ғазабланмас ва ўч олмасдилар. Бирор нарсага ишорат қилмоқчи бўлсалар, битта бармоқ билан эмас, қўллари билан ишорат қилардилар. Ҳайрат ва таажжуб қилганларида, қўллари қай ҳолатда турса, тескари қилардилар, яъни қафтлари юқорига қараб турган бўлса, ерга қаратардилар; пастга қараб турган бўлса, осмонга қаратардилар. Гапирганда қўлларини қимирлатиб, ўнг қафтини чап қўл бош бармоғи ич томонига уриб турардилар. Ғазабланганларида аччиғини узоқ давом эттирмай, дарҳол ундан воз кечиб, ғазабларини билдирмасдилар. Бирон нарсага хурсанд ва хушнуд бўлганларида кўзларини юмардилар. Энг қаттиқ қулишлари қулимсирашдан, яни табассумдан иборат эди. Табассум қилганларида тишлари инжу доналаридек кўринарди.⁵⁰⁸

Абу Саид Ҳудрий ҳазратлари баён қилади:

Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи васаллам) жанобимиз уй ҳайвонларига, минадиган уловларига ўзлари ўт берардилар. Туяни боғлардилар. Уйини супирардилар. Қўйларни соғардилар. Пойабзалининг сўкилган жойини ўзлари тикардилар. Либосларини ўзлари ямардилар.⁵⁰⁹ Хизматчилари билан бирга ўтириб овқатланардилар. Хизматчиси қўл тегирмони айлантираётганда чарчаса, унга ёрдам берардилар. Бозордан у-бу нарсалар олиб, тўрвада уйга олиб келардилар. Бой-гадо, қатта-кичик ким билан учрашиб қолсалар, аввал ўзлари салом берардилар. Улар билан қўл бериб мусофаҳалашиш учун аввал ўзлари муборак қўлларини чўзардилар. Қул ё хўжайин, оқ ва қоратанлини бир хил кўрардилар.

Ким бўлишидан қатъий назар меҳмонга чақирилган жойга албатта борардилар. Олдларига қўйилган егулик қанчалик оз бўлса ҳам, уни кам ё паст кўрмасдилар. Яхшилик қилишни яхши кўрардилар. Ҳамма билан яхши муносабатда бўлардилар. Очик чехрали, ширин сўзли эдилар. Гапираётганида кулмасдилар. Қайғули кўринслар ҳам асло, қош-қовоғи солинган бўлмасди. Камтар инсон эдилар. Ҳайбатли бўлиб, бир қарашда хурмат-иззат ва кўрқув уйғотарди. Лекин кўпол эмас, нозик ва мулоийм эдилар.

508 Қози Иёз, “Шифо-и шариф”, 132-б.; Суютий, “Авсоф-ун Набий”, 85-б.

509 Термизий, “Шамоили шариф”, 343-б.; Ғазолий, “Иҳё”, II, 877-б.

Жуда сахий бўлиб, лекин асло исрофни ёқтирмас, фойдасиз жойга ҳеч нарса сарфапмасдилар. Ҳаммага бирдай меҳр-шафқатли эдилар. Ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмасдилар. Саодат ва хузурга эришишни хоҳлаган одам, ул зотга ўхшаши лозим.

Ҳар бир мусулмонга, Расулуллоҳнинг шундай хулқларидан ўрнак олиб, Аллоҳу таолонинг ахлоқи билан ахлоқланиш вазифадир. Чунки Расулуллоҳ жанобимиз: **“Аллоҳу таолонинг ахлоқи билан ахлоқланинг!”** деб марҳамат қилганлар.

Масалан, Аллоҳу таолонинг сифатларидан бири “Саттор” бўлиб, гуноҳларни ёпувчи, яширувчи деган маънога келади. Демак мусулмон ҳам диндош биродарининг айб ва қусурларини ёпиши лозим. Аллоҳу таоло бандаларининг гуноҳларини авф этувчидир. Мусулмонлар ҳам бир-бирларининг айб, хато, камчиликларини кечириши лозим. Аллоҳу таоло карим ва раҳимдир. Яъни лутфи, эҳсони мўл ва марҳамати кўпдир. Демак, мусулмонлар ҳам жўмард ва марҳаматли бўлишлари лозим.

Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) чиройли, гўзал, ёқимли хулқу-одатлари жуда кўп. Ҳар бир мусулмоннинг уларни ўрганиши ва ўша ахлоқлар билан хулқланиши лозим. Шу тариқа, дунё ва охирадда фалокатлар, ташвишлару-қийинчиликлардан қутулиб, Ўша икки жаҳон жанобининг шафоатига эришиш насиб бўлади.

Либослари

Пайғамбаримизнинг бир дона хибара кийимлари бор эди. Хибара - пахта ва зиғир толасидан тўқилган йўл-йўл Яман матосидир. Пайғамбаримиз мана шу хибара деган либосни кийишни жуда ёқтирардилар.

Жанобимизнинг яна Уммонда тикилган иккита Изорлари ҳам бор эди. Белдан пастга ўраладиган этакка изор дейилади. Эр ва аёл изорлари бўлади. Пайғамбаримизнинг қилдан тўқилган, устида туя ўркачисимон қатор чизиклари бор изорга ўхшаш кийимлари ҳам бўлиб, шу билан ташқарига чиққан пайтлари ҳам бўларди.

Абу Бурда дейдики: “Биз зиёрат қилишга борганимизда, ҳазрати Ойша бизга кигиздан (намат) тикилган либос ва Яман матосидан қалин бир изор кўрсатиб, “Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) руҳлари мана шу кийимларда олинди” деб қасам ичди”.⁵¹⁰

⁵¹⁰ Муслим, “Либас”, 57-б.; Абу Довуд, “Либас”, 7-б.; Ибн Можа, “Либас”, 1-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, V, 174-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 453-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 326-б.; Суютий, “Авсоф-ун Набий”, 78-б.

Пайгамбаримиз, совуқ киш кечаларида эгниларига тўқилиши на қаттиқ, на юмшоқ бўлган жун мато илиб олган ҳолда намоз ўқирдилар.

Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) мусулмон эр кишилар изор этагини болдир ярмигача, ундан ҳам пастроққача туширишлари мумкинлигини, лекин тўпиққача туширмасликларини такидлаганлар. Кибр ва ғурурланиш, бойлигини кўз-кўз қилиш мақсадида изор этаklarини ерда судраб юрадиган эркакларга қиёматда Аллоҳу таоло раҳмат назари билан қарамаслигини хабар берганлар. Шу масалада Жобир бин Сулаймга, **“Изорингни болдир ярмигача кўтариб қўй! Агар бу қўлингдан келмаса, тўпиқларгача тушир! Ерда судраб юришдан тийил! Чунки у кибр аломатидир. Аллоҳу таоло эса, ғурурланганни ёқтирмайди!”** деб буюрганлар.⁵¹¹

Шунинг учун Абдуллоҳ бин Умар, изорини болдири ярмигача тушириб, куйлагини унинг устидан тушиб турадигандай қилиб, ридосини⁵¹² эса, куйлак устидан киярдилар.

Мухтарам пайгамбаримиз, келган ҳайъатлар олдига кийиб чиқадиган Ҳадрами ридоларининг узунлиги тўрт аршин; эни икки аршину бир қарич бўлиб, ранги яшил, баҳоси бир динор эди. Пайгамбаримизнинг ушбу ридолари, халифалар даврида, улар ихтиёридаги бир тугун ичида сақланарди. Рамазон ва Қурбон байрамларида халифалар ўша ридони киярди.

Пайгамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Суҳар моли, иккита либослари бўларди. Суҳар – Уммондаги бир қасабадир. Пайгамбаримизнинг Суҳар маҳсулоти бўлган кўйлаklари ҳам бўларди. Суҳар деган қасабада тикилган кўйлаklар Суҳарий дейиларди. Пайгамбаримиз энг хуш кўрган кийим қамис (кўйлак) эди. Тоза пахта ипидан тўқилган матодан тикилган кўйлакка қамис дейилади. Пайгамбаримиз кийган қамиснинг энг узунлиги қўл билагигача бўларди. Расуллонинг бир қат пахта ипидан тўқилган матодан суҳул деб номланувчи кўйлаklари бор эди. Суҳул - Яман қасабаларидан бўлиб, у ерларда бир қат пахта ипидан ясалган матодан тикилган либосларга Суҳулия дейилади. Жанобимизнинг

⁵¹¹ Абу Довуд, “Либас”, 27-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 325-б.; Қасталоний, “Мавоҳибид адунийя”, 321-б.; Суютий, “Авоф-ун Набий”, 78-б.

⁵¹² Бир кийим тури.

битта оқ либослари ҳам бўларди. Сарваримиз: **“Кийимларингиздан оқини кийинглар! Тириклар оқ либос кийсин, маййитларингиз ҳам оқ кафанга ўралсин! Чунки оқ кийим, либосларингизнинг хайрлиси ва яхшисидир!”** деб марҳамат қилгандилар.⁵¹³

Пайғамбаримизнинг яшил кийим кийганларини ҳам кузатилган. Абу Римса, пайғамбаримизни эгнларида икки бўлак уст ва паст яшил либос кийганларини кўрдим деб хабар қилган.⁵¹⁴

Тарам-тарам ёки чипор хулла деб номланувчи кийим ҳам киярдилар. Бароъ бин Азиб: “Эгнига чипор хулла кийиб, сочлари кулоқ юмшоғигача тушиб турувчилар орасида Расулulloҳдан чиройлироғини кўрмаганман”,⁵¹⁵ - деган. Жума ва байрамларда киядиган бир қизил чопонлари бўлган. Бир дона Яман моли чопонга ҳам эга эдилар. Енглари торроқ Шомда тикилган чопонларини сафарга чиққанларида киярдилар.

Пайғамбаримиз, Эрон шоҳлари киядиган тайласон матосидан тикилган, ёқасида атласдан бир парча, этаги олди билан орқасидаги иккита очик жойида ва енгларида ҳам атласдан хошия тикилган чопонларини урушда, душманларга рўпара бўлганларида киярдилар. Ҳазрати Ойшанинг вафотигача ёнида сақланган шу чопонни, унинг вафотидан кейин Асмо бинти Абу Бакр олган эди. Муҳтарам пайғамбаримиз кийган ушбу чопон ювилган сув билан касаллар ювиниб, шифо топарди.

Думатулжандал ҳоқими Укайдирнинг ўлдирилган укаси Ҳассаннинг атласдан жим-жимадор қилиб тикилган, олтин ип билан хурмо япроқлари акс эттирилган чопони пайғамбаримизга юборилганди.

Пайғамбаримиз, ўша чопонни кийиб минбарга чиқиб бир пас ўтиргач, ҳеч нима демай минбардан тушдилар. Мусулмонлар эса, чопонни силап кўриб, чиройига ҳайрон қолишарди. Пайғамбаримиз: **“Сизлар, бунинг чиройига ҳайрон қоляпсиларми? Сизларга ёқиб қолдими?”** деб сўрадилар. “Биз ҳеч қачон бундан чиройли либос кўрмаганмиз!” дедилар.

Пайғамбар жанобимиз эса: **“Вужудим қудратида бўлган**

⁵¹³ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 449-б.*

⁵¹⁴ *Термизий, “Адаб”, 48-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 450-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 97-б.; Абу Нуайм, “Ҳият-ул-Авлия”, IX, 40-б.*

⁵¹⁵ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 450-б.*

Аллоҳга қасамки, Саъд бин Муазнинг жаннатдаги рўмолчалари шу кийимдан анча чиройлироқдир” деб марҳамат қилдилар.

Расулulloҳ бир куни ўзларига ҳадя қилинган атлас қафтанни (чопон) кийиб намоз ўқидилар. Намоз тугаши билан шошилиб норози ҳолда ечиб ташладилар. **“Бу кийим, муттақийларга (Аллоҳдан кўрққанларга) ярашмайди!”** дедилар. Буни ҳазрати Умарга юбордилар. **“Ё Расулаллоҳ, уни ечишга нега шунча шошилдингиз?”** деб сўрашди. **“Жаброил буни кийишдан мени ман этди!”** дедилар. Ҳазрати Умар йиғлаган ҳолда келиб, **“Ё Расулаллоҳ! Сиз кийишни хоҳламаган кийимни менга берибсиз. Мен нима қилайин?”** деди. Пайғамбаримиз: **“Мен, уни сенга кийсин деб бермадим. Сотгин деб бердим”** дедилар. Ҳазрати Умар ўша қафтанни икки минг дирҳамга сотди.

Рум қироли пайғамбаримизга атласдан, зар ипли, узун энгли пўстин совға қилган эди. Пайғамбаримиз уни кийганларида, чиройидан халқ: **“Ё Расулаллоҳ! Бу сизга самодан туширилдими?”** дедилар. Пайғамбаримиз: **“Сизга шунчалик ёқдими? Мени бор қилган қудрат эгаси Аллоҳга қасамки, Саъд бин Муазнинг жаннатдаги рўмолчаларидан биттаси бундан яхшироқ ва чиройлироқ!”** дедилар. Сўнгра у пўстинни ҳазрати Жаъфар бин Аби Толибга бериб юбордилар. Жаъфар уни кийиб олди, пайғамбаримиз: **“Мен, уни сенга кийишга юбормадим-ку!”** дедилар. Ҳазрати Жаъфар, **“Киймасам, нима қилайин?”** деб сўради. Пайғамбаримиз: **“Нажошийга юборгин!”** деб буюрдилар.

Пайғамбаримизга, "сияро" деб номланувчи ипак матодан йўл-йўл сарик тасмали уст-ост (кўйлак-иштон) бир либос ҳадя қилинганди. Пайғамбаримиз уни ҳазрати Алига юбордилар. Ҳазрати Али кийиб олганини кўрган пайғамбаримиз юзларида ғазаб аломати сезилди. **“Мен, уни сенга кийсин деб юбормадим. Йиртиб аёллар рўмол қилсин деб юбордим”** дедилар.

Ҳазрати Али дарров уни қирқиб, Аҳли Байт хотин-қизларига тақсимлаб берди. Ҳабашистон ҳукмдори юборган совға-саломлар орасида Мисрда тикилган қалин чопон (пальто) ҳам бор эди. Пайғамбаримиз, мўйнали қора либос кийган пайтлари ҳам бўлган.

Ҳазрати Ойша, “Расулulloҳга алайҳиссалом атаб қора жун ипдан бир кийим тикилганди. Уни бироз кийиб терлаганларида

жун хидини сездилар. Дарров ечиб ташладилар. Чунки Ул зот фақат кушбўй хидларни ёқтирардилар” деган.

Пайғамбаримиз марҳамат қиладиларки: **“Шон-шуҳрат ва кўз-кўз қилиш учун кийинган одам, уни ечиб ташламагунча, Аллоҳ ундан юз ўгиради! Қиёмат кунда унга зиллат кийими кийдирилади!”**

Бурда - аслида Яманда тайёрланадиган, чизиқли, яъни йўл-йўл ихром сингари тикилмаган енгсиз, тугмасиз мато бўлиб, баданга ўраллади. Чопон ва ҳирқага (нимча) ҳам "бурда" дейилади. Саҳл бин Саъд айтади: “Бир аёл, ўзи тўқиган жияклик бир бурдани Расулуллоҳ алайҳиссаломга элтди. “Ё Расулуллоҳ! Буни ўз қўлим билан тўқидим. Сизга кийсин деб олиб келдим”- деди. Расулуллоҳга ҳам шундай кийим керак бўлганлиги учун аёлнинг ҳадясини қабул қилдилар. Шу бурдани эгниларига ўраб олдимизга чиқдилар. Жамоатдан бири бурдани қўли билан силаб “Ё Расулаллоҳ! Бу бурдадан ҳам чиройлиси бўлмаса керак. Буни менга берсангиз?” деди. Расулуллоҳ жанобимиз, **“Майли шундай бўлсин”** дедилар. Бир пас ўтиргач уйларига бориб, бурдани ҳалиги кишига бериб юбордилар. Жамоат эса, у одамга, “Яхши иш қилмадинг, биродар! Расулуллоҳдан эгниларида турган балки яккаю ягона кийимларини сўраб олдинг. Биласанки, Расулуллоҳ бирон нарса сўралганда рад қилмай берадилар. Ҳеч кимни қўли бўш қайтармайдилар” деб, уни койиди.

У киши эса: “Валлоҳи, мен буни кийишга сўрамадим. Ўлганимда кафаним бўлсин деб сўраганим” деди. Ҳақиқатан ўша бурда у одам ўлганида кафани бўлди.⁵¹⁶

Пайғамбаримиз таҳорат, ғуслда, кийим ва пойафзалларини кийишда, таранишда мумкин мартаба ўнг томондан бошлашни яхши кўрардилар. Бир нарса олмоқчи бўлсалар, ўнг қўллари билан олардилар. Бир нарса бермоқчи бўлсалар ҳам ўнг қўллари билан берар, ҳар ишни ўнгдан бошлардилар.⁵¹⁷

“Биронтангиз оёғига киймоқчи бўлса, ўнгдан бошласин. Ечадиган пайтда чап оёқдан бошласин! Пойафзал кийишда ўнг оёқ биринчи, ечишда охирги бўлсин!” деб буюрардилар.

⁵¹⁶ Ибн Можа, “Либос”, 1-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, V, 333-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 454-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, VI, 169-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 346-б.

⁵¹⁷ Бухорий, “Вуду”, 41-б.

Каъб бин Зухайрга берилган хирқа

Муҳтарам пайғамбаримиз Табукда, Айла халқига омонлик берилгани ҳақда фармон ёздирганларида, омонлик белгиси сифатида уларга бир хирқа (бурда) ҳам бергандилар.

Абул-Аббос Абдуллоҳ бин Муҳаммад ўша бурдани улардан уч юз динорга сотиб олди. Аббос ўғиллари ушбу хирқани авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирдилар.

Халифалар, байрам кунлари ўша хирқани эгниларига кийиб, кўлларига пайғамбаримизнинг ҳассаларини олиб халқ олдига чиққанларида қалблар жўш уриб, кўзлар порларди.

Машҳур араб шоирларидан Каъб бин Зухайр, авф тилаш ва мусулмон бўлиш мақсадида Расулуллоҳ хузурларига келиб, “Банат Суад” қасидасини ўқиб беради. Бу қасида байтлари орасида “Шубҳа йўқки, Расулуллоҳ, тўғри йўлни кўрсатувчи бир нур; ёмонликларни йўқотиш учун Аллоҳнинг ўткир, кескир, яланғоч қиличларидан биридир” деган байтлар ҳам бор эди. Пайғамбаримиз шунда эгниларидаги хирқаларини ечиб, Зухайрга кийдиргандилар.⁵¹⁸

Ҳазрати Муовия халифалиги замонида, Каъб бин Зухайрга “Расулуллоҳнинг хирқасини бизга сотинг” деб ўн минг дирҳам пул юборди.

Каъб бин Зухайр: “Мен Расулуллоҳнинг хирқаларини кийиш борасида ҳеч кимни ўзимдан ортиқ кўрмайман, узр” деб ҳазрати Муовиянинг хоҳишини рад қилди. Каъб бин Зухайр вафот этгач ўғилларидан ҳазрати Муовия хирқани йигирма минг дирҳамга сотиб олди. Шундай қилиб, пайғамбаримиз Каъб бин Зухайрга совға қилган бу муборак хирқа, халифадан халифага мерос бўлиб, ўтиб келди.

Умавий салтанати инкирозга учрагандан кейин илк Аббосий халифаси Абул-Аббос Саффоҳ бин Муҳаммад тарафидан уч юз динорга сотиб олинди.

Байрамларда халифалар томонидан баракатланиш мақсадида кийилди. Халифа Муқтадир ўлдирилганида хирқага қон тегиб, кирлади. Аббосийлар Мисрга кетаётганда хирқани ҳам ўзлари билан олиб борди. Усманий султони султон Салим хон, Мисрни

⁵¹⁸ Ибн Ҳишом, “ас-Сийра”, II, 514-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, III, 673-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, I, 381-б.; Сухайлий, “Равзул-унуф”, IV, 33-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 708-б.

эгаллаб, халифа бўлганида Мисрдаги “Муборак омонатлар” билан бирга ўша ҳирқа ҳам Истанбулга келтирилди.

Истанбулда Тўпқопи музейи, Ҳирқаи саодат хонасида зиёрат қилинаётган бу муборак хирқанинг бўйи: 124 сантиметр, кенг энгли қора жун матодан тикилган. Ҳирқа ичига дағал тўқилган оч рангли жун мато қопланган. Олд ўнг томонида 0,23x0,30 катталиқда бир парча қирқиб олинган. Ўнг энгида ҳам қирқилган жойлари бор. Баъзи жойлари тўзиб қолган. Ҳозир 0,57x0,45x0,21 катталиқда устанд очиладиган қопқоқли олтин қутида муҳофаза қилинмоқда. Муборак хирқанинг султон Мурад III-чи томонидан яساتилган худди шу катталиқда олтин сандиғи ҳам мавжуд. Сандиқ, санъат жиҳатидан фавқулода кўринишга эга бўлиб, алоҳида зумрадлар билан безатилган.

Пайғамбаримизнинг заъфаронга бўялган бир ёпинчиклари ҳам бўларди. Бу ёпинчиққа завжаларининг уйларида бўлган пайтларда ўраниб юрардилар.

Ҳамиса деб, тўрт бурчак, икки томони гул босилган қора рўмолга айтилади. Пайғамбаримиз касалланишларидан олдин ҳамисани жойнамоздек тўшаб, устида намоз ўқирдилар.

Ҳазрати Оишанинг хабар беришича, пайғамбаримиз бир куни ҳамиса устида намоз ўқийётганларида гули диққатларини тортади. Салом бергач, **“Шу ҳамисамни Абу Жаҳмга элтинглар. Чунки гуллари ҳозир намозимда эътиборимни тортди. Менга Одий бин Каъб уруғидан Абу Жаҳм бин Ҳузайфа бин Ғанимнинг андижонийсидан олиб келинглар!”** деб буюрдилар. Абу Жаҳм келиб, **“Ё Расулаллоҳ! Нимага совғамни қайтариб юбордингиз?”** деб сўради. Чунки ўша ҳамисани пайғамбаримизга Абу Жаҳм совға қилганди. Сарваримиз: **“Намозда гули диққатимни чалғитди”** деб жавоб бердилар. Андижон деган шаҳарда жундан гулсиз, нақшсиз қилиб тўқиладиган ёпинчиққа **андижоний** дейилган.

Пайғамбаримиз улушларига Ҳайбар ғаниматлари орасидан битта ҳамиса ҳам тушган. Эскириб қолган шу ҳамиса устида ҳам сарваримиз намоз ўқирдилар. Пайғамбаримиз охириги бетобликларида сиқилганларида шу эски ҳамиса билан тез-тез юзларини ёпиб олардилар. Ҳамиса ҳалақит берса, олиб ташлаб, юзларини очардилар.⁵¹⁹ Мадина тупроғи нам ва шўрроқ бўлгани

⁵¹⁹ Бухорий, “Салот”, 19-б.; Абу Довуд, “Салот”, 93-б.; Доримий, “Салот”, 101-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, I, 269-б.; Ибн Абий Шайба, “ал-Мусаннаф”, I, 256-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 468-б.

учун ушбу ҳамиса, пайғамбаримиз вафот этганларида қабри ичига тўшалганди.

Бани Дар ҳайъати таркибида ҳижратнинг тўққизинчи йили Мадинага келган Ханний бин Ҳабиб, жанобимизга зарбоф бир либос совға қилди. Пайғамбаримиз бу либосни амакилари ҳазрати Аббоснинг уйига чиқардилар. Ҳазрати Аббос “Буни нима қилайин?” деб сўради. Пайғамбаримиз, **“Зар-олтинларини сўкиб завжангизга зийнат қилинг ёхуд ҳожатига ишлатинг. Атласини сотиб, пулини олинг”** деб жавоб бердилар. Ҳазрати Аббос ўша либосни битта яҳудийга саккиз минг дирҳамга сотди.

Анас бин Молик: “Қирол Зиязан, ўттиз уч дона кекса урғочи туя эвазига сотиб олган ҳулла номли кийимни Расул алайҳиссаломга тортиқ қилиб жўнатган, сарваримиз қабул қилгандилар.”- деган. Исҳоқ бин Абдуллоҳ бин Хорис эса, “Расулulloҳ жанобимиз, йигирма тўққизта ёш туя бериб, сотиб олган бир ҳуллани ҳукмдор Зиязанга ҳадя қилгандилар.”- деган.

Ҳулла деб, Яман газламаси ёки бошқа матодан устки ридо ва пастки изордан, яъни кўйлак-иштондан иборат икки бўлак кийимга айтилади. Яхлит бир кийимга ҳулла дейилмайди.

Нажоший юборган олтин узук

Ҳабаш нажошийси (ҳукмдори) Асҳаманинг пайғамбаримизга юборган ҳадялари орасида кўзи Ҳабаш тошидан ясалган бир олтин узук ҳам бор эди. Пайғамбаримиз, Абул Оснинг қиз невараси (қизининг қизи) Умомани чақириб, **“Эй қизим! Ма, мана бу узукни сен тақиб олгин!”** деб марҳамат қилдилар.⁵²⁰

Эркакларга фақат кумуш узук тақиш ҳалол бўлиб, олтин, темир ва жез (мис ва қалай аралашмасидан бўлган қотишма) узуклар тақиш ҳаром эканлигини пайғамбаримиз билдиргандилар. Ўзлари ҳам вафотларигача фақат кумуш узук тақдилар. Расулulloҳ узукни ўнг қўлларига тақардилар. Чап қўлларига таққан пайтлари ҳам бўлган. Узукни ўнг қўлга ҳам, чап қўлга ҳам тақиш жоиз. Кўпроқ синчалоққа (кичик бармоққа) ёки ёнидаги бармоққа тақилади. Байрамларда ҳамманинг узук тақиши мустаҳабдир. Кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун тақиш ҳаромдир.

⁵²⁰ Абу Довуд, “Ҳотим”, 8-б.; Ибни Можжа, “Либас”, 40-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, VI, 119-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 407-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 121-б.

Бир куни Нумон бин Башир Расулulloҳнинг ҳузурларига келди. Бармоғида олтин узуги бор эди. Расулulloҳ: **“Жаннатга кирмасингдан олдин нега жаннат зийнатини ишлатяпсан?”** деб сўрадилар. Башир темир узук така бошлади. Буни кўрган Расулulloҳ жанобимиз: **“Нега жаҳаннам ашёсини кўтариб юрибсан?”** дедилар. Нумон бин Башир темир узугини ечиб, бронза узук тақишни бошлади. Буни кўрган Расули ақрам: **“Нимагадир сендан бутнинг ҳиди келаяпти?”** дедилар. Шунда Башир, “Қанақа узук такайин, ё Расулalloҳ!” деди. **“Кумуш узук тақишинг мумкин. Оғирлиги бир мисқолдан (4,8 гр.) ошмасин ва ўнг кўлингга таққин”** деб марҳамат қилдилар. Амр ибни Шуайб айтди: Расулulloҳ мусулмонлардан олтин ва темир узук таққанларни ечтириб ташлар, кумуш узук таққанларга ҳеч нима демасдилар.

Пайғамбаримиз Ажам (Эрон) шоҳи, Рум қайсарига ва Ҳабаш нажошийсига мактуб ёздирмоқчи бўлганларида “Ё Расулalloҳ! Улар муҳрланмаган хатларни ўқимайдилар”, - дейилди.

Шунда пайғамбаримиз кумушдан бир узук олиб, кўзига “Муҳаммадун Расулulloҳ” деган ёзув уч қатор қилиб нақш этилди. Муҳр узуги кўзида пастдан юқорига қараб учинчи сатри “Муҳаммад”, иккинчи сатри “Расул”, биринчи сатри “Аллоҳ” деб ўқиларди. Кўзига қўйилган тош, Ҳабаш тоши эди.⁵²¹ Шу кумуш узук кўзининг кумушдан бўлганлиги ҳам ривоят қилинган.

Бир куни Амр бин Саид пайғамбаримиз ҳузурларига келганида, бармоғидаги узугини кўриб, **“Кўлингдаги қанақа узук ўзи?”** деб сўрадилар. Амр бин Саид: “Ё Расулalloҳ! Бу шунчаки бир халқа, ўзим ясадим” деди. Пайғамбаримиз, “Нақши нимадан?” деб сўрадилар. Амр бин Саид: “Муҳаммад-ур-Расулulloҳ” ёзилган деди. Пайғамбаримиз: **“Қани бир кўрайин”** деб марҳамат қилдилар. Ўша узукни Расулulloҳ олиб, шахсий муҳрлари сифатида ишлата бошладилар. Бошқаларга ўз узукларига “Муҳаммад-ур-Расулulloҳ” деб нақш қилишни ман қилдилар.⁵²²

Пайғамбаримиз узугининг кўз тарафини ҳовуч ичига қаратиб тақардилар. Хожатхонага кирганларида одатда узугини ечиб қўярдилар. Сарваримизнинг ўша муҳр узукларини вафотларидан

⁵²¹ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 471, 473-б.; Термизий, “*Шамоили шариф*”, 123-б.; Суютий, “*Асоф-ун Набий*”, 74-б.

⁵²² Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 474-б.

кейин хазрати Абу Бакр, ундан сўнгра хазрати Умар, кейин Усмон ҳам тақдилар.

Хазрати Усмон халифалигида бир куни Арис қудуғи бошида узукни ечиб, айлантириб ўтирганида қудуққа тушиб кетади. Оқибатда қудуқнинг суви тамоман тортиб чиқарилади. Уч кунлик ури-нишларга қарамай топилмайди. Қудуқ ичида йўқолиб кетади.⁵²³

Тўшаклари

Пайгамбаримиз ухлайдиган тўшакларининг усти теридан бўлиб, ичи хурмо толалари (қипиқлари) билан тўлғазилган эди. Ёстиқлари ҳам худди шундай эди.

Хазрати Ойша волидамиз ҳикоя қилганлар: “Ёнимга Ансор қабилсидан бир аёл келди. Расулulloҳнинг тўшакларини кўрди. Уйига бориб, бизга ичига жун солинган тўшак юборди. Янги тўшакни кўрган Расул алайҳиссалом, **“Бу нима?”** дея сўрадилар. “Ё Расулаллоҳ! Уни Ансордан фалончи хоним сизга юборибди” дедим. **“Уни тез ўзига қайтариб юбор!”** деб буюрдилар. Лекин мен юборгим келмади. Тўшак жуда ёққанди. Расул алайҳиссалом, ўша гапларини уч марта такрорладилар. Энг охирида, **“Валлохи, эй Ойша! Хоҳласам, Аллоҳ олтин ва қумуш тоғларни олдимда юргизиб қўйган бўларди!”** дедилар.⁵²⁴

Пайгамбар алайҳиссаломнинг кўрпачалари ҳам иккита абодан (енгсиз босма чакмон) иборат эди. Бир кун шу аболарни қатлаб, бироз кичрайтирдим. Расул алайҳиссалом келиб, ўша кўрпачага ётиб ухладилар. Кейин, **“Эй Ойша! Бу кеча ётган кўрпача нега хар доимгидек эмас?”** дея сўрадилар. “Ё Расулаллоҳ! Уни сиз учун қатлаб кичрайтиргандим” дедим. “Сен уни ўзининг эски ҳолига келтир!” деб буюрдилар”.⁵²⁵

Хазрати Ойша айтадилар: “Маққадаги қурайшийлар чорпоя устида (каравотда) ухлашни ёқтирарди. Расул алайҳиссалом Мадинага келиб, Абу Айюбнинг уйига қўнганларида ундан **“Эй Або Айюб! Сизда чорпоя йўқми?”** деб сўрадилар. Абу Айюб “Йўқ” деди.

Ансордан Саъд бин Зурора бундан хабар топиб, Расулulloҳга

⁵²³ Бухорий, “Либас”, 50-б.; Насоий, “Зийнат”, 82-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, II, 22-б.; Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 476-477-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 239-б.; Ҳайсамий, “Маҷмоуз-Завоид”, V, 184-б.; Суяутий, “Авософ-ун Набий”, 75-б.

⁵²⁴ Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 465-б.

ёғочдан ясалган, усти зиғир толасидан тўқилган ёпинғич билан қопланган бир каравот юборди. Расулulloҳ, ўз уйларига кўчгунча шунинг устида ухлагандилар. Кейин ҳам то вафотларигача шундан фойдаландилар. Расулulloҳ алайҳиссалом ювилиб кафанланганларида яна ўша каравот устига қўйилиб, жаноза намози ўқилганди. Халқ майитларини қабристонга олиб боришда уни биздан сўраб олиб, баракатланарди. Абу Бакр, Умар ҳам ўша чорпояда қабристонга олиб борилди.”

Ҳазрати Ойша волидамиз айтганларки: “Расул алайҳиссаломнинг бир шолчалари бўлиб, унда кечалари намоз ўқирдилар, кундузлари ерга тўшаб, устида одамлар билан ўтирардилар”.526

Абдуллоҳ бин Масъуд айтади: “Расулulloҳ бир шолча устида ётиб ухлаганларида муборак ёнбошларига шолчанинг изи тушиб қолганди. Уйғонгач, ёнбошларини уқаладим. “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулalloҳ! Кошки бизга айтсангиз эди, шолча устига бирон нарса тўшаб берардик” дедим. Пайғамбаримиз (саллalloҳу алайҳи васаллам) “Дунёлик нарсалар менинг нимамага керак? Менинг дунё билан алоқам бир дарахт соясида бироз дамолгач йўлига равона бўлган суворийга ўхшайди” деб марҳамат қилдилар.”

Ҳассалари

Пайғамбаримиз жума кунлари хутба ўқиётганларида ҳассага ёки бир ёйга (камон-камалак) таянардилар. Сафарда ёйга суяниб юардилар.

Асога суяниш пайғамбарларнинг одат-ахлоқидан эканлигини айтар, ўзлари ҳассага суянардилар ва ҳасса ишлатишни тавсия қилардилар.

Муовия бин Абу Суфён халифалиги пайтида пайғамбаримизнинг ҳассалари Саъдул Қаразда эди.

Муовия бин Аби Суфён, ҳижратнинг эллагинчи йили ҳажга борган эди. Масжиди Набавийдаги минбарни Шомга кўчирмоқчи бўлди. Саъдул Қаразда бўлган муборак асони ҳам сўраттирди. Ўшанда Жобир бин Абдуллоҳ билан Абу Ҳурайра халифанинг олдига бориб, “Эй, мўминлар амири! Расул алайҳиссалом минбарини турган жойидан кўчириш ҳам, асоларини Шомга олиб кетиш ҳам тўғри бўлмайди!” дедилар.

525 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 465-б.*

526 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 468-б.*

Шу насихатдан кейин ҳазрати Муовия райидан қайтиб, улардан узр сўради.

Бир куни пайғамбаримиз, Абдуллоҳ бин Унайсни масжиддан уйларига бошлаб бордилар. Унга бир ҳасса бериб, “Бу асони ёнингда сақла, эй Абдуллоҳ бин Унайсе!” деб тайинладилар.

Абдуллоҳ бин Унайс, ўша ҳассани олиб омма олдига чиққанида, “Қўлингдаги қандай асо?” деб сўрашдилар. У, “Буни менга Расул алайҳиссалом бердилар ва ёнимда сақлашимни буюрдилар” деди. Одамлар эса, Абдуллоҳ бин Унайсга, “Расул алайҳиссаломнинг ёнига борганинда, буни сенга нима учун берганларини сўраб билсанг!” дейишди. Шунинг учун Абдуллоҳ бин Унайс, пайғамбаримизнинг ёнларига қайтиб борди ва Ул зотдан, “Ё Расулаллоҳ! Бу асони менга нима учун бердингиз?” деб сўради. Пайғамбаримиз: **“Бу қиёмат куни орамизда бир белги бўлади. У пайтда ҳассага суянган кишилар жуда оз бўлади! Сен жаннатда бунга суянасан!”**- дея марҳамат қилдилар.

Шундан кейин Абдуллоҳ бин Унайс, ўша ҳассани қиличи билан бирга олиб юрадиган бўлиб, асло кўлидан ташламади. Ажали яқинлашиб, тўшак тортиб ётиб қолганида, оиласига уни кафани ичига кўйиб бирга кўмишларини васият қилди. Вафот этганида жасади билан кафани орасига ҳасса қўйилиб, васияти амалга оширилди.

Ёнларида олиб юрадиган нарсалари

Жаноби пайғамбаримизнинг бир аршин узунлигида, ёхуд сал узунроқ меҳжонлари (учи эгри таёқлари) бўларди.

Пайғамбаримиз, у билан Ҳожаруласвадга ужоқдан ишорат қилиб, салом берардилар. Туяга минганларида уни олдига осиб олардилар. Сарваримизнинг Уржун деб аталувчи миҳсарралари (ҳассасимон таёқ) ҳам бор эди. Боки-ул-ғарқадга бораётганларида уни бирга олиб олар ва унга суянарнардилар, ўтирганларида уни кўлларида айлантириб ўтирардилар. Шу миҳсаррани ушлаган ҳолда хутба ўқиган пайтлари ҳам бўлган.

Пағамбаримизнинг тоғ дарахтларидан кесиб ясалган мамшук деб аталувчи кадиблари (халачўп сингари таёқчаси) ҳам бўларди.

Ҳазрати Усмон, бир куни пайғамбаримизнинг ўша кадибларини кўлига олиб, минбарда хутба ўқиётганида Жаҳжаҳ бин Саид (ёки

Жаҳжаҳ бин Қайс деган) одам ҳазрати Усмоннинг қўлидан кадибни тортиб олиб, ўртасидан тиззасига бир уриб синдиради. Жамоат Жаҳжаҳга норози оҳангда бақиради. Ҳазрати Усмон минбардан тушиб индамай уйига кетади. Шу нохуш воқеадан кейин Аллоху таоло Жаҳжаҳнинг қўли ва тиззасига қичима касаллиги берди. Ҳазрати Усмон шаҳид қилинганч бир йил ҳам ўтмай бетавфик Жаҳжаҳ қичимадан қашиниб ўлди.

Ҳазрати Ойша айтадилар: “Ғазавотга кетишларидан олдин ҳар доим Расулуллоҳнинг хуржинларига гулёғи, тароқ, ойна, иккита қайчи, сурмадон ва мисвок солиб, шайлаб кўярдим”. Яна Ойша волидамиз: “Сафарда ва ҳазарда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) етгита нарсани (1- Гулёғи шишаси. 2- Тароқ. 3-Ойна. 4- Сурмадон. 5- Мисвок. 6- Икки қайчи. 7- Соч ойини очувчи суяк) ёнларидан айирмасди”.- деганлар.⁵²⁷

Қилич ва найзалари

Пайғамбаримизнинг тўққизта қиличи бор эди. Улардан баъзилари:

Маъсур: оталаридан қолган қилич эди. Бу қилич, Мадинага хижрат қилганларида ёнларида эди.⁵²⁸

Абд: Ушбу қилични пайғамбаримизга Саъд бин Убода ҳадя қилган бўлиб, Бадр ғазосига отланганларида ёнларида эди.

Зулфиқор: Бу қилич Қурайш мушрикларидан Мунаббих бин Ҳажжож ёки Ос бин Мунаббихники бўлиб, Бадр жангида ғанимат олинганди. Орқа юзида бир нечта кемтиклари бўлганлиги боис унга зулфиқор дейилган эди. Пайғамбаримиз зулфиқорни ҳазрати Алига ҳадя қилгандилар. Сопининг бош қисми, боғич ҳалқалари ва занжири кумушдан эди.⁵²⁹

Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин ҳазрати Аббос, Абу Бакрга мурожаат қилиб, зулфиқорни ҳазрати Алидан олиб беришини илтимос қилди. Ҳазрати Абу Бакр эса, “Мен у қилични ҳамиша Алининг қўлида кўрдим. Ундан у қилични олиб кўйишни хуш кўрмайман!” деб жавоб бердилар. Ҳазрати Аббос истагидан воз кечиб, қилични ҳазрати Алида қолдирди.

⁵²⁷ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 484-б.*

⁵²⁸ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 484-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 135-б.; Қассталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 245-б.*

⁵²⁹ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 484-б.; Қассталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 245-б.; Суютий, “Авософ-ун Набий”, 76-б.*

Расулulloҳ жанобимизнинг бир неча найзалари ҳам бор эди. Улардан учтаси пайғамбаримизга Баний Қайнуқа яҳудийларидан ғанимат тушганди. Бирининг исми **мусвий**, иккинчиси **мусно** эди.

Пайғамбаримизнинг **байзо** деган катта бир ҳарбалари (найзадан каттароқ ва узунроқ қурол-санчқи) ва **аназа** деган найзадан қисқароқ ҳарбалари ҳам бўларди. **Набъа** деб ҳам юритиладиган ушбу ҳарбани Ҳабаш нажошийси (хукмдори), Зубайр бин Аввомга берганди. Пайғамбаримиз уни Ҳайбар ғазосидан қайтаётганларида Зубайр бин Аввомдан олгандилар.

Ҳабаш нажошийси Асҳама Расулulloҳга учта аназа (найза) юборганди. Пайғамбаримиз биттасини ўзларига олиб, қолганларини ҳазрати Али билан ҳазрати Умарга бергандилар.

Билол Ҳабаший, ўша найзани Рамазон ва Қурбон байрамларида пайғамбаримизнинг олдларида юриб, намозгоҳгача кўтариб борар, у ерга етгач пайғамбаримизнинг олдларида ерга қадаб кўярди. Расулulloҳ ўша найза томонга ўгирилиб, намоз ўқитардилар.

Вафотларидан кейин Билол Ҳабаший, шу найзани ҳайитларда Абу Бакрнинг олдида кўтариб бориб, намозгоҳда рўпарасига қадаб кўядиган бўлди. Ҳазрати Абу Бакрдан кейин ҳазрати Умар ва ҳазрати Усмон хилофатлари даврида ушбу вазифа, муаззин Саъд-ул-Қараз томонидан юритилди. Мадина волийлари (ҳокимлари) замонларида ҳам ўша анъана шу ҳолича давом эттирилди.

Ёй-қалқон ва совутлари

Пайғамбаримизнинг олтита ёйи бор эди. Улардан **равҳо**, **байзо**, **шафро** деган учтаси Баний Қайнуқа яҳудийларидан ғанимат олинганди. Шафро номли камон наб деган дарахт шохидан йўниб ясалган эди.⁵³⁰ **Катум** деган ёйлари ҳам наб дарахтидан йўнилган бўлиб, Ухуд жангида синганди. Уни синиқ ҳолида Қатога бин Нуъмон хотира сифатида олиб сақлади. Ундан ташқари **садад**, **завро** деб аталувчи ёйлари ҳам бўлган.⁵³¹

Пайғамбаримизнинг учта қалқони бор эди.

Залук - устида кўчқор қалласи нақш қилинган ушбу қалқон пайғамбаримизга совға тариқасида келди. Лекин Расулulloҳ, расмли бўлишидан уни ёқтирмаган эдилар. Эртасига тонгда Аллоҳу

⁵³⁰ Ибн Саъд, “ат-Табакот”, I, 489-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 246-б.

⁵³¹ Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 246-б.

таоло қудрати билан қалқондан ўша нақшни йўқотганди.⁵³²

Пайғамбаримизнинг етти дона совутлари бўлган. Улардан зотулфудул деганини Бадр уруши олдида пайғамбаримизга Саъд бин Убода тортиқ қилганди.⁵³³

Сағдийя ва **фидда** номли иккита совут эса, Баний Қайнука яҳудийларидан ғанимат қилиб олган куруллари орасида эди. Уҳуд жангида пайғамбаримиз **фудул** ва **фидда** совутларини устма-уст кийгандилар.⁵³⁴

Совутларини кўкраги ва орқасида биттадан кумуш ҳалқа бўларди. **Сағдия** дегани, ҳазрати Довуднинг (алайҳиссалом) Жалут билан тўқнашганда кийган тарихий совути эди.

Расулulloҳнинг дубулғаларидан бири **мувашишох** бўлиб, у ҳам Баний Қайнука яҳудийларидан ғанимат олинган эди.

Зус-субуғ номли дубулғани Сарваримиз Уҳуд ғазовотида бошларига кийган бўлиб, жангда ҳалқаларидан иккитаси синиб, Расулulloҳнинг муборак ёноқларига қадалиб кириб қолганди. Пайғамбаримиз Маккани фатҳ этгани кириб бораётганларида ҳам бошларида дубулға бор эди.

Байроқлари

Пайғамбар жанобимизнинг давлат раҳбари сифати қора рангли бир давлат байроғи, ҳарбий қўмондон сифатида оқ рангли бир санжоқлари бўлиб, аксарият шу икки байроқдан фойдаланганлар. Байроқлари асосан ҳазрати Алининг ҳимоясида бўларди. Хайбар урушида пайғамбаримиз **“Байроқни шундай бир йигитга бераманки, У Аллоҳ ва Расулини севади, Аллоҳ ва Расули ҳам уни севадилар!”**- деб марҳамат қилиб, ҳазрати Алини чақириб, байроқни унга берган эдилар.⁵³⁵

Аллоҳу таоло, ушбу байроқ остида Хайбар фатҳини ҳазрати Алига насиб қилди. Байроқ олиб юрувчиларга “аламдор” ёки “байрақдор” дейиларди.

Пайғамбаримизнинг ҳарбий байроқлари (санжоқ) устида **“Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулulloҳ”** деб ёзиб қўйилганди.

⁵³² *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 489-б.*

⁵³³ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 487-б.*

⁵³⁴ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 487-б.; Термизий, “Шамоили шариф”, 138-б.; Суютий, “Асоф-ун Набий”.*

⁵³⁵ *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, II, 80-б.; Ибн Касийр, “ас-Сийра”, III, 354-б.*

Ҳаррар юришида Саъд бин Аби Ваққосга оқ байроқ боғлаб бергандилар.

Ҳазрати Алини Яманга юбораётганларида найзаси учига бир саллани ечиб, боғлаб, “**Санжок (ҳарбий байроқ) мана шундай бўлади!**” деб марҳамат қилган эдилар. Ҳарбий байроқни фақат қўшин қўмондони қўлига олар ва шахсан ўзи кўтариб юарди.

Абво, Ваддон жангларида пайғамбаримизнинг оқ рангли ҳарбий санжоқларини ҳазрати Ҳамза; Буват жангида Саъд бин Аби Ваққос, Курз бин Жобирул-Фихрий ва ҳазрати Али; Зул-усайра жангида ҳазрати Ҳамза олиб юришганди.

Пайғамбаримиз Бадр ғазосига чиқаётганларида оқ байроқни Мусъаб бин Умайрга бергандилар, ҳазрати Али эса, ўшанда пайғамбаримиз олдларида қора байроқлари - **Уқобни** кўтариб юрганди.⁵³⁶

Пайғамбаримизнинг оқ байроқларига байрақдорлик қилганлар: Баний Қайнуқа жангида ҳазрати Ҳамза; Қарқаратул-қудр, Уҳуд ва Бадрул-мавъид ғазоларида ҳазрати Али; Ҳандақ жангида Зайд бин Хориса эди.

Пайғамбаримиз Маккани ҳам оқ байроқлари билан кириб бориб фатҳ қилганлар.

Табук юришида энг катта ҳарбий байроқни ҳазрати Абу Бакрга ва энг катта давлат байроғини Зубайр бин Аввомга бериб, байроқдор қилгандилар.

Тулпорлари

Сакб: Пайғамбаримиз Мадинага келганларида Баний Фазора уруғи мансуби бир бадавийдан ўн уқия кумушга сотиб олган, чўл халқи “Дорис”, пайғамбаримиз эса, “**Сакб**” деб номлаган илк отларидир. Расулulloҳ Уҳуд жангида ўша отга мингандилар.⁵³⁷ Сакбнинг лунжида оқ нишони бор эди. Учта оёғида олалари бор бўлиб, ўнг оёғида оласи йўқ эди. Сакб, жуда югурик бўлиб, йўрғалаб кетаётганда мисли сувдек оқарди.

Муртажиз номли тулпорни пайғамбаримиз Баний Мурралардан бўлган бир бадавийдан сотиб олгандилар. Муртажизнинг

536 Табароний, “*ал-Муъжамул-кабир*”, I, 105, 120-б.; Ибн Касийр, “*ас-Сийра*”, II, 388-б.

537 Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 489-б.

кишнаши жуда чиройли бўлиб, оҳангли ва гўё шеър ўқиётгандек эшитиларди.⁵³⁸

Лизаз номли отни пайғамбаримизга Искандария кироли Муқавқис тортиқ қилган эди. Лизаз жуда тез чопарди.⁵³⁹

Зариб исмли отни пайғамбаримизга Фарва бин Умайр-ул-Жузамий ҳадя қилганди. Зариб жуда бақувват ва чидамли от эди.

Лоҳиф (ёки Луҳайф): ушбу от пайғамбаримизга Рабаи бин Аби Баро-ул-Калбий томонидан совға қилинган эди. Лоҳифнинг думи жуда узун бўлиб, ер супириб юрарди.

Яъсуб деган тулпорлари, барча отлари орасида энг яхшиси эди.

Мурових, мусобақаларда қатнашадиган от бўлиб, уни пайғамбаримизга Убайд бин Ясир, Табукда ҳадя тортиқ қилган эди. Мурових шамолдай тез чопарди.

Мирвоҳ: Ҳижратнинг ўнинчи йили Мадинага келган Баний Раҳо уруғи вакиллари пайғамбаримизга мирвоҳни ҳадя тариқасида олиб келганди. Мирвоҳни пайғамбаримиз олдиларда миниб юргизиб кўрсатганларида беҳад ёқтирган эдилар.

Вард: бу отни пайғамбаримизга, Тамим Дорий совға қилган эди. Вард кўнғир рангли бўлиб, муҳтарам пайғамбаримиз, уни ҳазрати Умарга тортиқ қилиб, бериб юборгандилар. Ҳазрати Умар Вардни миниб Аллоҳ йўлида кўп жангларга қатнашди. Пайғамбаримиз, тулпорларидан учтасини мусобақага солардилар. Зарибга Саҳл бин Саъд, Лизазга Абу Усайд-ус-Саидий минарди. Маррага энг олдин Лизаз, ортидан Зариб, ундан кейин Сакб етиб келарди.

Расулуллоҳнинг эшак ва ҳачирлари ҳам бўларди. Искандария кироли Муқавқис, пайғамбаримизга юборган совға-саломлари орасида оқиш кулранг эшак билан оқ ҳачир ҳам жўнатганди. Ҳачирни “Дул-дул”, эшакни эса, “Ёфур” ёки “Уфайр” деб аташарди. Ислому тарихида биринчи марта кузатилган оқ рангли ҳачир, шу Дулдул бўлган. Пайғамбаримиз Хайбар жангида шу оқ ҳачирга, Хунайн жангида наригиссига минган эдилар.

Пайғамбаримиз, Видо ҳажидан қайтган пайтларида Ёфур ўлди, Дулдул эса, пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин ҳазрати Алига қолади. Шаҳид бўлган кунигача аввал ҳазрати Али, кейин ўғиллари ҳазрати Ҳасан ва ҳазрати Ҳусайнлар минибди. Кейинроқ ҳазрати Муҳаммад бин Ҳанафийя ҳам унга минди. Дулдул, ҳазрати Муовия давригача яшади.

538 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 490-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 247-б.*

539 *Ибн Саъд, “ат-Табақот”, I, 490-б.; Қасталоний, “Мавоҳиби ладуннийя”, 247-б.*

Туялари

Қусва: Пайғамбаримизнинг Жадъа ва Адба деган номлар билан ҳам аталган машхур туяларидир. У Баний Қушайр бин Каъб бин Амир ёки Хурайш бин Каъб қабиласиники бўлиб, ҳазрати Абу Бакр уни тўрт юз дирҳамга сотиб олиб, ўша нархда пайғамбаримизга сотганди. Совға қилинганлиги ҳам ривоят қилинган.

Пайғамбаримиз, Мадинага Қусвага миниб ҳижрат қилдилар. Худайбия умрасига ҳам ўша туяларида бордилар. Маккани ҳам уни минган ҳолда фатҳ этдилар. Пайғамбаримиз, Қусвани мусобақага солардилар. Бироқ биронта туя ундан ўза олмасди.

Пайғамбаримиз, Видо ҳажиди Арафат хутбасини Қусва устида ўтириб ирод қилгандилар. Қусва, ҳазрати Абу Бакр халифалиги даврида Боқий қабристонига қўйиб юборилди. Ўша ерда ўзи ўтлаб юриб ўз холида ўлди.⁵⁴⁰

Абу Жаҳлдан ғанимат олинган туя: Бадр жангида бош кўмондон ҳақи ҳисобида пайғамбаримиз ҳиссаларига тушган Абу Жаҳлнинг машхур туяси эди.

Пайғамбаримиз, Худайбия умрасигача ушбу туяга миниб ғазавотларга чиқдилар. Умра пайтида бу туяга қурбонлик белгиси қўйилди. Бу туяни мушриклар юзта туяга алмаштирмоқчи бўлишганди, лекин пайғамбаримиз: **“Агар қурбон қилишга атаб қўйилмаганда, хоҳишингизни бажо келтирган бўлардим”** деб жавоб бердилар.

Соғим туялар: Пайғамбаримизнинг зулжадр ва жамма деган ўтлоқларида ёйилиб юрадиган **Ханна, Самра, Урайс, Саъдийя, Бегум, Ясира, Дабба** номли еттита соғим туялари бор эди. Пайғамбаримизнинг оилалари, ўша туялардан ҳар куни соғилган икки меш сут билан кун кечиришарди.⁵⁴¹ Расулulloҳнинг вафотларига яқин улардан ҳеч бири қолмаган эди.

Хона-и саодатлари (Уйлари)

Пайғамбаримиз Мадинада масжид қурилишини бошлаган пайтларида масжидга девордош қилиб ўзларига кесакдан икки

⁵⁴⁰ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 492-493-б.

⁵⁴¹ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 494-б.

хоналик уй ҳам курдириб, устини хурмо ходаси ва шохлари билан ёптиргандилар.

Ҳазрати Ойша онамизга атаб қурилган хона эшиги, масжидга бориладиган йўлга қараган эди. Ҳазрати Савда онамиз учун қурилган хона эшиги эса, масжиднинг учинчи эшиги бўлмиш Ол-и Усмон дарвозасига қараган эди.

Пайғамбаримиз, кейинроқ яна завжалар олгач, хона сони ортди ва улар ҳазрати Ойша хонасининг қибла томонига, яъни масжиднинг шарқ томонига қурилди. Хоналарнинг баъзилари кесақдан, баъзилари тошдан эди. Айримларининг томи хурмо шохларидан (Бағдод тарзида) ўрилиб, усти лой билан сувалганди. Ичидан шифтлари хурмо япроқлари билан қопланган эди.

Имоми Бухорийнинг дарак беришича, “Расулуллоҳ уйлари эшиги ҳалқасиз бўлиб, уни ёй учи билан тақиллатишарди.”

Муҳаммад бин Ҳилол ва Ота-ул Хуросонийлар ҳам, пайғамбаримиз завжалари уйларини кўрганлардандир. Уларнинг айтишича уй эшиклари хурмо чивикларидан ясалиб, усти қора қилдан тўқилган қалин мато билан қопланган эди.

Ҳазрати Савда онамиз, ўз хонасини ҳазрати Ойша онамизга васият қилганди. Ҳазрати Софийя онамизнинг хоналарини эса, вафот қилгунча яшаб туриш шарти билан яқинлари, бир юз саксон ёки икки юз минг дирхамга Муовия бин Аби Суфёнга сотганди.

Халифа Абдулмаликнинг, пайғамбаримиз завжаларига тегишли хоналарни истимлок (сотиб олиниб) қилиб, масжидга қўшиб олиниши ҳақидаги фармони Мадинада ўқиб эшиттирилган кун, халқ кўз ёшларини тўхтата олмади. Мадиналиклар худди пайғамбаримиз вафот этган кунидегидек йиғлашганди.⁵⁴²

Саид бин Мусайяб, “Худо ҳақи, у уйларни шу ҳолича қолдиришларини қанчалик орзу қилгандим. Шунда Мадинанинг кейинги авлодлари ва четдан келганлар, Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) қандай шароитда ҳаёт кечирганларини, нималар билан қаноат қилганларини кўриб, мол-мулк йиғишга ва у билан фахрланишга берилмаган бўлардилар” деб, бу борада ҳузнини изҳор қилган.

542 Ибн Сабъ, “ат-Табақот”, I, 499-б.

Вақф қилган мулклари

Ислом тарихида дастлабки вақф, Ухудда шаҳид бўлган яхудий олими ва бойларидан Мухайриқнинг пайғамбаримизга васият қилган ва пайғамбаримиз уни қабул олиб, вақф қилган: Мисаб, Сафия, Далол, Хусна, Бурка, Аъвоф, Машраба деб номланувчи етти дона боғ ва экинзор эди.⁵⁴³ Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинадаги вақфлари асосан Мухайриқ моллари эди.

Ибни Ҳумаид айтади: “Халифа Умар бин Абдулазиз, Мухайриқнинг вақф хурмозоридан хурмо келтиришларини буюрди. Бир товоқ хурмо келтирдилар. Умар бин Абдулазиз, “Абу Бақр бин Ҳазм менга “бу хурмо Расул алайҳиссаломнинг давридан қолган хурмо дарахтидан ва Расул алайҳиссалом, бундан еганлар” деб хабар берганди” деди. Шунда “Эй мўминларнинг амири! Уни ҳаммамизга бўлиштиринг”- дедим. У, ҳар биримизга тўққизтадан хурмо тегадигандай қилиб бўлиштирди.

Умар бин Абдулазиз, “Мен Мадина волиийи эканлигимда ўша хурмозорга бориб, мевасидан егандим ва умримда ундай ширин хурмо емагандим” деди.”

Амр бин Муҳожир айтади: “Расул алайҳиссаломдан қолган нарсалар, Умар бин Абдулазизнинг қўлида бир хонада мухофаза қилинарди, ўзи ҳар куни шу хонага кириб уларга қарарди. Қурайшийлардан халифа ҳузурига келганларни ҳам хонага киргизарди ва ҳалиги нарсаларга қараб, “Мана, Аллоҳ сизни шарафёб қилган Зотнинг мероси шулар!” дерди. Улар қуйидагилардан иборат эди:

Бир дона хурмо япроқларидан ўрилган Сарир (каравот); битта тери қопланган, ичи хурмо толасига тўлдирилган ёстик; бир дона йирик сопол коса; бир дона сув қадаҳи, бир дона либос; биртта қўл тегиримони; бир ўқдон; битта бахмал кўрпа.

Шу кўрпага Расулulloҳнинг бош ва бўйин терлари синган бўлиб, кўрпадан мушк ҳидидан ҳам ёқимлироқ хид тарқаб турарди.

Умар бин Абдулазиз, бетоб бўлганида шу кўрпани сувга ботириб, сувига чўмилиб ё ювиниб, шифо топарди.

⁵⁴³ Ибн Саъд, “*ат-Табақот*”, I, 503-б.

ИСЛОМ ДИНИ

Аллоху таоло Жаброил номли фаришта орқали севгили пайгамбари Муҳаммад алайҳиссаломга юборган, инсонларнинг дунё ва охиратда роҳат-фароғатда, масъуд-бахтиёр бўлишларини таъминловчи қоидалардир. Барча фазилат, фойдали нарсалар Исломият ичидадир. Исломгача бўлган эски динларнинг зоҳирий-ботиний барча ижобий томонларини Исломият ўзида жамлаган. Бутун саодатлару муваффақиятлар ундадир. Ислом дини адашмайдиган, соғлом ва салим ақллар қабул қиладиган асос ва ахлоқлардан иборатдир.

Яратилишдан пок, насл-насаби яхши инсонлар ушбу динни рад қилмайди ва ундан нафратланмайди. Чунки Исломнинг таркибида заррачазарарлинарсайўк, ташқарисида заррачаманфаатйўк, бўлиши ҳам мумкин эмас. Исломдан ташқарида бирон манфаат умид қилиш, худди саробдан сув кутишга ўхшайди. Ислом, мамлакатларни обод қилишни, халқ турмушини фаровонлаштиришни буюриб, Аллоху таолонинг амрларига ҳурмат, махлуқотга раҳм-шафқат кўрсатишни талаб қилади.

Ислом зироат (деҳқончилик), тижорат (савдо) ва санъат (хунар-касб) билан шуғулланишни қатъиян амр қилади. Илм-фан, техника, ишлаб чиқаришга катта аҳамият беради. Одамларни ўзаро ёрдамлашишга, бир-бирига хизмат қилишга, меҳр-оқибатли бўлишга чакиради. Қўл остидаги инсонлар, оила, фарзанд ва миллатнинг ҳақ-хуқуқлари билан идорасини ўргатади. Тириклар, ўтиб кетганлар, келажакда туғиладиганларга тегишли ҳақлар бериб, барчаси олдида инсонга масъулият юклайди.

Исломият, жамиятнинг маънавий ва моддий камолотини энг мукамал кўринишда таъминловчи қоидалар таъсис қилган. Инсон ҳақ ва вазифаларини кенг равишда тақсимлаган. Ислом дини, иймон, ибодат, мунокаҳот (оила ришталари, ниқоҳ), муомалот ва уқубот (жазо қонуни) сингари асосларга суянади. Исломият саодати дорайинни, яъни дунё ва охират бахту саодатини ўзида мужассам қилган.

Иймон

Расули акрам (саллаллоху алайҳи васаллам) жанобимиз, Аллоҳу таолонинг пайғамбари эканликлари ва Аллоҳу таоло томонидан танланганликлари, хабар берувчи набий эканликларини ҳақ деб билиб, ишониб айтиш; Ул зотнинг Аллоҳу таолодан олиб келиб қисқача айтганларига қисқача, кенгроқ айтганларига атрофлича ишониш; қўлидан келгунча калима-и шаҳодатни тили билан айтишдир. Қувватли иймон шундай бўлмоғи керакки, оловнинг куйдириши, илоннинг заҳарлашига қалбида яқийн ҳосил қилиб, қанчалик ишониб, ўзини эҳтиёт қиладиган бўлса, Аллоҳу таоло ва сифатларини улуг билиб, Унинг ризоси ва жамолига интилиш; ғазаби-ю, жалолатидан қочиш ва иймонни худди мраммарга ўйиб ёзгандек дилга жо қилиш керак.

Мутлақо ишонишимиз зарур бўлган **иймоннинг олти шарти** бор. Биринчиси: Аллоҳу таолонинг вожиб-ул-вужуд ва ҳақиқий маъбуд, бутун мавжудотнинг яратувчиси эканлигига ишониш. Дунё ва охираат оламидаги ҳар бир нарсани моддасиз, замонсиз ва ўхшашсиз тарзда йўқдан бор қилган, ягона Аллоҳу таолодир деб қатъий ишониш. Ҳар бир мавжудотнинг яратувчиси, эгаси, ҳокими ёлғиз Ўзидир. Унинг ҳокими, амири, устунни йўқ деб ишониш. Ҳар бир устунлик, камол сифат Униқидир. Унда биронта кусурли, нуқсон сифат йўқ. Хоҳлаганини яратади ёки йўқ қилади. Яратганлари Ўзига ёки бошқа бировнинг манфаати учун эмас. Яъни уларни бирон ҳақ эвазига яратмайди. Шу билан бирга ҳар ишида ҳикматлар, фойдалар, лутфлар, эҳсонлар бор.

Бандаларига яхши, фойдали нарсаларни ато этишга, кимга савоб, кимгадир азоб беришга мажбур эмас. Осийлар ва гуноҳкорларнинг ҳаммасини жаннатига киритса, фазли карамига, эҳсонига ярашади. Итоатгўйлар ва ибодат қилувчиларнинг ҳаммасини жаҳаннамига ташласа, яна адолатига хилоф бўлмайди. Лекин мусулмонларни, ибодат қилувчиларни жаннатга киритишни, уларга чексиз неъматлар беришни, кофирларни эса, жаҳаннамда чексиз азоблашни азалда хоҳлади ва буни хабар берди. У сўздан қайтмайди. Бутун инсу жин иймон келтирса, итоат қилса, Унга заррача фойдаси тегмайди. Бутун олам кофир бўлиб, исён қилса, бош кўтарса, Унга зиғирча зарар етмайди. Ширк ва куфрдан бошқа ҳар қандай катта гуноҳ қилиб, тавбасиз ўлганларни хоҳласа кечиб юборади, хоҳламаса

кичик гуноҳ учун ҳам азоб бериши мумкин. Кофир ва муртад бўлиб ўлганларни асло авф этмаслигини билдирган.

Ўзи мусулмон, аҳли қибла бўлса-ю лекин эътиқоди Аҳли суннат эътиқодига мос бўлмай, бундан тавба қилмай ўлган кишини жаҳаннамда азобласа ҳам, ундай бидъат аҳли мусулмонлар жаҳаннамда абадий қолмаяжак.

Аллоҳу таолони дунёда кўз билан кўриш жоиз, лекин ҳеч ким кўрмаган. Қиёмат куни, маҳшарда кофирлар ва гуноҳкор мўминларга **қаҳру жалоли** билан, солиҳ мўминларга эса, **лутфу жамоли** билан кўринади. Мўминлар Уни жаннатда **жамол** сифати билан кўрадилар. Малоика ва хотинлар ҳам кўради. Кофирлар бундан маҳрум қолади. Жинларнинг ҳам бундан маҳрум эканлиги ҳақидаги хабарлар қувватлироқ.

Аллоҳу таолога нисбатан кеча-кундуз ва вақт-замон ўтиши мумкин эмас. Аллоҳу таолода бирон бир жиҳатдан ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяжаги учун, У ҳақда “аввал ундай эди, келажақда бундай бўлади” дейилмайди, Аллоҳу таоло, жонли-жонсиз ҳеч нарса ичига ҳулул (кириб-чиқиш) қилмайди, ҳеч бир нарса билан бирлашмайди. Аллоҳу таолонинг зидди, терскариси, ўхшаши, шериги, тенги, ёрдамчиси, ҳомийси бўлмайди. Унинг ота-онаси, ўғил-қизи, оиласи, жуфти бўлмайди. У ҳамма вақт ҳамма билан ҳозир ва ҳамма нарсани муҳит ва нозирдир. Ҳар кимга жон томиридан ҳам яқиндир. Лекин Унинг ҳозир бўлиши, назар солиши, ихота қилиши (қуршаб туриши) бирга ва яқин бўлиши биз тушунган маъно ва сифатда эмас. Унинг яқинлиги, олимларнинг илми, фан арбобининг закоси ва авлиёнинг кашфу шухуди орқали тушунилмайди. Уларнинг асл моҳиятига инсон ақли етмайди. Аллоҳу таоло зотида ва сифатларида бир бўлиб, ҳеч қайсида ўзгариш, ўзгачалашиб бўлмайди.

Аллоҳу таолонинг исмлари чексиз бўлиб, бир минг бир исми борлиги айтилган. Яъни исмларидан бир минг бир донасини одамзотга билдирган. Муҳаммад алайҳиссаломнинг динида шулардан тўқсон тўққизтаси билдирилган. Уларга **Асмо-и ҳусно (чиройли исмлар)** дейилади.

Иймоннинг иккинчи шарти: Малоикага (фаришталарга) ишонишдир. Малаклар жисмоний мавжудотлар бўлиб, латифдирлар. Газлардан ҳам лагифроқ бўлиб, аксарият кўзга кўринмайди. Улар тирик, ақлли ва нуронийдирлар. Фаришталарда инсонлардагидек

ёмон хусусиятлар бўлмайди. Турли кўринишларга киришлари мумкин. Газлар суyoқ ва қаттиқ ҳолатларга ўтганидек, малаклар ҳам чиройли ҳолатларга кира олади. Фаришталар христианлар гумон қилгандек улуғ инсонларнинг баданини тарк этган руҳлар эмас. Улар энергия, қувват сингари моддасиз ҳам эмаслар. Қадимги файласуфлардан бир қисми шундай деб тасаввур қилганди.

Малак - элчи, хабар берувчи ёки қувват деган маъноларни англатади. Кўпликда “малоика” дейилади. Малаклар барча жонзотлардан аввал яратилган. Шунинг учун китобларга иймондан олдин, малакларга иймон келтириш билдирилган. Китоблар ҳам ўз навбатида пайғамбарлардан олдин туради. Қуръони каримда иймоннинг шартлари шу тартибда берилган.

Малакларга иймон қуйидагидек бўлиши керак: Малаклар Аллоҳу таолонинг бандалари бўлиб, шериклари ёхуд қизлари эмас. Кофир ва мушриклар шундай деб гумон қилди. Аллоҳу таоло, малакларнинг барчасидан розидир. Улар, Аллоҳу таолонинг амрига итоат қиладилар, гуноҳ қилмайдилар, амрларга исён этмайдилар. Эркак ё урғочи эмаслар, уйланмайдилар, болалари бўлмайди. Ҳаёт бўлиб, тирикдирлар. Аллоҳу таоло, одамзотни яратмоқчи эканлигини айтганида малоиканинг Унга, “**Ё Раббий! Ер юзида фасод чиқарувчи, қон тўқувчи махлуқларни яратасанми?**” деб, залла (кичик хато) тариқасида савол беришлари, уларнинг беғуноҳ, айбсиз эканликларига зарар бермайди.

Сон жиҳатидан оламда энг кўп мавжудот фаришталардир. Аниқ сонларини Аллоҳу таолодан бошқа ҳеч ким билмайди. Самоларда малаклар ибодат қилмаётган бўш жой мавжуд эмас. Кўкларнинг ҳар бир қаричи руку ёки саждада турган малоикага тўла. Етти қават осмон ва ерда, кўкатлар, юлдузлар, жонли-жонсиз махлуқлар, ёмғир томчилари, дарахт япроқлари-ю ҳар зарра, ҳар молекула, ҳар бир атомда, ҳар бир реакция ва ҳар бир ҳаракатда, хуллас ҳамма нарсаларда фаришталарнинг ўзига хос вазифалари бор. Улар қаерда бўлсалар ҳам, ҳамиша Аллоҳу таолонинг амрларини бажарадилар. Аллоҳу таоло билан махлуқлари орасида воситадирлар. Баъзилари баъзиларига раҳбар, баъзилари баъзиларига итоатдалар. Айримлари одамзотнинг пайғамбарларига хабар келтиради. Яна айримлари инсонлар қалбига яхши ўй-фикр, ғоялар олиб келади. Бунга “илҳом” дейилади. Баъзи бир фаришталарнинг, одамзот ва бошқа барча мавжудотдан умуман хабари бўлмайди. Улар Аллоҳу

таолонинг жамоли олдида ўзини йўқотишган. Ҳар бирининг аниқ ўрни-жойи бўлиб, у ерни тарк этолмайдилар. Масалан, жаннат фаришталари ҳамма вақт жаннатда бўлади. Уларнинг энг каттаси **Ридвон** деб аталади. Жаҳаннам фаришталарига Забоний дейилиб, дўзахда ўзларига тегишли вазифаларини бажаради. Денгиз суви балиққа зарар етказмаганидек уларга ҳам жаҳаннам оташи таъсир қилмайди. Жаҳаннам **забоний**ларининг йириклари ўн тўққиз дона бўлиб, энг каттасининг оти **Молик**дир.

Ҳар бир одамнинг елкасида хайр (яхши) ва шар (ёмон), ишларини ёзиб юрувчи, иккитаси кундуз, иккитаси кечаси келадиган тўртта малоикага **Кироман котибин** ёки **Ҳафаза** малаклари дейилади. Ўнг томондагиси чап томондагининг амири бўлиб, яхши амалларни ёзиб туради. Чапдагиси ёмонликларни ёзади. Ҳафаза малаклари бошқа эканлиги ҳам ривоят қилинган.

Қабрларда кофирлар билан осий мусулмонларга азоб берувчи малаклар ва қабрда сўроқ сўровчи малаклар ҳам мавжуд. Савол малакларига **Мункар** ва **Накир** дейилади. Мўминларни саволга тутадиганлари “**Мубашшир** ва **Башир**” деб ҳам аталади.

Ўзаро бир-бирларидан устунлик, улуғлик жиҳатидан фарқланишади. Энг улуғлари тўрт донадир. Улардан биринчиси **Жаброил** алайҳиссалом бўлиб, вазифаси, пайғамбарларга ваҳий келтириш, амр ва тақиқларни билдиришдир. Иккинчиси, “**сур**” деб номланувчи сурнайни уфлайдиган **Исрофил** алайҳиссаломдир. У сурнайни икки марта уфлайди. Биринчи уфлаганда Аллоху таолодан бошқа барча жонзот ўлади. Иккинчи марта уфлаганда, ҳамма ўлганлар қайта тирилади. Учинчи улуғ фаришта **Микоил** алайҳиссаломдир. Арзончилик, қимматчилик, очарчилик, мўлкўллик келтириб чиқариш ва барча моддаларни ҳаракатга келтириш унинг зиммасида. Тўртинчиси **Азроил** алайҳиссалом бўлиб, одамларнинг руҳини ўша олади. Шу тўртта улуғ малоикадан кейин яна тўрт синф устун фаришталар мавжуд. Улардан **Ҳамала-и Арш** деганлари тўрт дона бўлиб, Қиёматда сонлари саккизта бўлади. Аллохнинг ҳузурда турадиган фаришталарга **Муқаррабийн** дейилади. Азоб малаклартнинг катталарига **Карубиён** дейилади. Раҳмат малакларига эса, **Руҳониён** дейилади. Буларнинг барчаси, фаришталарнинг ҳавосси, яъни энг устунларидир. Булар пайғамбарлардан бошқа барча одамзотдан баланд ҳисобланади. Мусулмонларнинг солихлари ва валийлари малоиканинг авомидан

афзалроқдир. Малакларнинг авоми эса, мусулмонларнинг авомидан, яъни осий ва фосиқларидан афзалдирлар.

Иймон асосларининг учинчиси: Аллоҳу таоло нозил қилган китобларга ишонишдир. Аллоҳу таоло, бу китобларни баъзи пайғамбарларга фариштага ўқитиш орқали, баъзиларига лавҳага ёзилган ҳолда, баъзиларига фариштасиз, воситасиз эшиттириш орқали туширган. Ҳаммаси Аллоҳу таолонинг каломи бўлиб, абадий ва азалийдирлар. Ҳеч қайсиси махлуқ, яъни кейиндан яратилган эмас, малоика ёки пайғамбарларнинг сўзлари ҳам эмас. Аллоҳу таоло нозил қилган китобларнинг барчаси ҳақ ва тўғридир.

Қуръони карим, ўзидан олдин туширилган барча илоҳий китобларни насх этган, яъни ҳукмларни бекор қилган. Қуръони каримда қиёматгача ҳеч қачон янглишлик, унутиш, зиёда ёки нуқсонлик бўлмайди. Ўтмиш ва келажакдаги барча илмлар Қуръони каримда мавжуддир. Шунинг учун бутун китоблардан баланд ва қийматлидир. Расули ақрам (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг энг улуғ мўъжизалари Қуръони каримдир. Жами инсон ва жинлар куч бириктирса, биргаликда Қуръони каримнинг энг қисқа сурасидек бир сўз айтишга уринсалар, кучлари етмайди.

Самовий китоблардан ушбу умматга билдирилганлари бир юз тўрттадир. Улардан ўн суҳуф (китобча) Одам алайҳиссаломга, эллик суҳуф Шис (Шит) алайҳиссаломга, ўттиз суҳуф Идрис алайҳиссаломга, ўн суҳуф Иброҳим алайҳиссаломга нозил қилинганлиги машҳур ва маълум. Таврот - Мусо алайҳиссаломга, Забур - Довуд алайҳиссаломга, Инжил - Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим - Муҳаммад алайҳиссалоту вассаломга нозил қилинган.

Иймоннинг олти асосидан тўртинчиси: Аллоҳу таолонинг пайғамбарларига ишонишдир. Пайғамбарлар одамзотни Аллоҳу таоло рози бўлган ҳақ йўлга чорлаш ва қовуштириш учун юборилганлар. Улар, яратилиш, ҳулқ-атвор, илм ва ақл жиҳатидан замондош барча халқлардан устувор, баланд, муҳтарам инсонлардир. Уларда заррача ёмон ҳулқ ва ёқимсиз ҳол учрамайди. Пайғамбарларда исмат сифати бўлиб, пайғамбарлик вазифасидан олдин ҳам, кейин ҳам катта-кичик биронта гуноҳ қилмайдилар. Пайғамбар эканлиги ўзига маълум қилингандан бошлаб то пайғамбарлиги атрофга ёйилгунча, кўрлик, карлик сингари жисмоний айб ва камчиликлардан йироқ бўлишади.

Ҳар бир пайғамбарда куйидаги етти сифат борлигига ишониш лозим: **Амонат, сидқ, таблиғ, адолат, исмат, фатонат** (беқиёс ақл ва фаҳм-фарорсат) **ва амн-ул-азл** (пайғамбарлик вазифасидан бўшатилмади).

Янги дин олиб келган пайғамбарларга **Расул** дейилади. Янги дин келтирмай, умматни аввалги мавжуд динга даъват қилувчи пайғамбарларга **Набий** дейилади. Аллоҳнинг буйруқларини халққа етказишда ва одамзотни ҳақ динга чақиришда расул ва набийлар орасида фарқ бўлмади. Пайғамбарларга иймон келтириш, уларни ажратмай, барчасининг содиқ, тўғрисиўз эканликларига ишониш демакдир. Биронтасига ишонмаган одам, ҳеч қайсисига ишонмаган бўлади.

Пайғамбарлик - тинимсиз меҳнат, очлик, заҳмат тортиш ёки кўп ибодат қилиш орқали эришиладиган вазифа эмас. Пайғамбар бўлиш, фақатгина Аллоҳу таолонинг эҳсони ва тайинлаши билан амалга ошади. Одамларнинг дунё ва охиратда ҳаёти, аҳволи тартибли, фойдали бўлиши; уларни зарарли нарсалардан ҳимоялаб, саломатга, ҳидоятга, ҳузур-ҳаловатга эриштириш учун пайғамбарлар воситасида ер юзига динлар юборилган. Пайғамбарлар, душманнинг кўплигига, инкор этувчиларнинг масҳара қилиб, хафа қилишларига қарамай, Аллоҳу таолонинг буйруғларини халққа таблиғ қилиб, етказиш борасида душманлардан қўрқмаган, ҳадиксирамаганлар. Аллоҳу таоло, пайғамбарларнинг сидқ эгаси, тўғрисиўз эканликларини тасдиқлаш учун уларни мўъжизалар билан қўллаб-қувватлади. Ҳеч ким пайғамбарларнинг ушбу мўъжизаларига қарши чиқа олмади. Бир пайғамбарни қабул қилиб, ишонган одамга шу пайғамбарнинг уммати дейилади. Қиёмат куни пайғамбарларга ўз умматларидан гуноҳи кўпларга шафоат қилишга изн берилади ва шафоатлари қабул қилинади. Умматлардан олим, солиҳ, валий бўлганларга ҳам яқинларига шафоат қилишлари учун Аллоҳу таоло рухсат бериб, шафоатларини қабул қилади. Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ват-таслимот) мазорларида бизга номаълум ҳолатда ҳаётдалар. Уларнинг муборак вужудларини тупроқ чиритмайди. Шу боисдирки ҳадиси шарифда, **“Пайғамбарлар, мазорларида намоз ўқийдилар”** деб марҳамат қилинган.

Пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) муборак кўзлари ухлаганда қалб кўзлари ухламайди. Пайғамбарлик вазифаларини бажаришда, пайғамбарлик фазилатларида ҳамма пайғамбарлар

тенг бўлиб, юқорида тилга олинган еттита сифат барчасида мавжуддир. Пайғамбарлар, пайғамбарлик вазифасидан азл қилинмайди, бўшатибмайди. Авлиёлар эса, ушбу мақомларидан ажралиб қолишлари мумкин. Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) фақат одам зотидан танланади. Жинлар, фаришталар ва хотин зотидан инсонларга пайғамбар келмайди. Жинлар ва фаришталар пайғамбар даражасигача чиқа олмайди. Пайғамбарлардан шараф, фазилат жиҳатидан бир-бирларидан устунроқ турувчилари бор. Масалан, умматининг кўплиги, юборилган мамлакатларнинг катталиги, илм ва маърифатларининг улуғлиги, илму маърифатлари тарқалган ўлкаларнинг кенглиги, мўжизаларининг кўплиги, давомийлиги, зотларига ато этилган алоҳида эҳсону эътиборлар каби фазилатлар жиҳатидан охир замон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом, барча пайғамбарлардан баланд турадилар. Улул-азм пайғамбарлар ҳаммасидан, расуллар набийлардан баландроқ ҳисобланади.

Пайғамбарларнинг аниқ бир сони маълум эмас. Бир юз йигирма тўрт мингдан кўпроқ эканликлари ҳақидаги дарак машхурроқ. Улардан уч юз ўн учтаси ёки уч юз ўн бештаси расулдир. Улар орасидан олтитаси янаям юксақроқ бўлиб, уларга “Улул-азм” пайғамбарлар дейилади. Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммад Мустафо “алайҳимуссалоту вассалом” ҳазратлари улул-азм пайғамбарлардир.

Иброҳим алайҳиссалом, халилуллоҳдир. Чунки қалбида Аллоҳ севгисидан бошқа бирон махлуқнинг севгиси йўқ эди. Мусо алайҳиссалом калимуллоҳдир. Чунки Аллоҳу таоло билан сўзлашди. Исо алайҳиссалом, руҳуллоҳ ва калиматуллоҳдир. Чунки отасиз, биргина “Бўл” деган калимаи илоҳийя орқали онасидан дунёга келди. Яна Аллоҳу таолонинг пурҳикмат калималарини ваъз орқали халқнинг қулоғига етказарди.

Махлуқот ва мавжудотнинг яратилишига сабаб бўлган одамзотнинг энг устун, энг шарафлиси, энг қийматлиси Муҳаммад алайҳиссалом, ҳабибуллоҳдир. Ул зотнинг ҳабибуллоҳ эканлиулари, буюклиулари, устунликларини кўрсатқучи белгилар жуда кўп. Шу боис ул зотга нисбатан “мағлубиятга учрамоқ”, “енгилмоқ” каби ибораларни ишлатишга бўлмайди. Қиёмат куни ҳаммадан олдин Муҳаммад алайҳиссалом қабрларидан турадилар. Маҳшар жойига биринчи бўлиб борадилар. Жаннатга ҳаммадан олдин кирадилар.

Чиройли ахлоқларини санаш ва таърифлашга одамзотнинг кучи етмайди.

Қиёмат куни барча пайғамбарлар, Ул зотнинг байроқлари тагида сояланажаклар. Аллоҳу таоло, ҳар бир пайғамбарга, “Мавжудот орасидан танлаб севганим, ҳабибим Муҳаммад алайҳиссалом даврига етиб борсангиз, Унга иймон келтиринг ва хизматида бўлинг!” деб амр қилган. Барча пайғамбарлар ҳам ўз умматларига шундай васият ва буйруқ бердилар. Муҳаммад алайҳиссалом, “**Хотам-ул-анбиё**” дир, яъни ундан кейин асло пайғамбар келмайди.

Иймоннинг бешинчи асоси: охиратга ишонишдир. Охират кишининг ўлган кунидан бошланиб, қиёматнинг охиригача давом этади. Қиёмат қачон қоим бўлиши билдирилмади, вақтини ҳеч ким била олмади. Лекин муҳтарам пайғамбаримиз, кўпгина аломатлари, белгилари ва бошланғичи ҳақида қуйидагиларни хабар бердилар: Ҳазрати Маҳди келади; Исо алайҳиссалом кўкдан Шомга тушади; Дажжол чиқади; Яъжуж Маъжуж деган қавмлар ер юзини вайрон қилади; Қуёш ғарбдан чиқади; Катта зилзилалар рўй беради; Дин илмлари унутилади; Фисқу-фасод, ёмонликлар кўпаяди; Динсиз, ахлоқсиз, номуссиз одамлар раҳбар бўлади; Аллоҳу таолонинг буйруқларини бажаришга тўғаноқ бўлинади; Ҳамма жойда ёппасига ҳаром ишлар қилина бошлайди; Ямандан ўт (оташ) чиқади. Осмонлар, тоғлар парчаланadi; Қуёш ва ой қорайади; Денгизлар бир-бирига қуйилиб, аралашади ва қайнаб, қуриб қолади.⁵⁴⁴

Гуноҳ қилувчи мусулмонларга фосиқ дейилади. Фосиқларга ва барча кофирларга қабрда азоб берилажак. Мана шуларнинг ҳаммасига ишониш лозим. Мавто (майит) қабрга дафн қилинган бизга номаълум ҳаёт билан тирилади, ё роҳат ёки азоб кўради. **Мункар** ва **Накир** исмли иккита фаришта номаълум даҳшатли одам қиёфасида мазорга келиб, майитни сўроқ қилишлари ҳадиси шарифларда очикча билдирилган.⁵⁴⁵ Қабр саволлари, баъзи олимларга кўра, баъзи ақоиддан (эътиқод) сўралади, бошқа олимларга кўра, бутун ақоиддан сўралади. Шунинг учун фарзандаримизга, “Раббинг ким? Дининг қайси дин? Кимнинг умматисан? Китобинг нима? Қибланг қаер? Эътиқодда ва амалда мазҳабинг нима?” деган саволларнинг жавобини ўргатишимиз керак! Қабрда ушбу саволларга аҳли суннат бўлмаган одамларнинг

⁵⁴⁴ Бухорий, “Илм”, 21-б.; Ибни Можа, “Фитан”, 25-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, III, 108-б.

⁵⁴⁵ Ибни Можа, “Фитан”, 25-б.

тўғри жавоб бера олмаслиги “Тазкира-и Қуртубий” китобида ёзилган. Тўғри жавоб берганларнинг қабри кенгайтирилиб, жаннатдан бир дарча очилади. Эрта-ю кеч жаннатдаги жойларини томоша қилиб, малаклар томонидан яхшиликлар кўриб, хушxabарлар берилади. Тўғри жавоб беролмаса, темир тўқмоқлар билан шундай калтакланадики, дод-войларини инсон ва жиндан бошқа ҳар махлуқ эшитади. Қабри торайиб, суяклари бир-бирига кириб кетгудек сиқади. Яна қабрига дўзахдан бир тешик очилади. Эрта-ю кеч жаҳаннамдаги жойини кўриб, мазорда маҳшаргача ачиқ азоблар чекади.

Ўлганидан кейин қайта тирилишга ишониш лозим. Эт-суяклар чириб тупроқ ва газга айланиб кетгач, ҳаммаси яна бир жойга жамланиб, рухлар баданларга кириб, ҳамма мазоридан туриб чиқади. Шунинг учун ўша ҳолатга **Қиёмат куни** (ўрнидан туриш куни) дейилади.

Барча жонли мавжудот маҳшар майдонига ййғилади. Ҳар бир одамнинг амал дафтарлари учиб эгаларига келади. Бутун шу ишларни еру кўкларни, зарралару юлдузларни яратган, чексиз кудрат соҳиби Аллоҳу таоло амалга оширади. Уларнинг айнан шундай рўй беришини Аллоҳу таолонинг Расули (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимиз хабар берганлар. Ул зотнинг айтганлари албатта ҳақ бўлиб, барчаси албатта рўй беради.

Солиҳ ва яхши одамларнинг амал дафтари ўнг томонларидан, фосиқлару ёмонларнинг дафтари орқадан ёки чап томонларидан берилади. Яхши-ёмон, катта-кичик, яширин-ошқора қилинган ҳар бир амал дафтарда бўлади. Кириман котибин малаклари билмаган ишлар ҳам аъзои баданимизнинг эътирофи ва Аллоҳу таолонинг билиши оқибатида аниқланиб, ҳар бир ишдан сўроқ ва ҳисобга тортилади. Маҳшарда Аллоҳу таоло истаган ҳар қандай яширин нарса ошқор қилинади. Малоикага, **”Ерда ва кўкларда нималар қилдингиз?”**, Пайғамбарларга, **“Аллоҳу таолонинг ҳукмларини қулларига қандай етказдингиз?”** ва барча одамзотга, **“Пайғамбарларга қандай эргашидинглар, сизларга етказган вазифаларни қандай бажардинглар? Ўзаро ҳақ-ҳуқуқларга қандай риоя қилдинглар?”** деган саволлар берилади. Маҳшарда, иймонли ва ахлоқи чиройли инсонларга мукофотлар, эҳсонлар ёғдирилади; бадхулқ, ночор амал эгалари оғир жазоларга дучор қилинади.

Аллоху таоло, адолати туфайли баъзи кичик гуноҳлар учун ҳам азоблайди, хоҳлаган мўминлардан катта-кичик бутун гуноҳларини фазли карами, эҳсони туфайли авф этади. Ширк ва куфрдан бошқа ҳар қандай гуноҳни Аллоху таоло хоҳласа кечиради, хоҳламаса кичик гуноҳ учун ҳам азоблайди. Мушрик ва кофир ҳолда ўлганларни асло кечирмаслигини эълон қилган. Китобликитобсиз кофирлар, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг бутун одамзотга пайғамбар қилиб юборилганликларига ишонмаган, Ул зот олиб келган амр ва тақиқлардан ҳаттоки биттасини бўлсаям ёқтирмаганлар, агар шу ҳолларида ўлса, албатта жаҳаннамга ташланиб, абадий азоб чекишади.

Қиёмат куни, дунёда қилинган амаллару ишларни ўлчаш учун биз билмайдиган **Мезон** деган ўлчов асбоби, тарози қурилади. Еру кўк, у тарозининг бир палласига сиғади. Савоб палласи ёруғ бўлиб, Аршнинг ўнг томонида, яъни жаннат тарафда бўлади. Гуноҳ палласи эса, Аршнинг чап томонида, яъни жаҳаннам тарафда, қоронғу бўлади. Дунёда қилинган ишлар, гап-сўзлар, ўй-хаёл, боқишлар у ерда жисмоний кўринишда яхшиликлар порлок, ёмонликлар қоронғи, жирканч ҳолатда шу тарозида тортилади. Мезон - дунёда биз билган тарозиларга сира ўхшамайди. Оғир босган палласи юқорига кўтариледи, енгил палласи пастга тушади. Олимларнинг бир қисми, қиёмат куни ҳар хил тарозилар бўлишини айтган.

Сирот кўприги ҳақ. У, Аллоху таолонинг амри билан жаҳаннамнинг устига қурилади. Ҳаммага шу кўприқдан ўтиши буйрилади. Ўша куни барча пайғамбарлар “Ё Рабби! Саломатлик бер” деб ёлворадилар. Жаннатийлар кўприқдан осонгина ўтиб, жаннатга киради. Улардан баъзиси яшиндек, бир қисми шамолдек, баъзилари чопқир отдек ўтади. Сирот кўприги қилдан ингичка, қиличдан ўткирдир. Дунёда Ислому аҳкомига риоя қилиш ҳам шундай бўлиб, шариатга тўлиқ риоя қилишга уриниш худди сирот кўпригидан ўтишга ўхшайди. Бу дунёда нафсига қарши курашиш ташвишига чидаганлар, у ёқда сиротдан енгил ва қўрқмай ўтади. Шу боис Аллоху таоло, Исломият чорлаган ҳақ йўлни “**Сирот-и мустақийм**” деб атади. Мана шу исмдаги ўхшашлик ҳам, Ислому йўлида бўлишнинг сирот кўпригидан ўтишдек эканлигини кўрсатмоқда. Дўзахийлар сиротдан ўтаётиб, жаҳаннамга йиқилиб тушади.

Яна у ёқда пайғамбиримизга (саллаллоху алайҳи васаллам) махсус **Кавсар ҳовузи** мавжуд бўлиб, узунлиги бир ойлик йўлдай

узоқ, суви сутдан ҳам оқ, ҳиди мушкдан ҳам ёқимлироқдир. Атрофида юлдузлардан ҳам кўп қадахлар бўлади. Ундан бир марта ичган одам жаҳаннамда бўлса ҳам, асло чанқамайди.

Шафоат ҳақ. Тавбасиз ўлган мўминларнинг катта-кичик гуноҳларининг кечирилиши учун пайғамбарлар, валийлар, солиҳлар, фаришталар, Аллоҳу таоло рухсат берган одамлар шафоат қилади ва шафоатлари қабул қилинади.

Жаннат ва Жаҳаннам ҳозир мавжуд. Жаннат етти қат осмонларнинг устида, жаҳаннам эса, ҳамма нарсанинг тагидадир. Саккиз жаннат, етти жаҳаннам бўлиб, жаннат ер, куёш ва кўклардан катта, жаҳаннам куёшдан каттарок.

Иймоннинг олтинчи асоси: тақдирга, хайр ва шарнинг (яхши ва ёмонликнинг) Аллоҳу таолодан эканлигига ишонишдир. Одамлар бошига келадиган яхши-ёмон, фойда-зарар, қозончиёёнларнинг ҳаммаси Аллоҳу таолонинг тақдири билан бўлади. Аллоҳу таолонинг бир нарсани яратишни хоҳлашига **қадар** дейилган. Қадарнинг, яъни яратилиши хоҳланган нарсанинг бор қилинишига **Қазо** дейилади. “Қазо” ва “қадар” сўзлари кўпинча бир-бири ўрнида ҳам ишлатилаверади.

Бутун ҳайвонлар, наботот (ўсимликлар), жонсизлар, қаттиқ-суюқ жисмлар, газлар, юлдузлар, молекулалар, атомлар, электронлар, электро-магнит тўлқинлари, ҳар бир мавжудотнинг ҳаракати, физикавий ҳодисалар, кимёвий-ядро реакциялари, энергия алмашинишлари, жонлилардаги физиологик фаолиятлар, ҳар бир нарсанинг бўлиш-бўлмаслиги, бандаларнинг яхши-ёмон ишлари, дунёда ва охирада уларга хос жазо ё мукофотлари, хуллас ҳамма-ҳамма нарса азалда Аллоҳу таолонинг илмида бор бўлиб, барчасини азалда биларди. Азалдан абадгача яратиладиган ашё, хоссалар, ҳаракатлар, ҳодисаларни азалдаги илмига мос равишда вақти соати келганида яратмоқда. Инсонларнинг яхши-ёмон барча амалларини, мусулмон бўлишлари, куфрлари, ихтиёрий-беихтиёр қиладиган барча ишларини Аллоҳу таоло яратмоқда. Яратувчи ҳам, қилдирувчи ҳам ягона Ўзидир. Омиллар, сабаблар таъсирини яратаётган ҳам, ҳар нарсани маълум бир сабабга боғлаб яратаётган ҳам ёлғиз Аллоҳдир.

Масалан, ўт (оташ) ёндирувчидир. Ваҳоланки, асл ёндирадиган оташ эмас, Аллоҳу таолодир. Оташнинг ёндириш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин Аллоҳу таолонинг одати шуки, бирон нарса ўт тегмагунча ёниш-ёндириш ҳодисасини яратмайди. Ўт-оташ, жисмни

ёниш иссиқлигигача иситишдан бошқа бир нарса қила олмайди. Органик моддалар таркибидаги углерод ва водородга кислород билан бирлашиш хоссасини берувчи, электрон алмашилишини таъминловчи ўт-оташ эмас. Ҳақиқатни кўра олмаганлар, буларни ўт бажараяпти деб ўйлайди. Ёндирувчи, ёниш жараёнини юритувчи сабаб ўтнинг ўзи эмас. Ҳаттоки сабаб кислород ё иссиқлик ҳам, электрон алмашилилари ҳам эмас. Ёндирувчи фақат Аллоҳу таолодир. У ушбу моддалар ва мавҳумларни ёнишга сабаб қилиб яратган. Билими йўқ одам олов ёндиради деб ўйлайди. Бошланғич синфларни тугатган бола “Олов ёндиради” деган сўзни ёқтирмай, “Ҳаво ёндиради” дейди. Ўрта синфларни тугатган бола, буни унамай, “Ҳаводаги кислород ёндиради” дейиши мумкин. Лицейни битирган бола эса, “Ёндириш кислородга хос эмас. Ҳар бир электрон тортувчи элемент ёндирувчидир” дейди. Университетни тугатган толиб эса, бу жараёнда модда ва энергияни ҳам ҳисобга олади.

Ушбу мисолдан кўриняптики, илм ортган сайин, ёндириш жараёнининг ичига кириб борилган сайин, ёнишга сабаб деб ўйлаган факторлар ортида яна қанчалаб сабаблар қаторлашиб турганлиги тушинилмоқда. Илму фаннинг энг юқори даражасида бўлган, ҳақиқатларни тўла кўриб турган пайғамбарлар ва шу улўғлар изидан бориб, илм дарёларидан томчилар олишга эришган Ислому олимлари, бугун биз ёқувчи, ясовчи деб ўйлаган нарсаларнинг ожиз, чорасиз восита ва махлуқ (яратиқ) эканлигини, ҳақиқий ясовчи ва яратувчининг орага қўйган сабаблари эканлигини айтганлар. Ёқувчи-ёндирувчи Аллоҳу таолодир! У хоҳласа ўт-оловсиз ҳам ёндиради. Масалан, Иброҳим алайҳиссалом оловда ёнмади. Уни жуда яхши кўргани учун Аллоҳу таоло бу ерда одатини ўзгартирди.

Аллоҳу таоло хоҳласа ҳамма нарсани сабабсиз яратган бўларди. Оловсиз ёқарди. Емасдан тўйдирарди. Лекин ўз лутфу карамидан бандаларига яхшилиқ қилиб, ҳар бир нарсани яратишни маълум бир сабабга боғлаб қўйди. Муайян нарсаларни муайян сабабларга боғлаб яратишни хоҳлади. Яратишини, ишларини, яъни қудратини сабаблар ортига яширди. Ундан бирон нарса яратишини хоҳлаган одам, ўша нарсанинг сабабигамурожаат қилса, хоҳишига эришади. Шам ёққиси келган одам гугурт чақади. Зайтун ёғи олгиси келган одам эзадиган асбоб ишлагади. Боши оғриган одам аспирин ичади. Жаннатга кириб, чексиз неъматларга эришгиси келган одам ҳам исломиятга бўйсунди. Ўзига ўқ узган, заҳар ичган одам ўлади.

Терлаб туриб совук сув ичган одам касал бўлади. Гуноҳ қилиб, куйфрга ботган киши жаҳаннамга кетади. Хуллас, ким қайси сабабга қўл урса, ўша сабаб восита қилинган натижага эришади. Мусулмон китобларини ўқиган одам мусулмонликни ўрганиб уни ёқтиради ва мусулмон бўлади. Динсизларнинг орасида яшаган одам, уларнинг сўзларига қулоқ солган одам эса, диндан бесавод бўлиб қолади. Диндан беҳабар саводсизларнинг аксари иймонсиз бўлади. Одам қайси жойнинг воситасига минса, ўша томонга кетади.

Аллоҳу таоло, агар ишларини сабабларга боғлаб яратмаганда ҳеч ким ҳеч кимга муҳтож бўлмасди. Ҳамма ҳар кўнгли тусеганини бевосита Аллоҳдан сўраб, ҳеч кимга ё нарсага мурожаат қилмасди, изланмасди, тадқиқ ва ҳаракат қилмасди. Шундай бўлгач, одамлар орасида бошчи-ишчи, уста-шогирд, устоз-талаба сингари анча инсоний муносабатлар бўлмай, дунё ва охират низоми бузиларди. Шу тариқа чирой билан хунуклик, яхши билан ёмон, итоаткор билан осий орасида фарқ қолмас эди.

Исломият, мусулмонлардан пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ишонгани ва таблиғ қилганларидек иймон келтиришларини талаб қилади. Пайғамбаримиз фақат битта ягона иймонни таблиғ қилганлар. Саҳобайи киромнинг ҳаммаси Ул зот айтганларидек ишонди, эътиқодларида заррача фарқ бўлмади. Пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин одамлар Исломи Асҳоби киромдан эшитиб, сўраб ўрганди ва барчаси яна бир хил иймонни тарғиб қилди. Улар пайғамбаримиздан нақл қилиб, етказган ўша иймонга **Аҳли суннат эътиқоди** дейилди. Асҳоби киром бу иймон масалаларига, ўз тушунчаларини, файласуфларнинг гапини, нафсоний орзу-истакларини, сиёсий қарашлари ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни асло аралаштирмади.

Саҳобалар, барчасида камол даражада мавжуд бўлган Аллоҳу таолони танзиҳ (поклаш) ва такдис (муқаддаслаштириш) қилиш, пайғамбаримиз айтганларини тараддудсиз қабул қилиб ишониб, муташобих (маъноси очиқ бўлмаган) оятлар таъвилга берилмаслик... сингари хусусиятлари билан иймонларини пайғамбаримиздан эшитганларидек муҳофаза қилдилар. Исломдаги иймон асосларини сўраганларга, халойиққа соф, тиниқ ва асли бўйича таблиғ қилиб, етказдилар.

Асҳоби киромнинг Расулуллоҳдан нақл қилиб тушунтирган ушбу маълумотларига ҳеч нарса қўшмай-олмай шундайлигича қабул қилиб, инониб, улар йўлида бўлганларга **Аҳли суннат**

ва жамоат фирқаси дейилди. Шу ҳақ ва соф Ислом йўлидан айрилганларга **Бидъат** фирқалари (залолат фирқалари, адашган оқимлар) дейилди.

Асхоби киромнинг ҳар бири мужтаҳид эди. Улар дин илмларини бевосита Расулуллоҳдан олдилар. Мухтарам пайғамбаримизни бевосита кўриш, суҳбатларида иштирок этиш орқали бекиёс баланд маънавий камолотга, етуклик ва фазилатларга эришдилар. Нафслари мутмаинна бўлиб (тарбияланиб, покланиб), ҳар бири ихлос, адаб, илм ва ирфонда Асҳобдан бўлмаганлардан ҳеч бир олим ё авлиё ета олмаган даражаларга кўтарилдилар. Ҳар бирининг хидоят юлдузлари эканликлари ҳадиси шариф орқали таъкидланди.⁵⁴⁶ Барчасининг иймон-эътиқоди бир хил эди. Улар, насс (оят ва ҳадис) орқали билдирилмаган масалаларда ижтиҳод қилдилар. Ҳар бири амалда мазҳаб эгаси эдилар. Аксариятининг ижтиҳод қилиб, чиқарган ҳукмлари бир-бирига ўхшарди. Ўша ижтиҳодлари ўз вақтида жамланиб, китоб ҳолига келтирилмагани боис, мазҳаблари унутилди. Шунинг учун ҳозирги даврда саҳобан киромдан хоҳлаган бирининг мазҳабига эргашиш мумкин эмас.

Исломиятни Асхоби киромдан ўрганган **Тобеин** ва улардан ўрганган **Таба-и Тобеин** орасидан дин илмларида юксалиб, мутлақ мужтаҳидлик даражасига эришган улуғ имомлар етилди. Улар ҳам амалда мазҳаб эгалари эди ва ҳар бирининг ижтиҳодларидан вужудга келган ҳукмларга ўша олимнинг мазҳаби дейилди. Бундай олимлардан ҳам кўпчилигининг мазҳаби китобларга ёзиб улгурилмагани туфайли унутилди. Фақат тўрт буюк олимнинг (имомнинг) ижтиҳодлари шогирдлари томонидан ёзиб олиниб, муҳофаза қилинди ва мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Ер юзидаги барча мусулмонларга тўғри йўлни кўрсатган ва Ислом динини ўзгаришлардан, бузилишлардан сақлаб қолган ушбу тўрт имомнинг биринчиси, Имоми аъзам Абу Ҳанийфа; иккинчиси, Имоми Молик бин Анас; учинчиси, Имоми Муҳаммад бин Идрис Шофеий; тўртинчиси, Аҳмад бин Ҳанбалдир.

Аҳли суннат эътиқодида бўлган бу тўрт имомдан Имоми Аъзам йўлига **Ҳанафий мазҳаби**, Имоми Молик йўлига **Моликий мазҳаби**, Имоми Шофеий йўлига **Шофеий мазҳаби**, Имоми Аҳмад бин Ҳанбал йўлига **Ҳанбаллий мазҳаби** дейилган. Бу даврда бир мусулмоннинг Аллоҳ ризосига мос ибодат ва иш (амал) қила олиши, фақат шу тўрт мазҳабдан бирига тобе бўлиши орқали мумкиндир.

⁵⁴⁶ Шамсиддин Шомий, “Субулу-л-Ҳудо”, X, 329-б.

Ибодатлар

Биринчиси, шартлари ва фарзларига риоя қилган ҳолда ҳар куни беш марта, вақти кирганда намоз ўқишдир. Намозларни, фарзлари, вожиблари ва суннатларига диққат қилиб ва қўнғилни тўла Ҳаққа топшириб, намоз вақтларини ўтказиб қўймай, ўз вақтида ўқиш лозим. Қуръони каримда намоз **Салот** калимаси билан аталади. “Салот” луғатда, одамнинг дуо қилиши, фаришталарнинг истиғфор айтишлари, Аллоҳу таолонинг раҳм қилиши деган маъноларни англатади. Исломиётда “салот” дегани, илми-ҳол, фикр китобларида кўрсатилгандек муайян ҳаракатларни бажариш ва муайян нарсаларни ўқишдир. Намоз ифтиҳо тақбирини айтиш билан бошланади. Яъни эркаклар қўлларини кулоқларигача кўтариб, киндиги остига тушириб, ковуштириш вақтида “Аллоҳу акбар!” (ифтиҳо тақбири) дейишлари билан намозга қирилган бўлади. Охириги ўтиришда бошни ўнг ва чап елкаларга қаратиб салом бериш билан намоз тугатилади.

Иккинчиси, мол-мулкнинг закотини беришдир. Закотнинг маъноси, тозалик, поклик, мақтовга сазовор, яхши, чиройли ҳолга келиш деганидир. Ўз эҳтиёжидан ортиқ бўлиб, нисоб деган маълум бир миқдорда мол-мулки бор одамнинг, ўша молидан маълум қисмини ажратиб, Қуръони каримда кўрсатилган мусулмонларга миннат қилмай беришига закот дейилади. Закот саккиз синф одамга берилади. Тўрт мазҳабда ҳам тўрт хил закот моли бор: Олтин-кумуш закоти; тижорат моли закоти, йилнинг яримидан кўп яйловда ўтлаган тўрт оёқли қассоб моли закоти ва ҳар хил деҳқончилик маҳсулотлари закоти. Деҳқон ҳосилидан бериладиган закотга **Ушр** дейилади. **Экинзордан ҳосил олинган захоти ушр берилади.** Қолган уч хил закот, бойлиги нисоб миқдорига етганидан бир йил ўтгач берилади.

Учинчиси, Рамазони шариф ойида ҳар куни **рўза тутишдир.** Рўзага арабчада **Савм** дейилади. “Савм” сўзининг луғавий маъноси, бир нарсани бир нарсадан сақлаш деганидир. Исломиётда эса, савм, шартларига риоя қилган ҳолда Рамазон ойида ҳар куни уч нарсадан ўзини сақлаш, яъни ейиш, ичиш ва жимодан (жинсий алоқа) ўзини тийиш деганидир. **Рамазон ойи, осмонда янги ой - ҳилол кўрилиши билан бошланади. Тақвим бўйича ёки аввалдан ҳисоблаш билан бошланмайди.**

Тўртинчиси, қурби етган одамнинг умрида бир марта **ҳаж**

қилишидир. Йўл хавфсиз, ўзи соғлом бўлса, Маккаи муқаррама шаҳрига бориб-келгунча уйида қолган оиласи эҳтиёжини таъминлайдиган молидан ортиқ ҳажга етадиган пули бор одамнинг умрида бир марта ихром қилиб, **Қаъбаи муаззамани** тавоф қилиши ва Арафот майдонида туриши фарздир.

Бешинчиси, Аллоҳу таолонинг динини ёйишга, тарғиб қилишга жаҳд ва ғайрат қилиш, яъни **жиҳод қилишдир.** Жиҳодга тайёргарлик кўриш ибодат бўлиб, унга давлатлар иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан; олиму зиёлилар илму ирфон билан; халқ эса, тоат-ибодат ва дуо билан тайёрланади.

Муноқаҳот - (Ижтимоий ишларга жавоб беради) Уйланиш, ажрашиш, нафақа... каби қисмлари бор.

Муомалот - (Молиявий муносабатларга жавоб беради) Савдо-сотик, кира, ширкатлар, фоиз, мерос... каби қисмлари бор.

Уқубот - Жазолардан иборат бўлиб, асосан беш қисмга ажралади. Улар: қасос, сирқат (ўғирлик), зино, қазф (номусли аёлларга зино тухмати), риддат, яъни муртад бўлишга бериладиган жазолардир.

Ахлоқ

Исломият, инсонлардан чиройли хулқ-атвор билан безанишни, нафсни ёмон хулқлардан тарбиялашни, яхши ахлоққа эга бўлишни, ҳар томонлама ифбат-ҳаёли бўлишни талаб қилади. Мана шуларни ўргатадиган илмга **Тасаввуф** дейилади.

Бадан соғлигига тегишли билимларни тиббиёт илми ўргатганидек қалб, руҳ ва мизожнинг ёмон хулқлардан қутулиш йўлларини тасаввуф илми ўргатади. Бу илм, инсонни қалб касалликларининг белгиси бўлмиш ёмон қилиқлардан совутиб, Аллоҳ ризоси учун чиройли амал ва ибодатлар қилишини таъминлайди.

Исломият, аввал илм ўрганишни, кейин ўрганганлари бўйича иш ва ибодат қилишни ҳамда буларни Аллоҳу таолонинг розилиги учун адо этишни, қисқача **илм, амал ва ихлосни** буйиради. Одамнинг маънавий юксалиши, дунё ва охират саодатига эришишини агар бир тайёранинг парвозига ўхшатсак, иймон-ибодат унинг гавда ва моторига ўхшайди. Тасаввуф йўлида юриш эса, унинг қувват манбаи - ёқилғига ўхшайди. Мақсадга етиш учун аввал иймон-ибодат, яъни тайёрага эга бўлинади. Кейин уни ҳаракатга келтириш учун, қувват-ёқилғи, яъни тасаввуф йўлида юриш лозим бўлади.

Тасаввуфнинг икки ғояси бор. Биринчиси: иймоннинг

виждонийлашиши, яъни қалбга нақш қилиниб, шубҳалар таъсирида чайқалмаслигини таъминлашдир. Ақл билан, далил ва исбот билан кучайтирилган иймон ундай мустақкам бўла олмайди. Аллоҳу таоло, Қуръони каримнинг “Раъд” сураси, 28-ояти каримасида маолан бундай деган: **“Огоҳ бўлингизким, қалбларга иймоннинг сингиб жойлашиши фақатгина Аллоҳни зикр қилиш билан амалга ошади.”** Зикр - ҳар бир иш, ҳар бир ҳаракатда Аллоҳу таолони эсга олиш, Унинг розилигига сабаб бўлувчи амаллар қилишдир.

Тасаввуфнинг иккинчи ғояси: фикҳ илми орқали билдирилган ибодатларнинг орзиқиб, хоҳлаб бажо келтирилиши ва нафси амморадан вужудга келувчи ялқовлик, ёқтирмаслик, саркашликларни йўқотишдан иборатдир. Кишининг тоат-ибодатларни ўз хоҳиши билан, севиб адо этиши ва гуноҳлардан нафратланиб, узоқлашиши фақат тасаввуф илмини ўрганиб, шу йўлда юриш билан амалга ошади. Тасаввуфдан мақсад, ҳеч ким билмаганини билиб қўйиш, ғойибдан хабар бериш, нурлар, руҳлар ва чиройли тушлар кўриш эмас. Тасаввуф орқали қўлга киритиладиган маърифатлар, билимлар ва ҳолларга эришиш учун аввало иймонни тузатиш, Исломнинг амр ва тақиқларини ўрганиб, уларга риоя қилган ҳолда иш, ибодат қилиш керак. Агар ушбу уч нарса қилинмаса, тасаввуфнинг умуман фойдаси тегмайди. Яъни қалбнинг тасфияси (софланиши), ёмон хулқлардан тозаланиши, нафснинг тазкияси (покланиши), тарбияси мумкин бўлмайди.

Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлиш

Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлиш, Ул зотга эргашиш, йўлларида, изларида юриш демакдир. Ул ҳазратнинг йўли Қуръони карим кўрсатган йўлдир. Бу йўлга **Дини Ислом** дейилади. Пайғамбаримизга тобе бўлиш учун олдин иймон келтириш, мусулмонликни пухта ўрганиш, кейин фарзларни бажариб, ҳаромлардан тийилиш, суннатларни адо этиб, макруҳлардан қочиш лозим. Шулардан кейин мубоҳ ишларда ҳам Ул зотга эргашишга ҳаракат қилиш керак.

Иймон келтириш, Ул зотга тобе бўлишни бошлаш ва саодат эшигидан ичкарига қадам ташлаш демакдир. Аллоҳу таоло Ул ҳазратни бутун инсониятни саодатга даъват қилишлари учун дунёга юборган. “Сабаъ” сурасининг 28-ояти каримасида

маолан: “Эй севимли Пайғамбарим! Биз сизни шак-шубҳасиз дунёдаги бутун одамзотга абадий жаннат хушхабарини элтувчи ва шу саодат йўлини кўрсатишингиз учун юбор-япман” деб марҳамат қилинган.

Масалан, Ул зотга тобе бўлган одамнинг кун ўртасида бирпас ухлаши, Ул зотга тобе бўлмай бир неча кечани уйқусиз ибодат билан ўтказишидан афзалдир. Чунки “Қайлула” қилиш, яъни пешиндан олдин бирпас ётиб дам олиш, Ул ҳазратнинг одати шарифаларидан эди. Шунингдек, Ул зотнинг дини буюргани учун ҳайит куни рўза тутмай, еб-ичиш, ушбу динга кирмай, йиллаб рўза тутишдан афзалдир. Ул зот келтирган диннинг буйруғи бўйича камбағалга берилган закот, ўз хоҳиши билан тоғдек олтин садақа қилишдан минг марта ортиқ ва фазилатлидир.

Ҳазрати Умар, бир куни бомдод намозини ўқитгач жамоатга ўгирилиб, улар орасидан бир кишини учратолмагач, қаердалигини сўради. Саҳобалар унга, “У одам кечалари бомдодгача ибодат қилади. Балки ухлаб қолиб келолмагандир” дейишди. Шунда амир-ул-мўминин, “Кошки, бутун кеча ухлаб, бомдод намозини жамоат билан ўқиганда эди, яхшироқ бўларди” деб марҳамат қилди.

Исломга риоя қилмаган ҳолда кўп заҳматлар чекиб, мужоҳада қилган кишилар нафсларини тизгинлаб олсалар ҳам, уни Исломга мос қилмаганлари туфайли барча меҳнат ва уринишлари бекор кетади. Агар шу заҳматлари эвазига қандайдир ҳақ, фойда ҳосил бўлса, дунёдаги бир неча манфаатдан ўзга ҳеч нима қўлларига кирмайди. Ҳолбуки, бутун бошли дунё қанча аҳамиятга эгаки, унинг бирнеча манфаатининг аҳамияти бўлсин? Бундай одамлар, энг паст ишларда ишловчилар каби ҳаммадан кўп ишлаб, кўп чарчайди, лекин ҳаммадан кам ҳақ олади. Исломиятга тобе бўлганлар эса, латиф жавоҳир ва қимматбаҳо олмослар билан ишловчи заргарлар каби кам ишлаб, кўп фойда топади. Баъзан буларнинг бир соатлик ишлари, юзминглаб йилнинг даромадини ҳосил қилади. Чунки Исломиятга мос бўлган амал, Ҳақ таоло даргоҳида макбул бўлган, У рози бўладиган амалдир, бундай амални Ҳақ таоло жуда ёқтиради.

Айнан шундай эканлигини Ҳақ таоло ўз китобининг жуда кўп жойларида таъкидлаган. Масалан, “Ол-и Имрон” сурасининг 31-ояти каримасида маолан: “Эй ҳабибим! Уларга айтинг: Агар Аллоҳу таолони севсангиз ва Унинг сизларни севишини ҳам

хоҳласангиз менга тобе бўлинглар! Аллоҳу таоло менга тобе бўлганларни севади.” деб марҳамат қилинган.

Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлиш - **Аҳкоми исломияни** ёқтириб, ўз ихтиёри билан севиб бажо келтириш; Ул зотнинг буйирганларини, Исломият ҳурмат қилиб, баланд тутган нарсаларни, олимларни, солихларни улуғ деб билиб, ҳурмат қилиш; Ул ҳазратнинг динини ёйишга ғайрат қилишдир. Ва Ул зот олиб келган динга бўйсунгиси келмайдиган, ёқтирмайдиган ва писанд қилмайдиган кимсаларни паст деб санаш ҳам лозим.

Исломиятга тўғри келмайдиган иш, сўз ё амалларнинг ҳеч қайсисини Ҳақ таоло ёқтирмайди ва севмайди. Хуш кўрилмаган, севилмаган нарсага ҳечам савоб бериладими? Аксинча бундай қилиқлар жазога сабаб бўлади.

Икки жаҳон саодатига эришиш, фақат дунё ва охират сарвари бўлиш Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлишга боғлиқдир. Ул зотга тобе бўла олиш учун иймон келтириш ва Аҳкоми Исломияни ўрганиб, тўла-тўқис бажо келтириш лозим.

Охиратда дўзахдан омон қолиш, фақат Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлганларга хос. Дунёда қилинган барча яхшиликлар, барча кашфлар, бутун ҳоллар ва илмлар, фақат Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) жанобимизнинг йўлларида бўлиш шарти билан охиратда фойда бера олади. Йўқса, Аллоҳу таолонинг севиқли пайғамбарига бўйсунмаганлар қилган ҳар қандай яхшилик дунёда қолади ва охиратларининг ҳароб бўлишига олиб келади. Яъни буларнинг яхшиликлари, дунёда яхшилик бўлиб кўринувчи, аслида истидрождан ўзга нарса эмас.

Муҳаммад алайҳиссаломга тўлиқ ва камчиликсиз тобе бўла олиш учун Ул зотни тўлиқ ва камчиликсиз севиш лозим. Мукамал севгининг аломати, Ул ҳазратнинг душманларидан узоқ туриш, Ул зотни ёқтирмаганларни севмаслиқдир. Чунки муҳаббатга бевафолик ярашмайди. Одатда ошиқлар, машуқаларининг девонаси бўлиб, айтганларидан бир зум чикмайди. Қарши чикувчилар билан асло бир сафда турмайди. Бир-бирига қарама-қарши икки нарсанинг муҳаббати бир қалбда жам бўла олмайди, яъни жами зиддайн маҳолдир.

Бу дунё неъматлари ўтқинчи ва алдовчидир. Бугун бизники бўлган нарсалар, шубҳасиз эртага бегонаникига айланади. Охиратда бизники бўладиган нарсалар эса, абадий ва чексиз

бўлиб, барчаси дунёда қўлга киритилади. Шу бир неча кунлик ҳаёт, агар икки жаҳоннинг энг улуғ инсони Муҳаммад алайҳиссаломга тобе бўлган ҳолда ўтказилса, саодати абадия, чексиз нажот ва қутилиш умид қилинади. Акс ҳолда, Ул зотга тобе бўлмагунча бутун жаҳон ҳеч вақодир. Ул ҳазратга эргашилмагунча ҳар қандай хайр-ҳасанот, эзгу-яхши ишлар дунёда қолиб, охиратга заррача нафи тегмайди.

Пайғамбарга эргашишнинг, бўйсунушнинг атиги бир зарраси, бутун дунё неъматлари-ю охират саодатларидан ҳам қатма-қат устундир. Одамийлик мазияти ва шарафи Ул зотга тобе бўлишдадир.

Расулulloҳга тобе бўлиш учун мусулмонларнинг аҳли суннатнинг тўрт ҳақ мазҳабидан бирида бўлишлари асосий шартдир. Пайғамбаримизга иймон келтириб, олиб келган таълимотларини сидқи дилдан ҳақ деб билиш, Ул ҳазратни севиб, итоат қилиш, насиҳатларини бажонидил қабул қилиш, зотларини ҳурмат ва улуғлаш фарздир. Бу борада Аллоҳу таоло Қуръони каримда маолан:

“Бас, у ҳолда Аллоҳу таолога ва Унинг уммий набийси бўлмиш Расулига иймон келтиринглар. Унга тобе бўлинглар – шояд ҳидоят топгайсиз”.⁵⁴⁷

“Кимки, Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига иймон келтирмаса, муҳаққақ (билсин)ки, биз у кофирларга даҳшатли дўзахни тайёрлаб қўйганмиз”⁵⁴⁸ деб буюрган.

Расулulloҳ жанобимиз ҳам марҳамат қилганларки: ”Аллоҳу таолодан бошқа илоҳ йўқлигига шаҳодат қилиб, менга ва олиб келганларимга иймон келтирмагунча одамлар (кофирлар) билан ҳарб қилишим буйрилди. Улар буларни қилсалар, мусулмонлик ҳақининг жазолари мустасно, моллари ва жонларини мenden ҳимоялаган бўладилар. (Ичларида яшириб қолган хусусларнинг) ҳисобини эса, Яратганининг ўзи сўрайди.”

“Ким менга итоат қилса, Аллоҳу таолога итоат қилган бўлади. Ким менга исён қилса, Аллоҳу таолога исён қилган бўлади. Буйруғимга итоат қилган, менга итоат қилган бўлади, буйруғимга қарши чиқан одам менга исён қилган бўлади.”

547 Аъроф сураси, 7/158.

548 Фатҳ сураси, 13/48.

“Тасаввур қилинги, бир киши (одамларга бир мукамал зиёфат бериш ниятида) бир уй қурдириб, дастурхонга тортиш учун мазали, хилма-хил таомлар тайёрлаган, одамларни зиёфатга чақиритишни биттасига тайинлаган. Шу вазифадор одамларни зиёфатга чақирди. Таклифни қабул қилган киши уйга кириб, таомлардан хоҳлаганча ейди. Лекин таклифни қабул қилмаган одам эса, уйга кира олмайди ва таомлардан ея олмайди. Менга итоат қилиб, олиб келган динимга бўйсунган киши билан менга исён қилиб, келтирган динимни ёлғонга чиқарган кишининг аҳволи ҳам шу уйга даъватни қабул қилган ва қилмаган одамнинг аҳволига ўхшайди. Уй, (Расулulloҳнинг даъватларига ижобат қилган муттақийларга атаб тайёрланган) жаннатдир. (Аллоҳу таолога ва Унинг неъматлари билан тўлиб-тошган жаннатга) даъват қилувчи Муҳаммадир (алайҳиссалом). Кимки, Муҳаммадга (алайҳиссалом) исён қилса, у Аллоҳу таолога исён қилган бўлади. Муҳаммад (алайҳиссалом), одамлар орасини, ул зотни ҳақ деб тасдиқлаган мўминлар ва ул зотни ёлғончига чиқарган кофирлар тариқасида ажрим қилувчидир.”

“Менинг суннатимга ва мендан кейин Хулафои рошидиннинг (тўрт халифа) суннатларига чамбарчас боғланинлар. Унга бор кучларинг-ла изчиллик билан амал қилинлар. (Динда) кейинчалик пайдо қилинган (Қуръони каримда, суннатда, ижмои умматда ва қиёси фуқаҳода бўлмаган) нарсалардан қочинлар. Чунки (динда) кейинчалик пайдо қилинган ҳар бир иш бидъатдир. Ҳар бидъат йўлдан оғиш, адашишдир”.⁵⁴⁹

Анас бин Моликнинг Расулulloҳга тобе бўлиш ҳақида ривоят қилган ҳадиси шарифда, пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қиладиларки: “Ким, менинг суннатимни ихё қилса (амал қилиш орқали ҳаётга татбиқ қилса), мени ихё қилган (шонимни баланд кўтарган, амримни овоза қилган) бўлади. Мени ихё қилган одам, жаннатда мен билан бирга бўлади.”

Пайғамбаримиз, Билол бин Хорисга марҳамат қилдиларки: “Бир одам Исломда суннати ҳасана (яхши одат) чиқарса, шунинг савобига ва шуни қилганларнинг савобларига эришади. Бир кимса, Исломда бирон суннати саййияга

⁵⁴⁹ Ибни Можжа, “Муқаддима”, 6-б.; Доримий, “Муқаддима”, 16-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 126-б.; Ҳаким, “ал-Мустадрок”, I, 174-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 422-б.

(ёмон одатга) йўл очса, шунинг гуноҳи ва шуни давом эттирганларнинг гуноҳлари зиммасига ёзилади.”⁵⁵⁰

Умар бин Абдулазиз ҳазратлари айтдилар: ”Расулulloҳ жанобимиз жуда чиройли бир йўл очдилар. Ул зотдан кейин халифалари ҳам йўллар очишди. Расулulloҳнинг суннати ва У зотдан кейин халифаларининг суннатлари билан амал қилиш, Аллоҳу таолонинг китобига мос ҳаракат қилиш бўлади. Аллоҳу таолога ва муҳтарам пайғамбаримизга итоат қилиш, Аллоҳнинг динини қувватлаш демакдир. Исломиятни ҳеч кимнинг бузишга ва ўзгартиришга ҳақи йўқ. Суннатга муҳолифат қилган кимсаларнинг сўзларига амал қилиш жоиз эмас.

Пайғамбаримиз ва Асҳоби киромнинг суннатларига амал қилганлар, ҳидоятга эришибди. Улардан ким ёрдам сўраса, ёрдам олибди. Кимда ким, суннати шарифларга муҳолифат қилиб, уларга амал қилмаса, мусулмонлар юрган йўлдан бошқа йўлга тушибди. Аллоҳу таоло ундай одамни ёмон аммалар қилдириб, жаҳаннамга ташлайди. Жаҳаннам энг ёмон жойдир.”

Аҳмад бин Ханбал ҳазратлари айтдиларки: “Бир куни бир жамоат орасида эдим. Улар уст-бошларини ечиб, ярим яланғоч сувга тушди. Мен эса, **“Ким Аллоҳу таолога ва охират кунига иймон келтирган бўлса, ҳамомга** (аврат, уят жойларини ёпмасдан) **кирмасин**” деган ҳадиси шарифга амал қилиб ечинмадим. Ўша туни тушимда бир киши, “Эй Аҳмад! Сенга муждалар бўлсин! Зеро Аллоҳу таоло, Расулulloҳнинг суннатига амал қилганинг учун сени мағфират қилди. Сени имом қилди. Инсонлар сенга тобе бўладилар” деди. “Сиз кимсиз?” деб сўрагандим, “Жаброилман” деди.”

Одам ҳар бир ишида Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам)га тобе бўлмаса, мўмин бўлолмайди. Ул ҳазратни ўз жонидан ҳам ортиқ севмаса, иймони комил бўлмайди. Ул зот жами инсонлар ва жинларнинг пайғамбаридирлар.

Ҳар бир асрда яшайдиган ҳар бир миллатнинг Ул зотга тобе бўлиши вожибдир. Ҳар бир мўминнинг, Ул ҳазратнинг динига ёрдам бериши, Ул зотнинг ахлоқлари билан ахлоқланиши, муборак исмларини кўп тилга олиши, исмларини тилга олганда ва эшитганда ҳурмат ва муҳаббат билан салоту салом (сплавот) айтиши, муборак жомолларини кўришга ошиқ бўлиши, олиб келган Қуръони каримни, динини севиб, ҳурмат қилиши лозим.

⁵⁵⁰ Ибни Можа, “Муқаддима”, 36-б.; Доримий, “Муқаддима”, 44-б.; Аҳмад бин Ханбал, “ал-Муснад”, IV, 361-б.; Табароний, “ал-Муъжамул-кабир”, II, 315-б.; Байҳақий, “ас-Сунан”, II, 136-б.

